«Тарихий мерос»

МУНИС ВА ОГАҲИЙ

ФИРДАВС УЛ-ИҚБОЛ
(БАХТУ САОДАТ ЖАННАТИ)

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2010

УДК: 94(575)(093)
ББК 63.3(5Ўзб) 44.6
М – 87
Мунис ва Огоҳий. Фирдавс ул-иқбол. –Т.: «Янги аср авлоди», 2010. 520 б.

«Тарихий мерос» рукнидаги навбатдаги муҳим манба Хоразм тарихнавислик мактабининг намояндалари Мунис ва Огаҳий қаламига мансуб «Фирдавс ул-иқбол» асарининг Юрий Брегел томонидан 1988 йилда араб ёзувида нашр қилинган нусхасининг табдилидан иборат. Мазкур асар Марказий Осиёнинг ўрта асрлар даври ҳамда Хива хонлигининг XVII-XIX асрлар тарихини ёритишда беқиёс илмий ва манбашунослик аҳамиятига эга.

Китоб барча манбашунослар, тарихчилар, Ўрта Осиё, хусусан, Хоразм тарихи ва маданияти билан қизиққан китобхонлар учун мўлжалланган.

ББК 63.3(5Ўзб) 44.6

Араб ёзувидан табдил этган, кириш ва изоҳлар муаллифлари
Шодмон ВОҲИДОВ, Исмоил БЕКЧАНОВ ва Неъматжон ПОЛВОНОВ

Кўрсаткичларни
Ш.Т.ПОЛВОНОВА ва Ж.Н.ПОЛВОНОВ тузган

Тақризчилар:
Нурбой ЖАББОРОВ, филология фанлари доктори
Баҳодир ЭШОВ, тарих фанлари доктори
Бобур АМИНОВ, тарих фанлари номзоди

Масъул муҳаррир ва туркум муаллифи:
Шодмон ВОҲИДОВ

ISBN 978-9943-08-663-0

Оқил чин сўздин ўзгани демас,
Аммо барча чинни ҳам демак – оқил иши эмас.
Алишер Навоий

ХОРАЗМ ТАРИХНАВИСЛИГИ ВА «ФИРДАВС УЛ-ИҚБОЛ» АСАРИ ҲАҚИДА

Маълумки, мўғуллар давридан бошлаб Хоразмда адабий турк тили шакллана бошлади. Ўзбеклар ҳукмронлиги даврида эса Ўрта Осиё давлатларидан фақат Хоразмда барча давлат ишлари ва адабий жараён турк-ўзбек тилида олиб борилган. Бунга Хоразм тарихнавислиги ёки солноманавислиги яққол мисол бўла олади. Хоразм давлатида барча тарихий асарлар турк тилида олиб борилган бир вақтда Бухорода барча ижод намуналари форс-тожик тилида эди. Қўқон хонлигида ҳам асосий манбалар форс-тожик тилида, баъзи асарлар эса турк-ўзбек тилида яратилгани маълум.

Ўрта Осиёда ҳукм сурган Шайбонийлар, уларнинг тарихи ва даврига атаб ёзилган тарихий асарлар Темур ва темурийлар даврига нисбатан анча кам етиб келган. Хоразмлик муаллиф томонидан туркий тилда Хивада яратилган Шайбонийлар даврига доир илк асарлардан бири «Чингизнома»дир.

«Чингизнома» асарининг бугунги кунда ягона нусхаси Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги ШИ № 1552/V рақами остида сақланади[1]. Муаллифи Ўтамиш ҳожи ибн мавлоно Муҳаммаддўст бўлиб, асарда у отасини «Муҳаммад Дўсти ҳазрати султон» деб ҳам танитган. У зодагонлар оиласига мансуб киши бўлиб, Хоразм хонлигининг асосчиларидан бири Элбарсхон (1512-1525) хизматида бўлган. Аждодлари эса XV асрнинг 80-йилларида Сирдарё қуйи оқимида улуси бўлган шайбонийлардан Ёдгорхон ибн Шайбонийхон хизматида эканлар. Ўтамиш ҳожи эса Элбарс саройида мунший ёки котиб вазифасида хизмат қилгани тахмин қилинади[2]. Асарини у Шайбоний Эш Султон (965/1558 йили ўлдирилган) буюртмаси билан XVI асрнинг ўрталарида ёзган.

«Тарихи Ўтамиш ҳожи ибн мавлоно Муҳаммад Дўсти султон» – «Чингизнома» ҳақида бирламчи маълумотларни Е.Ф. Каль[3], В.В. Бартольд[4], А.З. Валидов[5] берганлар. Кейинчалик қозоғистонлик машҳур олим В.П. Юдин мазкур манба асосида бир нечта мақолалар эълон қилиб, асарни рус тилига таржима қилиб, унинг табдилини ва матнига текстологик изоҳлар билан берган. Нашр муҳаррири академик Б. Аҳмедов ҳам унга кириш сўз ёзган ва асар, унинг муаллифи ҳамда тадқиқотчисига юқори баҳо берган. Бугунги кунга қадар мазкур нашр манбашуносликнинг ёрқин намунаси сифатида хизмат қилади. В.П. Юдин «Чингизнома» маълумотларини тадқиқот доирасига тортиб, унинг Дашти Қипчоқ, Олтин

---

[1] Асарнинг ўзбек тилидаги нашри: Ўтамиш Ҳожи ибн Муҳаммад Дўстий. Ўтамиш ҳожи тарихи./ Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Ғулом Каримов. Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 48.

[2] Қаранг: Утемиш-хаджи. Чингиз-наме. / Факсимиле, перевод, транцкрипция, текстологические примечания, исследование В.П. Юдина. Подготовила к изданию Ю.Г. Баранова. Комментарии и указатели М.Х. Абусаитовой. Алма-Ата, 1992.

[3] Каль Е.Ф. Персидские, арабские и тюркские рукописи Туркестанской публичной библиотеки. Ташкент, 1889. – С. 52.

[4] Бартольд В.В. Отчет о командировке в Туркестан (летом 1902). // Сочинение, т. VIII. М., 1973. – С. 119-210.

[5] Валидов А.З. Восточные рукописи в Ферганской области // ЗВОРАО. Т.22. Ч. 2. 1915. – С. 320.

Ўрда, умуман Қозоғистон тарихига доир барча маълумотларидан фойдаланган[6]. Бироқ айтиш лозимки, асарнинг тили, муаллифнинг тарихнавислик усули ва тарихнавислик билан манбашунослик йўналишидаги маълумотлари тадқиқ доирасига ҳалигача тортилмаган.

Хоразмда чиғатой-турк тилида яратилган биринчи тарихий асарлардан Ўтамиш ҳожининг «Чингизнома» асари эканини юқорида таъкидлаган эдик. Лекин унинг нусхалари Хоразмда тарқалмаганидан, унинг мавжудлигидан ҳатто Абулғозий Баҳодирхон хабарсиз бўлган. Аниқроғи бу асар Хоразмда унча маълум бўлмагани аниқ фактдир. Ундан яна бир нусхаси Закий Валидий Тўғон кутубхонасида бўлганини Ю. Брегель таъкидлаб ўтган[7].

Хоразм тарихнавислик мактабига Абулғозий Баҳодирхон ўзининг «Шажара»лари билан асос солгани ҳам илмда асосланган. Абулғозихондан икки тарихий асар қолган. Биттаси «Шажарайи тарокима» (1658 - 1661 йиллар орасида ёзилган деб тахмин қилинади) аталиб, туркий қабилаларнинг, хусусан, туркман қабилаларининг келиб чиқиши ҳақида қимматли маълумот беради. «Шажарайи тарокима», Абулғозихоннинг ўз сўзларига қараганда, туркман муллалари, шайхлари ва бекларинииг илтимоси билан ёзилган. Ушбу асарнинг танқидий матни, русча таржимаси, катта илмий тадқиқот билан бирга, 1958 йили академик А. Н. Кононов (1906 - 1986) тарафидан Санкт-Петербургда чоп этилган[8]. Мазкур асарнинг дунё хазиналаридаги еттита нусхаси бизга маълум. Улардан иккитаси Россияда[9] ва қолган бешта нусхаси Тошкентдаги Абу Райҳон Беруний номидаги ШИда сақланади. Улар турли вақтларда кўчирилган бўлиб, фақат иккитасида котибларнинг номи ёзилган. Булардан бири Мирзо Амон ибн Эсон Хузорий бўлиб, нусхани ражаб ойи 1341 / 17 феврал-19 март 1923 йили Бухорода кўчирган (нусха рақами 1223). Иккинчи котиб Муҳаммадшарифхўжа Муҳаммад ўғли Мулло Бекжон Раҳмон ўғли илтимоси билан раби ал-аввал 1344/19 сентябр-19 октябр 1925 йили кўчиргани маълум бўлади (№ 1807)[10].

Абулғозихоннинг иккинчи асари «Шажарайи турк» номи билан машҳур. Мазкур асарнинг асосий қисми 1663-1664 йилларда ёзилган. Унда Хоразмнинг XVI - XVII асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий тарихи баён этилади»[11]. Шажарайи турк»нинг ёзилиш сабаблари ҳақида муаллифнинг ўзи шун-

---

[6] Юдин В.П. Орды Белая, Синяя, Серая, Золотая...// Казахстан, Средняя Азия и Центральная Азия в XVI-XVIII вв. Алма-Ата, 1983. – С. 106-165; Шу муаллиф. Переход власти к племенным биям и неизвестной династии Тукатимуридов в казахских степях в XIV в. (К проблеме восточных письменных источников, степной устной историографии и предистории казахского ханства). / Утемиш-хаджи. Чингиз-наме. Факсимиле, перевод, транцкрипция, текстологические примечания, исследование В.П. Юдина. Подготовила к изданию Ю.Г. Баранова. Комментарии и указатели М.Х. Абусаитовой. Алма-Ата, 1992. – С. 57-75; Шу муаллиф. Неизвестная версия гибели Урусхана (из полтической истории восточного Дашт-и кыпчака XIV в.)./ Ўша жойда. – С. 76-82 ва б. Шу муаллиф.. Центральная Азия в XIV-XVIII веках глазами востоковеда. Алмати: Дайк-Пресс. 2001. – 384 с.

[7] Shir Muhmmad Mirab Munis and Myhmmad Riza Agahi. Firdavs al-iqbal: History of Khorezm / Edited by Yuri Bregel. T.J.Brill. – Leiden–New York–Kobenhavn–Koln, 1988. – P. XIII (Introduction).

[8] Қаранг: Самойлович А.Н. Одни из списков «Родословного древа туркменского» Абульгази-хана // ДАН-В. 1927. – С. 39-42; Кононов Л. П. Родословная туркмен, сочинение Абу-л-Гази хана хивинского. М.-Л., 1958. – С. 20-27; Собрание, I, 72, №171; Каль Е. Персидские, арабские и тюркские рукописи Туркестанской Публичной библиотеки. Т.,1889. – С. 52. – № 801. (г); Туманский А.Г. Абуль-Гази-Бохадур-хан, Родословная туркмен, Асхабад, 1897 (по Ташкентской рукописи); Самойлович А.Н. По поводу издания Н. П. Остроумовым «Светоч ислама» // ЗВОРАО, XVIII. – С. 2-4; Бартольд В.В. Очерк истории туркменского народа. // Туркмения. Л., 1929. – С. 36. – Сочинения. Т. II. Ч.1. – С. 584-594; МИТТ. II. – С. 28-38; Шажарйи Тарокима. Истанбул. 1937; Кононов А.Н. Родословная туркмен (текст, перевод, комментарии и исследование). М. - Л., 1958.

[9] Россиядаги нусхалари тавсифига қаранг: Дмитриева Л.В., Мугинов А.М., Муратов С.Н. Описание тюркских рукописей Института Народов Азии. I. История. / Род ред. А.Н. Кононова. М.:Наука. 1965. – С. 92-94.

[10] Ушбу нусхаларнинг бошқа кодикологик тавсифи ҳақида қаранг: Собрание восточных Рукописей АН Республики Узбекистан (СВР). История. / Составители: Д.Ю. Юсупова, Р.П. Джалилова. Т.: Фан, 1988. – С, 152-154.

[11] Абулғозийнинг ушбу асаридан 11 нусхаси Тошкентда (Ўз ФА ШИ) ва олтита нусхаси Санкт-Петербургда сақланади. Қаралсин: СВР. История. – С. 154-155; Ахмедов Б. Историко-географическая литература. – С. 72-78; Шу муаллиф.Тарихдан сабоқлар. – Б. 217-223; Дмитриева Л.В., Мугинов А.М., Муратов С.Н. Описание тюркских рукописей Инстиута Народов Азии. I. История. – С. 93-94; Яна қаранг: Лекции И.Н. Березина, записанные студентом В. Игнатьевым в 1866 г., 4-я лекция. / Архив востоковедов ЛО ИНА АН СССР, разряд III, опись 1. – № 31. В «Ученых записках ИВ АН СССР». VI, 1953. – С. 41 ва кейингилари (№29); Яна асарнинг бошқа нусхалари ҳақида қаранг: Rieu Ch. Catalogue of rhe Turkish Manuscripts in the British Muzeum. London. 1888. 282a; Pertsch W. Die Handschriften-Verzaeichnisse der kuniglichen Bibliothek

дай деган: «Аммо ...бизнинг жамоатимизнинг Абдуллоҳхоннинг оталари бирлан бизнинг оталаримизнинг айрилган еридин то бизга келгунча тарихларини битмай эрдилар. Бу тарихни бир кишига таклиф қилали деб фикр қилдуқ. Ҳеч муносиб киши топмадуқ. Зарур бўлди. Ул сабабдин ўзимиз айтдуқ»[12].

XVIII аср давомида Хоразм заминида марказий ҳокимият заифлигидан, ўзбек уруғ ва қабилаларининг ўзаро ички низолари ҳамда урушлари мамлакатни анархия ҳолатига олиб келган эди. Бу вазият эса маҳаллий тарихни ёритиш учун имкон бермагани аниқ. Шундай бўлса ҳам, Мунис Шерғози хон даврида (1126-1140/1714-1727) Мавлоно Саййид Муҳаммад охунд томонидан ёзилган «Гулшани иқбол» (Иқбол/бахт гулшани) асарини тилга олади ва бу асар йўқолиб кетган, дейди[13]. Бу асар ҳам чиғатой тилида ёзилганини Ю. Брегель тахмин қилади[14].

XVIII асрнинг охирларига келиб вазият анча ўзгаради. Қўнғирот сулоласидан чиққан иноқлар ва хонлар (XIX асрнинг бошларидан) ҳамда ўзбекларнинг гегемон қабилаларининг бий ва беклари аста-секинлик билан ўтроқлашув жараёнига тортилдилар. Улар ўзларининг олдинги аждодларидан фарқли равишда тарихга алоҳида аҳамият берадиган бўлдилар. Улар қўлга киритилган мавқе ва мақомларини энди легитимациялаш (қонунийлаштириш) воситаларини қидириб, унинг энг қулайи тарихнавислик эканини тушундилар. Бу эса Хоразмдаги маданий ҳаётнинг жонланиши, янги куч ва манфаатларнинг кенг ҳудудларда илдиз отиб, уни мустаҳкамлашидан дарак берарди.

XIX асрда ҳам Хоразмда чиғатой тилида ижод қилаётган шоир ва мутафаккирлар кўпчиликни ташкил қилган. Қўнғирот сулоласининг расмий тарихчиларидан бири Мунис эди. Унинг тўлиқ исми Шермуҳаммад мироб ибн амир Авазбий ибн Эшимбий Мироб ибн Ҳасанқули атолиқ ибн Ораз Муҳаммад бакавул ибн Давлатбий ибн Керай бий ибн Муҳаммаджон сўфи бий юз[15] бўлиб, ўз сўзларига қараганда «Ит йилидан кейин келган Қўй йилида, Наврўз куни, пайшанба тонгида» оламга келган экан. Мунис асарида келтирилган барча маълумотлар шуни кўрсатадики, у 19 сафар (пайшанба куни шу кунга тўғри келади) 1192/19 март 1778 йили Хивадаги Қиёт қишлоғида туғилган. Мунис ўзбекларнинг юз қабиласига мансуб экани унинг шажарасидан маълум. Унинг аждодларидан бири Жиян бий Анушахон даврида (1074-1098/1663-1687) мироблик амали ёки мансабига лойиқ бўлган. Кейинчалик унинг авлодлари ҳам шу унвонга сазовор бўлгани маълум. Ҳатто Муниснинг акаси Муҳаммадниёз ҳам отаси Иваз/Аваз Миробдан сўнг 1221/1800 йили мироблик унвонига кўтарилган[16]. Мунис асарида биз унинг бошқа аждодлари қаторида онаси тарафидан бўлган қариндошларини ҳам тилга олганини билишимиз мумкин. Унинг онаси найманлардан бўлиб, Хўжайлида яшаган экан[17].

Мунис ўз устозларидан Саййид Эшонхўжа (у Хивада Мунис билан қўшни ҳам бўлган[18]) ва Саййид Музаффархўжа мутаваллийни тилга олади[19]. Бундан Мунисниг яхши таълим олиб, форс ва араб тилларини ўргангани, шеър ва тарихнависликка лаёқатли бўлиб тарбия олганини билиш мумкин[20]. Мунис биринчи шеърини, яъни «Фирдавс ул-иқбол»га киритилган маснавийсини 1216/1802 йили Аваз иноқ даврида ёзган[21]. Мунисниг биринчи девони эса 1219/1804 йили «Мунис ул-ушшоқ» номи билан тузил-

---

zu Berlin. Bd.VI. Verzeichniss der tьrkischen Handschriften, Berlin. 1889. B. 228. №204; Blochet E. Catalogue des manuscrits turcs de la bibliothique Nationale de Paris. T. I. Paris. 1932. 232. №141; Таржималари: Desmaisons P. Aboul-Ghbzi Bиhbdour-Khan. Histoire de Mogols et de Tatares..., St.-Pbg. I, 1871 (матни). II. 1874 (таржима); Абулгази. Шаджарайи турк. Перевод Тредъяковского. (Казань) 1770; Родословное древо тюрков. Сочинение Абуль-Гази хана хивинского. Перевод и предисловие Г.С. Саблукова. Казань, 1906.

[12] Абулғозий. Шажарайи турк. Т.: Чўлпон,1992. – Б.11.

[13] Қаранг: Eckmann J. Die tschagataische Literetur. // Philalogiae Turcicae Fundamenta, vol.II. Wisbaden, 1964. – P. 385,387.

[14] Shir Muhammad Mirab Munis and Myhammad Riza Agahi. Firdavs al-iqbal: History of Khorezm. – P. XIV. (Introduction).

[15] Мунис. Фирдавс ул-иқбол. (Брегель нашри). – Б. 166.

[16] Ўша жойда.

[17] Ўша жойда. – Б. 271.

[18] Ўша жойда. – Б. 76.

[19] Уларнинг номлари Мунисниг шеърий мероси ичида келган. Қаранг: Мунис. Фирдавс ул-иқбол. – Б. 163, 204, 381.

[20] Ўша жойда. – Б. 3. Яна қаранг: Муниров Қ. Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари. – Тошкент: Фан. 1960. – Б. 19.

[21] Ўша жойда. – Б. 163. Саййид Музаффархўжага битилган тарих.

гани маълум[22]. Мунис жуда вақтли сарой хизматига жалб қилинади ва у аввал хонзода Муҳаммад Раҳимбек хизматида бўлган. Отасига ўхшаб мироб сифатида хон ва хонзоданинг ҳарбий юришлари ва овларида ҳамроҳлик қилган. Бироқ сарой хизмати ва валиаҳдга яқинлиги унинг ва оиласининг моддий аҳволини яхшилашга олиб келмаган. Юқори табақаларга яқин бўлишига қарамасдан бу ижодкор анча моддий қийинчилик кўргани ҳам маълум. У уйланиши вақтида бой дўстларидан беш-ўн танга қарз олмоқчи бўлади. Лекин улар Мунисга бир қора пул ҳам беришмади. Охир у Муҳаммад Раҳимбекдан 100 ашрафий қарз олади. Мунис бу қарздан тезроқ қутулишини Худодан сўраб мурожаат қилганини асарида келтиради[23].

Мунис «Фирдавс ул-иқбол» асарини Элтузархон буйруғи асосида ёзар экан, ўз навбатида Муҳаммад Раҳимга ҳам надим бўлиб ундан ҳам моддий ёрдам ва ҳақ олиб турган, шу билан оиласини боқиб умргузаронлик қилган.

16 жумода ал-аввал 1221/1 август 1806 йили Мунис акаси Муҳаммадниёз мироб ҳалокатидан сўнг (у хон Элтузар билан бирга сувга чўккан эди) мироблик мансабига кўтарилди. Бу мансабга Мунисни 20 раби ассоний 1221/8 июл 1806 йили тахтга кўтарилган янги хон Муҳаммад Раҳим тайинлаган эди[24]. Мунис вафотигача шу мансабда бўлиб, қолган 32 ўзбек қабилаларидан тайинланган амалдорлар билан хон ҳузурида бўлган. Аслида мироб – сув ва суғориш тизимини назорат этувчи амалдор сифатида фаолият кўрсатиши лозим эди. Бироқ Мунис маълумотларига қараганда, Хоразмда мироб кўпинча хон юришлари ва овларида доим унга ҳамроҳлик қилиб юрган аҳли узангилардан бирига айлангани маълум[25].

Мунис ўз замонасида жуда ҳам истеъдодли шахслардан эди. Буни унинг атрофидагилари ҳам тан олган. 1220/1805 йили ўрталарида Элтузар унга ўз сулоласи тарихини ёзишни буюради. Мунис ўзининг тарихий асарини «Фирдавс ул-иқбол» (Бахту саодат жаннати) деб номлади. Элтузар вафотидан сўнг у ёзишни тўхтатади ва Муҳаммад Раҳимхон I буйруғи билан уни яна давом эттиради. Кейинги танаффус 1234/1819 йил ўрталарида бошланди. Бунга сабаб, Муҳаммад Раҳим I Мунисга Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» асарини ўзбек тилига таржима қилишни буюради. Мунис мазкур асарнинг биринчи дафтарини, иккинчи дафтарининг бир қисмини Бадр урушигача таржима қилишга улгурди. 1240/1825 йилда Муҳаммад Раҳим I вафот этади. Янги хон Оллоҳқули ҳам унга таржимани тугатишни буюради. Мунис таржимонликка шундай берилиб кетадики, «Фирдавс ул-иқбол» асарини давом эттиришга улгурмайди (асардаги воқеалар 21 сафар 1227/6 март 1812 йилгача берилганди, холос).

Ҳижрий 1244 йилининг охирлари/1829 йили июнида Мунис безгак эпидемияси натижасида вафот этади. У Оллоҳқули қўшини билан Хуросон юрушида қатнашиб ундан қайтаётганда Лутфобод шаҳри яқинида шу касалликка чалинди ва йўлда ҳалок бўлди. Шунинг учун ҳам «Равзат ус-сафо» асарининг таржимаси ва «Фирдавс ул-иқбол» асарини ҳам ўзи тугата олмай қолди. Мунис ишларини унинг шогирди ва жияни (укасининг ўғли) Огаҳий – Муҳаммадризо ибн Эрниёз бек (1809-1874) давом эттиради. Огаҳий шанба куни 10 зу-л-қаъда 1224/ 17 декабр 1809 йили дунёга келганди. Бу ҳақда Мунисннинг ўзи Хўжайлида хаста бўлиб ётганида жияни Муҳаммадризо туғилганини хабар берган[26].

Мунис таржимон сифатида самарали ижод қилган олимдир. У форс тилидан ўзбек тилига биринчилардан бўлиб асарларни таржима қилиб, Хоразмда таржимонлик мактабига асос солди. Унинг ишларини Огаҳий давом эттириб, бу мактаб савиясини янада юқорига кўтариб, энг сермаҳсул ижод қилган таржимонга ҳам айланди. Огаҳий жами 20 га яқин асарларни форс тилидан таржима қилган. Улар орасида шарқ мутафаккирлари, олим ва адибларининг машҳур асарлари мавжуд[27].

---

[22] Муниров Қ. Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари. – Б. 17. Бу ҳақида Ю. Брегель, Ҳ. Ф.Хофман ва Дж. Экманн ҳам маълумот берадилар.

[23] Shir Muhammad Mirab Munis and Myhammad Riza Agahi. Firdavs al-iqbal: History of Khorezm. – P. XVIII. (Introduction).

[24] Ўша жойда. – Б. 243, 251(матни).

[25] Ўша жойда. – Б. 333,336, 368.

[26] Ўша жойда. – Б. 271.

[27]Муфассал қаранг: Эркинов А., Полвонов Н., Аминов Ҳ. Муҳаммад Раҳимхон II – Феруз кутубхонаси феҳристи.-Т.: Янги аср авлоди, 2010; Матякубова М. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошларида Хива хонлигида китобат ва кутубхона тарихи. Тарих фан. ном. автореф. – Т: ЎзМУ, 2008. – 34 б. Унинг диссертацияси иловасида Хивада ёзилган, кўчирилган, таржима қилинган, чоп этилган асарларнинг рўйхати берилган – муаллифлар.

«Фирдавс ул-иқбол» асарининг муқаддимасида Мунис Элтузарнинг отасидан сўнг 1218 йили 26 зу-л-қаъда ойи/1804 йили мартида иноқ бўлгани ва тез орада 23 шаъбон 1219 (26 ноябр 1804) қўғирчоқ чингизий хонни тахтдан тушириб, ўзи хон маснадига ўтир ганини ёзади[28].

Шундай қилиб, Шермуҳаммад Муниснинг тарихий асари «Фирдавс ул-иқбол» қадим замонлардан бошлаб, 1825 йилгача Хоразмда содир бўлган тарихий воқеаларни ўз ичига олади. Мунис бу асарини Шарқ тарихчиларининг анъанасига мувофиқ ҳамд ва наът билан бошлаган. Сўнгра ўз ҳаёти ва асарнинг ёзилиш тарихи ҳақида қисқача маълумот бериб, бевосита Хоразм тарихини ёзишга киришган. Бу асар муқаддима, беш боб ва хотимадан иборат. Аммо Мунис бу асарини ёзиб тамомлай олмаган (ҳижрий 1244/1829 йилда вафот этган). У қадим замонлардан бошлаб, Муҳаммад Раҳимхон I ҳукмронлигининг 7-йили (1812) гача бўлган воқеаларни ёзишга улгурган, холос. Шу йил воқеаларини баён этиш билан узилиб қолган «Фирдавс ул-иқбол» асарини Хоразмда содир бўлган воқеаларни ёзиш билан Огаҳий тўлдирган.

«Фирдавс ул-иқбол» асарининг тарих илмидаги аҳамияти шундаки, унда Хоразмнинг қадим давридан бошлаб, Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825йй.) давригача бўлган сиёсий тарихи хронологик тартибда баён этилади. Мунис қадим замонлардан бошлаб Абулғозихон давригача Хоразмда бўлган воқеаларни баён этаркан, Абулғози давридаги Хива ва Бухоро хонликларининг ўзаро муносабатларига ҳам тўхталиб ўтган. Шунингдек, асарда XVIII аср ва XIX асрнинг биринчи чораги, яъни Қўнғирот сулоласи вакилларининг Муҳаммадамин иноқ (1755-1790), Аваз иноқ (1790-1804), Элтузархон (1804-1806) ва Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825) ларнинг Хоразмда ҳукмронлик қилган йилларидаги тарихий воқеалар баён қилинган, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётга доир айрим маълумотлар ҳам берилган.

Мунис асарида Элтузарнинг биринчи тўртта ғалабасини баён қилади. Булар: қорақалпоқларга қарши юриш; ёвмутларнинг мағлубияти, Хўжайли мудофаа деворининг бузиб ташланиши; Қўнғиротнинг босиб олинишидир. Булардан аввалги иккитаси Элтузархон бўлмасдан олдин содир бўлган. Кейинги иккитаси Элтузархон кўтарилганидан кейин воқе бўлган. Хоннинг Қўнғиротни қамал қилиши 1 рабиъ ал-аввал 1220/ 30 май 1805 йилида бошланиб[29], 17 рабиъ ас-соний/20 июн 1805 йили хон истеҳкомни олгани билан тугаган[30]. Шу воқеадан сўнг Мунис хон ҳузурига чақирилади ва яна бир маротаба Элтузар тарихини ёритиш учун охирги буйруқни олади[31].

Элтузархоннинг бухороликлар билан уруш қилиб, фожиали ҳалок бўлишига қадар (3 июл 1806) Мунис бир йилдан сал кўпроқ муддатда Шерғози даври (1125/1712)гача бўлган тарихни ёзганди. Кейин танаффус узоқ вақт (муддати мадид) давом этади[32]. Кейин Муҳаммад Раҳимхон (бир базм чоғида) унга ишни давом эттиришни ва унинг ҳукмронлик даврини ҳам ёзишни буюради[33].

Мунис Элтузархондан олдинги ҳукмдорлардан Эшмуҳаммад бий ва Муҳаммадамин иноқ даврларидан бошланган воқеаларни 1807 йил ўрталаридан ёзишни давом эттириб, анча вақти ва саъй-ҳаракатларини сарфлайди. Муҳаммад Раҳимхоннинг еттинчи йили баёнига келганда (унинг келтирилган охирги сана 21 сафар 1227/5 март 1812 дир[34]) бирдан Мунис Муҳаммад Раҳимхондан «Равзат ус-сафо» таржимаси учун буйруқ олиб қайта «Фирдавс ул-иқбол»ни ёзишга киришмади[35]. Юқорида айтилганидек, «Фирдавс ул-иқбол»ни Огаҳий ёзиб тугатган ва ундаги воқеалар баёни 1825 йилгача етказилган. Огаҳий Мунис қўлёзмаси (авроқи паришон – тарқоқ варақлар; бу авроқи паришон ажзо – аъзолари тарқоқ варақлар[36]) ни 20 йилдан кейин қайта тартибга келтириб, уни 1258/1842 йили тамом қилади.

Мунис аввалбошида асарини «Иқболнома» деб ном бермоқчи эди. Кейин уни «Фирдавс ул-иқбол» га алмаштиради. Бу ҳақида асарда у: «Ҳар тақдир била бу мухтасар шуруиға хомаи ибтидо сурилди, чун

---

[28] Ўша жойда. – Б. 5.

[29] Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол. – б. 216.

[30] Ўша жойда. – Б. 216-217

[31] Ўша жойда. – Б. 609.

[32] Ўша жойда. – Б. 55, 167.

[33] Ўша жойда. – Б. 55, 405.

[34] Ўша жойда. – Б. 403.

[35] «Равзат ус-сафо» таржимасининг муқаддимасида Мунис таржимага 13 шаввол 1234/4 август 1819 йили киришганини ёзган.

[36] Охирги сўзлар «Риёз уд-давла»да келтирилади. 270[а] вар.

баҳори иқболи соҳибқироний била Фирдавсдек зийнат топиб эрди, баноан алайҳ(шунга кўра) «Фирдавс ул-иқбол»ға мавсум бўлди»,[37] деган эди.

Асар «бисмиллоҳ»дан сўнг: «Олиймакон султонларнинг дабдабаи ҳашамати ва гардунтавон хоқонларнинг кавкаба (улуғворлик, шон-шавкат)и давлати ул подшоҳи алалитлоқ (мутлоқ, бутунлай)нинг қуллуғи билан интизом топарким, ...», деб бошланиб, кейин: «Муқаддима баъзи махсусоти аълохоқоний зикридаким осори иқболи соҳибқироний эрди», деган жумла билан бошланган муқаддима, бешта боб ва хотимадан иборат. Мунис биринчи бобда Одам атодан Нуҳ пайғамбар авлодигача бўлган ҳодисалар зикри; иккинчи бобда Ёфасдан Қўнғирот шўъбасигача бўлган мўғул ҳукмдорлар зикри; учинчи бобда Қурлос (Чингизийлар то Абулғози ибн Ёдгоргача) даврида содир бўлган ҳодисалар зикри; тўртинчида Қўнғирот Элтузархоннинг ота-боболари ва бешинчи бобда Элтузархоннинг туғилишидан бошлаб, бу асарнинг ёзилиб тамом бўлгунга қадар давр; хотимада авлиёлар, уламо, амирлар, беклар, шоир ва донишмандлар, ҳунармандлар ва бошқалар ҳақида ёзмоқчи бўлган.[38]

Мунис Элтузархон даври (бешинчи боб)ни икки фаслга бўлмоқчи бўлади. Бирида Элтузархон, иккинчисида Муҳаммад Раҳимхон даврини баён қилмоқчи бўлади. Хотимани Мунис ёзиб улгурмади.

Асарнинг боблари тарихнавислик нуқтаи назари ва ҳажм жиҳатидан (дастхати ва нусхаларида) бир хил эмас. Бошидаги икки боб компилятив аҳамият касб этган ва дастхатида 23 варақдан иборат. Учинчи бобдаги Чингизийлар даври уч қисмга бўлинган ва унинг учинчи қисми Хоразм Арабшоҳийлари даврини қамраб олиб, Абулғозий вафоти билан тамом бўлган ва жуда ҳам оригиналдир. Тўртинчи боб олдинги учта бобдан ҳам кўп – қарийб 80 варақни ташкил қилади. Бешинчи боб ҳам матннинг ¾ қисмини ташкил қилиб, асл маълумотлардан иборат. Юрий Брегелнинг хулосасига кўра, «Фирдавс ул-иқбол» нинг 7/8 қисми ўта оригинал ва қимматли маълумотлар билан тўладир[39].

«Фирдавс ул-иқбол» асари ўз структураси бўйича сулолавий тарихнавислик (ёки маҳаллий ва сулолавий тарих комбинацияси)нинг ёрқин намунасидир. Форс тарихнавислигидан яхши хабардор бўлган Мунис форсий историографиясининг асосий бўғинини ташкил қилган бу историософик усулдан яхши фойдаланди. Юрий Брегель Мунисни «Фирдавс ул-иқбол» асарининг яратилишида ҳеч қандай индивидуализм йўқ, бу асар Абулғозий ва мумкинки «Равзат ус-сафо» асари таъсирида ёзилгандир» дегани моҳиятан хатодир. Биринчидан, сулолавий тарихнавислик фақат форс тарихшунослигига хос эмас. У жанр ёки услуб жиҳатидан барча тарихий тафаккурга хос методдир. Иккинчидан, Мунис ўзидан олдинги тарихчилар асарлари ёки ижод ғояларидан фойдаланиши бу унинг ижодкорлигидан дарак беради. Учинчидан, Мунис шарқ тарихнавислик анъаналарини янги ҳудуд ва халқ сулолага татбиқ этган муаррихдир. Ва ниҳоят, Мунис ўз асарларини Абулғозий асарларидан фарқли ўлароқ жуда мураккаб, жимжимали, мусажжаъ насрда, ўқимишли шахслар ва юқори табақа намояндалари учун ёзишга ҳаракат қилган. Бу ерда уни форс ёки араб тарихнавислик услубларига тақлид қилган деса бўлади. Лекин бу ерда ҳам у туркийўзбек тилининг имкониятларини яна бир марта кўрсатишга ҳаракат қилгани маълум.

Абулғозий ва Мирхонднинг асари Мунис асарининг биринчи ва иккинчи боблари ҳамда учинчи бобининг иккита қисми учун манба сифатида хизмат қилган (асарда улардан, тўрт марта «Равзат ус-сафо»га ва икки марта «Шажарайи турк»ка ҳавола бор). Мунис «Фирдавс ул-иқбол»нинг кейинги бобларини сафавийлар даври тарихнавислиги ва Нодиршоҳ даври историографиясига таяниб ёзган[40].

Мунис асарида Муҳаммадамин иноқ, Аваз иноқ ва Элтузархон даврларидаги асосий воқеалари алоҳида номланиш билан қатъий хронологик тарзда берилган. Муҳаммад Раҳимхон даври эса унинг жулусидан бошланади ва йилма-йил баён қилиниб, асарнинг ярмидан кўпроғини ташкил қилган (автографдаги 242^{а}-611^{а} варақлар). Шунда Муниснинг Абулғози вафотигача бўлган тарихи бошқа манбалар асосида ёзилгани (комплятив қисми) маълум бўлди, қолган каттароқ қисми эса, таъкидланганидек, оригинал қисмини ташкил қилади. Мунис дастхатидаги қайд ва ишоралар, илова, ҳошия ва шарҳлар уни

---

[37] Мунис. Фирдавс ул-иқбол. – Б. 8.

[38] Ўша жойда.

[39] Мунис. Фирдавс ул-иқбол. – Б. XIX.

[40] Мунис сафавийлар даврига оид манбалардан «Аҳсан ут-таворих» ва «Тарихи оламоройи Аббосий»дан фойдалангани маълум бўлади – муаллифлар.

муаллиф сифатида ўз манбалари маълумотларини текширганидан далолат беради. Мунисинг қўлёзмасида унинг манбалари қаторида Мир Алишер Навоийнинг «Тарихи анбиё»си[41], «Тарихи Жаъфарий»[42], Саълабийнинг «Араис (ал-мажолис фи қисас ал-анбиё)»[43], «Низом ат-таворих»[44], Табарий асари[45], «Тарих»и Ҳофизи Абрўй[46], «Ҳукамо тарихи» (Шаҳразурийники)[47], Тарихи Муқаддасий[48], «Зафарнома» муқаддимаси[49] тилга олинади. Бироқ бу асарлар номи «Равзат ус-сафо» матни билан бирга «Фирдавс ул-иқбол»га кўчганини Ю. Брегель ҳам таъкидлайди. Лекин Мунисинг ўзи манбасининг манбаси ҳам унинг асари матнига ўтганини алоҳида таъкидламаган.

Мунис асарининг учинчи бобида «Зафарнома» Муқаддимасига[50], «Зафарнома»га[51], «Мирсод ал-ибод(мин ал-мабдаъ ила-л-миъод)»[52] га, бир марта «Тарихи оламоройи Аббосий»[53] га мурожаат қилган ва икки жойда Ҳасан Румлунинг «Аҳсан ат-таворих»[54] ини тилга олган.

Мунис асаридаги кўп парчалар ва воқеалар баёнида аноним манбалар ва информаторларга ҳавола этиб «ривоят қилурлар», «муаррихлар андоқ айтурларким», «муаллиф бир нусхада кўрганким», «бошқа сўзга қараганда» каби сўзлар билан кифояланган. Баъзи жойлардаги бундай сўзлар тўғридан-тўғри унинг манбасининг айнан кўчирмаси бўлса, айрим ҳолатларда Мунис маълумоти бошқа манбалардан олингани тахмин қилинади. Бундай номи билан тилга олинмаган Мунисинг манбаларидан бири Ҳамдуллоҳ Қазвинийнинг «Тарихи гузида»си эканини Ю. Брегель ҳам аниқлаган[55].

Мунис ўз даври тарихи баёнига яқинлашган сари ёзма манбаларнинг йўқлигидан ниҳоят азият чекканини асарида таъкидлаб ўтади. Унинг шикояти Элтузархон давридан олдинги тарихга тегишлидир. Мунис Хоразм мулкида ҳукмронлик қилган чингизийлар тарихини Абулғозий ибн Арабхондан кейин биров ёзмаганини, Эшмуҳаммадбий ва Муҳаммадамин иноқ ғалабаларининг ҳеч бир жойда қайд этилмаганини афсус билан таъкидлайди. Ва «бу роқими бебизоат» (бу қудратсиз ёзувчи) ўз истеъдоди мадади ила ўша давр воқиа ва ҳодисотларни излаб, уларнинг аниқлигига ишониб, ёзиб олган»ини айтади. Лекин у кўпгина воқеаларга доир маълумотларни тўплай олмай анча вақт асарини ёзолмаганини ҳам айтган[56]. Мунис қидирувлари ва изланишлари қандай натижаларга олиб келганини ёзмайди. Бироқ шу давр манбалари қаторида, айниқса, унинг қўнғиротлар даврига оид «Тарихи оламоройи Аббосий» ва Ҳасан Румлу асарларидан фойдаланганини кўриш мумкин. Бу асарлардан олдин олинган маълумотлар Мунис томонидан қайта ишланган ва тўлдирилганини унинг автографидаги иловаларидан кўриш мумкин[57]. Мазкур иловалар ва ҳошиялардан Мунис бир қанча бошқа манбалардан ҳам маълумот олганини билиб олиш мумкин[58].

Мунисинг баъзи маълумотларига ундан олдин ёзилган бошқа асарларда ҳам дуч келиш мумкин ва улардан Мунис фойдаланган бўлиши мумкин деган хулоса қилса бўлади. Булар қаторида зикр этилган

---

[41] Мунис. Фирдавс ул-иқбол. (Ю. Брегель нашри). - Б. 38.
[42] Ўша жойда. – Б.40.
[43] Ўша жойда.
[44] Ўша жойда.
[45] Ўша жойда.
[46] Ўша жойда. – Б.41.
[47] Ўша жойда. – Б. 42. Бу асарнинг муаллифи Шаҳразурий эканини Ю. Брегель аниқлаган.
[48] Ўша жойда. – Б. 48.
[49] Ўша жойда. – Б. 56.
[50] Мунис. Фирдавс ул-иқбол. – Б 19.
[51] Ўша жойда.
[52] Ўша жойда. Асар муаллифи Нажмиддин ар-Рози Доядир.
[53] Ўша жойда. – Б. 32.
[54] Ўша жойда. – Б. 32,37.
[55] Қаранг: : Shir Muhammad Mirab Munis And Myhammad Riza Agahi. Firdavs al-iqbal: History of Khorezm. Introduction. – Б. XXII-XXIII.
[56] Мунис. Фирдавс ул-иқбол. – Б. 166.
[57] Мунис дастхатнинг 47[б], 57[а] варақларидаги изоҳлар бундан далолат беради.
[58] Улар ҳақида Ю. Брегель ҳам маълумот берган. Қаранг: Shir Muhammad Mirab Munis And Myhammad Riza Agahi. Firdavs al-iqbal: History of Khorezm. – Б. XXXIV ва кейингилари.

«Равзат ус-сафо» ва «Шажарайи турк»дан ташқари «Тарихи Банокатий», «Жомиъ ат-таворих», «Зафарнома», «Тарихи жаҳонкушойи Нодирий»ни тилга олиш мумкин. Албатта, уларнинг баъзиларини Мунис ўз дастхатининг ҳошия ва иловаларида ҳам кўрсатган.

Мунис бошқа муаррихлардан фарқли ўлароқ (Абулғозий ва Ўтемиш ҳожига ўхшаб) халқ оғзаки ижодидан, В. Юдин таъбири билан айтганда, «дашт историография»си анъаналаридан кенг фойдаланган. Бу ерда унинг ахборотчилари кўп ҳолатларда аноним, баъзи ҳолатларда эса аниқ номлари билан қайд қилинган. Масалан, у Арангхон даврига (1099-1105/1688-1694) доир баъзи воқеаларни Саййид Исомиддинхўжа Саййид Муҳаммадпаноҳхўжа ўғлидан эшитганини ёзади[59]. Шу даврга оид воқеалар баёнида маълумот берувчи сифатида яна унинг боболаридан бири бўлган Жиянбий Мироб номи ҳам тилга олинади[60].

Шерғозихоннинг Хуросонга юриши тафсилотларини Мунис бобокалони Эшимбий Миробнинг эронлик қули номидан болалиги пайтида эшитганини ёзган[61]. 1165/1751-52 йилда Хўрозбекнинг ўлдирилишини эса «садоқатли кишилардан» эшитганини таъкидлайди[62]. Темурғозихон ўлдирилишини Мунис ўша даврда яшаган бир одамдан эшитганини айтади (ўша жойда. – Б.72). Авазбек ибн Эшмуҳаммад бийнинг ҳаж тафсилоти ва унинг Нодиршоҳ даврида (бошқа яна 19 нафар зодагонлар билан) ўлдирилгани Муҳаммад Раҳимхон тилидан баён қилинади. Мунис бу тафсилотларни Муҳаммад Раҳимнинг беклики вақтида эшитган экан[63]. Муҳаммадамин иноқ номи билан боғлиқ баъзи воқеалар Мунисинг отаси Аваз Мироб номидан берилади[64].

«Фирдавс ул-иқбол» асарининг бешинчи бобида Мунис тарихий воқеаларни анча эркин ва муфассал баён қилишга ҳаракат қилган. Бу табиий, чунки бу давр тарихининг гувоҳи ва фаол иштирокчиси Мунисининг ўзи бўлган. Мунис ўзи иштирок этган воқеаларнинг биринчи санаси сифатида ҳижрий 1216 йилининг зу-л-қаъда /1802 йилнинг мартини тилга олади[65]. Шу бобнинг кўпгина қисмлари воқеа иштирокчилари номидан ёзилган. Бундай ҳолат асарнинг олти жойида, яъни гувоҳлар тилидан олинган маълумот (улар ёзма бўлиши ҳам мумкин эди) сифатида кўрсатилган[66]. Бироқ бобнинг мазмунидан муаллифнинг гувоҳ ахборотчилари бундан-да анча кўплигини билиб олиш мумкин. Мунис ўз асарининг мазкур боби архив ҳужжатлари асосида ёзилгани ҳам яққол кўзга ташланади. Зеро, у хон ва унинг қўшини билан кўп жойларда бўлгани билан, баъзи жойларда содир бўлган воқеаларни шахсан кўрмаган эди. Шунда у бошқа иштирокчиларнинг ҳисоботлари, эсдалик ва номаларидан фойдаланган. Мунис асарининг уч жойида ҳужжатлардан нусхалар ҳам берган[67]. Бундан ташқари Мунисинг ўз кундалиги бўлиши ҳам мумкинлигини Ю. Брегель тахмин қилади. Бу хулоса эса, фикримизча, жуда тўғридир. Акс ҳолда бир неча йиллардан сўнг (1713-1812 йиллар воқеалари 1807-1819 йиллар давомида ёзилган; бир жойда эса 1215/1800 йили воқеасини баён қилиб, Мунис («буни энди 1224 йили билдик» деб таъкидлайди[68]) воқеаларни кундан-кунга (баъзан муайян куннинг аниқ вақтини кўрсатиб) ёзишнинг имкони бўлмас эди.

Мунис ишини давом эткизган Огаҳийнинг ёзма манбалардан фойдаланиш имконияти кўпроқ бўлган. Айниқса, у хон архиви материалларидан кенг фойдаланганини «Фирдавс ул-иқбол»дан ташқари бошқа тарихий асарларида ҳам кўриш мумкин. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, Огаҳий 1812-1825 йиллар воқеаларининг гувоҳи сифатида ёзиши мумкин эмас эди. Чунки 1809 йилда оламга келган Огаҳий Муҳаммад Раҳимхон даврида ҳали жуда ёш эди (учдан 16 ёшга кирган у). Огаҳий Муҳаммад Раҳимхон вафотидан 15 йил ўтгач амакисининг ишини давом эттириш учун киришгани маълум. Огаҳий асосан ёзма ман-

---

[59] Мунис. Фирдавс ул-иқбол. – Б.51, 95.
[60] Ўша жойда. – Б. 52. (Бироқ у ахборотчи сифатида тилга олинмаган).
[61] Мунис. Фирдавс ул-иқбол. - Б. 58, 59.
[62] Ўша жойда. – Б. 68, 105.
[63] Ўша жойда. – Б. 96, 107.
[64] Ўша жойда. – Б. 106-107, 110-112, 129.
[65] Ўша жойда. – Б. 162, 173.
[66] Ўша жойда. – Б. 197, 228, 229, 230, 294, 364 бетларига қаралсин.
[67] Ўша жойда. – Б. 253 (Муҳаммад Раҳимхонга қўзғолончилар номидан ёзилган хатнинг нусхаси); – Б. 285 (Муҳаммад Раҳимхоннинг фармони); – Б. 371 (Муҳаммад Раҳимхонга икки Орол ўзбеклари қабиласининг номалари)
[68] Мунис. Фирдавс ул-иқбол. – Б. 159.

балардан фойдаланиб, оғзаки маълумотларни (бу ҳақда фақат битта жойда эслатилган) қийинчилик «тараддулар била» қўлга киритганини таъкидлаган. Бундан ташқари Огаҳий Мунисдан қолиб кетган бошқа ёзма манбалардан ҳам фойдаланиши мумкинлигини тахмин қилса бўлади. Огаҳийнинг «Фирдавс ул-иқбол»ида келтирилган ҳужжатларидан така уруғига берилган иккита ёрлиқ, қозоқлар бошлиғидан келган нома, Афғонистон ва Сарахсдан келган хатларнинг қисқа мазмуни, Бухоро юришида иштирок этган бошлиқларнинг рўйхати, Муҳаммад Раҳимхон ва амир Ҳайдар ўрталаридаги мактубларининг қисқа мазмуни, хоннинг Бухородаги хитой – қипчоқларига юборилган хати, амир Ҳайдар (қалбаки) номасининг матни ва ҳоказоларни ажратиш мумкин[69].

Огаҳий Мунисга нисбатан баъзи юришларни жузъиёт (икир-чикир)лари билан батафсил баён қилган. Лекин гап шундаки, баъзи аҳамиятсиз лаҳзалар муфассал баён қилингани билан, баъзи аҳамияти катта бўлган ҳарбий юришлар фақат эслатиб ўтилади, холос[70].

Мунис ва Огаҳий тарих асарларининг бир хусусияти уларда келтирилган воқеалар саналарининг аниқлигидир. Бу эса Ўрта Осиё историографиясида уларнинг алоҳида аҳамиятга эга эканлигидан дарак беради. Уларнинг саналари ҳисобини ҳижрий йили ва ойларида, араб ва эроний ойлар номи билан, туркий мучал орқали, ҳафта номлари, намозлар вақти билан, халқ тақвими (наврўз, наврўзи Хоразмшоҳий, наврўзи султоний), зодиак – буржлар рамзлари ва ҳоказолар билан беришади.

Асарда шеърий безак (стиходекорь) ҳам жуда кучли берилган. Мунис жами 2915 мисрадан иборат 683 шеърий парча беради. Огаҳий эса 514 мисрадан иборат 84 шеърий парчаларни киритган. Шеърий парчалар Мулло Саййидойи Бухорий, Низомий, Саъдий, Фирдавсий, Мирзо Нозим Ҳиравий ва олтитаси номаълум шоирларга тегишли. Асарда Мунис ва Огаҳийнинг ҳам тарих, маснавий ва қасидалари бор (21 та форс тилидаги таърих–хронограммадан 16 таси Мунисникидир).

Европада «Фирдавс ул-иқбол» муаллифлари Мунис ва Огаҳий ҳақидаги биринчи маълумотни Ҳерман Вамбери берган[71]. Бироқ унинг маълумотлари бироз чалкаш эканини Ю. Брегель кўрсатади. Ҳ. Вамбери 1863 йили Хивага келганда Мунис вафот этган эди. Огаҳий ҳам Вамбери билан учрашмагани аниқ. Ҳ.Вамбери хиваликлардан олинган маълумотларни йиғиб, Мунисга нисбат берилган жуда бир заиф шеърни немисча таржимаси билан келтирган[72]. Мазкур ахборотида Ҳ. Вамбери Мунис ва Огаҳий тарихий асарларидан хабардор эканини билдириб, яқин келажакда уларнинг адабий меросидан намуналар таржима этишни режалаштираётганини айтган.

Кейинги маълумот Александр Кунга тегишли. 1873 йили Хива хони саройининг талон-тарожида иштирок этган А. Кун (асли келиб чиқиши немис, Ўрта Осиёда Искандар тўра номи билан ўзини таништиришни хуш кўрган шарқшунос) 300 жилд қўлёзма китоблар орасида Мунис ва Огаҳий китобларини ҳам олган. У зудлик билан «Туркестанские ведомости»да шу ҳақида ахборот бериб, Мунис асарининг охирги боби мазмуни ва Огаҳий асарлари ҳақида маълумот берган[73]. 5 декабр 1873 йили А.Кун Россия жуғрофий жамиятида ҳам маъруза қилиб, Мунис ва Огаҳийнинг хроникалари ҳақида маълумот бергани маълум[74].

Н.И. Веселовский «Очерк историко-географических сведений в Хивинском ханстве с древных времен до настоящего» асарида (Спб., 1877) А.Кун маълумотидан фойдаланиб, Мунис ва Огаҳий асарлари билан таниша олмади, чунки улар ҳали ҳам А.Куннинг қўлида бўлган эди. Лекин Н.И. Веселовский А. Амирханянц (қуйироққа қаранг)га ёзган хатида Мунис ва Огаҳий томонидан ёзилган асарларга «унчалик аҳамиятга эга эмас» деб баҳо берган[75]. Ҳ.Ҳ. Ҳоварт (H.H. Howort) ҳам 1880 йили ўз асарида А. Кун ихтиёридаги Хива солномаларини эслатиб ўтган[76].

---

[69] Қаранг: Ўша жойда. – Б. 433, 447, 457, 488.
[70] Ўша жойда. – Б. 445, 446. Огаҳийнинг бошқа асарларида ҳам шу жузъиёт (камчилик) кўзга ташланади – М.Э.
[71] Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. Спб., 1865.
[72] Мунис. Фирдавс ул-иқбол. – б. LIV.
[73] Кун А. Заметки о Хивинском ханстве. // Туркестанские ведомости. 1873. – № 40. – С. 158.
[74] Қаранг: // ЗИРГО, 1874, январ.
[75] Қаранг: Муниров Қ. Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари. – Б. 58.
[76] Howort H.H. History of the Mongols from the 9th to the 19th century. Pt.II/2. London. 1880. – P. 961.

Хон саройидан олинган 300 жилд қўлёзмаларнинг баъзилари Петербургдаги Осиё музейига берилди. Бироқ А.Кун ўз вафотигача (1888 йили) Мунис ва Огаҳий асарларини ўзида сақлаган. 1890 йили унинг ворислари китобларни Осиё музейига сотишади. Г. Залеман эса А.Кун коллекциясини тавсифлаганида Мунис ва Огаҳий асарлари ҳақида ҳам маълумот беради[77]. Шу вақтнинг ўзида пастор А. Амирханянц «Фирдавс ул-иқбол» асарини ўрганиб, муфассал тавсифини берган. Унинг бу тавсифи «Записки пастора Авр. Амирханянца об «Истории Хивы» асари ҳозир Санкт-Петербургда сақланади[78].

Руҳоний Авраам Амирханянц «Фирдавс ул-иқбол» асарига жуда профессионал тарихчи ва манбашунос сифатида баҳо бериб, қуйидаги хулосаларни берган (Қ. Мунировтаржимасида берилади):

– Мунис Абулғозий Баҳодирхоннинг тарихий асарларини давом эттирган;

– У Абулғозий ўз асарида мақсадига мувофиқ келмагани боис тушириб қолдирилган воқеаларни тўлдиради. Муниснинг асарида биз Абулғозийхон ҳукмронлик қилган даврдан илгариги ҳамда у хонлик қилган даврда бўлган, лекин Абулғозийхон томонидан келтирилмаган воқеалар ҳақидаги маълумотларни учратамиз;

– Хоразмда катта мансабга эга бўлган кишиларнинг ҳаёти ҳақида маълумот беради;

– Қумли саҳролар, Орол денгизи[79], Амударёнинг дастлабки оқими ва Ҳожимхон хонлик қилган даврда унинг ўзгариши ҳақида қизиқ географик маълумотлар келтирилади. Шунингдек, Шоҳобод ариғи, Банди султон ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд;

– Асардаги маълумотлар фактлар асосида ёзилган бўлиб, аниқ хронологик тартибга эга;

– Муаллиф ўз асарини ёзишда оғзаки ва ёзма материалларни диққат билан тўплаган;

– Асар соф классик илмий тилда ёзилган;

– Китобда келтирилган воқеалар бир-бири билан яхши боғланган[80].

А. Амирханянц ўз даврининг машҳур шарқшунослари проф. Березин, барон Демезон, академик Френь ва Ильминскийларни чиғатой тилида ёзилган манбаларни бостиришда, «...қўлларида шундай бир мукаммал қўлёзма асар бўлса эди, ўзларини бахтли ҳисоблаган бўлур эдилар» деб хулоса қилган.

Мунис ва Огаҳий асарларини В.В. Бартольд ҳам жиддий ўрганган ва «Мунисшуносликка» асос солган. Академик В.В. Бартольд барча асарларида Хива йилномаларидан етарли даражада фойдаланиб, уларга юқори баҳо беради. У ҳатто 1914-1917 йиллари давомида «Фирдавс ул-иқбол» асари матнини ҳам таҳрир этиб нашрга тайёрлагани маълум. В.В. Бартольд 1929 йили эса унинг чоп этилиши яқинлиги ҳақида хабар ҳам беради[81]. Бироқ унинг режалари амалга оширилмаганидан хабаримиз бор.

Кейинчалик П.П. Иванов, А.Л. Боровков, З. Аксаков[82], Я. Ғуломов[83], Қ. Муниров[84] Мунис ва Огаҳий асарларидан ўз тадқиқотларида кенг фойдаланганлар.

Туркиялик олимлар Несип Асим[85] (1909) ва Абдулқодир Инан[86] (1933) собиқ иттифоқдаги Мунис ва унинг асари ҳақидаги ишлардан бехабар ҳолда мақолалар ёзганлар.

«Фирдавс ул-иқбол» асаридан парчалар 1969 йили Қозоғистонда нашр этилган «Материалы по истории казахских ханств XV-XVIII веков» (Алмати, 1969) китобига (таржимон Н.Н. Мингулов) ҳам кирган (560-567 бетлар).

---

[77] Salemann G. Das Asiatische Museum im yahre 1890. Nebst Nachtrдgen // Mилanges asiathiques. Vol. X. St.Pbg., 1894. – P. 274-280.

[78] Қаранг: Муниров Қ. Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари. – Б. 60-61.

[79] Яна қаранг: Бартольд В.В. Аральское море. Сочинение, Т.III. – Москва, 1965. – С. 331.

[80] Записки пастора Авр. Амирханянца об «Истории Хивы» // Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институти (Санкт-Петербург) архиви. Разряд III. Опись 2. – № 34. – С.14-15.

[81] В.В. Бартольднинг асарларида Хива тарихнавислари асарларининг ўрни ҳақида қаранг: Муниров Қ. Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари. – Б. 62 ва кейингилари; Bregel Y. Introduction. – P. LII-LV.

[82] Мазкур муаллифлар Хива тарихчиларининг туркманлар ва Туркманистонга доир маълумотларини таржима қилганлар. Қаранг: // МИТТ, II. 323-426; 427-476; 477-500; 500-562; 562-611; 611-638, бетлар.

[83] Гулямов Я. Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. – Тошкент: Фан, 1957.

[84] Муниров Қ. Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари. – Тошкент, 1960; Шу муаллиф. Хоразмда тарихнавислик. – Тошкент, 2002.

[85] Necip ‘Asim. «Firdaws al-iqbal» // Turk Dernegi. Vol 1. No2. Istanbul. 1328/1910. – P. 68-71, No3. – P. 81-85.

[86] Abdulkadir (Inan). XIX-unchi Asir Tъrkistan ÿair ve tarihзilerinden Ÿer Mehmet Munis. 1778-1829/ // Azerbaycan Yurt Bilgisi. Vol. 2. Istanbul. 1933. No 13. – P. 17-20 (мақоланинг давоми йўқ).

Мазкур асар манбашунослигида Қ. Мунировнинг асарлари ҳамда «Фирдавс ул-иқбол»нинг илмий – танқидий матнини тайёрлаб, инглиз тилида изоҳлар ва кўрсаткичлари билан чоп этган Ю. Брегелнинг хизмати беқиёсдир. Бироқ шуни ҳам афсус билан таъкидлаш керакки, «Фирдавс ул-иқбол» ўзбек тилига тўлиқ чоп этилмаган. Шу асарнинг асл эгаси бўлган ўзбекистонлик тарихчилар, мутахассислар ва кенг китобхонлар оммаси ҳалигача ундан фойдаланиш имкониятидан маҳрум.

Мунис ва Огаҳий томонидан битилган «Фирдавс ул-иқбол» асарининг тўққизта нусхаси мавжуд[87] бўлиб, бу нусхалар, асосан, Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институти (собиқ Россия ФА Шарқшунослик институти Спб. бўлими) да 571^а (590$^0_а$), Еб VIII, рақамлар остида, Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти фондида 5364/1, 821/1, 9979, 5071, 7422, 275/1 рақамлари остида ҳамда Хельсинкида[88] сақланади.

Асарнинг Санкт-Петербургда сақланадиган нусхаларидан 571^а (590$^0_а$) рақамдагиси маҳаллий Ўрта Осиё қоғозига, қора сиёҳда настаълиқ хатида кўчирилган. Сарлавҳалар эса қизил сиёҳда ёзилган. Нусха Мунис ва Огаҳийнинг автографидир[89].

Қавомуддин Мунировнинг эса мазкур нусха муаллифлар дасхати эмас, балки бир неча котиблар томонидан кўчирилган деган тахмини хато хулосадир[90]. Нусханинг очиқ қолган варақлари кўп (269^{а,б}, 270^{а,б}, 290^{а,б}, 291^а, 439^{а,б}, 440^{а,б}, 442^а варақлар). 442 варақнинг ^{б} – бетидан бошлаб Мунис вафотидан сўнг, Огаҳий томонидан ёзилган қисми бошланади. Нусха намликдан зарар кўрган. Асарда ҳошиялар кўп кўзга ташланади. Ушбу нусха 613 варақдан иборат. Ўлчови 14,5х24,5 см[91].

Мазкур фондда сақланаётган Еб- VIII (590$^0_а$) рақамидаги иккинчи нусха хати қора сиёҳ билан Ўрта Осиё қоғозига кўчирилган, сарлавҳалари қизил сиёҳда бўлиб, матн ҳам қизил рамка ичига олинган. Асарни кўчирувчи эса Мулло Нур Ниёз халифа ибн мулла Муҳаммадниёз хатиб бўлиб, у бу нусхани 1856-57 йилларда кўчирган. Нусха яхши сақланган бўлса ҳам, унинг 150 та варағи намда қолганлиги сезилади. Асарнинг ҳажми 263 варақ, ўлчови 27х48 см[92].

Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган «Фирдавс ул-иқбол» асарининг нусхалари эса қуйидаги кодикологик хусусиятларга эга. 5364/1 рақамли нусха настаълиқ хатида, қора сиёҳ билан кўчирилган. Асар боблари ва баъзи ажратилган сўзлар қизил сиёҳда кўчирилган. Муқоваси чармдан ишланган бўлиб, бу Хоразм муқовасозлигига хос. Нусха Мулла Муҳаммадризо ибн Муҳаммадкарим девон томонидан 27 сентябр 1904 йилда Муҳаммад Раҳимхон II Феруз буйруғига кўра кўчирилган. Асар 244 варақдан иборат. Ўлчови 29х43 см[93].

Шу хазинадаги иккинчи нусха (821/1) тўлиқ ҳолда сақланган. Настаълиқ хатида қора сиёҳ билан кўчирилган. Боблар ва алоҳида ажратилган сўзлар қизил сиёҳда берилган. Матн 25 сатрдан иборат бўлиб, нусха 259 варақни ташкил этади. Ўлчови эса 26,5х43,5. Уни ҳам Мулла Муҳаммадризо ибн Муҳаммадкарим девон 1297/1879-/80 йили кўчирган[94]. «Фирдавс ул-иқбол» асарининг мазкур хазинада яна тўртта нусхаси мавжуд[95].

«Фирдавс ул-иқбол» асари манба сифатида қуйидаги мавзу ва муаммоларни ёритишда катта аҳамиятга эга. Булар:

1) Хоразм тарихнавислигини давом эттириб, уни янги босқичга кўтарган;

2) Мунис кенг маънода ўзбек тилида биринчилардан бўлиб мусулмон историографиясини берган;

---

[87] Атоқли шоир, тарихнавис, таржимон. – Б.126.

[88] Хельсинкидаги нусха ҳақида қаранг: Halun H. Handbook of Oriental collection in Finland: Manuscripts, xylographs, inscriptions, and Russian minority literature. London–Malmц, 1979. – P. 100.

[89] Буни Ю. Брегель ҳам исботлаб беради. Қаранг: Shir Muhammad Mirab Munis And Myhammad Riza Agahi. Firdavs al-iqbal: History of Khorezm. Introduction.

[90] Мунировов Қ. Кўрсатилган асари. – Б.37.

[91] Дмитриева Л.В., Мугинов А.М., Муратов С.Н. Описание тюркских рукописей Института народов Азии. I. – С.106-108.

[92] Дмитриева Л.В., Мугинов А.М., Муратов С.Н. Описание тюркских рукописей Института народов Азии. I. – С.106-108.

[93] СВР, VII. – № 5020, 5021.

[94] Юқоридаги асарда нусханинг кўчирилган йили 1267/1861 деб хато кўрсатилган.

[95] Тавсифини қаранг: СВР. История. – С.191-192. Унда 275/I рақамли нусханинг тавсифи берилмаган.

3) Мунис асари ўша давр ўзбек тилининг барча жиҳатлари билан ўрганишда муҳим манба бўлади;

4) Хоразмда ҳукмронлик қилган шайбонийлар насаблари, улар ўртасидаги оилавий муносабатлар:

5) ўтроқ ва кўчманчи аҳолининг давлат ва ижтимоий тузумларига доир маълумот;

6) Ўрта Осиёга келиб ўрнашган кўчманчи қабила ва элатларнинг тарихи, уларнинг янги конфедерациялар тузишдаги ўрни;

7) Ўлкадаги этник ва этносиёсий жараёнларни ёритиш, турк-эрон этномаданий жараёнлар;

8) Хоразм шайбонийлари, кейинчалик қўнғиротларнинг Эрон, Орол бўйлари, Дашти Қипчоқ ва Бухоро билан алоқалари, юриш ва уришлари ҳақида аниқ маълумотлар;

9) кўчманчилар ҳокимиятининг сакрализация масалаларига доир материаллар;

10) Аввал кўчманчилар кейинчалик ўтроқ аҳоли анъанасига асосланган марказий давлат-маъмурий аппарати ва бошқарувининг шаклланиши, унинг синкретик моҳияти;

11) кўчманчи турк ва мўғул қабилаларининг туркий аҳоли ўртасидаги ассимиляция ва ўтроқлашуви масаласига доир маълумот;

12) Хоразм шайбонийлари ва қўнғиротлар сулоласининг ҳокимиятни босиб олишган ҳудудларида ҳукмронлик легитимацияси масалаларига доир кузатувлар;

13) Хоразм шайбонийлари, арабшоҳлар (Абулғозий) даврида жорий қилинган ва амалда бўлган унвон ва мансаблар, уларнинг даражалари ҳақидаги маълумотлар.

14) Қўнғиротлар давридаги ҳарбий тарихи, аскария ва ҳарбий иши тўғрисидаги маълумотлар;

15) Асарнинг манба сифатида Хоразм тарихнависилигига баҳо бериш учун аҳамияти;

16) Мунис тарихнавислиги ва ижодий фаолиятига баҳо беришда асарнинг историографик моҳияти ва структуриал ва информацион (маълумот бериш) чегараларининг аҳамияти.

Асарнинг ўзбек тилидаги нашри ҳақида. Мазкур табдилга Ю. Брегель томонидан тайёрланган илмий-танқидий нашри асос қилиб олинди. Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институти (собиқ Россия ФА Шарқшунослик институти Спб. бўлими) да 571[a] ($590^0_а$) ва Е6 VIII рақамлар остида сақланаётган нусхалар ва Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти фондида 5364/1, 821/1, 9979, 5071, 7422, 275/1 рақамлардаги нусхалардан солиштириш ва матнни тўлдириш учун фойдаланилди. Табдил матнини Ю. Брегель томонидан тайёрланган илмий-танқидий нашри билан Исмоил Бекчанов солиштирган. Матндаги араб тилидаги жумлалар, оят ва ҳадисларни тўғри ўқиш, таржима этишга Нозимжон Иминжонов ва Ҳамидулла Аминов ёрдам бердилар.

Маълумки, манбашунослик соҳасида мутахассис бўлмаган айрим назариётчиларнинг «табдил» ишини (масалан, таржимага нисбатан) камситувчи ўта нотўғри ва нохолис бир фикри ҳалигача илм оламида ҳукм суриб келмоқда. Бундай қарашга қуйидаги мисоллар ёрдамида салбий баҳо бериб, илмий ҳақиқатни юзага чиқаришга тўғри келади. Ўзбек классиклари асарларини араб, форс ва қадимий турк тилидан бехабар тадқиқотчининг тўлақонли ўрганиши (хоҳ илмий тадқиқ этиш, хоҳ табдил қилиш) асло мумкин эмас. Чунки, матнда жой олган юзлаб сўз, ибораларнинг ана шу тилларда берилиши, у ёки бу асарнинг ҳозирги ўқувчи диққатига бутунлай яроқсиз ҳолда ҳавола этилиши бўлиб, табдил қилувчига ҳам таржимонлик ва ҳам илмий-тадқиқотчилик вазифаси масъулиятини юклайди. Зеро, гапдаги бирор нотаниш сўз (ваҳоланки улар сони ўнта сўздан иборат битта гапдагина олти-еттидан кам эмас) мазкур гапнинг ўқувчи назаридан мавҳум қолишига олиб келиб, дастлаб, бу сўз учун луғат ёзилиши, қолаверса, унинг ўзбек имлосидаги айни кўриниши – транскрипцияси яратилиши лозим бўлади. Демак, табдилчи айни пайтда ҳам таржимон, ҳам луғат тузувчи бўлиб, таржимага қараганда икки баравар кўпроқ ишни амалга оширмоқда. Табиийки, матндаги эски туркий сўзларнинг ҳам бугунги тилимиздан анча фарқли экани, шунингдек, уларнинг ўша давр хаттотлари томонидан араб имлосида яна ҳам ўзига хос шаклда ифода этилгани табдил қилувчи зиммасига учинчи бир вазифани ҳам юклайди. Кўринадики, табдил иши осон бўлмай, уни адо этувчи бир пайтнинг ўзида таржимонлик, луғатнавислик ва эски ёзув хусусиятларини ўрганувчи олим сифатида фаолият кўрсатади. Бу эса асарни ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида мутлақо амалга ошмай, таржимон хорижий тилдаги гапни матндан узоқлашмаган (аммо ҳар ҳолда асл матн қулига айланмаган озод) ҳолда, иш кўраверади. Мунис, Огаҳий каби ўта билимдон сўз санъаткорларининг асарлари табдили эса ишни яна ҳам мураккаблаштиради. Чунки, табдил қилувчи учун бу буюк адиб ва шоирларнинг сўз санъати олдидаги масъулияти жуда юксак бўлиб, улар асарлари-

да келган арабча сўзларнинг одатдагидан ташқари, аниқроғи, араб грамматикасидаги «Боб»лар қонуниятидан чиқиб, қоидаларни эркин қўллагани, форсча сўзларнинг эса кўпинча архаик шаклларда ҳавола этилгани ва гоҳида муаллифлар томонидан форсча, ўзбекча сўзларнинг арабийлаштириб берилгани сингари ҳолатлар устида ишлаш табдилчи фаолиятини бир неча бор юксакроқ ўринга кўтаради.

Маълумки, гарчи «Фирдавс ул-иқбол» тарихий асар бўлса-да, у Мунис ва Огаҳий каби улуғ сўз санъаткорлари қаламига мансублиги ҳамда ўша давр анъанасига кўра хос кишилар, яъни, муаллифлар тили билан айтганда, «фатонат аҳли (ўткир ақл ва зеҳн эгалари)», «маҳдум, мавлоно» каби олим ва фозил кишилар назарда тутилиб ёзилган. Шу сабабли асар тили, айниқса, Мунис таълиф қилган қисмлар жуда мураккаб бўлиб, арабча, форсча сўз, ибора, мақол ва шеърий парчалар билан тўлиб-тошган. Ҳозирги ўқувчининг ундаги бирон-бир матн парчаси, аниқроғи, ҳатто биронта гапни тушуниши амри маҳол. Бу каби асарлар табдили ҳозирги тилимиз ва кирилл алифбосида амалга ошиши учун уни тайёрловчи олдида бир нечта вазифани кўндаланг қилиб қўяди. «Фирдавс ул-иқбол» табдилини нашрга тайёрловчи олдида дастлаб нотаниш (асосан арабча, форсча) сўз ва жумлаларнинг ўзбек тилидаги луғатини тузиш ҳамда маъноларини бериш вазифаси турди ва бундай луғатлар сони ишимизда 2000 (икки минг)тага етди.

Табиийки, Қуръони карим оятлари ва арабча ҳадис, мақол, ҳикмат, айрим ибора кабилар Брегелнинг илмий-танқидий нашрида ўз ҳолича берилган бўлиб, кирилл алифбосига табдилимиз жараёнида уларнинг арабча транскрипцияси нашр ўқувчиси учун бироз ноқулайлик туғдириши мумкинлигидан келиб чиққан ҳолда ва асар матнига унчалик зарар етмаслиги, яъни асарнинг адабий-тарихий аҳамиятини пасайтирмаслигини ҳам назарда тутиб, оят, ҳадис ва бошқа арабча иборалар ўзбек тилида берилди. Тўғри, асарнинг айрим ўринларида сажъ усули (насрда қофиялаш) ишлатилган бўлиб, гоҳида Қуръон оятлари сўзлари ҳам ана шу бадиий ифода жараёнига тортилган, бироқ бу каби ўринлар икки-учтадан ошмайди ва мазкур оятларнинг таржимада берилиши бадиийликка путур етказмайди.

Асарда қадимий туркий сўзлар ҳам ишлатилган бўлиб, улар сони атиги бир нечтадир. Масалан, илайи (олди, ёни), асру (кўп), усрук, ўтру (рўпара), учур (давр, замон, пайт), тегру (...гача) кабилар.

Қўлёзмалар (табиийки, илмий-танқидий нашрда ҳам)да «ўлдирди» ва «ўтирди» сўзлари бир хил кўриниш – «ўлтурди» шаклида берилган бўлиб, табдил матнида уларни «ўлдурди» ва «ўтирди, ўтурди» кўринишида айри-айри ҳолда бердик.

Ишимиз жараёнида «Фирдавс ул-иқбол»нинг мавжуд қўлёзма нусхалари билан Брегель нашрини солиштириш ҳам амалга ошиб, мазкур нашрдаги талай чалкашликлар аниқланди. Масалан, нашрда асар аслидаги «нишоло» (ширинлик) сўзи «зи шоло» ва «ри шоло», «сирпилиб» эса «сир билиб», «ер» эса «бир», «такомиший» (от чоптириб қувлаш) маъно бермайдиган «никомиший» шаклларида ҳавола этилган ва бундай ўринлар анчагина учрайди.

Ўзбек тилидаги қўлёзма нусхаларни нашрга тайёрлашнинг қийин томонларидан бири шундаки, хаттотлар «а» қисқа унлиси сўз охирида келган ҳолатларда уни имло қоидасига бўйсунган ҳолда «о» чўзиқ унлисини ифодаловчи шаклда берадилар. Чунки, шундай қилинмаса, «а» қисқа унлисини ифодалаган ҳарф сўз охирида «ҳ» бўлиб ўқилади, масалан, «анга» - «ангаҳ», «сенга» эса «сенгаҳ», «яна» – «янаҳ», «дема» - «демаҳ», «танга» – «тангаҳ» бўлиб. Шу сабабли анга, менга, сенга, дема каби сўзлар «анго», «манго», «санго», «демо», «танго» шаклларини касб этган ҳолатда келади. Табиийки, «Фирдавс ул-иқбол» қўлёзмаларида ҳам шу аҳвол мавжуд бўлиб, биз уларни гоҳида котиблар ёзган асл шаклда, гоҳида эса ҳозирги ўзбек тили талаффузи асосида бердик. Чунки, кирилл алифбосида бунинг хавфли жойи йўқ, ўқувчи ҳам товушларнинг эски ёзувда ифодаланган шакли билан танишади, ҳам уларни ҳақиқий ҳолатида ўқийди.

Ноширлар мазкур асарни нашрга тайёрлашда яқиндан ёрдам берган тақризчилар, муҳаррирлар, нашриёт ходимларига ўз миннатдорчиликларини изҳор этадилар.

МУНДАРИЖОТИ ФЕҲРИСТИЙ
[ДЕБОЧА]

Муқаддима баъзи махсусоти[96] олийхоқоний зикридаким, осор[97] и иқбол[98] и соҳибқироний эрди.

Аввалғи боб ҳазрат Одам *алайҳиссалом* ижоди[99] дин Нўҳ *алайҳиссалом* авлодиғача мазкур бўлди[100].

Иккиланчи боб Ёфасдин *қўнғирот* уруғининг зикригача.

Учунчи боб Қурлос авлодидан подшоҳлиқ мартабасиға етганлар зикридаким, сўнгги Абулғозихон ибн Ёдгорхондуркимки, они ҳазрат соҳибқироний маъзул[101] қилиб[102], салтанат тахтиға ўз жулус[103] и майманатмаанус[104] и била зийнат берди.

Аввалғи қисм Бурта Жунаҳдин Чингизхонғача қилилур.

Иккинчи қисм Чингизхондин Бердибекхонғача мазкур бўлур ва *Жўжи эли*нинг *ўзбак* лақаб топғони шарҳ топор.

Учинчи қисм Жўжи ибн Чингизхоннинг бешланчи ўғли Шайбонхоннинг наслидин Хоразм мамоликида салтанат қилғонлар зикрида.

Тўртинчи боб ҳазрат подшоҳ соҳибқироннининг або[105] и киром[106] ва аждоди зу-л-эҳтиром[107] ининг зикридаким, ҳар қайси бир ахтари тобон[108] дур эморат[109] буржида ва ҳар бири бир гуҳари рахшон[110] дур асолат[111] дуржи[112] да.

Қолжидойхондин *амир*[113] Эш Муҳаммад *бий*[114] ғача.

Муҳаммад Амин *иноқ*[115].

Аваз *бий иноқ*.

Бешинчи боб жаноб салтанатмаоб[116] ва ҳазрат хилофатинтисоб[117] ларнинг насоим[118] и баҳори воқеот ва равоиҳ[119] и раби[120] и футуҳот[121] ларининг гулафшон[122] лиғи била рашки гулистон ва ғайрат[123] и ризвон-

---

[96] Махсусот – ўзига хос хусусиятлари.
[97] Осор – аломатлар, белгилар.
[98] Иқбол – бахт, саодат.
[99] Ижоди – бу ерда яратилиши маъносида.
[100] Мазкур бўлди – зикр қилинди, ёд этилди.
[101] Маъзул – тушириш.
[102] Маъзул қилмоқ – бу ерда тахтдан туширмоқ; ишдан четлаштирмоқ маъносида.
[103] Жулус – чиқиш.
[104] Майманатмаанус – бахтли, бахтга ёр.
[105] Або – ота-бобо.
[106] Киром – азиз, мукаррам.
[107] Зу-л-эҳтиром – ҳурматли.
[108] Ахтари тобон – ялтираган юлдуз.
[109] Эморат – амирлик.
[110] Рахшон – ялтироқ.
[111] Асолат – асллик, аслзодалик.
[112] Дурж – зебу зийнат, жавоҳир солинадиган қути.
[113] Амир – амр берувчи, олдинги нўён унвонига тенг. Кейинчалик бий ва бекларнинг мартабаси амирга тенглаштирилди.
[114] Бий – қабила, уруғ бошлиғи. Амир мартабасига тенг лавозим.
[115] Иноқ – Хива хонлигида энг юқори унвон. Улуғ иноқ ва иноқбек лавозимлари бўлган. Иноқ дўст, суҳбатдош ва яқин маҳрам маъносида бўлган. Иноқдан кейин мартаба бўйича отолиқ, кейин бий турган.
[116] Салтанатмаоб – салтанат эгаси.
[117] Хилофатинтисоб – халифаликка алоқадор,
[118] Насоим – насим, ёқимли шабада.
[119] Равоиҳ – «ройиҳа» (ёқимли ис; таровват) сўзининг кўплиги.
[120] Раби – баҳор.
[121] Футуҳот – фатҳлар. Бу сўз «оллоҳдан етган файзу-баракат» маъносида ҳам келади.
[122] Гулафшон – гул сочиш, гулга буркаш.
[123] Ғайрат – бу ерда рашк маъносида.

дурким, ҳоло ул бири мамолик[124] и уқбо[125] да маснаднишин[126] и боргоҳи раҳмат[127] ва оромгузин[128] и авранг[129] и мағфиратдур.

Аввалғи фасл ҳазрат подшоҳи Жамшиджоҳ[130], хуршидкулоҳ[131], ғуфронпаноҳ[132], раҳматжойгоҳ, қудват[133] ал-хавоқин[134], зубдат[135] ас-салотин[136], жалол ад-давлат ва-д-дин[137] Элтузар Муҳаммад Баҳодирхон *тағаммадуллоҳу биғуфрониҳи*[138] нинг зикри жамил ва васфи жалили.

Иккинчи фасл ҳазрат подшоҳи соҳибқирон ва султони гардунтавон[139] нинг валодат[140] и ҳумоюн[141] идин бу рисолаи саодат мақола итмом[142] иғача ҳар вақое ва футуҳотеким, асар[143] и давлати султоний ва иқболи соҳибқиронийдин вуқу[144] топмиш ва вуқу топғусидур, зикр қилилур.

Аввалғи қисм ҳазрат подшоҳи соҳибқироннинг айёми валодатидин ҳангоми амоpатиғача вақоеи касир ал-бадое[145] идин шаммае[146] баён силк[147] иға чекилур.

Иккинчи қисм ҳазрат подшоҳ соҳибқироннинг овон[148] и амоpатидин замони хилофатиғача футуҳоти касир[149] ал-воқеоти силки тақрир[150] ва самт[151] и таҳрир[152] ға кирулур.

Учунчи қисм ҳазрат султони Сулаймон[153] маконнинг ибтидои салтанатидин бу китоби майманатинтисоб[154] итмомиғача ул ҳазратдин ҳар вақоеи касир ал-бадоеким, вуқу топибдур таҳрир силкига киюрулур.

Жулусининг биринчи йили
Жулусининг иккинчи йили
Жулусининг учинчи йили
Жулусининг тўртинчи йили
Жулусининг бешинчи йили
Жулусининг олтинчи йили
Жулусининг еттинчи йили

---

[124] Мамолик – мамлакатлар.
[125] Уқбо – охират.
[126] Маснаднишин – тахтда ўтирувчи.
[127] Боргоҳи раҳмат – илоҳий даргоҳ.
[128] Оромгузин – жой олган.
[129] Авранг – тахт.
[130] Жамшиджоҳ – Эрон давлати асосчиси шоҳ Жамшиднинг мартабасига ишора.
[131] Хуршидкулоҳ – қуёшдек бош-кийим, яъни олтин тож кийган.
[132] Ғуфронпаноҳ – Худо раҳмат қилган.
[133] Қудват – раҳбарлик.
[134] Хавоқин – хоқонлар.
[135] Зубда – қаймоқ; бу ерда бошлиқ маъносида.
[136] Салотин – султонлар.
[137] Давлат ва дин шавкати (яъни, шу иккаласига ривож берган киши.)
[138] Оллоҳ ўзининг кечирими билан ёпинтирсин.
[139] Гардунтавон – осмон даражали; тақдирдек қудратли.
[140] Валодат, вилодат – туғилиш.
[141] Ҳумоюн – бахтли.
[142] Итмом – тугалланиш.
[143] Асар – аломат, белги.
[144] Вуқу – юзага чиқиш, рўй бериш.
[145] Воқеоти касир ал-бадое – ниҳоятда нодир воқеалар.
[146] Шаммае – бирор қисм, қайсидир бўлак.
[147] Силк – чизиқ, қатор; ип.
[148] Овон – давр.
[149] Касир – кўп.
[150] Тақрир – баён.
[151] Самт (аслида: самот) – чизиқ, қатор.
[152] Таҳрир – ёзув.
[153] Сулаймон – ривоятдаги Сулаймон пайғамбар кўзда тутилмоқда.
[154] Майманатинтисоб – бахтга уланган (бахтли).



Жулусининг саккизинчи йили
Жулусининг тўққизинчи йили
Жулусининг ўнинчи йили
Жулусининг ўн биринчи йили
Жулусининг ўн иккинчи йили
Жулусининг ўн учинчи йили
Жулусининг ўн тўртинчи йили
Жулусининг ўн бешинчи йили
Жулусининг ўн олтинчи йили
Жулусининг ўн еттинчи йили
Жулусининг ўн саккизинчи йили
Жулусининг ўн тўққизинчи йили
Жулусининг йигирманчи йили

Бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳим

Олиймакон султонларнинг дабдабаи ҳашамати ва гардунтавон хоқонларнинг кавкаба[155] и давлати ул подшоҳи алал итлоқ[156] нинг қуллуғи билан интизом топарким, олами носут[157] анинг боргоҳи салтанати оллида бир қазо[158] и муҳаққар[159] дур ва фазои малакут даргоҳи узмат[160] идин бир саҳни муқассар[161]. Ҳудус[162] у қидам[163] икки гавҳари носуфта[164] дур иродат[165] и уммонидин, вужуду адам[166] икки ғунчаи навшукуфта[167] санъат[168] и гулистонидин. Маъмураи кавну макон[169] зобита[170] и қудратидин мазбут[171], олами арвоҳ ва абдон[172] робита[173] и ҳикматидин марбут[174], **қитъа:**

Зиҳи[175] соне[176] и ким, ямм[177] сунъида,
Фалак бир жаноб[178] нагунсор[179] эрур.
Нужуму қуёш нақшин онда чекиб,
Туну кун алардин падидор[180] эрур.

Вожиб ал-вужуд[181] ким вужуди лоязолий бидоят[182] ва ниҳоят либосидин муарро[183] дур ва зоти бемисоли назиру ширкат[184] иснод[185] идин мубарро[186], **байт:**

Бемисоле ки бидоят йўқ анга,
Бешарике ки ниҳоят йўқ анга.

---

[155] Кавкаба – улуғворлик, шон-шавкат.
[156] Алал итлоқ – мутлақ, бутунлай.
[157] Носут – моддий олам.
[158] Қазо – мақом, ўрин.
[159] Муҳаққар – кичик, арзимас.
[160] Узмат – буюклик.
[161] Муқассар – қусурли, айбли; кичик, калта, қисқа.
[162] Ҳудус – янгилик.
[163] Қидам – қадимги, илгари рўй берган.
[164] Гавҳари носуфта – тешилмаган, яъни ишлатилмаган гавҳар.
[165] Иродат – ирода, қарор; яратиш, вужудга келтириш.
[166] Вужуду адам – борлиқ ва йўқлик.
[167] Навшукуфта – янги очилган.
[168] Санъат – яратиш.
[169] Маъмураи кавну макон – ер юзи.
[170] Зобита – тартиб, қонун.
[171] Мазбут – тартиб-интизом топган.
[172] Олами арвоҳ ва абдон – руҳий ва моддий олам.
[173] Робита – боғланиш.
[174] Марбут – боғланган, алоқадор.
[175] Зиҳи – яшасин, офарин. (баъзида киноя ўрнида – офарин-ей!)
[176] Соне/сонеъ – яратувчи.
[177] Ямм – денгиз, уммон.
[178] Жаноб – томон.
[179] Нагунсор – тўнтарилган, ағдарилган.
[180] Падидор – кўриниш.
[181] Вожиб ал-вужуд – мангу, абадий, ўлмас.
[182] Бидоят – бошланиш.
[183] Муарро – яланғоч; эга бўлмаган.
[184] Назиру ширкат – ўхшашлик ва шериклик.
[185] Иснод – нисбат бериш.
[186] Мубарро – озод, қутулган.

Қодиреким, қудрати комиласи била адами дарёйи бекарон[187] идин жавоҳири вужудким, иборати мавжудотдиндур, соҳили зуҳур[188] ға чиқарур ва мавжудот корвонидин манозили фуқдон[189] ғаким, муроди адам саҳросидур, бошқарур. **Қитъа:**

Кўр камоли қудрати ҳаққим, зулол[190] и хушгувор[191],
Тийра[192] тупроқу қаро тошдин намоён айлади.
Сув уза туфроқ бинойи сустини таъмир этиб,
Ул бино узра фалак қасрини гардон[193] айлади.
Туғдуриб фарзанди гардун маҳд[194] и туфроқ батн[195] идин,
Равзаи хулд[196] и барин[197] мулкида султон айлади.
Гаҳ қуёшни жилвагар айлаб сипеҳр[198] айвонида,
Гоҳ они пардаи хок ичра пинҳон айлади.
Тўлдуриб шабнам кўзин ашк[199] и ҳавои ишқ ила
Ғунча оғзин кўргач ул ҳолатни хандон айлади.
Бир-бир аздод[200] и аносир[201] ни мувофиқ айлабон,
Тан аро таркиб берди, муниси жон айлади.

Ҳакимеким, ҳикмати болиға[202] си била фалаки буқаламун[203] нинг ложувардгун айвони бесутунин[204] офтоби жаҳонтоб[205] шамса[206] си ва кавокиби савобит ва сайёр[207] қуббаси била музайян қилди. Ва ернинг тийра туфроқин рашаҳоти саҳоб[208] иноятидин баҳраманд этиб, гулу райҳон нашу-намоси била гулшан. **Рубоий:**

Ҳикмат асарин улки ҳувайдо қилди,
Бир лаҳзада юз нақшни пайдо қилди.
Ҳар нақше тасаввуротидин ожиз этиб,
Инсону малак ақлини шайдо қилди.

Иродати беиллати «ерда бузғунчилик қиладиган[209]» хокнишин[210] ин лутфи вофир[211] ва карами мутакосир[212] била «ер юзида ўзимга халифа-ўринбосар қиламан»[213] маснад[214] и хилофат[215] иға мутамаккин[216]

---

[187] Бекарон – чексиз; ҳадду чегарасиз; қирғоқсиз.
[188] Зуҳур – кўриниш, пайдолик.
[189] Фуқдон – йўқлик.
[190] Зулол – тиниқ сув.
[191] Хушгувор – тотли, мазали.
[192] Тийра – қора.
[193] Гардон – айланувчи.
[194] Маҳд – бешик.
[195] Батн – қорин, кон.
[196] Хулд – жаннат.
[197] Барин – энг юқори.
[198] Сипеҳр – осмон.
[199] Ашк – кўз ёши.
[200] Аздод (зид) – қарама-қарши.
[201] Аносир (унсур) – элементлар. (Метафизиклар ақидасича инсон ташкил топган унсурлар – тупроқ, сув, ҳаво, ўт-олов).
[202] Болиға – етуклик.
[203] Буқаламун – хамелеон; ўзгарувчан.
[204] Бесутун – устунсиз.
[205] Жаҳонтоб – жаҳонни ёритувчи.
[206] Шамса – қуёш тасвири.
[207] Кавокиби савобит ва сайёр – собит турувчи ва кезувчи осмон жисмлари (планеталар).
[208] Рашаҳоти саҳоб – булут томчилари.
[209] Қуръони карим, 2 : 30.
[210] Хокнишин – тупроқдан ясалган; тубан, аянчли, чорасиз.

қилди. «Ва покларгина энг яхшилар олдида туради» мақбулин камоли истиғно[217] ва ғояти жалолият[218] била «Энди жаннатдан чиқ, сен менинг даргоҳимдан қувилгансан[219]» хоки мазаллат[220] ида сокин этди. Ва инсон аснофи[221] ға «биз Одам фарзандларини азиз-мукаррам қилдик[222]» ташриф[223] и каромати била мумтоз[224] лиқ берди. Атроф ва акноф[225] и рубъи маскун[226] тасарруфи била аларнинг ливо[227] и давлатиға сарафрозлиқ еткурди. Одил подшоҳлар торак[228] и давлатин жаҳонгушойлиқ[229] эклили мурасса[230] и ила зурва[231] зурвон-иқбол[232] дин ўткарди ва пурдил[233] мужоҳид[234] лар теғ[235] и шижоатин бозу[236] и нусрат[237] қуввати била зафар ниём[238] идин чиқарди. **Қитъа:**

На қилса Тангри вожибдур кишига айламак таслим[239],
Ки тортар куфрга қилмоқ анга чуну чаро[240] зоҳир.
На инсон ҳикматин англар, на фаҳм айлар малак сунъ[241] ин,
Зиҳи[242] Холиқ, зиҳи Соне, зиҳи Султон, зиҳи Қодир.

Ғароз мунча маснуъот ва махлуқот изҳоридин жамол зуҳуриға мазоҳир[243] тиламакдур, кайфияти ишқ ва моҳияти ҳуснни зоҳир истамак. **Маснавий:**

Агар ишқ, агар ҳусн зоҳир дурур,
Ғараз ўзи ашёи мазоҳир дурур.
Йўқ эрса бу ким эътиборот эрур,
Адамдур бори, боқий ул зот эрур.

---

211 Вофир – етарли даражада, мўл-кўл.
212 Мутакосир – ҳаддан кўп.
213 Қуръони карим 2: 30.
214 Маснад – ўриндиқ, тахт.
215 Хилофат – халифалик, подшоҳлик.
216 Мутамаккин – ўтирувчи, макон топган.
217 Истиғно – эҳтиёжсизлик.
218 Жалолият – буюклик.
219 Қуръони карим 15: 34; 28: 77.
220 Мазаллат – тубанлик.
221 Асноф – тоифа.
222 Қуръони карим, 17:70.
223 Ташриф – шараф.
224 Мумтоз – устун.
225 Акноф (канф) – томон.
226 Рубъи маскун – ер юзининг инсонлар яшайдиган обод қисми.
227 Ливо – байроқ.
228 Торак – дубулға, тож.
229 Жаҳонгушойлиқ – юрт очиш, фатҳ этиш, яъни мамлакатларни эгаллаш. Гушой – очувчи.
230 Эклили (иклил) мурасса – қимматбаҳо тошлар билан безатилган (мурасса) тож.
231 Зурва, зурват – энг юқори чўққи.
232 Иқбол – бахту-саодат.
233 Пурдил – довюрак.
234 Мужоҳид – курашувчи.
235 Теғ – қилич.
236 Бозу – билак.
237 Нусрат – ғалаба.
238 Ниём – қин, ғилоф.
239 Таслим – итоат, бажариш.
240 Чуну чаро – нега? нима учун? баҳс; (Чуну чаросиз итоат этиш – ҳеч гапсиз бўйсуниш)
241 Сунъ – яратувчилик.
242 Зиҳи – яшасин, олқиш, офарин.
243 Мазоҳир (мазҳар) – белгилар.

«Одам фарзандларини азиз ва мукаррам қилдик»[244].

Муножот: Илоҳо, кўнглум кўзгусиким, ашғолот[245] и беҳуда ғуборидин тийра ва музалламдур, фуюзоти илоҳий[246] сайқали била мусаффо қил. Ва нотиқ[247] им тўтисиким, мақолоти хашволуда[248] ҳужумидин алкан ва абкам[249] дур, футуҳот[250] и номутаноҳий[251] шукри била гўё қил. Бу даъвои маҳолғаким[252], қалам сурубмен, сармояйи ҳусул[253] ин қабза[254] йи имконға киюр ва бу саҳройи бекаронғаким, қадам урубмен, масолик[255] ибтидосин манозили поёнға еткур. Ҳар маъни шоҳид[256] иғаким либоси алфоз ва иборот била зийнат берурмен, марғуб[257] и хосу авом эт ва нуқуш[258] и муҳаббатин сафоиҳ[259] и замоир[260] ва саҳоифи қулуб[261] да бит. **Рубоий:**

Ё раб, тилима каломи хуш жорий қил,
Маъни гуҳарини килк[262] им ийсор[263] и қил.
Ҳар сўз ки саҳифа узра таҳрир этсам,
Кўрган киши кўнглини гирифтори қил.

Хусусан, ҳазрати подшоҳи *халадаллоҳу мулкаҳу*[264] равзаи тазйийн мажлисиға ким, сифоти фархундаоёт[265] и била бу мухтасар[266] машҳун[267] дур, маймун[268] қил ва султони Жамжоҳ *дома давлатаҳу*[269] фирдавсойин[270] анжуманиғаким, авсофи хўжастасимот[271] и била бу рисола ширин мазмундир, ҳумоюн этгил. **Байт:**

Муборак қил шаҳаншоҳи жаҳонга,
Ҳумоюн ҳазрати соҳибқиронга.

---

244 Қуръони карим, 17: 70.
245 Ашғолот – ахлат.
246 Фуюзоти илоҳий – илоҳдан келувчи файзу баракат.
247 Нотиқ – гапирувчи. Бу ерда тил, сўз маъносида.
248 Хашволуда – хас-хашакли.
249 Алкан ва абкам – соқов ва лол.
250 Футуҳот – файз.
251 Номутаноҳий – чексиз, бепоён.
252 Даъвои маҳол – қийин иш.
253 Ҳусул – қўлга кирган нарсалар: ҳосил, ютуқ.
254 Қабза – ҳовуч, мушт, қўл.
255 Масолик – йўллар.
256 Шоҳид – суюкли ёр; «Шоҳид» сўзида ҳам гўзал келинчак ва ҳам суюкли куёв (ошиқ, талабгор) кўзда тутилади. Шу сабабли Огаҳийнинг «Шоҳиди иқбол» асари номи «бахту иқболга талабгор» маъносида келган.
257 Марғуб – ёқимли.
258 Нуқуш – нақшлар.
259 Сафоиҳ (бир, сафҳа) – бет, юз; юза, сатҳ.
260 Замоир (бир, замир) – қалб, юрак.
261 Қулуб (бир, қалб) – қалблар.
262 Килк – қалам.
263 Ийсор – бағишлаш.
264 Мулкини мангу қил.
265 Фархундаоёт – бахт аломатли.
266 «Бу мухтасар» деганда ушбу асар кўзда тутилмоқда.
267 Машҳун – тўла, лиммо-лим.
268 Маймун – бахтиёр, мақбул.
269 Жамжоҳ дома давлатаҳу – давлати абадий бўлсин.
270 Фирдавсойин – жаннатдек тартиб топган. – Ойин – қонун, қоида, тартиб-интизом.
271 Хўжастасимот – бахтиёр кўринишли.

Биҳурмат ин-наби ва олиҳи-л-амжод[272]. **Наът:** Дуруд[273] и номаъдуд[274] ул маҳбуб оқибатмаҳмудға[275]- ким, «[Эй Муҳаммад] Биз Сизни барча оламларга раҳмат қилиб юбордик[276]» оятидур анинг шаънида нозил, «агар Сен бўлмасанг олам яралмас эди» мидҳат[277] идур анинг тавсифиға шомил. Кўзи «ўнгу-сўлга оғмади»[278] сурмасидин равшан, юзи «қуёш ва унинг ёғдусига қасам[279]» ғоза[280] сидин музайян, «мен Оллоҳ билан» боргоҳининг султони, «икки камон оралиғида яқин[281]» майдонининг шўхжавлони. **Маснавий:**

Ҳақ асрорига маҳрами, хос эрур,
Муҳити рисолатда ғаввос эрур.
Русули хайл ва анбиё ичра шоҳ,
Қойу шоҳ, шоҳи малоики сипоҳ.
Муборак нигинида фархунда ном,
Ёзилгон «Муҳаммад алайҳи-ис-салом».

Ул ҳазратнинг нури комил ас-сурури махлуқот фитрат[282] ининг мабда[283] идуркм «Оллоҳ дастлаб нуримни яратди[284]» фаҳво[285] сидин маълум бўлур ва силсилаи рисолати шароийа[286] даъватининг зуҳуриға мунтаҳий[287] дуркм «У Оллоҳнинг пайғамбари ва пайғамбарларнинг сўнггисидир[288]» муқтазо[289] сидин мафҳум қилилур. Зоти хужаста сифоти мукавванот[290] гулистонининг сарсабз[291] лиқиға боисдур, вужуди зил-жуд[292] и раҳмат мазра[293] сининг маҳсулотиға ҳорис[294]. **Қитъа:**

Бу на соҳиб манзилатдуркм, туфайли зотий[295] дур,
Булбашар[296] ким, оллида бўлди малоик саждагар.
Аҳли олам сори бир раҳмат дурур қилган нузул,
Ул сифаткм зиндадил[297] лар шаънига файзи саҳар.

---

[272] Пайғамбар ва унинг етук авлоди ҳурмати.
[273] Дуруд – салом, олқиш.
[274] Номаъдуд – сон-саноқсиз.
[275] Оқибатмаҳмуд – олқиш ва мақтов билан якунланувчи.
[276] Қуръони карим, 21 : 107.
[277] Мидҳат – мақтовли, олқишли.
[278] Қуръони карим, 53 : 17.
[279] Қуръони карим, 91 : 1.
[280] Ғоза – сурма.
[281] Қуръони карим, 53 : 9.
[282] Фитрат – зот.
[283] Мабда – бошланиш нуқтаси.
[284] Ҳадис.
[285] Фаҳво – маъно, мазмун.
[286] Шароийа (бир.: шариат) – шариатлар.
[287] Мунтаҳий – якун, ниҳояланиш.
[288] Қуръони карим, 33 : 40.
[289] Муқтазо – мувофиқ, кўра, бўйича.
[290] Мукавванот – яралиш.
[291] Сарсабз – гуллаб-яшнаган.
[292] Зижуд – саховатли.
[293] Мазра – дала, экинзор.
[294] Ҳорис – (илмий-танқидий матнда бу арабча сўз «сэ» ҳарфи билан берилган ва у ҳолда «деҳқон» маъносини беради. Агар у «син» билан берилса «қўриқловчи»ни билдиради.)
[295] Туфайли зотий – зотан яратилган.
[296] Булбашар – башарият отаси.
[297] Зиндадил – оллоҳ ёди билан хушвақт кишилар.

Синон[298] и жонситон[299] и ваҳмидин куффори нофаржом[300] мубориз[301] ларининг шижоатасар жигарлари захмгин ва теғи хунфишони бийм[302] идин убда[303] и асном[304] баҳодирларининг таҳаввур[305] парвар бағирлари хунин, жаҳон хористон[306] и баҳори ҳидоятининг руҳафзо насими ғунчагушойлиқидин гулшан ва замон шабистони чироғи шариатининг оламафрӯз[307] шуъласи партав орой[308] лиқидин равшан. **Маснавий:**

Бўлуб қаҳридин куфр эли хавфнок,
Онингдек ки хайли шайётин ҳалок.
Бўлуб меҳридин аҳли дин сарбаланд,
Нечукким гуруҳи малак аржуманд.

«Мен фасоҳатлироқман[309]» гавҳари бирла фусаҳо[310] афсар[311] иға зевар эркани маълум ва қуёшлиғиға бурҳон[312]. «Асҳоби кан-нужум» сайри ломакониға пайваст, кушиш[313] и бахшишға ҳамдаст. Сунбулосо[314] зулфидин «лайлатулқадр» бир тори мишкин. Ангуштнамо[315] мўъжизотидин шаққулқамар[316] бир далили ҳайрат офарин[317]. **Назм:**

Эй арш, буржи хонақаҳинг ичра минбаре,
В-эй, лавҳ-лавҳи ҳикматинг илкида дафтаре.
Ҳам руҳ шамъи рўйингга парвонае эрур,
Ҳам Жабрайил дур ҳарамингга кабўтаре.
Эл бўлса ул даме ки шафоат майига маст,
Ул зумра ичра қил менга ҳам лутф соғаре.

Аллоҳумма салли ала Муҳаммадин абдика ва расулика, ан-наби ил-оми ил-араби саййид ис-содиқ ва ала Оли Муҳаммад ва барик ва-саллим алайҳим. Баъд. Ва кулли заррат алфа алфа маррат ун маноқиб мутаоқиби ул тўрт имомғаким халофат дуржининг рахшанда гавҳаридурлар ва имомат буржининг дурахшанда ахтари. Ҳар соҳиби давлатеким алар муҳаббатин дуррати-т-тож[318] қилди, надомат туфроқин бошға сочмоқ ибтило[319] сидин айрилди ва ҳар зи басорат[320] еким алар дўстлиқи била кўнгул кўзин ёрутди, ҳасрат ғуборидин хийра чашм ва тийра дил бўлмоқ балосидин Тангри омон тутди. **Байт:**

---

[298] Синон – найза.
[299] Жонситон – жон олувчи.
[300] Нофаржом – бахтсиз.
[301] Мубориз – курашчи.
[302] Бийм – қўрқув.
[303] Убда – сиғинувчи, топинувчи.
[304] Асном – санамлар, будлар.
[305] Таҳаввур – қўрқмас, довюрак.
[306] Хористон – тиканзор, чакалакзор.
[307] Оламафрўз – жаҳонни ёритувчи; – Афрўз – ёритувчи.
[308] Партаворой – нур билан безовчи.; - Орой – безак берувчи.
[309] Ислом пайғамбарининг Қуръони карим тили бобидаги таъналарга «мен араб сўзамолларидан фасоҳатлироқ (чечанроқ)ман» деган сўзларига ишора. (Ю.Брегель нашрида бу ҳадисга нотўғри равишда Қуръони карим, 28-сурасининг 34-ояти нисбат берилган.)
[310] Фусаҳо – фасиҳлар, яъни чиройли сўз айтувчилар.
[311] Афсар – тож.
[312] Бурҳон – далил, ҳужжат.
[313] Кушиш – ҳаракат, интилиш.
[314] Сунбулосо – сунбулга ўхшаш.; - Осо – ўхшаш, каби.
[315] Ангуштнамо – нодир, оз.
[316] Шаққилқамар – ойни иккига бўлиш (расули акрам мўъжизаларидан бирига ишора)
[317] Ҳайратофарин – ҳайрат яратувчи.; -Офарин – яратувчи.
[318] Тождаги дур.
[319] Ибтило – мубтало бўлиш; бало, офатга йўлиқиш.
[320] Зи басорат – кўрар кўзлилар, басират аҳли.

Ҳар ким ки бу тўрт бирига мункирдур,
Иймонига куфр пардаси сотир[321] дур.

Манқабат: Ниёбат[322] маърака[323] сининг шўх жавлони, *раёсат* маҳкамасининг нофизи фармони[324], асҳоби яқин[325] афзали, арбоби дин акмали, «фақат иккови ғорда эди»[326] оятининг сабаби нузули, Тангри ва расулнинг муқарриб[327] ва мақбули, аъни, авранги зебдор ал-хилофа, амир ал-мўъминин Абу Бакр ибн Аби Қаҳофа *разийаллуллоҳу анҳу.* **Қитъа:**

Худованди ки миллатга бериб зайн[328],
Эрур ҳукмидин анинг дин низоми.
Ўтиргондек Қамар Кун манзилида[329],
Рисолат шоҳининг қойим мақоми[330].
Камоли сидқдин Сиддиқи акбар,
Нигини даҳр аро фархунда номи.

Манқабат: Куфри беҳуда размлариға сиёсат майдонининг маъракаоройи[331] идин хужаста базмлариға иноят базл[332] ининг хазинагушойи, шариат айвонининг хованди[333], адолат девонининг худованди, *араб* мулкининг сабаби тафохири[334], *ажам* ҳуккомининг мавжиби такассури[335], аъни ҳазрат хилофатмаоб *амир ал*-мўъминин Умар ибн ал-Хаттоб *разийаллоҳу анҳу.* **Қитъа:**

Шаҳеким тортибон тиғи шижоат,
Арабдин то ажам қилди мусаххар.
Имомат баҳрининг дурри ятими,
Топиб андин адолат тожи зевар.
Қилиб кўб фарқ амру-наҳий ичра,
Эрур форуқ[336] аъзамлиқда ашҳар[337].

Манқабат: Ҳилм жавоҳирининг кони, ҳаё гулбун[338] ининг гулистони, каломи мўъжазнизомнинг жомеи[339], куфру нифоқ русумининг монеи, қурайш қабоилининг иззатмаоби, бани Уммия тавоифининг фархундаалқоби[340], аъни ҳабиб ар-раҳмон амир ал-мўъминин Усмон ибн Аффон *разиюллоҳи анҳу.* **Қитъа**:

---

[321] Сотир – яширин.
[322] Ниёбат – ўринбосарлик, ноиблик.
[323] Маърака – йиғин.
[324] Нофизи фармон – буйруғи сўзсиз бажарилувчи мақомидаги шахс; фармон чиқарув.
[325] Яқин – ишонч.
[326] Қуръони карим, 9 : 40.
[327] Муқарриб – яқин.
[328] Зайн – зийнат; саранжом-сариштаeasлик, тартибу назм.
[329] Бурж бўйича Ойнинг Қуёш ўрнида туриши кўзда тутилмоқда.
[330] Қойим мақом – ўринбосар.
[331] Маъракаорой – йиғинни безовчи.
[332] Базл – сахийлик, саховат.
[333] Хованд/худованд – хўжайин; бошлиқ; худованди эгам.
[334] Мафохири – фахри.
[335] Такассур – ардоқли.
[336] Форуқ – доно; Ҳазрат Умарнинг лақаби.
[337] Ашҳар – энг таниқли, машҳур.
[338] Гулбун – гул ниҳоли.
[339] Жомеи – бирор нарсани ўзида йиққан.
[340] Фархундаалқоб – бахтиёр исмли.

Шаҳаншоҳи ки келди зоти онинг
Асоси салтанатга рукни солис[341].
Мушарраф бўлди зу-н-нурийнлиқга[342]
Бўлуб Аҳмад икки дурига ворис.

Манқабат: Илм дарёсининг ғаввоси, тавҳид[343] ҳараминиг маҳрами хоси, шижоат беша[344] синиг ғурранда[345] шери, жалодат маъракасининг шаҳсувор далер[346] и, фақр мулкининг соҳиби нигини, ҳиммат тахтининг мураббанишин[347] и, аъни, Асадуллоҳ ал-ғолиб *амир* ал-мўъминин Али ибн Аби Толиб *каррамаллоҳу важҳаҳу*[348]. **Қитъа:**

Паямбар бирла онинг иттиҳоди
Нечукким жону таннинг иттисоли.
Тонг эрмас Муртазога бўлса машҳур
Ки бордур иртизо[349] *ичра камоли.*

Ризвонуллоҳи таоло алайҳим ажмаиин. **Аммо баъд**. Бу ибороти маъниоро[350] ҳуруфининг роқими ва бу жавоҳири гаронбаҳо[351] уқуд[352] ининг нозим[353] и, хилофат мулозимларининг дуогуйи, салтанат давлатининг бақожўй[354] и, маломат ғамхонасининг садрнишини[355], надомат кошонасининг узлатгузин[356] и, аҳқар ал-ибод ал-малик ал-ваҳҳоб[357] Шер Муҳаммад ал-мулаққаб би-л-Мунис ибн *амир* Аваз *бий мироб* [358] *гаффараллоҳу таоло саййиати аъмолиҳи ва тажавваз ани-с-содироти афъолиҳи* мундоқ арз қилурким, кичиклик овони ва йигитлик унфувон[359] иким, ҳаёт оламининг навбаҳори ва умр навбаҳорининг айёми хўжастаосор[360] идур, ул фасл ҳавоси ва бу мавсум тақозоси била бепарволиғ бодия[361] сида жунунтоз эрдим ва жаҳолат маъракасида арбадабоз[362], бошимда ишрат ҳавоси вофир эрди, кўнглумда нишот[363] савдоси мутакосир. **Байт:**

Тараб[364] *орзу қилмоқимдин на суд,*
Ки чун орзу тутмос эрса вужуд

---

[341] Рукни солис – учинчи устун.
[342] Пайғамбар Муҳаммаднинг икки қизига уйланганига ишора.
[343] Тавҳид – яккахудолик.
[344] Беша – ўрмон, тўқайзор.
[345] Ғурранда – даҳшатли.
[346] Маърака – майдон. Шаҳсувор – чавандоз. Далер – ботир, жасур.
[347] Мураббанишин – чордана қуриб ўтирган.
[348] Карамуллоҳи важҳ – «Оллоҳ юзингни азиз қилсин», пайғамбарнинг ҳазрат Алига ҳеч бир жангда уруш майдонидан юз ўгирмагани учун қилган дуо-истаги.
[349] Иртизо – қониқиш.
[350] Оро – безовчи.
[351] Гаронбаҳо – қимматбаҳо.
[352] Уқуд (бир.: ақд) – тизим, тизма.
[353] Нозим – тартибга солувчи; бу ерда бир тизимга тузувчи.
[354] Бақожўй – мангулик изловчи.
[355] Садрнишин – қалб, яъни тўрда ўтирувчи; - Нишин – ўтирувчи.
[356] Узлатгузин – бир бурчакни ихтиёр этган; - Гузин – танловчи, ихтиёр этувчи.
[357] Саховатли подшоҳ (Оллоҳ)га ибодат қилувчиларнинг энг кичик-камтари.
[358] Мироб – сув амири дегани. Сувдан фойдаланиш тартиби, суғориш тизими устидан назорат этувчи амалдор.
[359] Йигитлик унфувони – ёшликнинг айни гуллаб-яшнаган чоғи.
[360] Хўжастаосор – бахт белгили.; - Асар, осор – белгили.
[361] Бодия – саҳро.
[362] Арбадабоз – бебош.
[363] Нишот – қувонч, хурсандчилик.
[364] Тараб – қувонч, кўнгил очиш, хурсандчилик.

– гоҳ арозил[365] мухолитат[366] идин хотирим ғампарвар эрди ва авбош муволифат[367] идин замирим мукаддар[368], гоҳ уламо хизматидин сарбаланд эрдим ва фузало суҳбатидин баҳраманд. **Маснавий:**

Арозил ичра гарчи мунҳаритман[369],
Жаҳолат аҳли бирла мухталитман.
Вале илм аҳлиға бошим дурур йўл,
Афозил доманидин олмайин қўл.

Агар фалаки ғаддор[370] нинг гуногун[371] ҳодисоти ҳужум қилса, шеър мушоираси билаким, маҳзунлар аниси ва маъмунлар жалисидур, рафъ[372] и малолат қилур эрдим ва агар замони нопойдор[373] нинг ранго-ранг офоти ғулув[374] этса, таворих мутоаласи билаким, авзои аҳли олам вуқуф[375] иға сабаб ва кайфияти сулуки бани одам иттило[376] иға боисдур, дафъи кулфат қилур эрдим, токим олам диёри идбор[377] нузул-[378] ининг кудуратидин мубарро[379] ва жаҳон ҳисор[380] и иқбол вусул[381] ининг мусаррат[382] идин ишратафзо бўлуб, кишваристонлиғ тахти бир подшоҳи гардундаргоҳ қудуми ҳиммати била баланд бўлдиким, саодат гавҳари онинг тожиға зевар бўлмоқ била гаронмоя[383] дур ва жаҳонбон[384] лиғ тожи бир шаҳаншоҳи анжумсипоҳ[385] торак[386] и давлати била зийнат топтиким, иқбол атласи тахтиға давож[387] бўлмоқ била соҳиби қийматдур. Хилофат[388] хутбаси бир шаҳриёри зулиқтидор зотиға муқаррар бўлдиким, дароҳим[389] и давлат секка[390] йи мидҳат[391] и била мўътабар бўлур ва салтанат хотам[392] и бир номдори адолатшиор оти била номий бўлдиким, руқъа[393] и ҳукумат алқоб[394] и жалолати била гиромий бўлур, қаҳрамонеким, теғи сиёсати ваҳмидин адоват диёрининг саркаш[395] лари сипар[396] и ихтифо[397] дин бош чиқара олмас ва

---

[365] Арозил – разил, пасткаш одамлар.
[366] Мухолитат – бирга ўтириб-туриш, дўст тутиниш.
[367] Муволифат – улфат бўлиш.
[368] Мукаддар – ғамгин.
[369] Мунҳарит – улфат, шерик.
[370] Ғаддор – хоин, сотқин.
[371] Гуногун – ҳар хил.
[372] Рафъ – кетказиш, ҳайдаш.
[373] Нопойдор – вақтинча, ўткинчи.
[374] Ғулув(в) – ҳаддан ошишлик.
[375] Вуқуф – билиш, воқиф бўлиш.
[376] Иттило – маълумот олиш.
[377] Идбор – кулфат, бахтсизлик.
[378] Нузул – тушиш.
[379] Мубарро – озод, қутулган.
[380] Ҳисор – қалъа.
[381] Вусул – етишиш, висол.
[382] Мусаррат – қувонч, шодлик, хурсандчилик.
[383] Гаронмоя – қимматли.
[384] Жаҳонбон – жаҳонни сақловчи, оламга муносиб эга.
[385] Анжумсипоҳ – юлдузлар сонича лашкарли.
[386] Торак – тож.
[387] Даввож – ёпинғич.
[388] Хилофат – халифалик, подшоҳлик.
[389] Дароҳим (бир дирҳам) – пул бирлиги.
[390] Секка – танга.
[391] Мидҳат – эзгу ишлар.
[392] Хотам – узук.
[393] Руқъа – хат, нома.
[394] Алқоб (бир лақаб) – ном, унвон.
[395] Саркаш – бўйин товловчи, бўйсунмас.
[396] Сепар – қалқон.
[397] Ихтифо – бекинадиган яшириниш жойи.

шиҳна[398] и уқубати биймидин залолат ҳисорининг мушаввиш[399] лари мамар[400] и изҳор[401] ға йўл бошқара олмас. Ва соҳибқиронеким, ливои зафарпайкар[402] инининг дарахшон маҳча[403] си «биз сизга очиқ-равшан ғалаба ато этдик[404]» сайқали билан мужалло[405] дур ва ханжари нусрат жавҳарининг мурасса қабзаси «фатҳ оллоҳдан ва ғалаба яқиндир»[406] тазҳиб[407] и била муталло. Одилеким, меъмори адолатининг санъаткорлиғи бирла харобалар ободон бўлуб, зулм турктоз[408] инининг ғоратидин раоё[409] фориғбол[410] бўлди, бозил[411] еким, саҳоби саховатининг матар[412] борлиғи била ҳомун[413] лар гулистон бўлуб, фақр тунбод[414] инининг музаррат[415] идин фуқаро осудаҳол бўлди. **Қасида:**

Осмон тахте ки кох[416] *и адл ангадур тахтгоҳ,*
Бошида хуршидраафат[417] *дин эрур заррин кулоҳ.*
Соябон[418] *и қадридин гардун нишонедур ҳақир,*
Анда олтун қуббалар нақши эрур хуршиду моҳ.
Қадри оллида муалло чарх эрур адносарир[419]*,*
Ҳиммати оллида оламдур муҳаққар боргоҳ.
Ҳукмига олам мутеву зотига таслим этиб,
Давлати хоразмшоҳий мансабин лутфи илоҳ.
Лек чингизийлар истисол[420] *топиб қаҳридин*[421]*,*
Эйлаким, Чингиз теги ваҳмидин хоразмшоҳ[422]*.*
Ҳар тараф еткурса от, юз филни айлар забун,
Ҳар қаён келтурса рух минг шоҳни айлар табоҳ.
Қилмасун нечун салотин хизматига майлким,
Ким ки қилди қуллугин бўлди сикандардастгоҳ.
Бу на осори саодатдур ки етгач мақдами,
Кимиё янглиг зари холис бўлур хоки сиёҳ.
Ламъа[423] *и тегига аъдо тоб келтурмаки маҳол,*
Шўълаи барқ оллида андоқки харвор[424] *гиёҳ.*

---

[398] Шиҳна – миршаблар бошлиғи; жазо масъули.
[399] Мушаввиш – ташвишда қолган.
[400] Мамар – ўтиш жойи, йўл.
[401] Изҳор – бу ерда «юзага чиқиш», мамари изҳор эса «яшаш» маъносида келмоқда.
[402] Зафарпайкар – ғалаба гавдали, зафар кўринишли.
[403] Маҳча – мусулмон давлатлари байроғи тепасида ўрнатилган ярим ой шакли.
[404] Қуръони карим, 48 : 1.
[405] Мужалло – жилоланган.
[406] Қуръони карим, 61 : 13.
[407] Тазҳиб – тилло суви югуртилган.
[408] Турктоз – босқинчилик.
[409] Раоё – халқлар, фуқаро.
[410] Фориғбол – тинч, озод.
[411] Бозил – саховатли.
[412] Матар – ёмғир.
[413] Ҳомун – саҳро, дашту биёбон.
[414] Тунбод – қаттиқ шамол, яксон қилувчи ел.
[415] Музаррат – зарар.
[416] Кох – сарой.
[417] Хуршидраафат – меҳрибонлик қуёши.
[418] Соябон – бу ерда давлат белгиларидан бири ҳисобланмиш «чатр»-соябон кўзда тутилмоқда.
[419] Адносарир – қуйи мақом, тубанлик.
[420] Истисол – таг-туги билан қўпорилиш.
[421] Бу ерда Хоразмда чингизий ўзбек ва қозоқ хонлари ҳукуматини тугатиб, ўзига хонлик унвонини берган қўнғирот иноқларидан Элтузархон кўзда тутилмоқда.
[422] Бу ерда Чингизхондан енгилган Муҳаммад Хоразмшоҳ кўзда тутилмоқда.
[423] Ламъа – ялтираш.
[424] Харвор – оғирлик ўлчови: 200 – 300 килограмм.; бу ерда бир уюм.

Адли мулк авроқин андоқ сода қилди зулмдин
Ким, топилмоқ мумкин эрмас анда нақши додхоҳ[425].
Бодаи қаҳридин аъдо эйла беҳуш ўлдиким,
То қиёмат топмас ўз ҳолига роҳи интибоҳ.
Тег то чекти муонид[426]лар вужуди дафъига,
Чиқмади маҳзун кўнгуллар тиркаш[427]идин тири оҳ.
Қуввати бозусидиндур ҳарб гарм[428] ўлгон чоги,
Бу сифатким, тегларнинг қомати бўлмиш дуто(ҳ).
Тег қаҳридин адув топмас омон, топгай омон
Ўзига ул дамки, истар гўша[429]и авфин паноҳ.
Ҳамлаи сарсарваш[430]ига ҳеч ким бўлмас ҳариф,
Тундбод ўтру[431]сида не нав тургой барги коҳ[432].
Қадри иқболин кўрунгким бўлди рўзий Тангридин,
Дўстига авжи маснад, душманига қаъри чоҳ.
Қаҳри зиндонида муфсид[433]лар уқубат ўтига
Ўртанур ул навким, дўзах аро аҳли гуноҳ.
Ҳалқаи амрига иқболи жаҳонни киргузур,
Ҳарб занжирини тебратмак эмас ҳожат сипоҳ.
Чарх ҳам саркашлик этса қайдига бўлгой асир
Ким, камандидур расо ул навким мадди нигоҳ[434].
Офтоби илтифотидин топар ер қадри чарх,
Каҳкашонлиг даъво айлар мақдамидин гарди роҳ.
Лутфидин Кайвонсарир[435] ўлди фазилатмандлар,
Базлидин аҳли ҳунар бўлгон киби хуршиджоҳ.
Панжаи эҳсони андоқ симу зар резиш қилиб,
Эйлаким, жаннатда Туби[436] шохи ҳар сори миёҳ[437].
Саъйи бирла аҳли дин топти ривож ул навким,
Куфр элига қолмади қувват жуз[438] «оҳ умргоҳ».
Даврида тузди бўри қўй бирла андоқ дўстлиг
Ким, бурун душман демакликкадур маҳал иштибоҳ[439].
Адли даъвосини фош этсам муҳақманким, эрур
Эл дуоси бирла мулк осойиши икки гувоҳ.
Ҳам қилиб такрор васфи жуд[440]ин аҳли мадраса,
Ҳам дуои давлатин вирд[441] айлаб аҳли хонақоҳ.
Ё раб, айлаб бу шаҳаншаҳ фатҳ олам кишвар[442]ин,

---

[425] Нақши додхоҳ – қозилик фаолияти, арзу-дод сўраш иши.
[426] Муонид – душман.
[427] Тиркаш – тир, яъни ўқ ёй ўқлари солинадиган садоқ.
[428] Гарм – қизғин.
[429] Гўша – бурчак.
[430] Сарсарваш – қаттиқ шамол сингари.
[431] Ўтру – қарши, рўпара.
[432] Коҳ – сомон.
[433] Муфсид – фосид, бузғунчи.
[434] Мадди нигоҳ – кўз устидаги қош.
[435] Кайвонсарир – Кайвон юлдузи тутган мақом.
[436] Туби – жаннатдаги дарахт номи.
[437] Миёҳ – сув. Бу ерда ёйилган маъносида.
[438] Жуз – бошқа, ўзга.
[439] Иштибоҳ – хато.
[440] Жуд – сахийлик.
[441] Вирд – такрорлаш, дилдан ўтказиш.
[442] Кишвар – мамлакат, юрт.

Компронлиг бирла бўлгой етти иқлим узра шоҳ.
Базми маҳвашларга бўлгой ишратафзой[443] и қулуб,
Остони шоҳларга саждаоройи жаббоҳ[444].
Мўр[445] дек бадхоҳлар туфроқ аро айлаб ватан,
Давлатидин топгай иқбол Сулаймони некхоҳ[446].

Ҳазрати аълохоқоний, муқарриби даргоҳи субҳоний, мураввиж[447] и қавоиди салтанат, мумаҳҳид[448] и асоси манзилат, аврангзеб[449] и хилофат, маснадоройи жалолат, кайвонжоҳ, хуршидкулоҳ, адолатманқабат[450], муалло манзилат. **Назм:**

Фалак жойгоҳу муалло ҳашам
Қуёшдек сарафрозу заррин алам[451].
Тутуб ер юзин иқтидори онинг
Фузун[452] тоғлардин виқори онинг,

аъзам[453] и салотини олам, афзали хавоқини муаззам, шамс ал-аъзам ва-л-жалол, қутб ас-самоъ ал-ҳашмат ва-л-иқбол, рофеъ мақоми шариати саййид ал-мурсалин, босит[454] и бисот ал-адл ва-р-рофат ала-л-оламин, қоме[455] и бунёди куфр ва туғён, носиб[456] и ливо[457] и амн[458] у амон, халифат аз-замон фи-л-офоқ, молики сарири хилофат би-л-ирс ва-л-истиҳқоқ, ал-муаййид мин индиллоҳ ал-малик ал-маннон, ал-мансур ала ал-адо би-т-тавфиқ ас-субҳон, аъни, подшоҳи соҳибқирон Абу-л-музаффар ва-л-мансур Абу-л-фатҳ Элтузархон *мадаллоҳу таоло зилола жалолиҳу ала мафориқ ил-аном ила йавм ил-қиям,* чун бу давлати маймун[459] и рўзафзун[460] қуёшининг шаашша[461] си оламни ёрутти ва бу навбати ҳумоюнкўси[462]-нинг тантанаси фалакдин ўтти. Ҳар харобод бир восита била саҳоби иноятининг рашаҳотидин баҳраманд ва ҳар адоний[463] ва ақосий[464] бир васила била офтоби марҳаматининг партавафкан[465] лигидин аржуманд бўлди. Хористонлар гулистон ранги-бўйин ошкор этти, гулистонлар равзаи ризвон тароватиға етти. **Маснавий:**

Раоё бўлуб адлидин баҳраманд,
Сипоҳ аҳли инъомидин аржуманд.
Масокин топиб базлидин шодлиг,
Онингдек ки вайронлар ободлиг.

---

443 Ишратафзой – ишратни оширувчи.; - Афзой – оширувчи, кўпайтирувчи.
444 Жабоҳ (жабҳа – пешона) – пешоналар (сурадиган жой).
445 Мўр – чумоли.
446 Некхоҳ – яхшилик тиловчи.
447 Мураввиж – ривож берувчи.
448 Мумаҳҳид – тартиб берувчи.
449 Аврангзеб – тахтни безовчи.
450 Адолатманқабат – адолатни улуғловчи.
451 Алам – байроқ.
452 Фузун – кўп.
453 Аъзам – энг буюк.
454 Босит – ёйувчи.
455 Қоме – йўқ қилувчи.
456 Носиб – ўрнатувчи.
457 Ливои – байроқ.
458 Амн – хавфсизлик, тинчлик.
459 Маймун – бахтли.
460 Рўзафзун – кундан-кун яшновчи, юксакликка юз тутган.
461 Шаашша – нурланиш.
462 Навбати ҳумоюнкўси – тахтга чиқиш маросимида чалинадиган ноғора.
463 Адоний – энг қуйи табақа.
464 Ақосий – энг юқори табақа.

Ғаний[466] ларга жамиат афзун бўлуб,
Тазоид[467] га амволи мақрун[468] бўлуб.
Адувлар кўруб лутфидин марҳамат,
Анго дўстлардек бўлуб якжиҳат.
Жонибида ҳар бандае хокбус,
Топиб қадри Искандари Файлқус.
Ҳунар аҳли ул нав мумтоз ўлуб
Ки жоҳ[469] авжи узра сарафроз ўлуб.
Аларким эди илмдан баҳраманд,
Бўлуб етти кўкдин мақоми баланд.
Суханварлар оллида қурбат[470] топиб,
Сўз ажнос[471] ича қадру қиймат топиб.
Кўруб аҳли назм ўзгача илтифот,
Топиб базлидин ҳар дам ортуқ ҳаёт.
Онинг лутфи бирла хосу ом,
Улуғ то кичик бўлдилар шодком.

Аммо, Фақирким ҳаводис черикининг лагадкўби[472] дин озурда ва навоиб[473] сипоҳи ғалаба[474] сидин афсурда эрдим ва ул даргоҳи гардуништибоҳ[475] утба[476] бўслиқи кўнглумга орзу ва ул остонаи фирдавснишона туфроқининг тўтиё[477] син истамак кўзумга обрў эрди ва лекин камоли ажзу ғояти инкисор[478] дин бу таманно изҳориға журъат қилмоқ маҳол кўрунди ва бу тақозо ифшо[479] сиға майл кўргузмак мумтане[480] ва вубол[481] . **Рубоий:**

Ман кимману ул шоҳ висолин тиламак,
Ишраткада[482] и равза мисолин тиламак.
Саргаштаву музтариблиқ этти ҳосил,
Зарротга хуршид жамолин тиламак.

Ва сурати ҳолим бу маънии ғам фазоға мувофиқ эрдиким. **Маснавий:**

Нечук шаҳ базмига етгай гадое,
Ки андоқ йўқ ҳақиру бенавое.
Топорму йўл қуёш васлига хаффош[483],
Гуҳарга ёндошурму ҳар қаро тош.

---

[465] Партавафкан – нур сочувчи.
[466] Ғаний – бой-бадавлат киши.
[467] Тазоид – кўпайиш, ортиш.
[468] Мақрун (қарин) – яқин.
[469] Жой – мансаб, улуғлик.
[470] Қурбат – яқинлик.
[471] Ажнос – бўлаклар.
[472] Лагадкуб – тепки.
[473] Навоиб – бахтсиз ҳодиса-воқеалар.
[474] Ғалаба – кўпчилик, ҳаддан зиёдлик.
[475] Гардуништибоҳ – осмонга ўхшаш, осмон баробар.
[476] Утба – бўсаға, остона. Утба бўслиқ – бўсаға ўпиш.
[477] Тўтиё – кўзга даво учун суртиладиган сурма кукуни.
[478] Инкисор – руҳан тушкунлик.
[479] Ифшо – ошкор этиш.
[480] Мумтане – қийин, оғриқли.
[481] Вубол – оғир, малол келтирувчи.
[482] Ишраткада – маишатхона.
[483] Хаффош – кўршапалак.

Ғубор учмоқ била етмас фалакка,
Пари ҳамроз ўла олмас малакка.

Бу нав ёс[484] истилоси била хотирим уйи байтул эҳзон эрди ва мундоқ навмидлик яғмо[485] си била кўнглум мулки вайрон. **Назм:**

Хотир аро меҳнату гам бор эди,
Ранжу аъно[486] жон аро бисёр эди.
Ғолиб ўлуб бошима савдои ёс,
Бўлмиш эдим сокини саҳрои ёс.
Бир тун этиб ман сори давлат ружу[487],
Ахтари толе манга қилди тулу[488].
Яъни бошим узра етиб қосид[489] е,
Манзили мақсуд сори қоид[490] е.
Бошдин аёқ гарқаи баҳри хабар,
Қайси хабар – борча башоратасар.
Ҳар қадамидин ки бўлуб гард фош[491],
Сурма қилиб кўзига ой ва қуёш.
Ҳар сўзи Исо нафасин билгуруб,
Хасталар ажсомига жон еткуруб.
Деди ки юрмак ишини жазм қил,
Шоҳ жанобига туруб азм қил.
Еткур ўзинг дори хилофат сори,
Бошинг олиб бор дар[492] и давлат сори.

Чун бу башорати давлатишорат насими соме[493] им димоғин муаттар қилди ва хотирим гулистонин тозаву-тар, азимат[494] ҳавосиға бол[495] и суръат урдум, хуршиджалолат ҳузратиға ўзумни зарравор еткурдим. **Назм:**

Назарга боргоҳи бўлди пайдо,
Эмас ҳамсар[496] анга чархи муалло.
Қилиб девори Чин нақшин муайян,
Кавокиб сурати сақф[497] ида равшан.
Қанодил[498] анда олтундин саросар,
Бўлуб ҳар шами бир хуршиди анвар.
Чарогонлиқ анингдек мажлисафрўз,
Ки эрди гўёким шоми Наврўз.

---

[484] Ёс – тушкунлик.
[485] Яғмо – талон-торож
[486] Аъно – азоб-уқубат.
[487] Ружу – юзланиш.
[488] Тулу – балқиб чиқиш.
[489] Қосид – чопар, хабар элтувчи.
[490] Қоид – элчи, чопар.
[491] Фош – аён, ошкор.
[492] Дар – эшик.
[493] Соме – эшитувчи, эшитиш ҳас-туйғуси.
[494] Азимат – йўналиш, йўлга тушиш.
[495] Бол -- қанот.
[496] Ҳамсар – бўйлашувчи, тенг.
[497] Сақф – шифт.
[498] Қанодил – қандиллар.

Тўшалган ҳар тараф қолин[499] *и заркаш,*
Сочоқ[500] *атрофида бори гуҳаркаш.*
Мажомир ичра турлук сандалу уъд,
Чиқариб атр гўстарлик била дуд.
Қурулгон садрида тахти зубаржад,
Бийикликда мақоми фарқи фарқад.
Анинг устида маснад ранг бар ранг,
Ки гардун атласидин айлабон нанг.
Ўтурмиш маснад узра шаҳриёре,
Муаззам тахтгире тождоре.
Муборак бошида эклили заррин,
Жавоҳир бирла топиб зебу тазйин.
Ўтоға афсари узра келиб зар,
Шуои меҳр янглиғ жилвагўстар[501]*.*
Жабин[502] *ида халофат нури пайдо,*
Юзида салтанат ранги ҳувайдо.
Бошидин то оёқ олтун аро ғарқ,
Қилиб бўлмас они хуршиддин фарқ.
Шукуҳидин синуқ гардун шукуҳи,
Саботидин сабук[503] *Албўрз куҳи*[504]*.*
Қошида қилғудек Баҳром[505] *қуллуқ,*
Даги дарбонлиқида Сом[506] *қуллуқ.*
Саховатда анга ҳар неча очмоқ
Келиб базм аҳлига юз ганж сочмоқ.

Чун мундоқ суҳбати фирдавсназҳат[507] ға дохил[508] бўлдум, ўзимни заррае гумон қилдимким, қуёш ҳузурида саргаштаи ҳавои изтироб бўлғай ва қатраи яқин билдимким, муҳит[509] жунб[510] ида адам ва ноёб кўрунгай, мастлардекким, кучлик бода ҳиддат[511] идин бехуд бўлғай, убудият[512] туфроқиға йиқилдим ва бандалик зийлуча[513] сининг гўша[514] син бўса қилдим. Чун адаб оёқиға турдим, таъзим расмин зуҳурға еткурдим. Насоими алтофи султоний, равойиҳи ишфоқи соҳибқироний ҳаракатға кириб, банданавозлиғ юзидин ташриф[515] иноятибила мумтоз ва эҳсони беғояти била сарафроз қилиб, гуҳарафшони такаллум бўлдиким, **назм:**

«Эй қадимул хизмати даргоҳимиз,
Сидқ майдонида хоки роҳимиз.
Айлаган етти отанг чекмай илик,
Етти абомиз қошида бандалик.

---

499 Қолин – гилам.
500 Сочоқ – дастурхон.
501 Жилвагустар – жилолик ёйувчи.
502 Жабин – пешона, манглай.
503 Сабук – енгил.
504 Албўрз куҳи – Эрондаги жуда баланд ва катта Албўрз-Элбрус тоғи.
505 Афсонадаги Эрон шоҳи Баҳроми гурга ишора.
506 Афсонадаги қудратли Эрон шоҳи Сомга ишора.
507 Фирдавсназҳат – жаннатдек тароватли. – Назҳат – тароват.
508 Дохил – ичкари кириш.
509 Муҳит – океан.
510 Жунб – ён.
511 Ҳиддат – ўткирлик, кучлилик, наша.
512 Убудият – қуллик, итоат қилиш, бўйсуниш.
513 Зийлуча – гиламча.
514 Гўша – бурчак.
515 Ташриф (ташрифот) – тўн кийгизиш.

Жаҳон мулки бедиллар кўнглидек харобобод ва ҳаёт биноси раънолар аҳдидек бебунёд[516] дур. Бас, мунингдек мулкда иқомат[517] қилмоқ ва бу нав бинода манзил тутмоқдин ғараз улдурким, кишидин зикри жамил ёдгор қолса ва яхши от пойдор. Бу муддао иморат таъмиридин ҳосил эрмас ва авлод таносил[518] иға ҳам шомил[519]. Магар, сўз дебочасида боқий қолғайким, ул дебочанинг шероза[520] и бақосиға ҳаводиси даврон миқроз[521] и инқироз била зарар еткура олмас ва авроқ жамиат[522] ин тасорифи замон[523] тундбоди тафриқа[524] била совура олмас. **Маснавий:**

Иморат ила хотиринг қилма шод,
Таносул бақосига ҳам эътимод[525].
Бори оқибат мунадим[526] дур боре[527],
Агар сўнгра бўлсун ва гар илгари.
Эрур сўз анингдек мушайяд[528] бино
Ки йиқмас асосини сели фано.

Баҳори хоҳишимиз бу маъниға чаманпардоз бўлурким, салотини мозий сунан[529] и ва шуарои салаф даъб[530] иға мувофиқ бир китоб музайян бўлсаким, хиёбони сутур[531] ида гулдастаи назм ва сунбули наср назокат обу рангидин рашки гулзори алиййин[532] бўлғай, латофати иборат ва накҳат[533] и маъни била ғайрати беҳишти барин бўлғай. Эмди керакким, бизнинг насаби ҳумоюнимизни сўз девонида курсинишин ва аждоди амжод[534] имиз асомий[535] син тарих хотам[536] ида нақши нигин қилсанг ва ўз ҳолотимиз ва баъзи футуҳотимиз билаким, зийнати афсона ва носих[537] и «Шаҳнома»дур, назм риштасига дурри макнун терсанг ва наср бисотиға гуногун зийнат берсанг, то бўлғайким, даврон саҳоифи фано тундбоди била паришон бўлуб, олам кошонаси адам сели била вайрон бўлғунча авсофи ҳамидимиз замон авроқида боқий қолғай ва зикри писандидамиз жаҳон мажолисида салотин базмиға шуриш[538] солғай. **Назм:**

Гарчи кўбтур латифагу[539] шуаро,
Нуктасанж[540] аҳли фазл вақт аро.
Назм теги била жаҳон очгон,
Наср базми аро гуҳар сочгон.

---

[516] Бебунёд – асоссиз, пойдевори суст.
[517] Иқомат – истиқомат.
[518] Таносил – насл қолдириш.
[519] Шомил – ўз ичига олувчи.
[520] Шероза – китоб муқоваси.
[521] Миқроз – қайчи.
[522] Авроқ жамиати – варақлар тўплами.
[523] Тасорифи замон – давр эгалиги.
[524] Тунбоди тафриқа – тарқатиб юборувчи қаттиқ шамол.
[525] Эътимод – ишонч.
[526] Мунадим – йўқ бўлиш.
[527] Боре – бирор марта.
[528] Мушайяд – мустаҳкам.
[529] Сунан – суннатлар, қоидалар, урф-одатлар.
[530] Даъб – одат.
[531] Сутур – сатрлар.
[532] Алиййин – олий, жаннатий.
[533] Накҳат – тароват.
[534] Амжод – улуғвор.
[535] Асомий – исмлар рўйхати.
[536] Хотам – узук.
[537] Носих – устидан чизиқ тортувчи, йўққа чиқарувчи.
[538] Шуриш – ғавғо, тўполон; ҳаяжонга солиш, изтиробга келтириш.
[539] Латифагу – нозик сўзли, ширин тилли.
[540] Нуктасанж – маъноларни чертиб айтувчи.

Лек сандин кўруб басе ихлос,
Сани бу хизмат ичра қилдуқ хос.
Нукта узра қаламдек айла шитоб,
То етушгай ниҳоятига китоб.

Чун мундоқ марҳамат офтоби партави илтифот била бу хоксори тийра рўзгорнинг хотирин мунаввар қилди, бeқарорлиғ ҳавосида зарравор болафшон[541] бўлдумким, на хотирим дафтариға жилди қудрат бор ва на кўнглум девониға шерозаи жамиат. Бас, бу паришонлиғлар била иш шууру[542] иға нечук майл қила олғайман ва хизмат уҳдасидин не нав кела олғайман. Бу аснода маҳрамлардин бировким, муқарриби ҳазрат султоний, мақбули даргоҳи соҳибқироний эрди, бу кайфият вуқу[543] ин фаросат юзидин англаб, суруш[544] и ғайбий ва мулҳим[545] и лорайбийдек Мирзо Нозим Ҳиравий девонидин бу мисра тараннуми била дилдорлиғ кўргуздиким, **мисраъ:** Илтифоти подшоҳон кимиёи давлат аст[546]; Оре, салотин марҳаматида кайфиятедурким, гадони даражаи салтанатға еткурур ва сувратни маҳалли ҳаракатға келтирур. Ва мулук тарбиятида нишондурким, қузғунни тўтидек гуё қилур ва тўтини Масиҳосо. Ва ҳар кишиким мундин баҳраманд эрмас, ҳар нечаким гуҳари асилдур, тош силкига ҳам кирмас. Чун бу навои тарабафзо истимо[547] иға мушарраф бўлдум ва ўзумни «алмаъмури маъзурун[548]» узриға мукаллаф[549] топдим, ҳиммат кайфияти лол тилимни беихтиёр мундоқ ширин мақол қилдиким. **Маснавий:**

Агар подшоҳ айласа илтифот,
Бўлурман балоғатфазои нукот.
Урай дасту по қувватим борича,
Қилай жустижу қудратим борича.
Неким келса тилдин дариғ этмайин,
Илик чекмайин то бу иш битмайин.

Чун рухсати инсироф[550] ҳосил бўлди, бир гўша ихтиёр қилдим ва ул гўшада қарор тутдим. **Қитъа:**

Тутубман гўшалик эл ҳужумидин ҳамул гўша,
Ман ошифтага андоқки саҳрои қиёматдур.
Яна табъимға даҳр иишолидин заъфе эрур тори,
Бале, савдоий ўлганға на имкони саломатдур.
Маломат қилмангиз, нуқсонима гар бўлсангиз воқиф,
Кишиким бўйла ҳоли бўлса, на жойи маломатдур.

Ҳар тақдир била бу мухтасар шууруиға хомаи ибтидо сурулди, чун баҳори иқболи соҳибқироний била фирдавсдек зийнат топиб эрди, баноан алайҳ[551] «Фирдавс ал-иқбол»ға мавсум бўлди. Бир муқаддима, беш боб, бир хотимаға тақсим топти. Ҳазрат Эзиди комбахшдин умид улким, унвони ифтитоҳ[552] ин татамма[553] и ихтитомға мавсул[554] ва муқаддимаи оғоз[555] ин хотимаи анжомға машмул[556] қилғай. «*Ва мо тавфиқи илло биллоҳи*».

---

[541] Болафшон – қанот ёйувчи.
[542] Шуру – бошлаш.
[543] Вуқу – юзага чиқиш.
[544] Суруш – хабар келтирувчи фаришта.
[545] Мулҳим – илҳом берувчи.
[546] Подшоҳлар лутфи давлатдан келувчи бир бахтдир.
[547] Истимо – эшитиш.
[548] Топшириқ олган киши узрлидир.
[549] Мукаллаф – вазифадор, масъулият олган.
[550] Инсироф – тарк этиш, кетиш.
[551] Баноан алайҳ – шунга кўра.
[552] Ифтитоҳ – очилиш.
[553] Татамма – туганиш, охирги қўшимча.
[554] Мавсул – етишиш.
[555] Оғоз – бошланиш.
[556] Машмул – ўз ичига олиш, бирикиш.

Муқаддима – баъзи махсусоти аълохоқоний зикридаким, осори иқболи соҳибқироний эрди.

Аввалги боб: ҳазрат Одам *алайҳиссалом* ижодидин Нуҳ *алайҳиссалом* авлодиғача мазкур бўлур.

Иккинчи боб: Ёфас *алайҳиссаломдин қўнгрот* шўъбасиғача *мўғул* подшоҳларининг зикрида.

Учинчи боб: Қурлос авлодидин подшоҳлиқ маротибиға етганлар зикридаким, сўнгги Абулғозихон ибн Ёдгорхондур.

Тўртинчи боб: ҳазрат подшоҳи соҳибқироннинг аждоди икром ва абои зу-л-эҳтироминининг зикрида.

Бешинчи боб: ҳазрат подшоҳ соҳибқироннинг вилодати ҳумоюнидин бу рисолаи саодат мақола итмомиғача ҳар вақоиеким осори соҳибқиронийдин вуқу топмиш ва вуқу топғусидур зикр қилилур.

Хотима: авлиёйи иззом[557] ва уламои киром ва умарои зу-л-эҳтиром ва соҳиби давлат беклар ва закийтабъ шоирлар ва донишманд фозиллар ва Фалотун фитрат ҳунармандлар ва баъзи умур[558] и ғарибаким, ҳазрат подшоҳнинг айёми майманатанжомида вуқу топибдур, алар ҳикоётиға махсусдур.

Муқаддима баъзи махсусоти аълохоқоний зикридаким, осори иқболи соҳибқироний эрди

Ҳар саодатмандким, азал девонида «Оллоҳ раҳмат-марҳаматини ўзи хоҳлаган кишиларга хос қилиб беради[559]» хилъати марҳаматиға махсус бўлуб, калимаи «оллоҳ ўз хулқи билан хулқлантирди» маншур[560] и давлати била сарафроз бўлса, ҳар тадбиреким хотир[561] и хатир[562] идин бош чекар, таидоти[563] рабборий била мувофиқи тақдир бўлур ва амреким, замири муниридин зуҳур қилур, тавфиқоти субҳоний била хосу авомға мақбул ва мустаҳсин[564] кўринур, андоқким. **Маснавий:**

Шоҳи қавий толеву феруз бахт
Хусрави лаълафсару феруза тахт.
Сокини авранги фалакжоҳлиг
Форис[565] и майдони жаҳоншоҳлиг.
Носия[566] йи куфрга қўйгувчи доғ
Ёқгувчи дин анжуманиға чироғ.

Ҳазрат хоқони аъзам ва султони олам, ал-мухтас би иноёт ал-малик ал-мустаон Абу-л-музаффар ва-л-мансур Абу-л-фатҳ Элтузар Муҳаммад Баҳодирхон *халаддаллоҳу мулкаҳу ва султонаҳу ва афоза алал-оламин барраҳу ва эҳсона*ҳунинг зоти хужаста сифоти иноёти илоҳий била ораста ва фазоили номутаноҳий била пийроста бўлуб, салотини олиймақом ва хавоқини гардуниҳтишомдин мумтоздур. Ҳар раъйеким, лавҳи хотирида нақш тутса, нусхаи тақдирға мувофиқ ва ҳар ишким, зуҳурға еткурса, мақбули халойиқдур. **Маснавий:**

Бўлуб лутфи ҳақ шомил ал-ҳол анга
Насиб айламиш иззу иқбол анга.
Не иш хотириға хутур[567] айласа
Замириға райъе убур[568] айласа.
Зийнатафзои базми ҳусул

---

[557] Иззом – улуғ.
[558] Умур (бир амр) – ишлар.
[559] Қуръони карим, 2 : 105.
[560] Маншур – фармон қонун.
[561] Хотир – кўнгил.
[562] Хатир – муборак.
[563] Таидот – тасдиқ, маъқуллаш.
[564] Мустаҳсин – таҳсинга сазовор.
[565] Форис – отлиқ.
[566] Носия – пешона; юз-чеҳра.
[567] Хутур – йўл топмоқ.
[568] Убур – ўтиш.

Топор эътибор ҳузури қабул.
Ҳар ишгаким эл ҳаросон[569] бўлур
Анинг оллида барча осон бўлур.
Қаён чекса лашкар масоф[570] этмайин
Бўлур фатҳ анга ихтилоф этмайин.
Гуруҳе ки қилса хилофиға майл
Мағок[571] ичра манзил тутар мисли сел.
Кўруб ё фалакдин ситамкоралиғ
Топор дашти ғурбатда оворалиғ.

Ҳар кишварғаким, асокири зафармаосири ҳаракат қилди, овозаи вусулидин абвоби фатҳ чеҳраи давлатиға очилди ва ҳар диёрғаким, мавокиб[572] и кайҳонпўй[573] и қўзғолди, хабари нузулидин бисоти зафар саҳни жалолатиға тўшалди. Ҳар хайл[574] еким, саркашлик курон[575] иға мутаҳассин[576] бўлуб, изҳори адоват қилди, теғи сиёсатидин адам саҳросида овораи ғурбат бўлди. Ва ҳар қавмеким қадами тазарру била пешвоз чиқиб, будият бошин даргоҳи итоатға урди, шарафи иноятн била фарқи музаллатин авжи иззатға еткурди. Ул жумладиндур, *қароқалпоқ* қабиласининг торожи, *ямвутия* гуруҳининг ихрож[577] и, Хўжаэли ҳисор[578] ининг тахриб[579] и, Қўнғрот диёрининг тасхир[580] и умури ғаройиб ва корзор[581] и ажойибким, ул ҳазратнинг умарову аркон ва лашкари бекаронидин арса[582] и зуҳурға чиқмиш, айн[583] и офтоб майдони авомда мисолин кўрмайдур ва дидаи қамар арсаи шуҳурда назирин мушоҳида қилмайдур. **Маснавий:**

Фалак кўз очиб беҳаду бешумор[584]
Дамедур оламда тутмай қарор.
Келиб даҳрға шоҳу шаҳзодалар
Ўтуб оллидин хайли озодалар.
Олиб тахти Жамшиди гардунсарир
Сикандар бўлуб хусрави мулкгир.
Мусаллат[585] бўлуб элга Чингизхон
Тутуб етти кишвар Темури Курагон.
Бериб кўкда ун кўс[586] и Абдуллоҳ[587] ий
Олиб ерни иқболи Нодиршоҳ[588] ий.
Мунингдек шаҳаншоҳи соҳибқирон
Кўролмади, бермади бал[589] нишон.

---

[569] Ҳаросон – қўрққан.
[570] Масоф – юзма-юз туриш, тўқнашув.
[571] Мағок – чуқур; лаҳад, қабр.
[572] Мавокиб (бир мавкаб) – подшоҳ атрофидаги отлиқ гуруҳ, отлиқлар дастаси.
[573] Кайҳонпўй – осмон кезувчи. – Пўйидан – босиб ўтиш, кезиш.
[574] Хайл – қавм, гуруҳ, халқ.
[575] Курон (куран) – кўчманчи туркий халқларнинг арава ва ҳар хил тўсиқлар билан ясалган муваққат «қалъа»си.
[576] Мутаҳассин (ҳасин – қалъа) – қалъага бекиниш.
[577] Ихрож – қувиш, ҳайдаб чиқариш.
[578] Ҳисор – қалъа, қўрғон.
[579] Тахриб – хароб этилиш.
[580] Тасхир – эгалланиш, босиб олиниш.
[581] Корзор – уруш, жанг.
[582] Арса – майдон.
[583] Айн – кўз.
[584] Бешумор – сонсиз, чексиз.
[585] Мусаллат – эгалик, қўлга киритилганлик.
[586] Кўс – ноқора.
[587] Ўзбек хони Абдуллоҳхон II (в.1598 й.) кўзда тутилмоқда.
[588] Эрон шоҳи Нодиршоҳ афшор (ўлд.1747 й.) кўзда тутилмоқда.
[589] Бал – балки.

Бу янглиғ қила олмади корзор
Фаридуну Заҳҳоку Асфандиёр.
Жаҳон арсаси ичра бўлмай аён
Масофи мунингдек зафар иқтирон.
Анинг васфидин тил эрур тегдам
Ёзар чоғдадур хома жавҳарраҳам.
Чаманзор афсонасидин китоб
Топиб ранги гул ҳар варақ боб-боб.
Агар тавсифидин бўлса ферузманд
Қилур нукта тасхири пасту баланд.

Шаашшаи теғи бир офтобдурким, ҳар мухолифнинг самтуррас[590] иға иртифо[591] топса, ахтари умрининг заволи мутаҳаққиқ бўлур. Ё бир ўтдурким, ҳар хасмнинг оташгоҳи масофида забона чекса, хирмани вужудин қуруқ ҳашакдек куйдурур. Ханжари буррони душман ҳаётининг инқито[592] иға бурҳонедур қоте[593] ва ҳаданг[594] и шўъла пайкони адув бақосининг хирманиға барқ[595] едурломе[596]. **Маснавий:**

Синони ўқ илонидин нишона
Ўтуб аъдо юрагидин равона.
Келиб ул нав занжири каманди
Бўлуб анинг мухолиф пойбанди.
Зафар дилдориға ёйе келиб қош
Чекарда фатҳ учун имо қилиб фош.

Рижо[597] восиқдурким, мажмуи рубъи маскун увн[598] и илоҳий била қабзаи тасарруфиға тезроқ киргай ва жамии ақолими сабъа таиди илоҳий била тахти фармониға ботроқ дохил бўлғай.

Аммо, ҳазрат воҳиб ал-атоё ул ҳазратнинг замири ақдас ва хотири ашрафин ахлоқи ҳамида жавоҳири била мутаҳаллий ва афъоли писандида завоҳири била мутажаллий қилибдурким, ҳеч асари умури ношоист ҳаракот ва сукнот[599] идин саҳван ва хатоан вужудға келган эрмас. **Маснавий:**

Вужуди айб лувс[600] идин мубарро
Нечукким тийраликдин журм байзо.
Сафо парварда мироти замири
Эмас ҳар гарднинг зулматпазири.
Агар юз йил шайётин қилса ҳийла
Юз урмас андин афъоли разила.

Таваккали ул миқдордурким, агар дарё-дарё лашкар анга муқобил бўлса «ким оллоҳга таваккал қилса[601]» фаҳви ҳасаба[602] ҳисориға орқа бериб, қатраи хавотир хотири ҳумоюниға сароят[603] қилмас ва

---

590 Самтуррас – осмоннинг баланд чўққиси, қоқ тепа, зенит.
591 Иртифо – юксаклик.
592 Инқито – узилиш, кесилиш.
593 Бурҳони қоте – кескин далил.
594 Ҳаданг – ўқ-ёй ўқи.
595 Барқ – чақмоқ.
596 Ломе – ялтироқ.
597 Рижо – умид, ишонч.
598 Увн – ёрдам.
599 Ҳаракот ва саканот – юриб-туриш.
600 Лувс – ифлослик.
601 Қуръони карим, Талоқ сураси, 3-оят.
602 Фаҳви ҳасаба – улуғвор маъно.
603 Сароят – ўтиб бориш.

агар майдон-майдон офат йўлида вуқу топса, муҳаймин[604] и корсоз[605] лутфиға суёниб, қадами журъатин рикоб[606] и азиматға қўёр. Андоқким, чун тавоифи *ямвут*ия ул ҳазратнинг савлатидин ҳаросон бўлуб, муқобил бўла олмай, фирор[607] тариқин ихтиёр қилди, бовужуд[608] ким, алар ўн беш мингдин кўпроқ эрди. Ул ҳазрат саккиз юз киши била Арнак даштида алар кейнидин етти ва алар касрат[609] идин дағдаға[610] қилмай урушуб, мағлуб ва манкуб қилди. Ҳашамати ул қонундадурким, гардуни Зол[611] и анинг даргоҳида хам қоматин либоси тавозе била музайян қилиб, Рустамона хидматлар зуҳуриға еткурур. Фалакжо Баҳром[612] и анинг мавкаби олдида мулозамати била мафохир бўлуб, жонбозлиқ майдонида баҳодирона ишлар зоҳир қилур. Улувви ҳиммати ул мартабадаким, агар жаҳон-жаҳон мулк тасарруфиға кирса, асари фахр носияёи жалолатида зоҳир бўлмас. **Байт:**

Бўлуб тожи ҳиммат била сарафроз
Бори мосуводин эрур бениёз.

Бу бобда **тамсиле** хотирға етушти, анинг ирод[613] и бағоят мустаҳсин туштиким, Искандар олам тасхириға отланурда асру андишнок эрди. Арасту ва Ариститолис[614] ҳакимким, вазири эрдилар, носияйи давлатида асари фикрат тафаррус[615] қилиб дедиларким: «Эй шоҳи олампаноҳ, алҳамдилиллоҳ ки асбоби давлат ва ҳашамат муҳайё, худум ва ҳашам бандалик мавқиф[616] ида собит қадам, хазона маъмур, мамлакат мавфур, жамоли бахт истидомат сифати била ороста, ниҳоли иқбол истиқомат шарафи била пийроста. Бас, мавжиби тафаккур недур?» Искандар деди: «Тааммул[617] қилурманким, арсаи жаҳон бағоят муҳаққардур. Шарм қилурманким, бу нав мамлакати мухтасар учун отланғайман?» Арасту дедиким: «Шак йўқтурким, бу жаҳон ҳукумати ҳиммати баландингға лойиқ эрмасдур. Мулки абадий салтанатин анга замм[618] қил, андоқким, зарби теғ била фоний оламни забт қайдиға чекарсан, баракати адл била боқий жаҳонни даги қабзаи тасарруфингға киргуз.» Искандар тасалли топиб, ҳакимни сарафроз қилди. **Қитъа:**

Шаҳаншоҳи соҳибқиронким анинг,
Сикандардин ортуқ дурур ҳиммати.
Нетонг қилса мулкни Сулаймонни забт,
Искандардин афзун бўлуб давлати.

Саховати ул ғоятдадурким, соиле мавжуд эрмаским, даргоҳи эҳсонидин маҳрум қайтғай ва фақире йўқким, хайётхона[619] и инъомидин хилъати давлат[620] ға мушарраф бўлмағай. **Маснавий:**

Кафи жуди андоқ сочиб симу зар,
Ки ул нав ерга сочилмай матар[621].

---

[604] Муҳаймин – (оллоҳ сифоти) асровчи.
[605] Корсоз – ишларни ўнгловчи (оллоҳ).
[606] Рикоб – отнинг узангиси.
[607] Фирор, фарор – қочиш.
[608] Бовужуд – шунга қарамай.
[609] Касрат – кўплик.
[610] Дағдаға – қўрқув, иккиланиш.
[611] Гардуни Зол – кекса олам.
[612] Бу ерда фалак мақомли Баҳромдан мақсад ҳам Баҳроми гўр, ҳам уруш тимсоли Миррих сайёрасидир.
[613] Ирод – айтиш, ҳикоя қилиш.
[614] Бу ерда иккита шаклдаги исмда бир киши кўзда тутилмоқда.
[615] Тафаррус – англаш, пайқаш, сезиш.
[616] Мавқиф – подшоҳлар турган жой.
[617] Тааммул – ўйланиш; бироз тўхталиш.
[618] Замм – қўшимча.
[619] Хайётхона – кийим тикув хонаси.
[620] Хилъати давлат – бойлик кийими.
[621] Матар – ёмғир.

Чекиб Ҳотам оллида шармандалик,
Танин туфроқ этмиш сарафкандалик.

Адли ул масоба[622] дадурким, Абулғозихон[623] замонидин бери умаро вазоиф[624] и фуқаро амволидин мўайян бўлуб, кўб бидъати мазмума эл аросида шую[625] топмиш эрди. Бу расмларни барҳам уруб, ҳеч кимда ёро[626] йўқким, раиятдин бир дона зиёдалиқ била олғай. **Маснавий:**

Эл қилиб сидқ бирла субҳу масо[627],
Шаҳ бақоси-ю, давлатини дуо.
Қўзи-ю, қуртнинг мухолитати,
Эйлаким ақрабо муволифати.
Асар айлаб баҳори осойиш,
Равзадек топти мулк оройиш.

Сабот[628] и ул навдурким, Қўнғрот устида ҳарб гарм бўлғандаким, душман ўқи муборак бошининг устидин ва атрофидин ўтар эрди, андоқ ваҳшатлиғ мавзеда еридин тебранмади, ул фурсатғачаким, лашкари нусрат асар сипоҳи мухолифға ғолиб бўлди. **Байт:**

Шаҳеким сабот ўлғай атвор анга,
Зафардур ҳамиша мададкор анга.

Тамкин[629] и андоғдурким, ул ҳазратнинг беклик чоғидаким, фақир аксар авқот хизматиға етушур эрдим, мушоҳида қилибманким, баъзи кеча иъшо[630] дин бомдодғача юкунуб ўлтуруб, ҳолиға ҳеч тағйир[631] зоҳир бўлмас эрди. **Маснавий:**

Зиҳи қуввати, зиҳи тамкини вофир,
Ки бўлмай ҳолиға тағйир зоҳир.
Тамаккун била топмоқ жовидона,
Эрур соҳибқиронлиғдин нишона.

Афву иноятии анингдекдурким, агар мужриме[632] куҳи гуноҳи била жанобиға юз қўйса, журми бир коҳдек назариға кирмай, ёзуқин бахш қилур ва хилъати марҳамат била сарафроз этар. Андоқким, *Хўжаэли* умарасидин Дўсим *бий* ва Ўтақул *отолиқ*[633] ким, ўз андозасидин ташқари қадам қўюб, бу дудмон[634] и олийға саркашлик қилур эрди ва гуноҳи беандоза қилмоқдин мавжиби қатл бўлуб эрдилар, чун фуқаро ҳужумидин ноилож бўлуб, қалъадин чиқиб, ул ҳазрат отининг оёқиға юз қўйди, афв ва иноятиға сазовор бўлди. **Қитъа:**

---

[622] Масоба – даража, сифат.
[623] Абулғозихон ибн Арабмуҳаммадхон (в.1664 й.) кўзда тутилмоқда.
[624] Вазоиф (вазифа) – бу ерда маош, нафақа маъносида.
[625] Шую (шое) – тарқалиш.
[626] Ёро – куч, мажол, довюраклик.
[627] Масо – оқшом, кеч, тун.
[628] Сабот – сабр-чидам.
[629] Тамкин – босиқ-вазминлик; тасаввуфдаги «тамкин» – бир ерда оғирлик билан қарор топиш хислати.
[630] Иъшо – кечки пайт.
[631] Тағйир – ўзгариш.
[632] Мужриме – бирор айбдор.
[633] Отолиқ – хон ёки валиаҳдга ота ўрнида бўлган амалдор(регент). Иноқдан кейинги мартаба. Бир тўпага бирлашган уруғ, ёки қабилаларни бошқарган. Абулғозий даврида улар тўрт нафар бўлиб, хон ёнида ўтиришлари, қилич ва пичоқ тақишлари мумкин эди.
[634] Дудмон – хонадон, сулола.

Бу на афву иноят эрдиким
Журми куҳи анга кўрунмас коҳ.
Чун қуёр бош жанобига мужрим
Қилур алтоф бирла афви гуноҳ.

Авсофи фаровон ва ситоиши бепоёндур. Тамомати ахлоқ ва афъолин мажмуи камолот ва афзолинким, зоти ақдасида ҳувайдодур таҳрир силкига чекмак ва тақрир ҳаддиға еткурмак амри маҳол, маҳз[635] и хаёлдур. **Қасида:**

Чекиб ҳаққи азал субҳи килки қазо,
Битиб барча ахлоқи неку анга.
Фазоил келиб зотида жилвагар,
Сукун бирла сайри саросар ҳунар.
Неким яхшилиқ амри топмиш вужуд,
Анинг зотига барча қилмиш вуруд[636].
Вурудини қилма гумон гараз,
Эрур жавҳари бенишон араз[637].
Ҳулул айлабон жавҳаросо анга,
Жибиллий дурур балки ажзо анга.
Вужудига жавҳар ҳаё жавҳари,
Замирида музмар вафо гавҳари.
Топиб ҳилм иқлими андин низом,
Магар эрди Усмонга қойиммақом.
Топиб фарқидин зеб тожи адаб,
Эрур ансабатидин ривож адаб.
Шижоатда Рустам табаҳкор анга,
Масоф ичра жубн[638] аҳлидек зор анга.
Сиёсатидин бир тараф роҳзан[639],
Бўлуб йўллар ийман[640] нечукким ватан.
Сафо табъига бермиш андоқ зиё,
Ки хуршид миротида инжило.
Хирад кўнглига айла сайқал берур,
Ки минг йил келур ишдин огоҳ эрур.
Таанни[641] била ҳар ишким қилур,
Ёмон, яхшисин эл муайян билур.
Кафи шафқатидин сочиб айла сим,
Бўлуб шод отосизлигидин ятим.
Қилур чогда изҳори ҳусни калом,
Дуо айлаб Исо алайҳиссалом.
Агар қилса вақт аро қилу қол,
Фалотун дам урмай бўлур гунгу лол.
Каломига ҳар неча бежон эрур,
Анинг дарки оллида осон эрур.
Чу шоирлар ичра солиб лутфи шайн[642],

---

[635] Маҳз – фақат.
[636] Вуруд – кириш; Бу ерда илоҳдан етувчи олий хислатлар.
[637] Араз – (фалсаф. тушунча) оламдаги кўринмас мавжудот.
[638] Жубн – қўрқоқлик.
[639] Роҳзан – йўлтўсар, қароқчи.
[640] Ийман – хавф-хатарсиз, ишончли.
[641] Таанни – дарҳол, кечиктирмай.
[642] Шейн – камчилик.

Таҳайюр[643] қилиб Шоҳ Султон Ҳусайн.
Нетонг мен бўлуб модиҳи шоҳ,
Етушса Навоийдин ортқуси жоҳ.
Агар бўлса дарё суйидин медод[644],
Даги ҳама жинси гияҳдин зиёд.
Варақ қилсалар етти афлокни,
Яна етти қат сафҳайи хокни.
Жаҳон аҳли топса Хизрдек ҳаёт,
Бори бўлсалар котиби билсабот.
Шууру этса васфиға кўб рўзгор,
Шитоб ичра зоҳир қилиб изтирор.
Мингидин бири даги бўлмай рақам,
Тугангай медод, варақ ҳам қалам.
Чу мундоқ эса борча авсоф анго,
Недур, Мунисо, айламак можаро.
Қалам чеккилу қил дуосиға майл,
Дуо ичра умру бақосиға майл.
Илоҳо, жаҳон мулки то бордур,
Жаҳон аҳли то анда сайёрдур.
Бақо мулкида ҳазрати подшоҳ,
Тараб тахтини айласун мусаллам анго.
Бўлуб саъйидин, шавкатдин фузун,
Бори куфр роёт[645] и бўлсун нигун[646].
Кетур соқий, ул жоми лаъли мазоб,
Ки сўз юзидин файзе олур ниқоб.
Бўлуб нашаси бирла масти сухан,
Бўлай сўз таворихиға хомазан.

АВВАЛҒИ БОБ
Ҳазрат Одам *алайҳиссалом* ижодидин Нуҳ *алайҳиссалом* авлодиғача мазкур бўлур

Одам *алайҳиссалавоту вассалам* хилқатининг зикри ва баъзи ҳолотининг шарҳи. Чун иродаи Холиқи бечун анинг муборак хилқати ва зуҳури давлатиға муқтазо бўлди, Жабраил аминға амр бўлдиким, бир қабзае туфроқ Одам тийнатининг тахмири учун ер юзидин олиб, соҳат[647] и қудрат ва сарпанжаи иқтидорға еткурсун. Жабраил *алайҳиссалом* дасти тасарруф узотиб, хоҳладиким, фармон муқтазоси била амал қилғай. Бу ҳодиса ер ҳайбатидин ажзосиға зилзила тушуб, анга ҳол тили била деди: «Аузи биллоҳи минника, туфроқ олмаким, бўлмағайким, бу махлуқ нофармонлиқ шевасиға иқдом кўргузуб, амри ношоист вужудға келтургайким, ул сабабдин бори-таолонинг мен мавжиби хитоб ва итоби бўлғайман». Жабрайил *алайҳиссалом* қайтиб, даргоҳи иззатда сурати воқеани арз қилди эрса, Микоил *алайҳиссалом*ға ҳукм бўлди. Ул дағи ердин ҳамул навъ они эшитиб қайтғач, Исрофил *алайҳиссалом*ға фармон бўлди. Ул ҳам ул икковнинг дастури била ён[648] ғондин сўнгра Азроил *алайҳиссалом*ға буйруқ бўлдиким, туфроқ келургай. Ер анга дағи аларға қилғон муомала била онт берди. Азроил *алайҳиссалом* айттиким, «итоати амри парвардигор сенинг онтингдин юқорироқдур» ва бир ҳовуч мухталиф ал-албон[649] туфроқ ер юзидин олиб, беҳиштға киюрди. Ва «Равзат ас-сафо»[650] қавликим, Макка била Тойиф оросиға тўкти. Ҳар

---

[643] Таҳайюр – ҳайратланиш.
[644] Медод – сиёҳли қалам.
[645] Роёт (бир роят) – байроқлар.
[646] Нигун – қуйи, паст.
[647] Соҳат – кенглик, майдон. Бу ерда; илоҳий даргоҳ.
[648] Ёнмоқ – қайтмоқ.
[649] Турли хил рангдаги.
[650] Мирхонд ва Хондамирнинг «Равзат ас-сафо» асари кўзда тутилмоқда.

тақдир била андин сўнгра Одам *алайҳиссалом* туфроқиға қирқ кун иноят саҳобидин раҳмат ёмғури ёғиб, қудрат илки била тахмир топтиким, «химмарт тийнати Адама бияди арбайна сабоҳан[651]» андин хабар берур. Чун Одам *алайҳиссалом*ға инсон кисват[652] ин киюрдилар, ҳақ субҳона ва таоло ани усамо[653] ҳусни таълимиға махсус қилдиким, «Одамга ер юзидаги барча исмларни ўргатдим[654]» анга долдур. Жамии малоика анинг илму фазлиға мўътариф бўлуб: «Эй пок Парвардигор, биз фақат Сен билдирган нарсаларингни биламиз[655]» узрхоҳлиқиға тил очдилар ва Тангри таоло ҳукми била анга сажда қилдилар. «Барча фаришталар Одамга сажда қилдилар, фақат Иблисдан бошқа[656]». Магар Иблиским, ул жин тоифасидин эрди, кўб тоат қилғандин малоика мартабасин топиб эрди. Чун сажда этмакдин ибо қилиб, амрдин бўйин тўлғади, шақоват[657] и жовид[658] ва лаънати абадий тавқи бўйниға тушдиким:

«Албатта жазо (қиёмат) кунигача менинг лаънатим бўлур[659]» нафратидин маълум бўлур. **Қитъа:**

На султонсен ки, тахти мукаррамат манзилгаҳинг бўлгач,
Сужуд этмак санга хайли малоикдин аён бўлди.
Нечук меҳроб эрур қошинг ки анга қилмаган сажда
Фаришта эрса ҳам бешак лаъини жовидон бўлди.

Ва ул ҳазратға беҳишт тахтгоҳи оромгоҳ бўлуб, чун абнои жинсидин мавжуд йўқ эрди, шариф кўнгли ўз жинсидин аниси лойиқ ва жалиси мувофиқ истидосиға майл кўргузди. Ул жиҳатдин ҳазрат воҳиб алатоё уйқу истилоси била анинг чап ёнидин Ҳаввони яратиб, анинг била мунокиҳат ақдин тузди ва ояйи каримаи: «Эй Одам, сиз жуфтингиз билан жаннатда маскан тутинг[660]» фаҳвоси била Одам ва Ҳавво *алайҳумо ассалом* фирдавси аъло фазосида қарор тутуб, мажмуи нуамои беҳиштий шажараи манҳия[661] самарасида ўзгаким, баъзи ани буғдой дебдурлар, аларға мубоҳ[662] бўлди. Андоқким, оллоҳи таоло айтдиким, «фақат мана бу дарахтга яқинлашманг[663]» Ва шайтонким, Одам жиҳатидин малъуни абадий ва мардуди даргоҳи самадий бўлуб эрди, бу хусуматдин ноираи ҳасад нопок ботинида шўъла ўруб, товусдинким, хозин[664] и жаннат эрди, иғво қилдиким, беҳиштга йўл бергай. Ул имтино[665] қилиб, илон ихтилотиға далолат қилди. Ва охир илон воситаси била беҳиштға кириб, Одам ва Ҳаввоға буғдой емак васвасасин қилди. Чун иродатуллоҳ мунга тааллуқ топиб эрдиким, ер юзин Одам авлоди тутуб, ҳазрат саид ал-мурсалин ва хотам ун-набийин Муҳаммад расулуллоҳ *саллиаллоҳу алайҳи васаллам* шариф вужуди била олам зийнат топғай, Одам ва Ҳавво *алайҳумоссалом* ва Иблис ва товус ва илонни беҳиштдин чиқардилар. Дерларким, Одам Сарандибга, Ҳавво Жиддаға, Иблис Симнонға, товус Кобулға, илон Исфаҳонға тушуб, қиёматғача бани Одам била шайтон орасида адоват боқий қолди. **Маснавий:**

Ким ки душман сўзига қилди амал
Йўқ ажаб давлатига етса халал.
Одам Иблис сўзин этти қабул
Бўлди фирдавс мулкидин маъзул.

---

[651] Одам алайҳиссаломнинг бадани ясалган лой-хамирни қирқ кун мобайнида қорди.
[652] Кисват – кийим, либос. Бу ерда: кисват кийдириш – жон киргизиш.
[653] Усамо – исмлар, номлар.
[654] Қуръони карим, 2 : 31.
[655] Қуръони карим, 2 : 32.
[656] Қуръони карим, 15 : 30 – 31.
[657] Шақоват – бадбахтлик.
[658] Жовид – мангу.
[659] Қуръони карим, 38 : 78.
[660] Қуръони карим, 2 : 35.
[661] Манҳия – таъқиқланган.
[662] Мубоҳ – рухсат этилган; ҳалол.
[663] Қуръони карим, 2 : 35.
[664] Хозин – хазинабон, посбон.
[665] Имтино – тийиниш.

Бўлма гофил каюд[666] *и душмандин*
Ким, хабарсиз эмас турур сандин.
Хосаким, душман қадим ўлгай
Жонга андин ҳамиша бийм ўлгай.

Одам *алайҳиссалом* йиллар дунё машаққати ва Ҳавво фурқатиға мубтало бўлуб, тавба ва тазаррулар қилди. Тавбаси ижобатға мақрун бўлуб, Маккаға келиб, Арафот ёнида Ҳаввоға учради. Ул ер андин «Арафот»ға мавсум бўлди. **Байт:**

На хуш соат ки икки ёри маҳжур
Шароби васл бирла бўлса масрур

Одам сафи(уллоҳ) Каъба уйин ясоди. Дағи Ҳиндустонға азимат қилдилар ва Жабраил таълими била Одам *алайҳиссалом* деҳқонлиқға машғул бўлуб, муддати мадид[667] фароғат иктисоб[668] иға ва тоат иштиғолиға авқот[669] сарф қилдилар. Гоҳи Ҳинд савод[670] ида сокин, гоҳи араб диёрида мутамаккин эрдилар, токим ҳазрати карими мутаол ул икковига киромий фарзандлар ва рашид нитожлар каромат қилди. Ва ҳар қачонким, Ҳавво ҳомила бўлса эрди, икки фарзанд келтирур эрди. Бир қориндин туғғон ўғулға яна бир қориндин келган қизни берурлар эрдиким, орада фарқи бўлғай.

Қобил ва Ҳобил ҳикояти. Аввал фарзандеким Ҳавводин мутаваллид бўлди, Қобил эрди Иқлима била. Ва соният Ҳобил эрди Люда била. Ва Одам *сафиуллоҳ* Тангри фармони била Людани Қобилға, Иқлимани Ҳобилға бермак истади. Ва Қобил ўз синглисига ҳусни жиҳатдин мойил эрди, ризо бермади ва ота насиҳатиға кирмади. Ложарам[671], Одам *алайҳиссалом* икковига қурбон буюрдиким, ҳар кимнинг қурбони мақбул тушса, Иқлимани ул олғай. Ул фурсатда қурбон қилмоқ бу расмда эрдиким, қўй ўлтуруб ва ё ўзга макулот[672] жинсидин тоғ устида қўяр эрдилар. Осмондин қуш суратида ўт тушуб, ҳар қайсини куйдурса, қабул нишонаси ул эрди. Чун қурбон қилдилар, Ҳобил қурбони мақбул тушуб, Иқлимани анга бердилар. Қобил бу хусуматдин Ҳобилдек қариндошинким, жамоли сурий[673] ва камоли маънавий била ораста эрди ва Одам алайҳиссалом ани бағоят севар эрди, фурсат топиб, шайтон таълими била уруб ўлтирди ва отасин анинг доғи фироқиға мубтало қилди. **Назм:**

Қатл расмиким бани одамародур пойдор,
Қолди Қобил бидъати мазмума[674] *сидин ёдгор.*

Аввал кишиким ноҳақ қон тўкти, Қобил эрди. Чун мундин бурун ҳеч ким ўлукни кўрмайдур эрди, Қобил мутаҳаййир бўлуб, Ҳобил жасадин кўтариб юрур эрдиким, не қилғай. Худойи таоло икки ғўроб[675] никим, иборати қарғадиндур, анинг қошиға йибордиким, иккови урушуб, бири яна бирин ўлтурди. Қотил қарға туфроқни чангал ва минқори била қозиб, мақтул қарғани дафн қилди. Қобил бу воқеани мушоҳида этиб, Ҳобил жасадин туфроқға пинҳон қилдиким, Тангри таоло анинг тилидин бу каримани адо қилурким: «Менга ўлим бўлсин, шу қарғадан ҳам кам бўлдимми?[676]» Ва Одам *алайҳиссалом* бу ҳодиса вуқуидин маҳзуну мағмум бўлуб, Қобилға лаънат қилди. Ва ул халқдин мутаваҳҳиш[677] бўлуб, тоғу саҳроларда сар-

---

[666] Каюд (кайд) – ҳийла-найранг; васваса.
[667] Мадид – кўп.
[668] Иктисоб – касб этиш, қўлга киритиш.
[669] Авқот – вақтлар.
[670] Савод – ўлка.
[671] Ложарам – ноилож, шу сабабли, шубҳасиз.
[672] Макулот – озиқ-овқат.
[673] Жамоли сурий – ташқи ҳусн.
[674] Мазмума – айбли, номақбул.
[675] Ғўроб – қарға.
[676] Қуръони карим, 5 : 31.
[677] Мутаваҳҳиш – ваҳшат ва қўрқувга тушиш.

гардон кезар эрди. Иблис фурсат топиб, анга иғво қилдиким «Ҳобил ўтға ёшурун парастиш[678] қилур эрди. Ул важҳдин анинг қурбонин қабул қилиб, сенинг қурбонингни куйдурмади. Ҳоло ҳам ўтға сажда қилсанг, сандин хушнуд бўлур». Қобил ўтға сажда қилиб, оташпарастлик расми бунёд бўлди. Ва чун Одам *алайҳиссалом* Ҳобил фироқидин кўб музтариб ва беқарор эрди, ҳазрати воҳиб ал-атоё Шис набини анга каромат қилди ва ул ҳазратнинг андуҳи сурурға мубаддал бўлуб, Иқлимани Шисга берди. **Қитъа:**

Гарчи ул ёпти назардин маҳ рухсорасини,
Шукрким бу кўзима нур етурди охир.
Андин эрди ёшурун хотир аро дарду алам,
Мундин ўлди фарруху айш кўнгулда зоҳир.

Истихрожи зуррияти Одам *алайҳиссалом.* Таворихда мазкурдурким, ҳазрати Одам ҳар йил Каъба тавофи учун Маккаи муаззамаға келиб, маносики ҳажни бажой келтурур эрди, то бир йил маросими зиёратдин фароғат топиб, Арафот орқасидаким, ул ерни «водии ан-ниимон[679]» дерлар, уйқуға борди. Қодири зу-л-жалол анинг зурриятин ила қиём ис-соата сулби[680]дин чиқариб, ўнг ва сўл тарафида қарор берди. Одам алайҳиссалом мином[681] ҳолатидин тийқаз[682] ва интибоҳ мақомиға келиб, ўнг ёниға назар қилиб, гуруҳе кўрдиким, нуронийдурлар. Жабраилдинким, ул ерда ҳозир эрди, алар ҳолатин сўрди. Жабраил дедиким, «бу тойифа асҳоби ямин ва муқарриби ҳазрати иззатдурлар, сенинг наслингдин». Ва сўл тарафига боқиб, қавме мушоҳида қилдиким, зулмонийдурлар. Жабраилдин алар кайфиятин савол этди. Жабраил айтдиким, «бу табақа асҳоби шимол ва маҳруми раҳматдурлар, санинг авлодингдин». Бу воқеада воқеаот кўбдур. Бу мухтасарда ийжоз[683] жиҳатдин мунча била ихтисор топди. Ва Одам *алайҳиссалом* бу ҳолот мулоҳазасидин сўнг ўз авлодиға мабъус[684] бўлди. Чун анга риҳлат[685] ҳангоми етди, Шис алайҳиссаломни валиаҳд қилиб, ҳаёт вадиат[686]ин қобиз ал-арвоҳға топшурди. Ва умрин баъзи минг ва баъзи тўққуз юз ўттуз йил дебдурлар. Ва машҳурдурким, Одам *алайҳиссалом*ни Шис *алайҳиссалом* ғусл бериб, намоз қилди ва Ҳиндустонда дафн қилди. Ва Одам *алайҳиссалом*дин бир йил сўнг ё етти йил сўнг ҳазрат Ҳавво риҳлат қилиб, Одам сафиуллоҳнинг ёнида мадфун бўлди. Аммо, Нуҳ *алайҳиссалом*нинг тўфонда аларнинг муборак жасадларин кемада асраб, тўфондин сўнгра Абу Қабис тоғида, баъзи дебдурларким, Байтулмуқаддасда дафн қилди. Ва Одам *алайҳиссалом* авлод ва аҳфодидин қирқ минг киши кўрди. Ва сулби фарзандлари йигирма бир ўғул ва йигирма қиз эрди. Ва дерларким, анга қирқ саҳифа нозил бўлди. Ва мўъжизоти кўбдур. Ҳандаса ва тиб ва мусиқий илми андин ёдгор қолди. Лақаби «сафиуллоҳ»[687]дур ва кунияти Абулмуҳаммад ва Абулбашардур. Ва анинг сўзиким, «ҳар ким хотун сўзиға фирифта[688] бўлди, мурод нахл[689]идин бар[690] емас». **Рубоий:**

Одам ки ато ва аносиз топти вужуд,
Жаннатда макон тутуб, малак қилди сужуд.
Авлоди била оқибат айлаб падруд,[691]
Туфроқ аро хоки тани бўлди нобуд.

---

[678] Парастиш – сиғиниш.
[679] Уйқу водийси.
[680] Қиёматгача бўлган авлодларини.
[681] Мином – уйқу.
[682] Тийқаз – уйғоқлик, бедорлик.
[683] Ийжоз – мўъжаз, қисқалик.
[684] Мабъус – элчи, расул, пайғамбар.
[685] Риҳлат – дунёдан кетиш.
[686] Вадиат – омонат.
[687] Оллоҳнинг ўзи соф лойдан ясагани учун айтилган лақаб.
[688] Фирифта – алданган.
[689] Нахл – дарахт.
[690] Бар – мева.
[691] Падруд – хайрлашув.

Шис наби *алайҳиссалом.* Ҳусни сурат ва сафои сийратда Одам *алайҳиссалом*ға мушобиҳ[692] эрди. Отаси ўрниға ўлтуруб, анинг авлодиға муҳофизат қила бошлади ва нубувват тожи била сарафроз бўлуб, инсу жон тавоифиға ҳукмронлиғ қилди. Ва анга эллик саҳифа нозил бўлуб, шариати Одам миллатиға мувофиқ эрди. Аксари бани Одамким, ҳазрат Одамдин беҳишти бариннинг неъмати фаровон ва роҳати жовидоний сифотин эшитиб ва суҳаф[693] и самовий мазмуниға муттали[694] бўлуб эрдилар, Шис *алайҳиссалом* замонида тажарруд[695] ва инқито тариқасин ихтиёр қилиб, саҳорий[696] ва мағорот[697] да мутафарриқ[698] бўлдилар. Лаззати дунёвий таркин тутуб, риёзиёти шоқа[699] била тоат ва ибодотға машғуллиқ қилдилар. **Байт:**

Кунжи узлат беҳишт эрур, Мунис
Кеч жаҳондин даги улусдин қоч.

Ва Қобил авлодиким, қолин бўлуб жамиат топиб эрдилар, фасод ва инод[700] муқтазоси била бани Одамға зарарлар еткурур эрдилар, чун Шис *алайҳиссалом* шижоат ва дилёрлиқда ўз ақронидин мумтоз эрди. **Маснавий:**

Шаҳеким шижоатга мавсуф эрур
Шаҳомат[701] тариқида маъруф эрур.
На имкон дурур душмани зўргар
Анинг мулку хайлиға топғай зафар.

Лашкар чекиб, муонид[702] ларни мақҳур ва паришон қилди. Ва Бобилда Сус шаҳри анинг меъмори райи била бино топди. Ҳазрат низом ал-миллат ва-д-дин *амир* Алишер «Таворихи анбиё»сида келтурубдурким, ул ҳазратнинг етти ўғли бор эрди. Улуғроқи Ануш эрди. Чун ёши тўққуз юз ўн икки йилға етди, Анушаға бани Одам аёлот[703] ин топшуруб, жаҳони фонийдин беҳишти жовидонға риҳлат қилди. Ва қирқ беш йил нубувват тахтида ҳукм сурди. Ва «Шис» сурёний тилда «Ҳийбатуллоҳ» демакдур **Рубоий:**

Шис эрди пайғамбари ҳақ ва даги шужо[704],
Кофирлар ила айлади кўб ҳарбу низо.
Ёлгуз келиб эрди чун жаҳон манзилиға
Ёлгуз даги айлади жаҳон бирла видо.

Ва анинг мўъжаз баён сўзларидиндуркм: «Агар подшоҳ бир кун сипоҳ ва раият, дўсту душман ҳолидин ғофил бўлса, андоқ воқе бўлғайким, бир ой тадорикин қилиб бўлмас». **Манзума:**

Деди Шиским нисбати подшоҳ
Раоёға ул нав бўлғай паноҳ,
Ки бир лаҳза дилжўйлиқ ишидин
Тафаққуд[705] била марҳамат кишидин.

---

[692] Мушобиҳ – ўхшаш.
[693] Суҳаф – (саҳифалар) илоҳий йўл-йўриқ мусҳафи.
[694] Муттали – хабар топиш.
[695] Тажаррvд – ёлғизлик, узлат.
[696] Саҳори – саҳролар.
[697] Мағорот – ғорлар.
[698] Мутафарриқ – тарқалиш, ёйилиш.
[699] Шоқа – машаққатли.
[700] Инод – бўсунмаслик.
[701] Шаҳомат – ботирлик, жасурлик, довюраклик.
[702] Муонид – ёв, душмн.
[703] Аёлот – ерлар, ўлкалар, минтақалар.
[704] Шужо – мард, қаҳрамон, ботир, жасур.
[705] Тафаққуд – ҳол-аҳвол, кўнгил сўраш.

Алар шаънида бўлмагай гафлати
Нечукким баданга нафас нисбати.
Ки то халқ қилгай итоат анга
Қилиб амр тутмоқда тоат анга.
Яна дедиким шоҳи вологуҳар[706]
Неким мулкида аҳли фазлу ҳунар,
Бори кўнглин олгай навозиш била
Гаҳи иззату гоҳ бахшиш била.
Ки то ўзгалар айлабон изтироб
Фазоил ҳусулига қилгай шитоб.
Баҳамдиллоҳ иқбол сармояси
Халойиқ узра Тангрининг сояси.
Амир Элтузархони ҳашмат паноҳ
Жаҳон кишварига жаҳон подшоҳ.
Бу кун тахт узра адлу дод айлабон
Тафаққуд бисотин кушод айлабон,
Анингдек бўлубдур раият навоз
Ки олам элидур анга ишқбоз.
Даме гофил эрмас улус ҳолидин
Кесиб ўгри илгини эл молидин.
Топиб лутфидин аҳли фазл эҳтиром
Бўлуб базлидин соҳиби иҳтишом.
Ҳунар бирла фазл иктисобига майл
Қилурлар замон аҳли андоқки сел.
Илоҳо, анинг давлатин то жаҳон
Жаҳон аҳли бошига қил соябон.
На мақсуди бўлса етур комига
Қуюб айш саҳбо[707] *сини жомига.*

Ануш ибн Шис. Ани Анас ҳам дерлар. Таворих аҳлида ихтилоф борким, анинг онаси пари тойифасидин эрди ё инсон табақасидин. Аммо, «Ароис» китобида ривоятдурким, Анушнинг аноси ҳур эрдиким, ҳазрат холиқи бечун ани ото ва аносиз яратиб, Шис алайҳиссаломға берди. Ва Ануш муваҳҳид ва вали эрди. Ва одил ва сахий эрди. Ул жиҳатдин рифоҳият[708] кўб бўлуб, ҳеч ким молу мавоши[709] нинг ҳисобин билмас эрди. **Маснавий:**

Шаҳе ким бўлуб маъдилат пешаси
Сахову ато бўлса андишаси.
Яқиндурки хайлига роҳат етар
Бўлуб давлат афзун фарогат етар.

Закот ва садақа расмин ул пайдо қилди. Ва аввал кишиким хурмо яғочин экти, ул эрди. «Тарихи Жаъфарий[710]»да битилибдурким, анинг замонида бир аждаҳо пайдо бўлуб, халойиққа кўб зарарлар еткор(ар) эрди. Ануш бориб, ул асо бирла уруб ўлтурдиким, ҳазрат Одам беҳиштдин чиқармиш эрди. Ва дерларким, Мусо алайҳиссаломға етган ҳамул асодур. Анинг ўн икки фарзанди бор эрди. Аршад[711] авло-

---

[706] Вологуҳар – асл зотли.
[707] Саҳбо – май.
[708] Рифоҳият – фаровон турмуш.
[709] Мавоши – чорва моллари.
[710] Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарийнинг араб тилида ёзган «Тарихи Табарий» асари кўзда тутилмоқда. Мазкур асар Абу Али Муҳаммад ибн Муҳаммад Балъамий томонида форс тилига таржима қилган бўлиб, Баёний ўша форсча «Тарихий Табарий»ни ўзбек тилига таржима қилган.
[711] Аршад – тўнғич, энг катта; бошлиқ.

диким Қийнон эрди, ани валиаҳд қилиб, оламға видо қилди. Умрида ихтилоф бор – «Низом ат-таворих»да ёши уч юз йилдур ва «Табарий»да тўққуз юз ўн икки йил дебдур. **Байт:**

Кўнгул даҳри дундин нечук баҳр олур,
Ки келган киши йўқ ки бормай қолур.

Қайнон. Чун ота васияти била *риёсат* амри анга тааллуқ тутди, бани одамни гуруҳ-гуруҳ айириб, кент ва ҳисор иморатиға маъмур[712] қилди. Ва юз йилга қариб салтанат муҳим[713]ми хатириға иштиғол кўргузуб, отаси тариқидин инҳироф[714] жойиз тутмай, анинг борғон йўлиға борди. Ҳофиз Абру «Тарихи»да мастурдурким, анинг муддати умри саккиз юз қирқ йилдур. **Шеър:**

Чу келдинг жаҳон ичра, кетмак керак,
Азимат адам сори этмак керак.

Маҳлойил. Ота маснадиға ўлтуруб, анинг айёми давлатида бани Одам касрати ул мартабаға етдиким, ватан танглигидин заҳматда эрдилар. Ложарм, аларни олам атрофида пароканда қилиб, ўзи Шис *алайҳиссалом* авлоди била Рум дор ул-мулкида сокин бўлди. Баъзи дебдурларким, Бобилға борди. Умри саккиз юз олтмиш бешга етгандин сўнгра ўғли Яздни қойиммақом қилиб, ҳаёт мулки таркин тутди. **Қитъа:**

Жаҳон бовужуди камоли назоҳат[715],
Кўнгулларга ул важҳдин жойи ғамдур.
Ки келган ҳануз этмайин анда ором,
Адам жониби марг[716] ила ҳамқадамдур.

Язд ибн Маҳлойил. Зебо манзар, покиза гуҳар киши эрди. Анинг замонида бутпарастлик шое бўлди. Балиқ гўштин ва қуш этин емакни ул ихтиро қилди. Аввал кишиким ариғлар қоздуруб, сув чиқарди, ул эрди. Ҳазрат воҳиб ал-атоё анга қирқ ўғул ато қилди. Кичикроки Ахнух эрдиким, Идрис улдур. Умри тўққуз юз олтмиш иккига етганда Идрисни ўрнида ўлтуртуб, охират мулкига интиқол қилди. **Байт:**

Гар юз яшасун киши ва гар минг,
Йўқ чораси оқибат кетарнинг.

Идрис *алайҳиссалом*. Иброний лафзида ани Ахнух дерлар. Ва юнон аҳли ақидасида Ҳўрмус ҳаким улдур. Ва ани «мусаллас ил-наъма» дерларким, учунчи пайғамбар ва учунчи ҳаким ва учунчи подшоҳ эрди. Кўп дарс айтур жиҳатидин «Идрис»га мавсум бўлди. Нақлдурким, чун аксари халқ Қобил авлоди била муҳаррамот иртикобиға журъат қилиб, ароларида анвоъ[717] фисқу фужур шую топти, бори таоло ҳазрат Идрисни рисолат ташрифиға мушарраф этиб, ваҳий келдиким, ширк ва бутпарастлиғни дафъ қилғай. Черик тортиб, ғазот расмин ароға киюрди. Баъзи фасод ва инод тариқидин салоҳ ва садод сарманзилиға етиб, бархе[718] залолат майдонида қатлу асир бўлдилар. Ва ҳукамо тарихида мастурдурким, халойиқни етмиш икки турлук тил била даъват қилур эрди. Ва юз шаҳар бино этдиким, кичикроғи шаҳри Раҳодур. Ва анинг ҳукми била тўрт киши *риёсат*ға етдиким, бири Эйловус, иккинчи анинг ўғли Ловус, учунчи Эсифус, тўртунчи Амун отлиғ, анинг тарафидин ақтори оламда подшоҳлиғ сўрдилар. Ва

---

[712] Маъмур – буюриш, тайин этиш.
[713] Муҳим, муҳом – ишлар.
[714] Инҳироф – четга чиқиш.
[715] Назоҳат – кўркамлик.
[716] Марг – ўлим.
[717] Анвоъ – турли хил.
[718] Бархе – айрим, баъзи.

худойи таоло анинг учун ўттуз саҳифа нозил қилди. Ва хат ва нужум илмин ул зуҳурға еткурди. Тикмак ва киймак расми андин ёдгор қолди. Олтмиш беш ёшда Матушалих мутаваллид бўлди. Машҳури ривоятдурким, малойика ани уч юз олтмиш бешга етганда осмонға рафъ қилиб, фирдавси аълода макон тутди. «Ва биз уни юксак мартабага кўтардик[719]» андин хабар берур. Бу қиссани мабсут[720] роқ китобдин маълум қилса бўлур. **Рубоий:**

Идрис ки ҳикматда камоле топти,
Дарс айтур ишида қилу қоле топти.
Жаннатда агарчи тутти жовид макон,
Боре бу жаҳондин интиқоле топти.

Матушалих ибн Идрис. Отаси борурда ани ўрниға валиаҳд қилиб эрди. Ҳимматлиғ ва доно киши эрди. Авлоди қалин бўлуб, яхши отлар анинг даврида кўп бўлди. Ўғлонлариға черик бошлатиб, Қобил авлоди устиға юбориб, мағлуб ва мустосил қилур эрди. То Ламукниким, ўғли эрди, валиаҳд қилди.

Ламук. Ани Ламакон ва Ламак ҳам дерлар. Ёши юз олтмиш сарманзилиға еткандин сўнг отаси замонида вафот топти. Анинг кейнича отаси Матушалих ҳам ўғли борған йўлға азимат қилди. Ёши тўққуз юз саксон эрди. Бази мингдин ортуқ ҳам дерлар. **Байт:**

На ота, на ўғул жаҳон ичра,
Қолғуси умри жовидон ичра.

Нуҳ алайҳиссалом. Пайғамбари мурсалдур ва Нажиуллоҳ анинг лақабидур. Ва аввалғи Улув ал-иззом[721] улдур. Икки юз эллик ёшиға етганда қомати қобилияти ташрифи рисолатға мушарраф бўлуб, олам халқиким, куфр ва исён йўлиға тушуб, тамарруд[722] ва туғён бодиясида саргардон эрди, тўққуз эллик йил аларни ҳидоят жониби йўл кўрсатиб, ислом манзилиға далолат қилди. Саксон кишидин ортуқ қабул қилмадилар. Ва куффор ийзо ва тамасхур[723] лар қилурлар эрди. Ва ул вазъ ва насиҳат қилса, эшитмали деб, қулоғин тутарлар эрди. Ва ани ношойист амрларға мансуб қилиб, фарзандлариға анинг адоватин васият қилур эрдилар. Дерларким, бир кун Қаси отлиғ кофир ўғли бирлаким, Жорудға мавсум эрди, ул ҳазратнинг олдиға келиб, васият бошладиким: «Эй, фарзанд, ҳозир бўлким, бу киши соҳир[724] ва каззобдур. Зинҳор мунинг фирибанда сўзлариға илтифот қилма. Або ва аждодинг кийш[725] идин тахаллуф жоиз тутма. То имкони бор, ийзо ва ҳақоратиға саъй қилким, бизнинг васиятимиз будур.» Бу ҳазиён[726] сўзлар асносида Жоруди мардуд бир овуч туфроқ олиб, Нуҳ алайҳиссаломнинг муборак юзиға урди. Нуҳ алайҳиссалом мунингдек воқеалардин мутаасир бўлуб, дуо қилдиким «Парвардигорим, ер юзида кофирлардан бирон ҳовли-жой эгасини қолдирмагин[727]». Тири дуоси ҳадаф ижобатиға мақрун бўлуб, Жабраил *алайҳиссалом* ишорати била сож яғочин экти. Йигирма йилда ё қирқ йилда, алал ихтилоф ар-ривоятайн, яғоч улғайиб, кема ясамоқға маъмур бўлди. Абдулла ибн Аббос *разиюллоҳ анҳу*дин ривоятдурким, ул кеманинг тул[728] и уч юз олтмиш қори ва арз[729] и уч юз ва иртифо[730] и ўттуз уч эрди. Мунда ихтилоф кўптур. Аммо. Уч табақа ясалдиким, аввалғи қушлар нишимани бўлғай, иккинчи башар

---

[719] Қуръони карим, 19 : 57.
[720] Мабсут – муфассал.
[721] Улув ал-иззом – энг иззатли (пайғамбар).
[722] Тамарруд – бўйсунмаслик, қаршилик.
[723] Ийзо ва тамасхур – изза қилиш ва масхаралаш.
[724] Соҳир – сеҳргар, кўзбўёқчи, алдоқчи.
[725] Кийш – дин, мазҳаб.
[726] Ҳазиён – ҳақоратли.
[727] Қуръони карим, 71 : 26.
[728] Тул – бўй.
[729] Арз – эн.
[730] Иртифо – баландлик.

маомин[731] и, учунчи сибоъ[732] ва баҳойим[733] маскани. Чун сув ердин қайнаб чиқиб, осмондин ёмғур ёғиб, тўфон зоҳир бўлди, ҳазрат Нуҳ ҳар жинс махлуқдин бир жуфт олиб, имон келтурган саксон киши бирла кемага кириб, тўфон балосидин омон қолдилар. **Мисра:** Бало тўфонидин йўқ бок, агар Нуҳ ўлса кештибон. **Алқисса,** қирқ кечаву кундуз тўфон тазоид ва тараққий топиб, ул мартабаға еттиким, тоғлардин қирқ қори ўтди. Балким, бу мисра мазмуниға мувофиқ бўлдиким, **мисраъ:** Фалак фўлк[734] и эрур бу баҳр гирдобида саргардон; Жўмҳур[735] и муаррихиндин мазкурдурким, сувнинг мунча ғалаба ва бийиклиги била Авж ибн Анақнинг тизидин юқори ўтмади. Баъзи дерларким, анинг нажотининг сабаби бовужуди ширкат ул эрдиким, Нуҳ алайҳиссаломға кема ясарда муовинат[736] кўргузуб эрди. **Қитъа:**

Кофир ки бўлди Нуҳга кишти ясарда ёр,
Тўфон талотумидин етмади зарар.
Мўъминга мўъминедин агар этса ёрлиг,
Мумкин ки дўзах ўти анга қилгай асар.

Дерларким, кема Куфадин ҳаракат қилди ва Маккаи муаззамаға етиб, ҳарам атрофин етти қатла айланиб, беш ойғача оламнинг офоқ ва ақтор[737] ин сайр қилиб, чун кема аҳлидин ўзга ҳеч махлуқ қолмай фано гирдобиға ғарқ бўлдилар, тўфон таскин топиб, сув озалиб, Мавсулда Жудий тоғида қарор тутди. Нуҳ *алайҳиссалом* муҳаррам ойининг ўнида кемадин чиқиб, ҳамул ерда сокин бўлуб, ул саксон киши била бир кент бино қилдилар. Оз вақтда вабо иллати орада пайдо бўлуб, дорилбақо азиматин тутдилар, магар Нуҳ ва уч ўғли ва завжаларики‌м, офатдин солим қолдилар. Ўғлонларининг отлари Ёфас ва Ҳом ва Сом. Булардин бошқа Канъон деган бир ўғли бор эрди. Лекин кофир эрди. Тўфонда кемага кирмай, ҳалок бўлдиким, «ул сенинг аҳлингдан эмас[738]» анинг шаънида нозил бўлди. **Қитъа:**

Камоли ҳасаб[739] бўлмаса суд эмас,
Улус ичра бўлмоқ ҳумоюннасаб.
Кўтармас ёгинни насаб хокдин,
Чиқарур фалакка қуёшни ҳасаб.

Нуҳ *алайҳиссалом*нинг умри минг олти юз бўлғондин сўнг ва баъзи дебдурларким, минг уч юзга етгандин сўнг ажал дарёсиға кема сурди. Ва дерларким, Жабраил ва Азроил *алаҳумоассалом* ул ҳазратдин охир ҳаётида савол қилдиларким, «ё атвал ал-анбиё[740], мунингдек узун умр била бу жаҳон зиндагонлиқин нечук топдинг?» Жавоб бердиким **фард:** «Жаҳон бир уй экан икки эшиклик. Биридин кирдиму чиқдим биридин».

Ўғлонлари анинг қолиби муборакин Байтулмуқаддасда мадфун қилдилар. **Рубоий:**

Йиллар қавмиға кўргузуб Нуҳ тариқ,
Ҳам қавми рисолатиға қилмай тасдиқ.
Тўфонда бўлуб дуосидин барча ҳалок,
Охир ани ҳам қилди фано баҳри ғариқ.

---

[731] Маомин – жой, ўриндиқ, маскан.
[732] Сибоъ – ёввойи ҳайвонлар.
[733] Баҳойим – чорва ҳайвонлари.
[734] Фўлк – кема.
[735] Жўмҳур – барча.
[736] Муовинат – ёрдам.
[737] Ақтор – атроф.
[738] Қуръони карим, 11 : 46.
[739] Ҳасаб – инсоннинг қиладиган ишлари.
[740] Эй пайғамбарларнинг узун умр кўргани.

Ва ривоятдурким, Одам *сафиюллоҳ* замонидин Нуҳ *нажиюллоҳ* замониғача икки минг беш юз йилдур. Ва Нуҳ давридин Иброҳим халилуллоҳ давриғача минг беш юз йил ва Иброҳим *алайҳиссалом* аҳд[741] идин Мусо *алайҳиссалом* аҳдиғача тўрт юз олтмиш йил. Ва Мусо *калимуллоҳ* вақтидин ҳазрат рисолатпаноҳ *саллаллоҳу алайҳивасаллам* фархунда айёмиғача юз саксон йил воқедур. Ва олам аҳли Нуҳнинг наслидиндур. Бу жиҳатдин ани иккинчи Одам дерлар. Ва ул ҳазрат тўфон офати ва вабо иллатидин сўнг оламни уч қисмға мунқасим[742] қилиб, Турон заминни тавобеот[743] и била Ёфасға берди. Бу жиҳатдин ани Абу-л-турк дерлар. Ва Эронким, маъмураи оламдур, музофоти била Сомға тафвиз қилди. Бу сабабдин ани Абу-л-ажам дерлар. Ва Ҳиндустонни лавоҳиқот[744] и била Ҳомға инъом этти. Бу важҳдин ани Абу-л-ҳинд дебдурлар. Ва Ҳомнинг ранги қора эрди, жамии авлоди сияҳжурда[745] бўлдилар. Ва анинг жиҳати бу эрдиким, Нуҳ алайҳиссалом бир кун уйуб, аврат узви очилиб эрди, Ҳом ани кўруб кулди. Ёфас ва Сом манъ этиб, ёптилар. Нуҳ алайҳиссалом уйғониб, маълум қилиб, Ҳомни ёмон дуо қилди эрса, ранги қароиб, пайғамбарлик анинг наслидин мунқате бўлди.

Сом ибн Нуҳ алайҳиссалом. Мақдисий ўз тарихида келтурубдурким, Сом пайғамбари мурсалдур. Ҳазрат Нуҳ аниким, камоли хирад ва касрати дониш, салоҳияти нафс ва нажобати зот била ўзга фарзандларидин мустасно ва мумтоз топиб эрди, хилофат ва валиаҳдлик мартабасин анга тафвиз қилиб ва асрори нубувват ва ғавомиз[746] и рисолат маҳрамлиқиға еткуруб, сойир[747] авлодиға анинг мутобеатин васият қилди. Ва Эронзаминниким, юқорида зикр топиб эрди, анга махсус этди. Ва кўпроқ анбиё ва Эрон мулуки ва мажму *араб* ва *ажам* анинг наслидурлар. Ва Сом беш юз йил умр топти. Ва баъзи дерларким, Яқуб *алайҳиссалом* замониғача бор эрди. Аммо, қавли аввал асаҳ[748] дур. Ва анинг олти ўғли бор эрди. Баъзи тўққуз ҳам дебдурлар. Ва Каюмарс ва Арфахшидни анинг авлодидин тутубдурлар ва ўзгаси бу тартиб билаким: 1. Олим. 2. Усвад. 3. Тураж. 4. Ова. 5. Мард. 6. Арм. Буларнинг ҳар қайси вилоятнинг бир тарафиға бориб, иморат ва зироатға машғул бўлдилар. Ва авлоду аҳфодлари кўп бўлуб. ўн тўққуз луғатда сўз дедилар. Каюмарс барчасиға подшоҳ бўлуб, салтанат русумин ароға киюрди.

Ҳом. Ани ҳам баъзи пайғамбари мурсал дебдурлар. Ул Ҳинд диёриға ота рухсати била бориб, авлоди ул васе[749] мамлакатға ёйилди. Анинг тўққуз ўғли бор эрди. **Ҳинд, Синд, Нубаҳ, Канъон, Куш, Қибт, Барбар, Занж, Ҳабаш.** Бу тўққуз кишининг авлоди кўп бўлуб, ораларида ўн саккиз луғат пайдо бўлдиким, бири яна бирининг луғатин яхши англамас эрдилар. Бу жиҳатдин ҳар луғат аҳли бир мулкка мутафарриқ бўлдилар. Дерларким, Хатти устиво[750] дин ул ён ўн тўрт даражағача буқъалар бордурким, Ҳом авлоди ул мавзеда мутаваттиндурлар. Баъзи Бухтанаср ва Намрудни дерларким, Ҳомнинг Куш отлиғ ўғли наслидиндурлар.

ИККИЛАНЧИ БОБ
Ёфасдин Қўнгрот уруғининг зикригача

Ёфас алайҳиссалом. Баъзи ани пайғамбари мурсал дебдурлар. Ва ҳазрат Нуҳнинг улуғ ўғлидур. Чун отаси ани Жуди тоғидин шимол ва машриқ мамоликигаким, анга суюрғол қилиб эрди, йибормакка мутаважжиҳ бўлди, ҳазрат Ёфас отасидин илтимос қилдиким, анга дуое ўргатгайким, ҳар қачон ёмғур ёғмоқ тиласа, ёғғай. Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом ижобан лилмултамиса бу маънида ҳазрат қози ул-лҳожотға муножот қилди, дуоси мустажоб бўлуб, Жабраил таълими била бир тошға исми аъзам битиб, Ёфас алайҳиссаломға берди. Ул тошни «яда» ва «ҳажар ал-матар[751] » дерлар. *Турк* орасида ҳоло ҳам кўп

---

[741] Аҳд – замон, давр.
[742] Мунқасим – тақсимлаш.
[743] Тавобеот – қарашли жой ёки одамлар ёки мол-мулк.
[744] Лавоҳиқот – бу ерда: қўшимча ерлари.
[745] Сияҳжирд, сияҳжурда – қора танли.
[746] Ғавомиз – муаммолар.
[747] Сойир – бошқа, ўзга.
[748] Асаҳ (саҳиҳ) – энг тўғри.
[749] Васе – кенг.
[750] Хатти устиво – экватор чизиғи.
[751] Ҳажар ал-матар – Ёмғир тоши.

бўлур. Ва Ёфас отасидин падруд қилиб, ўз мулкиға келиб, саҳрнишинлар тариқаси била зиндагонлиқ қилди. Яхши расмлар ароға киюруб, ул ерларда Чин шаҳрин бино қилди. Икки юз эллик йил ул вилоятда умр ўткариб, ажал дарёсиға ғарқ бўлди. Аммо, ёшининг муддати маълум эрмас. Анинг саккиз ўғли бор эрди. Авлоди бисёр кўп бўлуб, ҳар қайси ўз авлоди била Туронзаминнинг бир тарафиға бориб, шаҳарлар бино қилдилар. Отлари бу тартиб билаким – **Турк, Хазар, Сақлоб, Чин, Камори, Мунсик, Рус, Тозух.** Мирхонд «Равзат ас-сафо»да **Ғўз, Хулх, Садсон**и анинг ўғлонларидин санаб, ўн бир дебдур. Бу тарихни ўқур маходим[752]ға арз буким, таворихиким, бу ерларда битилибдур, мухталифи ақвол[753] кўпдур. Бу сабабдин ўқур элга мавжиби тараддуд бўлмасун деб, мунча била ихтисор қилдим.

Турк. Ани Ёфас ўғлони ҳам дерлар. Бағоят адаблик ва оқил киши эрди. Ва Каюмарсға муосир[754] эрди. Туркистон хонларининг аввалидур. Отасидин сўнгра сайр қилиб, бир ерга еттиким, ани Селук ва Иссиғкўл дерлар. **Назм:**

Ажаб ер эрди сар басар маргзор[755]
Оқиб ҳар тараф чашмаи хушгувор.
Равон эрди дарёчаи мухтасар
Ки ҳайвон суйи[756]га эди таънагар.
Очиб гуллари жаннат ичра чаман
Раёҳини бирла муаттар Хўтан.
Ҳавоси Масиҳо дамидин нишон
Бериб улкан элларга руҳи равон.

Туркка ул мавзе мувофиқи табъ тушуб, авлод ва атбои била анда муқим бўлди. Бир неча муддатдин сўнг хийма-хиргоҳ[757] тузатмак ихтиро қилди. Қўй ва сойир ҳайвонот терисидин қабо ва тоқия тикмак ибдо қилди. Ва атрок[758] ичидаким, яхши расм бор, андин ёдгор қолди. Ва дерларким, Ғўз била анинг аросида яда тоши учун муҳорибот ва муқотилот воқе бўлди. Ва ул подшоҳе эрди одил ва фозил. Раоё[759] ва фуқарони соялийи ҳимоятида мурфа ал-ҳол ва форигулбол тутти. Ва тўрт ўғли бор эрди – **Тунг, Чигил, Барсижор, Имлоқ.** Ёши икки юз қирққа етганда, улуғ ўғли подшоҳлиқин умаро ва аркони давлатға васият қилиб, «барча нарсалар ўз аслига қайтгувчидир» муқтазоси била адам жонибиға мурожаат қилди. **Қитъа:**

Чун Турк жаҳонда сурди хонлиг,
Адли била даҳр бўлди маъмур.
Охир тутубон ажал сипоҳи,
Қилди ватанни маҳбаси гўр.

Тунг. Ани Фудак ҳам дерлар. Оқил ва давлатлиғ эрди. Чун отаси ўрниға ўлтурди, яхши расмларни ароға киюруб, адолат қоидасин барпо қилди. Ажам подшоҳларининг аввали Каюмарс била муосир эрди. Бир кун овға чиқиб, бир саҳрода кийик кабобин еб ўлтуруб эрди. Бир луқма эт қўлидин ерга туштиким, ул ер туз кони эркан. Чун ани олиб еди, оғзиға аввалғидин лазизроқ тегди. Андин сўнг таомға туз қўшуб тановул қилди. Бу намакин расм ул кундин мўътоди табое бўлди. **Назм:**

---

[752] Маходим (махдум) – ўқимишли кишилар.
[753] Мухталифи ақвол – турли хил қавл (сўз)лар.
[754] Муосир – замондош, ҳамаср.
[755] Марғзор – ўтлоқзор.
[756] Ҳайвон суйи – жаннат суви.
[757] Хийма-хиргоҳ – чодир.
[758] Атрок – туркий халқлар.
[759] Раоё (раият) – халқлар.
[760] Мусаххар – тасхир этиш, эгаллаш.

Таомеким эрур ҳар неча марғуб,
Анга туз бўлмаса мунзам эмас хуб.
Нечаким кундек ўлса ҳусни тобон,
Малоҳатсиз кўнгул олмоқ не имкон.

Анинг умри икки юз қирқға еткандин сўнг ўғли Алмунжани хон қилиб, охират мулкин мусаххар[760] этголи кетди.

Алмунжахон. Хусраве эрди маъдилатшиор ва хоне эрди фархундаосор. Масокинға базлу бахшиш била зикри жамил абқосиға сайъ ва кушиш қилиб, оталарининг русум ва қавоидин тутуб, анинг айёми давлатида раият ва лашкари амн маҳодида марфа ва осуда хотир эрдилар. Ва чун шайхухият[761] заъфи анинг мазожиға истило топти, ҳукумат мансабин ўғлиға топшуруб, узлат ва инзиво зовиясида ер тутти.

Деббоқуйхон. «Деб»нинг маъниси тахтеридур. Боқуйидин мурод улуғ демак бўлур. Ул хоне эрди касир ал-иқтидор ва шаҳриёре эрди хужаста атвор. **Байт:**

Эди тожбахшу мамоликситон,
Садафдек кафи жуди гуҳарфишон.

Ул дағи кўп йиллар салтанат русумиға оройиш бериб ва маъдилат қавоидиға намойиш еткуруб, яхши ойин[762] лар зуҳурға келтурди. Чун вужудиға ажал турктози етушти, ўғли Куйукхонни ўрнида *нойиб*[763] и маноб қилиб, борса келмас деган ҳисни ҳасин[764] ға кириб, ҳисорий бўлди.

Куйукхон хоқони номвар ва султони маҳобатасар эрди. **Байт:**

Чу андин жаҳон бўлди ферузманд,
Тараб қилди даҳр аҳлини нушханд.

Ул ҳам абову аждодининг сулукидин тажовуз қилмай, муддати мадид адл тахтида ўлтуруб, назъ ҳолати[765] да ўғли Аланжахонни валиаҳд қилиб, ажалнинг ногувор шарбатин ичти.

Аланжахон подшоҳи маъдилатосор ва шаҳриёри шижоатшиор эрди. Чун отаси ўрнида ўлтурди, жаҳонгирлик маросими ва кишваргушолиқ вазоифиға қиём кўргузди. Ва анинг замони ҳукуматида атрокнинг неъмат ва сарват[766] и ортиб «дарҳақиқат инсон ўзини бой-беҳожат кўргач, албатта туғёнга тушар – ҳаддидан ошар[767]» муқтазоси била фасод тариқиға майл қилдилар ва ислом тўғри йўлидин озиқиб, куфр ва ширк бодиясида саргардон бўлдилар. Ва дерларким, Нуҳ *алайҳиссалом* замонидин то бу чоқғача Ёфас авлоди мусулмон эрдилар. Ва Аланжахоннинг икки ўғли бор эрди, эгиз туғган – Тотор ва Мўғул отлиғ. Чун, Аланжахон қариб, ўғлонлари йигит етти, юрт ва элни икки тақсим қилиб, яримин Тоторға ва яримин Мўғулға берди. Бу иккови отаси фавтидин сўнгра бир-бирининг иттифоқи била ҳар ким ўз мамлакатида доро[768] лиқ суруб, умр ўткордилар. Аввал Тотор табақасин айтоли. Иншооллоҳ мундин сўнг *мўғул* тойифасининг зикрига шуру қилурмиз

[761] Шайхухият – қарилик.
[762] Ойин – қоида, расму русум, йўл-йўриқ.
[763] Нойиб – ўринбосар, муовин, ҳоким.
[764] Ҳисни ҳасин – мустаҳкам қалъа.
[765] Назъ ҳолати – ўлим талвасаси, ўлим тўшагида пайт.
[766] Сарват – бойлик.
[767] Қуръони карим, 96 : 6 – 7.
[768] Доро (доштан: дор.) – эга бўлиш.

Тотор табақасининг зикри

Бу табақа саккиз кишидурким, ҳукумат амриға қиём кўргуздилар.

Тоторхон шоҳе эрди давлатёр ва хусраве эрди комкор[769]. Муддате ҳукумат амриға иштиғол кўргузуб, олам тангнойи[770] идин охират саройиға интиқол қилди.

Буқохон отасидин сўнг эл ва улус подшоҳлиқиға машғуллиқ қилиб, муддатедин сўнг айёми салтанати мунқазий бўлуб, ўғли Йилижахон хонлиқ амриға мутасадди бўлди.

Йилижахон шавкат ва азаматда замон салотинидин мумтоз эрди. Бир неча фурсат жаҳонбонлиқ маснадиға мутаккий[771] бўлуб, отасининг кейнидин борди.

Этлихон ота васияти била муҳиммоти мулкийға дахл қилиб, улус истимолатиға машғул эрди. Чун, ҳақ фармони қабзи руҳиға нофиз[772] бўлди, ўғлиға мулкни топшуруб, қобизи арвоҳға жон таслим қилди.

Отсизхон малики маъдилатшиор ва волии сутувватосор эрди. Отасидин сўнг мутасаддии салтанат бўлуб, бир неча йиллар ёвни ёвлаб, овни овлаб, охириламр ҳаёт тахтидин тахтайи тобутға нақл қилди.

Урдухон *ҳоким*[773] и додгар ва хусрави раиятпарвар эрди. Отаси фавтидин сўнг муддати мадид ва аҳди баид[774] дўстларға мурувват, душманларға сиёсат қилиб, оталари борғон йўлға озим[775] бўлди.

Бойдухон ота васияти била ҳукмронлиғ саририда ўлтурди. Мўғул авлоди била Тотор ўғлонлари аросида Бойду замониғача низо йўқ эрди. Ҳар ким ўз улусида мавосо ва мадоро тариқаси била подшоҳлиқ сўрар эрдилар. Чун Бойдухон тундхўй[776] ва худрой йигит эрди, Мўғул авлоди била ёв бўлуб, бир-бирининг элин ва молин чопа бошладилар. **Шеър:**

Шаҳеким эрур тундхўйи ажаб,
Мамолик аро солса шуру шаъб.
Агарчи элга турктозлиқ қилди,
Боре ажал турктозидин омон қолмади.

Ўғли **Севинжхон** анга қойиммақом бўлди. Ва ул Тотор хонларининг охири эрди. Анинг замонида *тотор* била *мўғул* элининг аросида адоват ўти андоқ иштиол[777] ва илтиҳоб топтиким, ҳеч нимарса била таскин топмас эрди. Ҳамиша *мўғул* ғолиб келур эрди. **Назм:**

Адоват ўтидин, кўнгул, қил ҳазар,
Десанг жонима етмагай то зарар.
Адоват ўти эйла сузондурур,
Ки кул қилмай ўчмаки не имкондурур.

Иншооллоҳи таоло, *мўғул* хонларининг сўнгги Элхон замонида Севинжхоннинг ишларин тафсилан айтурмиз.

Мўғул тойифасининг зикри

Бу тойифа тўққуз нафардурким, жаҳонбонлиқ тахтида ҳукм сурдилар. Аввали Мўғулхондур, охири Элхон. Жаноб фазойилмаоб мавлоно Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» муқаддимасида битибдурким, *атрок* аросида ҳар нимарсани тўққуз қилмоқ расми бу тўққуз хон ададин истихрож қилилибдур.

---

[769] Комкор – мақсади ҳосил.
[770] Тангной – торлиқ, қамоқ.
[771] Мутаккий – суяниш.
[772] Нофиз – чиқарилиш, содир бўлиш.
[773] Ҳоким – ҳукмдор маъносида. Шаҳар, вилоят, туман ҳокимларини ҳам ҳоким дейишган.
[774] Баид – кўп.
[775] Озим – йўлга тушиш.
[776] Тундхўй – қизиққон, тез жаҳли чиқар.
[777] Иштиол – аланга олиш.

Мўғулхон олий ҳиммат ва соҳиби давлат подшоҳ эрди. Чун шаҳриёрлиқ тожи била сарафроз бўлди, эл орасида яхши расмлар ва писандида қоидалар зуҳурға еткурди. Анинг тўрт ўғли бор эрди: 1. Қарохон. 2. Ўзхон. 3. Кўзхон. 4. Гўрхон; Ажал мавиид[778] и етгандин сўнг улуғ ўғли Қарохонни васий ва валиаҳд қилиб, адам жониби сафар қилди. **Шеър:**

Мўғулхон ки йиллар шаҳаншоҳ эди,
Адолат румузидин огоҳ эди.
Ажал теги етгач анга хунфишон[779]*,*
На қолди ўзини сўзидин нишон.

Қарохон отасидин сўнг тамоми улусға хон бўлди. Ва Қорақурум ҳудудида Ор тоғи ва Кар тоғи навоҳисидаким, ҳоло Улуғ тоғ ва Кичик тоғ дерлар, яйлоқ қилиб, қишда Сир сувининг яқосини қишлар эрди. Ва анинг аҳдида *мўғул* қавми кофирлиқда андоқ росихдам ва собитқадам эрдиларким, агар отаси исломин эшитса, ўғли ўлтурур эрди ва ўғли имонин англаса, отаси ўлтурур эрди. **Маснавий:**

Ажаб вақтким куфр топиб ривож,
Йўқ Иблис тазвириға эҳтиёж.
Улус ичра дин шавкати қолмади,
Ота ва ўғул шафқати қолмади.
Агар топса бирин ота ва ўғул,
Ки дин дилрабосиға бермиш кўнгул.
Ситам ханжари бирла айлаб ҳалок,
Қилур барча аъзосини чок-чок.

Ўғузхоннинг адам шабистонидин вужуд гулистониға наҳзат қилғони

Қарохоннинг улуғ хотунидин бир ўғул мутаваллид бўлдиким, **байт:**

Юзи нури андоқ дарахшон эди,
Ки хуршид оллида ҳайрон эди.

Уч кечаву кундуз онасининг сутин эммади. Ҳар оқшом ул қурратилайн[780] онасининг тушида дер эрдиким «эй она, то мусулмонлиқ йўлиға қадам урмасанг ва Ҳаққ жалла ва аълоким, сани ва мани яратғон улдур, анинг ваҳдатиға имон келтурмасанг, ўлмакка розиман эмчакингни оғзимға олмон.» Онаси ўғлидин кеча олмай, қўрқунчдин пинҳон мусулмон бўлуб, ўғлиға сут бериб, парвариш қилди. Чун, қурратилайни бир ёшиға етди, малоҳат ва хублуқда мушорилайҳ[781] бўлди. **Назм:**

Жамолиға кўз солса ҳар дидавар
Беганмай қуёш сори қилмас назар.
Тили ким, янги нуктаға майл этиб
Эшитган ҳавосида ўздин кетиб.
Ўюнға қачонким қилур изтироб
Берур Чин гизолиға юз гуштоб.

Ул учурда *мўғул* расми бу эрдиким, то фарзанд (бир) ёшиға кирмагунча ҳеч отға мавсум қилмас эдилар. **Шеър:**

---

[778] Мавиид – белгиланган муддат, вақт.
[779] Хунфишон – қон сочувчи.
[780] Қурратилайн – кўз нури, кўз қувончи.
[781] Мушорилайҳ – унинг ўзи (танҳо)

Ҳарам сори бир кун Қарохон кириб,
Ўғул ётгон уй ичра пинҳон кириб.
Бешик ичра ўғлини кўрди ки ой,
Ҳамоно ки тутмиш фалак узра жой.

Бу суратдин бағоят мубтаҳиж[782] ва масрур бўлуб, улуғ тўй ва азим сур[783] тартиб берди. Ва аъёни ҳазрат ва аркони давлатға машварат қилдиким, «бу фарзанди аржуманд бир (йил) яшабдур, қайси отға муносиб кўрарсиз?» Бу аснода ул ўғлон камоли фасоҳат била сўзға келдиким «менинг отим Ўғуздур». Ҳуззор[784] и мажлис таажжуб қилиб, ҳамул от била атадилар. Ва дерларким, Ўғузхон модарзод валий эрди, хаворик[785] и одот андин кўп воқе бўлғондур. Ул жумладин бири буким, аввал сўзеким, анинг муборак тилига жорий бўлди, лафзи «оллоҳ» эрди. Халқ фаҳм қилмай, янги тил чиқарғаниға ҳамл қилур эрдиларким, сўз айтурин билмайдур. Анинг учунким, лафзи «оллоҳ» арабийдур, халқи араб тилин эшитган эрмас. Чун, Ўғузхон булуғ ҳаддиға етушди, Қарохон кичик иниси Гўрхоннинг қизинким, ҳуре эрди, ҳусн беҳиштида машшотаи қудрат била оройиш топғон ва офтобе эрди малоҳат осмонида камоли иртифоға етган. Анинг ақди никоҳиға киюрди. Ўғузхон ани исломға далолат қилиб, ул мутақаббил бўлмаған жиҳатдин анинг била бир бистарда ётмай, назари отифат[786] идин йироқ солди. Отаси бу сир инкишофин қилғандин сўнгра яна бир иниси Кўзхоннинг қизин анинг силки издивож[787] иға чекти. Анга ҳам дин ойинидин ибо қилған сабабдин мувосо этмай, бошқа ётар эрди. Токим, бир кун Ўғузхон шикордин ёниб келур эрди, амм[788] и Ўзхоннинг эшигиға гузар[789] и тушти. Кўрдиким, **назм:**

Неча сарв қадду суманбуйлар
Сочи сунбулолуда, гулруйлар.
Лаби жу(й)[790] да манзил тутуб сарбасар
Бори жомашулик[791] қилур магар.
Алар ичра Ўзхон қизи бор эди
Нужум ичра кундек намудор эди.

Ани бир гўшага чақириб, онт бериб дедиким, «агар худойи иззу жаллға имон келтуруб, куфр ва ширкдин мубарро бўлсанг, ман сани олиб, жони шириндин азизроқ тутар эрдим». Қиз бу сўзни эшитиб, изҳори инқиёд қилиб дедиким. **Байт:**

На ҳукм этсанг санинг фармонбар[792] ингман
Канизликда хизматпарварингман.

Ўғузхон отасининг мулозиматиға етиб, ул қизнинг нисбатида майлони хотиридин шаммае изҳор қилди. Қарохон ани улуғ тўй қилиб, олиб берди. Ўғузхон ани кўп севар эрди. Хавотини собиқға бовужудиким, андин жамилроқ эрдилар, мутлақан илтифот қилмас эрди. Ўғузхон бир кун овға чиққанда, Қарохон бир жашн[793] ораста қилиб, хавотин ва келинларин таклиф қилди. Ногоҳ сўз асносида Ўғузхоннинг бурунғи икки манкуҳасиға адоват ва сўнгғи завжасиға муҳаббатининг сабабин истисфор[794] қилди эрса,

---

[782] Мубтаҳиж – қувонган.
[783] Сур – тўй, базм маросими.
[784] Ҳуззор – ҳозир бўлган, қатнашаётган.
[785] Хаворик (хорик) – одатдан ташқари, ғаройиб.
[786] Отифат – меҳр, лутф.
[787] Издивож – уйланиш.
[788] Амм – амаки.
[789] Гузар – ўтиш.
[790] Жуй – ариқ.
[791] Жомашулик – кир кийим-кечакни ювиш.
[792] Фармонбар, фармонбардор – итоат этувчи, буйруқ-фармонни бажарувчи.
[793] Жашн – тўй, зиёфат.
[794] Истисфор – суриштириш.

бурунғи келинлар худ рашкдин жонлариға етиб, сари изҳориға маҳал топмас эрдилар, фурсатни муғтанам билиб, арз қилдиларким, «ўғлингиз мусулмон эрмиш, бизларни ўз диниға даъват этти, қабул қилмадуқ. Ва кичик келин қуллода[795] и исломға мутақаллид бўлмиш. Бизларни душман тутуб, ани дўст билмагининг сабаби будур.» **Шеър:**

Чу мундоғ хилофат орамизда бор
Нечук бўлғай ул ёр бизларга ёр.

Қарохон бу воқеа вуқуидин ошифта ва мутағаййир бўлуб, элнинг улуғларин йиғнаб, кенгаш қилдиким. **Байт:**

Ўғуз динимизга мухолиф эмиш
Қилурмиз анинг бирла не нав иш.

Ани сайдгоҳда тутуб, ажал домиға шикорвори гирифтор қилмоқға қарор бердилар ва ҳозир черикни йиғнаб, сайдгоҳга мутаважжиҳ[796] бўлдилар. Мусулмон келин бу қазия[797] дин огоҳ бўлуб, мусраа[798] е юбориб, Ўғузхонни хабардор қилди. Ўғузхон билзарура урушға мустаид ва омода бўлуб, элга киши йибордиким, «отам менинг қасдимға черик тортибдур, мани деган ботроқ етушсун». Қарохоннинг иниларининг ўғлонлариким, кичикликдин Ўғузхон била бир ерда улғайиб, улфат ва муҳаббатлари истеҳком топиб эрди, мадад учун Ўғузхонға келиб қўшулдилар. Хон аларға «уйғур» лақаб қўйди. Яъни «отамдин айрилиб, манга уйди». *Уйғур* халқи ул тойифадиндур. Чун Қорахон анга етушуб ясов бошладилар. **Маснавий:**

Икки лашкар ул нав қилди набард[799],
Ки ёшурди гардун юзин тийра гард.
Бўлуб гард аро рахшлар барқхез,
Ёлин ул сифатким тутун ичра тез.
Баҳодирлар от узра тортиб нафир,
Фалак тоғи узра анингдек ки шер.
Синонлар бўлуб жилвагар ҳар тараф,
Қилиб аждаҳолар сафин бартараф.
Биров бош кесиб ханжари тез ила,
Биров қон тўкуб теғи хунрез ила.
Ота ўғлига теғи буррон чекиб,
Ўғул ҳам ота қасдида жон чекиб.
Биров ер уза ғарқи хуноб ўлуб,
Биров жон талошурда бетоб ўлуб.
Ажаб қизиди ҳангомаи корзор,
Магар бўлди маҳшар куни ошкор.

Кўп муҳориба ва муқотиладин сўнг калимаи «ҳақ нима яхши ва нима ёмон бўлишини билувчидир» муқтазоси била Ўғузхоннинг рояти зафароятиға нусрат ели эсиб, Қарохон захми жонситон била охират мулкига ҳазимат қилди. **Назм:**

Қарохон ки йиллар эди ҳукмрон,
Бўлуб аҳли Туронга ҳукми равон.
Чу ул истади куфр топғай ривож,
Бошини кесиб олди дин аҳли тож.

---

795 Қуллода – бўйинбоғ, бўйинтириқ.
796 Мутаважжиҳ – юзланиш.
797 Қазия – ҳодиса, воқеа.
798 Мусраа – чопар, отлиқ киши.

Ўғузхоннинг салтанат тожи била сарафроз бўлуб, ғазву жиҳод майдонида сарандозлиқ қилғони. Ўғузхон отасидин сўнг оқо[800] ва ини иттифоқи била подшоҳлиқ тахтида ўлтуруб, эл ва улусни ислом диниға даъват қилди. Мусулмон бўлғонларни бахшиш ва навозиш била мубтаҳаж ва масрур қилиб, имтино этганларни қатлу ғоратлар била манкуб ва мақҳур қилди. Ул чоғда Қарохонға мутааллиқ элдин бошқа эллар кўп эрди. Ҳар улуғ элнинг бир хони бор эрди. Кичик эллар аларға қўшулур эрди. Қарохоннинг ислом рибқа[801] сидин саркашлик қилғон эллари Ўғузхон сиёсатининг қўрқунчидин қочиб, ўзга элларга қўшулдилар. **Фард:**

Будур расми маъҳуд даврон аро
Ки бўлгуси аҳли залолат жило[802].

Ўғузхон ҳар йил *мўгул* мамлакатида ўлтурғон *атрок* ва бани аммоми била муҳориба қилиб, ғолиб келур эрди. Охириламр, мухолифлар анинг қаламрав[803] идин қочиб, *тотор* хониға илтижо қилдилар. Ва *тотор* халқи ул учурда Чурчитға қариб ўлтурурлар эрди. Чурчит бир улуғ юртдур, қуллоъ[804] ва кентлари кўп. Хитойнинг қутби шимолий тарафида воқедурким, ани Чин дерлар. Тоторхон ҳашамати тамом ва лашкари молокалом[805] билаким. **Маснавий:**

Бори фили зўр эрди-ю филтан
Келиб разм аро сафдару сафшикан[806]

– Ўғузхоннинг устига келиб, уруштилар ва мағлуб бўлуб, фирор ихтиёр қилдилар. Ва Ўғузхон сипоҳи била изидин қувуб, ул вилоятларни олиб, ислом черикига кўп ғанимат[807] тушдиким, нақл қилмоқдин ожиз келдилар. Бир соиби тадбир йигит бор эрди. Ароба ясаб «қанқ» от қўйди. Анинг мушоҳадасидин кўп эл ароба ясаб, ғаноимни юклаб қайттилар. Бу важҳдин ул мухтареъ йигитни «қанқли» атадилар. *Қанқли* уруқи анинг наслидиндур. Ҳоло «қангли» дерлар. Ўғузхон етмиш икки йилғача *мўгул* ва *тотор* билаким, ўз ақрабоси эрди ва мухолифатда муттафиқ эрдилар, урушти. Етмиш уч йилда мажмуин хатти инқиёд[808] иға киргузуб, мусулмон қилди. Андин сўнгра юруб, Хитой ва Чурчитни олиб, Тонқутни ҳам мусаххар қилдиким, *тожик* ани «Тубит» дер. Андин сўнг Қарохитойни тахти тасарруфиға киюрди. Ул ҳам азим мамлакат бўлур ва Ҳиндустон била Хитой орасида ва муҳит кинорида воқедур. Суккон[809] инихг чиройи қаро бўлур. Ва Хитойдин илгари тенгиз соҳилида бийрак тоғлар ичида кўп юрт ва эллар бор эрди. Итбароқхон деган анда подшоҳ эрди. Ул ноҳиятға черик тортиб борди. Чун бийрак ер эрди, Итбароқ ғолиб келиб, Ўғузхон ҳазимат топти ва икки рудхона[810] орасиға тушдиким, лашкарининг кейин қолғонлари етушгай. **Шеър:**

Керак шаҳға топгоч ҳазимат[811] *сипоҳ*
Бирор бийрак ер қилмоқ оромгоҳ.

---

[799] Набард – жанг.
[800] Оқо – бу асарда ака ва хонга яқин бўлган қабила ва уруғлардан тайинланган юқори мансабдаги амалдорлар тушунилади.
[801] Рибқа, рабқа – ип, бўйинбоғ.
[802] Жило – кўчиб кетиш.
[803] Қаламрав – тааллуқли ҳудуд.
[804] Қуллоъ – қалъалар.
[805] Молокалом, локалом – сонсиз, чексиз.
[806] Сафдару сафшикан – сафни ёрувчи ва сафларни бузувчи.
[807] Ғанимат (кўп.: ғаноим) – жангдаги ўлжа.
[808] Инқиёд – бўйин эгиш, тобе бўлиш.
[809] Суккон (сокин) – аҳоли.
[810] Рудхона, руд – дарё.
[811] Ҳазимат – енгилиш; чекиниб қочиш.

Ки то мунҳазим[812] қолғон эл ҳар тараф
Қўшулғай анга бўлмайин бартараф.

Бир ҳомилаким, эри ул босқида шаҳид бўлуб эрди, анинг тўлғоғи тутуб, уй йўқлиқидин бир чурук мужавваф[813] бўлған улуғ ёғочнинг ичиға кириб, бир ўғул туғурди. Ўғузхон ул ҳолдин хабар топиб, шафқат юзидин ани фарзандлиқға қабул қилиб, анга Қипчоқ от қўйди. Ул чоғда мужавваф ёғочни «қипчоқ» дер эрдилар. Ул ўғлонни тарбият қилиб, йигит етгандин сўнг кўп черик бериб, Рус ва Олоқ ва Можор ва Бошқир устига йиборди. Ва *қипчоқ* ул элларга мутасарриф бўлуб, Тийн ва Отил сувининг канорида мутаваттин бўлди. Ва уч юз йил ул ерларда доди адл бирла подшоҳлиқ сурди. Барча *қипчоқ* эли анинг авлодидур. Ўғузхон давридин Чингизхон замониғача Тийн ва Отил ва Ёйиқ сувининг яқосида *қипчоқ*дин бошқа эл йўқ эрди. Тўрт минг йилғача ул ерларда ўлтурдилар. Анинг учун ул юртни «Дашти қипчоқ» дерлар. Ва Ўғузхон ўн етти йилдин сўнг Итбароқхонға ғолиб бўлуб, элин мусулмон қилиб қайтти.

Ўғузхоннинг Мовароуннаҳр ва Ҳиндустонға юруш қилғони. Ўғузхон жаҳонгирлик тақозоси била жамии *атрок* черикин йиғнаб, Талош ва Сайрам усти била Мовароуннаҳр келди. Ул диёрнинг подшоҳлари тоб келтура олмай, маҳкам қўрғонларға қаболди. Ўғузхон муҳосира[814] ва муҳориба қилиб, олти ойда мажму Мовароуннаҳр ва Туркистон диёрин муте ва мусулмон қилди. Ва вилоёти мафтуҳаларға *доруға*[815] тайин этиб, Балх борди. Ани ҳам олиб, Ғур ва Ғаржистон ноҳиятиға юрди. Қиш эрди. Кун бағоят совуқ бўлуб, Ғурнинг тоғлариға қор кўп тушуб эрди. Хон ҳукм қилдиким, ҳеч ким асокири зафармоасардин тахаллуф қилмасун. Қор касрати ва совуқ шиддатидин баъзи мутажанда мавкаби ҳумоюндин қолиб эрдилар. Хон Ғурни олғондин сўнграким, баҳор бўлуб эрди. Арзи лашкар қилиб бир неча кишиким келди, алар келгандин сўнг хон ҳолларин истисфор этти. Алар қор жиҳатдин ярамай қолғонларин арз қилди эрса, хон ул жамоаға «қорлиқ» деди. *Қорлиқ* тойифаси алар наслидиндурлар. Ва «Равзат ас-сафо»да бу воқеани Ўғузхон Ғур ва Ғаржистондин ўз юртиға мурожаат[816] қилғонда ривоят қилибдурлар, валлоҳу аълам. Ўғузхон андин сўнг Кобул ва Ғазнинни тахти фармониға киюруб, Кашмир устига сипоҳ чекти. Ул чоғда Кашмир волиси Яғмо отлиғ эрди. Яғмо саркашлик қилиб, бир йил урушти. Оқибат Кашмир мусаххар бўлуб, Яғмо бошлиғ лашкари мақтул бўлди. Ўғузхон бир неча муддат ул вилоятларға саранжом бериб, Бадахшон усти бирла Мўғулистонға борди.

Ўғузхоннинг Эрон ва Ироқғаким, маъмураи оламдур, сипоҳ тортғони Бир йил машриқзаминким, мамлакати аслийси эрди, офтобвор ул сарҳадни партави илтифоти била мунаввар қилиб, иккинчи йил Эронға черик торттиким. **Фард:**

Сипоҳи ки анжумдин эрди фузун,
Тўкуб бори, андоқки Баҳром, хун.

Чун, Талош шаҳриға нузул қилди, хон лашкар сўнгида киши қўюб эрдиким, ҳорғон ва очғонлардин хабардор бўлғай. Лашкаридин бир кишиким, аврати ҳомила эрди, ўғлон туғуруб, очлиқдин сути йўқ эрди. Йўлда шағоле кўрдиким, бир қирғовул тутти. Ани йиғоч бирла уруб, қирғовулни олди ва заифасиға кабоб қилиб берди. Ул ҳолда хоннинг қўйғон кишилари йўлиқиб, хоннинг олдиға олиб бориб келдилар. Хон анинг ҳолидин огоҳ бўлғоч, от ва озуқ бериб «черик била борма, қол оч» деди. Ҳоло «Халаж» дерлар. *Халаж* қабоили анинг наслидин муншааб[817]дурлар. Мовароуннаҳрда кўп бўлур. *Оймоқ* халқиға қўшулур. Хуросон ва Ироқ[818]да ҳам топилур. Ва илгари чоқда Ҳиндустоннинг баъзи вилоятида алардин подшоҳлиқ мартабасин топғонлар ҳам бордур. Ўғузхон Талошдин Бухоро келиб, Ому сувидин ўтуб,

---

[812] Мунҳазим – енгилиш.
[813] Мужавваф – ковак.
[814] Муҳосира – қамал.
[815] Доруға – шаҳар ҳокимлари. Хива хонлигида кейинчалик миршаблар бошлиғини ҳам доруға дейишган.
[816] Мурожаит – қайтиш.
[817] Муншааб – бўлакларга ажралиб чиқиш.
[818] Ироқ – Ироқи Ажам, яъни Эрон кўзда тутилмоқда.

Хуросон борди ва Ироқи ажам[819] ва Ироқи арабни мусаххар қилди. Балким, Мисру Шом ва Румни ҳам тасарруфиға киюрди. Ул асрда Эрон мамоликида Ажам мулукидин ким подшоҳ эркани маълум эмас. Аммо, Абулғозихон ибн Арабмуҳаммадхон *наввара марқадаҳу*[820] «Шажараи турк»да келтурубдурким «Каюмарс ўлуб, Ҳушанг ҳануз подшоҳ бўлмайдур эрди». Ўғузхон Эронни олди ва бу ҳам ул ривоятға тақвия қилурким, форс аҳлининг заам[821] и улдуркім, Каюмарс фавтидин сўнг Ҳушанг зуҳуриғача юз дағи етмиш йилдин ортуқроқ Эрон дор ас-салтанаси подшоҳи нофизи фармон вужудидин холи эрди. Бўлғайким, ул овонда Ўғузхон Ажам мамлакатига муставлий[822] бўлмиш бўлғай. Лекин фақирға[823] бу сўзлар мустаҳсин тушмай, гумон қилуркім, бу воқеа Жамшиднинг улуҳият[824] даъво қилғон замонида вуқу топмиш бўлғайким, кўп бузуғлиғ бор эрди. Бас, тарих аҳлиға бу сўз таҳқиқи лозимдур. Ва аъламу эндиллоҳи.[825] **Назм:**

Ўғузхонга чун етти таиди ҳақ,
Сипоҳиға ул нав берди насақ[826].
Ки ҳар сорикім лашкари чекти тиг,
Ўшул ерни фатҳ айлади бедариг.

Ўғузхон бир неча муддат тавaққуф[827] қилиб, вилоятларда *ҳоким*лар қўюб, ўз юртиға шавкати тамом ва ғаноими молокалом била қайтти.

Ўғузхоннинг Мўғулистонға келиб, тўй қилғони ва Ҳаққ раҳматига борғони. Чун Ўғузхон ақолими сабъани таҳти тасарруфиға киргузуб, маврусий вилоятиға келди, улуғ тўй ва азим жашн тартиб бериб, бир хиргоҳ тиктурдиким, яғочлари олтундин эрди. Жавоҳири гаронмоя[828] била тарсиъ[829] қилилғон. Бу байт анинг васфидадуркім, **байт:**

Бир уй тикти олтундин ул шаҳриёр
Ким, ул уй фалак уйидин қилди ор.

Ул тўйда тўққуз юз йилқи ва тўққуз минг қўй ўлтурди. Баъзи тўқсон минг қўй дебдур. Қимизу шароб ва ғайри залика муҳайё ва омода[830] эрди. Ҳукм қилди то аъён ва ашроф анинг х(в)он[831] и базлиға жам бўлғайлар. **Маснави:**

Анингдек базми олий берди тартиб
Ки, жаннатдек саропо бор эди зеб.
Тўшаклар барча қолини муламма,[832]
Жавоҳир бирла сартосар мурасса.
Муҳайё шишаларда жон шароби,
Нечуккім, шира[833]*ларда бат*[834] *кабоби.*

---

[819] Эроннинг Мозандарон ва Хуросонгача бўлган қисмини «Ироқи ажам» деб аташган.
[820] Гўри нурга тўлсин.
[821] Заам – фикр, назар, эҳтимол.
[822] Муставлий – қамраб олиш, эгалик этиш.
[823] Яъни тарихчи Мунисга.
[824] Улуҳият – илоҳийлик (пайғамбарлик).
[825] Оллоҳнинг ўзигина билгувчидир.
[826] Насақ – тартиб ва назм.
[827] Тавaққуф – тўхташ.
[828] Гаронмоя – қимматбаҳо.
[829] Тарсиъ (мурасса) – қимматбаҳо тошлар билан безатилган.
[830] Омода – тайёр, ҳозир.
[831] Х(в)он (ўқилиши: хон) – дастурхон.
[832] Муламма – зарли ипак.
[833] Шира – лаган.
[834] Бат – ўрдак.

Зумурруд тўштлар узра фавокиҳ,[835]
Фалак тўштида Парвинға мушобиҳ.
Таом омода юз минг рангба-ранг,
Табақлар саҳни мажлисни қилиб танг[836].
Фалак токим эрур даври замона,
Биридин кўрмамиш эрди нишона.
Йиғилмай бир нафас х(в)они зарандуд,
Ададсиз анда бирёни намаксуд.
Ғуломи моҳрўлар чусту чолок,[837]
Туруб хизмат мақомида тарабнок,
Ғино[838] *аҳли тараннум айлабон соз,*
Қилиб Исо киби жон бермак оғоз.
Агар васфида Мунис очса юз тил,
На мумкин етмак анжомиға минг йил.
Ул қурултойда олти ўғлиғаким,

Кун, Ой, Юлдуз, Кўк, Тоғ, Тенгизға мавсум эрдилар, кўп мамлакатлар суюрғол қилди. Ва уч ўғликим «Бузуқ»ға мулаққаб бўлуб эрдилар, сипоҳ буронғор[839] ин аларға тафвиз қилди. Ва уч кичик ўғликим «Уч ўқ»ға мавсум бўлуб эрдилар, черик жувонғор[840] ин аларға топшурди. Бу лақаблар сабаби улким, Ўғузхон Шом диёрин олғонда, шаҳзодалар шикорға бориб эрдилар. Шом навоҳисидин уч улуғ шаҳзода бир олтун ёй ва уч кичик шаҳзода уч заррин ўқ топиб, Ўғузхон олдиға келтурдилар. Хон ёйни ёй топғонларға, ўқларни ўқ топғонларға берди. Уч улуғ шаҳзода ёйни бузуб, тақсим қилдилар. Хон аларға «бузуқ» лақаб қўйди. Уч кичик шаҳзода уч ўқни олишдилар. Хон аларни «уч ўқ» деди. Яна васият қилдиким, ёй подшоҳ манзиласидадур ва ўқ элчи муқобиласида. Анинг учунким, ёй ўқни қаён юборса борур. Эмди керакким, мандин сўнг маснад[841] имда *бузуқ* улуғи Кунхон ўлтурғай. Андин сўнг Бузуқ наслидин ҳар кимнинг қобилияти бўлса, ул подшоҳ бўлғай. Ва бу васоёдин сўнг умаро ва бекларига ҳар кимнинг ўз қадриға кўра вилоятлар инъом қилди ва насоиҳ[842] жавоҳирин андоғ сочтиким, баҳраманд бўлмағон қолмади. **Шеър:**

Ўғузхон чу олди жаҳон кишварин,
Қўюб тораки узра дин афсарин.
Фиғонким қилиб чарх зулм ошкор,
Анга тахтини қилди лавҳи мазор.

Кунхон ибн Ўғузхон отасининг мавжиб[843] и васияти ва аёни мамлакатининг сайъ ва иттифоқи била салтанат авжиға муртафе[844] бўлди. Ва ул подшоҳе эрди соҳиби дил ва фаррух нажод. Ва шаҳаншоҳе эрди равшан рой ва маъдилат ниҳод. Адолат баҳори била мулк бўстонин сарсабзу райён қилди ва сиёсат изҳори била залолат[845] шаҳристонин харобу вайрон. Ва *уйғур* жамоатидин Эрқулхўжаким, отасининг вазири ва оқилу донишманд киши эрди, анинг истисвоб[846] и била салтанат муҳиммотиға файсал[847] берур

[835] Фавокиҳ (фаввока) – мевалар.
[836] Танг – тор, жойсиз.
[837] Чусту-чолок – чаққон, эпчил.
[838] Ғино – соз-ашула. Ғино аҳли – созанда, муғаннийлар.
[839] Бурунғор – қўшиннинг олд қисми.
[840] Жувонғор – қўшиннинг ён томони.
[841] Маснад – ўриндиқ, тахт.
[842] Насоиҳ – насиҳатлар, ўгитлар.
[843] Мавжиб – бўйича, асосида.
[844] Муртафе – юксалиш.
[845] Залолат – тўғри йўлдан адашиш.
[846] Истисвоб – тўғри кўрсатма.
[847] Файсал – ҳал, ечим.

эрди. Бир кун ул вазири сойиби тадбир Кунхонни хилватда топиб, айттиким «отанг умрлар ёз бўлса, соя роҳатин кўрмай, қиш бўлса, уйда турмай, жаҳон кишварин забт қилди ва лашкари фаровон йиғнаб, хазоини бекарон сиз олти ўғулға қўюб кетти. Ҳоло ҳар бирингиздин тўрт шаҳзода бор. Мажмуи йигирма бўлур. Барчангиз муттафиқ бўлсангиз, кўп йиллар давлат зимом[848] и қўлингиздин бормас. Қўрқарманким, мулку мол жиҳатидин орангизда мунозита ва мухолифата пайдо бўлмағай. **Байт:**

Дунё эрур арусе маккораликда машҳур
Бир шева бирла солур юз муттафиқ аро шуур.

Авло улким, ҳар кимга расме лойиқ ва мансабе муносиб муқаррар бўлса ва амвол ва галла[849] лар тақсим топиб, аларга берилса». Кунхон Эрқулхўжанинг раайин қабул қилиб, улуғ қурултой тузди. Эрқулхўжа Ўғузхондин қолғон вилоёт ва хазоин ва амволни шаҳзодаларға улаштурди. Ҳар қайсиға бир турлук лақаб ва тамғо ва нишон муқаррар қилди. Ва ҳар бирининг мансаб ва мартабасин мўайян этти. Андоқким мажолис ва маҳофилда ҳар ким ўз ерида ўлтуруб, оқо ва инилик, улуғлик ва кичиклик одобин риоят қилурлар эрди. Ул вазири беназирнинг ҳусни тадбири била алар орасида муҳаббат бунёди мушайййид[850] бўлуб, мухолифат абвоби боғланди. Бу жиҳатдин кўп қарн[851] лар салтанат давлати ул хонадонда боқий қолди. Ва Кунхоннинг муддати халофати етмиш йил эрди. **Назм:**

Чу Кунхон аён қилди ойини дод
Жаҳон аҳли давридa топти мурод.
Анга даги чархи мухолиф мазоқ
Вафо қилмайин зоҳир этти нифоқ.

Ойхон ибн Ўғузхон адолатшиор ва хужастаатвор подшоҳ эрди. Оқоси Кунхоннинг офтоби ҳаёти мағриби мамот[852] ға ғуруб қилғондин сўнг салтанат буржиға иртифо топиб, мусибатзадалар қоронғғу тунин партави илтифоти била мунаввар қилди. **Байт:**

Чун кун тутти магриб ҳисорида жой
Тулуъ айлади ҳадди машриқдин ой.

Ота ва оқосининг йўсун ва ясоқ, ойин ва насақидин тажовуз қилмай, кўп муддат ҳукмронлиғ маснадида мутамаккин эрди. Оқибат риҳлат кўси ўруб, лаҳад манзилгоҳиға наҳзат қилди. **Назм:**

Хилофтда Ойхон топиб иртифо,
Жаҳонга солур эрди кунде шио.
Фалак фош этиб гардиши мухталиф,
Маҳи умрини айлади мунхасиф.[853]

Юлдузхон жаҳондори фархундаахтар ва шаҳриёри покизагуҳар эрди. Аммо, Ёзир, Ойхоннинг ўғлидур. Ва Ойхоннинг иниси Юлдуз эрмас. Ва баъзи дебдурким, Ойхоннинг иниси ё набираси эркани маълум эрмас. Ва ул бир неча йил хонлиқ суруб, ўғли Менглихонни қойиммақом қилиб, вафот топти. **Назм:**

Тутуб Юлдуз авжи саодатда жо
Эди ахтари саъд даврон аро.

---

848 Зимом – тизгин; ихтиёр.
849 Галла – пода.
850 Мушайййд – кучайиш, равнақ топиш, ривож.
851 Қарн – аср.
852 Мамот – ўлим.
853 Мунхасиф – қоронғулашиш; ойнинг тутилиши.

Ани ҳам сипеҳри нўҳусат[854] асар
Адам буржида айлади жилвагар.

Менглихон оқил ва одил киши эрди. Айёми давлатида адлу рофаат бисотин андоқ ёйдиким, кофаи бароё ва омаи раоё фароғат жоми била рифоҳат бодасидин сархуш бўлуб, ишрат додин берур[855] лар эрди. Чун ажал қосиди ва Оллоҳ «бирон соат орқага сура олмайди[856]» ажал паёғомин еткурди, ўғли Тенгизхонға мулк аёлатин топшуруб, жаҳони фонийға видо қилди. **Маснавий:**

Қилиб Менглихон адл тахтин мақом
Берур эрди олам ишига низом.
Чу етти анга даврдин инқилоб
Эди гарчи обод, бўлди хароб.

Тенгизхон ота тахтида ўлтурди ва салтанат тантанасин Сурайё авжиға еткурди, **байт:**

Шаҳи бахшандаву дарёдил эрди
Ҳунарманду кариму фозил эрди.

Або ва аждодининг йўлидин тажовуз жойиз тутмай, муддати мадид хонлиқ муҳҳомиға қиём кўргузди. Кўп умр топиб, чун қарилиғ заъфи анинг мазожиға истило топти, ўғли Элхонни ўрнида насб қилиб, инзиво гўшасида бақия умрин тоат иштиғолиға сарф қилди. Муддати салтанати юз ўн йил эрди. **Қитъа:**

Тенгизхон жўйбор[857] и адл бирла
Мамолик гулшанин сероб қилди.
Етиб охир ажалнинг тунбоди
Ҳаётин ғарқайи гирдоб қилди.

Элхон ҳалим ва карим подшоҳ эрди. Анинг айёми салтанатида Мовароуннаҳр ва Туркистон ҳукумати Тур ибн Фаридунға мутааллиқ эрди. Тоторнинг секкизинчи хони Севинжхонким, юқорида зикр топиб эрди, Турни Элхон мухолифатида ўзига муттафиқ қилди. Ва ул чоғда кўп эл *мўғул* халқиға ҳасад элтиб, нифоқ қилур эрдилар. Мажмуи Севинжхон била Турға ёр бўлуб, бир-бирининг муовинати била *мўғул* устига лашкар чектилар. Талоқии фариқайн даст бергандин[858] сўнгра *мўғул* қавмиким, Элхондин хушнуд эрдилар, уруш маъракасида собит қадам бўлуб, андоқ мардона кушишлар қилдиларким, Тотор ва Туркистон лашкари мағлуб бўлуб, кўп киши қатл ва асир бўлди. Охириламр Тур ва Севинжхон ҳийла тариқаси била оғир юкни ва ёмон молни ташлаб қайтиб, *мўғул*дин икки фарсахлик йироқ туштилар. Ул манзилда бир кеча таваққуф қилиб, қуёш тулуидин аввал ҳайъати ижтимо била балои ногаҳондек *мўғул* устига қуюлдилар. **Назм:**

На хуш ул шаҳеким жаҳонгир эрур
Ки манзури ойини тадбир эрур.
Нединким қилич бўлса ҳар неча тез
Қилиб бўлмас аҳли ҳиял[859] га ситез.

---

[854] Нўҳусат – ёмон аломатли.
[855] Бирон нарсанинг «додини бермоқ» аслида форс-тожик тилидаги «доди касеро додан» – «бирор кимсанинг арз-додига етиш, адолат қилиш» маъносини англатади. Яъни, ёр бўлиш, яхшилик қилиш. Ўзбек тилида уни нотўғри равишда салбий мазмунда «роса додини (адабини) берди» қабилида ишлатадилар. Мунис давридаги туркий адабиётда бу форс-тожикча ибора ўз ҳолича ишлатилган билан «арз-додига етди» маъносида тушунилган.
[856] Қуръони карим, 7 : 34.
[857] Жўйбор – ариқ; бу асарда баъзи ўринларда «сувдан обод боғу бўстон» маъносида ҳам келган.
[858] Томонлар тўқнаши рўй бергач.
[859] Ҳиял – ҳийлагарлик.

Ва ғофил топиб, андоғ қилич урдиларким, Элхоннинг ўғли Қиён ва Холининг ўғли Накуз ва икки заифаким, аларнинг манкуҳаси эрди, бу тўрт кишидин ўзга мутанаффисе[860] ул маъракадин тирик қутулмади. **Рубоий:**

Душман неча бўлса мунҳазим ё ожиз,
Саҳл англама, тутма ғофил ўлмоқ жойиз.
Ўт ҳар неча ўчгун киби афсурда эрур,
То ўчмагуча ўтлиги кетмас ҳаргиз.

Дерларким, Ўғузхон вафотидин бу мансуба вуқуиғача минг йилдин ортуқ ўтуб эрди.

Қиён ва Накузнинг душман дастбурд[861] идин солим қутулуб, Арканақунни жавҳари вужудлариға маъдан қилғонларн. Яъни, ўзлариға маамин[862] қилиб, аларнинг авлоди муру малах[863] дек хуруж қилғони[864]

Ул учурда *мўғул* расми бу эрдиким, янги *кадхудо*[865] бўлғон йигит элдин тошқори бир фарсахлиқ ерда уйи бирла бир йилғача ўлтурур эрди. Қиён ва Накуз ҳам янги уйланиб, бу расм била бир канора[866]да ўлтуруб эрдилар. Бу ҳодисанинг сўнгги куни хабарсиз оталариға салом бергали келиб, кўрдиларким, ўлукдин ўзга нимарса йўқтур. **Маснавий:**

Баданлар ётиб бошлардин жудо
Бўлуб жонлари бир-бирига фидо.
Очиб лола саҳро юзи қон била
Вале тоғ ўлуб жонсиз абдон била.
На зоҳир эрур хиймалардан нишон
На амволдин ҳам нишоне аён.

Фалаки ғаддордин на мансуба[867] ҳодис бўлғонин билдилар ва аъдо ғоратидин солим қолғон молу ҳайвонотни суруб, заифалари била бир канорға чиқтилар. Ва баъзидин манқулдурким, ул икки шаҳзода завжалари била бир кишининг қўлиға тушуб эрдилар, ўн кундин сўнг бир кеча қочиб, юртға келдилар ва қолғон молларни олиб, бир тарафға чиқтилар. Ҳар тақдир била маҳкам ва ийман ер ахтариб, бир тоғға етуштилар. **Маснавий:**

Кўрунди ажаб тоғким каҳкашон,
Анга рифъат ичра камардин нишон.
Чекиб қулла[868] си чарх бошига тег,
Қамар жирм[869] ини шақ қилиб[870] бедариғ.
Ясаб ошиён қулласида малак,
Камарда қилиб сайр шери фалак.
Очиб насри тойир[871] басе пару бол,

---

[860] Бирор нафас олувчи (жон).
[861] Дастбурд – ҳамла.
[862] Маамин – турар жой, макону маскан.
[863] Муру малах – чумолию чигиртка.
[864] Хуруж қилиш – ҳамла, ҳужум учун чиқиш.
[865] Кадхудо – бу сўз иккита маънога эга: қишлоқ оқсоқоли, арбоби ва куёв. Бу ерда куёв маъносида келган.
[866] Канора, канор – чекка, чет; соҳил, қирғоқ.
[867] Мансуба – ўйин, тақдир.
[868] Қулла – чўққи.
[869] Қамар жирми – ой сатҳи, ой диски.
[870] Шақ қилиш – ўртадан иккига ажратиш.
[871] Насри тойир – жаннат қушлари.

Учуб ўтгали топмай охир мажол.
Қиё тошлари ул сифат тундтез,
Ки ақл айлай олмас чиқарга ситез.
Ва лекин мудаввир тушуб ҳалқавор,
Фалак ҳалқасин айлабон шармсор.
Ҳамул ҳалқа ичра жаҳоне ниҳон,
Ниҳон Қоф аро ул сифатким жаҳон.
Топилмай мамарр анда жўз бир дара,
Басе тангу тор эрди-ю, носара.

Юз эмгак била ул дарадин ўтуб, марғзоре мушоҳида қилдиларким, «остидан дарёлар оқиб турадиган абадий жаннатлар[872]» фаҳвоси била салсабилваш чашмасолар ғояти салосат ва узубатда ҳар ёндин жорий. «Тугаб қолмайдиган ва манъ этилмайдиган кўпдан-кўп турли мева-чева[873]» муқтазоси била Туби сифат ашжор[874]лардин ҳар тарафда гуногун самароти лазиз харвори ва шўхлар кўзидек жайронлар била машҳун[875] ва ошиқ бедиллар кўнгли янглиғ қушлар била мамлу. Ва атрофин паргор[876]вор айланиб кўрдиларким, оламедур каримлар хулқидек васе ва келган дарадин ўзга ҳудуди бахиллар эшигидек масдуд[877]. Ва ул мавзеға «Арканақун[878]» от қўйдилар. Яъни «камари тунд» демак бўлур. Ва ривоятдурким, Қиён била Нукузнинг солим қутулуб, бу тоғға киргонларин Тур ва Севинжхон маълум қилиб келиб, ул дарани масдуд қилдилар. Ва муддати мадид ул икки шаҳзода бу ерда зиндагонлиқ қилиб, ўғлонлари кўп бўлди. Қиён авлодиға «қиёт» дерлар. Ва Нукуз наслиға «*нукуз*» ва «*дурликин*» лақаб қўйдилар. Кўп даврлардин сўнг алар наслидин халқе касир ва номаъдуд пайдо бўлуб, амвол ва мавошилари ул мартабаға еттиким, муҳосиби ақл истеъдод[879] идин ожиз келди. Ва гуруҳ-гуруҳ муншааб бўлуб, ҳар гуруҳ бир қабилаға аталди ва қавм-қавм айрилиб, ҳар қавм бир уруқ отин кўтарди. Тўрт юз йилдин кўпрок ўтгандин сўнг касрат жиҳатидин Арканқунға сиғмай, чиқмоқ маслаҳатин қилдилар. Анинг учунким, улуғларидин эшитур эрдиларким «Арканақундин ташқари кенг ерлар ва яхши вилоятлар бўлур эрмиш. Ул ерлар бизнинг қадимий юртимиз эрмиш. *Тотор* бошлиқ ўзга эллар бизнинг уруқни қатли ом қилиб, мулкимизни мутасарриф бўлғон эрмиш». Аммо тоғнинг бир тарафида темур маъдани бор эрди. Иттифоқ била ул ерга ўтун ва кўмур йиғнаб, қулон терисидин тўққуз юз курук тартиб бериб, ўт қуюб, дам бердилар. **Назм:**

Дам урдилар ул ўтга андоқки дуд,
Қаро қилди хиргоҳи чархи кабуд.
Шафақким фалак ҳар тун айлар аён,
Қолибдур ул ўт шўъласидин нишон.

Қодири бечуннинг қудрати комиласи била темур сувдек эриб, бекулфати тараддуд йўл очилди. Аҳсани авқот ва асъади соотда Арканақун тоғидин ҳомун қироғиға чиқдилар. Ривоятдурким, *мўғул* ул кунни муборак тутуб, ийд қилурлар. Ул чоғда Қиён насли қурлос уруқидин Берта жина деган хонлари бор эдиким, Чингизхон ва *амир* Темур Курагон анинг наслидиндурлар. Ул атрофдағи элга элчи йибориб, баъзи мутеи итоат қилдилар ва бархи *тотор*ға муттафиқ бўлуб, изҳори мухолифат этти. *Мўғул* чаповул уруб, қитол ва жидол била *тотор*ни ул диёрдин овора қилдилар ва қадимий манозилларида қарор тутуб, барча *атрок*ға ҳукумат суруб ўлтурдилар. **Назм:**

---

[872] Қуръони карим, 9 : 72.
[873] Қуръони карим, 56 : 34 – 33.
[874] Ашжор – дарахтлар.
[875] Машҳун – тўлиб-тошган, ҳаддан кўп.
[876] Паргор – айлана чизгич; циркуль.
[877] Масдуд – тўсилган.
[878] Туркий тилларда жойни айлана қилиб ўраш «арганак (арканак) тутиш» дейилади. Хоразмда ҳозир ҳам «арганак» айлана тўсиқ маъносини беради.
[879] Теъдод – сон-саноқ.

Бориб эрди иқбол, келди яна
Гулбоғи давлат очилди яна.
Қилиб аҳли ботил фирор ихтиёр
Яна тутти ҳақ ўз ерида қарор.

Қўнгрот табақасининг Қиёнхон наслидин муншааб бўлғони ва баъзи қабоилким, Қўнгрот ақрон[880] идурларким, аларнинг зикри

Чингизия дудмонининг султони, *Ўзбакия* хонадонининг хони, хоқони аъзам, Дорои мукаррам Хон ибн хон Абу-л-музаффар ва-л-мансур Абулғозий Муҳаммад Баҳодирхон *наввара марқадаҳу* ва баъзи муваррихин ривоят қилурларким, Қиёнхон наслидин бир киши бор эрди. Оти маълум эрмас. Аммо, *қиёт* ва *нукуз* улусининг улуғи ул эрди. Баъзи ани Қиённинг набираси дебдур. Анинг уч ўғли бор эрди. **Журлиқ мерган, Қабой шира, Тусбудой.** Аммо, Журлиқ *мерган* ўқ отмоқ фанида андоқ моҳир эрдиким, бир кун иниси Қабой шира била урушти. Иккови ҳам отлиғ эрди. Ёйин қарбондин чиқариб, ўқин кезлади. Қабой шира эгилиб, отининг бўйнин паноҳ қилди. **Мисраъ:** Ажаб сепар ки бало ўқиға тутар ўтру; Журлиқ отмай, бир оз фурсатдин сўнг иниси бошин кўторди. Анинг қулоқида бир кумуш ҳалқа бор эрди. Оқоси қўрқутмоқ учун ул ҳалқани қасд қилиб оттиким, ўқ анинг ичидин ўтуб кетти. Мундин ҳам таажжуброқ ишлар андин кўп воқе бўлғондур. Анинг бир ўғли бор эрди Қўнқирот отлиғ. Донишманди соҳиби тадбир ва донои беназир эрди. Мажмуи қўнқирот дудмони анинг наслидиндур Ҳоло иккинчи «қоф»ни «кофи ажамий» битиб, «қўнгрот» дерлар. *Курловут* ва *буркут* уруқи ҳам бу табақаи олийдин айрилур. Мақсуди асли бу табақадур, анинг учунким, хилофат буржининг меҳр[881] и дурахшандаси ва салтанат дуржининг гуҳари рахшандаси, жаҳондорлиғ тахтининг маснаднишини ва оламгирлиғ тожининг дурри самин[882] и. **Назм:**

Сикандар шукуҳу Фаридун ҳашам
Заррин ройи Дорои заррин алам.
Адолат саройида Нўширвон
Шижоатда Баҳроми чарх ошиён.

Раас[883] салотин ал-олам, тожи хавоқин ал-аъзам, аъло ҳазрати олий мартабат, аъни, подшоҳи соҳибқирон Абу-л-музаффар ва-л-мансур Абу-л-фатҳ Элтузар Муҳаммад Баҳодирхон *халладаллоҳу мулкаҳу ва султонаҳу ва афоза ала-л-оламин барраҳу ва эҳсонаҳу*нинг насаби маймуни бу дудмони ҳумоюнға стушур. Иншоллоҳу таоло, умр фурсат берса, тазкор[884] иға шуру[885] қилурмиз.

Аммо. Қабой ширанинг икки фарзанди аржуманди бор эрди Инкирос ва Алқанут отлиғ. *Инкирос* ва *Алқанут* уруқи аларға мансубдурлар. Туркистон ва Мўғулистонда кўп бўлур. Аммо, Тусбудойнинг ҳам икки ўғли бор эрди. Улуғининг оти Қаронут. Барча *қаронут* тоифаси анинг авлодидиндур. Иккинчи ўғлининг оти Қунқовут. Андин бир ўғул вужудға келди Мишар отлиғ. Анинг икки фарзанди бор эрди. Улуғининг оти Қурлос. Барча қурлос табақаси анинг наслидиндур. Бу табақа ғояти касратдин ўзга тавоифға ғолиб келди. Қўнгрот вафотидин сўнг ўғлонлариким тифл[886] эрди, қурлос элининг инон-ихтиёрин қабзаи иқтидориға олиб эрди, ғалаба жиҳатидин анинг авлоди батнан баъда батн[887] ҳукумат сурди. Ҳеч ким интизо[888] қила олмади. *Мўғул* Арканақундин хуруж қилғонда Берта Жина деган ул наслдин

---

[880] Ақрон – яқинлар, қариндошлар.
[881] Меҳр – қуёш.
[882] Самин – қимматбаҳо.
[883] Раас – бош, бошлиқ.
[884] Тазкор – тазкира, зикр.
[885] Шуру – бошланиш.
[886] Тифл – ёш бола.
[887] Батнан баъда батн – авлоддан-авлодга, авлод оша.
[888] Интизо – тортиб олиш, бегона қилиш.

подшоҳ эрди. Чингизхон ва *амир* Темур Кўрагон насли анга етушур, андоқким, собиқан ишорат қилилиб эрди. Кичикининг оти Элчикан. Барча *элчикан* ва *уймовут* ва *қунқимор* ва *арлот* ва *килкит* ва *бодой* ва *қишлиқ* қабоили анинг наслидин муншаабдурлар. Аммо, замоири зибасоири арбоби киёсатға маълум бўлсунким, *мўгул* ва *ўзбак* аросида Журлиқ *мерган* ва Қабой шира ва Тусбудой учовининг авлодиға мансуб уруқ ўзга *мўгул*дин мўътабардур.

Учунчи боб Қурлос авлодидин подшоҳлиқ мартабасиға етганлар зикридаким, сўнгги Абулғозийхон ибн Ёдгорхондурким, ани ҳазрат соҳибқироний[889] маъзул қилиб, салтанат тахтиға ўз жулуси майманатмаануси била зийнат берди.

Бу боб уч қисмға мунқасимдур.

Аввалғи қисм Берта Жунадин Чингизхонғача зикр қилилур

Ахбор ровийлари ва осор ҳовийлари кофурий саҳифаға хомаи мишкин шамомани мундоқ сурубдурларким, *мўгул* тавоифи Арканақун тоғидин хуруж қилғонда Берта Жуна деган **Қурлос** наслидин подшоҳ эрди. Тотор бошлиқ аксар *атрок*никим, қадимий душман эрди, таидоти илоҳий била мағлуб ва мустаосил[890] қилиб, кўб муддатлар ўтгандин сўнг оламға видо қилди. Андин сўнг ўғли Қуймаралнии хон кўтардилар. Ул вафот топғондин сўнг анинг ўғли Бижан қабон подшоҳ бўлди. Ул нақлу интиқол[891] қилғондин сўнг анинг ўғли Тимож ота тахтиға ўлтурди. Ул ўлгандин сўнг анинг ўғли Қайчи *мерган* салтанат амриға қиём кўргузди. Ул фавт бўлғондин сўнг ўғли Қўчум бурал валиаҳд бўлди. Ул оламдин ўтгандин сўнг анинг ўғли Бўка бундун аёлат маснадиға такя қилди. Ул жаҳонға видо қилғондин сўнг анинг ўғли Сам совучи қойиммақом бўлди. Ул сафар қилғондин сўнг анинг ўғли Қолмижу мулк ихтиёрин олди. Ул охиратға борғондин сўнг анинг ўғли Темуртош хонлиқ тожи била сарафроз бўлди. Ул аpодин чиқғондин сўнг анинг ўғли Менглихўжа подшоҳ бўлди. Ул адам мулкиға азимат тутғондин сўнг анинг ўғли Юлдузхон салтанат авжиға иртифо топти. Анинг икки ўғли бор эрди. Ўз ҳаёт вақтида икковининг ҳам ахтари ҳаёти уёқти. Бировидин Дабунбаён отлиғ ўғул, яна бировидин Аланқувва отлиғ қиз қолди. Қизни ўғулға бердилар. Бир неча муддатдин сўнг Юлдузхоннинг кавкаби вужуди адам уфқида ғуруб топиб, набираси Дабунбаёнхоннинг офтоби иқболи салтанат буржидин тулу қилди. Умри ҳануз ўттузға кирмай вафот топти. Андин икки ёш фарзанд қолди. Билкуди, Бекжади отлиғ. Аланқувва Дабунбаён риҳлатидин сўнг *мўгул* элининг сарварлигиға қиём кўргузур эрди. Бу аҳвол асносида бир кеча хиргоҳ[892] тунглугидин нуре кириб, анинг фарош[893] иға борди. Гоҳо бу воқеа вуқу топар эрди, анга бу жиҳатдин ҳамл асари зоҳир бўлди. Чун атбо ва ақрабосиға бу ҳодиса маълум ва равшан бўлди, анга маломат юзидин қатл ва ражм қилмоқға таҳдид кўргуздилар. Ул сурат ҳолин тақрир қилиб, иброии зиммат ва рафъ[894] и мазна[895] учун ашрофи қавмдин баъзиниким, содиқилқавл эрдилар, ҳаволии хиргоҳда мумкини имтиҳонда ўлтурғузди. Ва алар бир кеча ул нурни андоқким мазкур бўлуб эрди, ба раайулайн кўрдилар ва тарки изо қилиб, таъзимин орттурдилар. Тўққуз ой инқизо[896] сидин сўнг жанобиифффатмаоби уч фарзанди нурмонанд туғурди. **Маснавий:**

Жаҳонни улки йўқдин айлади бор
Нетонг тугдурса отасиз.
Аланқувва кўр ки эрга жуфт бўлмай
Тугурди уч ўгул райбу риёсиз.

---

[889] Элтузархон ибн Аваз иноқ кўзда тутилмоқда.
[890] Мустаосил – йўқотиш, таг-томири билан қўпориш.
[891] Нақлу интиқол – кўчиб ўтиш.
[892] Хиргоҳ – чодир, ўтов, қора уй.
[893] Фарош (аслида: фарж) – аёл аврати.
[894] Рафъ – йўқ қилиш.
[895] Мазна – гумон, шубҳа.
[896] Инқизо – тугалланиш, охирига етиш.

Бири Тўқун *қатаған* аталди. *Қатаған* уруғи андин муншаабдурлар. Ва бири Бусқун чолжиға мавсум бўлди. *Чолжут* жамоати анинг наслидурлар. Ва бири Бузанжар мунқоқ лақаб топти. Бу учовининг авлодиға «нерун» дерлар. Ва дерларким, бу воқеа зуҳури Абу Муслим Марвазийнинг айёми хуружидадур

Бузанжархон фарт[897] и киёсат[898] ва камоли фаросат била ақронидин мумтоз эрди. Ва *турк* қабоилининг сарварлариким, мулуки тавоиф тариқасида сулук қилурлар эрди, анинг хизматида камари итоат боғладилар. Чун Бузунжархон жаҳонға видо қилди, андин Абқо ва Тўқто отлиғ икки ўғул қолди.

Буқахон маъдилат шиор ва писандида осор подшоҳ эрди. Муддатлар умури салтанат ва низоми мамлакатға интизом бериб, ўғлини қойиммақом қилиб, оламдин ўтти.

Дутуманинхон ота тахтиға ўлтуруб, доди адлға машғул бўлди. Анинг тўқуз ўғли бор эрди. Секкизини *жалойир* халқиким, *хитой* чопғунидин қочиб *мўғул* диёриға тушуб эрдилар, орада низо тушуб ўлдирдилар. Қойду омон қолди. **Байт:**

Чу Дўтуманин ерга бўлди ниҳон
Ота ўрнида тутти Қайду макон.

Қойдухон. Чун хонлиқ маснади анинг вужуди била зийнат топти, етмиш хонавор[899] *жалойир*ким, қонлиғ бўлуб эрдилар, *жалойир* мутаайййин[900] лари аларни тутуб, хон хизматиға йибордилар ва хон аларни қаттиғ уқубат била ўлдириб, фарзандларин банда[901] қилди. **Байт:**

Мувофиқ эрса инсон ё мунофиқ
Мукофотин кўрар феълига лойиқ.

Ҳазрати борий-таоло анга уч фарзанди саодатманд каромат қилди. Аввал Бойсунқур, иккинчи Жарқаланқум. *Тойжут* эли анга мансубдур. Учунчи Жовчун. *Чижут* қавми анинг наслидур. Қойдухон риҳлат қилғондин сўнг **Бойсунқур** подшоҳ бўлуб, кўп элни таҳти инқиёдиға киргузуб, доди адлға машғул бўлди. Чун риҳлат чоғи етушти, ўғлин валиаҳд қилиб, оталари борғон йўлға борди.

Тўмнахон зишавкат ва олийҳиммат хон эрди. Анинг замонида улус осудаҳол ва фориғбол бўлди. Ва анинг тўққуз ўғли бор эрди. **Ёрнмшарбуқо, Симқочун, Боткелги, Ўдарбаён, Булжардўғлон, Чинтой.** Буларнинг онаси бирдур. **Чоқсу.** *Манқит уруқи* Чоқсунинг наслидиндур. *Дўғлон* халқи Булжордўғлон авлодидиндур. Аммо, **Қабнлхон** ва **Қочули Баҳодир**ким, *амир* Темурнинг насли анга етушур, бир онадин вужудға келдилар.

Қабнлхон. Чун отаси адам диёриға азимат қилди, тахти аёлотға мутамаккин бўлди. Ва ул шаҳриёре эрди комрон ва жаҳондоре эрди гардунтавон. **Фард:**

Ҳар ишким анга бўлди даркорлиқ
Ул ишда фалак айлади ёрлиқ.

Ва ул Чингизхоннинг учунчи жадд[902] идур. *Мўғул* ани Аланжикхон дерлар, яъни раиятпарвари можиди солис[903] демак бўлур. Анинг овозаи адл ва сейт[904] и шижоати хитой подшоҳи Олтонхонға етиб, раабу ҳарос[905] анга муставли бўлуб, тадбир ва тазвир[906] юзидин дўстлиқ тариқида элчи била

[897] Фарт – кўп, ҳаддан ошиқ, зиёд.
[898] Киёсат – ақл.
[899] Хонавор – уйлик, оила, хонадон.
[900] Мутаайййин – аниқ, таниқли.
[901] Банда – қул.
[902] Жадд (кўпл.: аждод) – улуғ ота-бобо.
[903] Учинчи улуғ саховат эгаси.
[904] Сейт – овоза, донг.
[905] Раабу ҳарос – ҳадик ва қўрқув.
[906] Тазвир – тузоқ, алдов.
[907] Мавоҳиб – совғалар.

мавоҳиб[907] и бекарон ва атоёйи бепоён йибориб, анинг иҳзор[908] ин истади. Қабилхон иниси Қочули Баҳодирни ўрнида қўйуб, Олтонхоннинг дидайи мақсадин жамоли ҳузури била равшан қилди. Ва ул эъзозу икром қилмоқдин дақиқае номаръий[909] қўймади. Аммо, фириб юзидин эрди. **Маснавий:**

Юзида дўстлиқ эрди намоён
Адоват кўнглида лек эрди пинҳон.
Йилон жисмидек эрди зоҳири нарм[910]
Ичи эрди ва лекин заҳар ила гарм.

Қабилхон Олтонхон макрин фаросат била топиб, ўз мамлакатига мутаважжиҳ бўлди. Олтон умаро сўзи била изидин элчи йибордиким қайтғай. Ва ул ҳийла била элчиларни қайтариб, суръати тамом била юруди. Ва Олтон яна изидин киши йибориб етушгач, аларни фирибомез сўзлар била Солжуни уйиғаким, қадимий дўсти эрди ва манзили йўл устида эрди, тушуруб, дўстининг отиғаким, барқдин сариулсайр[911] роқ эрди, миниб, йўлға кирди. Оз фурсатда ўз мулкиға келиб тушгач, аларким, яна изидин қовиб келур эрдилар, етушди. Қабилхон аларни аёни улус кенгаши била теғдин ўткариб, хотиржам бўлди. Ва бир неча муддатдин сўнг ранжур бўлуб, интиқол қилди. Андин олти ўғул ёдгор қолди. Оналари *қўнғрот*дин эрди. Барчаси оқил ва далер эрдилар. Отлари **Ўкин Ярқоқ, Қубула қоон, Бартон Баҳодир, Қату мангу, Қадон Баҳодир, Будан қиён** эрди. Барча *қиёт* қабоили буларнинг авлодидур. Аввалғи *қиёт* оти йўқ бўлуб эрди. Ва дерларким, Ўкин ярқоқ хушсурат ва ширин шамойил эрди. Бир кун саҳрода сайр қилур эрди. *Тотор* жамоасидин беш-ўн киши йўлуқуб, ани тутуб, Олтонхон элига олиб борди. Ва ул элчилар қони учунким, отаси ўлдириб эрди, ани қатл қилди.

Қубула қоон олий ҳиммат ва соҳиби ғайрат подшоҳ эрди. Ота тахтида ўлтурғондин сўнг атроф мамоликка Баҳромсавлат тавочилар йибориб, лашкари жаррорин йиғнаб, Ярқоқ қонин олурға **Хитой** жониби мутаважжиҳ бўлди. Олтон дағи *тотор* ақвоми ва ўзга қабоилдин ниҳоятсиз черик мураттаб қилиб, дор ал-мулк[912] идин ҳаракат[913] қилди. Ва икки лашкар бир-бирига муқобил[914] бўлуб, *мўғул* қавми андоқ далерона кушиш[915] қилдиким, *хитой* сипоҳи мағлуб ва рўйгардон бўлуб, душман маориф[916] идин кўп киши қатл ва исор[917] силкига кириб, ғаноими фаровон Қубла қоон ва *мўғул* черикига туштиким, нақл қилмоқ[918] дин ожиз келдилар. **Назм:**

Бировким анга берса бахти мадад
Не ғам душмани бўлса беҳаду аъд.
Қаён қўйса гом[919] ин бўлур шоҳроҳ
Қилур манзил мақсадин жилвагоҳ.

Хурраму шодон ўз манзилиға мурожиат қилдилар. Қубла қоон бир неча йилдин сўнг абову аждоди борғон йўлға борди.

---

[908] Иҳзор – чақириш, ҳузурига ундаш.
[909] Маръий – риоят; номаръий – риоят қилмаслик.
[910] Нарм – юмшоқ, мулойим.
[911] Сариулсайр – тезюрар, учқур.
[912] Дор ал-мулк – пойтахт.
[913] Ҳаракат – турган ердан қўзғалиш, жилиш, юриш.
[914] Муқобил – дучма-дуч, рўпарама-рўпара, тўқнаш.
[915] Кушиш – ҳаракат, интилиш.
[916] Маориф – таниқли.
[917] Исор, иср, асорат – асирлик.
[918] Нақл қилмоқ – элтиш, кўтариб кетиш.
[919] Гом – қадам.
[920] Мутаҳаввир – ботир, мард.

Бартон Баҳодир. Оқосидин сўнг салтанат амри анга тааллуқ топти. Ва ул асру шужо ва мутаҳаввир[920] эрди. Ложарам, хонлиқ лақаби «баҳодир»лиқ лафзиға мубаддал[921] бўлди. Анинг тўрт фарзанди бор эрди. Аммо, Ясукай баҳодир шижоат ва киёсатда алардин мунфард ва мумтоз эрди. **Байт:**

Чу Бартон адам сори бўлди равон
Ясукай ота мулкида бўлди хон.

Ясукай Баҳодир. Анинг айёми ҳукуматида Эрумжи *барлос* валади Қочули баҳодир вафот топти. Анинг мансабин Ясоғу чечанғаким, асанн[922] ва аршади авлоди эрди, муқаррар қилди. Ва Ясукай Баҳодир сипоҳи бекарон йиғнаб, *тоторн*иким, душмани қадим эрди, чопти ва аларнинг масокин ва автонин наҳб[923] ва ғорат ўтиға ёқиб, ул диёрда дайёр[924]е қўймай, Тамучин ва Қаролувқа отлиғ икки *сардор*[925]ларин дастгир қилиб, шавкати тамом ва истиҳзори молокалом била ўз манзилиға нузул қилдилар. Ясука баҳодирнинг беш ўғли бор эрди. Аввал Тамучинким Чингизхон улдур. Иккинчи Жўжи қор. Учунчи Қочун. Тўртинчи Тамука. Бешинчи Белкути ўтчикан. Буларнинг авлодин *мўғул* «Бўрчиған қиёт» дер[926].

Иккинчи қисм Чингизхондин Бердибекхонғача мазкур бўлур ва Жўжи элининг ўзбак лақаб топғони шарҳ топар.

Бу табақа ўн нафардур. Муддати салтанатлари сана беш юз тўқсон тўққуздин етти юз олтмиш иккиғача юз дағи бир йилдур.

Чингизхон ибн Ясукай. Анинг валодати Ялун ялдуқ деган мавзеда сана беш юз қирқ тўққузда мувофиқи Тўнгуз йили зи-қаъданинг йигирмиланжи куни воқе бўлди. Ва толеъи Мезон эрдиким, буржи бодийдур. Ва сабъайи сайёра ҳамул буржда эрдилар. Ложарам, бу ижтимонинг асароти[927]дин анинг айёми тасаллутида бениёзлиқ била эсиб, аксар зи-нафс[928]нинг хирмани аъмори суюф[929] и обдор била фано елига борди. Андоқким, анқариб баъзи, ул жумладин бу авроқда самти гузориш топор иншооллоҳ. Отаси ўлганда ул ўн уч ёшида эрди ва бу жиҳатдин аксар ини-аммоми *тойжут* уруқ бошлиқ анга саркашлик қилди. Ва ул кўп заҳматлар ва асру меҳнатлар чекиб, иши басе маҳолик ва хатаротға тушди. То ёши элликка етгунчаким, сана беш юз тўқсон тўққуз эрди, рамазон ойида салтанат давлатиға етиб, жаҳондорлиқ иқболиға мушарраф бўлди. Бурун оти Тамучин эрди. Чун подшоҳлиқидин уч йил ўтти, ани Чингизхон дедилар. **Назм:**

Ҳамул дам ки тахт узра қилди макон
Лақаб қўйдилар анга «Чингизхон».
Ки Чингиз маъниси беиштибоҳ[930]
Мўғул лафзида келди «шаҳларга шоҳ».

---

[921] Мубаддал – айланиш, ўзгариш.
[922] Асанн – ёши энг катта.
[923] Наҳб – талон-торож.
[924] Дайёр – нафас олувчи зот, аҳоли.
[925] Сардор – бу ерда бошлиқ маъносида. Хива хонлигида сардор уруғ, ёки қабила ғарбий дастасининг бошлиғи, қўмондони бўлган.
[926] Мўғул ва татарлар ҳамда Чингизхоннинг насаби «Жоми ат-таворих» маълумотлари билан солиштирган ҳолда «Муизз ал-ансоб» (Насабларнинг энг азизи) номидаги асар таржимасида берилган. Қаранг: Муизз ал-ансаб (Прославляющее генеалогии). Введение, перевод с персидского языка, примечания, подготовка факсимиле к изданию Ш.Х.Вохидова. / История Казахстана в персидских источниках. Том III. Алматы: Дайк-Пресс, 2006. – С.23-102.
[927] Асар – таъсир.
[928] Зи-нафс – жонзот.
[929] Суюф – қиличлар.
[930] Беиштибоҳ – хатосиз, шубҳасиз.

Чун фаррухбол ва соҳиби иқбол эрди, жулусидин сўнгра давлати кун-кундин ва йил-йилдин мазид ва музоиф[931] бўла бошлади ва мартабаи жоҳ ва шавкати баланд ва рафе бўлди. Ва тамомати *атрок* ва саҳронишинлар ва билоди Хито ва Хўтан ва вилоёти Чину Мочин ва Дашти қипчоқ ва Сақсайин ва Булғорни ҳита[932] и забтиға киргузди. Сана олти юз ўн беш[933] да Султон Қутбиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ қасдиға Мовароуннаҳр сори ҳаракат қилди ва султонға раабу ҳарос муставлий бўлуб, Мовароуннаҳрдин Хуросонға борди. Ва Чингизхон Мовароуннаҳрға келиб, ғорату қатли ом буюрди. Ва сана олти юз ўн етти[934] да Жайҳундин убур қилиб, Балхни хароб этти ва ўттуз минг кишини мутаҳаввирлардин Жете *нўён* ва Тағочор *нўён*ким, ҳазрат подшоҳнинг аждодидиндур ва Субадой баҳодирға топшуруб, Султон Муҳаммад талаб[935] иға Эрон йиборди. Ва султон алардин қочиб, жазираи Обескунға борди. Ҳарамлари ва авлоди ва хазоини *мўғул* қўлига тушган хабарин эшитиб, оламдин кўз юмди. Ва дерларким, мамлакатининг вусати ул ғоятда эрдиким, Туркистон ҳаддидин Ироқи араб билодиғача, Ҳиндустон ақсосидин жазираи Обескун диёриғача тўрт ярим иқлим анинг тахти фармонида эрди. Мунингдек подшоҳи олийжоҳни кафан топилмай, тўни бирла дафн қилдилар. «Бунда кўрар кўзларга ибрат бордур[936]» Ва *мўғул* черикиким, ҳар ергаким еттилар, ғорат ва қатли ом қилдилар. Ва ул вақт маорифларнинг биридин манқулдурким, дебдур, агар минг йил адолат ва амният бўлса, *мўғул* қатли омиға талофий[937] ва алар вайронкорлиғиға тадорик қилмас. Андоқким, ул жумладин Хоразмда ҳар *мўғул* йигирми тўрт кишини ўлдурди. Ва *мўғул*лар юз мингдин ортуқроқ эрди. Ва шайх Нажмиддин Кубро *раҳматуллоҳи алайҳ* ҳам ул воҳияйи узмода шаҳид бўлди. Ва соҳиби «Мурсодил абод»дин нақлдурким, Рей шаҳрида етти юз минг кишини қатл қилдилар. Ва «Зафарнома» муқаддимасида мазкурдурким, Нишобур мақтул[938] ларин ўн икки кун санадилар – аврот ва атфолдин ўзга минг-минг етти юз қирқ етти минг қаламға келди. Ва Ҳиротдин минг-минг олти юз кишини даражаи шаҳодатға еткурдилар. Мавлоно Шарафиддин Али хатиб ва ўн беш кишидин ўзга мутанаффисе[939] қолмади. Ала ҳазал қиёс. Ва *мўғул* лашкари бир йилдин сўнг Дарбанд ва Дашти қипчоқдин ўтуб, Мовароуннаҳрга мурожиат қилиб, Чингизхонға қўшулдилар. Чун Эрон ва Турон Чингизхоннинг қабзаи иқтидориға кирди. Ва Султон Жалолиддин Менгбурни валади амжади Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ Синд канорида Чингизхон била далерона масоф қилиб, чун давлати қайтиб эрди, мунҳазим топти ва Син сувидин ўтуб, Ҳиндустон борди. Ва Чингизхон сана олти юз йигирма бир[940] да Қароқурумға муовидат[941] қилди. Ва сана олти юз йигирма тўртдаким, Тўнгуз йил эрди, рамазон ал-муборак[942] да дунёдин нақл қилди. Муддати умри етмиш уч йил эрди ва йигирма беш йил подшоҳлиқ қилди. Анинг сўзларидиндурким: «Ким ўзини яхши сақласа, мамлакатни ҳам сақлар». Ва ҳолати назъ[943] да шаҳзодаларни оллида келтуруб, бир ўқни тилаб олуб синдурди. Ва икки ўқни тилаб олиб, бир тутуб синдурди. Ва уч ўқни синдура олмади ва ўғлонлариға боқиб, дедиким, «сизлар ҳам ўқ манзила[944] сидадурсиз. Агар ҳар бирингиз бир бошқа бўлсангиз, ўқдек синдурурлар. Барчангиз мутаффиқ ва мувофиқ бўлсангиз ҳеч ким сизларнинг шикастингизға қувват ва қудрат топа олмас.» **Маснавий:**

На хуш деди донои соҳиб тамиз
Ки, эй ақл мулкида бўлгон азиз.

---

[931] Мазид ва музоиф – зиёда ва изофа (қўшимча)
[932] Ҳита – ҳудуд.
[933] Ҳижрий 615/1218-19 йил.
[934] Ҳижрий 617/1220-21 йил.
[935] «Талаб» бу ерда излаш, ушлаш маъносида.
[936] Қуръони карим, 3 : 11.
[937] Талофий – ўрнини тўлдириш.
[938] Мақтул – ўлдирилган.
[939] Мутанаффисе – бирор нафас олувчи жон.
[940] Ҳижрий 621/1224 йил.
[941] Муовидат – қайтиш.
[942] 624 йил рамазон/1228 йил15 август-14 сентябр.
[943] Ҳолати назъ – ўлим тўшагида пайти.
[944] Манзила – ўрин.
[945] Гушмол, гушмоли – танбеҳ, жазо.

Қилур қувватингни зиёд иттифоқ
Берур ишларингга кушод иттифоқ.
Агар бўлмаса иттифоқинг сенинг
Фузун бўлса ҳар дам нифоқинг сенинг.
Кўрарсан замондин басе гушмол[945]
Етар давлатинг мулкига интиқол.
Сурар ҳукми шаҳлиқ санга гадо
Урар ҳар қўли етмаган пушту-по[946].

Арбоби ақл ва аҳли тамиз[947] нинг замоири зибасоир[948] иға маълумдурким, осори қаҳри илаҳий Чингизхоннинг жибҳа[949] сида зоҳирдур ва ғазаби номутаноҳий боҳир, андоққим, қилган ишлари мазкур бўлди. **Фард:**

Олиб қаҳр ила ул жаҳон кишварин
Қилиб қатл аҳли замон аксарин.
Жаҳон ичра балким киши қўймади
Улус қонидин ўлгуча тўймади.

Возиҳ ва лойиҳ[950] бўлсунким, ҳазрат подшоҳи соҳибқирон Абу-л-музаффар вал-мансур Элтузар Муҳаммад Баҳодирхон *халладаллоҳи мулкҳу*нннг носияйи муборакида анвори лутфи яздоний пайдодур ва карами субҳоний ҳувайдо. Балким, жаҳон аҳли шаънида «раҳмати лилоламин[951] » мазмуни анинг адлиға шомилдур ва замон халқи бобида «кечирим Оллоҳ наздида энг улуғ қадрга эга» маъниси анинг карами беғоятиға дохил. Андоққим, ҳар ғубори зулм ва гарди бидъатеким, рўзгор кўзгусин тийра ва мукаддар қилмиш эрди, сайқали адолати била рафъ қилиб, ул кўзгуга жило еткурди. Ва ҳар жароҳатеким, замон аҳлиға теғи жафо ва ханжари ситам била етмиш эрди, марҳами илтифоти била ул жароҳатға шифо еткурди. Ва ҳар душманеким, анинг даргоҳи гардуништибоҳиға юз келтурди, афв ва иноятн била ани дўстлиқ мақомиға еткурди. Ва ҳар диёреким мусаххар қилди, лутфу марҳамати била ул диёр аҳлини фалакка ҳамсар қилди. **Маснавий:**

Тутуб бу жаҳон мулкин алтоф ила
Карам бирла ва адлу инсоф ила.
Қаю шаҳрини олса бу даҳрнинг
Қонатмай этти бу замин ул шаҳрнинг.
Гунаҳкорларга ато айлабон
Хирожини олмай сахо айлабон.
Навозиш била душманин ёр этар
Гирифтор қилмай, гирифтор этар.
Бале, қатраеким эса асру талх[952]
Қўшулгонда дарёга қўйгайму талх.

Чингизхоннинг тўрт ағли бор эрди. Аввал **Жўжихон**. Анинг шарҳи аҳволи анқариб[953] зикр топар. Иккинчи **Чиғатойхон.** Мажмуи Мовароуннаҳр ва билоди Уйғур ва баъзи Хоразмдин ва Кошғар ва

---

[946] Пушту-по – елкаю оёқ.
[947] Тамиз – ақл; илмли; пок.
[948] Замоири зибасоир – ҳар нарсани кўра олувчи қалблар.
[949] Жибҳа – пешона.
[950] Возиҳ ва лойиҳ – аниқ ва аён.
[951] «Эй Муҳаммад, биз Сизни барча олам аҳлига раҳмат (жаннатга етакловчи) қилиб юбордик» – Қуръони каримдаги 21 : 107-оят сўзларига ишора.
[952] Талх – аччиқ.
[953] Анқариб – яқин (яқинда).

Бадахшон ва Балху Ғазнин, то Синд сувиғача анга тафвиз[954] қилиб эрди. Мавлоно Саккокий анинг надими эрди. Ани вазири сеоят[955] и била зиндонға солиб эрди, зиндонда вафот топти. Ва Чиғатойхоннинг фавти «Зафарнома» ривояти била олти юз ўттуз секиз[956] йилда воқе бўлди. Ва бошқа қавл била олти юз қирқда дунёдин ўтти. Учунчи **Ўктой қоон**. Вилоят аҳдини анга бериб, ўзига қойиммақом қилди ва ўзга авлодиға муқаддам этти. Ва ул басе жавод[957] ва асру оқил эрди. Сана олти юз ўттуз тўққуз[958] да дор ал-фанодин дор ал-бақоға риҳлат қилди. Анинг таърихи вафотида дебдурларким. **Назм:**

Дар хуллат хилт фузун кард зи ҳар сол қирон,
Рўзу шаб дод зи масти хабар аз бехаборон.
Андар ибтол мазожаш мададе кард тамом,
Муштарий бод Барон ва мадад бод бар он.

Ва Барон бир манзилдурким, манозили қамардин. Тўртунчи **Тўлихон** анга амвол ва хазоин ато қилди ва ани навкар деди. Ва ул аксар авқот отаси мулозаматида эрди. Тўли *мўғул* тилида «ойна» демак бўлур. Эрон подшоҳлари анинг наслидиндур. Вафоти сана олти юз йигирми секиз[959] да эрди.

Жўжихон подшоҳи оқил ва султони одил эрди. Хоразм ва Дашти қипчоқ ва Булғор ва Олон ва Ос ва Рус подшоҳлиқи анга тааллуқ топти. Ва ул отасидин айрилиб, кўп муддатлар ўзига тааллуқ топғон мамоликда жаҳонгирлик ва жаҳондорлиқға машғул бўлди. Ва Чингизхон шикор қилурда ўз диёрининг тансуқот[960] ва бийлокот[961] идин пешкаши бисёр ва туҳафи бешумор била отасининг дастбусиға мушарраф бўлди. Келтургон давоб[962] жинсидин юз минг от эрди, аларнинг ҳар йигирма минги бир рангда эрди. Хон ҳам кўп навозишлар қилиб, ўз мулкига қайтарди. Ва ул отаси фавтидин олти ой бурун ўлди.

Ботухон ибн Жўжихон. Чун Жўжихоннинг вафоти хабарин Чингизхон эшитти эрса, таъзият тутуб, Ўтчикан *нўён* била Ботухон ибн Жўжихонғаким, лақаби Сойинхондур, ёрлиқ йибордиким, отаси ўрнида ўлтуруб, мамлакатдорлиқға иштиғол кўргузсун. Бу аснода Чингизхоннинг ўлган хабари етушуб, Ботухон кичик иниси Тўқай Темурни *нойиб* қилиб, Чингизхон ўрдусиға ҳаракат қилди. Ва Ўктой қоонни барча шаҳзодалар иттифоқ била ота тахтиға ўлтурғуздилар. Ва Ўктой қоон аза ва тўйдин фориғ бўлғондин сўнг Ботухонни ўзининг ўғли Куюкхон ва Тўлихоннинг ўғли Манку қоон ва Чиғатойхоннинг ўғли Бойдор била Можор ва Бошқир ва Рус ва Черкас ва Курал ва Намаш мамоликин фатҳ қилғали йиборди. Ва бу вилоётни олиб, ўз тахтгоҳиғаким, Кўк ўрда дерлар эрди, нузул қилди. Ва сана олти юз эллик[963] да Итил канорида оламдин интиқол қилди. Муддати умри қирқ секиз йил ва салтанати йигирма беш йил. **Байт:**

Шаҳи осмонтахт Боту қани?
Фалак оқибат ерга солди ани.

Беркахон ибн Жўжи оқосидин сўнг жаҳонбонлиқ маснадиға ўлтуруб, улуғ тўйлар тартиб берди. Ва оқо-иниларига инъомлар бериб, вилоятлар суюрғол қилди. Аввал кишиким Чингизхон наслидин мусулмон бўлди, ул эрди. Ва аксар куффор ва фажра анинг сайъи била дини исломға ҳидоят топтилар. Ва ҳар ерда куфр аҳли бўлса, анинг қасдиға юрди. Андоқким, сана ситтайн ва ситтамийа[964] да Ширвон ҳудудида

---

[954] Тафвиз – топшириш, бериш.
[955] Сеоят – чақимчилик.
[956] Ҳижрий 638/1240-41 йил.
[957] Жавод – сахий.
[958] Ҳижрий 639/1241-42 йил.
[959] Ҳижрий 628/1230-31 йил.
[960] Тансуқот – совға, ҳадялар.
[961] Бийлокот, булукот – ҳудудлар.
[962] Давоб – юк ташувчи.
[963] Ҳижрий 650/1251-53 йил.
[964] Ҳижрий 660/1261-62 йил.

Ҳулоку била масоф қилди. Ва сана химса ва ситтамийа[965] да Абуқахон ибн Ҳулокухон ибн Тўлихоннинг куфр ва иноду фисқу фасоди Эронда истило топғони анга масму[966] бўлуб, анинг қалъу қамъ[967] и учун жунуд[968] и номаъдуд била қудуми савлатин рикоби азимат[969] ға қўйди. Ва Буқо ки муқаддами лашкари эрди, Дарбанддин ўтти. Ва Абоқохон иниси Яшмутни мудофааға йиборди. Оқсув канорида Ширвонда муҳориба воқе бўлди. Аввал Абоқо умаросидин Қабу Буқо қатлға етиб, хасм жонибиға ҳазимат воқе бўлуб, сўнгра Буқо кўзига ўқ тегиб, босилди. Ва Беркахон уч юз минг лашкари хунхор била тебраниб, Курд канориғача тохту-тоз[970] қилди. Бу аснода анинг шариф мизожиға қулунж мараз[971] и истило топиб, фавт бўлди. Бу ҳодиса сана олти юз олтмиш тўрт[972] да эрди. Муддати салтанати йигирма беш йил эрди. **Маснавий:**

Беркахонким, топиб эди ислом,
Салтанат тахтида даги ором.
Чун ажал элтди анга толон,
Салтанат қолмади, магар иймон.

Мангу Темурхон ибн Тўқой ибн Боту. Беркахондин сўнг хонлиқ саририда мутамаккин бўлуб ва улус забтиға қиём кўргузди. Ва оқо-иниларига Ботухон дастури била амал қилиб, кўп инъом ва суюрғоллар қилди. Ва шавкати томом ва лашкари молокалом била Булғор устиға отланди. Икки йилда ул диёрни олиб, фатҳу нусрат била Кўк ўрдуға наҳзат этти. Андин сўнгра Абоқохон қасдиға Эрон бориб, сулҳ била муовидат қилди. Ҳамиша бир-бирига пешкашлар била иззат қилур эрдилар. Ва Эрон мулки Арғунхон ибн Абоқохонға қарор топғондин сўнг Тақой *нўён* ва Турктой Баҳодирни саксон минг киши била Эрон устиға йиборди. Арғунхон ҳам эшитиб, *амир* Тағочор ибн Қабу Буқони мудофааға йибориб, изидин ўзи отланди ва Қаробоғ устида талоқии фариқайн воқе бўлди. **Назм:**

Икки лашкар баҳрваш ҳар тараф,
Урушмоқ учун мавждек турди саф.
Қоришти икки сафи лашкар шикан,
Икки мавждекким, бўлур латмазан[973].

Охириламр, Манку Темурхоннинг асокири ҳазимат топти. Бу хабари ваҳшатасар истимо[974] идин Манку Темурхон ғуссаи марг бўлуб ўлди. **Маснавий:**

Будур расми даврони нопойдор
Ки, бирни азиз айлару бирни хор.
Бировга берур айш учун созу барг[975],
Бировни қилур қайғудин ғуссаи марг.

Тудо Манку ибн Боту биродарзодасидин сўнг подшоҳ бўлди. Ота ва оқоларининг қоидаву расмларин барбод қилиб, зулм ва бедод тариқасин бунёд қилди. Бу жиҳатдин Тўқтойғу ибн Манку Темурхон андин қочиб, мутаворий[976] бўлди. Бир неча муддатдин сўнг кўп черик йиғнаб, хуруж этти. Ва Тудо

---

[965] Ҳижрий 660/ 1261-62 йил.
[966] Масму – эшитилиш.
[967] Қалъу қамъ – тор-мор.
[968] Жунуд – қўшин, аскар.
[969] Рикоби азимат – йўналиш узангиси.
[970] Тохту-тоз – босқин-чопқин.
[971] Мараз – касаллик.
[972] Ҳижрий 664/1265-66 йил.
[973] Латмазан – зарб етказувчи.
[974] Истимо – эшитиш.
[975] Созу барг – бойлик, зарур нарсалар.
[976] Мутаворий – тарқалиш.

Манкухон била урушиб, тутуб ўлдурди ва сипоҳин мағлубу маққур қилди. Бу воқеа сана олти юз саксон олти[977] да эрди. **Байт:**

Шаҳеким қилур зулм ишин ихтиёр,
Не тонг қолмаса мулк анга пойдор.

Тўқтоғухон салтанат тожи била сарбаланд бўлуб, доди адлнинг додин берди ва отаву оқосининг дастурида сулук қилди. **Фард:**

Адолат била олди эл кўнглини,
Тараб завқига солди эл кўнглини.

Олти йил подшоҳлиқ суруб, дор ал-фанодин дор ал-бақоға риҳлат қилди. Баъзи дебдурларким, йигирма уч йил салтанат суруб, сана етти юз йигирма беш[978] да вафот топти ва қабри Саройчиқ шаҳридадур.

Ўзбакхон ибн Тўғрулхон ибн Манкухон амакидин сўнг ўн уч ёшида иелат маснадиға мутамаккин бўлуб, абову аждодининг дастурида мулкни забт қилди ва ҳар кимнинг мартабасиға кўра ҳурмат қилди. Ва ҳар кишининг қадриға лойиқ инъом берди. Ва тамомати элу улусини дини исломға таклиф қилиб, барча ул соҳиби давлатнинг шарофатидин шарафи исломға мушарраф бўлдилар. Ва ҳукм қилдиким, «мажмуи қаламравимдаги мусулмон бўлғон элни отим била атасунлар». Мундин сўнг Жўжи элини «ўзбак» эли дедилар, то қиёматғача ҳам айтғусудурлар. **Байт:**

Ҳар кишиким қолса андин бу сифат зикри жамил,
Етса тонг йўқ Тангридин ҳар дам анга ажри жазил.

Ва икки қатла Эрон подшоҳи Султон Саидхон қасдиға лашкар чекти. Ва бир неча йилдин сўнг «қачон ажаллари етса, уни бирон соат келга ҳам сура олмайдилар, илгари ҳам сура олмайдилар[979]» иқтизоси била «ҳар бир жон ўлимни шарбатини татигувчидир[980]» шарбати ногўзир[981] ин ичиб «остидан дарёлар оқиб турадиган жаннат боғлари[982]» гулшаниға риҳлат қадамин қўйди. **Назм:**

Чун жаҳон мулкин олди Ўзбакхон,
Кафара кийди хилъати иймон.
Оқибат ани даги чархи нигун,
Ўзгалардек ажалига қилди забун.

Жонибекхон ибн Ўзбакхон мусулмон ва одилу кордон ва оқил киши эрди. Уламову фузало, зҳҳоду уббодни бағоят мукарраму муаззам тутар эрди. Ва шариати ғурро[983] ни пос тутуб[984], мустаҳсин ишлар ва писандида амрлар зуҳуриға еткурур эрди.

Анинг замонида Малик Ашраф ибн *амир* Темуртош ибн *амир* Чўпон *сулдуз* мамолики Озарбойжон ва Ироқи ажам ва Арронда подшоҳ эрди. Ғариб золим ва ажиб фосиқ эрди. Бағоят дунё дўст ва ҳарис эрди. Бу жиҳатдин ул мамоликнинг аксар аҳоли ва маволиси ҳар тарафга мутафарриқ бўлдилар. Ул жумладин *қози*[985] Муҳиддин Барда[986] и Дашти Қипчоқға бориб, Сарой шаҳрида манзил тутти ва Жони-

[977] Ҳижрий 686/1287-88 йил.
[978] Ҳижрий 725/1324-25 йил.
[979] Қуръони карим, 10 : 49.
[980] Қуръони карим, 3 : 185.
[981] Ногузир – қутилиб бўлмас, чорасизлик.
[982] Қуръони карим, 9 : 72.
[983] Шариати ғурро – ойдин шариат.
[984] Пос тутмоқ – риоя қилмоқ, улуғламоқ.
[985] Қози – ислом аҳкомлари ва шариат ишларини назорат этгувчи лавозим, судья.
[986] Барда – Озарбайжондаги шаҳар ном.

бекхон анинг мажлиси ваъзиға ҳозир бўлур эрди. *Қози* бир кун аснои ваъзда Малик Ашрафнинг зулм ва таадди[987] син наве тақрир қилдиким, хон ва аҳли мажлис зор-зор йиғладилар. Хон анинг шарр[988] ин дафъ қилурға муттаҳид[989] бўлди ва икки ой черик йиғнаб, Дарбанди Ширвондин ўтуб, Озарбойжонға мутаважжиҳ бўлди. Ва Малик Ашрафни Хўй ҳудудида тутуб, жаҳаннамға йиборди. **Байт:**

Жаҳонда бу эса золим маоли,
Кечар тонгла анинг не нав ҳоли.

Ва дерларким, тўрт юз қатор хачир ва минг қатор тева юки зар ва жавоҳиру ақмаша[990] и нафис зулм била йиғнаб эрди, барча камоли суҳулат[991] била Жонибекхоннинг тасарруфиға кирди ва хон аларни лашкарға қисмат қилиб берди. Бу воқеада айтибдурларким. **Байт:**

Диди ки чи кард Ашрафи хар
У мазлуми бурду Жонибек зар.[992]

Бу сурат сана тиссъа ва хамсайна ва сабъимията[993] авоилида эрди. Ва ривоятдурким, хоннинг адлу сиёсати, забту маҳобати ул мусобада эрдиким, анинг асокири зафармаосири ул йил икки навбат зироот[994] аросидин убур қилди, ҳеч кимнинг ҳадди йўқ эрдиким, бир хуша[995] синдурғой. Ва хон Табриз борғонда подшоҳлиқ уйларға тушди. Умаро ва асокир йўлларға ва рудхоналар аросиға тушуб, ҳеч кишида ёро йўқ эрдиким, мусулмоннинг манзилиға нузул қилғай. **Маснавий:**

Чиқар адл ила от ки аҳли жаҳон
Ҳануз айлар авсофи Нўширвон.
Чу эккани ўрмоқ эрур ногузир
Бўлур яхшилиқ айламак дилпазир.

Ва хон ўғли Бердибекхонни эллик минг киши била Табризда қўюб, Саройға мурожиат қилди. Ва таърих етти юз эллик секиз[996] да Бердибекхоннинг валиаҳдлигин васият қилиб, ҳақ раҳматиға кетти. Муддати ҳукумати ўн етти йил эрди ва Саройжиқда мадфун бўлди.

Бердибекхон отасидин сўнг Ахи Жуқ деган амирни Табризда *нойиб* қилиб, Саройға келди ва умарову шаҳзодалар иттифоқи била хонлиқ саририда ўлтурди. Ва ул золим тийнат ва фосиқ фитрат киши эрди. Салтанат ҳирсидин оқо-инилари ва қардошларин ноҳақ қатл қилди. Билмадиким, дунё мулки маарази заволи[997] дадур. Подшоҳлиқи узоқға тортмай, сана етти юз олтмиш икки[998] да умри охир бўлди. Ва дерларким, Ботухон насли Бердибекда мунқате бўлуб, андин сўнг Жўжихоннинг ўзга ўғлонларининг авлоди подшоҳлиқ қилди. **Назм:**

Қилиб Бердибек зулм расмин падид
Қариндошларин айлаб эрди шаҳид.
Етиб марг, бир дам тура олмади
Демай давлати, насли ҳам қолмади.

---

[987] Таадди – азоб-уқубат.
[988] Шарр – ёмон иш, золимлик.
[989] Муттаҳид – аҳд қилувчи, уҳдасига олувчи.
[990] Ақмаша – газлама.
[991] Суҳулат – осонлик.
[992] Кўрдингми эшак Ашраф нима қилди, У золим номин, Жонибек эса зару молин қўлга киритди.
[993] Ҳижрий 759/1357-58.
[994] Зироот – экинзор далалар.
[995] Хуша – бошоқ.
[996] Ҳижрий 758/1356-57 йил.
[997] Маарази завол – йўқлик учун қўйилган нарса.
[998] Ҳижрий 762/1360-61 йил.

Учунчи қисм Жўжи ибн Чингизхоннинг бешланчи ўғли Шайбонхоннинг наслидин Хоразм мамоликида салтанат қилғонлар зикрида.

Ёдгорхон. Анинг отаси Темур Шайх ибн Ҳожи Тулай ибн Арабшоҳ ибн Фўлод ибн Манку Темур ибн Бодақул ибн Жўжи Буқо ибн Баҳодирхон ибн Шайбонхон ибн Жўжихон ибн Чингизхондур. Маълум бўлсинким, Тамур Шайхнинг замонида *қалмоқ*дин икки минг киши келиб, анга тобе элға чаповул уруб қайтти. Темур Шайх оз киши била кейнидин бориб урушуб, ҳазимат топиб, шаҳид бўлди. Ва анинг ўғли ва иниси йўқ эрди. Бу жиҳатдин эли ўзга *тўра*ларга борди. Ва *уйғур* улуғлари ўрдуға киши йибориб, сўрмишларким, хонимларда ҳеч ҳамл нишони борму ё йўқ? Бор бўлса элга саранжом бериб ўлтуралинг. Бўлғайким, ўғул бўлғай. Хоннинг улуғ ҳарами ҳомила эркан. Айтиб йибормишким, «уч ойлиқ ҳамлим бордур». Бу важҳдин *уйғур* ўрдудин айрилмай, *найман* халқиғаким, аларнинг дўсти эрди ва кетмиш эрдилар, хабар йибориб, олиб келдилар. Ва хонимдин олти ойдин сўнг бир ўғул мутаваллид бўлди. Отин Ёдгор қўйдилар. Бу воқеани эшитиб, кетган эллар ҳам кўчуб, ўрду атрофиға йиғнолдилар. Ул тифлни отасининг ўрнида ўлтуртуб, *уйғур* ва *найман* бекларига иззат қилиб, сўл тарафда ўрун бердилар. Ва *мўғул* расмида ўнг тарафдин сўл тараф афзалдур. Анинг учунким, юрак бадан мулкининг подшоҳидур, чапда бўлур. **Байт:**

Кўнгулким бадан мулкининг шоҳидур,
Анинг чап тарафда ватангоҳидур.

Ва Ёдгорхон йигит етгандин сўнг тўрт ўғли бўлди. **Берка Султон, Абулакхон, Амнакхон, Абак Султон.** Берка Султон ҳимматлиғ ва шижоатлиғ шаҳзода эрди. Ва ул чоғда Дашти Қипчоқ подшоҳи Абулхайрхон эрди. Амир Темур авлодидин Абдуллатиф Мирзонинг ўғли Муҳаммад Жўки Мирзоким, анинг ёниға Султон Абу Саид Мирзодин қочиб келиб эрди, Абулхайрхон амри била Берка Султон оғир черик тортиб, анга аксар Мовароуннаҳрни олиб берди. Чун толеи йўқ эрди, Берка Султонни ўзиға мукаддар[999] қилди. Ва Берка Султон *чиғатой* элиға чаповул уруб, диёриға ёнди. Ва ул Абу Саид Мирзонинг ҳабсиға тушти. Ва Ёдгорхон сана секиз юз олтмиш иккида эрдиким, Берка Султон ва Мусо*бийнинг* сайъи била аксари ўзбакка подшоҳ бўлди ва кўп муддатлар комронлиғ била ҳукм суруб, дунёдин ўтти. **Маснавий:**

Улус узра то Ёдгор эрди шоҳ
Эди даргаҳи қиблаи додхоҳ[1000].
Чу айланди каж чархи нопойдор
Жаҳон мулкида қолмади ёдгор.

Ва Берка султонни бу воқеадин оз вақт сўнг Абулхайрхоннинг набираси Шайбонийхон ўлдурди. Андин Элбарс ва Билбарс деган икки ўғул қолди. Иншооллоҳ, буларнинг зикри ўз маҳалида келур.

Абулакхон ота ва оқосидин сўнг ўн олти йил подшоҳлиқ қилди. Бағоят ҳалим ва кам озор киши эрди. Бу жиҳатдин *ўзбак* орасида мансубалар қўзғолиб, ҳаржу марж[1001] воқе бўлди. Анинг бир ўғли бор эрди Ҳасанқули отлиғ. Чун ажал етгач, инисин валлиаҳд қилиб Тангри ҳукмин буткарди. **Фард:**

Киши нечаким салтанатға етар
Чу етти ажал, салтанатни тарк этар.

Амнакхон ибн Ёдгор оқосидин сўнг доди адлға машғул бўлди. Шайбонийхонким, Мовароуннаҳрни олиб эрди, Амнакхон даврида анинг эли Мовароуннаҳрға кўчуб, Сир канорида Ёдгорхоннинг тавобеидин бошқа эл қолмади. Хон хотиржамлик била салтанат суруб ўлтурди. Ва оқибат жонин жонофаринға топшуруб, олти ўғул ёдгор қўйди: **Сўфиён, Бучға, Авонеш, Қол, Оқотой, Ағонай.**

---

[999] Мукаддар – кина-кудуратли.
[1000] Додгоҳ – халқнинг арз-додини сўраш жойи.
[1001] Ҳаржу марж – бошбошдоқлик.

Элбарсхон ибн Берка Султон муваҳҳид ва мутадайийн[1002] подшоҳ эрди. Амнакхондин сўнг хонлиқ сарири анинг вужуди била зийнат топти. Ва сана тўққуз юз ўн бир[1003]да Хоразмни мусаххар қилиб, хоразмшоҳлиқ тожин фарқ[1004]иға қўйди. Бу ижмол[1005] тафсили улким, Урганж Султон Ҳусайн Мирзодин сўнг Шайбонийхонға тааллуқ топиб эрди. *Қизилбош*[1006] *волий*си Шоҳ Исмоил Шайбонийхон била Марвда урушуб шаҳид қилди. Бу воқеаи ҳойила[1007]дин сўнг Шоҳ Исмоил Хоразмға уч *доруға* йиборди. Бири Хивақ била Ҳазорасбға, бири Урганж, бири Вазирга. Вазир келган *доруға* Вазир аҳоли ва маволисин ундаб, зар ва хилъат берди. Ул учурда Вазир қозиси *қози* Умар отлиғ оқил ва донишманд киши эрди. *Доруға*ни бориб кўрмади. Тилаганда ҳам беморлиқ баҳонаси била бормади. Бир кеча Вазир акобирин пинҳоний тилатиб, дедиким, «муборак бўлсун янги дин ва янги подшоҳ ва янги хилъатингиз». Ул жамоат Шоҳ Исмоилнинг мубтад бўлуб, шиа мазҳабига ривож берганин эшитмамиш эрдилар. Таажжуб юзидин дедиларким «янги дин демакнинг важҳи недур?» Ва *қози* ул мазҳабнинг ҳодис бўлғонин ва анинг ботиллиқин тақрир қилиб, дедиким, «ҳоло мунда келган *ҳоким*ларнинг кишиси оздур ва ҳам дин мазҳабин зоҳир қилмайдурлар. Ихтиёрингизни олғандин сўнгра сизларга сабби[1008] саҳоба *ризвонуллоҳи алайҳимни* таклиф қилиб, кофир бўлғонни қўюб, қабул этмаганни ўлдургусидур. Ботроқ ғамингизни емасангиз, исломдин айрилурсиз. **Маснавий:**

Эшитгач бу сўзларни аҳли Вазир
Дедилар чекиб дин ғамида нафир[1009]
Ки дин узра бўлсун фидо жонимиз
Ўлум яхши йўқ бўлмай имонимиз.
Равофиз вужудини қилмай тамом
Фироғ истамак бизга бўлсун ҳаром.

Алқисса, тараддуд[1010]лар қилиб, икки йилғача иш бошқара олмадилар. Охириламр, султон ал-орифин, қутб ас-соликин, зубдат ал-авлиё саййид Аҳмад Ото *алайҳир раҳма*нинг наслидин саййид Ҳусомиддин қиттолни подшоҳ кўтариб, равофизни орадин чиқорурға иттифоқ қилдилар эрса, ул имтино қилиб, Элбарсхоннинг авсофи ҳамида ва ахлоқи писандидасин маъ аслиҳи баён этти эрса, анинг подшоҳлиқиға далолат қилди. Вазир халқи анга ғойибона баиат қилиб, киши йибордиларким, **аризадошт**:

Аё шаҳрёри фалак жойгоҳ,
Мусулмонлар устида зиллилоҳ.
Жамолингни кўрмай санга бандамиз,
Жанобингга етмай сарафгандамиз.
Эрур сансиз Урганж жонсиз бадан,
Либоси раоёсинингдур кафан.
Буён сур саманд, айлабон илтифот,
Ўлук жисмларга киюргил ҳаёт.
Агар келмасанг ҳашр топгач қиём,
Бизнинг қўл сенинг доман[1011] *инг, вассалом.*

[1002] Муваҳҳид ва мутадайийн – мусулмон ва диндор.
[1003] Ҳижрий 911/1505-06 йил.
[1004] Фарқ – бош.
[1005] Ижмол – қисқача баён.
[1006] Қизилбош – Эронда кўчманчи турк қабилаларининг бирлашмаси. Улар 12 шиа имоми шарафига ўн икки йўллик қизил матодан салла ўраб юришлари учун шундай ном олганлар. Улар сафавия тариқатининг асосий ҳарбий таянчи бўлиб, сафавия шайхлари бошчилигида қўшни мамлакатларга ҳужум қилган.
[1007] Ҳоила – даҳшатли; қайғули.
[1008] Сабб – ҳақоратлаш.
[1009] Нафир – овоз; бақириш.
[1010] Тараддуд – борди-келди; иккиланиш; тайёргарлик.
[1011] Доман – этак.

Элбарсхон отланиб, борған элчиларни суръат била илгари йиборди ва ўзи муваъд вақтида ваъдагоҳға келиб, таваққуф қилди. Ва Вазир акобири хос авом била дарвозаларға киши тайин қилиб, *қизилбош алайҳу-л-лаънани* қатли ом қилиб, эртанг бирла хонни келтуруб, тахтда ўлтурғуздилар. Бу воқеа сана тўққуз юз ўн бир[1012]да Қўй йили эрди. Ул чоғда Вазир музофотидин Янгишаҳр била Тирсак бузулмай қолиб эрди. Аларни иниси Билбарс султон била бир навкариға берди. Аммо, Билбарс Беликаж султонға машҳур эрди. Ул жиҳатдинким, ул мафлуж эрди[1013]. Яъни оёқлари қувват ва ҳаракатсиз. Бағоят диловар ва баҳодир йигит эрди. Ароба миниб, уч-тўрт тавсан отға судратиб, эровул била юруб, чаповул қилур эрди. Ва Билбарсхон уч ойдин сўнг Урганжни олиб, кufфорни мақҳур ва манкуб қилди. Андин сўнг Абулакхон ва Амнакхон ўғлонларин қолған *ўзбак* била келтурди ва Хивақ била Ҳазорасб *қизилбош*ин орадин кўтарди. Ва барча Хоразм мамолики аларға софий бўлуб, Хуросонға ғазот учун отланди ва турктоз қилиб, кўп ғаноим олиб келди. Ул чоқда Шоҳ Исмоил фавт бўлди[1014]. Андин сўнг яна Хуросонға черик юборди ва Хуросон тоғининг шимоли сарҳадларин Меҳнадин Дурунғача тасарруфиға киюрди. Андин сўнг Болқон била Манқишлоқғаким, *туркмон*ия тавоифининг манзил ва маамини эрди, лашкар юбориб, мужодила ва муҳорибадин сўнг мусаххар бўлди. Ва ҳар мамлакатни бир шаҳзодаға ва ҳар диёрни бир амирға тафвиз қилди. Бир неча фурсат фароғат била салтанат суруб, ҳаёт вадиатин қобиз ал-арвоҳға топшурди. **Назм:**

Чу Хоразмни олди Элбарсхон
Қизилбош*ни қилди бехонумон.*
Фалак оқибат айлабон кин анга
Ажал қўймади жони ширин анга.

Султонҳожихон ибн Беликаж султон Янги шаҳардин келиб, оқо-ини иттифоқи била Вазирда салтанат тахтиға ўлтурди. Аммо, оти хон эрди, мулк ихтиёри Элбарсхоннинг улуғ ўғли Султонғози султоннинг қўлида эрди. Ва Султонҳожихон бир йил подшоҳлиқда ўлтуруб, вафот топти.

Ҳасанқулихон ибн Абулакхон Ёдгорхон авлодининг улуғи ул эрди. Ани хон кўтариб, Урганжни анга пойтахт қилиб бердилар. Ва оз фурсатдин сўнг барча шаҳзодалар анга хусумат пайдо қилиб, Урганж устиға келиб урушдилар. Ул урушда Амнакхоннинг кичик ўғли Ағаной султонни Урганж пиёдаси уруб ўлдурдилар. Бу жиҳатдин *тўра*лар мушаддад ва ғазабнок бўлуб, кунда масоф қилиб, икки ойғача қабадилар. Қалъа ичида қаҳат пайдо бўлди ва фуқаро бузулуб чиқа бошлади. Яна икки ой муҳосира қилиб, Урганжни олдилар ва Ҳасанқулихонни улуғ ўғли Билол била ўлдуруб, қолған ўғлонларин онаси била Бухороға кўчурдилар.

Сўфиёнхон ибн Амнакхон бирoдарзодасидин сўнг Урганжда шаҳзодалар сайъи била подшоҳлиқ маснадида ўлтурди. Ва ул ҳиммат ва ғайратда ақронидин мумтоз эрди. *Туркмон*ия қабоили Элбарсхондин бери раият бўлуб эрдилар. Сўфиёнхоннинг замонида Болқон ва Манқишлоқ *тарокима*сиким, *эрсори* ва Хуросон *солури* ва *така* ва *сориқ* ва *ямут* эрдилар, саркашлик оғоз қилиб, хоннинг барот[1015]ларидин қирқ кишини ўлдуруб, закот бермадилар. Бу жиҳатдин хон шаҳзодаларға киши йибориб, лашкари бекарон била *тарокима* қасдиға ҳаракат қилди ва тохту-тоз қилиб, кўп кишини аёл ва авлоди била қатлу асир қилди. Ва қутулғанлари қочиб, Чутоқ қириғаким берк, аммо сувсиз ердур, қабалдилар. Ва хон ҳам алар кейнидин бориб, ул ерни қабаб тушти. *Тарокима* сувсизлиқдин батанг келиб, Оқотой султон даргоҳиға йиқилди. Ва султон оқосидин алар гуноҳин тилаб, ҳар кишининг дийат[1016]иға минг қўйдин қирқ минг қўй муқаррар қилиб, муовидат эттилар. Маълум бўлсунким, Асфандиёрхон замониғача йилда қирқ минг қўй берурлар эрди. Ва бошқа *туркман*лардин *барот*[1017] қўй олдилар. Андоқким, *ички солур*дин ўн етти минг олти юз қўй. Ва *ҳасанэли*ким, *икдар* ва *човдур*дур, алардин ўн бир минг олти юз ва *эрончи*дин

[1012] Ҳижрий 911/1505-06 йил.

[1013] «Беликаж»нинг маъноси «бели эгри» бўлиб, мафлуж – фалаж дегани.

[1014] Шоҳ Исмоил сафавий 930 ҳижрий – 1524 йил вафот этган.

[1015] Барот (дор) – закот ундирувчи.

[1016] Дийат - хунбаҳо, қон ҳаққи.

[1017] Барот – кўчманчи аҳолидан олинадиган солиқ тури.

тўрт минг тўрт юз ва *гўклан*дин ўн уч минг икки юз. *Адоқли*дин ҳам уч минг икки юз қўй олдилар. *Хизрэли* ва *алиэли* ва *тевачи*ким, деҳқон эрдилар, алардин ғалла олдилар. **Байт:**

Аларким ямонлиқ эди пешаси
Фасоду инод эрди андишаси.
Кўр охир мукофотини чектилар
Раиятлиқ офотини чекдилар.

Сўфиёнхон сана тўққуз юз йигирма саккиз[1018]да фавт бўлди. Муддати салтанати олти йил эрди. Андин беш ўғул қолди: **Юсуф** ва **Юнус** ва **Али** ва **Ағаши ва Паҳлавонқули.**

Бучғахон ибн Амнак. Ани Урганжга келтуруб, хон кўтардилар. Анинг асрида Хоразм ўзбаки Қучанд[1019] ва Исфароинғача чопиб, ғорат қилур эрди. Бу сабабдин Эрон подшоҳи Таҳмосб шоҳ ожиз келиб, сулҳ учун элчи била бениҳоят пешкаш ва тансуқот йибориб, илтимос қилдиким «фарзандликка қабул қилғайлар, токим, сулҳ истеҳкоми душманларимға маълум бўлуб, Чингиз авлодиға Кўрагонлиқ, яъни куёвлик била нисбат топмоқ била муфтахар бўлғайман.» Дерларким, йиборган пешкашлари ажноси ақмашадин бошқа тўққуз арабий от, тўққуз олтун хишт, тўққуз кумуш хишт ва Қучанд вилояти эрди. Қучандни Ағаши султонға бердилар. Хон оқоси Сўфиёнхоннинг Ойша бека деган қизин подшоҳона асбоб била узотти. Ва тарих тўққуз юз ўттуз икки[1020]да ҳақ раҳматиға кетти. Тўрт йил подшоҳлиқ сурди. Анинг уч фарзанди бор эрди: **Дўст султон, Эш султон, Нурум султон.**

Аванешхон ибн Амнакхон. Чун мулк эгаси ул бўлди, Бучғахоннинг авлодин Котға номзад[1021] қилди. Анинг айёмида Муҳаммад Солиҳ битикчи ибн Хўжа Музаффар битикчиким, Астрободда эрди, шоҳ Таҳмосбға мухолифат қилиб, баъзи қасабот[1022] и Астрободға мутасарриф бўлуб, туҳафи фаровон била Хоразмға элчи йибориб, истимдод[1023] қилди. Аванешхон Султонғози султоннинг кенгаши била Умарғози султон валади Султонғози султонни сипоҳи вофир била ирсол[1024] қилди. Умарғози султон Астрободни Садриддинхон *истожлу* қўлидин олиб, Муҳаммад Солиҳ битикчиға топшуруб, ғаноими бисёр била мурожиат қилди. Ва хоннинг уч фарзанди бор эрди: **Динмуҳаммад султон, Маҳмуд султон, Али султон.** Ва Динмуҳаммад султонким, Астробод чопмоқға борурда Муҳаммадғози султон ибн Элбарсхонким, Нисой ва Обивард ва Дурун *ҳоким*и эрди, анинг баротдорлариғаким, Хуросон *туркмон*идин *барот* қўйи олиб келур эрди, йўлуқиб, таҳаккумот[1025] била бир сориғ эчкусин олиб эрди, Муҳаммадғози султон ани қайтурда афрод[1026] и била тутдуруб, таъзиб[1027] қилди ва бир мўътамид[1028] навкариға топшуруб, отаси олдиға муқаййид[1029] юбордиким, ўғлиға танбеҳ берсун. Ва султон йўлда халос бўлуб, ул навкарни ўлдуруб, Урганж келди ва ниҳоний ўгай онаси тилидинким, Муҳаммадғози султоннинг синглиси эрди, битиб юбордиким, «ман ўлгудек маризман. Дийдор қиёматға қолмасун». Ва Муҳаммадғози султон бу муваҳҳаш хабар истимоидин бетоқат бўлуб, оз киши била отланди. Чун Урганжға келди, иттифоқо, хон ул кун шикорға чиқиб, ўрдуда киши йўқ эрди. Бехабар ҳарамхонаға кириб, синглисин солим топиб, билдиким, на ҳодиса бордур. Ул ҳолатда Динмуҳаммад султон навкарлари била етушуб, ани шаҳодатға еткурди. Бу хабари ваҳшатасардин Вазирда Султонғози султон, Али султон ибн Сўфиёнхонким, ўз домод[1030] и эрди, теғи бедариғ била анинг риштаи ҳаётин мунқате қилди. **Байт:**

[1018] Ҳижрий 928/1521-22 йил.
[1019] Қучанд – Эрондаги ҳозир Қучон деб аталувчи шаҳар.
[1020] Ҳижрий 932/1525-26 йил.
[1021] Номзад қилмоқ – тайин қилмоқ.
[1022] Қасабот (қасаба) – катта қишлоқлар.
[1023] Истимдод – мадад сўраш.
[1024] Ирсол – юбориш.
[1025] Таҳаккумот – зўравонлик.
[1026] Афрод (фард) – одамлар.
[1027] Таъзиб – азоб.
[1028] Мўътамид – ишончли.
[1029] Муқаййид – кишанланган.
[1030] Домод – куёв.

Гули фитнаким ранги шуриш эрур
Анга қон тўкулмак намойиш берур.

Бу жиҳатдин Аванешхон Вазирға сипоҳ тортиб, Султонғози султонни Элбарсхоннинг авлодидин ўн киши била ўлдурдилар. Ва Султонғози султоннинг Умарғози ва Шерғози отлиғ икки кичик ўғлини Оқотойхон сайъи била Бухороға узоттилар. Бу ҳодиса вуқуидин сўнг Билбарс султоннинг ўғлонлари ҳам Янгишаҳарни ташлаб, Бухороға борди. Ва Умарғози султонким, олий ҳиммат йигит эрди ва хоҳарзода[1031] и Бароқхон – *ҳокими* Тошканд эрди, Бароқхондин истимдод қилиб, Убайдуллоҳхон хизматиға келиб, хонни Хоразм фатҳиға таҳрис[1032] ва тарғиб қилди. Чун Аванешхоннинг Моваруннаҳр сипоҳиға тоби муқовимат[1033] и йўқ эрди, аксар оқову инилари била Урганжни ташлаб, фирор ихтиёр қилди. Вазирнинг шимол жонибида Баёт деган қирда Бухоро черики изидин етиб, дастгир қилдилар. Убайдхон Аванешхонни Умарғози султонға бериб, қатл қилдурди. Қолхон ва Оқотойхонни тирик сақлади. Ва Хоразмни ўғли Абдулазизхонға бериб, барча ўзбакни кўчуруб, муовидат қилди. Бу воқеа сана тўққуз юз қирқ олти[1034] да эрди. Ва Ҳасанхон Румлу «Тарихи оламорои Аббосий[1035]»да тўққуз юз қирқ беш[1036] да, дебдур. Маҳмуд султон, Али султон, Юсуф султон, Юнус султон, Ҳожимхонким, қутулуб, Дурунда Динмуҳаммадхонға қўшулуб эрдилар, Динмуҳаммадхон аларни иттифоқи била Курдуш келиб, *хизрэли*-дин минг отлиғ киши олиб, мажмуи уч минг киши бўлуб, Хиваққа кирдилар. Бу жиҳатдин Абдулазизхон қочиб, Бухоро борди. Убайдуллоҳхон қирқ минг черик била Динмуҳаммадхон қасдиға тебранди. Ўзи Тевабўюнда тавaққуф қилиб, Пирим ўғлонни ва Ҳофиз *қўнғрот*ни аксар умаро ва лашкари била Урганж йиборди. Алар Ҳазорасб келганда Динмуҳаммадхон Хиваңдин отланиб, кеча Гарданхостға тушуб ўлтурди. Бухоро черикиким, кеча кўчуб келур эрдилар, саҳарда аларға учраб, муқотила ва муҳориба қилиб, Пирим ўғлон ва Латиф мирак ва Шайхназар *бий* ва Тожи баҳодир *тавочибоши* ва Қароча баҳодир *вакил* ва Ҳофиз *қўнғрот*ни аксар умаро била қайдға чекиб, анингдек оғир лашкарни мағлуб ва мустосил қилди. Дарвиш *бий* ва Кепак султон машаққати тамом била қочиб қутулдилар. **Байт:**

Кишиким топса таиди илоҳий
Жаҳон хайлидур оллида табоҳий.
Сипаҳ чекса анга Искандару Кай
Ҳазиматлар топар андин паёпай.
Муқобил бўлса Қайсар бирла Фагфур
Қочар андин бўлуб маглубу маққур.

Ҳақназар сиртлоннинг иниси Кунтуғар баҳодир ул кеча олтмиш кишини санчиб йиқди. Тонг отғондин сўнг Динмуҳаммад султон асир бўлғон умарони ҳузуриға келтурди. **Мин ал-латойиф**[1037] : Динмуҳаммад султон Ҳофиз *қўнғрот*ға боқиб дедиким: «Эй, ҳамиша Убайдхон оллида айтур эрмишсанким, Урганж аҳли мусулмон эрмас, кофирдур. Қайси далил била бизни кофирга нисбат қилурсан?» Анда Ҳофиз *қўнғрот* юкунуб дедиким: «Ушбу замон кофирлиқ била мусулмонлиғ маълум бўлур[1038]» Динмуҳаммад султон бу зарофат жиҳатидин аларнинг гуноҳин афв қилди ва анинг бу сўзи *ўзбак* орасида масал бўлди. Ва алар Қолхон ва Оқотой султон бошлиқ Моваруннаҳр борғон элни бир игнасин қўймай йиборурга мутакаффил бўлуб, аймон[1039] ни иймон била мўваккид қилдилар ва Ҳожим султон умарони олиб бориб,

---

[1031] Хоҳарзода – сингилнинг боласи.
[1032] Таҳрис – қутқу солмоқ, қизиқтирмоқ.
[1033] Муқовимат – қаршилик.
[1034] Ҳижрий 946/1539-40 йил.
[1035] Ҳасанбек мунший Румлунинг шоҳ Аббос I ва шоҳ Сафийга бағишлаб ёзган асари кўзда тутилмоқда. «Тарихи оламорои Аббосий» уч жилддан иборат бўлиб, ҳижрий 1038/1627-1629 йил ёзиб тугалланган.
[1036] Ҳижрий 945/1538-39 йил.
[1037] Қизиқарли воқеалардан.
[1038] Мунис бу ҳикояни Абулғозихоннинг «Шажараи турк» асаридан иқтибос қилган.
[1039] Аймон (оймон) – шартнома, қарор, аҳдлашув.

Убайдуллоҳхонни Бухорода кўрди. Хон дағи анга иззати тамом ва ҳурмати молокалом била амм ва отасин мажму эли била берди. **Маснавий:**

Чу Ҳожимхон шаҳи фаррух шамоил,
Бухоро кишвариға бўлди нозил.
Убайдуллоҳхон шоҳи Бухоро,
Бўлуб анинг юзига мажлисоро.
Зар андоқ мақдамиға қилди ийсор,
Ки андин мажлис аҳли бўлди зарвор.
Яна ҳар кимсаким келтурмиш эрди,
Ўзининг кишвариға сурмиш эрди.
Борин эъзоз ила қилди суюрғол,
Маъ ал-авлод вал-ағном вал-мол[1040].

Барча жамиати бисёр ва давлати бешумор била ўз манозилиға нузул қилиб, Қолхонни подшоҳ кўтардилар.

Қолхон ибн Амнакхон. Анинг замонида билоди Хоразм ободон ва эл давлати фаровон ва барча неъмат бағоят арзон бўлди. Ва айёми салтанатида Хуросон жониби рукуб қилиб, Даригазни мусаххар қилди. Ва Атакда Даригаз бандининг оллида бир қалъа бино қилдурди ва ўз отиға мансуб қилдиким, ҳоло ани баъзи Қолхон қалъаси ва баъзи Қохлон дерлар. Ва анинг икки фарзанди бор эрди: Шайхмуҳаммад ва Шоҳназар отлиғ. **Қитъа:**

Қол бўлуб арсаи оламда шоҳ
Мулкни адли қилиб эрди беҳишт.
Топти ажал хонасида мотлиғ
Чун анга фарзин қазо берди «кишт».
Муддати салтанати тўққуз йил эрди.

Оқотойхон ибн Амнакхон Вазир дор ас-салтанасида хилофат тожи била сарафроз бўлуб, Қолхоннинг икки ўғлиға Котни суюрғол қилди. Ва доди адлға машғул бўлди. Ва анинг давридаким, Сўфиёнхоннинг ўғлонлари Юнус султон ва Паҳлавонқули султон Урганж *ҳоким*и эрдилар, алардин нописандида атвор зуҳурға келиб, бу жиҳатдин аларни Бухороға қувдилар. Ва Қолхоннинг ўғлонларин дағи алар кейнидин юбордилар. **Маснавий:**

Ул ки қариндоши анинг оздур
Гардиши афлок анга нособдур.
Мамлакатидин қилиб ихрож ани
Ғурбат аро этгуси муҳтож ани.

Ва Оқотойхон Юнусхон Урганжни олғонда анинг била урушуб, дастгир бўлди ва Қосим султоннинг амри била Хафияда шаҳодат топти. Анинг наъшин Вазирға келтуруб дафн қилдилар. Подшоҳлиқининг муддати секкиз йил етти ой эрди ва умри етмиш уч йил. Анинг олти ўғли бор эрди: Ҳожим султон, Маҳмуд султон, Фўлод султон, Тамур султон, Оллоҳқули султон, Сулаймон султон. **Назм:**

Оқотойхон чу тахтни олди
Мулк аро шарру шур қўзғолди.
Тузатай деди юрт ишида яссо
Бўлмайин туз анга етушди қазо.

[1040] Фарзандлари, бойлиги ва мол-мулки билан.

Юнусхон ибн Сўфиёнхон бағоят шужо ва далер эрди. Ва Манқит *ҳокими* Исмоил *бий* деганга куёв эрди. Қирқ йигит бирла Манқит борурман деб, Бухородин чиқти ва Котнинг шимол жонибидин ўтуб, Тукға тушди. Қуёш ғуруб майли қилғондин сўнг. **Маснавий:**

Аму сувиким бу баҳри ахзар[1041]
Бир қатрадур, оллида муҳаққар.
Ул сувдин ўтуб бўлуб шиновар,
Соҳилга чиқиб, миниб таковар,
Урганж сори азимат этти,
Вақти саҳар ул балдаға етти.

Қалъа деворига яғоч била чиқиб, ичкари кирди ва Маҳмуд султон ибн Аванешхонким, иниси Али султоннинг жонибидин Урганж *волий*[1042]си эрди, ани ўрдусидин тутуб, Вазирга Оқотойхон қошиға йиборди ва салтанат тахтиға ўлтурди. **Байт:**

Талаб ичра ҳар ким ки чолок ўлур,
Етиб мақсадиға тарабнок ўлур.

Маҳмуд султон борғондин сўнг Оқотойхон умаро таҳриси била Урганжга сипоҳ тортти. Юнусхон қоршу чиқиб, шайх Нажмиддин Кубро *алайҳирраҳма*нинг мағриб жонибида муҳориба воқе бўлди. Урганж сипоҳи ғолиб бўлуб, Вазир черики шикаст топти. Ҳаво бағоят иссиғ эрди, Оқотойхоннинг оти ярамай борур эрди. Юнусхоннинг ўғли Қосим султон хоннинг кейнидин етушуб, инон[1043] идин тутуб олиб келди. Ва Урганж *кадхудо*[1044] сиким, Салмон *арбоб* эрди, анинг уйиға тушурди. Ва ўн беш кундин сўнг ёшурун кийизга чулғоб, ўлтуритди. Андоқким, собиқан зикр топиб эрди, ул чоғда Ҳожим султон била Темур султон Хуросон ва Боғобод ҳукуматиға машғул эрдилар. Отаси хабарин эшитиб, қалин черик била Юнусхон қасдиға озим бўлдилар. Вазирдаги шаҳзодалар ҳамким, Маҳмуд султон ва Фўлод султон ва Оллоҳқули султон эрдилар, отландилар. Ва Хивақдин Дўст султон ва Эш султон дағи кўмак учун Хивақ ва Кот ва Ҳазорасб черики била юруш қилдилар. Бу хабар истимоидин Юнусхон черик йиғнаб, орада муқотила воқе бўлди. Оқибат Юнусхоннинг кўнглига раабу ҳарос муставлий бўлуб, иниси Паҳлавонқули султон била Бухороға қочиб, анда тура олмай, ражаб ойининг ўн бирида Қазвинда шоҳ Таҳмосб мулозаматиға борди. Бу воқеа сана тўққуз юз олтмиш тўртда рабиъ ас-соний[1045] да эрди. «Омадани Хоразмия[1046]» таърих топибдурлар. Муддати хонлиқи беш ой эрди. Қосим султонни йўлдин тутуб келтуруб, ўлдурдилар. Бу бобда дебдурлар. **Рубоий:**

Гар сокин эсанг ва гар жаҳонда соир,
Зулм айламагил элга ниҳону зоҳир.
Қосим ки тўкуб эрди Оқотой қонин,
Ҳожим тутуб ани тўкти қонин охир.

Дўстхон ибн Бучғахон барча шаҳзодаларнинг иттифоқи била хон бўлди. Аввал кишиким, Хивақ дор ас-салтанасида тахтға ўлтурди, ул эди. Фақир машраб ва дарвиш ниҳод подшоҳ эрди. Иниси Эш султон баҳодир ва мажнунваш киши эрди. Оқосининг давлатиға қаноат қилмай, Урганж талабиға отланиб, Қумқалъа навоҳисида Ҳожим султон била масоф қилиб, чун ҳеч иш бошқара олмади, охир сулҳ била муовидат қилди. Ул урушда *уйғур* ва *найман*дин бошқа *ўзбак*ни ўлдурмас эрди. Яна бир неча фурсатдин

[1041] Баҳри ахзар – (кўк денгиз) Баҳри Хазар – Каспий денгизи кўзда тутилмоқда.
[1042] Волий – вилоят ҳокими, бошлиғи.
[1043] Инон – отнинг жилови.
[1044] Кадхудо – бу ерда: оқсоқол.
[1045] 964 йил рабиъ ас-соний/1556 йили 1 феврал-2 март.
[1046] Хоразмликнинг келиши.

сўнг Хиваҡ ва Ҳазорасб ва Кот черикин йиғнаб, Урганж қасдиға юруш этти. Ва Ҳожим султон инилари била мудофааға чиқиб, Тук қалъаси била Урганж орасида уруш воқе бўлди. Ва Эш султон бир ҳафта аробадин куран тортиб, муқотила қилур эрди. Охириламр, бир кеча ҳийла била ёшурун Урганжга кириб, *уйғур, найман* амволин талатиб, авлоду аёлин шаҳрдин ихрож қилди. Ҳожим султон Вазирга бориб, Нисойда Али султонға ва Марвда Динмуҳаммад султоннинг ўғли Абулмуҳаммадхонға киши йибориб, изҳори истимдод қилди. Алар ўз навкарлари била келиб, Ҳожим султонға қўшулуб, Урганжни қабаб, тўрт ойдин сўнг бир саҳар қалъаға югурдилар ва Эш султонни ул воқеада ўз навкарларидин Тийнали *дўрмон* деган ўқ била уруб ўлдурди. Ва Дўстхонни дағи Хиваҡға киши йибориб, шаҳид қилдурдилар. Бучғахоннинг насли мунқате бўлди. **Назм:**

Ул ки мулкига қаноат қилмади,
Шуриш афзун қилди, роҳат қилмади.
Қолди чеккан ранжи зое оқибат,
Бўлди бир газ ерга қоне оқибат.

Ҳожимхон ибн Оқотойхон бағоят оқил ва кордон, одил ва мусулмон подшоҳ эрди. Шижоат ва шаҳоматда ўз ақронидин мумтоз, мурувват ва футувватда ўз ажносидин сарафроз эрди. Умри ўттуз еттига етганда сана тўққуз юз олтмиш етти[1047] да Урганжда хонлиқ маснадиға мутамаккин бўлди. Анинг жулусидин тўққуз йил сўнг Али султон вафот топти. Ва ул хушхўй ва ширин калом, жавонмард ва соҳиби саранжом, шужо ва саховатлиғ одил ва сиёсатлиғ шаҳзода эрди. **Байт:**

Хусусан ҳаё жавҳари зотида
Эди нурдек меҳри миротида.

Андоқким, ўлгунча аъзосидин узве[1048] ни ихтиёри била кишига кўргузмади ва хилват ерда таҳорат қилур эрди. Урганж, Ҳазорасб, Кот, Нисой, Обивард вилоёти анга махсус эрди. Ҳар йил Ҳутда Хуросонни Туршиз ва Турбат ва Жом ва Харгирддин Пил кўпрукиғача тохту-тоз қилур эрди. Журжон ва Жожармни олиб, Кабуд жомани пойтахт қилур эрди. Анинг лашкари қирқ мингга етти. Барчасиға улуфа берур эрди. Оёқ навкарининг вазифа[1049] си ўн олти қўй эрди. *Қизилбош*ни кўп турктоз қилғон жиҳатдин шоҳ Таҳмасб сана тўққуз юз олтмиш беш[1050] да Бадрхон *истожлу*ни Шоҳқули халифа муҳрдор ва Ёдгор бек *туркмон* ва Ҳасанбек Фатҳ ўғли ва Рустамхон ва Аҳмадбек Қубод ўғли ва Қосим бек Дурғут ўғли била ўн икки минг лашкар била Али султоннинг қасдиға номзад қилди. Иттифоқан, султон Хуросон *туркман*иға тушуб, ҳар навкари бир тарафға *барот* учун бориб эрди. Султон беш юз киши билаким, икки юзи Абойбек *гўклан* бошлиғ *гўклан*дин эрди, Гургон канорида урушуб, шикаст берди. Иброҳимхон Зуллқадр *ҳокими* Астробод ва Рустамхон ва Қосимбек мингдин зиёда *қизилбош* била қатлға етиб ва Бадрхон ва Ёдгор Муҳаммад бек *туркмон* жамъи касир била дастгир бўлуб, Ҳасанбек Фатҳ ўғли ва Аҳмадбек Қубод ўғли оз киши била қутулуб кеттилар. Ва Шоҳқули халифа келурда йўлда қулунждин фавт бўлуб эрди. **Маснавий:**

Зиҳи хуршид тожу осмон тахт,
Зиҳи ҳиммат, зиҳи гайрат, зиҳи бахт
Ки, андин хайли беҳад қизилбош
Кочор пайгула[1051] *га андоқки хуффош.*

[1047] Ҳижрий 967/1559-60 йил.
[1048] Узве – аъзои баданидан бирон-бир жойи.
[1049] Вазифа – маош.
[1050] Ҳижрий 965/1557-58 йил.
[1051] Пайғула – бурчак.

Султоннинг мирохўридин нақлдурким, «ул урушда султонға тушган ғаноим отининг тўққуздин бирин олур эрдим. Манга етти юз от тегди. Ўзга амволни мундин қиёс қилса бўлур». Мундин ўн олти сўнг султон Урганждин Хуросон келиб, Қужанд[1052] жулга[1053] сида қишлади. Бу ният илаким, баҳор Ироқға чаповул уруб, ғазот қилғай. Ва бу қишлоқда анинг икки шонасининг орасиға куйдургу чиқиб, ҳаёт вадиатин малакулмавтға топшурди. Бу мансуба тарих ҳижрий тўққуз юз етмиш олти[1054] да қирқ ёшида эрди. Ва Ҳасан Румлу тарихида етмиш уч дебдур. «Як кам аз қотили *қизилбош* аст[1055]» таърих бўлур. Бу тақдир била Ҳожихон жулусидин олти йил сўнг вафот топти. Анинг таърихида бир шоир айтибдур, **таърих:**

Сарвари хусравон Али султон
Онки дар даҳр номи ў фош аст.
Аз дами офтоб шамшераш
Шоҳ Таҳмосб ҳамчу хуффош аст.
Рафт он шаҳ зи оламу акнун
Ҳар тараф фитнае зи авбош аст.
Соли тарихи фавтишон гуфтам:
«Ҳей», кам аз «қотили қизилбош*» аст.*

Анинг ўғли Санжар султон *найман* Қулмуҳаммад *бий*нинг сайъи била Нисойда йигирма беш йил подшоҳ бўлуб ўлди. Андин насл қолмади. Али султон фавтидин бир неча муддат сўнг Ҳожимхон Хуросонға ғазот нияти била бориб эрди. Абдуллоҳхон[1056] Хоразмни холи топиб, жунуди номаъдуд била Ҳазорасб устидин ўтуб, Қуланжиға келиб тушти. Ҳоло ул мавзеда ҳазрат подшоҳи олийжоҳ ва султони гардун даргоҳким, бу мухтасарнинг хутбаси анинг муборак оти била хужастамазмун ва батни ҳамида авсофи била машҳундур[1057], иморати алиййия барпо қилибдурким, қавоиму аркон[1058] и «гўё туташ бинолардек[1059]» ояти била мансус[1060] дур ва соҳати гардунмасоҳати «кирган омонлик топади[1061]» сифатиға махсус. **Маснавий:**

Муалло биноси фалакдин рафе,
Мусаттаҳ[1062] фазоси жаҳондин васе.
Келиб барча девори девори хулд,
Бўлуб зеб бирла намудори хулд.
Мусаффо кўнгул қасридин ҳар уйи,
Қилиб рашк анга чархи ахзар уйи.
Чекиб кунгари айвони кайвонгача,
Етиб манзари чархи гардонгача.
Бори равзани ким тушуб дилписанд,
Қуёш кўзгусидин бўлуб шишабанд.

[1052] Аслида «Қучон». Бу шаҳар ҳозир Эроннинг обод бир шаҳри ҳисобланади («Шажараи турк» нашрида афсуски бу жой номи «Хўжанд» шаклида изоҳсиз берилган).
[1053] Жулга – текислик.
[1054] Ҳижрий 976/1568-69 йил.
[1055] Қизилбошлар қотилидан биттаси камайди.
[1056] Абдуллохон II (в.1598 й.) кўзда тутилмоқда.
[1057] Элтузархон кўзда тутилган.
[1058] Қавоим, аркон – устунлар.
[1059] Қуръони карим, 61 : 4.
[1060] Мансус – мазмун топган.
[1061] Қуръони карим, 3 : 97.
[1062] Мусаттаҳ – кенг.

Ва боғе бино этибдурким, анинг фазои вусъатафзоси «кенглиги осмон ва ер кенглиги каби[1063]» тавсифиға содиқдур. Ва саҳни зийнатороси «Баланд устунларга эга Эрам шаҳрига ўхшагани бошқа мамлакатларда яратилмаган[1064]» таърифиға мувофиқ. Суви «шаробга тўла майкосалар бордир[1065]» дарёсидин равон, мадхал[1066] и «жаннатга киринглар[1067]» имосидин аён. Мазореи «каммисл ил-ҳирас[1068]» ҳусулидин машҳун, ашжори «асл дарахт каби илдизи ерда маҳкам ва шохлари осмонда[1069]» сифати била мавзун[1070].

Маснавий:

Шажарлар бутуб Туби ва Сидравор[1071],
Келиб борча Туби киби мевадор.
Чаманлар жинон гулшанидин зиёд,
Гули ранг-баранг топиб кушод.
Раёҳин бутуб анда ҳаддин фузун,
Себарга ҳавоҳоҳ, сунбул нигун.
Оқиб ҳар тараф жўйи кавсар мисол,
Суви барча ҳайвон сувидин зилол.
Вале сувда мавжи гиреҳгирлар,
Солиб сарв оёқига занжирлар.
Чекиб бош фалак узра сарви саҳи,
Ке бўлмай оёқ бандининг огаҳи.
Кўруб сарвни бу сифат сарафроз,
Солиб қумри бўйнига тавқи ниёз.
Бутуб олма себи занахдон киби,
Алаз[1072] *шираси шираи жон киби.*
Узум хушаси айлабон ток аро
Хижил сунбула ақдин афлок аро.
Ниҳоятсиз олу-ю зардолуси,
Мулаззаз анингдек ки шафтолуси.
Анори келиб лаъли ноёбдек,
Бўлуб дона ёқути серобдек.
Бўлуб сабз ҳар сори анжир ангс,
Келиб шира шакар била шир анга.
Ҳалок айлабон элни шох узра нок,
Беҳи ранги андин бўлуб гарднок.
Бори мева васфида сурсам рақам,
Варақга ёпушгудек ўлди қалам.
Зарури бу мавзедин айлаб гузар,
Сабаб бу эди айладим мухтасар.

Қулонжи Хивақ била Ҳазорасб орасида воқедур.

Ҳануз уруш тушмай Абдуллоҳхонға Ҳожимхоннинг Урганж келган хабари етушуб, Фўлод султон била Темур султонғаким, Ҳазорасбдин Қубо боғиғача ўлтурғон *ўзбак*ни йиғноб, Хивақда асбоби муҳо-

---

[1063] Қуръони карим, 57 : 21.
[1064] Қуръони карим, 89 : 8.
[1065] Қуръони карим, 78 : 34.
[1066] Мадхал – кириш жойи, дарвоза.
[1067] Қуръони карим, 7 : 49.
[1068] Буғдой етиштириш деҳқончилиги сингари – ҳадисдан.
[1069] Қуръони карим, 14 : 24.
[1070] Мавзун – оғир (бу ерда: ҳосилли).
[1071] Туби ва Сидратилмунтаҳо – жаннат дарахтлари.
[1072] Алаз – лазиз.

риба таҳҳия[1073] сиға машғул эрдилар, элчи йибориб ярашиб, Бухороға увуд[1074] қилди. Бир неча муддатдин сўнг Нурмуҳаммадхон ибн Абулмуҳаммадхон ибн Динмуҳаммадхонким, Марву Обивард ва Нисой ва Боғобод *ҳоким*и эрди, Ҳожимхон мутобиат[1075] идин чиқиб, вилоёти мазкурани Абдуллоҳхонға топшурди. Ва Абдуллоҳхон ўзидин *ҳоким* қўюб, ани мансабдин бегона қилди. Ва ул бу жиҳатдин қочиб, Ҳожимхон даргоҳиға келиб таҳрис қилғон учун Ҳожимхон вилоёти мазкуранинг талабиға отланди. Бу хабарни эшитиб, Абдуллоҳхон яна Хоразм келиб, шаҳзодаларни ҳийла била тутуб, Хоразмнинг тамоми билодин мусаххар қилиб, ўзидин *ҳоким* қўюб, барча ўзбакни кўчуруб, Бухороға қайтти. Ва Соғанж[1076] диёрида Оқсув канорида йигирма икки шаҳзодани даражаи шаҳодатға еткурди. Бу ҳодиса сана минг икки[1077] да эрди. Ва Ҳожимхон бу муваҳҳаш хабарни эшитгандин сўнгра қочиб борғон шаҳзодалар ва навкарлар била Ироқда шоҳ Аббоси мозий[1078] олдиға борди. Шоҳ таъзим ва табжил била ани ўз тахтиға ўлтуртуб, гуногун зиёфатлар қилди ва вазифасиға ҳар кун минг тумон зар муқаррар этти. Ва Абдуллоҳхоннинг ўғли Абдулмўъминхонким, Хуросоннинг аксар вилоётин олиб, сана минг беш[1079] да Исфароинни муҳосира қилиб эрди, шоҳ Аббос бу жиҳатдин анинг мудофаасиға отланиб, Бастом келди. Ва Ҳожимхон шаҳзодаларнинг ҳаракати била шоҳдин айрилиб, *туркман*иядин лашкар олиб, Урганж келиб, Абдуллоҳхоннинг қўйғон *ҳоким*ларин қатл қилиб, ўз мамлакатига эга бўлди. Ул чоғда Абдуллоҳхон ўғлиға мадад бермак учун Эрон устиға отланиб, Хўжамқули *қўшбеги* [1080] деган амирин ўзиға тааллуқ сипоҳи била эровул қилиб, илгари йибориб эрди. Ва ул Чаҳоржўй келганда, Ҳазорасбдин киши қочиб борди. Хўжамқули *бий* хонға киши юбориб, ўзи суръат била отланиб, оз фурсатда Ҳазорасб келиб, Бобо султон ибн Фўлод султон ибн Оқотойхонни қабади. Андин ўтуб, Хонқоҳни олиб, Ҳамза султон ибн Фўлод султонни ғофил топиб, ўлдурди. Ҳожимхон бу хабарни эшитиб, Урганжни ташлаб, Қазвинда шоҳ Аббос қошиға борди. Мундин сўнг Абдуллоҳхон дағи келиб, Ҳазорасбни тўрт ой қабаб олди ва Бобо султонни ўлдурди. Бу воқеадин бир йил сўнг сана минг олтида Товуқ йили Абдуллоҳхон вафот топти. Андин сўнг Абдулмўъминхонни кеча кўчуб борурда Зомин қалъасининг илайида отасининг умароси ўлдурди. Бу хабар етушгач, Ҳожимхон шоҳдин рухсат олиб, Хоразм келди ва ўз тахтиға миниб, неча муддатдин сўнг таърих минг ўн бирда ва Барс йилининг охирида саксон уч ёшида жонин Тангриға таслим қилди. Муддати салтанати қирқ икки йил эрди. **Маснавий:**

Эди Ҳожим ул хусрави Жам жаноб,
Ки ақлу хираддин эди комёб.
Чу бахт ани мулк узра хон айлади,
Бухор аҳли бирла қирон айлади.
Етиб оқибат дастбурди қазо,
Лаҳад тангноиға қилди ризо.

Арабмуҳаммадхон отасидин сўнг Хивақ дор ас-салтанасида подшоҳ бўлди. Бағоят мутадаййин ва муташарре[1081] ва кам озор киши эрди. Ва валоят[1082] дин насиби бор эрди. Анинг айёми жулусидин олти ой ўтгандин сўнг Ўрусдин лашкар келиб, қуёш Саратон буржиға таҳвил[1083] қилган куни Урганжга кирди ва раоёдин минг кишини шаҳид қилиб, етти кунторож этиб, оғир молни ўтға ёқиб қайтти. Арабмуҳаммадхон Хивақдин отланиб келиб, ўрус Урганждин чиқған ерда икки кун урушди. Учунчи куни зўр қилиб ўтти. Яна ислом

[1073] Таҳҳия – тайёрлаш.
[1074] Увуд, увудат – қайтиш.
[1075] Мутобиат – тобелик.
[1076] Бу ерда Самарқандга яқин Соғарж кўзда тутилган.
[1077] Ҳижрий 1002/1593-94 йил.
[1078] Эрон шоҳи Шоҳ Аббос I кўзда тутилган.
[1079] Ҳижрий 1005/1596-97 йил.
[1080] Қўшбеги – қўш, ҳарбий лагер ва қароргоҳнинг бошлиғи.
[1081] Муташарреъ – шариатпарвар.
[1082] Валоят – валийлик, орифлик.
[1083] Таҳвил – ўтиш.

черики олдиға чиқиб, етти кун қабаб олиб, қатли ом қилдилар. Юз киши қутулуб, дарё канорида яғочдин қалъа солиб қабалиб эрди. Аларни ҳам жаҳаннамға йибордилар. Мундин дағи олти ойдин сўнг *қалмоқ* лашкари келиб, Хўжа кўлидин Тук қальасиғача сув канорида ўлтурғон элга чаповул уруб, Бўрлидин чиқиб кетти. Арабмуҳаммад кейнидин бориб, тушган асиру молни олиб қолди. Маълум бўлсунким, Ўзбакхон замонидин Арабмуҳаммадхон давронигача Хоразм *қалмоқ* турктозидин омон эрди. Арабмуҳаммадхон замонида *найман амир* Сўфи мирзо деган Хусравшоҳ деганни Элбарсхон наслидин Хиваққа келтуруб эрди. Арабхон амирни Хусравшоҳ била ўлдурди. Мундин сўнг *уйғур* Баёш мирзо деган Ҳасанқулихон авлодидан Солиҳ султонни Урганжга келтуруб, хон кўтарурда Арабхон Хивақдин бориб, султонни қатлға еткурди.

Анинг етти ўғли бор эрди: Асфандиёрхон, Ҳабаш султон, Элбарс султон, Абулғозихон, Шариф Муҳаммад султон, Хоразмшоҳ султон, Ўғон султон. Аммо Ҳабаш султон ва Элбарс султон бир онадин эрди ва Хивақда улғайдилар. Бағоят бебок ва саффок[1084] эрдилар. Авбош сеоят[1085] и ва ашрор[1086] шарорати била отасиға оқ[1087] бўлуб, саркашлик қилдилар. Бу жиҳатдин хон аларнинг қасдиға икки қатла черик тортиб урушти. Сўнгғи борғанда аларнинг қўлиға тушти. Ҳабаш султон анингдек отасининг кўзун ўйдурди. Бу воқеа минг ўттуз[1088] да эрди. **Қитъа:**

Арабхонким, қилиб адл ошкоро,
Анинг даврида расми зулм қолди.
Фалак бу важҳдин айлаб анга зулм,
Кўзи нурин кўзининг нури олди.

Хивақда мадрасаи Арабхонни бино қилиб эрди.

Асфандиёр султон Шариф Муҳаммад султон ва Хоразмшоҳ султон била Ҳазорасбда қабалиб, қирқ кундин сўнг Асфандиёр султон Ироқға борди. Ва Абулғози султон Бухороға бориб эрди, Шариф Муҳаммад султон Бухороға бориб, анга қўшулди.

Ҳабаш султон ва Элбарс султон отасин кўр қилғондин сўнг иккови мушорикат била подшоҳлиқ сурдилар. Бир йилдин сўнг Хивақда отаси ва Хоразмшоҳ султон ва Асфандиёр султоннинг икки тифл фарзандиким, бири уч яшар, бири ярим яшар эрди, тўртовин ўлтуртдилар ва Ўғон султонни Ўрусға йибордилар. Орияти подшоҳлиқ учун икки оламда лаънатға сазовор бўлдилар. Ройи жаҳоннамои арбоби басорат[1089] ға равшан ва мубарҳан бўлсунким, Икосара хондонидин Шеруя умаро иғвоси била отаси хусрави Парвизни қатлға еткурди, олти ойдин сўнг тоовун марази била рахти иқоматин оамдин кўтарди. Андоққим, Шайх Низомий *алайҳирраҳма* бу бобда айтибдур. **Байт:**

Падаркуш подшоҳиро нашояд,
Агар шояд ба жуз шаш маҳ напояд[1090].

Ва хулафои Аббосия дудмонидин халифа дағи отаси Мутаваккил ибн Мўътасим ибн Ҳорунни ўлдурди, олти ойдин ўтмади. Ва Кўрагония салотинидин Абдуллатиф мирзо ҳам отаси султон Улуғбек мирзо ибн Шоҳрух мирзони шаҳодатға еткурди, олти ойда Бобо Ҳусайн ани ўлдурди. Ҳабашхон ва Элбарс султон дағи алардек отаси шаҳодатидин олти ойдин сўнг Асфандиёрхон қўлида мақтул бўлдилар. Муддати салтанатлари бир йил олти ой эрди. **Қитъа:**

Бу икки бадсиришту бесаодат,
Чу ўлдурдилар айлаб зулм отасин.

[1084] Саффок – разил, кишилар қонини тўкувчи.
[1085] Сеоят – чақимчилик, туҳмат.
[1086] Ашрор – ёмон одамлар.
[1087] Оқ – итоатсиз; фарзанднинг ота-она томонидан лаънатланиши.
[1088] Ҳижрий 1030/1620-21 йил.
[1089] Кўрар кўз аҳллари (ушбу китобни ўқийдиган кишилар)нинг жаҳонни намоён этув чи ақлларига.
[1090] Падаркуш подшоликка яралмас; Яраса ҳам олти ойдин ўтмас.

Фалак аҳли жаҳонга ибрат айлаб,
Етти ой етмайин берди жазосин.

Асфандиёрхон шаҳриёри оқил ва подшоҳи одил эрди. Отаси Арабмуҳаммадхон фарзандларининг қўлиға гирифтор бўлғондин қирқ кун сўнг Ҳазорасбдин чиқиб, вақт муқтазоси била Эронға шоҳ Аббоси мозий илайига бориб эрди. Анинг мадади била Дурун ва Болқон тоғининг *тарокима*сидин навкар олиб, Урганжга мутаважжиҳ бўлди. Ул чоғда Урганж сувсиздиқдин бузулуб, Тукнинг рўбаруйида дарё лабида қалъа солиб эрдилар. Асфандиёрхон ул қалъаға кириб, Ҳабаш султон хабардор бўлуб, Хиваққа қочти ва Элбарс султон била Хивақ лашкарин олиб, Урганжға юрди. Ва Асфандиёрхон шикаст топиб, Манқишлоқ борди. Ва яна сипоҳ йиғноб, Урганжга келиб, султонлар била урушуб, муставли бўлди ва Элбарс султонни тутуб ўлдурди. Ҳабаш қочиб, Манқитда Шонак мирзо илайигаким, ўз намакпарвардаси эрди, борди. Ул ҳалол намак ани тутуб, Асфандиёрхон хизматиға йиборди. Хон ани дағи Элбарс султонға мулҳақ[1091] қилди. Ва *уйғур*, *найман*ким Арабмуҳаммадхон қатлиға сои[1092] бўлуб эрдилар, аларға қатли ом буюрди. Ва *туркман*ни дўст тутуб, юртиға келтурди. Бу жиҳатдин ўзга *ўзбак* мухолифат қилиб, бузулуб Мовароуннаҳрга ва *манқит* ва *қазоқ*ға кеттилар. Ва Абулғозихонким, *ўзбак* тарафин тутар эрди, анинг била кўп муҳориба қилди. Ва охир анга даст топиб, Ироқ[1093]ға йиборди. Таърих минг ўттуз икки[1094]да подшоҳ бўлуб эрди, ўн етти йил салтанат суруб, интиқол қилди. Андин Юшан султон ва Ашраф султон отлиғ икки фарзанд қолди. Аларни Надрмуҳаммадхон Бухороға элтуб, Қаршида ер берди. Ва хоннинг вафоти таърихида дебдурлар. **Таърих:**

Онки мардумро чу чашму чашмро чун мардум аст,
Ақли донишро дар авсофаш сарришта гум аст.
Буд дурри шоҳвору сохта жобир канор,
Эй дарего, ҳолиё ў ғарқи баҳри Қулзум аст.
Зоти ў боқист, лекин дар назар фонийнамо,
Дар шуои офтоби кибриё чун анжум аст.
Ҳафт шоҳ аз авлиё ҳастанд машҳури жаҳон,
Ҳаштум ин шоҳ аст, зи он таърих «шоҳи ҳаштум» аст[1095].

Бу таърих юзидин маълум бўлурким, айёми мулки ўн тўққуз йилдур. Султон ал-атқиё ва қутб ал-авлиё Ҳасанқули Азизон ва *қози* Муҳаммад Азизон ва Жонмуҳаммад Азизоннинг жаворларида Мевастонда мадфун бўлди.

Аммо. Маълум бўлсунким, ҳазрат Жонмуҳаммад Азизон Хоразмий муриди *қози* Муҳаммад Азизон Хоразмий ва алар муриди Ҳасанқули Азизон Хоразмий ва алар муриди Мустафоқули Азизон *туркмон* Хоразмий ва алар муриди *амир* Али Азизон Самарқандий Мазохиний ва алар муриди Ҳофиз Басир Муҳаммад ал-воиз ал-Хузорий ва алар муриди ҳазрат мавлоно Али Бовардий ва алар муриди мавлоно Алоиддин Мактабдор Обизий ва алар муриди Саъдаддин Кошғарий ва алар муриди мавлоно Низомиддин Хомўш Фаркатий ва алар муриди хожа Алоиддин Аттор ва алар муриди ҳазрат хожа Баҳо ал-Ҳаққ ва-д-дин эрдилар.

Ҳазрат хони мазкур марҳум ҳазрат Жонмуҳаммад Азизон мушорилайҳнинг ҳалқаи иродатиға дохил бўлди. Йиллар сулукка машғул бўлуб, ҳаддин зиёда футуҳот ва каромот ва хавориқи одот ҳосил қилди. Бо вужудиким, даражоти аъло ва маротиби ақсо топиб, сулуки камолға етиб эрди, ҳазрат Шайх Азизон *алайҳирраҳма* риҳлат қилурда аларнинг тарбият ва рухсатин қудват ал-орифин ва зубдат ал-восилин шайха уш-шуйух *қози* Азизон *алайҳирраҳма* ғаким, аларнинг халифаси эрдилар, ҳавола қилди. Ва аларнинг суҳбатидин дағи васфдин ортуқ мақомот топиб, рухсати иршод ҳосил қилди. Бо вужудиким, шуғли

[1091] Мулҳақ – қўшилиш.
[1092] Сои – қутқучи.
[1093] Эрон кўзда тутилмоқда.
[1094] Ҳижрий 1032/1622-23 йил.
[1095] Таърих 1052/1642-43 йилни беради.

авомири салтанат, ибодот ва риёзотин камолға еткурди ва халқ иршодиға машғул бўлуб, кўп соликни манозили мақсудға мушарраф қилди. **Маснавий:**

Зиҳи фаррух иқболу олий сифат,
Бўлуб жам анга фақр ила салтанат.
Гаҳе адл ишидин натоиж топиб,
Риёзотдин гаҳ ҳавоиж топиб.
Гаҳе тег ила дафъи бедод этиб,
Гаҳе зуҳд ила элга иршод этиб.
Икки олам ичра топиб шоҳлиг,
Фано сирридин топти огоҳлиг.

Абулғозихон султони доно ва хоқони тавоно эрди. Валодати сана минг ўн тўрт[1096] да Товушқон йили, Офтоб Асад буржида ва раби ал-аввалнинг ўн бешидаким, душанба куни эрди, воқе бўлди. Ўн олти ёшиға етганда, Урганж ҳукумати Ҳабаш султон била анга тааллуқ тутти. Бир йилдин сўнг Кот аёлат[1097] иға етти. Олти ойдин сўнг отаси била Ҳабаш ва Элбарс масофиға отланди ва отаси шикаст топиб, дастгир бўлғонда, бир йигит била ёвдин чиқиб қочти. Ва йўлда оти йиқилиб, пиёда бўлди. Қошидаги йигит анга отиб бериб, ўзи қолди. Ул йигит худ Ўмбой эрди. Хон ани танимай, чун сўрашғудек фурсат йўқ эрди, ўтуб йўлға тушти. Иншооолоҳ анинг зикри ўз маҳалида айтилур. Хон андин Котға келиб, анда тура олмай, Мовароуннаҳрга мутаважжиҳ бўлди ва Самарқандда Имомқулихоннинг хизматиға етти. Ва олти ойдин сўнг Шариф Муҳаммад султон изидин борди. Ва икки йилдин сўнгким, таърих минг ўттуз уч[1098] да эрди, оқоси Асфандиёрхоннинг илайига келди ва Урганж вилояти анга тааллуқ тутти. Сўнгғи йили оқоси била *туркман*га ривож берган жиҳатдин Хиванинг канорида Тошкўпрук мавзеида урушуб, муовидат қилди. Ва Хўжа кўлида Аму канорида дағи урушуб, ўзбакдин йигирма, *туркман*дин етмиш киши ўлди. Бу воқеадин сўнг *ўзбак* зўр бўлди. Андоққим, юқорида зикр топти. Ва Абулғозихон *қазоқ*да Эшимхон ёниға борди. Андин Туркистонда Турсунхон қошида бўлди. Эшимхон Турсунхонни ўлдургандин сўнг Имомқулихон хизматиға келди. Андин сўнг Хивақға *туркман* ичиға келиб, Асфандиёрхон била икки қатла муҳориба қилди. Охир мусолиҳа қилиб, оқоси ёнида бўлди. Ул учурда бузулғон *ўзбак* Орол мавзеида тенгиз канорида ҳар тарафдин келиб йиғналиб ўлтуруб эрдилар. Асфандиёрхон инисидин бадгумон бўлуб, тутуб Ироқ йиборди. Ул йил шоҳ Аббос ўлуб[1099], анинг набираси шоҳ Сафий подшоҳ бўлуб, Ҳамадонда эрди. Шоҳ Сафий ани Исфаҳонға йиборди. Ўн бир йилдин сўнг Исфаҳондин қочиб, Бастом усти била Маҳинда ўлтурғон *туркман*ға келиб, бир қиш таваққуф қилди. Андин Болқонға бориб, *така*да икки йил турди. Андин Манқишлоқ борди. Ул чоғда Манқишлоқ *қалмоқ*ға тобе бўлуб эрди. *Қалмоқ* хони ани ўз ёниға олиб бориб, кўп таъзим ва такримлар қилди. Бир йилдин сўнг *Орол ўзбаки қалмоқ* хониға қирқ буёқ пешкаш элтуб, Абулғозихонни олиб ёндилар. Бу воқеа сана минг эллик икки[1100] да эрди. Мундин олти ой сўнг Асфандиёрхон вафот топти. Таърих минг эллик тўрт[1101] да Қўй йилининг аввалида Орол вилоятида қирқ ёшида Абулғозихон салтанат тахтиға жулус қилди. Хивақ *туркман*и анга тобе бўлмай, Надрмуҳаммадхон отиға хутба ўқуди. Абулғозихон Хивақни икки мартаба чопти. Надрмуҳаммадхон *туркман*га кўмак йиборди. Алар бирла дағи кўп урушди. Бу жиҳатдин Надрмуҳаммадхон Қосим султон деган набирасин кўп сипоҳ била йиборди. Ул келгандин сўнг хон дағи отланиб, Гандумконға келиб, чаповул йиборди. Ёнида икки юз киши қолиб эрди. Ул вақтда Хивақ сипоҳи келиб, Хиванинг ариғининг жанубий тарафида урушуб, икки юз кишидин шикаст топиб қайтти. **Байт:**

[1096] 1014 йил 15-раби ал-аввал/1605 1 август.
[1097] Аёлат (кўп.: аёлот) – вилоят ёки туман маъноларида.
[1098] Ҳижрий 1033/1623-24 йил.
[1099] Шоҳ Аббос I ҳижрий 1038/1629 или вафот этган.
[1100] Ҳижрий 1052/1642-43 йил.
[1101] Ҳижрий 1054/1644-45 йил.

Хайлинг кўпу озидин бўлма ғуруру маъюс,
Ферузманд бўлмоқ Тангри иноятидур.

Хон дағи қайтиб, чаповулға борғон лашкарин дарё лабида топиб, Орол борди. Ва Абдулазизхон Бухоро тахтида ўлтурғондин сўнг Абулғозихон яна черик тортиб, Хивақға кириб, *туркман*ни мағлубу мақҳур қилди. Ва ўзбакдин уч юз олтмиш кишига амал берди. Аларнинг ўттуз иккисига ўз ёнидин ўрун берди. Андоқким, икки *шайхулислом*, икки *қози*, бир *раис*, Саййид ота авлодидин бир *мутавалли*[1102], бир *нақиб*[1103], тўрт *отолиқ*, тўрт *иноқ*, тўрт *мироб*, тўрт *бий*, бир *парвоначи*[1104], икки *оқо*, икки *арбоб*[1105], тўрт *чиғатой иноқ*и[1106] ва бир *вазир*ким, ҳоло *меҳтар*[1107] дерлар ва бир *қўшбеги*. Бу иккови ўрунсиз хон ҳузурида оёқ устида турдилар. Ва *ўзбак*ни тўрт гуруҳ қилиб, тўрт тўпа атади. Андоқким, *уйғур*, *найман* бир тўпа. *Дўрмон* ва *юз* ва *минг* жамоаси *уйғур*ға қўшулди. Ва пайғамбар авлоди *шайх* ва *бурлоқ* била *найман*ға қўшулди. *Қўнғрот*, *қиёт* бир тўпа. *Жалойир* ва *алиэли қиёт*ға қўшулди. *Нукуз*, *манқит* бир тўпа. *Кенагас нукуз*га ва *хўжаэли*ким, иншооллоҳ анинг зикрин айтурман, *манқит*ға қўшулди. *Қанғли*, *қипчоқ* бир тўпа. Аларға ўн тўрт уруғ қўшулуб, *ўн тўрт уруғ* от кўтарди. Ва барча *ўзбак*ка Дорғондин тенгизғача Аму сувининг икки тарафин ва наҳрлариким, Амудин муншааб бўлубдур, аларнинг атрофин тақсим қилиб берди. Ва Урганж халқин кўчуруб, Хонқоҳнинг мағриб жонибида қалъа солиб, кўп ер берди. Ҳоло Урганж ул мавзедур. Бағоят маъмур ва ободон. Ва Хоразмнинг улуғ савдохонасидур. Бу воқеа таърих минг эллик олти[1108]да Товуқ йили эрди. Андин сўнг мамоликка саранжом бериб, *тарокима*ким, қадимий душман эрди, алар истисол[1109]ининг фикрида бўлди. Ул учурда Ғулом баҳодир, Динмуҳаммад *ўнбеги*, Ўрус *ўнбеги* деган уч *сардор* тўрт минг *туркман* била Ҳазорасб жанубида қум ичида хийма қуруб ўлтируб, хон Ҳазорасб бориб, аларни ҳийла била чорлаб, шилон тортар баҳонаси била икки минг *туркман*ға теғ суви[1110] била ажал шарбатин ичурди ва отланиб, ҳашамин торожу аҳли аёлин асир қилиб қайтти. Мундин сўнг Тажанда баъзи *туркман*ким, Хивақдин қочиб бориб ўлтируб эрдилар, алар қасдиға мутаважжиҳ бўлуб, баъзини қилич дамидин ўткариб ва баъзини қайди балоға тортиб, мурожиат қилди. Сана минг эллик тўққуз[1111]да Хуросоннинг Боми Бурма деган мавзеидаким, қочғон-қолғон *туркман* йиғилиб ўлтуруб эрди, алар қасдиға черик тортиб, алар била корзор қилди. «Бизнинг қўшинимиз ғолиб бўлгувчидир[1112]» муқтазоси била ҳақ ботилға ғолиб келиб, Ўмбой *иноқ* ўзиға мутааллиқ йигитлар била рустамона ишлар қилиб, Қоҳир хўжаким, *туркман*нинг *сардор*и эрди, ани қатлға еткурди. Бу жиҳатдин *туркман* хайли шикаст топиб, *ўзбак* баҳодирларининг теғидин ўтти. Хон ғаноими фаровон ва исори[1113] бепоён била Хивақ келиб тушти. Ва сўнгғи йилким, Сиғир йили эрди, *қалмоқ*нинг *қушут* уруғидин Дуржи тойши деган Кот мамлакатиға чаповул уруб қайтти. Хон ўн беш кунда бу Бўкрук бош мавзеиди изидин етиб, уруш солди ва *қалмоқ*ни мағлубу мақҳур қилиб, увуд этти. Андин сўнг Товушқон йили Атрак ва Гургон бўйинда *туркман*ниит *бойрож* деган қабиласиким, боғий бўлуб эрди, хон аларнинг мудофаа[1114]сиға ўн минг черик била юруш қилди. Бу сафарда адашиб, аксар улус жу ва атш[1115] ғалабасидин мутафарриқ бўлуб қолди. Хон тўрт юз киши била *бойрож* қабиласин топиб, қатли ом

[1102] Мутаваллий – вақф мулклари устидан, кирим ва чиқимлари, харажотларини текширувчи амалдор. У хон томонидан вақф қилинган мулкларга мутаваллийлик қилган.

[1103] Нақиб – саййид ва хўжалар жамоаси бошлиғи. Хонга яқин шахс бўлган.

[1104] Парвоначи – саройда парвона (капалак)дек хон ҳузурига кириб чиқиб, хизмат қиладиган амалдор.

[1105] Арбоб – қабила ёки уруғ оқсоқоли, арбоби. Уруғ зодагонларидан тайинланган.

[1106] Чиғатой иноқи – гегемон в кучли бўлган ўзбек тўпасидан тайинланган иноқ.

[1107] Меҳтар – улуғ, катта дегани. Энг улуғ амалдор сифатида вазир (и аъзам) шундай сифатга эга бўлган.

[1108] Ҳижрий 1056/1646-47 йил.

[1109] Истисол – йўқотиш, тугатиш.

[1110] «Теғ суви» – қиличнинг ялтироқлигига нисбатан «обдор», яъни сувли, денгиз каби нисбатлар ишлатилади. Бу ерда шунга ишора.

[1111] Ҳижрий 1059/1649 йил.

[1112] Қуръони карим, 27 : 173.

[1113] Исор, усаро – асирлар.

[1114] Мудофаа – ушбу сўз бу асарда кўпинча «дафъ», яъни йўқ қилиш маъносида келган.

[1115] Жу ва атш – очлик ва ташналик.

қилиб, ғаноими тамом ва исор молокалом била келиб, Хиваққа нузул қилди. Алқисса, барча *туркман* қабоилин кўп тохту-тоз била итоатға киргузди. Ва Лу йиликим, *қалмоқ*нинг *турғовут* элидин Мерган Тойши, Ўқча, Тапа Туғул деган уч *тўра* кўп *қалмоқ* била Ҳазорасбдин Дорғонғача чопиб эрди, хон ўн беш кундин сўнг изидин отланиб, Сангинработ деган мавзеда топиб, қабаб урушти. *Қалмоқ* тоб келтура олмай, келиб хоннинг оёқин бўса қилиб, хонға эл бўлдилар. Мундин сўнг хон Бухороға олти мартаба сипоҳ чекти. Қарокўлни икки қатла олди. Карминани бир каррат олди. Бухорони бир қатла олди. Ҳаддин ташқари амвол ва ғаноим била қайтти. Аммо, Абдулазизхон била икки мартаба рўбарўй бўлуб, сўнгғи мартабада муҳориба ва муқотила қилиб, шикаст берди. Ул урушда Анушахон рустамона корзор қилиб, обрўлар олди. Ва хон охир умрида ўғли Анушахонни подшоҳ қилиб, узлат ихтиёр қилди ва таърих минг етмиш тўрт[1116]да «яратганинг олдига рози ва хушҳол бўлиб қайт[1117]» муқтазоси била фано марҳаласиға риҳлат қадамин қўйди. «Барча жон ўлгувчидир[1118]» фаҳвоси била ажал шарбати ногуворин ложуръа чекти. Муддати салтанати йигирма йил эрди. Бағоят ашъор фаҳм ва тарихдон киши эрди. Андоққим, ўз силсиласида бир тарих битиб «Шажараи турк»ға мавсум қилибдур. **Қитъа:**

Хони оламланоҳ Абулғози,
Ҳар тараф бешумор чекти сипоҳ.
Охир ани ажал сипоҳи тутуб,
Айлади манзилин хоки сиёҳ.

Анушахон хони соҳиби давлат ва шоҳи Жамшид савлат эрди. Анинг замонида сиёсати биймидин қабоили *туркман*ия туғён қила олмади. Ва хон мамлакатнинг зимоми ихтиёрин *амири кабир* Ўмбой *иноқ*нинг қабзаи иқтидориға топшурди ва амири беназири ақли матиннинг дастёрлиқи била умури мамлакатға низом бериб, пирона ишлар зуҳуриға еткурди. Ва ул вафот топиб, анинг мансаби ўғли *амир* Саййид Муҳаммад *иноқ*ға мафвуз бўлди. Ва хон икки қатла Машҳадни чопиб, ғаноими бисёр била қайтти. Ва учланчи борғанда Машҳадни олиб, ҳазрат имом Али ар-Ризо мақбараи мутабаррикасин зиёрат қилиб, Машҳад тахтиға ўлтурди. Ул жиҳатдин «шоҳ» лақабиға мулаққаб бўлди. Ҳануз ул вилоятға саранжом бермайдур эрди, Бухородин хабар бордиким, Мовароуннаҳрдин Элбарсхон авлоди Абдулазизхон амри била бир оз лашкар олиб, Хоразм қасдиға отланибдур. Бу хабар истимоидин ғазабнок бўлуб, Машҳадни ташлаб, Чоржуй усти била Аму сувидин убур қилиб, Саййид *иноқ*ни бироз черик била Хиваққа узотти ва ўзи Бухоро устиға ҳаракат қилди. Ва Боғи дилкушодаким, Абдулазизхоннинг муҳаддисот[1119] идин эрди, боргоҳи иқболни барпо қилиб, нузул этти. Ул чоғда Абдулазизхон *қипчоқ* ва *хитой* қавмининг дафъи учун Кармина бориб эрди. Сўнгғи куни Хоразм баҳодирлари қалъаға рахна солиб кирдилар. Чоштгоҳдин намози асрғача ғорат қилдилар. Мулло Саййидоий Бухорийким, ул замон шуаросидиндур, бу воқеани шикоятан назмға киюруб, айтибдурким, **маснавий:**

Зи кошонаи хўжаҳо то гадо,
Палосе намонда бажуз бўрё.
Зану мард яксон дар он турктоз,
Фақиру ганиро намонд имтиёз.
Кашид ин ситам то намози дигар,
Магас дар гардад жудо аз шакар.

Чун вақт аср бўлди, хони гардунтавон қалъаға элчи йибориб, истимолат[1120] ваъдаси қилиб, моли омон талаб қилди. Андоққим, шоири мазкур айтибдур. **Назм:**

[1116] Ҳижрий 1074/1663 йил.
[1117] Қуръони карим, 89 : 28.
[1118] Қуръони карим, 3 : 185.
[1119] Муҳаддисот – қурилишлар.
[1120] Истимолот – ўзига бўйсундириш, иноқлашиш.

Ануша яке қосиде суйи шаҳр,
Фиристод парвардаи лутфу қаҳр.
Бигуфто барад жониби хўжаҳо,
Пас онгаҳ бигў бар Сикандар саро.
Баҳам муттафиқ гашта хурду калон,
Расонанд худро бар ин остон.
Зи мо гўй дигар ба хурду бузург,
Ки мо ҳам шубонем, ҳам кўҳна гург.

Амир Искандар *сарой отолиқ* бошлиқ Бухоронинг машоҳир ва маорифи туҳафи бисёр ва пешкаши бешумор била қалъадин чиқиб, хоннинг ҳузурида убудият туфроқин ўптилар. Хон дағи аларға навозиш ва истимолат қилиб, Бухоро тахтиға ўлтурди ва манобир устида хатиблар алқоби ҳумоюниға тил очдилар. Андоққим, ул ҳолда айтибдурлар. **Байт:**

Ба номаш хатибон кушоданд лаб,
Шуд он рўз ҳангомае булажаб.

Андин сўнг Абдулазизхоннинг изидин лашкар йиборди ва Бухорода ўзидин *ҳоким* қўюб қайтти. Ва Абдулазизхоннинг кейнидин борғон лашкар урушуб, шикаст топти. Бу жиҳатдин Бухородағи *ҳоким* таваҳҳум қилиб, қалъани тошлаб қочти.

Ва Анушахоннинг айёми давлатида Кот суви қуруб, эли бузулди. Хон аларға Етти гунбазнинг шимолида қалъаи муаззам таъмир қилиб берди ва бир ариғ ёрдуруб, Оққўлға еткурди ва анга «Ёрмиш» лақаб берди. Ва Анушахон таърих ҳижрий минг тўқсон иккида Хонқоҳнинг шимолиясидин Янги Урганж ва Янги Котнинг жанубидин бир улуғ ариғ қоздуруб, Анбар ва Маноқдин ошуруб қуйдурди. Ва Анбарнинг машриқ тарафида бир қалъаи олий солдуруб, анга Шоҳобод от қўйди. Ва ул ариғға «Пурфайз» ҳам исм ва ҳам таърих бўлди. Алйавм[1121] «Шоҳобод» ариғиға машҳурдур. Анинг файзидин кўп ерлар ободон бўлуб, беш-ўн қалъа андин сув ичадур. Ва ул асрда Вазир халқи икки гуруҳ бўлуб кўчти. Бир гуруҳи Гуруланнинг шимол жонибида қалъа тартиб бериб ватан тутти ва бир гуруҳи Анбар била Шоҳобод орасида қалъа солиб ўлтурди. Ҳоло Чиғатойға иштиҳор топибдур. Анинг учунким, ул жамоанинг асли чиғатой элидиндур. Амир Темур Хоразмни олғонда аларни қўюб кетиб эрди. Ва Анушахоннинг айёмида *амир* саййид Муҳаммад *иноқ*нинг сайъи била фақирнинг аждодидин Чин *бий* отаси Одина Муҳаммад *мироб* ибн Давлат *бий*нинг мансабиға етушти. Ва хон айёми куҳулат[1122]да ўғли Худойдодхон била Саййид Муҳаммад *иноқ*ни мулкда *нойиб* қўюб, минг отлиқ гўзида[1123] йигит била ҳарамайн борди ва маносики ҳажни шароит ва аркон ва аҳкоми била бажой келтуруб, мурожиат қилди. Хон келиб, маснадида қарор тутғондин сўнг *амир* Саййид Муҳаммад *иноқ* фавт бўлуб, иниси Бекижон *иноқ* анинг мансабиға ўлтурди. Ва хон бир неча муддатдин сўнг оламға видо қилди. **Қитъа:**

Агар музаккар эсанг қилма майл дунёга,
Ки ул ҳақиқат ародур муаннас адно.
Ҳамиша одатидурким бировга жуфт ўлса,
Яна фироқида айлар асири доми аъно.

Худойдодхон ота васияти била маснади иёлатға ўлтуруб, мулк интизомиға машғул бўлди. Анинг замонида Бекижон *иноқ* ўлуб, Худойқули *иноқ* мансабиға ўлтурди. Ва Худойдодхон зиёда сиёсатлиғ ва адолатлиғ подшоҳ эрди. Аммо, мулки умридек ва умри мулкидек бевафолиғ қилди. Иниси Арангхон ани шаҳид қилди. Муддати умри ўн етти ва салтанати икки йил эрди.

1121 Алйавм – шу кунда.
1122 Куҳулат – қарилик.
1123 Гўзида – танланган, сайланма, сара.

Арангхон оқоси вафотидин сўнг Худойқули *иноқ*нинг сайъи била салтанатға ўлтурди. Ва ул бағоят зебоманзар ва сабиҳ ал-важҳ[1124] эрди. **Маснавий:**

Эди Юсуф тахт, миср жамол,
Бўлуб барча оллида ҳайрону лол.
Юзидин топиб меҳр шармандалик,
Ўпуб даргаҳ, айлар эди бандалик.
Хиромон қаддидин бўлуб мунфаил,
Қолур эрди сарви равон по ба гил[1125].
Такаллум табассум қилур ҳолати,
Лабидин оқар эрди жон шарбати.
Агар отланиб чиқса майдон аро,
Солур эрди юз шуур даврон аро.
Ва гар тири мужгонига берса шаст,
Берур эрди жонлари сафига шикаст.

Кўп шўхтабъ ва ишрат дўст эрди. Ҳазрат мавлоно Вафоким, ажубаи айём ва шоири ширин калом эрди, анга тааллуқи хотир пайдо қилиб, мулозаматида бўлур эрди. Машҳурдурким, анинг била хон орасида кўп ҳикояти ажиба ва мутоибот ғариба воқе бўлубдур. Ул жумладиндурким, **ҳикоят:** Мавлоно Вафо дунёға майл қилмас эрди ва ҳужрасида бир парча намад ва ё бир бурёдин ўзга бисот қўймас эрди. Ва мадрасаи Арабхонда мутамаккин эрди. Хон бир кеча бир *маҳрам* била илтифот қилиб, анинг сари вақтиға етти ва ҳужра эшигида мутаваққиф бўлуб, хитоб қилдиким «муллом, ненгиз бор?» Мулло чун бу воқеаға муттале бўлди, беихтиёр туруб, таъзим расмини қиёмиға еткурди ва бадеҳа замзамасиға тараннум сурдиким. **Байт:**

Немиз бору немиз бор, бир намад бурёмиз бор,
Сенингдек подшоҳларга дуои берие[1126]*миз бор.*

Хон кўп инбисот[1127] ва ғояти нишот била ичкари кириб ўлтурди. **Байт:**

На давлатдур гадосин сўргали шоҳ,
Нузул этмак келиб маъвоси ичра.

Ва муддати мадид анинг қоронғу ҳужрасин шами жамоли била чароғон ва бузуғ кўнглин меъмори илтифоти била ободон қилиб ва бир овуч зар бериб, ўрдуға қайтти. Мавлоно дағи ул зарни мадраса суккониға улаштуруб, хон ҳаққида дуои давлат олди. **Яна улким,** бир кун хон ғояти шўхлиқдин, йўқ-йўқ, балким камоли муҳаббатдин мавлононинг бўғзиға ханжарин еткуруб, дедиким: «Бир ғазали бадеҳа айт, йўқса нақши вужудингни бу ханжар суви била замон авроқидин маҳв қилурман». Мавлоно филбадеҳа бир ғазални итмомға еткурдиким, анинг матлаъ ва мақтаи булардур. **Матлаъ:**

Дилеки ханжар оҳи била ду ним бўлур,
Ду шоха дастагул гулшани наим бўлур.

Мақтаъ:

Қазоқ *теги била ҳар замон агар минг бўлур,*
Жаҳаннам ўлса Вафойи ки гами ятим бўлур.

[1124] Сабиҳ ал-важҳ – чиройли юзли, ҳусндор.
[1125] По ба гил – оёғи лойда.
[1126] Бериё – чин, ҳақиқий.
[1127] Инбисот – хурсандлик.

Ва хон Хивақ аркида кўрунушхона иморат қилди. Мавлоно Вафо ул иморатнинг банно ва наққоши эрди.. Кўп дилкаш ва бағоят мунаққаш бино бўлди. Амири кабир Аваз *бий иноқ* марҳумий замонида Хоса *қўшбеги* ани йиқдурди. Бурҳон ас-соликин ва султон ал-орифин, ашраф ас-содот, мутаолий даражот ҳазрат эшон саййид Муҳаммадпаноҳ хўжа *алайҳирраҳма*нинг ўғли саййид Асомиддин хўжадин эшитибманким, Одина Муҳаммад *бий* ибн Саййид *иноқ*ким, *Орол ўзбаки*га *ҳоким*и билистиқлол[1128] эрди, хондин бир важҳ била озурда хотир бўлуб, Хивақ тавобеотин кўп чопти. Бу жиҳатдин хон ани келтуруб, ўзига *отолиқ* қилди ва иноёти бениҳоя ва инъомоти билоғоя била хотирин сайд[1129] этти. Ва анинг замонида *қиёт* дудмонидин Муҳаммад Ризобек Оқ масжиднинг муқобиласида эшикин қиблаға қаратиб бир мадраса бино қилдурди. Анинг таърихида дебдурларким, **таърих:**

Ба даврони саййид шаҳ Арангхон,
Дар тожи Чингиз нилий хаям.
Бино ёфт ин пурзиё мадраса,
Ба сайъи жавоне зи аҳли карам.
Худ ибн отолиқ *Хўжамберди* бий,
Қиёт *дудмон, муалло ҳашам.*
Паййи соли таърихи номи хушаш,
«Муҳаммад Ризобек»[1130] *гўяд қалам.*
Ва лекин ба назди хирад дар шумор,
«Зи хоки раҳаш фарқи кайвон аст кам»[1131].

Арангхон Оқсаройдаким, Хивақға бир фарсахлик ердур, қалъа ва иморот барпо қилиб, аксар авқот аркони давлат ва аъёни ҳазрати била анда нишот бисотин ёйиб, базм ишратға машғул эрди. Ривоятдурким, хон бебок машраб йигит эрди ва Оқсаройдин ҳар кеча иъшо намозидин сўнг икки *маҳрам* била бодпои[1132] сарсар хиромға миниб, Хивақға келиб, гулчеҳра қизлар била муошират ва мубошират қилиб, ҳануз субҳ бўлмасдин бурун Оқсаройға борур эрди. **Байт:**

Чу ҳар кеча санами шабравим ки сайр қилиб,
На боргонин киши англаб, на келганин билиб.

Бу расм била бир кеча отланиб келур эрди. Бадрҳон ариғининг кўпрукига келганда, от сурунуб, хон отдин жудо бўлуб, боши ёрилиб, охират азми тутти. Маҳрамларнинг бириси анинг қошида туруб, бириси онаси Тўқтахонимғаким, Дорғон *туркман*идин эрди, бориб хабар берди. Ул шерзан[1133] изтирор қилмай, тўрт от олиб, ўғлининг устиға келди ва ани ёшурун дафн қилиб, Дорғон йўлиға тушти ва оз фурсатда манзил-мақсадға етиб, отасининг уйиға нузул қилди. Ва анинг оқосининг бир ўғли бор эрди. Арангхон била ҳамсинн[1134] ва ҳамқад, шаклу шамойили хонға мушбиҳ. Кичикликдин хон била бир ерда ўлғайиб эрди. **Назм:**

Анингдек мушобиҳ тушуб ул иков,
Ки аҳволга икки кўрунгай биров.
Алар бўлса бир ерда гар жилвагар,
На имкон ки фарқ этгай аҳли назар.

1128 Билистиқлол – мустақил, бож тўламайдиган.
1129 Сайд – ов.
1130 Таърих моддаси 1134/1721-22 санани беради.
1131 Иккинчи моддада «кайвон» сўзининг фарқи, яъни «коф» ададини камайтириш лозим. Шунда сана яна 1134 бўлади.
1132 Бодпой – ел оёқли, яъни от. Сарсар – ел, шамол.
1133 Шерзан – шерюрак аёл.
1134 Ҳамсинн – тенгдош.

Ани Арангхон деб, минг отлиғ *туркман* била Хивақға юруш қилди. Арангхоннинг умаросиким, хоннинг на воқеа бўлғонин ва қайда борғонин билмай, мутаҳаййир эрдилар, ул аснода Арангхон бобосин кўргали Дорғон борғон эркан, инак минг отлиғ қариндош *туркман* била келди, деб хабар етти эрса, барча истиқбол қилиб, келтуруб ўрдуға тушурдилар. Бир ойдин сўнг фақирнинг аждодидин Жиянбий *юз*ким, Арангхоннинг илтифоти ва Одина Муҳаммад *отолиқ* ва Худойқул *иноқ*нинг сайъи била ўз ақронидин мумтоз ва ўзга умародин сарафроз бўлуб эрди, ани Исфаҳонда Султон Ҳусайн шоҳға элчи қилиб йиборди. Бу воқеадин икки ой сўнг Одина Муҳаммад *отолиқ*ким, мамлакатнинг рукни аъзами эрди, шикорға чиқти. Чун ул *туркман*зода шаҳарни ул ҳазратнинг вужудидин холи топти, Назар *иноқ найман* бошлиқ умарои изомдин етти кишини тутдуруб, баъзини *така*ға ва баъзини Бухороға ва баъзини Оролға йиборди. Ва Хоразм мамоликин *Туркман*ия олди. Ва ўзбакни хор тутти. Оз фурсатдин сўнг зулм ва бедодий андоқ истило топтиким, фуқаро бузулурға етушти. Бу ҳодиса вуқуин Одина Муҳаммад *отолиқ* шикорда эшитиб, Оролға юз қўйдиким, ул ноҳиятдин сипоҳ олиб, *туркман*ни орадин кўтаргай. Чун Тук қалъасиға етушти, эшиттиким, анинг қасди учун йўлға беш юз отлиғ *туркман* тушуб, киши ўткармайдур. *Отолиқ*нинг қошида қирқ миришикор[1135]дин ўзга киши йўқ эрди. Бу жиҳатдин қайтиб, Бухоро бормоқни авло ва ансаб кўруб, муовидат тарафиға инон азиматин маатуф қилди. Хўжакўлиға келганда Жиянбийи мазкур уч юз хонавор *ўзбак* била йўлуқти. Бу воқеа андоқдурким, Жиян *бий мироб* Исфаҳондин келиб, чун Хоразм саводиға дохил бўлди, бу мансуба хабари етушти. Бу сабабдин қум ичи била Ҳазорасб бориб, ёшурун киши йибориб, уйин кўчуруб, Амудин ўтти. Оз чоғда *ўзбак* мазлумлари *туркман* тааддисидин қочиб, анга қўшулдилар ва иттифоқ била Орол йўлиға юз қўюб эрдилар, *отолиқ*и мазкурға йўлуқғондин сўнг Орол бормоқни маслаҳат кўруб, йўлға тушган *туркман*ни зеру забар қилиб, Оролға нузул қилдилар. Ва Ҳожимхон авлодидин Жўжи султонни хон кўтариб, *қўнғрот* ва *манқит* ва *қангли* ва *қипчоқ* ва *хўжаэли* черикин йиғиб, Хивақ устиға юрдилар. Чун фуқароға аларнинг овозаи вусули етти, ҳужум қилиб, хонни ўлдуруб, кўп *туркман*ни қатлға етурдилар. Қолғони қочиб, саҳро ва биёбонларда саргардон бўлуб, юздин бири қутулди. Ва Тўхта хонимни отға судратиб ўлдурдилар. Бу воқеа сана минг юз олти[1136]да эрди. **Қитъа:**

Бале, будур тақозои замонким,
Етар охир ямонларға ямонлиқ.
Жазосин оқибат кўрди фалакдин,
Тилаб ул мардаки ножинс хонлиқ.

Жўжихон одил ва раиятпарвар эрди. Анинг замонида эл осойиш топти. Ва ул уч йил салтанат суруб, оламдин ўтти.

Валихон. Ул дағи Ҳожимхон наслидиндур. Сана минг юз секкиз[1137]да тахтға ўлтуруб эрди. Анинг замонида Худойқули *иноқ* оламдин интиқол қилди. Валихонким, мажнунваш ва нодон киши эрди ва юртға низом бера олмади. Бу жиҳатдин Одина Муҳаммад *отолиқ* ани азл[1138] қилиб, Дашти қипчоқға *қазоқ* ичиға йиборди. Муддати хонлиқи бир ярим йил эрди.

Шоҳниёзхон Жўжихоннинг ўғлидур. Ва баъзи *қароча ўзбак*дин дебдурлар. Аммо, аввалғи ривоят асаҳдур. Таърих ҳижрий минг юз ўн[1139]да подшоҳлиқ мартабасиға етти. Бағоят шужо ва мутаҳаввир эрди. Ва *қизилбош* қасдиға отланиб, кўп ғаноим қўлға тушуруб қайтти. Ва *туркман* саркашлари қадами тазарру била келиб, хирож қабул қилдилар. Ва Шоҳниёзхон ўз асрида Бухоро била ярашиб, раоё фориғбол бўлди. Бир неча йилдин сўнг ҳақ раҳматиға борди. Анинг муддати салтанати маълум эрмас.

Шоҳбахтхон ибн Шоҳниёзхон отасининг ўрниға ўлтириб, бир йилдин сўнг узлат гузинлик ихтиёр қилди.

[1135] Мири шикор (миришкор) – ов-шикор мутасаддиси.
[1136] Ҳижрий 1106/1694-95 йил.
[1137] Ҳижрий 1108/1696-97 йил.
[1138] Азл – тушириш, бўшатиш.
[1139] Ҳижрий 1110/1698-99 йил.

Саййид Алихон. Ул дағи бу жамоадиндур. Сана минг юз ўн бешда ё ўн олти[1140]да подшоҳлиқға етти. Бир неча айёмдин сўнг маъзул бўлди.

Мусохон Шоҳниёзхоннинг инисидур. Чун салтанат тожи била сарафроз бўлди, бор[1141]ини бериб, фуқаро ва раоёға навозиш ва истимолат ваъдаси қилди. Ўз отига алоҳида танга қоқтурди. Анинг чоғида Марвдин Астрободғача тоғ этагидаги қулло ва билод аҳли жузя[1142] ва хирож берур эрди. Азамат ва шавкати ўзга хонлардин ўтти. Бир неча муддатдин сўнг ани Хивақ умароси ўлдурмакка муттафиқ бўлди. Бу жиҳатдин қочиб, Марвга борди. Аваз *меҳтар* Марвда ўлдуруб, бошин Хивақға келтурди.

Ёдгорхон. Ул дағи Ҳожимхон наслидиндур. Бағоят одил ва оқил подшоҳ эрди. Анинг авоили салтанатида Одина Муҳаммад *отолиқ* олами фонийдин жаҳони боқийға риҳлат қилди. **Назм:**

Дариго ки даврони нопойдор,
Яна қилди расми жафо ошкор.
Рубоби нишот ўлди бе зеру бам,
Баланд ўлди овои қонуни гам.
Жаҳон кулбаси бўлди мотамсаро,
Улус қолди андуҳи мотам аро.
Фалак нагма аҳлин қилиб навҳагар,
Палос ўлди эл эгнида жомаи зар.

Ва Ёдгорхон вилоятни баъзи мўътамид кишилариға топшуруб, гуруҳи анбуҳ била харамайин борди ва маносики ҳажни баржой келтуруб, равзаи мутабаррикаи рисолатпаноҳ *саллаллоҳу алайҳи васаллам* зиёратиға мушарраф бўлуб, мурожиат қилди. Ва Шом навоҳисида *аъроб*дин кўп жамоа йиғналиб, аларға муқобила бўлуб, муқотила қилдилар. Охир ҳазимат топиб қочтилар ва алар изидин бориб, қабилаларин торож қилиб, камоли суръат била юрдилар. Йўлда Бағдод *ҳокими* шоҳона зиёфатлар қилиб узотти. Астробод устидин ўтуб, қуббат ал-ислом Хоразмни қадами шарифи била ғайрати беҳишт қилди. Хон ҳаж борғонида Орол ўзбаки саркашлик қилиб, *қароқалпоқ тўра*ларидин Эшим султонни келтуруб, баиат қилиб эрдилар. Ёдгорхон анинг қасдиға икки қатла отланди ва уч мартаба лашкар йиборди. Ҳар қайсида қаттиғ уруш бўлди. Ва хон бу зақоедин сўнг таърих ҳижрий минг юз йигирма бешда йилнинг охири[1143]да интиқол қилди. **Шеър:**

Жаҳондин вафодорлиг истама
Фалак золидин ёрлиг истама.
Ки қилгоч алар инқилоб ошкор
Не боқий қолур халқу не ёдгор.

Шерғозихон. Ул Султонғози султоннинг авлодидиндур. Муваллид ва маншааси Бухоройи шарифдур. Авоили ҳолида мадрасанишин бўлуб, илм талабида кўп саълар кўргузди ва фазоил ва камолот ҳосил қилди. Сана минг юз йигирма олти[1144]да Ҳамал мунтасиф[1145]ида Бухородин келтуруб, Хивақ дор ас-салтанасида тахтда ўлтурғуздилар. Афзал ал-уламо ва зубдат ал-фузало мавлонои аъзам ва донои мукаррам саййид Муҳаммад *охунд* бу бобда айтибдурким, **таърих:**

Чу бинишаст он шаҳи хуршед фарҳанг
Ба маснад чун ба рўйи шоҳидон ранг.
Бижустам соли таърихи жулусаш
Хирад фармуд «моҳи чарх аврранг».

[1140] Ҳижрий 1115/1703-04, 1116/1704-05 йил.
[1141] Бор бермоқ – саройга киритиш, кўриниш бериш.
[1142] Жизя – мусулмон бўлмаган аҳолидан ундириладиган солиқ. Бу ерда шиалардан олингани айтилмоқда.
[1143] 1125 йил зу-л-қаъда (ё зу-л-ҳижжа) ойи – 1713 19 ноябр-18 дкабрь (19 декабр 1713-17 январ 1714 йил).
[1144] Ҳижрий 1126/1714-15 йил.
[1145] Мунтасиф – ўрта. Бу ерда Ҳамал ўртаси – 5 апрелга тўғри келади.

Ва ул бу хонадоннинг соҳибқирони эрди. Анинг овозаи жулусидин Эшимхон ва *қарақалпоқ* хайли таваҳҳум қилиб, Оролни ташлаб қочти.

Чун қалам бу ерга етушти, Хоразм диёрида фитна ва фасод ҳодис булуб, султони мағфиратнишон Элтузар Муҳаммад Баҳодирхон *тагаммадуллоҳу биғуфроник*анинг воқеаи ҳоиласи вуқу топти. Ул жиҳатдин бу китоб таълификим, ул ҳазрати мағфурийнинг фармонига мутааллиқ эрди, муддати мадид таахир[1146] топти. Балки, матрук[1147] бўлди. Чун ҳазрати аълохоқони гардунтавон, афзали салотини олам, аадли хавоқини муаззам, муизз ад-давлат ва-с-салтанат ва-д-дин Абу-л-музаффар ва-л-мансур Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон *ақваллоҳу давлатаҳу билиқболи ва ҳаффаза салтанатаҳу ани-л-ихтилол* салтанат саририга жулус қилди, авотифи бекарона ва мароҳими хусравона била фақирул ҳақир Шермуҳаммад ал-мулаққаб би-л-Мунисга ҳазизи мазиллатдин авжи иззатга тараққий бағишлаб, фармони вожиб ал-изон[1148] содир бўлдиким, бу китоб таълифин итмомига еткур ва бизнинг воқеотимизни дағи таҳрир силкига киюр. Баноаналайҳ, яна таълиф ишига шуру қилдим. Вафақаллоҳ би итмомиҳи[1149].

Эшимхон Оролдин чиққандин сўнг *манқит* Муҳаммад Боқи *бий* ибн Муҳаммад Ҳофиз *бий* бошлиқ жамии *Орол ўзбаки*нинг санодид ва маорифи рибқаи итоат бўюнларига солиб келиб, утбабўслиққа мушарраф бўлдилар. Ва Муҳаммад Боқи *бий* кичик ўғли Шердолини хон мулозиматида қўйди ва Оролға борғондин сўнг вафот топиб, иниси Аваз Боқи *бий* Орол ҳукуматига номзад бўлди. Ҳамул йил[1150] Марви Шоҳижаҳондин Асторобод ва Болқонғача тоғ этагида ва Атрак ва Гургон канорида ўлтурғон *қизилбош* ва *тарокима* хирож тансуқоти била келиб, эллик изҳор қилиб, навозиши хусравонаға махсус бўлдилар. Ва Офтоб Жаддий буржиға таҳвил қилған[1151]да лашкари қиёматасар била *қароқалпоқ* истисолиға юруш қилди. *Қароқалпоқ* тоби муқовимат келтира олмайин, молу мавоши ва уйларин ташлаб қочиб, тенгиз устидинким, ғояти бурудатдин сув ях боғлаб эрди, **назм:**

Исордин бурудат била замҳарир,
Бўлуб эрди сув муздин оҳанназир.
Тенгизлар бўлуб тоғдек санг баст,
Қаттиғлиқда фўлод ўлуб забардаст.

Янгисув ва Сир дарёси тарафиға қочти. Ва Шерғозихон мавкаби кайҳонпуй била тенгиз канорида тавaққуф қилиб, *найман амир* Аваз *иноқ* валади Назар ҳожи *иноқ*ни беш минг сипоҳи жаррор била муондлар кейнидин йиборди. Ва амири мушорилайҳ жаҳди тамом била илғаб, аъдои давлат[1152]ни муз устида топиб, атфол ва аёлдин ўзгасин қатлға еткуруб, қонларидин тенгиз юзин шафақгун қилди ва қолғанларни қайди асоратға тортиб, хон мулозиматиға еткурди. Ва хон амири мазкур ва баҳодирларни инъомоти вофир била сарафроз этиб, дор ас-салтана Хиваққа мурожиат қилди. Ва бу хабар иқтори оламға интишор топиб, атроф мамоликдин саркашлар қадами эътизор била инқиёд тариқидин даргоҳи олмпаноҳға мутаважжиҳ бўлдилар. Ул жумладин *Қазоқ*ия тавоифидин Фўлод *тўра*[1153] ва Қабон *бий* ва Бароқ *бий* ва Манқишлоқ ва Адақ *тарокима*сидин Холназар баҳодир ва Омондурди бек подшоҳлиққа лойиқ пешкашлар била остонбўслиққа келдилар. Ва сана минг юз йигирма етти[1154]да Бичан йили Машҳаддаким, рофизии беимон Рустам Алихон *шомлу* мусулмонларға изо еткурур эрди, анинг қасдиға «оллоҳ йўлида жиҳод қилинг[1155]» муқтазоси била сипоҳ чекти ва Тажан рудхонасининг канорида жарга эгириб, шикорандозлиқ қилди. Ва *туркман* қабоилидин черик олиб, Машҳадни икки кун муҳосира қилиб, фатҳ этти. Ва

[1146] Таахир – кечикиш.
[1147] Матрук – тарк этилиш.
[1148] Вожиб ал-изон – бажарилиши шарт.
[1149] Оллоҳ уни тамомлашни насиб этсин.
[1150] Ҳижрий 1126/1714-15 йил.
[1151] 21 февралда.
[1152] Аъдои давлат – давлат душмани.
[1153] Тўра – мазкур асарда хонзодалар, хон авлодига тегишли кишиларга берилган унвон.
[1154] Ҳижрий 1127/1715-16 йил.
[1155] Қуръони карим, 9 : 19.

ғозилар ғаноими бисёр ва исор бешумор олдиким, нақл қилмоқдин ожиз келдилар. Рустам Алихон юз машаққат била қочиб қутулди. Ва итоат этган куфра жузя қабул этиб, асирликдин омон қолдилар. Машҳадни ичидаги мусулмонлардин Шарифхонға тафвиз қилиб, Нишобур турктози учун қадами иродатин азимат рикобиға қўйди. Баъзи дерларким, Нишобур юруши Машҳад турктозидин сўнг Товуқ йили вуқу топмишдур. Аммо, фақир бир нусхада курубманким, Бичан йили Машҳад ғазотидин сўнг бевосита Нишобур жиҳодиға отланди. Ҳар тақдир била бурун чаповул йибориб, изидин оғир черик била келиб, Нишобур қалъасининг тақобилида ясов ясаб тушти ва атрофға ғозиларни гуруҳ-гуруҳ айириб, чаповулға йиборди. Ва сипоҳи нусратпаноҳ қўлиға ғаноими мавфур тушти. Ва Нишобур *ҳокими* Ҳасанхоннинг улуғ ўғли Жаъфар Алихонким, шижоатда ангуштнамо эрди, ғозиларнинг қўлида қатлға етти. Шерғозихон тўрт кун муҳосира этиб, муовидат қилди. Ва Нодиршоҳким, ул учурда ҳануз подшоҳлиқ саририға жулус қилмайдур эрди ва Нишобур ҳаволи[1156] сида ақвоми била сокин эрди, лашкари ислом мурожиатидин хабар топиб, мутаоқиб келиб, черик ақаб[1157] идин етушуб, уруш солди ва *манқит* Эсан Муҳаммад ўдайчини шаҳид этти. Ва Эшмуҳаммад *бий* ибн Одина Муҳаммад *отолиқ*ким, ул айёмда *иноқ*лиқ мансаби анинг вужуди зилжуди била музайян эрди, Шердоли била жалодат теғин жилва[1158] ға киргузуб, шиадин кўп кофирни ўлдуруб, *қизилбош*ға шикаст берди. Ва Шердоли захмдор бўлди. Хон бу жиҳатдин анинг иртиқои маротиб ва издиёди вазоифиға кушиш қилди. Ва нусрату давлат била Хиваққа нузул қилди.

Товуқ йили ўрус *тўра*ларидин Давлат Гирей ва Андрей губернот ўттуз минг ўрус била Шайх Жалил тоғиким, олтун ва кумуш маъданидур, анинг орзуси, балки, Хоразм фатҳининг таманно[1159] си била Орол ҳудудиға нузул қилди. Хон *қўнғрот* Қулмуҳаммад *отолиқ* ва *найман амир* Аваз *иноқ*ни жунуди номаъдуд била мудофааға номзад этти. Алар Давлат Гирей била гург оштий[1160] қилиб, зиёфат баҳонаси била аъдои миллати байзони меҳмонхонаи асфал ас-софилинға еткурдилар. **Маснавий:**

Агар ишингга файсал берса тадбир
На ҳожат тортмоқ ул ишда шамшир.
Басе мулк очти Искандар ҳийал[1161] дин
Ки очилмас эди разму жадалдин.
Бале, тадбир эрур давлат нишони
Қўлидин бермас аҳли давлат они.

Сана минг юз йигирма секкиз[1162] да Ит йили Чинорон ҳудудиға Бардор йўли била сипоҳ тортти ва сувсизлиғ жиҳатидин мутаваҳҳим бўлуб, бе гавҳари мақсуд мурожиат қилди. Бу йўлда аксари лашкар талаф бўлди. Ва хон Нишобурдин қайтғондин сўнг Рустам Алихон яна Машҳадни олиб, Шарифхонни дастгир қилиб, кўси истиқлол урар эрди. Бу жиҳатдин Шерғозихон тўнгуз йили лашкар тартиб бериб, Машҳад устиға юруш қилди ва чаповул сели била аксар иморотни хароб этиб, ғаноими бисёр ва исори бешумор била ёнди. Фақирнинг кичиклигида улуғ жаддим Эшим *бий*дин қолғон машҳадлик бир фартут дадак[1163] бор эрди. Ул дер эрдиким «Машҳадни Шерғозихон чопғонда эр ва хотун беш мингдин ортуқ барда[1164] ҳисобға кирди. Ман ул жумладин эрдим».

Сичқон йили Шердоли ғаразгўйлар сиояти била хондин мутаваҳҳим бўлуб, Орол борди ва ёғийгарлик оғоз қилиб, сўнгғи йили Мусохоннинг ўғли Шоҳ Темурни Бухородин келтуруб, кулли-оми Орол

[1156] Ҳаволи – ён-атроф.

[1157] Ақаб – орқа, кейин.

[1158] Жилва – ҳаракат. Жилвага киритмоқ, жилвагар қилмоқ ибораси аслида ҳаракатга келмоқ маъноларини бериб, тилимиздаги ҳозирги «жилва қилмоқ»қа тўғри келмайди.

[1159] Таманно – истак.

[1160] Гург оштий – бўри яраш.

[1161] Ҳийал – ҳийлалар, макрлар.

[1162] Ҳижрий 1128/1715-16 йил.

[1163] Фартут дадак – жуда қартайган қул.

[1164] Барда – қул.

ўзбакининг иттифоқи била хон кўтариб, Беш қалъа[1165] қасдиға беш мартаба сипоҳ тортиб, ҳазимат топти. Аксар лашкари *явмут* халқи илгида ва Амуя гирдобида талаф бўлди. Ул жумладиндурким, сўнгғи келганида *қўнғрот* Қулмуҳаммад *отолиқ*ким, Одина Муҳаммад *отолиқ*нинг аммзодаси ҳам қойиммақомидур, мудофааға оғир қўшун била чиқиб, Вазир тавобеидин Қаротол мавзеида талофи фитнайн вуқу топиб, уруш тушти. Ул урушда *отолиқ*и мазкур шаҳодат топиб, *явмут* Қаро *отолиқ* дастгири балову асири меҳан бўлуб, Хивақ черики пароканда бўлди. Бу воқеа зуҳуридин Шоҳ Темурхон ва Шердоли *бий*нинг офтоби иқболи иртифо топиб, Вазир ва Гурлон ва Шоҳобод ва Боғлон ва Уйғур ва Урганж ва Хонқоҳ ва Ҳазорасбни ма ал-музофот[1166] мусаххар қилиб, Ҳазорасбда Шоҳ Темурхон салтанат тахтида ўлтуруб, Шердоли *бий* жунуди номаъдуд била Бешариқ билодин қайд инқиёдиға чекиб, Шат[1167] ҳаволисин лашкаргоҳ қилди. Ва Хивақ умароси дағи хондан рўгардон бўлуб, Орол сипоҳиға қўшулуб, хон мулозиматида *амир* Эшмуҳаммад *бий* ва фақирнинг улуғ жадди *амир* Эшим *бий* ва соҳиби аъзам, дастури мукаррам Ёрим *девон*[1168] ва Дўсим *арбоб*дин ўзга киши қолмади. Бир кеча хонға хавф истило топиб, умарои мушориалайҳумни хилватға чоқириб, дедиким «аъдои давлат муаззамоти мамлакатни олиб, Хивақ ва Кот ва Қаҳрамондин ўзга вилоят қолмади ва сизлардин бошқа умаро дағи мундоқ бевафолиғ қилдилар. Эмди бу юртда иқомат қилмоқ ақлдин йироқ кўрунур. На кенгаш берурсиз?» Чун хондин бу нуктаи ваҳшатомезни эшиттилар, Эшмуҳаммад *бий* каломи фараҳафзодин мундоғ гуҳарфишонлиғ қилдиким «ҳазрат хоннинг хотири отирлариға дағдаға етмасунким, бизлардин бевафолиғ зоҳир бўлғай. То жонимиз бордур, ҳазрат мулозиматида жонбозлиғ қилурмиз ва умарои осий дағи пушаймон бўлуб, яна даргоҳи олийға хижолат била юз қўюб, ҳазрат фотиҳ ал-абвоб нусрати била аъдои давлат бартараф бўлғай». Ва хоннинг хизматидин чиқиб, қалъадорлиқ умуриға иштиғол кўргуздилар. Оз фурсатда умарои осий қилғанларидин пушаймон бўлуб, инкисор[1169] и тамом била қочиб келдилар. Ва Эшмуҳаммад *бий*нинг шафоати била хон аларнинг жароимидин ўтуб, бурунғи маносиб ва маротибин марҳамат этти. Ва Орол *қўнғрот*ининг икки *ҳоким*и бор эрди – Одам *бий* ва Бекмурод отлиғ. Шоҳ Темурхон давлатининг рукни аъзами эрдилар. *Амири* кабир Эшмуҳаммад *бий* аларға битиб йибордиким, қариндошмиз, агар Орол черикин бузса, қариндошлиғ камолға етгусидур. Алар мазмунни англағоч, *қўнғрот* сипоҳи била бузуб чиқиб, Хивақға хоннинг илайига келди. Шердоли *бий* Орол хайли била бузулуб, Амуядин ўтуб, Оқёқишдағи *қароқалпоқ* ичига борди. Шоҳ Темурхон Ҳазорасбда тура олмайин, *қароқалпоқ* Буқон *бий* била Жайҳундин убур этиб, Шердолининг ёниға борди. Ва жамии Беш қалъа мустахлис бўлди, магар Шоҳобод халқиким, моддаи фитна эрдилар. Эшмуҳаммад *бий* хоннинг фармони била ул балда устиға устиға черик тортиб, бир ой муҳосира қилиб, оқибат сувға ғарқ этиб олди. Ва *манқит* Муҳаммади бек бошлиқ Шоҳобод саркашларин қатлға еткурди. Анинг замонида сана минг юз ўттуз уч[1170]да Топушқон йили Шердоли *бий* ва Шоҳ Темурхон сулҳ баҳонаси била санодид[1171] и *қўнғрот*дин Ўтамиш *отолиқ* бошлиқ йигирма беш кишини иликлаб, шарбати шаҳодатдин саршор қилди. Сўнгғи йиликим, Лу йили эрди, Қўнғротни мусаххар этиб, улуғ қатли ом қилдиким, зуафо ва атфолдин ўзга киши қолмади. Ва андоқ торож эттиким, мотамзада бевалар қуввати учун бир тиши қолмади. Қочиб қутулғонларға хон Эшмуҳаммад *бий*нинг сайъи била Янгиариқни марҳамат этиб, мувоиди хусравона била дилжулиқ кўргузди. Бу воқеадин сўнг *ўн тўрт уруғ* қабоиликим, аларни «*ушоқ уруғ*» ҳам дерлар, *манқит*ға ёв бўлдилар. Эшмуҳаммад *бий* алар имдоди учун Ғойиб *парвоначи*ни Беш қалъа черики била йиборди. *Парвоначи* етушмасдин бурун Шердоли *бий қароқалпоқ волий*си Эрназар *бий*ни йиғини била келтуруб, *ушоқ уруғ* қасдиға ҳаракат қилди ва Турғоқ *тома* ва *Қулон* қуллоин олиб, тору мор қилди. Охир *ушоқ уруғ* Оқ қалъаға жам бўлуб, урушға мустаид бўлдилар. Ғойиб *парвоначи* дағи Оқ қалъаға келиб, олти ой ётиб, Шердоли била йигирма мартаба муҳориба қилди. Йилон йили баҳор эрди, *ушоқ уруқ*ни кўчуруб қайтти. Андин сўнг *Манқит*да қаҳат пайдо бўлдиким. **Маснавий:**

[1165] Хоразмдаги асосий беш қалъа, туман – Ҳазорасп, Хонқа, Янги Урганч, Хивақ, Гурлан.

[1166] Ма ал-музофот – музофотлари билан бирга.

[1167] Шат – бу ерда: жой номи; дарё, анҳорни ҳам билдиради.

[1168] Девон – хон девонидаги амалдор. Хирож, солиқлар ва бошқа давлат мажбуриятларни назорат қилган.

[1169] Инкисор – тушкунлик, ер-тубанлик.

[1170] Ҳижрий 1133/1720-21 йил.

[1171] Санодид – бошлиқ, жасур, таниқли, машҳур.

Чобоқ қилчиқи жондин ортуқ бўлуб,
Тўнгуз қони имондин ортуқ бўлуб.
Бахсдин бориб анда мурдорлиг,
Бўлуб балки фош одамийхўрлиг.

Шерғозихон ва Эшмуҳаммад *бий* бу воқеани эшитиб, саййид Болту хўжа *нақиб*ни ўн икки минг сипоҳ била Оролға йиборди. *Нақиби* мазкур борғондин сўнгги куни Шердоли *бий* била муқотила қилиб, баддиллик, яъни жубн[1172] и ғаризий[1173] си мутаҳаррик бўлуб, ўз-ўзидин бесабаб зоҳири хавотир тортиб, *манқит* Тангриқули *иноқ* билаким, анинг ҳам фавт воҳимаси ғолиб эрди, уруш қойим бўлғонда, лашкарни бузуб қочти. Аксари мутажанда бу воқеаи ҳоилада талаф бўлди. Бу можаро Хоразм диёрида азҳари ман аш-шамс[1174] дур, андоқким, эл орасида масал бўлубдур. Ва Шерғозихон Қўй йили офтоб Жаддий буржида эрди, қуллари шаҳид қилди. Таърихи вафоти «дод аз ғуломон»дур[1175]. Бағоят одил ва фозил подшоҳ эрди. Илм ва шеър анинг замонида ривож топти. Андоқким, мавлоно саййид Муҳаммад *охунд* анинг маноқибида бир қасида айтибдур. Бу абёти салоса ул қасидадиндур, **абёт:**

Шаҳе ки илм ба давраш буд ривожпазир,
Чи мантиқу чи ҳакам васфи ў кунад тақрир.
Зи файз бахши абри баҳори марҳаматаш,
Шуда аст боги сухан он чунон тароватгир.
Ки даст рў ба рухи накҳати биҳишт занад,
Гули маонии рангин ба гулистони замир.

Ҳар ҳафтада икки мартаба Кўрунуш берур эрди. Ва Хуросоннинг аксар билодидин жузя олур эрди. Ва Манқитдин ўзга ташвиши йўқ эрди. Ва Шейхариғининг шарқида Боғи мурод ва Хивақ ичида ҳазрат қутб ал-олам ва ғавс ал-аъзам Паҳлавон Маҳмуд ибн Пирёр вали *қуддиса сирруҳумо* равзаи мутабаррикаларининг жанубидағи мадраса анинг осоридиндурким, бағоят олий иморатдур. Таърихин «маскани фозилон» топибдурлар. Айёми салтанати ўн уч йилдур. Анинг замонида фузалодин мавлоно саййид Муҳаммад *охунд*дурким, анинг аждоди ва ансоби ва аҳволоти ва футуҳотида «Гулшани иқбол» отлиғ бир тарих битибдур, мусажжиот ва тарсиот ва истиорот ва мажозот ва саное ва бадое била орастадур. Аммо, ҳануз мутаъадид ёзилмайдур эрди, Бухоро фузалосининг қўлиға тушуб, ҳасаддин ҳар достонидин жузв-жузв, варақ-варақ мақтуъ этиб, зоеъ қилибдурлар. «Аллоҳумма иқтаъ зурриёт лима қатъа ҳаза[1176]». Ва мавлоно Яҳёким, ул дағи нодираи асрдур, «Маснад» тахаллус қилиб эрди, ул ҳам анинг отиға бир маснавий битибдурким, бағоят покиза иборот ва хуш мазмундур.

Андин сўнг *қазоқ* подшоҳи Абулхайрхоннинг иниларидин Сориғ Айғир деганни келтуруб, хон кўтардилар. Ул кун жума эрди, намози жумаға борурда оти шўхлиқ қилиб, андин йиқилиб ўлди. **Назм:**

Агар Шергози шаҳи мулкгир
Мамолик уза бўлди соҳиби сарир.
Чу етти ажал, тутти роҳи фано
Сориг Айгир анинг изидин яно.

Баҳодирхон. Ул дағи Абулхайрхони мазкурнинг иниларидиндур. Сориғ Айғирдин сўнг Эшмуҳаммад *бий* ани келтуруб, хонлиқ тахтида ўлтурғузди ва ул олти ойдин сўнг бир кеча Оқшайх иморатининг кейнидин тушуб қочти. Ва салтанат амри хатиридин қутулди.

[1172] Жубн – қўрқоқлик.
[1173] Ғаризий – туғма.
[1174] Қуёшдек равшан.
[1175] Таърих санаси 1139/1726-27 дир.
[1176] Оллоҳим, фарзандларини улар узгандек уз-кес.

Элбарсхон Шоҳниёзхоннинг ўғлидур. Баъзи ани *қазоқ* султонларидин тутубдурлар. Эшмуҳаммад *бий* ва Жумақули *отолиқ*нинг сайъи била Бичан йили сана минг юз қирқ[1177]да салтанат саририға жулус қилди. Анинг замонида секкиз йил юрт осойиш ва фароғатда эрди. Бу секкиз йилда фақирнинг жадди Эшим *бий* ва вазири соиб тадбир Ёрим *девон* вафот топтилар. Бу ораликда мамлакатнинг ҳаллу ақди *амири кабир* Эшмуҳаммад *бий*нинг ройи оламоройи уқдакушо[1178] ига мафвуз эрди. Ўзга умаронинг мудохилати йўқ эрди. Бу жиҳатдин султон авлодидин Оллоҳназар *иноқ* ва Жиян *парвоначи* Эшмуҳаммад бийдин бир баҳона била ранжида бўлуб, Шерғозихоннинг валади аршади Эрғози султонни келтуруб, Шоҳободға қабалиб, ёғийгарлик оғоз қилди. Бу ҳодиса Лу йили сана минг юз қирқ саккизда сафар ойининг ўн еттиси[1179] да эрди. Эшмуҳаммад *бий* ва умарои зуллиэҳтишом асокири зафармаосир била беш ой Шоҳободни муҳосира қилди. Шоҳ Темур ва Шердоли *бий* бу воқеани эшитиб, қуввати томеа[1180] лари мутаҳаррик бўлуб, Орол черики била ва *қароқалпоқ* сипоҳи била Беш қалъа қасдиға юруш қилди. Эшмуҳаммад *бий* Шоҳобод устидин туруб, Беш қалъа черики била мудофааға чиқиб, Қаротолда кўп муҳориба ва муқотиладин сўнг Жумақули *отолиқ* шаҳид бўлуб, шикаст топиб келиб, Хивақда мутаҳассин бўлдилар. Шоҳ Темурхон Ҳазорасбға кириб, Шердоли *бий* кавкабаи тамом ва дабдабаи молокалом била Хивақ устиға келб, Мевастонни муаскар[1181] и асокири нуҳустмасир қилди. Ва Эшмуҳаммад *бий*нинг тарғиби ва таҳриси била *манқит* Ҳасанмурод бек Ҳазорасбда Шоҳ Темурхонни ўлдурди. Бу хабари ваҳшатасар истимоидин Шердоли *бий* шавкати мутазалзил[1182] бўлуб, тура олмайин, шикаст топиб қочти. Ва *манқит* ва *қароқалпоқ*днн уч минг кишини дастгир қилиб, *қўнғрот* қони учун қатлға еткурди. Мундин сўнг Товушқон йили Элбарсхон Жиян *вакил*[1183] *явмут*ни уч минг нафар *туркман* била Хуросон ҳудудининг чаповулиға йиборди. Алар икки фирқа бўлуб, бир гуруҳи Монаҳ[1184] жулгасиға, бир бўлаги Олодоғ ва Балқон самт[1185] иғаким, *акрод*[1186] и *чашмагўзак*нинг маскани эрди, бориб ҳин[1187] и турктозликда эрдилар, ул навоҳининг ҳуккоми *қизилбош*ия сипоҳи била аларнинг сари вақтиға етиб, муҳорибаи азим воқе бўлди ва икки тарафдин кўп киши қатлға етиб, охириламр *қизилбош*ия шикаст топиб, ғозилар ғаноими бисёр била утббабўсликқға етти. Ул чоғда Нодиршоҳ Шамохани фатҳ қилиб, Ганжа устида эрди. Мундин сўнг Оллоҳназар *иноқ* ярашиб, Эрғози султон қочиб, Ўқбўйирға *туркман* ичига борди. Йилон йили Учўзак канорида Қўйчи қайирида Ҳасанмурод бекнинг сайъи била *очомойли қўнғрот*дин икки йигит Шердолини ўлдурди.

Аммо, маълум бўлсунким, Муҳаммадали ва Бердоли ва Шердоли уч оқо-ини эрдилар. Муҳаммадалидин насл қолмади. Бердоли *бий*нинг авлоди кўп эрди. Аммо, Тубулға *бий* ва Абдулла бекдин ўзгасининг отлари маълум эрмас. Ва Шердолининг уч ўғли бор эрди: Ортуқ *иноқ* ва Саййидали *бий* ва Хўрозбек. Буларнинг аҳволоти эмди келур.

Чун жами Орол ва *Қароқалпоқ* Элбарсхоннинг таҳти фармониға кирди, Ҳасанмурод бекни келтуруб, *иноқ*лик мансабин марҳамат этиб, жами *манқит* жамоасиға соҳиби ихтиёр қилди. Ва сана минг юз эллик[1188] да Йилқи йили шаҳзода Ризоқули Мирзо валади Нодиршоҳ Балхни олиб, рабиъ ас-соний[1189] да Мовароуннаҳрга юруш қилди. Бу жиҳатдин Бухоро *ҳоким*и Абулфайзхон ва Ҳаким *отолиқ* Элбарсхон ва Эшмуҳаммад бийдин истимдод қилди.Алар анга минг киши кўмак йибориб, Элбарсхоннинг ўзи изидин оғир черик била юруш қилди. Хон ҳануз Бухороға етушмай, *қизилбош*ия Қаршида Абулфайзхон

[1177] Ҳижрий 1140/1717-28 йил.
[1178] Уқдакушо – тугунни ечувчи.
[1179] 1148 йил 17 сафар ойи/ 1735 йил 7 июл.
[1180] Қуввати томеа – тамагирлик ҳисси.
[1181] Муаскар – аскаргоҳ.
[1182] Мутазалзил – қимирлаш, сустлашиш.
[1183] Вакил – хоннинг ишончли кишиси. Ҳар бир уруғ ва қабиладан хоннинг вакиллари бўлган.
[1184] Бу ерда афтидан «Меҳна» кўзда тутилган.
[1185] Самт – томон, тараф.
[1186] Акрод – курдлар.
[1187] Ҳин – асно, вақт.
[1188] Ҳижрий 1150/1737-38 йил.
[1189] 1150 йил раби ас-соний/29 июл-26 август.

била ярашиб, мурожиат қилғон хабари етушуб, қайтти. Ул сафарда совуқ иштидод топиб, дарёнинг музи Чоржуйдин юқори ўтди. Ва таърих ҳижрий минг юз эллик бирда Қўй йилининг авохирида зу-л-қаъда [1190]да хон Эшмуҳаммад *бий*ни Хивақда *нойиб* қўюб, ўзи *ўзбак* ва *туркман* черики била Хуросон қасдиға отланиб, ворид[1191] и Тажан бўлди. Ул чоғда Ризоқули Мирзо Ҳиндустондин отасининг мулозиматидин қайтиб, Ҳиротда эрди. Бу хабарни эшитиб, камоли истежол[1192] била мудофааға азм қилиб, Сарахсға етушти. Ул аснода Элбарсхон даги Тажандин беш фарсахлиқ илгари ўтуб эрди. Икки қаровул бир-бириға йўлиқиб, ғозилар аъдо лашкаридин уч *қизилбош*ни тутуб келдилар. Алардин шаҳзоданинг хабарин эшитиб, муқобил бўлмоқни ҳазм[1193] дин йироқ кўруб, Амвод жонибиға инони азиматин маатуф қилиб, Қохлон қалъасинким, Нисо ва Обивард мобайнида воқедур, маҳсур қилиб, яқин эрдиким, фатҳ қилғайлар. Анинг *ҳокими*ким, ул ҳолда Обивардда эрди, бу хабарни эшитиб, хабаргирликка Обиварддин черик олиб келди. Хон ани шаҳзода сипоҳи тасаввур қилиб, муҳосирадин қўл чекиб, атрофни ғорат қилиб, мурожиат қилди. Бичан йили сана минг юз эллик иккида Нодиршоҳ Бухоро фатҳидин сўнг ражабнинг ўн олтиси[1194]да якшанба куни зоҳири Бухородин кўчуб, панжшанба куни мазкур ойнинг йигирма бири[1195]да Чаҳоржўй устидин ўтиб, Хоразм тасхириға оҳанг қилди. Душанба куни шаъбон ойининг ўн учи[1196]да Тевабўйинға ворид бўлди. Муҳаммадали *ушоқ*ким, *ўзбак* ва *туркман* черики била келиб эрди, муқобил бўлуб, шикаст берди. Ва мазкур ойнинг йигирмаси[1197]да Элбарсхон ва Эшмуҳаммад *бий* ва жамии умарои Хоразм жунуди номаъдуд била мудофаа учун Ҳазорасбға бориб, Тузлоқдаким, ани Султон сарой дерлар, бағоят покиза ва мусаффо тузи бўлур ва жаҳонда анингдек тузни кам нишон берурлар, Элбарсхоннинг қаровули *қизилбош* қаровулиға йўлуқуб, беш-ўн бош кесиб келтурдилар. Ва Фитнак ҳудудида муқобил бўлуб, уруш солдилар ва ҳар нечаким жаҳди тамом била куфрани қатлға еткурдилар, яна бир тарафиға хабар етмайин, юрмак авзоиға тафовут бўлмади. Охир мусулмонлар шикаст топиб, Ҳазорасбда тура олмай, Хонқоҳ балдасиға қабалдилар. Нодиршоҳ мутаоқиб келиб, балдаи мазкурани муҳосира қилди. Ва сипоҳи ислом яхши муҳориба қилиб, шикаст топти. Етти кундин сўнг мусулмонлар ожиз бўлуб, сулҳ била қалъадин чиқтилар ва якшанба куни хон умаро била чиқти. Моҳи мазбур[1198] нинг йигирма тўрти[1199]да сешанба куни Нодиршоҳ Элбарсхон ва Эшмуҳаммад *бий* бошлиқ умарои Хоразмдин йигирма кишини шаҳид қилдурди. Рамазон авоили[1200]да Хонқоҳдин кўчуб, Хивақни муҳосира қилиб, саркуб кўтариб, отқулади. Тўфанг ва тўфу занбурак ўқининг зарбасидин аксари иморот хароб бўлди. Уч кундин сўнг Дўстмуҳаммад *арбоб* қалъани шоҳға таслим қилди. Шоҳ яна уч кун таваққуф қилиб, усароиким, шаръи шариф била Хоразм диёрида қайди риққият[1201]да эрди, зукуран ва аносан[1202] барчани олиб, ҳар бирин хеш ва ақрабосиға топшурди. Бу йўсунда баъзи *қалмоқ* ва русия бандаларни даги олди. Ул жумладин Хуросон усаросининг адади ўн икки мингдин мутажовуз[1203] эрди ва тўрт минг нафар дор ас-салтана Хивақдин эрди, аларни Хуросонға равона қилиб, Обиварднинг тўрт фарсахлиғида бир ҳисор барпо қилдуруб, Хиваққободға мавсум қилиб, ул асирларни анда ўлтурғузди. Хивақ ва Беш қалъадин Эрниёзхон ибн Раҳимберди *отолиқ* ибн Худойқули *иноқ* ибн Саййид *иноқ* ибн Ўмбой *иноқ* бошлиқ тўрт минг кишини навкар, минг харвор ғалла, ҳар харвори Хивақ тошиға беш минг ботман ва ҳар кимда *қизилбош* бардаси бўлса, олди. Ул жумладин фақирнинг жадди Шермуҳаммад *ми-*

[1190] 1150 йил зу-л-қаъда ойи/1738 20 феврал-21 март
[1191] Ворид – кириш.
[1192] Истежол – шошилиш.
[1193] Ҳазм – эҳтиёт.
[1194] 1152 йил 16-ражаб/ 20 октябр 1739 йил
[1195] 1152 йил 21-ражаб/ 25 октябр 1739 йил.
[1196] 1152 йил 13-шаъбон / 17 октябр 1739 йил.
[1197] 1152 йил 20-шаъбон /25 октябр 1739 йил.
[1198] Мазбур – юқоридаги, мазкур.
[1199] 1154 йил 24-шаъбон (аслида 27-шаъбон бўлиши керак, чунки қамал етти кун давом этган) – 28 октябр 1739 йил.
[1200] 1154 йил рамазон ойининг (1 ё 3 куни) боши – 2 ёки 4 декабр 1739 йил.
[1201] Риққият – қуллик, тутқунлик.
[1202] Зукуран, аносан – эркагу аёл.
[1203] Мутажовуз – ортиқ.

роб валади Эшим бийдин минг ботман ғалла ва эру хотун эллик барда олди. Ва иниси Саййидқули бекни навкар олди. Ва ўзгани мундин қиёс қилса бўлур.

Тоҳирхон. Ул Валимуҳаммадхоннинг ўғлидурким, Мовароуннаҳр хонларининг бани амомидиндур. Нодиршоҳ мурожиат қилурда ани хонлиқ тахтида ўлтурғузуб, ўзиға тааллуқ сипоҳини мулозиматида қўюб, рамазон ойининг ўн еттиси[1204]да зоҳири Хивақдин кўчуб, Хуросонға келган йўлидин мурожиат кўргузди. Ва Тоҳирхон олти ой ҳукумат сурди. Ва гунаҳкорнинг қулоқ, бурнини кестурур эрди. Ва шиа русумиға ривож берур эрди. Бу тааддиға Муҳаммад *мироб* ибн Ийд *мироб нукуз* туза билмайин, Котға кириб, мухолифат тариқиға иқдом[1205] кўргузди ва муборизат аламин жилваға киргузди. Ва Оролға киши йибориб, Ортуқ ва Саййидалиниким, ул учурда ул навоҳи ҳукуматида мустақил бўлб эрдилар, истидо[1206] қилиб келтурди.

Нуралихон. Абулхайрхоннинг ўғлидур. Ортуқ *иноқ* ва Саййидали *бий* ва Хўрозбек ани ўзлари била келтуруб, Котда хон кўтариб, Хивақ устиға юрдилар. Ва Қаҳрамон халқининг сайъи била шаҳарга кириб, *қизилбош*лар била Тоҳирхон аркка қабалиб, уч ойғача урушти. Охир нақб[1207] била қуйи[1208]ни кўмуб, сувсатиб олдилар. Тоҳирхон ва *уйғур* Қутлихонни *қизилбош*лар била даргаҳи жаҳаннамга йибордилар ва аркка кириб, Нуралихон подшоҳлиқ тахтиға ўлтурди. Ортуқ *иноқ* ҳамул йил Эрон бориб, Марвда шаҳзода Насруллоҳ Мирзони кўруб, Тоҳирхоннинг таҳаттук ва тааддисин банаҳже тақрир қилиб, арзға еткурдиким, шаҳзода Тоҳирхон қатлидин хурсанд бўлди ва отаси Нодиршоҳнинг изни била анга авотифи бекарона ва мароҳими хусравона кўргузуб, Абулғози султон ибн Элбарсхонни хон қилиб, *иноқ*ға бериб юборди.

Абулғозихон соний. Анинг оти Абулмуҳаммад султондур. Нодиршоҳ ани хон қилиб, Абулғози кунятига муканни қилди. Чун Ортуқ *иноқ* Ит йили Эрондин келиб, Нуралихонни азл этиб, ани хонлиқға насб қилди ва *ўзбак* машоҳиру маорифидин олтмиш кишини иниси Хўрозбек била шоҳға навкар йиборди. Ва фи шуҳури сана хамса ва хамсайна ва мийя ва алфа[1209] Ҳамалнинг бешланчи куни[1210]ким, шанба эрди, Абулғозихон *қўнғрот* Кўчак *иноқ*ни *қўнғрот* Раҳмонқули *отолиқ* ва Ашур *бий*нинг ҳаракати била ўлдурди. Сана минг юз эллик олти[1211]да Сичқон йили Али бой ва Ўроз бой *човдур* мухолиф кўргузуб, ямутни ўзлариға мутаффиқ қилиб, Беш қалъаға андоқ дастбурди азим кўргуздиким, ҳеч ким қўрғондин бош чиқара олмай, балои қаҳат орада шое бўлди. Абулғозихон ва Ортуқ *иноқ*нинг маслаҳати била Ёрим девоннинг авлодидин Муҳаммадамин *меҳтар* Эронға бориб, бу ҳодисани шоҳ мулозиматида арз қилиб, Нодиршоҳ *тарокима* тоғийларининг дафъи учун сипаҳсолори аъзам Фатҳалихон ибн Иброҳимхонниким, ўз бrandодарзодаси эрди, қирқ минг сипоҳи жаррор била қуббатулислом Хоразм савбиға йибориб, Хўрозбекка ул мамолик ихтиёрин топшуруб, анга ҳамроҳ қилди. Бу воқеа Сиғир йили Жавзо авоили[1212]да эрди. Сипаҳсолор *тарокима*ни мустосил қилиб, Сангар мавзеидаким, Хивақнинг шимолида ва Гандумконнинг ғарбида воқедур, лашкаргоҳ этти ва олти ойдин сўнг Ақраб авохири[1213]да шоҳнинг фармони била муовидат қилди. Сўнгғи йил *қазоқ* улусининг *волий*си Абулхайрхон Хўжакўлининг шимолидин келиб, Чалпуқ ҳаволисиға чаповул уруб, *қипчоқ* жамоасидин Али *қипчоқ*нинг уйин талаб кетти. Сана минг юз эллик тўққуз[1214]да Топушқон йили Хўрозбек Нодиршоҳ мулозиматиға Ироқ борди. Анинг ғайбатида ҳамул йил Абулғозихон Ортуқ *иноқ* ва Саййидали *бий*ни онаси била қатлға еткурди. Ироқдин Хўрозбек бу ҳодисани эшитиб, Ғойиб султонни шоҳдин тилаб, шоҳ тақвияти била Хоразмни мусаххар қилди. Ва Хўрозбек келур хабарин эшитиб, Хивақ умароси Абулғозхонни тутуб, Арабхон мадрасасида

[1204] 1154 йил 17-рамазон/ 19 декабр 1739 йил.
[1205] Иқдом – қарор.
[1206] Истидо – даъват, чақириш.
[1207] Нақб – ер ости йўли кавлаш.
[1208] Қуйи – қудуқ.
[1209] Ҳижрий 1155/1742-43 йил.
[1210] 26 февралда.
[1211] Ҳижрий 1156/1743-44 йил
[1212] 24 ёки 25-июнда.
[1213] 24 декабрда.
[1214] Ҳижрий 1159/1746-47.

маҳбус қилиб эрди, Хўрозбек мадрасадин чиқариб, оқолари ва онаси қони учун таазиби тамом била ўлдурди. Айёми салтанати беш ярим йилдур. Бағоят донишманд ва оқил подшоҳ эрди. Шеърда «Байзо» тахаллус қилур эрди. Фузало ва шуаро била ихтилоти кўп эрди. Анинг замонида Хўрозбек *Отолиқ* арнасининг шимол тарафида Чичи қўрғонин иморат қилди. Ҳоло осор ва этлол[1215] и бордур. **Қитъа:**

Неча кун толе мусоидидин,
Гарчи тахт олди шоҳ Абулгози.
Лек шашдарга нарди умри тушуб,
Чарх нарродидин еди бозий.

Ғойибхон. Ул Баҳодирхоннинг ўғлидур. Авоил ҳолида *қазоқ*дин Бухорога бориб, Нодиршоҳ Мовароуннаҳрни олғонда шоҳнинг мулозиматиға етиб эрди. Аксар ҳуруб ва юрушда шоҳнинг мавкабида эрди. Хўрозбек била келиб, фи шуҳури санаи мазкура Офтоб Асад буржида эрди, хоразмшоҳлиғ тожи била сарафроз бўлди. Хўрозбек анинг жулусидан икки кун сўнг ўн саккиз *олтун жилов*никим, Ортуқ *иноқ* ва Саййидали бек қатлида Абулғозихонға ҳамдаст бўлуб эрди, ўлдурди. Анинг замонида фуқаро осойишда эрди. Ва мулкнинг ҳаллу ақди Хўрозбекнинг қабзаи иқтидор ва сарпанжаи ихтёрида эрди. Ва Ғойибхонда маҳзи отдин бошқа нима йўқ эрди. Бу жиҳатдин хон бағоят саргардон эрди. **Ҳикоят:** Суқот[1216] и содиқ ал-нукот[1217] дин манқулдурким, Хўрозбекнинг қатлиға сабаб бу эрдиким, Тахоқу йили фи шуҳури сана химса ва ситтайна ва миия ва алфа[1218] Кўчак бек ибн Муҳаммад *иноқ найман* зуафодин бир бева занга Гурлонда мастлиқ ҳолатида зулм ва таадди кўргузди. Ул фурсатда хон Шайх Жалил тоғининг навоҳисида шикорандозлиқға машғул эрди. Ул бевазан бориб, тазаллум[1219] кўргузди. Хон Муҳаммад *иноқ*ға итобомез ҳарф[1220] лар била таҳдид қилиб, шаҳарга муовидат этганда Кўчак бекни нудамоси била туттуруб, маҳбус қилди. Ва Хўрозбек Гурлан жанубидин ғайри маъмур ва идро ерларниким, *манқит* жамоасининг мулки холисидур, обод қилмоқға ариғ қаздирур эрди. Бу воқеа ҳудусидин ранжида бўлуб, Хиваққа келиб, хондин беизн Кўчакбекни ҳибсдин халос қилиб, хонға ношоист сўзлар айтти. Бу жиҳатдин хоннинг оташи кинаси илтиҳоб[1221] топиб, анинг қатлиға жозим бўлди. Сўнгғи кун кўрунушга борғанда, милтуқ била отиб ўлдурди. Ва Шокир бекни анинг ақабидин йибордилар. Ва Хўрозбекнинг ақрабосидин ўн киши ва *манқит* маорифидин олтмиш кишини теғдин ўтказдилар. Ул жамоадин Ортуқ *иноқ* олти йил ва Хўрозбек беш ярим йил истиқлол била жами Хоразмға ҳукумат сурди. Аларнинг айёмида маросими зулм ва инод, қавонини фисқу фасод иштиҳор топти. Аммо, карам ва ато бобатида Ҳотамнишон эрдилар. Ва Бекобод Хўрозбекнинг мустаҳиддисотидиндур. Андин сўнг Ғойибхон подшоҳлиқда мустақил бўлди. Ва баъзи умаронинг шафоати била Кўчак бекнинг жароимидин ўтти. Ва ҳамул йил *қўнгрот* Хўжақули бекка тарбият қилиб, *иноқ*лиқ мансабин шафқат кўргузди.

Ва хон ғаюр ва золим табъ киши эрди. Ва авохири салтанатида зулм ва тааддиси ҳадди эътидолдин ўтуб, Беш қалъа раоёсиға қирқ минг тилло солиғ солди. Фуқаро ва ажзанинг додиға етмади. Бу жиҳатдин Гурланда *қипчоқ* Маннон *отолиқ* ва *найман* Иброҳим *иноқ* ва *нукуз* Эшниёз *нойиб*ким, ани Шанқой ҳам дерлар, ёғийгарлик оғоз қилиб, Урганжда Бобохон оқсоқ дағи аларға мувофиқат кўргузди. Бу жиҳатдин хон мутаваҳҳим бўлуб, сана минг юз олтмиш тўққуз[1222] да Сиғир йили кичик иниси Қаробойни қойиммақом қилиб, чиқиб отаси Баҳодирхон билаким, ўғлин кўрмакка кўп *қазоқ* била келиб, Боғи Муродда ётиб эрди, қўшулуб, Дашти қипчоқға *қазоқ* орасиға бориб, кўп йил хонлиқ суруб, Аваз *иноқ* замонида вафот топти. Хоразм мамоликида айёми салтанати ўн бир йил эрди. Ва эшитурмизким, анинг

[1215] Қолдиқлари.
[1216] Суқот – ишончли кишилар.
[1217] Содиқ ал-нукот – тўғри сўзли.
[1218] Ҳижрий 1165/1751-52 йил.
[1219] Тазаллум – зулмдан шикоят.
[1220] Ҳарф – сўз, гап.
[1221] Илтиҳоб – аланга.
[1222] Ҳижрий 1169/1755-56.

ўттуз ўғли бордур. Абдулазизхон ва Шоҳғозихон ва Жаҳонгирхон ул жумладиндур. Иншооллоҳ, булар эмди зикр қилилур. **Қитъа:**

Чу Ғойибхон қуёшдек бўлди толе,
Маҳи аъмор хасмин қилди ғориб.
Бўлунг ҳозир ки ул даги жаҳондин,
Отидек охириламр ўлди ғойиб.

Қаробойхон. Ани Абдуллахон исмиға мавсум қилдилар. Ва баъзи анинг отин Бойбўрихон дерлар. Аммо, аввалғи асаҳҳдур. Бойбўри ўртанчи оқосининг отидур. Ул *қароқалпоқ* орасида хон эрди. Ани *қароқалпоқ* тутуб, Гурлан ўзбакига келтуруб берди. Гурлан умароси ани ўлдурди. Бу воқеадин сўнг Қаробойни азл этиб, отаси ва оқоси ёниға *қазоқ*ға юбордилар. Муддати салтанати тўрт ой эрди.

Темурғозихон ибн Муҳаммад Раҳим султон. Ул Шерғозихоннинг ақрабосидиндур. Баъзи ани Мовароуннаҳр хонларининг авлодидин тутубдурлар. Ва Ғойибхондин бери жамии Орол ва Гурлан ва Урганж умароси ва дарё соҳилидағи *ўзбак* акобири Хўжақули *иноқ* бошлиқ Хивақ умаросиға мухолифатда собитқадам ва росихдам эрдилар. Икки тарафдин Бухороға истимдод учун Раҳимхон ибн Ҳаким *отолиқ* илайига киши юбордилар. Раҳимхон борғанларға мусолиҳа қилдуруб, Темурғозихонни ўртада хон қилиб йиборди. Барча иттифоқ била ани Хивақда хон кўтардилар. Ва Муҳаммадамин *меҳтар* ибн Кўчакбой ибн Давлатбойнинг қомати қобилиятин хилъати жалилулқадри вазорат била безадилар. Бу воқеа фи шуҳури сана сабъайн ва миия ва алфа[1223] Барс йили Жавзода эрди. Умарои мухолиф яна мухолифат байдақин барпо қилиб, жунуди номаъдуд била Довуд қаря[1224]син муаскар қилиб, Пирхўжақули *иноқ*нинг лашкари била бир ой муҳориба ва муқотила қилиб, *манқит* Бекмуҳаммад *иноқ*ким, сипоҳи мухолифнинг бир рукни эрди, ул Хўжақули *иноқ* била муттафиқ бўлуб, Орол черикин, бузуб, Хивақ йиғиниға қўшулди. Бу жиҳатдин мухолифлар ҳазимат топти. Яна Орол ва Беш қалъа сипоҳин йиғиб Пўлод султон хазира[1225]сининг ҳаволисида иғроқ[1226]ларин қўюб, шаҳарни муҳосира қилдилар. Хивақ умароси Хўжақули *иноқ* ва *қиёт* Ёрмуҳаммад *иноқ* ва *манқит* Ғойиб *иноқ* ва ғайриҳум Хивақ лашкари била мухолифларнинг майманаи номаймунинким, Нонемасда эрди, урушуб бостилар. Ва ямввут умароси Бегонжали сўфи ва Менглигалди сақов ва Элгалди *сардор* ва Қоҳирқули ямввут сипоҳи била ёвнинг майсараи номайсурин рустамона набард қилиб, шикаст бердилар. Ва Бобожон оқсоқ ва Саййид бийниким, кўп йилдин бери юртнинг ҳар тарафидин фитна турғузур эрди, тутуб ўлдурдилар. Маннон *отолиқ* ва Иброҳим *иноқ* ва Эшниёз *нойиб* Гурланга бориб тура олмайин, Бухороға фирорий бўлдилар. Вайисбой даги Уйғурни ташлаб, аларнинг ақабидин борди. Ва жамии Беш қалъа мамолики Темурғозихон ва Хўжақули *иноқ*ға софий бўлди. Бу воқеа сана минг юз етмиш бирда Топушқон йили жумода-л-охирнинг ўн бирин[1227]да эрди. Бир йилдин сўнг Бухородин келиб, яна Уйғур ва Гурланни олиб, бир йил мужодила ва муқотилада эрдилар. Оқибатиламр, Муҳаммад *иноқ*нинг мансабин Иброҳим *иноқ*ға бериб, оштий қилдилар. Қўй йили фи ғурра[1228]и шаввол сана хамса ва сабъийна ва миия ва алфа[1229] жума куни ийди Фитр намозидин сўнг Темурғозихоннинг амри била ва Муҳаммадамин *меҳтар*нинг сайъи била Хўжақули *иноқ*ни Муҳаммадамин бек ибн Эшмуҳаммад *бий* ва Иброҳим *иноқ*ни Муҳаммад *иноқ* ибн *Амир отолиқ* кўрунушхонада ўлдурдилар. Ҳамул кун Темурғозихон Муҳаммадамин *меҳтар*нинг тақвияти била Муҳаммадамин бек била Муҳаммад *иноқ*ға ул икки амири мақтулнинг мансабларин шафқат қилди. Ва *амири кабир* Муҳаммадамин *иноқ*нинг ибтидои давлати ул кундиндур. Ва Бичан йили Муҳаммадамин *меҳтар* била хон орасида баъзи умури мулкий жиҳатдин вахшат тушти. Бу сабабдин анинг буйруқи била Сафар дастурхончи ва Абдулсаттор бой хонни ўлдурдилар. Анинг фавтиға мавлоно Паҳлавонқули Равнақ таърих айтибдурким. **Таърих:**

[1223] Ҳижрий 1170/1756-57 йил.
[1224] Қаря – қишлоқ.
[1225] Хазира – гумбаз-мақбара.
[1226] Иғроқ (уғруқ) – хон оиласи ва қўшинга қарашли нарсалар қўйиладиган қўш.
[1227] 1171 йил 11-жумоди-л-охир/ 1758 21 феврал.
[1228] Ғурра – ой боши.

Шаҳ Темурғози жаҳондин борғач,
Бўлди таърих анга «хуршид жаноб»

Ҳусн ва сабоҳатда дилпазир, лутфу малоҳатда беназир эрди. Ва икки мишкин кокули бор эрдиким, пайваста рухсори гулгунининг устиға паришон[1230] қўяр эрди. Ва Хоразм зурафоси ани «шоҳи хубон» дерлар эрди. Ва ул аксар авқот умаро била базму сайр қилиб, гулчеҳра соқийлар қўлидин олтун аёқ[1231] лар била шароби лаълимазоб ичар эрди. Ва ёши ўн бешда эрди сарири салтанатға жулус қилди ва йигирма бирида шаҳодат топти. Муддати салтанати етти йил эрди. Андин сўнграғи хонлар соҳиби ихтиёр бўла олмадилар ва хонлиғ исмиға қоне эрдилар. Ва мулк ихтиёри ва аларнинг азлу насб[1232] и умаро илгида бўлди. **Ҳикоят.** Ул замон фузалосининг бировидин эшитдимким: «Темурғозихон мақтул бўлғон куни арк дарвозасининг пешгоҳидин кўзим тушуб эрди. Кўрдимким, Темурғозихоннинг жасади раҳгузорда ётибдур. **Шеър:**

Чеҳраи дилороси гарду қонга андуда,
Кокули мутарроси хору хасға олуда.
Лаъли шакаромези нуктадин бўлуб хомуш,
Чашми фитнаангези ғамза бирла уйқуда.
Руҳи аршпарвози қолибидин айлаб рам,
Жисми нозикандоми туфроқ узра фарсуда.
Салтанат била жондин юб илик ки бор эрмиш
Салтанат била жонга эътимод беҳуда.
Ғайрдин юмуб кўзни, ёрға бўлуб восил,
Дарди ҳажр хавфидин ўзни қилмиш осуда.

Чун ани бу ҳолатда мушоҳида қилдим, бу икки байтға мутаранним бўлуб, риққати тамом била йиғлаб ўтдим. **Шеър:**

Ваҳ ки ул орази гулгунга кўнгуллар эди зоре,
Қилмиш афсурда ани гарди сияҳ рангу қизил қон.
Ваҳ ки ул кокули мишкин ки жаҳон эрди асири,
Туфроқ узра ани қилмиш хасу хошок паришон.

Ва мақбараси ҳазрат Паҳлавон Маҳмуд *қаддаса сирраҳу* жавори файз ал-анворидадур.

Тавкахон. Лақаби Худойдоддур ва ул *қазоқ* хонларидиндур. Ва тижорат расми била Хиваққа келиб, корвонсаройда иқомат қилиб эрди. Темурғозихон ўлган куни ани корвонсаройдин чиқариб, тахтға миндурдилар. Ва ул басе хайрдўст ва мунсиф ва мутаққий ва фақирваш ва дарвишниҳод киши эрди. Анинг замонида Хоразм диёридин фитна ва ошуб асари билкулл мунқате бўлди. Ва бир ярим йил салтанат сургандин сўнг фи шуҳури сана самона ва сабъайна ва миия ва алфа[1233] Ит йилининг авоилида ўз тақозоси била хонлиғдин хала[1234] эттилар.

Шоҳғозихон Ғойибхоннинг ўғлидур. Баъзи ани Абулғозихоннинг валади дебдурлар. Аммо, асаҳҳ будурким, ул Абулғозихоннинг ўғлидур. Анинг онасин Ғойибхон олиб эрди. Анинг авоили салтанатида Абдулраҳим *арбоб* ибн Ёрим *девон* Муҳаммадамин *меҳтар*ни зиёфатға элтиб ўлдурди. Ул ўлган кечаси Шербобо *қўшбеги* Бекмуҳаммад *иноқ*ни хон ва Муҳаммадамин *иноқ*дин рухсат ҳосил қилиб, қатлға еткурди. Ул кун Абдулраҳим *арбоб*ға вазорат мансабин ва *манқит* Муҳаммадризо бекка *иноқ*ият рутбасин

[1229] 1175 йил 1-шаввол/1762 1 апрел.
[1230] Паришон – тарқоқ, ёйилган.
[1231] Аёқ – коса, қадаҳ.
[1232] Азлу насб – бўшатилиш ва тайинланиш.
[1233] Ҳижрий 1178/1764-65 йил.
[1234] Хала – бўшатиш.

арзоний[1235] туттилар. Ва Шоҳғозихоннинг авохири давлатида *ямвут* ва човдир жамоаси ғалаба қилиб, юртға мусаллат бўлди. Ва Мискин *раис* Котий мухолифат тариқиға мубодират кўргузуб, оқо-инилари била *човдур*ға чиқти. Бу жиҳатдин сана минг юз саксон бир[1236]да Шоҳғозихонни азл қилдилар. Ул дағи ҳусн девонининг маснаднишини ва латофат майдонининг сибқатгузин[1237]и эрди. **Назм:**

Саҳиҳул хад эрди ва байзо жамол,
Рашиқул қад эрди-ю сарв эътидол.
Шакархандасидин жаҳон талхком,
Шаҳиди нигоҳи хавосу авом.

Абулғозихони солис. Муҳаммадраҳим султоннинг ўғли ва Темурғозихоннинг инисидур. Бухородин келтуруб, фи шуҳури сана самонина ва миия ва алфа[1238] хон кўтардилар. Чун анинг афъол ва атвори мухталиф эрди, ярим йил ҳукумат сургандин сўнг Муҳаммадамин *иноқ* ани орадин чиқарди. Ва муддати салтанатин баъзи бир ой дебдурлар.

Нуралихон ибн Бароқ султон. Ул *қазоқ* султонларидин. Сана аҳади ва самонина ва миия ва алфа[1239] эрди, Сиғир йили Муҳаммадамин *иноқ*нинг сайъи била подшоҳлиқға етушти. Ва ҳамул йил баъзи умаро Муҳаммадамин *иноқ*нинг адоватиға қиём кўргузуб, қасдиға бел боғлади. Бу жиҳатдин *иноқ явмут*ға чиқиб, ўн саккиз кундин сўнг Абулсатторбой ани *явмут*дин келтурди ва умарои мухолиф қадами эътизор била даргоҳиға юз қўюб, жароимидин тавба қилдилар. Ул учурда *явмут*нинғ тасаллут ва тағаллуби ҳадди эътидолидин ўтуб, зулм ва тааддиси фуқаро жониға етти. Бу жиҳатдин Муҳаммадамин *иноқ* ва Абдулраҳим *меҳтар* ва Абдулсатторбой *явмут* била ёвлашиб, Арабхонада урушуб, ҳазимат топтилар. *Явмут* мутаоқиб келиб, Қаротўпада тушуб, муҳосира асбобиға машғул бўлдилар. Ва баъзилар сулҳ сўзин орағa солиб, умаро чиқиб, *ямвут* акобири била кўрушур ҳангомида *явмут* умарони тутди ва шаҳар халқи *така* ва *солур*ни қовуб, *ямвут* шаҳарға мутасрриф бўлди. Абдулраҳим *меҳтар* ва Абдулсатторбойни беш оқо-иниси била ва Уйғур *ҳокими* Аббос *отолиқ* ва Урганж *волий*си Ниёзқулибойни шаҳодат даражасиға еткуруб, Мискин *раис*ни вазорат мансабида насб қилдилар. Ва Муҳаммадамин *иноқ*ни банддин чиқариб, *отолиқ* қилиб, Орол *ҳоким*и Хонкелди *бий*ни анинг ўрниға *иноқ* эттилар. Ва *явмут* била Орол *қўнғроти* истило[1240] топиб, мулк ихтиёри *явмут* қўлида бўлди. Ва Мискин *меҳтар*ни Хонкелди *иноқ* Эшмурод *қўнғрот*нинг ўғли Давлатёрға буюруб ўлтуртди. Ва Абдулраҳмон *меҳтар*га вазоратни мафвуз қилди. Ул йил Аҳмадшоҳ имдодиға борғон тўрт минг киши келди. Санаи мазкурда Мезон мунтасифиди Ниёз *парвоначи*ким, Мискин *меҳтар* қатлидин сўнг *явмут*дии мутаваҳҳим бўлуб, Ҳазорасбға кириб эрди, анинг ҳаракати била Муҳаммадамин *иноқ явмут* била ёв бўлуб, иниси Одилбекни Эралихон ибн Абулхайрхонғаким, ул учурда Дашти Қипчоқ ҳудудида андоқ зишавкат ва соҳиби қудрат подшоҳ йўқ эрди, истимдод учун йиборди. Ва Хонкелди *иноқ* қочиб Қўнғротға бориб, Муҳаммадназар *бий* била муддати мадид муҳорибот қилиб, анинг қўлида ўлди. Ва Ниёз *парвоначи* Ҳазорасб била Урганж орасининг лашкарин олиб, Шатда ётти. Ва Муҳаммадамин *иноқ* Эралихон келгандин сўнг Шоҳободда *човдур* ва *ямвут* била кўп муҳориба қилиб, *човдур*ни юртдин чиқариб, Шатда Ниёз *парвоначи*ға қўшулди. Андин Навхостға, Навхостдин Қаҳрамонға келди. Бу орада *явмут* сипоҳи била андоқ муҳорибот ва муқотилот кўргуздиким, Рустам ва Асфандиёрдин содир бўлмади. Ва Урганж халқи қалъасин *явмут*ға берди. Бу жиҳатдин Муҳаммадамин *иноқ* ва Ниёз *парвоначи*нинг черики бузулуб, Муҳаммадамин *иноқ* Бухороға кетти. *Ямвут* Хивақни олғондин Нуралихонни маъзул қилди.

Жаҳонгирхон ибн Ғойибхон. Муҳаммадамин *иноқ* Бухороға кетгандин сўнг *явмут* Беш қалъаға муставлий бўлуб, ани келтуруб, Хивақда хон қилди. Анинг замонида Беш қалъада қаҳат пайдо бўлуб, ит ва

[1235] Арзоний – бағишлаш.
[1236] Ҳижрий 1181 (бу рақам аслида «минг саксон» бўлиши керак) – 1767 йил.
[1237] Сибқатгузин – олдинга тушиб олган, ўзган.
[1238] Ҳижрий 1180/1766-67 йил.
[1239] Ҳижрий 1181/1767-68 йил.
[1240] Истило – эгалик.

пишикни едилар. Ва фарзандларин *қазоқ*ға сотиб, қут[1241] едилар. Ва анинг устиға Хивақда вабо ўлати пайдо бўлди. Бу жиҳатдин аксар *ўзбак* ва *сорт* бузулуб, Орол ва Бухороға кеттилар. Ва *явмут* дағи ўғурлаб, *қазоқ*ға сотти. Хивақ бошлиғ Беш қалъа билоди хароб бўлди. Хивақда қирқ уйлук фуқародин ўзга киши йўқ эрди. Аксар намози жумада уч киши ё тўрт киши намоз ўқур эрди. Ва шаҳарнинг ичида йилғун ва сўксук кўкариб, вайрона уйларда ваҳший жониварлар манзил тутти. Ва жамии мазраа ва кандлар ва кўлот ерлар қолин найистон ва ғалаба беша[1242] бўлди. Ва Муҳаммадамин *иноқ* Бухородин келиб, *явмут*ни мустосил қилиб, мамолики Хоразмни таҳти фармониға киюргандин сўнг Жаҳонгирхонни махлу этиб, отасининг қошиға йиборди. Айёми салтанати бир йилдур. Мундин сўнг Муҳаммадамин *иноқ*нинг давлати тараққий топиб, ҳашамати кун-кундин мутазоид бўлди.

Бўлакайхон ибн Нуралихон ибн Абулхайрхон. Ул Жаҳонгирхондин [сўнг] подшоҳлиқ маснадиға жулус қилди. Анинг замонида қаҳат муртафе бўлуб, арзонлиғ издиёд топти. Бир ойдин сўнг Муҳаммадамин *иноқ* ани баъзи наммом[1243]лар сўзи била хонлиғ тахтидин тушуруб, ота юртиға йиборди. Ул муддати мадид Сир бўйиндоғи *қазоқ*да ва Янгидарё савоҳилидағи *қароқалпоқ*ға подшоҳ бўлуб, Муҳаммадраҳимхон замонида сана минг икки юз йигирма уч[1244]да жаҳондин интиқол қилди. Анинг гуҳари дуржи исматин, яъни жигаргўшаи Билқис[1245]нисбатин султони мағфиратнишон Элтузар Муҳаммад Баҳодирхон *анoруллоҳи бурҳонуҳу* силки издивожиға чекиб эрди. Ҳоло ҳазрат соҳибқироннинг ҳарамлариға дохилдур.

Оқимхон. Ул Абулхайрхоннинг набираси ва Одил султоннинг ўғлидур. Бўлакйхондин сўнг сана минг юз саксон тўрт[1246]да хонлиқ тожи била сарафроз бўлди. Ва ул Абдуллоҳхонға мулаққаб эрди. Ҳамул йил авохири[1247]да Ниёз *парвоначи* Муҳаммад *иноқ* ва Эшниёз *меҳтар* ва Абдулраҳмон бойни ўлдурди. Бу жиҳатдин Ниёз *парвоначи*(ни) қатлға еткуруб, Муҳаммадамин *иноқ* ҳукуматда мустақил бўлди.

Ва Оқимхон хуш муҳовира ва соҳиби фаросат ва қуш солмоқға маъшуф киши эрди. Андоқким, *амир* Аваз *иноқ* марҳумий замонида Оқимхон сайру рисолат расми била Хивақға келиб, Саййид Алоиддин хўжа *қуддиса сирраҳул-азиз*нинг авлодидин қайин иниси саййид Эшон хўжанинг манзилиғаким, фақирға ҳам устод ва ҳамсоядур, нузул қилиб эрди. Ул учурда мен ўн ё ўн бир ёшимда эрдим. Ва хўжаи мушорилайҳнинг уйиға бориб эрдим. Мани кўргач ҳамон тафаррус қилиб сўрдиким: «Аваз *мироб*нинг ўғлимусанким, анга мушобиҳ кўрунурсан. Ва отанг била кўп қуш солғанмиз.» Ман жавоб бергандин сўнг аҳволимиздин истифсор этиб, навозиши подшоҳона кўргузди. Ва ул фи шуҳури сана хамса ва самонина ва миия ва алфа[1248] маъзул бўлди. Ва Абдуллоҳхондин сўнг Бобобек ва Кўчак *иноқ*нинг айёми мухолифатида яна келиб, Гурланда тўрт-беш ой ва Хивақда бир йил бўлуб, махлу бўлди. Ва *амири кабир* Аваз *иноқ* замонида вафот топти.

Абдулазизхон ибн Ғойибхон. Оқимхоннинг аввалғи азлидин сўнг бир неча муддат подшоҳ бўлуб, маъзул бўлди. Ул хушсурат ва покиза сийрат йигит эрди. Бағоят ўқчи эрди. Нақл қилурларким, бир кун хон Муҳаммадамин *иноқ* бошлиқ Хивақ дор ас-салтанасининг умаро ва акобир ва бекзодалари била Қовуруқтом ва Остона ҳаволисиға овға чиқиб эрди. Шикор асносида хоннинг тақобилидин найистон орасидин бир тўнгуз чиқа келди. Хон анинг манглайидин бир ўқ шаст бердиким, қуйруқидин чиқиб, ерга санчилди.

Ортуқғозихон. Ул Темурғозихоннинг қариндошларидиндур. Ани Абдулазизхондин сўнг Бухородин келтуруб, хон кўтардилар. Анинг замонида Бобобек ибн Ниёз *парвоначи* Бухородин келиб, *қангли* бекларининг сайъи била Ҳазорасбни олди. Ва Кўчак *иноқ* ибн Муҳаммад *иноқ* дағи мухолифатда анинг била муттафиқ бўлуб, қароқалпоқ *тўра*ларидин Абдуллоҳ султонни келтуруб, Гурланда хон кўтардилар. Кўп муҳориба ва муқотиладин сўнг Қўшкўпрук ҳудудида Муҳаммадамин *иноқ* била сулҳ этиб, Муҳаммадамин *иноқ* Абдуллоҳхонни Хивақға элтиб, хон қилиб, Ортуқғозини Бухороға узатти.

[1241] Қут – емак, озиқ.
[1242] Беша – ўрмон, тўқай.
[1243] Наммом – чақимчи, иғвогар.
[1244] Ҳижрий 1223/1808-09 йил.
[1245] Билқис – Сулаймон пайғамбарнинг малика хотинига ишора.
[1246] Ҳижрий 1184/1770-71 йил.

Абдуллоҳхон. Ул Хивақ тахтиға жулус қилғондин сўнг умарои мухолиф яна Гурланда исён ва тамарруд ўтин муштаал қилиб ва Оқимхонни келтуруб, беш ойғача ўқ ва қиличнинг омаду-рафтидин ўзга алардин бориш-келиш воқе бўлмади. Бу аснода Вазир ҳуккоми *иноқ*ға итоат қилиб, Фозил бек ва *қипчоқ* Раҳимберди *отолиқ*ни бир бўлак йиғин била элтиб, Вазирни топшурдилар. Мундин сўнг мухолифлар мутазалзил бўлуб, Муҳаммадамин *иноқ* жунуди номаъдуд била бориб, Гурланни муҳосира қилди. Охириламр умарои маҳсур ноилож бўлуб ярашиб, *иноқ* била келиб, Хивақда Оқимхонни тахтга миндурдилар. Ва Бобобек Гурланда қолиб эрди. Вайисқули *девон* ўзин *иноқ* ясаб, анинг била муттафиқ бўлуб, яна инод ва фасод қиличин тез қилиб, Ҳазорасбдин *солур* черикин келтуруб, Муҳаммадамин *иноқ*нинг лашкари била муҳорибаи бисёр ва муқотилаи бешумор қилдилар. Бу аснода Ҳазорасб беклари *иноқ*ға муте бўлуб, *иноқ*нинг фармони била Фозил бек ва Бекпўлод *отолиқ* ва Ҳазорасб беклари Ниёз *парвоначи***ниг** иниси Султонбек бошлиқ Гурлан муҳосираси учун Котға бордилар. Бир неча кундин сўнг Ҳазорасб беклари ва Гурлан умароси Бобобек ва Вайисқули *девонга* пинҳоний муросилот юбора бошладилар. Бу жиҳатдин Гурлан акобири била Ҳазорасб бекларин тутуб маҳбус қилиб, ул жумладин Хўжақули *иноқ*нинг иниси Элтузар *мироб* ва *нукуз* Ашур *нойиб* Гурлонийни ва Султонбек Ҳазорас*бий*ни Ҳазорасб беклари била ўлдурдилар. Ва Оқим хонни салтанат тахтидин тушуруб, *қазоқ*ға йибордилар.

Ёдгорхон. Ул [қаро]қалпоқ *тўра*ларидиндур. Ани келтуруб, подшоҳлиқ тожи била сарафроз қилдилар. Бу воқеадин сўнг Бобобек Гурландин қочиб, Фитнакға кириб, мутаҳиссин бўлди. Отажон хўжа *шайхулислом* ва Оллош оталиқ *қипчоқ* била муҳорибот ва муқотилот қилиб, охир ожиз бўлуб, Бухороға борди. Бу воқеа сана минг юз саксон олти[1249] да Йилон йилининг авохирида эрди. Амирзодаи марҳумий Ҳасанмурод бек бу йил валодат топти. Қўй йили Муҳаммадамин *иноқ* хондин бир сабаб била ранжида бўлуб, маъзул қилди. Мундин сўнг яна икки мартаба хонлиқға етиб, маъзул бўлди. Сўнгғи азли минг икки юз тўрт[1250] да Ит йили эрди. Мундин сўнг подшоҳлиқға етмади ва Аваз *иноқ* замонида *қароқалпоқ* шаҳид қилди. Ва кабутарбозлиқға шуғли кўп эрди.

Абулфайзхон. Бу ҳам Ғойибхоннинг ўғлидур. Ёдгорхоннинг аввалғи азлидин сўнг Муҳаммадамин *иноқ*нинг иҳтимом[1251] и била подшоҳлиқға етти. Анинг замонида фитна ва фасод мунқате бўлуб, мулк бўстони осудалиғ гулистони била рашки гулзори Эрам бўлди.

Ва сана минг юз тўқсон[1252] да Бичан йили ҳазрат султони соҳибқирон, халифат уд-даврон, зубдат ас-салотини олам, қудват ал-хавоқини муаззам ал-мансур би нусрат ал-малик ал-мустаон Абулғози Муҳаммадраҳим Баҳодирхон *халадаллоҳу мулкаҳу ва султонаҳу ва афоза ала ал-оламин барраҳу ва эҳсонаҳунинг* валодат*и* ҳумоюни била олам шабистони равшан ва жаҳон хористоррни гулшан бўлди. **Назм:**

Соатиким, жаҳон эди масъуд,
Саъд эди анда толе мавлуд.
Тавба айлаб фалак нуҳусатидин,
Ёниб эрди замон шикаст[1253] идин.
Ой била Муштарий қирон айлаб,
Тир ила Зуҳра иқтирон айлаб.
Офтоби мунир ўлуб сойир,
Эди Ҳилож[1254] жониби нозир.
Теги Баҳром топиб эрди шикаст,
Наҳси акбар бўлуб ер остида паст.
Толе эрди кавокиби масъуд,

[1247] 1184 йил зу-л-қаъда ойи/1771 16 феврал-17 март.
[1248] Ҳижрий 1185/1771-72 йил.
[1249] Ҳижрий 1186/1772-73 йил.
[1250] Ҳижрий 1204/1789-90 йил.
[1251] Иҳтимом – сайъ-ҳаракат.
[1252] Ҳижрий 1190/1776-77 йил.
[1253] Шакуст – ёмон қилиқли.
[1254] Ҳилож – Асад буржи.

Наҳси юлдузлар ўлмиш эрди фуруд.
Буйла чогда дурри гаронмоя,
Шоҳлар афсарига пироя.
Бўлубон хорижж муҳити адам,
Қўйди шат вужуд узра қадам.
Кишвар катмдин хуруж этти,
Борлиқ авжига уруж этти.
Бўлди хуррам валодатидин даҳр,
Олди олам саодатидин баҳр.
Тугди лекин камол ила тавам,
Келди лекин жалол ила ҳамдам.
Бўлди ишрат жаҳонга моломол,
Даврдин борди ранж полопол.
Бўлди андуҳ рафъ ва етти сурур,
Яъс қилди видову келди сур.
Таҳниятгу етушти давлату жоҳ,
Келди жалдуга бахти корогоҳ.
Парвариш қилди дояйи давлат,
Еткуруб анга вояйи давлат.
Ё раб, ул шоҳ то жаҳон бордур,
То жаҳон ичра инсу жон бордур.
Бахт давлат уза мудом ўлсун,
Умри-ю, жоҳи мустадом ўлсун.

Ва Ит йили офтоби оламтоб Ҳамал буржиға таҳвил қилғанда Наврўз куни[1255] панжшанба субҳида фақирнинг вилодати вуқу топибдур.

Ва ҳамул йил амирзодаи аъзаму ашрафи бани Одам Мажд ад-давла ва-д-дин Муҳаммад Назар бек мутаваллид бўлди. **Назм:**

Зиҳи зодаи нек фаррух нажод,
Ҳумоюн насаб дудаи покзод.
Адамдин вужуд ичра айлаб ружу,
Шараф авжидин қилди кундек тулу.
Қуёш янглиг этти дурахшандалиг,
Гуҳардек аён қилди рахшандалиг.
Юзидин бўлуб шод ота бирла жадд,
На жадду отаким бори неку бад.
Зуҳури била айлади элни шод,
Улус юзига очти боби мурод.
Илоҳо, жаҳон борича шод бўл,
Бинои жалолатдек обод бўл.
Тараққийда бўлсун камолинг сенинг,
Тазоидда жоҳу жалолинг сенинг.

Ва куз чоғи[1256] Бобобек Бухородин келиб, Фитнакка кирди ва асокири зафармаосир била масоф қилиб, ҳазимат топти ва маққуру манкуб бўлуб, яна Бухороға фирорий бўлди. Санаи мазкурнинг авохири[1257] да Абулфайзхон чечак заҳмати била раҳмат жавориға интиқол қилди. Ва *амири* кабир Муҳаммадамин *иноқ* яна Ёдгорхонни келтуруб, салтанат саририға насб қилди.

[1255] 21-март (1192 ҳижрий) – 1778 йил 21-март.
[1256] 1778 йил август-сентябри.
[1257] Ит йили (1192 йил зу-л-қаъда) – 1778 21 ноябр-20 декабр.

Пўлодғозихон. Ул Бухоро султонларидин Сафар султон ибн Элбарсхоннинг ўғлидур. Ва Темурғозихонға қаробати бордур. Ва Ёдгорхон мушорилайҳнинг замонида Тўнгуз йили Ҳамалда Жонмурод *иноқ* Оролда *манқит* орасиға кириб, фитналар қўзғоб ва Бобобек Пўлодғозини Бухородин келтуруб, Ҳазорасбни олиб, кўп бўлғоқлар мамоликда воқе бўлуб, юрт музабзаб[1258] бўлди. Ул аснода *амир* Донёлнинг вазири Бадал *девонбеги* [1259] жунуди номаъдуд била келиб, Бобобек ва Жонмурод *иноқ* қувват топиб, Боғот ва Гурланда шуришлар барпой бўлуб ва Муҳаммадамин *иноқ* била муқотилоти бисёр ва муҳориботи бешумор қилиб, охир Муҳаммадамин *иноқ*нинг офтоби давлати иртифо топиб, аъдои давлат ожиз ва танг бўлуб, Гурлондин Жонмурод *иноқ* сулҳ баҳонаси била чиқиб, Оролға борди. Ва Бобобек заруратдин ярашиб, Бадал *девонбеги*нинг сайъи била Ёдгорхонни маъзул этиб, Пўлодғозини Хиваққа келтуруб, хон кўтардилар. Бу воқеа Сиғир йили эрди.

Ҳамул йил амирзодаи шаҳид Абдикарим бек марҳумийнинг вилодати шарифи воқе бўлди.

Ва Пўлодғозихонни Топушқон йили Бобобекнинг қатлидин сўнг халъ этиб, яна Ёдгорхони маъзулни подшоҳлиққа насб қилдилар. Андоққим, юқорида зикр топти. Бир неча муддатдин сўнг яна маъзул қилиб, *қароқалпоқ* орасиға юбордилар.

Абулғозихони робеъ (IV). Ул Абдуллоҳхоннинг ўғлидур ва Ёдгорхонға қаробати бордур. Ит йили Ёдгорхоннинг азлидин сўнг подшоҳлиққа етти. Анинг замонида сана минг икки юз беш[1260] да Тўнгуз йили Муҳаммадамин *иноқ*и марҳумий вафот топиб, анинг халафи аршади жамол ад-давлат ва-д-дин *амири кабир* Аваз *бий иноқ* ота мансабиға мансуб бўлди. Иншооллоҳ, бу вақое ўз мавридида зикр топар.

Ва Абулғозихон ўз тақозоси била Ит йили сана минг икки юз ўн еттида душанба куни жумода-л-аввалнинг йигирма иккиланжиси[1261] да чоштгоҳда маъзул бўлуб, *қароқалпоқ* орасиға борди. Ва хони жаннатмакон Элтузорхоннинг замонида анинг вафот топғон хабари эшитилди. Кўса ва сиёҳжирда киши эрди.

Абулғозихони хомис (V). Ул Ёдгорхоннинг ўғлидур. Ва санаи мазкурада жумода-л-аввалнинг йигирма секкизи[1262] да якшанба куни Хонқоҳдин тағосининг уйидин келтуруб, подшоҳ кўтардилар. Ул йили ўн секкиз ёшида эрди. Ва анинг замонида таърих минг икки юз ўн секкизда зу-л-қаъда нинг йигирма олтиси[1263] да панжшанба куни Элтузар бек *иноқ*лиқ мансабиға насб бўлди.

Ва ғурраи зу-л-ҳижжа [1264] да *амири кабир* Жамол ад-давла ва-д-дин Аваз *бий иноқ* олами фонийдин жаҳони боқийға риҳлат қилди. Иншооллоҳ, бу вақое ўз мавридида тафсилан айтилур.

Ва сана минг икки юз ўн тўққузда шаъбон ал-муаззамнинг ўн иккиси[1265] да сешанба куни Элтузар *иноқ* Абулғозихонни халъ этиб, душанба куни ўзи подшоҳлиғ тахтиға жулус қилди.

Ва Абулғозихон сана минг икки юз йигирма бирда хони фирдавсмакон Элтузар Муҳаммад Баҳодирхоннинг воқеаи ҳоиласидин сўнг жумода-л-аввалнинг ўн иккиланжиси[1266] да якшанба куни ҳазрат султони соҳибқирон ва хоқони гардунтавоннинг мароҳими хусравонаси била яна подшоҳлиқ саририға жулус қилди. Ва санаи мазкурада шаввол ал-мукаррамнинг еттиси[1267] да панжшанба кечаси маъзул бўлуб, Чингизия дудмонининг давлати Хоразм музофотидин мунқате бўлди. Алҳамдилиллоҳ вал-минната ки силсилаи салтанат ва комкорлиғ, навбати хилофат ва жаҳондорлиғ ҳазрат аълохоқони гардунтавоннинг даргоҳи фалакиштибоҳи мулозимлариға ихтисос топтиким, хутбаи «Биз уни ер юзида ўринбосар-халифа қилдик[1268] » исми ҳумоюни била мувашшаҳ ва секкаи «Оллоҳ адолат ва эҳсонга буюрур[1269] » маймуни

[1258] Музабзаб – иккиланиш, саросимада қолиш.
[1259] Девонбеги – хон (амир) маҳкамаси, девонининг бошлиғи.
[1260] Ҳижрий 1205/1790-91
[1261] 1217 йил 22-жумоди-л-аввал/1802 18 сентябр.
[1262] 1217 28-жумоди-л-аввал/1802 24 сентябр.
[1263] 1218 йил 26-зу-л-қаъда/1804 6 феврал.
[1264] 1218 йил 1-зу-л-ҳижжа/1804 13 март.
[1265] 1219 йил 12-шаъбон/1804 17 ноябр.
[1266] 1221 йил 12-жумоди-л-аввал/1807 29 июл.
[1267] 1221 йил 17-шаввол/1806 29 декабр.
[1268] Қуръони карим, 2 : 30.
[1269] Қуръони карим, 14 : 90.

била мутарраҳдур. Қавоим аркони жалолати «туташ бинолардек бир саф[1270]»дур, ҳаволии айвони «кирган омонлик топади[1271]»ға махсус. Ва ливои давлати «биз сизларга очиқ-равшан ғалаба бердик[1272]» тазҳиби била муталлодур. Ва теғи жалодати «оллоҳ сенга улуғ қудрати билан ёрдам берсин[1273]» сайқалидин мужалло. **Назм:**

Шаҳеким шаҳаншоҳлар шоҳидур,
Жаҳон шаҳлари хоки даргоҳидур.
Сикандарназиру Сулаймонмисол,
Ануширвонадлу Дорожалол.
Хидеви Жамиқболу Кайиқтидор,
Жаҳонбон ва дарёдилу бахтиёр.
Жаҳонгирлик буржида офтоб,
Жаҳондорлиғ дуржида дурри тоб.
Муаяд батааиди ҳаййи қадим,
Худованди даврон Муҳаммадраҳим.
Шукуҳи фалак шавкатин синдуруб,
Жаҳон кўнглини рофати тиндуруб.
Чекиб ҳар сориким чу заррин алам,
Қилиб фатҳ ул мулкни яккалам.
Жанобида кўк кўси навбат уруб,
Рикобида иқболу давлат юруб.
Топиб сайъидин зўр бозуи адл,
Умур ичра тузди тарозуи адл.
Шариат топиб жаҳдидин иртифо,
Маноҳи халойиқдин этти видо.
Замонида топиб адолат шуҳуд,
Ситам расмидек бўлди бидъат набуд.
Келиб кафи эҳсони дарё навол,
Топиб андин абри баҳор инфиол.
Вужуди бўлуб мазҳари файзи жуд,
Олиб жудидин баҳра аҳли вужуд.
Илаҳий қилиб кўкни то тахтгоҳ,
Сипоҳи нужум узрадур меҳр шоҳ.
Қилиб шоҳи олам жаҳонни муте,
Жалолидек ўлсун мақоми рафе.
Чу Чингизия зикрин этдим тамом,
Қилиб илтижо бахт имдодига,
Шуру айлайин шоҳ аждодига.
Баён айлаб алқоб ила отини,
Қилай шарҳи тазкор ҳолатини.
Аёқчи карам қил шароби нажот,
Ки қилмиш мукаддар мани ҳодисот.
Бўлуб нишодин сурхушу комрон,
Чекай хома мақсуд сори равон.

[1270] Қуръони карим, 61 : 4.
[1271] Қуръони карим, 3 : 97.
[1272] Қуръони карим, 48 : 1.
[1273] Қуръони карим, 48 : 3.

Тўртунчи боб ҳазрат подшоҳи соҳибқироннинг абойи кdiром ва аждоди зулэҳтироминнинг зикридаким, ҳар қайси бир ахтари тобондур эморат буржида ва ҳар бири бир гуҳари рахшондур эсолат дуржида

Арбоби таворих ва асҳоби савониҳ[1274] қалами мишкин рақамнинг саманди барқ рафторин варақ майдонида мундоқ гармжавлон қилибдурларким, Дабун Баёнхонким, Аланқувванинг жадди эрди, анинг асрида *мўгул* ақвомидин *қўнгрот* қабоилининг мавотин ва масокинлари Қуло деган наҳрнинг канорида воқе эрди. Ул чоғда *болгали* уруқидин **Қолжидойхон** деган барча *қўнгрот*ға подшоҳ эрди. Бағоят одил ва фозил киши эрди. Анинг замонида *қўнгрот* қабоилининг давлат ва сарвати ортти. Ва қўй ва сойир баҳоимнинг ҳисобидин ақл ожиз келди. Анинг бир иниси бор эрди Солжидой отлиғ. Ва бир ўғли бор эрди Қадонхон отлиғ. Қолжидойхон вафот қилурда эл ва амволин икки тақсим қилиб, ул икковиға берди ва охират йўлин тутти. **Қадонхон** чун подшоҳлиқ маснадиға ўлтурди, Солжидойхон шайтон иғвоси била хуруж қилди ва кўп муҳориба ва муқотиладин сўнг Қадонхонни тутуб, маҳбус қилди. Ва ул ҳибсда ҳалок бўлди. **Шеър:**

Фалак қилса ҳар кимсага ёрлиг,
Топар душманидин мададкорлиг.
Чу иқбол ўлур рўйгардон анга,
Бўлур қардоши душмани жон анга.

Солжидайхон Қадонни ҳибс қилғондин сўнг барча *қўнгрот*ға *ҳоким* бўлди. Андин сўнг беш пуштғача анинг авлоди подшоҳлиқ сурди. Сўнгғи подшоҳнинг оти Қаравулхон ибн Тийможхон ибн Кескунхон ибн Ўронжихон ибн Бурқихон ибн Солжидойхон. Барча *бурқут* жамоаси Бурқунинг наслидиндур.

Жойилғонхон бағоят оқил ва донишманд киши эрди. Ва ул Қадонхон ибн Қолжидойхон наслидиндур. Андоқким, Жойилғонхон ибн Ағонойхон ибн Сунтой Темур ибн Қавчин ибн Қадонхон. Қавчини мазкурнинг яна бир ўғли бор эрди Курлой отлиғ. Барча *курловут* эли анга мансубдур. Жойилғонхон Тумнахонға маосир эрди. Ул учурда анинг эл ва аҳшом[1275] и кўпалиб эрди. Хуруж қилиб, Қаровулхонни ўлдурди ва жаддининг маснадиға ўлтуруб, барча *қўнгрот*ға подшоҳ бўлди. Ва атрофидағи бошқа элларни забтиға киюрди. Ва *мўгул* хонлари ва ўзга *атрок* ҳуккоми анинг райъидин тажовуз қила олмас эрдилар. Анинг Мунка отлиғ бир ўғли ва Оружахотун деган бир қизи бор эрди. Ул қизни Чингизхоннинг учунчи жадди Қаблахон ибн Тумнахонға берди. Андин олти фарзанд бўлди. Барчасини *«қиёт»* атадилар. Бир неча муддатдин сўнг ўғли Мункани валиаҳд қилиб, оламдин ўтти. **Маснавий:**

Ўлтуруб тахт уза Жойилгонхон,
Мулкни айлаб эрди ободон.
Чун фалак арзи инқилоб этти,
Умрининг мулкини хароб этти.

Мункахон соҳиби шавкат ва олий ҳиммат эрди. Анинг етти фарзанди бор эрди. **Пашон, Санки, Жомуқа, Бойсун, Арслон, Қубдой, Севинж.** *Қўнгрот*нинг аксар қабоили буларнинг наслидиндур. Мункахон Арслондин улуғ тўрт ўғлини йигирма минг хонавор *қўнгрот* била Қаромуран сувининг канориға йиборди. Алар ул мавзени таҳти тасарруфиға киюруб ўлтурдилар.

Мункахон ўлгандин сўнг **Арслонхон** салтанат тожи била сарафроз бўлди ва адолат тахти била мумтоз. Ва дерларким, Бурқоқ ибн Қаблхонким, Оружа хотуннинг ўғли эрди ва ани Хитой подшоҳи Олтонхон ўлдуруб эрди. Бу жиҳатдин Арслонхон черики била бориб, Хитойнинг Хонбалиғ деган вилоятин торож қилиб, Буқу Чингсан отлиғ Олтонхоннинг амирин ўлдуруб қайтти. Мўғулистон хонларининг орасида муаззаз ва мўътабар бўлди. Анинг ўн фарзанди бор эрди. Улуғининг оти Динуён эрди. Анга элнинг аёлатин топшуруб, оталари борғон йўлға борди. **Қитъа:**

[1274] Савониҳ (сониҳа) – воқеалар, ҳодисалар.

Бу бақоеки эрур мавҳуме,
Собиқу лойиқ анга келди фано.
Чун эрур икки фано ўртасида,
Зинҳор ани бақо дема яно.

Динуёнхон. Доритой асл отидур. Динуён лақаби. Ул подшоҳ адолат шиор ва шаҳриёри шижоат осор эрди. Чун ота тахтиға ўлтурди, сахо ва карам эшигин фуқаро ва масокин юзиға очти. Адлу рофат тухмин сипоҳи ва раият санадиға сочти. Ва ул Ясукай Баҳодирға муосир эрди. Анинг Қиёхон ва Турк Омулхон ва Тағочор *нуён* деган уч ўғли ва Бурта қавчин хотун деган бир қизи бор эрди. Ани Ясукай Баҳодир Чингизхонға олиб берди. Ул қиздин Жўжихон ва Чиғатойхон ва Ўктойхон ва Тўлихон вужудға келди. Андоққим, собиқан зикр топиб эрди. Динуёнхон Қиёхонни Қаромурандаги *қўнғрот*ға подшоҳ қилиб, Турк Омулхонни ўзиға валиаҳд қилди. Ва Тағочор *нуён*ни анга амири лашкар этти. Қиёхон Кайукхон ибн Ўктой қоон замонида ўлди. Чиғатойхон анинг икки қизин олиб эрди.

Чун Динуёнхон вафот топти, **Турк Омулхон** подшоҳлиқ маснадиға мутамаккин бўлди. Дебдурларким, бурун кўнгли зулмға мойил эрди ва табъи фасодға муқтазий. Бу жиҳатдин анинг қаламравида қаҳат ва ғило воқе бўлди. **Байт:**

Кишиким луқмаи нон топиб,
Ўлук жисмига гўёйи жон топиб.

Бу ҳодиса вуқуидин сўнгра зулмдин тавба қилиб, адл тариқиға сидқ қадамин қўйди ва фуқароға истимолат кўргузди. Худойи таборака ва таоло фазли била қаҳат бартараф бўлуб, бир қўйини бир оқчаға олмадилар. Ва Чингизхон *каройит* Ўнгхон била урушғонда Қуло наҳрининг канориға кўчуб келиб, Турк Омулхондин мадад тилаб, анинг имдоди била аъдосиға муставлий бўлди. **Маснавий:**

Бале, найзадин ортуқ ишлар асо,
Мадад берса неруи бозу анго.
Қилич нечадин айру тушган замон,
Эрур ул ҳамон, нақши дебо ҳамон.
Мададлиг кадо эл уза бўлди шоҳ,
Мададсиз шаҳ аъдосига хоки роҳ.

Чингизхон подшоҳлиқ тахтиға жулус қилғондин сўнг Тағочор Баҳодирни Турк Омулхондин тилаб, ўзиға амири лашкар қилди. Улуғ вилоятларға оғир черик била ани йиборур эрди. Таърих ҳижрий олти юз ўн беш[1276]да *маркит* хони Тўқтобекининг иниси Қудувким, ўғлонлри била *найман* юртида ўлтуруб, фитна ва фасод зоҳир қилур эрдилар, Тағочор Баҳодир Субудой Баҳодир била бориб, Жаммурон сув[1277]инing канорида топиб, ўлжа ва асир қилиб, Чингизхон олдиға келиб, кўп иноятлар била мустаҳзар бўлди. Банокатий ва «Равзат ас-сафо» тарихида келтурубдурларким, сана олти юз ўн етти[1278]да Чингизхон анинг била Жаба *нуён* ва Субудой Баҳодирға қўшулди. Чингизхоннинг бу жиҳатдин қаҳри келиб, Элчиктой *нуён*ни саксон минг киши била Ҳирот қасдиға номзад қилди. Ва ул бориб, Ҳиротни олиб, қатли ом қилиб, қалъа ва иморотини хароб этти. Ва Турк Омулхон ўттуз беш йил салтанат суруб, таърих олти юз ўн секкиз[1279]да ҳаёт вадиатин қобиз ал-арвоҳға топшурди. Анинг тўрт ўғли бор эрди. Улуғининг оти Таним Кўрагон. Чингизхон ани бағоят севар эрди. Тумоюн отлиғ қизин анга берди.

[1275] Аҳшом – эл-улус, уруқ-аймоқ.
[1276] Ҳижрий 615/1218 йил.
[1277] Сув сўзи бирон ном билан берилса дарё номини билдиради. Масалан: Сир суви ёки Сир суйи, Ому суйи бўйида ва ҳоказо.
[1278] Ҳижрий 617/1220-21 йил.
[1279] Ҳижрий 617/1220-21 йил.

Андоқким, Банокатийда маълум бўлур. Бу жиҳатдин ани Кўрагон дедилар. *Мўғул* тилида куёвни «кўрагон» дерлар. Ва кичикларининг оти Элчи *нуён* ва Очой ва Тўкон.

Таним Кўрагон. Чингизхон ани отасининг ўрнига насб қилди ва барча *қўнғрот*ни анинг ҳукмига мафвуз қилди. Ва «нуён» лақаб берди. *Нуён мўғул* луғатида «амир ал-умаро» демак бўлур. Чингизхон Хитойни олғондин сўнг хонлиқ лақаби бошқа кишида қолмади[1280]. Ва Таним Кўрагон аксар муҳорибада Чингизхоннинг қошида бўлур эрди. Хон Султон Жалолиддин Хоразмшоҳ била Синд канорида урушғонда, Таним Кўрагон кўп муборизат қилиб, султоннинг туғчисин ўлдурди ва султонға захм урди. Султон шикаст топиб, ўзин дарёға солиб ўтти. Хон кўп инъом ва эҳсон қилиб, ўзга умародин мартабасин баланд қилди. Ва Чингизхон Эрондин муовидат қилғандаким, Жўжихон отасининг хизматиға шикорғоҳда келиб эрди, хон ани ўз мулкига қайтарурда Таним Кўрагонни эл ва улуси била анга *вакил* ва *нуён* қилиб йиборди. Ва Жўжихон дағи ани бағоят муаззиз ва мукаррам тутуб, маслаҳатидин тошқари ҳеч ишга қадам қўймади. Ва ул охир умрида мусулмон бўлди. Ва анинг Мусо Кўрагон отлиғ бир ўғли бор эрди. Сана олти юз ўттуз бирда ва баъзи олти юз ўттуз учда ҳам дебдурлар, (вафот топти.)

Мусо Кўрагон отасиға қойиммақом бўлуб, Ботухон ибн Жўжихон анга тарбият қилиб, Ҳулокухон ибн Тўлайхоннинг Тарақай хотун деган қизин анинг ақдиға киюрди. Андин Нўқой *нуён* ва Тўдоку хотун вужудға келди. Султон Аҳмад Такудор ибн Ҳулокухон силки издивожиға чекти. Мусо Кўрагон сана олти юз олтмиш уч[1281]да Беркахон асрида вафот топти.

Нўқой *нуён*. Нуйийини аъзам ва солор мукаррам эрди. Ва вилодати Ботухон замонида эрди. Беркахон Эрон подшоҳи Абоқохон қасдиға сипоҳ чекканда, ани манқилой қилиб эрди. Ул Ширвон ҳудудида Абоқо черики била урушуб, шикаст берди. Яна қазия бар акс тушуб, анинг кўзига ўқ тегиб, лашкари ҳазимат топти. Беркахон фавтидин сўнг Мунку Темурхонни анинг сайъи била хон кўтардилар. Мунку Темурхон анинг ҳаракати била черик тортиб, Булғор диёрин мусаххар қилди. Ва хон ул диёрни анга суюрғол қилиб, ул улуғ ўғли Оғдой Баҳодирни ўттуз минг уйлук *қўнғрот* ва юз минг уйлук ўзга *атрок* била ул вилоётда *ҳоким* қилиб, ўз юртиға азимат этти. Бу жиҳатдин ул кишвар элин *нўқой* эли дедилар. Таърих олти юз саксон олтидаким, рамазон ал-муборак[1282] эрди, Мунку Темурхондин *амир* Турктой Баҳодир била саксон минг киши олиб, Арғунхон қасди учун Эронға юруш қилди. Ва Эрон умароси била урушуб қайтти. Ва дебдурларким, Тўқтоғухон ибн Мунку Темурхон Тўдо Манкухондин мутаваҳҳим бўлуб қочиб, элдин мутаворий бўлуб эрди. *Амир* Нўқой *нуён*ға битиб йибордиким «оқо ва ини аммзодаларим менинг қасдимға муттафиқ бўлубдурлар. Ман санга илтижо қилурман». Бу жиҳатдин ғайрат қилиб, Саройға озим бўлди. Йўлда ҳар киши йўлуқса дер эрдиким «Қарилиқ вужудим мулкин торож қилибдур. Жадал ва фитна таркин тутубман. Ҳеч ким била мужодила ва муҳориба хаёлим йўқтур. Лекин Соинхондин Ёрлиғим бордуким, анинг авлод ва уруқ ва улусидин биров фасод ва бероҳлиқ изҳори қилса, оштий бериб, кўнгулларин бир-бирига мувофиқ қилғайман». Барча Жўжи эли бу фирибомез сўзларни эшитиб, муте ва мунқод бўлдилар. Чун Саройға яқин етти, Тўқтоғухонға киши юбордиким, мустаид бўл ва муяссар бўлғанча лашкар олиб кел. Саройдағи шаҳзодалар *амир* Нўқой *нуён*нинг насиҳат учун келурин эшитиб, истиқбол қилдилар ва шаҳарға тушуруб, адаб била хизматида турдилар. Ва ул насиҳат тариқаси била дедиким. «Эй фарзандлар! Ман оталарингизнинг давлатхоҳи эрдим. Менинг сўзимдин чиқмас эрдилар. **Назм:**

Хирадманде агар берса санга панд,
Эшитиб пандини бор эрсанг хирадманд.

Менинг беғараз сўзумни қабул қилингким, сизларнинг салоҳингиз сулҳдадур ва қурултой қилинг то сизларга оштий бергаймен.» Бу сўзда эрдилар, ногоҳ Тўқтойғухон лашкари жаррор била етушуб, Тўдо Мункухон била шаҳзодаларни билфавр қатлға еткурди. Ва Нўқой *нуён*ни иззати тамом била ўз юртиға узотти. Ва подшоҳлиқда тамкин топғондин сўнг Нўқой *нуён*ни карроту маррот тилатиб,

---

[1280] Яъни мўғул сарзаминидаги кичик хонликлар тамомила тугатилганига ишора.
[1281] Ҳижрий 663/1264-65 йил.
[1282] 686 йил рамазон ойи/1287 10 октябр-8 ноябр.

ўзиға *отолиқ* қилди. Ва манқулдурким, уйғур тавоифидин Салжидой Кўрагонким, Тўқтоғухонға жадди модарий[1283] эрди, анинг ўғли Яйлоқға Нўқой *нўён* Қудоқ деган қизин бериб эрди ва куёв кофир эрди. Бу жиҳатдин қизни хор тутуб, қиз ҳам анга бўйун қўймай, орада мунозаат пайдо бўлди. **Маснавий:**

Қиз эрди мусулмону кофир куёв,
Мувофиқ бўла олмайин ул иков.
Хилоф ўртаға солди андоқ низо,
Ки тушти вифоқ амриға инқито.

Қиз ул кофирнинг тааддисидин торикиб, отасиға эълом қилди. Нўқой *нўён* ғазабнок бўлуб, ташаддуд била куёвдин қизини олди. Ва Тўқтоғухон Солжидой ва Яйлоқ тарафин қаробат жиҳатдин тутуб, Нўқой *нўён* била анинг орасида мухосимат воқе бўлди. Андоқким, Тўқтоғухон сипоҳи бекарон била анинг қасдиға ҳаракат қилди ва Нўқой *нўён* дағи элу улусин йиғнаб, улуғ ўғли Оғодой Баҳодирғаким, Булғор[1284] ва Чаркас ва Қазон мамоликида отаси ўрнида *ҳоким* эрди, киши йиборди. Ул дағи барча *нўқой* элидин черик йиғнаб, отасиға қўшулди. Ва *манқит* Сунқур Мирзоким, Отил канорида *қўнғрот* улусиға қариб ўлтуруб эрди, ул ҳам *нўён*нинг ваҳмидин заруратан ўз черики била келиб, *нўён*ға мулозим бўлди. Ва яқин ўлтурғон бошқа *атрок*дин ҳам сипоҳ олдилар. **Маснавий:**

Бўлуб жам андоқ сипоҳи гарон,
Ки сиғмай жаҳонга карон то карон.
Агар билса анжум шуморин хирад,
Вале билмагай ул сипаҳга адад.
Агар қилса жунбиш биёбон аро,
Қилур гарди равшан жаҳонни қаро.

Мундоқ жунуди номаъдуд била Тўқтоғухонға истиқбол қилиб, саф чекти. **Назм:**

Ҳамул икки лашкар чекиб эйла саф,
Ки андоқки мерган сафи ҳар тараф.
Вале ҳар саф андозаси то карон,
Бўлуб касрати найзадин найистон.
Ҳамул найистонлар аро ҳар далер,
Келиб ғўйё бир хурушанда шер.
Бари сафзану сафдару сафшикан,
Бари куҳандозу гардунфикан.
Бўлуб сарбасар кўк темур ичра гарқ,
Қилиб бўлмайин кўкдин ул ерни фарқ.

Алқисса, баҳодирлар сурон солиб, масоф воқе бўлди. Ва ул урушда Оғодой Баҳодир Солжидой Кўрагон бошлиқ ўн беш мўътабар баҳодирни паҳлавонлиқ била ўлдурди ва кўп кишини захмдор қилди. Бу жиҳатдин хон қаҳрнок бўлуб, сипоҳни урушға тарғиб қилди. *Нўён* дағи бовужуди қарилиғ, туғи била хон қасдиға от солди. Хон тоб келтура олмай, ҳазимат топти. Аммо, Оғодой Баҳодир отасининг бурунғор черики била хоннинг жувонғориға уруб урушур эрди ва манғит Сунқур Мирзо анга ҳамроҳ эрди ва Тўқтоғухонға муносибати кўпрок эрди. Бу сабабдин Оғодой Баҳодир урушға қизғанда ғофил топиб, кейнидин бир зарбат уруб, ҳалок қилди ва бошин олиб, ўз сипоҳи била хонға қўшулди. Душманлар бу воқеадин қувват топиб, қайтиб *нўён*ға муқобил бўлдилар. Ва *нўён* қошидағи черик ўлжа олмоқға мутафарриқ бўлуб, оз киши қолиб эрди. Тоқат келтура олмай, шикаст топти. *Нўён*ни Ўрус отлиғ *мўғул*

[1283] Она томондан бобоси.
[1284] Булғор – ҳозирги Россиядаги Оренбург вилоятидан Татаристонгача бўлган ерлар.

тутуб, хонға келтурур эрди, йўлда ўғлининг ўлганин эшитиб, бир оҳи сард[1285] жигари пурдардидин тортиб, ҳаққа жон таслим қилди. Умри тўқсон иккида эрди. Баъзи саксон бир дебдурлар. Бу ҳодиса сана етти юз ўн уч[1286] да эрди. Анинг етти ўғли бор эрди. Оғдой Баҳодирдин ўзгасининг оти ва ҳолоти маълум эрмас.

Оғдой Баҳодир бағоят шужо ва мутаҳаввир киши эрди. Ва йигирма икки йил Булғорда подшоҳлиқ сурди. Ва айёми ҳукуматида Ўрус ва Черкас устиға черик тортиб, ғазот қилди. Ул вилоятларни таҳти фармониға киюруб, ўзидин *ҳокимлар* қўйди. Ва Ҳожи Тархон қалъасиким, Жўжихон замонидин бери хароб эрди, обод қилдурди. Ва аксар куффордин жузя олур эрди. Ва сахову карами ҳаддин зиёда эрди. Андоққим, Фахриддин Муҳаммад Хоразмий деган тожир Булғорға савдо қила бориб эрди. Бир кун Оғодой Баҳодир шикордин келурда Хоразм олмасидин бир жуфт ва Самарқанд аноридин икки жуфт тортти. Баҳодир ишорат қилди эрса, ганжвари анга уч юз болиш[1287] зар берди. Яна мундоқ инъомот ва эҳсоноти кўп эрди. **Назм:**

Анингдек қилур эрди ийсор мол,
Гадо эрди маҳрум ёнмоқ маҳол.

Аммо, ҳайфким, қариликқа етмади. Сана етти юз уч[1288] да отасининг воқеасида *манқит* Сунқур Мирзо ўлдурди. Андоққим, юқорида зикр топти. Ёши ўттуз бешда эрди.

Нўғадой отлиғ бир ўғли бор эрди. Черкасга *волий* эрди. Ото ва бобосининг муваҳҳаш хабарин эшитгандин сўнг, *қипчоқ* Эсан Буғо Чечан деган отасининг дўсти бор эрди, анинг била Черкасдин қочиб, Отил оёқида Ўзбакхон қошиға келди. Ўзбакхон ани тарбиятлар қилди ва анга *Нўён* лақаб берди. Ва Тўқтоғухон фавтидин сўнг Ўзбакхон барча *жўжи* элига подшоҳ бўлуб, *амир ал-умаро*лиқ мансабин анга муқаррар қилди. Чун султон ал-орифин ва зубдат ас-соликин, қутб ал-олам ва ғавс ал-аъзам, санад ал-авлиё ҳазрат саййид Аҳмад саййид Ото *наввара марқадаҳу* Саройға борғандаким, Ўзбакхон мусулмон бўлуб, барча *жўжи* элини мусулмон қилиб, «ўзбак» лақаб бериб эрди, Нўғадой бийга бийлик лақабин тахсис туттиким, *нўён*ни мундин сўнг «бий» десунлар, токим, куффор расмиға тағйиир берилмиш бўлғай. Манқулдурким, Нўғадой *бий*нинг адолати ул ғоятда эрдиким, бир кун фуқаро изҳори тазаллум қилдиларким, кичик ўғлингиз Борин мирзо ҳар кун шикор борурда бизнинг ариқ сақосидин ўтуб, от оёқи била вайрон қиладур. *Бий* аларға узрлар айтиб дедиким «Тонг била келинг, додингизни берали». Ва Борин Мирзо шикордин қайтиб, уйига тушгандин сўнг ани одиға тилатиб, ёрғу қилиб, йиғочдин остиб ўлдурди. Фуқаро эртанг келиб, ул воқеани кўрди эрса, фиғон тортиб, *бий*нинг оёқиға тушдиларким «бизнинг жонимиз фидо бўлсунким, не учун мундоқ қилдингиз?» Нўғадой *бий* айтдиким, «агар золимни қудратим етиб, дафъ қилмасам, Тангри тутғусидур». **Маснавий:**

Қил инсофким, бу берур чогда дод,
Анушибвондин эмасму зиёд.
Гар ул ўғрини қирди шиддат била,
Бу ўлдурди ўғлин адолат била.
Ул эрди мажуси-ю, аҳли залол,
Бу лекин эди муваҳҳиду аҳли ҳол.
Мунингдек адолат ки қилди ҳунар,
Деса бўлгай ани назири Умар.

Аммо, комили мукаммал ва орифи соҳибдил эрди. Ва ҳазрат Саййид Ото *қуддиса сирруҳу* силсиласига дохил бўлуб, камолот ҳосил қилиб эрди. Ҳикоят келтурубдирларким, Нўғадой *бий* такбир таҳримиға шуру қилмас эрди то каъбаи мутабаррика назари зибасариға жилвагар бўлмай. **Байт:**

[1285] Сард – совуқ.
[1286] Ҳижрий 713/1313-14 йил.
[1287] Болиш – думалоқ ёстиқ. Бу ерда: думалоқ қуйма олтин маъносида.
[1288] Ҳижрий 703/1303-04 йил.
[1289] Жавор – ён-атроф, қабтол.

На давлат дурурким, қилурда намоз,
Назаргаҳда бўлмоқ ҳарам жилвасоз.

Ҳазрат Саййид ото *алайҳирраҳма* Хоразм келурда улуғ ўғли Ҳорун Мирзони Ўзбакхоннинг қошида ўзига қойиммақом қилиб ва ўзи мансаб таркин тутуб, ҳазрат Саййид била Хоразм келди. Ва Кўҳна Коткимул чоғда ободон эрди, ҳазрат Саййиднинг амри била анда манзил тутти. Гоҳ-гоҳ Боқирғон бориб, пирига хизмат қилур эрди. Бир неча муддатдин сўнг Котда вафот топиб, ҳазрат Шайх Аббос *қаддаса сирраҳул – азиз*нинг жавори[1289]да ўзининг солдурғон иморатида мадфун бўлди. Ҳоло ҳам ул иморатнинг асари бордур. Аммо, умри ва таърихи вафоти маълум эрмас.

Ҳорун Мирзо отаси ҳазрат Саййид Ото била Хоразм борғондин сўнг Ўзбакхон қошида *амир ал-умаро* бўлуб, фуқаронинг ҳаллу ақдиға иштиғол кўргузди. Ва Жонибекхон замонида мартабаси баланд бўлди. Ва сана етти юз эллик секкиз[1290]да Жонибекхонким, Малик Ашраф қасдиға Эрон борурда ани ўз ўрнида соҳиби ихтиёр қилиб борди. Бағоят сипоҳи киши эрди. Сипоҳигарлиқнинг ясоқ ва йўсинин яхши билур эрди. Жонибекхон фавтидин сўнг Бердибекхонким, оқо ва инисин ўлдуруб эрди, ани дағи шаҳид қилди. Муддати умри қирқ беш йил эрди. **Шеър:**

Қилма чу фоний аро эй ҳушёр,
Умринг ила давлатингга эътибор.
Кимга фалак берганин олмади,
Зулм била туфроқ аро солмади.

Темур *бий* отаси хабарин эшитгандин сўнг элига саранжом бериб, ёғийгарлиқ оғоз қилди ва Бердибекхоннинг аксар мамолокин ғорат қилди ва элу улусин кўчуруб, Сир канорида манзил тутти. Ва ҳеч подшоҳға тобе бўлмади ва ҳаргиз салотин даргоҳиға бормади. Ривоятдурким, қушчилиқ фанида бағоят моҳир эрди. Аксар авқот қуш солмоқ ишига машғул эрди ва минг мири шикорға вазифа берур эрди. Ва балоғатға етгандин сўнг ихтиёр била бир намозин қазо қўймади ва бир саҳарни ғафлат била ўткармади. Ёши эллик бешда эрдиким, ҳақ жавориға борди. Ва авлоди беш эрди, бу тартиб билаким, **Идрисбек, Қутлуқ бий, Қулмон Баҳодир, Тағойбек, Бурка.** Аммо, Идрисбек отасидин бурун вафот топти. Андин бир ўғул қолди Эшқули отлиғ. Баъзи *эшқули* уруқин бу кишининг наслидин тутубдурлар, баъзи бошқа *қўнгрот*дин, дебдурлар. **Назм:**

Темур бий *неча кун тутуб даҳрни,*
Адолат била ёрутуб даҳрни.
Чу тутти ажал жоми пурзаҳр анга,
На давлат мадад қилди, на даҳр анга.

Қутлуқ *бий* шижоат ва шаҳоматлиғ киши эрди. Отасидин сўнг эл ва улус забтиға қиём кўргузди. Адлу дод русумиға иқдом еткурди. Ул асрда улуғ жадди Оғодой Баҳодирни ўлдурган *манқит* Сунқур Мирзонинг аҳфодидин Ширин Мирзо деган Манқит *волийси* эрди. Қутлуқ *бий* анинг дафъиға хулоса икки минг шужо йигит била илғаб, бир кеча анинг манзилиға қуюлуб, Ширин Мирзони тутуб ўлдурди ва ҳашамин талаб, кўп кишини ўлжа ва асир қилиб, муовидат этти. **Байт:**

Ул ки феъл замима[1291] *фош этти,*
Феъли эрдики, бошиға етти.

Бир неча фурсат айшу ишрат додин бериб, таърих ҳижрий секкиз юз йигирма уч[1292]да «яратганинг олдига қайт[1293]» нидосиға лаббайка ижобат замзамасин сурди. Ёши ўттуз уч эрди. Ва уч ўғул ёдгор қўйди: Менглиш Баҳодир, Толишбек ва Бердишбек. **Байт:**

1290 Ҳижрий 758/1356-57 йил.
1291 Замима – ёвузлик.
1292 Ҳижрий 823/1420-21 йил.
1293 Қуръони карим, 89 : 28.

Умрни билмак недурур жовидон,
Деди расули араб *«ал-умри фон[1294]».*

Менглиш Баҳодир отаси валиаҳд қилиб эрди. Аммо, кичиклик жиҳатдин эл бошқарғудек эрмас эрди. Қулмон Баҳодир анинг тарафидин эл забтиға иштиғол кўргузур эрди. Менглиш Баҳодир ўн секкиз ёшиға етгандин сўнг отаси мансабин анга топшуруб, ўзи узлат ихтиёр қилди. Менглиш *бий* бағоят шужо эрди. Бу жиҳатдин «Баҳодир» лақаби отиға изофа қилилди. Дерларким, уч минг йигитга марсум бериб, *қалмоқ* чопар эрди. Ёши қирқға етганда мафлуж бўлди. Отланмоқ ва тушмакка қодир эрмас эрди. Ўн беш ўғли бор эрди. Улуғ ўғли Муса *бий*ни валиаҳд қилиб, сана секкиз юз эллик олти[1295]да оламга видо қилди. Ёши қирқ тўртда эрди. **Назм:**

Менглиш бий *агар газот қилди,*
Олам аро яхши от қилди.
Айланди хилофиға замона,
Жуз от анга қолмади нишона.

Мусо *бий* Ёдгорхонга муосир эрди. Ул учурда Ширин Мирзонинг набираси Кучош Мирзо деган Манқит *ҳоким*и эрди. Черик йиғнаб, Мусо *бий*нинг қасдиға отланиб, *қўнғрот* элига икки манзиллик келганда хабар етушди. Ва *қўнғрот*нинг аксар черики *қалмоқ* жиҳодиға бориб эрди. Мусо *бий* элга сурдовул йибориб, икки юз киши йиғналди. Ул икки юз киши била истиқбол қилиб, уруш солди ва асру жадду жаҳд қилиб, *манқит*дин кўп кишини қатлға еткурди. Оқибат озлиқ жиҳатдин шикаст топиб, мунҳазим бўлди. Ва Кужош Мирзо *қўнғрот*нинг баъзи элин талаб ва асир қилиб янди. Ва Мусо *бий* Ёдгорхоннинг ўғли Берка султон ўрдусиға келиб, мадад тилади эрса, Берка султон иззат ва ҳурмат била қабул қилиб, дедиким «Алҳамдулиллоҳки, бизнинг элимиз кўп бўлуб, ҳеч хоннинг тавобеидин кам эрмастур. Эмди иттифоқ била отамни хон кўтарали. Сен улуғ *бий* бўл. Андин сўнг душманнинг қасдиға юрали.» Алқисса, иттифоқ била барча элни ундаб ва улуғ сур[1296] тартиб бериб, Ёдгорхонни тахтға ўлтурғуздилар. Берка султон Мусо *бий* била сипоҳ йиғнаб, Кучош Мирзо дафъиға юруш қилдилар ва Кучош Мирзони ғофил топиб, ўлдурдилар. Ва *манқит*ни чопиб, боқиндурдилар. Ва қиш ул ноҳиятда қишлаб, баҳор элни кўчуруб, Ёдгорхон хизматиға етуштилар. Хон аларға камари заррин ва хилъати гаронмоя кийдуруб, Мусо *бий*ни барча қаламравиға соҳиби ихтиёр қилди. Ва Мусо *бий* муддати мадид мамлакат умуриға иштиғол кўргузуб, Шайбонийхон Берка султонни шаҳид қилғондин сўнг Абулакхон замонида ҳақ раҳматиға борди. Тўрт ўғли ва бир қизи бор эрди: **Оқмон Баҳодир, Муҳаммадбек, Алибек, Худойдодбек.** Муҳаммадбек Берка султоннинг қошида бўлур эрди. Берка султоннинг ғавғосида Шайбонийхоннинг Гирой деган навкари ўлдурди. Аммо, Алибек ва Худойдодбекнинг ҳолоти маълум эрмас. Ва қизни Элбарсхон олиб эрди. Султонғози султон ва Муҳаммадғози султон ул қиздин таваллуд қилди.

Оқмон Баҳодир отаси фавтидин сўнг Элбарсхон қошида *отолиқ* бўлди. Элбарсхон Урганжни олғонда ҳамроҳ эрди ва Тирсак қалъасининг ҳукумати анга тааллуқ тутти. Андоққим, Элбарсхон ҳикоятида баён килкининг рақамзадаси бўлуб эрди. Суфёнхон ва Бучғахон замонида бағоят мўътабар бўлди. Таърих тўққуз юз ўттуз уч[1297]да Аванешхоннинг авоили салтанатида ҳақ раҳматиға борди. Умри етмиш тўққузда эрди. Ҳақназар ва Кунтўғар отлиғ икки фарзанд ёдгор қўйди. **Назм:**

Жаҳон мотамсароедур ғамангез,
Киши йўқтур ки эрмас мотамомез.
Бу мотамхонада бўлмоқ недур шод,
Эшитиб ҳар нафас овози фарёд.

[1294] Ҳаёт фоний, ўткинчидир.
[1295] Ҳижрий 856/1452-53 йил.
[1296] Сур – тўй.
[1297] Ҳижрий 933/1526-27 йил.

Ҳақназар сиртлон отаси ўлганда эллик учда эрди. Отасининг мансабида ўлтуруб, элнинг адл ва додиға машғул бўлди. Ул сиртлон лақаби била машҳур эрди. Ул жиҳатдинким, шаббоб чоғида бир кун шикорда эрди, бир улуғ сиртлонким, ани бу чоғларда «дўлта бўри» дерлар, бағоят музирр[1298] махлуқдир, араб «заббу» ва «урафо» дер ва форсий «кафтор[1299]» дер, анга йўлиқиб, ҳамла қилди ва ул ҳамласиға рад бериб, бир зарбасида тамом қилди. Мундин сўнг «сиртлон» дедилар. Ва ул Аванешхоннинг *иноқ*и эрди. Абдуллоҳхон Хоразмни олиб, Аванешхонни шаҳид қилғанда Дурунда Динмуҳаммадхон ибн Аванешхон қошида эрдиким, *туркмон*иядин закот таҳсилиға ва *қизилбош* ғазотиға бориб эрди. Динмуҳаммадхон Хоразм келиб, Абдуллоҳхон сипоҳи била урушғонда ҳамроҳ эрди. Ул урушда анинг иниси Кунтуғар Баҳодир олтмиш кишини санчиб йиқти. Ҳақназар сиртлон Оқотой замонида оламдин ўтди. **Маснавий:**

Киши нечаким сиртлон ўлдурур,
Демай сиртлон, арслон ўлдурур.
Чу етти ажал сиртлони анга,
Омон бермас асло замоне анга.

Олоқ Баҳодир. Оқотойхон анга тарбият қилиб, отаси мансабин суюрғол қилди. Бағоят баҳодир ва шужо киши эрди. Аксар авқот Али султон била *қизилбош* ғазотиға бориб, диловарлиқ додин берди. Ҳеч маъракада анга муқобил бўлған омон қутулмади. Ҳожимхон замонида Али султон фавтидин беш йил сўнг сана тўққуз юз саксон бир[1300] да Теҳрон ғазотида Ҳасаналихон деган кофирнинг теғидин шаҳодат топти. Анинг ўғли ёлғуз эрди.

Бундаш Мирзо фақир машраб ва дарвеш ниҳод киши эрди. Аксар авқот уламо била суҳбат тутуб, фузалоға ҳамнишин эрди. Фуқаро ва масокин анинг х(в)они базлидин баҳраманд эрди. Ҳожимхон ани таклиф била отасининг ўрниға насб қилиб эрди. Бир неча муддатдин сўнг амални тарк тутуб, гўшанишинлик ихтиёр қилди. Хон андин сўнг ҳар неча амалға таклиф қилди, қабул этмади. Арабхон замонида сана минг йигирма иккида вафот топиб «қодир Подшоҳ ҳузурида рози бўлинган ўрин[1301]» жаворида манзил тутти. Анинг уч ўғли бор эрди: Ўмбой ва Султон ва кичикининг оти маълум эрмас.

Ўмбой *иноқ* шаббоб айёмида салотинға кам ихтилот қилур эрди. Ҳиммати қўймас эрдиким, кишига хизмат қилғай. Қушчилиқ ва деҳқонлиқ амриға машғул эрди. Чун Ҳабаш султон ва Элбарс султон отаси Арабмуҳаммадхонға осий бўлуб, хон даги алар таадиби учун сипоҳ тортиб, дастгир бўлуб, сипоҳи шикаст топти, бу дағи ул сипоҳда ҳозир эрди. Ёвдин чиқиб, Абулғозихон била бир тарафга қочтилар. Йўлда Абулғозихоннинг оти йиқилиб, пиёда қолди. Ўмбой ани ўз отиға миндуруб, ўзи пиёда қолди. Хон ани танимас эрди. Сўрашур фурсат бўлмай, йўлға кирди. Андоқким, собиқан зикр топиб эрди. **Қитъа:**

Кўр, на ҳиммат эрур, улким солибон ўзни балоға,
Яна офату бало варта[1302] сидин элни чиқармоқ.
Хоса етганда биров бошиға шамшири ҳалокат,
Қилиб ўз бошини қалқон анга ва ани қутқармоқ.

Тамсил: Ҳикоят қилибдурларким, чун *амир* Темур умароси Султон Аҳмад *жалойир*ни Карбало даштида мунҳазим ва овора қилиб, мурожиат эттилар, ҳаво бағоят иссиғ ва сув ноёб эрди. Ҳарорат баданлариға муставлий бўлуб, ташналик ғалабасидин бетоб бўлдилар. **Байт:**

Афсурда қилди халқни ул нав ташналик,
Ким, лаблардин ўтмади овози «ал-атш[1303]».

[1298] Музирр – зараркунанда.
[1299] Кафтор – чиябўри.
[1300] Ҳижрий 981/1573-74 йил.
[1301] Қуръони карим, 54 : 55.
[1302] Варта – жар, чуқур, гирдоб.
[1303] Ташналик борасидаги оятга ишора.

Билзарура ҳар ким сув жустажуиға бир тараф бордилар. Инонж ўғлон ва *амир* Жалол Ҳамидким, бири Жўжи авлодининг аозимидин ва бири умарои олиймиқдор маорифидин эрди, алар дағи сув тажассусиға киши йибориб, жадду жаҳд била икки ичим сув топиб келтурдилар. Инонж ўғлон ўз ҳиссасин ичиб, ташналиги таскин топмай, *амир* Жалол Ҳамидға айттиким: «Ҳасбатуллоҳ ташналикдин ўлгудекдурман. Агар ўз ҳиссатингни манга тафаққуд қилсанг ҳар ойина отинг арбоби «хушнудлик ва гўзал оқибати борлар[1304]» жарида[1305]сида марқум бўлур.» *Амир* Жалол деди: «Соҳибқирони комёбдин бу бобда ҳикоят эшитибманким, бир навбат бир *араб* бир *ажам* йўлдош бўлуб, бир бодияда бизлардек сувсиз ва ташна лаб қолдилар. Иттифоқан, арабда қадре[1306] сув қолиб эрди. *Ажам* анга дедиким, «арабнинг мукаррамат ва жавонмардлиқида шуҳрати тамом бордур. На бўлур агар бир шарбат сув била манга бу вартаи мамотдин нажот берсанг?» Араб кўп тааммулдин сўнгра деди: «Агарчи яқин билурменким, бу карам вужудим инъидом[1307]иға мусталзам[1308]дур, аммо, раво кўрманким, бу фазилати маврусий биздин соқит бўлғай».

Бас, зотининг афно[1309]син сифоти абқо[1310]сиға ихтиёр қилиб, сувни анга берди ва ҳалокға кўнгул қўйди. **Қитъа:**

Киши ки қўйди муҳаббат тариқиға қадамин,
Рафиқ учун бошидин кечмак ўлди вожиб анга.
Рафиқиға агар этмас эса фидо жонин,
Рафиқлиқ сифати йўқтурур муносиб анга.

Ғараз ки ман дағи ул жавонмарддек амал қилиб, Жўжи хондониға ва Чингиз дудмониға ҳақ собит қилурмен ул шарт билаким, чун ҳазрат соҳибқирон мажлисиға етушсанг, менинг жонбозлиқимдин ёр қилғасен ва бу ҳикоятни тарих саҳифасиға битгайсен. Инонж ўғлон қабул қилиб ва *амир* Жалол ҳалокатға тан қўюб, сувни анга берди. Ва аниким ҳалок сарҳадиға етиб эрди халос қилди. Ўзи дағи бу мукаррамат йўмни била ул лужжаи мамотдин соҳили нажотға чиқти. **Байт:**

Карам эрса гар элга бермак дирам,
Дегил жон фидо айламаклик карам.

Алқисса, душман етиб, Ўмбойнинг ҳиммат ва жонбозлиқиға инсоф бериб, дахл қилмади. Балки, мадҳу ситоишиға тил очтилар. Ва Абулғозихон Асфандиёрхондин сўнгким, салтанат тахтиға мутамаккин бўлди, мукарраран манодий қилдуруб, сўроғ солдиким, «манга ул яхшилиқ қилған йигит мавжуд бор эрса зоҳир бўлсунким, анинг яхшилиқининг уҳдасидин чиқғайман». Ўмбой эшитиб, камоли ҳимматдин зоҳир бўлмадиким, ул иш маздурлиқ изҳоридур. Хон иттифоқан шикорда йўлуқуб таниди ва келтуруб, хусравона зиёфат адосидин сўнг *иноқ*лиқ мансабида насб қилиб, мамлакат умурининг кулли ва жузви ихтиёрин анинг қабзаи иқтидориға топшурди. Хон *туркман*ни мамлакатдин овора қилғанда, Боми Бурмага Қоҳир хўжа бошлиқ кўп *туркман* йиғнолиб эрди. Хон ул жамоа қасдиға черик тортиб, Ўмбой *иноқ* хўжаи мазкурни қатлға еткуруб, муондларни мустосил қилди. Ва Анушахон замонида ҳақ жавориға борди. Хушхўй ва хушгўй киши эрди. Анинг тўрт ўғли бор эрди: **Яқуббек, Юсуфбек, Саййид *иноқ*, Бекижон *иноқ*.** Яқуббек била Юсуфбекдин насл қолмади. Ҳоло Шоҳниёз *отолиқ*ким, ҳазрат подшоҳнинг *отолиқ*идур, Бекижон *иноқ*нинг наслидиндур, бу тариқадаким: Шоҳниёз *отолиқ* ибн Искандар *бий* ибн Дўсим чураоғоси ибн Рустам *иноқ* ибн Бекижон *иноқ*.

Амир Саййид *иноқ* ота мансабиға мансуб бўлди. Ани Абулғозихон ўғуличилай парвариш қилиб, Анушахон била бир ерда улғайиб эрди. Ул жиҳатдин ани Саййидбек султон дерлар эрди. Отасидин сўнг

1304 Қуръони карим, 13 : 29.
1305 Жарида – саҳифа.
1306 Қадре – бир қадар, бироз.
1307 Инъидом – йўқ бўлиш, ўлиш.
1308 Мусталзам – бу ерда: боис.
1309 Фано.
1310 Бақо.

Анушахон замонида ротиқ[1311] и умури мамлакат ва фойиқи муҳҳоми салтанат[1312] бўлди. Хон дағи ани бағоят дўст тутуб, андин бемашварат ҳеч ишга иқдом кўргузмас эрди. Ва анинг улуғ ўғли Одина Муҳаммадбекни Орол ўзбакига *ҳоким*и билистиқлол қилиб йиборди. Ва Саййид *иноқ* аксар юрушда Анушахонға ҳамроҳ эрди, магар Бухоро сафаридаким, Машҳад фатҳидин сўнг ани Хоразм ҳаросат[1313] и учун қайтариб эрди. Анинг ғайбат[1314] ида Бухородин келурда *манқит* Одинақули *отолиқ* бошлиқ баъзи умаро йўлда хоннинг кўзиға мил торттилар. *Иноқ* бу хабарни эшитиб, хоннинг улуғ ўғли Худойдод султонни тахтға миндуруб, *отолиқ*иға ҳамдостонлиғ қилиб, хон кўзининг батолатиға сое бўлғонлардин интиқом чекти ва *отолиқ* Бухороға қочиб қутулди. Ва *иноқ* Худойдодхон замонида Анушахон вафотидин сўнг риҳлат қилди. Ва ул фаросат ва киёсатда мустасно, шижоат ва жалодатда ангуштнамо эрди. **Байт:**

Бошинг узра келса тортиб қиличин сипеҳри жаллод,
На киёсат айлар осиг, на шижоат айлар имдод.

Анинг етти ўғли бор эрди. Одина Муҳаммад *отолиқ* ва Худойқули *иноқ*дин ўзгасининг асомисин ҳар неча жўстижу қилиб, топа олмадим. Ва Худойқули *иноқ*нинг авлодидиндур Эрниёзхон ва Эшол *нойиб*. Бу айёмда ул жамоадин йигирма чоғлиғ садоғлиғ йигит топилур.

Одина Муҳаммад *отолиқ*. Ани отасининг замонида Орол аёлатиға номзад қилиб эрдилар. Отасидин сўнг *иноқ*лиқ мансабин Бекжонға тафвиз қилдилар. Ул жиҳатдин ранжида бўлуб, Орол шужаоси била Беш қалъани кўп чопти. Андоқким, юқорида зикр топти. Охир Арангхон ани келтуруб, ўзиға атобек ва *отолиқ* қилиб, мамлакат ихтиёрин анинг қабзаи иқтидориға солди. Ва Арангхон ҳодисасидин сўнг фақирнинг аждодидин Жиян *бий юз* била Орол бориб ва ул мамоликнинг сипоҳин келтуруб, *туркман*ни юртдин мустосил қилиб, жамии билоди Хоразмда жумлатулмулк ва фармонраво[1315] бўлди. Ва хавоқин ва умаронинг азлу насби анинг қўлида эрди. Ва Ёдгорхоннинг айёмида фано гулистонидин бақо бўстониға интиқол ва фироқ анжуманидин висол шабистониға иртиҳол қилди. **Маснавий:**

Гар жаҳон соҳиби ихтиёри бўл,
Етти иқлимнинг мадори бўл.
Оқибат марг ихтиёринг олур,
Мулку жоҳинг яна бировга қолур.

Карам ва саховатда Ҳотами Тойи бандаи ҳалқа багуш[1316] и эрди ва Маън Зоида[1317] ғуломи ғошия бар души[1318]. Ва уч фарзанди аржуманди бор эрдиким, ҳар қайси, **байт:**

Гуҳари рахшандадур эсолат аро,
Меҳри дурахшандадур буржи аёлат аро.

Бири *амир* Эшмуҳаммад бий, бири Ниёзбек, бири Дўстон *қўшбеги*ким, ул Шерғозихон замонида *қўшбеги*лик мансаби била сарафроз бўлди. Ва Элбарсхон ва Эшмуҳаммад *бий* била *қизилбош* қўлида шаҳодат топти. Анинг уч ўғли бор эрди. Абдулраҳимбек ва Абдулжабборбек ва Абдулсатторбекким, отаси била шаҳид бўлди. Аммо, Абдулраҳим бекдин икки ўғул қолди. Саййидназарбек ва Абдукаримбек. Саййидназарбек Муҳаммадамин *иноқ* замонида вафот топти. Муҳаммадпаноҳбек отлиғ бир ўғли бор эрди. Аваз

1311 Ротиқ – бошқарувчи.
1312 Мамлакат ва салтанат ишларига бошлиқ.
1313 Ҳаросат – қўриқлаш, сақлаш.
1314 Ғайбат – йўқлик.
1315 Мамлакат бошқарувчи ва фармон берувчи.
1316 Бандаи ҳалқа багуш – итоаткор қул.
1317 Ҳотами Тойи ва сахийликда ном чиқарган араб улуғи адабиётда сахийлик рамзи сифатида доим мисол қилиб кўрсатилади. «Ман зоида» эса «кимошди» савдосидир
1318 Туғма қули маъносида.

иноқ замонида сана минг икки юз ўн тўртда фавт бўлуб, Абдулраҳим бекнинг насли инқито топти. Ва Абдукарим беки мазкур Бобобек ва Кўчак *иноқ* Хиваք устиға лашкар келтурганда захмдор бўлуб, шаҳодат топти. Ва Абдулжаббор бек ҳам Муҳаммадамин *иноқ* замонида вафот топти. *Қози* Вайисбек ва Абдулсатторбек ва Муҳаммадризобек анинг ўғлонларидур.

Амир Эшмуҳаммад *бий* Шерғозихон давронида бир неча муддат *иноқ* эрди ва султон авлодидин Оллоҳназар бекка ул мансабни тафвиз қилиб, ўзи бийлик, яъни, *амир ал-умаро*лиқ мартабасиға мушарраф бўлди. Анинг ҳолот ва воқеоти кўптур. Ул жумладиндурким, *манқит* Шердоли бийдек душмани қавийси била карратан марратан муҳорибот ва муқотилот қилиб, етти мартаба юртдин чиқарди. Бу вақоенинг баъзиси Шерғозихон ва Элбарсхон ҳолотида тафсилан зикр топибдур. Ва *қўнгрот* қони учун *манқит* дудмонидин кўп кишини қатлға еткурди. Ва Шердоли *бий*ни даги анинг сайъи била Бичан йили сана минг юз эллик икки[1319] да ўлдурдилар. *Қонжигали қўнгрот*дин Дўстмуҳаммад *отолиқ* ибн Давлатберди *отолиқ* ва *бўкажоли қўнгрот*дин Сайидназар бек ибн Эрназар *нойиб* била Хонқоҳда Нодиршоҳ ҳукми била даражаи шаҳодатға фоиз бўлди. Умри олтмиш учда эрди. Муддати ҳукумати йигирма беш йил эрди. **Шеър:**

Чарх бировни ки баланд айлади,
Соҳиби аксун[1320] у паранд айлади.
Қилмас, агар етса газанди анинг
Фойда аксуну паранди анинг.
Қасдиға жаллоди ажал чун етар,
Жон била яхши-ёмонин тарк этар.
Кимга фалак берганин олмади,
Кимсани туфроқға жаҳон солмади.
Бўлма жаҳон мулкига шод, эй кўнгул.
Ҳар на суйи Оллоҳ эрур андин тўнгул.
Барча шиюнотдин ул мунқате,
Рутбаи ваҳдат уза бул муртафе.
То ки бақои абадий топғасен,
Давлати сармад санади топғасен.

Ва ул равшанзамир ва соиби тадбир киши эрди. Салотин ва умаро анга машваратсиз иш бошқара олмас эрди. Беш фарзанди номдори бор эрди. Андоққим, Абдукарим бек ва Авазбек. Булар отаси била шаҳодат топти. Ва *амири кабир* Муҳаммадамин *иноқ* ва *амир* Фозил *бий* ва Одилбекким, шаббоб айёмида фавт бўлди. Ҳоло Муҳаммадпаноҳ бек ва Муҳаммадкарим бек анинг ўғли дурурлар. Аммо, ул икки амири мазкурнинг зикри жамили эмди келур, иншооллоҳ. Аммо, Аваз беки мазкурнинг шаҳодати занний[1321] дур, яқиний[1322] эрмас. Ва Нодиршоҳ умарои Хоразмни туттурғанда мутаворий бўлуб, мафқуд ал-асар[1323] бўлди. **Бу сўз анга муқаввий бўлур, андоққим,** фақир аксар авқот ҳазрат аълохоқон, халифат уз-замон, султони соҳибқирон ал-муаяд, би иноят ал-малик ал-маннон Абу-л-музаффар ва-л-мансур Муҳаммадраҳим Баҳодирхон *мадаллоҳу таоло зилола адлиҳи ва раъфатиҳи ала мафориқ ил-аном ва шаййада аркона мулкиҳи ва-д-давлатиҳи ила йавм ил-қиям*нинг беклик овонида мулозиматида бўлур эрдим. Ул чоғларда ул ҳазратнинг муборак тилидин эшитдимким, Авазбек бобом Нодиршоҳ ғавғосида мутаворий[1324] бўлуб, отаси шаҳодатидин сўнг юртдин ҳажравлар тариқаси била чиқиб, ҳарамайн *зодаҳумоллоҳу такриман ва ташрифан* тавофиға мушарраф бўлуб, муддати мадид тасорифи айём ва табодили аъвом муқтазоси била жаҳонгирик қилиб, охир ал-амр Ҳижоз ноҳиятида муқим бўлуб, ул кишварда аморот топибдур ва бобом Муҳаммадамин *иноқ*ға замзам суви била туҳаф ва ҳадоёси келди. **Маснавий:**

1319 Ҳижрий 1152/1739-40 йил.
1320 Аксун – қора атлас.
1321 Занний (мазнун) – гумон.
1322 Яқиний – аниқ ишончли.
1323 Мафқуд ал-асар – бедарак йўқолган.
1324 Мутаворий – тарқалиш, саргардонлик.

Кимки топти саодати азалий,
Анга етмас сипеҳри дун халали.
Ҳар неча юрса рағмиға гардун,
Кўргузуб инқилоб гуногун.
Элтиб охир саодати анинг,
Ортар иқболу давлати анинг.

Амири кабир Абу-н-наср Муҳаммадамин инoқнинг тазкараи ҳолоти ва таҳқияйи футуҳоти. Отаси *амир* Эшмуҳаммад *бий* шаҳодат топғанда ўн бир ёшинда эрди. Дўстмуҳаммад *арбоб* ани инилари била ёшурун маҳод[1325] ҳимоятида асраб, тарбиятиға қиём кўргузди. *Арбоби* мазкур фавтидин сўнг усрати[1326] тамом била авқот ўткурур эрдилар. **Қитъа:**

Не ажаб чархи суфла парвардин,
Кўргузуб зулм ошкору ниҳон.
Қилса олтунни хоки тийрага тенг,
Дурни санги сиёҳ ила яксон.

Токим, Ғойибхон замонида бир кун отлиғ бир тарафға борур эрди. Хўрозбек дабдабаи тамом била дучор бўлуб, кўрдиким, бир шер таркиб ва соҳиби салобат йигитдурким, осори иқбол ва давлат носияйи фархундасидин хуршид ламъасидек пайдо бўлур ва анвори ижлол ва азмат чеҳраи хужастасидин машъали партавдек ҳувайдо. Таваққуф қилиб, сўрдиким «Кимнинг ўғлисан?» Дедиким «Эшмуҳаммад *бий*нинг ўғлиман. Отим Муҳаммадамин бекдур.» Ва Хўрозбек манзилиға тушгандин сўнг анинг камолин ўз давлатиға сабаби завол билиб, адовати маврусий мутаҳаррик бўлуб, ани тутдурмоқға киши буюрди. Муҳаммадамин бек бу ҳодисани эшитиб, инилари била мутаворий бўлди, токим Ғойибхон Хўрозбекни ақрабоси била қатлға еткурди. Андин сўнгра чиқиб, отасидин қолғон мулкия ерларида зироатға машғул бўлдилар. Ва Темурғозихон даврида Муҳаммадамин *меҳтар* анинг тарбиятиға жаҳди тамом ва сайъи молокалом била қиём кўргузуб, хон мулозиматиға еткурди. Афъоли ҳамида ва хадамоти писандида била хонға манзури назари отифат бўлуб, кун-кундин тараққий топти. Муҳаббат ва муваддати хосу авомға дилнишин тушуб, ой-ойдин ривожпазир бўлди. **Қитъа:**

Некбахтеким, саодат бўлса дамсози анинг,
Маржа[1327] и иқболу мақбули бани одам бўлур.
Дамбадам ортиб фуруғи давлати хуршеддек,
Партавандози судури мажлиси олам бўлур.
Тутса туфроқ олтуну хоро бўлур ёқути ноб,
Ичса май оби ҳаёту коса жоми Жам бўлур.

Хўжақули *иноқ*нинг хаёли фосид ва таманнои ботил шамомати[1328] дин қатлға етгани ва Муҳаммадамин *иноқ*нинг таодоти раббоний ва тавфиқоти субҳоний била аёлат хотамин қўлиға солиб, аморат маснадиға такия этгани

Арбоби киёсат ва асҳоби фатонатнинг замоири зибасоратиға возиҳ ва лойиҳ бўлсунким, Хўрозбек ва Ғойибхондин сўнг *қўнғрот* Хўжақули *иноқ* била қиёт Ёрмуҳаммад *иноқ* соҳиби ихтиёр бўлуб эрдилар. Иброҳим *иноқ* ва Матон *отолиқ* била ярашғондин сўнг Ёрмуҳаммад *иноқ* вафот топиб, мамолики Хоразмнинг куллий ва жузвий ихтиёри анинг қабзаи иқтидорида бўлди. Ва димоғиға ғурур йўл топиб, хон

1325 Маҳод – йўлбошловчи, ҳодий (Оллоҳ).
1326 Усрат – қийинчилик.
1327 Маржа – мурожаат қилинадиган жой.
1328 Таманнои ботил шамомат – ёмон ниятли истак.
1329 1175 йил 1-шаввол/1762 йил 25 апрел

ва Муҳаммадамин *меҳтар*ни назари эътиборға илмади. Бу жиҳатдин ораларида ваҳшат тушуб, Хўжақули *иноқ* хон ва Муҳаммадамин *меҳтар* ва Муҳаммадамин бекнинг қатлиға жозим бўлуб, Иброҳим *иноқ*ни ул муҳимда ўзиға ҳамдаст қилди. Бу воқеадин *меҳтар* хабар топиб, хоннинг амри била Муҳаммадамин бек Хўжақули *иноқ*ни хон кўрунушида тутуб, ўлдурди. Ва Иброҳим *иноқ*ни Муҳаммад *иноқ* қатлға еткурди. Бу воқеа Қўй йили сана минг юз етмиш бешда шаввол ал-мукаррам ғурраси[1329] ким, жума эрди ва Ҳамал авохирида ийди Фитр намозидин сўнг вуқу топти. Ҳамул кун жума намозидин бурун Муҳаммадамин бекни *иноқ*ият мансабида насб қилиб, ташрифи гаронмояйи аморат била қомати қобилиятин ораста қилдилар. Ва Муҳаммад *иноқ*ни дағи Иброҳим *иноқ*ға қойиммақом эттилар. Муҳаммадамин *иноқ* ул фурсатда ўттуз икки ёшида эрди. Огози давлат ва ибтидои аморати ул кундиндур. **Қитъа:**

Чун аморат навбатини отиға чалди фалак,
Ҳукмидек овозаси олам аро бўлди равон.
Таҳниятгўён етушти даргаҳи олийсига,
Давлати жовиду иқболи қавий, бахти жавон.
Муждаи иқболидин зийнат топиб базми тараб,
Шодлиг тутти жаҳонни қирвон[1330] то қирвон.
Чарх этиб дибои давлатни саририга ривож,
Атласи гардунни қилди отиға бар киствон.

Вазири аъзам Муҳаммадамин *меҳтар*ким, соҳиби девон ва низом ал-мулк эрди, анинг тақвиятиға камоянбағи[1331] қиём кўргузуб, аморат муждагони учун сури пурсуруре тартиб бердиким, сипеҳри володастгоҳ бовужуди азамат ва жалол ул тўй хизмати учун минтақатулбуруж[1332] нинг камари мурассаи била белин раст қилди ва офтоби заррин кулоҳ бовужуди шавкату камол шуоининг жоруби муламмаи била фаррошлиғға келди. Ва Зуҳраи ишраткуш чанги нозук оҳангиға зулфи мушкборидин автор боғлаб, навосозлиқ оғоз қилди. Ва Уториди тезҳуш қалами мишкин рақамин олиб, тўйнома хаёлида саҳифатирозлиқ кўргузди. **Байт:**

Ҳар неча қилсанг гумон ул тўйнинг асбобини,
Ваҳмдин ортуқ дурур дағи хаёлингдин зиёд.

Хон ва умаро ва уламо ва фузало ул сурға ҳозир бўлуб, ташрифоти гаронбаҳо била сарбаланд ва талаззузоти бемунтаҳо била баҳраманд бўлдилар. Фуқаро ва масокин дағи ғарқи дарёйи неъмат ва саршори жоми ишрат бўлуб, дуои давомати давлату иқбол ва истидомати азамату жалол била рутбиллисон бўлдилар. **Маснавий:**

Умринг айёми мустадом ўлсун,
Бодаи давлатинг мудом ўлсун.
Манзилинг маснади аморатда,
Бўлсун иқбол ила давоматда.
Ҳар кунинг ийд янглиғ ўлсун сур,
Элга андин етиб нишоту сурур.
Дўстинг шафқатингдин ўлсун шод,
Душманинг накбат ичра бебунёд.

[1330] Қирвон – уфқ.
[1331] Камоянбағи – қўлдан келганча.
[1332] Минтақатулбуруж – экватор чизиғи.

Ямвутнинг аввалғи мартаба юртни олиб, вазоратпаноҳ Абдулраҳим меҳтар ва анинг иниси Абдулсатторбойни оқо-иниларн била шаҳодатға еткургани ва Муҳаммадамин иноқ отолиқ бўлуб, Хонкелди бий анинг ўрниға мансуб бўлғони

Хомаи мишкиншумор мундақ саҳифа тарозлиқ қилуркимм, сана [минг] юз етмиш саккиз[1333] да Муҳаммадамин *меҳтар*ни Абдураҳим *арбоб* ибн Ёрим девонким, *меҳтар*и мушорилайҳга қайиноталиқ нисбати бор эрди, бир кеча меҳмонхонасиға зиёфат баҳонаси била элтиб, мақтул қилиб, вазорат мартабаси била иртифо топти ва мамлакат низомин қабзаи иҳтимомиға олиб, *ямвут* ва *човдур* жамоасиким, Муҳаммадамин *меҳтар*га давлатхоҳ эрди, аларнинг ихрожиға иқдом кўргузди. Бу жиҳатдин фитнаи бисёр қойим бўлуб, *ямвут* истило топиб, Мискин *раис* фирқаи мазкураға мувофиқат кўргузуб, оқо-иниси била чиқти. Андоқким, собиқан зикр топти. Бу воқеа асносида умаро мухолифатидин Муҳаммадамин *иноқ* андак мутазалзил бўлуб, баъзи анинг қасдиға мутарассид[1334] бўлди. Муҳаммадамин *иноқ* агарчи зердасту ожиз эрмас эрди, аммо, ҳазму эҳтиёт жонибин марьи тутуб, *явмут*ға чиқиб, Менгликелдининг уйиға нузул қилди. Ва ўн саккиз кундин сўнг Абдусаттор бой ибн Дўстмуҳаммад *арбоб* ибн Ёрим девонким, анга давлатхоҳи қадимий ва дўстдори самимий эрди, ақабидин бориб, ани *явмут*дин келтурди ва оз фурсатдин сўнг *явмут* тасаллутининг дафъи учун иттифоқ била *така* ва *солур* черикин келтурдилар. Ул учурда аксар *явмут* Янгиариқ ва Остона ҳудудида мутамаккин эрдилар. Муҳаммадамин *иноқ* ва Абдураҳим *меҳтар* ва Абдусаттор бой Беш қалъа ва *така* ва солур лашкари била *явмут* устиға ҳаракат қилиб, Арабхона шўристонинким, Мезон ҳам дерлар, муаскар қилиб туштилар. Ва икки ойғача ётиб, муонидлар била муҳорибот ва муқотилот қилдилар. Ва Орол *ҳоким*лари Хонкелди *бий* ва Муҳаммадназар *бий* Орол сипоҳи била келиб, *ямвут*ға қўшулди. Ва Ҳазорасб *волийс*и Ниёз *парвоначи* дағи ёшурун мухолифат зоҳир қилиб, *ямвут*ға мувофиқатнома юбора бошлади. Абдураҳим *меҳтар* бу рози махфийдин огоҳ бўлуб, *қипчоқ* Раҳимберди *отолиқ*ни Ҳазорасб муҳофизатиға номзад қилди. ва дағи Ниёз *парвоначи*ни туттурмоқға киши буюрди. Ва Мискин *раис*ким, анга дўстлиғда якжиҳат эрди, бу воқеадин хабар еткурди. *Парвоначи* Ҳазорасб черики била муаскардин чиқиб, *ямвут*ға қўшулди ва *ямвут*дин кўмак олиб, суръати тамом била қатъи масофат қилиб, Раҳимберди *отолиқ*дин бурун Ҳазорасбға кириб, *отолиқ* беҳусули мурод хоиф[1335] ва ҳаросон бўлуб қайтти. Ва *парвоначи* иниси Султонбек бошлиқ муътамид кишиларин қалъа муҳофизатиға тайин қилиб, *явмут* лашкариға келди. Бу жиҳатдин умаро орасида ихтилоф воқе бўлуб, Хивақ сипоҳи бузулуб, шаҳарга кирди. Хонкелди *бий* ва Ниёз *парвоначи* ва *явмут* акобири сипоҳи жаррор била мутаоқиб келиб, Қаротўпа мавзеиға нузул қилиб, Хивақ атрофиға чаповул йибордилар. Ва Муҳаммадамин *иноқ* ва Абдураҳим *меҳтар* *така* ва *солур* ва Хивақ черики била беш кунғача мадфааға чиқиб, муҳориба ва муқотила кўргуздиларким, тоғийлар ҳазимат топмоқға яқин еттилар. Бу жиҳатдин тоғийлар элчи йибориб, сулҳ сўзин ораға солиб, Муҳаммадамин *иноқ* ва Абдураҳим *меҳтар* баъзи умаронинг тарғиби била сулҳға рози бўлуб, Абдусаттор бойни қалъада қўюб чиқиб, Эшназар сўфининг масжидиғаким, Ангарик била Қаротўпа орасида ариқ канорида ва йўл устида воқедур, наҳзат[1336] қилдилар. Ва *явмут* акобири ул тарафдин келиб, мусофаҳа ва муонақа қилмоқ баҳонаси била умарои изомни тутуб, мағлул ва муқайййд қилдилар. Сўнгғи кун шаҳар авоми ҳужум этиб, *така* ва *солур* черикин қалъадин қовуб чиқарди. Ва *явмут* сипоҳи Ўрта қуйиғача таоқиб қилиб, андоқ кушиш ва кўшеш эттиларким, *така* ва *солур*нинг аксари қатлға етти. Ва Абдусаттор бой дағи қолғон оқо-инисин олиб, *така* ва *солур* била чиқиб, Бухоро иродаси била ул жамоадин айрилиб, Қаромозийда Севинжбойнинг уйиға нузул қилиб эрди, *явмут* эшитиб, киши йибориб, ани ўғли Абдуқодир бой била тутуб келтуруб, Абдураҳим *меҳтар* бошлиқ беш оқо-иниси била шаҳодатға еткурди. Аббос *отолиқ* ва Вайис бойким, йиғин бузулғон кун лашкаргоҳдин чиқиб, Уйғурға бориб, қалъадорлиқға машғул эрди, *явмут* Қоҳирқули *сардор* икки юз киши била Уйғурға бориб, *ойноқ* жамоаси аларни тутуб, Қоҳирқулиға топшурди. Қоҳирқули аларни Хивақға келтуруб, шаҳид қилди. Ва Муҳаммадамин *иноқ*иинг қатлиға дағи иттифоқ

[1333] Ҳижрий 1178/1764-65 йил.
[1334] Мутарссид – кўз тутиш.
[1335] Хоиф – қўрқоқ.
[1336] Наҳзат – юриш.

қилиб эрдилар, Хонкелди *бий* ва Муҳаммадназар *бий* ва Менгликелди сақов қабул қилмайин, махлас бердилар ва ўзга умарони ҳам баъзи акобирнинг шафоати била ҳабсдин чиқардилар. Ва Назар *отолиқ*ни азл этиб, Муҳаммадамин *иноқ*ни анинг ўрнифа *отолиқ* қилиб, Хонкелди *бий*ни *иноқ*лиқ мансаби била сарафроз қилдилар. Ва Муҳаммадназар бийга Орол ҳукуматин тафвиз этиб, Орол сипоҳи била ўз диёрифа қайтардилар. Мундин сўнгра юрт ихтиёри Хонкелди *иноқ* била *явмут* қўлида бўлди. Ва вазорат мансабин Мискин *раис*ға арзоний тутуб, умури мулкий ва ғайри мулкийни анинг қабзаи иқтидорифа солдилар ва тинч кўнгул била фуқаро ва раоё амволининг ғоратифа машғул бўлдилар. **Шеър:**

Турфа айёми булажаб бўлди,
Залама бирла мамлакат тўлди.
Фош ўлуб халқ молини таламоқ,
Ошкор ўлди элни қўзголмоқ.
Қурт[1337] *агар бўлса галла чўпони,*
Бўлмас анда саломат имкони.

Муҳаммадамин иноқнинг явмут била ёвлашиб, Эралихонни келтургони ва явмут иккинчи мартаба Хоразмни олиб, иноқнинг Бухорофа борғони ва воқеотиким, бу аснода вуқу топибдур, аларнинг зикри

Бу ҳадиқаи таажжубнамонинг гулшан пардози ва бу намиқаи нодира иншонинг саҳифатирози, яъни қалами мишкин рақам мундоқ таҳрир қилурким, *тарокима* ақвомиким, аларнинг чеҳраи аҳволи касофат амсолларида осори «ўзларига зулм қилувчи[1338]» маълум ва носияйи афъоли шарорат маолларида хутути «қон тўкадиган[1339]» манқуш ва марқумдур, хусусан, ул тавойиф орасида табақаи *явмут* ва қабилаи *човдур*ким, сарҳалқаи арбоби туғёну фасод ва сардафтари асҳоби исён ва иноддурлар, Хонкелди *иноқ*никим, ул жамоаға некхоҳ ва якжиҳат эрди, авомир ва навоҳида соҳиби ихтиёр қилиб, ўзга умарони Муҳаммадамин *иноқ* бошлиқ назари эътиборифа илмадилар. Балки, таҳаккумот била ҳақорат берур эрдилар. Ва яна фуқаро ва раоёнинг амвол ва аёлифа жаббор сифатлиғ била бозуи таҳутак ва дасти татовул узата бошлади. Ва сана минг юз саксон икки[1340]да Сичқон йили Мезон авоили[1341] да Абдураҳим *меҳтар*нинг қатлидин беш ой сўнг Мискин *меҳтар*ни Давлатёр ибн Эшмурод *қўнғрот* ва Жинжил *ушоқ*ға буюруб, ўлдуртди. Бу жиҳатдин аксар умаро мутаваҳҳим бўлуб, ул жумладин Ниёз *парвоначи* Ҳазорасбға кириб, мухолифат байдоқин барпой қилди. Ва Муҳаммадамин *иноқ*ким, кўп муддатдин бери *явмут*нинг таҳаккумот ва тасаллутотифа «дарҳақиқат Оллоҳ сабр қилувчиларни яхши кўради[1342]» фаҳвоси била сабру таҳаммул қилиб «ишларда ўз вақтини кутинглар» муқтазоси била фурсат интиҳоз[1343] иға мунтазир эрди, вақтни ғанимат билиб, аксар умаро била *явмут* мухолифатида муттафиқ бўлуб, қалъадорлиқ умурифа иштиғол кўргузди. Ва Хонкелди *иноқ* машаққати тамом била қалъадин чиқиб, Оролға бориб, Қўнғротға кирди. Ва Муҳаммадназар *бий* Қўнғротдин қочиб, Манқитға кириб, икки ярим йилғача орада муҳорибот ва муқотилот воқе бўлуб, охириламр Муҳаммадназар *бий* зафар топиб, Хонкелдини тутуб ўлдуруб, жами Орол мамоликифа *ҳокими* билистиқлол бўлди. Ва Муҳаммадамин *иноқ*нинг фармони била Ниёз *парвоначи* Ҳазорасб ва Бешариқ ва Хонқоҳ ва Урганж лашкарин йиғнаб, Шатни муаскар қилиб тушти. Ва Муҳаммадамин *иноқ*ға қўшулғунча бир йилда эллик уч мартаба *явмут* сипоҳи била урушти. Бу урушларда икки тарафдин кўп киши зое бўлди. Ул жумладин *парвоначи* тарафидин Муҳаммадризобой Урганжий шаҳодат топти. Аммо, Муҳаммадамин *иноқ* *така* ва *солур*ға киши йибориб ва *қазоқ* подшоҳи Эралихон ибн Абулхайрхонға Одилбекни йиборди. Ва Ҳамалда Эралихон ва

[1337] Қурт – бўри.
[1338] Қуръони карим, 43 : 76.
[1339] Қуръони карим, 2 : 30.
[1340] Ҳижрий 1182/1768-69 йил.
[1341] 24 сентябр.
[1342] Қуръони карим, 3 : 146.
[1343] Интиҳоз – қулай.

Ойчувоқ *тўра* ва Бормоқ *бий қазоқ*дин минг беш юз шужо ва баҳодир йигит била келиб, Шоҳободда Канжик ҳудудида нузул қилди. Ул жиҳатдинким, *човдур* манозили Анбар ва Маноқда эрди. Ва Музкўмганда ҳам *ямвут* бор эрди. Ва Чиғатой қўрғонин олиб эрдилар. Ва Эралихон келгандин сўнг Муҳаммадамин *иноқ* Хиваք черики била Шоҳободға бориб, хонға қўшулуб, Гурлан ва Вазир ва Боғлон йиғинин киши йибориб келтурди. Ва *қароқалпоқ*дин *хитой* Қурбонтой *бий* ва *кенагас* Имонқули *бий* ва *қўнғрот* Эсанкелди *маҳрам* ва Ғойиб баҳодир беш юз киши била ва Оролдин *қўнғрот* Муҳаммадназар *бий*нинг иниси Саййидназар бек ва Муртазо хўжа кўп йиғин била келиб, *иноқ*ға қўшулдилар. **Назм:**

Сипоҳ аҳли ул ерни қилди сутуҳ,
Етиб ҳар тарафдин гуруҳо-гуруҳ.
Бари пой то фарқ пўлодпўш,
Бари раъд янглиғ қилурда хуруш.
Даго[1344] *бешаси ичра ғуррон паланг,*
Ҳижо қулзумида диловар наҳанг.

Ва Муҳаммадамин *иноқ човдур* ва *ямвут* сипоҳи била муҳорибот ва муқотилот қилиб, аксар ҳурубда музаффару мансур бўлди. Магар икки қатлаким, шикаст топиб, мунҳазим бўлди. Бир ойдин сўнг Орол черики муонидлар била хабарлашиб, сангарни бузуб чиқиб, Оролға муовидат қилди. Бу жиҳатдин Бормоқ *бий* аксар *қазоқ* била *қароқалпоқ* лашкари ва Беш қалъа сипоҳи мутаваҳҳим бўлуб, ўз манзилиға кетдилар. Хиваք черики ва Эралихон *қазоқ* хайлидин шарзима[1345] и қалили била қолди. Ва Қаландар *қўшбеги* ҳаромилиғ қилиб, қолғон йиғинни бузуб, *ямвут*ға чиқмоқчи бўлуб эрди, тутуб дастгир қилиб, маҳбус эттилар. Ва Канчикдин кўчуб, Шоҳобод дарвозасининг олдида сангар эттилар. Бу аснода Муҳаммадамин *иноқ* касалманд бўлуб, аъдои давлат қувват топиб, Хиваք сипоҳи хандақдин ташқори чиқа олмади. Токим Саратон авохиридаким. **Маснавий:**

Ҳароратдин ҳаво тортиб забона,
Қилиб кетти не дўзахдин нишона.
Қуёш акси ёлиндек ҳирқатангез,
Бўлуб соя тутун янглиғ тафомез.
Эсиб куҳсор сори чун самуме,
Эритиб хорони андоқки муме.
Иссиғдин ер бўлуб қизғон темурдек,
Ягочлар ўтиға ўртанган кўмурдек.
Дили ушшоқ янглиғ дашт жонсуз,
Танури ҳажрдек шаҳар оташандуз.
Вуҳуши дашт сувға ўзни ташлаб,
Ҳаво қушлар парин ўртаға бошлаб.
Бўлуб сув тобидин харчанг[1346] *бирён,*
Ҳароратдин булоқ тоғ ичра гирён.

Бир кун баҳодирлар пиёда бўлуб, ғайрат этагин камари ҳимматлариға устивор қилиб, муонидлар ясовиға Шоҳобод ариғидин ўтуб югурдилар. Муонидлар сипоҳи ҳазимат топиб, Менгликелди сақовниим, отдин тушуб, аҳли инодни ҳарбға таҳрис қилур эрди, машаққати тамом била олиб чиқдилар. Бу воқеадин сўнг муонидлар бурунғидек далерона келиб, муҳосира қила билмадилар. Ул чоғларда Шоҳниёз бек ва Қаро Баҳодирким, ҳоло аморат мансабида мутамаккиндурлар, Аннаберди солур ва Отқирон *солур* бошлиқ қирқ баҳодир йигит билаким, ҳар бири шижоат майдонида Рустаму Асфандиёрдин қасаби сибқат элтур эрдилар, *явмут* ва *човдур*ға азим дастбурдлар кўргузуб, мақҳуру манкуб қилдилар. Ва

[1344] Дағо – йиртқич ҳайвон.
[1345] Шарзима – кичик даста.
[1346] Харчанг – қисқичбақа.

амволу чорполарин ғорат қилиб, сангарға келтурур эрдилар. Ва атрофға сайр қилиб, Беш қалъанинг қасабот ва музофотидин хабаргирлик қилиб, аснои сайрда *явмут* ва *човдур*нинг сария[1347] ларига учраб, мақтул ва маасур этар эрдилар. Током, Асад авохирида Чиғатой қўрғонин мусаххар қилиб, аъдои давлатға муставлий бўлдилар. Бу ҳейнда амирзодаи олийжаноб Қутлуқмурод *иноқ*нинг хабари вилодати етушуб, Муҳаммадамин *иноқ* ва амирзодаи аъзам Аваз бек бу мужда шароби хушгуворидин саршори нашаи фараҳ ва сурур бўлуб, хабар еткурганни жалду учун инъомоти вофир ва эҳсоноти мутакосир била баҳраманди давлат ва комёби сарват қилди. Умарои изом ва руасои киром дағи мувофиқат кўргузуб, ҳар ким ўз хўрди ҳолиға кўра жалдулар берди. Ва анинг вилодати хужаста саодатин муборак билиб, исми мазкурға мавсум қилдилар. **Қитъа:**

Зиҳи фарзанди мақбулу саодатманду фаррухзод,
Ки Исодек ҳумоюн чеҳраи маймунқадам туғгай.
Жамолидин абу жад кўзларин қилмоқ учун равшан,
Қуёшдек оламоро ва қамардек муҳтарам туғгай.
Бўлуб пайдо жабинидин жалолу давлат осори,
Замона модаридин эйла бир фарзанд кам туғгай.

Алқисса, Муҳаммадамин *иноқ* кун-кундин мутараққий бўлуб, аъдои давлат дамбадам таназзул топа бошлади. Ва Мезон авосити[1348] да *човдур* жамоасининг каффаи давлати сабук келиб, тазаррусанжлик била ажз жавоҳириға сулҳ матоин олиб, муҳожират наҳабасиға азимат юкин боғлаб, Манқишлоқ тарафиға роҳий бўлдилар. Мундин сўнгра Муҳаммадамин *иноқ* атроф ва жавонибнинг сипоҳин олиб, Шатга бориб, Ниёз *парвоначи* била аъдои давлатға дастбурдлар кўргузди. *Уйғур* Эшпўлод *отолиқ* ва *найман* Муҳаммад *иноқ парвоначи*дин ранжиш чекиб, пул[1349] буткармоқ баҳонаси била Уйғур ва Гурланға бориб, қайтиб келмадилар. Аммо, Муҳаммад *иноқ* Гурланда тура олмай, Бухороға борди. Бир неча муддатдин сўнг Муҳаммадамин *иноқ парвоначи* била кўчуб, Навхостға нузул этти. Бу мавзеда амирзодаи аъзам Аваз бек ва Одил бекға касал ориз бўлуб, кўп кун бистари маразда ётиб, Аваз бек сиҳат топти ва Одил бек Тангри раҳматиға восил бўлди. Ва *явмут* Янгиариқ ва Остонадин кўчуб, Сафча ҳудудида Хиваник канориға рахт[1350] и иқомат чекти. Бу жиҳатдин Муҳаммадамин *иноқ* ва Ниёз *парвоначи* Навхостдин ҳаракат қилиб, Қаҳрамонға наҳзат эттилар. Бу орада муонидлар била андоқ муҳорибот ва муқотилот қилдиларким, Рустаму Афросиёбдин содир бўлмади. Ул жумладин Навхост ҳудудида талоқии фариқайин воқе бўлуб, аввал муонидлар ғалаба қилиб, *қазоқ* черикин ўртаға олиб, қатлу кўшеш қилур эрди. Баъзи баҳодирлар бу воқеани мушоҳида этиб, жалодат қиличин ниёми интиқом[1351] дин чекиб, ҳамалоти мутаоқиб била лашкари мухолифни зеру забар қилиб, аъдои давлатдин кўп кишини қатлға еткурдилар. Ва сипоҳи нусратпаноҳ кун-кундин ғолибу музаффар бўлуб, муонидлар яқин эрдиким, истисол топғайлар. Ул аснода Муҳаммадсаид бойким, Урганж аёлати анинг қабзаи дироят[1352] ида эрди ва *явмут*ға кўп дастбурдлар еткуруб эрди, Муҳаммадамин *иноқ*нинг ишорати била Бухороға борди. Ва Абдураҳмон бой Урганжийким, анинг инисидур, *иноқ*ға зафаркирдор мулозим эрди, бу жиҳатдин сардафтари арбоби шақоват ва сарҳалқаи асҳоби шамотат Абдураҳим *арбоб* Урганжий ва Саййидқули бой Урганжни холи топиб, майдони қабоҳатға якрон[1353] и вақоҳат суруб, Савр кирган кеча[1354] си *явмут*ни Урганж қалъасиға киргузди ва итоат қуллодасидин гарданкашлик қилиб, тамарруд теғи била мувофиқат сарриштасин узди. «Даҳшат устига даҳшат[1355]» муқтазоси била бу мансубаи ваҳшатангез ва ҳоди-

[1347] Сария – бошлиқ.
[1348] 8 октябр.
[1349] Пўл – кўприк.
[1350] Рахт – кўрпа-тўшак, кўч-кўлон.
[1351] Ниёми интиқом – қасос қини.
[1352] Қабзаи дироят – кифоятли кафт.
[1353] Якрон – от.
[1354] 22 май.
[1355] Арабча ибора.

саи фасодомез устиға бу хабар интишор[1356] топиб, ҳар тарафдин фитна ва растахез[1357] лар қўзғолди. **Маснавий:**

Фитналар қойим ўлди[1358] даврондин
Асру ошуб қўпти ҳар ёндин.
Кўргузуб инқилоб чархи нагун
Дўстларни адувга қилди забун.
Дунлиг айлаб замонаи носоз
Зулм этар расмин айлади огоз.
Роҳат ойинаси бўлуб барҳам
Сувраторолиг этти занги-ю, гам.
Елга бориб кулли рифоҳият[1359]
Бутти хору хаси кароҳият[1360].

Бу воқеа Саврнинг аввалғи кечаси в зу-л-ҳижжа авосит[1361] ида эрди. Муҳаммадсаидбой ва Абдураҳмонбойнинг аксар ақрабоси қочиб келдилар. Муҳаммадамин *иноқ* ва Эралихон ва Ниёз *парвоначи* бу ҳодисани эшитиб, тонг била отланиб, Урганж устиға юрдилар ва Шоҳобод ариғининг канорида Чандур-Қиётнинг кўпрукининг устиға келиб, таваққуф қилдилар. Урганж қўрғонининг жанубий дарвозасининг оллида беш-олти отлиғ *явмут* бор эрди. *Найман* Оллоҳберди бек бошлиқ бир бўлак йигит аларнинг устиға ҳамла қилдилар. Ҳануз алар мутақобил бўлуб, ҳарб воқе бўлмайдур эрди, *така* ва *солур* ва *қазоқ* ва [қаро]*қалпоқ* черики бузулур садад[1362] ида бўлди. *Иноқ* бу воқеани тафаррус қилиб, урушға борғон йигитларни қайтариб, дедиким «менинг қошимдин айрилмангким, халқнинг атворин ўзгача мушоҳида қилурман.» Ул чоғда *така* ва *солур* лашкари аскарни бузуб чиқиб, Исмоил Отонинг устидин ўтуб, ўз мавотинлариға роҳий бўлдилар. Ва Эралихон бошлиқ *қазоқ* ва *қароқалпоқ* халқи ва атрофнинг черики бузулуб, ўз вилоятлариға тарқади. **Назм:**

Тарқаб ул навъ лашкари жаррор
Эйлаким тонгда собиту сайёр.
Ҳар ким ўз юртига бўлуб озим
Кетмак амрини туттилар лозим.
Хивақ ва Ҳазорасбу Хонқоҳ лашкаридин ўзга дайёре[1363] қолмади. ***Шеър:***
Аларким келиб эрди атрофдин
Яна кетти атрофға сар басар.
Аён бўлди бу нукта мазмуниким
«Жигарни жигар бил, дигар[1364] ни дигар.»

Чун *иноқ* ва *парвоначи* бу ҳодисани мушоҳида қилдилар, инон отифатин Хонқоҳ балдаси сари маатуф этиб, Саййид Ото *алайҳур раҳма*нинг қадамгоҳиға нузул қилдилар. «Ишларингизда улар билан маслаҳатлашинг[1365]» муқтазоси била тақдими мушовиратдин сўнг Муҳаммадамин *иноқ* ўз нафаси нафиси била Бухороға бориб, *амир* Дониёл *отолиқ*дин истимдод қилмоқ муқаррар бўлди. Ва Муҳаммадамин *иноқ*

1356 Интишор – ёйилиш.
1357 Растахез – қиёмат куни.
1358 Қойим – бу ерда: қўпиш, қўзғалиш.
1359 Рифоҳият – фаровонлик, яхши турмуш.
1360 Кароҳият – ёмонлик, камабағаллик.
1361 Саврнинг аввалғи кечаси, яъни бурж ҳисобида қайсидир йилнинг 22 майга тўғри келади. Зу-л-ҳижжа авосити (ўртаси) эса 1182 йил 15-зу-л-ҳижжа ҳисобланади/ 1769 йил 22 май.
1362 Садад – ният, мақсад; арафа-вақт.
1363 Дайёре – бирор жонзот.
1364 Дигар – бошқа, ўзга, бегона.
1365 Қуръони карим, 3 : 159.

балдаи мазкурани Эшниёз бой Хонқоҳийға сипориш[1366] қилиб, муҳофизати бобида муболағалар кўргузди[1367]. Ва пешин намозин ўқуб, Ҳазорасб тарафиға ҳаракат эттилар. Эшниёз бой иниси Эшқобил бой била Абдол хўжа мутаваллини мулозиматға тайин қилиб, эъзози тамом ва икроми молокалом била узотиб, таассуф[1368] ва таҳассур била видо этти. **Назм:**

Кош бир дам бўлмасам эрди висолингдин жудо,
Зарраи саргашта меҳри жамолингди жудо.
Азм этарда бўлмасам ҳаргиз рикобингдин йироқ,
Базм этарда даги даргоҳи жалолингдин жудо.

Аъшо чоғи Ҳазорасб қўрғониға наҳзат қилди. Ниёз *парвоначи* зиёфати шоҳона мураттаб қилиб, писандида хизматлар зуҳуриға еткурди ва сафар асбобининг таҳҳиясиға иштиғол кўргузди. Ва Муҳаммадамин *иноқ* Фозилбек ва амирзода Аваз бек ва Жиян *қўшбеги*ни Ниёз *парвоначи* била Ҳазорасбда қўюб, отланиб Фитнакка борди. Абдулғаффор *нойиб* била Ўсмон ғоза яхши хизматлар қилиб, кеча кема била дарёдин ўтуб туштилар. Андин отланиб, уч кунда Элжикда Муҳаммадбойнинг манзилиға нузул қилди. Бу сафарда олтмиш киши ҳамроҳлиғ қилиб, мулозиматда эрдилар. Умарои изомдин Хоса *қўшбеги*ким, ул учурда *мироб*лиғ мансаби била сарафроз эрди, анинг била фақирнинг отаси Аваз *мироб*дин ўзга киши йўқ эрди. Ва беклардин Шоҳпўлод бек ва Абдикарим бек ва Шоҳниёз бекким, ҳоло улуғ *отолиқ*дур ва Муҳаммадризо бек ибн Ашур *бий* ва Бойназар бийким, сўнг *бий* ва *отолиқ* бўлуб эрди ва Бобо бек ибн Ниёз *парвоначи* ва *найман* Раҳимберди бек ва Аллоҳберди *удайчи* валадони Худойберди *доруга* ибн Аваз *иноқ*, бойлардин Абдураҳмон бой Урганжий ва Эшқобил бой Хонқаҳий ва Ниёзмуҳаммад бой Қаҳрамоний мулозим эрдилар. Ва Муҳаммадий бой кеча-кундуз меҳмондорлиғ қилиб, яхши зиёфатлар тартиб берди. Ва Бекпўлод бек ибн Вайис бойким, отасин *явмут* шаҳид қилғонда Бухороға бориб, Кўли калонда манзил тутуб эрди, *иноқ*нинг Муҳаммадий бойға меҳмон бўлғонин эшитиб келиб, анда мулозиматға етти. Йўлда Устай қарясининг *ҳокими* Бекмуҳаммад *додхоҳ*ким, Хизрэли халқидин эрди, *иноқ*ға истиқбол қилиб, муболағалар била манзилиға тушурди. Подшоҳона зиёфатларға қиём кўргузуб, бу маъниға мутаранним бўлдиким. **Ғазал:**

Ул ки матлубим эрур бу кеча меҳмондур манга,
Жон аро манзил тутуб, ул жисму бу жондур манга.
Жавҳари жонимни гар ийсор қилсам тонг эмас
Ким, азизи Миср кулбам ичра меҳмондур манга.
Ваҳ не хуш соат ки меҳмоним қудуми лутфидин,
Байт ал-эҳзон ғайрати фирдавси ризвондур манга.
Бу на иқбол эрдиким, давлат қопуға юз қўюб,
Остоним хоки рифъатбахш кайвондур манга.
Машъали иқбол бирла шамъи давлат ёқилиб,
Тийраву музлим шабистонлар чароғондур манга.
Мезбоне борму олам ичра мандекким, ватан
Бейла меҳмон иззидин тахти Сулаймондур манга.
Меҳмоним васлидин Мунисдек ўлмай нега шод
Ким, бу давлат файзидин мушкуллар осондур манга.

Зиёфат адосидин сўнг додхоҳнинг манзилидин отланиб, Кўли калонда Бекпўлод бекнинг зиёфатхонасиға ташриф келтурди. Ул дағи меҳмондорлиғда шойиста хизматлар тақдимға еткуруб, зиёфат умурида дақиқае номаръи қолмади. Андин рукуб қилиб, Бухоро шаҳриға мутаважжиҳ бўлди. Йўлда *найман* Муҳаммад *иноқ* ва *қўнғрот* Хўжамберди қушбеги ва Муҳаммадсаид бой Урганжийким, алар *явмут* тааді-

---

[1366] Сипориш – топшириш.
[1367] Яъни қалъани сақлаш борасида кўп гаплар айтди; сақлашни ҳаддан зиёд тайинлади
[1368] Таассуф – афсусланиш.

сидин мутаваҳҳим бўлуб, бурунроқ Хоразмдин ҳижрат қилиб, Бухорода манзил тутуб эрдилар, истиқбол қилиб, дастбуслиқға мушарраф бўлдилар. Ва *амир* Дониёлдин Нодир *ясовулбоши* пешвоз чиқиб, тамҳид[1369], қавоиди пурсиш ва тафаққуд[1370] идин сўнг *амир* Дониёлнинг саломин еткуруб, йўл бошлаб, элчихонаға тушурди. Ва Имомқули *бий* била баъзи умарои изом *амир* Дониёл тарафидин келиб, дилнавозлиқ қилиб, мезбонлиғ умуриға қиём кўргуздилар. Ва Муҳаммадсаид бой пайваста[1371] мулозимат амриға машғул бўлуб, камоли хизматкорлиғ ва ғояти жонсипор[1372] лиғ маросими била харожот ва мояҳтожиға мутакаффил бўлди.

Эмди Хоразм мамоликининг вақоеидин эшитинг. Муҳаммадамин *иноқ* Шат борғонда аксар умаро ва бекларни Хивақ доруссалтансининг муҳофизатиға тайин қилиб эрди. Алар муҳофизат ва ҳаросат амрида камоянбағи иҳтимом ва ижтиҳод кўргузуб, аъдои давлат дохил ва музоҳим бўла олмас эрди. Ва Муҳаммадамин *иноқ* Бухороға борғондин сўнг *чиғатой* халқидин Худойберди бой в Муҳаммадамин *оқо* баъзи жуҳҳол ва авом ан-нос била мухолифатда муттафиқ бўлуб, сана минг юз саксон тўртдаким, Боре йили эрди, муҳаррам[1373] нинг аввалида *явмут*ға дор ас-салтана Хивақни берди. Ул кун *явмут* Назар *отолиқ* ва Абдулжаббор бек ва Оллоҳберди бек ибн Мурод *қўшбеги*ни дастгир[1374] қилиб, шаҳодатға еткурди. Ва *қиёт* Тожи бийким, Урганжни *явмут* олғон кечаси Урганждин қочиб, муаскари олийға келиб, Муҳаммадамин *иноқ*нинг фармони била Хивақға келиб қолиб эрди, ул ва Қутлуқ Муҳаммад *иноқ* ва Мувломберди *удайчи* Хивақдин қочиб чиқиб, Ҳазорасб бордилар. Ва Тожи *бий* ўтуб, Бухорода *иноқ*нинг мулозиматиға етти. Ва *нукуз* Эшназар *мироб* қочиб, Гурланға борди. Ва Абдулраҳмон *меҳтар* ибн Паҳлавонқули бой тўқсовул мутаворий бўлуб, Холниёз *ўнбеги*нинг уйиға ташлаб қутулди. Искандар *бий* ва Кўчқор бекка Ортуқ бахши[1375] ҳимоят қилиб, асради. Ва аксар аҳоли ва маволи қочиб, Хонқоҳ ва Ҳазорасб ва Бухоро ва Оролға мунташир бўлдилар. *Явмут* Хивақни таҳти фармониға киюруб, Бўлакайхонни маъзул қилиб, Ғойибхоннинг ўғли Жаҳонгир султонни келтуруб, хон кўтарди. Ва ўзиға муттафиқ, давлатхоҳлиғ қилғон *ўзбак* улуғларин умаро ясади. Ул жумладин *қўнғрот*дин Хўжақули *иноқ*нинг иниси Оллоҳқулини *иноқ* ва Қароқаландарни қушбеги қилди. Ва *уйғур*дин Эшпўлод *отолиқ*ким, тобелиқ қилиб эрди, бурунғи мансабида қарор тутти. Ва *наймон*дин Тошпўлод шайтон *иноқ*лиқ мансабиға етти ва Мақсуд отолиғ дағи ўз амалиға муқаррар бўлди. Ва Абдулраҳим *арбоб*ға вазирлик мартабасин арзоний тутуб, Саййидқули бойға Урганж аёлатин тафвиз қилдилар ва ала ҳазал қиёс. **Назм:**

Сулаймон бориб мамлакатдин қироқ,
Олиб тахтни бир неча Аҳриман.
Мулк манзилидин қилиб иртиҳол,
Бўлуб анда батёраларга ватан.
Видо ошиёнидин айлаб Ҳумой,
Нашиман қилиб ани зоғу заған.
Уруб бол Семург маъвосидин
Анинг ўрнида чугз ўлуб болзан.
Бориб бешасидин паланги далер,
Бўлуб анда рубоҳларга даман.
Бу нав ўлса мулки аро ихтилол,
Ҳамул мулк ҳоли не бўлғай экан.

Бир неча кундин сўнг Эшназар *мироб* бошлиқ Гурлан акобири «ал-зарурот тубиҳ ал-маҳзурот[1376]» муқтазоси била заруратдин аъдои давлатға мадоро қилиб, мутобиат кўргуздилар. Ва Кўчак бек ибн

[1369] Тамҳид – ҳамду сано, улуғлаш.
[1370] Пурсиш ва тафаққуд – ҳол-аҳвол сўраш.
[1371] Пайваста – доимий, давомли.
[1372] Жонсипор – жонини берувчи.
[1373] 1184 йил 1-муҳаррам/1770 йил 27 апрел.
[1374] Дастгир – қўлга тушириш, ушлаш.
[1375] Бахши – ҳисоб-китоб, закот ундириш бўйича ва девонликнинг масъул ходими.
[1376] Зарурат қуйи ишлардан ҳазар қилдирмайди.

Муҳаммад *инoқ* аҳли ва аёли била кўчуб, Бухорога бориб, мулозиматга етти. Андин сўнг муонидлар Ҳазорасб ва Хонқоҳ ва Оролдин ўзга жами мамолики Хоразмга истило топиб, фуқаро ва раоёнинг анфасу амволида ихтиёр қолмади. *Явмут*нинг зулму таадиси ҳаддин ўтуб, қалъа-қалъага рафту-омад қила олмади. **Қитъа:**

Фирогу амн нечук бўлгай ул диёрдаким,
Хуффоча шиҳна дурур анда, роҳзан довар.
Бориш-келиш эл аро нечун ўлмасун мафқуд,
Ки, йўл махуф дурур, молу жонга даги хатар.

Бу жиҳатдин Хоразм диёрида қаҳату гило шое бўлди, товун ва вабо воқе. Аксар маориф ва машоҳир, балки, фуқаро ва раоё маҳалла-маҳалла ва қабила-қабила жило ихтиёр қилиб «ўз вақтида қочиш пайғамбарлар суннатларидандур[1377]» фаҳвоси била атроф ва ақтори оламга мунташир бўлдилар. Хусусан, Бухоро жонибига мусофират кўргузуб, жу балосидин қутулдилар. Ва қочмоққ қудрати етмаган халқ авлодин *қазоқ* ва *қалпоқ*га сотиб, нафақа қилдилар. Ва *явмут* даги ўғурлаб сота бошлади. Ва аксар қулло ва билод хароб бўлуб, кентлар ва мазраалар беша ва жангалистон ва кўлот ерлар найистон бўлди. Ва Хивақ дор ас-салтанасининг олий иморатлари мунҳадим[1378] бўлуб, ўрнига сўкусук ва йилғун кўкарди. Ва ваҳший жонварлар одамизодга қойиммақом бўлди. Анингдек обод шаҳарда қирқ уйлук раият қолди. Ва баъзидин эшитдимки, ўн беш уйлукдин кўп эрмас эрди. Аксар намози жумада уч ё тўрт киши топилур эрди. Ва муонидлар шаҳарнинг атрофида мутамаккин эрдилар. Ва қаҳат ул ғоятда истило топтиким «кимни очлик мажбур қилса[1379]» муқтазоси била махмаса ва масғаба ғалабаси[1380]дин ит ва эшак гўшти оммаи халоиққа ҳалол бўлди. Баъзи ерда одамни ҳам ебдурлар. **Ривоятдур**ким, Жонак шайх қарясида беш заифа иттифоқ била бир вайронада манзил тутуб, халқнинг атфолин ўғурлаб ер эркан. Балки, улуғ кишиларни ҳам ёлғуз топса, босиб салх қилиб[1381], тановул қилур эркан. Бу воқеани эшитиб, ул зуафони ўлдурдилар. Яна бировдин **нақлдур**ким: «Йигирма чоғлиғ киши била *явмут* тааддисидин қочиб, мурофиқат[1382] қилиб, Бухоро жонибига озим эрдук. Бозиргонда тўрт киши кўрдукким, ўт ёқиб, кабоб еб ўлтурубдилар. Бизларни кўргач, қочиб бешага кирдилар. Чун эҳтиёт қилдуқ, маълум бўлдиким, бир кишини ўлдуруб, гўштини кабоб қилур эркан. Ул бечоранинг қолғон гўштларин ва сўнгакларин жам қилиб, жаноза ўқуб, дафн этдук.» **Яна манқулдур**ким, Гулбонбоғ қарясидин Назармуҳаммад сўфи деганнинг бир тифл ўғли бор эрди бағоят покиза сурат. Бир кун мафқуд бўлди. Онаси ҳар неча тараддуд ва тажассус қилди, топилмади. Анга ҳамсоя бир хотун бор эрди. Маъюс бўлуб, ул хотуннинг уйига кирди. Кўрдиким, шурбо пиширур. Мазанна[1383] тортиб, тафаҳҳус қилди эрса, маълум бўлдиким, анинг ўғлин салх қилиб пиширур эркан. Ул хотунни сангсор уруб ўлдурдилар. Ва мулло Эшниёзким, бағоят зариф ва шўхтабъ киши эрди ва сана минг икки юз олтида вафот топти, ул аксар авқот эшак сўюб, санбуса қилиб, *явмут*га сотар эрди, ложарам «эшак сўйғон» лақабига мулаққаб бўлди. **Маснавий:**

Қаҳат бўлуб эл аро ул нав фош,
Нон уза жон бергали эрди талош.
Улки бировга бир эйлик нон бериб,
Қиймат учун бу анга юз жон бериб.
Махмаса ҳолига етиб хосу ом,
Элга ҳалол ўлди таоми ҳаром.
Бўлди эшак калласи юз минг дирам,

[1377] Ҳадис.
[1378] Мунҳадим – вайрон, хароб.
[1379] Қуръони карим, 5 : 3.
[1380] Махмаса ва масбаға ғалабаси – қийинчиликнинг ҳаддан ошиқлиги.
[1381] Салх – сўйиш.
[1382] Мурофиқат – ўртоқлашиш. Бу ерда: йўлдош бўлиб.
[1383] Мазанна – гумонсираш.

Ул даги топган кишига мугтанам.
Аҳли мажоат бўлубон дарбадар,
Ҳасрати нон бирла ўлуб сарбасар.
Назъда бошига биров келмайин,
Дафн қилурга киши топилмайин.

Наузу биллаҳи ман залика. Бу ҳодисаи кубро ва бу воқеаи узмо буғдой дерав[1384] идин сўнг бир нима тахфиф топти.

Муҳаммадамин *иноқ*нинг *амир* Дониёлдин муддаоси ҳусул топмай, таваккул қадамин рикоби азиматға қўюб, муовидат жониби юз эвиргани. Таидоти илоҳий ва тавфиқоти номутаноҳий била аъдои давлатни мақҳур ва мустосил қилиб, Хоразм мамоликин таҳти фармониға киюргани

Осор жорийлари ва ахбор ровийлари мундоқ тақрир қилурларким, *Амир* Дониёл *манқит* хабси табиат[1385] жиҳатидин Муҳаммадамин *иноқ*нинг қадру мартабасиға кўра таъзиму такрим иқдом кўргузмади. Балки, таҳқир ва тақсириға кушиш қилди. **Қитъа:**

Хабисдин тилама дўстлиг нишонинким,
Замири мазҳари осори шарру удвон[1386] дур.
Заифадин киши не мардлик умид этгай
Ки, ақлу динида анинг камоли нуқсондур.

Аввал имдод ваъдаси қилиб, сўнгра ул ваъда вафосиға қиём кўргузмади. Андоққим, бир кун Муҳаммадамин *иноқ*нинг хизматиға киши йибордиким, қирқ минг динор зар топиб берсунким, мадад учун сипоҳи сангин[1387] тартиб қиладурман. Аларнинг таҳҳияйи асбобиға ҳожатдур.

Муҳаммадамин *иноқ* зари мазбурнинг таҳсилидин ожиз эрди. Муҳаммадсаид бой ул ишга мутасадди бўлуб, мулло Эрназар Бухорийдинким, анинг тағоси эрди, диюнат[1388] расми била ҳосил қилиб, тўрт олтун лаъли[1389] ға солиб келтурди. Имомқули *бий* (Муҳаммадамин) *иноқ*ға дўстлиғ ифротидин иттиҳод мақомиға етиб эрди, *иноқ*ға ул зарларни *амир* Дониёлға йибормакдин мамонеат кўргуздиким, «ул суфла ножавонмард яқиндурким, Сизга кўмак бермас, бу зарни олиб, хазинасиға солур». Бу жиҳатдин ул зар берилмади. **Назм:**

Сифладин истама вафо ҳаргиз
Заҳрдин тутма кўз даво ҳаргиз.
Ул жафо амрида эрур комил
Бу сумурган кишигадур қотил.
Суфладур кажниҳоду руйсиёҳ
Бевафолигдадур нечукким доҳ.[1390]
Сўзида заррае субот ўлмас
Юзида қатрае уёт ўлмас.
Содиқ ал-ваъд бўлмоқ эр ишидур
Холиф ал-қавл[1391] ни дема кишидур.
Бевафодин ҳаё аён бўлмас
Беҳаёдин вафо аён бўлмас.

[1384] Дерав – ўриш.
[1385] Хабси табиат – табиатан ёмон.
[1386] Шарру удвон – ёмонлик ва адоват, зулм.
[1387] Сипоҳи сангин – оғир қўшин (кўп катта қўшин).
[1388] Диюнат – қарз.
[1389] Лаъли – катта баркаш, мис лаган.

Хилъати гаронмоя «аҳдингизга вафо қилинг[1392]» эранлар либосидур ва зовияйи нафрат «ўшаларнинг ўзлари ёлғончидурлар[1393]» номардлар маъвосидур. Ҳар бечораеким, *явмут* тааддиси била қаҳат ва жу балиясидин қочиб, Хоразм диёридин жило ихтиёр қилиб, аёлу атфоли била ғурбат ва мусофират меҳнатин тутуб Бухоро мамоликига дохил бўлди, хоҳ эр, хоҳ хотун, хоҳ фартут, хоҳ тифл – киши бошиға бож деб, бир ашрафий солиғ солди ва қудрати етмагандин таазибу уқубат била олди. **Фард:**

Бечоралар ки амн тилаб борди ул сори,
Ғоратгарега учрабон айрилди молидин.

Бир неча муддатдин сўнг *явмут* Менгликелди сақов ва Дўнмас *сардор* ва Ниёз Қилич бек ва ўзбакдин *қўнгрот* Элтузар, *уйғур* Элчи *иноқ* ва *наймон* Бекпўлод сўфи ва ғайриҳум аъдои давлатдин рисолат тариқаси била Бухороға борди. Аммо, Менгликелди йўлда фавт бўлуб, жасадин олиб бордилар. *Амир* Дониёл Муҳаммадамин *иноқ*нинг рағм[1394]иға аларнинг қудуми касофатлузумидин башошат[1395] кўргузуб, таъзим ва табжилиға машғул бўлди. Ва Чазмонди мавзеида боргоҳу саропарда барпой қилдуруб, Муҳаммадамин *иноқ*ға аъдои давлат элчиларин муқобил ўлтурғузуб, мунозара ва мубоҳасаға солиб, ўзи ҳам алар тарафин тутти. Имомқули *бий* ва Бекпўлод бек *иноқ* тарафин тутуб, далоили қотеа ва ҳужжажи сотеа[1396] истишҳоди била тāржиҳ[1397]у тақвиятин зоҳир қилдилар. Чун *амир* Дониёлдин ҳусули матлаб яъсий такрор топиб, осори адовату зиддият зуҳурға етти, Сунбула авохирида Хоразмдин борғон ўзбакнинг ярар кишисин йиғнаб, чанги эътисомин[1398] урватил вусқи[1399] «ким оллоҳга таваккал қилса[1400]» фаҳвосиға уруб, иродат қадамин азимат рикобиға қўйди. **Назм:**

Таваккул риштасин берма иликдин,
Таваккул яхшидур юз лак черикдин.
Таваккулдин қавийдур пўшти давлат,
Таваккулдин аёндур иззу шавкат.
Кишиким топса иқболи таваккўл,
Топар кун-кундин осори тажаммўл.
Биров кирса таваккўл жавшаниға,
Нетонг муставлий ўлса душманға.

Йиғналғон черикнинг мажмуи уч юз чоғлиғ киши бор эрди.

Мин ал-иттифоқот: Чун Муҳаммадамин *иноқ* Хоразм савбиға муовидат қилғали отланиб, Бухоро шаҳридин чиқарға юз қўйди, Саройитош пешгоҳиға етганда, Дўнмас *сардор*ким, бир неча *явмут* била саройи мазкур эшигида ўлтурмиш эркан, тавбих ва сарзаниш тариқаси била дедиким: «Эй *иноқ*! Бу сипоҳ била юртингға борсанг, *явмут*ға на ёроким, сенга муқобил бўла олғай. Борғач ҳамон, мамлакатни мусаххар қилиб, *явмут*ни юртдин чиқарурсан ва менинг аҳлу аёлим қўлунгга тушса, аҳволидин хабардор бўл». Муҳаммадамин *иноқ* хулуси ният ва сафои тавийят[1401] била дедиким: «Иншооллоҳ хабардорлиқ қилурмиз». Қудрати илоҳий била Дўнмаснинг айтғон сўзи вуқу топиб, анинг аҳлу аёли дастгир

[1390] Доҳ – пасткаш.
[1391] Холиф ал-қавл – ўз сўзига хилоф иш тутган киши.
[1392] Қуръони карим, 2 : 40.
[1393] Қуръони карим, 16 : 105.
[1394] Рағм – қарама-қарши.
[1395] Башошат – хурсандлик.
[1396] Сотеа – ишонарли.
[1397] Таржиҳ – устун тутиш.
[1398] Чанги эътисом – паноҳ излаш қўли.
[1399] Ишончли тутқич, қўлловчи.
[1400] Қуръони карим, 8 : 49.
[1401] Сафои тавийят – соф ниятлилик.

бўлди. Муҳаммадамин *иноқ* ул ниятни пос тутуб, аларни атоёсидин баҳравар қилиб, Дўнмас Бухородин қайтиб, Гургонда ўз ақвомиға қўшулғондин сўнг изидин йиборди.

Мин натоижил рўё[1402]: Муҳаммадамин *иноқ* ҳануз иродаи мурожиат ва қасди муовидат қилмайдур эрди, бир кеча ҳаводиси даврон ва жафои аҳли туғёндин ва Дониёл *отолиқ*нинг шамотат ва бемурувватлиғидин малул ва ошуфта хотир эрди, ногоҳ уйқу элтиб, туш кўрдиким, ашрафи саййиди содоти разавий, афзали авлоди муртазавий, зубдат ал-авлиё, қадват ал-атқиё, қутб ал-олам, ғавс ал-аъзам ҳазрат эшон саййид Муҳаммадпаноҳ хўжа *навваруллоҳу марқадаҳу*ким, *хўжаэли* хўжаларининг акобиридин эрди, ул учурда Хўжаэли қўрғонида толиблар иршодиға машғул эрди, бир неча аҳли тасаввуф била ҳозир бўлуб, дедиким: «Тур ва муовидат қилким, мулкни сенга топшурдилар ва душманингни маққур қилдилар». Бу воқеадин фараҳнок бўлуб, қайтмоқ асбобининг таҳҳийясиға машғул бўлди.

Мин осор ал-хавориқ: Ҳамул таърихда Хивақ масжиди жомеида соҳиби диллардинババировким, Ниёз шайхға мавсумдур, намози жума адосидин сўнг овози баланд била дедиким: «Айюҳаннос, муждаким,[1403] балоёти арзий ва ҳодисоти самовий бароё бошидин муртафе бўлдиким, мулкни эгасиға топшуруб, заламани манкубу мустосал қилдилар». Бу воқеадин сўнг оз фурсатда Муҳаммадамин *иноқ* Бухородин келиб, Хоразмни фатҳ қилиб, мулк обод ва фуқаро осуда ҳол бўлди. **Маснавий:**

То мадад қилмай авлиёуллоҳ,
Тахт олмоқ не мумкин аҳли кулоҳ.
Бўлмайин Тангридин карам зоҳир,
Бўла олмас адувсиға қоҳир.

Алғараз. Муҳаммадамин *иноқ* Барс йили жумода-л-аввал авохирида Мезоннинг тўртланжи куни Ҳазорасбға нузул қилди. Мундин бурунроқ *нукуз* Эшназар *мироб* ўз уруғидин Қилич *нойиб*никим, *явмут*ға ҳавохоҳ эрди, Гурлан акобири била муттафиқ бўлуб ўлтуруб, *явмут*нинг дасти тааддисин Гурландин кутоҳ[1404] қилиб эрди. Ниёз *парвоначи* бу муждадин мустазҳар бўлуб, Қутлуқмурод ҳожини шарзимаи қалил[1405] била Урганж тасхири учун Хонқоҳға йибориб эрди. Муҳаммадамин *иноқ* Ҳазорасбға келган кечаси Эшниёз бой ва Ниёзхўжа ва Қарғай *қалмоқ*ни қирқ йигити била Қутлуқмурод ҳожиға қўшуб, Шоҳобод ариғнинг ичидин икки кема била Урганж устиға йиборди. Маълум бўлсунким, Ниёзхўжа Саййид ота авлодидин Абдол хўжа мутаваллининг инисидур. Бағоят шужо ва баҳодир киши эрди. Андоқким, Муҳаммадамин *иноқ* Бухороға кетгандин сўнг Хивақ ва Хонқоҳнинг далер йигитларидин қирқ киши била кечалар *явмут*ға шабихун уруб, кундузлар дастбурд еткуруб, аъдои давлатни саросим ва музтариб ал-ҳол қилиб эрди. **Назм:**

Туну кун юруб қирқ мерган била,
Набард айлабон хайли душман била.
Шабохунидин эрди аъдо батанг,
Қила олмайин ўтрусида даранг.
Эди корзоридин аъдо сутуҳ,
Қочиб ҳамласидин гуруҳо-гуруҳ.

Яна Палоқ ва Эшниёз Гулбонбоғийким, оқо-ини эрдилар, Хивақнинг айёр[1406] пешаларидин эрдилар бағоят жалду чолок. **Маснавий:**

[1402] Рўё – тушда азиз ва авлиёларни кўриш.

[1403] Эй халойиқ, бир хушхабар...

[1404] Кутоҳ – калта.

[1405] Шарзимаи қалил – оз сонли кичик гуруҳ, даста.

[1406] Айёр – чаққон-эпчил ва кўз-қулоғи ҳушёр кишилар. Қадимда «айёрлик» бир касб ҳисобланиб, улардан давлат ишларида ҳам фойдаланилган. Айёрлар кўпинча зулмга қарши иш олиб боришгани учун, бир замонлар тассаввуфдаги тариқат издошлари ҳам бўлишган. Тарихда ўтган айрим айёрлар ҳақида достонлар яратилган. «Самаки айёр» қиссаси ана шулардан бири бўлиб, бу асар устида юртимизда ҳам илмий тадқиқотлар амалга ошган.

Эди чобук андоқки пайки хаёл,
Етушмай ғубориға боду шамол.
Урар чоғда дам макру талбисдин,
Олиб бўркин англатмай иблисдин.
Айтиб лааб ила шарқ сори каманд,
Қилур эрди ғарб аҳли бўғзиға банд.
Чу айёрлиқ фаниға кўзғолиб,
Алар амиру айёрдин божс олиб.
Хайл ичра кўргузсалар банду баст,
Эди боду, елда басе зердаст.
Аён қилса шабравлик ар тийра тун,
Аларға эди тийра тун ёғду кун.

Хивақни *явмут* олғондин сўнг алар Хонқоҳға келиб, ўз ҳампешаларидин қирқ кишини ўзлариға муттафиқ қилиб, кечалар шабравлик тариқаси била Болодавлиқға чиқиб, ямутларни аҳлу аёли била бош кесиб, ҳашамин торож ва ғорат қилур эрдилар. Андоқким, бир кеча Тоғай Султонким, *явмут* акобиридин бағоят паҳлавон киши эрди, овули канориға нақзи вузу учун чиқиб эрди, Полоқ анга ёпушиб, талашурда Полоқнинг оёқи сурунуб йиқилди. Тоғай Султон анинг устиға тушуб, Полоқ қичқирдиким «мадад беринг.» Абдулқаюм шоир Жонакшайхий дедиким: «Остидамусан ё устида?» Дедиким: «Остидаман». Абдулқаюм шоир бир зарбат уруб Тоғай Султонни ўлдурди ва ҳашамин талаб, мурожиат қилдилар. Аларнинг қилған иши кўпдур. Агар тафсилан баён силкиға чексам, бу мухтасарға гунжойиш қилмас. Кентларда ўлтурғон ямут аларнинг хавфидин кўчуб, Хивақ атрофиға бориб, Пирнавхостдин юқори аъдои давлатдин киши йўқ эрди.

Байт:

Алар ғоратидин бўлуб хавфнок,
Адув эрди уйқу ғамидин ҳалок.

Аларни дағи Ниёз хўжаға қўшти. Ниёз хўжа ул кеча кема била Урганж илайидин чиқиб, Қаровул ва Булдумсозлиғ жамоасиғаким, Муҳаммадсаид бойнинг уруқи эрди, Полоқ била Эшниёзни йибориб, хабарлашиб, ул элнинг имдоди била қибла дарвозадин қўрғонға кириб, Саййидқули бойни табоеи[1407] била дастгир қилдилар. Эртанг Муҳаммадамин *иноқ*нинг Ҳазорасбға келган хабари етушуб, Урганжда табли шодмона урдуруб, Қутлиқмурод ҳожи Урганж муҳофизатиға тайин бўлуб, Ниёз хўжа Хонқоҳ ва Урганж сипоҳи била Уйғур савбиға мутаважжиҳ бўлуб борғоч ҳамон мусаххар қилди. Бу воқеа улуғ чоштгоҳда эрди. Ва *уйғур* лашкарин олиб, туш била пешин орасида Дўрмон ва Қаротўпа қўрғонларин олиб, Бўрёчи устиға юруш қилди. Араб хўжа бошлиқ Бурёчи хўжалари саркашлик қилиб, ҳарб воқе бўлди ва Ниёз хўжанинг таҳриси била баҳодирлар ғайрат қилиб, қўрғонни олиб, торож қилдилар. Бу воқеа намози аср вақтида эрди. Ниёз хўжа бир кунда мунча ишлар қилиб, фатҳу нусрат била келиб, кеча Урганжга тушти. Ул учурда Қаҳрамон ва Бекобод халқи мухолифат қилиб, Қаҳрамон ҳисориға кириб ўлтуруб эрдилар. Ва Қаҳрамон оёқида бир бўлак ямут мутамаккин бўлуб, элга таҳаккумот кўргузур эрди. Бекобод *ҳокими манқит* Ёвбўри *нойиб*ким, шижоатда ёв бўриси эрди, Урганжга бориб, Ниёз хўжа ва Қутлиқмурод ҳожидин ямут дафъи учун черик тилади. Алар *уйғур* ашрофидин Каримберди *иноқ*ником, ҳоло улуғ *отолиқ*лардиндур, эллик гўзида йигит била юборди. Каримберди *иноқ* Ёвбўри *нойиб* била кеча Қаҳрамон ҳисориға кириб, тонг била Қаҳрамон ва Бекобод черикин олиб, *явмут*ни чопиб, маққур ва мустосил қилиб, ғаноими касира била мурожиат қилдилар. Ниёз хўжа ва Қутлуқмурод ҳожи Муҳаммадамин *иноқ*ға ғаноими хамсий[1408] била фатҳнома юбордилар. **Маснавий:**

[1407] Табоеи – қўл остидаги одамлари.
[1408] Ўлжанинг бешдан бир бўлаги.

Қилса карам Тангри таборак санга,
Ва ҳар ишидур барча муборак санга.
Кўнглунг ўлуб нусрат ила баҳраёб,
Воқе ўлур урмай илик фатҳи боб.

Баъзидин ривоятдурким, бу вақое Муҳаммадамин *иноқ* Ҳазорасбға келмасдин бурун эрди. Ҳар тақдир била Муҳаммадамин *иноқ* ва Ниёз *парвоначи* Ҳазорасб черикин олиб, Хонқоҳға келдилар. Эшниёз бой Хоноқоҳ акобири била дастбусликға мушарраф бўлди. Муҳаммадамин *иноқ* бир кун анда мутаваққиф бўлуб, Урганж қўрғонин нузули мусарратвусули била фирдавси ризвон қилди. Етти кун таваққуф қилиб, атроф мамоликдин лашкар жам қилдилар. Ул аснода *қози* Хўжаназар ва Бобохўжа *раис*дин киши бордиким, «тез мутаважжиҳ бўлунгким, Хивақни топширурмиз». Муҳаммадамин *иноқ* ани қайтариб, юруш асбобининг таҳҳийясиға машғул бўлди. Ва Муҳаммад *иноқ* била Абдулраҳмон бойни Урганж қўрғонининг муҳофазатиға тайин қилди. Ва Ниёз Чакчик *олтун жилов*ни тўрт юз *мерган* била Абдол Бобо жаворин муваад[1409] қилиб йибориб, ўзи умаро била йиғнолғон черикни олиб, хуфтан чоғи Урганждин чиқиб юрди. Бу черикнинг мажмуи олти юз киши эрди. Йўлда Макожик кўлида адашиб, хийли саргардон бўлуб, субҳ вақтида Гўжа кўпрукиға етуштлар. Саргардонлиқда черикнинг ярими мутафарриқ бўлуб қолиб эрди. Муҳаммадамин *иноқ* умаро била бу вақоеи ваҳшатангездин маҳзуну шикаста хотир бўлуб, Хиваник канориға тушуб, таждиди таҳорат қилдилар ва бомдод намозин ўтаб, хузуи тамом ва хушу[1410] и молокалом била даргоҳи қозиюлҳожотға мутаважжиҳ бўлуб, андоқ тазарру қилдиларким, жамии лашкария аҳли мутаасир бўлуб йиғлаштилар. Охириламр, кенгаш қилиб, *олтун жилов* Қаландар *дастурхончи*ни эллик киши била *мерган*ларни қайтармоқға юбордилар. *Дастурхончи мерган*ларға Гулбонбоғда етиб қайтариб, ўзи ёнидаги черик била ўтуб Пирнавхост ва Пишканикда ўлтурғон ямутға чаповул уруб қайтти. Аммо, *дастурхончи*ни *мерган* изидин юборгандин сўнг Муҳаммадамин *иноқ* ва Ниёз *парвоначи* ўзлари ҳам бормоқни авло ва ансаб кўруб, *дастурхончи* ақабидин ҳаракат қилдилар. Чоштгоҳда Туфроқ қалъада *мерган*ларға йўлуқуб, аларни Урганжга узотиб, ўзлари *дастурхончи* жиҳатидин нигарон ва мутаҳаййир бўлуб туруб эрдилар. Ул аснода *дастурхончи* черикидин икки киши бир ямутни асир қилиб келтурди. Ул кизбу фусус[1411] юзидин хабар бердиким, ямут сипоҳи кеча Ҳазорасб чаповулиға кетти. Бу хабар истимоидин Ниёз *парвоначи* паришон хотир бўлуб, анинг сайъи била из кесмакка Ҳазорасб йўлиға тушуб юрдилар. Сипоҳнинг муқаддамаси Янгиариғ ва Писталига етиб эрдиларким, ямут черики Хивақда чаповул хабарин эшитиб, тушлуқтушдин отланиб, Арабхона ва Мезон сангарида соқаи лашкарга етушуб, уруш солдилар. Муҳаммадамин *иноқ* ва Ниёз *парвоначи* Янгиариғдин қайтиб, муқобил бўлуб, саф чекти. Муҳаммадамин *иноқ*нинг қошида юз киши йўқ эрди. Кўпраки Пистали етиб эрдилар. Аъдои давлат била урушуб турғон Шоҳниёз бек ибн Искандар *бий* ва Муҳаммадамин сориғ ва Эшназар Баҳодир *жалойир* ва Яхшимуҳаммад *қатаган* бошлиғ ўттуз чоғлиғ киши эрди. Аммо, ямутнинг черики бора-бора кўполиб, беш-олти минг бўлди. **Маснавий:**

Адув лашкари дамбадам ортибон,
Етиб ҳар тарафдин синон тортибон.
Ҳужум айлаб андоқки мўру малах,
Тушуб гулгулидин сипеҳр узра зах.
Қилиб лек тоқатларин хавф тоқ,
Қўя олмайин илгарирок оёқ.
Замоирларига солиб зуллжалол
Ҳарос, урголи гом қолмай мажол.
Бўлуб раабдин ҳар бута хору хас,
Алар кўзлариға сипоҳи-ю, бас.
Ғубориға ҳар сори қўзгаб қуюн,
Кўргузуб аларга минг қўшун.

[1409] Учрашишга ваъдалашилган жой.
[1410] Хушу – итоаткорлик.
[1411] Кизбу фусус – ёлғон.

Бу воқеадин Пистали борғон черик хабар топиб келиб, *иноқ*ға қўшулди. Ул чоғда *нукуз* Эшназар *мироб* лашкарга тарғиб ва таҳрис жиҳтидин дедиким: «Мундин қочиб нажот топмоқ маҳол кўрунур. Тангри таоло таидиға таваккал қилиб, билжумла бир ҳамла қилали, умидким, душманни мунҳазим қилғаймиз. Агар қатлға етсак, боре номус устида ўлармиз». **Назм:**

Эр улдур ки қатл этсаву тўкса қон,
Ва ё ўзи қатл ўлсаву берса жон.
Эрур мардлик даъво этганга ор,
Адув корзоридин этмак фирор.
Қатил ўлмоқ авло дурур разм аро,
Қочиб айламакдин юзингни қаро.

Бу сўздин барча қувват топиб, Муҳаммадамин *иноқ* отдин тушуб, ердин бир овуч туфроқ олиб, жайб[1412] иға солиб дедиким: «Парвардигоро, жавҳари жонимни санга топшурдум ва хокий танимни тупроқға.» Бу воқеани кўруб, сипоҳ аҳлидин андоқ ғарив қўптиким, еру кўк садоға кирди. Андин сўнг худои таолонинг даргоҳиға ниёзмандлиғ била нолиш қилиб, таваккали урват ал-вусуқиға чанги эътисом уруб, аъдои давлатға ҳамла қилдилар. Булар ҳануз етмайдур эрди, *қангли* Муҳаммадамин сориғ ва Эшназар *жалойир* Гурлоний Қоҳирқули *ушоқ*никим, ямутия жамоасининг сарвари эрди, синони жонситон била санчиб ўлдурдилар. Бу мансубаи ҳойилани муонидлар мушоҳида қилиб, ҳазимат топиб, фирорий бўлдилар. Оллоҳи таоло сўзидир: «Яна айтинг ҳақиқат келди ва ботил йўқолди. Чунки ботил йўқолгувчи нарсадир[1413].» **Назм:**

Бўлуб ҳақ сори фош мансурлиғ,
Етиб хайли ботилға мақҳурлиғ.
Топиб дўстлар фатҳу нусратға даст,
Етиб хасмға инҳизому шикаст.

Тамсил: Сана тўқуз юз қирқ олти[1414] даким, Убайдуллоҳхон Умарғози султон ибн Султонғози султоннинг тарғибу таҳриси била Хоразмға сипоҳ тортиб, ул мамлакатни олиб, Аванешхонни ўлдуруб, Хоразмни ўзининг ўғли Абдулазизхонға тафвиз қилиб қайтти. Ул овонда Аванешхоннинг улуғ ўғли Динмуҳаммадхон Хуросон ҳудудида Нисой ва Бовардда подшоҳ эрди. Бу воқеани эшитиб, уч минг черик била келиб, Хоразмни мусаххар қилиб, Хивақни пойтахт этти. Ва Абдулазизхон қочиб, отаси қошиға борди. Бу жиҳатдин Убайдуллоҳхон қирқ минг черик била Динмуҳаммадхоннинг қасдиға ҳаракат қилди ва ўзи Тевабўюнда мутавақҳиф бўлуб, Пирим ўғлон ва Ҳофиз *қўнғрот* деган икки амирин сипаҳсолор қилиб, аксар умаро била ўттуз минг сипоҳни топшуруб, Хоразмға йиборди. Алар Ҳазорасбға келганда Динмуҳаммадхон мудофаа учун Хивақдин отланди ва Хоразм умароси Бухоро лашкариға уч минг киши била муқобил бўлмоқни маслаҳат кўрмай, Хуросонға бормоқни муносиб кўруб, арз қилдилар. Хон қабул қилмай юруди. Умаро илгарироқ бориб, отдин тушуб, йўл устида юкунуб, арз қилдилар. Қабул тушмади. Учланжи арз қилғанда Динмуҳаммадхон отдин тушуб, бир овуч тупроқ олиб, дедиким: «Парвардигорим, жонимни санга топшурдум, танимни тупроқға.» Ул тупроқни яқосиға қуюб, дедиким: «Бу туфроқ қабрим туфроқи ва либосим кафандур.» Андин сўнг умароға боқиб, дедиким: «Сизларнинг жонингиз мандин ортуқроқ бўлса урушға борманг ва агар баробар бўлса қолманг.» Бу сўз аларға муассир бўлуб, барча муттафиқ ал-калома бўлуб, дедиким: «Жонимиз санга фидо бўлсун.» Хон бу сўздин хотиржам бўлуб, Бешариғ ҳудудида Гардонхост кўлидаким, ҳоло Нукуз кўлиға машҳурдур, анингдек улуғ черик била урушуб, шикаст берди. Ҳазорасбға борғунча таоқиб қилиб, қатли ом этти. Ва Ҳофиз *қўнғрот* ва Пирим ўғлонни аксар умаро била асир қилди. **Шеър:**

[1412] Жайб – кисса.
[1413] Қуръони карим, 17 : 81.
[1414] Ҳижрий 946/1539-40 йил.

Жондин ўтмай баҳра топмоқ умрдин осон эмас,
Кечмайин бошдин ўтоға[1415] *санчмоқ имкон эмас.*
Жонфишонлиғ қилмаса ҳар кимса бу майдон аро,
Тиғи анинг хасм қони бирла хун фишон эмас.

Чун *ямут* сипоҳи ҳазимат топти, Муҳаммадамин *иноқ* ва Ниёз *парвоначи* баҳодирлар била таоқиб қилиб, муонидларни ўлдура-ўлдура Пирнавхост ариғининг кўпрукиға етуштилар. Ямут айланиб, ҳамла қилди. Баҳодирлар қайтмай аралашиб, Менгликелди сақовнинг ўғли Муҳаммадаваз ва Муҳаммадпаноҳ оқой Рофинакийни қатл эттилар. Ва *қавчуқ* уруғидин Коко бой деган ямутни асир қилдилар. Мундин сўнг ямут сипоҳи ҳеч ерда таваққуф қила олмади. Балки, аксари мутафарриқ бўлуб, аҳлу аёлин олиб қочмоқға иштиғол кўргуздилар. *Найман* Оллоҳберди *удайчи* ва Қурбонқули *қози* ўттуз шужо йигит била қовуб, Абдол Бобо *навваралloҳу марқадаҳу* жавориғача икки-уч ерда ямутнинг изидин етиб, кўп кишини мақтул ва маасур қилдилар. Аммо, Ниёз хўжа ва Саййидмуҳаммад бой ибн Дўстмуҳаммад *арбоб* оз киши била Қумясқа йўлиға тушуб, таоқиб этиб, муфсидларни қатлға еткурур эрдилар. Қумясқаға етганда, муонидлар аларни оз кўруб, ҳужум қилиб, ул икки бечорани шаҳодатға еткурдилар. **Назм:**

Сипеҳри зулмгустар илигидин дод,
Ки расмидур анинг пайваста бедод.
Біровким тортибон ранжу аънони,
Топар чоғда ҳусули муддаони.
Жафолар еткурубдур замондин,
Қилур маҳрум андин, балки, жондин.

Андин сўнг ямут мутафарриқ бўлуб, баъзиси Хиваққа кириб, тура олмайин Ото дарвозасидин чиқиб, қўлиға кирган аёлу атфолин олиб, Гургонга фирор қилдилар. Муҳаммадамин *иноқ* фатҳу нусрат била шаҳарга кириб, Фозил бекни муҳофазатға тайин қилиб, ўзи сипоҳи нусратпаноҳ била бир фарсахғача таоқиб қилиб, аъдои давлатни қатли ом қилиб, ғаноими мавфур ва исори номақдур била мурожиат этиб, дор ас-салтана Хиваҳни нузули мусарратвусули била фирдавснишон қилди. Ва баҳодирлар икки кунгача изидин қовуб, кўп кишини мақтул ва маасур қилиб қайттилар. Ва бадхоҳлар атрофи оламға овора бўлдилар. Ва Абдулраҳим *меҳтар* Урганжийким, сардафтари аҳли фасод эрди, ямут Арабхонада шикаст топғонда Губонбоғ кўлиға кириб, сув ичида ёшунуб қолиб эрди, *найман* Дўстниёз Баҳодир ибн Нафас *доруға* ани кўлдин тутуб келтурди. *Иноқ* ани ўлдуруб, бошин Урганжга йиборди. Ва Эшниёз бой Хонқоҳийни вазорат хилъати била сарафроз қилиб, умури салтанат ва муҳҳоми мамлакатни анинг қабзаи иқтидориға тафвиз қилди. Ва *риёсат*[1416] ташрифи била Абдулраҳмон бойни муфтахар қилди. **Назм:**

Рост юруб доираи даҳри банд,
Қилди саодат элини аржуманд.
Ҳақ бўлуб ўз марказида барқарор,
Айлади иқторға ботил фирор.
Фатҳ ўлуб арбоб *адолат сори,*
Етти шикаст аҳли батолат сори.
Дафъ бўлуб даҳрдин аҳли хилоф,
Муртафе ўлди асари ихтилоф.
Чарх шараф аҳлин этиб сарафроз,
Тўлди жаҳонға шарафи иззу ноз.
Рафъ бўлуб халқ бошидин бало,
Бўлди фисод аҳли саросар жило.

[1415] Ўтоға (син.: жиға, укпар) – тожлик пари.
[1416] Бу ерда диний ва ижтимоий ишлар назоратчиси «раис»лик кўзда тутилмоқда.

Алқисса, аъдои давлатнинг зулм била йиғнолғон амволу мавошиси била раоё ва фуқаро дунёдин мустағний бўлдилар. Ва жамии мамолики Хоразм Муҳаммадамин *иноқ*нинг таҳти фармониға кириб, фуқаро фориғболда осудаҳол бўлдилар. Ва Саййидқули бойдин минг ашраф мутолиба қилиб, Муҳаммадсаид бойнинг шафоати била гуноҳин афв этиб, Урганж ҳукуматида бойи мазкурнинг хизматиға муқаррар қилдилар. Ҳар кишиким, дўстлиғда жонбозлиғ қилиб эрди, мансабу суюрғолот била сарафроз қилди. Ва икки ойдин сўнг Жаҳонгирхонни халаъ қилиб, Оқимхон ибн Одил султонни Даштдин келтуруб, подшоҳ қилди. Ва оз чоғда қаҳат балоси муртафе бўлуб, андоғ арзонлиғ бўлдиким, икки ёрмоқға бир улуғ қўй, бир динорға Хивақ тоши била қирқ ботман буғдой ва олтмиш ботман жувори бердилар. Ул учурда Хивақ ботмани Табризға уч ярим ботман эрди. Жило ва мусофират ихтиёр қилғанлар мувотин ва масокинлариға мурожиат қилиб, ҳар ким ўз мулкида зироат ва иморатға мубодират кўргузуб, юрт аввалқидин яхшироқ маъмур ва ободон бўлди. Ва барча вазиъ[1417] ва шариф ишрат асбобин муҳайё қилиб, қавонини нишот оҳангиға қиём кўргуздилар. **Назм:**

Билоду музофот обод ўлуб,
Табое маишатиға мўътод ўлуб.
Бўлуб мулки Хоразм жаннат мисол,
Бароё беҳиштедек осудаҳол.
Басо нозу неъмат фаровон бўлуб,
Баҳо ичра туфроқдин арзон бўлуб.
Улуғ то кичик базми ишрат тузуб,
Туну кун нишоту тараб кўргузуб.
Суруб комин ўз муддаоси била,
Ичиб жом иноқ*нинг дуоси била.*

Манқулдурким, ул айёми майманат анжомда ойини шафқат ва қавонини мурувват ул мусобада истило топтиким, масалан, муҳтоже бировга изҳори ҳожат қилса, агар анинг ул ҳожати жон ҳам бўлса, бу музоиқа қилмайин «оллоҳнинг яратганларига шафқат қилмоқ[1418]» муқтазоси била ҳожатраволиғ умурида жонбозлиқ қилур эрди. Ва агар сиймдин дам урса, бу ўз нафсин сотиб, «ўзларини қўйиб, ўзгаларга ийсор қилурлар[1419]» фаҳвоси била зарпошлиғ кўргузуб, узрин қулур эрди. **Назм:**

Русуми мурувват бўлуб айлади фош,
Қилурлар эди базл этарда талош.
Агар топсалар эрди муҳтожи нон,
Қилурлар эди анга ийсори жон.
Гадоларга ул нав ҳиммат эди,
Ки Ҳотамдин ортуқ мурувват эди.

Ҳикоят қилурларким, ул учурда дарвише бор эрди хирмани жамиятин фақр тундбоди барбод қилған ва кулбаи эҳзони фоқа[1420] селобидин йиқилған. Бир кун муҳтожлиғ шиддатидин бир дўстиға киши йибордиким, дастгирлик вақти ва мурувват чоғидур. Дўсти дағи дарвишлик майдонидин қасаби сибқат элтган эрди. **Байт:**

Талх эди фоқа била коми анинг,
Йўқ эди бир луқма таоми анинг.

[1417] Вазиъ – қуйи табақа.
[1418] Ҳадис.
[1419] Қуръони карим, 59 : 9.
[1420] Фоқа – камбағаллик.

Ул бовужуди мундоқ усрат[1421] қосидни маҳрум қайтармоқни мурувватдин муносиб кўрмай, бировга бир ой маздурлиқ қилмоқ ваъдаси била бир ашрафий олиб, дўстиға йибордиким, маъзур тут, ҳоло топғоним будур. **Қитъа:**

На хуш хужаста сифот эрдиким карам чоғи,
Ўзин асир қилур халқнинг кушоди учун.
Ана муруввату ана шафқату ана ҳиммат,
Ки ўзни банда қилур халқнинг муроди учун.

Тамсил: Саҳобаларнинг биридин нақлдурким, чун Уҳуд ҳарбида аҳли ислом ва асҳоби киромдин кўп киши шаҳид бўлдилар, мен бир кўза сувни кўтардим ва шаҳидлар орасиға бордимким, ҳар кимда рамақ боқий бўлса, сув бергайман. Уч саҳобани топтимким, мажруҳ ва ташналик шиддатидин нола қилурлар эрди. Чун сувни бириға арз қилдим, ул дедиким, «анга берким, ул мандин ташнароқдур.» Иккинчининг қошиға элтдим. Ул учунчига ишорат қилди ва учунчи аввалғиға ишорат этти. Чун аввалғининг олдиға бордим, ҳаёт вадиатин қобиз ал-арвоҳға топшурубтур. Бу тариқада иккинчи ва учунчининг ёниға бордим, фавт бўлубдурлар. **Қитъа:**

Маоши аҳли мурувват бу ғоят ичра дурур,
Ки муғтанам билибон жонларин нисор қилур.
Мувофиқат била бир-бирининг ҳаёти учун,
Ҳалокат ўзлари жониға ихтиёр қилур.

Ниёз парвоначининг мухолифат амриға қиём кўргузуб, Хўжамберди қўшбегини Бухородин ўз мувофиқатиға истидо қилғони ва бу анинг муозидат[1422] и била Котға кириб, муонидат байдоқин барпо қилғони. Ҳазрат подшоҳи марҳумий Элтузар Муҳаммад Баҳодирхоннинг хабари вилодати ва баъзи умарои олийшоннинг воқеаи шаҳодати. Ул икки амири бадтадбирнинг маоли аҳволи ва амири кабир Муҳаммадамин иноқнинг ҳукумат сариридa истиқлоли

Бу баҳористоннинг чамантарози, бу нигористоннинг анжуманпардози, яъни, хомаи анбар шамома мундоқ таҳрир қилурким, санаи ҳижрия минг юз саксон беш[1423] да Топушқон йили Ниёз *парвоначи*нинг димоғиға боди нухувват[1424] йўл топиб, Жонмурод *иноқ* ва Ножи *бий*нинг сеояти била Муҳаммадамин *иноқ*ни манзури назари эътибор қилмай, умури мулкия ва ғайри мулкияға мудохилат қила бошлади. Ва *қанғли* авоми бошлиқ Ҳазорасб ҳаромзодалари фуқаро ва раоёға тааддиёт ва таҳаккумот қилиб, мазруот ва маакулотларида ихтиёр қолмади. Ниёз *парвоначи* ул зулм ва бедодға ризо бериб, мазлумлар додиға етмади. Муҳаммадамин *иноқ* Ниёз *парвоначи*ға мундоқ ношойисталардин мамонеат кўргузуб, зуламанинг дасти таадисин мазлумлардин кутоҳ қилди. Бу жиҳатдин Ниёз *парвоначи* қаҳр қилиб, Ҳазорасбға бориб, мухолифат ва муонидат тариқиға иқдом кўргузди. Ва Хўжамберди *қўшбеги*ким, баъзи сабаби номаръи била Муҳаммадамин *иноқ*дин мукаддари хотир бўлуб, Бухорода қолиб эрди, Ниёз *парвоначи* анга киши йибориб, ўз мувофиқатиға даъват қилди. Ва Хўжамберди *қўшбеги* мутақаббил бўлуб, Ҳазорасбға келиб, анинг муозидат ва музоҳирати била мустазҳар бўлуб, Ҳазорасбдин лашкар олиб, Котға кирди ва мухолифат байдоқин бар алония[1425] барпо қилиб, музофот саҳронишинларин Кот қўрғониға мутаҳассин қилди. Муҳаммадамин *иноқ* бу воқеаи ҳоиладин озурда хотир бўлуб, Жонмурод *иноқ* ва Бойназар бийниким, ул овонда *қўшбеги* эрди, икки минг черик била Шоҳобод муҳофизатиға йиборди. Алар Шоҳободға бориб, Хўжамберди *қўшбеги*нинг сипоҳи била муҳориба қилдилар. Ул ҳарбда аҳли туғёндин Ниёз *парвоначи*нинг аммзодаси Эшпўлод бекни Боғибек *дастурхончи* ўқ била уруб ўлдурди. Бу

[1421] Усрат – қийинчилик, қашшоқлик, муҳтожлик.
[1422] Муозидат – ёрдам.
[1423] Ҳижрий 1185/1771-72 йил.
[1424] Нухувват – такаббурлик.
[1425] Бар алония – очиқдан-очиқ.

тарафдин Хоса қушбегининг иниси Чинпўлод бек ибн Элчи бек муонидларға асир бўлуб, ани Эшпўлодбекнинг қони учун шаҳодатға еткурдилар. **Байт:**

Мухолифат иши қон тўкмак ўлди охири кор,
Мувофиқат хаттидин чиқма ташқари зинҳор.

Жонмурод *иноқ*ким, аввалдин худ Ниёз *парвоначи*ға ҳавохоҳ ва якжиҳат бўлуб, ул амири бетадбирнинг мухолифат ва туғёниға муаҳаррик ва сои эрди, андоқким юқорироқ ишорати қилилиб эрди, яна «ёмонлардан ёмонликдан ўзга чиқмайди» мавжиби била тунбоди шарорат ҳаракатидин ғубори фитнани турғузуб, ўз сипоҳин бузуб, Хўжамберди *қўшбеги*га қўшулди. Маълум бўлсунким, Жонмурод *иноқ*нинг аввал мухолифати ул кундин эрди. **Қитъа:**

Улки хилқатда забун бўлса сиришти анинг,
Айлар андин нашиён феъли баду хислати зишт.
Найшакар хосиятин заҳар гияҳдин тилама,
Ки анинг барги барча эрур заҳар сиришт.

Бу жиҳатдин Бойназар *бий*нинг сипоҳи мутазалзил бўлуб, ҳазимат топти ва Кот черики таоқиб қилиб, кўп кишини асири бало ва дастгири аъно қилдилар. Муҳаммадамин *иноқ* ғазабнок бўлуб, муонидлар гушмоли учун отланмоқ иқтизоси била «ишларингизда улар билан маслаҳат қилинг[1426]» эшигин умаро юзиға очти. Алар отланмоқ раъйин мустаҳсан кўрмай, сулҳ масолиҳин маслаҳат билдилар. Анинг учунким, ҳануз ғубори фитна таскин топмасдек баланд бўлуб, гарди ваҳшат ойинаи замоирни жилопазир бўлмоғудек мукаддар қилмайдур эрди. **Қитъа:**

Сулҳ ила буткудек ишни размга қилмоқ бадал,
Аҳли ақл оллида айни жоҳилиятдин эрур.
Ақдаеким ҳал бўлур тадбир тирноғи била,
Тег ила очмоғлиғ ани суъи ниятдин эрур.

Аъёни давлат раъйининг обафшонлиғи била Муҳаммадамин *иноқ*нинг ғазаби таскин ётиб Фозил бек била Қўчқор *отолиқ*ни Ниёз *парвоначи*ға йибориб, баъзи умарони Хўжамберди *қўшбеги*ға номзад қилди. Алар жаҳди мавфур ва сайъи машкур тақдимиға еткуруб, Хўжамберди қушбеги сулҳ қилиб, бандиларни мутлақ ал-инъон қилди. Ул кун офтоби оламтоб Асад буржида эрди. **Назм:**

Замон хуб эди, фалак нек сайр,
Жаҳон кўргузуб даги асари хайр.
Кавокиб қироноти масъуд эди,
Буруж иртифооти маҳмуд эди.

Ҳазрат подшоҳи соҳибқирон, кишваристони жаннатмакон Элтузар Муҳаммад Баҳодирхон *анорул-лоҳи бурҳонуҳу*нинг валодати саросар саодати била ноҳияти Хоразм *санааллоҳу анил-офот ва-л-алзам* рашки гулзори «баланд устунли қасрларга эга Эрам шаҳрига ўхшашгани бошқа ерларда қурилмаган[1427]» бўлди. Ва қудуми майманатлузуми била дор ас-салтана Хивақ *ҳафазаллоҳу ани-л-гарақ ва-л-ҳарақ* зийнатафзой, бўстони «остидан дарёлар оқиб турадиган абадий жаннатлар[1428]» бўлди. **Шеър:**

Бартараф бўлди фитнаи эл туз,
Даҳр қўйди рифоҳият сори юз.

[1426] Қуръони карим, 3 : 159.
[1427] Қуръони карим, 89 : 8.
[1428] Қуръони карим, 98 : 8.

Мунҳадим бўлди расми мухталифот,
Топти олам иши қарору субот.

Бу жиҳатдин вужуди зу-л-жудидин мубораку маймун билиб, Элтузар исми била мавсум қилдилар. **Қитъа:**

Чун туғди вужуди қуёши буржи шарафдин,
Зулумоти фатан олам уйидин бадар ўлди.
Фархунда оти Элтузар ўлса неажабким,
Зоти шарафу йўмн била Элтузар ўлди.

Хўжамберди *қўшбеги* икки кундин сўнг Муҳаммадамин *иноқ*нинг дастбўслиқи била набираи фархундазот, сутудасифотининг вилодатининг муборакбодлиқи учун дорулимораи Хиваққа умаро била мутаважжиҳ бўлди. Муҳаммадамин *иноқ* анинг итминони хотир ва истеҳкоми муволифати учун баъзи акобирни истиқболиға йибориб, таъзими вофир ва такрими мутакосир била шаҳарда манзили хуб ва мақоми марғубға тушурди.

Ул бовужуди мундоқ яхшилиқ Ниёз *парвоначи* келгандин сўнг яна анга бош қўшуб, ямонлиғ йўлида бошин барбод берди. Ва Ниёз *парвоначи* Фозил бек била *отолиқ* борғондин сўнг аҳди муаккад ва паймони мушаййяд била мунофиқат юзидин мувофиқат кўргузуб, гург оштий қилди. **Рубоий:**

Юзунгда мувдат асари азҳардур,
Кўнглингда адоват шарари музмардур.
Машғул дурур зоҳиринг сулҳға, лек
Жанг ишида ботининг фисодовардур.

Андин сўнг худдам ва ҳашами била отланиб, инон азиматин Хонқоҳ савбиға маатуф этиб, ул балдаи шарифнинг дарвозасиға наҳзат этти. Эшниёз *меҳтар* ва Абдулраҳмон бой Урганжий ва Ниёзмуҳаммад Оқой Қаҳрамонийким Муҳаммадамин *иноқ*нинг давлатхоҳи самимий ва ҳавохоҳи қадимийси эрдилар, аларни маасур ва мағлул қилиб, Хиваққа борди. Сўнгғи кун ул мазлумларни шаҳодатға еткурди. Ва *найман* Муҳаммад *иноқ*ким, Муҳаммадамин *иноқ*ға якжиҳат ва *парвоначи*ға мухолиф эрди, бу воқеани эшитиб, Гурланда турмоқни маслаҳат кўрмай, Орол *ҳоким*и Муҳаммадназар *бий*нинг илайига бормоқ иродаси била Орол жониби мутаважжиҳ бўлди. Йўлда Қулобия канорида *хитой-қароқалпоқ*нинг *ҳокими* Қурбонтой *бий*нинг ўғлонлари ул амири равшанзамирни тутуб соқлади. Ниёз *парвоначи* анинг изидин Жонмурод *иноқ*ни йибориб эрди, Жонмурод *иноқ* ани Қурбонтой бийдин олиб, муовидат қилди. Йўлда Гурлан *наймон*нининг оёқида Қарғалар маҳалласиға етганда, Муҳаммад *иноқ* Жонмурод *иноқ*дин илтимос қилдиким «Хивақ бориб, *парвоначи*дек душманимнинг сиёсат ва ҳақорати била мақтул бўлғонимдин бу мавзедаким, ўз уруқимға яқиндур, авло ва ансаб кўрунур.» Жонмурод *иноқ* мултамасин мабзул тутуб, ризо берди. Муҳаммад *иноқ* андин рози бўлуб, ул маҳалла масжидидаким, «Болта қарға масжиди»ға машҳурдур, пешин намозин ўтаб, Болта қарғағаким, ул маҳалла *кадхудо*си ва ўзининг *чокар*и эрди, ўзин оттуруб, олами фонийдин жаҳони боқийға интиқол қилди. Жонмурод *иноқ* анинг молу жиҳотин қабзаи тасарруфиға олиб, Чиғатойға нузул қилди. Муҳаммад *иноқ* қатл бўлғон чоғда Ниёз *парвоначи*ни ўлдуруб ва Муҳаммад *иноқ*ға махлис бериб, Жонмурод *иноқ*ни тутдурмоққа киши буюруб эрдилар. Аммо, на осиғким, қазо ўз ишин қилиб эрди. **Маснавий:**

Қазо етса ногоҳ тортиб камон,
Қутулмоқ ажал шастидин йўқ гумон.
Осиғ айламас изтирор айламак,
Жаҳон ичра ҳар ён фирор айламак.

Жонмурод *иноқ* ул мансубаи жонгузойни эшитиб, Чиғатойдин қочиб, Амуядин убур қилиб, қир йўли

била Бухороға борди.

Эмди Ниёз *парвоначи*нинг воқеотидин эшитинг. Жонмурод *инок*ни Муҳаммад *инок*нинг талабиға йиборгандин сўнг Худойназар *бий* отлиғ *наймон*ни *инок* қилди ва Хўжамберди *қўшбеги* била муттафиқ бўлуб, ҳукумат ихтиёрин тасаллут расми била қабзаи иқтидориға олди. Ва Муҳаммадамин *инок*нинг давлатхоҳларин жаббор сифатлиғ била маққур ва манкуб қилиб, Муҳаммадамин *инок*нинг қасдиға ижтиҳод камарин боғлади. **Назм:**

Нақзи аҳд этти ўз муроди била,
Бузди паймонин эътиқоди била.
Боғлади бел иноқ *қасдиға рўст,*
Амри ботилға азмин этти дуруст.
Ул шақоват ўзига айлаб асар,
Бошқаға қасде қилди бошқа зарар.

Муҳаммадамин *инок* ул умури ношойиста таҳқиқиға етиб, «воқеа юзага чиқмасдан бурун иложини қилинг[1429]» фаҳвоси била пешдастлик қилиб, Бойназар *бий*нинг иттифоқи била Оқимхондин ул икки амири бетадбирнинг рухсати қатлин ҳосил қилди ва кўрунуш ҳангомида хон ва *инок*нинг фармони била Бойназар *бий парвоначи*нинг соқолидин тутуб, пичоқлаб ўлдурди. Ва Қаландар *дастурхончи* била Ниёз чакчак Хўжамберди *қўшбеги*ни қатлға еткурдилар. «Эй кўрар кўз эгалари, ибрат олинг[1430]» **Байт:**

Ул ки феъли замима фош этти,
Феъли эрдики бошиға етти.

Тожи *бий қиёт*ким, *парвоначи*нинг ҳавохоҳи эрди, бу ҳодисаи муваҳҳашани англаб, *қангли* йигитлари билаким, ул ерда ҳозир эрди, ҳужум қилиб, кўрунушхонаға югурдилар ва *олтун жилов*лар аларни уруб қайтарди. Алар сайъи тамом ва жаҳди молокалом била қочиб, Ҳазорасбдин *парвоначи*нинг ўғли Бобобекни олиб, Бухороға борди. *Амир* Дониёл Бобобекға дилдорлиқ кўргузуб, имдод ваъдаси қилди. Ва Муҳаммадамин *инок* бир неча айёмдин сўнг баъзи аъён ҳазратнинг шафоати била Тожи *бий*нинг гуноҳин афв қилиб, Бухородин келтурди.

Бобобек ибн [Ниёз]парвоначининг хуруж қилиб, Ҳазорасбни олғони. Фозилбекнинг сипоҳи жаррор била анинг қасдиға қўзғолғони ва Гурлан акобири мухолифат кўргузуб, Фозилбекдин рўгардон бўлғони ва кофаи ўзбакия тамарруд оғоз қилиб, Бобобек аларға келиб қўшулғони ва мутамарридлар қўнғрот Ҳасан Қобил сўфининг иҳтимоми била Қўшкўпрук қўрғониға кириб, ғалабаи тамом била Хивақ дор ас-салтанасининг муҳосирасиға юруш этгани ва Бекпўлод отолиқнинг тадбири била муқотила мусолиҳаға айланиб, муонидларнинг жамиятиға тафриқа етгани

Асҳоби сийияру таворих, арбоби хабару шаморих лахлаха[1431] йи нақлу ройиҳаи ривоят била соме димоғин мундоғ муаттар қилурларким, ҳамул йил[1432] Қавс[1433] да Муҳаммадамин *инок* ўз ўғли Ниёзмуҳаммад бек ва Одил бекнинг ўғли Муҳаммадпаноҳ бек учун Гандумкон ҳовлисидаким, ҳоло ул мавзе ҳазрат султони соҳибқирони гардунтавонға меросдин тахсис топибдур, улуғ тўй ва азим сур тартиб бердиким. **Рубоий:**

[1429] Араб мақоли.
[1430] Қуръони карим, 59 : 2.
[1431] Лахлаха – таровот.
[1432] Ҳижрий 1185/1771-72 йили кўзда тутилган.
[1433] 23-декабр – 24-январ оралиғи.

Саргашта сипеҳр тун-кун айлаб таку пуй,
Наззора қилиб ер юзини кўй-ба кўй.
Бир кўрмади ул ҳануз анингдек ҳаргиз
Шоҳона улуғ қурултоъ-ю, олий тўй.

Анинг изидин Бойназар *бий қушбеги* бевосита ул мавзеда тўй берди. Андин фароғ топғондин сўнг Мурод *парвоначи* Ҳазорасбда улуғ тўй бериб, Муҳаммадамин *иноқ*ни умарои изом ва нудамои вожиб ал-эҳтиром била чорлади. Ул кун шаъбон ал-муаззамнинг йигирма учунжи[1434] си, чоршанба куни эрди. Ҳасанмурод *парвоначи* Муҳаммадамин *иноқ*ни ўз манзилиға, умарои изомни оқо-иниларининг манозилу масокинлариға тушуруб, шоҳона зиёфат ва меҳмондорлиғға мубодират кўргузди. **Назм:**

Очиб меҳмон юзига боби айш,
Муҳайё қилиб ҳар на асбоби айш.
Ниҳоятдин афзун бўлуб, аклу шурб,
Топиб илтизоз наъми бўъду қурб.
Ичиб сар-басар согари инбисот,
Бўлуб барча масти шароби нишот.

Кечанинг нисфи ўтуб эрдиким, Бобобек келиб, Ҳазорасб қўрғониға кирди. Маълум бўлсунким, Ҳазорасб *қанғли*сининг баъзи ҳаромиси Бобобекка киши йибориб, чақириб, ул кечани миод[1435] қилиб эрдилар. Баъзи дерларким, Бобобек уч кунда Бухородин келиб, муз устидин дарёдин ўтуб, қалъаға киши йиборди. Дўсим *иноқ*нинғ ҳарами Қундуз оналиқдин ўзга киши қалъада йўқ эрди. Бобобек ул заифанинг дастёрлиқи била қалъаға мутасарриф бўлди. Муҳаммадамин *иноқ* бу ҳодисани эшитгандин сўнг ани ихтиёр қилдиким, ўзи Ҳазорасбда тавaққуф қилиб, музофот черики била қалъани муҳосира қилғай. Фозил бек ва Бекпўлод *отолиқ* турмоқни маслаҳат билмай, мурожиат қилмоқни муносиби давлат кўруб, *иноқ*ни отлантурдилар. Ва Бекпўлод *отолиқ* Ниёзмуҳаммад бек ва Муҳаммадпаноҳ бекниким, тўйхонада қолиб эрдилар, олиб йўлда *иноқ*ға етуштилар. *Иноқ* Хиваққа келгандин сўнг аксар умаро қочиб келдилар. Андин сўнг *иноқ* Фозил бек ва Бекпўлод *отолиқ* ва Раҳимберди *отолиқ* ва Бойназар *қўшбеги*га умарои изомни масҳуб қилиб[1436], ўн минг черик била Ҳазорасб муҳосирасиға йиборди. Алар *Найман*да муаскар қилдилар. Ул жиҳатдинким, Бешариқнинг аксар музофоти Бобобекка мутобеат қилиб эрди, бу мавзеда бир неча кун макс[1437] воқе бўлуб, Ҳазорасбийлар била кўп уруштилар. Андин кўчуб, Дурғодик мавзеин мухайям[1438] и хайём[1439] и майманатанжом қилдилар. Бобобек оғир черик била Масъуд устидин келиб, Фозил бекнинг қаровулиға йўлуқуб, уруш солиб, *қиёт* Эшқобил ясовулни ўлдурдилар. Умарои изом бу воқеани эшитиб, мудофааға чиқиб, Дурғодик қибласида Хиваник наҳри била Янгиариғ орасида талоқии фариқайн вуқу топиб, қаттиғ уруш тушти. Ва баҳодирлар шижоат теғин жилваға киргузуб, муонидлардин Чўнгқара *солур* бошлиғ кўп кишини адам асфаласофлиниға йибордилар. **Байт:**

Чу баттоллар корзор айлади
Адув лашкарин тору-мор айлади.

Бу воқеа инқизосидин икки кун сўнг Гурлан акобири Кўчак бек ибн Муҳаммад *иноқ* ва Қурбонқули *қози* ва Шерали *жалойир* ва Ашур бек *нукуз* Бобобекка мухолифатда муттафиқ бўлуб, Гурлан ва Вазир сипоҳи била асокири зафармаосирни бузуб, Гурлонға кириб, тамарруд ва туғён байдоқин бар алония барпо қилдилар. Бу жиҳатдин умарои изом қайтмоқни турмоқдин ансаб ва авло кўруб, инони азиматни

[1434] 1185 йил 23-шаъбон/1771 йил 2 декабр
[1435] Миод – ваъдалашилган жой.
[1436] Масҳуб қилиб – ёнига қўшиб.
[1437] Макс – тўхтаб туриш.
[1438] Мухайям – чодирлар тикланган қароргоҳ.
[1439] Хайём (бир.: хийма) – чодирлар.

мурожиат тарафиға маатуф этиб, Хивақда Муҳаммадамин *иноқ*нинг мулозиматиға мушарраф бўлдилар. Бу ҳодиса ҳудусидин коффаи *ўзбакия* авзои тағййир топиб, муонидлар силкига мунхарит бўла бошладилар. Ҳар ердаким, шарир ва муфаттин ва ярим кўнгуллиғ киши бўлса, мухолифат кўргузуб, Гурлан қўрғониға йиғнолди. Ва Бобобек даги мухолифлар истидоси била Ҳазорасб ва Бешариғ сипоҳин олиб, Гурланға борди ва барча иттифоқ била *қалпоқ*иядин Абдуллоҳ султонни келтуруб, Гурланда хон кўтардилар. Муҳаммадамин *иноқ* Фозил бек бошлиғ Хивақ умаросин қолғон элнинг черики била мудофааға йиборди. Баъзидин нақлдурким, бу сафарда Фозил бек йўқ эрди ва Бойназар *қўшбеги* саркарда эрди. Ҳар тақдир била алар Котни муаскар қилиб, икки ойғача муонидлар сипоҳи била муҳориботи бисёр ва муқотилоти бешумор зуҳурға еткурдилар. Ул аснода Уйғур *ҳокими* Бекпўлод *отолиқ*ким, Муҳаммадамин *иноқ*нинг изни била мухолифлар жамиатиға тафриқа еткурмак учун зоҳиран мухолиф амриға қиём кўргузуб, Муҳаммадамин *иноқ*дин рўйгардон бўлуб, муонидларға қўшулди. Мундин сўнг Қўшкўпрук *қўнғрот*ининг акобиридин, йўқ-йўқ, балки арозлидин Эсанқобил сўфи иниси Тилавқобил сўфи билаким, «кофир сўфи» лақабиға машҳурдур, тамарруд ва туғён оғоз қилиб, зу-л-ҳижжа нинг ўн бириида чаҳоршанба кечасиким, Қурбон ийдининг иккинчи кечаси эрди, муонидларни чақириб, Қўшкўпрук қўрғониға киргуздилар. Умарои изом бу муваҳҳиш хабарни эшитиб, мутазалзил бўлуб, Котни ташлаб, Қатаған устидин Хиваққа келдилар. Андин сўнг Кот ҳам муонидлар тасарруфиға кирди. Бир неча кундин сўнг умарои мухолиф атроф ва жавонибдин сипоҳ йиғнаб, ғалабаи тамом ва издиҳоми молокалом била Муҳаммадамин *иноқ*нинг истисоли учун дор ас-салтана Хивақ муҳосирасиға ҳаракат қилиб, Рофинак ҳудудида суфуфи касофатвуқуфни ясаб, майманаи номаймун ва майсараи номайсурни баъзи умаройи тоғия ва шужаои боғия[1440] нинг завоти завиласифот[1441] и била ораста қилиб, Бобобек ва Бекпўлод *отолиқ* ва Қаландар қушбеги ва Жонмурод *иноқ* ва Кўчак *иноқ* ва ғайриҳум қалбгоҳда турдилар. **Шеър:**

Сипоҳи адув андоқ айлаб ҳужум,
Ки тунлар фалак арсасида нужум.
Ясаб бағий майдони ичра ясол,
Мазориъ ҳудудида жангал мисол.
Топиб кибру нухувват барида субут,
Аён айлабон барча боду бурут.
Тараддуд қилиб ул сифатким малах,
Уруб аҳли Хиваққа таъну занах.
Хуруш айлабон бири девдек,
Санаб ўзларин Тус ила Кивдек.
Йилондек бўлуб дамлари заҳрпош,
Чекиб хукдек наъраи дилхарош.

Бекпўлод *отолиқ* Муҳаммадамин *иноқ*ға пинҳоний киши юбориб эрдиким, уруш ва жидол маслаҳати учун шаҳардин киши чиқармасунким, беҳбуд[1442] андадур. *Иноқ* бу жиҳатдин мудофааға киши юбормайин, ўзи Янги дарвоза устида шомиёна[1443] тортиб, ўлтуруб, умарои изомни ўзга дарвозаларда ва буржу боруларда тайин қилиб, қалъадорлиқға машғул бўлди. Аммо, муонидлар Хивақ атрофиға чаповул уруб, Янги қалъа ва Кабутархона маҳаллотининг ҳожатдин ташқари қолғон ашёи матрука ва асқоли мафлукаларинким, мажмуин бир ёрмоқға олмас эрдилар, торож қилиб, мурожиат қилдилар. Ва оз фурсатдин яна ғалаба қилиб, Хивақ устиға мутаважжиҳ бўлуб, Хиваник канорида саф ясаб турдилар. Ва Хивақ диловарлари *иноқ* рухсати била шаҳардин чиқиб, ҳазрат қутб ал-авлиё ва фахр ал-атқиё, афзал ал-восилин, акмал ал-комилин, шайх аш-шуюх ал-олам, ғавс ал-аъзам, имод ал-миллат ва-д-дин Эшон маҳдум ҳожи *қаддаса сирраҳулазиз* жаворидаким, ул мавзе «Нон емас» лақабиға иштиҳор топибдур, муонидлар

[1440] Тоғия, боғи, ёғия (тоғий, боғий, ёғий) сўзлари бир хил «исёнкор» маъносини билдиради.
[1441] Завоти залиласифот – ёвуз сифат зотли.
[1442] Беҳбуд – яхши ҳолат.
[1443] Шомиёна – чодир.
[1444] Эҳтиёт бўл.

черики била корзори ажиб ва кирдори ғариб зуҳурға еткурдиларким, тамошобинлардин овози «ал-ҳазар[1444]» гардун қулоқиға етти. Мутамарридлардин Эсанқобил сўфиким, шужои номдор ва абтоли руз-гордин эрди, Шоҳниёз бек валади Искандар *бий* анинг била Оқёф кўпрукининг оллида муҳориба қилиб, синони жонситон била уруб, захмдор қилди ва сўфии мазкур машаққати тамом била ўзин ул балиядин қутқорди. Ва баҳодирлар суюфи обдор била кўп кишини аъдои давлатдин водии бавор[1445]ға юбордилар. Аммо, Абдулкарим бек ибн Саййидназар бек ибн Дўстон *қўшбеги*га мухолифлар тарафидин тўфанг ўқи тегиб, шаҳодат топти. «Оллоҳнинг бандаларимиз ва Унга қайтгувчимиз[1446].» Ул аснода Бекпўлод *отолиқ иноқ* била хабарлашиб, муонидлар жамиатин бузмоқ ваъдасин қилди ва бу жиҳатдин умарои мухолиф орасида мухолифат воқе бўлуб, замири хабосаттахмири шароратназирлариға раабу ҳарос истило топиб, ғалабаи хавотир била Кўшкўпрукка муовидат кўргуздилар. Ул овонда *чиғатой* аҳли инқиёд мақомиға келиб, Муҳаммадамин *иноқ* ул балда муҳофизатиға Қутлуғмуҳаммад *иноқ*ни бир бўлак сипоҳи нусратпаноҳ била номзад қилди. *Иноқ*и мушориилайҳ балдаи мазкуранинг ҳаросатида сайъи машкур ва жаҳди мавфур тақдимға еткуруб, ҳар кун Шоҳобод устиға икки-уч қатла чаповул юбориб, ғорат қилдурди. Ва Жавзо авохири[1447]да Бекпўлод *отолиқ*нинг тадбири била орада русул ва муросилот қатнатиб, Муҳаммадамин *иноқ* била мусолиҳа воқе бўлуб, Бобобек Ҳазорасб черики била Ҳазорасбға кириб, аввалғи мухолифатиға исрор[1448] қилди. Ва ўзга умарои мухолиф Абдуллоҳхон бошлиғ барча Муҳаммадамин *иноқ*нинг мулозиматида Хиваққа келиб, ҳар ким ўз масокин ва мавотинларида қарор туттилар. Ва Муҳаммадамин *иноқ*нинг зоти фархунда сифотиким, жавоҳири карами жибиллий ва завоҳири шафқати азизий била мутажаллий эрди, аларнинг итминони хотир[1449] и учун Абдуллоҳхонни салтанат тожи била сарафроз қилиб, аларни маротиби улё ва маносиби кубро била муфтахар ва сарбаланд қилди. Андоқким, Жонмурод *иноқ* ва Кўчак бекни *иноқ* ва Элтузар бекни *мироб* ва Ашур бек *нукуз*ни *нойиб* қилдилар. **Байт:**

Хушо улки қилғай адусини сайд,
Карам донаси бирла бадому қайд.

Ва Тилавқобил сўфиким, бағоят шарир ва муфаттин киши эрди, Муҳаммадамин *иноқ*нинг теғи сиёсатидин ҳаросон бўлуб, Орол диёриға фирор ихтиёр қилди ва қўнғрот машоҳиридин Сафардали ва Эшбўл *отолиқ* била муволифат ва видоди мувонисат ва иттиҳод тарҳиға қиём кўргузуб, Орол мамоликининг *волий*си Муҳаммадназар *бий*нинг ниҳоли адоватин гулшани хотирларида сарсабз қилиб, бозор сайрининг ҳангомида ул амири беназирнинг матои ҳаётин ғорат қилдилар. Бу ҳодиса хабарининг тунбодидин Муҳаммадамин *иноқ*нинг оташи ғазаби мултаҳиб бўлуб, Бойназар қушбегини Орол ҳукуматининг ёрлиғи ва ул шўрбахтлар қатлининг фармони била Оролға номзад қилиб. Хоса бек ибн Элчи бекни *қўшбеги*лик мансаби била мумтоз этти. Ва Бойназар *бий* ул диёрға бориб, амири мақтулнинг қотилларин вартаи ҳалокатға еткуруб, муддати мадид ул диёрда билистиқлол ҳукумат сурди.

Кўчак иноқнинг иккинжи мартаба Гурлан акобири била мухолифат маслакиға иқдом кўргузуб, Бобобекнинг мувофиқати била мазоҳират роятин кўтаргони ва Муҳаммадамин иноқнинг алар таадиби учун лашкари қиёматасар юборгани ва Вазир аҳлининг воқеаи итоати ва Раҳимберди отолиқнинг сабаби шаҳодати. Мухолифларнинг камоли ажз ва изтирордин мусолиҳа қилиб, итоат даргоҳиға таважжуҳ етгани ва Бобобекнинг манкуб ва мақҳурона Бухороға кетгани

Маоний тоза чаманининг андалиби хушнавоси, мазомини баланд овоза анжуманининг мутриби тарабафзоси, яъни қалами фасоҳатнағам сарири балоғат таъсир била мундоқ навосозлиғ қилурким, баъзи ашрори намимаосорким сеият ва шайтанат излоли била масолики ҳидоят ҳодийларин саргаштаи бавории залолат, овораи суҳории ғавоят қилур эрдилар, Кўчак *иноқ* бошлиғ Гурлан акобирин иғвои мукар-

[1445] Водии бавор – саҳро водийси (йўқлик).
[1446] Қуръони карим, 2 : 156.
[1447] 22-июн.
[1448] Исрор – оёқ тираб олиш.
[1449] Итминони хотир – кўнгил ишончи.

рар ва излоли шароратасар била мусодиқат сироти мустақимидин мунҳариф қилдилар. Андоқким, Кўчак *иноқ* ва Ашур *нойиб* ва ғайриҳум ҳар қайси бир баҳона бирла Гурланга бориб, қайтиб Муҳаммадамин *иноқ*нинг мулозиматиға келмадилар. Бу воқеа Лу йили санаи ҳижрия минг юз саксон олти[1450] да офтоб Сунбула буржи[1451] да эрди. *Иноқ* аларнинг истиҳзори учунким, айни иноят ва маҳзи шафқатдин эрди, ҳар нечаким, Қаро Баҳодир *мироб* ва ғайрани карратан баъди ухри ва марратан баъди аввали[1452] юборди. Алар номуважжаҳ узр ва баҳоналар қилиб, латоиф ал-ҳейл[1453] ға мутамассик[1454] бўлуб, Гурлан ҳудудидин ташқари қадами мурофиқат қўймадилар. **Қитъа:**

Кишиким озди давлат маслакидин,
Ҳидоят қилмоқ ул гумраҳға йўқ суд.
Гумон айлаб зиёнбудини беҳбуд,
Билур таҳқиқ беҳбудин зиёнбуд.

Фақирнинг отаси амири олийжаноб, мағфиратмаоб Аваз *бий мироб ғаффараллоҳу зунубаҳу ва саттаро уйубаҳу* нақл қилур эрдиким, ул кудурат асносидаким, Мезон авохири эрди, бир кун баъзи муҳиммоти зарурия таҳсили учун Гурланға бориб, Кўчак *иноқ*нинг манзилиға нузул қилдим ва қаробат жиҳатидин «силаи раҳм[1455] » муқтазоси била мушфиқона насиҳат ва муҳиббона пандлар қилиб, туғён ва инод умури ношоистасидин мамонеат кўргуздим. Ул мумтане[1456] бўлмай, бир тозинажод от миндуруб, мени таъжил[1457] и тамом била қайтарди. Мен ҳануз Котға етмайдур эрдим, ақибимдин киши келдиким, Гурлан аҳли ёғий бўлди. Андин сўнг мен ва ул киши истиъжол била қатъи масофат қилиб, ул ҳодиса хабарин Муҳаммадамин *иноқ*ға еткурдук. Кўчак *иноқ* ва Ашур *нойиб* мухолифат амриға қиём кўргузгондин сўнг Ҳазорасбға киши юбориб, Бобобекни Ҳазорасб сипоҳи била келтурди. Ва иттифоқ била Оқимхонни *қазоқ*дин келтуруб, подшоҳ қилдилар. Ва Бобобек солур жамоасинким, бурунроқ аҳшом[1458] и била келтуруб, Ҳазорасб навоҳисин бериб, мутамаккин қилиб эрди, Муҳаммадамин сориғни юбориб, ул жамоа сипоҳин Гурланға келтурди. Йўлда Муҳаммадамин сориғ сипоҳи мазкур била Бошқирд қасабачасиға югуруб, *бошқирд* аҳлиға асир бўлуб, қатлға етти. Ул учурда Хўжаэлининг *ҳоким*и Жонпўлод *бий* итоат қуллодасидин бўйин товлаған Гурланға киши юбориб, Ёрмуҳаммад Баҳодир ва Тожибой чўлоқни бир бўлак черик била келтуруб, Ёрмуҳаммад *бий* ибн Авазберди бийниким, бир неча муддатдин бери анинг била ораларида аёлат[1459] жиҳатидин низо бор эрди, тутдуруб ўлдуртти. Муҳаммадамин *иноқ* аларнинг истисоли учун Фозил бекка умарони маҳсуб қилиб, лашкари жаррор била Гурлан устиға юборди. Алар Котни мухайями хайёми майманатанжом қилиб, икки ойғача муонидлар била муҳорибот ва муқотилот қилдилар. Ул аснода Вазир аҳли саодат раҳнамолиғи била рибқа[1460] и итоат руқаба[1461] лариға солиб, Фозил бек ва умарои изомға Вазир қўрғонин топшурдилар. Фозил бек Вазирни муаскар қилиб, муддати мадид Гурлан муҳосирасиға машғул эрди, токим, зу-л-ҳижжа и санаи мазкуранинг ўнида якшанба куниким, аксари лашкария Қурбон ийди жиҳатидин уйлариға торқаб эрди, ул кун муонидлар Гурландин ғалабаи тамом била чиқиб, баъзи мутажандани Вазир атрофиға чаповулға юборди. Ул жамоа Вазир музофотин тохту-тоз қилиб қочтилар. Фозил бек ва умарои изом қолғон сипоҳ била аларни таоқиб қилиб қовуб, бехабар муонидларнинг устидин чиқиб, қаттиғ уруш тушуб, муборизлар мубори-

---

[1450] Ҳижрий 1186/1772-73 йил.
[1451] 24 август.
[1452] Кетма-кет, бир неча бор.
[1453] Латоиф ал-ҳейл – ҳийла-найранг.
[1454] Мутамассик – ушлаб олган, ёпишган.
[1455] Силаи раҳм – қариндошлик ҳурмати (ҳадисдан).
[1456] Мумтане – имконсизлик; иккиланиш.
[1457] Таъжил – шошилинч.
[1458] Аҳшом – қорамол; уруғ-аймоқ, қабила. Бу ерда: қабила, уруғ-аймоқ.
[1459] Аёлат – туман, ҳудуд.
[1460] Рибқа – арқон.
[1461] Руқаба – бўйин.
[1462] Абтол – довюрак қаҳрамонлар.

зат теғин ниёми интиқомдин чиқариб, андоқ муқотила қилдиларким, аъдои давлат куштасидин пушталар кўтардилар. Ул аснода муонидлар ҳужум қилиб, Фозил бек баъзи абтол[1462] и шижоатмаол била мудофааға машғул эрди, ногоҳ бўғзиға ўқ тегиб, захмдор бўлди. Ва *қипчоқ* Раҳимберди *отолиқ* дағи бир тарафдин ҳамалоти мутаоқиб[1463] еткуруб, мардоналиғ додин берур эрди, теғи қазо етиб, шаҳодат топти. Бу жиҳатдин сипоҳи нусратпаноҳ шикаст топиб, Вазир қўрғонининг олдиға йиғналиб, ҳайъати ижтимо била мурожиат тарафиға наҳзат қилиб, ярим кечада Чиғатой ҳисориға нузул эттилар. Ва Муҳаммадамин *иноқ*нинг фармони била андин кўчуб, яна Котни муаскар қилиб, Гурлан муҳосирасиға иштиғол кўргуздилар. Ул айёмда Гурлан халқиға *солур* черикининг тааддиси ўтуб, қўрғондин қовуб чиқардилар. Ул жамоа машаққати тамом била Ҳазорасб бориб, ул ноҳиятни тохту-тоз қилиб, кўчуб Марв диёриға борди. Бу воқеадин сўнг *қанғли* ашрофидин Қутлуғмурод *иноқ* ва Ҳасанмурод *парвоначи* Ҳазорасбдин қочиб келиб, инояти подшоҳона била сарафроз бўлдилар. **Назм:**

Улки топар бахту саодатға йўл,
Бошқарур иқбол ила давлатға йўл.
Ком топиб толе бедоридин
Чиқғуси гумроҳлиғ идборидин.

Андин сўнг Бобобекнинг бани аъмомидин Султон бек ва Қўчқор бекким, Ҳазорасб ҳаросатиға муқаррар эрдилар, *солур* Ийд *маҳрам* ва Хўжамурод бекниким, аҳшомидин қолиб эрдилар, тутуб ўлдуруб, итоат қуллодасиға мутақаллид бўлуб, оқо-инилари била келиб, Муҳаммадамин *иноқ*нинг утбабуслиқиға мушарраф бўлдилар. **Шеър:**

Чу иқболу давлат қилур ёрлиғ,
Саодат била бахт бедорлиғ.
Қўяр юз жанобингға тугён эли,
Келур дўстлиғ бирла адвон[1464] эли.
Қилур хасми саркаш сарафкандалиғ,
Дари давлатинг оллида бандалиғ.
Муяссар бўлуб барча хоҳиш санга,
Топар боғлиғ ишлар кушоиш санга.
Сипоҳинг адув сари чикмай алам,
Адувлар мусаххар бўлур яккалам.

Муҳаммадамин *иноқ* аларнинг таъзиму табжил[1465] ида муболаға кўргузуб, Ҳазорасб черики била Котға Фозил бекнинг мулозиматиға номзад қилди. Мундин сўнг умарои изом ва сипоҳи зафаринтизом мустазҳар ва муставлий бўлуб, муонидлар бўнгоҳ[1466] идин бош чиқара олмайин, хисорати тамом ва усрати молокалом била зиндагонлиғ қилдилар. Ул учурда Султон бек ва Қўчқор бек ва ғайриҳум маа аҳли[1467] «йўлдан озиб эргашганлар[1468]» адовати қадима ва шарорати самима ҳаракатидин силсилаи фасодға муҳаррик бўлуб, Бобобек ва Кўчак *иноқ*ға русул ва расоил юбордиларким, сипоҳи нусратпаноҳни бузармиз. Бу асрори ваҳшатосордин Фозил бек ва аркони давлат огоҳлиғ топиб, Муҳаммадамин *иноқ*нинг ҳукми била маасур ва мағлул қилиб, Хивақға юбордилар. *Иноқ* аларни бир неча кун тангнои зиндонда маҳбус қилиб, атбои била қатлға еткурдиким «ёмонликни ўзларингиз учун қилдингиз[1469]» андин хабар берур. Ва Жонмурод *иноқ*никим, ул дағи ҳамул шўр бахтларға воқеаи мазкурада ҳамдастонлиғ қилиб

[1463] Ҳамалоти мутаоқиб – кетма-кет ҳамлалар.
[1464] Адвон (адув) – душманлар.
[1465] Табжил – улуғлаш.
[1466] Бўнгоҳ – уя, қароргоҳ.
[1467] Маа аҳли – аҳли билан.
[1468] Қуръони карим, 26 : 224.
[1469] Қуръони карим, 17 : 7.

эрди, анинг отаси Бекмуҳаммад *иноқ*нинг дўстлиғ ва якжиҳатлик ҳуқуқин риоя қилиб ўлдурмади. Вазоратпаноҳ Олим бой ибн Абдулраҳим *меҳтар*нинг мусоҳибатида рисолат ва сафорат тариқаси била Бухороға узоттиким, шояд кулфати мусофират ва меҳнати ғурбат иштидод ва истилосидин ўз ҳаддин билиб, мунофиқати савдои фосидидин тавба қилғай. Аммо, ул «ёмон замона балолариди қутула олмайди[1470]» муаддоси била мутанаббеҳ бўлмай, ғояти шароратдин адовати музоиф бўлуб, Бобо бек юртдин овора бўлуб, Бухороға борғондин сўнг анга бош қўшуб, муҳаррики силсилаи фасод бўлди. Андоқким, ўз мавридида зикр қилилур, иншооллоҳи таоло. Андин сўнг Муҳаммадамин *иноқ* ўз нафаси нафиси била наҳзат қилиб, Гурланни муҳосира этти. Ва муонидлар ғояти ажзу камоли инкисордин ҳадди изтирорға етиб, сулҳ расми била чиқиб, *иноқ*нинг рикоббўслиқиға мушарраф бўлдилар, магар Бобо бекким, ул дарёдин ўбур қилиб, Амуянинг шимол тарафидин Фитнак тушиға бориб, дарёдин ўтуб, қалъаи мазкураға кирди.

Ва Муҳаммадамин *иноқ* ғояти карам ва ниҳояти мурувватдин Кўчак *иноқ* ва Ашур *нойиб* ва ғайриҳумға инояти хусравона ва мароҳими подшоҳона била сарафрозлиқ еткуруб, Хивақда манозили хўб ва масокини марғубға тушурди. Ва Эшназар *мироб*ға Гурлан аёлатин топшуруб, Ашур *нойиб*ни *мироб*лиғ мансаби аржуманди била сарбаланд қилди. Ва аларнинг риояйи хотири учун Оқимхонни салтанат тахтиға миндурди. Ва андин сўнг Отажонхўжа *шайхулислом* ва *қипчоқ* Алаш *отолиқ*ни жунуди номаъдуд била Фитнак муҳосираси учун Ҳазорасбға буюрди. Алар солур ғалласиға мутасарриф бўлуб, лашкариға тақсим қилиб, Фитнакни қабаб, Бобо бек била муҳориботи бисёр ва муқотилоти бешумор қилдиким, Бобо бек охир ожиз бўлуб, Фитнакни ташлаб, Бухороға фирорий бўлди. *Шайхулислом* била *отолиқ* Фитнакни фатҳ қилиб, *қангли* жамоасидин кўп кишини маасур ва маққур қилиб, фатҳу нусрат била Муҳаммадамин *иноқ*нинг мулозиматиға етуштилар. Мундин сўнг жамии мамолики Хоразм Муҳаммадамин *иноқ*ға софий бўлди. Илло, Хўжа эликим, Жонпўлод *бий* анда мухолифат тариқида собит қадам ва росих дам эрди. *Иноқ* анинг инъидом ва истисолин ҳиммати олий наҳматдин лозим ва лобўддий билиб, Яхшилиқ *бий* ибн Бектурди бийниким, қадим ал-айёмдин аббоан-жадд бу хондони давлати дудмоннинг давлатхоҳи эрди ва рўзгор номусоидлиғидин тангдасту паришон аҳвол бўлуб, фақирнинг отаси Аваз *мироб*нинг мулозиматида зиндагонлиғ қилур эрди, тарбият ва тақвиятиға кушиш қилиб, Хўжаэли аёлатининг ёрлиғин шафқат этиб, Жонпўлод *бий*нинг устиға юборди. Жонпўлод *бий* анга тоби муқовимат келтура олмай, Бухороға овора бўлди. Ва Бобо бек била Жонмурод *иноқ*ға анису жалис бўлуб, алар била Фитнакка келиб, қатлға етти. Бу воқеа иншооллоҳ ўз мавридида айтилур. Арбоби фатонат ва асҳоби дароятнинг замоири зибасоирлариға возиҳ ва лоиҳ бўлсунким, Бобо бек ва Кўчак *иноқ*нинг бу вақоеи касир ал-бадоеларида кўп ихтилоф қилурлар. Бу жиҳатдин қалами чобук рақам икки ривояти мухталиф ал-ҳикоятғаким, зеҳн интиқол қилур эрди, журъат кўргузуб, таҳрир силкиға чекти: бири бу вақоедурким, сабт топти. Яна бири учунжи бобнинг учунжи қисмида хонлар зикрида мужмалан марқум бўлди. **Назм:**

Бу маврид ихтилофида мани зор,
Неча кун айладим тасҳиҳи бисёр.
Жигар қону замирим бўлди пурғам,
Бу маврид ихтилофи бўлмади кам.
Чекиб бу важҳдин килки сабуктоз,
Икки турлук ривоят айладим соз.
Мени таън ичра қилмай зору мажбур,
Тутунг аҳбоблар бу ишда маъзур.

Муҳаммадамин *иноқ* умарои мухолифнинг итминони хотир ва истеҳкоми муолифати учун кун-кундин иртиқои мадориж ва иртифои маротибди сайъи балиғ[1471] ва жаҳди мавфур тақдимға еткуруб, дамбадам ниҳоли омол ва давҳаи иқболларин иҳтизози насими иноят ва иштикори саҳоби мукарраматидин

[1470] Қуръони карим, 52 : 30.
[1471] Балиғ – етук, кўп.

сарсабзу райён қилур эрди. Бу жиҳатдин алар рутбаи давлат ва иқболи маснад, шавкату ижлолға мутараққий бўлуб, ул жумладин, Элтузар *мироб* ибн Хўжақули *иноқ* ва Ашур *мироб нукуз* ва Қурбонқули *қози найман* ва Шерали *жалойир* давлату сарват шаробидин бадмастлик оғоз қилиб «инсон ўзини бойбеҳожат кўргач, албатта туғёнга тушар – ҳаддидан ошар[1472]» муқтазоси била кофири неъмат бўлуб, Муҳаммадамин *иноқ*нинг бинои вужудининг инҳидомиға ижтиҳод камарин боғладилар. Муҳаммадамин *иноқ* бу ҳодисадин хабар топиб, аларни Кўчак *иноқ* билаким, ани айни ифтиро[1473] ва маҳзи туҳматдин аларға дохил қилиб эрдилар, дастгир қилиб, зиндони бало ва маҳбаси аъно[1474]да маҳбус этти. Бир неча муддатдин сўнг аларнинг маоли аҳволин истикшоф қилиб, теғи бедариғ била риштаи ҳаётларин мунқате этиб, Кўчак *иноқ*ни тангнои зиндондин қутқарди ва партави шамуи мукаррамат ва ламаи шамуси марҳамат била Зулумот мазаллатидин фазои иззатға чиқарди ва бурунғ мансабин арзоний тутуб, Гурлан аёлатин маа ал-музофот мафвуз қилди. **Байт:**

Жаҳон аҳли ором топти яна,
Фароғат била ком топти яна.
Бўлуб мулкдин бартараф ихтилоф,
Рифоҳият томм топти яна.

Бобо бек ва Жонмурод иноқнинг иккинчи мартаба Бухородин келиб, Фитнак қўрғонни мусаххар этгани ва Хоса қушбеги била Бекпўлод отолиқнинг корзоридин ҳазимат топиб, яна Бухороға кетгани

Қалами якроний саҳифа майдонида мундоқ шўх жавлонлиғ қилурким, санаи ҳижрия минг юз тўқсон иккида Бобо бек ва Жонмурод *иноқ* баъзи аъдои давлатбаргаштанинг иттифоқи била Бухородин наҳзат қилиб, Чоржўйға бориб, *солур* ва *соруқ* йиғинин олиб, Хоразм савбиға мутаважжиҳ бўлди ва Фитнак акобирининг иҳтимоми била Фитнак қўрғониға кириб, ул ноҳиятға мутасарриф бўлдилар. Ва Ҳазорасб навоҳисиға черик юбориб, чоптурдилар. Бу воқеа Сунбула авохири[1475]да эрди. Баъзи дерларким, Мезон авосити[1476]да эрди, ала ихтилоф ар-ривоятайн[1477]. Бу хабар тунбодидин Муҳаммадамин *иноқ*нинг нийрон[1478] и ғазаби мултаҳиб ва муштаил бўлуб, амири соҳиб тадбир Хоса *қўшбеги*га баъзи умаро ва сипаҳдорларни масҳуб қилиб, жуюш[1479] и нусраткуш била анинг истисоли учун юборди. Хоса *қўшбеги* кавкабаи тамом била Ҳазорасбға нузул қилиб, ул кунғача кушиш ва кушеш қилиб, Фитнакнинг муҳосирасиға машғул бўлди. Муҳаммадамин *иноқ* анинг мадади учун Бекпўлод *отолиқ*ни қолғон умаро била номзад этти. Алар *қўшбеги*га Ҳазорасбда қўшулуб, ғалабаи тамом била муонидлар устиға юруш қилиб, Чингиз қирининг шарқий доманасида талоқии фариқайин воқе бўлди. **Маснавий:**

Қурулди икки ёндин икки ясов,
Ясовларда байдақлар очиб ялов.
Муқобил бўлуб икки саф ғарбу шарқ,
Ва лекин бари кўк темур ичра ғарқ.
Ниҳоятдин афзунлигидин синон,
Икки ёнда зоҳир қилиб найистон.
Чекиб гурд[1480] лар наърайи жон гиро,
Анингдек ки шер ул найистон аро.

[1472] Қуръони карим, 96 : 6, 7.
[1473] Ифтиро – туҳмат.
[1474] Аъно – қийинчилик, уқубат.
[1475] 24 сентябр.
[1476] 9 октябр.
[1477] Айтувчилар орасидаги фарқ билан.
[1478] Нийрон – ўт-олов.
[1479] Жуюш – қўшин.
[1480] Гурд – паҳлавон, жасур.

Бўлуб мустаид барча бекорға,
Фирор амридин қотланиб орға.

Баҳодирлар жилодат қиличин ниёми интиқомдин чиқариб, чоштгоҳдин тушгача қатлу кушеш қилиб, маъракаи корзорда муборизат додин бердилар. Аммо, уруш қойим бўлуб, ҳеч тарафда ғалаба ё шикаст асари зоҳир бўлмади. **Маснавий:**

Бўлуб икки хайл эйла фархошхар,
Ки не босқу зоҳир бўлуб, не зафар.
Бўлуб ҳар тараф асру қатлу талош,
Ва лек эрди қойим русуми савош.

Ул чоғда Бекпўлод *отолиқ*нинг тадбири била фақирнинг волиди бузургвори *амир* Аваз *мироб* ва *уйғур* Абдуллатиф *доруға* майсара сипоҳидин уч юз кишини олиб, Бобо бек черикининг шимолиға ўтуб, ул арийғниким, байн ал-аскарайинға фосила[1481] эрди, кўмдуруб убур қилиб, муонидлар орқасидин уруш солдилар. Ва Бекпўлод *отолиқ* аларнинг имдоди учун жунуди номаъдуд била ҳаракат қилиб, кўмилган мавзедин ўтуб, аъдои давлатнинг орқасиға чиқти. Ул аснода «оллоҳ ўзининг қудратли ёрдами билан кўмак берсин[1482]» фаҳвоси била *отолиқ* ва *қўшбеги*нинг роёти нусратоётиға зафар ели эса киришти. «Ҳақиқатдан ҳам улуғлайдими ё улуғламайдими» муқтазоси била Бобо бек ва Жонмурод *иноқ*нинг торики иқболиға ғубори идбор ёғиб, баҳодирлар дастбурдиға тоби муқовимат келтура олмайин ҳазимат топиб, қўрғонға фирорий бўлдилар. Ва сипоҳи нусратпаноҳ таоқиб қилиб, шижоат теғидин ҳазиматийлар қонин сочиб, жалодат панжасин наҳбу ғорат амриға очтилар. Бобо бек бошлиқ муонидларнинг аксари Фитнак қалъасиға кира олмай, Бухоро иродаси била Тузлоқ тарафиға мутафарриқ бўлдилар. Ва гуруҳеким, қалъаға кириб эрдилар, машаққати бисёр ва сўубати бешумор била ўзларин вартаи ҳалокатдин қутқориб, Бобо бекнинг изидин роҳий бўлдилар. Умарои изом Фитнакни қаҳр била мусаххар қилиб, ул қалъа аҳлининг амволу жиҳотиға наҳбу ғорат ўтин уруб, сипоҳи нусратпаноҳни ғаноими касира била баҳраманд қилди. Ва баҳодирларким, ҳазиматийларни таоқиб қилиб эрдилар, Тузлоқдин ўткунча қовуб, кўп кишини мақтул ва маасур қилиб, музаффар ва мансур бўлуб қайттилар. Ва муонидлар қуттило[1483]сидин бири Жонпўлодбий Хўжа элий эрдиким, ул дағи Бобо бек ва Жонмурод *иноқ* била Бухородин келиб эрди. Алар сипоҳи нусратпаноҳдин шикаст топғонда, ул баъзи ҳазиматийлар била Фитнак қўрғониға кириб эрди. Иш ўзга бўлғонин кўруб, юз машаққат била қалъадин чиқар ҳангомида дарвоза устидин синони жонситон била сўл қўлининг соид[1484]иға захм еткурдилар. Ул ғояти қувват ва чобукликдин ўзин қутқориб, Султон сарой қирида инфижор ад-дам[1485] шиддатидин суст бўлуб, отдин йиқилди. Ва Абдуллатиф *доруға* ани топиб, теғи обдор била риштаи ҳаётин мунқате қилиб, бошин умарои нусратинтимо олдиға келтурди. Бир кундин сўнг *қўшбеги* ва *отолиқ* умарои изом била Фитнакка *ҳоким* қўйиб, Муҳаммадамин *иноқ*нинг мулозиматиға мурожиат қилиб, инъомоти вофир ва эҳсонот мутакосир била сарафроз бўлдилар.

Жонмурод иноқ ва Бобо бекнинг учунжи мартаба Бухородин келиб, ҳар қайси Хоразм мамоликининг бир тарафида шуриш ва туғён турғузуб, шатранж шоҳиға асбу фарзин кишти етгандек, Муҳаммадамин иноқнинг қасдиға рух қўйғони. Муҳаммадамин иноқ мудофааға сипоҳ йибориб, алар била мукаррараи муҳорибот воқе бўлғони. Ва Бадал девонбеги Бухородин келиб, имдод учун аларға қўшулғони. Ва пилтанлар дастбурдидин алар мотлиғ ҳаддиға етиб, бири сулҳ баҳонаси била Гурландин чиқиб, Орол кетгани ва бири мусолиҳа василаси била мусодиқат ва мувофиқат йўмнидин парвоначи мансабиға етгани. Ва аларнинг маоли аҳвол ва воқеаи эъдом ва истисоли

[1481] Фосила – оралиқ масофа.
[1482] Қуръони карим, 48 : 3.
[1483] Қуттило – қатл бўлганлар, ўлганлар.
[1484] Соид – елка, курак.
[1485] Инфижор ад-дам – қон тирқираб оқиши.

Бу нигориши ажубаиншо саҳойифининг нигорандаси ва бу гузориши ҳайратафзо латойифининг гузорандаси, яъни, хомаи анбар шамома мундоғ мушкафшонлиғ қилурким, мазкур бўлғон Ит йили сана минг юз тўқсон учда муҳаррам ал-ҳаромнинг мунтасифида[1486] ким, офтоби оламтоб Жадий буржи[1487] да эрди, Жонмурод *иноқ* баъзи муонидлар билаким, шарорат ва хилофат шақоватидин алохону аломон[1488] бўлуб, Мовароуннаҳрда овораи ғурбат ва саргаштаи курбат эрдилар, Бухородин қир йўли била Оқёқиш оёқиға келиб, *манқит-қароқалпоқ*дин Соритой бий, *хитой-қароқалпоқ*дин Бут Баҳодир ва Буроқ Баҳодир бошлиғ черик олиб, Аҳмад бек ва Бекболта *отолиқ* ва Муҳаммадзиёнинг иҳтимом ва ижтиҳоди била *манқит*ға кириб, ул элнинг зимоми ихтиёрин қабзаи тасарруфига киюрди. Ва *қароқалпоқ*ия *тўра*ларидин Абдулраҳмон султонни хон кўтарди. Ул айёмда *манқит* улуси Қаробойли Ўзакининг ғарбий канорида қўрғон экириб, мутаваттин эрдилар. Ва *нукуз* халқи Сори бой наҳрининг шарқий қироғида қалъа солиб ўлтурурлар эрди. Жонмурод *иноқ* Манқитни фатҳ этгандин сўнг лашкари жаррори кинагудоз била *нукуз* устиға ҳаракат қилди ва сулҳ василаси била ул қалъани олиб, *нукуз* акобиридин Жонмуҳаммад *бий* бошлиқ юз кишини олиб, Манқитға мурожиат кўргузди. Муҳаммадамин *иноқ* Фозил бек бошлиғ аксар умарои зуллэҳтиромни ўн икки минг сипоҳи хунхор била *манқит* устиға буюруб эрди. Алар йўлда *нукуз* воқеасин эшитиб, таъжили тамом била қатъи масофат қилиб, ул воқадин уч кун сўнг *нукуз* устиға бориб, муҳосира қилиб олдилар. Қалъасин йиқтириб, ул элни кўчириб, Хўжаназар *мироб*ни алар устиға тайин қилиб, Беш қалъаға юбордилар. Андин сўнг Фозил бек ул мавзени муаскар қилиб, Жонмурод *иноқ* била кўп муҳориба ва муқотила воқе бўлди. **Байт:**

Мулоқи бўлуб икки лашкар басе
Тўкулди аро ерда қонлар басе.

Аммо, ул ҳурубда Фозил *бий* ғолиб эрди, магар бир урушдаким, анда сипоҳи нусратпаноҳ бурунғориға андак шикаст етиб, Дўстон *қўшбеги* набоир[1489] идин Саййидназар бекка қазо ўқи тегиб, шаҳодат жомидин «барча жон ўлим шарбатини татувчидир»[1490] шароби хушгаворин симирди. Андин сўнг диловарлар жалодат қиличин ниёми интиқомдин чиқариб, ҳамалоти мутаоқиб била *манқит* сипоҳиға шикаст бериб, Жонмурод *иноқ*нинг ихвонидин Қўччон бекни қатлға еткурдилар. Бир неча муддатдин сўнг сулҳ била мурожиат эттилар. Ул чоғда *тарокима* тавоифидин *така* халқи навкарлик тариқаси била келиб, Янгиариқ ва Остона ҳудудида мутамаккин эрдилар. Алар шарорати зотий ва жаҳолати жибиллий ҳаракатидинким, ул тавоифи бадтийнат махсусидур, баъзи умури ношойиста тамҳидиға иқдом кўргузуб, балки, фармони вожиб ал-изъондин гоҳо бўюн тўлғар эдилар. Андоқким, сафари мазкурда Фозил бекнинг мулозиматидин тахаллуф жойиз туттилар Муҳаммадамин *иноқ* бу жиҳатдин аларни Фозил бек келгандин сўнг юртдин чиқарди. Бир неча кундин сўнг Бобо бекким, моддаи фасод ва хамирмояйи инод эрди, *така*дин Замонбек ва *солур*дин Отқирон Баҳодирни юз киши била ўз иниси Абдулраҳмон бекнинг мулозиматида Жонмурод *иноқ*ға мадад учун юборди. Мавлоно Паҳлавонқули Равнақ бу бобда тааррuз[1491] юзидин бу байтни айтиб юборди. **Байт:**

Қўрқутма мани Сорито-ю, Буту Буроқингдин,
К...га[1492] не гам Отқирону Ангғилоқингдин.

Маълум бўлсунким «Ангғилоқ»дин иборат Замонбекдур. Ва *қози* Муҳаммаднiёз Нишотийким, Жонмурод *иноқ*нинг анис ва жалиси эрди, бу байтни анинг жавобида айтиб юборди. **Байт:**

[1486] 1193 йил 14-муҳаррам/1779 йил 3 феврал.
[1487] Декабр ойи.
[1488] Алохону аломон – уйсиз-элсиз ва қўнимсиз.
[1489] Набоир – набиралар.
[1490] Қуръони карим, 3 : 185.
[1491] Тааррuз – тегажоқлик.
[1492] К... – эркаклик назарда тутилган.

Қўрқутма мани Бойназару Бекпўлотингдин,
К...га не гам туркмону човдуру *шолотингдин.*

Ва Муҳаммадамин *иноқ* бу хабарни эшитиб, ҳазму эҳтиёт жонибин маръи тутуб, Тожи *бий қиётни* икки юз киши била Хўжаэлининг муҳофизатиға номзад қилди. Ул овонда Жонмурод *иноқ нукуз* Жонмуҳаммад бийниким, анинг қатлин қасд қилиб эрди, иниси била ўлдирди. Ва Мезон[1493]да Бобобек Бухородин Чоржўйиға бориб, *така* ва *солур* черикин олиб келиб, Ҳазорасбға кирди. Ва *қўнғрот* Эшмуҳаммад *нойиб*ни кўчада чопқулаб, шаҳид қилди. Муҳаммадниёз *иноқ* Бобо *доруга* била қалъадин ўзларин тошқориға ташлаб, пиёда қочиб, Хиваққа келдилар. Муҳаммадамин *иноқ* Хоса *қўшбеги* бошлиқ аксар умарони жунуди номаъдуд била Ҳазораб муҳосирасиға юборди. Алар Митон мавзеин муаскари қилиб, йигирма кун ичида ҳар кун Ҳазорасб қўрғонин қабаб, икки марта қудват ал-авлиё, зубдат ал- атқиё ҳазрат эшон Боқийхўжа *алайҳҳирраҳма вал-гуфрон*нинг жаворида муонидлар била каттиғ уруш воқе бўлдиким, Рустаму Афросиёбдин андоқ содир бўлмади. **Маснавий:**

Бўлуб гарм ҳангомаи корзор,
Қилиб юз қиёмат кунин ошкор.
Баҳодирлар икки тарафдин суруб,
Ғазаб барқига даҳрни куйдуруб.
Анингдек сурон солдилар разм аро,
Ки от гарди қилди жаҳонни қаро.
Бўлуб эйла хунрез тиру табар,
Ки чиқти фалак аҳлидин «ал-ҳазар!»
Тўкуб қонни ул нав тегу синон,
Ки ердин ошиб етти гардунга қон.
Тўфанг огзидин ул сифат сочти ўқ,
Ки етганни бермай омон қилди йўқ.
Бўлуб захмдор анда жами афир[1494]*,*
Адам сори кетти гуруҳи касир.

Аммо. Жонмурод *иноқ* ҳамул мезонда Бобобекнинг Ҳазорасбға кирган хабарин эшитиб, *манқит* ва *қароқалпоқ* сипоҳи била мухолифат байдоқин барпо қилиб, Хўжаэлининг устиға юрди ва ул элни етти кун муҳосира қилиб, *қулоб* элининг авому жуҳҳолининг саъйи била мусаххар қилди. Тожи *бий* ва Яхшилиқ *бий хўжаэли*нинг акобири била қочиб қутулдилар. Жонмурод *иноқ* бир неча кун анда мутаваққиф бўлуб, атрофдин *қароқалпоқ* черикин йиғноб, Юмрининг устиға юруш қилди ва андак муҳосира била ул қўрғонни олиб, Вазир қасдиға отланди. *Манқит* Ўрозали ноибким «бошмоқ» лақабиға машҳурдур, анда *ҳоким* эрди. Жонмурод *иноқ*ға пешвоз чиқиб, Вазирга киргузди. Бу хабари ваҳшатасар истимоидин асокири зафармаосир мутазалзил бўлуб, *митан*дин бузулди. Бу жиҳатдин мамолик музабзиб бўлуб, Бешариғ билоди Бобо бекнинг тасарруфиға кирди. Ва Тошқалъа аҳли Жонмурод *иноқ*ға мутобеат кўргузди. **Назм:**

Мулк аро солса шўриш аҳли инод,
Қўзголур ҳар тараф русуми фасод.
Тутуб ул мулкдин фароғ канор,
Фитналар уйқудин бўлур бедор.

Муҳаммадамин *иноқ* янгидин черик йиғнаб, икки тақсим қилди. Бир қисмин Хоса *қўшбеги* ва Вали *отолиқ* ва Солиҳ *иноқ* ва Муҳаммадниёз *иноқ* ва ғайриҳум била Бобо бекнинг мудофаасиға юборди. Алар Олажани муаскар қилдилар. Ул жиҳатдинким, Бобобек Боғотни лашкаргоҳ қилиб эрди. Яна бир бўлакин Фозил *бий* ва Бекпўлод *отолиқ* ва Бойназар *бий* ва Қутлуқмуҳаммад *иноқ* ва Кўчак *иноқ* ва

[1493] Сентябр – октябр ойларида.
[1494] Афир (ифрит) – деву шайтонлар.

ғайриҳумға тафвиз қилиб, Тошқалъа устиға ва Жонмурод *иноқ*нинг мудофаасиға юборди. Алар Боғлон-Қиётни муаскар қилиб, Тошқалъа ва Вазир муҳосирасиға иштиғол кўргуздилар. Бу аснода Жонмурод *иноқ* издиҳоми тамом била Гурлан устиға ҳаракат қилди ва Гурлан лашкари ва Хивақ аскари истиқбол қилиб, муҳорибаи азим воқе бўлди. Жонмурод *иноқ* тоби муқовимат келтура олмай ҳазимат топиб, Орол ва қарақалпоқ черикидин икки юз киши қатлға етиб, юз киши исорат қайдиға муқаййид бўлди. Ул асирларнинг бири Эсанқобил ибн Жонпўлод *бий* эрди. Ул бағоят тезназар ва дурбин[1495] йигит эрдиким, *ўзбак* андоқ кишини «қироға» дерлар. Манқулдурким, ул бир кунлик йўлдин ва баъзи дебдурларким, икки кунлик йўлдин кишини кўруб, тўн ва отининг қайси рангда эрканин англар эрди. Ва Жонмурод *иноқ* Бухородин *манқит*ға келурда ул анга мулозим ва мусоҳиб эрди. Бир кун чоштгоҳда дедиким, «бир тева минган киши кўринурким, азми бу тарафгадур.» Жонмурод *иноқ* сўрдиким «анга қачон йўлиқурмиз?» Ул дедиким, «тонгла бу чоғда.» Анинг айтғониға мувофиқ сўнгғи чоштгоҳда анга мулоқи бўлдилар. **Байт:**

Зиҳи басорати комил ки очса мадангоҳ,
Хаёл етмагудек ер бўлур мушоҳадагоҳ.

Жонмурод *иноқ* Хўжа элини олғонда, анинг амми (амакиси) Эшқобил *бий* Чаққоннинг оқоси Жонмурод *отолиқ*ни ўлдуруб эрди. Бу жиҳатдин Чаққон ани Муҳаммадамин *иноқ*дин тилаб, ўлдурди. Ул учурда Муҳаммадамин *иноқ*нинг фармони била Хуросон ва Гургон *тарокима*сидин *явмут* черики келди. Маълум бўлсунким, *явмут* икки тойифа бўлур: бирини *байрамшоҳли* дерлар. Яна бирини *чўнишараф* атарларким, бу табақа «*қарочўқа*» лақабиға машҳурдур. Муҳаммадамин *иноқ* аларға истимолат ваъдаси қилиб, *байрамшоҳли*ни Фозил бекнинг имдодиға юборди. Ва *қарочўқа*ни Хоса *қўшбеги*нииг муовинатиға номзад қилди. Мундин сўнг бу икки сипоҳ беш ойғача мулкнинг икки тарафида муонидлар била муҳориба қилур эрдилар, токим, Ҳут авоситида Фозил бек Боғлондин кўчуб, Тошқалъани қабаб тушти ва ҳавола ясатиб, тоғийларни қалъадин бош чиқарғоли қўймай, муҳосира қилди. Ҳут[1496] нинг охирида Вайсқули *девон* бошлиғ Аҳмад *жалойир* ва *нукуз* Худойберди *нойиб* ва Гурлан авоми Жонмурод *иноқ*ни Вазирдин келтуруб, Гурланға киргузди. Кўчак *иноқ* ва Бердиш *отолиқ* ва Оллоҳқули *қози* ва Ёрмуҳаммад Баҳодир ва Бектурди тажан ва ғайриҳум оқо-инилари била қочиб чиқтилар. Бу воқеаи ҳойиладин Фозил бекнинг сипоҳи Тошқалъа устидин бузулди. Ул ҳинда Бобочол *отолиқ олабўлук* халқини қалъасиға қабаб, Урганжга чаповул уруб, ёғийгарлиқ оғоз қилди. Бу воқеа тундбодидин Муҳаммадамин *иноқ*нинг нийрони ғазаби мултиҳаб бўлуб, жунуди номаъдуд била анинг устиға ҳаракат қилди. Икки кун ул элни қаттиқ муҳосира қилиб, қалъасини қаҳр ўтиға куйдурди. Атфолу зуафодин ўзгасиға қатли ом буюрди. Нақлдурким, ул қатли омда ўлган беш юз кишидин кўп эрди ўтға куйгандин бошқа. **Шеър:**

Давлати сармад[1497] га улким истади етгай завол,
Не ажаб ўз давлатига етса анинг ихтилол.
Шами иқболига равшан бўлди ҳақ таидидин,
Ани идбор аҳли пуф айлаб учурмакдур маҳол.
Балки равшанроқ бўлуб ул шам аввалдин зиёд,
Пуфлаганга шўъласидин ўт тегиб, куйгай сақол.
Ҳар кишиким қозди чоҳе эл ҳалокин истабон,
Ўзи аввалроқ тушуб, ул чоҳга топгай вубол.
Бадсиголеким биров қасдида шарр зоҳир қилур,
Фурсат ўтмаским, қилур ул шарр ўзига интиқол.

Муҳаммадамин *иноқ* қатли омдин фироғ топғондин сўнг яна Фозил бекка умарои мазкурни қўшуб, оғир сипоҳ била Жонмурод *иноқ*нинг устиға юбориб, ўзи фатҳу ферузмандлик била мурожиат қилиб,

[1495] Тезназар ва дурбин – ўткир кўз ва узоқ масофадан кўрувчи.
[1496] Ҳут – 22 феврал – 22 март оралиғи.
[1497] Сармад – мангу.

Хивақға нузул этиб, мулку сипоҳ муҳҳомиға иштиғол кўргузди. Аммо, Фозил бек Котни лашкаргоҳ қилиб, бир ойдин сўнг кўчуб, Гурлан шарқийсида Шағоллар мавзеида сангар экириб, Гурлан ва Тошқалъа муҳосирасиға қиём кўргузди. Бу оралиқда ғариб тўқушлар ва қаттиқ урушлар вуқу топиб, Бекпўлод *отолиқ* умуман ул ҳарбларда, хусусан Қаттиғкўл масофида русуми шижоат ва фунуни муборизат била муонидларға андоқ дастбурдлар еткурдиким, «Дувоздаҳ рух»[1498] корзорининг достонин тоқи нисён[1499] да қўйди. Ва Хоса *қўшбеги* дағи Бобо бекни ожиз қилиб, қалъасидин чиқарға қўймади. Бу жиҳатдин Бобо бек *амир* Дониёл Бухоро умаросидин Бадал *девонбеги* ва Мирзоали *додхоҳ*ни икки минг сипоҳи жаррор била Фўлодғози султонни хонлиқға тайин қилиб, Бобо бек ва Жонмурод *иноқ*ға мадад учун юборди. Алар Ҳазорасбға келиб, Бобо бек била Боғотға бориб, лашкаргоҳ қилди. Ва Мирзоали *додхоҳ*ни Гурланға Жонмурод *иноқ*нинг қошиға юборди. Муҳаммадамин *иноқ* бу вақоени эшитиб, тавобеотдин черик йиғнаб, *қўшбеги*га кўмак юборди. *Қўшбеги* бу жиҳатдин қавий ва мустазҳар бўлуб, Бобо бек ва Бадал *девонбеги* била андоқ муҳорибот қилдиким, Бадал *девонбеги* келгандин пушаймон бўлуб, лашкаргоҳдин чиқа олмади. Бу урушларда Вали *отолиқ* ва *явмут* баҳодирлари яхшиғина муборизат кўргузуб, бухорийлардин кўп кишини қатлға еткурди. Бир неча кундин сўнг Муҳаммадамин *иноқ* ўз нафаси нафиси била Хивақ черикин олиб, Гурлан устиға наҳзат қилди. Бу жиҳатдин Жонмурод *иноқ*ға раабу ҳарос муставлий бўлуб, сулҳ василаси била Гурландин чиқиб, Оролға фирорий бўлуб, Манқит қўрғониға кириб, мутаҳассин бўлди. Муҳаммадамин *иноқ* Вазир ва Гурлан ва Тошқалъани музофоти била қабзаи тасарруфиға олиб, асокири зафармаосир била Бобо бек ва Бадал *девонбеги*нинг қасдиға ҳаракат қилди. Алар тоби муқовимат келтура олмайин Муҳаммадамин *иноқ*ға элчи юбориб, садоқат юзидин сулҳ илтимос қилдилар. Муҳаммадамин *иноқ* аларнинг мултамасин мабзул тутуб, жароимин афв қилди ва Бобо бекка отаси мансабин марҳамат қилиб, Фўлодғози султонни Хивақға келтуруб, салтанат тожи била сарафроз этти. Ва Бадал *девонбеги* ўз жонин муғтанам билиб, Бухороға муовидат кўргузди. Бу воқеа Сиғир йили санаи ноқисаи ҳижрия минг юз тўқсон олти[1500] да Ҳамал[1501] эрди.

Ва Тоиушқон йили Бобо бек шайтон иғвоси била Муҳаммадамин *иноқ*нинг адоватин пешниҳоди хотир[1502] қилиб, Боғибек *дастурхончи* бошлиқ бир неча кишини ул ҳазратнинг қасдида ўзиға ҳамдаст этти. Ул кишилардин баъзиким, Муҳаммадамин *иноқ*нинг парвариши била олий маротибға етиб эрдилар, ақл ҳидояти била ҳаромнамаклик шоматидин иҳтироз қилиб, Муҳаммадамин *иноқ*ни шаҳодати қотеа ва ҳужжати сотеа била ул сирдин огоҳ этти. Бобо *парвоначи* ул чоғда Рофинак ҳовлиида буғдой хирманин олдирур эрди. Муҳаммадамин *иноқ* анинг қатлиға киши буюриб, «қилган амалларига мукофот (жазо) қилиб[1503]» муқтазоси била қилғон аъмолининг жазосиға сазовор қилди. Ва Боғибек дастурхончини дағи маа атбоуҳум[1504] муаддо[1505] си била анинг изидин юборди. Ва Абдулраҳмон бек қочиб, Бухороға борди.

Бобо бек бағоят фозил ва донишманд киши эрди. Базми фузало ва шуаро суҳбатидин холи эрмас эрди. Аммо, на судким, шарорат ва фитнаангезликдин бир замон осуда бўлмади. Кўп ноҳақ қонлар тўкулмакка боис бўлди. **Қитъа:**

Шақоват аҳлини қилмас ҳунар саодатманд,
Ҳуллаву зевар ила девлар пари бўлмас.
Кўрунг ки илму камолот ила лаъин шайтон,
Нифоқу шайтанату лаъндин бари бўлмас.
Неча ки чоҳ аро равшан бўлуб маҳи Нахшаб[1506],

[1498] Уруш қаҳрамонлари ҳақидаги бадиий асар номи.
[1499] Тоқи нисён – унутилиш токчаси.
[1500] Ҳижрий 1196/1781-82 йил.
[1501] 22 март – 22 апрел.
[1502] Пешниҳоди хотир – кўнгилга тугиш.
[1503] Қуръони карим, 32 : 17.
[1504] Ўзига қарашли одамлари билан.
[1505] Муаддо – мазмун.
[1506] Маҳи Нахшаб – Нахшаб ойи. Бу Муқаннанинг лақаби бўлиб, унинг ишларига ишора.

Яқин дурур ки маҳи чарх ҳамсари бўлмас.

Боғибек *дастурхончи* даги хуштабъ ва соҳиби вуқуф эрди. Ва бир нима табъ назми ҳам бор эрди. Андин сўрдиларким, «бовужуди адоват ва хундорлиғ сени на иш эрдиким, Бобо *парвоначиға* дўст ва якжиҳат қилди?» Ул жавоб бердиким, «аҳлият!» **Қитъа:**

Майи аҳлият андоқ нашадурким,
Қилур рафъ ўртадин адвон хуморин.
Вудуд ойнасин айлаб мужалло,
Кўтарур бугзу хасмият ғуборин.

Аммо, Жонмурод *иноқ* Орол борғондин сўнг Манқит қўрғониға мутаҳассин бўлуб, муддати мадид Муҳаммадамин *иноқ*нинг сипоҳи била мукарраран муҳориба қилиб, ёғийлиқ тариқасида устивор эрди. Оқибат ал-амр, *манқит* улуси анинг шамотатидин батанг келиб, ани ораларидин хориж қилиб, Бухороға қовдилар. Ва Муҳаммадамин *иноқ*нинг ҳитаи итоатиға кириб, аларнинг ҳукуматиға Ҳасанмурод *иноқ*нинг авлодидин Иноятуллоҳ бек муқаррар бўлди. Ул овонда Солиҳ *иноқ* фавт бўлуб, Иноятуллоҳ *бий*ни келтуруб, *иноқ*лиқ мансабин анга арзоний тутуб, анинг қариндошларидин Саййидназар бийга Манқит ҳукуматин мафвуз қилдилар. Бир неча айём ва аъвом эврулгандин сўнг Гадой Баҳодир ва Бекболта *отолиқ*ким, *манқит* акобиридин эрдилар, Саййидназар *бий*ни ўғли Арзибек *доруга* била шаҳид қилиб, ёғийгарлик оғоз қилдилар. Муҳаммадамин *иноқ* аларнинг истисоли учун сипоҳ юборди. Алар тоби муқовимат келтура олмайин, Жонмурод *иноқ*ға киши юбориб, истидо қилдиларким, Бухородин йиғин келтургай. Ул бедавлат қабул қилиб, юртдин овора бўлғон аҳли фасодддин кўп кишини атрофиға йиғнаб, Бухородин келиб, Манқитға кирди. Муҳаммадамин *иноқ* анинг устиға неча қатла сипоҳ юбориб, қаттиғ муҳосира қилдурди. Андоқким, Манқит атрофининг ғалла келур йўлларин масдуд қилиб, ул ноҳият зироатин поймол ва нобуд эттиларким, ул эл қаҳат балосига гирифтор бўлуб, Жонмурод *иноқ*ни атбои била тутуб бермакнинг сададида бўлдилар. Бу жиҳатдин Жонмурод *иноқ* ноилож сулҳ қилиб, Хоса *қўшбеги* ва Бекпўлод *отолиқ*нинг зинҳориға кириб, алар мусоҳибатида Муҳаммадамин *иноқ*нинг мулозиматиға мушарраф бўлди. Муҳаммадамин *иноқ* анинг таъзиму тавқир[1507] иға кушиш қилиб, оталиқлиғ мансабин шафқат этти. Бир неча айёмдин сўнг ул даги Ниёз *парвоначи* ва Бобо *парвоначи*нинг димоғиға тушган савдо ва васвасаға гирифтор бўлуб, Ит йили сана минг икки юз икки[1508] да Сунбула[1509] да атбо ва афроди била жазосиға етиб, зубдат ас-содот, мутаолий даражот, қутб ал-авлиё, фахр ал-асфиё Саййид Ҳасан хўжа ва Саййид Ҳусайин хўжа *алайҳуимо ар-раҳмату валғуфрон*нинг жавори фойиз ал-анворида ўзи иморат қилған мақбарада мадфун бўлди. Аҳмад бек ва Гадой Баҳодир бу хабари ваҳшатасарни эшитиб, Манқитдин қочиб, Эрдор йўли била Бухороға бордилар. Муҳаммадамин *иноқ* Иноятуллоҳ *иноқ*ни лашкари қиёмат била *манқит*ға юбориб, ул элни кўчуруб, *Отолиқ* арнасининг канорида қалъа солиб, мутамаккин қилдурди ва Тангриберди бийниким, ул даги Ҳасанмурод *иноқ*нинг авлодидиндур, ул элнинг аёлатиға тайин қилди.

Муҳаммадамин иноқ вафот топғонининг ахбори ва авсофи ҳамида ва афъоли писандидасининг тазкори

Арбоби фатонат ва асҳоби дароятнинг замоири зибасоириға маълум ва ҳувайдо бўлсунким, Муҳаммадамин *иноқ* бағоят донишманд ва кордон ва маишатдўст ва комрон эрди. Ақлу қиёсат дуррар[1510] и била ораста, ҳушу фаросат ҳулал[1511] и била пийроста эрди. Адолатин сиёсатға ва лутфин қаҳрға мун-

---

[1507] Тақвир – эъзоз-икром.
[1508] Ҳижрий 1202/1787-88 йил.
[1509] 22 август – 24 сентябр.
[1510] Дурар – дуру жавоҳир.
[1511] Ҳулал – кийим (ҳулла); жавоҳирот.
[1512] Мунзам – қўшимча.

зам[1512] қилиб эрди. Ҳайбат ва савлати ул ғоятда эрдиким, ҳар ким кўрса, аъзосиға ларза тушар эрди. **Фард:**

Ҳайбатидин эди жаҳон музтар,
Савлатидин ҳам осмон музтар.

Шижоат ва жалодатда фариди замон, саховату самоҳатда ваҳиди даврон эрди. **Назм:**

Уруш майдонида Рустамдек эрди,
Бериш айвонида Ҳотамдек эрди.
Қитолидин фалак бағри эди қон,
Навол[1513] идин жигархун баҳр ила кон.

Уламову фузалонинг тавқиру таъзимида муболаға кўргузур эрди. Аркони давлат ва аъёни ҳазратнинг табжилу такримида ижтиҳодин камолға еткурур эрди. Шариати ғарро ва миллати байзо аълом[1514] ининг иртифоиға камоянбағи жаҳду кушиш қилиб, мадорис ва хавониқ аҳлининг ҳолотидин тафаҳҳус қилур эрди. Ва ҳамиша умарои изом била кўрунуши олийда ўлтуруб, бовужудиким қуввати дониш ва савоби тадбирда абнои замондин мумтоз эрди, умур мулкия ва ғайри мулкияда «ишларингизда улар билан маслаҳат қилинг»[1515] муқтазоси била машварат эшигин алар юзиға очиб, ройи оламоройларидин маслаҳат тилар эрди. «Оллоҳнинг яратганларига шафқатда бўлинг» фаҳвоси била фуқаро ва масокинға шафқат донасин сочиб, маҳзун хотирларин сайд қилур эрди. Туфулият айёмидин ҳаёт анжомиғача «кечанинг ярмида озгина ором олингёки кечанинг ярмидан бироз камайтиринг»[1516] мавжиби била саҳархезликни амдан[1517] тарк қилмади. Содоти зуллэҳтиром ва машойихи киромға бағоят мухлис ва мўътақид эрди. Шикор этмак ва қуш солмоқ умуриға ҳарис ва машъуф эрди. Қадрдонлиқ ва хизматшиносликда салотини олийшон ва умарои гардунтавондин мумтоз эрди. Аммо, гоҳи табиати мазоҳ ва ҳазлға майл кўргузуб, зарофат ва базлагўйлиқ била вақтин хуш тутар эрди. Ва аксар авқот имороту хайротға рағбат қилур эрди. Андоқким, санаи ҳижрия минг икки юзда Хивақ дор ас-салтанасининг қўрғонинким, Нодиршоҳ келгандин бери ҳаводиси айём лагадкубидин ҳазинлар кўнглидек харобобод ва мискинлар кулбасидек бебунёд эрди, меъмори илтифотининг баннолиғи била мужаддадан маъмур ва обод қилдиким, буржу боруси фалак ҳисорининг зурвасиға ҳамсарлиқ кўргузди ва қаъри хандақи таҳтуссаро[1518] ниҳоятиға етти. **Назм:**

Фалак қулласидин ўтуб кўнгари,
Бўлуб пояйи аршнинг ҳамсари.
Мушаййид бўлуб эйлаким куҳи қоф,
Йиқа олмайин юз йил аҳли хилоф.
Бўлуб рифъат ичра фалакдин рафе,
Вале вусъат ичра жаҳондек васе.

Мундин бошқа дағи иморатлар бино қилдиким, фалак биносиға дами мусовот урар эрди. Ул жумладин «Мадрасаи *иноқия*»дурким, мамани уламо ва маскани фузалодур. **Маснавий:**

Анинг ҳар ҳужраси жаннат уйидур,
Демай жаннат уйи раҳмат уйидур.
Мусаффо ориг элнинг сийнасидек,
Шарафдин тўла ҳақ ганжинасидек.

[1513] Навол – дастурхон.
[1514] Аълом – байроқлар.
[1515] Қуръони карим, 3 : 159.
[1516] Қуръони карим, 72 : 2, 3.
[1517] Амдан – қасддан.
[1518] Таҳтуссаро – ернинг энг туби.

Бўлуб файзи азалдин бемадоро,
Дару деворидин илм ошкоро.

Санаи ҳижрия минг икки юз уч[1519]да Қавс авохири[1520]даким, амирзодаи олийшон Фозил *бий* улуғ тўй бериб эрди. Муҳаммадамин *иноқ* ул тўйдин фароғ топғондин сўнг мизожи шарифиға касал ориз бўлуб, кун-кундин иштидод топиб, заъфу ранжи мазид ва музоиф бўлди. Ул мараз имтидодидин беш ой мунқазий[1521] бўлғондин сўнг сана минг икки юз тўртда ражабнинг йигирма тўққузи[1522]да жума куни Тўнгуз йили Савр аввали[1523]да бир нима тахфиф[1524] топиб, уламои изом ва умарои киром ва нудамои зуллэҳтиром ва авлоди соҳиб иҳтишомин олдиға чақириб, насоиҳ ва васоё эшигин алар юзиға очиб, сўз жавоҳирин ул мажлис аҳлиға мундоғ сочтиким, «ҳар зинафсеким, олам бўстониға вужуд қадамин урди, охират шабистониға адам оёқи била азимат этмак керак ва ҳар соҳибидамеким, ҳаёт қўрғониға кирди, мамот қофиласи била фано шаҳристониға кетмак керакдур. Бу тариқада ҳамоно менинг ҳам навбатим етибдурким, маоли аҳволимдин риҳлат ва интиқол асарин эҳсос қилурман. **Назм:**

Тўлубдур гўйиё жоми ҳаётим,
Топиб анжом айёми ҳаётим.
Фано вайронадин кетмак керакдур,
Бақолиғ уйига азм этмак керакдур.

Эмди керакким, улуғ ўғлум Аваз бекни манга валиаҳд билиб, умури мамлакат ва муҳоми салтанатда анинг авомир ва навоҳисидин тажовуз қилманг ва хилофат тариқиға иқдом кўргузуб, рафқу вифоқ масоликидин инҳироф жойиз тутманг, токим, бу мувофиқат йўмнидин мулку давлат арус[1525]и бу хондондин айрилиб, бегоналарға кетмагай». Ва андин сўнг амирзодаи аъзам қутб ад-давлат ва-д-дин Аваз *бий иноқ*ға боқиб, каломи балоғатнизомин гуҳарбор қилдиким: «Эй фарзанди аржуманд! Бу давлат ва мамлакатниким, анинг истиҳсолида умрлар машаққати бисёр ва суувбати бешуморни ўзумға тутуб, арсаи мамлакатда аъдои давлат истисолида қиличлар чекиб, таидоти раббоний ва тавфиқоти яздоний била муяссар қилибмен. Агар истасангким, сенда боқий қолғай, зару хазинаға эътимод этмаким, мол дар маарази заволдур. Ва лашкарга кўнгул қўймаким, сипоҳ мунқалиб ал-ҳолдур. Карам ва шафқат, адабу тавозе умуриға қиём кўргузуб, бу уламои изомниким, фил-ҳақиқата қавоми дин ва амоди шаръи мубиндурлар, маротиби олий ва вазоифи мутаволи била маҳзуз ва баҳраманд қилиб, миллати байзо ва шариати ғарронинг тарвижиға камоянбағи кушиш қил. Ва бу умарои олийшонниким, дўстдори самимий ва давлатхоҳи қадимийдурлар, иртиқои маротиб ва иртифои муносибиға мубодират кўргузуб, умури мулкия ва маҳоми ғайри мулкияда аларнинг мушовиратидин ташқари ишга қиём кўргузма. Ва ҳар қайсининг қадриға кўра ва мартабасиға яраша карам ва тавозе қилиб, дўстлиғларин ўз ҳақингда мазиду музоиф филким, алар аркони давлатдурлар. Ва оқо-иниларингдин «силлаи раҳм»ни қатъ қилма ва «зулқурбий[1526]» ҳуқуқин риоят қилким, силлаи раҳм умрни зиёда ва ризқни фарох қилур. Ва жаҳд қил то шафқати ом ва марҳамати молокалом била раоёни раиятлиғ мартабасидин дўстлиғ даражасиға еткургайсенким, то кўнгуллар сенга ром бўлғай. **Байт:**

Подшоҳлиғ тиласанг айла кўнгулларни муте

[1519] Ҳижрий 1203/ 1788-89 йил.
[1520] 24 ноябр – 23 декабр.
[1521] Мунқазий, инқизо – ўтиш, тугаш.
[1522] 1204 йил 29-ражаб/1790 йил 15 апрел.
[1523] 23 апрел.
[1524] Тахфиф – пасайиш.
[1525] Арўс – келин.
[1526] Яқин қариндошлик.

Ким, чериксиз кишига мулк мусаллам бўлмас».

Бу воқеадин икки кун сўнг шаъбон ал-муаззамнинг аввали[1527] да якшанба куни «барча жон ўлим шарбатини татигусидир»[1528] жомидин ажал шаробин нўш қилиб «яратганинг олдиға рози ва хушҳол бўлган ҳолда қайт»[1529] муқтазоси била Тангри раҳматиға восил бўлди. **Рубоий:**

Гар соқии иқбол қўлидин ич жом,
Дар маснади салтанат уза тут ором.
Охир бўлубон ажал майидин беҳуд,
Шак йўқ ки қилурсен қаро туфроқни мақом.

Ва ул отаси Эшмуҳаммад *бий* шаҳид бўлғонда ўн бир ёшида эрди ва ўттуз иккисида аморат маснадиға жулус қилди ва умри олтмиш бирга етганда ҳаёт вадиатин қобиз ал-арвоҳға топшурди. Ва муддати ҳукумати йигирма тўққуз йил эрди. Ва султон ал-орифин ва бурҳон ас-соликин Алоиддин хўжа *раҳматуллоҳи алайҳ вал-гуфрон*нинг жавори фойиз ал-анворларида мадфун бўлди. Ва авлоди кўп эрди. Ва кичикликда ва айёми ҳаётида фавт бўлғонлардин бошқа секкиз ўғли бор эрди. Андоқким: *амири кабир* жамол ад-давла ва-д-дин Аваз *бий иноқ* ва Ниёзмуҳаммад бек. Бу иккови бир онадидур. Ва Муҳаммадниёз бек танҳо бир онадин. Ва Муҳаммадқули бек, ул дағи ёлғуз бир онадин эрди. Отасидин уч йил сўнг ўн беш ёшида вафот топти. Ва Муҳаммадмурод бек ва Муҳаммадризо бек ва Эшмуҳаммад бек. Булар бир онадиндурлар. Иншоолоҳ, буларнинг зикри ўз мавридида келур.

Қози Сафо ва *қози* Мираваз ва *қози* Хўжаназар ва Муҳаммадзоҳид *охунд*ким, уламои мутабаҳиррин[1530] дурлар, анга маосир эрди.

Ва машойихи киромдин нажобатогоҳ, сиёдат дастгоҳ, зубдат ал-восилин, қудват ал-комилин, қутб ал-миллат ва-д-дин Саййид Муҳаммадпаноҳ хўжа ва фахр ал-атқиё, қутб ал-асфиё Султон хўжа ва ғавс ал-аъзам, махдуми олам Тоҳир эшон ва султон ат-тариқат ва бурҳон ал-ҳақиқат Ийдмуҳаммад эшон ва ашраф ас-содоти киром ва афзал ал-машойихи иззом Қулмуҳаммад хўжа ва маркази доираи ваҳдат, офтоби авжи маърифат Боқиржон азизлар *қаддасаллоҳу асрораҳум* ҳамаср эрдилар.

Амири кабир, жамол ал-мулк ва-л-миллат ва-д-дин Аваз бий иноқнинг аморат маснадиға тамаккун қилиб, ҳукумат ишғолиға мутасадди бўлғони

Балоғат айвонининг маснадороси, фасоҳат девонининг хазинагушоси, аъни, қалами мишкин рақам бу нав жавоҳирафшонлиғ қилурким, чун Муҳаммадамин *иноқ*нинг офтоби ҳаёти мағриб мамотиға қариб етти, яъни, амири мазкури мағфурнинг вафотидин бурунғи кунким, ражабнинг салх[1531] и эрди, Аваз *бий иноқ* аркони давлат ва аъёни ҳазратнинг сайъи ва иттифоқидин отасининг мавжиби васияти била аёлат маснадиға аҳсани авқот ва асъади соотда жулус қилди. Ва бузруквор отасининг такфин ва тадфинидин фароғ ҳосил қилғондин сўнгра подшоҳлиқға лойиқ фуқаро ва масокинға обу ош тарқатиб, мукаррараран қуръони мажидни хатм қилдуруб, савобин отасининг руҳи покиға бахш қилдурди. Тамҳид қавонини аза ва мусбатдорлиғ ва тақдими маросими мотам ва савг[1532] ворлиғ адосидин сўнг жашне азим ва суре фахим аморат муждагони учун тартиб берди. **Маснавий:**

Анингдек қилди тамҳиди зиёфат,
Ки тўлди даҳр уйиға нозу неъмат.

[1527] 1204 йил 1-шаъбон/1790 йил 16 апрел.
[1528] Қуръони карим, 3:185.
[1529] Қуръони карим, 89 : 28.
[1530] «Илмлар денгизи» саналган олим.
[1531] Салх – охири; Бу ерда: 1204 йил 29-ражаб/1790 йил 15 апрел.
[1532] Савг – аза.

Келиб ҳар ёндин анвои халойиқ,
Топиб инъом ўз қадриға лойиқ.
Хусусан анда арбоби муносиб,
Топиб аввалдин ортуқроқ маротиб.
Халойиқ нозу неъматдин олиб ком,
Ичиб маҳваш аёқчи илгидин жом.
Киши қолмай наъмдин баҳра олмай,
Навозиш кўрмаган бир кимса қолмай.

Зиёфаи маросимидин сўнг ҳукумат ва довар[1533]лиғ девонхонасида ўлтуруб, мамлакат ва жаҳондорлиғ муҳиммотиға ҳиммати олийнаҳматин масруф тутуб, аъоли ва асофил тарафиға офтоби таважжуҳин партавафкан қилди. Ва ота дастурида уламои олий мартабат ва умарои соҳиб манзилатни муносиби собиқ ва маротиби лойиқ била аржуманд қилиб, атроф ва жавониб дағи аъмол ва наввобни бурунғи амал ва ниёбат била сарбаланд этти. *Явмут* авбоши ва *човдур* арзоликим, Муҳаммадамин *иноқ*нинг вафоти ҳангомида шарорати жибиллий ҳаракатидин мутаҳаррик бўлуб, атроф мамолик саканасининг амволу жиҳотин зулм ва таҳтак била ғорат қилиб эрдилар, гушмоли азим ва таадиби балиғ била алардин истирдод[1534] қилиб, сояйи рофат ва отифатин фуқаро ва раоё муфориқиға мамдуд қилди. **Қитъа:**

Бисоти адлин этиб арсаву жаҳонга басит,
Шароби шафқат ила элни комёб этти.
Таадди аҳлига тиғи сиёсатни чекиб,
Алар вужудини зулм уйидек хароб этти.

Ҳамул йилнинг авохири[1535]да Бойназар бийниким, Давлатниёз *отолиқ*нинг фавтидин сўнг *отолиқ*лиғ мансабиға мушарраф бўлуб эрди, Қаландар *қўшбеги*нинг ўғлонлари отасининг қони учун Қумясқа кўпрукининг устида тутуб ўлдурдилар. Аваз *иноқ* анинг мансабин Шоҳниёз бекка мусаллам тутуб, *отолиқ* қилди.

Аваз иноқнинг Абдулраҳмон меҳтарга мамлакат интизомининг ҳалу ақдин камоли марҳаматдин топшуруб, бу марҳамат ғуруридин ул бедавлатнинг димоғиға савдои фосид тушгани ва ул савдо шоматидин ҳалокат сарҳадиға етушгони

Вақое мажолисининг таронасози, бадое маҳофилининг воқеапардози, яъни, хомаи ғаробатҳангома овози сафир ва садои сарир била мундоғ фасонатирозлиғ қилурким, Аваз *иноқ* жуйбори раафат ва шористони насафат била мулк бўстонин сарсабз ва хуррам қилиб, мамлакатдорлиғ муҳиммотин рост қилғондин сўнг Абдулраҳмон *меҳтар*гаким, қадим ал-хизмат ва намакпарвардаи дерина[1536] эрди ва Муҳаммадамин *иноқ*нинг мароҳими хусравона ва авотифи бекаронаси била даражаи аъло ва мартабаи ақсоға мутараққий бўлуб эрди, бадастури собиқ вазорат мансабин арзоний тутуб, камоли марҳамат ва ғояти шафқатдин тарбият ва тақвиятиға муқзо ал-маром кушиш қилиб, пояйи қадр ва манзилатин авжи Сурайёдин ўткарди. Ҳукумат умурининг ратқу-фатқин[1537], мамлакат муҳоминининг ҳаллу ақдин анинг райи ақдагушоиға солиб, Хоса *қўшбеги*га саҳим ва шерик қилди. Ул бир неча айём инқизосидин сўнг мунингдек шафқат ва меҳрибонлиқ юкиға таҳаммул қила олмайин, давлат ва шавкат ғururидин «инсон ўзини бой-беҳожат кўргач, албатта туғёнга тушар[1538]» муқтазоси била кибру нухувват савдои фосиди бошиға тушти ва худшинослиғ тариқидин мунҳариф бўлуб, аноният қадамин инод йўлиға қўйди. Ва Аваз *бий иноқ*ни «вужудини йўқ мисоли»[1539] фаҳвоси била манзури назари эътибор қилмай, андин бе-

[1533] Довар – арз сўровчи, қози.
[1534] Истирдод – қайтаришни сўраш.
[1535] 1204 йил зу-л-қаъда/1790 йил 13 июл-12 август.
[1536] Дерина – эски, қадимий.
[1537] Ратқу фатқ – бошқарув.
[1538] Қуръони карим, 96 : 6, 7.
[1539] Арабча ҳикматдан.

машварат ҳукмронлиғ қила бошлади. **Фард:**

Давлатни ҳар киши кўтара олмас, эй кўнгул,
Бўлмас дарахти борвар ағсони хору хас.

Ва анинг авлоди ҳукумат ишига тағаллуб ва тасаллут расми била мудохилат кўргуздилар. Андоққим, Абдулраҳмон бой божу хирож мифтоҳин қабзаи иқтидориға олиб, Мирали *девонбеги* ва Отониёз *девонбеги*никим, ул шуғлға муқаррар эрдилар, маъзул қилиб, орадин чиқарди. Ва Паҳлавонқули бой ҳашмати тамом ва дабдабаи молокалом била улуғлиғ кўсин уруб, умарои номдор ва кубарои фалакиқтидорни ҳисобға киюрмади. Ва Абдужаббор бой дағи бир тарафдин мастбозлиғ ва арбадасозлиғ қилиб, ўз махзумзодалариға ҳақорат ва иҳонат еткурмакдин ўзга андиша хотириға келтурмади. Ва ала ҳазалқиёс. Аваз *иноқ* камоли ҳилму бурдбор[1540] дин аларнинг бу нав беадаблик ва гўстоҳлиқларидин иғмоз[1541] қилиб, қадим ал-хизматлиғ ҳуқуқин маръий тутуб, мутаарриз бўлмади. Токим, Абдулраҳмон *меҳтар* ул хатиялардин мутанаббеҳ бўлмай, билкулл фасод ва тамарруд оғоз қилиб, Аваз *иноқ*нинг бинои давлатининг инҳидомиға, балки, меъмори ҳаётининг инъидом[1542] иға ҳиммат камарин устивор қилди. Аваз *иноқ* анинг бу хиёли хом ва савдои шақоватфаржомидин огоҳлиғ топиб, ани кўрунуш ҳангомида буюриб, Мирали *девонбеги*ға ўлдуртти. Ва ўғлонларин дастгир қилиб, маҳбус этти. Бу воқеа Сичқон йили сана минг икки юз олтида рамазоннинг ўн иккиси[1543] да панжшанба куни чоштгоҳда эрди. Ва Паҳлавонқули бой қочиб, *явмут*ға кирди. *Явмут* халқи Аваз *иноқ*нинг қаҳру сахат[1544] идин мутаваҳҳим бўлуб, ани келтуруб бердилар. Абдулраҳим бой ва Паҳловонқули бой ва Абдулжаббор бойни дағи мусодара ва мутолиба қилиб, бир ҳафтадин сўнг отасининг ақабидин юбордилар. Умар хўжа *нақиб*[1545] ул воқеада икки таърих топибдур. Бири анинг мазамматида андоққим «калта сорт савдои» ва бири мидҳатида андоққим. **Таърих:**

Соҳибаъзаму дарёдилу зу-л-мажду карам,
*Ҳаст номаш банигин «*меҳтар *Абдураҳмон»*
Дар даҳаи дуййўмм моҳи рамазон гашта қатл,
Рафт аз ин гамкада бо се валади олийшон.
Зи-он жиҳат пири хирад воқеаи қатлашро
Гуфт таърих: «даҳаи дуййўми моҳи рамазон[1546]*.»*

Аммо, бу жамоа бағоят кариму сахопеша ва бениҳоят жаводу базл андиша эрди. Ато базмида Манзода эҳсонининг афсонасиға хатти батлон[1547] уруб, бахшиш маъракасида Оли Бармак[1548] ка инъомининг ҳикоятин мансухлиқ ҳаддиға еткуруб эрдилар. Ҳамиша х(в)они эҳсонлари оммаи фуқаро оллида очуқ ва ҳамвора жавоҳири инъомлари коффаи бароё бошиға сочуқ эрди. Ул жумладиндур: *Явмут* қаҳатидаким, бир парча нон юз минг жондин ортуқ эрди, Абдулраҳмон *меҳтар* ҳар кун Хивақ очлариға бир

[1540] Бурдбор – оғирликни кўтарувчи, бардошли.
[1541] Иғмоз (араб ёзувида «зе» билан) – чидаш, кўрмасликка олиш, кўнгилчанлик.
[1542] Инҳидом, инъидом – вайрон қилиш, бузиш, йўқ қилиш.
[1543] 1206 йил 12-рамазон/1792 йил 2 май.
[1544] Сахат – ғазаб.
[1545] Умархўжа нақиб шоир киши бўлиб, Тавфиқ, Нақиб ва Узлат тахаллуслари билан шеърлар ёзган. Унинг форсча шеърларидан тартиб топган иккита девони ҳозир ЎзШИ қўлёзалар хазинасида сақланади. Девондаги маълумотларга қараганда, Умархўжа тахминан 1783 йили ҳаж сафарига чиқиб, Туркия султони Абдулҳамид (1774 – 1789) билан ҳам учрашади. Унинг Фозилбек қурдирган Оқ мачитга атаб ёзган тарихидан 1793 йил маълум бўлади. Демак, Умархўжа Муҳаммадамин иноқ, Авазбий иноқ, Элтузархон ва Муҳаммадраҳимхон даврларида яшаган. У Бухорода ҳам бўлган.
[1546] Рамазон ойининг иккинчи ўнлиги (1206/1792 йили, май ойи).
[1547] Хатти батлон, хатти насх (мансухлик) тортиш – устидан чизиш йўқ қилишни билдиради.
[1548] Оли Бармак (Бармак хонадони) – асли эронлик бу хонадон вакиллари VII асрда анча йиллар давомида аббосий халифаларидан Ҳорун ар-Рашид давлатидаги бош вазирлик ишларини бошқаришган. Давлатни жуда обод қилишга эришган бу оила вакиллари улардан хавфсираган Ҳорун ар-Рашид томонидан йўқ қилиб ташланган.
[1549] Матбаххона – ошхона.
[1550] Мараммат – таъмирлаш.

мартаба матбаххона[1549] сидин баҳра еткурур эрди. Хусусан, анинг аршад авлоди Абдулраҳим бой хайрот ва мубаррот истикмолиға бағоят роғибу ҳарис эрди. Хивақ масжиди жомеининг мараммат[1550] и ва ҳазрат Исм Маҳмуд ото *қаддасаллоҳу арвоҳаҳу*нинг иморати анинг хайротидиндур. Аммо, охир умрларида хисоли ҳамида ва афъоли писандидалари тағййир топиб, ўз ҳадларидин тажовуз қилиб, амали жазосиға гирифтор бўлдилар. Андоққим, зикр топти. **Назм:**

Кишидин давлат интиқол этса,
Ёки умри заволига етса.
Бузулуб феълу хислати анинг,
Туганур умру давлати анинг.

Хўжамурод ва Тўрамурод сўфининг фасод қонуниға оҳанг қилиб, макру талбис[1551] воситаси била қўнгрот авомининг ихтиёрин қабзаи тасарруфиға олиб, мухолифат оғоз этгани ва Яхшилиқ бий аларға мувофиқат кўргузуб, жазосиға етгани. Ва Тўрамуроднинг Хўжаэли ҳисорин ўғурлаб олғони ва Иноятуллоҳ иноқнинг черикига растхез солғони. Ва Хоса қўшбегидин юз ўюргони. Ва сипоҳи нусратпаноҳдин шикаст кўргони ва имтидоди мухолифатининг ҳолоти ва истимрор манидатининг мақолоти

Арбоби донишу киёсат, асҳоби бинишу фаросатнинг замири қамар танвир ва хотири байзо назирлариға возиҳу равшан, лойиҳу мубарҳан бўлсунким, Муҳаммадназар *бий* Қулмурод *иноқ* ибн Бекмуроднинг Саййидназар *бий* отлиғ бир иниси, Хўжамурод ва Тўрамурод ва Шоҳмурод бек отлиғ уч ўғли бор эрди. Муҳаммадамин *иноқ* Бойназар *бий*ни Қўнгрот ҳукуматидин азл қилиб, ул ноҳиятнинг фармонфармолиғин Сайййидназар бийға тафвиз қилиб, Орол диёриға *ҳоким*и билистиқлол этиб эрди. Хўжамурод ва Тўрамурод гоҳи Хивақға рахти иқомат чекиб, гоҳи Оролда мутамаккин бўлуб, замонасозлиғ қоидаси била зиндагонлиқ қилур эрдилар.Токим Сиғир йили санаи ҳижрия минг икки юз етти[1552] да Йўлалли бой *човдур*ким, аларнинг молин юрутуб, савдогарлик қилур эрди, божгирлар анинг матоининг закотин олдилар. Алар бу жиҳатдин таарруз била Хивақдин бориб, Хўжаэлида қўйилғон божбонларнинг зару молларин қўлларидин ташаддуд ва таадди била олиб, Қўнгротға бордилар. Ҳийла ва талбис юзидин муршид ас-соликин Худойқули эшоннинг хонақоҳиға рафт-омад қилиб, аҳли тасаввуф либосиға мулаббас бўлдилар ва зоҳиран радди музолим қилиб ва ўзларин сўфи атаб, узлатгузинлар суратиға кирдилар, токим, ул ноҳиятнинг авому жуҳҳоли, авбош ва арзоли аларнинг мундоғ тазвир[1553] иға фирифта бўлуб, эътиқод кўргуза бошладилар. **Қитъа:**

Қилиб арзи ридо ва субҳа[1554] сўфи,
Сочар ашки риё кўргузуб шайд.
Ғараз бу донае ва дому су бирла,
Халойиқни ўзига айлагай сайд.

Чун кўрдиларким, бу тазвир тасвири бир неча содалуҳларнинг замирида нақш тутти ва бу макр таъсири бир пора[1555] сустраъй[1556] ларнинг хотирида истеҳком топти, осуда диллик ва хотиржамлик била ул диёр улусин ўзларининг баиятиға даъват қилиб, кун-кундин тараққий топтилар ва тамоми *қўнгрот* элин муте ва маҳкум қилиб, Саййидназар бийда ихтиёр қўймадилар. Мухолифат ва муонидат кўсин уруб, исён ва туғён майдониға журъат қадамин қўйдилар. Бу жиҳатдин *амири кабир* Аваз *бий иноқ*

[1551] Талбис – васваса, макру ҳийла.
[1552] Ҳижрий 1207/1792-93 йил.
[1553] Тазвир – дом, тузоқ.
[1554] Субҳа – тасбеҳ.
[1555] Бир пора – бир бўлак, айрим.
[1556] Сустраъй – қатъиятсиз, иккиланувчи.
[1557] Ҳижрий 1208/1793-94 йил.

уларнинг таадибу гушмоли учун Хоса *қўшбеги* бошлиғ умарои олиймиқдор ва шужаои номдорни тўрт тўпа ва Беш қалъа сипоҳи била сана минг икки юз секкиз[1557] да Қўнгрот устиға юборди. Сипоҳи нусратпаноҳ Қўнгрот сарҳадиға етганда, алар истиқбол этиб, тансуқот ва пешкашлар била умарои изомнинг мулозиматиға етиб, талбис юзидин гург оштий қилдилар Ул шарт билаким, келур йил Орол юртининг закот ва хирожоти била Аваз *иноқ*нинг хизматиға бориб, мулозимат қилғайлар. Бу баҳона била умарои олийжоҳ ва сипоҳи нусратпаноҳни қайтариб, яна ўз ишларининг таҳсил ва такмилиға иштиғол кўргуздилар. Ва сана минг икки юз тўққуз[1558] да Барс йили Жадийда Хўжа элининг *волий*си Яхшилиқ *бий* чаққон ва Пиримёр ва ғайриҳумонинг сеоят ва васвасаси билаким, бу байт аларнинг ҳолотидин хабар берур. **Байт:**

Иҳтироз[1559] эт макру талбис аҳлидин зинҳорким,
Одаме тазвир аро шайтондин ортуқдур басе.

Аваз *иноқ*нинг итоатидин саркашлик оғоз қилиб, Хўжа элининг ҳисорин беркитиб, божгир ва раҳдор[1560] ларни ул навоҳидин чиқарди. Ва сўфиларға ғойибона мувофиқат кўргузуб, итоатнома юборди. Чун бу хабари ваҳшатасар Аваз *иноқ*нинг самъи шарифиға етти, айни иноят ва банданавозлиғдин амири равшанзамир, соҳиби тадбир Шоҳниёз *отолиқ*ни номзад эттиким, то ул саргаштаи бавори[1561] и залолат ва овораи фиёфии жаҳолат, яъни Яхшилиқ *бий*ни маа ал-атбо ва афродуҳу панду насоиҳ раҳнамолиғи била итоат ва фармонбардорлиғ сирот ал-мустақимға киюргай. Рафқу мувосо бодапаймолиғи била инқиёд ва итоатдорлиғ шароби хушгуворин ичургай. Аммо, ул шўрбахт баъзи музаввирпеша[1562] ва шароратандишаларнинг излол ва иғвоси била анингдек давлати узмо ва саодати куброни ўзиға мавжиби накбат ва сабаби кулфат гумон қилиб, Пиримёрни бир пора черик била истиқболға юбориб, қалъасиға киргузмайин қайтарди. Баъзидин манқулдирким, ул чоғда Яхшилиқ *бий* отдин йиқилиб, ўнг ёнининг қобурғалари шикаст топиб, бистари заҳматда ётиб эрди. Бу ишни андин бехабар ва беизн қилиб эрдилар. Ва санаи ҳижрия минг икки юз ўн[1563] да Топушқин йили Аваз *иноқ* амми бузургвори Фозил бекни Хўжамурод сўфи ва Тўрамурод сўфиға мутобиат йўлиға ҳидоят ва мусодиқат маслакиға далолат қилмоқ учун Қўнгротға юборди. Фозил бек ул диёрға бориб, аларнинг манозилиға нузул қилди. Агарчи аларнинг замири хабосаттахмирларида адоват ва шарорат ўти муштаал эрди, аммо, ул ўтға зоҳиран мусолиҳа суви била таскин бериб, Фозил бекнинг қудуми саодат лузумидин мусаррат ва башошат кўргузуб, муфохират бошин фалак зурвасидин ўткардилар ва шойиста зиёфат ва меҳмондорлиғ адосидин сўнг ўзларининг тааллул ва тавақҡуфида маозири вофир ва баҳонаи мутакосирға мутамассик бўлуб, Саййидназар *бий*ни аксар аъён ва ашроф била Фозил бекнинг мулозиматида Хиваққа узоттиларким, то мусолиҳа умуриға такмил бергайлар. Фозил бек йўлда Хўжаэлиға нузул қилиб, Яхшилиқ бийга мушфиқона панду муҳиббона насиҳатлар била инод ва фасод хаттиятидин таҳзир кўргузди ва тамҳиди мутобиатға тарғиб қилиб, ўз мусоҳибатида Аваз *иноқ*нинг мулозиматиға элтиб, жароими собиқасин шафоат қилмоқнинг кафолатин қабул қилди. Ул шўрбахти давлат баргашта баъзи музаввар ва мавсусларнинг дағдаға ва васвасаси била ҳамроҳлиғ қилурдин ибо ва имтино кўргузуб, Чаққонни *хўжаэли*нинг акобир ва маорифи била Фозил бекка масҳуб қилди. **Қитъа:**

Оздурса ҳар кишини Худо роҳи ростдин,
Ғайри ҳидояти анга ҳеч айламас осиғ.
Не дўст панди суд қилур, не муҳиб сўзи,
Душманлиғ англар ул анга ким қилса дўстлиғ.

Назм:

[1558] Ҳижрий 1209/1794-95 йил.
[1559] Иҳтироз – эҳтиёткорлик.
[1560] Раҳдор – бож ишлари ва йўл назорати масъуллари.
[1561] Бавори – водий, дашт.
[1562] Музаввирпеша – алдоқчи, маккор.
[1563] Ҳижрий 1210/1795-96 йил.

Кишиким, анга қилса давлат видо,
Саодат йўлидин қилур имтино.
Залолатға исрор этиб дамбадам,
Қўяр манфаатдин зарарға қадам.

Ва эшитдимким, Яхшилиқ *бий* Фозил бекни узатғондин сўнг ўзининг мулозиматидин тахаллуф қилған жиҳатдин нодим ва пушаймон бўлубдур. Аммо, ишни ўткариб эрди, фойда қилмади. **Қитъа:**

Оқил улдурки ғанимат билиб иш фурсатини,
Бермайин вақтни илгидин ўлур комраво.
Ким чу сармояйи фурсат қўлидин борди,
Қилмоқ ўзини пушаймонлиғ ила ғамфарсо.

Аваз *иноқ* мароҳими хусравона ва авотифи бекарона била Саййидназар *бий* ва Чаққон отлиқни ашбоҳ ва акфоларидин мумтоз ва сарафроз қилиб, Қўнғрот ва Хўжа элининг аёлатин аларға тафвиз этти. Ва Чаққонға пинҳоний сипориш қилдиким, «агар Яхшилиқ *бий* мутобиат доирасиға итоат қадамин урса, анга яхшилиғ кўргузуб, дохил ва музоҳим бўлмайин, даргоҳи оламтаноҳға юбор ва агар тамаррӯд йўлида собит қадам турса, анинг риштаи ҳаётин сиёсат теғи била мунқате қил.» Ва бу муҳимда анга муовинат учун Хоса *қўшбеги*нинг ақрабосидин Тенгриёр бекни қўшуб юборди. Яхшилиқ *бий* бу воқеани эшитиб, мутобиат юзидин ризо ва таслим мақомиға келиб, аларнинг олдиға оқо-иниларин юбориб, таъзиму такрим била қалъаға киргузди ва ул элнинг иёлатин Чаққонға мусаллам тутуб, ўзи гўшаи хумул ва кунжи узлат ихтиёр қилди. Ул кўрнамак ҳаромзода Саййидназар *бий*ни Қўнғротға узатғондин сўнг *риёсат* ва ҳукумат муҳаббатидин Яхшилиқ *бий*нинг ҳаётин ўз давлатиға сабаби завол ва мавжиби ихтилол билиб, *Хўжаэли*нинг хосу оми ва шайху шоб[1564] и била ҳужум қилиб, ҳовлисининг атрофин айлана қабади. Яхшилиқ *бий* ўғлонлари ва Йўллиш отлиғ бир хизматкори била қабалиб, ўзларидин дафъи зарар қилур эрдилар, токим анинг учунжи ўғли Муҳаммадназарнинг манглойидин милтуқ ўқи текиб, жон таслим қилди. Отаси ани оғушиға олиб, манглайидин бўса қилиб, ичкари уйга киргузди. Андин сўнг ўқ ва тош захмидин батанг келиб, Искандар ва Қаландар отлиғ икки ўғли ва Йўллиши мазкур била тўртови ҳовлидин чиқиб, машаққати тамом ва суубати молокалом била издиҳом орасидин қутулуб, ўз махзуми саййид ал-орифин ва муршид ас-соликин Гадой хўжа эшон *салламаҳуллоҳ*нинг уйиға ўзларин ташладилар, токим, ул ҳазратнинг ҳимоят ва шафоати бил ул вартадин халос бўлғай. Анда дағи элнинг ғулусидин ва тошу кесак зарбидин ожиз бўлуб, кўчага чиқти ва ўғлонларин қилич чекмакдин мамнуъ қилдиким, «исён ва муфсидлик била оламдин бормағаймиз» ва каламаи шаҳодатни такрор қилиб, илгари қадам қўйди. Ул ҳолда том устидин яғоч ҳавола қилдилар. Ул яғоч бошиға тегиб, йиқилди. Халқ ҳужум қилиб, қилич ва таёқ била уруб ўлдурдилар. Бу воқеа Жавзода эрди[1565]. Ўғлонлариға баъзилар ҳимоят кўргузуб, вартаи ҳалокатдин омон чиқардилар. Фақир анинг таърихин бу навъ топиб эрдим. **Таърих:**

Амири нексияр Яхшилиқ бии пурдил,
Назир буд ба Рустам, адил бар Ҳотам.
Ба сайъи бандаи жоҳаш Чаққон ба жоми қазо,
Чашид шаҳди шаҳодат зи дасти аҳли ситам.
Аз ин жиҳат хиради нуктасанж таърихаш,
«Чаққони кўрнамак кушт» гуфта кард рақам[1566].

Аваз *иноқ*ға ул хабар етгандин сўнг фақирнинг отасин анинг амвол ва жиҳотининг истиҳсоли учун Хўжаэлига буюрди. Отам ул эл орасиға бориб, Яхшилиқ *бий*нинг моли ҳар кимда бўлса, мусодара қилиб

[1564] Шайху шоб – кексаю ёш.
[1565] 22 май – 22 июн.
[1566] Таърих моддаси 1209/1794-95 йилни беради.

олиб, анинг авлод ва аёлларин Хиваққа келтуруб, жаноби эморатмаобға еткурди. Бу воқеадин сўнг икки ой мунқазий бўлмасдин бурун Оролда сўфилар Чаққоннинг ғафлат ва коҳиллиғидин хабар топиб, Тўрамурод сўфи бир кеча икки юз киши била келиб, Хўжаэлининг қалъасиға кирди. Ул кечада Чаққон *бий* зуафои фоҳиша била базм тузуб, ғафлат жомидин сармаст эрди. Муонидлар ғулғуласидин огоҳ бўлуб, саросимавор туруб, жон ҳавлидин либосин кия олмайин, яланғоч қалъадин ташлаб қочти. Ва анинг улуғ ўғли Эйдоқким, яхшиғина баҳодир йигит эрди, муонидлар била урушуб, шаҳодат топти. Ва Ўтақули *отолиқ* ва Пиримёр ва Раҳмонқули *отолиқ* ва Нурмон ибн Чаққон оқо-инилари била қочиб чиқтилар. **Назм:**

Амире ким бўлур сармасти гафлат,
Қилур андин видо иқболи давлат.
Бориб аъдосига мулку диёри,
Ўлар ё худ бўлур ҳарабон[1567]*, фирорий.*

Тўрамурод сўфи ул мамлакатға мутасарриф бўлуб, *хўжаэли* акобиридин Авазберди *отолиқ*ни *қўнғрот* Қаро Наврўз билаким, ул Аваз *иноқ*нинг фармони била баъзи муҳиммот учун яқинда бориб эрди, тутуб шаҳодатға еткурди. Ва Раҳимберди *отолиқ* бошлиқ Хўжаэлининг баъзи акобирин Қўнғротға кўчуруб юборди. Ва *қуллоб* жамоасин тақвияти била мустазҳар қилиб, ул қалъанинг ҳукуматин Дўсим бийга тафвиз қилди. Чаққон *бий* қочиб келгандин сўнг Аваз *иноқ* мамоликдин черик йиғнаб, Хоса қушбеги бошлиғ умарои номдор ва шужаои душманшикорни жунуди мавфур ва жуюши номақдур била муонидлар гушмоли учун *хўжаэли*нинг устиға юборди. Хоса *қўшбеги* Оққум мавзеида дарё қироғиға тушуб, Вали *отолиқ* ва Иноятуллоҳ *иноқ* ва Шоҳпўлод *парвоначи*ни минг киши била илгари юбориб, ўзи таваққуф қилдиким, то сипоҳи нусратпаноҳ йиғналғай. Умарои мазкур истижол била қатъи манозил ва таййи мароҳил қилиб, Кенагас қалъасида Шоҳпўлод *парвоначи*ни иғрақ била қўюб, Вали *отолиқ* ва Иноятуллоҳ *иноқ* етти юз киши била ўтуб, Янгиёф ҳаддида таваққуф қилиб, Хўжаэлининг атрофиға чаповул юбордилар. Иттифоқо, ул кун Тўрамурод сўфи *хўжаэли*нинг отлиғ ва пиёдаси била чиқиб, Янгиёп оёқининг ва Миздаҳқон атрофининг буғдойин олдурур эрди. Бу воқеадин хабардор бўлуб, ёнидағи йиғин била Бештом қирининг жанубидин юруб, Вали *отолиқ* ва Иноятуллоҳ *иноқ*нинг сипоҳининг ақабидин чиқиб, алар огоҳ бўлғунча аралашиб, қатлу кушешға машғул бўлдилар. Ул чоғда амирини мазкуриннинг қошида уч юз кишидин ортуқ черик йўқ эрди. **Маснавий:**

Керакдур сипаҳбўдға ҳушёрлиг,
Сипаҳ ҳолатидин хабардорлиг.
Қаровул юбармак жавонибға чуст,
Кўрунмай ёв этмак ярогин дуруст.
Ҳамиша бўлуб ҳозиру ҳазмкор,
Мудом эҳтиёт айламак ихтиёр.
Ки кўбтур гаҳ душманлар айлаб камин,
Урубтур басо хайлга тиги кин.
Каминдин басо душмани зердаст,
Берибдур улуг шоҳларга шикаст.
Басо шоҳи беҳазму беэҳтиёт,
Топибдур зафар авжидин инхитот.
Басо лашкари эҳтиёту ошно,
Камингоҳи душмандин бўлмиш раҳо.

Ул аснода Иноятуллоҳ *иноқ*нинг оти йиқилиб, пиёда бўлди. Ул бағоят ўқчи эрди. Истадиким, тирандозлиғ била аъдони дафъ қилғай. Ёйининг кириши узулди. Муонидлар ани ҳужум қилиб, асорат қайди-

---

[1567] Ҳараб – қочиш.

Қазо етушса киши боши узра тортиб тиг,
Ўзини қилмас осиг айламак тараддуди кор.
Не дасту по ура олмагай, на ҳарба, балки бўлур,
Қўли шалу оёқи лангу ҳарбаси бекор.

Ва Вали *отолиқ* муборизат қиличин жалодат қўлиға олиб, арбоби яғий ва фисодни қатлға еткурур эрди, анинг дағи оти йиқилиб, асир бўлди. Андин сўнг баҳодирлардин баъзи шаҳодатға етти. Ул жумладин бири Матак *кенагас* эрди. Ва аксари маасур ва мағлул бўлдилар. Ва чаповулчилар бу ҳодисадин иттило топиб, қочиб *парвоначи*нинг қошиға бордилар. Ва Чаққон дағи ул ҳодисада отдин йиқилиб эрди, машаққати тамом била қутулди. Ва Ўтақули *отолиқ* анинг отин тутуб, сўфиға қўшулди. Ва ривоят қилурларким, Вали *отолиқ* қушбегига падруд қилурда манманлик юзидин деб эрдиким: «Орол аҳлининг не қудрати борким, бизларга муқобил бўла олғай. Агар қалъадин чиқса, бир ҳамлада барчасин қатли ом қилиб, бошларин аробалар била сенга юборурмиз.» Ҳамоно ул воқеа бу сўзнинг касофат ва шумлиғидин эрдиким, Тангри қаҳрининг ўти мундоғ нафас тундбодидин тез бўлур ва ғазабининг бу нав қавли сарсаридин тўфонхез. **Қитъа:**

Мо ва ман[1568] дин кўнгул не пок айлаб,
Хўй тут ажзу инкисор била.
Токи Ҳаққ қаҳридин нажот топиб,
Бўлгасен лутфи кирдикор била.

Тўрамурод сўфи бандиларни қалъаға юбориб, ўзи олти юз киши била Куюк қалъанинг устиға келиб, Шоҳпўлод *парвоначи*ни муҳосира қилди. Кеча Хўжаэлига қайтиб, икки кундин сўнг Иноятуллоҳ *иноқ*ни ҳибсдин чиқариб, *қўнгрот* ва *манқит* ва *хўжаэли*га чопқулотиб, шаҳид қилдурди. Етти кунда Хоса *қўшбеги* ва умарои изом сипоҳи жаррор ва лашкари хунхор била келиб, Куюк қалъани лашкаргоҳ қилди. Ва Хўжаэли устиға оғир қўшун била наҳзат этиб, Ёмғурли наҳрининг канорида Қаробош кечувида талоқии фариқайн воқе бўлуб, ҳарби азим рўй берди. Ва диловарлар остин[1569] и шижоатин бозуи жилодатдин чиқариб ва муборизат қиличин ниёми интиқомдин чекиб ва таҳаввур якронин майдони корзорға суруб, андоқ сарафшонлиғ[1570] ва хунрезлик қилдиларким, аъдои давлат аларға муқовимат ва муқобилат қила олмайин, ҳазимат тариқаси била кейинрок қўзғалди. Ва шужаои кинагузор зўр қилиб, муонидлар ясовининг оллида ётғон *мерган*ларға ўзларин еткуруб, отмоқға фурсат бермайин, барчасин қиличдин ўткардилар. Бу воқеадин сўнг Тўрамурод сўфи мунҳазим бўлуб, қалъаға кирди. Ул мавзени ҳоло «Мерган қирилғон» дерлар. Ул урушда *қўнгрот* Хўжаниёз Қўшкупрукийким, номдор баҳодирлардин эрди, шаҳодат топти. Ва Хоса *қўшбеги* қалъанинг олдиға бориб, кечагача муҳосира қилиб, лашкаргоҳға қайтти. Бу тариқада арбоби фасод ва асҳоби аънодни уч ойғача қаттиғ ҳисорға тутуб, муҳориботи мутаъдида ва муқотилоти мутанавва[1571] зуҳурға еткурди. Бу муддатда бир неча айёми мутамодий Қаробош кечувин мухайями хайёми майманат анжом қилдилар. Ул учурда Вали *отолиқ* ва Оллоҳберди *бий қипчоқ* ва Қаробек *манқит* етти киши била ҳибсдин махлас топиб, қочиб келдилар. Андин сўнг бир неча авқоти мутаволий Солли сақосин муаскари лашкари қиёматасар эттилар. Бир кун *қўшбеги* тадбир қилиб, ул мавзеда черикнинг оғир юкларин ташлаб, Хивақ тарафиға кўчти. Орол сипоҳи бу воқеадин хабар топиб, сипоҳи нусратпаноҳни қочти гумон қилиб, таажил била қушбегининг ақабидин юруш қилдилар ва Оқтўпада соқаи лашкарга етиб, уруш солдилар. Умарои изом қайтиб, жамоаи ёғийдин думор чиқардилар. Тўрамурод сўфи икки юз киши била қочиб қутулди ва ўзгаси баҳодирларнинг қўлида қатлу асир бўлдилар. Андин сўнг Тўрамурод сўфи ожизу мункасир бўлуб, элчи юбориб, сулҳ қилди. Ва умарои изом мурожиат этгандин сўнг яна мухолифат ва муонидатға исрор қилиб, Хоса *қўшбеги* ва Бекпўлод *отолиқ* умарои изом била карратан баъди ухри ва марратан баъди аввали Хўжа элининг қасдиға лашкар

[1568] Мо ва ман – Биз ва мен, яъни манманлик.
[1569] Остин – кийим енги.
[1570] Сарафшонлиғ – бош кесиш.
[1571] Мутанавва – турли-туман.

чекиб, етти йилғача Тўрамурод сўфиға гушмоли балиғ ва дастбурди азимлар еткурдилар. Агар ул оралиқдаги вақоеи касир ал-бадоени тафсилан зикр қилилса, йўмкинким, бу мухтасарға гунжойиш қилмағай. Бу жиҳатдин қаламнинг чобук хиром якрони ижмол[1572] майдониға суръат қадамин қўйди.

Шаҳзода Маҳмуднинг замон инқилоби била Замоншоҳ ихтилофидин мулкидин айрилғони. Истимдод ва истижоша[1573] тариқи била Бухоро савбиға азимат қилғони ва Шоҳмурод валинаамийнинг тутсоқ[1574] иға тушуб, таджир била қутулғони ва Хоразм жониби мутаважжиҳ бўлғони. Ва Аваз иноқнинг анга шафқат ва илтифоти ва анинг вақоеи ҳолоти

Бу воқеа шакаристонининг тўтии шакар баёни ва бу достон бўстонининг андалиби хушалҳони, яъни, хомаи ду забон мундоғ афсонахонлиғ қилуркким, фи шуҳури сана асна ашара ва миятийна ва алфа[1575] Йилон йили Ҳиндустон ва Хуросон мамоликининг подшоҳи фармонфармоси Темуршоҳ валади Аҳмадшоҳ *Афғон*ийнинг валади аршади султони соҳиби жуд шаҳзода Маҳмуд ўз қардоши Шоҳзамон била мулк жиҳатидин низо қилиб, муҳориботи бисёр ва муқотилоти бешумор вуқуидин сўнг инқилоби замон ва ҳаводиси даврондин мукаррараран шикаст ва ҳазимат топиб, Марв ноҳиятиға мутаважжиҳ бўлдиким, то *амир* Носириддин *тўра*нинг муовинат ва дастёрлиғи била отаси Шоҳмурод валинаъмидин мадад олиб, мулкин талаб қилғай. *Амир* Носириддин анга бир-икки кун меҳмондорлиғ қилиб, Бухорода отасининг қошиға юборди. Ва Шоҳмурод валинаъми анинг қадру мартабасига кўра иззат ва эҳтиром қилмади. Балки, тутсоқ расми била анинг муҳофизат ва муҳобисатиға қиём кўргузди. **Қитъа:**

Улки, анинг зотида номардлик мунзам дурур,
Қилма анинг сори майлу суҳбатини ихтиёр.
Бўлмас андин яхшилиг мавжуд, балким кўргузур
Жиҳодларким, то сени қилгай ёмонлиг бирла хор.

Шаҳзода Маҳмуд анинг хиёли фосид ва ройи номусоидидин муттале бўлуб, баъзи умаро ва нудамоға ришват бериб, ҳаж иродасин баҳона қилиб, рухсати азимат ҳосил этти. Ва сана минг икки юз ўн уч[1576] да офтоб Жавзо буржида [1577] эрди, Бухородин шитоб била чиқиб, Хоразм савбиға мутаважжиҳ бўлди. *Амир* Аваз *иноқ* умарои олийшон ва авлоди гардунтавонии истиқболиға юбориб, таъзими тамом ва такрими молокалом била келтуруб, Отаниёз *арбоб*нинг давлатхонасиғаким, манзили хуб ва мақоми марғуб эрди, тушурди. Улувви ҳиммат ва сумувви шафқатдин зиёфат ва меҳмондорлиғға қиём кўргузуб, ҳар кун вазифасиға маблағи вофир ва важҳи мутакосир муқаррар қилди. Аморатпаноҳ ва аёлатдастгоҳ Болтаниёз *оқо* ва Муҳаммадамин *оқо* ва Кўчак *арбоб* ва Муҳаммад *арбоб*никим, *сорт* жамоаси[1578] нинг маржаи илайҳ[1579] и эрдилар, анинг хизматида қўюб, ўзи дағи баъзи кечалар ташриф элтиб, аҳволидин пурсиш қилиб, дилжўйлиғ кўргузди. Оре, меҳмон атяедур, воҳиб ал-атоё мавҳабатидин деҳадяедур. Холиқ албароё ҳузратидин мундоҳ атия қадрин суфла хайли билмас ва бу нав ҳадя шукрин карам аҳли фавт қилмас. **Қитъа:**

Агарчи улус оллида йўқтурур
Улуг туҳфае меҳмондин азиз.
Ва лекин карам аҳлига меҳмон
Мурувват аро келди жондин азиз.

[1572] Ижмол – қисқалик.
[1573] Истимдод ва истижоша – ёрдам ва рухсат.
[1574] Тутсоқ – тутиб сақлаш, тузоқ.
[1575] Ҳижрий 1212/1797-98 йил.
[1576] Ҳижрий 1213/1798-99 йил.
[1577] 23 май – 24 июн.
[1578] Сарт жамоаси – Хоразмнинг асл маҳаллий *ўғуз* халқи.
[1579] Маржаи илайҳ – мурожаатгоҳ, одамлар ўз масалалари билан ёрдамга борадиган жой, кишилар.

Аммо. Шоҳзамон шаҳзода Маҳмуднинг Бухорога келган хабарин эшитиб, Шоҳмурод валинаъмиға туҳафи вофий ва ҳадоёйи кофий била элчи юбордиким, шаҳзодани ўлдурсунлар ё тутуб, мунда юборсинлар, токим дўстлиғ асоси ва якжиҳатлик биноси маҳкаму мушаййид бўлғай. Шоҳмурод *бий* бу жиҳатдин шаҳзодани тутсоқдин чиқариб, мутлақ ал-инон қилғани учун бағоят пушаймон ва нодим бўлуб, мўътамид кишиларидин Мулло Болта деганни Аваз *иноқ*нинг даргоҳи олампаноҳиға рисолат расми била илтимос қилиб юбордиким, шаҳзодани мунда қайтариб юборсунлар. Аваз *иноқ* анинг синаи илтимосиға дасти рад уруб, ваҳшатомез жавоблар била элчисин қайтарди. Ва офтоб Мезон буржи[1580]ға таҳвил қилғондин сўнг шаҳзода илтимос қилдиким, рухсат берсалар, токим Эрон подшоҳи Бобохон[1581]нинг олдиға бориб, юртимни талаб қилсам. Аваз *иноқ* ул илтимосин мабзул тутуб, йўл ярогин ва сафар асбобин муҳайё ва омода қилди. Ва зиёфати шоҳона ва мароҳими хусравона била шаҳзода Маҳмудни ўз давлатхонасиға ундаб, муаззазу мукаррам қилиб, мусоҳиб ва мулозимларин инъомоти вофир ва эҳсоноти мутакосир била хурсанду баруманд этти. Ва иззати тамом била узотиб, ўзи дағи бир яғоч йўлғача мушоият қилиб, ямут акобиридин Ушоқназар *отолиқ*ни қўшуб, видо[1582] қилди. Ва шаҳзола Маҳмуд Теҳронға бориб, Бобохондин дағи иззату меҳрибонлиғ кўрди. Сана ҳижрия минг икки юз ўн тўрт[1583]да *қизилбош*ия сипоҳининг имдод ва муовинати била бориб, Кобул ва Қандаҳорни мусаххар қилди ва Шоҳзамоннинг кўзиға мил чекдуруб, Болоҳисорда маҳбус этти. Ва салтанат тахтиға жулус қилиб, отаси қаламравин таҳти фармониға киюрди. Уч ярим йилдин сўнг сана минг икки юз ўн саккизда жумода-л-аввалнинг авохири[1584]да иниси Шоҳ Шужоулмулк хуруж қилиб, ани тутуб, Болоҳисор қайдиға чекти. Ва эмди эшитурмизким, сана минг икки юз йигирма тўрт[1585]да Мир Ҳомид *вазир*нинг сайъи била Шоҳ Маҳмуд этлоқ топиб, Қандаҳорни олибдур ва Шоҳ Шужоулмулкни мунҳазим қилиб, қатлға еткурубтур ва аксар Ҳиндустон ва Кашмир ва баъзи Хуросонда подшоҳи азимушаън бўлубтур. Ва ҳамул йил зу-л-ҳижжа [1586]да ҳазрат султони соҳибқирони муалло макон ал-мухтас баиноятиул-малик ал-маннон Абу-л-музаффар ва-л-мансур Муҳаммадраҳим Баҳодирхон *шаййадаллоҳу таоло аркона давлатихи ва халлада осора шавкатихи*нинг мулозимлариға анинг ихлос номаси келди.

Тўрамурод сўфининг Оролдин келиб, Ўрозали сўпоқнинг сайъи била Манқитни олғони ва умарои номдорнинг лашкари қиёматасар била анинг қасдиға қўзғолғонн. Муҳаммадниёз бекнинг ва Давлатёрнинг Котға кириб қирилғони ва султони жаннатмакон Элтузар Муҳаммад Баҳодирхоннинг Манқит устиға бориб, Тўрамурод сўфи анинг била мусолиҳа қилғони

Саҳифа майдонининг маъракасози, варақ буйдосининг яккатози, аъни, хомаи анбар шамома бу нав иншобандлик қилурким, *манқит* уруқи ямут ҳаромиларининг сирқа[1587] ва тааддисидин батанг келиб, фи шаҳри ражаб ал-мурҗаб сана химса ва ашара ва матина ва алфа[1588] *Отолиқ* арнасининг қироғидин кўчуб, дарё канорида Босув ҳаддидаким, ул мавзе Юмри била Қипчоқ орасида воқедур, курон ва жийб қилиб ўлтурди. Ул учурда *манқит* улусининг *ҳокими* Тангриберди *бий*нинг ўғли Масув *бий* эрди. Ва Ўрозали сўпоқ анинг била мансаби ҳукумат жиҳатидин мунозиат кўргузуб, сўзи *иноқ*нинг мулозимлариға масму ва мақбул тушмай, бурунғи мартабасидин дағи маҳрум бўлди. Бу сабабдин кина ва нифоқ шарорати кўнглида русух топиб, ҳақд[1589]у ҳасад ўти синасида мултаҳаб бўлуб, Хўжамурод *бий* ва Тўрамурод сўфиға киши юбориб, Манқитға чақирди. Алар Ҳусайин *бий* ва Бобо бек ва Худоёр ибн Давлатёрни бир бўлак черик била анинг кишисиға масҳуб қилиб юборди. Алар ҳамул йил Ҳутда рамазон ал-

---

[1580] 23 сентябр – 24 октябр.
[1581] Оқо Муҳаммадшоҳ қожор кўзда тутилмоқда.
[1582] Видо – хайрлашув.
[1583] Ҳижрий 1214/1799-1800 йил.
[1584] 1218 йил 30 жумоди-л-аввал/ 1803 йил28 октябр.
[1585] Ҳижрий 1224/1809-10 йил.
[1586] 1224 йил зу-л-ҳижжа/1810 йил 7 январ-6 феврал.
[1587] Сирқа – ўғирлик, талончилик.
[1588] Ҳижрий 1215/1800-01 йил.
[1589] Ҳақд – нафрат, ғазаб.

муборакнинг йигирма тўртинжи кечаси[1590] даким, чаҳоршанба туни эрди, Манқитға кириб, Ўрозали сўпоқнинг манзилиға нузул қилдилар. Ўрозали сўпоқ Масув *бий*ни тавобеи била тутуб, маҳбус қилди. Сўнгғи кун Масув *бий*ни шаҳодатға еткуруб, бошин Қўнгротға юборди. Аваз *иноқ* моҳи мазкурнинг йигирма олти[1591] сида жума куни Шоҳниёз *отолиқ* ва Бекпўлод *отолиқ* болиғ[1592] умарои изомни оғир черик била *манқит* устиға буюрди. Алар Юмри қўрғонининг оллида лашкаргоҳ қилиб, ойнинг йигирма саккизида душанба куни *манқит* устиға бориб, уруш солдилар. Муҳаммадниёз бек ибн Худойберди *иноқ* баҳодирлар била инод аҳлиға шикаст бериб, мутаоқиб куранға кириб, қатлу ғоратға машғул бўлдилар. Ул асnода Шоҳниёз *отолиқ* ҳазму эҳтиёт қавоидин маслук тутуб, сипоҳни ғалаба била кирмакдин манъ қилди. Аммо, ул эҳтиёт хато эрди. Чун муонидлар кўрдиким, баҳодирлар ақабидин киши келмади, янгидин ҳужум қилиб, баҳодирлар устиға югуруб, азим муҳориба кўргуздилар. Баҳодирлар озлиқ жиҳатидин кам-кам ўзларин кейин тортиб «балолардан эҳтиёт бўлинг[1593]» муқтазоси била курандин чиқтилар. Бу воқеада *хизрэли* уруғидин Файзуллоҳ *ўнбеги*ким, куран кўчаларида илгари юруб муборизат кўргузур эрди, ани *манқит* авоми ҳужум қилиб, шаҳодат даражасиға еткурдилар. Агар ул кун Шоҳниёз *отолиқ*нинг мусоҳилат[1594] и бўлмаса, *манқит* курани мафтуҳ бўлуб эрди. Аммо, машиияти тақдири раббоний ва иқтизои қазои яздоний бу нав эрди. **Рубоий:**

Ҳар иш ки жаҳондадур қазои тақдир,
Таҳқиқ ки бўлгулуқ дурур бетағййир[1595].
Тадбир ул иш дафъига қилмас таъсир,
Балким сабаб вуқуи бўлгай тадбир.

Ийди сиём[1596] дин сўнг Тўрамурод сўфи Орол сипоҳи била келиб, *манқит*ға кирди ва уч қатла курандин далерона чиқиб, умарои номдор ва шужаои душман шикор била масоф қилиб, баҳодирларнинг дастбурдидин шикаст топиб, куранға қабалди. Бу ҳурубда Қилич *иноқ* ва Муҳаммадниёз бек ибн Худойберди *иноқ* ва Муҳаммаджон бек валади Қутлуғмуҳаммад *иноқ* корзори ажибу муҳориботи ғариб зуҳурға еткурдиким, аскардин ғулғулаи таҳсин ва ғариви офарин фалак ҳисорининг ҳижланишинлари[1597] ға растахез[1598] солди. Муҳаммаджон бекнинг аввалғи шижоати ул эрди. Бу муҳорибаи ваҳшатомез ва муқотилаи даҳшатангездин сўнг Тўрамурод сўфи сипоҳи нусратпаноҳға муқовимат ва муқобилат қилмоқдин ожиз келди ва қабал имтидод[1599] идин хойиф[1600] ва ҳаросон бўлуб, куранда дағи фориғ ўлтура олмади. **Маснавий:**

Сипаҳдорлардин кўруб гўшмол,
Бўлуб чўфи ул нав ошуфта ҳол.
Ки айлаб таҳассун куран ичра ул,
Анингдек ки қабзият ичра кўнгул.
Ёро топиб чиқголи ташқари,
На осуда хотир бўлуб ичкари.
На қочмоқга роҳи нажоте топиб,
На учуб кетарга қаноте топиб.

[1590] Ҳижрий 1215 йил 24-рамазон/1801 йил 9 феврал.
[1591] Ҳижрий 1215 йил 26-рамазон/ 1801 йил 11 феврал.
[1592] Болиғ – етук.
[1593] Ҳадисдан.
[1594] Мусоҳилат – юмшоқлик, кўнгли бўшлиқ.
[1595] Бетағйийр – ўзгаришсиз.
[1596] Ийди сиём – рўза ҳайити.
[1597] Осмон қалъасининг бокиралари, яъни фариштлар.
[1598] Растахез – қиёмат қўпиши.
[1599] Имтидод – муддат чўзилиши.
[1600] Хоиф – қўрқоқ, қўрққан.

Охириламр, тақдими мушовират ва тадбирдин сўнг оқоси Хўжамурод *бий*га киши юбордиким, тангнои муҳосирағa гирифтор бўлуб, вартаи мухотирағa тушубмиз ва дарёдин ўзга нажот йўли масдуд бўлубдур. Агар кема юборилмаса, дийдор қиёматға қолғусидур. Хўжамурод *бий* бу хабари ваҳшатасар истимоидин конуни синасиға ўт тушуб, юз кема жам қилиб, ҳар кемага ўн *мерган* солиб, кичик иниси Шоҳмурод бекка юз отлиғ қўшуб, кемалар била юборди. Алар дарё ичидин келиб, Манқитға кирдилар. Ул аснода Бобо бек ибн Хўжамберди *қўшбеги*ким, кўп йилдин бери фасод ва инод тариқаси била Қўнгротға бориб, сўфиларға мусоҳиб бўлуб эрди ва Тўрамурод сўфи била Манқитға келиб эрди, Тўра сўфининг тадбири била пинҳоний Котға келиб, иниси Жумақ бек ва ўғли Шоҳниёз бекка хабарлашиб, ул икковин дағдағаи залолатафзо ва васвасаи виқоҳатинтимо била сирот ал-мустақим истиқоматдин оздуриб, алар мутасадди ва мутааҳҳид бўлдиларким, ҳар қачон сипоҳ келтурсанг Кот қўрғонин топширурмиз. Андин сўнг Бобобек сўфининг қошиға бориб, башорат берди. Сўфи анга Муҳаммадниёз бек ибн Хўжақули *иноқ* ва Давлатёрни юз гўзида йигит билаким, Орол черикининг зубдаси эрдилар, қўшуб юборди. Алар тонг вақтида ул икки шўрбахтнинг мувованати била Котға кирди. Бу воқеа Ит йили сана минг икки юз ўн олтида зу-л-қаъда нинг ўн иккиси[1601] да сешанба субҳи ва Ҳамал авохири[1602] да эрди. Ул овонда *амири кабир* Аваз *бий иноқ* Хиваник ариғин қоздурур эрди ва ҳар кун ташрифи ҳузури била қозув аҳлин муфтахар ва сарафроз қилур эрди. Дастури маъҳуд била ул сешанба куни қозув устиға отланди. Ул кун фақир ҳам мулозими рикоб эрдим. Найчага етгандаким, қозувнинг бир ҳадди ул ерда эрди, Маҳмудниёз бек валади аршади Тангриберди бек *найман* Иброҳим *иноқ*нинг ўғли Муҳаммадсаид *отолиқ* била Котдин қочиб келди. Аваз *иноқ* қозув умурин баъзи мўътамид кишилариға тафвиз қилиб, шаҳарга мурожиат кўргузди, токим Кот муҳосирасиға сипоҳ буюрғай. Ул Хивақ тавобеотининг черикин жам қилиб, чаҳоршанба куни хони жаннатмакон Элтузар бекни Кот устиға юборди. Ул ҳазрат ҳануз етмайдур эрди, Қурбонқули бек Кот аҳолиси била муонидларни мақтул ва маасур қилди. Бу ижмол тафсили улким, аъоди қалъаға кирганда, Қурбонқули бек заруратдин инқиёд кўргузуб, мадоро қилур эрди. Чоршанба куни субҳ чоғида Котнинг аҳоли ва маволисин ўзиға муттафиқ қилиб, кўчаларни масдуд этиб, муонидларнинг устиға югуруб, қатлға машғул бўлдилар. Ул чоғда аъдои давлат дарвозада ўлтуруб, Давлатёр созандалиғ қилиб, ўзининг ашъори ракокатосор[1603] иға мутаранним бўлуб, оламдин бехабар эрдилар. Шоҳниёз бек Кот аҳлининг ғулғуласин эшитиб, кўчага чиқти. Кўрдиким, иш ўзгадур. Журъат қилиб, Қурбонқули бекка ҳарба еткурди. Қурбонқули бек Кот аҳли била ҳужум қилиб, ани қатлға еткурдилар ва дарвозаға қуюлуб, Муҳаммадниёз бек бошлиғ муонидларни мақтул ва маасур қилдилар. Ва Давлатёр дарвозанинг даричасидин чиқиб қочиб эрди, ани бир жувозчи уруб ўлдурди. **Шеър:**

Ул масхара муфсид ва ҳароми саффок,
Зоҳир оти сўфи-ю, замири нопок.
Тонг вақти урар эрди Алилиг лофин,
Равғангар[1604] е ани чоштгоҳ этти ҳалок.

Олтмиш кишини ўлдуруб, ўттуз нафарни исорат қайдиға чектилар. Аваз *иноқ*нинг фармони била алар дағи сиёсатгоҳда қатлға еттилар. Ўн бир киши қочиб, вартаи ҳалокатдин қутулди. Ҳазрат устод киромии воло мақоми, зубдаи авлоди Али Саййид Музаффар хўжа *мутавалли* ул жамоа таърихин «сагон дар соли саг мурда аст[1605]» топибдур. Фақир бу вақоени «Баҳор таърифи» ва Аваз *иноқ*нинг тавсифи била назм силкига чекиб эрдим. **Маснавий:**

Кетур соқиё бодаи лоларанг,
Ани сипқорай шод ўлуб бедаранг.

[1601] 1216 йил 12-зу-л-қаъда/1802 йил, 17 март.
[1602] 22 апрел.
[1603] Ракокатосор (ракик) – сўкишли, ҳақоратли, бўлмағур.
[1604] Равғангар – жувозда ёғ олувчи.
[1605] Итлар Ит йили ўлди.

Ки фасли баҳор ўлди-ю, вақти гул,
Замони тараб, замони шурбу мул[1606].
Раёҳин била ер юзи бўстон,
Чечаклар қилиб гулистонлар аён.
Кийиб сарбасар сабзаси кўк қабо,
Магар хайли ёгийга тутмиш азо.
Бўлуб гунчаси дўсти пайкондек,
Гули хасмлар захмининг қонидек.
Камандин ёйиб сунбул аъло учун,
Очиб кўзни наргис тамошо учун.
Очиб огзини гунчаи настаран,
Бўлуб аҳли кин ҳолига хандазан.
Бўлуб лолалар ҳар тарафдин аён,
Адув доглиг кўнглидиндур нишон.
Муҳаббатларга булбул санохон бўлуб,
Вале хасм савгида нолон бўлуб.
Хусусан бу бир ёнки субҳи зафар,
Башорат гулин очти айтай хабар.
Ки бу йил ки ҳижрат била то бу дам,
Мингу икки юз эрди ўн олти ҳам.
Топиб эрди зу-л-қаъда [1607] *дин гўё,*
Адув ичра ўн икки кун инқизо.
Тўра сўфи улким ямонларга бош,
Адоват аро кўргузуб интиош.
Эрур ҳолиё манқит *ичра қабол,*
Бўлуб жам даврида хайли Орол.
Анинг оллидин неча авбошлар,
Қароқчилик учун қўшуб бошлар.
Топиб элни гофилроқ ўз бахтидин,
Хабарсиз замон гардиши сахтидин.
Баногаҳ сешанба келиб вақти субҳ,
Кириб Котга қилдилар асру қубҳ.
Бале, гар ажал етса ҳар сайдга,
Келур ўз оёқи била қайдга.
Эли бирла Қурбонқули бек аҳд,
Икки кун тамом ўтмайин қилди жаҳд:
«Ки бу бир неча хайли бебокга,
На бебок, ирзоли саффокга.
Бериб йўл бу шаҳр ичра бўлмоқ муте,
Эрур оқил оллида асру шане»
Бу сўзни дебон қилдилар растхез,
Чекиб ҳар сори найзаву теги тез.
Ҳужум айлаб аҳли адоват сори,
Очиб қўлларини жалодат сори.
Ёриб баъзи кўксини ханжар била,
Эзиб баъзи жисмини шашпар била.
Бориб қонлари селдек ҳар тараф,
Бўлуб жонлари жисмдек бартараф.
Кесиб бошларин маҳв этиб номини,
Оёқ остига ташлаб ажсомини.

[1606] Мул – шароб.
[1607] 1216 йил 12-зу-л-қаъда/1802 йил 16 март.

Алардин қилиб баъзини дастгир,
Уқубат қуюдиға айлаб асир.
Бори бўлди мужро келиб шоҳға ,
Қаю шоҳ, султони Жамжоҳға
Аваз бий иноқ*у шаҳаншоҳи дин,*
Ибн хони Хивақ Муҳаммадамин.
Аморат шиору эсолатпаноҳ,
Ҳукумат десору фалак жойгоҳ.
Мўаяни масокин эрур ҳиммати,
Улусға тушуб сояйи раафати.
Шариат дурини қилиб зейби тож,
Бериб миллати аҳмадийға ривож.
Шижоат чоғи Рустамоийин келиб,
Саходa даги Ҳотамоийин келиб.
Сикандар киби даҳр мулкин олиб,
Жаҳон кишвариға алоло[1608] *солиб.*
Адолат саририда тутса макон,
Қилур бандалик юз Анушируон.
Агар юз йил авсофин этсам рақам,
Мингидин бирин ёза олмас қалам.
Кел, эй Мунис, эмди дуо айлагил,
Адаб шарти бирла адо айлагил.
Ки то чархи дун гардиши бордур,
Замон инқилоби падидордур.
Саломат шаҳрида бўлсун қуёш,
Жалолат саририда қилсун маош.

Бу воқеадин сўнг Аваз *иноқ* умарои изомнинг имдод ва муовинати учун ҳазрат подшоҳи мағфиратнишон Элтузар Муҳаммад Баҳодирхонни Манқит устиға юборди. Ул ҳазрат Юмрида муаскари ҳумоюнни нузули масарратвусули била фирдавстазйин қилиб, офтоби дийдори фойизиланворининг ламаоти била умарои изомнинг ўъюн[1609] и интизорин равшан қилди ва саҳоби ҳузури комилуссурурининг рашаҳоти била шужаои жалодатнизомнинг қулуби иштиёқин гулшан этти. Ва Тўрамурод сўфиким, аввалдин худ сипоҳи нусратпаноҳнинг муҳосирасидин ва воқеоти мазкуранинг вуқуидин музтару саросима эрди, ул ҳазратнинг хабари рукуб ва овозаи вусулининг истимоидин «даҳшат устиға даҳшат[1610]» мавжиби била анинг замири хабосаттахмирида хавф устиға хавф истило топиб, инкисори тамом ва эътизори молокалом била тақозои мусолиҳа қилиб, ул ҳазратнинг даргоҳи оламтпаноҳиға расул юборди ва илтимос кўргуздиким, «жароими қадима ва аваосими жадида хижолатидин юзум йўқтурким, ул ҳазрат жанобиға жибҳасой[1611] лиқ қилсам. Агар ўзлари зарранавозлиқ юзидин офтоби ҳузурининг партавафканлиғи била бу камина дийдаи рамад[1612] дийдасин мунаввар қилсалар, мурувватдин йироқ бўлмағай эрди.» Ва ул ҳазрат анинг илтимосин мабзул[1613] тутуб, муаскардин рукуб қилиб, Манғитға кириб, анинг қўшиға нузул этти. Тўрамурод сўфи тақдими зиёфат ва меҳмондорлиғдин сўнг ул ҳазратнинг ҳузурида паймони муаккад ва оймон[1614] и мушаййад била сулҳ уқуд[1615] ин маҳкаму устивор қилиб, *манқит* тавоифидин Ўрозали сўпоқ бошлиғ бадхоҳлиғ қилғонларнинг уруқин ўзи била кўчуруб кетмакни тилади. Ул ҳазрат қабул қилиб,

---

[1608] Алоло – шовқин-сурон, ҳайқириқ.
[1609] Ўъюн (айн) – кўзлар.
[1610] Арабча ибора.
[1611] Жибҳасой – пешона суртувчи.
[1612] Рамад – кўз оғриғи.
[1613] Мабзул – қабул.
[1614] Оймон – келишув; орадаги ишонч.
[1615] Уқуд (ақд) – шартномалар.

муаскари ҳумоюнға мурожиат кўргузди. Тўрамурод сўфи дарёға тушуб, Оролға кетгандин сўнг, ул ҳазрат умарои олийжоҳ ва сипоҳи нусратпаноҳ била муовидат қилиб, давлат ва иқбол била дор ас-салтана Хиваққа нузул қилди.

Аваз иноқнинг тазкараи сифоти ва воқеайи вафоти

Арбоби фатонатнинг замоири зибасоириға макшуф, асҳоби киёсатнинг хавотири хуршид назоириға маъруф бўлсунким, *амири кабир* жамол ад-давла ва-д-дин Аваз *бий иноқ тағамаддаллоҳу биғуфрониҳи ўзбакия* дудмонининг афзали ва *қўнгрот*ия хондонининг акмали эрди. **Назм:**

Вужудидин эди ўзбак *аро фахр,*
Қилиб қўнгрот *андин борҳо фахр.*
Фалак бермай нишон андоғ амире,
Шараф иқлимида соҳиби сарире.
Ануширвон киби адл интибоҳ ул,
Улус боши уза зиллиллоҳ[1616] *ул.*
Шукуҳ андин топиб иқболу давлат,
Рафе андин бўлуб ижлоли рифъат.
Аморат болиш айлаб шавкатидин,
Жалолат нозиш айлаб рутбатидин.
Адаб эклили зотидин топиб зеб,
Қилиб гўстохларға базми таадиб.
Тавозеда эди андоқ биликлик,
Кичиклар оллида айлаб кичиклик.
Арақафшон[1617] *лиғи ҳилму ҳаёда,*
Паямбар хулқини айлаб ифода.

Шарафи зот ва маҳосини сифот била ораста, зевари ақлу ҳулли киёсат била пироста эрди. Ул дағи таъзими уламо ва такрими умаро ва саҳархезлик ва қадршинослиғда «бола отасининг кўринишидир[1618]» фаҳвоси била отасиға қадам бар қадам эрди. Бағоят хушхўй ва гушода рўй эрди. Ва ҳамвора[1619] отасининг мулозиматида бўлур эрди, илло, отаси Бухороға борғанда Фозил бек била Ҳазорасбда қолиб эрди. Ва айёми аморатида *явмут* саркашларининг таадибу таҳдиди учун бир мартаба рукуб қилди. Мундин ўзга воқеотда умарои изомни юборур эрди ва ўзи ҳамиша доруламоратда доду адлға машғул эрди. Анинг суҳбатида фаҳш[1620]у дашном бўлмас эрди. Ва замони давлатида тафизоти баҳори фароғат ва тарашшуҳоти саҳоби рифоҳият била мулк бўстони сарсабз ва хуррам бўлуб, фуқаро осудаҳол ва раоё фориғулбол эрди

Ва даврони ҳукуматида аксар тавоифи бани Одам илму фазл иктисобиға бақадри васе рағбат кўргузуб, мажолис ва маҳофилда ҳунару фазоил ва китобхонлиғу шеършинослиғ ва латифагўйликдин ўзга сўз жорий бўлмас эрди. Ва ул шариат ривожиға биақсилғоята[1621] жаҳду кушиш қилиб, уббод ва зуҳҳод жамоасиға бағоят мухлис ва мўътақид эрди. Ва сана минг икки юз ўн саккиз[1622] да Қавс[1623] да икки кичик амирзода Исмоил бек ва Иброҳим бек *саннааллоҳу таоло ани-л-офот ва-л-балиёт*ни суннат қилмоқ учун

[1616] Оллоҳнинг соябони. Шоҳларга нисбатан айтилган.

[1617] Арақафшон – тер чиқарувчи, Шарқда киши пешанасидан тер чиқиши ҳаё-ибо тимсоли ҳисобланади. Исломда одатда эркаклардан кўпроқ ҳаё талаб қилинади. Демак, киши манглайи ва юзида тер пайдо бўлиши ҳаё-ҳижобни билдирган.

[1618] Ҳадисдан.

[1619] Ҳамвора – ҳамиша, доимо.

[1620] Фаҳш – сўкиш.

[1621] Биақсилғоята – чўққисига чиққан.

[1622] Ҳижрий 1218/1803-04 йил.

[1623] 22 ноябр – 24 декабр оралиғи.

тўй асбобининг таҳҳиясиға иштиғол кўргузди. Ул овонда мазожи шарифиға сафро ғалабасидин яраҳон ранжи ориз ва торий бўлуб, кун-кундин дарди даража-даража иштидод топиб, ғояти заъфдин бистари маразға йиқилди. Бир неча кундин сўнг касал бир нима тахфиф топиб, тўй саранжомиға машғул бўлди ва шаъбон ал-муаззам[1624]да сури азим тартиб бердиким, анинг таърифида қалам тили лол ва тил қалами гунгмақол бўлур. **Қитъа:**

Мураттаб айлади тўйи азиме,
Эрур таърифидин мустағний ул тўй.
Туганмас васфининг мингдин бири ҳам,
Агар юз йил қалам бўлса варақпуй.

Тўй ишидин фароғ топғондин сўнг яна ранжу заъфи авуд қилиб, ҳукамои содиқ ва атиббои ҳозиқнинг муолижасидин нафъ топмади. Тўрт ойғача мараз иштидоди имтидод топиб, Ҳутнинг охири[1625]да душанба куни ғурраи зу-л-ҳижжа [1626]да олами фонийдин жаҳони боқийға риҳлат қилиб «қодир Подшоҳ ҳузуридаги рози бўлинган ўрин[1627]» жавориға борди. Фузалои номдор ва шуарои балоғатшиор ул бобда таворихи бисёр ва маросии бешумор назм силкига чектилар. Ул жумладин фақир бир таърих ва бир марсия тартиб бердим. Таърих мундоғ топилиб эрди. **Таърих:**

Амири кишвару дину дуввал Аваз бий иноқ,
Шуда мусаххари иқболи ў билоди мурод.
Ба зоти у гиуда олий сарири Доройи,
Ба сар ниҳода зи иқболи бахт тожи Қубод.
Мулозимони рикобаш ба лутфи ў дар айш,
Муонидони жанобаш зи қаҳри ў бар бод.
Агар ба маъракаи разм мешуди хунрез,
Бар омади ба фалак аз диловарон фарёд.
Ва гар ба анжумани базм мефишонди зар,
Зи шарм ў ба араҳи абр гарқа меафтод.
Аз ин жаҳон шуда дилтанг бар сарири бақо,
Қадам ниҳоду ба мақсад расиду гашт озод.
Матои васли илаҳии лам язал бихарид,
Ба қийматаш гуҳари руҳу жавҳари жон дод.
Замонаш шуда олам ба аҳли олам танг,
Чу шоми фурқат дилбар ба ошиқ ногиод.
Ҳар он диле ки шунид аз вафоти ў хабаре,
Зи дуди оҳ ба руйи сипеҳр доғ ниҳод.
Агарчи қасри вужудаш хароб шуд, бодо
Ба мондагони худ иқболу давлаташ обод.
Чу кардам аз дил Мунис саволи таърихаш,
Бигуфт «раҳмати беҳад ба руҳи покаш бод.»

Ва марсия таркиббанд санъатида бу нав воқе бўлубтурким, **Таркиббанд:**

Эй фалак, мунча недур айламак изҳори ситам,
Урубон ҳар нафас эл бағриға юз наштари ғам.
Яхшиларға етиб анвои ҳазан қаҳрингдин,
Ким ямон эрса алар рағмиға қилдинг хуррам.

[1624] 1218 йил шаъбон ойи/ 1803 йил 16 ноябр-14 декабр.
[1625] 22-март.
[1626] 1218 йил 1-зу-л-ҳижжа/1804 йил, 13 март.
[1627] Қуръони карим, 54 : 55.

Кимниким кўрдинг ичар ишрат аёқи била шаҳд,
Ул аёғ ичра эзиб бердинг анга заҳри алам.
Сарви қадларга қилиб ҳамл балолар борин,
Қаримай қилдинг ўзинг янглиғ алар қадин хам.
Шод бўлдинг қаро қайғу била ким чекса фиғон,
Ғамга ботдинг кишиким ичса қизил май бир дам.
Роҳате топса ҳаёт ичра биров лутфинг ила,
Қаҳринг этти ани оворайи саҳройи адам.
Ёғдуруб аҳи вафо бошига офат тошин,
Кўп жафо бирла вафо расмини урдинг барҳам.
Кеча эрмас ки улус оҳи ўтининг дуди,
Кундуз эрмас ки ул ўт шўълаи барқ олуди.

Банди соний:

Даҳр маккорасиким, анда вафое йўқтур,
Анга эл шаънида танқиси жафое йўқтур.
Ким ки оқил эса авло дурур андин қочмоқ,
Анинг омезишидин ўзга балое йўқтур.
Турфаким онча қилиб элни фарибе, мафтун,
Шоҳлиқ истамаган онда гадое йўқтур.
Бенаво халқни ноком қилур, кўр ки анга,
Хориж оҳанглику ўзга навое йўқтур.
Юзи бир кўзгу эрур яхши назар қилсанг анга,
Зангдин тийрадур, осори сафойи йўқтур.
Сабзаларни қурутур зулм хазонидин, лек,
Яна андин асари нашу намое йўқтур.
Ким ҳаёт аҳли эса қилди мамот ичра залил,
Етмаган зулми бу олам аро жое йўқтур.
Кўр ки шоҳаншаҳаи Хоразм Аваз бек иноқ,
Қолдиму кўрмайин андин ситаму зулму нифоқ.

Банди солис:

Тахти давлат уза фармондеҳи даврон эрди,
Балки иқбол саририда Сулаймон эрди.
Файзлар ёғдурубон абри баҳор карами,
Хушки саҳройи жаҳон турфа гулистон эрди.
Рум ила Чинни тутуб дабдабайи ҳашмат, эйла,
Худамосидин анинг Қайсару Хоқон эрди.
Мулки исломни тасхир қилиб сар то сар,
Дин анга бадрақайи лашкари имон эрди.
Фузало маржаи эрди эшиги шому сабоҳ,
Илики фотиҳи қуфли дари эҳсон эрди.
Етмайин кимсага анинг қўлидин озоре,
Анга бу мартабада ҳилм фаровон эрди.
Кафи базлидин эди баҳри жабини уза чин,
Тешайи жудидин озурда Бадахшон эрди.
Ҳар на ким, яхшилиғ эрди ул эди муртакиби,
Эйлаким, эрди ямонлиғ фанининг мужтаниби.

Банди робеъ:

Оҳким, заъф анга муставли ўлуб бўлди низор,
Ранж хори била гулдек тани ҳар сори фиғор.
Сорғориб ранги қуёшдек, вале, ортиб танига,

Сояйи заррайи кун партави тушгач озор.
Дардига чора топа олмай этиб ожизлиқ,
Бўлди бисёр Масиҳодек атиббо ночор.
Суртулуб чашмаи ҳайвон суви, тутти охир
Наф еткурмаганидин зулумот ичра қарор.
Мунча ожизлиқ ила Тангрига шукр айларда,
Мў ба мў тил эди сабрда ҳам кухи виқор.
Кўтариб кўнглини дунё чамани сайридин,
Айлади гулшани уқбо сори майл охири кор.
Умр жомини тўкуб, ичти шароби раҳмат,
Жавҳари жонни бериб, олди матои дийдор.
Руҳи бўлсун майи васл самадидин сармаст,
Тани марқад аро ҳавро қучоқига пайваст.

Банди хомис:

Ул қуёш магриби мавт ичра ниҳон бўлди дариг,
Зулмати шоми азо элга аён бўлди дариг.
Тахти давлат эди оромгаҳи субҳу масо,
Маскани қабргача тахти равон бўлди дариг.
Тутубон қаср ила айвони музаҳҳаб таркин,
Тўдайи хок аро жисмига макон бўлди дариг.
Келибон кўрунишига кўрмайин андин асаре,
Умаро кўзларидин оқгони қон бўлди дариг.
Додхоҳ аҳли келиб, топмайин ўрнида ани,
Ишлари нолаву фарёду фигон бўлди дариг.
Қўзгобон аҳли азо шўрише ошуби бало,
Элга саҳройи қиёмат бу жаҳон бўлди дариг.
Сўги андуҳини шарҳ этгали сурдим қаламим,
Чекти ун, кийди қаро, ашкфишон бўлди дариг.
Бўлди абвоби тараб ҳар сори маҳкам, афсус,
Очилиб эл юзига рахнайи мотам афсус.

Банди содис:

Мотами ичра ёқиб кўкни кўнгуллар оҳи,
Ўт кули ичра нишон анжум, меҳру моҳи.
Фурқатидин тушубон олам аро шўришлар,
Анису жон бир-бирининг бўлмадилар огоҳи.
Кўзлар ашки била дарёлар оқиб олам аро,
Моҳдин гарқа қилиб ер куррасин то моҳи.
Нолалар бирла кўнгуллар шарар афшонлиг этиб,
Бўлди бир тийра тутун етти фалак харгоҳи.
Доглиг лолалар эрмас ки богирлар қони,
Сочилибдур бўлубон поралари ҳамроҳи.
Ҳам сочиб сўгида бошига адувси туфроқ,
Ҳам уруб кўксига тош ҳажрида давлатхоҳи.
Оҳким, ўлгали етти фуқаро қон йиглаб,
Ким кўрубдур бу сифат ҳодисайи жонгоҳи.
Ўртади халқни Доройи замон вовайло,
Йиқти оламни қилиб тарки жаҳон вовайло.

Банди собеъ:

Айтинг аҳбоб ки ул мир жаҳонда қани?
Қаҳр этар фурсатида соиқакирдор қани?

Юзи халқ улфатига матлаи анвор ўлган,
Кўнгли ҳақ ҳузратида махзани асрор қани?
Умаро ҳар бирига ўзга риоятлар этиб,
Фуқаро ҳолидин огоҳу хабардор қани?
Кирди туфроқ аро ва қилди жаҳонни тийра,
Ваҳки, ул меҳр киби чашмайи анвор қани?
Гарчи осори мамолик аро қолди бисёр,
Лек ўзи шахсидин, эй вой, ки осор қани?
Баски, кулфат тоши ёғди фалаки золимдин,
Бўлмагон мотамида синаси афгор қани?
Мумкин ўлгай ки қиёмат куни кўргайлар ани,
Мунда меҳнатзадалар хайлига дийдор қани?
Бир борибдур ки яна келмаки имкон эрмас,
Кимса андин хабаре топмоқи осон эрмас.

Банди сомин:

Агар ул қилди фано марҳаласи сори хиром,
Тутсун авлоди бақо маснади узра мақом.
Агар ул қилди саккиз равзада комин ҳосил,
Саккиз ўғли етти иқлим уза сурсунлар ком.
Ҳар бири бошиға дайҳими саодат кийсун,
Ҳар бири айласун авранги жалолатни мақом.
Қилиб асбоби маишат тараб айвонида жам,
Ҳар бири соқии иқбол элидин ичсун жом.
Иззату комраволиғ топиб аҳбоблари,
Хор аъдоларин этсун фалак нофаржом.
Хасм қонини сабил истасалар тиғлари,
Тутмасун матлабиға етмагуча роҳ ниём.
Чексалар ҳар сори лашкар зафар ўлсун ҳамроҳ,
Тутсалар ҳар қачон ором нишот ўлсун ром.
Чархи володин ўтуб қадр била поялари,
Кетмасун аҳли жаҳон бошларидин соялар.

Банди тосеъ:

Дўстлар даҳр мазиқини нишеман қилманг,
Бир бузуқ ҳужрадур, ул ҳужрани маскан қилманг.
Бал, работедур ани ўғрилар этмиш манзил,
Корвон янглиғ ўтунг андину моу ман қилманг.
Жоҳ бир шам дурур андин ўлур тийра кўнгул,
Кўзни айлаб назар ул шамға равшан қилманг.
Даҳр раъноларига шафта бўлманг зинҳор,
Ўзингизни бу санамларга бараҳман қилманг.
Бўлмангиз умри шарар фурсатингизга мағрур,
Жонни пайваста жафо ўтига гулхан қилманг.
Бўлмангиз ҳарзасаролиғ била машғули калом,
Тилни ҳақ зикрини айтур чоғи алкан қилманг.
Дўст ишқи била жон қасрини обод айланг,
Жуз анинг нақши била ани музайян қилманг.
Қилғосиз то ки нишеман ҳарами ваҳдат аро,
Тилагайсиз даги Мунисни ҳамул хилват аро.

Жаноб мағфиратмаоб Аваз *иноқ* қирқ ёшида аморат мансабиға жулус қилди. Муддати умри эллик уч йил эрди. Муддати ҳукумати ўн икки йил ва ўн бир ой эрди. Анинг вафотининг аввалғи куниким, як-

шанба эрди, ул кундин йигирма беш кунгача муттасил Хоразм диёрида ёмғур ёғиб, аксари иморот хароб бўлди. Ва андин саккиз фарзанди аржуманд ва авлоди саодат пайванд ёдгор қолдиким, ҳар бири шараф буржининг офтоби ва саодат дуржининг дурри нобидур. Андоқким: *амири кабир*, жалолат вифоқ, ғиёс ал-мулк ва-д-дин Қутлуғмурод *иноқ* ва подшоҳи мағфират нишон абу-л-музаффар ва-л-мансур Элтузар Муҳаммад Баҳодирхон ва амирзодаи олийнажод Ҳасанмурод бек ва аълохоқони гардунтавон, афзал ас-салотини олам, аъдали хавоқин ал-*араб* ва-л-*ажам*, боис ал-амн ва-л-амон, ал-мустансир мин ан-насир ал-малик ал-мустаон абу-л-музаффар ва-л-фатҳ Муҳаммадраҳим Баҳодирхон *мадаллоҳу зиллола давлатуҳ ала мафориқ ал-аном ила йавм ал-қиём*ким, мақсад бу мухтасар таълифидин ул ҳазратнинг авсофи ҳамида ва ахлоқи писандидасидур ва амирзодаи фархундасийр жалол ал-миллат ва-д-дин вал-давлат Муҳаммадназар бек ва амирзодаи марҳумий Абдукарим бек мағфурий. Булар бир онадиндурлар. Амирзода Исмоил бек ва Иброҳим бек, бу иккови бир онадиндур. Иншооллоҳ, ҳар бирининг зикри жамили ўз мавридида айтилур.

Аваз *иноқ*нинг замонида санаи ҳижрия минг икки юз ўн бешдаким, Бичан йили эрди, рабиъ ас-соний ойининг ўн саккизи[1628] да якшанба кечаси фақирнинг волиди бузургвори Аваз *мироб* ибн Шермуҳаммад *мироб* ибн Эшим *бий мироб* ибн Ҳасанқули *отолиқ* ибн Ўрозмуҳаммад баковул ибн Давлат *бий* ибн Гирой *бий* ибн Муҳаммаджон сўфи *бий юз* ҳақ раҳматиға восил бўлди. *Тағамадаллоҳу биғуфрониҳи.* Бу воқеаи ҳойиладин бир ҳафта бурун набираси Тўрамуродбек валади Муҳаммадниёз бек жаннат гулистониға парафшон бўлуб эрди. Арбоби фасоҳат ва асҳоби балоғатнинг замоири зибасоирларидин махфий ва муҳтажиб қолмасунким, Хоразм диёрида подшоҳлиғ қилған Чингизия дудмонининг воқеоти Абулғозихон ибн Арабмуҳаммадхондин сўнг тарих забтидин қолиб, бу бобда Эшмуҳаммад *бий* ва Муҳаммадамин *иноқ*нинг ҳолот ва футуҳоти дағи китобат қайдиға ва рақам силкига кирмамиш эркан. Фақир аларнинг ҳолот ва воқеотин бақадри васе жустижуй ва тараддуд қилиб, топилғонларни татбиқ ва тасҳиҳ қилиб, мактуб ва марқум қилдим. Аммо, аксар вақоенинг тарихи топилмади. Бу жиҳатдин муддати мадид ва аҳди баъид таълиф ишида таъхир ва таъвиқ[1629] воқе бўлди. **Шеър:**

Аёқчи, кетур тўла олтун аёғ
Бўлай лаҳзае масту роҳ[1630] *у фароғ.*
Кўнгулни қилиб жам ҳар соридин
Сурай хома мақсуд тазкоридин.

Жаноби салтанатмаоб ва ҳазрати хилофатинтисобларнинг насойими баҳорн воқеот ва равойиҳи рабии футуҳотларининг гулафшонлиғи била рашки гулистон ва ғайрати ризвондурким, ҳоло ул бири мамолики уқбода маснаднишини боргоҳи раҳмат ва оромгузини авранги мағфиратдур, иншооллоҳ. Ва алон бу бири хилофат айвонида маснадоророй ва салтанат девонида аврангпирой бўлуб, ламаоти офтоби маъдилати била аолий ва асофил[1631] кошонасиға партавандоз ва рашаҳоти саҳоби мукаррамати била ақсо ва арозил бўстониға чаманпардоздур, *рафаъаллоҳу аълома давлатиҳи ва васаъа айёма салтанатиҳи*[1632]

Мақсуд бу дафтар таълифидин ва мурод бу мухтасар таснифидин ул ҳазратлар вақоеи ҳолот ва осори футуҳотларининг тазкара ва таҳкиясидур. Аммо, маълум бўлсунким, бурун ҳазрат подшоҳи мағфиратпаноҳ ва султони фирдавсмакон Элтузар Муҳаммад Баҳодирхон *сақаллоҳу сароҳу*нинг фармони вожиб ал-изъони била бу мухтасар ул ҳазратнинг алқоби ҳумоюни била мувашшаҳ ва авсофи маймуни била мутарраҳ бўлуб эрди, ҳануз қуббат ал-ислом Хоразм диёрида салтанат шуғли хатириға мутасадди бўлғон Чингизия *ўзбакия* дудмонининг тазкори ихтитом топмасдин бурун Шерғозихоннинг воқеаи ҳоло-

---

[1628] 1215 йил 18-рабиу-с-соний/1800 йил 9 сентябр.
[1629] Таъвиқ – орқага сурилиш.
[1630] Роҳ (роҳат) – хурсанд.
[1631] Асофил – қуйи табақа (кишилари).
[1632] Оллоҳ давлати байроқларини баланд кўтарсин ва салтанати айёмини кенг-кўп қилсин.

тиға шуру қилғонда, санаи ҳижрия минг икки юз йигирма бир[1633] эрди, ул ҳазратнинг заврақ[1634] и ҳаёти гирдоби фаввот[1635] ға ғарқ бўлуб, инқилоби замон ва ҳаводиси давроннинг ғалаботидин бу китоб таълифи тарк бўлди. **Байт:**

Оре, мураббий ўлмаса имкон эмас киши,
Амри азимга мутасаддилиг айлагай.

Хусусан, мураббий мусибати ва ҳодисот шиддати бечораенинг насиби бўлса, анга ул журъат қайдаким, фароғи дил ва жамиати хотир била таълиф домониға дастраслик қилғай. **Қитъа:**

Улки, мураббийсидин ўлса жудо,
Олати жиҳатдин қабаб офоти даҳр.
Мумкин эмас хотирин ул жам этиб,
Топмоги гулзори хаёл ичра баҳр.

Чун ҳазрат соҳибқирони аълохоқон, олиймакони гардунтавон, рофе роёт ал-адл ва-л-эҳсон, босити бисот ал-амн ва-л-амон, навбоваи бўстони хилофат ва жаҳондорлиғ ва бокураи гулистони салтанат ва шаҳриёрлиғ. **Маснавий:**

Салтанат тожининг сарафрози,
Шоҳи давлатпаноҳ Абулгози.
Божгири билоди мулки жаҳон,
Тожбахши мулуки олийшон.
Бонии адлу росими эҳсон,
Қомеи зулму моҳи[1636] и туғён.
Ҳомии миллату мураввиж[1637] и дин,
Ҳокими *шаръу шоҳи мулки яқин.*

Ал-муаяд би таид ал-малик ал-маннон ва-л-муваффақ би-т-тавфиқ ас-субҳон, муизз ад-давла ва-д-дин Абу-л-музаффар ва-л-фатҳ Муҳаммадраҳим Баҳодирхон *маддуллоҳу зиллола маадилати ала муфориқ ил-аном ва шайидд аркона салтанатиҳи ила йавмилқиям* хилофат тахтиға жулус қилиб, муовинати иқболу саодат ва муозидати тавфиқу ҳидоят била фатан[1638] ва ҳаводис осорин, балки, мамолик ашрорин Хоразм диёридин рафъ ва Хивақ ҳисоридин дафъ қилди. **Назм:**

Чун адли жаҳонни қилди обод,
Лутфу карами жаҳон элин шод.

Фақирким, аввалдин худ ул ҳазратнинг даргоҳи оламтаноҳининг қадимий хокбўси садоқат андешларидин ва х(в)они эҳсонининг бойри[1639] намакпарвардаи ихлоскишларидин эрдим, таждидан шуои офтоби илтифотидин дийдаи умидимни равшан ва насими баҳори иноётидин гўшаи хотиримни гулшан қилиб, амри олий ва фармони мутаоли нуфуз топтиким, таълиф иштиғолида тақсир жойиз тутмай, китобингни итмомиға еткур. Ва яна бизнинг авсофи ҳамида ва воқеоти писандидамизнинг жавоҳири гаронмояси била ани музайян ва мурасса қил. Бу жиҳатдин эрдиким, бу боб икки фаслға иштиҳол топти.

[1633] 1221 ҳижрий -
[1634] Заврақ – қайиқ.
[1635] Фаввот – ўлим.
[1636] Моҳий – маҳв қилувчи, йўқ қилувчи.
[1637] Мураввиж – ривож берувчи.
[1638] Фатан – фитналар, исёнлар.
[1639] Бойри – қадимий, эски, хоназод.

Аввалғи фасл ҳазрат подшоҳи Жамшиджоҳи хуршидкулоҳ ғуфронпаноҳ, раҳмат жойгоҳ қудувват ал-хавоқин, зубдат ас-салотин, жалол ад-давлат ва-д-дин Элтузар Муҳаммад Баҳодирхон *тағаммадаллоҳу биғуфрониҳи*нинг зикри жамил ва васфи жалили

Ихвони донишманд ва аъёни хирад пайвандларнинг ройи оламоройлариға макшуф бўлсунким, ҳазрат подшоҳи мағфури мазбурнинг вилодати ҳумаюни *явмут* бузуғлиғидин бир йил сўнг сана минг юз саксон беш[1640] да мувофиқи Топушқон йили офтоби оламтоб Асад буржи[1641] да эрди, воқе бўлди Андоқким, собиқан Хўжамберди *қўшбеги* ва Ниёз *парвоначи*нинг Муҳаммадамин *иноқ* била мусолиҳа қилғон мавридида зикр топиб эрди. Булуғ ҳаддиға етгандин сўнгра кун-кундин осори рушд ва садод[1642] носияйи ҳолатидин зоҳиру пайдо, йил-йилдин анвори ақлу зако жибҳаи саодатидин боҳиру ҳувайдо бўла бошлади. «Илм олмоқ фарздур»[1643] муаддоси била жозибаи ҳавои талаб домангири шавқ бўлуб, айёми мутамодий узлатгузинлик ва мадраснишинлик ихтиёр қилиб, фазойил таҳсилида истифодаға иштиғол кўргузди. **Қитъа:** Чу айлаб истифода сори рағбат,

Қилиб ҳар илм аро касби фазойил.
Хусусан, донишу идроки чоғлиғ,
Саҳулат бирла ахз[1644] айлаб масойил.

Аммо, шаббоб авонининг тақозоси ва йигитлик инфивонининг ҳавоси била гоҳо нишот бисотида базми айш тузуб, ишрат додин берур эрди. **Назм:**

Бўлур чоғда базм ичра ишрат параст,
Бўлуб шўхлар жоми васлиға маст.
Сурар эрди ул нав завқи сурур,
Ки ҳасрат чекар эрди Баҳроми гур.
Қўлиға қадаҳ олса Жамшидвор,
Солиб партави лутф хуршидвор.
Урар эрди жаннатга базми сало,
Бўлур эрди базм аҳли ғарқи тало.
Неча зоҳири майға саршор ўлуб,
Вале кўнгли пайваста ҳушёр ўлуб.
Муғанний тағаннисиға ғўш этиб,
Ҳаводис ғамини фаромуш этиб.
Маишат абиридин очиб димоғ,
Жаҳон ранжидин эрди соҳиби фароғ.

Ва гоҳо саҳро тафарружи ва сайд тамошоси учун шикорға отланиб, қуш солмоқ ва ов олмоқға машғуллиғ кўргузур эрди. **Шеър:**

Отланиб гоҳ-гоҳ саҳрога,
Бўлубон муштағил тамошога.
Сайдгоҳ ичра растхез солиб,
Шоҳбозини овга тез солиб.
Кўнглига юзланиб нишот асру,
Кўргузур эрди инбисот асру.

[1640] Ҳижрий 1185/1771-72 йил.
[1641] Июль – август ойлари оралиғи.
[1642] Садод – тўғрилик, ростлик, адолатпарварлик.
[1643] Ҳадисдан.
[1644] Ахз – олиш, ўзлаштириш.

Оре, ўлди ҳавои сайру шикор,
Тийра хотирга моҳии зангор[1645].

Токим, бир кун ул ҳазрат тариқаи маъҳуд[1646] била Хуррам ҳудудининг тарафи асфал[1647] идаким, марғзоре эрди Эрам гулистонидек сарсабзу хуррам ва сабзазоре эрди жаннат бўстонидек назоҳаттавом, қирқ нафар мири шикор била шикорандозлиғға машғул эрди. Ва иттифоқо ул кун ҳазрат султони соҳибқирон, аълохоқон, афзали салотин ал-олам, адилли мулук ал-*араб* ва-л-*ажам* ал-мухтас би иноят ал-малик ал-мустаон абу-л-музаффар ва-л-мансур Муҳаммадраҳим Баҳодирхон *халаддаллоҳу мулкаҳу* дағи ул тараф шикорға наҳзат қилиб, сайдафкан[1648] ликка иштиғол кўргузур эрди. Аммо, ҳазрат аълохоқон дааб[1649] ва ойинлари бу эрдиким, хоҳ шикор, хоҳ ўзга сафар иродаси била рукуб қилса, асбоби ҳарбу олоти зарб била худамо ва мулозимларин мукаммал ва мусаллаҳ қилур эрди. Ул кун дағи бу тариқада чиқиб, шикор ҳангомида ҳазрат аълохоқоннинг мулозимлари ҳазрат хони жаннатмаконнинг асарин йироқдин мушоҳида қилиб, дахлу мазож юзидин ул ҳазрат мулозимлариға теғу синонни жилваға киргузуб, ҳамла қилдилар. Ул ҳазрат бу воқеадин хабардор бўлуб, дўст ё душман эрканин билмай, то тонулғунча яроғсизлиғ жиҳатидин хейли музтар ва мутаассир бўлди. **Маснавий:**

Кўнгул йўлда зоди сафардур яроғ,
Урушда нишони зафардур яроғ.
Яроғсиз киши йўлга азм айламак,
Эрур жони қасдини жазм айламак.
Ки кўбтур гаҳ йўллар аро аҳли кин,
Зарар еткурур элга айлаб камин.
Яроғсиз кишида йўқ ул эътибор,
Ки бўлғай анга давлату бахт ёр.
Улус оллида хору манкуб ўлур,
Адувсиға иш вақти мағлуб ўлур.
Далере ки теғу яроғсиз эрур,
Уруш чоғи қўлу оёғсиз эрур.
Кишиким, шужову диловар дурур,
Яроғ бўлмаса зору музтар дурур.
Яроғсиз эса Рустами пилтан,
На мумкин ки бўлғай диловарафкан.
Чу пашша яроғ айлади нешини,
Ҳалок этти Намруди бадкешини.
Паямбар ки ҳақ ҳифзиға эрди ёр,
Яроғсиз сафар қилмади ихтиёр.
Яроғсиз таваккал дағи том эмас,
Доимо том балким саранжом эмас.

Мундин сўнг ҳазрат хони мағфурий тамомат асбобу яроғ таҳҳиясиға ҳиммати олийнаҳматин масруф тутуб, сипоҳилиғ умуриға қиём ва сипаҳдорлиғ русумиға иқдом кўргузди, абтоли рўзгор ва шужаои номдорни атрофи олам ва тавоифи умамдин ўз мулозиматиға ундаб, мамлакатдорлиғ қавоидининг маҳомиға, балки, мулкситонлиғ маросимининг интизомиға мубодират ва мудохилат қила бошлади. Ва ҳар ердаким, аъдои мулк ва миллат ва муонидини дину давлат инод бошин гирибони фасоддин чиқариб эрди, тундбоди чаповул била хирмани амвол ва жиҳотин барбод ва тўфони турктоз била асоси жамиа-

---

[1645] Моҳии зангор – зангни йўқ қилувчи (тозаловчи).
[1646] Маъҳуд – одатдаги.
[1647] Асфал – қуйи, паст.
[1648] Сайдафкан – ов олиш.
[1649] Дааб – одат.

тин мунҳадим ва бебунёд қилди. Агарчи, ул ҳазратнинг беклик авонидағи содироти нодира ва воқеоти боҳираси кўптур, ихтисор жиҳатидин икки воқеаға иктифо қилилди.

Аввалғи воқеа хони жаннатмаконнинг тунбоди турктоз била қароқалпоқия муонидлари хирмани жамииатин совурғани ва сарсари чаповул била машъали инодин ўчиргони

Яккатози майдони варақ, шаҳсувори арсаи натақ, аъни, қалами чобук рақам бу воқеа жилвагоҳида мундоғ жавлон қилуркім, санаи ҳижрия минг икки юз ўн саккизда муҳаррам ал-ҳаром авосити[1650]да ҳазрат хони мағфиратнишон Элтузар Муҳаммад Баҳодирхон *анороллоҳу бурҳонаҳу* варо[1651] и Омуядағи работекім, ани тарих минг икки юз ўн олти[1652]да иморат қилдуруб эрди, нузули мусарратвусули била анинг зурваи ифтихорин фалак ал-буруждин ўткарди. Ул работи олий ҳисоредур рафебунёд ва меъморедур вусъатобод. Жилоандуд биноси ошиқлар кўнглидек мусаффо ва сафоомуд асоси маъшуқлар юзидек мужалло. Фазои дилкушои Эрам гулзори саҳнидин хабар бергувчи ва ҳавои ғолиясои фирдавс насими файзидин асар еткургувчи. Ҳар гулдастаси сарведур рўунат бўстонида, ҳар саро бўстони қасредур саодат гулистонида. **Маснавий:**

Сурайё бўлуб буржи оллида паст,
Топиб сақфидин чарх шаъни шикаст.
Бўлуб уйлари даҳр уйидек васеъ,
Вали рифъат ичра фалакдин рафеъ.
Арзким жаҳон ичра кўрмай фалак,
Анингдек работини берайбу шак.

Ул ҳазрат анда бир неча кун мутаваққиф бўлуб, ўзиға мутааллиқ навкарларин мулозиматиға жам қилди. Ул жиҳатдинким, ул учурда Оқёқиш оёқи ва Тангриёр наҳрининг боши ва Ёртиқум мавзеида ўлтурғон *хитой-қароқалпоқ*дин Бекмуҳаммад қароқчи отлиғ бир ҳаромзода зуҳур қилиб, ўз элининг авбош ва ҳаромилари била Хўжамурод *бий* ва Тўрамурод сўфининг мутобаатиға кириб, роҳзанлик қилур эрди. Ул жамоа акобиридин Шукрали *бий* анинг ҳамсоялиғи шоматидин дилтанг ва ошуфтахотир бўлуб, ул ҳазратнинг даргоҳи оламапаноҳиға киши йибориб эрди. Анинг тарғибу таҳриси била ул ҳазрат лашкар йиғнолғондин сўнг рукуб қилиб, Хўжакўлига тушти. Муҳаррами мазкурнинг йигирма саккизи[1653]да панжшанба куни Хўжакўлидин наҳзати роятин Ёртиқум жониби ҳаракатға киргузди. Ул сафарда акобирзодалардин кўп киши мулозими рикоби олий бўлуб эрдилар. Андоқким, сиёдатпаноҳ, нақобат дастгоҳ саййид Музаффар хўжа ва *наймон* ашрофидин Кўчак *иноқ*нинг ўғли Ўрозали беккім, ҳоло отасиға қойиммақомдур ва Мувломберди *удайчи*нинг ўғли Муҳаммаджон бек ва *қўнғрот*дин Худойберди *иноқ*нинг ўғли Муҳаммадниёз беккім, ҳоло жаноб аълоқохонийда маҳрамбошилиғ маротибиға иртифо топибдур ва Юсуф беккім, *юзбоши*[1654]лиғ мансабиға мансубдур ва *олобулук* уруғидин Абдуллоҳ *сардор* ва ғайруҳум. Икки кун қатъи масофат қилғондин сўнг ул ноҳиятға дохил бўлуб, чоштгоҳ эрдикім, ул ҳазрат лашкар аҳлин гуруҳ-гуруҳ айириб, чаповулға амр қилди. Бекмуҳаммад қароқчиким, моддаи фасод эрди, бурунроқ хабардор бўлуб, кўчуб, қалин бешаларда мутаворий бўлуб эрди. **Назм:**

Сулаймонга қачон бўлғай тараф мур,
Тенгиз жунбида қатраға на мақдур.
Ғазабнок арслон оллида тилку,
Турар не нав журъат бирла ўтру.

[1650] 1218 йил 14-муҳаррам/1803 йил 3 май.
[1651] Варо – (дарёдан) нариги томон. Масалан: Мовароуннаҳр – дарёдан нариги томон.
[1652] ҳижрий 1216/1801-02 йил.
[1653] 1218 йил 28-муҳаррам/1803 йил 17 май.
[1654] Юзбоши – юз нафар баҳодир, аскарга бошлиқ, қўмондон.

Шуои офтоб оллида шаппар[1655],
На мумкинким, тура олгай баробар.
Етушгач боди сарсар садамат[1656] *и тез,*
Пари коҳий нечук бўлмас сабукхез[1657].

Анинг эли даги кўчуб, бодияпаймои фирор бўлуб эрдилар. Лашкари нусратасар етиб, қатлу торожға машғул бўлдилар. Теғи хунфишон ва синони жонситон мутамарридларни мақҳуру мустосил қилиб, мавоши-ю амвол, зуафову атфолин ғорату торож қилиб, ғанимат силкига ва исорат қайдиға чектилар. **Шеър:**

Баҳодирлар айлаб таку-пў[1658] *басе,*
Қилиб қатлу торож ҳар сў басе.
Инод аҳлини хору-зор айлабон,
Жазосин бериб, тору-мор айлабон.
Мавоши-ю молин қилиб дастгир,
Ўғул ўлжаву, қизин айлаб асир.
Паришон қилиб ақди жамиатин,
Боши узра келтурдилар ниятин.
Бале, улки, тушти залолат аро,
Фалак айлабон рўзгорин қаро.
Бу янглиг навойиб аро зор этар,
Жазои амалига гирифтор этар.

Бу воқеа асрғача имтидод топти. Ва гуруҳеким, Бекмуҳаммад қароқчининг қасдиға маъмур бўлуб эрди, ҳар нечаким жустижу ва тараддуд қилдилар, ул ҳаромзодадин асаре топилмади. Ва чаповул аҳли рояти нусратоят зиллиға мужтама бўлғондин сўнг ул ҳазрат моли ғаноимни лашкария аҳлиға тақсим қилиб, ҳар кишига моли вофир ва маноли мутакосир мақсум бўлди. Ул жумладин дерларким, Муҳаммадниёз бекнинг саҳму ҳиссаси икки юз тиллолиғ važҳ эрди. Ала ҳазал қиёс. Ва асирлардин ўттуз етти бокира қиз эрдиким, камоли жамол ва ғояти эътидолда эрди. Ул ҳазрат асирларни муътамид ва парҳезкор кишиларға топшуруб, фатҳу ферузмандлик била мурожиат қилди. Ва шаҳри сафар *хатаматаллоҳ би-л-хайр ва-з-зафар*[1659] нинг тўртунжи куни[1660] ким, чоршанба эрди, дорулэмораи Хиваққа нузул қилиб, волиди бузургворининг мулозиматиға мушарраф бўлди. Бир ойдин сўнг ул элнинг акобиру маорифи армуғон ва тансуқот била келиб, утбабўслиққа шарафи ихтисос топиб, итоат қуллодасиға мутақаллид бўлдилар. Закоту хирож қабул қилиб, асир бўлғон зуафо ва атфолин олиб, ўз диёриға рухсати инсироф ҳосил қилдилар.

Иккинжи воқеа хони мағфират нишоннинг Хўжаэли самтиға азимат маркабин сургони ва ул эл ҳисорининг дарвозасин ғазаб ўтиға куйдургони

Гузориш майдонининг барқтози, нигориш маъракасининг оташбози, аъни, хомаи воқеанигор[1661] бу нав ҳикоятгузорлиғ кўргузурким, ҳамул йил жумодиссоний[1662] да ҳазрат подшоҳи *магфур* ва шаҳаншоҳи *мабрур* Элтузар Муҳаммад Баҳодирхон Хўжаэли ҳисорининг қасдиға рукуб қилиб, дарвозасин оташи

[1655] Шаппар – кўршапалак.
[1656] Садамат – зарба.
[1657] Сабукхез – тез кўчар, енгил.
[1658] Таку-пў – излаш, ахтариш.
[1659] Сафар ойи яхшилик ва зафар билан тугасин. Сафар ойида айтиладиган дуо.
[1660] 1218 йил 4-сафар ойи/ 1803 26 май.
[1661] Воқеанигор – воқеани ёзувчи.
[1662] 1218 йил жумоди-с-соний ойи/1803 йили 18 сентябр – 6 октябр.

қаҳри била ўртаб ёнди[1663]. Бу мақол табйин[1664] и улким, сана минг икки юз ўн олти[1665] да Тўрамурод сўфиким, *манқит* куранида ул ҳазрат била мусолиҳа қилиб, аҳди мушаййид ва мавосиқи муаккид маёмин[1666] и била муборизларнинг қайди муҳосира ва доми интиқомидин махлас топиб эрди, андоқким илгари мазкур бўлди, ўз диёриға борғондин сўнг яна шарорати фитрий ҳаракатидин тамҳиди залолатға исрор қилиб, *қангли* уруқидин жамии касирниким, варои Омуяда ўтлоғ жиҳатидин мутамаккин эрдилар, ул жамоанинг устиға атбо ва аъвони била келиб, аларни хоҳ нохоҳ кўчуруб, Қўнгротға элтти. Ул ҳазрат анинг мундоғ нақз[1667] и аҳд ва касри мисоқ[1668] идин бағоят ранжида хотир бўлуб «ким қасамёдни бузса, бас, у фақат ўз зиёнига бузур[1669]» мадлули била анинг қаламравиға роятафрози азимат бўлуб, оташи наҳбу ғорат била анга танбеҳи азим ва гушмоли балиғ еткурмакни пешниҳоди хотири ашраф қилиб эрди. Аммо, баъзи мавоне[1670] мамонеатидин ул азм таъхир ва таъвиқ ҳаййизиға қолиб эрди. *Қалпоқ*ия ғоратидин сўнг ул ҳазратнинг сейти салобат ва овозаи маҳобати иқтору офоқға мунташир бўлуб, аъдои мулку миллат ва хусамои дину давлат синалариға чангдек нохун[1671] и ҳасрат уруб, қонуни роҳат ва рубоби рифоҳият торин раабу ҳарос музроб[1672] ининг захмаси била узди. Бу жиҳатдин Хўжаэлининг санодид ва машоҳиридин баъзи дурандешлик қилиб, ул ҳазратнинг даргоҳи олампаноҳиға пинҳоний пайғом ва муросилот юбориб, истидо қилдиларким, «агар рояти нусратоятларининг ашъаи маҳчаси бу тийра рўзгорларнинг машриқи инзориға хуршиди нуронийдек партавафканлиғ қилса ва аскари зафарпарварларининг тўтиёйи ғубори, бу кудурат осорларнинг дидайи абсориға сурмаи сулаймоний янглиғ равшанлиғ еткурса, мулозимлари юзиға бандалик абвобин очиб, қалъани топширурмиз.» Ул ҳазрат бу жиҳатдин санаи мазкурада жумодиссонийнинг учи[1673] да душанба куни тўрт юз гўзида йигит билаким, ҳар бири шужои номдор ва муборизи рузгор эрди. **Маснавий:**

Набард озмо-ю, диловар бари,
Далеру сафорову сафдар бари.
Даго арсасида хурушанда бабр,
Ҳижо бешаси ичра гаррон ҳўзбар[1674].
Агар чексалар ёвга бурранда тиг,
Тумон минг эса қатл этиб бедариг.
Салаҳшурлиг ичра чолок ўлуб,
Ва лекин урушдин тарабнок ўлуб.
Малак қуввату дев ҳайбат келиб,
Ғазанфар фарру бабр савлат келиб.
Топиб ёвга барча сабуктозлиг,
Қилиб тег бирла сарандозлиг.

Гурлан музофотидин *нукуз* оёқидағи работи файз ун-нишотдинким, ул дағи ул ҳазратнинг мулки холис ва мустаҳадисоти махсусиндур, иродати якрониға рукуб қилиб, мавкаби зафарқарин ва рояти нусратойинға Хўжаэли самтиға таҳрик бериб, фуюзоти баҳори вусули била мароҳил хористонин чамангўстар ва нафаҳоти насими вуруди била манозил димоғин муаттар қилди. **Фард:**

1663 Ёндириб қайтди.
1664 Табйин – баён.
1665 Ҳижрий 1216/1801 йил.
1666 Маёмин – шарофат.
1667 Нақз – бузиш.
1668 Мисоқ – ваъда. Касри мисоқ – ваъдасизлик.
1669 Қуръони карим, 48 : 10.
1670 Мавоне – манъ қилувчилар.
1671 Нохун – тирноқ.
1672 Музроб – тор симларини чаладиган бармоққа кийилувчи темирча, медиатр.
1673 1218 йил 3-жумоди-с-соний/ 1803 йили 20 сентябр.
1674 Ҳазабр – йиртқич арслон, шер, мард, ботир.

Ҳар қаён азм айласа файзи қудумидин бўлур,
Тийра туфроқ олтуну санги сияҳ ёқути ноб.

Ва ойнинг тўртунчи кечаси[1675] ким, сешанба туни эрди, ул диёрға ворид бўлуб, мавкаби волони истидо[1676] ва истиҳзор қилғанларға киши юбордиким, то мавкаби олий вусулидин хабардор бўлғайлар. Иттифоқо бурунғи кун аларнинг макнуни хотиридин Дўсим *бий* ва Ўтақули *отолиқ*ким, ул қалъанинг *волий*си эрдилар, шамае огоҳлиғ топиб, аларни баъзи муҳиммот баҳонаси била Қўнгротға узотиб эрдилар. Борғон киши бу ҳодисадин иттило топиб, бе нили мақсуд мурожиат қилди. Ул ҳазрат бу хабар истимоидин мутаассир бўлуб, қалъаи мазкуранинг қибла дарвозасининг тақобилиға бориб, Ямғурли наҳрининг канорида кўпрук оллида баманзилаи «тоғларни тутиб тургувчи қилдик[1677]» камоли сабот ва ғояти виқор била тоғдек ором тутти. **Шеър:**

Зиҳи соҳиби саботу куҳ тамкин,
Ки бордур тоғдин ором ичра сангин.
Тутуб иш чоги туғ остида ором,
Тамаккун амрига берса саранжом.
Виқоридин ёрур тамкин чироги,
Саботидин учар Албурз тоги.

Ул чоғда ҳануз дарвоза лавҳалари дўстлар иқболидек очуқ ва душманлар яқосидек чок эрди. Баҳром савлат диловарлар ва Миррих салобат кўндовар[1678] лар ул ҳазратнинг ишорати лозим ал-башорати била дарвозаға югуруб, қариб эрдиким, шоҳиди духуллари била ул қалъа оғушин мамлу қилғайлар, ул аснода *хўжаэли*нинг *қароча* тойифасидин Ўрозоқ отлиғ бир йигит баҳодирлар вусулидин огоҳ бўлуб, дарвозани чекиб, муқаффал қилди. Муборизлар лавҳа шикоф[1679] идин қилич суқуб, ул ҳаромзоданинг синаи пуркинасин дарвоза шикофидек чок қилиб, ажалға мадхал ва жонға махраж этти. Ва амри олий мавжиби била занбурак ва шамхол ўқиға дарвоза лавҳаларин нишона қилиб «учар юлдуз қувиб етиб, ҳалок этар[1680]» саҳоми саҳмин дарвоза нигаҳбонлариға ёғдуруб, Али бой *отолиқ* била кўп кишига захми жонгузой етиб, ҳаросат аҳли[1681] дарвоза остида тура олмай, кўчаларга мутафарриқ бўлди. Ул чоғда баҳодирларнинг оташи ғазаби илтиҳоб топиб, дарвозани қаҳр ўтиға куйдуруб, ул ўт тутунининг осмонфарсолиғидин «осмон очиқ тутунни келтирадиган Кунга кўз тутинг[1682]» мафоди била ул қаронғу тунда қиёмат кунин ошкор этиб ва «у тутун баоча одамларни ўраб олар, бу аламли азобдур[1683]» мазмунин қалъа аҳлиға равшану падидор қилдилар. Ва ўт ҳиддатидин дарвозаву жуббохона[1684] вайрон бўлуб, забонаи дўзахнишона бавориқи ҳиркат била фалак хирманин хокистар қилди ва дуди шароролуд сўуд қилиб, сипеҳри кабуд ва кавокиби номаъдуддин намуд[1685] кўргузди. **Назм:**

Гардунга чекиб ул ўт забона,
Дўзах ўтидин дебон нишона.
Ишқ аҳлининг оҳидек жаҳонсўз,
Ҳажр ўти киби ҳарорат андўз.
Аъдони ҳарорати қилиб кул,

1675 1218 йил 4-жумоди-с-соний/1803 йил 21 сентябр.
1676 Истижо – сўраш, илтимос қилиш.
1677 Қуръони карим, 73 : 7.
1678 Кўндовар – ботир, жасур.
1679 Шикоф – ёриқ, тешик.
1680 Қуръони карим, 37 : 10.
1681 Ҳаросат аҳли – қўриқчи қоровуллар.
1682 Қуръони карим, 44 : 10.
1683 Қуръони карим, 44 : 11.
1684 Жуббохона – ҳарбий кийим, аслаҳа анбори.
1685 Намуд – кўриниш.

Аҳбобға шуъласи очиб гул.
Шиддатға ёлин бўлуб ҳамоғуш,
Дарвозани айлаб оҳанманқуш.
Дудеки сууд этиб ҳавоға,
Юз қоралиғ ўкротиб самоға.
Ул дуд аро беадад шарора,
Анжумға фузун қилиб шумора.

Ул қалъа акобиридин Дўсим *бий* ва Ўтақули *отолиқ* ва Ҳасанали хўжа ва Искандар *отолиқ* валади Яхшилиқ *бий* ва Ҳасанмурод сори ва ғайриҳумким, ҳар қайси ўз манзилида сияҳмасти бодаи ғафлат бўлуб, бистари хоб ва истироҳатда ётиб эрди ва бу ғулғулаи ваҳшатангез ва машғалаи даҳшатомездин бедор бўлуб, саросима ва махзулвор қасд қилдиларким, шимолия дарвозани очиб, фирор ихтиёр этгайлар. Ва Дўсим бийким, кўҳна гурги рубоҳфариб эрди, суҳон[1686] и тамкин ва миқрози таани била аларнинг силсилаи ваҳшат ва риштаи изтиробин мунқате қилиб, силки жамиатиға инъиқод берди. Ва *қулоб* жамоасиким, моддаи тамҳиди фасод ва муҳаррики занжири инод эрдилар ва ул воқеаи саҳмноквахм ваҳмидин бунёни қарорлариға ўт тушуб, Банот ун-наъш[1687] дек паришон ва мутафарриқ бўлуб эрдилар, аларни камоли ижтиҳод ва ғояти иҳтимом била ўз ҳузуриға Парвин[1688] дек жам қилиб, Ўтақули *отолиқ* ва Ҳасанали хўжани баъзи туфангандоз била қалъа кунгурида мудофааға машғул қилиб, ўзи ва Искандар *отолиқ* ва Ҳасанмурод сори ва ғайриҳумо била ҳозир бўлғон авом ва жуҳҳолни дарвозаға суруб, тош ва кесак била масдуд қилдурди. Ва *наймон амир* Аваз *иноқ*нинг аҳфод[1689] идин Муҳаммаджон ибн Мувломберди *уйдачи*ким, бағоят далер ва мутаҳҳавир йигит эрди ва фақирға қаробат ва қайиноталиғ нисбати бор эрди, ҳазрат хидев[1690] и комкорнинг фармони қазожараёни била баъзи диловарларни оташандозлиғға тарғибу таҳрис қилур эрди, ногоҳ қалъа жонибидин анга тири қазо етиб, захми муҳлак ва жароҳати коргар[1691] била дарвоза пешгоҳида кўпрук устиға йиқилди. Ул ҳазрат анинг жароҳатин марҳами иёдат[1692] и била хушкбанд қилдуруб қайтарди. Андин сўнг ноираи ғазаби иштиол топиб, ҳиммати олийнаҳмати ул амрға жоҳид ва муқтазо бўлдиким, неруи бозуи жалодат била қалъагушойлиғ роятин жилваға киргузуб, беки мазкурнинг интиқоми учун аҳли фасодға теғи бедариғ била гушмоли балиғ бергай. Баъзи давлатхоҳи самим ал-инқиёд ва хизматпаноҳи салим ал-эътиқодким, ул ҳазратнинг офтоби ҳузуриға болафшони ҳавои қурбат ва мустағриқи зиёйи суҳбат эрдилар, маърузи ройи оламорой қилдиларким, «қалъа биноси ғояти матонат ва ниҳояти ҳасонатда, дарвоза масдуд ва ўт илтиҳобомуддур. Агарчи қалъа бовужуди ҳасонат ва истеҳком сипоҳи нусратпаноҳнинг тунбоди ҳамалотининг садамотидин бир қабзаи туфроқдек барбоду инҳидом бўлур, аммо, йумканким, баъзи диловарларнинг гуҳари зотиғаким, ҳар бири шижоат бозорида жаҳон хирожиға лойиқдур, нуқсон етсаким, бу ҳазф[1693] миқдорларнинг мажмуи аларнинг хоки пойиға баҳо бўла олмас. Эмди муносиби давлат улдурким, мавкаби воло мурожиат жонибиға ҳаракат қилса.» Ул ҳазрат камоли лийнат[1694] и нафс ва мулойимати табъ иқтизосидин аларнинг мултамисин мабзул тутуб, зимоми отифатин муовидат тарафиға маатуф этти. Мойлижангал ҳудудиға етганда, Муҳаммаджон бек панжшанба кечаси ул захми жонситондин ҳақ жавориға интиқол қилди. Анинг муддати умри қирқ йил эрди.

Ул ҳазрат ойнинг еттиси[1695] да жума куни Хиваққа нузул қилди.

[1686] Суҳон – эгов.

[1687] Банот ун-наъш (ўлик қизлар) – араблар Етти қароқчи (Катта айиқ) юлдузлар туркумини шундай атайдилар. Банот ун-наъш бадиий адабиётда айрилиқ, тарқоқликни билдиради.

[1688] Парвин – бир ерга йиғилган юлдузлар туркуми. Бу ерда: йиғилишга ишора.

[1689] Аҳфод – уруғ, авлод.

[1690] Хадив – подшоҳ, ҳукмдор.

[1691] Коргар – таъсир қилувчи.

[1692] Иёдат – касални кўриш учун бориб, ҳол-аҳвол сўраш.

[1693] Ҳазф – йўқотиш.

[1694] Лийнат – мулойимлик.

[1695] 1218 йил 7-жумоди-с-соний/1803 йил 24 сентябр.

Хони жаннатмаконнииг гуҳари вужуди ҳумоюни била аморат мансабин зийнат густар ва нақши алқобн маймуни била аёлат хотамин маъмур қилмоғи

Мазомини мания айвонининг мансабороси, маонии рафия девонининг маснадпироси, аъни, қалами хушхиром бу достони мусарратиқтирон маҳомиға андоғ интизом берурким, чун *амири кабир* жалол ад-давла ва-д-дин, Абу салотини би-л-истиҳқоқ *амир* Аваз *бий иноқ навваралloҳу марқадаҳу*нинг имтидоди маразн тазоид ва иштидоди заъфи тазоиф топти, андоқким, собиқан баён килкининг рақамзадаси бўлуб эрди, умарои изом в амнои киром анинг шиддати ранж ва маоли аҳволидин шарафи вафот ва иртиҳол, асари мамот ва интиқол тафаррус қилиб, ҳазрат султони мағфур ва хоқони мабрур, росими маросими салтанат, бонии мабонии мукаррамат, қоони олийшон Элтузар Муҳаммад Баҳодирхонғаким, ул чоғда баъзи муҳиммот истикмол ва истиҳсоли учун варои Омуяға ўтуб эрди, киши юбориб, отаси ҳолидин ахбор қилдилар. Ул ҳазрат жиноҳи истижол била мурожиат кўргузуб, отасининг дийдори саодатосориға мушарраф бўлғондин сўнг ул ҳазратға отасининг мавжиби фармон ва ризомандлиғи, Фозил *бий* ва Шоҳниёз *отолиқ*нинг сайъи ва иҳтимомн ва амирзодаларнинг ижмо ва иттифоқи била валиаҳдлик мансабин таклиф қилдилар. Ул ҳазрат аввал ул амри хатирдин имтино[1696] ва истибод кўргузуб, сўнг аларнинг таважжуҳи хотирин муболаға ҳаддида кўруб, қабул қилди. Ва санаи ҳижрия минг икки юз ўн саккизда мувофиқи Тўнгуз йили, зу-л-қаъда нинг йигирма олтиси[1697]да панжшанба куниким, офтоби оламтоб Ҳут манозили[1698]да зиёбахши хонаи об эрди. **Маснавий:**

Муборак эди вақту фаррух замон,
Камоли саодатда эрди жаҳон.
Шараф буржида шамс эди жилвагар,
Вале шамсга эрди нозир қамар

– чоштгоҳ дор ал-амораи Хивақда отасининг девонхонасидаким, ул девонхона ҳоло ҳазрат подшоҳи комкор ва шаҳаншоҳи адолат шиор, носири билод аҳл ал-ислом, соҳиби қалам ва-л-ҳусом[1699], аълохоқон Абу-л-музаффар фа-л-фатҳ Муҳаммадраҳим Баҳодирхонға меросдин ихтисос топибдур, ул ҳазрат беклик рутбасидин уруж[1700] қилиб, жамшиди хуршид янглиғ эморат авжиға иртифо топти ва аёлат маншурин торики муборакиға санчиб, ҳукумат хотамин кафи кифоятиға олди. Мамлакат умуриға мутасадди ва салтанат уҳудиға мутааҳид бўлуб, партави алтоф ва шуои аътофи била дор ал-амора сукконининг дидаи умид ва замири саодат мазидларин равшану мунаввар қилди. Ва фармонфармолиғ кўси навбатин даргоҳи давлатпаноҳида фалак навбатзани навозишға киргузуб, садои тантана била «бу улуғ давлатдан белгидир[1701]» башоратин мало ал-аъло сойирлари[1702]ға ва жирми ғабро сокинлари[1703]ға гушзад[1704] қилди. **Назм:**

Фалак бу муждадин айлаб тафохур,
Севинчиға кавокибдин сочиб дур.
Замона айлаб изҳори мабоҳот,
Жаҳон хуррам бўлуб ҳайҳот-ҳайҳот.
Келиб иқбол эшигидин таҳния[1705] тгўй,
Жаноби хокиға давлат қўюб рўй.

[1696] Имтино – тийиниш.
[1697] 1218 йил 26-зу-л-қаъда/1804 йил 9 март.
[1698] 20 феврал – 22 март оралиғи.
[1699] Ҳусом (кўп.: ҳисом) – қилич.
[1700] Уруж – кўтарилиш.
[1701] Ҳадисдан.
[1702] Улуғ фалакда сайр қилувчилар.
[1703] Жирми ғабро сокинлари – ер юзи, ер куррасида сокинлар.
[1704] Гушзад – қулоққа етказиш, қулоқ қонди қилиш.
[1705] Таҳният – табрик.

Ва Сарвар шоир бу таърихни айтиб эрди. **Таърих:**

Сарвари динпаноҳи олийқадр,
Элтузар бий иноқ *чархи ҳашам.*
Олти ўтмиш эди йигирма даги,
Шаҳри зи-қаъдадин на бешу на кам[1706].
Топти рифъат аморат авжи уза,
Хивақ ичра чу наййири аъзам.
Килки Сарвар бу амр таърихин:
«Сарвари аҳли Хивақ» этти рақам.

Бу воқеадин беш кун инқизо топғондин сўнг душанба куни ғурраи зу-л-ҳижжа да волиди бузургвори *амири кабир* Аваз *бий иноқ* марҳумий вафот топиб, анинг такфину тажҳиз ва тадфину таъзиясидин ва подшоҳона обу-ош садақотидин ва каломуллоҳ хатамотидин фароғ топғондин сўнг девонхонаи олийға чиқиб, аркони давлат ва аъёни ҳазратға борини берди ва партави илтифотин умури мамлакат ва маҳоми ҳукумат иштиғолиға солиб, умарои изом ва ҳуккоми зуллэҳтиромға бурунғи маротиб ва маносибин муқаррар тутуб, балки иртиқои мадориж ва издиёди вазоиф била мумтоз ва малбусоти заркор ва инъомоти бисёр била сарафроз қилди. Фуқаро ва масокиннинг муфориқи аҳволиға сояйи Ҳумой раафатин солиб, эълои аъломи адл ва ижройи аҳкоми шаръ била маросими зулм ва қавонини бидъатни бартараф қилди. **Шеър:**

Айни иноятдин ўлуб нурпош,
Мулки жаҳон ичра нечукким қуёш.
Шафқатини элга қилиб комбахш,
Хоса ки фақр аҳлига инъомбахш.
Зулму бидъа расмин этиб мунзавий,
Шаръ била адлни айлаб қавий.
Ўгри қўлин қатъ этиб эл молидин,
Роҳрав[1707] *иймaн бўлуб иқболидин.*

Ва *явмут* авбошиким, шарорати жибиллий ва залолати фитрий ҳаракатидин *амири кабир* Аваз *бий иноқ*нинг аснои интиқолида мамолик атрофиға дасти татоввул узотиб, баъзи фуқаро ва раоёнинг амволин сирқа ва таадди расми била олиб эрди, ул ҳазрат алардин танбеҳи балиғ била истирдод ва мутолиба қилиб, аларни уқубат зиндониға маҳбус қилди. Ва истилои аъломи шавкат ва истиксори адои давлат учун ўз ҳазратиға махсус заррин туғи хуршид фуруғ ясаттиким, анинг моҳичайи дурахшандасиға минг мисқол олтун сарф бўлуб, жавоҳири гаронмоя била зийнат ва пироя топти. **Назм:**

Бўлуб чўби иқбол шамшодидин,
Зафар боғининг сарви озодидин.
Ва лекан бўлуб симу зар ичра гарқ,
Санам қадди янглиг қадам то ба фарқ.
Бўлуб маҳичаси меҳри рахшон киби,
Демай меҳр, ойинаи жон киби.
Бўлуб жилвагар анда гулгун ялов,
Анингдек ки елдин ёлинлиг олов.

Ани тафаулан[1708] «Ливои зафар»ға мавсум қилдиким, анинг таърихи ҳам андин мустанбат бўлур. Яна нуқраи хомдин тўрт байдақи симин ясатиб, тўрт тўпа ўзбакка тахсис тутти.

[1706] 26-зу-л-қаъда.
[1707] Роҳрав – йўловчи.
[1708] Башорат қилиб.

Йимроли тойифасининг сабаби мухолифати ва мавжиби муонидати. Хони жаннатмаконнинг алар таадиби учун наҳзат ливосин ҳарактға киргузуб, ул тийрарўзгорлар муҳосира тангноиға тутулмоғи ва алар ҳазрат аълохоқонийнннг домани ҳнмоятиға чанги истимон уруб, вартаи ҳалокатдин қутулмоғи

Саҳифа майдонининг тозандаси, жарида унвонининг тарозандаси, аъни, қалам шаҳсувори бу намиқаи бадиа тасхириға андоғ ҳаракат қилурким, Хуросон *тарокима*сидин *йимроли* жамоасиким, ўз шароратларининг касофатидин бовужуди қуллати адад *така* тавойифиғаким, қадим ал-айёмдин ҳамсоя ва махзумлари эрди, мухолифат оғоз қилиб, муддати мадид маросими қиттол ва лавозими жидол ораларида қойим бўлуб, охириламр, мухолифат шоматидин мағлуб ва мақҳур бўлдилар. Манозил ва масокинларин *така* жамоасининг дасти тасарруфиға солиб, муддати мадид ва аҳди баид саргашталик баворисиға қадами тараддуд уруб ва оворалиғ саҳросиға маркаби мусофират суруб, шарорати зот ва разолати сифот жиҳатидин ҳеч мавзеда мақом, балки, ором тута олмай, оқибат *амири кабир* Аваз *бий иноқ* марҳумийнинг айёми фархунда фаржоми ва авони хужаста анжомининг авохирида Хоразм диёриға рахти иқомат чекиб, Хўжаэли тавобеотидин *кенагас* мулкида Амонқули ариғининг қироғида мутамаккин бўлуб эрдилар. Амири мазбурнинг аснои вафотидаким, ҳануз ҳазрат подшоҳи ғуфронпаноҳ, шаҳаншоҳи раҳматжойгоҳ Элтузар Муҳаммад Баҳодирхон мамлакат умурининг интизомиға партави отифатин солмайдур эрди, тойифаи мазкура, яъни *йимроли*нинг арозил ва авбоши *хўжаэли* уруғидин Оллоҳназар Баҳодирнинг *сардор*лиғи била Эрдор йўлиға бориб, Бухоронинг Ўрусдин келатурғон корвонинким, филҳақиқата ганжи равон ва хазинаи бекарон эрди, қитто ут-тариқлиғ тариқаси била ғорату торож қилиб, баъзи тужжорни қатлға еткурдилар ва бажақийниким, фаранг тиллосидиндур, бағоят холис ва комил ал-аъёр[1709] дур, жом ва сепар[1710] била тақсим қилиб, амтаа[1711] и латифа ва ақшама[1712] и нафисағаким, ажноси фарангий ва дебо[1713] йи хитоий эрди, ҳеч ким илтифот қилмади. Ва Оллоҳназар Баҳодирға *сардор*лиғ жиҳатидинким, икки ҳисса бажақий берилиб эрди, андин «бажақий» лақаби била шуҳрат тутти. Бу жиҳатдин Бухоро *волий*си Мир Ҳайдар подшоҳ ўз ақрабосидин Абдуллоҳ бек ва миракон содотидин Подшоҳ Азиз садрниким, Аваз *иноқ* фавтининг таъзияти ва ул ҳазрат эморатининг таҳнияти учун фотиҳахонлиғға юбориб, алар била ихлоснома ирсол қилиб, илтимос эттиким, Бухорий тужжорининг амволин *йимроли* раҳзанлардин истирдод қилиб, соҳиблариға топшурсалар, дўстлиғ ва иттиҳоддин йироқ бўлмағай. Ул ҳазрат анинг бу илтимосин мабзул тутуб, *йимроли*ға киши юбориб, амволи мазкурни талаб қилди. Алар зар муҳаббатидин қадамфарсойи водии залолат ва адоват бўлуб, бермакдин ибо ва истибод кўргузуб, борғон кишини бе нили мурод қайтардилар. **Қитъа:**

Зар ки сармояйи жоҳу шарафи дунёдур,
Нужабо хайлигадур мужиби асбоби ҳузур.
Лекин ул суфлаи дунларга муяссар бўлса,
Бегумон бордур аларга сабаби кибру ғурур.

Бу ҳодисаи муваҳҳаша тунбодидин ул ҳазратнинг ноираи ғазабиким, аъдои давлатнинг хирмани аъмориға барқи бало эрди, илтиҳобу иштиол топиб, сипоҳ иҳзори учун мамолики маҳруса атрофиға баҳромсавлат тавочилар юборди. Осафи замон, соҳиби девон, *вазири аъзам*, дастури мукаррам, низом ал-мулк ва-д-дин Юсуф *меҳтар*ни мамлакат ҳаросатиға тайин қилиб, санаи минг икки юз ўн тўққузда муҳаррам ал-ҳарамнинг йигирма олти[1714] сида якшанба куни кавкабаи каёний ва дабдабаи сосоний[1715] била мустақарри жалолатдин наҳзат қилиб, Оққум ҳудудида Омуя соҳилин музриби хайёми майманатанжом ва

[1709] Асл тилло.
[1710] Сепар – қалқон.
[1711] Амтаа – мато.
[1712] Ақшама – ипак газлама.
[1713] Дебо – нафис ипак.
[1714] 1219 йил 26-муҳаррам/1804 йил 7 май.
[1715] Эроннинг қадимги Каёний ва Сосоний сулолалари подшоҳлари ҳашаматига ишора.

муаскари асокири нусратфаржом қилди. Ул мавзеда тўрт кун сипоҳ ижтимои учун макс ва таваққуф воқе бўлди. Ва жума куни ғурраи шаҳри сафар[1716]да ул манзилдин рукуб қилиб, лашкари жаррор ва сипоҳи хунхор била дарёйи заххор[1717] ва фалаки даввордек ул тийрарўзгорлар жонибиға ҳаракат кўргузди. **Маснавий:**

Бўлуб рокиб кумейт[1718]и бодпога,
Қуёш андоқки шабдизи самога.
Бўлуб зоти сипоҳ ичра намоён,
Нужум ичра нечукким моҳи тобон.
Боши узра ливои нусратафзо,
Бўлуб кун рояти янглиг фалаксо.
Саодат бирла қатъ айлаб мароҳил,
Анингдекким қамар манзил-баманзил.
Юрурда мавкабининг тийра гарди,
Қилиб кунни фалакдек ложувардий.
Қилиб чун манзиледа хийма барпо,
Бўлуб шаҳри ҳамул манзилда пайдо.

Бу тариқада теғи азимат била қатъи масофат қилиб, Сўвганли қироғин мавкаби маймун ва аскари ҳумоюннинг баҳори вуруди майманатҳусул ва насими нузули мусарратвусули била гулистони хулди барин ва рашки нигористони Чин қилди. Чун мутамарридлар бу воқеаи ҳойила ва ҳодисаи ғойилани ўзларининг шаънида мушоҳида қилдилар, ғафлат мастликидин ҳушёр, залолат уйқусидин бедор бўлуб, Галдихон бошлиғ ул элнинг акобир ва ашрофи тазарру доманиға дасти истимон уруб, дарбори фалак миқдорға киши юбордиларким, «ул ҳазрат мулозимларининг авомир ва навоҳисиға муте ва фармонбардормиз. Амволи мазкурни жам қилиб, бандалик мавқифиға борурмиз.» Мавкаби воло бу жиҳатдин ул мавзда бир неча кун мутаваққиф бўлуб, айёми таваққуфда амирзодаи изом ва бекзодаи зулиэҳтиромларким, бу сафарда мусоҳиби ҳазрат эрдилар, подшоҳона садоқ тўйи[1719] бериб, ҳазрат хони мағфурға ҳар қайси ўз ҳолиға кўра шойиста хизматлар ва писандида зиёфатлар қилди. Заррин рикоб, мурасса лижом жанибат тортиб, *хитой*и нажод паричеҳра қулларни жиловдорлиғға тайин этиб, ул ҳазратнинг инояти хусравона ва мароҳими бекаронасидин баруманд[1720] бўлдилар. Хусусан, ул жумладин ҳазрат султон соҳибқирони гитийстон ва аълохоқони гардунмакон ал-мухтасс би иноят ал-малик ал-маннон, муизз ад-давлат ва-д-дин Абулғози Муҳаммадраҳим Баҳодирхон *халладуллоҳу мулкаҳу* суре подшоҳона ва жашне хусравона тартиб бердиким, анинг васфин тафсилан зикр қилмоқдин тил қалами лол ва қалам тили гўнги мақолдурким, агар юз минг котиби аторуд рақам қарнлар анинг шарҳиға қалам сурса мутаазирдурким, тамҳид ифтитоҳидин ўта олғай. Филжумла, анинг зикрин қалами мўъжазбаён ажз юзидин ижмолан бир неча абёт тараннуми била рутб ал-лисон қилур. **Назм:**

Бўлуб жашне мураттаб хусравона,
Ки андоқ кўрмайин чашми замона.
Муҳайё анда х(в)он имкондин ортуқ,
Неким имкондин ортуқ, андин ортуқ.
Табақлар айлабон саҳро юзин танг,
Тўла турлук таом ранг-баранг.
Музаъфар қурс ила ҳалвои қандин,
Алар завқи била жон коми ширин.

[1716] 1219 йил 1-сафар ойи/1804 йил 12 май.
[1717] Заххор – тўфонли, тошқин.
[1718] Кумейт – от.
[1719] Садоқ (ўқдон) тақа олиш, яъни ўқ-ёй ота олиш ёшига етганлик тўйига ишора.
[1720] Баруманд – кучли, бой.

Ададдин кўп фаввока бирла неъмат,
Бериб барча мазоқ жонда лаззат.
Басе косоти заррин бирла чиний,
Ки билмай ақл аларнинг қийматини.
Бўлуб лабрез ҳайвон шарбатидин,
На шарбаткім, алазз жон шарбатидин.
Алардин нўш этиб аркони давлат,
Муқарриблар била аъёни ҳазрат,
Олиб баҳра асокир аҳли яна,
Топиб лаззат алардин жовидона.
Ҳануз ул ерда айлар ёғ ила нўш,
Тўкулган ошу шаҳд осоридин жўш.

Чун зиёфат амридин фароғ ҳосил бўлди, оқосининг мулозиматиға бир бодпой бодияпаймо тортти-ким, ваҳм якронидек суръатпардоз, кўнгул тавсанидек барқтоз эрди. **Шеър:**

Қайу бораким тавсани тез так,
Жасоматда монанди рахши фалак.
Эди чу заҳр думу гулгун тароз,
Фалак сайру хоро сўмму барқтоз.
Кўз очгунча айлаб фалакда хиром,
Қўюб кўзни юмгунча ер узра гом.
Яроғи била наълидин то фарқ,
Бўлуб меҳр янглиғ тилло ичра ғарқ.

Ва Муҳаммадали отлиғ бир ғуломи *хуросоний* юл-асл сийминбару парипайкар жиловдорлиғға тайин қилдиким, **назм:**

Турфа қулким, ҳусн бозори аро,
Бўлгудекдур Юсуф анинг бандаси.
Шамъи рухсорини очса ногаҳон,
Офтобу ой бўлур шармандаси.
Жилва қилса қомати зебо била,
Сарв ила шамшод ўлур афкандаси.
Юз тирикни ҳар нигоҳи ўлдуруб,
Минг ўлукни тиргузур ҳар хандаси.
Сунбул тар зулиға ташбеҳ ўлуб,
Моҳи навдур қошининг монандаси.

Хони мағфур дағи булар муқобиласида ул ҳазратға ўзгача илтифот ва иноёт тақдимға еткурди. Сур ва сурур фароғидин сўнг ҳазрат хони мағфур «ким мақбараларни зиёрат қилса, оллоҳи таоло барча қадамини суннат ибодатлари қаторига ёзади[1721]» ишорати била ҳазрат Шамъун алайҳиссаломнинг мақбараи мутабаррикасининг доя[1722]йи зиёрати учунким, Хўжаэли навоҳисида Миздаҳқон қайирининг устида воқедур, баъзи қусас[1723]да ул ҳазратни ҳавориюндин тутубдурлар ва баъзи таворихда Самсун обид битибдурлар, ихлос юзидин иродат қадмин саодат рикобиға қўюб, саманди бодияпаймоға рукуб қилди. Ва аъдои давлатнинг хотири хабосаттаъсир ва замири залолаттахмириға раабафканлик[1724] тақозоси била Хўжаэли ҳисорининг дарвозаси пешгоҳидин Ямғурли наҳрининг канори била ўтуб, ҳазрат Шамъ-

[1721] Ҳадис.
[1722] Доя – истак, ният.
[1723] Қусас – қиссалар.
[1724] Раабафканлик – қўрқув-ҳадик солиш.

ун набининг марқади шарифи зиёратиға мушарраф бўлуб, замири саодатназири таидоти илоҳий руҳоний била фуюзоти ғайбий ва футуҳоти лорайбийдин муфаййиз ва баҳраманд бўлди. Ул аснода Хўжаэли тарафидин ҳазрат қутб ал-авлиё ва фахр ал-атқиё, саййид ал-орифин, муршид ас-соликин, шамс ал-миллат ва-д-дин саййид Турсун хўжа эшон *маддаллоҳу зилола иршодиҳи ала рууси-т-толибин*нинг фарзанди аржуманди Муҳаммадшариф хўжа маакулот ва машрубот ва пешкаш ва тансуқот била келиб, *хўжаэли*нинг аризадошти ихлос ва эътиқодларин изҳор ва эълом қилди. Ул ҳазрат хўжаи мушорилайҳга ул остонаи мутабаррика назуротининг таваллиятин шафқат қилиб, мароҳими хусравона ва авотифи бекарона била сарафрозлиғ еткурди. Ва тариқаи шикорандозлиғ била муаскари ҳумоюнға муовидат кўргузуб, кирёси гардун асосға нузул қилди. Ул ҳолға муқорин бир кеча ямут ашроридин Муҳаммадниёз кўрча *сардор* ва Оқмуҳаммад сўфи оқсоқким, ҳар бири яккатози майдони шамотат ва гарданафрози гарибони вақоҳат эрди, мавкаби володин жудо бўлуб, *йимроли* орасиға бориб, иғвои қабоҳатинтамо ва иғрои шароратуттаво била ул гуруҳи залолатпажуҳниким, заруратдин домани итоатға дасти тамассук уруб эрдилар, аларға имдод ва ионат ваъдаси қилиб, янгидин роятафрози мухолифат қилди. Ҳазрат хони мағфур талияйи субҳдин сўнг Кот *ҳокими* Тангриберди бекни ул тийрарўзгорларнинг таҳдид ва таҳзири учун сафорат расми била юборди. Алар ул икки ғови[1725] и шўрбахтнинг васваса ва сеояти билаким, «инсонлар дилига васваса соладиган шайтон[1726]» аларнинг шаънида нозилдур, беки мазкурни тутуб, қалъа ясамоққа ва хандақ қозмоққа иштиғол кўргуздилар. Ул ҳазратнинг нойираи қаҳри бу ҳодиса хабарининг тунбодидин жаҳонсўз ва илтиҳоб афрўз бўлуб, ул мутамарридларнинг таъдиб ва гушмоли учун сўнгғи кун рукуб қилди. Ва *амир* Вали *отолиқ*ни *қангли-қипчоқ* сипоҳи била муқаддамат ал-жайш[1727] қилиб, *найман* Эшим Баҳодирни баъзи шужаои номдор била илгари юбориб, чаповулға маъмур қилди. *Йимроли* атрофин тохту-тоз қилиб, мутамарридларнинг кўнгулларига «Билдирмай келиб, дилларига қўрқинч солди[1728] мафоди била рааб солиб, тафовути фоҳиш еткурдилар. Ул чоғда хони мағфур кавкабаи тамом ва дабдабаи молокалом била келиб, қалъанинг атрофин қабаб, суфуфи нусратвуқуфни ораста қилди. **Маснавий:**

Бўлуб саф басаф жейши нусрат паноҳ,
Қилиб душман атрофини жилвагоҳ.
Чекиб гурдлар интизори набард,
Қилиб йиллар отини майдоннаворд[1729].
Суруб лашкар аҳли алоло солиб,
Таҳассун эли ичра гавго солиб.
Тўфанг огзини қалъа сори очиб,
Даҳони аждаҳо янглиг ўтлар сочиб.
Жазоир била занбурак тортиб ун,
Жаҳонга тўлуб андин ўту тутун.
Тушуб зилзила қалъа арконига,
Вале ўт ҳисор аҳлининг жонига.

Ул аснода *манқит* акобиридин аморатпаноҳ Бобо *отолиқ* ва фақирнинг оқоси садоқатогоҳ Муҳаммадниёз *мироб* ва Хонқоҳ *ҳокими* хизмат дастгоҳ Оллоҳназар бой Хонқоҳийға мавқифи жалолдин, фармони лозимилизон иззи асдор[1730] топтиким, Хонқоҳ сипоҳи бошлиғ қаро черик аҳлиға саркуб[1731] кўтартсунлар. Маъмури мазбурлар фармон мавжиби била қалъанинг ғарбий-жанубий тарафида қалъаға муш-

---

[1725] Ғовий – иғвогар.
[1726] Қуръони карим, 114 : 4 – 5.
[1727] Қўшиннинг олд (авангард) қисми.
[1728] Қуръони карим, 59 : 2.
[1729] Майдоннавард – майдонни босиб ўтувчи.
[1730] Асдор – содир бўлиш, чиқиш.
[1731] Саркуб – иҳота ва ҳамла тепалиги.

риф[1732] ер муқаррар қилиб, коргузор ва ҳашарийларнинг устиға баҳромсавлат муҳассиллар, зарғомсутувват[1733] мувакқиллар тайин қилиб, жаҳди мавфур ва сайъи машкур тақдимға еткуруб, мазкур бўлғон ерда туфроқ ва хошок била оз фурсатда саркубе барпо қилдиларким, устиға чиқғон кишига қалъа аҳли оёқ остида мушоҳида қилилди. **Назм:**

Бўлуб саркуби андоқ рифъати аъло,
Ки ҳамсарлик қилиб гардунга даъво.
Кўрунуб чун наззора айлаб ани,
Адувларга балои осмоний.
Бўлуб аъдо ўза саркуби зиллат,
Вале аҳбобға меърожи нусрат.

Қодирандоз[1734]ларким, қоронғу кечада мўри сиёҳнинг кўзин нишона қилиб, хатосиз урар эрдилар, ишорати аъло била саркуб авжиға уруж қилиб, тўфанги раъдовоз ва шамхоли душмангудозлар гулула[1735]сидин муонидларнинг фарқи ҳаётиға «улар (юлдузлар)ни шайтонларга отиладиган тошлар қилдик[1736]» фаҳвоси била барқрезлик ва соиқа[1737]борлиғ қилдилар. **Шеър:**

Бўлуб ҳар ўқ ки милтуқдин ҳавола,
Чиқариб бағий элидин кўкка нола.
Ёғиб барқи балиёт осмондин,
Инод аҳли етиб жониға андин.
Етиб баъзиға андин захмкорий,
Бўлуб баъзи адам сори фирорий.

Алғараз, муонидлар ўзларин беш тарафдин навоири вағо ва савоиқи бало ўртасида мубтало кўруб, Галдихон кўрким, ул жамоаи муфсиданинг улуғи эрди, баъзи акобир била нажот мусолиҳида муттафиқ бўлуб, Тангриберди бекниким, тутуб сақлаб эрдилар туҳафоти хушу ва тансуқоти хузу била ул ҳазратнинг мулозиматиға юбориб, омон тиладилар. Ҳазрат хони мағфурким, ул жамоаи муфсиданинг беадабликларидин бағоят хашмнок бўлуб эрдилар, аларнинг синаи илтимосиға дасти рад уруб, тунбоди қаҳри била ул шўрбахтларнинг завроқи аъморин ғарқи гирдоби бало қилмоқ учун дарёйи лашкари нусратасарни муталотўм ва матароким қилди. Ва сони ал-ҳол Галдихон ақл раҳнамунлиғи била *йимроли* бекларидин Саййидназар бекни юбориб, ҳазрат хоқони аъзам ва султони акрам, малозии аҳлилиймон, боис ал-амн вал-омон Абу-л-музаффар фа-л-фатҳ Муҳаммадраҳим Баҳодирхоннинг урваи ҳимоятиға дасти истимон уруб, убудият туфроқиға жавоҳири ажзу лаолии инкисорни нисор қилдилар. Ул ҳазрат айни иноят ва маҳзи мурувватдин аларнинг жароими қадима ва авосими жадидасин оқосидин шафоат қилиб, мавжиби ишорат била қалъа пешгоҳиға тушуб, Галдихон бошлиғ *йимроли* акобири ул ҳазратнинг пойбўслиқиға мушарраф бўлуб, Муҳаммадниёз кўрча била Оқмуҳаммад сўфиниким, муҳаррики силсилаи фасод эрдилар, мағлул ва мусалсал[1738] қилиб, ул жаноб мулозимлариға топшурдилар. Ул ҳазрат аларни армуғони вофир ва тансуқоти мутакосира била оқосининг рикоб бўслиқиға еткуруб, янгидин кўҳна гуноҳларин тилаб, ҳазрат хони мағфур дағи ул ҳазратнинг риояйи хотирин пос тутуб «афв Оллоҳ олдидаги яхши ишлардандир[1739]» муқтазоси била гуноҳларидин ўтуб, аларни ҳазрат аълохоқонийға навкарлик ихтисоси била сарафроз қилди. Андин сўнг ҳазрат аълохоқоний оқосининг ишорати била ул элни

[1732] Мушриф – яқин.
[1733] Зарғомсутувват – довюрак.
[1734] Қодирандоз – ўқчи.
[1735] Гулула – милтиқ ва замбаракдан отиладиган ўқ.
[1736] Қуръони карим, 67 : 5.
[1737] Барқ ва чақмоқ – чақмоқ ва момоқалдироқ.
[1738] Занжирлаш.
[1739] Ҳадис.

кўчуруб, ямут орасида Оқсарой ва Музкўмган ҳудудида аларға сукно ва маъво тайин қилди. Ва хони мағфур бир неча кун дарё қироғида шикор қилиб, шаҳри сафарнинг йигирма иккиси[1740] да жумъа куни фатҳу ферузмандлик била дорулэмораи Хивақға нузул қилди. Бир неча кундин сўнг умарои изомнинг шафоати била ул икки мудаббири ҳақ ношинос, яъни Муҳамманиёз кўрча ва Оқмуҳаммад сўфининг гуноҳлариға пардаи ағмоз чекиб, қайду ҳабсдин халос қилди. Ва Бухоро амволин *йимроли*дин истирдод қилиб, Абдуллоҳ бек ва Подшоҳ Азиз садрга топшуруб, Худойберди *иноқ*ни аларға қўшуб, элчи қилиб юборди. Бухоро *волий*си Мир Ҳайдар миннат қилмоқ муқобиласида бемаъни сўзлар айтиб, Мирзо Абдулхолиқ набатником, Бухоро афозилидиндур, рисолат расми била юборди. Хони мағфур бу жиҳатдин бағоят ранжида хотир бўлуб, мирзоға хуш жавоб айтмай, ваҳшатомез сўзлар била қайтарди. Аларнинг орасида аввалғи кудурат бу эрди.

Содиротиким, йимроли фатҳидин сўнг мустақарри жалолатда хони жаннатмакондин вуқуға етти, аларнинг зикрида

Ул жумладин буким, маросими зулм ва қавонини бидъаким, милали мутафарриқа ва мазоҳиби мухталифада аснофи умам оллида ақлан ва шаръан, ҳилман ва ҳақиқатан мазмум ва майшумдур, Абулғозихон ибн Арабмуҳаммадхоннинг айёмидин, балки, Чингизхоннинг истилосидин бери Хоразм диёрида батариқаи истимрор[1741] шое ва жорий бўлуб, салотини бадкеш ва умарои зулмандешнинг вазоиф[1742] ва марсумоти фуқаро ва раоё амволидин муқаррар эрди. Ва ҳар ким ўз олдиға таҳаккумот ва тасаллутот[1743] расми била фуқароға солғут солиб ва бегор[1744] қилдурур эрди. Ҳазрат хони мағфур «оллоҳнинг яратганларига шафқат қилинг[1745]» далолати била залама[1746] татовул[1747] ин фуқародин кутоҳ қилиб, истеълои ливои адолат ва истрифои рояти сиёсат[1748] била зулми сариҳа ва бидъати қабиҳа осорин арсаи рўзгордин маъдум ва мактум қилди. **Байт:**

Чу ул қилди олам аро адлу дод,
Раоёга зулм айлади «хайр бод»

Яна бири улким, дастор ва амомаким[1749], тожи муҳаммадий ва суннати аҳмадийдур, ул суннат иҳё[1750] сиға кушиш қилиб, шайху шобу хосу омға фармони вожиб ал-изъон нофиз бўлдиким, дастору амома кийсунлар. Ложарам, уч кун муддатда Хоразм мамоликида киши қолмадиким, тожи муҳаммадий била сарафроз бўлмамиш бўлғай.

Яна бири Бекпўлод *отолиқ*нинг қатлидур. Ул *уйғур* қабоилидин *қўтур* табақасининг акобиридин Вайис бойнинг ўғлидур. Ва Муҳаммадамин *иноқ*нинг тарбият ва тақвияти била мадорижи ақсо ва маротиби аълоға иртифо топиб, сипаҳдор ва жумлатулмулк бўлуб эрди. *Амир* Аваз *иноқ* дағи отаси дастурида ани улуғлаб, қадим ал-хизматлиғ ҳуқуқин риоя қилиб, гўстохона ишларин назари эътиборға илмас эрди. Ул дағи давлат далолати била ўз ҳаддидин тажовуз қилмай, анинг хизматида аъдои давлатға қиличлар уруб, жонлар чекти. Чун мулк ихтиёрининг зимоми ҳазрат хони ғуфрон нишоннинг қабзаи иқтидориға кириб, умарои зулмандешни ҳайф ва бедод умуридин мамнуъ[1751] қилди, анга бу иш бағоят шоқ ва гарон

[1740] 1219 йил 22-сафар/1804 йил 4 июн.
[1741] Истимрор – эзиш, эксплуатация қилиш.
[1742] Вазоиф (вазифа) – ойлик, маош, нафақа.
[1743] Ҳар кимнинг ўзича зўравонлик ва зулм ўтказиши.
[1744] Бегор – закот тариқасида текин ишлатиш солиғи.
[1745] Ҳадисдан.
[1746] Залама – золимлар.
[1747] Татовул – зўравонлик.
[1748] Адолат байроғини баланд кўтариш ва сиёсат (давлат юргизиш) байроғини чўққига чиқариш.
[1749] Дастор, амома – салла.
[1750] Иҳё – тирилтириш, тиклаш.
[1751] Мамнуъ – маън, таъқиқ.

келди ва жаҳолат ғалабасидин афъол ва хисоли тағййир топиб, густохлиқ ва беадабликлари музоиф бўлуб, балки хони мағфурнинг адлу сиёсатин «ҳақиқатдан ҳам бўлмайдигани бўлди[1752]» санаб, масолики зулм ва тароиқи татовулдин залолат қадамин чекмади. **Байт:**

Улки зотида анинг зулму ситам қилса ҳулул,
Мумкин эрмас ки анга адл иши тушгай мақбул.

Бу жиҳатдин ул ҳазрат андин озурда хотир бўлуб, анга зулм ва бедод қилмоқдин мамонеат[1753] кўргузди. Ул мамнуъ[1754] бўлмай, жаҳолат ва залолати исён ва адоватға мунжар[1755] ва мубаддал бўлуб, хуфиятан хони мағфурнинг шиква ва шикоятин вирди забон қилди. Бора-бора ул ерга еттиким, фитнаву фасод турғузмоқ мақомида бўлди. Бу муддао тамҳид[1756] и била кичик ўғли Муҳаммад Ўроз бекдин бошқа барча ўғлонларин асбоби фасод ва асосаи инод таҳҳияси учун Уйғурға юборди. Саййидмурод *иноқ уйғур*ким, *ойноқ* жамаосининг акобиридиндур, анинг бу рози сарбаста[1757] сидин огоҳлиқ топиб, хони мағфурнинг ҳузурида анинг хаёли фосид ва андешаи беҳудасин далоили қотеа ва буроҳини сотеа била равшан ва мубарҳан қилди. Ложарам, ул ғазратнинг дарёйи хашми бу хабар тунбодидин мутамаввиж ва муталотўм бўлуб, анинг кешти[1758] и ҳаётининг тағриқин важҳати ҳиммат қилди. **Назм:**

Кимки махзумиға хилоф қилур,
Қуллуқ амрида ихтилоф қилур.
Истаб аҳлоки нафс мазмумин,
Душман айлар ўзига махзумин.

Санаи мазкурада жумоди-л-охирнинг олтиси[1759] да бомдод намозининг адосидин сўнг *отолиқ*и мушорилайҳ кўрунуши олийға келиб, отдин тушарда ишорати воло била олтун жиловлардин Муҳаммадамин булбул ва Қандим *сардор* икки паҳлу[1760] сидин ханжари обдор била шикоф очиб, тойири руҳин қафас қолибидин қутқардилар. Ул ҳазрат анинг авлодин тутдурмоқға Саййидмурод *иноқ*ни Уйғурға буюрди. Йўлда ул сустлиқ қилиб, ҳануз Уйғурға дохил бўлмайдур эрди, *отолиқ*и мақтулнинг жиловдори анинг авлодиға хабар еткурди. Алар ва Тожи *отолиқ* ибн Вайис бойнинг ўғлонлари Раҳматқули бек бошлиғ ва Шер *нойиб* ва Эшмуҳаммад *доруға* ва Жаҳонгир бек валади Аббосқули *отолиқ* ва ғайриҳум авлоди ва мулозимлари била қирқ-эллик киши бўлуб, Уйғурдин чиқдилар ва Омуядин убур қилиб, Бухороға Мир Ҳайдар подшоҳнинг олдиға бордилар. Маълум бўлсунким, *отолиқ*и мушорилайҳнинг авлодининг асомиси булардур, андоқким: Муҳаммадниёзбек ва Муҳаммадқулибек ва Отониёзбек ва Яхшимуродбек ва Муҳаммадмуродбек ва Одамбек ва Муҳаммад Ўрозбек. Бу Муҳаммад Ўрозбек тутулуб, муддати мадид ҳабсда ётиб, баъзи ашрофнинг васила шафоати била махлас топти. Ва ўзгаларининг ҳолоти ўз мавридида зикр қилулур, иншоаллоҳи таоло.

Явмут ва йимроли ашроришнг мухолифат амрида муттафиқ бўлуб, залолат водийсиға йўл бошқормоғи ва хони мағфиратпаноҳнинг алар таадиби учун сипоҳ тортиб мамлакатдин чиқормоғи

Маонии бадиа кишварининг соҳибқирони, мазомини рафиа майдонининг шўхжавлони хомаи сеҳртароз бу нав мўъжизапардозлиғ оғоз қилуркким, *тарокима* табақотидин фирқаи *явмут*ияким, шарорати зот ва ризолати сифот[да] абнои жинсидин мумтоз ва мустасно ва таҳаввуру тасаллубда аснофи бани

[1752] Араб халқи ҳикмати.
[1753] Мамонеат – қаршилик. Бу ерда: тартибга чақириш.
[1754] Мамнуъ – бу ерда: тийиниш, ўзига манъ деб билиш.
[1755] Мунжар – айланиш, бориб етиш.
[1756] Тамҳид – тайёргарлик
[1757] Рози сарбаста – яширин сир.
[1758] Кешти – кема.
[1759] 1219 йил 6-жумоди-л-охир/1804 йил 12 сентябр.
[1760] Паҳлу – ён томон.

Одам орасида мумилайҳ ва ангуштнамодур, уч табақаға муншааб бўлур. Икки табақа «*чуни шараф*»ға мавсумдур. Аларни қаро шол киймак жиҳатидин «қаро чўқа» дерлар. Ул жамоа *қизилбош*ға итоат қилиб, Хуросон ҳудудида Билқон[1761] тоғида ва Гургон атрофида мутамаккиндурлар. Ва бир табақа «*байрамшоҳлу*» исми била машҳурдур. Булар дағи бурунлар Билқон ва Гургон ва Атрак ҳудудида мутаваттин эрдилар. Шерғозихон замонида Шоҳтемурхон ва Шердоли *бий*нинг туғёни жиҳатидин *амир* Эшмуҳаммад бийи шаҳид бу жамоани Хоразмға келтуруб эрди. Ва Нодиршоҳ келганда яна қадимий ватанлариға бордилар. Андин сўнг карратан маррот келиб, яна ихрож қилилди. Муҳаммадамин *иноқ* ҳам юртдин овора қилиб, Бобо бекнинг воқеасида яна келтуруб, Оқсарой ва Музкўмган ҳудудидаким, дор ас-салтана Хивақға тахминан уч фарсахлиқ йўлдур, сукно тайин қилиб эрди. Бу табақа тўрт уруғға мунқасим бўлур, андоқким: *солоқ* ва *ўрус қўшчи* ва *ўкуз* ва *ушоқ*. Бу жамоа ададда етти-саккиз минг уйлукдин зиёдадур. *Ўрус қўшчи* жамоасидин Муҳаммадниёз кўрчанинг ўғли Қилич гум отаси қайддин чиқғондин сўнг *явмут* ва *йимроли* орасида юруб, бир неча арзол ва авбошни ўзиға ёр қилиб, мазкур бўлғон жумода-л-охир ойининг авоилида зоҳиран[1762] *қизилбош* ғазоти учун отланиб, Хуросон ҳудудида *така* жамоасиким, ҳазрат хони мағфурнинг эл ва хирожгузори эрди, ул жамоанинг Ахал диёрида ўлтурғонларин чопиб, кўп бегуноҳни шаҳид ва атфолу аёлин асир ва молу мавошисин ўлжа қилиб, муовидат кўргузди. «*Охал*» *туркман* луғатида зейкаш ва сувлиғ ерларни дерлар. Ул диёр Нисой ва Бовард тавобеидур. Аксар мавозеи чашмасорлиғ ва шоликорлиғ бўлур. Ғолибан бу жиҳатдин «Охал» дерлар. Хони мағфур бу сониҳа истимоидин ғазабнок бўлуб, аморатпаноҳ Қилич *иноқ* ва аёлатдастгоҳ Султон *мироб*ни бир бўлак афвожи қоҳира била алар йўлиға тайин қилдиким, ул жамоаи муфсидани тутуб, *така*нинг амвол ва усаросин алардин истирдод қилиб келтургайлар. Маъмурлар истижол била озим бўлдилар. Аммо, алар етушмасдин бурунроқ Қилич гум аксар аъвони била ўтуб эрди. Маъмурлар анинг изидин мусориат кўргузуб, баъзини тутуб, амвол ва асирларин олиб, хони мағфурнинг мулозиматиға келтурдилар. Ул ҳазрат *явмут* акобириға киши юбордиким, Қилич гумни аъвони била тутуб, мағлул ва муқаййид қилиб юборсунлар. Алар инод ва куфрони фасод ва туғён юзидин фармони қазожарёндин бўюн тўлғоб, борғон муҳассилларға жавоби шофий айтмай, бе нили мурод қайтардилар. Бу воқеаи мураввиҳа жунбонлиғидин ул ҳазратнинг нойираи қаҳри иштиол топиб, мамолик атрофиға лашкар иҳзори учун баҳромкин тавочилар ва миррихойин ясоқчилар юборди. Ва оқоси маржа ал-уламо ва мурабби ал-фуқаро, жамол ад-давлат ва-д-дин Қутлуқмурод бекниким, алон *иноқ*лиқ мансабиға мансубдур, шаҳарда ниёбатға тайин қилиб, *вазир*и соҳиби тадбир, осафназир, низом ал-мулк ва-л-миллат Муҳаммадюсуф *меҳтар*ни ул олийжанобнинг мулозиматида қўйди. Ва моҳи мазкурнинг йигирмаси[1763]да душанба куни дорулэмораи Хивақдин чиқиб, Куюктом қарясидаким, мавзеи нузҳат нишондир, ўз ҳовлисин музриби хайёми иқбол ва муқарри боргоҳи ижлол қилди, токим, асокири мансура ва афвожи қоҳира ул манзилда роёти нусратоёт зиллиға мужтама бўлғай. Тонгласи сешанба куни дабдабаи тамом ва кавкабаи зафарфаржом била роятафрози наҳзат бўлуб, Ўзбакёф қарясининг оёғида зейкаш ва кўл қироғин лашкаргоҳ қилди. Ул аснода хабар келтурдиларким, Қилич гум баъзи авбош ва ашрор била йўл тушуб, Шайх қалъасининг яқинидин черик соқасиға егиб, бир кишини захмдор қилиб қочибдур. Баъзи умароға амр бўлдиким, асокири нусратмаосир била тебраб, ул ҳаромиларға танбеҳи балиғ бергайлар. Маъмурлар отланиб, муонидлар жониби юруш қилиб, аларнинг қаросин кўруб, қасд қилдиларким, суюфи обдор била жазои кирдорин канорларида қўйғайлар. Уд чоғда Қақа *сардор*ким, бу хонводаи алиянинг дўстдор ва хизматкори эрди, баъзи санодиди *явмут*ия ва машоҳири *йимролия* била ораға тушуб, Қилич гум бошлиғ шарирларни муқаййид ва мағлул келтирурга мутасадди ва мутаҳҳид бўлуб, умарони хони мағфурнинг ишорати била муаскари ҳумоюнға қайтарди. Чун чаҳоршанба куни ойининг йигирма учи[1764]да Хўтан турктози[1765] машриқ боргоҳидин чиқиб, фалак майдонин жавлонгоҳ қилди, ул ҳазрат саманди барқ монандға рукуб қилиб, арзи лашкар қилмоқ баҳонаси била *явмут* тарафиға тебради, токим, ботроқ ул жамоа

[1761] Абулхон тоғи.
[1762] Зоҳиран – гўёки.
[1763] 1219 йил 20-жумоди-с-соний/1804 йил 27 сентябр.
[1764] 1219 йил 23-жумоди-с-соний/ 1804 йил 30 сентябр.
[1765] Қуёшга ишора.

ишларин файсалға еткургай. Шайх қалъасининг қутб жонибидаги қумға борғанда, *явмут* ва *йимроли*нинг вазие ва шарифи келиб, ул ҳазрат отининг туёғиға юз тазарру била жибҳасойлиқ қилиб, илтимос эттиларким, бизга киши қўшунгким, Қилич гум бошлиғ бадхоҳларимизни тутуб берали ва қудратимиз етмаса, кўчуб кетали. *қўнғрот* маорифидин Нодирмуҳаммад *кутвол*ни аларға қўшуб, сангар самтиға атфи инон қилди. Сўнгги кун чоштгоҳғача *явмут*ға кўз тутуб, миод вақтида келмадилар. Бу жиҳатдин ул ҳазрат рукуб қилиб, муонидлар устиға озим бўлди. Йўлда *явмут* тарафидин Менглмурод *сардор* истиқбол қилиб, маъмурлар ҳаромиларни тутуб, мулозиматға келадурлар, деб истимҳол кўргузди. Ул ҳазратнинг худ ойина замири мавриди илҳомоти ғайби ва мазҳари асрори лорайби эрди, *явмут*нинг не фикрда эрканин тафаррус қилиб, Менглимуродни ташаддуд била олдидин қовуб, изидин алвияйи зафартаъбияни жилваға киргузди. **Маснавий:**

Ливои зафар жилва айлаб аён,
Дарахшон бўлуб маҳчаси меҳрсон.
Анинг остида мири вологуҳар.
Иноқи *фалак жойгоҳ Элтузар.*
Басе кавкаба бирла айлаб хиром,
Инонида нусрат бўлуб тезгом.

Бандиромин ҳудудида ҳазрат қутб ал-олам, лолойи аъзам Шайх Разиддин Али Лоло *қуддусиллоҳи сирруҳу*нинг жавори мутабаррикалариға қариб Янгиёфнинг кун чиқаридаги зейкашга етганда, *явмут* ва *йимроли* ва машриқ муонидлари ясов ясаб, зейкашда муқобила бўлуб, қасд қилдиларким, садди роҳ[1766] бўлғайлар. Зиҳи нодонлар билмасларким, хасу хошокға не вужудким, дарёи заххор жарёниға банд еткура олғай ва шўълаи жаҳонсўз муқобиласида тура олғай. Баҳодирларнинг аввалги ҳамласининг садамаси била-ўқ муонидларнинг дафтари жамииатининг шерозаи суботи узулуб, ҳазимат ҳавосида мутафарриқ бўлдилар. Ва Янгиёф кўпрукида яна силсилаи жамиатлариға инъиқод бериб, сипоҳи нусратпаноҳнинг убуриға мамонеат кўргуздилар. Ишорати воло мавжиби била *амир* Вали *отолиқ* жамъи афвожи қоҳира била намоён урушуб, кўпрукка мутасарриф бўлдилар. Ул ҳолатда Холниёз есирким, *ўкуз* акобиридиндур, *ўкуз*нинг уч-тўрт ашрорин аёл ва атфоли била келтурди. Бу жиҳатдин фармони вожиб ал-изъон имтисоли била амири равшанзамир Шоҳниёз *отолиқ* сипоҳ олдиға чиқиб, баҳодирларни муҳорибадин мамнуъ қилди. Ул чоғда Қувонч сўфи бошлиғ *тарокима* муфсидининг бузулуб, Оққўл тарафиға кўчган хабари келди. *Явмут*нинг қолғон черикиким, муқобилада янги силсила жамиатиға интизом бериб эрдилар, Банот ун-наъш янглиғ тушлуқ-тушиға бутраб, тонг юлдузи йўсунлиғ нопадид бўлдилар. **Шеър:**

Бале, лашкари анжум бўлгай ниҳон,
Қуёш қилгач олтун дарафшин аён.
Сангак хайлиға йўқтурур жўз гурез,
Етушганда сарсар ели тунду тез.

Хони мағфур ирода қилдиким, тойифаи муфсидани қатлу торож қилиб, ўғлон-*ушоқ*ин иср қайдиға чеккай. Шоҳниёз *отолиқ* бошлиғ аёни ҳазрат ва аркони давлат арзға еткурдиларким: «бу жамоа агарчи гўстохлиқ изҳор қилдилар ва лекин ямонлиғ мақомида бўлмай, безарар ва билозаҳмат мулозимларнинг садамаи сиёсат ва қаҳридин қўрқуб, кўчуб борадурлар. Ва яна абои киром ва аждоди изомингизнинг бойри навкаридурлар. Бу хонводаи вожибил эҳтиром қуллуғидин умид мунқате қила олмайин, ҳар ерда ҳам бўлса, шароратпешаларин тутуб берурлар. Эмди муносиби давлат ва лойиқи мурувват улдурким, дохил ва музоҳим бўлмай, давлат била мурожиат кўргузуб, сангарга тушсангизким, аларнинг анжоми кори на ерга етгай.»

Ул ҳазрат агарчи аларнинг ғализати фасод ва ғаризат[1767] и инодин билур эрди, аммо, умарои изомнинг таважжуҳи хотирин маръи тутуб, инон отифатин сангар самтиға мунсариф қилди. Йўлда Нодир-

---

[1766] Йўлга тўсиқ.
[1767] Ғаризат – табиат, хусусият.

муҳаммад *кутвол явмут* аросидин келиб, *тарокима*нинг ашрор ва авбошин тутарға кучи етмай, таҳқиқ кўчган хабарин еткурди. Ул ҳазрат кирёси давлатасоси гардунмамос[1768]ға нузул қилғондин сўнг баъзи мутажанда ишорати воло била *тарокима* юртлоқиға кеча бориб, аларнинг қалин молу мавоши ва ғалаба уйларин талаб ва ўлжалаб келтурдилар ва хабар еткурдиларким, Оқсарой ҳудудида баъзи *тарокима* ижтимо қилибдурларким, сипоҳи зафаринтибоҳға дастбурде еткургайлар. Ул ҳазрат бу жиҳатдин саҳар ҳангомида Қандум *сардор*ни гуруҳи анбуҳ била ул жамаонинг дафъи учун юбориб, талияйи субҳдин сўнг рояти меҳришроқни кавкабаи нусратитсоқ била Ғозиобод жониби жилвага киргузуб, Оқсарой устиға юруш қилди. Йўлда *явмут* қозиси Мулло Нурий *қози* Қоқа *сардор* била келиб, арзға еткурдиким, «чун ямонларға кучумиз етмай кўчтук, эмди омон берким, ўғлон-*ушоқ*имиз от оёқи остида қолмасун.» Ул ҳазрат аларнинг илтимосларин мабзул қилди, ул шарт билаким, «Оқсарой ва Музкўмган ҳудудида агар тушгача таваққуф қилсангиз ва ё стпоҳ аҳлиғаким, ул мавзеда мутараддид ва мутафаҳҳис[1769] дурлар, мутарриз бўлсангиз, гуноҳ ўз бўйнингиздадур.» Ул аснода Қандум *сардор* ижтимо қилғон *тарокима*ни урушуб, мутафарриқ қилиб, бир кишини *йимроли* ашроридин ўлдуруб, ғаноими мафвур била мулозиматға етти. Ва Қоқа *сардор* хони мағфурнинг ҳўзратидин мураххас бўлғондин сўнг *ушоқ* черики била кўчдин қолғон ашё ва амволин йиғнаб юрганда сипоҳи нусратпаноҳнинг баъзиға учраб, шарорати жибиллий ҳаракатидинким, ул тойифаи бадсириштнинг фитратиға махмирдур, хони *мағфур* ҳузурида қилған шароитни пос тутмай, алар била муҳориба қилиб, бир кишига захм урдилар. Ул ҳазратға бу хабар етиб, *амир* Вали *отолиқ* ва Абдуллоҳ *сардор*ни жамии касир била алар гўшмолиға амр қилди. Маъмурлар аларнинг сари вақтиға етиб урушуб, шикаст бердилар. Ул ҳарбда Абдуллоҳ *сардор* яхшиғина муборизат кўргузуб, Қоқа *сардор*ға найза уруб йиқиб, отин олди. Баҳодирлар дағи намоён ишлар кўргузуб, қалин моли ғанимат била келдилар. Андин сўнг жамии асокири мансура ва афвожи қоҳира гуруҳ-гуруҳ ул мавзеға чаповул уруб, *тарокима*ни қовуб чиқариб, наҳбу ғоратға машғул бўлдилар. «Оллоҳ сизларга ўзларингиз оладиган кўпдан-кўп ўлжалар ваъда қилди[1770]» мадлули била сипоҳ аҳлиға ғаноими вофир тушуб, дунёдин мустағний бўлдилар. **Маснавий:**

Путрабон ёғий хавфи жонидин
Айрилиб мулку хонимонидин.
Лашкари қоҳира топиб нусрат
Ёғий амволини қилиб ғорат.
Ахз айлаб ғанимати комил
Бўлди асру фароғи дил ҳосил.

Ул ҳазрат Оқсарой била Музкўмган оёғининг оралиғида таваққуф қилиб, қолғон черикни дағи наҳбу ғоратға амр қилди. Ул фурсаида бир *ўзбак* йигитким, кўп йилдин бери *явмут* орасида мутаваттин бўлуб эрди, қочиб келиб, *тарокима*нинг Оқсарой кўлидинким, Давдон оёғи анга қуяр, раабу ҳарос дағдағаси била ўлтура олмай, кўчуб Қубатоғ самтиға борғон хабарин келтурди. Ул ҳазрат баъзи йигитни истихбор учун Оқсарой кўлиға юбориб, сангарға муовидат кўргузди. Сўнгғи кунким, ойнинг йигирма бешинчи шанбаҳи эрди, яна роятафрози наҳзат бўлуб, Оқсарой таллининг фарқи ифтихорин мақдами ҳумоюн ва кавкабаи рўзафзуни била фалак авжидин ўткарди. Бурунроқким, абтоли рўзгор хулоса[1771] ларидин ва шужаои номдори гўзидаларидин *қўнғрот* Юсуфниёз бек ва *қиёт* Муҳаммаджон бек валади Кутлуқмуҳаммад *иноқ* ва *қипчоқ* Бобо *доруға* ва Қандим *сардор*ни бир бўлак черик била Оққўл савбиға номзад қилиб эрдиким, агар *тарокима* ашроридин ул навоҳида киши бўлса, гушмоли балиғ ва танбеҳи азим бергайлар. Алар мавзеи мазкурға бориб, *явмут* ва *йимроли* сипоҳиға мулоқи бўлуб, қаттиғ муҳориба воқе бўлди. Бу хабар ул ҳазратнинг самъи шарифиға етиб, биродари айний[1772] си ҳазрат султони олижоҳ

[1768] Гардунмамос – осмонўпар.
[1769] Мутараддид ва мутафаҳҳис – ўтиб-қайтиб ва излаб юрган.
[1770] Қуръони карим, 48 : 20.
[1771] Хулоса – қаймоқ (яъни замон довюракларининг зўри).
[1772] Биродари айний – ота бир, она бошқа укаси.

ва хоқони рафежойгоҳ, қидват ас-салотин, умдат ал-хавоқин муизз ад-давлат ва-л-хилофат Абу-л-музаффар фа-л-фатҳ Муҳаммадраҳим Баҳодирхонға эморатпаноҳ, рифъатдастгоҳ *амир* Қилич *иноқ*ни масҳуб қилиб, фавже касир била имдод учун юборди. Ул ҳазрат етмасдин бурун алар муонидларни мағлубу манкуб қилиб, ўлжаи фаровон ва ғанимати бепоён била йўлда рикоббўсликға мушарраф бўлдилар. Ул ҳазрат аларға оқоси жонибидин навозишот ва истамолот кўргузуб, мавкаби волоға инон отифатин маатуф қилиб, оқосининг мулозиматиға етти. Ва хони мағфур хуршид жамшиди мағриб хилватхонасиға майл кўргузгандин сўнг лашкаргоҳи қиёматиштибоҳға атфи инон қилиб, боргоҳи олампаноҳға нузули мусарратвусули била сарбаландлик еткурди. Ва етти кунгача рукуб қилмай, ул мавзеда мутаваққиф бўлуб, айшу ишратға иштиғол кўргузди. Ул муддатдин бир ойғача Беш қалъа билодининг фуқаро ва раоёси муонидларнинг амвол ва мазруотин тасарруфиға киюруб, хони мағфурнинг дуои давлатин рутбиллисон ва вирди забон қилдиар. Валлоҳу аълам биссавоб.

Хони жаннатмаконнинг муонидлар истисоли учун алвия[1773] йи зафартаъбияни ҳаракатға киргузмаки ва аларни муҳориботи азим ва муқотилоти саҳим била мақҳуру мустосил қилиб, мурожиат кўргузмаки

Айёми таваққуфда мутаоқиб хабарлар еттиким, *тарокимаи* боғия Қуба тоғининг жанубий доманасида мужтама бўлуб, *Отолиқ* арнасининг канорида ва ул тарафларда ўтунчи ва экинчиларға дохил ва музоҳим бўлуб, баъзи бечораларни ўлтурур эрмиш. Хони мағфур бу жиҳатдин асокири мансура яроғ ва завода[1774] син муҳайё ва омода қилғондин сўнг шаҳри ражаб ал-муржабнинг бешинчи куни[1775] ким, душанба эрди, ул сангардин дабдабаи тамом ва кавкабаи молокалом била тебраб, Котда Тангриберди бекнинг давлатхонасин нузули мусарратвусули била рашки нигорхонаи Чин ва ғайрати бўстонсарои хулди барин қилди. Ва беки мазбур шойиста зиёфатлар ва писандида хизматлар тақдимға еткуруб, мавриди инъомоти хусравона ва машмули навозишоти бекарона бўлди. **Қитъа:**

Зиҳи давлат ки иқболи расодин
Шаҳиға хизмати мақбул тушгай.
Шаҳининг илтифоту шафқатидин
Боши гардуни волоға етушгай.

Котдин рукуб қилғон чоғда Поянда ариғининг сақосида Оққум ҳаддида ўлтурғон *хитой*нинг чопилғон хабари келди. Бу ҳодиса тавзиҳи улким, Қилич гум ямут ва *йимроли* ашроридин икки юз чоғлиғ киши била отланиб, ярим кечада мазкур бўлғон элнинг устиға шабихун элтиб, куранин қабаб, ҳар тарафдин буза кириштилар. Иттифоқан, *хитой* йигитлари аксар экин устида эрдилар. Куранда ўн-ўн беш ишга ярар эркакдин бошқа киши йўқ эрди. Бу растохез ғавғосидин ул бечоралар бедор бўлуб, атфолу зуафо била қўллариға саруқ (сарвақ?) олиб, этаклариға тошу кесак солиб, мутамарридларға мамонеат кўргузуб, куран атрофининг забтиға қиём кўргуздилар ва мудофаа амрида дасту по уруб, сайъи мавфур ва кушиши номақдур тақдимға еткурдилар. Саҳар ҳангомида мутамарридлар тағаллуб ва тасаллут била куранға кириб, эркакларин ўн тўрт яшар ўғлонлариғача шаҳодатға еткуруб, хайли зуафо ва қизу атфолни асир қилиб, муовидат кўргузди. Ҳоло ул мавзе «шаҳидлар хазираси»ға машҳурдур. Хони *мағфур* бу хабари ваҳшатасар истимоидин бемаҳобан[1776] ул фуқаро ҳолиға риққат[1777] пайдо қилиб, Тангри таолонинг даргоҳида ниёзмандлиғ била ваъда қилдиким, то ул бечораларнинг додин мутамарридлардин олмағунча фароғат майли қилмағаймен. Ул кун Гурлан тавобеотидин Хизрэлининг оёғиға тушулди. Ул мавзеда Янгиқалъа *хитой*идин киши келдиким, *явмут* чопғунчиси ҳар кун икки-уч мартаба чаповул урадур.

[1773] Алвия (бир.: ливо) – байроқлар.
[1774] Завода (зод) – асбоб-анжомлар
[1775] 1219 йил 5-ражаб/1804 йил 1 октябр.
[1776] Бемаҳобан – қўрқмас.
[1777] Риққат – ачиниш, ҳамдардлик.

Бу жиҳатдин *амир* Қилич *иноқ* ва *амир* Қаро Баҳодир *мироб* ва Мусо *нойиб*ни олти юз киши била Янгиқалъаға юбордилар. Алар ул кеча Янгиқалъада бўлуб, улуғ чоштғача чопқунчи келмади. Алар *хитой* ва *қулон*нинг черикин олиб, Қубатоғға бориб, аъдои давлатдин асаре топа олмай, мурожиат қилдилар. Анинг учунким, мутамарридлар хони мағфур алар қасдиға юруш қилиб, Хизрэлиға тушган хабарин эшитиб ва яна Қилич гумнинг қилған улуғ гуноҳининг шоматидин қўрқуб бузулуб, Амонқули ариғиға кўчуб эрди. Маълум бўлсунким, ул ариғни ямут қаҳатидин бурун Муҳаммадамин *иноқ*нинг авоили ҳолида *кенагас қароқалпоқ*ининг *ҳоким*и Амонқули *бий* Сўвганли сақосиға қариб Омуядин ёрдуруб, *кенагас* элтиб эрди. Ул кеча ямут акобиридин Аваз бек ва Берди бек солоқ ва Назар бек *ушоқ*ким, хони мағфурнинг бойри навкар ва намак парвардаларидиндур, ямут жонибидин келиб, арзға еткурдиларким, «яхшиларимиз ёмонлардин жудо бўлуб, бу даргоҳ мулозимларининг меҳрибонлиғидин умидвор бўлуб, мунтазири иноятдурларким, келиб бандаликка мушарраф бўлғайлар.» Ул ҳазрат ғояти хашмдин жавоб бермай, рухсати инсироф ҳам зуҳурға етмади. Хони мағфур ул мавзеда икки кун мутаваққиф бўлуб, юруш яроғининг таҳҳиясин камолға еткуруб, ойнинг тўққузида жума куни кўчулди. Йўлда Қўшкўпрук *қўнғрот*ининг акобиридин Бобо *кутвол* ибн Бойназар *бий* ва Абдуллоҳ *сардор* ва Қандим *сардор*ни бир пора черик била қаровул йўсунлиқ илгари юборди. Алар Қубатоғ доманасида бир гуруҳ *явмут* ашрориға учраб, озроқ уруш била шикаст бериб, *қаримсо* жамоасидин Одинақули кўрниким, яккатози майдон ваqоҳат эрди, ўлдуруб, бошин олиб, асокири зафармаосир Галдихон қавмиға тушганда келиб, суюрғолоти хусравона била сарафроз бўлдилар. Сўнгғи кун ул ердин наҳзат қилиб, Қуба тоғининг шимолия этагин музраби хайёми нусраттазйин ва муқарри боргоҳи зафартамкин қилди. Ул кеча *амир* Қилич *иноқ* ва Муҳаммадпаноҳ бек валади Одил бекни тўрт юз нафар шужо ва мубориз йигит билаким, ҳар бири диловариғда юз Рустамға баробарлиғ қилур эрдилар, Булдумсоз устидин *Қазоқ* йўлиға буюрди, токим, аъдои давлат сиёқларидин бир хабар тутғайлар. Алар *Қазоқ* йўлиға етганда ямут ашроридин *чўмча* Бобо *сардор*ким, баъзи ҳароми била қароқчилиқ учун вилоят орасиға бориб, чуқур қорақумдин киши ўлдуруб қайтған эрканлар, аларға учрашиб, муҳориба вуқу топмай-ўқ, тоб келтира олмай фирор ихтиёр қилиб, мутафарриқ бўлдилар. Муборизлардин Муҳаммадниёз бек ибн Худойберди *иноқ* ва Абдуллоҳ бек валади Қаро Баҳодир *мироб* иккаласи Бобо *сардор*ни таоқиб қилиб уруб, отдин йиқиттилар. Ул ҳаромзода чуст туруб, *қиёт* Ўрус қушчи Баҳодирнинг отиға захм уруб ўлдурди. Ул аснода баҳодирлар ани ва Дўвдарқул деган *явмут*ни чопқулаб ўлдурдилар. Ўзгаси тун дайжур[1778] ининг ҳижоби била диловарлар интиқомидин махлас топиб «кечани либос қилдик[1779]» мадлули била либоси нажотға мулаббас бўлдилар. *Амир* Қилич *иноқ* фатҳу ферузмандлик била мурожиат кўргузуб, субҳ чоғи мулозиматға етиб, офтоби иноят партавандозлиғи била муфтахару аржуманд бўлди. Чоштгоҳ *явмут* ашрофидин Муҳаммадниёз *отолиқ* ва Ортуқ бахши ва Холниёз есир бошлиғ кўп киши келиб, Аваз бекнинг келтурган арзин баъзи муқарриблар воситаси била даргоҳи давлатпаноҳда имзоға еткурдилар. Ул ҳолатда Ҳасанмурод бек валади Мурод бекким, Муҳаммадризо *қўшбеги*нииг оқосидур ва Тангриёр бекнинг ўғли Худойберган бек ва Жайрон *қалмоқ* баъзи мутажанда била Орол йўлиға чиқиб, *явмут* авбошидин Отаниёз учакчини қатлға еткуруб, бошин келтурдилар. Ул кун аркони давлат ва аъёни ҳазратнинг машварати била хони мағфур *явмут* акобириға меҳрибонлиғ юзидин жавоб берди. Алар Амонқули ариғиға бориб, яхшилари ёмонларидин айрилиб, *Қазоқ* йўли била Оқсаройға келдилар. Ёмонлар дағи кўчуб, Болоётонға бордилар. Ва хони мағфур икки кун таваққуф қилиб, черик эли Қубатоғ доманаларидин мутамарридларнинг кўмган ва ёшурғон оғир молларин топиб олдилар. Ойнинг ўн учи[1780] да сешанба куни роёти нусратоётни жилваға киргузуб, муонидлар қасдиға Амонқули ариғи сари ҳаракат қилди. Ва ул ариғни убур қилиб, пешинда Болоётон мавзеин муаскари асокири мансура қилди. Муонидлар субҳ чоғи ул ердин кўчуб, Ойбукри ва Аранг самтиға фирорий бўлуб эрди, бу мавзедин ҳазрат олихоқоний ва зуллисубҳоний, Дорои замон, Искандари даврон, подшоҳи соҳибқирон ал-муайяди батаиди ал-малик ал-маннон, муизз ад-давлат вал-миллат ва-д-дин Абулғози Муҳаммадраҳим Баҳодирхонға икки минг гўзида йигитни мулозими рикоби ҳумоюн қилиб, муонидларнинг ақабидин юборди. Ул ҳазрат истижол била

[1778] Дайжур – қоронғилик.
[1779] Қуръони карим, 78 : 10.
[1780] 1219 йил 13-ражаб/1804 йил 18 октябр.

илғаб, Шорқировуқ колиғача бориб, киши топмай, мурожиат кўргузди. Хони *магфур* чаҳоршанба куни Болоётонда ўғриқни қўюб, *манқит амир* Аваз *иноқ* валади Иноятуллоҳ *иноқ*никим, мизожиға бир нима заъф ва беморлиғ торий бўлуб эрди, ўғриқ муҳофазатиға қаро черик била тайин қилиб, ямут изидин роятафрози наҳзат бўлди. Муқаддимаи сипоҳ Кўҳна Урганждаким, Хоразми қадимдур, муонидлар кезидин етиб, ғаноими фаровон ва исори бепоён олдилар. Кўҳна Урганждин икки йўл айриладур: бири Манқишлоқ ва *Қазоқ* йўлидурким, қиблаға мойил ғарб сари бориб, яна шимолға майл қилур. Ва бири Қум Чунгкўл йўлидурким, қутб сори борур. Бу икки йўлдин яна шўъбалар айрилиб, бир-бириға қўшилур. Кўрдиларким, *явмут* бу икки йўлға айрилиб борибдур. Ул ҳазрат сипоҳни тўрт қисмға мунқасим қилиб, бир қисмни *найман* Эшим Баҳодир Гурлоний ва *қипчоқ* Ҳасанмурод *отолиқ* ва Бобо *доруга* Ҳазорасбийға бошлатиб, Манқишлоқ йўлиға юборди. Ва бир қисмни *уйшун* Абдушукур *отолиқ* ва Қутлуқ Муҳаммад бек ибн Ҳасанмурод *отолиқ*ға топшуруб, Қум Чўнгкўл йўлиға буюрди. Ва икки қисмни ўз мулозиматида сақлаб, мақобири мутабарриканинг зиёратидин сўнг *Тўра*бахтхонимнинг гунбазининг устиға чиқиб, атроф ва жавонибни тамошо қилиб ўлтирди. Эшим Баҳодир ва Ҳасанмурод *отолиқ* ва Бобо *доруга* бир фарсахлиғ масофат қатъидин сўнг *явмут* изидин етиб зафар топиб, черик элига кўп мол ва мавоши ғанимат тушуб, аларнинг безобита[1781] лиғидин мол тушурган черик эли *манқит* Худойназар *отолиқ* ва *олажалиғ қўнгрот* Эломон бошлиғ мол ва мавоши суруб, амокин ва масокинлариға қайттилар. Ва саркардаларнинг ёнида оз киши қолди. **Маснавий:**

Басо лашкари голиб аъдосига,
Бўлуб муштагил ўлжа ягмосига,
Босилмишдур аъдои маглубидин,
Кўруб шумлиг горат ошубидин.
Сипоҳе ки манзур эмас мол анга,
Ҳамиша мулозимдур иқбол анга.
Эрур ор мол узра қилмоқ талош,
Керакдур киши берса ор узра бош.
Ғаним ўлмаса даф билкулл агар,
Ғанимат талаблик зарардур зарар.
Чу душманга бердинг шикасти тамом,
Сену ўлжа қилмоқ талош вассалом.
Эшитдим салотини душманшикор,
Дамеким қизиқ бўлгуси корзор,
Ғаноим сориким қилур эрса яйиг,
Берибдур анга гушмоли балиг.

Ва эшитдимким, саркардаи мазкурлар дағи қошларида қолғон сипоҳ била ғаноим таманносининг бехирадлиғидин аъдо сори жиловрезлик била якронлариға маҳмиз[1782] бериб, баъзе муонидларни мунҳазим қилиб ўлжа олмоқ ва мол толомоқға иштиғол кўргуздилар. Ул аснода кўч орасидағи муонидлар хабар топиб, ҳайъати ижтимо била аларға ҳамла қилдилар. Алар бир соат мудофаа тариқиға иқдом кўргузуб, озлиқ жиҳатидин ўзларин кейинрок торттилар. Бу жиҳатдин ямут сипоҳи қувват топиб, ғалаба қилиб, сипоҳи нусратпаноҳ тўхтай олмай, рўйгардон бўлдилар. Бу шикастда етти-саккиз киши шаҳодат топиб, Худойберган бек ибн Тангриёр бек асир бўлди. **Ҳикмат.** Беш амрдурким, бавоис[1783] и шикаст ва асбоби ҳазиматдур. Аввал улким, саркардалар черик забтидин бепарволиғ қилиб, назму насақ сариштасин қўлидин бермак. Иккинчи, уруш қизғонда сустлиқ қилмоқ. Учунчи, душман сипоҳи билкулл мустосил бўлмай, черик аҳли ғаноимға талашмоқ. Тўртунчи, корзор ҳангомида бесаботлиғ қилмоқ хоҳ хавф юзидин, хоҳ тадбир жиҳатидин. Бешинчи, рааб ва ҳарос истилоси.

[1781] Безобита – ҳарбий интизомни бузган.
[1782] Маҳмиз – этик пошнаси; Маҳмиз бермоқ – пошна билан ниқталамоқ.
[1783] Бавоис – боис бўлувчи.

Ва мунҳазимлар хижолатдин хони мағфурнинг мулозиматиға бора олмай, ўруқға бориб, ул ҳазрат муонидларни мустосил қилиб қайтурда истиқбол қилиб, мулозиматға еттилар. Аммо, Абдушукур *отолиқ* ва Қутлуқ Муҳаммад бек Қум Чўнгкўл йўлида аъдои давлатнинг ақабидин етиб, озлиқ жиҳатидин уруша олмай, мадоро қилиб туруб, Танак Баҳодирни хони мағфурнинг ҳузратиға кўмак тилай юбордилар. Ул ҳазрат аларнинг имдоди учун ҳазрат жаноб хилофатмаоб, салтанатинтисоб, аълохоқони гардунтавон, муизз ад-давлат ва-с-салтаната- ва-д-дин Абу-л-фатҳ Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон ва эморатпаноҳ Қилич *иноқ*ни тўрт юз отлиғ сипоҳи кинагузор била номзад қилди. Изидин ўзи дағи рикоби азиматға қадами иродатин қўюб, йўлда баъзи умарои номдор ва шужаои душманшикорни йўлнинг атрофиға гуруҳ-гуруҳ айириб юборди, токим, мутафарриқ бўлғон *явмут* ва *йимроли* ашрорин топиб, жазоға еткургайлар. Аммо, ҳазрат аълохоқоний Қилич *иноқ* била хуршиди жаҳонгард ва қамари гитийнаворд[1784] янглиғ суръати тамом била манзил-баманзил қатъи масофат қилиб, Қум Чўнгкўлда аларнинг дидаи интизорин шаашшаи дийдори била ёрутти. Ва тасвия[1785] йи суфуфдин сўнг Қилич *иноқ*ни қалбгоҳда ливои зафаринтимо муҳофизатиға тайин қилди ва ўз нафаси нафиси била муонидлар гушмолин илтизом қилиб, асбоби ҳарб ва олоти зарб била мукаммалу мусаллаҳ бўлди. **Назм:**

Таваккулдин эгни зиреҳпуш ўлуб,
Ризо худ[1786] и узра сар огуш ўлуб.
Чекиб чорқаб тўрт ёнига чуст,
Камарбанди ҳиммат қовшоб белга руст.
Муборак қўлига синонни тутуб,
Дегил аждаҳои дамонни тутуб.
Яна илгига теги буррон олиб,
Ки ҳар зарбида юз туман жон олиб.

Қадами иродатин журъат рикобиға қўюб, ўз ҳузратиға тааллуқ мулозим ва навкарлари била жилодат майдони сари таковар[1787] и кўҳпайкари сарсархиромиға маҳмиз бериб, аъдои фасодангезға Рустамона ҳамлаи салобатомезе еткурдиким, Асфандиёри руийна тан руҳидин садои таҳсин ва замзама[1788] и офарин наззора аҳлининг сомеяйи ҳушиға етти. **Шеър:**

Қилиб ҳамла андоққи шери жаён,
Бўлуб музтариб савлатидин жаҳон.
Тушуб зилзила етти афлокга,
Демай етти афлокким, хокга.

Муҳаммадниёз бек ва Абдуллоҳ *сардор*ким, сафар ва ҳазар[1789] да соядори ул ҳазратнинг мулозиматидин лаҳзае муфориқат қилмас эрдилар, аъдои гурезпои бодяпаймойким, бу сониҳаи душмангудозни ўз бошлариға қазои ногаҳоний ва балои осмонийдек мутаважжиҳ кўрдилар, муқовимат сарришатсин иликларидин бериб, ўз бахти баргашталаридек рўйгардон бўлуб, зимоми ихтиёрин фирор жонибиға мунсариф қилдилар. Ҳатто аёл ва атфол, кўч ва моллариким, Қум Чўнгкўлнинг шимолида қадамфарсои азимат эркан, ғояти изтирордин аларға боқа, бора олмайин, қутб тарафиға мунҳазим бўлдилар. Ва сипоҳи нусратпаноҳ алар ақабидин қолмай, саргарми муҳориба бўлуб, кўч бошқа йўл эрканидин ғофил қолдилар. Аммо баъзи черик эликим, кейнидин келур эрдилар, кўч кетган йўлға бориб, ғаноими бисёр ва исори бешумор олиб, хони мағфурнинг мулозиматиға еттилар. Ва сипоҳи нусратпаноҳ аср била шом оралиғида яна муонидларға қўл солиб, тўхтатиб яхши уруш тушти. Ва Оқмуҳаммад сўфи оқсоқким,

---

[1784] Жаҳонгард, гитийнаворд – жаҳонни кезувчи.
[1785] Тасвия – тартибга солиш.
[1786] Худ – дубулға.
[1787] Таковар – жанговар от.
[1788] Замзама – товуш.
[1789] Сафар ва ҳазар – йўлда ва уйда (ўтирилган чоғи)

Муҳаммадниёз кўрчанинг бани амомидин эрди ва муҳаррики силсилаи фасод ва қадамфарсои бодияйи инод эрди, жаҳолат юзидин журъат якронин майдони вақоҳатға суруб, баҳодирларға садди роҳ бўлди. Абдуллоҳ *сардор* анга ҳамла еткуруб, найза зарби била йиқиб, отин олди. Муонидлар бу воқеани мушоҳида қилиб, анинг нажоти учун қайта от солдилар. Ул аснода ҳазрати аълохоқоний ташрифи ҳузур арзоний қилиб, садамаи ҳамласидин аларға ҳазимат берди ва Оқмуҳаммаднинг устиға бориб, анинг савдойи бошин кестуруб, оқосининг сумм[1790] и самандиға туҳфа юборди. Ва яна мунҳазимларни хуфтонғача таоқиб қилиб, кўп кишини ўлдуруб ва баъзини эср қайдиға чекиб ва бисёр аёл ва атфолин олиб ва ўн минг қўй ўлжа қилиб, мурожиат кўргузди. Ва Қум Чўнгкўл шимолида мавкаби кайҳонпуй тушуб эрди, ул ерда мулозиматға етиб, ўлжа ва асирларни пешкаш қилди ва амирзодаи мағфиратпаноҳ, шаҳодатдастгоҳ Ҳасанмурод беки марҳумийким, хони мағфурнинг иниси ва ҳазрат аълохоқонийнинг оқосидур, ул даги ўз мулозим ва навкарлари била аъдои гурезпои залолатпаймойни таоқиб қилиб, қолин ўлжа ва асир била мулозиматға етти. Умарои изом ва шужаои зафарфаржом ҳам атрофда аҳли инод ва арбоби фасоддин кўп кишини мақтул ва маасур қилиб, ғаноими касира била сипоҳи нусратпаноҳға мулҳақ бўлдилар. Ва оғам Муҳаммадниёз *мироб*и мағфиратмаобдин эшитдимким, нақл қилдиким, ул кун мен даги баъзи мулозимларим била умаро дастурида ба мавжиби фармон бир тарафға маъмур бўлуб эрдим. Мутафарриқ бўлғон *явмут* ва *йимрол*идин беш-олти кишини қатлға еткурдик ва етти нафарни тирик келтурдик.

Ул кеча *хитой* шуҳадосининг қони учун фармони лозимилизон барча бандилар қатлиға нуфуз топиб, алардин мутанаффисе ҳаёт қайдида қолмади. Ва мурдор жасадларидин ул мавзе гўристон намудорин кўргузди. Андин саҳар кўчуб, яна муонидларнинг ақабидин илғаб, Юсуфбек гунбазининг тушидин ўтганда офтоб тулу қилиб, икки йўлға айрилғон ёғининг келиб қўшилғон асари пайдо бўлди. Ул ердин *амир* Вали *отолиқ* ва Муҳаммадпаноҳ бек ва Муҳаммадмурод бекни бир бўлак черик била аларнинг кейнидин илгари юбордиким, мавкаби ҳумоюн етушгунча аъдои давлатни кетгали қўймағайлар. Маъмурлар Арнакда *тарокимаи* муфсиданинг изидин етиб, сурон солиб, кетарга қўймай, Шокир девонаи ахборгўйни ахбор ва истимдод учун хони мағфурнинг мулозиматиға юбордилар. Ул Ойбукур қирининг тумшуғида мулозиматға етиб, воқеани арз қилди. Ул ҳазрат имдод учун ҳазрати аълохоқонийға *амир* Қилич *ино*қни гуруҳи анбуҳ била мулозими рикоб қилиб, Арнак самтиға юборди. Ҳазрат аълохоқоний ишорати мулҳами ғайбий била йўлдин чиқиб, ёғийнинг орқасидин бориб, кўчиға қасд қилди. Муонидлар бу воқеани мушоҳида қилиб, Вали *отолиқ*нинг тақобилидин рўйгардон бўлуб, ул ҳазрат мулозимлариға ҳамла еткурди. Алар ул ҳазратнинг мавжиби ишорати била сабот мақомида кўҳи гаронсанг янглиғ ором тутуб, тамкин қадамин тебратмадилар. **Қитъа:**

Ҳар хайлким сабот мақомида қўйди гом,
Душман ҳужуму ҳамласидин йўқ анга зарар.
Ийман дурур шикасту ҳазимат балосидин,
Доим анга мулозим ўлуб нусрат, зафар.
Кўргул ки тоғ бу сифати аржуманд ила,
Осиб[1791] *и сели ҳодисадин келди бехатар.*

Муонидлар аларнинг тамкин ва суботин мушоҳида қилиб, Сирбилгонда ҳазрат аълохоқоний сипоҳи нусратпаноҳ била рустамона ҳамла қилиб, оралашиб қатлу кўшеш, эср ва ғоратға жалодат қўлин очти ва муборизат қиличининг дамидин ул биёбони ҳавлнокда аъдои давлат қонин сочти. **Маснавий:**

Қиличдин сочилиб андоқ қизил қон,
Ки ул саҳро бўлуб саҳни гулистон.
Вале ажсоди аъдо бирла саҳро,
Намоён айлабон куҳе фалаксо.

[1790] Сумм – туёқ.
[1791] Осиб – зарар.

Кесилган беадад ҳар сори бошлар,
Ўшул куҳ узрадур андоқки тошлар.

Ҳазрат аълохоқоний ул муҳорибада муборизат қиличин андоқ ишлаттиким, Рустаму Асфандиёрға ҳайрат бармоғин тишлатти. Ва жалодат синони била ул нав хунрезлик қилдиким, Наримони пилтан нашаи ғуруридин айилди. Ва шижоат хадангидин анингдек жигардўзлиқ зуҳурға еткурдиким, лаъли жиббаи баланди камон ўзин хижолат ўқиға ҳадаф кўрди. Ва диловарлиқ табар[1792] ин ул янглиғ жилваға киргуздиким, Абу Муслим Марвазий *табардорлиг* мубоҳатидин кўнгул узди. **Назм:**

Шижоат кўруб зўри бозусини,
Келиб ихтиёр этти побўсини.
Таҳаввур кўруб журъатин ошкор,
Мулозимлигин айлади ихтиёр.
Зафар кўрди жаҳд ичра азмин дуруст,
Ўзини инонига еткурди чуст.
Кўруб нусрат анинг сарафшонлигин,
Чу Симок кўрди ани найзавар,
Синонини ташлаб деди: алҳазар.
Кўруб ҳамласини Асади тунду тез,
Фалак қулласи узра қилди гурез.
Фалак теги захмидин айлаб ҳазар,
Боши узра чекти қуёшдин сепар.
Кўруб савлатини жаҳон титради,
Демайким жаҳон, осмон титради.
Бўлуб зарбатидин қиличи тездам,
Адув жонига солди андуҳу гам.
Бале, улки шаҳ илгидин топти ком,
Жумод[1793] *эрса ҳам ул чекар интиқом.*
Синон илгидин комронлиг топиб,
Адув шаънида жонситонлиг топиб.
Бале улки шаҳдур анга дастгир,
Бўлур гар йиғоч эрса ҳам ул далир.
Учуб ўқ анинг зўри бозусидин,
Ҳалок этти аъдони ўтрусидин.
Бале, улки шаҳ берса қувват анга,
Бўлур ҳосил учмоқға қудрат анга.
Бўлуб панжасидин табар сарафроз,
Адув узра бўлди ҳалокаттироз.
Бале, улки шаҳ қилди ани баланд,
Бўлур хасм боши уза аржуманд.

Ул ҳазрат саргарми муҳориба ва мустағриқи муқотила бўлуб, ҳамалоти шершукуҳ била аъдои залолатпажуҳниким, фавжи ағном ва хайли анъом янглиғ паришон ва мутафарриқ қилиб, айни хунрезликда эрди, ул ҳенгомда бир ажал етган *туркман* жаҳолати маҳздин муқобил бўлуб, ул ҳазрат ани синони жонситон била жазоға еткурган чоғда *явмут* ашроридин яна бир шарири залолаттахмирким, таҳаввур ва тасаллубда абнои жинсидин мумтоз эрди, ғояти вақоҳатдин ул ҳазратнинг муборак қафо[1794] сидин журъат тавсанин илгари суруб, ғофиллиғ била зоти саодатсамоти хужаста сифотиға «биз темирни ту-

---

[1792] Табар – ойболта.
[1793] Жумод – жонсиз, ҳаракатсиз жисм.
[1794] Қафо – орқа.

ширдик-яратдик ва унда одамлар учун манфаатлар бор[1795]» фаҳвоси била душмангудоз ва дўстнавоздур, қасд қилдиким, заҳмат еткургай. Андин бехабарким, ул ҳазратнинг замири байзотахмири мавриди асрори ғайбий ва маншаи анвори лорайбийдур. Анинг қасдидин огоҳ бўлуб, анга мутаважжиҳ бўлди ва синони жонситонин анинг синаи пуркинасиға ҳавола қилиб, ўнг эмчакидин захм уруб, найза теғи шона[1796]сининг остидин чиқти. Ул сахтжон[1797] от боди била илгари келиб, бовужуди захм чустдастлик қилиб, ҳазрат аълохоқонийнинг муборак дубулғасиға қилич уруб, қиличи синди. **Рубоий:**

Ҳар бош ки, азиз айласа Тангри ани,
Рўзий қилур анга афсари султоний.
Осиби ҳаводисдин ани сақлар омон,
Ҳофиз бўлубон ҳимояти яздоний.

Ул фурсатда ҳазрат аълохоқоний найзаға тобиш бериб чектиким, дубора жазосин бергай. Ул ҳаромзода отдин сарнигун ерга тушуб, найза ушолди ва ўлум ҳайбатидин ердин қўпуб, Болташ *дўрмон*инг қиличиғаким, ул ғолатда ҳозир бўлуб эрди, ёпушти. Ул ҳазрат найза синуқи била ани яна уруб йиқитти. Ул жон ҳавлидин саросимавор туруб, ул ҳазрат якронининг жиловидин тутти. Ул ҳазрат анинг бошиға қилич уруб қалам қилди[1798]. Бу оралиғда *амир* Вали *оталиқ*ким, бабри дарранда ва шери ғуррандадек ҳамалоти мутаоқиб била барқи шаашшаи теғидин *тарокима*нинг хирмани вужудин куйдурур эрди, оти суруниб ерга тушти. Ул аснода рифъатпаноҳ ва давлатдастгоҳ Муҳаммад Ризо бекким, ҳоло *қўшбеги*лик мансаби била сарафроздур, теғзанлик ва диловарафканликка машғул эрди, анинг сарвақтиға ҳозир бўлуб, дастгирлик қилиб отлантурди. Ва *амир* Қилич *иноқ* ва Абдуллоҳ бек ибн Қаро Баҳодир *мироб* ва Абдуллоҳ *сардор* яхши муборизат кўргузуб, кўп кишини қатлға еткурдилар. Ва муборизлар наърасидин қиёмат куни ошкоро бўлуб «қиёмат соати олдидаги зилзила улуғ-даҳшатли нарсадир[1799]» мафоди била размгоҳға зилзила тушти ва суюфи обдорнинг шуаошидин мутамарридларнинг хирмани аъмориға барқи бало етушти. **Рубоий:**

Тугён қилибон ҳар сори тўфони ажал,
Еткурди бинои умри аъдоға халал.
Жонсиз таналардин арсаи жангу жадал,
Қилди қаро ер узра аён юз минг тал.

Ул аснода ҳазрат аълохонийнинг ливои зафарпарчамиға «оллоҳ сизга қудратли ёрдам-нусрат бериш учун[1800]» муқтазоси била нусрат ели эса кирişти ва *тарокима*и гумроҳ жон хавфи ва нажот рижосидин ва «ўша кунда инсон «бу бало-офатлардан қаерга қочи-қутулиш мумкин» деб қолур[1801]» мафоди била фирор ихтиёр қилдилар. Ул ҳазрат диловарлар билаким, рикоби ҳумоюнида ҳозир эрдилар, таоқиб қилиб, кўчга дохил бўлғанда, *тарокима* ғайрат юзидин мутаффиқ бўлуб, ҳайъати ижтимо била фидоийвор ҳамла қилиб, сипоҳи нусратпаноҳға махлут бўлдилар. Ва муборизлар дағи жалодат теғин ниёми интиқомдин чекиб, аъдои давлатнинг завоти разолатсифотиға ибқо қилмай[1802], хунрезликка қиём кўргуздилар. **Маснавий:**

Қотишиб икки хайли журъатосор,
Анингдекким, икки дарёйи зуххор.

[1795] Қуръони карим, 57 : 25.
[1796] Шона – елка.
[1797] Сахтжон – жони қаттиқ.
[1798] Қалам қилмоқ – қирқмоқ. Кесмоқ, иккига бўлмоқ.
[1799] Қуръони карим, 22 : 1.
[1800] Қуръони карим, 48 : 3.
[1801] Қуръони карим, 75 : 10.
[1802] Ибқо қилмай – боқийлик бермай (яшашига фурсат бермай)

Бедавлар туйноғининг тийра гарди,
Қуёш рухсорин айлаб ложувардий.
Муборизлар қилиб ҳар ён такупўй,
Уруш ҳенгомида тортиб ҳаёҳўй.
Диловарлар чекиб теғи жалодат,
Қилиб бир-бирининг қатлин иродат.
Бўлуб шамширлар ул нав хунрез,
Ки ул қир узра қон сели оқиб тез.
Тўфанг овози раъд овозидин тунд,
Фалак узра малак ақлин қилиб кунд.

Ул урушда Юсуфниёз бекка Наврўз калла *йимроли* муқобил бўлуб, захм урди. Муҳаммадниёз бек бориб, ани захмдор этти. Ва Муҳаммадниёз *кўрчаким,* Муҳаммадмурод бекнинг қасдиға жозим эрди, Давлат *қарокўз* анинг баногуши[1803] дин найза уруб йиқитти. Ва Шоҳниёз бекким, *тарокима* тавоифидин *машриқ уруғи*нинг акобиридин эрди, *қўнғрот* Ниёз бек каллакесар анга муқобил бўлуб, қатлға еткурди. Бу йўсунда ўзга диловарлар дағи муҳориботи бисёр ва муқотилоти бешумор тақдимға еткуруб, теғи обдор суйидин муонидлар лабташналарин сероби ажал қилдилар. Ва ғозилардин Сотиболди бек ибн Муҳаммадназар *нойиб* ва Авазжон ва яна икки киши шаҳодат топти. Ул аснода хони мағфур асокири мансура била етушуб, сафоролиғ қилди. Икки сипоҳ айрилишиб, ҳазрат аълохоқоний муборизлар била оқосининг мулозиматиға келиб, навозишоти комил ва истимолоти шомилға ихтисос топти. *Тарокима* дағи кўч тарафиға чиқиб, Муҳаммадниёз кўрча ва Галдихон *йимроли* ва Қилич гумнинг иҳтимоми била ясол тасвиясиға иштиғол кўргуздилар. **Назм:**

Ясовлар бўлуб ҳар тараф таъбия,
Топиб дилкаш авзо ила тасвия.
Ясовлар аро жилва айлаб ливо,
Яловлар ливо узра тортиб ҳаво.

Икки тарафдин муборизлар майдонға сурон солиб, салаҳшурлиқ ва майдондорлиқ қоидасин зуҳурға еткуруб, озроқ муҳориба вуқу топти. *Явмут* жамоасининг махсус бир дастури будурким, ҳар қачон душман ғалабасидин алдарроби музтар бўлса, мажмуи бир бўлуб, ясол ва туғи била ҳамла қилиб тўқушур. Ва агар зафар топмаса, ботроқ сирпилиб, мунҳазим бўлурлар. Аларнинг бу ҳамласидин қаттиғроқ ҳамла ҳеч тойифадин топилмас ва бу ҳамлага ҳеч сипоҳ тоқат келтура олмас. Ул аснода ямут сипоҳи ул дастурда туғ ва ясови била асокири мансураға кўтарила от солиб, жанги мағлуба вуқу топти ва ғозилар дағи ишорати воло мавжиби била мудофаҳа иштиғол кўргузиб, қатлк кўшеш амрида даиқае номаръи қўймади. Икки черик бир-бириға ул нав махлут бўлдиким, найза ва қилич ишлатмакдин иш ўтуб, талашмоқ ва ёқалашмоқға оид бўлди. Андиқким, аморатпаноҳ *амир* Султон *мироб* бир *явмут*ни от устидин талош била оғуш[1804] иға олиб йиқтти. Ул муҳорибада *амир* Вали *отолиқ* ва Юсуфниёз бек ва Бектурди тажан ва Муҳаммадали *бий* яхши муборизат кўргузуб, кўп кишини қатлға еткуруб, захмдор бўлдилар. Абдушукур *отолиқ* ва *найман қози* Қурбонқули ва *уйғур* Тожи *доруға* шаҳодат жомидин раҳмат шаробиға саршор бўлдилар. Аммо, аъдои давлатдин кўп киши қатлға етиб, охир ҳазимат топиб, фирор ихтиёр қилдилар. Ул урушда *тарокима* ўн минг кишидин кўп эрди ва асокири мансуранинг адади мингга етмас эрди. Анинг учунким, аксари лашкария ўлжа ва ғаноим олиб қайтиб эрди. Ва Эшим Баҳодирға тафвиз қилилғон черик худ шикаст хижолатидин кела олмай, ўғруқға қўшилиб эрди. Андоқким собиқан зикр топти. Ва яна аксари черик аҳли хони мағфурға мурофиқат қила олмай, ақабдин келур эрди. Таиди яздоний ва иқболи жовидонийдин мундоғ лашкари қалил била анингдек сипоҳи касирга ғолиб бўлди. Ул овонда *хитой* усаросидин биров бир қул била қочиб келиб, хабар еткурдиким, *тарокима* босилиб бор-

---

[1803] Баногуш – қулоқнинг юмшоқ жойи.
[1804] Оғуш – қучоқ.

ғондин сўнг аёл ва атфолин олиб, тасарруфидағи молу мавошисиға боқмай, кўтарила қочтилар. Андоқким аксари ёш фарзандлари оёқ остида поймол бўлуб, фавт бўлди. Ва Худойберган беки мазбур ул оралиғда қочиб келур эркан, бир қочғунчи *явмут* учраб, шаҳодатға еткурди. Хони мағфур истадиким, таоқиб қилиб, барчасин теғдин ўткаргай. Шоҳниёз *отолиқ* ва Жаъфар хўжа *нақиб* бошлиғ аркони давлат ва аъёни ҳазрат арз қилдиларким, «*явмут* бойри навкарингиздур. Агарчи бу кун исён ва саркашлик оғоз қилди, жазосин топти. Аммо, бу даргоҳи олампаноҳдин ўзга малоз ва маржаи йўқтур. Бир неча кун ғурбат ва курбат саубатин тортиб, яна азжу инкисор била бу остонға мутаважжиҳ бўлғусидур. Ва агар мақсуд *хитой* мазлумларининг интиқоми бўлса, бириға ўн қасос олинди.» Ул ҳазрат умаронинг таважжуҳи хотирин пос тутуб, кеч пешинда ул ердин атфи инон қилди ва ора қўнуб, ойнинг ўн еттиланчи[1805] кечасиким, шанба туни эрди, Кўҳна Урганжга нузул қилди. Андин кўчуб, ўғруқ қўйилғон манзилға тушулди. Ул манзилда уч кун таваққуф қилиб, асокири нусратмаосирға жам бўлғон ғаноимни тақсим қилди. Ва ойнинг йигирма еттисида душанба куни давлат ва нусрат била доруламораи Хиваққа нузул қилди. Фақир ул мавридда бу рубоийни назм силкига чекиб эрдим. **Рубоий:**

Эй туркмон, *этма фикри нофармонлиг,*
То кўрмагасен жило[1806] ва саргардонлиг.
Яъни ки мутеи ҳукми шаръ ўл ки, букун
Даврон аро Элтузаргадур султонлиг.

Аммо, муонидлар бир манзил кейин боқмай қочиб эрди. Ул ҳазрат аларнинг ақабидин қовмай ва молларига дохил бўлмай, мурожиат қилғон хабарин эшитиб, қайтиб, бир неча кун ул манзилда таваттун ихтиёр қилдилар ва йўл саранжомин тутғондин сўнг кўчуб, Гургон навоҳисиға бордилар. Ва Қилич гумким, мундоғ фитна ва фасодға боис бўлуб эрди, *қизилбош* қуллуқиға бориб, Теҳронда фавт бўлди. Ва яхшилиғ даъвоси била йўлда айрилиб қойтғон *явмут* хуфиятан Арнакда таваттун қилғон *тарокима*ға рафт-омад қилди. Ҳазрати хони мағфур бу жиҳатдин аларни дағи юртдин овора қилди.

Кўрнушхонаи олий биносининг итмомға етмаги ва хони жаннатмаконнинг ани тўйлаб, ганжрезлик этмаги

Йимроли фатҳидин сўнг хони мағфур ва хоқони мабрур, муассиси асоси салтанат, бонии мабонии мукаррамат Абулғози Элтузар Муҳаммад Баҳодирхон *тағаммадаллоҳу бигуфрониҳи* ройи ихтироорои мушкулгушоининг иқтизоси била ўз давлатхонасининг муқобилидаким, тарафи шимолийсидур, бир девонхонаи рафеасос, гардунмумос биносиға иқдом кўргузуб, анинг таъмир ва итмомининг уҳдасин дастури аъзам ва соҳиби мукаррам, вазири Осафуссияр Муҳаммад Юсуф *меҳтар*нинг ройи оламороиға мафвуз қилиб эрди. Ва лиҳазо[1807] *меҳтари* мумиилайҳ мамолик атрофидин чобукдаст баннолар ва соҳиби вуқуф муҳандислар жам қилиб, ул бинои гардунсой таъмирида жаҳди мавфур ва сайъи номақдур тақдимиға еткурди. **Маснавий:**

Вазири фалак қадру рифъатпаноҳ,
Саодатмаобу карамдастгоҳ.
Қилиб жаҳд фармонраволиг била,
Сочиб зар хазинагушолиг била.
Этиб жам асбоби меъморлиг,
Муҳайё бўлуб борча даркорлиг.
Муҳандислар айлаб басе иҳтимом,
Иморат ишиға бериб интизом.

[1805] 1219 йил 17-ражаб/22 октябр.
[1806] Жило – муҳожирлик.
[1807] Лиҳазо – шунга кўра.

Шуру этдилар эйла бунёдиға,
Ки чарх офарин деди устодиға.
Солиб тарҳи матбуъ вазъи латиф,
Саодат уйидек муфайзу шариф.
Келиб чарх кошонасидек рафе,
Карам аҳлининг кўнгли янглиғ васе.
Ҳумоюн асоси мурабба тушуб,
Хужаста биноси музалла тушуб.
Шимоли бўлуб тарҳ айвон анга,
Ки бўлди сарафканда кайвон анга.
Улуғ манзар айвонға қоршу тушуб,
Вале вазъда рўй-барўй тушуб.
Тушуб шарқу ғарбида олий бино,
Биноларға уйлар мушриф яна.
Биноси бутуб тошу ожар[1808] *била,*
Саросар мурасса бўлуб зар била.
Бори сақфу девори заркор ўлуб,
Ҳамон нақши Моний намудор ўлуб.
Сутуни санамлар қаддидек расо,
Вале Фарқадон[1809]*ға бўлуб фарқсо.*
Келиб шамсасидин қуёш мунфаил,
Мақарнасларидин фалак музмаҳил.
Бўлуб тарҳ коший ҳавошисида,
Тушуб нақши ислимий кошисида.
Бўлуб саҳнига фарш яшму рухом[1810]*,*
Кўруб ҳайф ақл анда қўймоқни ғом.

Бу йўсунда пурфан меъморлар ва моҳир наққошлар ул бинои рафебунёдининг таъмир ва танқишиға уч ой корсозлиғ кўргузиб, шаъбон ал-муаззам авоили[1811] да итмомға еткурдилар. Хони мағфур анинг итмоми учун моҳи мазбурнинг ўн тўққузланжи[1812] куниким, панжшанба эрди, тўйи олий ва қурултойи азим тартиб бердиким, таърифдин мустағний ва тавсифдин мустаснийдур. **Қитъа:**

Анингдек тузди жашни хусравона,
Ки васфи ғоятини ақл билмас.
Агар таърифида бўлсам қаламзан,
Ўтар умру мингидин бир ёза олмас.

Ул сури пурсурурда акулу шурб фароғидин сўнг олишаън амирлар ва гардунмакон амирзодалар бошлиғ Хивақ дорулмулкининг акобир ва аозими ва беш қалъа мамоликининг аҳоли ва акоримиға хайётхонаи инъомидин хилъаи гаронмоя ва ташрифоти тиллопироя била сарафроздиғ еткурди. Ва *меҳтари* мушорилайҳга дасти эҳсонидин хуршид панжасидек зарафшонлиғ қилиб, банно ва устод ва наққошларғаким, ул иморатда корсозлиғ кўргузуб эрдилар, атбоуҳум бахшиши билоғоят ва резиши бениҳоятдин баҳраманд қилди.

[1808] Ожар – пишиқ ғишт.
[1809] Фарқадон – Кичик айиқ туркумидаги иккита ялтироқ юлдузлар.
[1810] Яшм ва рухом – нодир яшм мармари ва оқтош, мармар.
[1811] 1219 йил 1-шаъбон/1804 йил 5 ноябр.
[1812] 1219 йил 19-шаъбон/1804 йил 23 ноябр.

Хони фирдавсмаконнинг жулуси майманатмаануси била салтанат тахтин баландпоя қилмоғи ва тораки мубораки била хилофат тожин саодатпироя қилмоғн.

Ҳикоят девонининг соҳиби нигини, ривоят айвонининг маснаднишини, аъни хомаи саодатмаанус варақ девонхонасида сўз аврангига мундоғ жулус қилурким, чун ҳазрат хоқони ғуфронпаноҳ ва хоқони раҳматжойгоҳ, шаҳиди саид Элтузар Муҳаммад Баҳодирхони марҳумнинг мартабаи ҳиммати андин олий эрдиким, мадорижи аморат ва маротиби *иноқ*иятға ризоманд бўлуб, бошқа бировнинг таъзими хилофатиға бош эндургай. **Назм:**

Ҳиммат қушедур баландпарвоз,
Қасри фалак узра ошиёнсоз.
Вайронани қилмас ошиёна,
Ул навъ ки чугзи жовидона.
Ҳар қуш ки бу қушга бўлди ҳамбол,
Жавлонгаҳидур ҳавои иқбол.
Йўқтур анга майли пастлик ҳеч,
Ўз жинсига зердастлик ҳеч.

Ложарам салтанат ҳавоси замири ақдас ва хотири ашрафида тасмим топиб, тўйи мазкурнинг учланжи куниким, якшанба эрди, ойнинг йигирма иккиси[1813] да Абулғозихони Чингизийнинг қомати қобилиятин хилъати салтанатдин урён[1814] ва фарқ[1815] и давлатин афсар[1816] и хилофатдин соҳиби ҳирмон[1817] қилиб, *қароқалпоқ* орасида ақрабоси қошиға юборди. Сўнгги кун чоштгоҳда Фозил *бий* бошлиғ оқо-иниларининг сайъи била ва аркони давлатнинг иттифоқи била шаҳрёрлиғ ўтағасин гўшаи кулоҳиға уруб ва жаҳондорлиғ хотамин кафи ҳумоюниға киюриб, маснадорои салтанат ва аврангпирои хилофат бўлди. Ул кун тарих ҳижрий минг икки юз ўн тўққузда мувофиқи Сичқон йили шаъбон ал-муаззамнинг йигирма учи[1818] да, **тарихи Жалолий** етти юз йигирма олтида Озармоҳи жалолийнинг ўн бирида[1819], **тарихи румий** минг юз ўн олтида Ташрини сонийнинг ўн тўртида[1820], **тарихи қибтия** минг беш юз йигирма бирда Ҳотвари қибтийнинғ ўн еттисида[1821], **тарихи қадими Язджурдия** минг юз етмиш тўртда Хурдодмоҳи қадимнинг ўн тўққузи[1822] да душанба куни офтоби оламтоб Қавс буржи[1823] да эрди. **Шеър:**

Давлат айлаб келди ҳар ёндин муборакбодлиг,
Қўйди олам аҳлига юз инбисоту шодлиг.
Салтанат маъмураси вайрон бўлуб эрди басе,
Мақдамидин етти ул маъмурага ободонлиг.
Даври гардундин асири ғам бўлуб эрди улус,
Топтилар бу мужда тавқии била озодлиг.

Бу воқеаи беҳжатасар таҳниятида Хоразм фузалоси қасойид ва таворих битиб, арзға еткурдилар. Ул жумладин ҳазрат устоди фазойилмаоб, сиёдатинтисоб, умдат ал-ислом, шамс ал-миллат ва-д-дин Музаффар хўжа Киромий *салламаҳу* бу таърихни топибдур. **Таърихи жулус:**

[1813] 1219 йил 22-шаъбон/1804 йил 26 ноябр.
[1814] Урён – яланғоч.
[1815] Фарқ – бош.
[1816] Афсар – тож, тож устидаги пар.
[1817] Соҳиби ҳирмон – маҳрумлик эгаси.
[1818] 1219 йил 23-шаъбон/1804 26 ноябр.
[1819] Қуёш кунлари асосидаги янги Эрон тақвими.
[1820] Ой кунлари асосидаги янги қамарий тақвим.
[1821] Ислом фатҳтгача Мисрда яшаган христиан *қибтий*лар тақвими.
[1822] Қадимги эронликлар тақвими.
[1823] 25 ноябр.

Баҳамдиллоҳ ул шоҳи кишварпаноҳ,
Ота маснадин айлаб оромгоҳ.
Бироз фурсат анда бўлуб ҳукмрон,
Сўнгунча етиб фазлу лутфи илоҳ.
Бошига қўюб тожи Кайхусрав,
Муборак қудумин қилиб зейбгоҳ.
Жанобида аркони давлат ҳама,
Туну кун эрурлар анга хайрхоҳ.
Зиёд эрканига бори шоҳдин,
Таваккул, таҳаввур, карам бор гувоҳ.
Адолат тариқин шиор айлагач,
Қаламзанлар аҳволи бўлди табоҳ.
Салоҳ аҳлини сарафроз айлабон,
Рисолат топиб даврида иззу жоҳ.
Қаён борса туги ливои зафар,
Музаффар бўлуб анга хайлу сипоҳ.
Чу хоразмшаҳ тахтида ўлтуруб,
Мамолик элин тузди бешштибоҳ.
Кироммй савол этти таърихини,
Дедимким: «амир Элтузар подшоҳ».

Фақир ҳам ул ҳазратнинг таҳнияти жулусида тамаддуҳ юзидин бир таърих ва бир қасида айтиб эрдим. Ул таърих будур. **Таърих:**

Чун нишаст он шоҳ бар авранги жоҳ,
Ёфт аз вай зеб тожи макрамат.
Пеши ў рафтам ба одоби ниёз,
То жулусашро бигўям таҳният.
Бар сарам андохта аз рўйи меҳр.
Офтобосо шуои отифат.
Гуфт: таърихи жулусро бигуй!
Гуфтамаш: «бодат муборак салтанат»
Ва ул қасиданинг матлаи будур.

Матлаъ:

Беза, эй шоҳиди давлат, менга васлинг шабистонин,
Чароги мажлисафрўз эт жамолинг моҳи тобонин.

Подшоҳи мағфиратпаноҳнинг аввалғи мартаба Орол савбиға ҳаракат қилмоғи ва таиди илоҳий била Хўжаэли қўрғонининг очилмоғи ва сўфилар таадиби учун Қўнгрот қўрғонининг устиға бормоғи. Буроқи муҳориба ва таигнои муҳосира била аларнинг думоғидин дуд чиқармоғи ва ҳазрат аълохоқонийнинг диловарлиқ изҳори ва мубориздиқ намудори

Гузориш кишварининг Санжари, нигориш оламининг Сикандари қалами бадианигор бу нав ҳикоятгузорлиғ қилуркким, ҳамул йил хони мағфурнинг жулуси майманатмаанусидин сўнг[1824] Орол диёрида Хўжамурод *бий* била иниси Тўрамурод сўфининг орасиға баъзи умури номарзия ва маҳоми номария[1825] мавжибидин ваҳшат тушуб, иш низоға мунжар бўлди. Андоқким, Тўрамурод сўфи Қўнгротдин мутарризона[1826] чиқиб, *манқит* аросиға борди ва ўн беш кундин сўнг бир кеча ёшурин Қўнгротға кириб,

---

[1824] Яъни 1219/1804 йил шаъбон/5 ноябр-3 декабр ойидан сўнг.
[1825] Норозилик ва дўстликка хилоф ишлар.
[1826] Мутпарризона – жанжаллашиб.

Эшқули қабиласидин Эшмуҳаммад *охунд* бошлиғ Кўнгротнинг баъзи аҳолисининг муовинат ва музоҳирати била қалъаға мутасарриф бўлди ва оқосин ҳовлисида қабаб, муҳосираға машғул бўлди. Бу сониҳаи беҳжатафзо ҳазрат подшоҳи мағфур ва шаҳашоҳи мабрурнинг самъи шарифиға етти. Ул ҳазрат бурундин худ Орол тасхирининг иродасин пешниҳоди хотир қилиб, юруш асбобининг таҳҳийя ва истеъдодиға машғул эрди. Бу хабар ул ирода тарғибининг силсиласиға таҳрик бериб, лашкар иҳзори учун мамолики маҳруса[1827] ға чопар юборди. Ва Қутлуқмурод бекни шаҳарда ниёбатға тайин қилиб, шаввол ал-муборакнинг йигирма тўрти[1828] да жумъа куни намоздин сўнг ҳиммат қадамин саодат рикобиға қўюб, дор ас-салтанаи Хивақдин чиқти. Кеча Котда қўнуб, шанба куни Омуядин убур қилиб, ҳовлисиға тушти. Сўнгғи кун ҳазрат қутб ас-солиҳин ва фахр ат-тобеин, султон ал-орифин, бурҳон ал-восилин Увайс ал-Қараний *разиуллоҳм анҳу*нинг манзилгоҳининг зиёратиға мушарраф бўлуб, арвоҳи таййибадин имдод ва истионат топиб, мурожиат кўргузди. Душанба куни ойнинг йигирма еттиси[1829] да Омуядин кечиб, Бўрка мавзеиға ворид бўлди. Бу мавзеда асокири мансура ва афвожи қоҳира атрофи мамоликдин гуруҳ-гуруҳ ва фавж-фавж келиб, ливои зафар зиллиға мужтама бўлдилар. **Фард:**

Бўлуб жам ул нав хайлу сипоҳ,
Ки етмай канориға пайки нигоҳ.

Касрати сипоҳ ва иддати хийма ва хиргоҳ ул мусобада эрдиким, қўшидин чиқған киши уч кун, тўрт кун тараддуди бисёр ва тажассуси бешумор била қайтиб қўшин топа олмас эди. Ғурраи зу-л-қаъда [1830] да панжшанба куни ул мавзедин ҳаракат қииб, Қубатоғнинг шарқий доманасин нузули мусарратвусули била беҳиштнишон қилди. Ул манзилда *йимроли* жамоасидинким, *явмут*дин айрилиб, Ойбукурда қолиб эрди, элчи келиб, бандалик мавқифида ул жамоанинг қуллуқ аризадоштин даргоҳ мулозимлариға еткурди. Ойнинг тўрти[1831] да якшанба куни ул ердин рояттафрози наҳзат бўлуб, Кўкнинг сақосиға тушулди. Бу ерда *човдур*дин элчи келиб, эллик ва итоат изҳорин арзға еткурди. Ул ҳазрат элчиларға либоси кимхо ва хилъати гаронбаҳо била сарафрозлиғ бағишлаб, *йимроли* ва *човдур*нинг жароими қадима ва осоими жадидасин маоф[1832] тушуб, нишони олийшон марҳамат қилдиким, «муроҳими хусравона мазмуниға иттило топғач, кўчуб, жавори амниятосоримизға мутаважжиҳ бўлуб, *йимроли* Музкўмган ноҳиятида, *човдур Отолиқ* арнасининг канорида мутаваттин бўлсунлар». Аларға рухсати инсироф берилгандин сўнг ойнинг олтиси[1833] да сешанба куни дабдабаи тамом ва кавкабаи зафарфаржом била наҳзат ливосин жилваға киргузди ва Лавдон қироғида қўниб, чаҳоршанба куни Хўжаэли ноҳиятиға ворид бўлди. Шужаои номдор ва абтоли кинагузорни фавж-фавж лашкари нусратасар била чаповулға буюриб, алар қалъа атрофидин ғаноими мафвур ва исор номақдур дастгир қилиб, шарафандўзи тақбили рикоб бўлдилар. Хони мағфур ғояти лийнат[1834] и нафс ва мулойимати табъ иқтизосидин усарони мутлақ ал-инъон қилди. Ва қўрғон тақобилида ўрдуи кайҳонпўйиға қароргоҳ муқаррар қилиб, кирёси давлатасос манжуқин зурваи аюқға еткурди. Хайёми нусратанжом ва сародиқоти зафарфаржом иъзои била Хўжаэли атрофин шаҳристони Чин, балки, гулистони хулди барин қилди. **Маснавий:**

Бўлуб аҳли мавкабға дашти басит,
Бўлуб қалъа давриға лашкар муҳит.
Тутуб қалъа атрофин андоқ сипоҳ,
Ки топмай гузор этгали йўл нигоҳ.

[1827] Мамолики маҳруса – давлатга қарашли юртлар.
[1828] 1219 йил 24-шаввол/1805 йил 27 январ.
[1829] 1219 йил 26-шаввол/ 1805 йил 29 январ.
[1830] 1219 йил 1-зу-л-қаъда/1805 йил 1 феврал.
[1831] 1219 йил 4-зу-л-қаъда/1219 йил 4 феврал.
[1832] Жароими қадима ва осоими жадида маофи – эски ва янги журм (айб) ва осийликни кечириш.
[1833] 1219 йил 6-зу-л-қаъда/1805 йил 6 феврал.
[1834] Лийнат – кўнгилчанлик.

Талотум уруб баҳри заххордек,
Доимо баҳри тўфони хунхордек.
Қолиб қалъа тўфонда кешти мисол,
Топиб латмайи хавфдин ихтилол.
Нажоте бу кештига имкон эмас,
Ки Нўҳ итоат нигаҳбони эмас.
Чу Нўҳ итоат бўлур нохудо[1835]*,*
Нажоту фаллоҳ ўлғай имкон анга.
Чу тўфон кирар мавжу тугён аро,
Борур Нўҳсиз кема тўфон аро.
Ҳисор ичра бу баҳри тўфон қиёс,
Солиб халқ кўнглига раабу ҳарос.
Улус ваҳмдин айлабон изтироб,
Яқин етти борча бўлурға хароб.

Кеча қалъа атрофининг муҳофизатиға Муҳаммад *бий* ва Оллоҳназар бой Хонқоҳийни тайин қилиб, талияйи субҳдин сўнг дабдабаи тамом ва кавкабаи қиёматиздиҳом била рукуб қилиб, Қўрғон дарвозасининг пешгоҳида ливои зафарпайкарни жилваға киргузуб, қўрғон жавонибида суфуфи нусратвуқуфни ораста қилиб, аълам ал-уламо, мафхар ал-фузало, жоме ал-фазойил, ҳови ал-масойил, фахр ал-миллат ва-д-дин домла Муҳаммад Вафо *қози* аскар била фақир ал-ҳақир роқими ҳуруф[1836] нинг оқоси аморатмаоб, садоқат интисоб Муҳаммадниёз *миробни хўжаэли* акобириға итоат ва фармонбардорлиғ даъвати учун рисолат расми била юборди. Маъмурлар фармон мавжиби била қалъаға бориб, қутб ал-олам, ғавс аил-аъзам, солики масолики тариқат, муршиди минҳожи ҳақиқат, шараф ал-миллат ва-д-дин саййид Турсун хўжа эшон *маддаллоҳу зилола иршодиҳи ала мафориқи-с-соликин*нинг хонақоҳиға нузул қилиб, дастбўсликқа мушарраф бўлдилар. Ва *хўжаэли*нинг акобир ва асоғири Дўсум *бий* ва Ўтақули *отолиқ* ва Ҳасанали хўжа ва Ҳасанмурод *сориғ* бошлиғлар ул мавзеи муқаддасға жам бўлдилар. Маъмури мазкурлар таблиғи рисолат[1837] дин сўнг ҳазрат хўжанинг ҳузури фоиз ал-сururида Дўсум *бий* ва *отолиқ*ларға инод ва саркашлик фазиҳат[1838] идин таҳдиди тамом ва тахвифи молокалом била мамонеат кўргузуб, итоат ва инқиёд сироти мустақимиға даъват ва далолат қилдилар. Ва ҳазрат хўжа дағи аларға мувофиқат кўргузиб, ул элнинг вазе ва шарифиғаким, ҳозир эрдилар, тамаррудкишлик ва фасодандишлик шоматидин тавбиҳ ва сарзаниш қилиб «мўъминлардан икки тоифа бир-бири билан урушиб қолса,дарҳол уларни яраштириб қўйинглар[1839] » мадлули била сулҳға далолат қилди. «Оллоҳға итоат қилингиз ва пайғамбарларга ва ўзингиздан бўлган мусулмон *ҳоким*ларга бўйсунингиз[1840] » мафоди била Худо ва расул тоатидин сўнг улувв ал-амр[1841] ға таотдорлиғ ва фармонбардорлиғ умурининг фавоиди дунявий ва натоижи ухравийсин банаҳве тақрир қилдиким, фуқаро издиҳом қилиб, Дўсум *бий* бошлиғ инод аҳлин тутуб берур мақомида бўлдилар. Муонидларким, залоат тариқида собит бўлуб, қалъадорлиғ ва кинагузорлиғ хаёлида эрдилар, чун бу воқеаи мубрам ва сониҳаи маҳкамни мушоҳида қилдилар, ноилож хавфи жондин толиби омон бўлуб, оғомға илтимос эттиларким, «ҳазрат *қози* орамизда тавaққуф қилиб, Сиз ҳазрат хилофатмаобға аризамизни еткурсангизким, ул ҳазрат улуғ иниси амирзодаи аъзам, мафхари бани одам Ҳасанмурод бек била амири равшанзамир, соиби тадбир Шоҳниёз *отолиқ*ни бу муҳаққар бандаларнинг сарвақт[1842] иға банданавозлиғ юзидин юборса, токим, аларнинг сояйи ҳимоятиға кириб, хокбўсликқа мушарраф бўлсоқ.» Оғом қалъадин чиқиб, хони мағфурнинг ҳузуратиға аларнинг арзин еткурди

[1835] Нохудо – кема дарғаси.
[1836] Роқими ҳуруф – бу сўзлар битувчиси, яъни Мунис.
[1837] Таблиғи рисолат – элчилик мазмунини етказиш.
[1838] Фазиҳат – шармандали иш.
[1839] Қуръони карим, 69 : 9.
[1840] Қуръони карим, 4 : 59.
[1841] Улуввал-амр – олий буйруқ.
[1842] Сарвақт – олди, ҳузури, ёни.

эрса, хони мағфур шафқат юзидин аларнинг илтимосин мабзул тутиб, амирзодаи мумиилайҳ била *отолиқи* мазкурни юборди. Алар қалъа аҳлиға инояти хоқоний ва мароҳими хусравоний муждасин еткуруб, Дўсим *бий* бошлиғ тамомати акобир аларнинг жиловида ғояти инкисор ва ниҳояти шармсорлиғ била чиқиб, хони мағфур отининг оёқиға туфроқдек туштилар. Алар бовужудиким, улуғ гуноҳ иртикобидин лозим ал-қатл ва муставжиби қаҳр ва сахат эрдилар, ул ҳазрат «афв Оллоҳ ҳузуридаги қадр топувчи ишлардандир» фаҳвоси била аларнинг жароими бепоёниға пардаи ағмоз чекиб, ҳазрат хўжаи мушориилайҳга бағишлади. Ул кеча фармон мавжиби била оғом Муҳаммадниёз *мироби* мағфиратмаоб ва *қангли* акобиридин Муҳаммад *бий* ва *сорт* ашрофидин Оллоҳназар бой Хонқоҳий ўзлариға тааллуқ сипоҳ била қалъаға кириб, дуруб ва абвоб[1843]да ўзлари мутамаккин бўлуб, буруж ва боруларға зобит кишиларни тайин қилиб, муҳофизат умуриға қиём кўргуздилар. Тонгласи ойнинг тўққузи[1844]да жума куни хони мағфур *хўжаэли* акобириға авотифи подшоҳий ва мароҳими номутаноҳий шомил қилиб, ташрифоти гаронмоя била сарафрозлиғ еткурди. Алар доғи Сулаймон ҳузратиға малах[1845] оёқин қаринчқа пешкаш келтургандек, ул ҳазратнинг даргоҳи фалак иштибоҳиға бору йўқин нисор қилдилар. Хони мағфур ул кун шикор тариқаси била Хўжаэли навоҳисин сайр қилди. Эртанг яна қушлаб, Миздеҳқонда Шамъун наби *алайҳиссалом*нинг зиёратиға мушарраф бўлуб, ҳазрат қутб ал-ақтоб, сиёдатмаоб саййид Турсун хўжа эшонғаким, ул жанобнинг мутаваллиси эрди, назр баҳонаси била ганжрезлик[1846] қилди. Ул кун қаро черикни қалъа тахриб[1847]иға буюриб эрди, уч кун муддатда коргузорларнинг зарби болту ва қувввати бозусидин анингдек қалъаи сипеҳрбунёнким, буружу боруси рифъатда зурваи Сурайёға ҳамсарлик қилур эрди, вайрон бўлдиким «устини ости қилдик[1848]» андин хабар берур. Ул овонда Қўнғрот жонибидин хабар келдиким, акобири *қўнғротия* тавассут[1849]и била сўфилар иккаласи мусолиҳа қилиб, Тўрамурод сўфи ҳукумат мансабида ўлтуриб, оқосин маъзул қилғон эрмиш. Хони мағфурнинг замири саодаттахмирида алар гуштоб[1850]ининг азимати мусаммим[1851] бўлуб, *хўжаэли* черикин сон кўруб, оғам Муҳаммадниёз *мироб*ға мулозими рикоб қилди ва ойнинг ўн тўрти[1852]да чаҳоршанба куни Қўнғрот тасхирининг иродаси била Хўжаэлидин рукуб қилди ва муз устидин дарёни кечиб, жума куни[1853] Қаробойли наҳрининг сақосин нузули майманатвусули била мафхари манозил қилди. Бу мавзеда *йимроли* ва *човдур* акобири черики била хокбўсликқа мушарраф бўлуб, фармони лозим ал-изъон имтисоли била Ойбукурдин туруб, кўчларин мамолики маҳруса сори узотғонларин арзға еткурдилар. Ойнинг ўн саккизи[1854]да якшанба куни ул ердин роятафрози наҳзат бўлуб, Қўнғротнинг бир фарсахлиқ юқорисиға тушулди. Тонгласи сешанба куни қалъа устиға отланиб, шарқий жонибидин бориб, суфуфи нусратвуқуфни ораста қилди. Тўрамурод сўфи дағи муонидлар черики била чиқиб, қалъанинг остида дарёнинг ғарбий канорида ясов ясади. Ва муборизлар икки тарафдин маъракаи майдонға сурон солиб, ситез ва овез тариқаси била хунрезликка машғул бўлдилар. **Маснавий:**

Қилиб ял[1855]лар изҳори жонбозлиг,
Қилич бирла айлаб сарандозлиг.
Оқиб қон муз устида дарё мисол,
Иссиг қондин ул муз топиб ихтилол.

[1843] Дуруб ва абвоб – эшик ва дарвозалар.
[1844] 1219 йил 9-зу-л-қаъда/1805 йил 9 феврал.
[1845] Малах – чигиртка.
[1846] Ганжрезлик – пул сочиш (пул бериш).
[1847] Тахриб – бузиш.
[1848] Қуръони карим, 11 : 82.
[1849] Тавассут – восита.
[1850] Гуштоб – жазо, танбеҳ.
[1851] Мусаммим – қарорга келиш.
[1852] 1219 йил 14-зу-л-қаъда/1805 йил 14 феврал.
[1853] 1219 йил 16-зу-л-қаъда/1805 йил 16 феврал.
[1854] 1219 йил 18-зу-л-қаъда/1805 йил 18 феврал.
[1855] Ял – ботир.

Чу таъсири ул нав сувга етиб,
Ки Омуни ҳамранги сурхоб[1856] этиб.
Кесилган бош ул музда ҳар ён тушуб,
Бошу муз аросида ўқ қон тушуб.
Чопиб отлар ул нав муз узра тез,
Ки муз зарби суммдин бўлуб шўълахез.
Чу отлар ки муз узра жавлон қилиб,
Таажжуб ки муз бирла ўт сочилиб.
Бу муз узра ҳар сори жонсиз жасад,
Кўтал[1857] лар қилиб фош беҳадду адад.

Бу муҳорибада Тўрамурод сўфининг ўзи жаҳолат юзидин муборизат қадамин залолат майдониға қўюб, хунрезлик ва сарафшонлиғда жаҳди мавфур ва сайъи номақдур тақдимға еткурди. Аммо хони мағфурнинг иқболи зафармаоли ҳазрат подшоҳи шижоатпаноҳ ва шаҳашоҳи муборизатдастгоҳ ал-мухтасар баинояти ал-малик ал-маннон Абу-л-музаффар ва-л-мансур Муҳаммадраҳим Баҳодирхон *ло зола ан муфорриқ и-л-аъдо шаъшаи самсомиҳи*нинг теғи шижоат ва синони жалодатининг душмангузор ва мухолифнавозлиғидин қавий бўлуб, сўфии бепири[1858] залолаттадбир тоби муқовимат келтура олмайин, тариқаи гурезни жумлаи муғтанамотдин санаб, ўз бахти баргаштасидек, сипоҳи нусратпаноҳдин рўйгардон бўлди. Муборизлар қалъағача таоқиб қилиб, фасадаи бисёр ва муонидини бешуморни ажал шоҳроҳидин жаҳаннамга юборди. Ул урушда шамхолчи саркорларидин Эшниёз *юзбоши* Қулмон Баҳодирниким, Орол диёрида шижоат ва муборизатда беназир эрди, асир қилиб, хони мағфурнинг ҳузуриға келтурди. Бу тариқада диловарлар бениҳоят бош ва асир келтуруб, мароҳими хусравонаға махсус бўлдилар. Аммо асокири мансурадин Пиримёр хўжа Хўжаэлий ва Раҳматуллоҳ читгар Урганжий шаҳодат топиб, уч-тўрт киши захмдор бўлди. Бу воқеадин сўнг ойнинг йигирма иккиси[1859] да панжшанба куни қўрғонга яқин дарё соҳилин музриби хайёми давлатанжом ва муқарри кавкабаи нусратинтизом қилиб, ўн беш кунгача жамоаи боғияни тангнои муҳосираға тутуб, тўпи қалъакуб ва шамхоли билотимсол ва тўфанги раъдоҳангнинг гулулаандоз ва тирфшонлиғи била қалъа аҳлининг ниҳодидин дуд чиқарди. Ва гоҳо қалъа остида қаттиғ муҳориба ва азим муқотила солиб, муонидларни пайдарпай мағлуб ва мақҳур қилдилар. Айёми муҳосирада шанба куни ойнинг йигирма тўрти эрди, хони мағфур қалъанинг жанубиға ўтуб, юкуртмак иродаси била қалъагирлик асбобин муҳайё ва омода қилиб, *сорт* черикин рикоби ҳумоюн мулозиматида сақлаб, *ўзбак* сипоҳиға қўрғоннинг тўрт жонибин тақсим қилиб, булжор тайин этти. Андоқким, шарқий булжорни *қўнғрот-қиёт* черикига муқаррар қилиб, *амир* Қилич *иноқ* ва Султон *мироб* ва Қаробаҳодир *мироб* ва Паҳлавонқули *қўшбеги*нинг уҳдасида қилди. Ва кунтуғар била қибла оралиғин *уйғур* ва *наймон* сипоҳиға бериб, Каримберди *отолиқ* ва Ўрозали *иноқ*нинг уҳдасида қилди. Ва қибла била кунботар мобайнин *нукуз-манқит* лашкариға тафвиз қилиб, Бобо *отолиқ* ва Аваз *иноқ* ва оғам Муҳаммадниёз *мироб* в Бекболта *мироб* ва Оллоҳназар *бий*нинг уҳдасида қилди. Ва ғарбий тарафин ўн тўрт уруғ аскариға махсус тутуб, *амир* Вали *отолиқ* ва Яхшилиқ *парвоначи* ва Муҳаммад *бий* ва Ҳасанмурод *отолиқ*нинг уҳдасида қилди. Умарои мазкурин букуртмак умурида жаҳду иҳтимом кўргузуб, тўрт тарафдин баҳодирлар аррода ва *тўра* юзлариға тутуб, югурдилар. Ул чоғда Тўрамурод сўфиким, тўрт жонибдин дарёйи бало ва тўфони вағони бу нав муталотум ва маториким кўруб, заврақи жамиати гирдоби изтиробға тушуб, яқин эрдиким ғарқи дарёйи тафрақа бўлғай. Баъзи ашрофнинг савобдиди била оқосиға узрлар айтиб, аморат ва аёлат сарриштасин анинг қабзаи ихтиёрига солиб, ўзи туруб, муонидларни гуруҳ-гуруҳ булжорларға тайин қилди. *Нукуз-манқит* диловарлариким, аробаларни хандақға ташлаб, қўрғонға шоту қўюб эрдилар, Тўрамурод сўфи ул ерга ҳозир бўлуб, мудофааға машғул бўлди. Асокири мансура чун кўрдиким, булжорларда муонидлар мудофаа мақомида собитқадамдурлар, фармон

[1856] Сурхоб – қизил рангдаги тош, лаъл; Сурхоби – қизил тусли ўрдак.
[1857] Кўтал – кўҳ+тал – тепалик, тоғ, довон.
[1858] Бепир – пирсиз, пир кўрмаган гумроҳ.
[1859] 1219 йил 22-зу-л-қаъда/ 1805 йил 22 феврал.

мавжиби била қайттилар. Ва ойнинг йигирма олтиси[1860] да душанба куни *амир* Каримберди *отолиқ* ва *амир* Қилич *иноқ*ни икки минг мунтахаб черик била Шўркўл ва Моҳипаз ҳудудининг чаповулиға амр қилди. Маъмурлар ул ноҳиятға бориб, *қўнғрот* ва *қароқалпоқ*нинг молу мавошиларин ўлжалаб Оймирзо ва Манотойнинг қабоилин чопиб, ғаноими бисёр ва усарои бешумор била беш кун муддатида келиб, шарафандўзи тақбили бисот бўлдилар. Ва ойнинг салхи[1861] да жума куниким, Наврўзи Хоразмшоҳининг сўнгги куни ва Ҳамалнинг иккинчиси эрди, қаттиғ муҳориба воқе бўлди. Бу воқеа тавзиҳи улким, Шўркўл чаповулиға борғон черик келмасдин бурун хони мағфур жума куни озроқча сипоҳ била қўрғон устиға ҳаракат қилди. Дарёдин кечарда *қўнғрот*нинг баъзи йигитлари чиқиб, сипоҳигарлик расми била майдондорлиғ луабин ошкоро қилдилар Муборизларким, оч арслондек муонидлар қониға ташналаб эрдилар, ҳужумовар бўлуб, жиловрезлик била ҳамла қилиб, аъдои давлатни тилку янглиғ бунгоҳиға қабадилар. Ул аснода хони мағфур ливои зафарни ҳаракатға киргузуб, қўрғоннинг ғарбий самтида ором тутти. Ва Тўрамурод сўфининг работиким, ул тарафда воқе эрди, қўрғондин баъзи муонидлар чиқиб, работи мазбурға кирди. Ҳазрат аълохоқони гардунтавон, соҳибқирони таҳаввурнишон, ал-муаййид би таиид ас-субҳон, муизз ад-давлат ва-д-дин Абулғози Муҳаммадраҳим Баҳодирхон *маддаллоҳу зилола шижоатиҳи ала мафориқи-л-асокир*ким, суфуф оллида *амир* Вали *отолиқ* бошлиғ баъзи диловарлар била сурон солиб, аъдои давлатнинг қудуми наҳўстлузумиға мунтазир эрдилар, работға кирганларни кўруб, работ устиға от солдилар. Муонидлар аларни ўзларининг бошиға ҳодисоти самовийдек мутаважжиҳ кўруб, работни ташлаб, қўрғонға кирдилар. Ул ҳазрат работға мутасррриф бўлуб, қаҳр ўти била куйдурди. Ул чоғда *қўнғрот* черики отлиғ ва яёқ чиқиб, асокири мансура соқасиға ҳужумовар бўлдилар. Хони мағфур қайтиб, алар сори тебради. Муонидлар сипоҳи нусратпаноҳни бузулди гумон қилиб, ҳар на бор киши тушлуқ-тушидин қалъадин отлиғ ва яёқ чиқиб, издиҳоми тамом ва ғулғулаи молокалом била асокири мансураға ғалаба қилдилар. Андоқким, дафъа-дафъа найза солим ерга келиб, ҳамла еткурдилар. Ҳазрат аълохоқоний бу ҳодисани мушоҳида қилиб, ул диловарлар билаким. Мулозими рикоби ҳумоюн эрди, барқи ломеъдек муонидлар устиға суруб, теғи бедариғ ламаоти била хирмани жамиатиға ўт солди.
Назм:

Қаён қўйса юз шоҳи фархошжу,
Қочиб бетаваққуф сипоҳи адув.
Адув кўпидин бўлмай андишанок,
Кўшешга илик очти беваҳму бок.
Қилиб ҳамла аъдога бермай омон,
Сафи мўрга мисли шери жаён.
Бировга қилиб теги қатъи ҳаёт,
Бировга очиб рамҳи роҳи мамот.
Очиб дамбадамким, ўқи болу пар,
Қилиб икки учдин хатосиз гузар.
Бу янглиғ қилиб хунфишонлиғ аён,
Ҳамул арсани тутти дарёйи қон.
Бериб қаҳр ўтиға фурузандалиқ,
Адув хайлиға солди сўзанда[1862] *лиқ.*
Ул ўт ўртаб аъдони хошокдек,
Совурди кулин садамат хокдек.

Алғараз, аъдои давлатбаргашта ўз иқболидек рўйгардон ва ўз идбори янглиғ ҳаминони хазлон бўлуб, арслон савлатидин тилку хайли гурезон бўлғондек қочиб, қўрғонни ўзлариға паноҳи офият ва манзили нажот қилдилар. Ва диловарлар даги хандақ канориғача таоқиб қилиб, муборизат қиличи била жамоаи

[1860] 1219 йил 26-зу-л-қаъда/ 1805 йил 26 феврал.
[1861] 1219 йил 30-зу-л-қаъда/ 1805 йил 2 март.
[1862] Сўзанда – ёқувчи, куйдирувчи.

боғиядин кўп кишини мақтул ва мажруҳ қилдилар. Сипоҳи нусрат паноҳға бу муҳорибада ғаноими бисёр муяссар бўлуб, усарои бешумор қайдға чекилди. Ва ҳазрат аълохоқонийнинг бозуи жалодат ва неруи шижоатидин анингдек сипоҳи бекарон ва лашкари бепоёнким, ададда мўру малахдин зиёда эрди, шикасти комил топиб, хони мағфурға нусрат ёр ва зафар мададкор бўлди. Бу нав воқеаи бадиа ул ҳазратдин бошқа ҳеч далередин эшитилмайдур. **Нукта:** Искандар Зулқарнайиндин савол қилдиларким «далерлик нишони недур?» Деди: Улдурким, сўрмаским «сипоҳи душман нечадур? Балки тафаҳҳус қилурким «қайдадур?»; Ҳар ойина бу сифатға мунсиф бўлғонлар ҳамиша мансурдур ва душмани маққур. **Қитъа:**

Ҳар шаҳ ки эрур муборизаткийш[1863]*,*
Ҳамвора зафар мулозимидур.
Олгоч қўлиға синони хунрез,
Иқбол ила фатҳ лозим[1864] *идур.*

Чун табиати ҳаво эътидолға майл кўргузуб, насими баҳор иҳтизозға кирди, шиддати бурудат билкулл мунқате бўлуб, муз бунёд[1865] иға сустлиқ этти. Агар муз тушса, лашкариянинг мурур[1866] ва мурожиати холи аз ишкол[1867] эрмас эрди. Ва яна озуқадин сипоҳ танқислиқ тортар эрди. Бу жиҳатдин зу-л-ҳижжа нинг олтиси[1868] да мурожиат жониби атфи инон қилиб, Қаробойли қироғиға тушулди. Ул руднинг музиға футур ва сустлиқ етиб, отни кўтармас эрди. Бу жиҳатдин оғам Муҳаммадниёз *миробни* жиср[1869] боғлатурға амр қилиб, Хонқоҳ тавобеотининг қаро черикин ҳашар ва коргузорлиғ учун анга тафвиз қилди. Ул аснода Орол сипоҳи мавокиби ҳумоюннинг ақабиға теккан хабарин еткурдилар. Хони мағфур рикоби зафаринтисобдаги ҳозир черик била бориб, қирқ-эллик муфсадани қатлға еткуриб, қолғонин мунҳазим қилиб қайтти. Жума куни ва шанба куни афвожи қоҳира жисрдин убур қилиб. Ойнинг тўққузи[1870] да якшанба куни Кўкўзак наҳрининг Тошгузариға нузул қилди. Ул манзилда икки кун мутаваққиф бўлуб, иш кўргузган ва оти ўлган ва аробаси ушолғон ва асқол ва аҳмол[1871] и талаф бўлғон кишиларға хазинаи эҳсонидин зарафшонлиғ қилиб «ўзининг аҳлу оиласига шоду хуррам ҳолда қайтажак[1872] » мафоди била масрур ва хушҳол қилиб, автон ва масокиниға мураххас қилди. Ва ойнинг ўн иккиси[1873] да чаҳоршанба куни Солли сақосиниг баробариға тушулди. Ул ердин оғам Муҳаммадниёз *мироб*ни *хўжаэли*га номзад қилдиким, ул элни кўчургай. Ул фармони лозимилзон имтисоли била *хўжаэли*ни кўчуруб, дарё қироғиға тушурди ва кемалар билаким, бурунроқ амри олий била ул фурза[1874] ға жам бўлуб эрди, дарёни кечиб, асқол ва аҳмолларин кемаларга солиб, ўзларин ароба ва мавошилари била дарё моваросин ёқалаб кўчурди. Хони мағфур манзили мазкурда ул эл кўчкунча таваққуф қилиб, тўй бериб, от ёриштурди ва куштигирлиқ қилдурди. Оти ўтган кишиларга ва ҳарифин йиққан паҳлавонларға инъомоти вофир ва эҳсоноти мутакосир била бархўрдорлиғ[1875] еткурди. Ва *хўжаэли* кўчулгандин сўнг ул мавзедин наҳзат қилиб, кўч-бакўч қатъи масофат қилиб, панжшанба куни ойнинг йигирма еттиси[1876] да ўз ҳовлисиға нузул қилди. Анда тамомати ашроф ва акобирға панжаи эҳсонидин ганжрезлик кўргузуб, шанба куни ойнинг салхи[1877] да дор ас-салтанаи Хиваққа ворид бўлди. Ва *хўжаэли*га Оқсарой ноҳиятида сукно ва маъво муқаррар қилди.

[1863] Муборизат – кураш. Кийш – мазҳаб, дин, йўл-йўриқ; одат.
[1864] Лозим – тааллуқли.
[1865] Бунёд – асос.
[1866] Мурур – ўтиш.
[1867] Холи аз ишкол – ишкаллардан холи.
[1868] 1219 йил 6-зу-л-ҳижжа/1805 йил 8 март.
[1869] Жасир – кемаларни бир-бирига улаб ясаладиган кўприк; паром.
[1870] 1219 йил 9-зу-л-ҳижжа/1805 йил 11 март.
[1871] Ёнидаги асбоб-юклари.
[1872] Қуръони карим, 84 : 9.
[1873] 1219 йил 12-зу-л-ҳижжа/1805 йил 14 март.
[1874] Фурза – дарё, денгиз бандаргоҳи, кемалар турадиган жой, бухта.
[1875] Бархўрдорлиғ – эга бўлиш; Бу ерда: бирон нарсалик қилиш.
[1876] 1219 йил 27-зу-л-ҳижжа/1805 йил 29 март.
[1877] 1219 йил 29-зу-л-ҳижжа/ 1805 йил 31 март.

Подшоҳи мағфиратпаноҳнинг иккинчи каррат Орол қасдиға ливоафрозлиғ бўлуб, ул диёрни мусаххар этгани ва сўфии фасодкийши иодандешлар қуллодайи итоат бўюиларига солиб, Хўжамурод бийнинг давлати раҳнамолиғи била бандалик мавқифиға етгони

Хомаи сеҳртироз мундоқ мўъжизапардозлиғ кўргузурким, ҳазрат хони *мағфур* ва хоқони *мабрур* Элтузар Муҳаммад Баҳодирхон *тағаммадаллоҳу би-ғуфрониҳи* икки сипоҳи нусратпаноҳнинг от ва улоғининг осойиш ва семурмаки учун балдаи маҳфузаи Хивақда мустақарри жалолатда оромгузини маснади хилофат бўлуб, санаи ҳижрия минг икки юз йигирмада мувофиқи Сиғир йили раби ал-аввалнинг ўн бири[1878] да шанба куниким, офтоби оламтоб жамшиди маснаднишини боргоҳи Жавзо эрди[1879], чоштгоҳда Қўнғрот тасхирининг иродаси била саодат якрониға рукуб қилиб, Омуя қироғида Оққум мавзеин музриби хайём ва муқарри боргоҳ қилиб, саккиз кун асокири зафармаасар ижтимои учун ул мавзеда назҳати муваққада мутавақкиф бўлди.

Якшанба куни ойнинг ўн тўққузи[1880] да Марв *волийси амир* носириддин Дин Носир *тўра*динким, Шоҳмурод валинаъмининг иккинчи ўғли ва Мир Ҳайдарнинг инисидур, расул келиб, итоат аризадоштин арзға еткурди. Бу мақоли фархундамаол тасриҳ[1881] и улким, бурунғи йил жумода-л-охир[1882] да Бухоро *ҳокими* Мир Ҳайдар баъзи наммоми фитнаандишнинг ағроз ва афсоди била иниси Дин Носир *тўра*ни Марв ҳукуматидин азл қилиб, икки саркардасин юбориб эрди. Дин Носир *тўра* оқосининг макнун[1883] и хотиридин огоҳлиқ топиб, саркардаларни ҳийла била тутуб, қатлға еткуруб эрди. Чун хони мағфурнинг сэйти салобат ва овозаи маҳобатин эшитти, ғойибона ихлоскийш ва садоқатандишлик юзидин ва яна оқоси Мир Ҳайдарнинг ваҳми тасаллутидин ул ҳазратнинг сояйи ҳимоятиға тавассул кўргузуб, Марвда хони мағфурнинг исми сомий ва алқоби гиромийсиға хутба ўқуб ва сикка сўқуб, аризаи ихлос ва садоқатин элчи била дарбори фалакмиқдорға ирсол қилиб эрди. Элчига кўрунуш берилгандин сўнг шаҳарга қайтариб, ул мавзедин тебраб, ойнинг йигирма иккиси[1884] да чаҳоршанба куни Чуманой дарёчасининг қироғиға тушулди. Ул кеча хони мағфур аркони давлат ва аъёни ҳузрат била Чуманойдин ўтуб, боргоҳи фалакиштибоҳни барпой қилди. Икки кун ўрдуи кайҳонпўй ва лашкари нусратасар убур қилдилар. Ойнинг йигирма беши[1885] да шанба куни Қангличапининг тушида дарё канорин музриби хайёми иқбол ва муқарри кавкабаи ижлол қилди. Ва хони мағфурнинг ўзи ул кун юз эллик киши билаким, ҳар бири минг кишидин мунтахаб қилилғон эрди, Қўнғрот қўрғонининг устиға чаповул расми била бориб, муонидлардин кўп кишининг бунёди ҳаётин қатлу наҳб била хароб ва молу жиҳотин талотўми тохту торож била ғарқи гирдоб қилиб, кунжи кирёси гардунмумосни мақдами ҳумоюни била давлатасос қилди. Якшанба куни ул мавзедин кўчуб, Манқит қалъасининг муқобиласида Омуя канорин муаскари ҳумоюн қилиб, боргоҳи хуршид қубобнинг манжуқин зурваи уюқдин ўткарди. Ул кун қўрғон устиға бориб, аъдои фасодандиш била муҳорибаи азим ва муқотилаи саҳим воқе бўлди. **Маснавий:**

Икки лашкар ул нав айлаб набард,
Ки ҳайрат қилиб чархи беҳуда гард.
Баҳодирлар айлаб анингдек қирон,
Ки қўй бирла меш[1886] *ичра оч арслон.*
Бедавлар туёқидин ўт сочилиб,
Кавокиб сипеҳр узра равшан қилиб.
Қилиб қатл аро яллар устодлиг,
Ажалга бериб машқи жиловлиг.

[1878] 1220 йил 11-раби ал-аввал/ 1805 йил 9 июн.
[1879] Май ойи.
[1880] 1220 йил 19-раби ал-аввал/ 1805 йил 17 июн.
[1881] Тасриҳ – баён.
[1882] 1219 йил жумода-л-охир ойи/1804 йили 6 сентябр бу ой кирган.
[1883] Макнун – яширин.
[1884] 1220 йил 22-раби ал-аввал/1805 йил 20 июн.
[1885] 1220 йил 25-раби ал-аввал/1805 йил 23 июн
[1886] Меш – сигир.

Қиличлар ки ҳар ён бўлуб хунфишон,
Бўлуб фаҳм тухми ажалдин нишон.

Ҳазрат султони соҳибқирони гитийситон, қомеи бунёди бағи ва туғён, носири билод аҳли иймон, алмустансир мин ал-насир ал-мулки мустаон, аъолхоқоний *маъзуд давлата вас-салтаната* Абулғози Муҳаммадраҳим Баҳодирхон *адомуллоҳу таоло зийната-с-сарир бивужудиҳи ва ақома сабота-л-мулки бациадли жудиҳи* ва *амир* Вали *отолиқ* ва баъзи шужаои кинагузор била жалодат теғин ниёми интиқомдин чекиб, рустамона ҳамлалар била умарои боғия ва суфаҳои тоғияни аъвон ва ансори била мақҳур ва мустосил қилиб, қалъасиға киргунча теғи бедариғ дамидин кўп кишига ажал шарбатин ичурди. **Қитъа:**

Зиҳи шаҳаншаҳи соҳиби таҳаввур ва сафдар,
Ки ҳамласидин анинг ёв суфуфи вайрондур.
Шуои теги агар бўлса меҳрдек толе,
Адув сипоҳи қаро шомдек гуризондур.

Ул урушда шамхолчи саркорларидин Эшниёз *юзбоши* Қулмон Баҳодирниким, *қўнғрот* черикида абнои жинсидин мумтоз эрди, асир қилиб, хони мағфурнинг ҳузуриға келтурди ва ишорати воло била бўйниға урдилар. Ва Шайх Баҳодир Отаниёз бек ибн Бекпўлод *отолиқ*никим, Бухородин Тўра сўфиға кўмакка келиб эрди, захмдор қилди. Бу тариқада муборизлар қатлу кўшешга сайъи мавфур ва жаҳди номақдур тақдимға еткуруб, аъдои давлатдин кўп киши мақтул ва маасур бўлди. Тонгласи душанба куниким, ойнинг йигирма еттиси[1887] эрди, яна қаттиғ уруш воқе бўлуб, ҳазрат аълохоқонийнинг бозуи жалодат ва неруи шижоатидин жамоаи муфсада ҳазимат топиб, сипоҳи нусратпаноҳ мансур ва музаффар бўлди. Бу воқеани иншооллоҳ ул ҳазратнинг ўз тазкараи ҳумоюниға дохил қилиб, тафсилан айтурмиз. Сешанба куни хони мағфур яна отланиб, қалъа остидаги экинларниким, малах[1888]дин омон қолиб эрди, поймол ва матлуф қилдурди. **Иттифоқоти ҳасана**диндурким, хони мағфур бу сафарға рукуб қилғон кунидин бери «оллоҳ сиз кўрмаган бир лашкарни тушурди[1889]» масдуқаси била умуман жамии мамолики Оролда, хусусан, Қўнғрот ноҳиятида малах сипоҳи еру ҳаводин карратан маррот мурур қилиб, қамиш ва зироотедин асар қўймади. Ҳатто яғоч ва уй ва молу мавошилариға ёпушуб, емакка машғул бўлди. **Назм:**

Тутуб ер юзин жайши нусратшиор,
Нечукким, сипоҳи малах бешумор.
Сипоҳи малах ҳам жаҳонни тутуб,
Ки шаҳ лашкаридек ададдин ўтуб.
Бу янглиг икки лашкар беҳисоб,
Аъоди диёрини айлаб хароб.
На ободлиг қўйди амлокда,
На чўбу гияҳ арсаи хокда.

Ул кун Тўрамурод сўфи паришон ва музтариб ал-ҳол бўлуб, оқоси Хўжамурод бийниким, кўп муддатдин бери ҳукумат мансабидин халаъ қилиб эрди, баъзи акобири *қўнгротия*нинг савобдиди била ўз мансабида ўлтурғузуб, жон ваҳмидин ўзин маъзул қилди. Чаҳоршанба куниким, султони зарринқубои хуршид фалак ҳисорининг тасхири учун рукуб қилди, ҳазрат хоқони саид ва қоони шаҳид кавкабаи воло ва дабдабаи лояҳсо била қўрғон жавонибин иҳота қилиб, суфуфи нусратвуқуф тасвиясидин сўнг ҳазрат аълохоқоний баъзи диловарлар билаким, мулозими рикоби олий эрдилар, мустаъди ҳарбу пайкор, мунтазири разму корзор бўлуб, маъракаи майдоннинг бир канорида оромгузин бўлди. Қалъа аҳли-

[1887] 1220 йил 27-раби ал-аввал/1805 йил 25 июн.
[1888] Малах – чигиртка.
[1889] Қуръони карим, 9 : 26.

ким, ул ҳазратнинг ҳамлаи салобатангиз ва дастбурди маҳобатомиздин карратан баъд ал-охир ва марратан баъд ал-аввал кўруб, мағлуб ва манкуб бўлуб эрдилар, чун бу воқеани мушоҳида қилдилар, раабу ҳарос истило топиб, Хўжамурод *бий* ва Тўрамурод сўфининг устиға ҳужум қилиб, аларни хоҳнохоҳ мусолиҳат ва мутобиат амриға далолат қилдилар. Сўфилар жон ваҳмидин мулойимат била қальа аҳлининг шуришиға таскин бериб, Тўра сўфи оқосининг ишорати била бир пора санодиди *қўнгротиянинг* мусоҳибатида қўрғондин чиқиб, Искандар хўжа Бекободийким, майдондорлиғ расми била размгоҳға бориб эрди, сўфи анга илтимос қилдиким, ҳазрат аъохоқоний илгари қадам ранжа қилсалар, токим ул ҳазратнинг домани ҳимоятиға дасти истимон ўруб, сахати подшоҳийдин ийман ва мўтмаин бўлғаймиз. Хўжаи мазкур ижобан лил-мултамаса истидосин қабул қилиб, анинг муддаосин ҳазрат аълохоқонийға арз қилди. Ул ҳазрат ҳасб ал-ҳукми ҳумоюн *амир* Вали *отолиқ* ва *амир* Қилич *иноқ* била бориб, майдонда масофаҳаи муборaки била Тўрамурод сўфининг тораки ифтихорин авжи Сурайёға еткурди. **Қитъа:**

Эй ки, душманга бўйла лутфингдин,
Етадур кўкка афсари рифъат.
Дўстларға етушса алтофинг,
Борму ул нав бир улуғ давлат.

Тўрамурод сўфи ул ҳазратнинг рикоби ҳумоюниға рухсори инкисорин суртуб, арзға еткурдиким, «оқонгиз ҳузратидин бизларнинг гуноҳимизни тилаб, мирооти хотиримиздин хавотир кудуратин рафъ қилсангиз, токим, оқом ё ўзум сояйи ҳимоятингизға кириб, мулозимати подшоҳийға мушарраф бўлсоқ.» Бу муқаддимот била ҳазрат аълохоқоний сарфи инон[1890] қилиб, оқосидин аларнинг жароими қадима ва жадидасин тилаб, Нодир Муҳаммад *кутвол* била иноятнома ирсол қилди. Чун кун кеч бўлуб эрди, хони мағфур мурожиат қилиб, боргоҳи оламланоҳға нузул этти. Ва рабиъ ас-сонийнинг ғурраси[1891] да жума куни ҳазрат аълохоқоний била *амир* Шоҳниёз *отолиқ* қўрғонға кириб, сўфилар писандида зиёфатлар ва шойиста хизматлар тақдимға еткуруб, руҳи равон ва жавҳари жонин ул ҳазратнинг мақдами ҳумоюниға сочиғ келтурдилар. Шанба куни зиёфат адосидин сўнг Хўжамурод *бий* ул ҳазратнинг мулозиматида қўрғондин чиқиб, вориди дарбори фалакмадор бўлуб, бисотбўслиқ шарафиға ихтисос топти. Ҳазрат хони мағфур карами жибиллий муқтазоси била анинг шаънида иноёти комил ва навозишоти шомил тақдимға еткуруб, камари тилло ва хиллои гаронбаҳо била сарафрозлиғ бағишлади. Ва тонгласиким, якшанба куни эрди, Орол ҳукуматиға насб қилиб, ўз қўрғониға юборди. Душанба куни *амир* Шоҳниёз *отолиқ* Хўжамурод *бийнинг* улуғ ўғли Жонмурод бек ва Тўрамурод сўфининг валади аршади Дўстмуҳаммад бек бошлиғ *қўнгротнинг* яхши йигитларин навкар қилиб, даргоҳи оламланоҳға келтурди. Хони мағфур ул диёрнинг низом ва ансоқидин фароғ топғандин сўнг ойининг еттиси[1892] да панжшанба куни фатҳу ферузмандлик била мурожиат жониби кўси раҳил уруб, хуршиди жаҳонгард янглиғ кўч-бакўч қатъи манозил қилиб, ойнинг ўн учида чоршанба куни Гурлан ҳудудиға ворид бўлуб, ҳазрат шайх ал-машойих Ғойиб Ото *алайҳирраҳманинг* жавори файзосорида дарё қироғида тушти. Ва ул кеча дарёдин убур қилиб, ўз ҳовлисиға нузули мусарратвусули била сарбаландлиғ еткурди. Ва субҳ чоғи аъёни ҳазрат ва аркони давлат кема била дарёдин ўттилар. Ул кун хони мағфур улуғ тўй бериб, жамии умароға сарупойи шоҳона ва инъоми бекарона била баруманддлиғ боғишлаб, шанба куни кеч дарёдин ўтуб тушти. Ва ойнинг ўн еттиси[1893] да якшанба куни дор ас-салтанаи Хиваққни қудуми шарифи била рашки нигорхонаи Чин қилди.

Фақирким, ҳазрат аълохоқонийнинг бойри мулозимларидин эрдим, дийдори ҳумоюнидин кўзимни мунаввар ва кўнглумни фаражгўстар қилдим. Ва филбадиҳа бу рубоийни назм силкига чекиб, пешкаш қилдим. **Рубоий:**

[1890] Сарфи инон – юрищдан воз кечиб.
[1891] 1220 йил 1-рабиъ ас-соний/1805 29 июн.
[1892] 1220 йил 7-рабиъ ас-соний/1805 йил 4 июл.
[1893] 1220 йил 17-рабиъ ас-соний/ 1805 йил 14 июл.

Эй жон, ҳараминг садриға бер зебу нигор,
Қил бору йўқингни жам қилмоққа нисор
Ким, келгуси фурқатзадалар сори бу кун,
Иқбол била сафардин ул шоҳсувор.

Явмутнинг келгани. Ямут хони мағфурнинг садамаи сиёсатидин хоиф ва ҳаросон бўлуб, Гургон ва Атрак канориға борғондин сўнг аларга *қарочўқа* ва *қизилбоши*дин таадиёти билоғоят ва таҳкумоти бениҳоят етиб, нафақа ва ўтлоқ жиҳатидан танқислиқ торттилар. Ва ҳаво таафун[1894] идин мизожлари тариқи эътидолдин мунҳариф бўлуб, кўп киши бистаророи касал ва бодияпаймои ажал бўлдилар. Хусусан, Хоразм танъимот[1895] ининг хумори нашасидин оғуши ҳасрат очиб, хамёза[1896] чекар эрдилар. Ва бу диёри назҳатосорнинг ҳавои мўътадили ҳавосидин димоғи таманноларига хориш тушар эрди. Бу жиҳатлардин беихтиёр кўчуб, Ақраб мунтасифида Хоразм навоҳисиға ворид бўлуб, Муҳаммадниёз *отолиқ* ва Қувонч сўфи *вакил* ва Аваз бек ва Берди бек бошлиғ санодиди *явмут*ия баъзи аъёни ҳазратнинг воситаси била шарафандўзи тақбили остон бўлдилар. Хони мағфур умарои изомнинг шафоати била гуноҳлариға пардаи эғмоз чекиб, Музкўмган ноҳиятин *йимроли* тахлия[1897] сидин сўнг аларға марҳамат қилди ва *йимроли*га Янгиариғ музофотида сукно ва маъво шафқат этти.

Хоқони ғуфронпаноҳ била Бухоро волийси Мир Ҳайдар подшоҳнинг орасиға низо тушмакининг воқеоти ва ойини мадоро тағйийр топиб, иш ваҳшатға етушмакининг мақолоти. Ва хони мағфурнинг Бухоро турктозиға афвож буюрмоғи ва аларнинг ул диёрға чаповул урмоғининг баёни

Вақоеи бадиа нигорандаси, бадои вақиа гузорандаси, яъни, қалам ужубапарвоз бу янглиғ мансубатирозлиғ қилурким, чун ҳазрати подшоҳи мағфур ва шаҳаншоҳи мабрур Абу-л-фатҳ Элтузар Муҳаммад Баҳодирхонким, иродаи азалий ва машиияти ламязалий била фармонраволиғ авжиға офтоби оламтобдек иртифо топиб, шуои шижоат ва партави сиёсати харобу обод ва пасту баландни равшану мунаввар қилди, хаффоштийнатлар ғояти ҳақд[1898] ва ҳасаддин тийрарўз ва кудуратандўз бўлуб, адоват Зулумотида болафшони ҳавои хусумат бўлдилар. Ул жумладин Бухоро *волий*си Мир Ҳайдар подшоҳ валади амири маъсум Шоҳмурод *отолиқ*ким, абоанжад бу дудмони алииянинг адоватида собит қадам ва росих дам эрди, аммо, вақт муқтазосидин мадоро ва мувосо қилур қилур эрди, хабосати тийнат тақозоси била нийрони ҳасад конуни сийнасида илтиҳоб топиб, ул ҳазратнинг таҳқириға, балки, тадмириға ижтиҳод камарин боғлади. Бу жиҳатдин ваҳшат ва низо асбоби андин мукаррар вуқу топтиким, ул жумладин баъзи сабабни зикр қилмоқ ногузирдур. Аниг учунким, аҳли инсофға маълум бўлсинким, ҳақ қайсининг жонибидадур. **Аввалғи сабаб улким**, *йимроли*ким, Бухоро корвонин уруб эрди, андоқким, юқори мазкур бўлди, хони мағфур аниг илтимоси била йимролига гушмоли балиғ бериб, олинғон амволни истирдод қилиб, анга юборди. Ул миннатдорлиғ ва шукргузорлиғ ўрниға ҳақ ношинослиғ юзидин ул ҳазратни қароқчилар ширкатиға нисбат қилиб, яна мол талаби била Мирзо Абдулхолиқ тубатни расул қилиб, номаи ваҳшатомез юборди. Хони мағфурға агарчи бағоят гарон ва шоқ келди, аммо камоли бурдбордин анингдек нуқсонға таҳаммул[1899] қилди. **Фард:**

Айлама номуродларға яхшилиг,
Зиштлик ортар анга қилмас осиг.

[1894] Таафун – уфунат, об-ҳаво бузуқлиги.
[1895] Танъимот – нозу неъматлар.
[1896] Хамёза – эснаш.
[1897] Тахлия – холи қилиш, бўшатиш.
[1898] Ҳақд – адоват, ҳасад, кин.
[1899] Таҳаммул – чидаш, сабр.

Иккинчи сабаб улким, *йимроли* воқеасидин сўнг сана минг икки юз ўн тўққуз[1900] да Хоразм тужжоридин икки юз киши амтиаи бисёр ва ақшамаи бешумор била улуғ корвон бўлуб, Машҳад азимати била Марвдин чиқиб эрди. Сарахс музофотиға дохил бўлғонда *тарокима*дин *солур* жамоасиким, Бухороға тобе ва Сарахсда мутамаккин эрдилар, ул қумнинг ашрор ва арзоли раҳзанлик тариқаси била карвонни ғорат қилиб, кўп бегуноҳни шаҳодат даражасиға еткурдилар. Мир Ҳайдар подшоҳ раҳзанларға танбеҳ муқобиласида навозишлар кўргузуб, яна Хоразм карвонин урарға тарғиб қилди. **Учунчи сабаб улким,** Бекпўлод *отолиқ*нинг авлодиким, бадхоҳ бўлуб, Бухороға бордилар, Мир Ҳайдар подшоҳ аларни хони мағфурнинг рағмиға мувойиди бекарона ва авотифи мушфиқона била ўзиға муқарриб қилиб, чун хони мағфур Қўнғрот тасхирининг иродаси била Орол жониби наҳзат қилди, ул Отаниёз бек валади Бекпўлод *отолиқ*ни хони мағфурнинг Мовароуннаҳр мамоликидаги бадхоҳларидин лашкари сангин тартиб бериб, Тўрамурод сўфининг имдоди учун Қўнғротға юборди. Андоқким юқорида шамае зикр қилилиб эрди.

Тўртинчи сабаб улким, анинг иниси *амир* Дин Носир *тўра* хони мағфур била дўстлиғ ва якжиҳатлик тарҳин солиб, мувофиқат юзидин русал ва расоил юбориб, рафту омад қилур эрди. Ул бу важҳдин мукаддари хотир бўлуб, баъзи ҳамкийшларнинг ағрози ва афсоди била Дин Носир *тўра*ни Марв ҳукуматидин маъзул қилиб, икки саркарда юборди, токим, ани тутуб, ўзлари Марвға мутасарриф бўлғайлар. Дин Носир *тўра* аларнинг макнуни хотиридин огоҳлиқ топиб, Эш тўқсобанинг иҳтимоми била пешдастлик қилиб, аларни жазоға еткурди ва хони мағфурнинг отиға хутба ўқуб, итоат ва инқиёд юзидин ихлосномасин дарбори фалакмиқдорға юборди. Андоқким, собиқан зикр топиб эрди. Бу жиҳатдин Мир Ҳайдар подшоҳнинг адовати мазид ва музоиф бўлуб, Дин Носир *тўра*нинг қамъ ва истисоли учун карратан баъди маррот сипоҳ юбориб, Мир Ҳошим хўжаниким, *тўра*и мазбурнинг мўътабар кишиларидин эрди, тутуб ўлдурди. Ва яна кун-бакун Марв устиға илғор юбориб, чоптура бошлади. Дин Носир *тўра* аризаи аҳволин хони мағфурнинг ҳузратиға юбориб, истимдод қилди. Хони мағфур ул чоғда варои Омуяда шикорға чиқиб эрди. Бу воқеаи мазкура такрори ул ҳазратнинг нойираи ғазабиға доманзан бўлуб, санаи мазбурада рамазон ал-муборакнинг тўққузунчи[1901] куниким, шанба эрди, Бухоро музофотининг турктози учун *амир* Вали *отолиқ*ни икки минг нафар сипоҳи кинагузор била буюрди. Алар Қарокўл ва Вордонзи туманотин тохту-тоз қилиб, йўлда Бухоро карвонин талаб, ғаноими фаровон била мурожиат кўргуздилар. Ва *амир* Вали *отолиқ*дин сўнг афвожи қоҳирани гуруҳ-гуруҳ чаповулға буюриб, маъмурлар баҳор фаслиғача мутаоқиб чаповул уруб, Бухоро мамоликиға растахиз солдилар.

Аввалғи фавжнинг зикри. *Амир* Вали *отолиқ* чаповулға борғондин тўрт кун сўнг[1902] *қиёт* дудмонидин Ўрус *қушчи* Баҳодирким, шижоат майдонида абнои жинсидин қасаби сабқатни элтиб эрди, *човдур* ва *эрончи* черики била Эрдор йўлиға буйрулди. Ул ўн беш кунда Бухоро карвонин торож қилиб ёнди.

Иккинчи фавжнинг воқеаси ҳам ул рамазон[1903] да *қўнғрот* акобиридин Оқёқишдаги Қонжиғолининг *ҳоким*и мулло Эшкелдининг ўғлонлари *қароқалпоқ* сипоҳи била отланиб, Бухоро туманотидин Мих қарясининг навоҳисида ўлтурғон *қароқалпоқ*ни чопиб, ғаноими фаровон ва усарои бепоён била муовидат кўргузди. Бу сафарнинг муддати йигирма кун эрди.

Учунчи фавжнинг сониҳаси. Шоҳобод акобиридин Ниёз *иноқ*ким, Овуш лақаби била машҳур эрди, *явмут* ва Шоҳобод ўзбакидин йигирма беш киши била Эрдор йўлиға маъмур бўлди. Алар Эрдор тоғиға етганда, Бухоро черикиғаким, Фарангдин келатурғон карвоннинг олдиға бадрақа чиқиб эрди, йўлуқиб, муборизат қиличи била кўп кишини қатл қилиб, [ўзлари] асир бўлдилар. Аларни Мир Ҳайдар подшоҳнинг ҳукми била Бухорода ўлдурдилар.

Тўртунчи фавжнинг баёни. Юз киши Ҳазорасбдин кема била бориб, *Элжик* тавобеидин кўп қўй олиб қайтти.

Бешинчи фавжнинг ҳикояти. Ийди Фитр куни[1904] *йимроли* муборизларидин Нодир *сардор ўзбак* ва *йимроли* сипоҳидин юз йигирма киши била Нур Отонинг лавоҳиқидин Бухор карвониға оташи наҳб ва ғорат уруб, кўп ўлжа била мурожиат қилди.

[1900] Ҳижрий 1219/1804-05 йил.

[1901] 1220 йил 9-рамазон/ 1805 йил 2 декабр.

[1902] 1220 йил 13-рамазон/ 1805 йил 5 декабр.

[1903] 1220 йил рамазон ойи/ 1805 йил 23 ноябрда кирган..

[1904] 1220 йил (29-)рамазон/ 1805 йил 21 декабр.

Олтинчи фавжнинг афсонаси. Шаввол авосити[1905] да *явмут* ашрофидин Қақа *сардор* ямут ва *йимроли* сипоҳидин бир бўлак кишиға саркарда бўлуб, Мингбулоқда Бухородин Ўрусға боратурғон савдогарни қатли ом қилиб, амволин келтурдилар.

Еттинчи фавжнинг достони. Зу-л-қаъда нинг тўртунчи куни[1906] ким, панжшанба эрди, қангли акобиридин Мусо *нойиб* ва *явмут* аозимидин Қушут *сардор ўзбак* ва *туркмон*дин юз ўн киши била бориб, Хайробод туманидин Қоқиштувонни чопиб, ул навоҳининг қаровулларидин икки кишини ўлдурди ва олтмиш киши ва ўн икки қул асир қилиб, бениҳоят моли ғанимат била ойнинг ўн саккизи[1907] да панжанба куни хони мағфурнинг мулозиматиға тўй ҳангомида мушарраф бўлди. Анинг бу хизмати ул ҳазратға мақбул тушуб, *парвоначилиғ* мансабин анга марҳамат қилди.

Саккизинчи фавжнинг тазкараси. Моҳи мазкурнинг ўн бешинчи куни[1908] ким, душанба эрди, *ўзбак* ва *йимроли* ва *олтун жилов*дин юз ўн киши бўлуб, Хивақдин отланиб, Эрдорнинг шимолия йўлидин Бухороға боратурғон *қазоқ*нинг савдогарин торож қилиб, Бухоро тужжорин баъзи *қазоқ* била қатлға еткуруб қайттилар.

Отаниёз бекнинг Бухородин келиб, чаповул урмоғи ва Абдуллоҳ сардорнинг Бухороға бориб, Тороб суккониға дастбурд еткурмоғи ва хони мағфурнинг рукуб қилиб, мурожиат кўргузмаки. Ва Бухоро черикининг Бозиргонға келиб, хони мағфур яна наҳзат қилиб, аъдои давлатнинг ҳазимат оҳангин тузмаки

Қалами ужуба нигор бу нав воқеагузорлиғ қилурким, Мир Ҳайдар подшоҳ зу-л-ҳижжа авохири[1909] да лашкари сангин тартиб бериб, Ражаб *бий иноқ* ва Каюв хўжа бошлиғ етти саркардани Хоразм устиға бўюрди. Ва Отаниёз бек ва Яхшимурод бекни уч юз киши била илгари юборди. Алар қир йўлидин келиб, сана минг икки юз йигирма бирда муҳаррам ал-ҳаромнинг тўққузи[1910] да жума куни Хонқоҳ тушида ўлтурғон *қароқалпоқ*ни чопиб, муовидат кўргуздилар. Ул куни Абдуллоҳ *сардор* олтмиш киши билаким, ҳар қайси минг кишидин интихоб қилилғон эрди, Отаниёз бекдин бехабар Ҳазорасб тушидин дарёни убур қилиб, Бухоро чаповулиға дарё қироғидин озим бўлди. Шанба куни Оллоҳназар бой Хонқоҳий ва Муҳаммадкарим бек *қипчоқ* Хонқоҳ ва Ҳазорасб черики била ҳар қайси ўз тушидин дарёни кечиб, Отаниёз бекни таоқиб қилдилар. Аммо Отаниёз бек келган йўлидин қир била бориб эрди, сувсизлиғ жиҳатидин изидин ета олмай қайттилар.

Аммо. Абдуллоҳ *сардор* беш кунда Тороб навоҳисиға ворид бўлуб, тавaққуф қилди. Кун жаҳонгарди мағриб ниҳонхонасиға кириб, кавокиб сипоҳи фалак торобиға шабихун урғондин сўнг *сардор*и душманшикор диловарлар била отланиб, Торобға дохил бўлдилар ва отлариға сув ва буғуз бериб, дасти татоввулин наҳб ва торожға очиб ва работларни неруи жалодат била мафтуҳ ва вайрон қилиб, ғаноими фаровон ва усарои бепоён тасарруфиға киюриб, инони азиматин Хоразм савбиға мунсариф қилди. Қизилработға етганда Абдуллоҳ *сардор* марази сакта[1911] била вафот топти.

Рижаъна ила мақсад[1912]. Отаниёз бекнинг чаповулидин бурун жосуслар ва мунҳий[1913] лар Ражаб *бий иноқ*нинг отланур хабарин келтуруб эрдилар. Бу жиҳатдин хони мағфур Отаниёз бекнинг воқеасидин сўнг моҳи мазбурнинг ўн бири[1914] да якшанба куни Хивақдин рукуб қилиб, дарёдин ўтти ва черик аҳли мужтама бўлғондин сўнг Тевабўюнға бориб, Учўчоқ ва Тексавотға қаровул юбориб, тўрт-беш кун таваққуф қилди. Қаровуллар Қизилработғача бориб, Бухоро черикидин хабар маълум бўлмади. Ва Аб-

---

[1905] 1220 йил 14-шаввол/ 1806 йил 4 январ.
[1906] 1220 йил 4-зу-л-қаъда/ 1806 йил 24 январ.
[1907] 1220 йил 18-зу-л-қаъда/ 1806 йил 8 феврал.
[1908] 1220 йил 15-зу-л-қаъда/ 1806 йил 4 феврал.
[1909] 1220 йил 28-зу-л-ҳижжа /1806 йил 20 март.
[1910] 1221 йил 9-муҳаррам/ 1806 йил 29 март.
[1911] Сакта – юракнинг бирдан тўхтаб қолиши, инсульт.
[1912] Асл мақсадга қайтайлик.
[1913] Мунҳий – жосус, хабар келтирувчи хуфия.
[1914] 1221 йил 11-муҳаррам/ 1806 31 март.

дуллоҳ *сардор*нинг наъш ва черикиға йўлуқуб, алар била мурожиат қилдилар. Хони мағфур аъдои давлат тарафидин хотиржам бўлуб, Фитнакка ўтти. Бир неча кун ул ноҳиятда шикорға иштиғол кўргузуб, сафар ойининг тўрти[1915]да сешанба куни дор ас-салтанаи Хиваққа нузули мусарратвусули била ойинбандлиғ еткурди. Ражаб *бий иноқ*ким, йигирма минг сипоҳи жаррор била бевосита Абдуллоҳ *сардор*нинг ақабидин келиб, Кўкардалида хони мағфурнинг анинг қасдиға рукуб қилғонин эшитиб, таваҳҳумдин илгари кўча олмай, иқомат қилиб эрди, хони мағфурнинг мурожиат этганин мутаҳаққиқ билиб, ойнинг олтиси[1916]да панжшанба куни келиб, Бозиргонға тушти. Жума куни хабар етиб, хони мағфур намоздин сўнг сипоҳи жаррор ва лашкари кинагузор била Хивақдин ливои наҳзатни ҳаракатға киргузуб, Қаромози ҳудудида Омуя соҳилин музраби хайёми иқбол ва муқарри кавкабаи ижлол қилди. Ва кема *доруга*лариға мавқифи жалолдин фармони вожиб ал-изъон иззи нифоз топтиким, эртанг субҳ вақтиғача фурзаларда кема қўймай муаскари ҳумоюн канориға жам қилғайлар, токим сипоҳи нусратпаноҳ суҳулат била ботроқ убур этгай. Ул кун Оллоҳназар бой фармон мавжиби била Хонқоҳ черикин олиб, Хонқоҳ фурзасидин дарёни убур қилиб эрди. Аср ҳангомида Бухоро черики акмал ал-комилин, афзал ал-восилин Саййид Моҳруй валади аршади Саййид Ото *қаддасаллоҳу асрораҳумо*нинг жавори файзосорида ани ғафлатда топиб, сипоҳидин озроқ кишини исорат қайдиға чектилар. Оллоҳназар бой қочиб қутулди. **Нукта:** Ғафлат ҳолатедур шум ва хислатедур мазмум. Ғафлат қайдиға гирифтор бўлғон ҳалокат вартасида нобуддур ва ул қайддин қутулғон саодат оламида оқибат маҳмуд. **Байт:**

Ким ки ғафлат эрур шиору фани,
Бўлса тонг йўқ ҳалок жону тани.

Аъдои давлат кеча Ҳасанмурод беки марҳумийнинг работиға нузул қилиб, хони мағфурнинг Қаромозиға тушган хабарин эшитиб, замири адоваттахмирлариға раабу ҳарос истило топиб, сабот қила олмай, саҳарда работни ўтлаб қочтилар ва камоли хавфдин ҳеч ерда тавaққуф қила олмадилар. Талиаи субҳдин сўнг сипоҳи нусратпаноҳдин баъзи мутажанда дарёдин ўтуб, таоқиб қилиб, кўп кишини асир қилдилар. Ва эшитдимким, Мискин саййид[1917]нинг жаворидин Бозиргонғача икки юздин кўпрок яхши от ярамай қолибдур. Нечук қочғони мундин маълум бўлур. **Қитъа:**

Зиҳи шаҳаншаҳи соҳиби шукуҳу олийжоҳ,
Ки чекса савлат ила душман узра хайлу сипоҳ.
Муқобил ўлмайин овозаи вусулидин,
Бўлур сипоҳи адув бесаботу рўй ба роҳ.

Хони мағфур фатҳу ферузмандлик била ойнинг ўн иккиси[1918]да чоршанба куни қайтиб, мустақарри салтанатға нузул қилди.

Хон мағфурнинг Тўрамурод сўфини мухолифат жиҳатидин мамлакатдин чиқармоғи ва анинг бавaрои ғурбатда саргардонлиғ тортиб, Бухороға бормоғи

Хомаи бадиатироз бу янглиғ афсонапардозлиғ кўргузурким, чун хони мағфур Қўнгротни олиб, Орол ҳукуматин Хўжамурод бийга марҳамат қилди, Хўжамурод *бий* хони мағфурнинг тақвият ва музоҳирати била кун-кундин тараққий топиб, Орол акобири билжумла анинг мулозиматини ихтиёр қилдилар. Тўрамурод сўфиға аввалғи нашаси хумор қилиб, ғояти ҳақд ва ҳасаддин оқосиға мухолифат оғоз этиб, қатлу истисолин пешниҳоди хотир қилди. Бу жиҳатдин сафар ойи авохири[1919]да Хўжамурод *бий* хони мағфурға арздошт юбориб, инисидин шиква ва шикоят қилди. Ул ҳазрат амири сойиби тадбир Шоҳниёз *ото-*

[1915] 1221 йил 4-сафар/1806 йил 23 апрел.
[1916] 1221 йил 6-сафар/1806 йил 25 апрел.
[1917] Авлиё Мискин Ото мақбараси. Ҳозир ҳам шу ном билан аталади.
[1918] 1221 йил 12-сафар/1806 йил 1 май.
[1919] 1221 йил 28-сафар/1806 йил 18 май.

*лиқ*ни лашкари нусратасардин минг киши била ани туттурмоқ учун Қўнгротға буюрди. *Отолиқ* раби ал-аввал ойининг тўққузи[1920]да душанба куни Қўнгротға кирди. Тўрамурод сўфиким, мухолифат шоматидин бу янглиғ ҳодисани ўз шаънида муония кўруб, эҳтиёт тариқасин марьи тутар эрди, ўғлонлари ва мулозимлари била жило ихтиёр қилиб, Хоразм тенгизининг ғарбий савоҳили била қатъи масофат этиб, Дашти *қипчоқ*да *қазоқ* орасиға борди. *Қазоқ* ани тутуб, ўғлонлари била мулозимларин чўпон ва йилқичи қилиб, марокиб ва амволин торож эттилар. Бир неча фурсатдин сўнг баъзи *қазоқ* акобирининг воситаси била қайд ва бандаликдин махлас топиб, оч ва яёқ юз минг машаққат била ўзларин Янгидарё канорида *манқит қароқалпоқ*инининг улуғи Ўрунбойнинг қабиласиға еткурдилар. Ўрунбой анинг таъзим ва такримиға кушиш қилиб, улоғ ва озуқа бериб, Бухороға узатти. Мир Ҳайдар подшоҳ хони мағфурнинг рағмиға анга дилдорлиғ кўргузуб, хилои гаронмоя била сарафрозлиғ еткурди ва манзили дилкушода мақом тайин қилиб, хотирхоҳ вазифалар муқаррар этти.

Амири беназир Шоҳниёз *отолиқ* бир неча кундин сўнг Тўрамурод сўфининг қолғон давлатхоҳларини кўчуриб, мурожиат кўргузди ва хони мағфурнинг мулозиматиға мушарраф бўлуб, Хўжамурод *бий*нинг туҳаф ва тансуқотин ул ҳазратнинг назари кимиёасаридин ўткарди. Ул учурда Худойберди *кенагас* ва Абдукарим бек бир пора баҳодир йигитлар била Бухоро сарҳадотиға бориб, Элжик ва Ёйинжи ҳудудидин хейли ғаноим ва асир дастгир қилиб қайттилар.

Бухоро черикининг Хоразм савбиға иккинчи қатла ҳаракат қнлмоғн ва Қобил бий тўқсобанинг амир Вали отолиқ ва Қилич иноқға асир бўлуб, черикининг қирилмоғи. Хоразм сипоҳи била Бухоро лашкарининг масоф тузмаки ва жонибайн муборизларининг хунрезлик кўргузмаки. Уйғур хайлининг фалакдек бевафолиғидин Хоразм аҳлининг шикает топмоғи ва хони мағфурнинг Искандардек фано баҳриға кириб, оламдин кўз ёпмоғи

Сипеҳри вожгуннинг шўъбадабозлиғидин шикоят тузмак ва жаҳони буқаламуннинг носозлиғидин мазаммат кўргузмак:

Бу дард иншосининг кулфат гузори,
Бу ғам девонининг ҳасрат нигори.
Сияҳпўши мусибат, яъни хома,
Қилур таҳрир мундоғ сўгнома.

Раби ал-охирнинг авоили[1921]да Мир Ҳайдар подшоҳ жунуди номаъдуд ва сипоҳи номаҳдуд жам қилиб, Ниёз бек *додхоҳ* Хузорий ва Тўра хўжа ва Ниёз бек жилва ва Маҳмуд хўжа ибн Абдулҳай хўжа ва Қобил тўқсоба ибн Бухорий *додхоҳ* ва ғайриҳум ва Хоразм муонидларининг акобиридин Абураҳмон бек тўқсоба ибн Ниёз *парвоначи* ва Шердоли *бий*нинг аҳфодидин Шерғози бек ибн Аҳмад бек ва Жонмурод *иноқ*нинг иниси Муҳаммадпаноҳ бек ва Ўрозали бошмоқ Вазирий ва Муҳаммадниёз бек ва Отаниёз бек валадони Бекпўлод *отолиқ* ва ғайриҳум, бу мазкур бўлғон жамоани сипаҳдор ва сараскар қилиб, Хоразм устиға буюрди. Алар ойнинг ўн иккиси[1922]да шанба куни Тевабўюнға келиб туштилар. Хони мағфур ойнинг ўн тўрти[1923]да душанба куни дабдабаи тамом ва кавкабаи молокалом била мудофаа учун дор ас-салтанаи Хивақдин рукуб қилиб, Хонқоҳ навоҳисин муаскари ҳумоюн қилди. Ул кун Бухоро черики дағи дарёнинг шимолида хони мағфурнинг муқобиласида тушуб, сўнгғи кун кўчуб, хоннинг работининг муҳосираси учун наҳзат ливосин жилваға киргузди. Хони мағфур ҳам дарё жанубидин ҳаракат қилиб, Ямон уйғурға нузул қилди. Панжшанба куни жаноб вазоратмаоб, низом ад-давлат ва-д-дин Муҳаммад Юсуф *меҳтар*ни черик ўткармак учун кема устиға муқаррар қилди ва ўзи аркони давлат ва аъёни ҳазрат била дарёдин убур қилиб, Кесик арнаси била дарё орасин музраби хайёми иқбол ва муқарри кавкабаи

[1920] 1221 йил 9-раби ал-аввал/1806 йил 26 май
[1921] 1221 йил 1-раби ал-охир/1806 йил 18 май.
[1922] 1221 йил 12-раби ал-охир/ 1806 йил 30 май.
[1923] 1221 йил 14-раби ал-охир/1806 йил 1 июн.

ижлол қилди. Маълум бўлсунким, Кесик Омуя шуаботидин бир шўъбадуркким, Кўҳна Котнинг жанубидин ўтуб, яна Омуяға қуяр. Ул кун хабар келдиким, Қобил тўқсоба валади Бухорий *додхоҳ* Лубоб ва Нарзамдағи *эрсори* лашкаридин минг киши била кейинда келурмиш. *Амир* Вали *отолиқ* ва *амир* Қилич *иноқ* тўрт юз киши била тўқсобанинг истиқболиға буюрулди. Маъмурлар қалъаи Сиймдаким, Кўҳна Котнинг аъмолидиндур, тўқсобаға муқобил бўлуб, шери ғурранда ва бабри дарранда янглиғ аъдои давлатға ҳамла еткургон ҳамон аркони давлат саботи мутазалзил бўлуб, Банот ун-наъщдек паришон ва мутафарриқ бўлдилар. Ва баҳодирлар таоқиб қилиб, яримин мақтул ва яримин маасур эттилар. Ул жумладин Қобил тўқсоба ва Лубоб *ҳокими* асорат қайдиға чекилди. **Шеър:**

На хушдур киши кўргузуб дору гир,
Аъодини қилмоқ қатилу асир.
Қилур дўстларни басе сарбаланд,
Адувларни кўрмак залилу нажанд.

Амирийни мазкурийн аъодининг усаро ва бошларин хони мағфурнинг даргоҳи фалакиштибоҳиға келтуруб пешкаш қилдилар. Хони мағфур усаро ва бошларни дор ас-салтанаи Хивақға юбориб, Қобил тўқсобаниким, оғир захмдор бўлуб эрди, мароҳими подшоҳона била тафаққуд ва истимолат қилиб, Урганжга Сайийдқули бойға юбориб, тиймордорлиқ[1924] иға амр қилди.

Аммо Умарои Бухоро ул кун хоннинг работининг атрофиға чопғунчи юбориб, Кўчак *иноқ*нинг работининг шарқида нузул қилди. Бек Арслонким, ул ерларнинг *мушриф*[1925] и эрди, работни мазбут қилиб, мудофааға чиқиб, чопғунчидин кўп кишини қатлға еткуруб, бошини хони мағфурнинг даргоҳиға ирсол қилди. Тонгласи ойнинг ўн саккизи[1926] да жума субҳида Бухоро черики работ атрофин иҳота қилиб, муҳорибаи азим ва муқотилаи саҳим вуқу топти. Ул аснода Қобил тўқсобанинг воқеаи ҳоиласи бухорийларға етиб, ғояти хавф ва камоли ҳаросдин музтар ва мутазалзил бўлуб, муҳориба таркин туттилар ва работ устидин туруб, жон ҳавлидин келган йўлға юз қўйдилар.

Аммо. Ҳазрати султони мағфур ва хоқони мабрур Абу-л-фатҳ Элтузар Муҳаммад Баҳодирхон *сақоллоҳу сароҳу*нинг сипоҳи уч мингга етмас эрди ва жавонибға қаровул қўюб, амр қилиб эрдиким «бу кун эртангғача черик ўтсун, урушни эртангғача мавқуф қилдуқ.» Анинг учунким, ҳануз хандақ қозилмайдур эрди. Улуғ чоштгоҳда Бухоро черики Кўҳна Котнинг устидин ўта бошладилар, токим, Бухороға муовидат кўргузгайлар. Ва *амир* Вали *отолиқ*ким, қаровулбошилиқ ул кун анга мутааллиқ эрди ва мажнунваш киши эрди, жунуни ғалаба қилиб, хоннинг ҳукмин унутуб, мулозимлари била душман сипоҳиға ҳамла қилиб, уруш солди. Бу хабарни Ниёзбек *додхоҳ*ғаким, умарои Бухоро била илгари ўтуб эрди, эшитиб, заруратдин зимоми азиматин мунсариф қилди ва қаровул била муқобил бўлуб, қаттиғ уруш тушти. Бу воқеа хони мағфурнинг самъи шарифиға етушуб, ҳазрат султон, соҳибқирони аълохоқон, адил ас-салотин, афзал ал-хавоқин, боис ал-амн ал-омон, қомеи асос аз-зулм ва-т-туғён. **Маснавий:**

Адолат ақолимининг хусрави,
Шариат аро Мустафо пайрави.
Шараф торам[1927] *ининг мунир ахтари,*
Адаб қулзумининг самин[1928] *гавҳари.*
Ситам роҳу расмин адам қилгучи,
Таадди асосин ҳадм[1929] *қилгучи.*
Мамолик мулукидин олгучи бож,
Карам чоги шаҳларга бергучи тож.

[1924] Тиймордорлиқ – тиймор (касал)ни даволаш.
[1925] Мушриф – мушарраф, ашрафи.
[1926] 1221 йил 18-раби ал-охир/ 1806 йил 5 июн.
[1927] Торам – осмон.
[1928] Самин – қимматбаҳо.
[1929] Ҳадм – бузиш, йўқ қилиш.

– ал-мухтас би иноят ал-малик ал-маннон Абу-л-музаффар ва-л-мансур Муҳаммадраҳим Баҳодирхон *халладуллоҳу мулкаҳу ва султонуҳ ва афози алалоламин бариҳу ва эҳсонуҳу*ға буюрулдиким, қаровулға имдод еткуруб, агар муяссар бўлса, уруштурмай қайтарғай. Ул ҳазрат бориб, мушоҳида қилдиким, ҳарб қойим бўлубдур. Қаровулни кейин қайтармоқ муяссар бўлмай, оқосиға хабар юбориб, ул ҳазратнинг ўзи мулозим ва навкарлари била жалодат қиличин ниёми интиқомдин тортиб, муборизат якронин шижоат майдониға суруб, ҳамлаи сарсармисоли била аъдои давлатнинг хирмани жамиатин тафрақа ҳавосиға совурди. Ул ҳазратнинг мундин сўнгғи изҳори жалодат ва муборизатин ўз мавридида зикр қилурмен, иншооллоҳи таоло. Ул чоғда Бухоро умароси янгғидин силки жамиатиға инъиқод бериб, ғалабаи тамоми фидоийвор ҳужум қилдилар. Хоразм черики оҳиста-оҳиста ўзларин кейин тортиб, Кесикдин қайтиб ўттилар. Ниёзбек *додхоҳ* ва Тўра хўжа туғларин Кесик канориға санчиб, Бухоро лашкари Кесикдин ўтуб, ҳенгомаи корзор гарм бўлди. Бу аснода хони мағфур амирзодаи аъзам Қутлуқмурод *иноқ* ва Ҳасанмурод бек ва Муҳаммадназар бек ва Абдукарим бекни умарои олийжоҳ ва сипоҳи нусратпаноҳ била тўрт гуруҳ қилиб, мудофааға юборди. Амирзодалар ва умарои изом сафоролиғ кўргузуб, шижоат майдониға жалодат якронин суруб, қаттиғ муқотила зуҳурға еткурдилар. Ул урушда умародин Жаъфар хўжа *нақиб* ва *амир* Вали *отолиқ* ва *амир* Қилич *иноқ* ва Қаро Баҳодир *мироб* ва ғайриҳум ва муборизлардин Муҳаммадниёз бек ва Алаш бек ибн Саййидали бек ва Абдуллоҳ ибн Қаро Баҳодир *мироб* ва Танг Баҳодир ва Шайх Баҳодир ва Ўрус қушчи Баҳодир муборизат кўргузуб, кўп кишини аъдои давлатдин қатлға еткурди. **Назм:**

Баҳодир айлаб талошу ситез,
Қилиб ҳамла аъдо сори тунду тез.
Дами тиғдин қасди жон кўргузуб,
Боре қатл этарда қирон кўргузуб.
Кесиб бош, тўкуб қон, қилиб захмдор,
Асир айлабон ул сифатким шикор.
Бу янглиғ замоне саваш эттилар,
Уруш тарҳи расмини фош эттилар.

Ва ҳазрат аълохоқонийнинг қуввати имдод ва неруи муовинати била умаро номдор ва шужаои кинагузор ғалаба қилиб, *хоразмийлар* жониби нусрат ели эса кириштi. Ва бухорийлар тоби муқовимат келтура омайин, мағлуб ва мунҳазим бўлуб, Кесик жонибиға фирор тариқаси била мутаважжиҳ бўлдилар. Ва Абдураҳмон бек валади Ниёз *парвоначи*ким, Хоразм бадхоҳларидин Бухоро черикида мўътамиди алайҳ киши эрди, ани Муҳаммадкарим қўйчи Чолиш наҳрининг шори[1930] иға етганда қатлға еткурди. Ва бухорийлар жон ҳавлидин ўзларин Чолишға туш-тушдин солиб, кўп киши ғарқ ва талаф бўлди. Ул аснода Бухоро умароси Кесикдин ўтуб, паришон бўлғон черикни янгидин жаҳди мавфур ва сайъи номақдур била мужтама қилиб, ҳайъати ижтимо била ҳужум эттилар ва дафъ-дафъа илгари юруб, Чолиш канорида роёти касофат барпой қилиб, суфуфни ораста этиб, таҳрис ва тарғиб била даста-даста черикларни Чолишдин ўткардилар. Аммо. Бу тарафдин Қутлуқмурод *иноқ* дағи сафоролиғ кўргузуб, ливои зафаринтимо остида қарор тутуб, умаро ва амирзодалар муборизлар била майдонға таковар суруб, мудофааға машғул бўлдилар ва тушгача ситез ва овез тариқаси била муборизат додин бериб, сарафшонлиғ қилур эрдилар. Кун нисф ин-наҳорға етганда яқин эрдиким, аъдои давлат муборизлар тақобилидин рўгардон бўлуб, ҳазимат топғай. Ул чоғда *уйғур* хайли бевафолиғ кўргузуб, сипоҳи нусратпаноҳға шикасти фоҳиш етти. Бу мақол тавзиҳи улким, Бекпўлод *отолиқ*нинг иниси Тожи *отолиқ*нинг ўғли Раҳматқули бекким, санаи минг икки юз ўн тўққуз авохири[1931] да Бекпўлод *отолиқ*нинг авлодидин айрилиб, хони мағфурнинг утбабўслиқиға мушарраф бўлуб, мавриди мароҳими хусравона бўлуб эрди, бу воқеа асносида *уйғур* жамоасининг баъзи арозил ва авбошиким, Бекпўлод *отолиқ*нинг ўғлонлариға дилбаста

[1930] Шори – йўл.
[1931] 1219 йил зу-л-ҳижжа ойи/1805 йил 3 март-31 март.
[1932] Қазо – қазо, тақдир.

ва нигарон хотир эрди, ул бечорани васваса ва шайтанат била мувофиқат тўғри йўлидин мунофиқат биёбониға озғуруб, барча муттафиқ ал-калима бўлуб, Бухоро черикида Муҳаммадниёз бек ва Отаниёз бек валадони Бўкпўлод *отолиқ*ға киши юбориб, макнуни хотирларидин огоҳлиғ еткуруб, мутааҳҳид бўлдиларким, Хоразм черикининг шикастиға сабаб бўлғайлар. Қазоро[1932], ул урушда *уйғур* сипоҳи майсараға муқаррар бўлуб, уруш дағи майсара тарафида воқе эрди. *Уйғур* аҳли ул чоғда ваъда муқтазоси била бесабаби зоҳир сафни бузуб, мунҳазимона рўгардон бўлуб, ўзларин дарёға еткуриб, ўта бошлади. Ва Раҳматқули бек сўнг пушаймон бўлуб қайтиб, урушға кириб, қатлға етти. Аммо, на осиғким, иш андин ўтуб эрдиким, эл тўхтағай. Ва асокири мансуранинг баддил ва ярим кўнгуллиғлари бу ҳодисани мушоҳида қилиб, тушлиқ-тушдин ясовни бузуб, маъракаи корзордин юз уюрди. Пас аъдо черики бу воқеа мушоҳадасидин қувват топиб, ғалабаи тамом ва издиҳоми молокалом била ҳужумовар бўлуб, қатлу торожға иштиғол кўргуздилар. Ул ҳейнда Ҳасанмурод беки мағфиратпаноҳ умарои изом ва шужаои киром била бухорийларға рустамона ҳамлалар еткуруб, мудофааға машғул эрди. Бухорийлар ҳужум қилиб, амирзодаи мушориилайҳни шаҳодат даражасиға еткурди. Ва эшитдимким, анинг қотили Бурҳон отлиғ эрди. «Албатта биз оллоҳнинг бандаларимиз ва, албатта, биз у зотга қайтгувчимиз[1933]» **Назм:**

Дарего ки даврони ҳасратмадор,
Басе беҳаёлиг қилиб ошкор.
Анингдек беки фарруханжомни,
Фурузандаи шамъи исломни.
Пиёда қилиб рахши иқболдин,
Солиб ерга аврапги ижлолдин.
Адув халқига айлабон мубтало,
Азасидин этти жаҳонни қаро.

Бу воқеаи ҳоила ва ҳодисаи ғоиладин Хоразм сипоҳи билкулл шикаст топиб, дарёға юз қўйдилар. Умаро ва муборизлар дағи «вақтида қочиш пайғамбарлар суннатидир[1934]» мазмуниға амал қилиб, фирор ихтиёр қилдилар. Ул аснода хони мағфур рукуб қилиб тиладиким, сипоҳи мутафарриқани жам этиб, силки жамиатға интизом бергай. Озлиғ ва хандақсизлиғ жиҳатидин муяссар бўлмади. Чун иродаи азалий ва машиияти ламязалий бу нав муқаддар бўлуб эрдиким, зуҳурға етди. «Оллоҳнинг қилгани бўлади ва қилмайдигани бўлмайди.» Йўқ эрса Хоразм сипоҳи бовужуди қуллат анингдек лашкари касирға ғолиб бўлуб, ҳеч важҳдин камлик тортмас эрдилар. Охир *уйғур* бевафолиғидин мундоғ ҳодиса соний бўлди. Оғам Муҳаммадниёз *мироб*нинг бир мулозимидин эшитдим, дедиким: «Чун шикаст топдуқ, оғангиз била маракаи корзордин чиқиб, ўрду пешгоҳиға бордуқ. Кўрдимким, хони мағфур отланиб, найзага суяниб, мутафаккир турубдур. Аксари хавос ва маҳрамлар мулозиматда ҳозирдур. Ул ҳенгомда аъдои давлат ўрду канориға дохил бўлди. Хони мағфур отдин тушуб оғангиз ва маҳрамлар била кемага кирди. Мен дағи ўзумни кемага олдим. Ва баъзи лашкарияким, ул ерда ҳозир эдилар, тиладиларким, кемага киргайлар. Маҳрамлар аларни кирмакдин мамонеат кўргуздиким, то кемани гаронбор[1935] қилмағайлар. Хон ғояти шафқат ва фуқаропарварлиқдинким, ул ҳазратнинг тийнати покиға мухаммардур, маҳрамларга манъ қилмоқдин моне бўлуб, аларға духул рухсати била сарафрозлиғ еткурди. Бу жиҳатдин кема юки ҳадди эътидолдин ортуқ бўлди. Иттифоқан ул ҳийнда мухолиф ел эсиб, дарё талотумхез ва *тарокима*нгез бўлуб эрди. **Маснавий:**

Эсиб ҳар тараф тундбоди маҳиб[1936],
Солиб эрди дарёга шури ажиб.
Топиб рабт сув мавжи кулок[1937]га,
Урар эрди сув латма афлокга.

[1933] Қуръони карим, 2 : 156.
[1934] Ҳадис.
[1935] Гаронбор – оғир юкли.
[1936] Тунбоди маҳиб – қўрқинчли қаттиқ шамол.
[1937] Кулок – бўрон, тўфон.

Бўлуб фош ҳар сори гирдоблар,
Солиб баҳр эли жонига тоблар.

Чун кема дарё юзиға жорий бўлди, йигирма газ масофати тай бўлмай, фано гирдобиға борди. Ва мен кемадин айрилиб, машаққати фаровон ва сўубати бепоён била ўзимни дарё қироғиға олдим. Ва ҳар неча дарё юзиға тафаҳҳус назарин солдим, кема аҳлидин икки-уч маҳрамдин бошқа мутанаффисе нажот топмади. Ул чоғда мени тутуб, асирлар зумрасиға дохил қилдилар.» **Маснавий:**

Шаҳеким, эди хусрави баҳру бар[1938]*,*
Муалло сарири мурасса камар.
Фигонким замон инқилоб айлабон,
Фалак юз ситам ирткоб айлабон.
Ажал тундбоди етишти анга,
Фано баҳриға борди кешти анга.
Қуёш янглиғ ўлди сув ичра ниҳон,
Ки то субҳи маҳшарда бўлғай аён.
Сикандар эди қаъри дарёға чуст,
Тилаб дурри васл этти азми дуруст.
Гар ул қилди дарёйи раҳматга гавс,
Жаҳон этти баҳри мусибатга гавс.
Гар ул васли ҳақ дурридин олди ком,
Фироқида дур тўкти кўзлар тамом.

Хони мағфиратпаноҳнинг муддати аморат ва салтанати икки йилу уч о-ю йигирма уч кун эрди. Ва ёши ўттуз етти йил. Ва ул ҳазратдин икки ўғул ва бир қиз ёдгор қолди. Ўғулларнинг исми шарифи булардур: шаҳзода Оллоҳберди *тўра* ва шаҳзода Раҳмонберди *тўра зайяда умраҳумо ва давлатаҳумо.* Ул шикастда умарои изомдин ашрафи содоти набавий, афзали ашрофи муртазавий саййиди нажиб Жаъфар хўжа *нақиб* ва *қипчоқ* сaромади *амир* Вали *отолиқ* ва *манқит* сардафтари Бобо *отолиқ* ва *хўжа-эли* хонадонининг зубдаси ва *юз* дудмонининг қудваси оғам Муҳаммадниёз *мироб* ва *қўнғрот* акобиридин Бобо *кутвол* ва *уйғур* Ҳасан шиғовул ва *олтун жилов* аозимидин Норбўта *дастурхончи* сувда зое бўлдилар. Ва амирзода ва беклардин Ҳасанмурод беки мағфур ва Абдукарим беки мабрур валадон *амири кабир* Аваз *бий иноқ* ва Худой берган бек ибн Фозил бек ва Худойберган бек ибн Қаландар *иноқ* ва Муҳаммадниёз бек ибн Муҳаммадризо бек *маҳрам* талаф бўлдилар. Ва муборизлардин *қипчоқ* Бобо *доруға* ва *қўнғрот* Жиян *мироб* ва Ўрус қушчи Баҳодир ва Шайх Баҳодир ва ғайриҳим шаҳодат топтилар. Ва амирзодаи аъзам жалол ад-давлат ва-д-дин Қутлуқмурод *иноқ* ва Паҳлавонқули *қўшбеги* ибн Хоса *қўшбеги* ва Яқуб хўжа *раис* ва Оллоҳназар бой Хонқоҳий ва Авазмуҳаммад бой Урганжий ва ғайриҳум асир бўлдилар. Ва лашкариядин уч юз киши урушда ва дарёда зое бўлди. Ва уч юз элликдин кўпрок асорат қайдиға гирифтор бўлди. Аммо. Бухорийлардин Абдураҳмон бек бошлиғ умародин беш киши қатлға етти ва лашкариядин минг беш юз киши урушда ва сувда нобуд бўлди. Ва баъзи сиқа[1939] дин эшитилдиким, аъдо черикидин йўқ бўлғон уч минг киши хатға кирибдур. **Назм:**

Жаҳондур денгиз ичра қолғон кесак,
Фано латмасидин ушолғон кесак.
Кесакким сув ичра биноси дурур,
Ўзингдей анинг не бақоси дурур.
Хусусан ки сув ичра бир мушт хок,
Эсиб ҳар тараф сарсари саҳмнок.
Учар гарди даврон лагадкўбидин,

[1938] Баҳру бар – денгиз ва қуруқлик.
[1939] Сиқа – ишончли киши.

Бўлур балчиғ ул сувнинг ошўбидин.
Қачон эҳтимоли бақо анда бор,
Ки ул хокким, бўлса лой-у, ғубор.
Фалакким бинои муалло дурур,
Жаҳон манзили узра барпо дурур.
Ҳубоб[1940] *едур ул сув уза беқарор,*
Ани англама бир нафас пойдор.
Топар бир нафас бирла ободлиғ,
Яна бир нафас бирла барбодлиғ.
Ҳубоб эрмас ул қасрдур вожгун,
Биноси сув устидаву бесутун.
Бу янглиғ бинодин бақо истамак,
Эрур бевафодин вафо истамак.
Жаҳон қаҳба[1941] *дур фиребошно,*
Жафокору маккораву беҳаё.
Безаб зоҳирин ошнолиғ била,
Вале ботинин бевафолиғ била.
Келиб ғозаси зулм ўти тобидин,
Ҳаноси улус бағри хунобидин.
Дами субҳдин нутқи ширин анга.
Шаби тийрадин зулфи мишкин анга.
Бўлуб ҳайъати зишт[1942] *у юзи кирех,*
Анга шаклда дев бўлмай шабеҳ.
Йироқдин вале кўргузуб дилбаре,
Парипайкаре, шўх ғортгаре.
Киши кўнглини сайд этиб ноз ила,
Муқаййид қилиб зулфи танноз ила.
Чу билди ки қилди гирифтор ани,
Асиру жигархаставу зор ани.
Анга кўргузуб ҳайъати шумини,
Қилиб арз рухсори мейшумини.
Анинг бирла ҳам қўймай айлаб жафо,
Чекар қатл қилмоқға теғи бало.
Қилур қатл зору забун айлабон,
Солур хокға сарнигун айлабон.
Яна ишвагарлик қилиб ошкор,
Ёналарни бу нав этар хору зор.
Бўлур бўйла ҳар дамда бир эрга жуфт,
Ани қатл айлаб яна бирга жуфт.
Фалак турфа золи мушуъбад эрур,
Қабул аҳлининг оллида рад эрур.
Иши барча найранг ила арбада,
Шиори фусуну фани шўъбада.
Кажандешу кажхислату кажхиром,
Ки қўймай раҳи ростлиғ сори гом.
Қаро кисвати олати ол эрур,
Хамида қадди ҳийлага дол эрур.
Бу ким тун кавокибни ломеъ қилур,
Қуёшни тонг отғонда толеъ қилур.
Шарардур қилур пайкаридин аён,
Ёлиндур дамидин чиқарур равон.
Ғараз элни ўзига мафтун этиб,
Тамошосидин зору мажнун этиб.
Яна ўзларидин хабар топғуча,
Фериб эрканидин асар топғуча.
Қилур меҳварин ўқ, ҳилолини тег,
Этар бегунаҳлар ҳалокини тег.
Шафақким бўлур фошу омонидин,
Нишонедур аҳли вафо қонидин.
Жаҳону фалакдин ки қилдим сифат,
Аён айласам шаммае маърифат.
Иккиси эрур бир-биридин ёмон,
Жаҳондин фалаки дун, фалакдин жаҳон.
Нифоқу ситамдур аларнинг иши,
Алар зулмини чекмаган йўқ киши.
Хусусан қилиб аҳли донишга кин,
Қилурлар ҳамиша ҳазин ғамин.
Кишиким улус ичрадур ҳушманд,
Тутарлар ани мустаманду нажанд[1943]*.*
Қилурлар вафо аҳлини хору зор,
Жафо тегидин айлабон дил фигор.
Агарчи қилиб суфлага ёрлиғ,
Этарлар ҳар ишда мададкорлиғ.
Анга даги ноошнолиғ қилиб,
Узоқ чекмайин бевафолиғ қилиб.
Қилурлар қаро туфроқ ичра ниҳон,
Агар яхши бўлсуну ёхуд ёмон.
Саиду шаққиға фариқун фариқ,
Адам жониби бошқарурлар тариқ.
На қўйди русул хайлини ёдгор,
Салотинни на мулк аро пойдор.
Қани анбиё ва расули араб,
Қани чорёри паямбар ҳасаб.
Қани авлиёву қани атқиё,
Қани азкиёву қани асфиё.
Қани пешдодийлар ичра алам,
Каюмарс шоҳи муалло ҳашам.
Қани шоҳ Ҳушанги ферузманд,
Қани шоҳ Таҳумарси девбанд.
Қани Жам, қани жоми гетийнамо,
Қани шоҳ Заҳҳоки зулминтимо.
Фаридуну Соми Наримон қани,
Манучеҳр ила Золи дастон қани.
Қани Навдар, қани Афросиёб,
Қани расми Гаршосби ойинзоб.
Каёнийлар ичра қани Кайқубод,

[1940] Ҳубоб – пуфак.
[1941] Қаҳба – бузуқ, суюқоёқ аёл.
[1942] Зишт (син.: кирех) – хунук, бадбашара.
[1943] Нажанд – ғамгин, эзилган.

Қани шоҳ Ковуси фарррух нажод.
Қани шоҳ Кайхусрави некбахт,
Ки топти шараф зотидин тожу тахт.
Қани Рустаму Бежани навжавон,
Қани Геву Гударзи кешувадигон.
Қани Найраму Тус, Навдар қани,
Фаромарзу Барзуйи сафдар қани.
Қани адлу ойини Луҳросбий,
Қани иззу тамкини Гуштосбий.
Қани Баҳману қани Асфандиёр,
Қани шоҳ Дороби олийтабор.
Жаҳон шоҳи Доро диловар қани,
Жаҳон мулкин олгон Сикандар қани.
Қани насли Ашконий олийнасаб,
Кўтарган «мулуки тавоиф» лақаб.
Қани Ардашери муалло ҳашам,
Ки Сосоний ичра эди якқалам.
Қани шоҳ Баҳром ибн Язджурд,
Анингдек жаҳон ичра йўқ эрди гурд.
Қани шоҳи одил Ануширвон,
Қани Ҳурмузу Хусрави комрон.
Қани оли Марвону оли Язид,
Ки қилдилар оли набини шаҳид.
Қани оли Аббоси фаррухнажод,
Ки кўп йил аён қилдилар адлу дод.
Қани оли Сомони маймун натож,
Ки Амру ибн Лайсдин олди тож.
Қани газнавийлар ки Маҳмуд эди,
Кавокиблари барча Масъуд эди.
Қани гуриёний ки ферўз эди,
Алардин Ҳасанким, жаҳонсўз эди.
Қани оли Бувайҳи муалло жаноб,
Жаҳон мулкидин бўлдилар комёб.
Қани оли Салжуқи жамшиджоҳ,
Ки Санжар киби эрдилар динпаноҳ.
Қани жамъи Хоразмшаҳким жаҳон,
Алар адлидин эрди жаннатнишон.
Қани даҳр султони Чингизхон,
Қани шоҳи олам Темури Курагон.
Қани Ўктойхон ки қоон эди,
Қани Шоҳрух шаҳ ки султон эди.
Қани тожи иқбол Абдуллаҳий,
Қани тахти товуси Нодиршаҳий.
Қани Амнакхони заррин алам,
Қани Оқотойхони гардунҳашам.
Қани қутбилақтоб Асфандиёр,
Қани шаҳ Абулгозии номдор.
Қани хон Ануша шаҳи комрон.
Қани хусрави даҳр Арангхон,
Шаҳаншоҳи дин Шергози қани,
Бори мулкнинг сарафрози қани.
Қани шоҳлар мулки Хоразм аро,
Ичар эрдилар жоми Жам базм аро.
Санга барча аждоду або қани,
Алар тузган ойину ясcо қани.
Қани Эшмуҳаммад бии некрой,
Ки Хоразм аро эрди кишвар худой.
Қани хони Хивақ Муҳаммадамин,
Ки эрди санга жадду соҳиб нигин.
Отанг волии дин Аваз бий қани,
Ажал солди туфроққа даги ани.
Қани ул оқонг Элтузар подшоҳ,
Ки эрди адув хайлига кинахоҳ.
Жаҳон қилмай анга даги ёрлиг,
Фалак зоҳир этмай мададкорлиг.
Фано баҳрига солди ноком ани,
Гуҳардек қилиб соҳиб ором ани.
Жаҳондин ситам чекмаган кимса йўқ,
Хирадманд улдурки, то бор ҳаёт,
Алар шуглига қилмаса илтифот.
Тутуб тарки дунё ва асбобни,
Улус юзига боглаб абвобни.
Ғубори тааллуқга силкиб этак,
Ватанда тажарруд сори урса так.
Фано бўлмайин қилса сайри фано,
Ажал етмайин бўлса маргошно.
Бу кун шаҳриёри асанн ул шоҳ сен,
Ки рамз ҳақойиқидин огоҳсен.
Либоси хилофатдадур суратинг,
Палоси фано ичрадур сийратинг.
Кийиб зоҳиринг салтанат хилъатин,
Вале ботининг фақр эли кисватин.
Бошингда шаҳаншоҳлиг тожидур,
Вале хотиринг фақр меърожидур.
Замиринг бўлуб фақр аро мулкгир,
Жаҳон мулки оллиндадур бас ҳақир.
Эрур ҳимматинг оллида осмон,
Камин қулларингга муҳаққар макон.
Топиб раафату адлингга ихтисос,
Ҳаводисдин ўлмиш халойиқ халос.
Илоҳо, бўлуб Тангри ёвар санга,
Бўлуб барча олам мусаххар санга.
Тутуб ер юзин сояйи давлатинг,
Улус бошидин кетмасун шафқатинг.
Инонингда бўлсун Хизр муттасил,
Жанобингда фақр аҳли осудадил.
Топиб Мунис эҳсону қурбингга даст,
Мудом ўлсун ул жоми давлатга маст.
Аёқчи, тўла келтур олтун аёг,
Бўлай лаҳзае масти софи фарог.
Кўнгулни қилиб жам ҳар соридин,
Сурай хома мақсуд тазкоридин.
Таммат.

Иккинчи Фасл ҳазрат подшоҳи соҳибқирон ва султони гардунтавоннинг вилодати ҳумоюнидин бу рисолаи саодатмақола итмомиғача ҳар вақое ва футуҳотиким, асари давлати султоний ва иқболи соҳибқиронийднн вуқу топмиш ва вуқуъ топғусидур, зикр қилилур.

Бу Фасл уч қисмға муштамалдур

Аввалғи қисм ҳазрат подшоҳи соҳибқироннинг айёми вилодатидин ҳенгоми аморатиғача вақоеи касиру-л-бидоедин шаммае баён силкиға чекилур

Маснавий:

Бу кун эй саодат манга ёр бўл,
Дамодам ишимда мададкор бўл.
Кел, эй давлат, оллимда қил бандалик,
Жанобимда қулдек сарафкандалик,
Кел, эй бахт, асбобим омода қил,
Кўнгул сафҳасин ғуссадин сода қил.
Кел, эй чарх, эшигимда дарбонлиғ эт,
Ҳаводис ғамидин нигаҳбонлиғ эт.
Кел эй ой, мунису ҳамдам ўл,
Мулозим бўлу розима маҳрам *ўл.*
Аторуд адаб бирла йўн хомани,
Ки то битгаймен бу шарафномани.
Кел, эй Зуҳра базми аро чанг туз,
Саодат навосидин оҳанг туз.
Қуёш сақфи ҳужрамдин айла тулу,
Бошим узра қил зар сочарға шуру.
Жанобимда, Миррих, чокарлиғ эт,
Келиб хизматимда диловарлиғ эт.
Кел, эй Муштарий сидқу ихлос ила,
Дуом айла адиияйи хос ила.
Зуҳал, кел ҳузуримда қил пастлик,
Адаб бирла тур, қилма бадмастлик.
Сурайё, карам панжасин қил очиғ,
Дурриңгдин оёқимға келтур сочиғ.
Ки мен барча ўтгандин айлаб ружу,
Қилай шоҳнинг мидҳатиға шуру.
Қайу шоҳ, шаҳлар сарафрози ул,
Салотини офоқ мумтози ул.
Шаҳеким, фалак хоки даргоҳидур,
Улуғ шаҳлар афтодаи роҳидур.
Хилофат саририда шаҳларға шоҳ,
Саодат шаҳрида тобанда моҳ.
Доимо моҳу меҳри дурахшанда вей,
Шараф дуржида дурри рахшанда вей.
Жаҳонгири доройи анжум сипоҳ,
Фалак жойгоҳу зафар интибоҳ.
Хидеви жаҳондору ферузбахт,
Шаҳи лаъл дийҳему феруза тахт.
Жаҳон кишварини равон олғучи,
Адув лашкариға қирон солғучи.
Фурузандаи миллати аҳмадий,
Фарозандаи давлати сармадий.
Шариат умурида Нўъмоннишон,
Адолатда монанди Нуширвон.
Муъайян ал-масокин, муфаййиз ал-ато,
Раис ал-хавоқин, муизз ал-варо.
Аълои аҳл ал-имон, зилли ал-карим,
Абу-л-фатҳ , султон Муҳаммадраҳим.
Идомаллоҳ давра султонаҳу,
Афозаллоҳ, файза эҳсонаҳу.
Келиб зоти анинг жаҳондин мурод,
Вале халқға мазҳари адлу дод.
Юзи салтанат нури ойинаси,
Замири фуюзот ганжинаси,
Чу ҳақ тузди зотининг авроқини,
Анга битти пайғамбар ахлоқини.
Етиб кўнглиға ғайрдин тасфия,
Топиб нафси ҳақ ишқида тазкия.
Ҳаё нури зотиға жавҳар келиб,
Адаб ганжи кўнглида музмар келиб.
Бўлуб зоҳири зийнати салтанат,
Вале ботини музҳари маърифат.
Насиби анинг иффати Мустафо,
Шиори анинг ҳиммати Муртазо.
Сахо чоғи очғонда дасти карам,
Қилур ер юзин чархдек пур дирам.
Адолатда Нўширвондин ўтуб.
Қуёшдек жаҳон мулкини ёрутуб.
Бўлуб даврида зулм расми адам,
Ситам кўрмайин ҳечким, жўз ситам.
Анингдек бўлуб расми бедод гум,
Фалак ҳам қила олмайин уштулум.
Шариат ишиға бериб интизом,
Топиб ўзгача дини байзо низом.
Маноҳини ул нав этиб бартараф,
Ки мино эрур сарнигун, пора даф.
Чу шаҳлиғ саририга қилди жулус,
Салотин келиб бўлдилар хокбўс.
Қилиб мақдамин мубоҳот тахт,
Кўк авжиға топти мусовот тахт.
Нигини жаҳонбонлиғ айлаб қарор,
Муборак кафида эрур номдор.
Ҳумоюн боши узра заррин кулоҳ,
Шарафда уруб таъна меҳру моҳ.

Ўқуб Муштарий хутбаи давлатин,
Етурди фалак авжига рифъатин.
Топиб сикка оти била сийму зар,
Азиз ўлди оламда номвар.
Чу ҳақ шаҳлар ижодига қилди майл,
Ул ўлди муроду салотин туфайл.
Бўлуб табъи комил фазойил била,
Қилиб ҳамнишинлик афозил била.
Чу фикри уруб вақт ичра илик,
Бўлуб равшан оллида барча билик.
Чу ҳар кечаким базми ишрат тузуб,
Тилу илги дурпошлиқ кўргузуб.
Чу майдон аро қилса азми набард,
Адувдин чиқарур фалак узра гард.
Қилич чекса аъдо масофига тез,
Қилур оллидин Сому Рустам гурез.
Агар гурз ила қилса азми масоф,
Қилур гард бир зарби юз кўҳи Қоф.
Қаю мулк уза чекса хайлу сипоҳ,
Зафардур мулозими, адув хоки роҳ.
Ливоси уза маҳчайи зарнигор,
Қуёш шаънини синдуруб ошкор.
Бўлуб чатри зар бошига соябон,
Нечукким Ҳумои саодат нишон.
Сафарда анга Хизри давлат далил,
Паямбарга ул навъким Жабраил.
Жаҳон давлатидин бўлуб бўстон,
Доимо бўстонким риёзи жинон.
Жаҳон аҳли анда бўлуб шодком,
Дуоси била айлабон нўшжом.
Илоҳо, жаҳондин эрур то нишон,
Жаҳон аҳлига то жаҳондур макон.
Жаҳондорлиг ичра тут ани шод,
Анга қил муяссар не эрса мурод.

Ул ҳазратнинг вилодати ҳумоюни саодатнамуни Абулфайзхон ибн Ғойибхоннинг айёми салтанатда фи шуҳури санаи тисайна ва миаа ва алфа[1944] мувофиқи Маймун йили асъади соот ва аҳсани авқотда вуқу топиб, адам шабистонидин вужуд гулистониға бадрақаи инояти азалий била қадам урди ва фано ниҳонхонасидин бақо девонхонасиға собиқаи саодати ламязалий била ташриф келтурди. Йўқ-йўқ, балки офтобе эрди оламоро, шараф буржидин тобон бўлди ва гавҳаре эрди бебаҳо, саодат дуржидин намоён. **Маснавий:**

Замона хуб эди, вақт маймун,
Фалак ром эди-ю, соат ҳумоюн.
Дарахшон гавҳаре, ноёбу якто,
Фурузон ахтаре, хуршид сиймо.
Вужуд айвонига бўлди қадамзан,
Бақо бўстонини қилди нашиман.
Қудумидин тараб айлаб мубоҳот,
Етурди таҳният ҳайҳот-ҳайҳот.
Жамоли бирла олам бўлди равшан,
Юзидин даҳр хористони гулшан.
Бўлуб мамлу тамоми мулк аро сур,
Мамолик аҳли бўлди барча масрур.
Бўлуб тарбиятига доя давлат,
Топиб иқболидин сармоя давлат.
Ани чирмаб ҳарири исмат ичра,
Тааҳҳуд қилди маҳди иззат ичра.
Бу янглиг парвариш топиб дамодам,
Тарақкий қилди кундин-кунга кам-кам.

Ва марвий[1945] дурким, ул ҳазратнинг шарафи вилодат ва асари саодатидин ул айёми фархунда фаржомда Хоразм диёрида маросими фитна ва фасод ва қавонини иттифоқ ва инод билкулл муртафе бўлуб, андоқ фароғ ва рифоҳият рўй бердиким, ҳеч вақте аз авқотда андин нишон бермайдурлар. Умародин то фуқаро тараб асбобин омода қилиб. ишрат додин бердилар. Афозилдин то арозил нишот сохту-созидин инбисот гулин тердилар. **Байт:**

[1944] Ҳижрий 1190/1776-77 йил.
[1945] Марвий – ривоят қилинган, айтилган.

Гули ибтиҳож очилди шарафи вилодатидин,
Гуҳари тараб сочилди асари саодатидин.

Чун сенни тамизға уруж қилиб, маротиби шаббобға тараққий топти, улуми диний ва фазоили яқиний иктисобиға майл кўргузуб, илму фазилатда фариди замон ва нодираи даврон бўлди. Хусусан, назокати фаҳм ва шеършиносликда шуарои номдор ва фузалои балоғат шиорни мактаби ажз ва дабистон[1946] и ҳайратда тифли абжадхон қилди. **Назм:**

Илму фазоил анга ҳосил бўлуб,
Эйла ки ҳар фан аро комил бўлуб.
Табъиға ҳар маънии мубҳам[1947] баён,
Саҳл тафаккур била бўлуб аён.
Зеҳни кириб барча дақоиқ аро,
Комил ўлуб илми ҳақоиқда.
Нутқи балоғатда шакаррез ўлуб,
Лутфи фасоҳатда диловез ўлуб.
Дониши оллида хирад музмаҳил,
Ҳикмати оллида Фалотун хижил.

Аксари авқот базму ишрат ва мажлиси тарабда ахёр ва аброри шуаро ва фузало била суҳбат тутуб, ҳалли мушкилоти ақлий ва кашфи муғаллиқоти нақлий қилиб, маонии рангин шаробидин саршори кайфият бўлур эрди. Ва гоҳо йигитлик авонининг муқтазоси била дафъи малолати айём учун сайри саҳро ва азми тамошо қилиб, сайдафканлик ва шикорандозлиқ иштиғолидин кўнглин овлар эрди. **Ғазал:**

Ирода қилса қачон шоҳи комкор шикор,
Қилур қудумиға жон жавҳарин нисор шикор.
Суруб саманди сабуктоз, учурса шаҳбозин,
Бўлур ҳавода малак, ерда ҳар шикор шикор.
Кўнгул қуши неажаб истаса шикор ўлмоқ,
Ки тавв[1948] бирла бўлур сайди ҳар на бор шикор.
Шикорвор кўнгуллар қуши урар пару бол,
Ки то анга була олгай шикорвор шикор.
Парирўлар анга навиди висол фитрок[1949] ин,
На айб зибҳ[1950] чоги бўлса беқарор шикор.
Тараб аломатидиндур эмас таваҳҳумдин,
Буким шикор чоги айлар изтирор шикор.
Шикор шуғли кўнгулларни ғамдин айлар пок,
Бу важҳдин қиладур шаҳлар ихтиёр шикор.
Халос бўлмади бир лаҳза шаст шавқидин,
Итиға бўлғоли то бу дил фигор шикор.
Улусни сайд қилур айни илтифот била,
Арода бўлса недур, Мунис, низор шикор.

Аммо, ҳамвора улувви ҳиммат ва сумувви фитрат тақозосидинким, ул ҳазратнинг зоти хужастасифотиға мухаммардур, сипоҳигарлик муҳомиға мултафит бўлуб, умури мулкия ва молияға мудохилат кўргузур эрди. Ва ҳамиша ғояти раафат ва ниҳояти шафқат муаддосидинким, тийнати саодатлийнатиға жа-

---

[1946] Дабистон – бошланғич мактаб.
[1947] Мубҳам – ноаниқ.
[1948] Тавв – бажонудил.
[1949] Фитрок – овланган жониворлар териладиган белбоқ.
[1950] Зибҳ – сўйилиш.

вҳардур, мазлумларни сояйи ҳимоятиға киюруб, зуламанинг дасти татовулиға муқосират еткурур эрди. Оқоси султони мағфур ва хоқони мабрур Элтузар Муҳаммад Баҳодирхоннинг айёми давлатида осори шижоат ва анвои муборизат ул ҳазратдин зуҳурға еттиким, Рустам ва Асфандиёрнинг дафтари аҳволиға хатти насх урулди. Андоқким, *йимроли* фатҳида ва ямут урушида мукаррараран ва Қўнгротнинг аввалғи сафарида ва сўнгғи сафарида ва Бухоро черикининг муҳорибасида хони мағфурнинг вақоеиға тазйин учун муттасилан шаммае баён килкининг рақамзадаси бўлуб эрди. Ул жумладин икки воқеаниким, ижмолан мазкур бўлуб эрди, тафсилан зикр қилурмиз, иншооллоҳи таоло.

Аввалғи воқеа ҳазрат аълохоқонийнинг Қўнгрот устида муборизат майдониға журъат таковарин сурмаки, теғи шижоат ва синоии жалодат била хунрезлик маросимиға қиём кўргузуб, муоиидларға шикаст еткурмаки

Мазомини бадиа арсасининг сабукинони, маонии рафиа маъракасининг шўхжавлони, яъни қалами воқеарақам мундоғ нигориш қилурким, чун хони мағфиратпаноҳ, самсом[1951] ад-давлат ва-д-дин Элтузар Муҳаммад Баҳодир подшоҳ *наварраллоҳу мазжъаҳу* иккинчи каррат сана минг икки юз йигирма[1952]да Орол ва Адоқ тасхириға ливои меҳр ишроқни ҳаракатға киргузуб, Қўнгрот қўрғонининг муҳосирасиға машғул бўлди. Иккиланжи масофдаким, раби ал-аввалнинг йигирма еттиси[1953]да душанба куни воқе бўлуб эрди, ҳазрат султон, соҳибқирони аълохоқон, носири билоди аҳли иймон, қомеи бунёди зулму туғён Абу-л-музаффар ва-л-мансур, маъзуддавлата Муҳаммадраҳим Баҳодирхон *халладаллоҳу мулкаҳу абадан* баъзи умарои номдор ва шужаои душманшикор била майманаи маймунаға муқаррар бўлуб, бурунғор аҳлин вужуди саодатнамуди била муфтахар ва сарафроз қилиб эрди. Бу тариқада *амир* Вали *отолиқ йимроли* ва *човдур* ва баъзи ўзбакнинг муборизлари била майсараи майсурға тайин бўлуб, жувонғор аҳлин неруи бозуи шижоати била қавий ва мустазҳар қилиб эрди. Ва хони мағфур қалбгоҳи нусратпаноҳда аркони давлат ва аъёни ҳузрати била ором тутуб, ливои зафаринтимони алами хуршидға ҳамсар қилиб эрди. Ва муонидлар сарвари ва мутамарридлар сардафтари сўфии бепир, соҳиби тазвир Тўрамурод сўфи аъдои давлат била қўрғондин чиқиб, ясовнинг ўнг қўл ва сўл қўлин баъзи шужаои тоғия била ясоди. Ва рояти касофатоятин *қўнгрот* акобириға қалбгоҳда тафвиз қилиб, ўзи абтоли жаҳолат имтисол ва жуҳҳоли вақоҳат иштимолдин жаме касир била майдоннинг бир тарафида сафоролиғ кўргузуб, мустаид ва омода бўлуб турдиким, қайси жонибда муҳориба воқе бўлса, муонидларға мадад еткургай. **Назм:**

Чун ясалди суфуф ҳар ёндин,
Ел супурди губор майдондин.
Булут айлаб ирода саққолиг,
Қўйди майдонга юз мусаффолиг.
Гурдлар ҳар тараф бўлуб доир,
Размгаҳ сори бўлдилар нозир.
Ки бўлур кимга бахт, давлат ёр,
Юз қўяр кимга накбату идбор.
Кимга фатҳу зафар мулозим ўлур,
Кимга ажзу шикаст лозим ўлур.
Кимга иқбол кўси давлат урар,
Кимга идбор пойи накбат урар.
Қайси байдақ бўлур нигун охир,
Қайси роят зафаршигун охир.

Ул аснода *амир* Вали *отолиқ* атбои била *қўнгрот* черикининг ўнг қўлиға ҳамла еткуруб, хунрезлик ва

[1951] Самсом – қилич.
[1952] Ҳижрий 1220/1708-09 йил.
[1953] 1220 йил 27-раби ал-аввал/1708 йил 17 июн.

сарафшонлиқға иқдом кўргузди. Тўрамурод сўфи бу воқеани мушоҳида қилиб, Вали *отолиқ*нинг черикига ғалабаи тамом била ҳужумовар бўлуб ва мутаоқиб ҳамлалар еткуруб, яқин эрдиким шикаст бергай. Ҳазрат аълохоқоний бу сониҳаи муваҳҳашани кўруб, ул диловарлар билаким, мулозими рикоби ҳумоюн эрдилар, майманаи маймундин размгоҳға саманди барқтозин дуасба[1954] сурди ва муборизот қиличин ниёми интиқомдин чиқариб, ўз нафаси нафиси била сўфининг атбоиға ғўрранда арслон, балки, Рустами достондек ҳамла еткурди. Теғи хунфишонидин қатра-қатра қон тўкмак била саҳро юзин гулистон қилди ва синон жонситонидин дафъа-дафъа жон олмоқ била майдон ичин мазористон этти. **Маснавий:**

Чу шаҳ ҳамла айлаб адув сари тез,
Аён айлабон шўриши растахез.
Анингдек ки шере тушуб меш аро,
Қилур мешларга жаҳонни қаро.
Қочиб садаматидин адув ҳар қаён,
Анингдек ки сарсар эсарда сомон.
Чекиб қаҳр ила теги олмосдам,
Аъоди руусини айлаб қалам.
Очиб ёдин аъдо сори чун гиреҳ,
Келиб қавси гардундин овози «зеҳ».
Тўкуб илгида найза ул нав қон,
Нечукким бўлур афъи[1955] *и оташфишон.*

Амир Вали *отолиқ* бошлиғ муборизлар ул ҳазратнинг бу нав изҳори шижоат ва осори жалодатидин аввалғича юз ҳисса қувват ва журъат топиб мутаҳаввирона муонидларға ҳамла қилиб, нийрон қиттол ва жидолни мултаҳиб қилдилар. Ул чоғда ҳазрат аълохоқоний шери ғўрранда ва бабри дарранда янглиғ ҳамалоти салобатангез ва садамоти маҳобатомез била лавомеи теғ ва шаашшаи синондин аъдои давлатнинг хирмани ҳаётиға бавориқи бало урар эрди. **Байт:**

Адувни газаб тегидин ўлтуруб,
Танин шўълаи қаҳрига куйдуруб.

Қазоро, Тўрамурод сўфи ул ҳазратнинг тақобилидин чиқиб, тоби муқовимат келтура олмай, юз машаққат била қочиб қутулди. Чун *қўнғрот* черики бу воқеани мушоҳида қилдилар, «яқинда ўша жамоат ортларига қараб қочиб қолурлар[1956]» мафоди била сарриштаи саботни қўлларидин бериб, ҳазимат тариқиға қадами фирор ўруб, қўрғон жонибиға қочтилар. Ва диловарлар ул ҳазратнинг тарғиби била фироройларни таоқиб қилиб, муонидларға «у Кунда киши ўз оғо-инисидан қочур[1957]» мазмунин зуҳурға еткурдилар. Ва кўп кишини қўрғонға киргунча маасур ва мақтул қилдилар. Тўрамурод сўфи мундин сўнг муҳориба ва мужодилаға тоқат келтура олмай, девони ҳукуматдин маъзуллиқ ихтиёр қилиб, Хўжамурод *бий* ул ҳазратнинг сояйи ҳимоятиға кириб, қалъа калидин хони мағфурнинг мулозимлариға топшурди. Андоқким, зикр топти. Ва фатҳнома ҳазрат аълохоқонийнинг номи номий ва алқоби киромийси била музайян бўлди. **Нукта.** Шижоат ҳолатедур мўътадил жубн[1958] ва таҳаввур[1959]дин муарро ва қувватедур мутавассит тафрит ва ифрот[1960]дин мубарро. Ва аҳли шижоатни Тангри дўст тутар. Оллоҳ таоло дейди: «Мен шижоатли-ботирларни яхши кўраман[1961]» ва аларға ҳадиси «уларга ризқ найза остида-

---

[1954] Дуасба – ўта тезликда.
[1955] Афъи – заҳарли илон, аждаҳо.
[1956] Қуръони карим, 54 : 45.
[1957] Қуръони карим, 80 : 34.
[1958] Жубн – қўрқоқлик.
[1959] Таҳаввур – ботирлик, довюраклик.
[1960] Тафрит ва ифрот – ҳаддан ортиқлик.
[1961] Ҳадис.

дир» далили интифо. **Қитъа:**

Қилур равшан шуои тегидин кундек жаҳон мулкин,
Шаҳеким жиҳбаи ҳолида анвори шижоатдур.
Муаззиздур салотин оллида аъдосин айлаб хор,
Кишиким тийнати покида осори шижоатдур.
Зафарким зевар иклили иқболи салотиндур,
Дурри қийматбаҳои баҳри зуххори шижоатдур.
Хаззи иқболу дебои саодату атласи давлат,
Яқин билким камини ажнос бозори шижоатдур.
Қачон юз қайтарур фарқиға гардун тег ёғдурса,
Аларким бошида қалқон заркори шижоатдур.
Мазиллат ихтиёр этмас қилич захми ҳаросидин,
Сареким соя парварад сепардори шижоатдур.
Топар омода асбоб нишотин размгоҳ ичра,
Далиреким қучоқи ичра дилдори шижоатдур.
Диловарлар қиличдин қатра қонларким тўкар ҳар дам,
Нишони обрў-ю, ранги рухсори шижоатдур.
Чу майдон ичра кирдинг чиқма ҳаргиз бўлмайин феруз,
Фирор этмак адувдин, Мунисо, ори шижоатдур.

Тамсил. Сана олти юз йигирма етти[1962] да Соинхон ибн Жўжихонким, Ўктой қооннинг фармони била Рус вилоятининг тасхириға ливои наҳзатни ҳаракатға киргузди. Ул вилоятнинг подшоҳлари жунуди номаъдуд била истиқбол қилиб, Маскувда талоқии фариқайн воқе бўлуб, уч ойғача муҳориба ва муқотиладин ҳеч тарафга зафар ва шикаст етмади. Охириламр, Шайбонхон ибн Жўжихонким, шижоат ва жалодатда мумиилайҳ ва муттафиқилайҳ эрди, оқоси Соинхоннинг ишорати била бир кун уруш ҳангомида беш олти минг киши олиб, ёвнинг орқасиға ўтуб, отдин пиёда бўлдилар ва арсаи корзорға фили мастдек рухи таважжуҳ қўюб, аъдои фарзин хиромға қатлу кўшишдин кишти шикаст еткуруб, шоҳларни хонаи мамотда мот қилди. Ул шижоат йўмнидин Соинхон музаффар ва мансур бўлуб, мамолики мазбурни ҳаййизи тасхирға киюрди. **Қитъа:**

Жаҳонни олса бўлур қуввати шижоат ила,
Зафар ҳамиша шужо элни бахтиёр қилур.
Киши ки айлади журъати муборизат ичра,
Ҳақир эса ҳам ўзини бузургвор қилур.

Иккинчи воқеа ҳазрат аълохоқонийнинг Турон черикининг масофида муборизат изҳори била яди байзо кўргузмаки. Теғи буррон ва синони жонситон била инод аҳлининг риштаи ҳаётин узмаки ва сипеҳри буқаламуннинг рўбоҳбозлиғ[1963] и била ул шери бешаи ҳижо[1964] нинг аъдои хук[1965] тийнатға тутулмоғи. Қуввати шижоат ва неруи жалодат била, балки, инояти азалий ва таидоти ламязалий била душманнинг дасти таадисин қатъ қилиб, маҳликадин қутулмоғи

Саҳифа арсасининг маъракагири, жарида маъракасининг ҳангомапазири, аъни, қалами балоғатрақам мундоғ таҳрир қилурким, чун ул ҳангомдаким, Мовароуннаҳр сипоҳи била Хоразм черикига Кўҳна Кот ҳудудида Кесик наҳрининг қироғида талоқи вуқу топиб, ҳангомаи корзор гарм ва абтоли номдор беозарм[1966] бўлуб, маросими қилу қол ва қавонини разму қиттолға қиём кўргуздилар.

[1962] Ҳижрий 627/1229-30 йил.
[1963] Рўбоҳбозлик – тулкилик.
[1964] Бешаи ҳижо – уруш ўрмони.
[1965] Хук – тўнғиз, чўчқа.
[1966] Беозарм – раҳм-шафқатсиз.

Назм:

Муборизлар оҳанги майдон қилиб,
Салаҳшурлиг бирла жавлон қилиб.
Бўлуб ошкоро талошу ситез,
Дегил қўпти ҳар сори юз растахез.
Солиб жонга шуриш нафири ажал,
Топиб умр меъмори андин халал.
Синону бошоқ нуки[1967] *дин қон оқиб,*
Вали қон била шарбати жон оқиб.
Ўғулни отосиға ибқо қилиб,
Отони ўғул сори парво қилиб.
Бу янглиг басе шуру ғавғо эди,
Набард аҳли ичра алоло эди.

Ҳазрат аълохоқоний ва жаноб зилли ас-субҳоний қудват ал-хавоқин, умдат ас-салотин, маржа иал-шужао ва-л-абтол, мақсад ал-урафо ва-л-уммол, соҳиб ас-сайф ва-л-қалам, малоз ал-*араб* ва-л-*ажам*, муқаввии милати байзо, мураввижи шариати ғарро, подшоҳи анжумсипоҳ, шаҳаншоҳи гардундаргоҳ, султони Сулаймон рифъат, хоқони Искандар ҳашмат, хидеви Баҳромкин, хусрави Нўширавон ойин. **Маснавий:**

Шаҳи осмон тахту хуршид тож,
Ҳумоюн нажоду муборак нитож.
Адолат қуёшиға олий сипеҳр,
Асолат сипеҳрида рахшанда меҳр.
Фурузандаи шамъи шаръи мўбин,
Фарозандаи рояти кийшу дин.
Саховат русумин аён қилғучи,
Кафи жуди оламни кон қилғучи.
Балоғатда тўтии ширин калом,
Фасоҳатда Ийсои мўъжиз низом.
Шижоатда разм ичра Рустам набард,
Қилиб зарби Албўрз тоғини гард,

давлат чаманининг сарви, саодат гулшанининг тазарв[1968] и, хилофат айвонининг маснаднишини, салтанат девонининг соҳибнигини. **Назм:**

Жаҳонбонлиғ саририда Сулаймон,
Мутеи ҳукми анинг инс ила жон.
Сикандар ҳашмату Жамшид шавкат,
Сурайё рифъату хуршид рутбат.
Жаҳонгири Ануширвон нишона,
Жаҳондори муалло остона.
Асолат бобида Ўмбой насаблиғ,
Фазоил бирла пайғамбар ҳасаблиғ.

олоамр би-амриллоҳ ал-малик ал-мустаон, муизз ад-давлат ва-д-дин Абу-л-фатҳ Муҳаммадраҳим Баҳодирхон *ақваллоҳ давлатаҳу би-л-иқбол ва ҳаффиз салтанатуҳ ан ал-ихтилол* оқоси хони мағфурнинг ишорати била муҳориба ва муқотилаға иштиғол кўргузур эрди. Андоқким, собиқан ишорате қилилиб эрди. Ул овондаким, душман сипоҳи мутаҳожим ва мутароким бўлуб, умарои Хоразмни ҳалқаи гирдоб

[1967] Бошоқ нуки – ўқ пайконининг учи.
[1968] Тазарв – чиройли рангдаги қирғовул қуши. Гўшти ейилади.

дек иҳота қилиб, қасд эттиларким, завраҳи ҳаётларин ғарқ этгайлар, ҳазрат аълохоқонийким, бир тарафда лавомеи теғи хунфишон ва шаашшаи синони жонситон била муҳориба ўтин оламсўз қилиб, аъдои кинагузорнинг хирмани вужудин куйдурур эрди, ул сониҳаи ҳоилани йироқдин мушоҳида қилиб, ул муборизлар билаким, мулозими рикоби ҳумоюн эрди, марокиби сарсар хиромға маҳмиз бериб, зарғоми хуношом ва ғазанфар[1969] и бабринтиқомдек аъдои давлатға ҳамла еткуруб, Турон муборизлари[1970]-дин кўп кишининг ҳавойи бошларин теғи хунрез била кесиб, номуборак ажсодин мазиллат туфроқиға хоксор этти. **Маснавий:**

Самандини чун айлабон гармтоз,
Етиб кўкка наъли ўтидин гудоз.
Масоф ичра чун қаҳрамонлиг қилиб,
Қилич илгида хунфишонлиг қилиб.
Чу Рустам киби кўргузуб корзор,
Қочиб зарб дастидин Асфандиёр.
Адув фарқига чун уруб теги кин,
Қилиб зарбига Фарқадон офарин.
Бўридек қаён ҳамлаким еткуруб,
Рама[1971] янглиг аъдо сипоҳин суруб.

Бу тариқада ҳазрат султони соҳибқирон ҳар тарафғаким, шери жаён ва бабри баён янглиғ мутаважжиҳ бўлди, қўшун-қўшун муборизлар «шердан қочган ёввойи эшакларга ўхшаб[1972]» ул ҳазратнинг ҳамлаи салобатомез ва садамаи маҳобатангезидин рўйгардон бўлуб, ҳазимат якронин фирор йўлиға сурар эрди. Иттифоқо, ул ҳангомда Муҳаммадкарим қўйчи ул ҳазратнинг музоҳирати била мустазҳар бўлуб, фирорийларни таоқиб қилиб, Чолиш ариғининг шоръида Абдураҳмон бекни ўлдуруб қайтурда оти йиқилиб, Бухоро муборизларидин жамие касир анинг қасдиға иқдом кўргуздилар. Ул ҳазрат бу сониҳадин мусташиир[1973] бўлуб, агарчи бодпои бодияпаймойи фарти жавлон ва касрати таку-тоздин сақат бўлуб, шатранж отидек ҳаракатдин қолғудек эрди, ғайрати жалодат ва ҳамияти шижоатдин анинг сарвқтиға Масиҳодек қадам еткуруб, ўлук жисмиға ҳаёти тоза ва навмид жониға мусаррати беандоза бағишлади. **Шеър:**

Эй, қадамингдин етиб элга ҳаёти жадид,
Файзи ҳузуринг бериб халқға жондин навид.
Ваҳ, на хуш иқбол эрур яъс туни кимсага,
Меҳри жамолинг била тушса шуои умид.
Меҳр киби не ажаб чарх уза урса алам,
Бўлса киши бошида сояйи лутфинг падид.
Ҳар кишига шафқатинг қилса мададкорлиг,
Вартаи ғамдин нажот топса эмастур баид.

Қасд қилғон муонидларни садамаи ҳамласидин мутафарриқ қилиб, ани ул маҳлакадин халос этти. Ул аснода Мовароуннаҳр умаросидин Маҳмуд хўжаким, вуфури шижоат ва фарти таҳаввурдин Рустами дастон ва Соми Наримонни манзур қилмас эрди, ўзиға мутааллиқ сипоҳ била ул ҳазратға ҳамла қилди. Ҳазрати аълохоқоний дағи мудофаа учун анга муқобил бўлуб, синони жонситон била муҳориба амриға қиём кўргузурда отким, аввалдин худ туюб, суст бўлуб эрди, ернинг ноҳамворлиғидин йиқилди. Ул ҳазрат пушти зейндин ерга тушуб, ҳануз қомати муборакин рост қилмайдур

[1969] Ғазанфар – арслон.
[1970] Бухоро лашкари кўзда тутилмоқда.
[1971] Рама – пода.
[1972] Қуръони карим, 74 : 50, 51.
[1973] Мусташиир – сезиш, англаш.

эрди, Маҳмуд хўжа етиб, ғояти номардлиғдин теғ ҳавола қилиб, ул сафдари душманшикорнинг ўнг шонаси била давлатлиғ бошининг рост тарафиға захм еткурди. Аммо лиллаҳи ал-ҳамд ки, коргар тушмади. **Мисра:** «Расида буд балое вале бахайр гузашт» (Етган эди бир бало, аммо зарарсиз ўтиб кетди).

Илоҳо, ҳазрат муҳаймин[1974] и корсоз ул зоти хужастасифотни ҳамиша балиёти арзий ва ҳодисоти самовийдин ўз канфи ҳимоятида масун ва маҳфуз тутғай, омин бираббил оламин. **Байт:**

Тутсун ҳамиша Тангри анинг зотини масун[1975],
Осиби осмону балои замонадин.

Мулозимларининг муовинати била остини вақоҳатдин журъат қўлин чиқариб, ул ҳазратнинг гирибонидин тутуб, мулозимлариға топшурди. Алар тиладиларким, от устида ул таҳмтани филафканнинг ёқасидин тутуб, ҳақорати тамом била кашон-кашон элтгайлар. Аммо ғофил андинким, **қитъа:**

Кишиким қилур ҳақ таоло азиз,
Ани хор қилмоқлиқ имкон эмас.
Қуёш шамъи ўчмас қаттиғ ел била,
Фалак қасри сув бирла вайрон эмас.

Ул ҳазрат ишорати ғайбий ва илҳомоти лорайбий била «давлат арбоблари руҳлантириб туриладн» муқтазосидин муонидлар то хабардор бўлғунча теғи обдоринким, жавшан остида эрди, ғилофдин тортиб, ул икковиниким, ул ҳазратнинг яқосидин тутуб борадурлар эрди, қалам қилиб, ҳалокат туфроқиға отдин сарнигун йиқитти. Бу йўсунда яна етти-саккиз кишини қатлға еткурди. Маҳмуд хўжа бу воқеани мушоҳида қилиб, камоли жаҳолат ва ғояти вақоҳатдин таковарин илгари суруб, теғ ҳавола қилдиким, ул қаҳрамонкини Баҳром ойиннинг зоти малакий сифотиға захмате еткургай. Ул ҳазрат тездастлик қилиб, теғи обдор била анинг аномали шум шамоилин ва бурнин ва бир қулоғин ва оғзининг бир тарафин қиличининг қабзаси била банди бозусидин қатъ қилиб, ерга тушурди. **Рубоий:**

Шоҳо, санго кўк камина хиргоҳ ўлсун,
Шаҳлар эшикингда хоки даргоҳ ўлсун.
Тегинг била бу навъ бўлуб қатъи тамом,
Душман илики ҳамиша кутоҳ ўлсун.

Байт:

На хушдур бўлса дасти хасми бадхоҳ,
Дами тегинг била мақтуву кутоҳ.

Ул аснода Муҳаммадризо бекким, ҳоло *қўшбеги*лик анинг райиға мафвуздур ва Хўжаш маҳрам[1976] ва Қутлуғ Муҳаммад бек *қипчоқ* ҳозир бўлуб, от чектилар. Ул ҳазрат Қутлуғ Муҳаммад бекнинг отин миниб, ҳамлаи сарсарвашининг садамасидин аъдои давлатни пари коҳдек мутафарриқ ва паришон қилиб, зарби теғ била кўп кишини ул корзорда водии бавворға юборди. Ногоҳ бу аҳвол хилолида *уйғур* сипоҳининг бевафолиғидин сипоҳи нусратпаноҳ ҳазимат топиб, Бухоро черики ғалаба қилди. Андоқким, юқорида мазкур бўлди. Ул ҳазрат баъзи мулозимларининг сайъи била майдони корзордин оҳиста-оҳиста қадам тортиб, муқобил бўлғон аъодини ўлдура-ўлдура ўзин дарё қироғиға еткурди. Иттифоқо, завроқе ул

[1974] Муҳаймин – сақловчи, посбон.
[1975] Масун – дахлсиз, омонлик топган.
[1976] Хўжаш маҳрам ҳақида қуйироқда изоҳ берилди.
[1977] Қуръони карим, 26 : 119.

фурзада қўрғошинға мамлу эрди. «Лиқ тўлган кемада нажот бердик[1977]» мадлули била анга кириб, сув юзиға жорий қилди. Дарё ўртасиға етганда ғалабаи тамаввуж ва юк сақлидин кема ғарқ бўлурға қариб етти. Ул ҳазрат салаҳ ва малбусотин сувға ташлаб, бовужуди захм наҳангосо бетаҳоший шиноварлик расми била иқдом кўргузди. Шино асносида бир бўз от учраб, ул отни ёлдоб, дамин рост қилди. Ва ул ҳийнда бировни ғарқлиқ ҳолатиға мушриф кўруб, ғояти шафқатдин базли ийсор тариқасин маръи тутуб, отни анга бериб, ўзи шино амриға қиём кўргузди. Ложарам инояти илоҳий ҳифзида дарёдин убур қилиб, соҳили нажотға чиқти. **Маснавий:**

Зиҳи шаҳриёри мурасса рикоб,
Хидеви фалак қадру олийжаноб.
Яли Рустам ойину Барзу камин,
Далери сафорову Баҳром кин.
Уруш чоғи лашкаршикан қаҳрамон,
Диловарлиқ ичра жаҳон паҳлавон.
Шижоат қилиб фахр бозусидин,
Жалодат топиб пушт нерусидин.
Баҳодирлиғ ойини зотиға хатм,
Мубориз лиғ алқоби отиға хатм.
Ҳунар кўргузурда адув ҳарбида,
Қириб саф-саф аъдони ҳар зарбида.
Урушда эрур гар диловар паланг,
Вале баҳр ародур шиновар наҳанг.
Фаридун киби даштфарсой эрур,
Сикандар киби баҳрпаймой эрур.
Бўлуб ёр туз ерда яздон анга,
Тенгиз мушкилотидур осон анга.
Магар ҳикмат улдур ки қодир илоҳ,
Ани қилғуси баҳру бар узра шоҳ.
Бале, қилса ҳар кимга Тангри назар,
Етушмас анга ўту сувдин зарар.
Худо асраса кимни офотдин,
Масун айлар ани балиётдин.

Ул ҳазрат соҳилда оқоси хони мағфурнинг фано гирдобиға борғон хабарин таҳқиқ қилғондин сўнг наҳзат қилиб, дор ас-салтанаи Хивақни нузули майманатвусули била беҳиштнишон этти ва қудуми мусаррат лузуми била мотамзадалар кўнглин хурсанд ва шодмон қилди. **Ғазал:**

Сенинг қудуминг ила шодмон эрур олам,
Хизр каби қадам урғон еринг бўлур хуррам.
Етар ҳузуринг ила аҳли ҳазанға беҳжат,
Бўлур жамолинг ила сурға бадал мотам.
Такаллумингдин ўлук танға жон етар тоза,
Табасссумингдин ажал захмиға етар марҳам.
Висолинг ила фаррухбахшдур ки муждасидин,
Бўлур адам сори овора хайлу кулфату ғам.
Йўлингда Муниси саргашта жисми бўлди ғубор,
Ани қилурға сарафроз ранжа айла қадам.

Ҳикоят. Келтурубдурларким, Султон Жалолиддин Менгбурниким, валади аршади Султон Қутбиддин Муҳаммад Хоразмшоҳдур, отасининг тадфинидин сўнг Ғазнин вилоятиғаким, отаси замонида ўзининг тахтгоҳи эрди, таважжуҳ қилиб, йўлда карратан баъди охирий ва марратан баъди аввалий *мўғул* сипоҳиға шикаст бериб, Малик Сайфиддиннинг мухолифатидин Ғазнинни ташлаб, Ҳинд азима-

ти била Синд рудхонасининг канориға нузул қилғандаким, шаҳри ражаб сана самона ва ашара ва ситтамия[1978] эрди, Чингизхон илғор қилиб, жунуди номаъдуд била қатароти матароти янглиғ ло яъду ло яҳси эрди, султонни тариқае иҳота қилдиким, Парвин атрофида ҳужуми нужум андин намуна кўргузди. **Байт:**

Истар эдим замона ғамидин канорае,
Келди сипоҳи дарду муҳит ўлди давримa.

Ала ас-сабоҳ ки Чингизхоннинг фармони била *мўғул* сипоҳи афвожи амвожи балодек шуришға кириб, ҳарб оғоз қилдилар. Султон ҳам ул қадр киши билаким, ҳамроҳи эрди, сафоро бўлуб, кушише зуҳурға еткурдиким. Рустаму Асфандиёр агар ҳаёт оламида бўлсалар эрди, анга ғуломи ҳалқа ба гуш ва бандаи ғошия бар душ бўлур эрди. Аммо, *мўғул*лар дамбадам ғалаба қилиб, ул маркази сафи ҳижоға доираи маъракани тангрок қилур эрдилар. Султоннинг черикида етти юз йигитдин ортуқ киши қолмайдур эрди. Тиладиким, яна бир каррат ул гурдаи ифрит шукуҳға ҳамла қилғай, Очош Маликким, султоннинг уруқидин эрди, султоннинг инонидин тутуб, Саъдийнинг «Бўстон»идин бу байтға мутаранним бўлдиким. **Байт:**

Мазан бар сипоҳе зи худ бештар,
Ки натвон задан мушт бар нештар[1979].

Билзарура ўз қўшиниға инонин маатуф қилиб, бошқа отға рокиб бўлди ва фарзандлариға юз минг доғу ҳасрат била видо қилиб, дарё канориға сурди. Бовужудким, ер юзидин сувғача ўн газ эрди, отиға тозиён[1980]а уруб, дарёға кирди. Ва мулозимлари дағи сувға кириб, *мўғул*лар ўқ ва зубин[1981] зарби била сув юзин мусулмонлар қонидин рангин қилдилар. Аммо, султон наҳангосо шино[1982] қилиб, ул ғарқоби балодин солим чиқиб, анга ҳеч осиб етушмади. **Назм:**

Агар тутса дарё юзини наҳанг,
Ва гар куҳу саҳрони бабру паланг.
Кишиким эрур ёри бахти баланд,
Етушмас анга ҳеч алардин газанд[1983].

Иккинчи қисм ҳазрат подшоҳи соҳибқиронннинг авони аморатидин замони халофатиғача футуҳоти касир ал-воқеоти силки тақрир ва самти таҳрирға киюрулур

Қитъа:

Бу вақое ки сабт бўлгусидур,
Сарбасар мажма ал-гароибдур.
Мустамени солур таажжубға,
Негаким, мазҳар ал-ажоибдур.
Акси хуршид давлатидурким,
Моҳии зулмати навоибдур.

[1978] Ҳижрий 618/1221-22 йил.
[1979] Ўзингдан кўп қўшинга қарши ташланма, Наштарга мушт уриб бўлмайди.
[1980] Тозиёна – таёқ, қамчи, дарра.
[1981] Зубин – темир найза.
[1982] Шино (шиноҳ) – сузиш.
[1983] Газанд – бало-офат.

Ҳазрат аълохонийнинг шараф интисоби била аморат маснади, салтанат аврангиға паҳлуи муфохират урмоғи ва исми фархунда алқоби била *риёсат* нигини номдор бўлуб, кўси давлат, садои муфохиматни фалакдин ошурғони

Тақрир девонининг мансабнишини, таҳрир айвонининг соҳибнигини, аъни, қалами зу-л-лисонайн саҳоифи латоиф маснадиға бу нав зебу зийн берурким, чун хоқони мабрур ва султони мағфур, шаҳриёри жаннатмакон, подшоҳи мағфиратнишон Абу-л-музаффар Элтузар Муҳаммад Баҳодирхон *сақаллоҳу сароҳу бил-гуфрониҳи*нинг таъзияйи жонгоҳидин наве фароғ ҳосил бўлди, балдаи маҳрусаи Хивақ *заййаналлоҳу би-н-низом ва-н-насақ*нинг жамоҳир ва машоҳири умуман ва *амири кабир*и равшанзамир, соиби тадбир Фозил *бий* ва *амир* Шоҳниёз *отолиқ* ва Ниёзмуҳаммад бек, хусусан, аморат ва аёлат амридаким, низоми дин ва давлат ва интизоми мулк ва миллат ул амрға манут ва марбутдур, «ишларингизда маслаҳат қилинглар[1984]» муадоси била машъалаафрузи маҳфили машварат бўлуб, иттифоқ юзидин аёлат ва *иноқ*ият хилъатин ҳазрат хидеви комкор ва шаҳриёри фалакмиқдор, офтоби авжи салтанат ва осмони хуршиди мукаррамат, хулосаи салотини олам, гўзидаи хавоқини аъзам. **Маснавий:**

Хилофат кишварининг подшоҳи,
Адолат мулкининг кишварпаноҳи.
Жаҳонбонлиг сарири узра Жамшид,
Шаҳаншаҳлиг сипеҳри узра хуршид.
Шаҳи кайвон мақому меҳрталъат,
Аторуд хислату Баҳром савлат.
Хидеви Зуҳра айшу хотиросой,
Қамар дийдор, шоҳи Муштарийрой.
Келиб пирона тадбиру жавонбахт,
Бўлуб хуршидтожу осмонтахт.
Шараф иқлимининг хуршиди тожи,
Ҳамиша ижтиҳодидин ривожи.
Ваго майдонининг нусратмаоли,
Сахо айвонининг Ҳотамнаволи.
Саодат афсарига дурри ғалтон,
Самоҳат кишвари узра нигаҳбон,
Адолатда Ануширвондин ортуқ,
Жалодатда киши йўқ андин ортуқ.
Қазо*қувват, қадарқудрат шаҳаншоҳ,*
Умар ҳиммат, Али шафқат, фалакжоҳ.
Азалдин зотига давлат муносиб,
Абадга тегру шукри элга вожиб.
Асолатда анинг етмиш отоси,
Келиб олам эли фармонравоси.

Қаҳрамонлиғ мизморининг шижоатшиори, соҳибқиронлиғ диёрининг жалолат дисори, *ажам* аъзимининг зубдаси, *ўзбак* акобирининг қудваси, боис ал-амни ва-л-ал-омон Абу-л-музаффар ва-л-мансур Муҳаммадраҳим Баҳодирхоннинг қомати қобилиятиға лойиқ ва сазовор кўрдилар. Ул ҳазратнинг ҳиммати олий наҳматиким, жаҳонбонлиғ тожиға кам илтифот қилур эрди, бу мансаб қабулидин мукрраран ибо ва имтино кўргузуб, охириламр акобири мушорилайҳумнинг муболаға ва илҳоҳ[1985] и жиҳатидин вақт муқтазоси учун қабул қилиб, хони мағфурнинг ҳодисасидин икки кундин сўнг санаи ҳижрия минг икки юз йигирма бирда мувофиқи Барс йили рабиъ ас-сонийнинг йигирмаси[1986]да якшанба куниким,

[1984] Қуръони карим, 3 : 159.
[1985] Илҳоҳ – ўтинч, илтимос.
[1986] 1221 йил 20-рабиъ ас-соний/1806 йил 7 июн.

офтоби оламтоб Саратон буржида эрди[1987], пешиндин сўнг дор ал-амораи Хивақда отасининг девонхонасидаким, ул ҳазратга меросдин ихтисос топиб эрди, беклик рутбасидин уруж қилиб, жамшиди хуршид янглиғ маснади аморат авжиға иртифо топти ва аёлат зимомин қабзаи дароятиға олиб, ҳукумат хотамин кафи кифоятиға солди ва мамлакат умуриға мутасаддий бўлуб, партави алтофи била дор ал-амора мотамзадаларининг дийдаи умид ва замири кулфатмазидларин равшану мунаввар қилди ва марҳами аътофи била мустақарри хилофат мусибат расидаларининг доғи мусибат ва синаи пур жароҳатлариға даво еткурди ва фармонфармолиғ навбатин даргоҳи давлатпаноҳида фалак навбатзани навозишға киргузуб, садои тантана била «бу буюк давлатдан белгидир[1988]» башоратин малоалаъло соирлариға ва жирми ғубро сокинлариға гушзад қилди. **Қитъа:**

Ҳумоюн мақдамининг нисбатидин,
Аморат мансаби бўлди муалло.
Аёлат хотами бўлди отидин,
Азизу номдору шуҳрапаймо.
Риёсат *афсари бўлди топиб зейб,*
Муборак торакидин Фарқадонсо.
Жанобида ҳукумат навбатини,
Садога киргузуб гардуни воло.
Боши устига давлат соябонин,
Адаб бирла замона қилди барпо.
Бўлуб даргоҳида иқбол човуш,
Фалак ёр ўлди, давр этти мувосо.
Нисор айларга анжум жавҳаридин,
Сочиглар айлади гардун муҳайё.

Фақир ул маҳалли ҳумоюнда буғина таърихни муносиби ҳол рақам силкига тортиб эрдим. **Таърих:**

Беки олам ки баиқболу жоҳ,
Осмон рутбаву мумтоз омад.
Чун пас аз ҳодисаи хони саид,
Бар сари мулк сарафроз омад.
Нозише кард аморат аз вай,
Ки зи сар то қадамаш ноз омад.
Баҳри таърих навиштам равон:
«Давлати рафтаи мо боз омад».

Ул ҳазрат ўз абоғоларидин Муҳаммадмурод бекни иноят ва тарбиятиға махсус тутуб, девони аълонинг дахлу харжини анинг ройи хирадпиройиға мафвуз қилиб, дастури аъзам ва вазири неку шиам, низомул мулк вал-миллата Муҳаммадюсуф *меҳтар*ни анга саҳим ва шерик қилди. Бу давлат юмнидин аларнинг қадру манзилати кун-кундин авжи иззатға мутараққий бўлуб, иттифоқ била умури мамлакат ва маҳоми фуқаро ва раиятнинг низому насақиға кушиши мафвур ва сайъи номақдур зуҳурға еткуруб, яхши расмлар ва писандида қоидалар бунёд қилурға иштиғол кўргуздилар.

Беш қалъа ўзбакининг ёв бўлуб, Хивақ тавобенн чопмоқи ва баҳодирларнинг муҳорибасиға тоб келтура олмай, ҳазимат топмоқи.

Хомаи бадиаосор бу нав ажубанигорлиғ қилурким, чун хони жаннатмакон Элтузар Муҳаммад Баҳодирхоннинг воқеаи ҳасратангез ва ҳодисаи кулфатомезидин сўнг жами Беш қалъа *ўзбак*и изҳори бева-

[1987] 25 июн.
[1988] Ҳадис.

фолиғ ва ибрози ноошнолиғ қилиб, *тожик* сипоҳиға муте ва фармонбардор бўлуб, бу давлати рўзафзуннинг истиксор ва истиҳқориға жаҳди вофир ва сайъи мутакосир тақдимға еткуруб, ҳамул йил жумода-л-аввал ойининг ғуррасида[1989] ким, чаҳоршанба куни эрди, издиҳоми тамом ва ҳужуми молокалом била балдаи Хивақ самтиға азимат кўргузуб, Ҳадра қарясиға нузул қилиб, аҳмол ва асқолин ул мавзеда қўюб, Хивақ музофотиға ҳар тарафдин чаповул урдилар. Ва бу тарафдин дағи шужаои номдор ва абтоли кинагузоркимм, шижоат ва батолатда Рустами дастон ва Соми Наримонни эътибор кўзига илмас эрдилар, якрони ғайратға рукуб қилиб, майдони муборизатға шери ғаррон ва бабри даррон янглиғ бетаҳоши суруб, теғи тез ва синони хунрезнинг мутаволиси била ёғии вақоҳатшиор ва боғии касофатосорларнинг куштасидин пушталар кўтардилар ва кўп муонидни исорат қайдиға гирифтор қилдилар. **Маснавий:**

Суруб отларин барча майдон сори,
Шитоб айлабон хайли адвон сори.
Чекиб хасмга эйла тегу синон,
Ки қон бўлди ҳар ён сув янглиғ равон.
Ётиб ҳар тарафда кесук бошлари,
Анингдекки водий аро тошлари.
Баданлар ётиб ерда туфроғдек,
Ўкулуб ва лекан улуғ тоғдек.
Баҳодирлар айлаб анингдек қирон,
Ки ҳайратда қолди замину замон.
Чекиб тег ҳар сори тортиб нафир,
Аъодини айлаб қатилу асир.
Бўлуб ғолибу ғониму комрон,
Фараҳлар топиб ёндилар шодмон.

Чун аъдои гурезпойким, баҳодирларнинг савлати муҳориба ва садамати муқотиласин мушоҳида қилдилар, замири касофат тахмирлариға раабу ҳарос муставлий бўлуб, ўзларин сангак хайли гумон эттилар сарсар чопғуни оллида ва рубоҳ гуруҳи хиёл қилдилар, шери нар шукуҳи қошида. Охириламр тариқаи гурезни жумлаи муғтанамотдин санаб, тонгласиким, панжшанба эрди, ўз бахти баргашталаридек рўйгардон бўлуб, ҳазимат саҳросиға суръат маркабин сурдилар. **Қитъа:**

На хушдур бўлуб музмаҳал хасм эли,
Ҳазимат тариқига қўймоқ қадам.
Топиб дўстлар фатҳу нусратга даст,
Нишоту сурур айламак дамбадам.

Моҳи мазкурнинг ўн иккиланжи куни[1990] ким, якшанба эрди, султони соҳибқирон ва хоқони гардунтавон Абулғози Муҳаммадраҳим Баҳодирхон *мадаллоҳу айёма салтанатиҳи ва рафаъа аълома маъдилатиҳи* Абулғозихон Чингизийниким, хони жаннатмакон Элтузар Муҳаммад Баҳодирхон салтанат мансабидин маъзул этмиш эрди, мароҳими хусравона ва иноёти подшоҳонасиға махсус тутуб, дор ас-салтана Хивақға келтуруб, хон кўтарди. Жумоди мазкурнинг ўн олтиси[1991] да чаҳоршанба куни Саййид Юсуф хўжани *нақиб* ва Тағой бекни *отолиқ* ва фақирни *мироб* қилди.

[1989] 1221 йил 1-жумода-л-аввал/1806 йил 17 июл.
[1990] 1221 йил 12-жумода-л-аввал/1806 йил 28 июл.
[1991] 1221 йил 16-жумода-л-аввал/ 1806 йил 1 август.

Алофоқнинг Бухородин келмаки ва ҳазрат соҳибқирон Абулғози Муҳаммадраҳим Баҳодирхоннинг оқосиға иноқият мансабин топшуруб, кўнглин овламоқ учун шикор оҳангин қилмоқи.

Қалами хуштакаллумфараҳ ва таҳният мажлисида бу янглиғ тараннум қилуркимки, чун подшоҳи мағфур ва шаҳаншоҳи мабрур Элтузар Муҳаммад Баҳодирхоннинг воқеаи ҳоиласида Қутлуғмурод *иноқ* ва яна бир неча киши *тожик* қўлиға тушуб, Бухоро шаҳрида асорат қайдиға муқаййид эрдилар, ҳазрат аълохоқоний аларни қайди исрдин итлоқ топиб, юртға келтурмак тадбирин замири байзотанвирида мусаммим қилиб, амири равшанзамир Шоҳниёз *отолиқ* бошлиғ умарои изом ва кубарои зуллэҳтиромникимким, ҳар бири фарти киёсат ва вуфури фаросатда фариди замон ва ваҳиди даврон эрди, кўрунуши олийға ундаб «ишларингизда улар билан маслаҳат қилинг[1992]» муқтазоси била Бухоро подшоҳи амир Ҳайдар била мусолиҳа қилиб, Қутлуғмурод *иноқ* бошлиғ барча асирларни илтимос этмакни машварат қилди. Умаро дағи бу ройни мустаҳсин билиб, барча иттифоқ била аълам ал-уламо, афзал ал-фузало *қози* Исмоил эшон ва *қози* Эшвайс эшонни элчиликка тайин этиб. Бухороға ирсол қилдилар. Элчилар қатъи манозил ва таййи мароҳилдин сўнг Бухоро шаҳриға ворид бўлуб, ҳазрат соҳибқиронийнинг пайғоми фархундафаржомин амир Ҳайдарнинг арзиға еткургач, *амир* камоли дурбинлик ва оқибатандешликдин ул ҳазратнинг илтимосин мабзул тутуб, *иноқ* бошлиғ барча усарони сарупойи шоҳона ва навозишоти хусравонасидин баҳраманд қилиб, иззати тамом ва икроми молокалом била ўз мўътабар кишиларидин Умро деган ва Юсуф *миршаб*[1993] деган икки кишисин қўшуб, Хоразм савбиға ирсол қилди. Алар азимат маркабин суръат тариқиға суруб, шаъбон ойининг авоили[1994] даким, аҳсани авқот ва асъади соот эрди, дор ал-амораи Хиваққа дохил бўлуб, ҳазрат аъло хоқонийнинг рухсори пуранворидин дийдаи ғамдидаларин равшан ва баҳори дийдоридин хотири фурқатзадаларин гулшан қилдилар. **Қитъа:**

На хуш бўлгай чиқиб ҳижрон тунидин,
Етушса васл субҳиға икки ёр.
Фараҳ жомини айлаб ҳар нафас нўш,
Бири-бирига бўлса масти дийдор.

Камоли беҳжат ва ғояти мусарратдин жамии аҳли умам, балки, аснофи бани Одам дағи кўй ва кўча, дашту саҳрода тантанаи таҳният ва ғулғулаи муборакбодлиғни гўшаи аъло алиййин мутамаккинларининг гуши идрокиға еткуруб, ниҳоятсиз сурур, балки ғоятсиз сурлар маросими зуҳуриға иқдом кўргуздилар.

Чун моҳи мазкурнинг ўн тўққузунчи куни[1995] ким, жума эрди, ҳазрат воломақомий камоли ҳиммат ва вуфури мурувватдин ўз мансабин биродари гиромийси *амири кабир* Қутлуғмурод *иноқ*ға тафвиз қилиб, аморат шуғли хатиридин канора тутти ва мазкур ойнинг авохирида шикор иродаси била рукуб қилиб, абраши фалаквашни жавлонға солиб, озими саҳро ва биёбон бўлди. Бир неча муддат қуш солмоқ ва ов олмоқ ва ҳар кун бир нав сайру тамошо қилмоқ била кўнглин овлаб, беҳжати тоза ва мусаррати беандоза била мурожиат қилиб, рамазон ал-муборак салхида ўз давлатхонаи беҳишт нишонасиға нузул қилди. **Назм:**

Топиб жамиат эй кўнгул шод бўл,
Кудурат қуюдидин озод бўл.
Ки келмиш яқин фурсати инбисот,
Санга етгусидур жоми нишот.

[1992] Қуръони карим, 3 : 159.
[1993] Миршаб – тунги соқчи. Шаҳар соқчилари.
[1994] 1221 йил 1-шаъбон/1806 йил 14 октябр.
[1995] 1221 йил 19-шаъбон/1806 йил 2 ноябр.

Учунчи қисм ҳазрат султони Сулаймонмаконнинг ибтидои салтанатидин бу китоби майманатинтисоб итмомиғача ул ҳазратдин ҳар вақоеи касир ал-бадоеким, вуқу топибдур, таҳрир силкига киюрулур

Қитъа:

Бу вақоеға ким, қалам сургум,
Халқға мавжиби таҳайюр[1996] дур.
Ақл анинг таажжуботидин,
Ғарқаи Қулзуми тафаккурдур.
Дўстлар сарафроз ўлуб андин,
Хасмға мояйи такассур[1997] дур.

Ҳазрат аълохоқонийнинг салтанат тахтин жулуси майманатмаануси била фалак атласиға баробар ва ҳукумат тожин тораки муборaки била қуёш афсариға ҳамсар қилмоқи

Сўз айвонининг садрнишини ва маъни девонининг соҳибнигини, аъни соҳибқирон қалами ду забон варақ маснадиға жулус қилиб, бу нав ҳукмронлиғ қилурким, чун ҳазрат соҳибқироний улувви ҳиммат ва сумувви ҳамият ва вуфури мурувват ва камоли шафқат ҳаракатидинким, зоти хужаста сифотида жибиллий ва тийнати фархунда оётида азизе эрди, тиладиким, салтанат нигинин қабзаи иқтидориға олғай ва фуқаро бошлариға адолат соясин солғай. Нединким, ҳар мамлакатда подшоҳи азим уш-шаъниийнинг меъмори сиёсати бўлмаса, мулк бунёди хароб ва ҳаросати маъдилат[1998] и бўлмаса, фуқаро иши изтирор ва изтироб бўлғай. Бу бобда барча умаро ва кубаро, аъёни ҳазрат ва аркони давлатға машварат қилиб, барчанинг иттифоқи била санаи ҳижрия минг икки юз йигирма бирда Барс йили шаввол ал-муаззамнинг еттинчи куни[1999] ким, панжшанба эрди, нисфиннаҳорда офтоби оламтоб Қавс буржида эрди[2000], султони ситорасипоҳ, хоқони Сулаймондастгоҳ, зубдаи салотини олиймакон, қудувваи хавоқини гардунтавон, халифат ар-раҳмон, зилли ас-субҳон ал-муайяд би таид ал-малик ал-мустаон Абу-л-музаффар фа-л-фатҳ Абулғози Муҳаммадраҳим Баҳодирхон *аббадаллоҳу умраҳу ва давлатаҳу* Абулғозихоннинг қомати қобилиятин салтанат хилъатидин урён ва сари *ҳокими*иятин ҳукумат афсаридин соҳиби ҳирамон қилиб, салтанат тахтиға жулуси саодатмаануси била аржумандлиғ ва ҳукумат тожиға фарқи ҳумоюний била сарбаландлиғ еткурди. **Маснавий:**

Замон фаррухү вақт масъуд эди,
Кудурат жаҳон ичра мафқуд эди.
Мулозим эди бахт иқболдек,
Фалак ёр эди пейки ижлолдек.
Шаҳаншоҳи Жам қадру олий жаноб,
Хидеви жаҳобону молик рикоб.
Жалолат сипеҳрида рахшанда моҳ,
Халойиқ боши узра зилли илоҳ.
Адолатда Нўширвондин зиёд,
Саховатда йўқ кимса андин зиёд.
Карам буржида ахтари пурзиё,
Шиям дуржида гуҳари бебаҳо.
Жаҳон аҳли устида зилли карим,
Шаҳаншоҳи олам Муҳаммадраҳим.

[1996] Мавжиби таҳайюр – ҳайратланиш сабаби.
[1997] Мояйи такассур – тушкунлик сабабчиси.
[1998] Адолат посбони.
[1999] 1221 йил 7-шаввол/1806 йил 19 декабр.
[2000] 25 ноябр.

Хилофат саририға айлаб жулус,
Нечукким Сикандар ибн Файлқус.
Жаҳон мулкин этти риёзи жинон,
Топиб адлидин халқ амну омон.
Бўлуб лутфи бирла жаҳон аҳли шод,
Топиб базлидин барча кому мурод.
Қилиб сояйи давлатини мақом,
Дуосиға шуғл этдилар субҳ-шом.
Илоҳо, ҳамул шоҳи фархунда фол,
Хидеви жаҳонгиру неку хисол.
Суруб шоҳлиғ то ки бордур жаҳон,
Жаҳон аҳлиға ҳукми бўлсун равон.

Аввал воқеаеким, ҳазрат соҳибқироний жаҳонбонлиғ саририда мутамаккин бўлғондин сўнг манассиҳи зуҳур[2001] да жилвагар бўлди, Муҳаммадризо бекнинг мухолифат тариқиға муонидат қадамин қўюб, явмут орасиға борғони ва амири садоқатмаоб Султон миробнинг жаҳду истисвоби била қайтиб келгани

Чун инояти илоҳий ва карами номутаноҳий била ҳазрат подшоҳи ситорасипоҳ офтоби оламтобдек салтанат авжиға иртифо топиб, шуои маъдилати ақтори оламға мунташир бўлди, кун-бакун осори савлати мутазоид бўлуб, дамбадам маротиби давлати тараққий топти. Ҳазрат соҳибқиронийнинг абоғаларидин Муҳаммадризобекнинг замири залолаттахмирида ҳақду ҳасад ўти мултаҳиб бўлуб, ул ҳазратнинг камоли давлатин ўзига мавжиби накбат ва завол англаб, камоли жаҳолат ва суст ройлиқдин ва баъзи мунофиқ девсийрат ва мардумсуратларким, муҳаббатлари меҳнат суратин кўргузур эрди, аларнинг макоид[2002] и касофатоидлариға фирифта бўлуб, гуфтори шароратосор ва каламоти шамотатсамотлариға илиқиб, ҳазрат аълохоқонийнинг рибқаи мутобаатидин руқбаи итоатни тўлғаб, умури салтанат ва маҳоми ҳукуматда даъвои мушорикат қилиб, кушиши номақдур тақдимға еткурди. Чун ул муддао ҳусули чаманистонида мурод гули очилмади, ложарам ҳуқуқи валинеъмат ва риояйи қаробатдин чашми худбинин юмуб, такаббури тамом ва таассуби молокалом била юртдин мутаарризона чиқиб, явмут орасиғаким, муҳаррики силсила[2003] и фасод ва қадамфарсои бодияйи инод эрдилар, борди. Токим ул жамоаи шароратпешанинг муовинат ва музоҳирати била бу давлати худододнинг истиҳқор, балки истиксориға даст топғай. **Қитъа:**

Зиҳи нодонким, ул айлар таманно,
Қуёш шамини дам бирла ўчургай.
Ҳавас айлар хусумат сели бирла,
Фалак қасриға вайронлиғ еткургай.
Эрур андин хабарсизким, бу феъли,
Бошиға не балиятлар кетургай.

Ҳазрат хидеви комкори душман шикор макорими ахлоқ ва фарти карамдинким, зоти малакий сифотида жибиллийдур, ул овораи водии залолат ва саргаштаи саҳории вақоҳат[2004] нинг чеҳраи нуқсон ва рухсораи усёниға пардаи ағмоз ва бурқаи тасоҳил чекиб, амири иззатмаоб, садорат интисоб Султон *мироб*никим, вуфури фаросат ва фарти киёсатда умарои изомдин мумтоз ва мустасно эрди, латифомез сўзлар ва мушфиқона насиҳатлар била беки мазкурнинг изидин юборди, токим тариқи савоб ва жода[2005] и мустақимға далолат қилиб, юртға келтургай. Чун ул амири соҳибтадбир фармони вожибилизон

[2001] Манассиҳи зуҳур – кўриниш курсиси.
[2002] Макоид – ҳийла-найранглар.
[2003] Муҳаррики силсила – занжирни қимирлатувчи.
[2004] Вақоҳат – пасткашлик.
[2005] Жода – катта йўл.

мавжиби била амал қилиб, қадами истежол била қатъи манозил ва таййи масофат этиб, Муҳаммадризо бекнинг қошиға етиб, ҳазрат подшоҳи зиллиллоҳнинг пайғоми саодатфаржоминким, мазмуни муволифат русумининг иҳтимоми эрди, еткурди. Ва яна насоиҳи муҳиббона саҳбосидинким, жунун аҳлиға ҳуш нашасин бағишлар эрди, қадаҳи сомеасин лабрез[2006] этти. Чун ул пайғом насоими ва ул насоиҳ равойиҳидин филжумла ҳушиға келиб, отланиб, дорруссалтана тарафиға озим бўлди, аммо камоли кина ва ғояти ғурурдин итоат юзин даргоҳи олампаноҳдин аюруб, ўз работиғаким, балдаи Хиваққа қариб тарафи шарқийсида «Боғча ҳовли»ға мавсум эрди, нузул қилди. Чун анинг бу нав тахаллуф ва истикбори маърузи ройи оламорой бўлди, жаноб салтанатмаоб ғояти бурдбор ва ниҳояти тамкин ва виқордин жаридаи исёниға афв қаламин чекиб, ҳеч важҳдин мутаарриз бўлмади, балки анинг баробарида навозишлар зуҳуриға иқдом кўргузур эрди.

Муҳаммадризо бекнинг инод маркабин фасод тариқиға суруб, Қипчоқ қўрғониға кирмакининг ҳолоти ва амири равшанзамир Қутлуғмурод иноқнинг анинг ақабидин наҳзат кўргузуб, ул қалъани муҳосира қилмоқининг мақолоти

Варақ арсаси узра қўйгон қадам,
Сабукбору чолок, яъни қалам.
Ҳикоят диёрига элтарга пай,
Рақам даштини қилгуси тай.

Чун Муҳаммадризо бек ямутдин келиб, ўз ҳовлисиға кирди, нухуввати фитрий ва залолати зотий ани қўймадиким, даргоҳи олампаноҳ утбасиғаким, маншаи аззу жоҳдур, бош эндургай ва давлати абадмуддат доманасиғаким, масдари амну саодатдур, мулозимат илигин урғай. Балки ҳавои тахт ва савдои тож сари пурғуруриға юз минг шўр солиб, кун-кундин кўпрок мухолифат ва муонидат исрориға қиём кўргузди. Чун бу янглиғ ҳаракат мазбуҳ[2007] иси била мақсуд дийдорин мурод ойинасида мушоҳида қила олмади, охириламр баъзи арзол ва авбошким, анинг атрофиға жам бўлмиш эрдилар, аларнинг ҳамроҳлиғи била зу-л-қаъда ойининг аввалғи кечаси[2008] ким, жума оқшоми эрди, нисфи-л-лайл[2009] да отланиб, Қиёт-Қўнғротдағи ҳовлисиға борди. Шанба кечаси ҳазрат аълохоқоний беки мазкурнинг оқоси Муҳаммадмурод бекни ва тағоси Мусо *парвоначи*ни маҳбус қилдириб, *амири кабир*, ягонаи офоқ, моҳии ал-бидъат ва-н-нифоқ Қутлуғмурод *ино*қни ўзига махсус черик била анинг изидин номзад қилди. Якшанба туни Муҳаммадризо бек Қипчоқ қалъасиға кириб, Оллоҳберди бийниким, даргоҳи сипеҳр иштибоҳнинг хизматгузор ва давлатхоҳи эрди ва карами соҳибқироний анинг ҳолиға шомил бўлуб, ул қалъанинг аёлоти анга тафвиз топиб, абнои рўзгордин мумтоз ва сарафроз бўлмиш эрди, иниси Худойберди бек била қатлға еткуруб. Анинг бошин ўз иниси Эшмуҳаммад бек била Орол *ҳоким*и Тўрамурод сўфии бепирғаким, доимо муонидат амриға қиём кўргузуб, бу нав мухолифат ахбориға мунтазир ва мутарассид[2010] эрди, ирсол қилди. Ва илтимос қилдиким, муовинат ва имдод учун лашкар юборгай. Ва бийи мақтулнинг иниси бошин Уйғур қўрғонининг *ҳокими* Муҳаммадниёз *отолиқ* ибн Бекпўлод *отолиқ*ким, подшоҳи мағфиратнишон Элтузар Муҳаммад Баҳодирхоннинг воқеаи ҳоиласида Бухоро черикидин айрилиб, Омуядин убур қилиб, Уйғур қалъасиға кириб, муонидат байдақин барпо қилмиш эрди, чун ҳазрат аълоқоний Хивақ тахтиға жулус қилғондин сўнг лашкари нусратасарнинг муҳорибасиға тоби муқовимат келтура олмай, юз минг ажзу инкисор била ўзин даргоҳи олампаноҳ утбасиға туфроқвор ташлади, ул ҳазрат баъзи умаронинг шафоати била анинг гуноҳин афв қилиб ва мароҳим[2011] и подшоҳонаға махсус тутуб, *отолиқ*лиқ мансабин анга шафқат кўргузуб, Уйғур қўрғонининг аёлатин тафвиз қилмиш эрур, анга юборди Токим кайфияти ҳолдин хабардор қилғай. Бу мақол тавзиҳи улким, *отолиқ*и мазкур бову-

---

[2006] Лабрез – тўла.
[2007] Мазбуҳ – беҳуда ҳаракат.
[2008] 1221 йил 1-зу-л-қаъда/1807 йил 10 январ.
[2009] Нисфи-л-лайл – ярим тун.
[2010] Мутарассид – кўз тутган, пойлаган.
[2011] Мароҳим – марҳаматлар.

жуди ҳазрат хидеви беҳамол[2012] нинг инояти подшоҳона ва мароҳими хусравонасидин маротиб[2013] и аъло ва маносиби ақсоға тараққий топмиш эрди, бу янглиғ эҳсон ва истино риоясидин оқибатбинлик кўзин юмуб, ул кўрнамак Муҳаммадризо бекка мухолифатда пинҳоний мувофиқат кўргузуб, инод ва фасод исрорида ҳамдостони туғён ва исён изҳорида якдил ва якзабон бўлмиш эркан. Бу жиҳатдин беки мазкур анга ҳол эъломи учун қосид юборди. Иттифоқоти ҳасанадин ҳамул кун даргоҳи давлатпаноҳ мулозимларидин биров ул қосидға учраб, дастгир қилиб, матарси муаллоға келтурди. Ҳукми воло ишорати била ани сиёсатгоҳда қатлға еткурдилар. Андин сўнг ул ҳазрат камоли карам ва лийнати табъдин Муҳаммадниёз *отолиқ*никим, бовужуди таяққун[2014] и мунофиқат, боргоҳи сипеҳр асосға чақириб, бу байт мазмуни муқтазоси билаким, **байт:**

Карам пеша кун ки одамизода сайд,
Ба эҳсон тавон кард ваҳши ба қайд[2015].

Алтофи хусравона ва авотифи подшоҳонаға махсус ва машмул қилиб, хилъати кимхо ва саманди барқпо бахшиш ва атоси била дилжўлиқ кўргузуб, мувоид[2016] и бекарона ва насоиҳи мушфиқона била ўз қалъасиға юборди, токим черик йиғнаб, Қутлуғмурод *иноқ*нинг муовинатиға борғай. Чун ҳазрат аълохоқонийнинг ишорати лозим аш-шарофати била амири равшанзамир Қутлуғмурод *иноқ* теғи мусориат била қатъи масофат этиб, Қипчоқ қўрғони ҳаволисин музраби хайёми зафарфаржом ва мустақарри роёти нусратанжом қилди, Муҳаммадниёз *отолиқ* дағи ўзига махсус черик била келиб, ўрдуи кайҳонпўйға мулҳақ бўлди. Ҳар кун сипоҳи мансура ва афвожи қоҳира паргорвор ва муҳиткирдор ул қалъанинг атрофи жавонибин иҳота қилиб, шужаои номдор ва қутталои ҳазабр[2017] кирдор саманди сабо рафтор ғуборидин ул қалъа аҳли бошлариға мазиллат туфроғин ёғдурдилар ва шамшири соиқабор шаашшатидин муонидларнинг хирмани жамиатиға барқи бало урдилар ва гулулаи тўфанг ва ханданги бедарангдин мутаҳассинларнинг синаи пуркинасин афгор қилиб, мутамарридлар қонидин қалъа ичра ҳар тарафдин гулистонлар ошкор этдилар. **Маснавий:**

Диловарлар қилиб ҳар ён такупу,
Кўрунмай гард аро бу чархи мину.
Қиличлар ҳар дам айлаб тезлик фош,
Ки аъдо хайлидин кесгай қачон бош.
Этиклик зоҳир айлаб даги ханжар,
Ки қилгай тезрок аъдони музтар.
Огиз шамхоллар ҳар ён очиб кенг,
Ки аъдо жисмин этгай ер била тенг.
Бўлуб аъдо ҳисор ичра ҳаросон,
Ҳама дилхаставу хотир паришон.
Қилиб маҳкам бари дарвозаларни,
Олиб кўнглига ваҳми тозаларни.
Чиқиб ҳарб айламакка бор на ёро,
Қўяр не кибри қилмоқга мадоро.
Бу ҳолат ичра ўтти бир неча кун,
Бўлуб аъдоға ёгду кун қаро тун.
Ки то ул қалъа сори шоҳи воло,
Шаҳи анжумдек ўлди даштпаймо.

[2012] Беҳамол – тенгсиз (ҳаммадан устун).
[2013] Маротиб – мартабалар, даражалар, мансаблар.
[2014] Таяққун – ишонч.
[2015] Карам ва саховатни касб қил, чунки ваҳший ҳайвонни ҳам эҳсон била тутиб олса бўлади.
[2016] Мувоид – ваъдалар, ишонтиришлар.
[2017] Ҳазабр – шер; ботир, мард.
[2018] Тавотир – қайта-қайта, узлуксиз; миш-миш.

Ҳазрат соҳибқироннинг роёти хуршид ишроқни қалъаи Қипчоқ жониби ҳаракатға кирмузмаки, жаҳди вофир ва ғазаби мутакосир қонуни била муҳосира оҳангнн тузмаки. Муҳаммадниёз отолиқ ва Муҳаммадниёз бек Муҳаммадризо бекнинг мувофиқати учун қалъаға кириб, фитна ва фасод абвоби очилмоқи ва фалаки буқаламун носозлиқидин замони нуҳусатнишон тақозоси била ул ҳазратнинг дорилхилофа савбиға мурожиат қилмоқи.

Хомаи ҳангомаоро бу янглиғ ажубанамолиғ қилурким, чун Муҳаммадризо бекнинг исрори мухолифат ва истиқрори мухосимати ҳадиси ҳадди тавотир[2018]ға етти, ҳазрат соҳибқиронийнинг дарёйи ғазаби мутамаввиж бўлуб ва оташи қаҳри иштиол топиб, беки шўрбахтнинг танбеҳ ва таадибин пешниҳоди хотири отир қилиб, лашкар иҳзори учун атрофу жавонибға Баҳромшукуҳ тавочилар ирсол қилди ва мулозими даргоҳ саркорларин асбоби сафар таҳҳиясиға маъмур этти. Ва оз чоғда кўп лашкар жам бўлуб, саранжоми маҳоми сафар интизом топти. Ул ҳазрат Мусо *парвоначи*никим, моддаи фасод ва маҳбуси зиндон эрди, теғи каж ишорати била охират уқубатгоҳиға равон қилиб, зу-л-қаъда и мазкурнинг ўн тўққузинчи куниким, чаҳоршанба эрди, саманди сарсархироми заррин лижом[2019]ға рукуб қилиб, аъломи зафарфаржомни ҳаракатға киргузуб, умарои изом ва амнои соҳиб иҳтишом билаким, мисли сиёдатмаоб, нажобатинтисоб, қаробатнасиб саййид Юсуф хўжа *нақиб* ва аёлат интисоб ва шаҳомат оёт Султон *мироб* ва Қаробаҳодир *мироб*, ҳашматпаноҳ ва садоратдастгоҳ Муҳаммадризо *қўшбеги*, соҳиби ҳашам ва ихлоставом Хўжаш *маҳрам* ва ғариҳумким, ҳар бири салтанат айвонининг рукни узмо ва давлат сарниҳонининг ички маҳрами эрдилар. **Маснавий:**

Бори базм асрорининг маҳрами,
Бори разм майдонининг Рустами.
Бори бабри кину ғазанфар ниҳод,
Бори қосиди жони аҳли инод.
Бори жонситонлиғда мисли ажал,
Бори хунфишонлиғда Баҳроми ял.
Бори тегзан, бори соҳиби зиреҳ,
Бориға дебон чарх таҳсину зеҳ.
Бори ҳарб вақтида соҳиби виқор,
Бори зарб вақтида устодкор.
Бори муттафиқ мисли ангушти даст,
Бори мунжамид[2020] *эйла ким пушти даст.*
Мувофиқ бори хайли мужгон киби,
Мусоҳиб бори жисм ила жон киби.
Сафарда бори шоҳға ҳаминон,
Ҳазарда даги маҳраму ҳамзабон.

Кавкабаи воло ва дабдабаи зафариншо била дор ас-салтана Хивақдин чиқиб, қамари сари ус-сайрдек қатъи манозил ва таййи мароҳил қилиб, Қипчоқ қалъасининг ҳаволисида роёти офтоб ишроқни барпой этиб, қудуми саодатлузуми файзидин ул навоҳини гулистони хулди барин ва хайёми нусратанжом изои била шаҳристони Чин қилди. Дийдори мутааттиш[2021]ларин висол чашмасоридин шодкому сероб ва лашкар аҳлин илтифоти подшоҳона ва инъомоти бекарона била баҳраманд ва комёб қилиб, Қипчоқ қалъасининг атрофида саркублар бино қилдуруб, қалъа муҳосирасиға кушиши тамом била андоқ иҳтимом кўргуздиким, агар мўре ул қалъа ичра тебранса, хадангандоз чобук дастлар пейкони жонситон нуки била анинг кўзин ерга етикар эрдилар. Ва агар пашшае ул ҳисор ичра боли парвоз урса, тўфангбоз ҳунарпайвастлар куллаи оташин шеланг[2022]и била қаноти шаҳпарин адам ўтиға ўртар эрдилар. Ва ҳар

[2019] Лижом – эгар-жабдуқ.
[2020] Мунжамид – жипслашган, тош қотган.
[2021] Мутааттиш – ташна.
[2022] Ўт сочувчи милтиқ.

кун пайкони ҳаданг ва гулулаи тўфангдин ул тийра рўзгори шайтанат шиорларнинг тораки номуборакига «биз юлдузларни шайтонларни қувиш учун яратдик[2023]» фаҳвоси била барқи балият ва соиқаи офат ёғдурдилар. **Маснавий:**

Ҳисор аҳли бошиға тўрт ёндин,
Доимоким тўрт ёндин ҳар қаёндин.
Анингдек айладилар тирборон,
Ки чиқти бағий элидин кўкка афғон.
Бўлуб танг ул сифат хасм аҳли ҳоли,
Ки олурға нафас қолмай мажоли.

Бу аснода баъзи уламои аном ва машойихи киром ишорати воло мавжиби била ўрдуи ҳумоюндин чиқиб, элчи йўсунлиғ Муҳаммадризо беки шўрбахтнинг олдиға бориб, муадатангез ва муволифатомез сўзлар била мавосо ва мусолиҳаға тарғиб қилдилар. Аммо аларнинг бу сўзи қабул тушмай, бе нили мақсуд қайттилар. Мундин сўнг ташаддуди тамом ва тағаллуби локалом била кўп муддат қалъа муҳосирасиға иштиғол кўргуздилар.

Баъзи воқеотеким, айёми муҳосирада вуқуъға етти, ул жумладин Муҳаммадризо бекнинг иниси Эшмуҳаммад бекким, истимдод учун Орол *ҳоким*и Тўрамурод сўфининг олдиға бормиш эрди, андоқким собиқан мазкур бўлди, Суюн *бий* ва Ўрозали *бий* бошлиғ Орол сипоҳидин тўрт юз чоғлиғ отлиғ била келиб, зу-л-ҳижжа ойининг тўртунчи[2024] кечасиким, чаҳоршанба туни эрди, ярим оқшомда Қипчоқ қалъасиға кирди. **Яна улким,** ҳамул ойнинг олтиланжи куни[2025] ким, жума эрди, ҳазрат соҳибқиронийнинг ишорати била аёлатмаоб ва аморат интисоб Шоҳниёз *отолиқ* ва Хўжамурод *бий* ва Муҳаммадниёз *отолиқ* минг киши била Қўнғрот чаповулиға озим бўлуб, офати самовий янглиғ ул навоҳини тохту-тоз қилиб, қирқ чоғлиғ кишини исорат сарпанжаси гирифтор этиб, кўп ўлжа била муовидат кўргузуб, чаҳоршанба куни[2026] ким, ийди Қурбон эрди, лашкаргоҳи давлатпаноҳға дохил бўлуб, утбаи аъло мулозиматиға ихтисос топтилар. **Яна улким,** *отолиқ*лар чаповулға кетган чоғда *явмут* жамоасидин Одинаберди ва Ўрозмуҳаммад валадони Дўнмас *сардор*ким, ихлоскийш мулозимлардин эрдилар, ўттуз киши била рухсат олиб, *човдур* муонидлариким. Ойбукур қирининг ҳаволисида мутамаккин эрдилар, балои ногаҳондек алар чаповулиға озим бўлдилар. Йўлда Эсан бой *қароқалпоқ*нинг қаровулин тутуб, йўлчи[2027] қилиб, илғор эттилар. Муонидларнинг юз чоғлиғ тевасин ўлжалаб, мурожиат қилдилар. *Човдур* хайли бу воқеадин хабар топиб, аларнинг изидин қовуб, Юсуф бекнинг гунбазиға келганда етиб, уруш солдилар. *Явмут* баҳодирлари шерона ҳамлалар била беш кишисин қатлға еткуруб, ўн олти отин тушурдилар. *Човдур* бу воқеадин сўнг ҳазимат топиб, фирорий бўлди. Баҳодирлар солим ва ғоним даргоҳи олампаноҳ мулозиматиға фоиз бўлдилар. **Яна улким,** ҳазрат аълохоқоний ҳазм ва эҳтиёт маросимин маръий тутуб, ҳар кеча лашкари нусратасарнинг язак ва талоя[2028] дорлиғин *ўзбакия* қабоилидин бир қабиланинг саркардасиға топшурур эрди. Бу тариқада зу-л-ҳижжа нинг йигирма беши[2029] да чаҳоршанба кечаси навбат Муҳаммадниёз *отолиқ*ға етти. Ул мудаббири носипос[2030] ва ул кофир неъмати ҳақношинос ҳуқуқи намакхўрлиқдин кўз юмуб, ярим кечада ўз саркубиға ўт қўюб, ўзига мутааллиқ черик била Қипчоқ қалъасиға кириб, Муҳаммадризо бекка қўшулди. Ва хусрон[2031] и абадийга сазовор бўлди. Ва Муҳаммадниёз бекким «*қалмоқ*» лақаби била машҳурдур, Муҳаммадризо бекнинг улуғ оқоси эрди, то бу вақтғача боргоҳи олампаноҳ мулозимларининг силкига интизом топиб, изҳори ихлос ва писандида хидматлар

[2023] Қуръони карим, 67 : 5.
[2024] 1221 йил 4-зу-л-ҳижжа/1807 йил 12 феврал.
[2025] 1221 йил 6-зу-л-ҳижжа/ 1807 йил 14 феврал.
[2026] 1221 йил 11-зу-л-ҳижжа/1807 йил 19 февараль.
[2027] Йўлчи – йўл кўрсатувчи.
[2028] Язак ва талоя – посбонлик.
[2029] 1221 йил 25-зу-л-ҳижжа/1807 йил 6 март.
[2030] Носипос – ношукр.
[2031] Хусрон – зарар, йўқотиш.

қилур эрди, ул дағи бир баҳона била тахаллуф кўргузуб, сипоҳи мухолифға қўшулди. Ва лашкари ферузийасарким, атроф-жавонибдин Парвиндек мужтама бўлмиш эрдилар, бу воқеаи узмо ва бу ҳодисаи кубро мушоҳадасидин кўнгулларига ваҳм ва ҳарос истило топиб, яқин эрдиким Банот ун-наъш янглиғ мутафарриқ ва паришон бўлғай. Ҳазрат соҳибқироний кушиши мавфура зилолидин аларнинг оташи воҳимасиға таскин бериб, Қутлуғмурод *иноқ*ни баъзи шужаои номдор ва абтоли ихлос шиор била қалъа муҳосирасиға тайин этиб, мазкур ойнинг йигирма олтиси[2032] да чаҳоршанба куни ул ҳазрат мурожиат қилди. Манозили муаддида қатъидин сўнг шаҳарга нузул қилиб, маснади салтанатда оромгузин бўлди. Ва ҳамул кун *иноқ* дағи тураолмай, ул ҳазратнинг ақабидин келиб, мулозиматға етти. **Қитъа:**

Эрур лозим ул жойдин қайтмоқ,
Ки дўст андаку хасм бисёрдур.
Ул ишдин илик чекгуси аҳли ақл,
Ки оз манфаат, кўп зарар бордур.

Муҳаммадризобекнинг Қипчоқдин хуруж қилиб, Гурланни муаскари этмаки ва Қутлуғмурод иноқнинг Хивақдин чиқиб, анинг мудофаасиға етмаки. Баъзи муҳорибот ва воқеотким, ул аснода зуҳурға етти, аларнинг зикри

Чун Муҳаммадризо бекким, кўп муддатдин бери мутаҳассин бўлуб, тангнои муҳосирада қолмиш эрди, кўрдиким, асокири нусратмаосир атроф-жавонибдин рахти иқомат кўтариб, мурожиат кўргузди. Изҳори башошат қилиб, такаббури тамом ва ғурури локалом била моҳи мазкурнинг йигирма еттиси[2033] да панжшанба куни Қипчоқ ҳисоридин чиқиб, Гурланни лашкаргоҳ этти. Муҳаммадниёз бек ва Муҳаммадниёз *отолиқ*ни Уйғур қалъасининг муҳофизатиға юборди. Бир ҳафта орасида юқориси *Охунд* бобо, ошоқ[2034] и Юмриғача ўлтурғон *ўзбак*лар ёв бўлуб, Муҳаммадризо бекка боқинди. Ва ҳар тарафдин фитна ва фасод афвожи истило топиб, фуқаро ва раоё орасидин амният ва рифоҳият шахси иқомат рахтин кўтарди. **Маснавий:**

Ҳар сори қўзголиб афвожи фасод,
Бўлди роҳат уйи торожи фасод.
Зулама дасти таттовул узотиб,
Фуқаро молини молиға қотиб,
Кўпалиб шуришу гавго ҳар кун,
Чиқибон кўкка алоло ҳар кун.
Шодлиғдин асаре қолмади ҳеч,
Жамиатдин хабаре қолмади ҳеч.

Ва ҳазрат аълохоқоний бу воқеадин иттило топиб, муонидларнинг мудофаа ва муқобиласиға Қутлуғмурод *иноқ*ни баъзи шужаои номдор ила маъмур этти. *Иноқ* ҳасб ал-фармон зу-л-ҳижжа ойининг авохири[2035] да сипоҳи касир била отланиб, дор ас-салтана Хивақдин чиқиб, алами наҳзатни ҳаракатға киргузуб, Кот қалъасин мухайями хайёми зафарфаржом ва муаскари асокири нусратилтизом қилди. Ва ҳар кун сипоҳи нусратпаноҳ била отланиб, гоҳи Гурлан устиға илғор қилиб, муонидлар била изҳори муҳориба қилур эрди. Ва гоҳи Уйғур тарафиға наҳзат кўргузуб, мутамарридлар била майдони муқотилани ораста этар эрди. Ва ҳар кун икки тарафдин муборизларнинг сарсари ҳамалоти била хусумат ўти иштиол топиб, муқотила танур[2036] ин қиздирур эрди ва ҳар лаҳза тарафайн мутаҳаввирлари қонидин майдони корзор лолазор ҳайъатин ошкор қилиб, даҳони ажал тули амал[2037] ға хандон ва дийдаи жаҳон

[2032] 1221 йил 26-зу-л-ҳижжа/1807 йил 7 март.
[2033] 1221 йил 27-зу-л-ҳижжа/1807 йил 8 март.
[2034] Ошоқ – қуйи.
[2035] 1221 йил 30-зу-л-ҳижжа/1807 йил 11 март.
[2036] Танур – тандир.

мақтуллар ҳолиға гирён бўлур эрди. **Маснавий:**

Не кўзларга уйқу кеча ром ўлуб,
Кўнгулларга не кундуз ором ўлуб.
Бўлуб иш туну кун савошу талош,
Баданлар бўлуб ҳар тараф лош-лош.
На бир ёнға бўлди зафар жилвагар,
На бир ён шикастидин ўлди асар.
Ўтуб бўйла ҳолат аро муддате,
Бири-бирига топмади қудрате.

Ҳазрат аълохоқоннийнинг жулуси саодат маънусининг иккинчи йилининг вақоеи ажиба ва савониҳе ғарибаси

Ул жумладин: Сана минг икки юз йигирма иккида муҳаррам ал-ҳаромнинг ўнунжи куни[2038] ким, панжшанба эрди, аъдои давлат муовинати учун Бухородин Тўра хўжа ва Ниёзбек додоҳ лашкари азим била келиб, дарёдин убур этти. Бу воқеадин сўнг Бешариқ халқи ҳам ёғийгарлик оғоз қилиб, ношойиста ишлар зуҳурға еткурди. Ва Муҳаммадризо бек дағи бу ҳодисадин мустазҳар ва қавий дил бўлуб, ғалабаи тамом била Гурландин ҳаракат кўргузуб, Қиёт-Қўнгротни сангар қилди. Эшмуҳаммад бек ва Шер *нойиб* юз чоғлиғ отлиғ била Бешариқ *найман*иға кирди ва барча Бешариқ *ўзбаки* аларға тобе бўлди. Ва мазкур ойнинг ўн олтиси[2039] да чаҳоршанба куни Муҳаммадниёз бекким, Муҳаммадризо бекнинг улуғ оқосидур, Хивақ атрофин чопиб, Гулбунбоғдағи работиға тушти. Жума куни заҳир уд-давла Муҳаммадназар бек бошлиғ барча умарои Хивақ лашкари била анинг устига бордилар. Шанба кечаси Муҳаммадниёз бек тураолмай қочти. Ҳамул кун Муҳаммадризо бек ҳам Хивақ қасдиға отланиб, Варағзонға келиб, оқоси қочғонин эшитиб қайтти. Якшанба куни Бухоро лашкари қайтиб, Ҳазорасбға тушти. Душанба кечаси[2040] кўчуб, Фитнак усти била ўз юртиға кетти.

Андин сўнг мазкур ойнинг йигирма бири[2041] да душанба куни Бешариқ халқи қилғон ишларидин пушаймон бўлуб, юз минг инкисор ва изтирор била утбаи аъло хокбўслиқиға етиб, ихлос ва эллик изҳор қилиб, ғазаби подшоҳийдин ийман бўлдилар. Ва мазкур ойнинг авохири[2042] да Тўрамурод сўфи дағи жамии *қўнгрот* черики била дарёёи Амунинг шимолия жонибидин келиб, Бухоро черики қайтғон хабарин эшитиб, таваҳҳумдин тураолмай, муовидат қилди. Бу воқеадин сўнг сипоҳи нусрат дастгоҳ қувват топиб, Муҳаммадризо бек Қиёт-Қўнгротда тура олмай бузулуб, Гурланга борди. Андин сўнг Воғлон ва Тошқалъа жамоасидин ва Охунд бобо ва Қаромози улусидин киши келиб, изҳори инқиёд қилдилар. Амири равшанзамир Қутлуғмурод *иноқ* Тошқалъа ҳаросатиға Муҳаммадризо бек ибн Муҳаммадназар бекни, Воғлон муҳофазатиға Абдуллоҳ бек ибн Қаробаҳодир *мироб*ни ўз навкарлари била номзад қилди. Алар келгандин сўнг Тошқалъаға Ўрозали *иноқ*ни, Воғлонға Қилич *иноқ*ни юборди. Ул аснода Ўрозали *иноқ* Чотқалъа улусин кўчурмакка мир Тумонбаҳодир ва Муҳаммадризо бек ибн Муҳаммадназар бекни юборди. Алар ул элни кўчуруб, йўлға тушган вақтда Гурлан черики Тошқалъа устиға келиб, муҳорибаи азим воқе бўлди. Ул урушда Гурландин Аваз кал отлиғ бир йигит мақтул бўлди. Бу жиҳатдин Чотқалъа халқи қайтиб, қалъасиға кирдилар ва аларни кўчурмакка борғон черик дағи Гурлан лашкари устиға келиб, муҳориботи бисёр ва ҳамалоти бешумор зуҳурға еткуруб, аъдои давлатни мақҳур ва мустосил қилдилар. Ва сафар ойининг авоили[2043] да Вазир халқининг бир бўлаки Муҳаммадризо бекнинг баъзи кишисини ва Ҳасан бой *қалмоқ*ни тутуб, эл бўлдилар. Ва Юмри халқи Тўрамурод сўфининг кишилари-

---

[2037] Амал – умидлар.
[2038] 1222 йил 10-муҳаррам/1807 йил 21 март.
[2039] 1222 йил 16-муҳаррам/1807 йил 27 март
[2040] 1222 йил 20-муҳаррам/1807 йил 31 март.
[2041] 1222 йил 21-муҳаррам/1807 йил 1 май.
[2042] 1222 йил 30-муҳаррам/1807 йил 10 май.
[2043] 1222 йил 5-сафар/ 1807 йил 15 апрел.

дин Жонмуҳаммад сўфи бошлиғ уч-тўрт кишисин тутуб, муте ва фармонбардор бўлдилар. Бу воқеадин сўнг Гурлан черики уч мартаба Вазир устиға бориб, муҳориба қилди. Сўнгғи борғонда сипоҳи нусратпаноҳдин шикасти фоҳиш топиб, мунҳазим бўлди. Сафар ойининг авосити[2044] да сешанба куни *амири кабир* Қутлуғмурод *иноқ* лашкари зафарасар била Уйғур устиға наҳзат кўргузуб, Абдуллатиф *доруға*-нинг ҳовлиси навоҳисида *уйғур* халқи била қаттиғ муҳориба воқе бўлди. Ул урушда сипоҳи нусратпаноҳдин Тағоймурод *отолиқ*ким, шери ғўррон янглиғ муонидларға ҳамла еткурур эрди, ногоҳ тири қазо коргар тегиб, шаҳодат топти. Ва боғийлардин Яхшимурод бек бошлиғ беш-олти киши қатлға етиб, кўп киши захмдор бўлди. Бу воқеа мушоҳидасидин сўнг мухолифлар сипоҳи нусратпаноҳдин рўйгардон бўлуб, қалъаға кириб, мутаҳассин бўлдилар. *Иноқ* дағи нусрат ва иқбол била келиб, сангари ҳумоюнға нузул қилди.

Муҳаммадризо бекнинг макру ҳийла юзидин мусолиҳа этиб, даргоҳи сипеҳр иштибоҳ мулозиматиға етмаки ва хаёли фосид ташаъмидин атбои била қатлға етиб, адам мулки тасхириға азимат этмаки

Чун Муҳаммадризо бек муддати мадид ва аҳди баид жангу жидол, муҳориба ва қитол амриға жаҳди тамом ва сайъи локалом била иштиғол кўргузди, аммо дасти таманноси мурод доманиға етмади ва гулшани орзусида мақсуд гули очилмади. Ложарам аъвон ва ансор[2045] и била пинҳоний маслаҳат қилдиким, «муҳориба ва муқотила тариқида мунча дасту по урдуқ, кушоиши кор[2046] муяссар бўлмади. Эмди керакдурким, мусолиҳа қилиб ва зоҳиран мухолифат таркин тутуб, дўстлиғ ва якжиҳатлиғ тариқи била ўзимизни дор ас-салтана пойтахтиға еткуруб, ҳамият бозусининг қуввати била ғайрат қиличин ниёми жалодатдин чекиб, аъдо қонидин сероб қилсақ, токим бу ҳаракат била мулк тасхири муяссар ва мақсуд юзи жилвагар бўлғай.» Жаҳолатдин барча бу сўзда муттафиқ бўлуб, утбаи осмон мартаба мулозимлариға пайғом юбордиларким, ҳазрат подшоҳи жамшиджоҳ, хуршид кулоҳ, муккаримат паноҳ, отифат дастгоҳ *дома давлатуҳу* карами зотий ва отифати жибиллий муқтазоси била бу водии залолат саргашталари ва бу саҳрои мухолифат овораларининг исёни бекарон ва нуқсони бепоёниға афв ва иғмоз[2047] пардасин чекиб, Муҳаммадмурод бекниким, маҳбуси зиндони идбордур, ҳибсдин чиқариб, Фозил бек ва Ниёзмуҳаммад беккаким, аларнинг нисбат ва қаробати икки тарафға дағи маълум ал-ихтисосдур, масҳуб қилиб, бу гумроҳлар тарафиға юборсалар, ҳар ойина бизлар дағи мухолифат ва муонидат русумин тарк тутуб, мутобиат камарин хизмат белига боғлаб, боргоҳи фалакиштибоҳ остонбўслиқиға мушарраф бўлуб, жонсипор хизматкорларининг силкига интизом топар эрдик.» **Маснавий:**

Агар айласанг афв исёнимиз,
Карамдин биҳил айласанг қонимиз.
Бўлурмиз жанобинг сарафкандаси,
Камин қулларингнинг камин бандаси.

Чун мухолифларнинг макидатасар ва хадиатсамар пайғоми остони муаллонишон мулозимларидин ҳазрат аълохоқонийнинг самъи шарифиға етти, филҳол аларнинг илтимосин мабзул тутуб, Муҳаммадмурод бекни зиндондин чиқариб, авотифи хусравона ва мароҳими подшоҳона била сарафроз этиб, хилъати бебаҳо ва рахши бодпо бахшишидин ғамгин хотириға хурсандлиғ еткуруб, Фозил бек ва Ниёзмуҳаммад бекка масҳуб қилиб юборди. Чун ул икки бек мазкур Муҳаммадмурод бекнинг ҳаминонлиғи била қатъи манозил қилиб, Муҳаммадризо бекнинг мажлисиға дохил бўлуб, қилу қол, жавобу саволдин сўнг ҳама иттифоқ била ниёми хотирлариға табъи кин ва ханжари ниқор[2048] ни мазбут этиб, дор ас-салтана савбиға ҳаракат кўргуздилар. Чун масофат қатъидин сўнг сафар ойининг салхи[2049] да чаҳоршан-

---

[2044] 1222 йил 15-сафар/1807 йил 25 апрел.
[2045] Ёрдамчи ва паноҳ берувчилар.
[2046] Масаланинг ечими (ишнинг битиши).
[2047] Иғмоз (араб.: «зод» билан) – кечирим.
[2048] Ниқор – адоват, хусумат,душманлик.

ба куни барча мукаммал ва мусаллаҳ дарбори фалакмиқдор утбасиға нузул эттилар. **Назм:**

Ажал етса кишига тег тортиб,
Келур ўз майли бирла қатлгаҳга.

Чун ҳазрат соҳибқиронийнинг замири мунириким, маҳбати ашъаи ламаоти ғайбий ва мавриди бориқаи лорайбий эрди, эъломи субҳоний ва илҳоми раббоний била мухолифнинг хаёли фосидиға иттило топиб, алардин фитнаи қабиҳ ва фасоди фазиҳ зуҳурға етмасдин бурун пешдастлик қилиб, Муҳаммадризо бекни кўруниши олийға ундаб, ишорати воло била жонсипор мулозимларға ани дастгир қилиб, кашон-кашон зиндони хазлон[2050] ға элтиб, маҳбус эттилар. Муҳаммадмурод бек ва Муҳаммадниёз бекни ҳам анга масҳуб қилдилар. Андин сўнг Муҳаммадниёз *отолиқ* ва Худойберди *доруға* ва Эшмуҳаммад *доруға* ва Нор *катовул*[2051] ва Худойназар бек ва Раҳмонберди куштингирниким, моддаи фасод ва муҳаррики силсилаи инод эрдилар, сиёсатгоҳда қатлға еткурдилар. Ва Каримберди *отолиқ*ни ҳабс қилдилар. Ва бекларнинг аксар кишиларинким, аркнинг ичида ва тошқорида эрдилар, тутуб, сияҳчол[2052] и уқубатға мубтало қилиб, иғлоли гарон била муқаййид эттилар. Ва ўттуз чоғлиғ киши беки шўрбахтларнинг ҳовлисиғаким, қалъанинг ичида эрди, қабалиб, тўфанг андозлиқға иштиғол кўргуздилар. Ва ҳазрат подшоҳи комкори душманшикорнинг фармони лозимилизони била амирзодаи давлатнишон Муҳаммадназар бек ва *амир* Қилич *иноқ* ва Ўрозали *иноқ* ва Қаробаҳодир *мироб* ва вазоратдастгоҳ Муҳаммадюсуф *меҳтар* гуруҳи анбуҳ била бориб, ҳовлининг девориким, рифъат ва матонатда Искандар саддиға даъвои мусовот қилур эрди, оломонға буюруб, машаққоти тамом бирла йиқтуруб, намозшомға қариб эрди, босиб олдилар. Ва муонидлареким, ҳовлиға қаболмиш эрдилар, борчасин қатли ом қилиб, алардин ўзга яна ўттуз етти кишини теғи бедариғ дамидин ўткардилар. **Маснавий:**

Чиқиб жаллодлар ҳар ён газабнок,
Ажал жаллоди янглиг чусту чолок.
Қилиб багий аҳлининг кўксини пора,
Бириси тег урордин ўзни солмай,
Ажалдек жон олурдин бири толмай.
Анингдек қатл этарга қилдилар бег,
Ки ҳар кун кўмдилар туфроқға минг тег.
Оқиб шаҳар ичра қондин ҳар тараф сел,
Қилиб дарвозалардин ташқари майл.
Ётиб ҳар кўчада жонсиз баданлар,
Бопиб қон селига сонсиз баданлар.
Тушуб сел ичра бошлар тош янглиг,
Эзилиб ҳар тараф хашхош[2053] *янглиг.*
Бўлуб аъдога ул кун рўзи маҳшар,
Ва лекин дўстларга ийди акбар.

Чун бу воқеанинг сўнгғи куниким, панжшанба эрди, боғийлардин ўн беш кишини ва жума куни Йўлли бой *човдур* бошлиғ ўн бир кишини, якшанба куни тўққуз кишини қатлға еткурдилар. Душанба куни Ашурмуҳаммад халифа ва Оллоҳназар ва Будоғ қулни ғазаб дориға овезон қилдилар. Сешанба куни Муҳаммадризо бек ва Муҳаммадмурод бек ва Муҳаммадниёз бек ва Муҳаммадниёз бек ибн Муҳаммадризо бекни ҳибсдин чиқариб, адам тангноида гўшанишин ва лаҳад маҳбасида манзилгузин қилдилар. **Назм:**

Киши гар яхши бўлсун в-ар ямон бот,

[2049] 1222 йил 30-сафар/1807 йил 10 май.
[2050] Хазлон – ноиложлик; мағлубият.
[2051] Катовул, кутвол – қалъа, истеҳкомларнинг бошлиғи.
[2052] Сияҳчол – (қора чуқур) зиндон.
[2053] Хашхош – кўкнорининг боши.

Кўрар ул феълига лойиқ мукофот.
Бас, эй дил, яхшилиқни айла пеша,
Ямонлигдин узр қилгил ҳамиша.
Ки то бўлмай гирифтори балият,
Мақоминг доим ўлгай авжи иззат.

Ҳамул йил раби ал-аввалининг йигирма саккизи[2054] да чаҳоршанба куни Тағоймурод *отолиқ*нинг иниси Тўрамурод бек ўн икки ёшида оқоси мансабиға мансуб бўлди.

Амири кабир Қутлуғмурод иноқнинг Янгидарё қароқалпоғиға чаповул урғони

Чун Янгидарё канорида ўлтурғон *қароқалпоқ*иядин *хитой* жамоасиким, Бухоро *волий*си амир Ҳайдарга баиат қилиб, ҳазрат аълохоқонийнинг рибқаи итоатидин бўйин тўлғаб, инод ва саркашлик маросимин зуҳурға еткурур эрдилар, ул ҳазрат аларнинг тааддиб ва гушмоли учун ягонаи офоқ Қутлуғмурод *иноқ*ни ўз черики била номзад қилди. Ва ўз мулозимларидин баъзи кишиларни ва фақирни анинг мулозиматиға маъмур этти. Чун маъмурлар фармони қазожараён мавжиби била ражаб ойининг ўн саккизланжи[2055] куни дор ас-салтанаи Хивақдин чиқиб, сипоҳи мавфура ва афвожи мансура била қатъи манозил ва таййи мароҳил қилиб, Хўжаэли қалъасиға нузул эттилар. Анда етти кун ишрат ва комронлиғ била тавaққуф кўргузуб, шаъбон ойининг аввали[2056] да якшанба куни Хўжаэлидин роятафрози наҳзат бўлуб, дарёйи Омунинг қироғида Оқёр кечувиға тушулди. Ул мавзеда беш-олти кун шикорандозлиқ била тавaққуф қилиб, панжшанба куни дарёдин убур этиб, Ёрти мавзеиға нузул этти. Ул ерда фақирни ва баъзи сипаҳдорни беш юз киши била қўюб, андин сипоҳи нусратпаноҳ била отланиб, Эшим сақосиғиға тушуб, атроф-жавонибдағи *қароқалпоқ* закотиға киши буюруб, закот олғунча ул мавзеда кўп муддат мутамаккин бўлди. Рамазон ал-муборак ойининг иккинчи[2057] куниким, якшанба эрди, андин кўчуб, Оқёқишға тушти. Андин отланиб, кўч-бакўч қатъи масофат этиб, Бўричи сангариға нузул этти. Ул ердин яхши отлиғлар била отланиб, Чартакли усти била илғор қилиб, қазои осмоний янглиғ Янгидарё каноридағи *қароқалпоқ*иянинг овулиға чаповул уруб, кўп кишини қатлға еткуруб ва кўп мол ўлжа қилиб, муовидат кўргузди. Манозили мавфура ва мароҳили маъдудани қатъ этиб, мазкур ойининг авохири[2058] да шанба куни остони давлат ошиён мулозиматиға етиб, иноятн подшоҳона ва мароҳими хусравона била мумтоз ва сарафроз бўлдуқ.

Ҳазрат соҳибқироиийнииг кўиглн шоҳбозин шикор ҳавосида балаидпарвоз этгани ва иродат якронин шикоргоҳ азиматиға барқтоз қилғони. Қуш солмоқ била шикор хайли[2059] ға қирон солғони ва дилжўлиқ била Орол саркашлари кўиглин шикорийвор олғони.

Назм:

Қалам шоҳбози очиб чанги шавқ,
Қилиб сўз ҳавосиға оҳанги шавқ.
Варақ сайдгоҳида беихтиёр,
Мунингдек қилур сайди маъни шикор.

Ҳам ул йил ҳазрат подшоҳи зиллиллоҳ ва шаҳаншоҳи динпаноҳ, афзал ас-салотини олиймакон, аъдали хавоқини гардунтавон. **Маснавий:**

Хидеви гуҳартожу ферузатахт,

[2054] 1222 йил 28-раби ал-аввал/1807 йил 8 июн.
[2055] 1222 йил 18-ражаб/1807 йил 22 сентябр.
[2056] 1222 йил 1-шаъбон/1807 йил 4 октябр.
[2057] 1222 йил 2-рамазон/1807 йил 14 ноябр.
[2058] 1222 йил 26-рамазон/1807 йил 28 ноябр.
[2059] Шикор хайли, шикорийлар деганда овланадиган жонивор, қуш-паррандалар кўзда тутилган.

Фарозандаи иқболу ферузбахт.
Нажобат сепеҳрида равшан қуёш,
Халофат саририда Доро маош.
Жалодатда Рустам киби сафшикан,
Саховатда Ҳотам киби дурафкан.
Шаҳаншоҳларнинг шаҳаншоҳи ҳам,
Адолат румуз[2060] *ининг огоҳи ҳам.*
Фалакқадрлар хокроҳи анинг,
Кавокибдин афзун сипоҳи анинг.

Халифат ар-раҳмон, ал-муайййд ба-тааиди ал-малик ул-мустаон, азд ад-давлат ва-д-дин Абу-л-фатҳ Муҳаммадраҳим Баҳодирхон *халадаллоҳу таоло мулкаҳу ва султонаҳу ва афоза ала ал-оламин барраҳу ва эҳсонаҳу* тамтароқ[2061] и салтанат ва мусолиҳи мамлакат иштиғолидин ойинаи хотириғаким, мазҳари футуҳоти илоҳий ва маҳбит[2062] и фуюзоти номутаноҳий эрди, малолат кудурати етиб ва ул кудурат рафъиға шикор тақозосин жазм этти. **Назм:**

Юруб гоҳ-гоҳ айла азми шикор,
Мудом этмай бир ерда тарҳи қарор.
Ки кўнглунгни овлар шикор айламак,
Қилур қабз доим қарор айламак.

Бу жиҳатдин йўл асбобининг саранжоми учун муқарриби даргоҳи салтанат, маҳрами асрори хилофат, мурабби ал-фузало Муҳаммадризо *қўшбеги* ва Ёрмуҳаммад *девонбеги* ва Қўшназар *девонбеги* муқаррар бўлди. Яна соҳиби шавкат амирлар ва олийқадр беклар ва ҳунарманд мири шикорлар ва мутаҳаввир чокарларга ва яна ҳар кишигаким, ул ҳазратнинг мавкаби ҳумоюни била юрур, инъомоти фаровону эҳсоноти бепоён била сарафрозлиқ еткурди. Ва умдат ал-умаро ва зубдат ал-кубаро, маржа ал-ғурабо ва мурабби ал-фуқаро *амири кабир* Қутлуқмурод *бий иноқ маддаллоҳу зилла-л-жалолиҳи*ни шаҳарда *нойиб* қўюб, вазири аъзам, дастури мукаррам низом ал-мулк вал-миллата Юсуф *меҳтар* ва Муҳаммадамин *оқо* ва Муҳаммад *арбоб* ва Искандар *арбоб* ва Яқуб *оқо*ни анинг хизматиға тайин қилди. Ва сиёдатпаноҳ ва нақобат дастгоҳ саййид Юсуф хўжа *нақиб*нинг иниси саййид Яқуб хўжа ва Қутлуқмуҳаммад *иноқ*нинг ўғли Муҳаммаджон бекниким, панжоҳбоши[2063] эрдилар, ўз навкарлари била Хуросон йўлларининг ҳифзиға муқаррар этти. Ва шаввол ал-муаззамнинг йигирма бешланжиси[2064] да жума куниким, офтоби оламтоб Жаддий буржида эрди[2065], **назм:**

Замон хуб эрди-ю, масъуд соат,
Ва лекин сайдга вақт нуҳусат.
Ҳаво хуш эрди, саҳро ишратафзо,
Кўнгуллар мойили сайду тамошо.

Намози жума адосидин сўнг шикор иродаси била муборак оёқин рикоби саодатға қўюб, якрони азиматға рукуб қилди. **Шеър:**

Оти остида чархи володек,
Ўзи хуршиди оламородек.
Фарқидин то қадам кириб зар аро,

[2060] Румуз – рамзлар, белгилар.
[2061] Тамтароқ, тумтироқ – улуғворлик, тантанаворлик.
[2062] Маҳбит – тўплам; йиғилиш жойи.
[2063] Панжоҳбоши – элликбоши.
[2064] 1222 йил 25-шаввол/1807 йил 27 декабр.
[2065] Декабрь - январ.

Урубон ғўта[2066] *баҳри гуҳар аро.*
Боши устида чатри иқболи,
Сояафкан нечук Ҳумо боли.
Югурурга жилавда ҳар сори,
Бахту давлат икки жилавдори.
Оллида хушхиром шотир[2067] *лар,*
Тезравлик фанида моҳирлар.
Ҳар бири белида қуёшдек занг,
Зангдин фаҳм ўлуб басе оҳанг.
Чекиб оллида неча мирохўр,
Ҳар бири бир жанибати пурзўр.
Бари ҳайъатда чархи тавсанваш,
Суръат ичра жаҳандаву саркаш.
Солиниб устига мурасса зин,
Анда зинпўшлар бари заррин.
Ҳам рикоби ҳилолвор келиб,
Ҳам ситоми гуҳарнигор келиб.
Юрубон беҳисоб миришкор,
Қуш боқарда Абуали кирдор.
Барча чолок чурғ боли киби,
Балки шаҳ шастининг шимоли киби.
Баъзи иликида тезпар шаҳбоз,
Дев чангол ҳам малак парвоз.
Баъзи иликида симгун туйғун,
Ов олурда учуб нечук ки ёшун.
Баъи иликида сайдзан шунқор,
Насри тоир анга камина шикор.
Баъзи иликида баҳрии чолок,
Айлабон баҳр қушларини ҳалок.
Баъзисида итолгу[2068] *и пурзўр,*
Топмай андин омон вуҳушу таюр.
Баъзида лочини қавий чангол,
Уруб Анқога чанг саъва мисол.
Бўйла қушларга ҳадду ғоят йўқ,
Итларига даги ниҳоят йўқ.
Югурук итлари ҳумойнажод,
Пўйида бодни бериб барбод.
Барчаси шер янглиғ оҳугир,
Лек шер олиб эйлаким нахчир.
Барчанинг бўйнида қуллодаи зар,
Жулл[2069] *арида шуморасиз зевар.*
Ҳам изидин қилиб иродаи роҳ,
Умарои изоми олийжоҳ.
Барча аъёни ҳазрати шоҳий,
Барча аркони давлати шоҳий.
Қўзғолиб даги лашкари жаррор,
Эйлаким мавжи лужжаи заххор.
Тегзанлар шуморасиз анда,

[2066] Ғўта урмоқ – сузиш.
[2067] Шотир – ҳукмдор олдида югуриб, унинг келишидан бақириб ва қўнғироқ билан огоҳ қилувчи хизматчи.
[2068] Чурғ, шаҳбоз, шоҳин, итолгу, баҳри, лочин, туйғун ва ҳакозо – булар ов қушларидир.
[2069] Жулл – ов итлари бўйнидаги сочоқлар.

Кесган аъдо бошини майдонда.
Юз тумон сафдару набардоро,
Рустамафкану Сифандиёросо.

Мундоқ дабдабаи тамом ва кавкабаи молокалом била дор ас-салтанаи Хивақдин чиқиб, сумми марокиби давлат била ер натъ[2070] иға нақш урди ва гарди мавокиби шавкат била кўк дийдасиға тўтиё еткурди. Ва оз масофатда иъшо чоғиким, нужум машъаласидин тун шабистони чароғон, йўқ-йўқким, осмон кўзлари бу кавкаба тамошосидин ҳайрон эрди, Урганж балдаи маҳфузасинким, ул ҳазратнинг ўз меъмори ҳукмининг таждиди иморати била маъмур ва баннои фармонининг биноӣ тозаси била маҳсур эрди, баҳори вусули била ғайрати фирдавси барин ва насими нузули била чаманистони тазйин қилди. Ва бойри хизматкорлардин Саидқули бойнинг давлатхонасин мухайями хайёми иқбол ва мавозеи боргоҳи ижлол этмак била ўз ақронидин мумтоз ва абнои замонидин сарафроз қилди. Ва бойи мушориилайҳ била Авазмуҳаммад бойким, балдаи мазкуранинг ҳукумати аларға мутааллиқдур, зиёфат асбоби ва тўй тартибиға хизмат камарин ҳиммат белиға дупайкар янглиғ раст боғлаб, андоқ жавоҳир нисорлиғ қилдиларким, ақл мезониға сиғмас. **Маснавий:**

Анингдек қалъада боғланди ойин,
Ки бўлди кўчалар фирдавс тазйин.
Ҳамул тунни қилиб шамъи шаб афрўз.
Чароғон ул сифатким шоми Наврўз.
Тузуб ул мезбонлар хусравона,
Зиёфатким қилиб таҳсин замона.
Ёйиб шоҳу халойиқ оллида х(в)он,
Чекиб турлук таом алвон-алвон.
Муҳайё мева қандолот бирла,
Бари парварда юз лаззот бирла.
Бу янглиғ кечадин то чошт бир дам.
Табақ қўймоқ-кўтармак бўлмади кам.
Чу акўлу шурбдин етти фароғат,
Саросар мунқате бўлди зиёфат.
Киюрдилар шаҳаншаҳға саруно,
Ки олтундин тўқулмиш эрди гўё.
Кетурдилар яна бир барқтоз от,
Чопарда барқдек ҳайҳот-ҳайҳот.
Чиқар бир дамда ердин осмонға,
Тушар ҳам осмондин бу маконға.
Инонида жилавдори сабукрав,
Анинг ҳар ҳалқаи гўши маҳи нав.
Чу минди шоҳ ани ул икки нодир,
Бошиға сочтилар турлук жавоҳир.
Аларға лутф этиб шоҳи ягона,
Масофат қатъиға бўлди равона.

Йўлда сиёдатмаоб, валоятинтисоб, ахтари буржи тариқат, гуҳари дуржи ҳақиқат, шайх ал-машойихи олам, муршид ал-аворифи бани Одам, ҳазрат эшон Пирим хўжа *маддаллоҳу зулола иршодиҳу ала мафориқ ас-соликин*ким, ўз шайхлари ҳазрат султон ал-атқиё ва қутб ал-авлиё, олими раббоний ва омили самадоний мавлоно Ниёз *охунд* Бобо *раҳматуллоҳи алайҳ*нинг жавори шарифларида мужовир эрдилар, аларнинг зиёратиға мушарраф бўлуб, жавоҳири мувоиза ва завоҳири насоиҳлари била садафи истемоин гаронмоя қилди. Ва ниёзмандлиғлар била назурот бериб, дуои хайриятинтамои ижобатороларидин баҳ-

[2070] Натъ – гилам.

раманд бўлди. **Қитъа:**

Жаҳон халойиқига, хоса подшоҳларга,
Жаҳон хазоинидин гуҳари дуодур хуб.
Агар дуо лаби аҳли яқиндин этса вуруд,
Шак анда йўқ ки эрур жондин ул дуо марғуб.
Дуодин эрди етушти йигит қариликқа,
Ҳам андин ўлди қариларга инжилои қулуб.
Дуодин этти шаҳаншоҳлар жулуси сарир,
Ҳам андин этти жаҳонгирлик отига рукуб.

Ва андин отланиб, Ому дарёсининг қирғоғига тушулди ва ул ерда бир киса зар бирла бойлар миндурган от ва кийдурган хилъатни аморатпаноҳ, садоратдастгоҳ, амири равшанзамир Шоҳниёз *отолиқ*ға шафқат қилди. Ва дарёдин кечмакка майл кўргузди. **Шеър:**

Ажаб баҳри заххор эди латмазан.
Жунун аҳли янглиғ лаби каффикан.
Сувидур узубатда кавсар киби,
Талотўм уруб Баҳри аҳзар киби.
Ясаб нақши занжир ирмоғлари,
Ҳамоғуши гирдоб тўлғоғлари.
Бу баҳр узра юз минг сафоин[2071] *юруб,*
Бари Нўҳ кештисига таън уруб.
Чекиб ҳар бири мингдин ортуқ сипоҳ,
Қилиб нохўдолар кучидин шино.
Қироққа аларни ки еткурдилар,
Солиб элни ўткаргали сурдилар.
Безаб булажаб заврақе тезрав,
Эди ҳайъати эйлаким моҳи нав.
Миниб шоҳ аъёни ҳазрат била,
Ўтуб баҳрдин бахту давлат била.
Нузул этти ул ерга шоҳу сипоҳ,
Тутуб эрдилар хиймаи боргоҳ.

Ул кечаси фармони вожибилизон судур топтиким, то муовидат қилғунча, мавкаб аҳли матбаххонаи эҳсонимиз шилонидин баҳраманд бўлсун ва офаридае ўзолдиға табх[2072] қилмасун. Ва ҳамул кеча сиёдатпаноҳ ва нақобатдастгоҳ, фазоилмаоб, камолот интисоб, фахр ад-давлат ва-д-дин саййид Юсуф хўжа *нақиб*ға бир қабза тилло инъом бўлди. Ва тонг отғондин сўнг ҳазрат қудват ал-муҳаққиқин ва зубдат ал-муваффиқин, шайх ал-шуюхи олам шайх Аббос вали *қаддасаллоҳу сирраҳу-л-азиз*ким, Кўҳна Котда осуда эрдилар, аларни зиёрат қилиб, мужовирларин назуроти вофир ва инъомоти мутакосир била саршори бодаи сурур этти ва бодпои бодияпеймоға рокиб бўлуб, иннони отифатин шикорандозликқа маатуф қилди. Ва ул қалъаи мазкуранинг навоҳи ва жавонибидаким, бағоят васе ердур, қуш солмоқ ва ов овламоқ тамошасиға иштиғол кўргузди. **Маснавий:**

Ул ноҳият ичра эрди ҳар ён.
Ҳар нав шикордин фаровон.
Лаҳмоний ўлуб бари чаранда,
Беҳад яна бурдоғон парранда.
Харгўш[2073] *лар анда чобуку тез,*

[2071] Сафоин (сафина) – кемалар.
[2072] Бирон кимса ўзи учун алоҳида овқат пиширмасин.

Ҳар бута тубидин айлабон хез.
Жайранлари хез урарда чолок,
Сочиб кўзига хаёлнинг хок.
Дуррожлар учуб ҳавога,
Эл кўзини боқтуруб самога.
Хушранг тазарвлар очиб пар,
Товусга ҳайъат ичра ҳамсар.
Овлар борин айтсам батафсил,
Бордур бу сўз ичра ваҳми татвил.
Алқисса шаҳи хужаста гуҳар,
Тортиб илигига баҳлаи зар.
Ҳар қушни олиб ки овга солди,
Семург эса саъва янглиг олди.
Сайде ки қочиб чиқар ҳавога,
Қутқармади қуш чиқиб самога.
Мундин фалак узра Насри тоир[2074]*,*
Ёшунди чекиб басе хавотир.
Ҳар қуш ки шаҳ илгидин чиқиб тунд,
Ҳар сайдником қовуб-йиқиб тунд.
Ҳам итлар изида секрабон тез,
Ҳам миршикорлар сабук хез.
Ҳар бири бўлуб тараддуд афзо,
Шаҳга бериб ўзгача тамошо.
Осон тутулуб қанотсиз сайд,
Бўлгон киби туш ҳаётсиз сайд
Ов олмоқ анингдек ўлди комил.
Фурсат йўқ эди қилурга бисмил.
Шаҳ давлатидин солиб дамодам,
Қушлар умарои муҳтарам ҳам.
Мундоқ яна уч кун отланиб хон,
Қуш солибу ов олиб фаровон.
Ул даштда сайд этарга яна,
Бир қолмади сайддин нишона.
Кун сайди бу шурдин ҳаросон,
Бўлгоч чаҳи магриб ичра пинҳон.
Шаҳ ёндиву тушти боргаҳга.
Оромише ўлди ҳам сипаҳга.

Чун офтоби оламтоб шаҳбози субҳ ҳавосида боли парвоз урди ва кўк марғзорида нужум сайдлариға халал панжасин еткурди, ҳазрат аълохоқоний жамшиди хуршиддек фалакваш тавсанға миниб, ул юртдин ҳаракат қилди. **Маснавий:**

Қилиб жунбиш ул дам ки шоҳу сипоҳ,
Солиб сурма кун кўзига гарди роҳ.
Қилур фаҳм дашт узра солгон назар,
Ки борур уруб мавж дарёйи зар.

[2073] Харгўш – қуён.
[2074] Насри тоир – Алтойир юлдузи.

Қўнгрот ариғининг оёғи била қушлаб, Уйғур кўлининг шимолидин ўтуб, Ямон уйғур тушида Бекпўлод *отолиқ*нинг ўғли Муҳаммадқули бекнинг работиға яқин дарё соҳилин мухайями хайёми шавкат ва муаскари сипоҳи давлат қилди. **Қитъа:**

На хуш манзилдур ул еркиим баҳори давлати шаҳдин,
Очиб гулчеҳралар рухсоридек гул жаннатосодур.
Муалло қасрлар ҳар сори бунёд айламиш пурзеб,
Мулаввин хиймалардин ким фазоси ичра барподур.

Бу манзилда дағи яхшиғина шикор қилдилар. Ва Хўжамурод *бий* ва Каримберди *бий отолиқ*ға икки яхши қуш инъом бўлди. Зу-л-қаъда нинг тўртланжиси[2075] да шанба куни кўчулуб, ҳазрат подшоҳи мағфиратнишони жаннатмакон Элтузар Муҳаммад Баҳодирхон *тағамаддалоҳу бигуфрониҳи*нинг работи олийсининг шимолия жонибидин ўтуб, хони мағфури мазкурнинг ўз мулки холисаси учунким, ул мулкнинг ҳадди шарқийси *найман* ерига пайваста ва шимоли ва ғарби тоғға муттасил ва жануби дарёға мулсақдур, ёрдурғон ариғининг ҳаволисида сайдандозлиқға машғул бўлди. **Шеър:**

Ниҳоятдин ортуқ эди анда сайд,
Бари кўрмаган тушида ҳам дом, қайд.
Юруб икки ёндин улус саф-басаф,
Шикор аҳлини қўзғабон ҳар тараф.
Ҳамул жарга ичра шаҳи сайдзан,
Бўлуб сайд қасдиға шоҳин фикан.
Қанот урғоли қушлар айлаб чу зўр,
Алардин қутулмай вуҳуши таюр.
Бу янглиғ бўлуб сайди беҳад шикор,
Тамоғао тамошо бўлуб ошкор.

Кот аҳолиси Қурбонқули *нойиб* ва Маҳмудниёз бек ва *қипчоқ* Муҳаммадали *бий* бу шикоргоҳда истиқбол қилиб. ул ҳазратнинг рикоббўслиқи била сарафроз бўлдилар ва қаловиз[2076] лиқ тариқаси била тўғри йўл бошладилар. Ва аср чоғида шукуҳу шавкат била боргоҳи олам̆панбоҳғаким, Оққум ва Вазир тушида ва Бадой кўлининг жанубида дарё канорида қурулуб, гуногун хиргоҳлар тутулуб эрди, нузул қилди. Ва бу манзилда тўрт кун тавaққуф бўлди. Аввалғи кун Кўчак *иноқ*нинг набираси *найман* дудмони Муҳаммадризо *отолиқ* ибн Муҳаммадназар бекким, фақирға жиянлик насаби бордур ва Гурлан *ҳоким*ларидиндур, Гурлан ва Вазир ашрофи ва маорифи била ул ҳазратнинг утбабўслиғиға етиб, авотифи бекарона била аржуманд ва навозиши хусравона била сарбаланд бўлдилар. Бу кун дағи ободон қушлар солиниб, фаровон овлар олинди. Ва ҳам бу кун *қароқалпоқ* баҳодирлари муонид ва тоғийлардин икки бош келтуриб, инояти вофир ва истимолати мутакосир била мустазҳар бўлдилар. Бу мужмал тафсили улким, умдат ал-умаро ва зубдат ал-кубаро, малоз ал-масокин фи ал-офоқ, жамол ад-давлат ва-д-дин *амири кабир* Кутлуқмурод *бий иноқ маддаллоҳу зулола жалолаҳу ала мафориқ-л-аном ила йавми-л-қиём* ул ҳазратнинг фармони вожибилизони била Янгидарё савоҳилида ўлтурғон *қароқалпоқ*ларким, аҳли фасод эрдилар, аларнинг истисолиға сипоҳ элтганда, Тўрамурод сўфи ул сипоҳ савлатидин хавотир тортиб, Хуросон *явмут*идин саксон чоғлиғ киши мадад тилай келтуруб эрди. Алардин ва *човдур*дин ўттуз-қирқ муфсад муттафиқ бўлуб, сўфидин рухсатсиз Куба тоғининг атрофида ўлтурғон *қароқалпоқ* чаповулиға қароқчилай отланиб эрди. Иттифоқо, *кенагас қароқалпоқ*идин Чўнгқара *бий* ўз уруғининг яхши йигитлари била қўнуш ва ўтлоқға муносиб юрт ахтариб, Ширқировуқ ва Откечув ҳаволисиға бориб эрдилар.Ул муфсидларга йўлиқиб, агарчи яроғсиз эрдилар, масоф майдониға кирдилар. **Назм:**

[2075] 1222 йил 4-зу-л-қаъда/1808 йил 3 январ.
[2076] Қаловиз – йўлбошловчи, олдинда юрувчи гуруҳ.

Икки ёндин чекиб шамшири хунрез,
Сурон солдилар ул майдон аро тез.
Қиличлар учидин сачраб чу қонлар,
Қаро туфроқда лчиб гулистонлар.

«Ёрлақаш ва ёрлақамаслик Ҳаққдандир[2077]» фаҳвоси била нусрат ели эсиб, *кенагас* баҳодирлари муонидлардин бир *явмут* ва бир *човдур*ни дастгир этиб, палид жасадларидин номуборак бошларин теғи бедареғ била кесиб, кўп кишини захмдор қилдилар. Бу жиҳатдин муфсидлар мунҳазим бўлуб, от ва яроғларидин айрилиб, кулфатлар била қутулдилар. **Шеър:**

Агар қовгали қилсалар эрди азм,
Ярогсизлиги бўлмайин манъи разм.
Қутулгудек эрмас эди ул гуруҳ.
Биёбонда бўлгудек эрди сутуҳ.

Муборизлар саршори ғаноим бўлуб, нусрат била даргоҳи олампаноҳға мушарраф бўлдилар. Иккиланжи кунким, душанба эрди, ҳазрат аълохоқоний яна шикор тамошасиға отланди ва яхшиғина қушлаб ёнди. Бу кун *хўжаэли*нинг бийи Саид хўжадин бир яхши туйғун ва бир қарчиғай пешкаш келди. Ва учланжи кунким, сешанба эрди, фароғат маснадида қарор тутуб, ишрат базмин фирдавсойин этти ва нишот мажлисин равзатазййин қилди. **Маснавий:**

Ажаб базми шоҳона барпо бўлуб,
На дилхоҳ бўлса муҳайё бўлуб.
Беҳишти бариндин фузун зийнати,
Қилиб зор Баҳромни ҳасрати.
Кўруб ани ногоҳ чархи баланд,
Бўлуб кўзи ҳайратдин ойинабанд.
Танаум ниҳоятдин афзун келиб,
Тараннум навсози қонун келиб.
Вале тахт уза шоҳи ишратпараст,
Худо лутфининг жоми шукрига маст.
Агарчи бўлуб панжаси ганжрез,
Вале кўнгли ҳақ шавқидин ганжхез.
Бўлуб зоҳири гарчи ишрат била,
Вале ботини завқи ваҳдат била.
Ботиб суврати зарга по то ба фарқ,
Вале сийрати ганжи маъниға гарқ.
Бу мажлис аро хослар хос ўлуб,
Бори айш баҳрига гаввос ўлуб.
Шаҳ алтофидин барчаси шодком,
Бўлуб сархуши инбисот тамом.
Бу дастурда кеча ҳам базм эди,
Тонг отгунча шаҳ ишрати жазм эди.

Чун офтоби баҳромий субҳ ишратхонасин очти ва панжаи анворидин жавоҳир эҳсонин жаҳон мажлисиға сочти, ул ҳазрат базм маснадидин туруб, ишқ буржининг ахтари дурахшандаси, шавқ дуржининг гавҳари рахшандаси, ваҳдат майхонасининг сархуши, ҳақиқат паймонасининг майкаши, маъний жавоҳирининг махзани, султон ил –орифин Увайс ал-Қараний *қаддасаллоҳу сирраҳул-азиз* қадамгоҳиға зиёрат учун қадам иродатин рикоби азиматға қўюб, оз фурсатда қадамгоҳ жаворидаги тоғға етуштиким, ул тоғ ҳазрат шайхнинг муборак отлариға мансубдур. **Маснавий:**

[2077] Ҳадис.

Ажаб кўҳе эрди бағоят баланд,
Тоши захмидин чарх топиб газанд.
Буким кўкда марний бўлур каҳкашон,
Эрур анда Орқор йўлидин нишон.
Чиқиб офтоб олтуни конидин,
Тугуб осмон шери, қаплонидин.
Келиб Қоф тоғи анга ҳар қиё,
Тутуб қулласи узра Анқо эво.
Анга домани чарх доман бўлуб,
Малоикка лекин нашиман бўлуб.
Чиқиб ҳар тоши остидин маъдане,
Эрур бал жавҳар тўла махзане.
Қадамгоҳи ҳазрат ҳамул тоғ аро,
Анингдек ки тоғ ўлди кони тилло.

Бу қадамгоҳи мутабаррика тавофиға мушарраф бўлуб, юз минг ажзу хушу била зиёрат адосидин сўнг арвоҳи муқаддасларидин истионат топиб, остонаи шарифаларининг жорубкашларин назуроти вофир ва инъомоти мутакосир била саршори давлат қилди. Ва мавкаби ҳумоюнға футуҳоти тамом ва фуюзоти молокалом била мурожиат қилди. Панжшанба куни ойнинг тўққузланжиси[2078] да ул мавзедин ҳаракат қилиб, Қийноқ дарбандиға яқин Юмри муқобиласида тушулди. Аммо, ул дарбанд Қийноқнинг шарқий даҳанасидурким, андин душворлиқ била мурур этарлар. Ва Қийноқ бир йўлдирким, орқаси сартосар бийик тоғ ва қибласи пайваста Ому дарёсидур. Баъзи ерларидин хавотир била ўтулур. Ва тули бир яғоч йўлдур. Гўё бу жиҳатдин ани «Қийноқ» дебдурлар. Бу манзилда Кўшкўпрук *ҳокими* Ниёзбек *отолиқ*ким, шикорға чиқилмасдин бурун Тўрамурод сўфининг элчиси Жонмуҳаммад сўфи била Қўнғротға элчиликка бориб эрди, Жонмуҳаммад сўфии мазкур бошлиқ *қўнғрот* аҳолисидин олти киши била келиб, Тўрамурод сўфиким, кўп йиллардин бери саркашлик қилур эрди, анинг ажзу шикасталики била қуллуқ аризадоштин ул ҳазратнинг мулозимлариға еткуруб, манзури назари отифат бўлдилар. Ҳам бу мавзеда Қипчоқ *ҳокими* Яхшилиқ бийким, барнои хушманзар ва раънои фаррухсияр эрди, **назм:**

Юзи эрди хуршиди рахшон киби,
Саҳи қадди сарви хиромон киби.
Зулоли лаби оби ҳайвон мисол,
Хазардек лаби устида хатту хол.
Тилидин бўлуб ҳар сўзеким баён,
Қилиб мўъжизоти Масиҳо аён.
Бериб яхшилиқ анга яхши қилиқ,

Отидек бошидин оёқ яхшилиқ - оқо-инилари била келиб, хокбўслиқға етуштилар. Шанба куни Қийноқдин ўтуб, Хўжакўлиниким, бағоят васе ва қолин яғочлиқ ва ғалаба марғзорлиқ эрди, қушлаб ўтуб, Қапқоқли бешасининг шимолия жонибин овлар эрди, ул ҳазратнинг оллидин бир кийикким, шўхлар кўзидек чолок эрди, туруб қочти. Фармони олий нуфуз топғач, халқ ҳужум қилиб, тирик туттилар. Ва ҳазрати хон ул бешаи мазкурда Қипчоқ муқобиласида дарё қироғиғаким, саропардаи шоҳий ул ерда барпо бўлуб эрди, наҳзат қилди. Бу манзилда аморатмаоб Султон *мироб*ға икки қуш шафқат бўлди. Душанба куни «афв қодир Оллоҳ наздидаги қадрга эга ишлардандир[2079]» муқтазоси била Тўрамурод сўфининг жароими қадимасин бағишлаб, элчиларин ташорифи иноят била сарафроз қилди. Ва ўзига Орол ҳукуматин тафвиз этиб, муҳрлик нишон битиб, бир заррин зинпўшлиқ тўпчоқ от ва сарупои шоҳона Ниёз бек *отолиқ* била Давлат *қарокўз*га топшириб, элчилар била рухсат берди. Ва Хўжамурод бийга бир кимхо хилъат инъом бўлди. **Шеър:**

[2078] 1222 йил 9-зу-л-қаъда/1807 йил 8 январ.
[2079] Ҳадис.

Шаҳеким қилур пеша афв ва карам,
Қилур даҳр элин банда бермай дирам.
Ва гар қилса хушхўйлиқ ошкор,
Этар душманин ўзига дўстдор.

Ва аморат девонининг номдори, жалодат майдонининг шаҳсувори, ғиёс ал-мулк вал-миллата Муҳаммадризо қушбегини кема устиға тайин қилдиким, боргоҳи олампаноҳ ва хийма ва хиргоҳ ва заводаи равоҳил ва асбоби манозилни дарёдин ўткариб, Қипчоқ била Қангли аросиға дарё канорида Чилпуқға муқобил барпо қилғай. Ва ўзи муборак қадамин рикоби ҳумоюнға қўюб, ҳазрат қудват ал-авлиё ва қиблат ал-атқиё Шайх Жалил ото *навварааллоҳу марқадаҳу*ким, равзаи мутабаррикалари Қийноқнинг ғарбий даҳанасиға қариб тоғ доманасида воқедур, алар тавфиға иноні иродатин маатуф этти. Ва зиёрат адосидин сўнг отланиб, тоғ доманаси била Хўжакўлининг орқасидаги қирнинг этагида каклик сайдиға иштиғол кўргузди. Ва Қопқоқли бешасин овлаб, дарёдин ўтуб нузули ижлоли била боргоҳи иқболни музайян қилди. Ва уч кун Қипчоқ ва Қангли навоҳисин сайр этиб, ободон овлади. **Маснавий:**

Ҳар кунда ки қуш солиб фузунроқ,
Ҳар кунгидин ов олиб фузунроқ.
Жангал аро сайди ўлса пинҳон,
Қуш айлаб жангал узра жавлон.
Ит жангал аро кириб ҳамул дам,
Қўзгоб ани еткуруб анга рам.
Қуш сайд қилиб ҳавода ани,
Ташлаб яна ҳам учуб равоне.
Гар жонваре кўрунса ногоҳ,
Сайд айлаб ани ҳам ўлмай огоҳ.
Не қуш қутулуб ҳаво юзида,
Не жонвар ул фазо юзида.
Андин ки бўлуб эди таманно,
Кўрулди зиёдароқ тамошо.

Бу мавзеда *қароқалпоқ* бийлари пешкаш ва тансуқот била келиб, ул ҳазратнинг иноятидин баҳраманд бўлдилар. Ойнинг ўн еттиланжиси[2080] да жума куни овлаб, Йилон қирининг ғарбий ҳаддида сув канориға тушулди. Ва эртанг кўчулуб, Савганлигаким, Хўжаэлининг ариғининг сақосидур, қушлаб тушулди. Ул кеча Саид *бий* бошлиқ *хўжаэли*нинг *отолиқ*ларинким, ул ҳазратнинг истиқболиға чиқиб, рикоббўслиқға етиб эрдилар, хилъати иноят била сарафроз қилди. Бу мавзеда бир ҳафта мутаваққиф бўлуб, Хўжаэли навоҳисин шикоргоҳи шоҳбози иқбол қилди. **Маснавий:**

Турфа навоҳидурур ул асру кенг,
Ҳиммати арбоби карам бирла тенг.
Сатҳида бир нуқтача бўлмай аён,
Ноҳияти кишвари Ҳиндустон.
Умре агар қилса хирад пў-ю так,
Қатъ эта олмас ани берайбу шак.
Мазраълар анда тушуб даш-дашт,
Борча сазовор ўлуб айларга гашт.
Бешалари воқе ўлуб ҳар қаён,
Таъназани бешаи Мозандарон.
Беша аро ҳар ягочеким бутуб,
Сояси ернинг куррасини тутуб.

[2080] 1222 йил 17-зу-л-қаъда/1808 йил 16 январ.

Шохлари Сидрага пайванд ўлуб,
Реша ўкуз[2081] тукларига банд ўлуб.
Жангали анинг бутуб андоқ ҳужум,
Ким, кира олмас аросига самум[2082].
Ҳар тикани ханжари хунрез ўлуб,
Ёндашур эл қасди тез ўлуб.
Гуллар анга гояту андозасиз,
Кўрунубон эйла ки аҳзар тенгиз.
Зоҳир этиб мавжлар эсгач шамол,
Аҳли газаб жабҳасида Чин мисол.
Анда қомишлар кўкариб найзавор,
Эйла ки қолин сипаҳи найзадор.
Аҳли Орол гул[2083] и биёбон киби,
Ғули биёбон демай, ҳайвон киби.
Маскан этиб бўйла биёбон аро,
Сайр қилиб хори Мўгилон аро.
Не кишилик шахсига ҳамроҳ ўлуб,
Не адабу расмдин огоҳ ўлуб.
Бешалари бирла қомишлар аро,
Гарчи музерр жонвар эрди тўло.
Лек ниҳоятсиз ўлуб ошкор,
Ҳар сифату рангда сайду шикор.
Қирговули чунки учуб ҳар сори,
Кўкни тутуб мисли малах лашкари.
Ер юзида даги ададдин фузун,
От оёқи остида қолиб забун.
Шоҳ бу водий аро тавсан суруб,
Қуш солибон овга қирон еткуруб.
Хайли шикор ичра тушуб шарру шур,
Қушни даги солголи бўлмай зарур.
Қўзголибон ҳар сори аҳли шикор,
Туттилар овни қовубон бешумор.
Журга аро ҳеч киши қолмади
Ким, қовуб ул даштда ов олмади.
Ҳар кун этиб шоҳ шикор ихтиёр,
Бўйла етти кунгача бўлди шикор.

Аммо, аморатинтисоб Қаробаҳодир *миробкимм*, бир бўлак лашкари жаррор била икки ойдин бери Хўжаэлида илғор ётиб эрди, душанба куни шикорда ул ҳазратнинг рикоббўслиқиға мушарраф бўлуб, анинг ўрниға Оллош бек ва Тўшакчи беш даста йиғин била номзад бўлди. Жума куни Шамъун набиким, баъзи тарих аҳли аларни Шамсун Обид битибдурлар ва Манзилихонда мадфундур, аларнинг мақбарасин зиёрат қилиб ва ҳазрат сиёдатмаоб қутб ал-ақтоб Турсун хўжаға хилъати гаронмоя била бир қабза зар назр бериб ва ҳазрат муршидилсоликин Гадой хўжа эшон ва Абди хўжа ва Исомддин хўжа ва ғайриҳумға даги назрлар бериб, дуоларидин маҳзуз ва баҳраманд бўлди. Якшанба куни ойнинг йигирма олтиланжисида Сўвганлидин мурожиат қилиб, Қанглиға яқин шарқий тарафиға тушулди. Сўнгги кун Қориқ кўлин овлаб, кечаси ҳотамлиқ маснадиға ўлтуруб, умаро ва бекларға ҳар кимнинг ўз мартабасиға кўра панжаи эҳсонидин андоқ зарпошлиқ қилдиким, ақл муҳосиби андин ожиз келди. Ва эртанг даги субҳдин то кечағача инъомоти фаровон ва суюрғолоти бепоён била нудамо ва худамо ва аҳли мавкабға маҳзуз ва баҳрамандлиқ еткурди. **Маснавий:**

[2081] Ўкуз (ҳўкиз) – қадимги тасаввур бўйича ер куррасини кўтариб турувчи ҳўкизга ишора.
[2082] Самум – шамол.
[2083] Ғул – дев.

Карам тахти уза шоҳ гуҳар бахш,
Шикор аҳлига бўлди сийму зар бахш.
Бировга айлабон шафқат хазона,
Бировга берди ганжи бекарона.
Бировга от бериб қилди фалактоз,
Бировга кийдуруб хилъат сарафроз.
Қилиб баъзига инъом жавоҳир,
Ғанилиқ кишварида қилди тожир.
Анингдек айлади зарпошлиг шоҳ,
Ки мингдин биридин ақл эрмас огоҳ.
Анингдек қилди изҳори саховат,
Ки Ҳотам руҳига етти ҳаловат.
Кетурмай каф эҳсонига тоқат.
Етушти баҳр бирла конга офат.
Киши қолмай ки базлидин зар олмай,
Зар олмай базлидин бир кимса қолмай.
Эди гам кўнглумизга зулматафкан,
Чироғ шафқатидин қилди равшан.
Илоҳо, то эрур кўк тахти барпо,
Қуёш жамшиди анда маснадоро.
Ҳамиша подшоҳи комронни,
Хидеви асру Жамшиди замонни.
Жаҳон тасхири бирла шодмон эт,
Адолат мулкида соҳибқирон эт.
Атоёсидин эт оламни обод,
Жаҳон аҳлини инъомотидин шод.

Чаҳоршанба куни Қипчоқ *ҳоким* Яхшилиқ *бий* ва Қангли *волий*си Ўрозиқ *бий*ни оқо-инилари била ташорифи иноятидин сарафроз қилиб, рикоби муовидатға муборак қадамин қўюб, Гурлан жонибиға инони отифатин маатуф этти. Ва ихлоспаноҳ Ўрозали *иноқ* Гурлан ҳуккоми била Хизрэлида рикоббўслиқ шарафиға мушарраф бўлди ва ул ҳазратнинг хуршиди илтифоти анга партавафкан бўлуб, якрон азиматин анинг давлатхонасиға сурди. **Маснавий:**

Иноқ*и хирадманд фаррух сияр,*
Ниҳоятдин ортуқ сочиб сийму зар.
Қуммоши хитоий ва жинси фаранг,
Яна борча ажносдин ранг-ранг.
Хаз[2084] *у тос, дебо ва бурди Яман*[2085]*,*
Сақарлоти мовий-ю шол[2086] *и Дакан.*
Тўшаб эрди шаҳ йўлида бешумор,
Ки то шоҳ алар узра қилгай гузор.
Келиб бахт ила шоҳ ферузманд,
Тўшалганлар устига сурди саманд.
Икки соридин шоҳ уза сарбасар,
Сочиг сочтилар беадад сийму зар.
Бу янглиг ўтуб шоҳ ҳар еридин,
Олиб халқ қолмай асар биридин.

[2084] Хаз – ипак мато.
[2085] Бурди Яман – Яман газламаси.
[2086] Сақарлот – мовут. Шол – ҳинд ипак газламаси.

Тушуб шоҳ тахт узра қилди жулус,
Анингдек ки Искандари Файлқус.
Яна борча аъёни ҳазрат тамом,
Тушуб тутти ҳар ким бировида мақом.
Қуёш шоҳи мағрибни айлаб макон,
Кавокиб чарогони бўлғоч аён.
Чарогонлиғ изҳор ўлуб ҳар тараф,
Кеча зулматин айлади бар тараф.
Ясаб хвонни гардун киби зеб ила,
Териб нозу неъматни тартиб ила.
Табақлар бўлуб ош ила лаб ба лаб,
Малик кўргач айлаб емакни талаб.
Солиб мевалар тўшти заррин уза,
Тўкуб нўши жон косаи Чин уза.
Чекилди шаҳи динпаноҳ олдиға,
Яна турлук алвон сипоҳ олдиға.
Юз алвон фаввока келиб юз каррат,
Тўққуз турлук ош келди тўққуз каррат.
Яна мунча юз минг келиб атъама,
Бўлуб қанд бирла муҳайё ҳама.
Бўлуб ақл ҳайрон нишолосидин,
Асал бирла нуқлу мураббосидин.
Агар ҳар бири васфин этсам ҳавас,
Бўла олмағай умрлар васфи бас.

Чоштгоҳғача мундоқ танааум била ишрат сурулди ва зиёфат адосидин ул ҳазратға заррин сарупой кийдирилиб, бир шабдизи барқтоз чекдиларким. **Шеър:**

Жаҳанда эди барқдин тез ҳам,
Жаҳон дашти эрди анга бир қадам.
Бўлуб зини олтун узангиси ҳам,
Лигоми мурасса дафнукиси ҳам.
Жилавдори анинг инонида тунд,
Сабукравлигидин эди ақди кунд.

Ул шабдизға рукуб қилиб, шавкати тамом ва савлати молокалом била панжшанба куни ойнинг салхи[2087] да дор ас-салтанаи Хиваққа нузул қилиб, комронлиғ маснадиға жулус этти ва офтоби ҳузури била фуқаро кўнглига нишот партави етти.

ҲАЗРАТ АЪЛОХОҚОНИЙНИНГ ЖУЛУСИ ҲУМОЮНИНИНГ УЧУНЖИ ЙИЛИНИНГ ВОҚЕОТИ

Ул жумладин, ул ҳазратнинг човдур муонидлари қасдиға наҳзат оҳангин тузмаки ва ул элни мағлуб ва мунҳазим қилиб, мурожиат кўргузмаки

Чун *туркмон*ия тавоифидин *човдур* халқиким, бебоклик аларға зотий ва ҳаромилиқ жибиллийдур, кўп муддатдин бери Орол *ҳоким*и Тўрамурод сўфиға бош қўшуб, анинг муовинати била инод ва саркашлик қилиб, алардин ношойиста феъллар ва нописандида ҳаракатлар зуҳурға етар эрди, ул жамоаи муфсиданинг гушмоли ва танбеҳи учун султони комкор ва хоқони душманшикор, Искандари замон, Сулаймони даврон, аадали салотини олиймақом, афзали хавоқини зу-л-иҳтишом, босити бисот ал-адл ва-л-эҳсон, ҳодами бунён аз-зулм ва-л-исён, ал-мустансир би нусрат ал-малик ал-маннон Абу-л-музаффар ва-

[2087] 1222 йил 30-зу-л-қаъда/1808 йтл 29 январ.

л-мансур Абулғози Муҳаммадраҳим Баҳодирхон *рафааллоҳу аълома шавкатиҳи* мамолики маҳрусанинг атроф ва акнофиға Миррих салобат тавочилар ирсол қилиб, лашкар аҳлининг домани умидларин дироҳими мавфураи эҳсон ва жиби муддаоларин динонири ғайри маҳсураи инъом била мамлу ва машҳун қилди. Хусусан, даргоҳи осмонпойгоҳнинг худдоми жонсипор ва мулозими хизматгузорлариға панжаи илтифот била офтоби дарахшон янглиғ зарфишонлиғлар кўргузуб, баҳравар ва баруманддлиғ еткуруб, оз чоғда асбоби юруш ва олоти уруш мукаммал ва мураттаб бўлди. Таидоти илоҳий ва тавфизоти номутаноҳий била сана минг икки юз йигирма учда раби ал-охир ойининг ўн бирланжиси[2088] да якшанба куниким, аҳсани авқот ва асъади соот эрди, тавсани девзоди париниҳодға рукуб қилиб, умарои олийшон ва шужаои жалодатнишон била аъломи нусратнизомни жилваға киргузуб, дор ас-салтанаи Хивақдин чиқиб, мақсад тарафиға наҳзат кўргузди. **Маснавий:**

Шаҳи Жам нишону Сикандар ҳашам,
Хидеви зафар тожу нусрат алам.
Чиқиб шаҳардин бахту давлат била,
Мулукона ойину ҳашмат била.
Қуёшдек қилиб жилва изҳорини,
Солиб элга диййдори анворини.
Сумми рахши ер натъига нақш уруб,
Ғуборини чарх авжига еткуруб.
Қуёшвор қатъи манозил қилиб,
Шитоб ила таййи мароҳил қилиб.
Тузуб расми марғуб ила кавкаба,
Ниҳоятдин афзун этиб дабдаба.
Суруб ул навоҳигача бодпо,
Ки машҳур исм эрди Оққум анго.
Анингдек дилорову хуррам эди,
Ки ишқида ғилмонга юз ғам эди.
Оқиб ҳар тараф сув салосат била,
Хизр суви янглиғ узубат била.
Битиб ҳар тарафда неча марғзор,
Қилиб файзи бе мунтаҳо ошкор.
Фазоси эди файзгустар басе,
Ҳавоси эди руҳпарвар басе.
Тушуб шоҳ табъига ул ер қабул,
Душанба куни анда қилди нузул,
Нузул айлагач шоҳи соҳиб виқор,
Анга кўкка етти сари ифтихор.

Ҳазрат аълохоқоний ул мавзеда уч кун маснадорои фароғат ва қадаҳпаймои истироҳат бўлди, токим лашкар аҳли йиғналғай. Уч кунгача рояти зафароят зиллиға сипоҳи қоҳира ва афвожи мутакосира атрофу акнофдин гуруҳ-гуруҳ, фавж-фавж келиб, ул миқдор мужтама бўлдиким, ер арконига зилзила тушти ва фалак айвониға ғулғула ёвушти. **Маснавий:**

Бўлуб жам ул навъ хайлу сипоҳ,
Ки топмай ҳисобиға ақл аҳли роҳ.
Бари зўрбозу ва пўлодпўш,
Бари шер неру ва қаплон хуруш.
Бири бир қўшунга бўлуб садди роҳ,
Бири бир жаҳонга бўлур кинахоҳ.

[2088] 1223 йил 11-раби ал-охир/1808 6 май.

Бири қаҳр бирла гар отса каманд,
Фалак шери бўйнига солғуси банд.

Ул ҳазрат бу янглиғ сипоҳи саҳмгин ва лашкари салобатойин била Оққумдин ҳаракат кўргузуб, издиҳоми тамом ва кавкабаи нусратанжом била жума куни Қипчоқни муаскари асокири зафарпаноҳ ва мустақарри ўрдуи саодатдастгоҳ қилди. Сўнгғи куни андин рояти зафароётни жилваға киргузуб, Соллининг сақосин мухайями хайёми аззу иқбол ва музриби боргоҳи сипеҳртимсол қилди. Ул мавзеда уч кун мутаваққиф бўлуб, шикорандозлиқға иштиғол кўргузди. Панжшанба куни андин рукуб қилиб, Хўжаэлини нузули баҳоридин рашки фирдавси барин қилди ва анинг фуқаро ва раоёсин мароҳими подшоҳона била баҳраманд қилиб, жума куни андин кўчуб, Қарокўлга тушти. Шанба куни андин ҳаракат кўргузуб, Таронгғулибоғда чоштгоҳлаб, Қум Чўнгкўлга нузул қилди. Ул мавзеда бир кун таваққуф кўргузуб, душанба куни Мойли Ўзакнинг оёқидаги кўлни лашкаргоҳ этти. Ҳамул кун ҳазрат соҳибқирони гитийситон сипоҳи нусратпаноҳ била *човдур* устиға наҳзат қилиб, суфуфи зафарвуқуфни зобит ясоқчилар ораста ва пийроста қилиб, майманаи маймун ва майсараи мейсурни шужаои кинагузор ва абтоли жалодатшиор била безаб, манглой ва соқасиға қодирандоз ўқчилар таййин этиб, муонидларнинг қалъасиға ёвуқ етиб, ясов чектилар. **Маснавий:**

Бўлуб гурдлар ҳар тараф наърaзан,
Бори шер бозу, бори филтан.
Бедавлар бўлуб ҳар тараф барқтоз.
Паривор сурат била жилвасоз.
Кўрунуб суфуф ичра ҳар ён синон,
Анингдек ки ҳадсиз қолин найстон.
Сипаҳ баҳри ичра тушуб эйла мавж,
Босиб ер юзин не ҳазиз[2089], не авж.
Суруб рахш майдонида аҳли набард,
Тутуб сарбасар кўк юзин тийра гард.

Аъдои махозил дағи камоли жаҳолатдин ҳайъати ижтимо била қалъадин тошқари чиқиб, сипоҳи зафардастгоҳнинг муқобиласида саф тузуб, майдондорлиқ кўргуздилар. Бу тарафдин шужаои шер шикор ва абтоли кинагузор суюфи обдорни ниёми зарнигордин суғуруб, маъракаи корзорға ҳазабркирдор юз қўюб, ҳамалоти мутаоқиб била аъдои хук тийнатни ўз бахти баргашталаридек мунҳазим қилиб, изидин қалъаға киргунча қовуб, теғи хунфишон била муонидлардин кўп кишини бесару сомон қилиб, қалъа тангноиға киргузуб, мутаҳассин қилдилар. Ҳазрат соҳибқирон баҳодирларни илтифоти хусравона ва инъомоти бекарона била баҳраманд қилиб, тўрт кунгача ул навоҳининг экинин ўрдуруб, поймол қилдилар. Бешинчи куниким, жумода-л-аввал ойининг ғурраси[2090] шанба куни эрди, мухолифлар кўрдиларким, барча экин ва зироатлари поймоли марокиб ва дастфарсуд мавокиб бўлмиш. Умидлари хирманин маҳрумлиқ барқи била куйдириб, ғалабаи тамом била қалъадин чиқиб, асокири нусратмоасир тарафиға фидоийвор ҳамлалар била ўзларин еткурдилар. Сипоҳи зафарпаноҳ дағи шижоати тамом ва жалодати молокалом била аъдо гуруҳиға мутаважжиҳ бўлуб, маъракаи корзор андоқ гарм бўлдиким, майдони муқотила муонидлар қонидин нарм бўлди. Баҳодирлар мухолифларға андоқ қилич урдиларким, овози фиғон ва нолаи фарёдларин фалак зурвасидин ошурдилар. **Маснавий:**

Кириб гурдлар хайли аъдо аро,
Наҳанги дамондек ки дарё аро.
Чекиб қаҳру кин бирла бурранда тег,
Тўкордин адув қонин этмай дариг.

[2089] Ҳазиз – қуйи, паст, тубан.
[2090] 1223 йил 1-жумода-л-аввал/1808 йил 25 май.

Бори хасмга теги буррон чекиб,
Адув ҳам булар қасдига жон чекиб.
Топиб ул сифат ҳарб ўти илтиҳоб,
Ки бўлди анга хасм боғри кабоб.

Чун бироз фурсат бозори муқотила гарм ва харид ажал арзон бўлди, сипоҳи нусратпаноҳ бозуи шижоат ва неруи муборизат била лашкари залолатасарнинг сафи истиқоматиға шикаст еткуруб, мағлуб ва мунҳазим қилдилар ва изидин ўлдура-ўлдура қалъасиға киргузуб қабодилар. Ул урушда сипоҳи мансурадин Яқуб хўжанинг навкаридин бир киши ва Шағол маҳрамнинг дастасидин бир киши ва *явмут* гуруҳидин икки кишига милтуқ ўқи тегиб, шаҳодат топтилар. Ва Дўрмон йигит ва Худойназар қоқ ва икки *явмут* захмдор бўлдилар. Ҳазрат соҳибқироний аркони давлат ва аъёни ҳазратнинг хоҳиш ва илтимоси била ул ердин инони азиматин мурожиат тариқиға маатуф этиб, душанба куни Куҳтан қалъасининг шарқий тарафидаги кўлнинг канорин муаскар қилди. Ул мавзеда икки кун таваққуф кўргузуб, муонидларнинг қирнинг этагидаги экинин поймол ва нобуд қилдируб, панжшанба куни андин кўчуб, Таронгғулибошға нузул этти. Жума куни андин наҳзат кўргузуб, Хўжаэлини мухайями иқбол ва муқарри сиродиқоти ижлол қилди. Якшанба куни[2091] Хўжаэлидин саманди тезгоми давлатға рукуб қилиб, қатъи манозил ва таййи мароҳилдин сўнг сешанба кечаси тонг қорнғуси[2092] да давлат ва иқбол била дор ас-салтанаи Хиваққа нузули мусаррат вусули файзидин таровоти тоза ва низорати беандоза бағишлади.

Ҳазрат подшоҳи соҳибқиронийнинг човдур муонидларининг гушмолиға иккинчи мартаба юруш қилғони ва ул жамоаи муфсида сарсар ҳаракатидин санггак хайли гўшаи ихтифода ёшуринғондек бу хабар вусулидан Қўнғрот қўрғониға қочиб киргани. Ва ул ҳазрат инони азиматин *қароқалпоқ*ия тасхириға маатуф этиб, қайди инқиёдга чеккани ва қўнғрот тоғийлариға гушмоли балиғ бергани

Ҳазрат султони комкор ва хоқони зу-л-иқтидор, аврангзеби мулки Хоразмшоҳий, сояпарвари чатри зиллилоҳий. **Назм:**

Шаҳи хуршид тожу осмон тахт,
Жаҳонгиру жаҳондору жавонбахт.
Сариророи мулки подшоҳий,
Жаҳон аҳли уза зиллилоҳий.
Фаридун ҳашмату Жамшид шавкат,
Сикандар қудрату Баҳром савлат.

Аъни, подшоҳи соҳибқирон ва халифат ар-раҳмон, муизз ад-давлат ва-с-салтанат ва-д-дин Муҳаммадраҳим Баҳодирхони *рафааллоҳу аълома давлатиҳи ва маддаллоҳу салтанатаҳу* ҳамул йил Орол юришиға ўз нафаси нафиси била рукуб қилди. Бу сафарға аввалғи сабаб улким, Орол *қароқалпоқ*ининг баъзиси сидқу ихлос юзидин аризадошт юборур эрдиким, агар мавкаби кайҳонпўй бу фуқарои саҳронишин тафаққудиға бодияпаймолиқ қилса ва аъломи зафаранжом бу ғурабои ҳасратгузин талаттуф[2093] иға шиққа[2094] намолиқ этса, Тўрамурод сўфи *хазаллоҳу маа-л-муфсидин*нинг тасаллутидин бехавотир кўчуб, бодияйи ҳимоятларида хайёми иқомат барпо қилиб, дуои давлатиға машғул бўлур эрдук. **Шеър:**

Ташриф келтур эй шоҳ бандангга сори карамдин,
Сен келмасанг на мумкин топмоқ нажот ғамдин.
Ҳар ёнга ҳукм қилсанг фармонбаринг эрурмиз,
Биз бош била юрурмиз азм этса эл қадамдин.

[2091] 1223 йил 8-жумода-л-аввал/1808 йил 1 июн.
[2092] 1223 йил 10-жумоди-л-аввал/1808 йил 3 июн.
[2093] Талаттуф – меҳрибонлик.
[2094] Шиққа – йўл, чора.

Иккинчи сабаб улким, Янгиқалъа корвонидинким, ул қалъа Рус куффорининг тасаллут ва тағаллуб била *қазоқ*ни кўтариб, Отил канорида бино қилғон савдохонасидур, бир бўлак Хоразм корвониким. **Маснавий:**

Зару сийм бирла тўлуь юклари,
Жавоҳир сануфиға ҳомил бари.
Хитоий қуммош андадур беҳисоб,
Фарангий матоиға худ не ҳисоб.

Шаввол авохири[2095] да ул қалъадин чиқиб, *қазоқ* тавоифидин *тобин* элининг савдогари била келур эрди. Кўҳна Вазирға етганда *човдур* халқиким, ҳаромийлиқ аларға жибиллийдур, хабар топиб, корвонға қасд эттилар. Корвон аҳли дағи юкларидин қўрғон эгириб, саккиз кун муҳориба қилиб, отқулаштилар. Ва айтурларким, қўрғошин туганиб, икки кун мис ва кумушдин ўқ ясаб отибдурлар. **Маснавий:**

Чиқиб гоҳ алар разм этиб тунду тез,
Алар размидин душман айлаб гурез.
Гаҳе душман айлаб аларга ҳужум,
Анингдек ки Парвинга хайли нужум.
Агарчи адув ҳар неча сурди от,
Пиёда алар еткуруб қилди мот.

Тўққузланжи кун *қўнгрот*дин Эшмуҳаммад бек кўп киши била *човдур* имдодиға келиб, саркуб кўтариб, корвон аҳлин асру отқулаб, иш буткара олмади. Оқибат ал-амр ҳийла юзидин сулҳ сўзин ароға солиб, бож талаб қилдилар ва корвон аҳли сувсизлиғдин назъ ҳолатиға етмиш эди, сулҳға ризо бердилар. Бу васила била ҳаромийлар корвон аросиға кириб, торож қилдилар. Бу хабари ваҳшатасар ул ҳазратнинг самъи шарифиға етиб, юруш яроғининг саранжомиға ҳукми олий содир бўлди. Аморатпаноҳ Каримберди *оталиқ* била рафежойгоҳ Муҳаммадризо *қўшбеги* Марв атрофида ўлтурғон *така* ва *соруқ* саркашларининг чаповулидин келган сўнг лашкари жаррор ва сипоҳ хунхор иҳзори учун мамолик атрофиға баҳромсавлат ва миррихсалобат тавочилар юборди. Ва азимушшаън амирлар ва олиймакон сипаҳдорлар ва гардунтавон баҳодирларға инъомот ва эҳсоноти мутакосира била сарафрозлиқ еткурди. Ва таҳҳияйи асбоби сафар вазири аъзам, дастури мукаррам, низом ал-мулк ва-д-дин Юсуф *меҳтар* ва Ёрмуҳаммад *девонбеги*га тааллуқ тутти. Ва умдат ал-умаро, зубда ал-кубаро, ғиёс ал-мулк ва-л-миллат ва-д-дин Қутлуқмурод *иноқ маддаллоҳу зилола иқболиҳи ала ал-ақтор ва ал-офоқ*ни шаҳарда *нойиб* қўюб, анинг хизматида Хўжамурод *бий* ва Муҳаммадамин *оқо* ва Муҳаммад *арбоб*ни тайин қилди. Ва Хуросон йўлларининг муҳофазатиға амири мушориилайҳнинг навкарларин Искандар хўжаи Бекободий бошлиқ муқаррар қилди. Ва зу-л-қаъда ойининг йигирма учи[2096] да душанба куни ва офтоби оламтоб Далв буржида эрди[2097]. **Назм:**

Турфа муборак кун эди дилкушо,
Шоҳу сипоҳ аҳлиға мушкилкушо.
Соати ҳам асъади соот эди,
Вақти даги аҳсани авқот эди.
Ҳар ким агар айласа ул кун сафар,
Ёри бўлур фатҳу иниси зафар.
Лекин эди муфсиду ёғийға наҳс,
Шоҳ диёри аро ёғийға наҳс.

Чоштгоҳда иродат қадамин азимат рикобиға қўюб, анжум шоҳидек фалакпайкар ва малакманзар тавсани девзоди париниҳодға рукуб қилиб, Хивақ дор ас-салтанасидин дабдабаи тамом ва кавкабаи молокалом била чиқти. **Шеър:**

[2095] 1223 йил 25-шаввол/1808 йил 14 декабр.
[2096] 1223 йил 23-зу-л-қаъда/1809 йил 11 январ.
[2097] Декабрь ойи.

Шавкати бирла чиқти шоҳи жаҳон,
Бўлди минг кўз била фалак ҳайрон.
Чун фалак ҳайрат айласа зоҳир,
Мен нечук шарҳига бўлай қодир.

Хуфтон чоғи Анбар қалъасинким, ўз хосаи шарифасидур ва меъмори илтифоти била маъмур ва ободон бўлуб эрди, нузули мусаррат вусули била рашки гулистон ва ғайрати фирдавси ризвон қилди. Қутлуқмуҳаммад бек ибн Ҳасанмурод *отолиқ* ва Қиличниёз валади Мирали *девонбеги*ким, хосаи шарифаға мушарраф эдилар, писандида хизматлар қилиб, алтофи хусравонаға махсус бўлди. Офтоб тулу этгандин сўнг ҳазрат соҳибқирон қалъаи мазкурдин отланиб, Қипчоқ қалъасининг ғарб жонибида кирёси гардунасос ва боргоҳи фалак даргоҳғаким, бурунроқ келтуриб барпо қилиб эрдилар, келиб тушти. Қипчоқ *волий*си Яхшилиқ *бий* валади Оллоҳберди бийким. **Маснавий:**

Эди ҳусн мулкида соҳиби сарир,
Бўлуб Юсуф оллида фармонпазир.
Санувбарқад эрди-ю, хуршидчеҳр,
Қадди ноз зоҳир қилиб, юзи меҳр.
Лаби лаъли серобу ёқут ноб,
Вале эрди жонбахши жисми хароб.
Огиз чашмаи обиҳайвон бўлуб,
Ҳамул чашмадек лек пинҳон бўлуб.
Кўзи қон тўкуб тири мужгон била,
Улус шавқида бош бериб жон била.
Бошидин оёқи эди яхшилиқ,
Келиб жавҳар зоти яхши қилиқ.
Бори васфин айтсам муфассал бўлур,
Қалам мақсадида муаттал бўлур.

Оқо ва иниси била ва Ўрозиқ *бий қангли* аҳолиси била шойиста хизмат қилиб, иноёти хусравона била сарафроз бўлдилар. Ва панжшанба куни ҳашамати тамом била бодпойи бодияпаймоға рукуб қилиб, Йилонқирининг ғарбий доманасин мухайями хайёми майманатанжом ва муаскари асокири зафарилтизом этти. Бу мавзеда сипоҳи нусратпаноҳ ва лашкари зафарпарвар атроф мамоликидин гуруҳ-гуруҳ, фавж-фавж келиб, андоқ издиҳом бўлдиким, агар биров қўшидин чиқса, қайтиб топмоқ маҳол эрди. **Назм:**

Анингдек черик жам ўлуб беадад,
Ки топмас ҳисобиға ақл аҳли ҳад.
Ададда тенг ўлмай фалак анжуми,
Фалак анжуми йўқ, биёбон қуми.
Бори гурду девафкану сафшикан,
Масоф ичра Рустам киби таҳмтан.
Бори чобуку зўрбозу келиб,
Набард ичра андоқки Барзу келиб.
Бори гарқи дарёйи пўлод ўлуб,
Салаҳшурлиқ ичра устод ўлуб.
Шижоат шиору баҳодир бори,
Сафорову соҳиби таҳаввур бори.
Бори қўлларида синони ажал,
Тура олмайин оллида Сомнян.
Қилич чексалар ёв куни тунду тез,
Қилур ваҳмдин Тусу Навдар гурез.
Урарда амуду отарда каманд,

Келиб ҳар бир андоқки фўлодманд.
Ўқ отмоқда кўргузсалар гар ҳунар,
Кеча дийдаи мўрга ўқ урар.

Ҳамул мавзеда шанба куни моҳи мазкурнинг йигирма саккизинчиси[2098] да фақирға оризае ҳодисат бўлуб, бистари маразға йиқилдим. **Шеър:**

Касал етурди гулистони сиҳҳатимга ҳазон,
Таксар ўлди кўзум нурига, кўнгулга футур.
Белимда қолмади қувват, танимда тобу тавон.

Ҳам бу кун *човдур* муонидлари ҳазрат подшоҳи анжумсипоҳнинг алар қасдиға юруш қилғонин эшитиб, Тўрамурод сўфи имдоди била ўз қўрғонин ташлаб, махзулвор ғояти изтирор ва камоли инкисор била қочиб, Қўнгрот қалъасиға қаболғони ва Янгиқалъада қолғон корвоннинг саломат келур хабари ул ҳазрат мулозимларининг самъи шарифиға етиб, Ўрозали *иноқ* ва Олллош бек ва Муҳаммаджон бекни ўзлариға тааллуқ черик ва навкарлари била *явмут* сипоҳин қўшуб, корвон олдиға бодолға қилиб юбордилар. Алар корвонни манозили мухотирадин ўткариб, Қарошафақ қайирида утбабўсликға мушарраф бўлдилар. Ва яна бу кун Ўроз Баҳодир ва Одам Баҳодир валадони Абдуллоҳ *сардор* ва Оллоҳназар Бажақийким, фақирнинг элидиндур, бир бўлак баҳодир ва шужо йигитлар била шаҳарда ул ҳазратдин рухсат ҳосил қилиб, Қўнгрот чаповулиға бориб эрдилар, Ўрозали киётнинг инисининг уйин ғорат этиб, ўғли ва кишиларин теғи қаҳр била ўлдуруб, бошларин ғаноими касира била келтуруб, авотифи бекарона била ўз ақронидин мумтоз бўлдилар ва ҳадиси «ризқларининг очилиш-калити найзалари остидадир[2099] » натижасин кўрдилар. **Шеър:**

Улки хизматда устивор бўлур,
Эл аросида бахтиёр бўлур.
Кимки жондин кечиб чекар меҳнат,
Очилур юзига дари давлат.

Ул ҳазрат бу вақоеи дилкушо вуқуидин масрур бўлуб, ҳазрат подшоҳи алал-атлоқ[2100] даргоҳида ниёзмандлиғ бошин убудият туфроқиға қўюб, шукр ва сано замзамаси била муборак тилин гуҳарбор қилди. **Қитъа:**

Шаҳриёрим ки ҳақ иноятидин,
Давлату жоҳи бекарон топти.
Бо вужуди тажаммулу рифъат,
Ўзини хоки остон топти.
Бандалик туфроқига юз қўйди,
Ажз аро ўзни бенишон топти.
Юз тазарру била хужаста тилин,
Тангри шукрига нуктарон топти.
Бу жиҳатдин эдики олам аро,
Ҳар на коми эди равон топти.
Ҳар иши ким шуру қилди анга,
Ўзин ул ишда комрон топти.

Ва дағи бу кун Саид хўжа *бий* бошлиқ *хўжаэли*нинг ашроф ва аҳолиси ва Хўжаэли навоҳисида ўлтурғон *қароқалпоқ*иянинг машоҳир ва аъолиси истиқбол қилиб, тансуқот ва пешкашлар била остонбўслиқ-

---

[2098] 1223 йил 28-зу-л-қаъда/1809 йил 15 январ.
[2099] Ҳадисдан.
[2100] Озодлик ато этувчи Оллоҳ.

ға еттилар. Душанба куни кўчуб, дарё савоҳилин қушлаб, Сўвганли сақосида боргоҳи гардуништибоҳға наҳзат қилилди. Ул мавзеда баданимда мараз ва йўл азоби музоиф бўлуб, заъфим иштидод топиб эрди, рухсат била ўтуб, Хўжаэли қалъасиғаким, ул халқ ҳазрат подшоҳнинг давлатидин фақирға мутааллиқ элдур, бориб нотавонлиғ бистариға йиқилиб ва то йигирма кунгача бехуд ётдим. Ва иёдатға келганлар мандин илик ювуб, навҳа била чиқибдурлар. **Маснавий:**

Ўзумдин бордим андоқ кеча-кундуз,
Ки субҳу шомни фарқ этмадим туз.
Иёдат аҳлини фаҳм этмадим фаҳм,
Мени кўрган ўлар деб айламиш ваҳм.

Йигирмаланжи кун Тангри карами била дарвишлар истионатидин касалим бир нима тахфиф топиб, ўзумга келдим. Йигирма учланжи кун иним Эрниёз фақирни аробаға солиб қайтти. Уйга келгандин сўнг ўн икки кунда сиҳат топиб, оёқ устиға турдим. Алҳамдилиллоҳиллази яҳё ал-мавто[2101].

Юз шукр ки воҳиб ал-атоё,
Сиҳат баданимда қилди пайдо.
Заъф ўлди саҳиҳликка мақҳур,
Дард ўлди таним диёридин дур.

Зу-л-ҳижжанинг учи[2102] да панжшанба куни ул ҳазрат Сўғанлидин ҳаракат қилиб, Қарошафақ қайирин нузули мусаррат вусули била беҳиштойин қилди. Бу юртда *қароқалпоқ*иядин Мақат *бий* ибн Эсанкелди *маҳрам* сидқ юзидин ва Ҳасан бойнинг элчиси Саййид бек Қўшкўпрукий билаким, ани Йилон қирида *қароқалпоқ*ға элчи қилиб юбориб эрдилар, келиб шойиста пешкашлар ўткариб, бандалик юзини боргоҳи олампаноҳ даргоҳиға қўюб, навозиши шоҳона била баруманд бўлдилар. **Рубоий:**

Шоҳо караминг баҳре дурур тўфонхез,
Лутфинг кафи эл боши уза гуҳаррез.
Хоре ки сенинг даргаҳингга қўйди бошин,
Дайҳими иноятинг била бўлди азиз.

Ва *манқит* зубдаси Аваз *иноқ*ни Хивақ музофотининг черики била Хўжаэли муҳофазатиға юбориб, Омуядин жиср боғлаб, Кенгқайирни лашкаргоҳ этти. Бу ерда черик сўнгин йиғнаб, сешанба куни Қўлёрғон ариғининг қироғиға тушулди. Бу юртда Мақат *бий*нинг эликим, минг уйлук *қароқалпоқ* эрди, саодат раҳнамунлиғи била бандалик рибқасин рубақалариға солиб, кўчуб келдилар. Ул ҳазрат аларға навозиш қилиб, Хўжаэли ноҳиятида ўтлоқ ва ёйлоқ марҳамат этти. **Қитъа:**

Саодат аҳлидур ул қавмким замон шаҳига,
Мудом итоат этиб, бағийдин мубарродур.
Итоат аввалидур тузлику сўнгги тоат,
Итоат айла ки бу икки иш муҳайёдур.
Киши ки тузлик ила итоат ўлса анинг иши,
Саодати абадий зотида ҳувайдодур.

Ва *Ҳасан бой* эликим, кўп йилдин бери Тўрамурод сўфи ҳимояти била касрат жиҳатидин мағрур бўлуб, фасод ва туғёни инод ва исён шамотати замири шақоват пазирлариға жойгир, балки зоти касофат оётлариға жибиллий бўлуб эрди, итоат қуллодасиға мутақаллид бўлмоқдин пушаймон бўлуб, тамаррут тариқи била Қўнгрот тарафиға фирорий бўлдилар. **Маснавий:**

[2101] Ўлукни тирилтиргувчи Оллоҳга шукрлар бўлсин.
[2102] 1223 йил 3-зу-л-ҳижжа/1809 йил 20 январ.

Ул ки тамаррyд йўлида қилди сайр,
Бўлмас анинг саъйида осори хайр.
Ҳар сори юз қўйса кўрар шумлуқ,
Коми таманносида маҳрумлуқ.
Бошиға пару зийн идборрез,
Гарди мазаллатдин ўлур хокбез.
Жоми фароғатға агар топса даст,
Муҳтасиби чарх берур бот шикаст.
Моли адув хайлиға торож ўлур,
Юртдин охир ўзи ихрож ўлур.
Ётибон теги бало бошиға,
Қатл бўлур ул иши подош[2103] *иға.*
Чун бу жаҳонда бу дурур ҳолати,
Охират ичра на бўлур қисмати.

Йўлда нопок воҳималариға хавфу тарс ғолиб бўлуб, амвол ва мавошилариға боқмай, истижол била қочтилар. Аксари амвол ва мавоши бу жиҳатдин талаф бўлди. Ҳам бу манзилда баҳодирлардин биров бир шери ғўррандаким. **Назм:**

Ҳазабр афкану бабр чангол эди,
Фалак шери андин табаҳ ҳол эди.
Келиб жуссаси қуллаи куҳваш,
Қилиб ҳайъати шаклидин бабр ғаш.
Чекиб хомаи сунъ ила кирдигор,
Бошидин оёқиға нақшу нигор.

Қирон қирининг навоҳисидин сайд этиб, даргоҳи олампаноҳға келтурди. Асокири зафармаосар Кўлёрғон наҳридин ҳаракат қилиб, *манқит* юртида боргоҳи иқбол ва сарпардаи ижлолни барпой қилиб, Каримберди *отолиқ* ва Абдуллоҳ *иноқ* ва Хўжаш маҳрамни ўзлариға тааллуқ сипоҳ ва навкарлари билаким, разм майдонин базм маснадиға таржиҳ қилурлар эрди, *қароқалпоқ* кўчининг изидин буюрилди. Аммо алар етуша олмайин, хабар топиб келдиларким, аъдои саргашта ва хусамои давлат баргашта Қўнғрот қўрғониға яқин Самиъбор қалъасиға бориб, куран қилибдурлар. Бу мавзеда жунуди нусратвуруд атрофға тохту тоз қилиб, *қароқалпоқ*ия тоғийларининг бениҳоят амвол ва тавор ва мавошилари била ғаллаларин топиб олдилар.

Ул ҳазратнинг Қурбон кечаси маснади ишратда ўлтуруб, ийдона базм тузгани ва қурбонлиқ қонидек шарбати гулгун шурбиғаким, *нашаи шаробан таҳуран* андин нашиён қилур, майл кўргузгони. Бу базми нишотафзони таъриф қилмоқ ва бу нишоти дилкушони тавсиф этмак

Чун фарроши қазо фалак нигорхонасиға туннинг анбарин бисотин тўшади ва дейжур шабистонида ой машъалин равшан қилди ва савобит ҳижланишинлари ишраткадаи зуҳурда ўлтурдилар ва сипоҳ ходимлари хизмат кейнида ҳар тараф югурдилар ва Суҳо ҳиндубаччаси чойжўш фалакни илгига олди ва чарх суфракаши хвони зарандуди каҳкашонни китфига солди, ҳазрат соҳибқирони гардунтавоннинг фармони вожибилизони била мажлис тартиб бердиларким. **Маснавий:**

Сафо аҳли замиридек мусаффо,
Паривашлар жамолидек дилосо.
Назоҳат анбаридин сунбилистон,
Латофат настаринидин гулистон.

[2103] Подош – мукофот.

Ҳавосидин димоғи жон муаттар,
Насимидин кўнгуллар атрпарвар.
Чароғон машъал иқбол бирла,
Мунаввар партави ижлол бирла.
Хўтан хушбўй дуди мажмаридин,
Эрам дилжўй зебу зеваридин.
Сафосидин хижил жаннат қусури,
Тамошосида ҳайрон равза ҳури.
Бисоти барча қолин мулямма,
Фарроши барча ажноси мурасса.
Қурулғон анда авранги зубаржад,
Жулус айлаб анга шоҳи мўйяд.
Кийиб ийдий либоси подшоҳий,
Ўтоға бошида зиллилоҳий.
Қуёш жамшиди янглиғ пой то фарқ,
Бўлуб зийнат била олтун аро ғарқ.
Топиб махсуслар оллида қурбат,
Қилиб сархуш аларни завқи ишрат.
Гаҳе шаҳ қўлга олиб жоми ийдий,
Ичиб шарбат била хурмо набиди.
Муқаррибларга ҳам лутфи тутуб жом,
Карамдин айлади саршори инъом.
Гаҳе гулчеҳра ходимлар фаровон,
Арога келтуруб ҳар лаҳза юз хвон.
Муҳайё атъама ҳар бирда юз ранг,
Алардин айлабон завқ аҳли фарҳанг.
Гаҳе келтурдилар кўп шираи зар,
Тўла турлук фаввокадин саросар.
Гаҳе келтурдилар бўшқоб[2104] и заррин,
Тўла шаҳду шакар, ҳалвои қандин.
Емак-ичмакдин олиб иштаҳо ком,
Тановул айламакдин топғоч ором.
Китоб очтилару қилдилар изҳор,
Маонийда нукоти диққатосор.
Топиб ҳар бир иборатдин маоний,
Фасоҳат аҳли табъи хурдадон[2105] ий.
Гаҳе тафсирдин айлаб суолот,
Гаҳе илми ҳадис ичра мақолот.
Гаҳе фиқҳ ичра зикр айлаб масоил,
Аларға дамбадам ортиб фазоил.
Гаҳе ҳал айлаб ишколи ақоид,
Ақидот ичра топиб ҳар мақосид.
Гаҳи ҳикмат сўзига айлаб иқдом,
Бўлуб равшан аларга барча аҳком.
Гаҳе илми калом ичра этиб жадд,
Қилиб ҳосил калом ичра қавоид.
Гаҳе ҳосил қилиб файзи тасаввуф,
Тасаввуф илмини айлаб тасарруф.
Гаҳе фош айлаб ихлоқ ичра игроқ,
Кўнгулга ўрготиб таҳзиби ахлоқ.

[2104] Бўшқоб – товоқ.
[2105] Хурдадон – нозик масалаларни билувчи.

Гаҳе тарих сори кўргузуб майл,
Қилиб маълум аҳволоти ҳар хайл.
Бўлуб ашъордин гоҳи сухансанж,
Фасоҳат ичра сочиб ҳар бири ганж.
Қилиб баъзиси тадқиқи бадое,
Этиб баъзиси таҳқиқи саное.
Очиб гоҳи муаммаонинг тилсимин,
Баён қилдилар истихрож исмин.
Бадиҳа ичра гоҳ айлаб тааммул,
Назокат гулшанидин тердилар гул.
Вале вақт аро султони олам,
Борин қилди балогат бирла мулзам.
Бу янглиғ ишрат айлаб то саҳаргоҳ,
Муқарриблар била шоҳи фалакжоҳ.
Фиғонким чархи бад меҳру жафокуш,
Мани қилмиш бу суҳбатдин фаромуш.
Сипоҳ аҳли даги айлаб чароғон,
Муаскарни шабистони фалаксон.
Топиб анво тазйин ўрдабозор,
Анингдекким баҳор айёми гулзор.
Муалло хиймаву хиргоҳларда,
Муҳаққар қўшлару бўнгоҳларда.
Нишот аҳливу арбоби маишат,
Муҳайё айлаб асбоби маишат.
Кийиб сар то қадам ийдона хилъат,
Дема ийдона, жамшидона хилъат.
Тараб ичра топиб ўз муддаосин,
Мукаррар қилдилар шаҳнинг дуосин.

Чун қуёш қурбони Исмоил қўчқоридек субҳи ғайбхонасидин намоён бўлди, агарчи сафар аҳлиға шаръи шариф ҳукми била қурбон қилмоқ жойиз эрмастур. Ҳазрат подшоҳи динпаноҳ «садақа балоларни йўқотур ва ишларга ривож берур» муқтазосидин камоли ҳиммат ва хулуси ният била бениҳоят тева ва уй[2106] ва қўйларни зибҳ этиб, фуқаро ва масокинға нафақа қилди. Аксари аъёни ҳазрат ва аркони давлат ҳам мувофиқат кўргузуб, забоихдин лашкаргоҳни тўлдирдилар. Шанба куни ойининг ўн иккиси[2107]-да Киркировук каноринким, ул наҳрни *Ўкуз* кетган ҳам дерлар, мухайями хайём майманатанжом эттилар. Ҳамул кун баъзи мутажандаким, шижоат майдонида Рустам ва Асфандиёрни манзур қилмаслар эрди, ул ҳазрат ҳукми ҳумоюни била Қўнғрот қўрғонининг атрофиға ва *қароқалпоқ* куранининг акнофиға чаповул уруб, кўп асир дастгир қилиб, бениҳоят мол ва ғаноим била келиб, авотифи хусравона ва мароҳими подшоҳона била мумтоз бўлдилар. Ва фармони қазожараён судур топиб, вазири аъзам ва дастури мукаррам, низом ал-мулк ва-д-дин Юсуф *меҳтар* била аморатпаноҳ, эсолат дастгоҳ амири сойиб тадбир Муҳаммадризо *қўшбеги* жаҳди тамом ва сайъи балиғ кўргузуб, наҳри мазкурға кеча била жиср боғладилар.

Ҳазрат соҳибқирони кайвонмаконнинг Ҳасан бой эли куронин муҳосира қилиб, сафоролиғ қилғони ва ул жамоанинг куронни бузуб, бандалик туфроқиға йиқилғони

Якшанба куни ойининг ўн учи[2108] да *амир* Абдуллоҳ *иноқ*ни ўн тўрт уруғ черики била ҳировул қилиб илгари юбориб, лашкари қиёматасар жисрдин убур этиб, издиҳоми тамом ва ғалабаи молокалом била

[2106] Уй, от – уюр, йилқи.
[2107] 1223 йил 12-зу-л-ҳижжа/1809 йил 30 январ.
[2108] 1223 йил 13-зу-л-ҳижжа/1809 йил 31 январ.

ҳаракат эттиким, ер куррасиға зилзила тушти ва марокиби сарсархиром гардидан қуёш миротиға тийралик етушти. **Маснавий:**

Эйла қўзғолди лашкари жаррор
Ким, урар мавж лужжаи заххор.
Қилибон ерни гарди сумми сутур,
Қилди байзо юзига монеи нур.
Дашту саҳро юзин сипоҳ тутуб,
Чарх сатҳини гарди роҳ тутуб.
Адад ичра кўк анжумидин кўп,
Мўр хайливу ер қумидин кўп.
Барча размозмо-ю, бабршикор,
Барча филафкану ҳазабршикор.
Барча бошдин-оёқ салаҳ аро ғарқ,
Салаҳ ичра кириб қадам то фарқ.
Ҳам мусаллаҳ уруш яроғи била,
Ҳам мукаммал юруш яроғи била.
Бу сипоҳ ичра шоҳи чарх сарир,
Эйлаким, анжум ичра меҳри мунир.
Азм этиб шавкати тамом била,
Даврида онча издиҳом била.
Боши устида рояти нусрат,
Кўргузуб ҳар дам ояти нусрат.
Яна ҳар хайл туғи жилва қилиб,
Фатҳ янглиғ яловлари очилиб.
Аҳли фасод сори юз урди,
Қароқалпоқ *устига юрди.*

Мундоғ дабдабаи дўстнавоз ва кавкабаи душмангудоз била келиб, *қароқалпоқ* куронин қабаб, алар била Қўнғрот қўрғонининг орасиға мушриф сафлар рост қилдилар ва асбоби разму олоти ҳарбни муҳайё қилиб, табли жангни садоға киргуздилар. **Маснавий:**

Алам остида шоҳи соҳиби виқор,
Тамаккун топиб қуллаи кухвор.
Ясору йамин сафлар ораста,
Ливолар суфуф ичра пийроста.
Амире туруб ҳар ливо остида,
Синон илкида, бодпо остида.
Кабурга садоға кириб, кўс ҳам,
Фалакни кар айлаб уни дамбадам.
Таҳмтанлар ул сори солиб сурон,
Ки муфсидлар этмиш эдилар курон.
Баҳодир йигитлар чекиб интизор,
Ки бўлғой қачон хасм ила корзор.
Очиб кўз адув сори шамхоллар,
Ки чиқғой қачон ул табаҳ ҳоллар.
Қанот очиб ўқлар кириб ёй аро,
Ки қилғой қачон хасм сори ҳаво.
Қиличлар дамин тез этиб бехилоф,
Ки этгай қачон хасм бағрин шикоф.
Синонлар узун тег ила жилвагар,
Ки қилгай қачон хасм қонин ҳадар.

Чун фасод аҳли бу мансубаи ҳоила ва воқеаи воҳиани мушоҳида қилдилар, ўзларин зарра тасаввур қилдилар байзо зуҳурида ва қатра хаёл эттилар дарё ҳузурида. Маозоллоҳ, агар ғазаб сарсари дарёйи муҳорибаға тамаввуж еткурса, алар кулокиға на шуҳуд ва қаҳр тунбоди оташкадаи муқотилаға доман урса, алар хошокиға на вужуд. **Қитъа:**

Биров Сикандар ила истаса муқобиллик,
Тилар жаҳолат ила ўз вужудини маъдум.
Қаронгғу кечада шабтоб агарчи рахшондур,
Вале қуёш қошида ҳолати бўлур маълум.

Тамарруд ва исёндин тавба қилиб, ақл раҳнамунлиғи била бўюнлариға теғ ва кафан осиб чиқиб, ҳазрат соҳибқирон якронининг наълайнини ўпуб, шармсорлиғ юзин инкисор туфроғиға қўйдилар. **Байт:**

Теги қаҳрингдин омон топмоқ на имкон хасмга,
Қилмайин даргоҳи гардун иштибоҳингни паноҳ.

Ул ҳазрат камоли ҳилм ва ғояти карамдин «қудратли Оллоҳ олдида афв қадрли ишлардан саналади[2109]» муқтазоси била олам-олам нуқсонларин маоф этиб, жаҳон-жаҳон гуноҳларин пардаи иғмозға чекти. Ва Ҳасан бойким, бу воқеа вуқуидин бурун Тўрамурод сўфидин мадад тилай Қўнғротға бориб эрди, ўз элининг можаросин англаб қочиб келди ва камоли хижолат била мазиллат туфроқиға йиқилди. Ул ҳазрат анинг ҳам носияйи аҳволиға афв рақамин чекиб, ёрлиғ қилдиким, кўчсунлар. Ул қавми касир Ҳасан бой бошлиғ жон била фармон тутуб, куронни бузуб, кўчмакка шуру эттилар. Бовужуди касрати аёл ва атфол, молу мавошилари била чапчурғасиғача қўймайин, аср вақтиға қолмай кўчтилар. Ва ҳазрат аълохоқоний алар ақабиға миррихсалобат судовуллар қўюб ва инони отифатин лашкаргоҳға маатуф этиб, кирёси гардун асосға наҳзат қилди. Ва эртанг душанба куни Қўнғрот қўрғонининг устиға отланмоқ муқаррар бўлди. Бу жиҳатдин баҳодирлар ва сипаҳдорлар кеча ётмайин, уруш яроғин тузатмакка иштиғол кўргуздилар. **Назм:**

Сипоҳ аҳли қилмай кеча майли хоб,
Яроқ иҳтимомига қилди шитоб.
Бурун от ишида қилиб иҳтимом,
Бедавларни шабгир ила қилди ром.
Тузаб рост зину лигомини ҳам,
Рикобу инону ситомини ҳам.
Бериб баъзи жавшанга оройише,
Топиб кўнгли ул ишдин осойише.
Қилиб баъзи эл чорқаб сайқали,
Қуёш оҳасидек булуб мунжали.
Дубулға сори кўргузуб баъзи майл,
Музайян қилиб ул сифатким Суҳайл.
Этиб баъзи қуллуқ сори иҳтимом,
Бериб баъзи тезлик ишига низом.
Қиличларни баъзи қилиб тездам,
Ки аъдо бошин шояд этгай қалам.
Қилиб баъзи нуки синонни тунд,
Ки то бўлмагай ёвни санчарда кунд[2110].
Бериб баъзи милтуқ ичига сафо,
Ки то қилмагай ўқи майли хато.

[2109] Ҳадис.
[2110] Кунд – ўтмас.

Бу янглиғ қилиб зийнат ҳар ярог,
Саҳар бўлгуча этмадилар фароғ.

Аммо аъдои давлат яъни Тўрамурод сўфи бошлиқ Орол муонидларининг номаймун замирлариға хавф ва ҳарос истило топиб, мўътамид кишилардин қўрғон ичида язак айлантуруб, қальадорлиқ эттилар. **Назм:**

Хайли адув сори тушуб растахез,
Айлабон ўз сояларидин гурез.
Гарчи язак доир ўлуб ҳар тараф,
Ҳар нечаким дерлар эди «ло тахаф»
Бу сўз ила бўлмайин ором дил,
Хавф ўти ортуқроқ ўлуб муштаил.
Аҳли Орол қўрқубон ўз жонидин,
Бош чиқара олмади қўргонидин.
Бўлди бу қўрқунч била хосу ом,
Кўзлариға тонггача уйқу ҳаром.

Ҳазрат соҳибқирони гардунтавоннинг Қўнгрот қасдиға снпоҳ чекиб, баҳодирлар муқотнла майдониға растахез солғони ва муонидлар мужоҳидалардин дастбурди азим кўруб, ҳазимат тарнқи била қўрғонға қабалғони

Чун анжум шоҳи ливои зуҳурин фалак майдонида жилвагар қилди ва теғ шуои била жаҳон кишварин мусаххар этти, аъёни ҳазрат ва аркони давлат, умарои изом ва вузарои киром, соҳиби манзилат беклар ва баҳромсавлат баҳодирлар ўзлариға мутааллиқ черик ва навкарлари била мукаммал ва мусаллаҳ бўлуб, боргоҳи олампаноҳ даргоҳиға мутаважжиҳ бўлдилар. **Шеър:**

Етиб ҳар тарафдин гуруҳо-гуруҳ,
Амиру сипаҳдору соҳиби шукуҳ.
Келиб саф тутуб барча таъзим ила,
Туруб ҳар тараф арзи таслим ила.

Ҳазрат подшоҳи соҳибқирон умури ибодат ва қавонини риёзатдин фориғ бўлғондин сўнг зарраи таваккулни пейкари ҳумоюнийға кийиб, чорқаби эътисомни тўрт жиҳатиға боғлаб, камари ҳимматни муборак белига қўвшоб, ханжари шижоатни анга устивор қилиб ва теғи мубоpизатни паҳлуи жалодатиға осиб, қуллуқи эътизодни соиди эътимодиға маҳкам этиб, хўди зарандуди иқболни фарқи фархунда фолиға қўюб, қадам иродатин кирёси гардун асосдин ташқари қўюб, тарашаҳоти саҳоб ҳузури била интизор муаттишларин сероб этти ва ламаоти офтоб зуҳури била дийдор мунтазирларин комёб қилди. **Маснавий:**

Чиқиб шоҳ хиргоҳдин комёб,
Шараф буржидин эйлаким офтоб.
Кийиб оқ гировка салоҳ устидин,
Уруш кун либоси фаллоҳ устидин.
Тилло хилъату атласи бебаҳо,
Бўлуб пой то сар гариқи тилло.
Бошида бўлуб жигаким жилвагар,
Тилло афсариға бериб зебу фарр.
На афсар ки тожи каёний келиб,
Гуҳардин анинг парниёни келиб.
Ювоқиб бирла мукаллал бўлуб,
Зар жаъфаридин анга ҳал бўлуб.

Бу ойину фан бирла жамшидвор,
Фалакваш саманди узра бўлди савор.
Ўзи офтобу фалак маркаби,
Ситоми мурасса анинг кавкаби.
На отким кўтарганда ҳар бир қадам,
Жаҳонни қилиб қатъ гардунни ҳам.
Қаю гардларким туёқи сочиб,
Ани каҳл этарга Зуҳал кўз очиб.
Йўлин неча фаррошлар пок этиб,
Хасу хор осори йўлдин кетиб.
Ғубор ўлтурурни қилиб жустижу,
Сепиб неча саққолар ул йўлға сув.
Бурун неча юз минг киши қўзғолиб,
Бори занбурак бирла шамхол олиб.
Ки ҳар бирига ўт еткургон замон,
Унидин губурдаб етти осмон.
Қулоғин фалак нечаким беркитиб,
Анинг бирла ҳам бўлмай ўздин кетиб.
Агар тегса ҳар ўқи бир тоғға,
Баробар қилур ани туфроғға.
Суруб элни йўлдин неча дурбош,
Олиб илгига найзаи дилхарош.
Алар кейнидин неча жабборгўй,
Фалакка солиб ҳар бири ҳой-ҳуй.
Яна бир тўққуз шотири *некпай,*
Жаҳонни қилиб борча бир дамда тай.
Вале ҳусноро моҳи тобон киби,
Ғалат айладим, меҳри рахшон.
Қуёшдин қилиб занглар устивор,
Юз оҳанг ҳар биридин ошкор.
Юрурда қилиб фош юз минг усул,
Тамошоға айлаб малойик нузул.
Суруб шоҳи олам ақабдин саманд,
Қилиб йўлни азми била сарбаланд.
Фалакваш саманд узра мумтоз ўлуб,
Қуёшдек улусдин сарафроз ўлуб.
Боши устида соябони азим,
Безалган бўлуб ҳал тилло бирла сим.
Анга соя солиб ливои зафар,
Бўлуб маҳчаси меҳрдек жилвагар.
Кейиндин юруб шоҳу шаҳзодалар,
Сипаҳдорлар бирла озодалар.
Ливои зафар интибоҳи била,
Ўзига тааллуқ сипоҳи била.
Анингдек бўлуб издиҳом ошкор,
Ки деса бўлур юз қиёматча бор.

Қўнғрот қўрғониға яқин борғондин сўнгра ул ҳазрат йўлди таваққуф этиб, сипоҳи нусратпаноҳ аҳволиға партави илтифотин солиб ва даста-даста тартиб бериб, ёв устиға юборди. Андоқким, аввал *қипчоқ* дудмонидин аморатпаноҳ Абдуллоҳ *иноқ* валади Муҳаммадниёз *иноқ* ва Тўрамурод *отолиқ* халафи Вали *отолиқ* ва *қангли* ашрофидин яхшилиқ *парвоначи* ва Муҳаммад *бийни* ўн тўрт уруғ черики бил аъдои давлат устиға номзад қилди. Ва аларнинг кейнидин *қиёт* умдаларидин ҳашматпаноҳ, шавкатдастгоҳ Қилич *иноқ* ва Қаробаҳодир *мироб* ва *қўнғрот* зубдаларидин умдат ал-умаро Муҳаммадризо *қўшбе-*

гиии қиёт-қўнгрот йиғини била буюрди. Ва аларнинг ақабидин сипаҳдорлардин Саййид Яқуб хўжа ва Юсуфниёз бек ва Хўжамберди бек ва Қаландар бек ва Муҳаммаджон бек ва Оллош бек ва Қодирберди бек ва Ниёзмуҳаммад бой ва шамхолчилардин Авазберди *юзбоши* ва Қўшназар *юзбоши* ва Эшмуҳаммад *юзбоши* ва Хўжамурод *юзбоши* ва *туфангандоз*лардин Шермуҳаммад шағол ва Исҳоқ шайх ва Абдураҳмон *юзбоши* ва буларни ўз дасталари била излик-изидин юборди. Булардин сўнг *явмут*ия жамоасидин Қувонч сўфи ва Отомуҳаммад ўн беги ва Берди бек Муҳаммадниёз кўрча *сардор* ва Қоқа *сардор* ва Муҳаммадча *сардор* ва *йимроли*дин Гелдихон ва Нодир *сардор*ни *туркмон*ия сипоҳи била ва *қароқалпоқ* акобиридин Ойдўст *бий* ва Қодирберган *бий* ва Қўшберган *бий* ва Шағол *бийни қароқалпоқ*ия тавоифининг жунуди номаъдуди била юборди. Бу мазкур бўлғон умаро ва саркардалар Толлиқдин ўтуб, Қўнгротға муқобил сафоролиқ қилдилар. Ва қалбгоҳ ва жиноҳи маймана ва майсарани ораста қилиб, ҳар *амир* ва саркарда алам ва байдақларининг остиға шукуҳ ва салобат била қарор туттилар. Ва баҳодирлар «бўйин товловчини ўлдириш муртад кофирни ўлдириш билан баробар[2111]» муқтазоси била муҳориба ва муқотилаға мустаид бўлуб турдилар.

Аммо. Муфсидлар сардафтари ва муонидлар сарвари ва мутамарридлар маъруфи яъни Тўрамурод сўфи камоли жаҳолатдин аъдои давлатбаргашталар била қўнгрот ва *манқит* ва *човдур* ва ғайриҳум черикин отлиғ ва яёқ қалъадин чиқариб, муздин ўтуб, орқасин дарё била қалъаға қаратиб ясов чекти. Бурунғор ва жувонғорда саркардаларни муқаррар қилиб, ўзи Эшмуҳаммад бек ва Суюн *бий қиёт* била ливои хазлонни барпо қилиб, қалбгоҳи некбатпаноҳда хисорати тамом била турди. **Назм:**

Икки ёндин икки сипоҳи шигарф,
Ғалат айладим икки дарёйи жарф[2112].
Сафоролиг изҳор этиб ҳар тараф,
Қурулди ҳамул дашт аро икки саф.
Кириб гурдлар разм майдонига,
Қилиб қасд бир-бирининг жонига.
Баҳодирлар айлаб урушда ситез,
Етиб бир-бири қасдига тунд-тез.
Бири аждаҳо, бири шери жаён,
Бири бабр, бири ҳазабри дамон.
Бири куч била Туси навзар киби,
Бири зўр ила Киви сафдар киби.
Бири Сому бири Фаромарздек,
Бири Бестун, бири Албўрздек.
Бири Бежану бири Гаршасбвор,
Бири Баҳману бири Асфандиёр.
Бири Рустаму бири Суҳроби ял,
Келиб ҳайъат ичра анингдек ки тал.
Муни ул суруб ўз сипоҳигача,
Ани бу қовуб жойгоҳигача.
Савош айлабон кордонлиг била,
Талош айлабон паҳлавонлиг била.
Бирин чун бириким ҳавога чекиб,
Уруб ерга ани самога чекиб.
Қиёмат қўпуб андин офоқ аро,
Бўлуб ошкор «ард зилзолиҳо».
Бедавлар бўлуб гард аро барқтоз,
Нечукким ёлиндур аро жилвасоз.
Чекиб гурдлар маркаб узра гарив,
Анингдек ки Қоф узра Аржанг дев.

2111 Ҳадисдан.
2112 Жарф – чуқур.

Қиличлар дами эйла хунбор ўлуб,
Ки ул дашт қон бирла гулзор ўлуб
Синонлар сўйинди тўкуб эйла қон,
Ки аждар дами бўлгой оташфишон.
Тишин тез этиб аррапўшт наҳанг,
Адув қасдига мисли чанги паланг.
Етиб ҳар кишига чу зарби амуд,
Баробар бўлуб анга буду набуд.
Тегиб кимса фарқига гурзи гарон,
Йиқилиб анинг бошига осмон.
Отиб ўқчилар қошега солмай гиреҳ,
Чиқиб гушаи ёдин овози зеҳ.
Ҳаво узра ўқлар очиб парларин,
Малоик анингдек ки шаҳпарларин.
Агар тегса ҳар кимга паррон ўтуб,
Кириб жондек аммо олиб жон ўтуб.
Жигарларни ханжар гаҳ ковиш қилиб,
Чиқиб руҳ, қонлар таровиш қилиб.
Қилиб жилва яллар қўлида табар,
Анингдек ки ой ночахи жилвагар.
Отиб гурдлар ҳалқа айлаб каманд,
Йилондек бўлуб хасм бўйнига банд.
Гупурдаб чу шамхол бирла тўфанг,
Ўқи икки учдин ўтуб бедаранг.
Зиреҳлар бу ишдин бўлуб жомадар,
Сепарлар бўлуб айни шаққ ал-қамар.
Қилиб қон била оҳа занг ошкоро,
Дубулға ётиб гард аро хоксор.
Биров корзор ичра топиб зафар,
Биров ўзининг ҳолига навҳагар.
Биров бош кесиб теғи буррон била,
Биров бош бериб нотавон жон била.
Биров тири дилдўз ила қатл этиб,
Биров тири дилдўз келгач кетиб.
Биров жонситонлиғда айлаб шитоб,
Биров жон берурда қилиб изтироб.
Биров хасмға тири қотил отиб,
Биров хок узра нимбисмил ётиб.
Биров душманға солиб заҳмкор.
Биров душмандин бўлуб захмдор.
Биров шодмон хасм таглибидин,
Биров нотавон захм таазибидин.
Биров масти жоми шаҳодат бўлуб,
Биров мужриму бесаодат ўлуб.
Кесук бошини ким от оёғи уруб,
Магар гўй-ю човгон ўйини қуриб.
Ётиб жам ҳар гўшада кушталар,
Аён айлаб ул дашт аро пушталар.

Бу ҳангомада баҳодирлар ва муборизлар журъат якронин шижоат майдониға суруб, теғи муборизатни жилваға киргузуб, аъдои давлат куштасидин пушталар кўтарур эрдилар. Ул жумладин Қодирберди бекким, бағоят мутаҳаввир йигит эрди, байдоқин майдон ўртасида барпо қилиб, ўз дастаси била муборизат қиличин ниёми интиқомдин чиқариб, адув сипоҳиға рустамона ҳамла уруб, сарфишонлиғ қилур

эрди, ногоҳ тири қазо коргар тегиб, отдин йиқилди. Отаси Қаробаҳодир *мироб* ва Оллош бек ва Рўзмуҳаммадхон ва Одина бой баҳодир бу воқеаи ҳасратангез ва ҳодисаи ваҳшатомезни мушоҳида қилғоч, конуни синаларида ғазаб ўти забона тортиб, Орол черикига шери ғўррандадек ўзларин бетаҳоши еткуруб, пайдарпай ҳамлалар уруб, найзаи жалодат ва теғи шаҳомат била аъдо ижтимоин Банот ун-наъш янглиғ паришон қилиб, ани олиб чиқтилар ва ул лашкаргоҳға келгандин сўнг «барча жон ўлим шарбатини татигусидир[2113]» соғаридин шарбати шаҳодатни нўш қилиб «раббинг олдига рози ва хушҳол қайт[2114]» марҳаласиға қадами иродатин қўюб, «қодир подшоҳ ҳузуридаги рози бўлинган ўрин[2115]» жаворида ором тутти. **Рубоий:**

Фарёд ки чарх бевафолиг қилди,
Юз жавр била ситамфазолиг қилди.
Бир беки фалакқадр вафоти бирла,
Мажму халойиқни азолиг қилди.

Оқ соқоллик отасининг бошиға қаро кун тушти ва ашки хунолуди била сориғ чеҳрасиға қизиллиқ етушти. Аммо, Одина бой Баҳодир захмдор бўлуб қайтти ва Шағол маҳрамнинг дастасидин икки киши даражаи шаҳодатға етти. Ва муонидлардин кўп киши мақтул ва захмдор бўлди. Ул чоғда саҳро юзин гард тутуб, гард аросидин кавкабаи соҳибқироний ва дабдабаи аълохоқоний аён бўлуб, тантанаи кўс ва ғулғулаи карной сипеҳри асир[2116] қулоғин асамм[2117] қилди. Ва ливои зафарпайкар маҳчаси барқи ломедек намоён бўлуб, шаашшиа жилваси била офтоби оламтоб шукуҳин кам этти. **Байт:**

Бу аломат ўлса тонг йўқ асари ҳузури шоҳий,
Ки садои ханда субҳ, хабари тулу кундур.

Ул ҳазрат мундоғ салобати саҳмгин ва мубоҳати даҳшатогин била келиб, умарои мушорилайҳум ясовинининг ақабидин суфуфи нусратвуқуфни ораста қилиб, майманаи маймунда *Манқит* аъёнидин Худойназар *отолиқ* ва *нукуз* дудмонидин Оллоҳназар *бий* ва Бекболта *мироб*ни *нукуз-манқит* черики била тайин қилди. Ва майсараи майсурда *уйғур* акобиридин Каримберди *отолиқ* ва *найман* аозимидин Ўрозали *иноқ*ни *уйғур-найман* сипоҳи била муқаррар этти. Ва қалбгоҳи нусратпаноҳда ливои зафаринтимони барпо қилиб, тамкини тамом била ором тутти. Камол ал-Ҳақҳ ва-д-дин саййид Юсуф хўжа *нақиб* ва амири равшанзамир Шоҳниёз *отолиқ* ва вазири аъзам Юсуф *меҳтар* ўнг ва сўл қўлда сафоролиқға машғул бўлдилар. Тўрамурод сўфи ва аъдои махозилким, аввалдин худ умарои изом муҳорибасиға муқовимат келтура олмай, сипоҳигарлик юзидин бир нав карру фарр қилур эрдилар, чун бу дабдаби саҳмнокни мушоҳида қилдилар, замири хабистахмирлариға раабу ҳарос муставлий бўлуб, беихтиёр бузулуб қочиб, қўрғонға кириб, мутаҳассин бўлдилар. **Назм:**

Бўлур кечаким шаппари тийра рўз,
Ҳаво айламак бирла ишратафрўз.
Чу хуршид шаҳбози қилди ҳаво,
Мақоми бўлур гўшаи ихтифо.

Асокири зафармаосир таоқиб қилиб қўрғонға югурмакчи бўлуб эрдилар, ул ҳазрат Қилич *иноқ* ва Муҳаммадризо *қўшбеги* ва Муҳаммадниёз бекни юбориб қайтарди. Давлат ва нусрат била мурожиат қилиб, боргоҳи оламианоҳға наҳзат этти. Сўнгғи кун фароғат маснадида осойиш топиб, иш кўргазган баҳодирларни авотифи бекарона ва мароҳими подшоҳона била баҳраманд этти. Чаҳоршанба куни ой

[2113] Қуръони карим, 3 : 185.
[2114] Қуръони карим, 89 : 28.
[2115] Қуръони карим, 54 : 55.
[2116] Сипеҳри асир – еттинчи фалак.
[2117] Асамм – кар.

нинг ўн еттиси[2118] да Қўнғрот устиға яна отланиб, қўрғонни муҳосира қилиб, ҳар нечаким, сурон солиб отқуладилар, аъдои махозил қалъадин бош чиқара олмади. Шоҳниёз *отолиқ* бошлиқ умарои олийшаън муовидат этмакни муносиби давлат кўруб, ул ҳазрат ҳам аларнинг райъин синдурмайин, мурожиат қилиб, кирёси давлатасосға нузул қилди. Ва *қароқалпоқ*ия тавоифидин кўп эл *Қазоқ* дарёси била тенгиз орасида Моҳипаз мавозеида ўлтурур эрди ва аларнинг Оймирзо ва Манотой отлиқ икки *ҳоким*и бор эрди. Соҳибқирони мағфиратнишон Элтузар Муҳаммад Баҳодирхон марҳумий ул жамоани чопиб, мусаххар қилиб кўчуруб, Оқёқишға келтируб эрди. Хони марҳумий фавтидин сўнг яна қайтиб кўчуб, мавозеи мазкурда ўлтуруб, *қўнғрот* итоатида эрди. Ул учурда Манотой Тўрамурод сўфининг қошиға бориб эрди. Оймирзо ҳазрат соҳибқироннинг муонидлар қасдиға черик ториб, *ҳасанбой* элини олиб кўчургонин эшитиб, ғойибона итоат қилиб, ул ҳазрат мулозимлариға элчи юбориб эрди. Элчиси панжшанба куни келиб, тансуқот ўткариб, изҳори бандалик қилди. Ул ҳазрат Муҳаммадниёз карчакни бир бўлак сипоҳ била Оймирзо элини кўчурмакка номзад қилиб, сўнгги куни ойнинг ўн тўққузида давлат била якрон азиматин муовидат тариқиға сурди. Оймирзо эли бот келмаган жиҳатдин бир ҳодисае воқе бўлмағай, деб Қаробойли каноридин Қўшхона тарафиға инон азиматин маатуф этиб, Қўшкўлни мухайями хайёми иқбол этти. Оймирзо ўз эли ва Манотой улуси била кўчуб келиб, бу мавзеда Муҳаммадниёз карчак била хокбўслиқға мушарраф бўлди. Ул ҳазрат Оймирзо била элининг улуғлариға хилъати подшоҳона марҳамат қилиб, Шоҳниёз *отолиқ* ва Муҳаммадризо *қўшбеги*ни тўрт минг гўзида лашкар била ул элнинг ғалласин олдурмоқға юборди. Ва ғалла олинғондин сўнг *қўшбеги* ул ҳазратнинг ҳукми ҳумоюни била К*ўкуз*ак ва Эшим канорида ва Оқёқишда ўлтурғон *қароқалпоқ*иядин закот олмоқға қолиб, Шоҳниёз *отолиқ* Хўжаэлида муаскари ҳумоюнға етушти. Ва ҳазрат соҳибқирон Қўшкўлдин ҳаракат қилиб, уч кунда Хўжаэлиға нузул қилиб, қаро черикка рухсат берди. Ва ул ноҳиятда ўлтурғон *қароқалпоқ* закотиға киши қўюб, бир неча кун шикорандозлиқ тамошоси била кўнглин овлади. Ва Шоҳниёз *отолиқ* келгандин сўнгра Кўҳна Урганжга бориб, султон ал-шуҳадо, бурҳон ас-суъадо, шайх ал-машойих Нажмиддин Абу-л-жаноб ал-кубро *қаддаса сирраҳу* бошлиғ авлиёуллоҳ *қаддаса арвоҳаҳум* зиёратиға мушарраф бўлуб ва арвоҳи таййибадин мадад ва истионат топиб, назуроти бепоён била мужовирларин баруманд қилиб қайтти. Ва сешанба куни ойнинг салхи[2119] да Хўжаэлидин отланиб, панжшанба куни муҳаррам ал-ҳаромнинг иккиланжиси[2120] да Манқит қалъасининг ҳаволисида *Отолиқ* арнасининг қироғиға тушулди. Бу юртда ул ҳазратнинг муборак ингаклариға куйдурги яроси чиқти. **Шеър:**

Газанде сени қилгуча мустаманд,
Мену элга етгай эди юз газанд.
Сенга етгуча бир дам озори дард,
Менга бўлгай эрди бадан гард-гард.

Икки кундин сўнг бир нима таскин топиб, сиҳатға юз қўйди. Ва ул ердин кўчуб Анборға нузул қилилди. Ва душанба куни ойнинг олтисид[2121] а ҳотамлиқ маснадида ўлтуруб, панжаи дарёнаволин гуҳарафшонлиқға очиб, умарову нудамо, акобиру асоғирни дунёдин мустағний қилди. **Назм:**

Очиб панжаи жуду кафи карам,
Сочиб элга ул нав сийму дирам.
Ки Ҳотамга етти сарафкандалик,
Топиб базли оллида шармандалик.
Киши қолмайин сийму зар олмайин,
Киши сийму зар олмайин қолмайин.
На янглиғ олиб ким қадам то ба фарқ,
Бўлуб борча олтун, кумуш ичра ғарқ.

[2118] 1223 йил 17-зу-л-ҳижжа/1809 йил 5 январ.
[2119] 1223 йил 30-зу-л-ҳижжа/1809 йил 15 феврал.
[2120] 1224 йил 2-муҳаррам/1809 йил 17 феврал.
[2121] 1224 йил 6-муҳаррам/1809 йил 21 феврал.

Ва лекин қилиб толеим шумлиг,
Насибим менинг бўлди маҳрумлиг.
Фигонким, ман хастаи номурод,
Қилай толеим илгидин кимга дод.
Магар эшитиб шоҳ фарёдими,
Карам бирла бергай менинг додими.

Ва офтоб самтурраас[2122] ға етганда рукуб қилиб, хуфтан чоғи доруссалтани Хиваққа нузул қилиб, шаҳар аҳлини сояйи давлати била фориғ ал-болу марфа ал-ҳол қилди. **Маснавий:**

На хушдур сафардин омон келмакинг,
Баруманд ўлуб комрон келмакинг.
На хушдур келиб элни шод айламак,
Чиқиб тахт уза адлу дод айламак.
Ки зотингдин айру эмас табъхоҳ,
Неча бўлса жаннат киби тахтгоҳ.
Нузулинг била шаҳар зийнат топар,
Жулусинг била тахт рифъат топар.
Ҳузурингдин ортар кўнгулга сурур,
Жамолингдин андоқки кўзларга нур.
Илоҳо бўлуб давлатинг мустадом,
Тараб базми бўлсун мақоминг мудом.
Даме кетмасун ом ўлуб шафқатинг,
Улус бошидин сояйи давлатинг.
Кетур соқиё, турфа жоме менга,
Муҳаббат била дўсткомий менга.
Ичиб дўстлигдин мани майпараст,
Тўкай хасм қонин бўлуб асру маст.

Ҳазрат аълохоқонийнинг жулуси майманатмаанусининг тўртинчи йилининг вақоеи касир ал-бадоеини таҳрир силкига киюрмаки, ул жумладин, Хўжамурод бийнинг даҳшатан ала даҳшатан иқтизосидин исён устиға исён зоҳир этгани ва куфрони неъматтишомидин авлоди била қатлға етгани.

Саҳифапардози нигористони балоғат, ҳадиқапардози баҳористони фасоҳат, яъни, қалами мишкин рақам овози сарир била мундоғ тақрир қилурким, кажниҳоде ки мусодиқат тариқидин мунҳариф бўлуб, мунофиқати биёбони ҳавлнокиға гумроҳлиқ қадамин еткурди, анинг ғалабаи ҳарорататшониға сиёсат заҳридин ўзга шарбат таскин бермас ва ноэътимоде ки мувофиқат диёридин хориж бўлуб, мухолифат кишвари фитнахезида такопўй урди, анинг силсилаи ҳаракат туғёниға қаҳр қиличидин бошқа теғ қоте эрмас, агар эҳсон шаробин берсанг бадмастлик оғоз этар ва давлат неъматиға еткурсанг, ливои куфронни жилвасоз қилур, оқибат жазои амал иқтизоси била залолат ташоумидин бошин барбод ва хонадонин бебунёд этар. Андоққим, тарих ҳижрий минг икки юз йигирма тўртдаким, Йилон йили эрди, муҳаррам ал-ҳаромнинг авосити[2123] да Хўжамурод *бий* бу нав аъмоли қабиҳа ва афъоли замима натижасидин беш ўғли била қатлға етти. Бу ижмол тафсили улким, Хўжамурод *бий* иниси Тўрамурод сўфи била амири мағфиратнишон Аваз *бий иноқи* марҳумийнинг айёми фархунда фаржомида мухолифат байдақин барпо қилиб, ўн бир йилғача мухосимат ва адвон тариқида собит қадам ва росих дам эрди. Ва султони аълохоқони фирдавсмакон Элтузар Муҳаммад Баҳодирхон мағфурийға заруратдин инқиёд этиб, итоат қуллодасиға мутақаллид бўлуб, Тўрамурод сўфиниким, мувосолиғ учун юртдин ихрож қилдуруб эрди, хони

[2122] Самтурраас – зенит.
[2123] 1224 йил 14-муҳаррам/ 1809 йил 1 март.

мағфурнишоннинг ҳодисасидин сўнг Тўрамурод сўфи Бухоро *волий*си Мир Ҳайдархоннинг муовинат ва муозидати била келиб, Қўнгротға кириб, ани мутааллиқоти била мамлакатдин чиқарди. Ва ул ажзу инкисор била ҳазрат султони соҳибқирон ва хоқони гардунтавон, гўзидаи салотини олам ва хулосаи хавоқини аъзам, маснадоройи девони салтанат, аврангзеби боргоҳи азимат. **Маснавий:**

Қаю шоҳ, шаҳлар шаҳаншоҳи ул,
Адолат румузининг огоҳи ул.
Жаҳонгирлик буржида офтоб,
Жаҳондорлиғ дуржида дурри ноб.
Фалак жойгоҳу хилофат шиор.

Шаҳомат паноҳу шижоатисор, - аъни, халифат аз-замон, боис ал-амну омон, ал-мустансир ман ан-насир ал-малик аил-мустаон, муизз ад-давлат ва-с-салтанат-а ва-д-дин Абу-л-музаффар ва-л-мансур Абулғози Муҳаммадраҳим Баҳодирхон *халладаллоҳу мулкаҳу ва султонаҳу ва афоза ала-л-оламин барраҳу ва эҳсонаҳу* салтанат саририға жулус қилмасдин бурун *иноқ*ият замонида боргоҳи олампаноҳий даргоҳиға мутаважжиҳ бўлуб, утбабўслиқ шарафиға етиб эрди. Ул ҳазрат анинг шаънида мароҳими хусравона ва авотифи бекарона мабзул қилиб, садорат мансабин арзоний тутуб, кун-кундин издиёди вазоиф ва иртиқои маротибиға кушиш қилур эрди. Ва ул бовужуди мундоқ навозиши касира хисорати ғаризий ва шарорати жибиллий ҳаракатидин силсилаи нифоқни жунбушға киргузуб, пинҳоний иғво ва шайтанат била Муҳаммадризо бекни сироти мустақимдин озғуруб, ул амирзоданинг туғёниға сабаб ва қатлиға боис бўлди. **Қитъа:**

Аҳли фасод тарбиятин қилмоқ ихтиёр,
Қилмоқдурур йилонни қўйин ичра парвариш.
Топмас шарорат аҳли навозиш била салоҳ,
Бўлмас фалакка сайъи била ростлиғ равшан.

Ва *хўжаэли*ни ўз юртиға юборганда ани ва олий мартабат ва соҳиби манзилат Қилич *иноқ*ни гуруҳи анбуҳ била ул эл муҳофизатиға номзад қилиб эрдилар. Ва ул Хўжаэли ҳисорининг тасарруфиға дандони таъмаин тез этиб, истимдод учун Қўнгротдин иниси Тўрамурод сўфини чақирди. Қилич *иноқ* бу хиёнат вуқуиға муттале бўлуб, русуми муҳофизат ва қавонини ҳаросатда сайъи машкур ва жаҳди мавфур тақдимға еткурди. Бу жиҳатдин Тўрмурод сўфи бетаҳсили мурод мурожиат қилди. Ва амири жамшид шавкат, баҳромсавлат, умдат ул-умаро ва маржа ул-фуқаро Қутлуқмурод *иноқ соналлоҳ таоло ан ал-офот, човдур* қасдиға сипоҳ тортиб, муовидат қилғонда Хўжамурод *бий* «ал-хоин хоиф[2124]» фаҳвоси била қилғон хиёнатининг сабабидин ҳаросон бўлуб, мавкаби олийдин айрилиб, инисининг қошиға борди. Анда даға дасту по уруб, иш бошқара олмайин мардуд ва матруд бўлуб, яна ҳазрат соҳибқироннинг даргоҳи давлатпаноҳиға юз қўйди. Ул ҳазрат камоли марҳаматдин жаридаи нуқсониға афв рақамин чекиб, бурунғи мансаб ва вазифасин шафқат қилди ва мувоиди хусравона била дилжўлиқ кўргузди. **Байт:**

Бу на хулқи хуш эрурким юз тумон кўҳи гуноҳ,
Афви оллида нечукким коҳи бемиқдор эрур.

Бир неча айёмдин сўнг яна хабосати қадимаси залолати жадида ҳавоси била кўнглиға қўзғолон солиб, Тўрамурод сўфиға муросилот ва мактубот юбора бошлади. Ва ул ҳазрат Орол қасдиға юруш қилғонда ани дор ал-хилофаи Хивақда *иноқ* хизматида қўюб эрди. Хаёли маҳол ва савдои хом бошиға тушуб, умури мухолифат ва маҳоми мухосимат иттифоқида Урганж ва Гурланнинг баъзи авбош ва арозили билаким, аларға ошнолиғ нисбати бор эрди, аҳди мушаййид ва паймони муаккид тақдимға

[2124] Хоин қўрқувчидир.

еткурди. Ва Урганж балдаи маҳфузасиға кирмаки муқаррар бўлуб, фурсат интиҳозиға мунтазир бўлди. Ва бу воқеаи ношойист ва ҳодисаи нобоистни қайди китобға чекиб, Тўрамурод сўфиға жосус била ирсол қилиб эрди. Қўнгрот устида ани тутуб, жаноби салтанатмаобға келтурдилар. Ҳазрат аълохоқоний бу ҳодиса таҳқиқидин воқиф бўлуб, катмон ва ихфо[2125]сида муболиға кургуздиким, ул бедавлат хабардор бўлуб, фирор ихтиёр қилмоғи ва дағи анинг била ҳамдостон бўлғонлар ўз бошларидин қўрқуб, қочмағайлар. Шаҳарда *амири кабир* Қутлуқмурод *иноқ*ға анинг муддаои беҳудасин маъруз қилдилар. *Иноқ* бу хабарни таҳқиқ қилғондин сўнг муътамид киши била сўдда[2126] и хилофатға ирсол қилди. Бу хабар Арна қироғида ҳазрат хидеви комкорнинг самъи шарифиға етиб, Ёрмуҳаммад *девонбеги*ни истижол расми била *иноқ*нинг мулозиматиға юбордиким, «анинг фикри носавоб ва тадбири залолатмаоби бизга ҳам жосус воситаси била возиҳ ва мубарҳан бўлмиш эрди. **Байт:**

Душмани бадхоҳ бўлмоқ шорибу заҳри мамот,
Дўстлар комиға ширин айлагай роҳи ҳаёт.

Ҳазм ва эҳтиёт сарриштасин қабзаи ихтиёридин ийтурмайин, душанба куни муҳаррам ал-ҳаромнинг олтисида ул душмани қадимни тавобеи била туттуруб, маҳбуси зиндони накбат қилсун. Иншооллоҳи таоло, биз мундоғи ўғли била абоғаси Саййидназар *бий*ни туттурурмиз.» *Иноқ*ға бу фармони қазожараён етушгандин сўнг, миъод куниким, душанба эрди, ҳенгоми талиаи субҳда Хўжамурод бийға киши юборди, «ҳазрати хон бугун Анбордин рукуб қилиб келур эрмиш. Ул жаноб мунда келсун, ҳамроҳ истиқболға чиқалинг» Хўжамурод *бий* бу хабарни эшитиб, «қазо етса кўздан нур қочар[2127]» фаҳвоси била бовужуди андишаи фасод ҳазм ва эҳтиётни қўлдин бериб, отланиб, Оллоҳқувват *наймон* била Аркка келиб, *иноқ*нинг ёниға борди. Иттифоқо ул чоғда баъзи уламо *қози* Муҳаммадвафо эшон бошлиғ *иноқ*нинг суҳбатида эрдилар. *Бий* келгандин сўнг *иноқ* ташқари чиқиб, Ёрмуҳаммад *девонбеги* била ўз мулозими Муроджон Ҳазорас*бий*ни ул сарфитнаи фасодни туттурурға буюрди. Ёрмуҳаммад *девонбеги* эшикдин кириб, масофиҳа қилмоқ иродаси била илгари ўтуб, *бий* кўрушмак учун қўл узатғонда, панжасидин тутуб, илгари чекти. Ул аснода Муроджон етушуб, яқосидин тутуб, зиндонға элтиб, маҳбус қилдилар. Оллоҳқувват *наймон*ни дағи анга дамсоз қилиб, ўғлонлариға ва эвиға киши буюрди. Ўғлонларидин Қутлуқмуродбек ва Бекмуродбек ва Авазниёзбекниким, ҳануз ғафлат уйқусида ётур эрдилар, тутуб келтуруб, қайди ҳабсға чектилар. Аммо. Қутлуқмуродбек туюнуб, хотун либосиға мулаббас бўлуб қочиб эрди. Ани ул ҳолда тутуб келтурдилар. Ва аксар амволи торожға борди. Ул кун ҳазрат хидеви дўстнавозу душмангудоз Саййидназар *бий* била Хўжамурод *бий*нинг улуғ ўғли Жонмуродбекниким, ул сафарда мулозими рикоби ҳумоюн эрдилар, Анборда туттуруб, бало салосилиға гирифтор қилди. Ва ливои наҳзатни жилваға киргузуб, хуфтанда дор ас-салтанаи Хиваққа нузул қилди. Андоқким, собиқан мазкур бўлуб эрди. Ва Хўжамурод *бий*ни тўрт-беш кун таазиб била мусодара тутуб, сўнгғи душанбаким, ойнинг ўн учи[2128] эрди, ани Тўрамурод *отолиқ*нинг ҳовлисида қатлға еткуруб, изидин тўрт ўғли била Оллоҳқувват *найман*ни охират сафариға юбордилар.

Машоллоҳи кана итттифоқи ҳасанадин Хўжамурод *бий*ниг Эрниёзбек отлиғ ўғликим, отасидин баъзи умур жиҳатидин аччиғланиб, Манқишлоққа бориб эрди, отаси ани келтирурга Берди Баҳодирни изидин юбориб эрди. Берди Баҳодир Манқишлоққа бориб, ани отасидин хушнуд қилиб келтирур эрди, вилоятға дохил бўлуб, *тарокима* аҳшомиға йўлиқиб, отасининг ҳодисаи жонгузоин эшитиб, бир ёбу миниб фирорий бўлди. Баъзи *туркмон*лар ҳазрат хидеви комкорнинг қаҳру сахаттидин қўрқуб, ани Берди Баҳодир била тутуб келтурдилар. Инояти хусравона Берди Баҳодирнинг тарбиятиға шомил бўлуб, Эрниёзбеки мазкурни отаси ва оқоларининг ақабидин узоттилар. Бу воқеа отасидин беш кун сўнг эрди. Аммо, Саййидназар *бий* бир йилғача ҳабсда қолди. Анинг ҳоли аҳволи иншооолоҳ ўз ерида марқум бўлғусидур.

[2125] Катмон ва ихфо – бекитикча ва яширин тутиш.
[2126] Судда – остона, пойтахт.
[2127] Ҳадис.
[2128] 1224 йил 13-муҳаррам/ 1809 йил 1 март.

Ҳазрат аълохоқонийнинг Орол жониби иккинжи мартаба алвияйи зафар таъбияни жилвагар қилмоқи. Чуманой ва Чанглибосувни боғлатиб мурожиат кўргузмаки

Бу баҳри шигарфнинг шиновари ва бу дарёйи жарфнинг сикандари, яъни хомаи анбар шамома бу йўсунда ҳангомаоролиқ кўргузурким, чун Хўжамурод *бий*нинг қатли хабари Тўрамурод сўфиға етушти, зоҳиран интиқом талаби била Бухоро подшоҳиға истиғоса[2129] қилиб, бурунғидин зиёдароқ фасод силсиласиға мутаҳаррик бўла бошлади. Бу жиҳатдин ҳазрат аълохоқоний, соҳибқирони гардунтавон, боиси ал-амн ва-л-омон ала рууси аҳл ал-иймон, халифат ар-раҳмон фи-д-даврон, ал-мустансир мин насир ал-малик ал-мустаон, муизз ад-давлат ва-д-дин Абу-л-музаффар Муҳаммадраҳим Баҳодирхон *халладаллоҳу мулкаҳу ва султонаҳу* анинг гушмолиға Орол юрушин пешниҳоди хотири ҳумоюн қилиб, таҳҳияйи асбоб учун хазоин эшикларин очиб. **Байт:**

Тузголи лашкарга яроғи сафар,
Панжаи эҳсони била тўкти зар.

Хусусан, аъёни ҳазрат ва аркони давлатнинг домони умидин нуқуди мудаодин мамлу қилди. Ва оқоси умдат ал-умаро, мурабби ал-фуқаро *амири кабир* жалол ад-давла Қутлуғмурод *иноқ маддаллоҳу залола жалолиҳи ала-л-офоқ*ни дор ал-хилофаи Хивақда ниёбат мансаби била сарафроз қилиб, ҳамул йил, яъни санаи ҳижрия минг икки юз йигирма тўртда рабиъ ас-сонийнинг ўн саккизи[2130] да панжшанба куни Урганж Саратонининг аввали[2131] да асъади соотда дабдабаи ҳайратафзо ва кавкабаи ғаробатиншо била муборак оёқин давлат рикобиға қўюб, иқбол рахшиға рукуб қилиб, алвияйи наҳзатни ҳаракатға киюруб, шаҳардин чиқти ва офтоби вусули Анбор диёриғаким, ул олийҳазратнинг меъмори ҳиммати била янги obod бўлуб эрди, партавафкан бўлди. Қутлуғмурод бек валади Ҳасанмурод *отолиқ* ва Авазберди *юзбоши*ким, ул ноҳиятда мушриф[2132] и хосаи шарифа эрдилар, зиёфат амриға қиём кўргузуб, хадамоти лойиқ тақдимға еткурдилар. Тонгласи жума куни Анбордин ҳаракат қилиб, *Отолиқ* арнасининг сақоси ва Юмрининг кун чиқориға дарёйи Амуя канориға нузул қилди. Бу мавзеда тўрт кун тавaққуф қилдиким, сипоҳи нусратпаноҳ ливои зафарҳаво зиллиға жам бўлғай. Ва Ому дарёсидаги кемаларни келтурурга баҳромсавлат тавочилар буйрулиб эрди, бу мавзеда ҳозир қилдилар. Ул кемаларни умарои изом ва кубарои зу-л-эҳтиром, аркони давлат ва аъёни ҳазратға мунқасим қилиб, меҳрибонлиғ кўргузди, токим алар аҳмол ва асқол ва озуқ ва от еми, хайма ва хиргоҳ ва қушларин ул кемаларға юклагайлар. Сешанба куни ойнинг йигирма учи[2133] да андин рукуб қилиб, Қипчоқнинг шарқий ҳаддиға тушуб, дарё қироғида уч кун оромгузин бўлди, токим, қолған черик аҳли асокири мансураға мулҳақ бўлғайлар. Шанба куни ойнинг йигирма еттиси[2134] да андин кўчуб, тушда Йилонқирининг остида бир-икки соат истироҳат кўргузуб, аср вақтида Сўвганли сақосида дарё қироғин мухайями хайёми иқбол ва музарриби боргоҳи иззу жалол қилди. Бу манзилда бир кун қарор тутуб, ойнинг салхи[2135] да душанба куни Хўжаэли қалъасининг илайидаин ўтуб, Кўкнинг юқорисиға Жабат кўли била дарё орасин нузули мусарратвусули била рашки Эрам ва зийнатафзои олам қилди. Сешанба куниким, жумода-л-аввал ойининг ғурраси[2136] эрди, отланиб, тушда Чанглибосув канориға тушуб, сипоҳи нусратпаноҳ убуриға фармони лозим ал-изъон иззи судур топти. Ул олийҳазратнинг ўзи маҳрамлар ва мулозимлар била кемаға ўлтуруб, дарё тамошосиға иштиғол кўргузуб, кеч пешинда Чуманойнинг шимолида бир мухтасар отовчаниким, барча атрофи дарё ва жануби Чуманай наҳри эрди, музриби хайёми саодат ва муқарри боргоҳи давлат қилди. Ул кун асокири мансура ва афвожи қоҳира Чанглибосув ва Чуманайдин убур қилмоқға машғул бўлуб, ярим кечада

[2129] Истиғоса – ёрдам сўраш.
[2130] 1224 йил 18-рабиъ ас-соний/1809 йил 3 июн.
[2131] Июнь – июл.
[2132] Мушриф – бу ерда: девонбеги.
[2133] 1224 йил 23-рабиъ ас-соний/ 1809 йил 8 июн.
[2134] 1224 йил 27-рабиъ ас-соний/1809 йил 12 июн.
[2135] 1224 йил 29-рабиъ ас-соний/1809 йил 14 июн.
[2136] 1224 йил 1-жумода-л-аввал/ 1809 йил 14 май.

ўтуб бўлдилар. Бу мухтасарни ўқуғучи акобирнинг замири зибасоириға макшуф ва зоҳир бўлсунким, азмана[2137] и собиқада Чумоной ва Чанглибосув дарё шуаботидин икки кичик шуъба эрдиким, Аранг қирининг шимолидин ўтуб, кўл бўлуб эрди. Аксар айёмда сув камрок бўлса, Оқмой қуруб қолур эрди. Ва Отйўли гузаргоҳида отнинг қорниға сув етмас эрди. *Амири кабир* Муҳаммадамин *иноқ*и марҳумийнинг айёми майманат анжомидин сўнг ул икки шуъбаға сув зўр қилиб, кун-кундин кенг ва чуқур бўлуб, бу замони хужастанишонда ҳар қайси бир улуғ дарё бўлубдур ва Сойкечув гузаридин юқориroқ иккови қўшулуб, улуғ тенгиз бўлуб оқар. Ва сўнг баҳираи Хоразмғаким, Оччиғ тенгизға машҳурдир, қуяр. Ва Отйўли гузаргоҳидин кемасиз ўтуб бўлмас ва ул сувнинг ҳар еридин Орол аҳли улуғ ва кичик наҳру ариғлар қозиб, зироат қилурлар. Манофеи бағоят кўптур. Ҳазрат хидеви комкор бу жиҳатдин изроран лил-муфсидин[2138] ул дарёларни боғлатур иродасин кўнглиға мусаммим қилиб, тонгласиким, чаҳоршанба эрди, ул иш саранжомиға умарои изомни муқаррар қилиб, қаро черик аҳлини уч қисм қилиб, бир қисмни дарахт чоптурмоққа, иккинчи қисмни қамиш ва ирдуж[2139] ўрдирмоққа, учунжи қисмни чим ва туфроқ йиғнатурға ва боғлойдурғон мавзенинг икки тарафин тузатурға тайин қилди. Жума куни ойнинг тўрти[2140] да умарои изом ва наввоби зу-л-эҳтиромни икки гуруҳ қилиб, ҳар гуруҳни Чуманойнинг бир тарафиға маъмур қилди. Андоққим, амири равшанзамир, алмаржаи билхалойиқ Шоҳниёз *отолиқ* ва Қилич *иноқ* ва Аваз *иноқ*ни ва Абдуллоҳ *иноқ* ва Яхшилиқ *парвоначи* ва фақир ва Бекболту *мироб* ва Оллоҳназар *бий* ва Муҳаммадназар *бий* ва ғайриҳумни дастури вологуҳар ва вазири фархундасияр, низомулмулк вал-миллата Муҳаммад Юсуф *меҳтар* била Чуманайнинг орқа тарафиға тайин қилди. Ва *уйғур* Каримберди *отолиқ* ва *манқит* Худойназар *отолиқ* ва *қипчоқ* Тўрамурод *отолиқ* ва Ўразали *иноқ* ва Қаробаҳодир *мироб* ва Қурбонқули *нойиб* ва ғайриҳумни аморатпаноҳ Муҳаммадризо *қўшбеги* била қибла жонибиға муқаррар қилди, токим, алар ҳарким бир иш устида туруб, бажад бўлғай. Ва ул ҳазратнинг ўз нафаси нафиси била боғлатур мавзеға ташриф келтируб, Чуманайдин дарёға айрилур шуъба сақосининг кун чиқар қироғида хийма туттуруб, нузул қилди. Ул кун ул ҳазратнинг фармони вожиб ализони била умарои мазкура масои ва машкура тақдимға еткуруб, Чуманоға навард[2141] ташламоқни ибтидо қилиб, ҳар тарафдин беш навард ташладилар. Ҳар наварднинг тули олтмиш газ ва йўғунлиқи тахминан йигирма ва ўттуз газ эрди. Бу йўсунда ҳар кун ул ҳазратнинг ташриф келтуруб, ҳар тарафдин ўн-ўн беш навард ташланур эрди.

Аммо. Шанба куни ойнинг беши[2142] да Паноҳ сўфи деганни Тўрамурод сўфиға танбеҳ учун элчи қилиб, Қўнғротға ирсол қилди. Тўра сўфи ани хабосати тийнат ва ғалазати нафс иқтизоси била ўн беш кун сақлаб қайтарди. Ул кун чавдурдин *бурунжиқ* Одинаниёз *отолиқ* ўз уруғидин саккиз хонавор *бурунжиқ* ва яна бир қарақалпоқ била Қўнғротдин қочиб келурда *нукуз* тавоифидин Неъмат гаранг отлиғ Тўрамурод сўфининг жосусин тутуб келтурдилар. Ҳазрат хидеви комкор Одинаниёз *отолиқ*ни атбои била навозиш ва суюрғолоти хусравонадин баҳраманд қилиб, Неъмат гарангни ибратан лил-мутамарридин дордин остурди. Душанба куни *қўнғрот*нинг *кўкузакли* табақасининг акобиридин биров аёл ва авлоди била Тўрамурод сўфининг зулмидин қочиб келди. Чоршанба куни ойнинг тўққузида Саллоқ Баҳодир валади Абдуллоҳ *сардор* бошлиқ *олабулук* ва *човдур*дин ўттуз етти киши била Отйўлидин ўтуб Йингичка ҳаволисидин *қўнғрот*нинг саккиз кишисин ўлтуруб, жума куни дарбори фалак миқдорнинг хокбўслиқиға мушарраф бўлуб, инъоми подшоҳонаға ихтисос топти. Ул кун Чуманойни боғладилар. Боғлонғон мавзенинг арз[2143] и қариб икки юз қори эрди. Ва умқ[2144] и эллик газ. Мундоғ дарёни саккиз кунда боғладилар. Шанба куни аморатмаоб, садоқатинтисоб *амир* Қилич *иноқ*ни беш юз мубориз била Янгиқалъа корвониға бадрақа қилди, токим, ул жаноб карвонини манозили мухотирадин ўткариб, беш кунда қайтиб, чоршанба куни даргоҳи сипеҳр иштибоҳға фоиз бўлди. Шанбаи мазкурда Муҳаммадризо *қўшбеги*

[2137] Азмана – замонлар.
[2138] Бузуқиларга зарар етказиш учун.
[2139] Иодуж, ирдаж – чаран ўти.
[2140] 1224 йил 4-жумода-л-аввал/1809 йил 17 май.
[2141] Навард – ўралган қамиш ва шох-шабба ва бошқа оғир нарсалардан ясалган чим.
[2142] 1224 йил 5-жумода-л-аввал/1809 йил 18 май.
[2143] Арз – эни.
[2144] Умқ – чуқурлик.

арзи лашкарға маъмур бўлуб, етти кунда санаб қайди китобатға чекиб, ул ҳазратнинг назари ҳумоюниға еткурди. Душанба куни ойнинг ўн тўрти[2145]да Чанглибосувға навард ташладилар. Ва Тўғонниёз Баҳодирким, Манқишлоқ *тарокима*сидин *абдол* табақасининг акобиридин эрди, Ҳожитархон қалъасининг корвони Манқишлоқдин олиб келиб, Кўҳна Урган устидин дор ал-хилофаи Хиваққа ва Урганжга ўткариб, ўзи баъзи атбои била чаҳоршанба куни кирёси давлат асос утбабўслиқиға мушарраф бўлуб, тансуқот ўткарди. Панжшанба куни туш вақтида *манқит* Дўсим Баҳодирни ўзиға мутааллиқ черик била Муҳаммадниёз карчик ва Берди Баҳодирни тавобеи била Қўнгротнинг сарҳадларин чоптурмоқға буюрди. Алар фармони лозим ал-имтинон мавжиби била ҳамул тушдин кема била дарёдин убур қилиб, кечаву кундуз илғор тариқаси била Қўнгротнинг шарқий сарҳадотидин киши топмай ўтуб, Моҳипаз ноҳиятиға мутаважжиҳ бўлдилар ва ул мавзеда Орол аҳлидин уч-тўрт уйлук элни топиб, асир қилиб, муовидат кўргуздилар. Тўртланжи куни ойнинг йигирма бири[2146]да душанбада мулозиматға фоиз бўлуб, навозиши лойиқ била баҳраманд бўлдилар. Ул кунким, Дўсим Баҳодир чаповулға маъмур бўлуб эрди, жаноб аморатмаоб, жалодатинтисоб, умдат ал-умаро, зубдат ал-кубаро, **маснавий:**

Улки фалак оллида ходим дурур,
Давлату бахт икки мулозим дурур.
Хусрави гозиға улуғроқ оқо,
Хилъати иқболға заррин яқо.

– *амири кабир* жалол ад-давла Абу-л-мансур Қутлуғмурод *иноқ лозола давлатаҳу* фаромон мавжиби била заҳир уд-давла Муҳаммадназар бекни дор ал-хилофа Хивақда қўюб, мулозимат иродаси била рукуб қилиб эрди, пешиндин сўнг дарбори фалак миқдорға етиб, оқо-ини биров-бировининг дийдори фойизиланвори саодатосорлариға мушарраф бўлдилар ва камоли беҳжат ва башошатдин маросими маониқа тақдимға еткурдилар. Тонгласиким, жума куни эрди, Оқёқиш *волий*си Ойдўст *бий* ва Оймирзо *бий қароқалпоқ*ия аҳоли ва маволиси била Кўкузак савоҳилидаги улуснинг черикин келтуруб, Омуянинг ул тарафида қўюб, ўзлари кема била ўтуб, хилофат суддасининг хокбўслиқиға фоиз бўлуб, тўққуз от ва икки қарчиғойким, бирови туйғун эрди, пешкаш қилди. Ҳазрат хидеви комкор аларға навозишоти лойиқ кўргузуб, фармон қилдиким, *қароқалпоқ*ия черики даги бу тарафга ўтсун.

Қандим *сардор*нинг чаповулға борғони. Ул кечаким, шанба оқшоми эрди, Қандим *сардор*ни *явмут* сипоҳи била дарёнинг бу юзидин Қўнгрот чаповулиға буюрди. Алар шабгир қилиб, якшанба куни ойнинг йигирмасида сипоҳ аъдо қаровулиға учраб, шикаст бериб, уч-тўрт кишини қатл қилиб мурожиат кўргузди.

Душанба куни Чанглибосувни боғладилар. Бу наҳрнинг боғлонғон ерининг арзи юз саксон қоридин кўп эрди ва умқи олтмиш газ. Бу нав дарёни даги саккиз кунда боғладилар. Ва Терсоқар отлиғ яна бир наҳрча бор эрди арзи ўттуз газ ва умқи олти қори, муни даги ул саккиз кун оралиғида боғладилар.

Қилич *иноқ*нинг Ойбукурга борғони. Бу воқеа андоқ эрдиким, мунҳийлар масомеи жалолға хабар еткурдиларким, *қўнгрот* ва *човдур*дин баъзи аъдои давлат Отийўли гузаргоҳининг бу юзида ва *Човдур* қалъаси ва Куҳтан қалъаси атрофида то Юсуф бекнинг гунбазиғача экин ва буғдой учун гуруҳ-гуруҳ тараддуд қилиб, буғдой олиб, Қўнгротға ўткарур эрмишлар. Лиҳизо ҳазрат хилофатшиор аморатмаоб Қилич *иноқ*ни тўрт минг отлиғ сипоҳи жаррор била маъмур қилдиким, ул жонибға бориб, агар аъдои давлат ва муонидини соҳиби накбатдин киши топса, жазоға еткургай. Йўқ эрса ул жамоанинг экинларин отға едуриб ва мазореин хароб қилиб қайтсун. Қилич *иноқ* чаҳоршанба куни ойнинг йигирма учида азимат ливосин ул тарафға мутаҳаррик қилиб, мутамарридлардин киши топмадилар. Арпа ва буғдойнинг баъзиға от қўюб ва баъзиға ўт қўюб, уч кун таваққуф қилдилар ва якшанба куни мурожиат кўргузуб, мулозиматға мушарраф бўлди.

[2145] 1224 йил 14-жумода-л-аввал/1809 йил 28 май.
[2146] 1224 йил 21-жумода-л-аввал/1809 йил 4 июн.

Ҳазрат аълохоқонийнинг дор ас-салтанаи Хивақға мурожиат ливосин ҳаракатға киюргони

Чун анҳори салоса[2147] боғлонди, ҳазрат аълохоқоний Орол устиға юрушни мусаммим қилиб, лашкар тартибиға амр қилди. Аммо, *ал-амир ул кабир* жалол уд-давла Қутлуғмурод *иноқ* ва *амир* Шоҳниёз *отолиқ* ва жамии умарои рафе маконнинг илтимос ва савобдиди била фасхи азимат[2148] қилди. Ва анҳори салоса бандларин сақламоқ учун *амир ул кабир* Қутлуғмурод *иноқ*ни муқаррар қилиб, Чуманойнинг жанубий канорининг бошида қалъа биносиға амр қилди. Ложарам умарои олиймиқдор қаро черик аҳлиға жариб била ул қалъа ҳудудин тақсим қилиб, икки кунда итмомға еткурдилар. Қилич *иноқ* келгандин сўнг ҳазрат хидеви комкор беш минг муборизи номдор била *амири кабир* жалол уд-давла Қутлуғмурод *иноқ*ни ул қалъада қўюб, сешанба куни ойнинг йигирма тўққузи[2149] да мустақарри хилофатға мурожиат ливосин ҳаракатға киргузди. Кечаву кундуз моҳи тобон ва хуршиди дарахшон янглиғ қоиди иноятти илоҳий ва бадрақаи давлати ломутаноҳий била қатъи манозил ва таййи мароҳил қилиб, жумодиссонийнинг бешида душанба куни дор ас-салтанаи Хивақни давлати нузул ва саодати вусули била рашки нигорхонаи Чин ва ғайрати беҳишти барин қилди. **Қитъа:**

Қудумингдин диёри Хивақ, эй фармондеҳи олам,
Ҳамиша равза янглиғ ишрат аҳлиға мақом ўлсун.
Ҳумойдур саодат ошиёни ичра иқболинг,
Эл узра бу Ҳумойинг сояйи лутфи мудом ўлсун.
Муродингни бериб Ҳаққ, ўйрулуб коминг била даврон,
Саодат ёру толеи рому давлат мустадом ўлсун.

Тақдири илоҳий била Чуманой ва Чанглибосув бандлари хароб бўлуб, Қутлуқмурод иноқ мурожиат жониби инонтоб бўлмоқи

Чун иродаи азалий ва машийяти ламязалий анга тааллуқ топиб эрдиким, Тўрамурод сўфининг иртифои накбат ва инқитои давлати икки-уч йил таахир[2150] топиб, оқибат ал-амр Қўнгрот навоҳисининг зироатгоҳи, хусусан, ул анҳори салосадин сув ичадурғон мазори ҳазрат аълохоқонийнинг хосаи шарифасиға тааллуқ топиб, ҳавзаи девониға дохил бўлғусидур, ҳамоно бу жиҳатдин эрдиким, қодири ала алатлоқ фармони била асокири мансура мурожиатидин йигирма кундин сўнг Омуя суви андоқ туғён ва ғалаба қилдиким, бовужудиким ул бандлар истеҳкоми яъжуж-маъжуж саддиға даъвои мусовот қилур эрди ва ҳануз *ал-амир ул кабир* жалол уд-давла Қутлуғмурод *иноқ* ҳар кун минг ароба ва икки минг ароба била ишлатур эрди, бир кечада сув олиб, бандларни бузуб, бурунғидек равон бўлди. Ва *иноқбек* бир неча мусоии машкура тақдимға еткурди, осиғ қилмади. Охир мурожиат кўргузуб, ҳазрат аълохоқонийға маъруз қилди. Бу сониҳа агарчи зоҳирбинларга макруҳ кўринур ва лекин филҳақиқата бу давлати узмоға маҳзи хайрият ва манфаат эрди. Андоқким, Орол фатҳ бўлуб, ул навоҳининг музореи ҳавзаи девони шарифға киргунча кўп арози мавта иҳё[2151] бўлди. Ва яна улким, Орол бу фатҳ бўлғон куни аҳли инод ва арбоби фасоддини кўп киши фирорий бўлуб, ул сувлардин ўта олмай, овора ва саргардон бўлуб юруганда, аҳли лашкарға асир бўлуб, жазоға еттилар. Андоқким, иншооллоҳ ўз мавридида ирод қилилур. Бу дағи айни хайриятдур. Каримаи «сизлар ўзингиз учун яхши бўлган нарсани ёқтирмаслигингиз ва сиз учун ёмон бўлган нарсани яхши кўришингиз мумкин[2152]» мафоди анга долдур.

[2147] Анҳори салоса – уч анҳор.
[2148] Фасхи азимат – юрушни бекор қилиш.
[2149] 1224 йил 29-жумода-л-аввал/1809 йил 12 июл.
[2150] Таахир – кечикиш, орқага сурилиш.
[2151] Мавта – ўлик. Иҳё – тирилиш.
[2152] Қуръони карим, 2 : 216.

Эшмуҳаммадбек ва Суюнбий, Қурбонбек бий ва Севари бийнинг аҳшомиға чаповул урмоғи ва ул бийларии қатлға еткуруб, амвол ва атфолиға дасти таттовул еткурмаки

Бу воқеа андоқ эрдиким, *амири кабир* Кутлуғмурод *иноқ* Чуманойдин мустақарри хилофат жониби наҳзат қилғондин сўнгра Тўрамурод сўфи чун тангнои муҳосирадин нажот топти, майдонни холи кўруб, фасоди жибиллий таҳрики била муонидлардин лашкари анбуҳ тартиб бериб, шаҳри ражаб авоили[2153] да Эшмуҳаммад бек ва Суюн *бий*ни саркарда қилиб, Оқёқиш ва Эшим наҳрининг канорида ўлтурғон *қароқалпоқ*ияни чоптурмоққа буюрди. Алар кундуз ётиб, кеча юруб, моҳи мазкурнинг тўққузида шанба куни тонг вақти Қурбонбек *бий* ва Суйри бийнининг овулин *Кўкуз*ак била Эшим орасида топиб бостилар. Ва ул мазкур бўлғон бийларни эл-аҳшомидин кўп киши била шаҳид қилдилар ва молларин талаб ва уй ва элларин кўчуриб, муовидат кўргуздилар. Аммо, аъдои давлатдин Суюнбий захмдор бўлуб ва *найман* Худойберди *доруға*нинг кичик ўғли Юсуфбек қирқ-эллик киши била мақтул бўлди.

Махдумқули сардорнинг қўнгротға чаповул урмоғи. Шаъбон ал-муаззам ойининг иккинчи куни[2154]-ким, душанба эрди, Махдумқули *явмут* ўз абнои жинсидин эллик муборизи номдор олиб, фармони вожибилизон мавжиби била Қўнгрот чаповулиға роятафрози наҳзат бўлди ва олти кунда Қўнгротнинг шарқий ҳудудин чаповул уруб, муонидлар аҳшомиға дастбурди азим еткурди. Ва етти кишини қатл қилиб, кўп мол била мурожиат кўргузди. Ойининг ўн тўртида шанба куни чоштгоҳда Бухоро Мезонининг учида ва Хоразм Мезонининг йигирма бешида Арк қалъасида Кўрунушхонада *амири кабир* Кутлуғмурод *иноқ* ва дастури аъзам, низом ал-мулк вал-миллата Юсуф *меҳтар* ўлтуруб эрдилар. Ва фақир дағи мулозиматда ҳозир эрдим ва сўз тақриби била чаповулчиларнинг сўзиароға тушмиш эрди. Ул аснода Махдумқули муборизат кўргузган йигитлар била келиб, ҳануз хабарин тугатмайдур эрди, *хитой*дин икки киши келиб, Эшмуҳаммад бекнинг Янгиқалъали *хитой*ни чопғон хабарин келтурди. Ҳануз алар турмасдин бурун Муҳаммадқули бекнинг оллидин Бадал *юзбоши* келиб, Муҳаммадқули бек Эшмуҳаммад бекға шикаст берган хабарин еткурди.

Эшмуҳаммад бекнинг Янгиқалъалиқ хитойни чопғони ва Муҳаммадқули бекнинг дастбурдидин шикаст топғони. Бу сониҳа тафсили улким, шаъбон авоили[2155] да Тўрамурод сўфи Эшмуҳаммад бек ва Орол *нукуз*инининг *ҳоким*и Назар *бий*ни *ўзбак* ва *човдур*дин юз киши била буюруб эрди, токим мамолики маҳрусанинг бир тарафиға музоҳим[2156] бўлаолғайлар. Алар Отйўлидин ўтуб, Кўҳна Урганж усти била илғор қилиб, ойининг ўн иккиси[2157] да панжшанба кечаси Янгиқалъали *хитой*нинг атрофини чопиб, *қулон* халқидин икки киши ва бир *қароқалпоқ*ни хотуни била шаҳид қилиб, аёл ва атфолдин йигирма етти кишини исорат қайдиға чекиб, маржа ал-қаҳқари келган йўли била мурожиат кўргуздилар. Ул учурда Ниёзмуҳаммад бой ва Муҳаммадқули бек ибн Мурод бек Хўжаэлида илғор ётиб эрдилар. Хитой ва Қулон *ҳоким*и Ризо *отолиқ* ахбор учун икки кишини суддаи хилофатға ирсол қилиб, ўзи Хўжаэлига чопар йўсунида бориб, Ниёзмуҳаммад бой ва Муҳаммадқули бекка хабарни еткурди. Ниёзмуҳаммад бой қалъа муҳофизатиға муқаррар бўлуб, Муҳаммадқули ўз мутааллиқ навкарлари ва Ниёзмуҳаммад бойнинг баъзи навкарлари била отланиб, илғор қилди ва Кўҳна Урганжда ёвнинг ўтган изин топиб таоқиб қилди ва Ойбукрининг кун чиқарида тўғой орасида изидин етиб, уруш солдилар. Муонидлардин *човдур* муборизлари икки-уч мартаба сабот тариқасиға иқдом кўргузуб, жаҳди мавфур ва сайъи машкур тақдимға еткурдилар. Аммо Муҳаммадқули бек ва Бадал *юзбоши* баъзи муборизлар била аларға шери ғўррон ва фили дамон янглиғ ҳамалоти мутаоқиб еткуруб, ул муонидларни мўри хастасўрин ва пашшаи шикастаболдек шикаст тариқида қадамфарсой ва ҳазимат ҳавосида болгушой қилдилар. Ва теғи интиқом била кўп кишини мақтул ва мажруҳ қилиб, *хитой* усаросин қайди асоратдин халос қилдилар. Эшмуҳаммад бек ва Назарбий юз меҳнат ва минг машаққат била хоифан ва хосиран вартаи ҳалокатдин жонларин қутқориб, Қўнгрот жониби фирорий бўлдилар. Муҳаммадқули бек ул ердин Бадал *юзбоши*ни ўз навкарларидин яна биров била суюнчилатиб, дарбори фалакмиқдорға юборди. Ҳазрат аълохоқоний

[2153] 1224 йил 5-ражаб/1809 йил 17 август.
[2154] 1224 йил 2-шаъбон/1809 йил 2 сентябр.
[2155] Шаъбон ойи бошлари.
[2156] Музоҳим – заҳмат берувчи, халақит берувчи.
[2157] 1224 йил 12-шаъбон/1809 йил 23 сентябр.

ларни инъомоти вофира била саршори бодаи навозиш қилиб, Муҳаммадқули бекка олтун рахтлиғ тўпчоқ от ва хилъати гаронмоя ирсол қилди. Чун Бадал *юзбоши* бу урушда рустамона муҳориба кўргузуб эрди, ани *юзбоши*лиқ мансаби била сарафроз қилиб, юз навкар марҳамат қилди.

Ҳазрати хидеви комкори душман шикорнинг қуш солмоқ иродаси била азми шикор қилғони ва ул сафари муборакда Қўнгрот устиға саройе[2158] юбориб, Тўрамурод сўфини маҳбуси ҳисор қилғони

Байт:

Очиб болу пар шоҳбози қалам,
Бу янглиғ шикор этти сайд рақам.

Чун ҳазрат султони комкор ва хоқони душман шикор, сарвари салотини олам, афзали хавоқини муаззам, мазҳари алтофи илоҳий, мазҳари аътофи номутаноҳий, аъни соҳибқирони зиллиилоҳий, ал-мухтас би-авотиф ал-малик ал-маннон Абу-л-музаффар ва-л-мансур, муизз ад-давла ва-д-дин Абулғози Муҳаммадраҳим Баҳодирхон *халладаллоҳу мулкаҳу*нинг дааби бу эрдиким, ҳар йил икки-уч мартаба шикор қилмоқни ўзиға лозим тутуб эрди. Бу йил ҳам ул дааб лузуми била шикорға чиқмоқ ирода қилиб, мустақарри хилофатда умдат ал-умаро, мураббии ал-фуқаро *амири кабир* жалол уд-давлаҳ Қутлуғмурод *иноқ*ни ниёбат амриға тайин қилиб, Қавс авохири[2159]да шаввол ойининг ўн тўрти[2160]да сешанба куни дор ус-салтанаҳ Хивақдин рукуб қилиб, Хонқоҳ хиттасида ул мамлакат *волий*си Оллоҳназар бой валади Эшниёз бойнинг давлатхонасин нузули мусарратвусули била рашки беҳишт қилди. Бойи мазкур зиёфат амрида жаҳди мавфур ва саъйи номақдур тақдимға еткуруб, кеча тонгға тегру шойиста хизматларға мубодират кўргузди ва бир хилъати гаронмояким, бир иқлим хирожиға арзир эрди бир саманди сарсар хиром билаким, бир қадамда замони мозийдин ўтар эрди, **назм:**

Ҳей дегунча ўтуб Сурайёдин,
Секрибон бир қадамда дунёдин.
Жусса бирла сепеҳрдин олий,
Лек ҳайъатда руҳ тимсоли

– пешкаш қилди. Талиаи субҳдин сўнг ҳазрат хидеви комкор Хонқоҳдин наҳзат кўргузуб, Омуядин ўтуб тушти. Ва ҳар кун бир нав шикорандозлиқ била ўзгача инбисот кўргузуб ва ҳар соат бир турлук сайдпардозлиқ била ўзга нав нишот оҳангин тузуб, манзил-баманзил кўчуб, Хўжаэли навоҳисин музриби хайёми иқбол ва муқарри боргоҳи ижлол қилди. Ва ул диёрда бир неча кун қуш солмоқ ва ов олмоқ била кўнглин овлаб, айшу ишрат сурмак маросимида дақиқае номаръий қўймади. Давлату комронлиғ била мурожиат кўргузуб, зу-л-қаъда ойининг йигирма олтиси[2161]да душанба куни мустақарри хилофатға нузул қилди. Бу сафарнинг муддати қирқ икки кун эрди.

Бу сафари ҳумюонда кўп воқеот рўй бердиким, тафсилан зикр қилмоқ мавжиби атноб[2162] бўлур. Бу сабабдин баъзини ижмолан қайди китобатға киюрдим. Ул жумладиндурким, мунҳийлар масомеи жалолға хабар еткурдиларким, Қўнгротдин кўп савдогар асбоби билоғоят ва амволи бениҳоят била Эрдор йўлидин Бухороға озимдурлар. Ва яна Бекпўлод *отолиқ*нинг ўғлонлари баъзи муонидлар била Бухородин ул йўл била Қўнгротға келур эрмиш. Бу жиҳатдин ҳазрат хидеви комкор Муҳаммадниёз бек *маҳрам* ибн Худойберди *иноқ*ни икки юз киши била Эрдорға номзад қилди. Алар Эрдорға бориб, корвоннинг Бухороға ўтган изин кўруб, киши топмайин муовидат кўргуздилар. Ва Хўжаэлида дарбори фалакмиқдорға утбабўслиқға фоиз бўлдилар.

[2158] Саройе – бошлиқлар, саркардалар.
[2159] 23-декабр
[2160] 1224 йил 14-шаввол/1809 йил 22 ноябр
[2161] 1223 йил 26-зу-л-қаъда/1809 йил 14 январ
[2162] Атноб – чўзилиш.

Ва яна улким, Абдуллоҳ *сардор*нинг ўғлонлари Саллоқ *юзбоши* ва Одам *сардор*ни уч юз киши била Хўжаэлидин Қўнғрот чаповулиға буюрди. Алар Қўнғрот қалъасининг баъзи ҳудудин чопиб, муонидлардин кўп кишини мақтул ва маасур қилиб, инони азиматин маатуф қилиб, даргоҳи давлатпаноҳға ғониман ва мансуран мушарраф бўлдилар. Ва яна аларнинг изидин етти саркардани мутаоқиб Орол чаповулиға буюрди. Алар ҳар фавж бир тарафдин Қўнғрот навоҳисин ғорат ва торож қилиб, Тўрамурод сўфини накбат ҳисориға маҳсур эттилар. Ва аъдои давлатдин кўп кишини ўлдуруб, ғаноими бисёр ва усарои бешумор қабзаи тасарруфлариға киргузуб қайттилар ва навозишоти бекарона била сарафроз бўлдилар. Яна вақое ва савонеҳ кўп эрди, хавфан ал-атноб мунча била ихтисор топти.

Бу йил моҳи мазбур, яъни зу-л-қаъда нинг ўнун[2163] да шанба куни Эрниёз бекғаким, фақирнинг инисидур, ҳазрат воҳибилатоё бир фарзанди аржуманд ва валади саодат пайванд ато қилди. Ва ул нури ҳадиқаи жалол ва наввари ҳадиқаи камол Муҳаммадризобек[2164] ка мавсум бўлди. «Анбатуҳуллоҳ наботан ҳасанан[2165]»

Муҳаммаджон бекнинг садамати чаповул била Қўнғрот диёриға зилзила солмоғи

Ҳазрат аълохоқоний Қурбонбек *бий* ва Суюри *бий* шаҳодат топғондин сўнг ҳазм ва эҳтиёт маросимин риоя қилиб, шикордин қайтурда Каримберди *отолиқ* Аллош бекнинг оқоси Одил бек ва Қутлуқмуҳаммад *иноқ*нинг ўғлиМуҳаммаджон бек ва Бекали бек ибн Абдуллоҳ бек ибн Қаробаҳодир *мироб*ни ўзлариға мутааллиқ сипоҳ била илғор йўсинида Оқёқиш муҳофизатиға номзад қилиб эрди ва алар фармони лозим ал-изъон мавжиби била ул амрға машҳул эрдилар. Аъдои давлатға гушмоли балиғ еткурмак учун Муҳаммаджон бек Бекали бекни Оқёқиш қалъасида қўюб, ўзи ўз навкари ва *қароқалпоқ*иядин икки юз муборизи номдор била зу-л-ҳижжа нинг йигирмаси[2166] да жума куни Оқёқишдин роятафрози наҳзат бўлуб, Оймирзонинг қалъасининг устидан ўтти ва тенгиздин муз усти била қатъи масофат қилиб, икки кунда Толлиқ мавзеиға дохил бўлди. Ва ул навоҳида *қўштамғолиғ* Нуртой *қароқалпоқ*нинг элин ва Қўнғротнинг баъзи улусин чопиб, теғи интиқом била ўн етти кишини ўлдурдилар. Ва ўн кишини асир қилиб, кўп йилқи ва қаромол ғаноимиға мутасарриф бўлуб, мурожиат кўргузди ва Оқёқишға келиб, ул ғаноимнинг ғон[2167] ин усаро била Ёвбосар отлиғ йигитдин даргоҳи олампаноҳға ирсол қилди. Ва ул ойнинг йигирма саккизи[2168] да жума куниким, намози жумадин сўнг барча умаро ва аъёни давлат кўрунушхонада ўлтириб эрдилар, келиб хабар еткурди. Ҳазрат султони соҳибқирон ани хилъати гаронмоя ва навозишоти биланиҳоя била ўз ақронидин мумтоз қилди. Ва Муҳаммаджон бекка тилло кечимлик[2169] бир тўпчоқи арабий била бир хилъати зардўз ирсол қилди.

Ҳазрат аълохоқонийнинг жулуси майманат маанусининг бешинчи йилининг воқеоти саодатсимоти гузориш сафаҳотида рақам силкиға чекилур

Ул жумладиндур: Бу йилким, Йилқи йилидур, Хоразм Наврўзи муҳаррамнинг йигирма учи[2170] да панжшанба куни бўлди. Наврўзи султонийдин йигирма икки кун юқори эрди. Наврўздин сўнг секкизинчи кунда санаи ҳижрия минг икки юз йигирма бешда шаҳри сафар *хотамаҳуллоҳу билхайр вал-зафар*нинг ғурраси[2171] да жума куни ҳазрат хидеви комкор Янгидарёдаги *қароқалпоқ*ия муонидларининг гушмоли ва танбеҳи учун *явмут сардор*ларидин икки саркардани ҳар қайсиға *тарокима* ва *ўзбакия*дин икки юз киши бериб, бирини Қувбош йўли била ва бирини Кўкча йўли била юборди. Маъмурлар қатъи масофатда

[2163] 1224 йил 10-зу-л-қаъда/1809 йил 18 декабр.

[2164] Бу ерда гап Муниснинг укаси Эрниёзбекнинг ўғли Муҳаммад Ризобек – Огаҳий туғилгани ҳақида бормоқда.

[2165] Оллоҳи таоло уни кўркам ўстирди.;Қуръони карим, 3-суранинг 37-оятига ишора.

[2166] 1224 йил 20-зу-л-ҳижжа/1810 йил 27 январ.

[2167] Ғон – ўлжа молининг бешдан бирини давлат ҳисобига олиш.

[2168] 1224 йил 28-зу-л-ҳижжа/1810 йил 4 феврал.

[2169] Кечимлик, кежимлик – от устига ташланадиган ёпинғич-совут.

[2170] 1225 йил 23-муҳаррам/1810 йил 1 март.

[2171] 1225 йил 1-сафар/ 1810 йил 8 март.

қамари шабгарддин суръати сайр истиора қилиб, бир ҳафтада ҳар қайси Янгидарёнинг бир ҳаддидин дохил бўлди. Ва ул навоҳида ўлтирғаон *қароқалпоқ*иядин кўп элни торож ва мақтул ва маасур қилиб, ғаноими бешумор била мурожиат кўргуздилар. Ва моҳи мазбурнинг йигирмаси[2172] да мустақарри хилофатға етиб, навозиши хусравона била сарафроз бўлдилар.

Қўнғрот устиға чаповулчи буюрулмоғи. Ва ҳам моҳи мазкур авосити[2173] да ҳазрат хидеви комкор Тўрамурод сўфининг таадиби учун *явмут*ия акобиридин икки *сардор*ни ямут сипоҳидин икки гуруҳға саркарда қилиб, бир-бирининг изидин Қўнгротға номзад қилди. Маъмурлар Оқёқиш устидин ўтуб, *Қазоқ* дарёси била қатъи масофат қилиб, Қўнгрот навоҳисидин баъзи мавозе ва элни наҳбу ғорат қилиб қайттилар.

Ва ҳам бу ойнинг ўн саккизи[2174] да шанба куни *қиёт* дудмонидин Қаробаҳодир *мироб* ибн Худойқули *отолиқ*ким, Муҳаммадамин *иноқ*и марҳумийнинг авоили давлатидин бери бу хонадони олийнинг мулозиматида жонсипорлиғ кўргузуб, маротиби узмоға тараққий топиб эрди, маразн табиий била саройи фонийдин дор ал-бақоға интиқол қилди. Ёши етмиш олтидин ўтуб эрди.

Ҳазрат хидеви комкорнинг Хиваник ариғиға сув очтурмоқ учун Ҳазорасб жониби наҳзат кўргузмаки

Ва ҳам сафари мазкурнинг йигирма учи[2175] да панжшанба куни ҳазрат хилофат мартабат Хиваник ариғининг сақосин очтурмоқға рукуб қилиб, Хитойдағи ҳовлисиға нузул қилди ва андин отланиб, Ҳазорасбға бориб, наҳри мазкурнинг сақосин олти кун ҳафр қилдириб, сувни ул наҳрға жорий қилди. Бу аснода асбоби маноҳий ва адавоти малоҳий[2176] андоқким дафу чанг ва танбуру ғижжак ва ғайриҳумни мамнуъ қилиб, барча номашруот иҳтисобиға муҳтасиблар муқаррар қилди. Ва сақодин мурожиат кўргузуб, рабиъ ал-аввал ойининг тўрти[2177] да якшанба куни мустақарри хилофатға нузул қилди. Бешинжи кунким, ул ойнинг тўққузланжиси жума куни эрди, Оллош бек ибн Саййидали бек *қиёт*ни жадди То*жибий*нинг мансабиға насб қилди. Ва Бекали бек ибн Абдуллоҳ бекни бобоси Қаробаҳодир *мироб* ўрниға мансуб қилиб, *мироб*лиғ хилъати била сарафроз қилди. Ва тонгласи шанба куни Яхшилиқ *парвоначи*ни маъзул қилиб, *қангли* Қаландар бек ибн Худойберди бек ибн Қутлуқмурод ҳожини *парвоначи* қилди.

Саййидназар *бий*нинг **воқеаи қатли.** Бу воқеот андоқ эрдиким, Бойназар *бий*нинг иниси Эрниёз бек Хўжамурод *бий*нинг қатлидин сўнг ўз уруғи *эшқули* жамоасининг ва баъзи ақрабосининг муовинат ва музоҳиратиға эътимод қилиб, ҳазрат хидеви комкорнинг баиатиға даъват қилмоқ учун Қўнгротға бориб, пинҳоний *эшқули* орасиға дохил бўлуб, Тўра сўфи андин хабар топиб, ани ул халқнинг қўлидин тасаллут ва таади била олиб, маҳбус қилиб, ул бечора ҳабсда ҳалок бўлуб эрди. Анинг бpayодарзодаси Болташ бек ибн Бойназар *бий* Саййидназар бийниким, Хўжамурод *бий* била тутулуб, бир йилдин бери Арк зиндонида маҳбус эрди, мавқифи арзда жабинсойлиқ қилиб, оқосининг қони учун тилади. Анинг арзи иззи қабул била мабзул тушуб, Саййидназар *бий*ни зиндондин чиқариб, Арк дарвозасининг оллида теғи интиқом била чопқулаб ўлдурди. Бу воқеа раби ал-аввали мазкурнинг ўн олтиси[2178] да жума куни намоздин сўнг эрди.

Оймирзо *бий*нинг **Қўнгрот диёридағи** ***қароқалпоқ*ни чопғони.** Ул учурда Оймирзо *бий* Оқёқиш навоҳисида ўлтирур эрди. Ва Муҳаммадниёз карчак ва Берди *юзбоши* икки юз киши била Каримберди *отолиқ* ва Одил бек ва Муҳаммаджон бек ва Бекали бекнинг ўрниға сафар ойидин бери Оқёқиш қалъасининг муҳофизатиға номзад бўлуб эрди. Рабиъ ас-соний авохири[2179] да Ойдўст *бий*нинг саъйи ва иҳтимоми била Оймирзо *бий* ва Берди қашқа *юзбоши* навкария ва *қароқалпоқ*иядин тўрт юз муборизи кинахоҳ ва

[2172] 1225 йил 20-сафар/ 1810 йил 28 март.
[2173] 1225 йил 13-сафар/ 1810 йил 20 март.
[2174] 1225 йил 18-сафар/ 1810 йил 26 март.
[2175] 1225 йил 23-сафар/ 1810 йил 31 март.
[2176] Таъқиқланган ишлар асбоб-олоти билан иш кўриш.
[2177] 1225 йил 4-раби ал-аввал/ 1810 йил 10 апрел.
[2178] 1225 йил 16-раби ал-аввал/ 1810 йил 22 апрел.
[2179] 1225 йил 25-рабиъ ас-соний/ 1810 йил 31 май.

шужои размогоҳ била *Қазоқ* дарёсидин ўтуб, Толлиқ ҳудудиға ворид бўлуб, Қўнгрот музофотида ўлтурғон *қароқалпоқ*ияни тохту-тоз қилиб, ул жамоадин кўп кишини теғи обдор била интиқом ўтиға ўртоб, вужудлари туфроғин адам тундбодиға совурдилар. Ва Ойдўст *бий*нинг ақрабосидин Бекишниким, кўп муддатдин бери Ойдўст бийға адоват кўргузуб, бу давлати абад муддатға куфрони неъмат зоҳир қилиб, Қўнгротға бориб, сўфининг мулозиматида муонидлар силкиға мунҳарит бўлуб эрди, мутамарридлардин кўп киши била асир қилиб, мурожиат кўргуздилар.

Тўрамурод сўфининг Оқёқиш устиға келгани ва номурод рижъат қилғони. Тўрамурод сўфи Оқёқиш қасдиға минг етти юз мутамарриди кинахоҳу шақоват дастгоҳни жам қилиб, юруш асбобининг таҳҳиясиға машғул эрди, ул аснода Оймирзо *бий*нинг чаповул уруб, Бекишни иср қайдиға чекиб қайтган хабари етиб, наъл дар оташ бўлуб, истижол била отланди. Ва Оймирзо *бий* келгандин бир кун сўнг Оқёқиш устиға келиб, ярим манзиллик ерда сангар қилиб, уч кунғача Оқёқиш қалъасин қаттиғ муҳосира қилди. Муборизлар ҳар кун қалъадин икки-уч қатла чиқиб, набардозмойлиқ кўргузуб, аъдодин жамъи касир ва жамъи ғафир[2180] ни мақтул ва маасур қилдилар. Учунжи куниким, Тўрамурод сўфи сангаридин отланиб, муҳосираға машғул эрди, Ойдўст *бий* алар келмасдин бурунроқ уч юз кишини бир мўътамид кишиға топшириб, қалъадин чиқариб, тайин қилиб эрдиким, муонидлар қалъа устиға келгандин сўнг сангариға қуюлуб, ғорат қилинг. Алар бу ният била сангарга бориб, борча асқол ва аҳмолини торож қилдилар ва юз кишига қарибким, сангар муҳофизатиға тайин топиб эрдилар, барчасин асир қилиб, қатлға еткурдилар ва қоринларин ёриб, пешноф[2181] ларин сўюб, бўйинлариға илдируб ташладилар. Ва ғаноими фаровон била борғон йўлидин мурожиат кўргузуб, қалъанинг кун чиқаридин дохил бўлдилар. Тўрамурод сўфи бу воқеани эшитиб, махзул[2182] ва манкуб юз расволиқ била қайтиб, ўз диёриға мутаважжиҳ бўлди. Ойдўст *бий* Бекишни ҳам ўлдириб, яхши муборизат кўргузган баҳодирлар била судда[2183] и хилофат мулозиматиға озим бўлдилар ва жумода-л-аввалнинг секкизи[2184] да шанба куни дарбори фалак миқдорнинг тақбили бисотиға фоиз бўлуб, қилған хизматлариға лойиқ мароҳими хусравона ва авотифи бекаронаға махус бўлдилар.

Ҳазрат султони соҳибқироннинг давлати саодатнишон била учунжи каррат Орол кишвариға рояти нусратоятни ҳаракатға киргузмакининг баёни ва Тўрамурод сўфиға гушмоли балиғ еткуруб, ул тамарруд бешасининг силсилаи давлатини узмакининг достони

Бу саҳифа майдонининг роятафрози, бу рафиа унвонининг балоғат тирози, яъни қалами мишкин рақам бу янглиғ воқеа нигорлиғ кўргузурким, чун сўфии бепири шарорат тахмир Тўрамурод бийким, анинг зоти шақоватсамоти «инсон зиён-бахтсизликдадир[2185]» хисоратиға мазҳар[2186] дур ва вужуди номасъуди «улар илгари очиқ хато – залолатда эдилар[2187]» залолатиға муашшар[2188], **байт:**

Келиб зоти анинг залолат сиришт,
Жабинида идбор ўлуб сарнавишт.
Вужуди жаҳонга кудурат фазой,
Замири халойиқға зулмат намой.

Шарорати фитрат ва хубси тийнат[2189] таҳрики била мамолики маҳрусанинг атрофидин мукарраран дахлу музоҳимат еткурди. Андоқким, собиқан мазкуру мастур бўлди. Ложарам ҳазрат хидеви комкори

[2180] Жамъи ғафир – катта оломон.
[2181] Пешноф – киндик атрофидаги гўшт (қарта) ва ичаклар.
[2182] Махзул – умиди узилган.
[2183] Судда – остона.
[2184] 1225 йил 8-жумода-л-аввал/1810 йил 12 июн.
[2185] Қуръони карим, 103 : 2.
[2186] Мазҳар – англатувчи, маънога эга.
[2187] Қуръони карим, 3 : 164.
[2188] Муашшар – ўз ичига олган.
[2189] Хубси тийнат ва шарорат – табиатан тубанлик ва золимлик.

душманшикор ва шаҳриёри номдори нусратшиор, сарвари салотин, сардафтари хавоқин, мазҳари алтофи илоҳий ва мазҳари эътоф номутаноҳий. қомеи асоси зулму туғён. носиби ливои амну омон, ал-мухтас би авотиф ал-малик ал-мустаон *муизз уд-давлат ва-с-салтанат* Абу-л-музаффар ва-л-мансур Абулғози Муҳаммадраҳим Баҳодирхон *халладаллоҳу мулкаҳу ва султонаҳу ва афоза ала-л-оламин барроҳу ва эҳсонаҳу* ул нобакор, тийра рўзгорнинг тааддиб ва гушмоли учун Орол юрушиға жозим бўлуб, баҳромсавлат тавочиларни асокири мансура иҳзориға мамолик атрофиға ирсол қилди. Ва хусравона инъомидин умарои ва шужаои душман шикорға асбоби сафар таҳҳияси учун зарпошлиғ кўргузуб, жавоҳири муроддин домани умидларин мамлу қилди. **Байт:**

Махзани жуд эшикини очти,
Кафи эҳсони элга дур сочти.

Ва дор ас-салтана Хивақда аморатпаноҳ ва аёлатдастгоҳ, умдат ал-умаро, мурабби ал-фуқаро, ал-муфайз ал-жуд алал ғурабо фи-л-офоқ, жалоли давла ва-д-дин абу-л-маоний Қутлуғмуродбий *иноқ*ни ниёбат маснадида мутамаккин қилиб, Урганж Саратонининг ўн тўрти[2190] да ва моҳи мазбур, яъни жумода-л-аввалнинг ўн иккиси[2191] да панжшанба куни, ул чоғдаким, асъади соот ва аҳсани авқот эрди, мустақарри хилофатдин бахти ҳумоюн ва толеи маймуннинг далолати била якрони саодатға рукуб қилиб, Мойлижангалға нузул қилди. Ва шанба куни андин отланиб, *Отолиқ* арнасининг сақосиға тушуб, дарё қироғин музриби хайёми давлат ва муқарри боргоҳи жалолат қилди. Бу мавзеда тўрт кун таваққуф воқе бўлди, токим асокири мансура ва афвожи қоҳира атрофи мамоликдин фавж-фавж, гуруҳ-гуруҳ келиб, рояти нусратоёт кўлокасиға мужтаме бўлдилар. Ва ҳам бу манзилда ўғруқ ва буна[2192] ва аҳмол ва асқолни кемаларга солиб, ойнинг ўн тўққузи[2193] да чоршанба куни кўчуб, Қипчоқ ҳаволисида дарё канорин нузули мусарратвусули била беҳиштойин қилди. Бу ерда *олабулук* жамоасининг *ҳокими* Абдуллоҳ *сардор*нинг ўғлонлари Соллоқ *сардор* ва Одам *юзбоши* ўзлариға мутааллиқ сипоҳ ва яна бир неча мубориз кинахоҳ била Орол жониби йўл эҳтиёти учун илгари буюрулди. Панжшанба куни Бештепа муқобиласиға нузул қилиб, аморатмаоб, сароматинтисоб Муҳаммадризо *қўшбеги*нинг иниси Муҳаммадқули бек ибн Мурод бек *қўнғрот* ва Тангбаҳодир *қўнғрот* ва Дўсим Баҳодир *манқит* ва Бадал *юзбоши*ни ўз навкарлари билаким, етти юз отлиғ мубориз баргўзида эрди, **маснавий:**

Эди ҳар бири сафдари филтан,
Ҳазабри ваго, зигами сафшикан.
Таҳамтани набард, Фаромарзи жанг,
Яли шердил, гурди пўлод чанг.

Ҳасанбой *бий* ва Қўлюмри *бий* ва Қўшберган *бий*нинг эл ва аҳшомининг муҳофизатиға номзад қилди. Анинг учунким, масомеи жалолға Қўнғрот тарафидин хабар етиб эрдиким, *қўнғрот* муонидлари ул элларға турктоз қилмоқ тараддудида эрмиш. Маъмурлар эйлоти мазкурни Қумчўнкўл ҳудудида топиб, муҳофизат амриға қиём кўргуздилар. Ва Саллоқ *сардор* ва Одам *сардор*ким, бурун йўл эҳтиётиға маъмур бўлуб эрди, ишорати воло била Чумонойнинг Тобпоққечув отлиғ гузаргоҳида йўл ҳифзиға машғул бўлдилар. Ва ҳам Бештепа муқобиласида амири соиби тадбир Муҳаммадризо *қўшбеги*ни пешхона ва саропарда[2194] била илгари юбордиким, то Қирққойрида боргоҳ ва саропардани барпой қилғай. Жума куни ул мавзедин ливои наҳзатни ҳаракатға киргузуб, Хўжаэли қалъасининг олдидин ўтуб, Қирққойирда боргоҳи фалакиштибоҳға нузул қилди. Маълум бўлсунким, ул мавзе *хўжаэли* қабоилидин *қирқ* халқининг еридур. Бу жиҳатдин «Қирқ қойири»ға мавсумдур. Ул ерда Тошим *найман*ким, Тўра сўфининг муътамид

[2190] 7 июн.
[2191] 1225 йил 12-жумода-л-аввал/1810 йил 16 июн.
[2192] Буна – йўл анжомлари, юк.
[2193] 1225 йил 19-жумода-л-аввал/1810 йил 23 июн.
[2194] Пешхона ва саропарда – даҳлиз ва чодир.

кишиларидин эрди, оқоси Муҳаммадназар *отолиқ* анинг ўғли Хўжамурод билаким, сўфининг афъоли ношойистасидин дилтанг бўлуб, Қўнғротдин қочиб, бу жонибға мутаважжиҳ бўлуб эрди, даргоҳи олампаноҳ тақбилиға мушарраф бўлуб, бурунғи хабарни имзоға еткурди[2195]. Бурунғи хабарни келтурган киши Тўрамурод сўфининг жосуси эркан. Ҳийла била қочғунчилар тариқасида келган эрмиш. Тошим *наймон*нинг сўзи била анинг жосуслиғи субутға етиб, сиёсатға етти. Ойнинг йигирма иккиси[2196]да шанба куни кўчуб, Чанглбосувнинг сақосиға тушулди. Ул кун бу манзилда фармони вожиб ал-имтинон мавжиби била Муҳаммадқули бек ва Тангбаҳодир ва Дўсим Баҳодир Қум Чўнгкўлдин келиб, асокири нусратмаосирға қўшулди. Бадал *юзбоши* ул элда ва Одам *сардор* Тобпоқ кечувда муҳофизатға муқаррар бўлди.

Эшмуҳаммад бекнинг Ҳасанбой бийнинг элиға чаповул ўрмоғи. Бу сониҳа андоқ эрдиким, Тўрамурод сўфи асокири мансуранинг устиға келур хабарин ҳануз эшитмайдур эрди. Эшмуҳаммад бекни икки юз эллик киши била Ҳасанбой *бий*нинг элини чоптурмоқ учун Отийўлидин ўткарди. Сўнгғи кунким, якшанба эрди, Эшмуҳаммад бек тонг вақти Қум Чўнгкўлға етушуб, Ҳасанбой *бий*нинг элиға турктоз ва чаповул еткурди. Ул ҳангомда Бадал *юзбоши* таҳоратға машғул эрди, хабардор бўлуб, сипоҳи била отланиб, шери ғўрранда янглиғ аъдои давлатға ҳамла еткурди ва синони жонситону теғи хунфишон била етти-саккиз кишини мақтулу мажруҳ қилди. Ул чоғда Қўшберган *бий* ва Ҳасанбой *бий*нинг ўғли Қодирберган *қароқалпоқ* йигитлари била отланиб етуштилар ва ёвға аралашиб, теғи хунрез била сарафшонлиғға машғул бўлдилар. Ва Бадал *юзбоши* бовужудиким бошидин захмдор бўлуб эрди, юз қайтармай, муқотилаға ҳарисроқ бўлди. Ложарам бу нав ҳиммат ва муборизат йўмнидин «оллоҳ сизга қудратли ёрдам бериши учун[2197]» фаҳвоси била нусрат ели Бадал *юзбоши* туғининг парчамиға эсиб, Эшмуҳаммад бек ва аъдои давлат шикасти қабиҳ ва ҳазимати фасиҳ топтилар. Бадал *юзбоши* ва Қўшберган *бий* ва Қодирберган баҳодирлар била изидин айрилмайин, такомиший[2198] қилиб, муонидлардин кўп кишини тутуб ўлдурдилар. Аммо, бу хабар кун найза бўйи кўтарилмасдин бурун суддаи хилофат мулозимларининг самъиға етиб, амири равшанзамир Қилич *иноқ* ва Хўжажон хўжа ва Муҳаммаджон бек ва Худойназар бек ибн Кўчак *иноқ* ва Муҳаммадқули бек ва Дўсим Баҳодир ва Саллоқ *сардор* ва ғайриҳум баъзи мутажанда билаким, ҳар бири бир сипоҳнинг хулосаси эрди, буюрулди. Алар Тойпоқ кечувидин илгари муонидларға ҳазимат ҳангомида етиб, қатлу исрға машғул бўлдилар. Андоқким Эшмуҳаммад бек баъзи муонидлар била кўлга кириб, қалин қамиш орасида ёшуниб, уч кундин сўнг пиёда ва бошу оёқ яланг Қўнғротға борди. Ва баъзи *човдур* ва *ороллил*арким, Аранг тарафиға фирорий бўлуб эрдилар, аларни Арангғача қовуб, қирқ-эллик кишини асир қилиб ва ўн етти кишини ўлдуруб, бошларин келтурдилар. Ул кун ва душанба куни дастури аъзам ва соҳиб ас-сайф вал-қалам низомулмулк Юсуф *меҳтар* ишорати воло мавжиби била Чанглибосув ва Чуманойға кемадин занжир била жиср боғлади. Сешанба куни ул наҳрлардин убур қилиб, Чуманойнинг орқаси музриби боргоҳи иқбол бўлди. Чаҳоршанба куни Эшмуҳаммад бекнинг урушида иш кўргузган ва оти ўлган йигитларға тилло ва хилъат инъом қилиб, Бадал *юзбоши*ни ортуқаси навозишлар била сарафроз қилди. Ва ул кеча Муҳаммадниёз карчак ва Худойберди бекни ўзлариға мутааллиқ сипоҳ била Қўнғрот жониби илғорға буюрди. Панжшанба куни ойнинг йигирма еттиси[2199]да Чуманойдин ҳаракат қилиб, Ихлос ариғининг сақоси била Бутонқамиш оралиғинким, андин Қўнғрот қалъасиға бир фарсахлиғ масофатдур, муаскар қилди. Ул кун Муҳаммадниёз карчак ва Худойберди бек Қўнғротнинг баъзи мавозеида ўлтурғон элни ғорат қилиб, бир неча кишини асир этиб келтурдилар.

Аввалғи урушнинг воқеаси. Жума куни ҳазрат хидеви комкори душманшикор лашкари қиёматасарнинг тартиб ва таабиясиға партави илтифот солиб, беш қисмға мунқасим қилди. Андоқким шижоатпаноҳ, сароматогоҳ *амир* Қилич *иноқ*ни Ўрозали *иноқ* бошлиғ баъзи умаро била буронғор тайин қилиб, *манқит* Худойназар *отолиқ*ни *Тўра отолиқ* ва Аваз *иноқ* бошлиғ баъзи умаро билан ўнг қўлға муқаррар этти. Ва *уйғур амир* Каримберди *отолиқ*ни *нукуз* Бекболта *мироб* ва ва фақир ва Оллоҳназар *бий* била

[2195] Аниқлик киритган ҳолда арз қилди.
[2196] 1225 йил 22-жумода-л-аввал/1810 йил 26 июн.
[2197] Қуръони карим, 48 : 3.
[2198] Такомиший – отда узлуксиз қувлаш, таъқиб этиш.; Беггел матнида нотўғри шаклда «накомиший» келган.
[2199] 1225 йил 27-жумода-л-аввал/ 1810 йил 1 июл.

жувонғорға номзад қилиб, Абдуллоҳ *иноқ*ни Қаландар *парвоначи* бошлиғ баъзи умаро била сўл қўлға саркарда қилди. Ва ўз нафаси нафиси била қалбгоҳда ливои зафарпарчамни жилваға киргузуб, зубдаи содот саййид Юсуф хўжа *нақиб* ва *амири кабир* Шоҳниёз *оталиқ* ва дастури аъзам Юсуф *меҳтар*ни ўз ҳузратиға мушарраф қилди. Ва Муҳаммадризо *қўшбеги*ни муқаддимаи сипоҳ қилди. Бу тартиб била Қўнғрот қалъасининг устиға роятафрози наҳзат бўлуб, баъзи муборизлар фармони жаҳонмато[2200] муқтазоси била асокири мансурадин илгари аодиға чаповул уруб, усарои бисёр ва ғаноими бешумор келтурдилар. Ҳазрат аълохоқоний дабдабаи тамом ва кавкабаи локалом била бориб, қалъанинг қибласида тартиби мазкур била сафоролиғ кўргузди.

Ва Тўра сўфи даги аҳли инод ва арбоби фасод била қалъадин чиқиб, хандақ орасида ясов ясаб, накбат ва хисорат ливосин жилвагар қилди. Ва ўзи гуруҳи анбуҳ била хандақдин ўтуб, изҳори журъат қилиб, муҳориба майдониға муборизат якронин сурди. Ва ҳазрат аълохоқоний умарои шижоатшиор ва шужаои муборизатосорни даста-даста навкарлари била майдондориликға маъмур қилиб, санж ва кабурга[2201] садосин фалакасирға еткурдилар. Ва икки тарафдин муборизлар майдонға таҳаввур якронин суруб, ҳангомаи муҳориба гарм ва шижоат аҳли хунрезликда беозарм бўлди. Ва занбурак ва шамхоллар овози раадништон ва гулулаи жонситон била баҳодирлар ҳушин бошларидин учурди. Ва муборизлар жигариға ажал захмин еткурди. **Маснавий:**

Такопў қилиб эйла аҳли набард,
Булутдек тутуб кун юзин тийра гард.
Қўпуб адиллар ҳаё-ҳуйидин,
Учуб гард отлар такопўйидин.
Малоик қулоқини кар айлабон,
Қуёш кўзини бебасар айлабон.
Уруб гурдлар найзаи жонситон,
Адувға бўлуб найзалар хунфишон.
Қиличлар қилиб хасм бағрини чок,
Бўлуб лаългун қон ила тийра хок.

Аснои гиру дор[2202] ва ҳангомаи корзорда Орол *наймон*ининг *ҳокими* Ҳасан *қози* Тўра сўфидин рўйгардон бўлуб, давлат янглиғ бу ҳазратға юз келтурди. Ва Ўрозали киёткимб, сўфининг бинои давлатининг сутуни эрди, ўз саҳросидин келиб, бу воқеани кўруб, майдонға кириб, муборизат амриға мубодират кўргузди. Ул аснода шужаои душманшикордин биров анинг муқобила ва муқотиласиға журъат якронин суруб, гулулаи тўфанг била ажал туфроқиға сарнигун йиқиб, отин олиб, ўзин танимайин майдондин чиқти. Қурбонниёз Пирнавхостийким «кўзи кичик» лақабиға машҳурдур, Ўрозали киётни майдон ўртасида шуруфи мавт[2203]да кўруб, бошин кесиб келтурди. Ва баъзи баҳодирларким, атрофға номзад бўлуб эрдилар, аъдои давлатдин кўп кишини ўлдуруб, бошларин келтурдилар. Ва муборизлар ҳазрат султон соҳибқиронийнинг маёмини давлатидин қувват топиб, ғалаба қилдилар. Ва накбо[2204]и накбат сўфии бедавлатнинг аламиға эсиб, шикаст топти ва қочиб қалъаға кириб, ҳисордорлиқға машғул бўлди. Бу урушда сипоҳи нусратпаноҳдин Дўнмас *явмут*нинг ўғли Одинаберди *сардор* ва *қўнғрот* Кувондуқ ва Исмоил баҳодир шаҳодат топтилар. Ва *жалойир*дин икки киши асир бўлуб, алар қалъада сўфининг ҳукми била қатлға еттилар. Асокири мансура қалъа атрофидағи мазоренинг буғдойин торожу поймол қилиб қайтиб, муаскари ҳумоюнға тушти. Ва Ўрозали киётнинг бошин ибратан лил-нозирин сангар дарвозасида дорға остурди. Тонгласи муҳосира қилдилар. Муонидлар қалъадин чиқа олмадилар. Якшанба куни умарони асокири мансура ва афвожи қоҳира била қалъа устиға буюрди. Бу кун ҳам уруш бўлмади.

[2200] Жаҳон бўйсунувчи.
[2201] Санж ва кабурга – дўмбира ва бурғу.
[2202] Гиру дор – ушла-тут.
[2203] Шуруфи мавт – ўлим арафаси.
[2204] Накбо – шамол; Накбои накбат – бахтсизлик ели.

Иккинчи урушнинг воқеаси. Душанба куни моҳи мазкурнинг салхи[2205] да ҳазрат хидеви комкор дабдабаи каёний ва кавкабаи сулаймоний била рукуб қилиб, қалъа устиға юруш қилди. Ва яна қалъанинг қибласида бурунғи дастур ва маротиб била лашкари қиёматасарни мураттаб қилиб, аввалғи йўсунда суфуфи нусратвуқуфни ораста қилди. Ва Тўра сўфи ҳам муонидлар била қалъадин чиқиб, тасвияйи суфуфға иштиғол кўргузуб, ливои накбатни барпой қилди. **Назм:**

Ясовларда рахшанда туғу алам,
Қуёш шаънини синдуруб якқалам.
Кабурка уни етти афлокға,
Солиб зилзила арсаи хокға.
Навозишға ҳар ён кириб табли жанг,
Садоси ўтуб чархдин бедаранг.
Дами карно шуришафзо бўлуб,
Қиёмат куни ошкоро бўлуб.

Ишорати воло мавжиби била баъзи баҳодирлар ул диёрнинг тавобе ва лавоҳиқининг ғоратиға маъмур бўлуб, баъзи сарҳанг[2206] и соҳиби фарҳанглар майдондорлиқға мубодират кўргуздилар. Ҳар нечаким, аҳли инод ва арбоби фасоднинг тоби муқовимати йўқ эрди, аммо қалъа деворига мустаҳзар бўлуб, шарорати жибиллий ҳаракатидин майдонға журъат якронин сурдилар. Муборизлар туш-тушидин аларға мутаоқиб ва мутаволи ҳамлалар еткуруб, қаттиғ муҳориба ва муқотила воқе бўлди. **Байт:**

Масоф амри анингдек гарм бўлди,
Ки ул майдон саросар қонға тўлди.

Ул чоғда Хўжажон хўжа муборизат майдониға шижоат якронин суруб, аъдо сафиға ҳамалоти мутаоқиб била зилзила еткуруб, синони жонситон ва теғи хунфишон била қатлу хунрезликка машғул эрди, иттифоқо муқобиласидин *уйғур* Саййидқули бек муонидлардин гуруҳи анбуҳ била хўжанинг қасдиға от солди. Хўжа ҳам тааммул ва таваққуф қилмай, аларға ҳамла еткуруб, икки-уч кишини мақтул ва мажруҳ қилди. Муонидлар бу воқеани кўруб, ҳайъати ижтимо била хўжани ўртаға олиб, атрофидин ўн-ўн беш найза урдилар. Ўзгасиға совут моне бўлуб, бир найза қорниға дохил бўлуб, қаттиғ захмдор бўлди ва отнинг қуввати била ул вартадин халос бўлди. Ва *явмут* Кўмак паҳлавон дағи қатлу кўшеш ҳангомида оёқидин захмдор бўлуб чиқти. Ул аснода атрофға чаповулға борғон баҳодирлар ғаноими фаровон ва усарои бепоён била кела бошладилар. Усаронинг аксари *човдур* эрди. Тўрамурод сўфи бу воқеадин хабар топиб, муонидлардин жамъе касир била қалъанинг кун боториға ўтуб, қасд қилдиким, чаповулға борғон лашкарға бехабар дастбурд еткургай. Сипоҳи нусратпаноҳнинг майсарасидин Каримберди *отолиқ* баъзи муборизлар била анга муқобил бўлуб, уруш солдилар. Аввалғи урушдағи баҳодирлар дағи муни мушоҳида қилиб, чўқ-чўқ, гуруҳ-гуруҳ келиб ҳамла қилиб, муҳориба ва муқотила амриға қиём кўргуздилар. Ҳазрат хидеви комкор ҳам ул тарафға алами зафарпарчамни ҳаракатға киргузди. Аъдои давлат бу воқеани кўруб, фидоийвор ғайрат кўргузуб, тўп-тўп ҳамла еткуруб, уруш қойим бўлди. Ул аснода *қалмоқ* Бургут баҳодирким, Кўчак арбобнинг мамлук[2207] и эрди, аъдо сафиға ўзин еткуруб, Тўра сўфиға муқобил бўлуб, бир-бириға найза уруб, рў қилдилар. Оқибат Бургут баҳодир чустдастлик қилиб, Тўра сўфини от устидин қучоқлаб, қувват қилиб, йиқар фурсатда арбоби фасодким, сўфининг қошида эрдилар, кўплаб Бургут баҳодирни шаҳодатға еткуруб, сўфиға нажот бердилар. Ул чоғда ишорати воло била Эшмурод бек ибн Султон *мироб* шамхолчилар ва милтуқчи *мерган*ларни илгари элтиб отқулатти. Андоқким шамхол ва милтуқ овози ва баҳодирлар ғулғуласидин «қиёмат соатида зилзила улуғ-даҳшатли нарсадир[2208] » мафоди ошкоро бўлди. Ва Эшмуҳаммад *юзбоши*нинг гулулаи шамхоли била Орол *нуку-*

[2205] 1225 йил 29-жумода-л-аввал/1810 йил 3 июл.
[2206] Сарҳанг – саркарда.
[2207] Мамлук – қул.
[2208] Қуръони карим, 22 : 1.

*зи*нинг *ҳоким*и Назар бийким, шижоат ва сароматда Тўра сўфининг адили эрди, мазиллат туфроқиға йиқилиб, қатлға етти. Ва Эшниёз *юзбоши* даги муонидлардин икки муборизни уруб ўлдурди. Ва Тўлаган баҳодиркким, Бухоро ва Туркистонда кўп йиллар муборизат амрида улуғ ишларга иқдом кўргузуб, номдорлиқда ангуштнамо бўлуб эрди ва тасорифи айём муқтазоси била муҳожират ва мусофират ихтиёр қилиб, дарбори фалак миқдор мулозиматининг орзуси била янги келмиш эрди, муояна[2209] и майдондорлиқ қилиб, синони хорашкоф била кўп кишининг синаи пуркинасиға захми муҳлик еткурди. Ва аксар муборизлар қатлу эср қилмоқдин дақиқае номаръи қўймадилар. Аъдои давлат оқибатиламр тоби муқовимат келтура олмай, мағлуб ва манкуб бўлуб, ўз давлатларидек маъракаи корзордин рўйгардон бўлуб, қалъаға киргунча кўп киши баҳодирлар қиличининг зарбидин мақтул ва от оёқининг остида нобуду маҳлул[2210] бўлдилар.

Аммо. Сипоҳи нусратпаноҳдин муҳориба асносида Дўсим баҳодирнинг тўрт навкари ва Оллош *бий*нинг бир кишиси ва *явмут* ва *човдур*дин икки киши зое ва талаф бўлдилар. Жумода-л-охирнинг ғурраси[2211] сешанба куни осойиш учун оромгузин бўлдилар. Ул кун *нукуз* қозиси ўз ақробосидин икки уйлк била ва *қанғли* уруғидин олти хонавор била сўфининг зулм ва тааддисидин қочиб келди. Ҳазрат хидеви комкор қозии мушориилайҳни хилъати иноят била мулаббис қилиб, кема била Хўжаэли жонибиға юборди.

Учунжи урушнинг воқеаси. Чаҳоршанба куни ойнинг иккиси[2212] да ҳазрат хилофат мартабат қадами иродатин рикоби саодатға қўюб, саманди давлатға рукуб қилди. Муҳаймани корсоз ва қодири банданавознинг каҳфи кифоят ва канфи муҳофизатида фатҳу нусратнинг раҳнамунлиғи била қалъа устиға ҳаракат қилиб, бурунғи дастурда қалбгоҳ ва бурунғор ва жувонғор ва ўнг қўл ва сўл қўлни ораста қилиб, қалъанинг жануби била ғарбий оралиғида ясов ясади. Тўрамурод сўфи Эшмуҳаммад бек ва Суюн *бий* ва Муҳаммадмурод бек ва Гадой баҳодирнинг саъйи ва иҳтимоми била аҳли инод ва арбоби фасодни маъ ар-раоё ва-л-фуқаро тавъан ва карҳан[2213] отлиғу яёқ қалъадин чиқариб, сафоролиқ қилди. Ва майсарасин қалъанинг қибласида ясаб, майманасин кун ботар дарвозанинг оллида мураттаб қилди. Асокири нусратмаосирнинг буронғори Орол черикининг майсараси била ва жувонғори майманаси била муқобила ва муқотила амриға мубодират кўргузуб, қибладаги урушда *амири кабир* Қутлуғмурод *иноқ*нинг навкарларидин Шералибек шаҳид бўлди. Баҳодирлар ғалаба қилиб, Орол черикига шикаст бериб, Беки мушорилайҳнинг ўлугин майдондин олиб чиқтилар. Андин сўнг қалъанинг ғарбида яхши уруш тушуб, ҳангомаи корзор гарм бўлди. **Маснавий:**

Қиличлар дами тўкти ул нав қон,
Ки майдонда қон сели бўлди равон.
Синон нуки эл бағрин айлаб шикоф,
Ўлуклардин ўлди аён кўҳи Қоф.

Муборизлар шери ғўрранда ва бабри дарранда янглиғ аодиға мутаоқиб ва мутаволи ҳамлалар еткуруб, теғи обдор ва тўфанги оташбор била кўп муонидларнинг хокий вужудларин тунбоди адамға совурдилар. Ул жумладин Жуманиёз *қўнғрот*ким, Тўра сўфининг чироғи давлати анинг шўълаи музоҳирати била равшан эрди, қатлға етти. Аммо, бу тарафдин Кўчқор *нойиб*нинг ўғли Давлатмурод бекким, Ўмбой лақаби била машҳурдур, захмдор бўлди. Ул аснода Каримберди *отолиқ* ва Абдуллоҳ *иноқ* била бизлар улуғ туғларни илгари сурдук. Каримберди *отолиқ* тугни бизларга топшуруб, ўзи баъзи мубориз йигитлар била саромат майдониға шижоат якронин суруб, жалодат қиличидин аъдои давлат қони била ерни рангин қилиб, яхши муояна ишлар кўргузди. Абдуллоҳ *иноқ отолиқ*и мушорилайҳға таассуб[2214] қилиб, ул даги изҳори журъат қилиб, урушға кирди. Андин сўнг бизлар яна туғни илгарироқ сурдук. Андоқким

[2209] Муояна – текширув, кўрик, синов.
[2210] Маҳлул – янчилиш, эзилиш.
[2211] 1225 йил 1-жумода-л-охир/ 1810 йил 4 июл.
[2212] 1225 йил 2-жумода-л-охир/ 1810 йил 4 июл.
[2213] Тавъан ва карҳан – мажбуран.
[2214] Таассуб – Бу ерда: қолишмаслик.

Тўра сўфининг ҳовлиси била Сайййидназар *бий*нинг работининг оралиғиға бориб турдуқ. Маълум бўлсунким, Тўра сўфининг ҳовлиси қалъаға дохилдур ва Сайййидназар *бий*нинг работи бир ўқ отим узоқ эрди. Урушдағи баҳодирлар бизлардин қувват топиб, муҳорибаға ҳарисроқ бўлуб, ғалаба қилдилар. Сўфи бошлиғ муонидлар тоқат келтура олмай, маъракаи корзордин рўйгардон бўлуб, қалъаға қочиб кирдилар. Ҳазрат султони соҳибқирон нусрати тамом ва дабдабаи локалом била қалъа устидин ливои наҳзатни Янгичка оёқиға ҳаракатға киргузуб, ул навоҳи экинларин «бузуқи-фосидларға зарар келтиринг[2215]» ҳукми била харобу поймол қилдуруб, муаскари ҳумоюнға нузул қилди. Панжшанба куни фароғат маснадида оромгузин бўлуб, иш кўргузган йигитларни навозиши бекарона била сарафроз қилди. Хусусан, жароҳатдорларға марҳам баҳоси деб динонири бисёр ва дироҳими бешумор марҳамат кўргузди. Жума куни отланиб, аксар мазорени поймол ва талаф қилдурди. Якшанба куни ойининг олтиси[2216]да дарёдин ўтуб, ул тарафдағи экинларин харобу нобуд қилдурди. Ва қалъанинг муқобиласидин аъдои давлатни отқулотиб қайтти. Баъзи мутажанда ул навоҳидин ғаноими мавфур ва усарои номақдур келтурдилар. Душанба куни ором тутуб, ул кун кўл орасида ўлтурғон улусдин кўп эл кўчуб келди. Ул ҳазрат ул жамоға тафаққуд[2217] қилиб, кема била мамолики маҳрусаға узотти.

Ҳазрат хидеви комкорнинг Шўркўл қасдиға юрмаки ва ул ноҳиятни фатҳ қилиб, элин кўчурмаки

Бу воқеа андоқ эрдиким, Ҳасанбой *бий*нинг бани аъмомидини мулло Хўроз *қўнғрот қароқалпоқ*дин кўп эл била Шўркўл навоҳисида эрди. Ва Иккилик *бий қиёт қароқалпоқ*идин тўрт-беш юз уйлук эл била ул жамоаға ёвуқ кўчуб қўнар эрди. Ва яна икки юз уйлук эл *қўнғрот* ва *манқит*дин молу экин беҳбуди учун ул диёрда мутамаккин эрдилар. Чун асокири мансура хабарин эшиттилар, Шўркўлда қалъа солиб қабалдилар. Мунҳийлар бу хабарни суддаи хилофат мулозимларининг самъиға еткуруб эрдилар. Сешанба куни ойининг секкизи[2218]да талиаи субҳдин сўнг ҳазрат аълохоқоний амири равшанзамир Шоҳниёз *отолиқ*ни муаскари ҳумоюн муҳофизатиға тайин қилиб, саккиз минг гўзида сипоҳ била ул эл тасхири учун Шўркўл жониби ҳаракат қилди. Ул кун Яхшилиқ *бий*нинг ўғлонлари Қаландар бек ва Муҳаммадниёз бек ва Холниёз бек аёлу атфоли била Қўнғротдин қочиб чиқиб, Омунинг ул юзи била муаскари ҳумоюнға келдилар.

Аммо. Ҳазрат аълохоқоний суръат ва истижол била қатъи масофат қилиб, ул кун аср вақтида Шўркўлға етушуб, қалъани қабодилар. Ул кун озроқ уруш тушуб, қалъа мафтуҳ бўлди. Мулло Хўроз ва Иккилик *бий* қиличларин бўюнлариға осиб чиқиб, ул ҳазратнинг домани шафқатиға чанги истимон уруб, инкисор тупроқиға тазарру юзин қўйдилар. Ул ҳазрат «афв Оллоҳ ҳузурида қадрланувчи ишлардандир» мадлули била аларнинг гуноҳларин боғишлаб, зобити сурдовуллар қўюб, ул элни кеча била кўчурди. Тонгласиким, чаҳоршанба эрди, ҳазрат шайх уш-шуюх Ҳаким Ото Сулаймон ва саййид алорифин Саййид Ото саййид Аҳмад *қаддасаллоҳу асрораҳумо*нинг иҳрози зиёратлариға мушарраф бўлуб, марқади шарифларининг ходим ва мужовирларин нузуроти фаровон била дунёдин бениёз қилди. Хованд қалъасидинким, Буғрохонға машҳурдур, ўтуб туштилар. Панжшанба куни ул ҳазрат Йингичка бўйиға тушуб, Қўнғротнинг атрофиға ҳазму эҳтиёт расмин маръи тутуб, йиғин тайин қилдиким, то кўч ўтгунча хабардорлиқ қилғай. *Амир* Шоҳниёз *отолиқ* истиқболға чиқиб, Йингичка канорида мулозиматға мушарраф бўлди. Кўч ўтгандин сўнг давлати комил ва нусрати шомил била муаскари ҳумоюнға наҳзат қилиб, кирёси гардунасосға нузул қилди. Ва *қароқалпоқ*ияға Хўжаэли навоҳисида яйлоқ тайин қилиб, мулло Хўроз ва Иккилик *бий*ни ташрифоти хусравона била сарафроз қилди ва ул эл била олинғон *қўнғрот* халқиға Беким *отолиқ*нинг ўғли Боймирзони ва *манқит* жамоасиға Бекмирзо *отолиқ*нинг ўғли Дўсиммуҳаммадни *отолиқ* қилиб, Оталиқ арнасининг музофотидин Манқит қалъасининг кунтуғарида ер ва сукно тайин қилиб, ул жонибға кўчурди.

[2215] Ҳадис.
[2216] 1225 йил 6-жумода-л-охир/ 1810 йил 10 июл.
[2217] Тафаққуд –ҳол-аҳвол сўраш.
[2218] 1225 йил 8-жумода-л-охир/ 1810 йил 12 июл.

Тўртунчи урушнинг воқеаси. Якшанба куни ойнинг ўн учи[2219] да ҳазрат хоқоний яна Қўнгрот қалъасининг қасдиға отланиб, қалъанинг жанубида сафоролиқ кўргузди. Сўфи дағи муонидлар била қалъадин чиқиб, қаттиғ уруш тушти. Андоққим, икки лашкар бир-бирига қориштилар. Муборизлар теғи жонситон била сарафшонлиғға машғул бўлуб, лашкари қиёматасар фавж-фавж, даста-даста муонидларға ҳамлаи салобатомез еткуруб, сўфиға шикаст бердилар. Аъдои давлат ҳазимат тариқаси била қалъаға кириб, ҳиеордорлиқға машғул бўлдилар. Ул урушда Худойберди бекким, сўфининг бани аъмоми[2220] дин эрди ва сўфининг таадди ва зиёдасарлиқидин озурдахотир бўлуб, султони мағфур ва хоқони мабрур Элтузар Муҳаммад Баҳодирнинг мулозиматиға фоиз бўлуб эрди ва ҳазрат хидеви комкорнинг даргоҳи олампаноҳида муқарриб ва мужро бўлуб эрди, даражаи шаҳодатға етти. Ҳазрат бу ҳодисадин бағоят мутаассир бўлуб, жасадин қўшға юборди. Ва экинларни поймол қилдурмоқға Буғрохон тарафиға ҳаракат қилди. Ул чоғда аморатмаоб Муҳаммадризо *қўшбеги* ва Оллош *бий* ва Муҳаммаджон бек ва Дўсим баҳодирким, ўзлариға мутааллиқ черик била Ингичка сақосида йўл бўлуб эрдилар, Тўрамурод сўфи аларни оз кўруб, ғалабаи тамом била қалъадин чиқиб, уруш солдилар. Ул урушда Қилич *иноқ* навкари мулло Муҳаммадраҳим била икки киши муонидлар теғидин шарбати шаҳодат ичтилар. Ҳазрат аълохоқоний бу сониҳани эшитиб, қайтиб келди. Тўрамурод сўфи «ҳақиқат келди ва ботил йўқолди[2221] » фаҳвоси била сарсар иҳтизозидин пашша хайли[2222] қочғондек тура олмай қалъаға кириб, мутаҳассин бўлди. Афвожи қоҳира аввали асрғача муҳосира қилиб, муаскари ҳумюнға мурожиат кўргуздилар.

Душанба куни Худойберди бекка жаноза намози ўқулуб, Хўжаэлига юборилди Миздеҳқонда дафн қилғайлар. Ул кун Шоҳниёз *отолиқ* бошлиғ умарои изом арз қилдиларким, бу мартаба қайтиб, лашкариянинг от ва улоғиға осойиш бериб, яна келмак муносиби давлатдур. Анинг учунким узоқ ётиб, муҳосира қилмоқда ортуқси манфаат йўқтур. Бу жиҳатдин аларнинг раъйин синдурмайин, чаҳоршанба куни ойнинг ўн олтиси[2223] да Оролдин муовидат кўргузуб, Чуманой қироғиға тушулди. Панжшанба куни фармони вожибилизон мавжиби била дастури аъзам Муҳаммад Юсуф *меҳтар* Чуманой ва Чанглибосувға жиср боғлаб, аксари лашкария ўттилар. Жума куни ул ҳазрат убур қилиб, Мўйин Отонинг жаворида дарё қироғин музриби боргоҳи иқбол қилди. Ул кун *қўшбегини* *қароқалпоқ*нинг закавотин ахз қилмоқға тайин қилди. Шанба куни андин кўчуб, офтоби оламтоб янглиғ қатъи манозил ва таййи мароҳил қилиб, душанба куни ойнинг йигирма бири[2224] да аср ҳангомида давлат била дор ас-салтана Хиваққа нузул қилди. Дўстлар шодком, душманлар малолатанжом бўлди.

Сарҳалқаи аҳли инод, муршиди арбоби фасод Тўрамурод сўфи айни жаҳолат, маҳзи залолатдин далолати идбор ва васвасаи ашрор била ҳазрат султони соҳибқироннинг истиксори давлати безаволи ва истиҳқори макнати лоязоли учун мамолики маҳрусанинг уч жонибиға черик ирсол қилмоғи. Ул жумладин Эшмуҳаммад бек Орол хайли била Гурланға кириб, амири кабир Қутлуқмурод иноқнинг дастбурдидин ҳазимат топиб ва човдур сипоҳидин корвонларнинг қирилмоғи

Ҳар соҳиби давлатеким, афсари инояти илоҳий била анинг тораки муборакии аршфарсои саодатдур, бедавлатларнинг шомати фасоди анга сароят қилмас. Балки ўзлариға роже[2225] бўлур. Ҳар зисаодатеким, баҳори иқболи ғайри мутаноҳий била анинг гулистони омоли сарсабзи давлатдур, бадбахтларнинг зиллати идбори анга таъсир этмас. Балки ўзлариға оид ва воқе бўлур. **Қитъа:**

2219 1225 йил 13-жумода-л-охир/ 1810 йил 17 июл.
2220 Бани аъмом – амакиваччалар.
2221 Қуръони карим, 17- сура, 82.
2222 Сарсар иҳтизози – шамол эсиши; Пашша хайли – пашшалар тўпи.
2223 1225 йил 16-жумода-л-охир/ 1810 йил 20 июл.
2224 1225 йил 21-жумода-л-охир/ 1810 йил 25 июл.
2225 Роже – қайтувчи.

Қуёшга қилиб шапарак бўғз[2226] фош,
Дурри роҳати топти мадруслиқ.
Тутуб чуғз кундузни душман, ўзи
Қаро шом аро кўрди манҳуслиқ.

Андоқким ҳазрат султони соҳибқироннинг шарафи иқболи безаволи ва Тўрамурод сўфининг натижаи идбор ва ихтилоли ва Эшмуҳаммад бекнинг маоли аҳволи бу мақол сидқиға долдур, балки гувоҳи ҳол. **Қитъа:**

Шаҳриёрим камоли давлатига,
Бу ҳикоят эрур хужаста далил.
Ки келиб душман ўз оёқи била,
Бўлдилар сарбасар асиру қатил.

Бу воқеа тавзиҳи улким, залолат боргоҳида аҳли иноднинг сарвари, ғавоят[2227] хонақоҳида арбоби фасоднинг сардафтари, яъни сўфии шарири бепир, Тўрамурод бии пуртазвири касир ал-тақсирким, ҳамиша султони жамжаноб ва хоқони адолат интисоб, фармонфармои мамолики олам, молики риқоби мулук ал-*араб* ва-л-*ажам*, ҳомии миллати байзо, мураввижи шариати ғарро, қомеи асоси аш-ширк ва ат-туғён, носири билоди аҳл ал-иймон, ал-мансур би нусрат ал-малик ал-мустаон, муизз ад-давлат ва-л-хилофат ва-д-дин Абу-л-фатҳ Муҳаммадраҳим баҳодирхон *халладаллоҳу мулкаҳу*нинг бинои азамат ва жалолининг рифъатидин маҳқару паст, фазои давлату иқболининг вусъатидин тангу дилшикаст бўлуб, куфрдаги янглиғким, мунофиқлар кўнглида мутамаккиндур, Қўнғрот қўрғонин ўзиға маамин қилиб, мутарассиди фасоде эрдиким, ул давлати худододға футур ва азамати рафебунёдиға қусур еткургай. Зиҳи жоҳилким, осмони олийшон шавкатин ғуборангезлик била синдурмоқ тилар ва офтоби оламтоб нурин зулматрезлик била ёшурмоқ истар. Чун шаъбон ал-муаззам санаи мазбура, яъни сана минг икки юз йигирма бешда[2228] ким, аморатпаноҳ Каримберди *отолиқ* ва аёлатдастгоҳ Муҳаммадризо *қўшбеги* Рус билодидин Янгиқалъаға борадурғон Хоразм корвонин ҳазрат аълохоқонийнинг мавжиби фармони лозимилизони била ҳазму эҳтиёт жиҳатидин бадрақа[2229] йўсунлиқ мурофиқат кўргузуб, Аранг қиридин ўткариб қайттилар, сўфии мазкур арбоби залолат иғвоси ва ҳамияти жоҳилият тақозоси била савдои хомни димоғида пишуруб, *човдур* черикидин уч юз кишини раҳзанлик тариқаси била корвоннинг ақабидин юборди. Ва икки юз кишини *қароқалпоқ* ва Орол сипоҳидин Оқёқишға Ойдўст *бий*нинг тавобеин чоптурмоқға номзад қилди. Ва Эшмуҳаммад бекниким, ҳазрат аълохоқонийнинг офтоби иқболининг партави иртифоидин соядек гуризон бўлуб, кўп муддатдин бери Бухородин Қўнғротға келиб, анга бош қўшуб, ҳар замон анинг муозидати била ҳаракати мазбуҳий қилиб, мамолики маҳрусанинг бир тарафидин ғубори фитнае қўзғор эрди ва дод талаб эрдиким, Бешқалъа билодининг бириға кириб, ул ҳазратнинг мамлакатиға фасодангезлик била ихтилол еткурса. Бу жиҳатдин анга *манқит* Гадой баҳодир ва Муҳаммадмурод бек валади Бекпўлод *отолиқ* ва Суюндик бек ибн Вайсқули *иноқ* ва Элчи *жалойир* ва Саййидқули бек халафи Саййидпаноҳ бек *уйғур* ва *қароқалпоқ* Эломон *хитой*ни масҳуб қилиб, Орол ва *човдур* сипоҳидин гуруҳи анбуҳ ва сипоҳи пурбадхоҳлардин икки юз эллик мубориз билаким, алар ул мудаббири шақоватмаол, яъни сўфии залолат имтисолнинг жиноҳи иқболи эрди, моҳи мазкурнинг ўн тўқузи[2230] да душанба куни Гурлан тасхирининг нияти била Отийўлидин ўткарди. Ул гуруҳи залолатпажуҳ, қиловези ажал ва қоиди тақдири азалнинг раҳнамолиғи била уч кун қатъи масофат қилиб, жума кечаси нисфиллайлдаким, офтоб Сунбуладин Мезон буржиға таҳвил қилиб эрди[2231], Гурланға ворид бўлдилар. **Қитъа:**

[2226] Бўғз – ғазаб.

[2227] Ғавоят – гумроҳлик.

[2228] 1225 йил шаъбон ойи/1810 йил 1 сентябр-30 сентябр.

[2229] Бадрақа – кузатиб қўйиш; Бу асарда «бадрақа», «бодалға» сўзлари посбонлик йўсини билан кузатиш маъносида кўп ишлатилган.

[2230] 1225 йил 19-шаъбон/1810 йил 19 сентябр.

Турфа нодон гуруҳ эрурки алар,
Ғояти бўйла маҳзи ғафлатдин.
Ўзларини балият ичра солур,
Қилмас андеша ранжу заҳматдин.

Гурлан ва Вазир акобирининг устиға киши буюруб, ўзлари ҳайъати ижтимо била Қоттиғкўлда *амир* Ўрозали *иноқ*нинг работин қабадилар. Иттифоқо ул кеча беш-олти қулдин бошқа киши *иноқ*нинг мулозиматида йўқ эрди. Салоҳ ва олоти ҳарб дағи кам эрди. Муҳаммадризо *отолиқ* валади Муҳаммадназар бек ибн Кўчак *иноқ* бу шурищдин огоҳлиқ топиб, ўз работидин отланиб, аъдои вақоҳатпеша ҳужумидин андеша қилмай, бир ҳамлада ўзин *иноқ* работининг дарвозасиға еткуруб, *иноқ*нинг ёниға кирди. Худойназар бек бошлиқ ўзга оқо-инилари ва мулозимлари кира олмай, Котға келиб, Худойназар бек била Чўтқора *юзбоши*дин бошқаси дор ас-салтана Хиваққа келдилар. Бу тариқада *жалойир* Муҳаммадризо *қози* валади Оллоҳқули *қози* ва Қарағой *отолиқ* ибн Бердиш *отолиқ* ва *нукуз* Муҳаммадниёз *нойиб* ва *манқит* Жиян *отолиқ* ва *сахтиён* Берди *отолиқ* бошлиғ барча Гурлан акобири оқо-инилари била ул гуруҳи шағол овои гург дандоннинг алоласидин бедор бўлуб, кечада душманнинг қиллат ва касратин била олмай, Хивақ жониби жаноби хилофатмаобға фирорий бўлдилар. **Назм:**

Кеча ки уйқу чоги ғавғо қўпар,
Ҳар сори юз нав алоло қўпар.
Уйқудаги кимса саросимавор,
Уйқудин уйғонса қилиб изтирор.
Билмаса улким нима ҳодис дурур,
Бўйла алолаға на боис дурур.
Рустам эса ҳам қилиб ул изтирор,
Ваҳм била бир сори айлар фирор.
Тун қаттиғ ун келди басе саҳмнок,
Уйқу элин ваҳм ила айлар ҳалок.
Мундин эрур кўп сипаҳе зердаст,
Хасмиға шабихун била берди шикаст.

Муонидлар Эшмуҳаммад бекнинг амри била Гадой баҳодир ва Муҳаммадмурод бекнинг саъйи ва иҳтимоми била Худойназар бек ва Ўрозали *иноқ*нинг работларин ўтлаб, *иноқ* била *отолиқ*ни мазийқ[2232] и муҳосира ва тангнои мухотираға туттилар. *Иноқ* ва *отолиқ* работдаги қуллар била мудофаа амриға қиём кўргузуб, новаки олмоси пайкон ва гулулаи тўфанги раъдоҳанг зарби била аъоди дафъиға биақсо ал-ғоята кушиш қилдилар. **Шеър:**

Қилиб аъдо ғазаб ўтин фурузон,
Чиқиб лек ичкаридин оҳи сузон.
Икки ёндин отишмоқлиқ бўлуб иш,
Бу янглиғ эрди тонгға текру шуриш.

Аммо, муонидлар работнинг оллидаги боғнинг девориға рахна солиб, ичкари кира бошладилар. Работ аҳли бу жиҳатдин ажзу изтирорға тушуб, бедасту пой бўлдилар ва офтоби оламтоб тулуидин сўнг элчилашиб, Эшмуҳаммад бек ва Гадойбой баҳодир ва Муҳаммадмурод бек ва Суюндук ва ғайриҳум оймон[2233] ни иймон ва қуръон била муваккид қилиб, мусолиҳа эттилар. *Иноқ* билзарура хулуси ният ва сафои тавиятдин ул музаввирпешаларнинг аҳди суст ва қасами рангомезлариға фирифта бўлуб, «қазо етса кўздан нур қочар[2234]» мафоди била аларнинг сурати макидати назари дурбиниға

2231 25-сентябр.
2232 Мазийқ – зиқ, жипслашган.
2233 Оймон – келишув, аҳдлашув.
2234 Ҳадисдан.

кирмай, ташқари чиқти. Алар ул амири мазлумни қалъаға элтилар. Маълум бўлсунким, қалъа ул мавзедуркум, Гурлан аҳли ёғийгарлик вақтида анда қўрғон экирурлар, чун рифоҳият айёми бўлди, ерга ҳамвора қилурлар. Аммо ҳамиша маҳаллот ва бозори ободдур. Ва бир чубин мадрасаси бордур. Ҳисори хароб ҳам бўлса, ани «қалъа» атарлар. Қалъаға борғондин сўнг мадрасаға нузул қилиб, амири мазлум Ўрозали *иноқ*ни шаҳодатға еткурдилар. «Албатта биз Оллоҳнинг бандаларимиз ва албатта биз у зотга қайтгувчимиз[2235]». Фақирнингким, анга бир нима қаробати жузъийси бор эрди, ул мотамдин бағоят мутаасир бўлуб, бу икки таърих адоси била ғамим ўтиға наве таскин бердим. **Таърих:**

Иноқ*и фалакрутба Ўрозали бий,*
Ба теги жафо аз жаҳон фано шуд.
Ба хуни худ огушта рухсораиш,
Бар рухсораи сурх пеши Худо шуд.
Зи дарди фироқаш ҳама гашта нолон,
Жаҳон тийра рўз аз ҳужуми азо шуд.
Чаро дуди оҳам фалакро насўзад,
Ки дил зи оташи сўги ў шўълазо шуд.
Чу «пўшид чашм аз жаҳон», гашт таърих:
«Шаҳид аз таадии аҳли жафо шуд».

Беш зиёда эрди, анинг исқоти «аъмоли муаммоий» била «пўшида чашм аз жаҳон»дин ирода қилилур. Иккинчи таърих будур. **Таърих:**

Иноқ *Ўрозали фархунда фаржом,*
Ба пеши Ҳаққ зи зулми муфсидон рафт.
Чашида шарбати марг аз дами тег,
Сияҳмасти шаҳодат дар жинон рафт.
Зи рўзи аввал омад бо саодат,
Ба рўзи охираш ҳамончунон рафт.
Зи дарди сўгаш оҳи аҳли Хоразм,
Заминро сўхту бар осмон рафт.
Ба оҳу нола Мунис гуфт таърих:
«Амири соҳиби иқболи жаҳон рафт».

Муҳаммадризо *отолиқ*ни мадрасада салосили гарон била муқаййид қилдилар, токим тонгласи Гурлан авомиға бериб, ўлдуркузгайлар. Иттифоқо ул овонда ҳазрат аълохоқоний икки кундин бери Остона ва Янгиариғ навоҳисида шикорға чиқиб, сайдафканликка машғул эрди. Бу хабари ваҳшатасар шаҳарда умдат ал-умаро, маржа ал-фуқаро, носир ал-мулк ва-л-ҳашам, соҳиб ас-сайф ва-л-қалам, ворис ал-аморат би-л-истиҳқоқ, жалол ад-давлат ва-д-дин *амири кабир* Қутлуқмурод *иноқ аббада айёма давлатаға* етиб, Худойқули карнойчиниким, ул дудмони олийшоннинг хокбўсларидиндур жаноби хилофатмаобға хабар ирсоли учун юборди. Ва Танак баҳодир *юзбоши*никим, қўшкўприклик *қўнғрот*нинг аҳолисидин янги тарбият қилилғон йигит эрди, Қўшкўпрук черики била Гурлан устиға буюрди. Ва ўзи баъзи аркони давлат била Арк дарвозасининг суфасида оромгузин бўлуб, ҳазрат аълохоқонийнинг қудуми маймун ва фармони ҳумоюниға мунтазир ўлтурди. Ҳазрат султони гардунтавон ҳенгоми шикорда бу хабарни эшитиб, намози жума вақтида арк ҳисорин шарафи нузули била муфтахар қилди. Ва намоз адосидин сўнг оқоси *амири кабир* Қутлуқмурод *иноқ*ни аксари умаро ва сипаҳдорларни анинг мулозиматиға тайин қилиб, ҳозир навкар ва черик била муонидлар истисоли учун Гурланға ирсол қилди. Ва *уйғур амир* Каримберди *отолиқ*ни Уйғурға номзад этти, токим, ул навоҳининг лашкари била *иноқ*нинг мулозимати-

---

[2235] Қуръони карим, 2 : 156.

ға еткай. Ва яна ҳазму эҳтиёт юзидин сипоҳ иҳзори учун атрофдағи билод ва амсор[2236]ға зобит тавочилар била фаромини олий юборилди. **Маснавий:**

Тавочилар ирсол ўлуб ҳар қаён,
Сурарга адув сори жайши гарон.
Ададсиз сипаҳ ҳар сори қўзғолиб,
Адув қасдиға баҳрдек чайқалиб.
Юрулди жавонибдин этмай даранг,
Адув бирла Гурланда айларга жанг.

Аммо. Танак баҳодирким, *иноқ*нинг амри била отланиб эрди, Қўшкўпрук ва музофотининг черикин олиб, азимат амрида мусориат кўргузуб, Котға ворид бўлғонда, Ашурбек *юзбоши* валади Тангриберди бек ўз навкари ва Кот сипоҳи била анга қўшулди. Худойназар бек ибн Кўчак *иноқ* ва *найман* Чўтқаро *юзбоши*ким, Гурландин қочиб, Котда эрдилар, булар дағи ҳамроҳ Гурланға юруш қилдилар. Пешин била аср оралиғида муонидларға мулоқи бўлуб, озроқ муҳориба вуқу топти. Кечлик жиҳатдин тарки муҳориба қилиб, мурожиат кўргуздилар. Танак баҳодир ва Ашурбек ва Худойназар бек сипоҳи мансура била Вағлон жониби мутаважжиҳ бўлуб, кеча Чежуят қалъасида Одинабой *отолиқ*нинг манзилида бўлдилар.

Аммо. Умдат ал-умаро ва зубдат ал-кубаро *амири кабир* Қутлуқмурод *иноқ халлада давлатаҳу ва аббада навбатаҳу* умарои изом ва кавкабаи локалом била Котға тушуб, Қурбонқули *нойиб* ва Маҳмудниёз бекким, ул қалъанинг *волий*си эрдилар, меҳмондорлиғ ва зиёфатгузорлиғ маросимида дақиқае номаръи қўймадилар. Чун амири шарқийинтисоб рўз, яъни офтоби жаҳонтоби гитийафрўз сипоҳи кавокибни теғи шуои била маъдум қилди, соати саъдаким, адоват аҳлиға бағоят наҳс эрди, *иноқ* дабдабаи тамом била рукуб қилиб, рояти наҳзатни Гурлан жониби ҳаракатға киргузди. **Назм:**

Чун рукуб этти ул амири кабир,
Гарди лашкарга ботти чархи асир.
Бошида жилвагар ливои зафар,
Яловиға осиб ҳавои зафар.
Кўргузуб гирдида сипоҳ ҳужум,
Ойнинг атрофида нечук ки нужум.
Бу сифат азм этиб амиру сипоҳ,
Бўлди бахту зафар ғажарчи[2237] и роҳ.

Йўлда *қўнғрот* Каримберди *отолиқ* бошлиқ Хўжаш *нойиб*нинг оқо-инилари Қиёт-Қўнғрот ҳудудининг черики била ва аморапаноҳ *уйғур* Каримберди *отолиқ*ким, юқори мазкур бўлуб эрди, *уйғур* ва *бошқирд* черики била *иноқ*нинг мулозиматиға еттилар. Ва чоштгоҳда Гурлан ноҳиятига қазои маҳкам ва балои мубрам янглиг ворид бўлуб, жониби шарқға ҳаркат кўргузди. Ва Эшмуҳаммад бек дағи гуруҳи анбуҳ била мудофаа учун отланиб, Тахтакўпрукким «Эшбулой кўпруки» дерлар, анинг шарқий жонибида Сахтиён қарясида талоқии фитнайин вуқу топти. Ул аснода *амир* Тўрамурод *отолиқ* валади Вали *отолиқ* Шоҳобод ва Чиғатой лашкари била Танак баҳодир ва Ашурбек ва Худойназар бек ва Одинабой *отолиқ* Вағалон ва Тошқалъа ва Қиёт ва Чийжут ва Мингнинг черики била келиб, *иноқ*ға қўшулди. *Иноқ* баъзи умаро ва сипаҳдорларни буронғор ва жувонғорға тайин қилиб, сафоролиғ кўргузди. Эшмуҳаммад бек ҳам Гадой баҳодир ва Муҳаммадмурод бек ва Суюндук бек ва Эломон баҳодирнинг иҳтимоми била ясов ясаб, ғояти жаҳддин урушға мустаид бўлуб турдилар. **Маснавий:**

Ясов икки ёндин топиб таъбия,
Мижжа янглиг изҳор ўлуб тасвия.

[2236] Амсор – шаҳарлар.
[2237] Ғажарчи – йўл кўрсатувчи.

Суфуф ичра ҳар наъразан паҳлавон,
Ваго бешасида ҳазабри дамон.
Хурушанда ҳар гурд фархошхор,
Қилиб ғўрриш ул навким шери нар.
Чекиб рахш уза таҳаматанлар гарев,
Анингдек ки Қоф узра ғўрранда дев.
Набард интизорин чекиб ҳар далер,
Баланд ун била зоҳир айлаб нафир.
Тўфанг огзини хасм сори очиб,
Дамон аждаҳо янглиг ўтлар сочиб.
Қиличлар дами касб этиб тезлик,
Ки то қилса аъдога хунрезлик.
Итиклик қилиб машқ нуки синон,
Ки то ёгий кўксидин ўтгай равон.
Садогда очиб шавқдин ўқ қанот,
Ки то синаи хасмга етса бот.
Тузукликда ҳар ён қилиб жаҳду жад,
Масоф амрига бўлдилар мустаад.

Сиёдатпаноҳ Хўжажон хўжа валади Умар хўжа *нақиб*[2238] ва Оллошбек ибн Саййидали бек ва Муҳаммаджон бек халафи аршади Қутлуғмуҳаммад *иноқ* даста-даста ва гуруҳ-гуруҳ навкарлари била масоф учун илгари буюрулуб, аъдои давлат била муҳориба оғоз қилдилар. Баъзи муборизлар ишорати тааиди илоҳий ва давлати нусрати номутаноҳий била журъат якронин шижоат майдониға суруб, муонидлардин Яқуббек валади Мусо *парвоначи* била уч-тўрт кишини жалодат синони била абраши ҳаётдин хоки мамотға йиқиб, хийра бошларин жасади пурҳасадларидин қатъ эттилар. Эшмуҳаммад бек муонидлар била бу воқеадин дилшикаста бўлуб, бахтбаргашта ва давлат рўгардонларидек маъракаи корзордин юз ўюруб, қалъаға мутаважжиҳ бўлдилар. *Иноқ* сипоҳи нусратпаноҳ била таоқиб қилиб, диловарлар арбоби фасодға қўл солиб, кўп кишини водии баворға юбордилар. **Назм:**

Шижоат асарлиг сипоҳдорлар,
Урушда далер жигардорлар.
Аъоди изидин таковар суруб,
Тутуб теги хунрез ила ўлдуруб.
Қизил қонни ҳар ён тўкуб бедаранг,
Қаро ер юзин қилдилар лола ранг.

Чун муонидлар қалъаға етти, икки бўлундилар. Эшмуҳаммад бек ва Гадой баҳодир бир бўлак била қалъаға кирмай, қалъанинг шарқиға ўтуб таваққуф қилдилар. Суюндик бек ва Муродбек қалъа ичи била ўтуб, аларға қўшулди. Ва Аваз *юзбоши*ким, ҳазрат аълохоқонийнинг мамолики хосасидин эрди, писандида хизмат ва шойиста мулозимат жиҳатидин мадорижи аъло ва маорижи ақсоға авж қилиб, қуллар саркардалиги анга мафвуз бўлуб эрди, ул қуллар дастаси била илгари суруб, аъдои гурезпой била аралаша қалъаға кириб, Муҳаммадмурод бекнинг инонидин тутуб, қасд қилиб эрдиким теғи каж била ани ажал тўғри йўлиға озим қилғай, Гурланнинг арозил ва авом ун-носи ҳужум қилиб, ул мудбар[2239] и давлат баргаштани анинг чанги интиқомидин халос қилди.

Ҳосилким, сипаҳдорлардин Хўжажон хўжа ва Оллош бек ва Муҳаммаджон бек ва Ниёзмуҳаммадбой ва Муҳаммадқули бек ва Муҳаммадниёз карчак ва Берди баҳодир ва Танак баҳодир ва Ашурбек ва *Иноқ*нинг навкарининг саркардаларидин Искандар хўжаи Бекободий ва Ашур *отолиқ* ва Давлатмурод

[2238] Хўжажон хўжа – демак, мазкур Умархўжа нақиб (шоир: Нақиб, Тавфиқ, Узлат)нинг ўғли Хўжажон хўжа ҳам ҳарбий лавозимда турган ва у кўп урушларда асосий ҳарбийлардан бири бўлган.

[2239] Мудбар – бадбахт.

бек Ўмбой ва Одинамурод бек ва Эломон *қўнғрот* ва ғайриҳум ва муборизлардин *хўжаэли* Муҳаммадкарим *қўйчи отолиқ* ва Рўзмуҳаммаджон ва ғайриҳум даста-даста, гуруҳ-гуруҳ мутаоқиб етушуб, ҳамла қилмоқ ҳамон, муонидлар рўйгардон бўлуб фирор этмак ҳамон. **Назм:**

Бўлуб йиллардин аъдо рўй бар роҳ,
Нечукким тунд ел эсгач пари коҳ.
Муборизларға ёв келтурмайин тоб,
Саросар бутрабон андоқки симоб.
Қочиб баттоллардин аҳли идбор,
Нечукким меҳри рахшондин шаби тор.
Бале, ҳақ меҳр янглиғ бўлса тобон,
Қочар монанди дейжур аҳли батлон.

Ул аснода муборизлар жиргасидин биров Гадой баҳодирғаким, таҳаввурда ангуштнамо эрди, ношинохт муқобил бўлуб, теғи жалодат била анинг тораки номуборакин шаққ қилиб, ҳалокат туфроқиға сарнигун йиқитти. Агарчи ул чоғда ул эркани маълум ва мутаҳққиқ бўлмади, аммо Эшмуҳаммад бек ва Суюндук бек тутулғондин сўнг аларнинг ахбори била мутаяқин бўлди. Ул ҳалокатға еткандин сўнг яна биров Эломон *қароқалпоқ*ни санчиб қатлға еткурди. Бу сониҳаи ҳоила мушоҳадасидин аҳли фасоднинг силсилаи инъиқоди узулуб ва бинои жамиати бузулуб, ҳар ким бир тарафға мутафарриқ бўлди. Андоқким Эшмуҳаммад бек ва Муҳаммадмурод бек ва Суюндук бек ва Саййидқули бек ва Гадой баҳодирнинг ўғли била иниси Қаландар ва Бердибек *уйшун*нинг ўғли бир гуруҳ била кунчиқар сори дарё қироғи била фирорий бўлдилар. Ва Абдикарим бекким, Суюндук бекнинг қардошидур, жамии қалил била Қўнғрот жониби гурезон бўлди. Булардин ўзгасининг ҳар бири ўз бошиға мубтало бўлуб, саросимавор мазоре ва мағокларда ёшунуб, кўрдилар ҳар неким кўрдилар. Муҳаммадризо *отолиқ*ким, мадрасада маҳбус эрди, бандин синдуруб, нигаҳбонларин ўлдуруб, *иноқ*нинг мулозиматиға мушарраф бўлди. *Иноқ* қалъада мадраса саҳниға тушуб, сипоҳи нусратпаноҳ ва Гурлан халқи туш-тушдин муонидларни таоқиб қилиб, қатлу кўшеш амрида жаҳди мавфур ва масоеи машкур тақдимға еткуруб, кечгача киши қутқормайин, барчасин бош ва асир қилиб келтурдилар. Ва асирларнинг аксари *иноқ*нинг ҳукми била қатлиом бўлуб «ҳар ким ниятидаги аъмолини кўради[2240]» мадлули била ўз ниятлариға кўраким, димоғларин мусулмонларни қатл этмак ва ғорат қилмоқ ҳавоси хориш[2241] қилур эрди, ул ният ўзлариға роже бўлуб, жазоға еттилар. **Қитъа:**

Аларким кўнгли ичра ният эрди,
Мусулмонларни қилмоқ қатлу ғорат.
Етушмай муддаоға бўлдилар қатл,
Қилиб авуд ўзлариға суъ-ният[2242].

Дўсим баҳодир Эшмуҳаммад бекни Бошқирд ариғининг сақосиғачаким, Ямон уйғур ҳаддида воқе эрди, таоқиб қилиб, ҳамроҳларидин кўп кишини мақтул ва маасур қилди. Эшмуҳаммад бек ул маабарда ўн бир киши билаким, Муҳаммадмурод бек ва Суюндук бек ва Саййидқули бек ва Қаландар ул жумладин эрди, ўзин дарёға солиб ўттилар. Алардин икки киши ҳалок бўлуб, Суюндук бек отдин айрилиб, машаққати тамом била сувдин чиқти. Дўсим баҳодир ул ердин мурожиат кўргузуб, *иноқ*нинг хизматиға фоиз бўлди.

Мин ал-иттифоқоти ҳасана. *Найман* Шоҳпўлод *мерган*ким, варои Омуяда Қўштепа мавзеида эл ва аҳшоми била зироат беҳбуди учун сокин эрди, *амири кабир* Қутлуғмурод *иноқ*нинг Гурлан устиға келган хабарин эшитиб, беш-ўн киши била қасди мулозимат қилиб, кемага тушуб, дарёға кириб эрди. Дарё ўртасиға етганда кўрдиким, Эшмуҳаммад бек муонидлар била дарё қироғидин қочиб келадур. Ва Дўсим баҳодир гуруҳи анбуҳ била ақабидадур. Бу жиҳатдин қайтиб дарёдин чиқиб, ул тараф каноридин мусо-

---

[2240] Ҳадис.
[2241] Хориш – қичитиш.
[2242] Суъ-ният – ёмон, шум ният.

риат била муонидларға муҳози азимат кўргузди, токим алар дарёдин ўтсалар жазосин канорларида қўйғай. Аларни ул тариқадаким мазкур бўлди, убур қилғондин сўнг таоқиб қилиб, Кесик ариғининг сақосидин ўтганда, изидин етиб, уруш қилдилар. Гадой баҳодирнинг ўғли Шоҳпўлод *мерган*га қасд қилиб, анинг гулулаи тўфангидин ҳалокатға етти. Муҳаммадмурод бек ва Қаландар қайтиб, ҳамла қилиб, *мергани* мазбурни ўғли Муҳаммадниёз била захмдор қилиб, яна ҳазимат йўлиға азимат маркабин сурдилар. Шоҳпўлод *мерган* мажруҳ ва манкуб бўлуб, отлари дағи ярамай, Кўҳна Кот ҳудудида *абдол* аҳшомиғаким, алар хони мағфурнинг воқеасидин сўнг Бухороға кўчуб яна яқинда келиб, ул мавзеда ўлтуруб эрдилар, бориб хабар еткурди. Ва *уйшун* жамоаси дағи ул навоҳида зироат қилиб ўлтуруб эрди. *Абдол*дин Муҳаммадқилич баҳодир оқо-инилари била, *уйшун*дин Хўроз қийшиқ ўғлонлари била жиноҳи истижол била илғор қилиб, ул ажал етганларга аср чоғи қазои ногаҳоний ва балои осмоний янглиғ Хўроз қийшиқ ўғлонлари била ҳамла қилиб, Суюндукни асир қилиб, Бердибек *уйшун*нинг ўғлини ўлдуруб, бошин олдилар. Ва Муҳаммадқилич *абдол* оқо-инилари била Эшмуҳаммад бекни исорат қайдиға чекиб, яна уч кишини қатлға еткуруб, бошларин олдилар. Муҳаммадмурод бек ва Саййид қулибек ва Қаландар учови қочиб, тун зулмати «биз тунга либос кийдирдук[2243]» мадлули била аларға пардадорлиғ кўргузуб қутулдилар. Хўроз қийшиқ Суюндук бекни кечада дарёдин ўткариб, чоштгоҳда жаноб хилофатмаоб мулозимлариға пешкаш келтуруб, мавриди авотифи хусравона бўлди. Чун ул сардафтари аҳли фасодни ҳазрат аълохоқоний ҳузуриға еткурдилар, ул ҳазрат анга ёрғу ва итобдин сўнг хитоб қилдиким «не учун келдингиз?» Ул бетаҳоши[2244] дедиким «ўлгали келдук». Ул чоғда мавқифи жалолдин фармони қазожараён иззи исдор топтиким «ани матлабиға еткурунг!» Филҳол ани кашон-кашон сиёсатгоҳға элтиб, Эшим баҳодирнинг ўғли Қиличға топшурдилар, токим ул қатлға еткурди. **Байт:**

Қилич қатл қилса эмастур ажаб,
Ки қатл айламаклик қилич ишидур.

Арбоби рафқ ва асҳоби вафқнинг замоири зибасоириға возиҳ ва лоиҳ бўлсунким, Суюндук беки мазбур Гурланлик *наймон*нинг акобиридин Вайсқули *иноқ*нинг кичик ўғлидур, Вайсқули *иноқ* икки мартаба Гурланда Муҳаммадамин *иноқ*ға ёғиқиб, кўп фитналар қўзғаб, кўп қонлар тўкулмакка боис бўлуб эрди. Андоқким собиқан ўз мавридида мазкур бўлди. Бу дағи «бола отасининг кўринишидир[2245]» муқтазосидин кажравлик йўлида собитқадам ва бадхоҳлиғ даъвосида росихдам бўлуб, ҳар замон бир фитна қўзғор эрди. Оқоси Худойберди *доруға*ни иғво ва шайтанат била мукаррараран мувофиқат йўлидин озғуруб, мунофиқат тариқида ўзиға ҳамқадам қилиб эрди. Оқибат ул бедавлат бу бадбахт инининг асари шақоватидин Муҳаммадризо бекнинг воқеасида Худойназар отлиғ ўғли била қатлға етти. Бу онда қочиб сўфиға мулозимат қилиб, Қўнғротда сокин эрди. Андоқким юқори самти таҳрир топиб эрди. Охирилламр Эшмуҳаммад бекка Гурлан тасхири учун тарғиб ва таҳрис қилиб, анинг ва ўзининг ва яна неча бадхоҳларнинг бошин барбод берди. **Шеър:**

Улки ямонлиғдин эрур комжўй,
Анга ямонлиғлар ўлур рубарўй.
Ёри бўлуб ўлгуча бадхоҳлиғ,
Яхшилиқ этмас анга ҳамроҳлиғ.
Аввалидур халққа мардудлиғ,
Охири ҳақ оллида матрудлиғ.

Ҳазрат аълохоний Ёрмуҳаммад *девонбеги*никим, муқарриби даргоҳи султонийдур, Эшмуҳаммад бекнинг истиқболиға юборди. Ва Муҳаммадниёз бек маҳрамбошини ўттуз чопар отлиғ била Муҳаммадмурод бекнинг изидин ирсол қилди.

[2243] Қуръони карим, 78 : 10.
[2244] Таҳоший – инкор, иккиланиш.; Бетаҳоший – иккиланмасдан.
[2245] Ҳадис.

Аммо. *амири кабир* Қутлуқмурод *иноқ халлада давлатаҳу ва зайяада нусратаҳу* оқшомғача мадраса саҳнида ўлтуруб, асокири мансура тараддуд ва тажассусдин фароғ топғондин сўнг аъдои давлатнинг бошларин аробаларға юклаб ва асирларни иғлоли гарон ва салосили печон била бамуодии «дарҳақиқат уларнинг бўйинларигача то иягигача етадиган кишанларни уриб қўйдик[2246]» бўюнларидин муқаййид қилиб, Давлатмуродбекка топшуруб, жаноб халофатмаобға юборди. Ва қалъадин кўчуб, Муҳаммадризо *отолиқ*нинг работин шарафи нузули била муфтахар қилди. Муҳаммадризо *отолиқ* тонг отғунча зиёфат амриға қиём кўргузуб, таждиди ҳаёт[2247] шукронаси учун жонсипорлиғлар қилди. *Иноқ* чоштгоҳда андин отланиб, Ўрозали *иноқ*ға қуръон ва фотиҳа била ёдоварлиқ қилиб, фатҳу ферузмандлик била Хивақ дор ас-салтанасиға наҳзат кўргузуб, пешинда дарбори фалакмиқдорға мушарраф бўлди. Ҳазрат аълохоқоний ани авотифи хусравона ва мароҳими бекарона била муфтахар ва сарафроз қилиб, буйрулғон умаро ва сипаҳдорларни зарпўши иноят қилди.

Ул чоғда Ёрмуҳаммад *девонбеги* Эшмуҳаммад бекни келтуруб, фармон мавжиби била ани маҳбус қилди. Ва намози асрда бандилар қатли ом бўлуб, Муҳаммадниёз карчак ва Берди баҳодирнинг шафоати била *қўнғрот*дин тўққуз йигит итлоқ[2248] топти. Ва *қароқалпоқ*дин Нурой баҳодир мутлақ ал-инон бўлди. Анинг сабаби итлоқи будурким, ул Оқёқишда ўлтурғон *қароқалпоқ*нинг *ҳоким* Ойдўст *бий*нинг иқронидин Суйри *бий*нинг инисидур. Чун санаи ҳижрия минг икки юз йигирма тўртда ражаб ойининг секкизи[2249]да жума куни андоққим собиқан мазкур бўлуб эрди, Эшмуҳаммад бек ва Ҳусайн *бий* қиёт Оқёқишға чаповул уруб, Қурбонбек *бий* била Суйри *бий*ни ўлдурганда ани аҳшоми била кўчуруб, Қўнгротға элтиб эрдилар. Ул заруратдин Тўрамурод сўфи ва Эшмуҳаммад бекка итоат ва мулозимат қилур эрди. Бу сафарда мажбурлиқдин Эшмуҳаммад бекнинг мулозиматида келиб эрди. Шикаст асносида қўшкўпруклик Ҳасанмурод *отолиқ*нинг ўғли Саййидбекка асир бўлуб эрди. Ул ани жаноб хилофатмаоб мулозимлариға хотирнишон қилиб, анинг итлоқиға ишорати лозим ал-башорат содир бўлди. Ва Элчи *жалойир* ўғли била бир неча кун мутаворий бўлуб, Шоҳниёз *отолиқ* ва Қилич *иноқ*ға тавассул қилиб, афв ва иноятға сазовор бўлди.

Аммо. Абдукарим беки мазкур бошлиғ етти киши отлиғ ва яёқ ҳар ким юз нав машаққат ва минг турлук уқубат била вартаи ҳалокатдин нажот топиб, Қўнгротға бордилар. Ва Дўстниёз отолиғ *уйғур* тағйири либос ва табдили аҳвол қилиб, Бухороға ўзин еткуруб, бу хабар башорати била ул диёрдағи аъдои давлатнинг чироғи умидин ҳасрат сарсаридин учурди. Бу мазкур бўлғонлардин бошқа келган муфсидлардин мутанафисе қолмадиким, қатлға етмамиш бўлғай, магар мулло Илёс *уйғур*ким, Эшмуҳаммад бек Гурланға ворид бўлғонда муонидлардин иниси била муфориқат ихтиёр қилиб, мусоидати бахт дастёрлиқи била дарбори рафе миқдор утбабўслиқиға мушарраф бўлуб эрди. Ложарам хусравона навозишларға ихтисос топиб, *юзбоши*лиғ мансабиға мансуб бўлди. **Қитъа:**

Хусраво, улки сени қилди мамолик узра шоҳ,
Айлади пояйи иқболинг анингдек олий.
Ки ўтуб азманаи мозий аро кўп шаҳлар,
Бўлмади ҳолинга монанд бирининг ҳоли.
Кимки душманлиг ила айлади мулкинг сори азм,
Тўкулур қони-ю, жисми бўлур эл поймоли.
Кимки қўйди қопунга даъвии меҳринг била юз,
Давлати сармад ила ортар анинг иқболи.

Чун ойнинг йигирма олтиси[2250]да душанба субҳиким, жамшиди хуршиди оламорой бу нилгун саройда маснадпирой бўлуб, зарпошлиғ маросими била панжагушойлиғ кўргузди, ҳазрат аълохоқони сулаймоннишон сарирorойи мукаррамат ва эҳсон бўлуб, иш кўргузган ва бош кесган ва асир тушурган йи-

---

[2246] Қуръони карим, 36 : 7.
[2247] Таждиди ҳаёт – қайта ҳаёт бағишланиши.
[2248] Итлоқ – озод бўлиш, қутулиш.
[2249] 1224 йил 8-ражаб/1809 йил 20 август.
[2250] 1225 йил 26-шаъбон/ 1810 йил 26 сентябр.

гитларга хилои гаронмоя ва ташрифоти тиллопироя инъомидин сарафрозлиғ бағишлаб, хазинаи карамидин ул масобада ганжрезлик кўргуздиким, Ҳотами Тоий эҳсонининг фасонаси нақди қалб[2251] дек беэътибор бўлди. Ва «ман зоида» базлининг зикри дафтари абтар янглиғ тоқи насиёнда қўюлди. **Маснавий:**

Хидеви жаҳонгиру фархунда фол,
Шаҳаншоҳи конбахшу дарё навол.
Сарири карам узра айлаб қарор,
Очиб панжаи базл хуршидвор.
Сипаҳдорларга бериб сийму зар,
Мулайма либосу мурасса камар.
Баҳодирлареким кесиб эрди бош,
Тутуб эрди аъдони айлаб талош.
Аларга аён қилди жуд ўзгача,
Карам бирла еткурди суд ўзгача.
Сипоҳ аҳлиға қилди динор бахш,
Саропо сарупойи заркорбахш.
Киши ул черик аҳлидин қолмади,
Ки шаҳ бахшишидин насиб олмади.
Кириб халқ Арк ичра навбат била,
Чиқиб лек ойини давлат била.
Кўрунуб хило кийган эл бегумон,
Назарга чиқар чогда ганжи равон.

Хидеви беаҳмоли дарёнавол ғуруб ҳангомиғача бу нав изҳори ойини бахшиш ва бу янглиғ ифшои қавонини навозиш била черик ва Гурлан аҳлин бодапаймои хумхонаи давлат ва нашаарубои паймонаи сарват қилди. Алалхусус сиёдатпаноҳ, асолатогоҳ, шужо ал-мулк ва-л-миллата Хўжажон хўжа ва аозими олам ва акорими бани Одам, аркони давлати султоний, аъёни ҳазрат хоқоний, шараф ад-дунё ва-д-дин Оллош *бий* ва Муҳаммаджон бек ва Ниёзмуҳаммад бой ва Муҳаммадқули бекниким, аҳли адувон ва арбоби туғён, яъни лашкари муфсиданинг шикасту ҳазиматиға аларнинг қуввати шижоат ва неруи жалодати боис бўлуб эрди, муғарриқи албасаи тилло ва мулаббиси хилои гаронбаҳо қилиб, вазоифи ва маротибларин ҳадди камол ва даражаи афзолиға еткурди. **Байт:**

Кириб олтун ичра қадам то фарқ,
Бори бўлди дарёйи зар ичра гарқ.

Ва Муҳаммад Қилич *абдол*ким, Эшмуҳаммад бекни тутуб келтуруб эрди, анга ортуқиси шафқат ва навозиш кўргузуб, камари мурассаву ханжари обдор ва хилъати муламма[2252] ву ашҳаб[2253] и бодрафтор марҳамат қилди. Ва анинг руфақо ва дастёрлариға дағи фарохўри аҳвол[2254] мароҳими хусравонасидин баруманддлиғ боғишлади. Сешанба куни хидеви комкори душманшикор маросими сиёсати аъдо ва қавонини навозиши аҳиббо иштиғолидин билкулл хотиржам бўлуб яна Остона ва Оқмасжид ҳудудиға шикор азимати била наҳзат кўргузди. **Маснавий:**

Шикор икки чогда муносиб дурур,
Муносиб демай балки вожиб дурур.
Бири андаким етса хотирга ғам,
Жаҳон гардишидин чекиб юз ситам.

[2251] Нақди қалб – қалбаки пул.
[2252] Муламма – ялтироқ.
[2253] Ашҳаб – учқур отлар.
[2254] Фарохўри аҳвол – мансабига яраша.

Ки то сайд ишига қилиб иштиғол,
Топа олғай оломдин эътизол[2255].
Бири андаким бўлса ишратға хос,
Бўлуб даҳрнинг кулфатидин халос.
Бори душмани топса мақҳурлиғ,
Етиб дўст хайлиға масрурлиғ.
Ки то сайд учун сурса саҳро сори,
Қилиб майли хотир тамошо сори.
Басе тажруба ҳосил ўлғай анга,
Фараҳ ғояти восил ўлғай анга.
Шаҳ айлаб бу янглиғ тамошоға майл,
Баҳона қилиб сайду саҳроға майл.
Қўюб ҳар сори юз тажориб учун,
Тажориб ишига тақориб учун.
Тамошо қилиб Тангрининг санъатин,
Топиб кўнглида ўзгача беҳжатин.
Шикор ичра ҳар ён ки қилди хиром,
Анга бўлди ҳосил тажориби томом.

Ул ҳангоми майманатанжомда ҳазрат зиллилоҳий тафарруж расми била Оқмасжид ҳудудиға убур қилиб, ул ҳазратнинг назари дурбин ва ақли дониш каминиға ноҳияте мушоҳида қилилди, истеъдоди иморатға қобил ва соҳате муояна кўрунди, қобилияти зироатға шомил. Аммо сув ноёблиғидин саҳроедур ҳавлнок ва биёбонедур мавжиби ҳалок. Маълуми хотири ашраф бўлсунким, ул ноҳият азманаи солифада шаҳре эрмиш Хоразм тавобеотидин, бағоят маъмур ва ободон. Чингиз истилосидин сўнг хароб ва вайрон бўлуб, замонаи носоз лагадкубидин ва ҳаводиси фитнапарвоз ошубидин «устини ости қилдук[2256]» масдуқаси била девори меъмори латофат намудори туфроқға ҳамвор бўлуб, рабъи атлол[2257] идин нишона қолмамиш, илло бир хонақоҳе рафе жойгоҳ намунасиким, ҳазрат қутб ал-аброр Шайх Мухтор *қаддаса сирраҳу*нинг оталари *қози* Умарнинг ибодатгоҳи эрмиш ва Оқмасжидға мавсумдир. Ғолибан бу жиҳатдин ул навоҳини «Оқмасжид» атарлар. Ҳазрат аълохоқоний ҳиммати олийнаҳматин ул арозии майта иҳёсиға масруф тутуб ва таважжуҳи хотири дарёмақотирин анинг иморат ва ободонлиғиға маатуф қилди. Ложарам ул ноҳиятнинг ақсо ва асфал[2258] ин сайри лозим ал-хайри била назҳатбахши гулистони Эрам қилиб, Авазмуҳаммад Каркийниким, бойри мулозимлардиндур, Янгиариғ оёқидин ул ноҳият жониби бир улуғ ариғ ёрдурурға тайин қилди. Маъмури мазкур ҳафр[2259] умурида жаҳди мавфур ва саъйи машкур тақдимға еткуруб, оз фурсатда ул ариғни хотирхоҳи ҳазрат обод қилди. **Назм:**

Турфа наҳре аризу файзасар,
Вазъи марғуб эйлаким кавсар.
Лек умқи анингдек ободон,
Ки қолур ақл қаърида ҳайрон.
Ҳар қироғи ки келди ғайрати боғ,
Эрур элга маҳалли айшу фароғ.

Умид содиқ ва рижо восиқдурким, анқариб ул мавзеи мазбур ҳазрат хилофат мартабатнинг мабонии таважжуҳ ва илтифоти била фирдавс гулистонидек маъмур ва ободон бўлғай ва маёмини тароққуб ва отифати била жаннат бўстони янглиғ тоза ва район .

[2255] Эътизол – узлатга чекиниш.
[2256] Қуръони карим, 11 : 82.
[2257] Рабъи атлол – яшаш масканлари харобаси.
[2258] Ақсо ва асфал – юқори ва қуйи.
[2259] Ҳафр – қазув.

Муҳаммад мурод бек мақталининг мақоли ва Эшмуҳаммад бекнинг маоли аҳволи

Чун Муҳаммадмуродбек ва Саййидқули бек ва Қаландар *отолиқ* қаронғу кечанинг пардадорлиғи била қовғунчиларнинг чанги интиқомидин қутулдилар, йўлдин хавотир тортиб, бероҳа юрмак иродаси била чўлга чиқтилар ва тонг отқунча саргардонлиғ тортиб, субҳ вақти ҳазрат султон ал-орифин ва бурҳон ас-соликин Саййид Муҳаммад Моҳрўй халаф ас-сидқ Саййид Ото *қаддасаллоҳу таоло асрораҳум*нинг мақбараи мутабаррикалар устидин қайтиб чиқтилар. **Қитъа:**

Ҳар кимга ажал етушса ногоҳ,
Бўлмастур анга қутулмоқ имкон.
Ҳар ён қадам урса топмайин йўл,
Гўр узра чекар қазои Яздон.

Чун кўрдиларким субҳ алар аҳволиға риққат пайдо қилиб, хуршид панжаси гирибонин чок этти, ул тийра рўзгорлар тун ҳиндусидек кўзларин кавкабафшон қилиб, ғояти ваҳшат ва ниҳояти саросималиқдин ҳазрат сиёдатпаноҳнинг жавори фойиз ал-анворидаги харобаларда мухтафий бўлдилар. Ва аср чоғи ул навоҳи чарогоҳ[2260] идағи галлалардин бир қўй ўғурлаб, зоди роҳила учун маслух[2261] қилдилар. Ва офтоби жаҳонтоб уфул қилғондин сўнг тебраб, йўлға кирдилар, токим ўзларин Бухороға еткургайлар. Муҳаммадниёз бек маҳрамбошиким, ўттуз диловари шерафкан била аларнинг қасдиға маъмур бўлуб эрди, ул кун туш ҳангомида Хонқоҳ мабиридин Жайҳунни убур қилиб, Дарвоза қумиға етганда, аларнинг яқинда ўтган хабарин топиб, мусориат кўргуздилар. Тонг вақти Бозиргон мавзеида аларни бир чуқурда кўрдиларким, отларидин тушуб ўлтуруб, кабоб тановулиға машғулдурлар. Муҳаммадниёз бек диловарлар била марокибиға маҳмиз бериб, балои ногаҳоний янглиғ аларға ўзин еткурди. Муҳаммадмурод бек ва Саййидқули бек икови ғояти чобукликдин отланиб, фирор тариқиға ҳазимат маркабин сурдилар. Ва Қаландар отлана олмай, Нуруллоҳ паҳлавон била баъзи муборизларнинг қўлида асири сарпанжаи тақдир бўлди. Ва Муҳаммадниёз бек баъзи диловарлар била таоқиб қилиб, ул жумладин Муҳаммадёқуб *ос* илгарироқ Муҳаммадмурод бекнинг изидин етти. Ул дағи қайтиб ҳамла қилиб, бир-бириға найза ва қилич ҳавола этиб, муҳориба амриға қиём кўргуздилар. Ул аснода Муҳаммадниёз бек шери ғўррондек салобати тамом била етиб, муқобил бўлди. Муҳаммадмурод бек андин рўйгардон бўлуб, фирор ихтиёр қилди. **Назм:**

Таҳамтан эрур гарчи пўлодманд,
Вале Рустам оллидадур мустаманд.
Панжаи шери дарранда пурзўр эрур,
Ҳазабр оллида эйлаким мўр эрур.

Муҳаммадниёз бек анинг изидин барқи хотифдек етиб, икки шонаси оралиғидин андоғ найза урдиким, синасидин бош чиқарди ва сакароти мавт бехудлиғи била отдин мазаллат туфроқиға сарнигун йиқилди. Ва Саййидниёз *олабулук*ким, даргоҳи оламланоҳнинг хокбўсларидиндур, анинг савдойи бошин ханжари буррон била танасидин жудо қилиб, фитрокиға банд қилди. **Маснавий:**

Ул ки эди бошида савдои хом,
То насақи фитнаға бергай низом.
Охир ўлуб шум бу савдо анга,
Қилмайин айём мадоро анга.
Қўймади теги ажал олгунча дам,
Танда бошин, бошида савдони ҳам.

[2260] Чарогоҳ – ҳайвонлар ўтлайдиган яйлов.

Ва Саййидқули бекни даги иср қайдиға чекиб, мурожиат кўргуздилар. Бу воқеа ойнинг йигирма беши[2262] да душанба куни эрди. Ва Муҳаммадниёз фатҳу ферузмандлик била Ҳазорасб тушидин дарёни кечиб, сешанба куни аср ҳангомида Остона ҳудудида шикор асносида дарбори фалак миқдорға фоиз бўлуб, авотифи хусравонага ихтисос топти. Қаландар *отолиқ*ни ҳазрат хидеви комкор ярғу ва пурсишдин сўнг ёсоқға еткуруб, бошин Муҳаммадмурод бекнинг боши била шаҳарға юбориб, ибратан лилнозирин ғазаб дориға овезон қилдурди. **Қитъа:**

Хусраво, олголи оламни отингга давлат,
Навбати шоҳий урар гунбази даввор узра.
Дўстинг уйқуси талх ўлди вале ишрат аро,
Душманинг боши буюк бўлди вале давор узра.

Ва Саййидқули бекни Эшмуҳаммад бекнинг ёнида маҳбус қилиб, ғурраи рамазон[2263] да шанба кечаси фармони қазожараён мавжиби била Эшмуҳаммад бекни ва ани Ўрозали *иноқ*и шаҳиднинг қасоси учун қатлға еткурдилар. **Назм:**

Ҳакими жаҳондидаи ҳушманд,
Фаридунга бир кун деди ушбу панд,
Ки «ҳар ким эрур душмани жон санго,
Ўгул эрса ҳам қилма ибқо[2264] анго».

Ўрозали *иноқ*нинг ўғли ва иниларига марҳамат ва дилжўйилиғлар кўргузуб, мурасса камарлар ва мулукона хилъатлар инъоми била сарафрозлиғ боғишлади. Муҳаммадризо бек *отолиқ*ға *иноқ*лиғ мансабин арзоний тутуб, Ўрозали *иноқ*нинг ўғли Муҳаммадризо бекни бовужуди сиғарсеннким, ёши ўн бирда эрди, Гурлан мамлокида *отолиқ* қилди.

Човдур черикининг воқеаси. Чун *човдур* черики Ёрлиқаб бек, Омонқилич *човдур*, Ниёз курт *бурунжиқ*, Муҳаммадниёз Баҳодир *абдол* Манқишлоқий Тўрамурод сўфининг фармони била корвон қасдиға ҳаракат қилдилар, суръат марокибин масофат қатъиға даштпаймой қилиб, Бештўшук кавталининг этагида корвонға етиб, тиладиларким, тағаллуб расми била корвонийларға дасти татовул узатиб, амвол ва жиҳотин қабзаи торожға киюргайлар. Корвонийлар ҳазрат аълохоқонийнинг шарафи давлат ва асари саодатидин саррииттаи жамиатин қабзаи иҳтимомидин бермай, туфроқ ва юклардин атрофиға ҳисор ясаб, масоф амриға мустаад ва омода бўлдилар. *Човдур* даги уч кун қаттиғ қабаб, жидол ва қиттол маросимида жаҳди мавфур ва саъйи номақдур тақдимға еткуруб, иш бошқара олмади. Бу айёми мазкурда қароқчилардин тўрт-беш киши мақтул бўлуб, корвон аҳлиға захмате етмади. Балки ғалаба қилиб, *човдур* тасарруфидин сувни олдилар. **Маснавий:**

Ҳафиз ўлса ҳар кимга ҳайй-ю гафур,
Ададдин маромиға етмас футур.
Кишини тутар эрса тенгри омон,
Анга ҳодиси даврдин не зиён.
Біровким Худо бўлса ҳомий анга,
Қачон даст топгай ҳаромий анга.
Худо ҳифзида бўлса ҳар корвон,
Ҳамиша бўлур роҳзандин омон.

Тўртинжи куни муфсидлар ҳамияти жоҳилият ҳаракати била пиёда бўлуб, қиличларин ниёми интиқомдин тортиб, корвонийларға тўрт тарафдин ҳужум қилиб югурдилар. Корвоний ҳам қалақ ва изти-

---

[2261] Маслух – сўйиб, ёнида олиб юриш маъносида.
[2262] 1225 йил 25-шаъбон/1810 йил 25 сентябр.
[2263] 1225 йил 1-рамазон/ 1810 йил 30 сентябр.
[2264] Ибқо – сақлаш, абадий қилиш.

роб қилмай, таваккал ғурватил вусуқисиға чанги эътисом уруб, мудофаа ва муқотилаға иштиғол кўргуздилар. Ва корвонийдин баъзи ажзаким, муҳорибадин ожиз эрдилар, подшоҳи лоязаол даргоҳиға жибҳасои тазарру бўлуб, истиғоса қилдилар. Ногоҳ «музтар-ночор одам дуо-илтижо қилган вақтида ижобат қиладиган[2265]» муаддасининг муқтазоси била аларнинг саҳоми дуои ижобатанжоми ҳадафи маромға тегиб, нусрат ели иҳтизозға кирди ва гулулаи тўфанг била муфсидлардин кўп кишини захмдор қилиб, ўттуз нафарни жаҳаннам йўлиға озим қилдилар. *Човдур*лар сирқа ва фасод шоматидин, балки хидеви комкорнинг асари давлатидин бир неча аҳли корвондинким, аларнинг минги бир мубориз оллида ожиз ва музмаҳал эрди, бовужуди таҳаввур ва муборизат шикаст топиб, мажруҳ ва манкуб бўлди. **Рубоий:**

Шоҳо, санга тааиди Ҳаққ ўлмиш мансуб,
Даврингда эрур залолат аҳли манкуб.
Будур асари давлати жоҳинг ки бўлур,
Қиттои тариқ[2266] корвондин мағлуб.

Муфсидлар яна силки жамиатин мунаақид қилиб, бешинжи кун истишора ва истихорадин сўнг Муҳаммад Баҳодир *абдол*нинг тадбири била тарҳи мусолиҳа ораға солдилар, токим ўлганлариға бир нима кафанбаҳо олаолғайлар. Ул аҳвол хилолида Эшмуҳаммад бекнинг шикаст топиб, Орол черикининг Гурланда қатли ом бўлғон хабари етиб, *човдур*нинг силсилаи жамиати узулди. Раабу ҳарос тундбоди била ғубори тийрадек тафриқа ҳавосида парафшонлиғ кўргузуб, фирор ихтиёр қилдилар. Ва корвонийлар тангнои муҳосира ва кулфаткадаи хотирадин солим ва ғоним чиқиб, амну хотиржамлик била мақсад жониби озим бўлдилар.

Учунжи черикнинг сониҳаси. Бу черикнинг аксари *қароқалпоқ*ия эрди. Саримсақ *бий қўлдовли*, Исламас *бий болгали*, Нуртой *бий қўштамғоли* саркардаси эрди. Қўнғротдин чиқғондин сўнг икки-уч кун йўл озиқиб, бешинжи кун Оқёқиш ҳудудиға ворид бўлуб, Эшим ариғининг ҳаволисида ўтлоқ ва ёйлоқда юруган мавошидин бир пода *ўкуз* ва сиғирниким, *ўзбак* истилоҳида «қаромол» дерлар, суруб, муовидат кўргуздилар. Аммо, Хўжамберди бек ва Қаландар кўр ибн Ниёз бек елим ва Эшмуҳаммад *юзбоши*ким, уч юз нафар мубориз била ул ноҳият муҳофизати учун муқаррар бўлуб, ҳаросат амриға машғул эрдилар, ул кун Эшмуҳаммад бекнинг Гурланға кирган хабарин эшитиб, ғояти хавфдин сарриштаи саботни қўлларидин бериб, сабукпой бўлуб, хусусан Қаландар кўрким, анинг шаммаи сифатин қалами мўъжаз баён рақам силкига мундоғ чекар. **Назм:**

Шум дийдору мудбару бадкор,
Хиссат андешу моли мардумхўр.
Дуну номарду суфлаву нокас,
Баддилу бадсиголу бадкирдор.

Қуввати воҳима ғалабасидин қалақ ва изтиробға тушуб, таваҳҳум ва хавотир истилосидин Хўжамберди бекнинг раабу ҳаросин зиёдароқ қилиб, икови музтариб ал-ҳоллик била Ойдўст *бий*нинг савобдидиғаким, хабари мутаҳаққиқ бўлғунча тавақкуф қилмоқни маслаҳат кўруб эрди, боқмай, балки қулоқ солмай, Эшмуҳаммад *юзбоши*ни таваан ва карҳан ўзларидин қўймай, Оқёқиш қалъасидин чиқиб, фирорий бўлуб эрдилар. **Байт:**

Сипаҳдорким жубн[2267] ангадур шиор,
Эрур хуб андин зан[2268] и бо виқор.

[2265] Қуръони карим, 27 : 62.
[2266] Қиттои тариқ – йўлтўсар, қароқчи.
[2267] Жубн – қўрқоқ.
[2268] Зан – аёл.

Бу жиҳатдин муонидларни таоқиб қилурға киши топилмади, омон қутулдилар. Ложарам ҳазрат аълохоқоний Хўжамберди бек била Қаландар кўрни назари отифатидин йироқ солиб, сипаҳдорлиғдин маъзул қилди ва мансабларин шижоат маъркасининг Рустами ва нажобат осмонининг наййири аъзами, мубориз уд-давла Муҳаммадниёзбек *маҳрам* валади амжади Худойберди *иноқ* ва зайн уд-давла Қутлуғмуҳаммад бек халафи аршади Ҳасанмурод *отолиқ қипчоқ*ға суюрғол қилди.

Човдурнинг Оролдин наҳзат этмаки ва аркони жамиатиға ихтилол етмаки

Чун *човдур* корвон аҳлидин шикаст топиб, накбати тамом ва мазиллати локалом била аҳшом ва масокинлариға келдилар, аввалдин худ қаҳат ва ғило шиддатидин жило ихтиёр қилурға рози эрдилар, бу сониҳаи ҳоила анга илова бўлди. Ва яна Тўрамурод сўфининг қамари давлатин ҳадди маҳоқ[2269] ва ахтари шавкатин шуруфи иҳтироқ[2270]да кўруб, бу мазмунға мутаранним бўлдилар. **Маснавий:**

Кимки бедавлатдур андин бўл йироқ,
Қурбидин буъди[2271]дур анинг яхшироқ.
Шум эрур дийдори бирла суҳбати,
Наҳс эрур аҳли жаҳонга қурбати.
Ул ки бедавлатга айлар ёрлиг,
Вақф ангадур хворлигу шуворлиг.
Андин авлодур жудолиг айламак,
Балки қатъи ошнолиг айламак.

Нукта. Бедавлатдин иҳтироз хуб, бадбахтдин ижтиноб марғуб, не учунким, анинг дийдори мутазаммини зарардур, мунинг суҳбати вожиб ал-ҳазар. **Рубоий:**

Эйким, сангадур маснади иқбол муқар,
Бедавлату бадбахтга бўлма ёвар.
Ким охир алар шумлиги бирла етар,
Молу бошинга зиллату идбору зарар.

Алғараз, жозим бўлдиларким, сўфининг мулозиматин тарк тутуб, Оролдин кўтарилгайлар. Улоғ ва озуқа таҳҳиясидин сўнг рамазон ал-муборак авосити[2272]да Отйўлидин кема ва сол била убур қилиб, Ойбукурга нузул эттилар. Бу мавзеда ораларига ихтилоф тушуб, Болтуниёз қозиким, сардафтари аҳли фасод эрди, баъзи *човдур* муонидлари билаким, кўп жароими азима алардин зуҳурға етиб эрди, ғазаб султони ва сутувват хоқонидин мутаваҳҳим бўлуб, Манқишлоқ сариким, аларға ватани аслий эрди, азимат қилдилар. Ва Ёрлиқоб бек бошлиғ мажму *ҳасанэли* инқиёд ва бандалик изҳори била дарбори фалак миқдорға элчи юбориб, хабари вусулининг интизорида мутаваққиф бўлдилар. Ул овонда Муҳаммаджон бек ибн Қутлуғмуҳаммад *иноқ* Хўжаэли ҳисорида муҳофизат амриға машғул эрди. *Човдур*нинг Ойбкурга ўтган хабарин эшитиб, ҳазму эҳтиёт жиҳатидин ўз навкари ва *хўжаэли* лашкари била Ойбукур савбиға роятафрози наҳзат бўлди. Йўлда Ёрлиқаб бекнинг элчисиға баъзи лашкария учраб, ғофиллиқдин ўлдурди. Муҳаммаджон Ойбукурга бориб, ул элни мамолики маҳруса жониби кўчуруб, ўзи Хўжаэлиға муовидат кўргузди. Ва Ёрлиқаб бек *ҳасанэли*нинг акобири била ҳазрат аълохоқоний домани афвиға чанги истимон уруб, утбабўслиқға мутаважжиҳ бўлдилар. Ложарам иноятй хоқоний аларнинг аҳволиға шомил бўлуб, ҳар қайсиға фарохўри ҳол манозил ва мазоре марҳамат кўргузди.

[2269] Маҳоқ – ой алмашганда рўй берувчи қоронғулик.
[2270] Иҳтироқ – ёниш, куйиш. Бу ерда: юлдуз сўниши.
[2271] Буъд – узоқроқ масофа.
[2272] 1225 йил 14-рамазон/1810 йил 13 октябр.
[2273] Ҳижрий 1222/1807-08 йил.

Така муонидларининг Ҳазорасб сарҳадиға шабохун келтурмаки ва Қаландар парвоначи таоқиб қилиб, аларни қатлға еткурмаки

Бу воқеа андоқ эдиким, Муҳаммадниёз тархонким, Марвда ўлтурғон *така* муонидларининг сардафтаридур, Эрон подшоҳи Фатҳалишоҳ ал-мулаққаб бил-Бобохоннинг ўғли шаҳзода Вали санаи ҳижрия минг икки юз йигирма икки[2273] да Дин Носир *тўра*ни Марв суккони била Машҳадға кўчургондин бери Марвни ўзиға маамин қилиб, ҳазрат султони соҳибқироннинг рибқаи итоатидин бўюн тўлғоб, *бахши* уруғи ва ғайранинг ҳаромийларин атрофиға йиғнаб ўлтурубдур. Моҳи шарифи мазбурда *қаро аҳмад* жамоасидин бир гуруҳ аҳли залолниким, масдуқаи «зулуман жуҳулан[2274]» аларнинг ҳолиға шомилдур, қуббатилислом Хоразм савбиға ирсол қилди. Токим дастбурде кўргуза олғайлар. Ул гуруҳи залолатпажўҳ қатъи манозил қилиб, рамазон ал-муборак ойининг ўн еттиси[2275] да душанба кечаси Ҳазорасб қаряларидин Карвакнинг оёқиға қумдин чиқиб, ворид бўлдилар. Ва Карвак хўжаларидин бири уйнинг работиға тўкулуб, молу аёл ва атфолин торожу асир қилиб, мурожиат кўргуздилар. Кўп фурсатғача йўл топа олмай, кўлларда саргардон бўлуб, саҳар ҳангомида қумға кириб кеттилар. Иттифоқо алар қумдин чиқғон маҳалда Карвак оёқидағи экинчилардин биров хабардор бўлуб, қалъада Абдуллоҳ *иноқ*ға хабар еткурди. *Иноқ* ҳозир черик билаким, юз эллик отлиғдин кўпрок эрди, рукуб қилиб, Карвакка борди ва ул қаряда ўлтурғон фуқаро ва хўжалардин саҳарлик учун қўй ва биринж ва асбоби табхни муҳайё қилдуруб, қум этакиға чиқиб, такаларнинг тоза ўтган изини кўруб нузул қилди, токим саҳарлик еб отланғай. Таом пиширтуруб, наҳорий қилғунча субҳ сафидадами ховар жонибидин нишон кўргузди. **Фард:**

Суфраи субҳ очти баногаҳ сипеҳр,
Анда табоширни кўргузди меҳр.

Намоз адосидин сўнг ул ерда маслаҳати мадида ва машварати тавила бисотин басит этиб, **байт:**

На қовумоқға аъдони журъат қилиб,
На қайтурга беважҳ ҳиммат қилиб,

– офтоб самтирросға иртифо топғунча муаттал ва мутаваққиф бўлди. Охириламр ҳаво иссиғин ва марокиб тавсанлиғин баҳона қилиб, давлатхонасиға муовидат кўргузди. **Шеър:**

Киши қилмаса шавқ ила жустижўй,
Қачон топгай ул матлабу обрўй.
Эр улдур ки то анда бордур мажол,
Тилаб ному нанг айлагай тарки мол.

Ул айёми саодат фаржомда жаноб аморатмаоб, умдатилумаро, қудват ал-кубаро, изз ал-аном, мураввижи ислом, **маснавий:**

Амири хирадманд, соҳиби либо,
Жаҳон кишвари узра фармонраво.
Адаб буржининг моҳи тобони ул,
Карам дуржининг дурри ғалтони ул.
Шараф бўстонида сарви баланд,

Хидеви жаҳонға ахи аржуманд. – *амири кабир* жалол ад-давлат ва-д-дин Қутлуғмурод *иноқ уббида мулкуҳу* Дорғон музофотидин Оқработ ҳудудида шикорға машғул эрди. Сайдафканлик ҳангомида бу хабар самъи шарифиға етиб, амири беназири саодатпазир, **назм:**

[2274] Золимлик жоҳилликдандир.
[2275] 1225 йил 17-рамазон/1810 йил 16 октябр.

Авжи саодатда дурахшанда меҳр,
Лек жалодатда муалло сипеҳр.
Сидқу сафо бобида мақбул,
Роструву софдилу некхоҳ,

– яъни Қаландар *парвоначи*никим, ул жаноби давлат интисобнинг мулозиматидин бир лаҳза соя янглиғ муфориқат ихтиёр қилмас эрди, анга саодаткиш, садоқатандеш Искандар хўжа Бекободий ва *қўнғрот* Эломон баҳодирни масҳуб қилиб, ул жаноб ўз навкарларидин етмиш киши муонидлар таоқибиға номзад қилди. Алар фармон мавжиби била Оқработдин қум қатъиға азимат якронин сурдилар. **Назм:**

Таваккал қилиб сурдилар қумга от,
Учуб ваҳмдин лек ҳар дам ҳаёт.
Фарозега гоҳи ки айлаб уруж,
Оёқ остида жилва айлаб буруж.
Нишебега гоҳи суруб бодпо,
Кўрунуб фалак узра тахтуссаро.
Иссигдин ҳавоси келиб ҳавлнок,
Нечукким самум элни айлаб ҳалок.
Сувсизлигдин ул қум ичида сароб,
Қилиб ташналар ҳолига изтироб.
На пайдо бўлуб анда йўлдин асар,
На поёнидин кимса топиб хабар.
Саубат била отлар айлаб хиром,
Ботиб тизгача ҳар неча урса гом.

Бу тариқада уч кеча-кундуз теғи мусориат била қатъи масофат қилиб, Шўрқуйи отлиғ қудуққа еттилар. Ул қудуқ навоҳисида муонидларнинг ўтган изини топтилар. *Парвоначи* ва Искандар хўжа ва Эломон баҳодир черикдин ўттуз муборизни мунтахаб қилиб, ўзгасин қудуқ устида қўюб, *така*нинг изидин мутаважжиҳ бўлдилар ва Ужорли қудуқидаким, Марв диёриға икки манзиллик масофати бордур, *така*нинг ақабидин етиб, бир ҳамла садамати била аларни водии хамушонға юбордилар. Мол ва асирларниким, баъзи муонидлар била илгарироқ юборган экандурлар, аларни дағи таоқиб қилиб, *така*ларни ўлдуруб, мол ва асирларни олиб, муонидларнинг бошин кесиб, мурожиат кўргуздилар. Ва Шўрқуйида қўйилғон черикни олиб, тўққуз кунда Фитнак навоҳисида *иноқ*нинг мулозиматиға етиб, ул жанобдин навозишоти комил топтилар. Ва андин даргоҳи оламўаноҳға мутаважжиҳ бўлуб, арафа куни моҳи мазкурнинг салхи[2276]да ҳазрат сарвари салотин ва афзали хавоқиннинг дарбори фалакмиқдорининг остонбўслиқиға фоиз бўлуб, иноёти хусравона ва мароҳими бекаронаға ихтисос топтилар. Валлоҳ ут-тавфиқ.

Ҳазрат аълохоқонийнинг Янгидарё тасхириға озим бўлмоғи. Бу хабар вусулининг зилзилаи таваҳҳум солмоғи била ул диёр аҳлиға бунёни жамиат бузулмоғи. Ўрунбой била Эшжоннинг итоат йўлиға қадами истимон урмоғи ва муонидат наҳридин убудият баҳриға ўзларин еткурмоғи. Ва ўзга бийларнинг тамарруд исрори била мухолифат оҳангин тузмаки ва тенгиз савбиға инод матоёсин суруб, азимат кўргузмаки

Ривоят тенгизининг тимсоҳи, ҳикоят дарёсининг маллоҳи, яъни, қалами ферузий рақам маоний баҳриға мундоғ ғавс қилурким, собиқан тақрир самтиға ва таҳрир силкига чекилиб эрдиким, Янгидарё *қароқалпоқ*ининг акобиридин *манқит* дудмонининг сарвари Ўрунбой *бий* ва *тунко-хитой*нинг сардафтари Эшжон *бий* ва *бешсариг-хитой*нинг саромади Ҳасан *бий* ва Эсанкелди бийким, Бароқ баҳодирнинг иниларидур ва *қипчоқ* уруғининг *ҳокими* Тўқтопўлод *бий* ва *кенагас* жамоасидин *уйм овут* элининг улуғи Мамон бийким, Жонмурод *иноқ*нинг қатлидин бери Янгидарё диёрида ливои мухолифатни барпой қилиб,

---

[2276] 1225 йил 29-рамазон/1810 йил 29 октябр.

ҳеч подшоҳ ва амирға инқиёд бошин эгмас эрдилар, аларнинг тааддиб ва гушмоли учун жаноб аморатмаоб, аёлат интисоб, умдат ал-умаро, мураби ал-фуқаро, малоз ал-аном, ҳоми ал-ислом, носири билод ал-офоқ, жамол ад-давла ва-д-дин *амири кабир* Қутлуғмурод *иноқ маддаллоҳу зилола раъфатиҳи ала муфориқи-л-аном* ҳазрат хидеви комкори душман шикор, аълохоқони гардунтавон, соҳибқирони воло макон, Фаридуни замон, Искандари даврон, боис ал-амн ал-омон, моҳий аз-зулм ва-л-адвон, рофеи аълом ад-дин ва-л-иймон, қомеи бунён ал-мушрик ва-т-туғён, ал-мустансир би-н-нусрат ал-малик ал-мустаон муизз ад-давлат ва-л-хилофат ва-д-дин Абулғози Муҳаммадраҳим Баҳодирхон *халадаллоҳу мулкаҳу*нинг фармони вожиб ал-изони лозим ал-имтинони била ул ноҳиятға сипоҳ элтиб, чаповул тунбоди била аларнинг чироғи амниятини учуруб қайтғондин сўнг агарчи Эшжон *бий* бошлиғ баъзи бийлар даргоҳи олампаноҳнинг хокбўслиқиға мушарраф бўлуб, гоҳо итоат изҳори била русул ва расоил юборур эрдилар, аммо гоҳо саркашлик кўргузуб, тамарруд оғоз қилур эрдилар. Хусусан Ўрунбой бошлиғ аксар муонидлар асокири мансуранинг турктозидин ҳаросон ва мутаваҳҳим бўлуб, Бухоро *волий*си Мир Ҳайдарга мутобиат кўргузуб, анинг наввобидин Худоёр деганни орасиға келтуруб, анга закот ва хирож бериб, Хоразм ва *қазоқ* корвониға таадди еткурурлар эрди. Бу жиҳатдин ҳазрат хидеви комкор сана минг икки юз йигирма тўртда сафар ойи[2277]да андоқким зикр топиб эрди, алар гушмоли учун икки бўлак черик юбориб чоптуруб эрди. Бу жиҳатдин Ўрунбой истимдод учун Бухороға бориб, муддати мадид ва аҳди баид Мир Ҳайдар подшоҳнинг остони мулозиматин ёстаниб, анинг гавҳари қудратин муовинат обу рангидин мубарро ва гули ҳимматин дастёрлиғ рангу бўйидин муарро топиб, ранжиши тамом ва тааррузи локалом била бе найлу мурод муовидат кўргузуб, Худоёрни Бухороға узотти. Чун ашрафи содоти олийсифот ва афзали санодиди мутаолий даражот, зубдаи хондони Муртазо, қудваи дудмони Саййид Ото Хўжажон хўжаким, амирзодаи шўрбахт Эшмуҳаммад бекнинг воқеасидин сўнг рамазон ал-муборак учи[2278]да Хўжамберди бек ва Қаландар кўрнинг ўрниға *найман* Муҳаммадқилич ва *дўрман* Болиш *юзбоши* била Оқёқиш муҳофизатиға номзад бўлди, моҳи мазбурнинг секкизи[2279]да шанба куни Кўкузак наҳрининг қироғи Тошкечув мавзеиға ворид бўлди. **Иттифоқоти ҳасанадин** *уйғур* муонидларидин Ўрозали ёрма ва *қароқалпоқ Тўра*бек *қиёт*ким, Тўрамурод сўфининг муътамидларидин эрди, *қўнгрот*дин Бухороға сифорат расми била бориб, Мир Ҳайдарнинг элчилари ва *қўнгрот*нинг савдогарларидин ўн олти киши била келур эркан. Ўрозали ёрма эҳтиёт тариқаси била илгари суруб, черик аҳлиға учраб, саросимавор сарфи инон қилиб, фирорий бўлди. Хўжажон хўжа ани бир ҳамлада отдин йиқиб, иср қайдиға чекиб, истеъломи аҳволидин сўнг баъзи муътамид кишилариға топшуруб, ҳазрат хилофат мартабатнинг хизмати ҳумоюниға юборди. Чун ул бадбахт бадхоҳлиғ маросимида аҳли инонднинг саромади эрди, ложарам мавқифи сиёсатдин анинг қатлиға фармони олий содир бўлуб, жазоға етти. Ва *Тўра*бекким, ҳамроҳлари била сўнгидин келур эрди, бу сониҳаи ғамандуз, яъни Ўрозали ёрманинг асир бўлғонидин иттило топиб, оғир юк ва молларин ташлаб, қайтиб Янгидарё савбиға фирор эттилар. Хўжажон хўжа аларнинг амволиға мутасарриф бўлуб, ақабидин ҳазрат қутб ал-авлиё Чўпон Ото *алайҳирраҳма*нинг авлодидин Муҳаммадназар шайхни Одинамурод баҳодир ва Тилав *мерган* бошлиғ ўн беш киши била аларнинг ақабидин буюрдиким, ҳар ерга борсалар, қовуб ул муонидларни дастгир қилмоғунча қайтмағайлар. Бу жиҳатдин маъмурлар Янгидарёғача таоқиб қилдилар. *Тўра*бек рафиқлари била *қипчоқ* орасиға бориб, Тўқтопўлод *бий*нинг бани аъмомиға [қўш] тошлади. Ва Муҳаммадназар шайх Ўрунбойнинг манзилиға нузул қилди. Ўрунбой *бий* анинг қудумидин башошати тамом ва мусаррати локалом зуҳурға еткуруб, *Тўра*бек ва йўлдошларини тутуб, хидеви комкорнинг мулозиматиға юбормакни ул ҳазрат мулозимлариға қуллуқ тарҳин солиб, жароими мавфурасидин рафъи хижолат қилмоқға воситаи узмо ва василаи тамом билиб, Эшжон *бий*нинг мувофиқати била *қипчоқ*ға аларни талаб қилур киши юборди. Аммо *қипчоқ* жамоаси Тўқтопўлод бийдин бехабар аларни бурунроқ Қўнгротға узотиб эрди. Ул аснода *қазоқ*ия табақотидин *чўмакой* тоифасининг подшоҳи Султон Темурхон ибн Эралихон минг беш юз киши била келиб, Эшжон *бий*ннг эли *танго-хитой*ни ва *қипчоқ*ни чопиб, кўп кишини ўлдуруб, ғаноими фаровон ва усарои бепоён била мурожиат кўргузди. Янгидарё бийлари дағи *қароқал-*

[2277] 1224 йил сафар ойи/ 1808 йил 29 март-27 апрел.
[2278] 1225 ил 3-рамазон/ 1810 йил 2 октябр.
[2279] 1225 йил 8-рамазон/ 1810 йил 7 октябр.

поқ черикин олиб, *қазоқ*нн таоқиб қилдилар ва уч манзилликда изидин етиб, қаттиғ уруш вуқу топти. Ул урушда *қазоқ*нинг кўпроки мақтул ва маасур бўлуб, Султон Темурхон инҳизом йўлиға қадами фирор урди. Муҳаммадназар шайхким, руфақоси била анда ҳозир эрди, муборизат амриға мубодират кўргузуб, *қазоқ* сипоҳининг шикастиға алар сабаб бўлди. **Байт:**

Агар бир киши топса нусратга даст,
Топар юз туман лашкар андин шикаст.

Бу воқеадин сўнг *қароқалпоқ* умароси Ўрунбой ва Эшжон *бий*нинг саъйи ва иҳтимоми била баъзи сидқ юзидин ва баъзи мадоро жиҳатидин ҳазрат аълохоқоннинг даргоҳи олампаноҳиға маросими итоат изҳори била элчи юборди. Ул жумладин Ўрунбой *бий*ниг ўғли мулло Давлатназарким, яхшиғина донишманд толиби илмдур ва Эшжон *бий*ннинг ўғли Болмуҳаммад ва Эсанкелди *бий*нинг оқоси Ҳасан *бий*нинг ўғли мулло Сори ва Тўқтопўлод *бий*нинг ўғли Дўстберганни Муҳаммадназар шайхға масҳуб қилиб, сифорат расми била юбордилар. Элчилар Оқёқиш устидин даргоҳи олампаноҳға мутаважжиҳ бўлуб, аҳсани соот ва асъади авқотда шарафандузи тақбили бисот бўлуб, Янгидарё умаросининг аризадоштини арзға еткурдилар. Ҳазрат хидеви комкор аларни манзури назари иноят қилиб, мароҳими хусравонадин баҳраманд этти. **Байт:**

На давлатдур кишига бахт ўлуб ёр,
Шаҳ алтофидин ўлмоқ баҳрабардор.

Аммо. Янгидарё бийлари ўғлонларин даргоҳи олампаноҳға юборгандин сўнг Ўрунбой ва Эшжондин бошқаси адовати қадимий ва шарорати жибиллий ҳаракатидин қадамфарсои жодаи мутобиат бўлмоқдин пушаймон бўлуб, *қазоқ* тавоифидин *чакли* жамоасининг подшоҳи Абдулазизхон ибн Ғойибхонғаким, бурунроқ *бешсариг-хитой*нинг савдогарин талаб, кўп молу кишиларин дастгир қилиб эрди, ул мол ва кишиларин тиламакни баҳона қилиб, итоат изҳори била элчи юбордилар. Бу хабар баъзи раҳгузарийлардин тавотир расми била суддаи хилофат мулозимлариға етти. Аввалдин худ ҳазрат аълохоқон, султони гардунтавон, подшоҳи Кайвон рифъат, шаҳаншоҳи баҳромсавлат, **назм:**

Барру баҳр шоҳи Сикандар ҳашам,
Сулаймон шукуҳу Фаридун шиам.
Шариат паноҳи-ю, дин хусрави,
Бўлуб пушти ислом андин қави.
Фалакжоҳларнинг шаҳаншоҳи ул,
Шаҳаншоҳларнинг фалакжоҳи ул.
Мурасса рикобу муалло жаноб,
Жамии умам узра молики риқоб.

Хилофат айвонининг аврангнишини, салтанат девонининг соҳибнигини, соҳибқиронлиғ диёрининг тождори, қаҳрамонлиғ музморининг шаҳсувори, афзали салотини муалло ҳашам, аадли хавоқини адолатшиам, алмухтас баиноят ал-малик ал-маннон, муизз ад-давла ва-д-дин, Абулғози Муҳаммадраҳим Баҳодирхон *аббадаллоҳу таоло мулкаҳу ва ажро ала баҳри-с-салтанати фулкаҳу*нинг замири хуршид назириғаким, мазҳари анвори ғайбий ва мавриди асрори лорайбийдур, бу воқеаи ғомиза партави зуҳур солиб, мутарассиди вусули хабар эрди. Чун бу хабар таҳқиқи мансаи зуҳурда жилвагар бўлди, тоғийлар гушмолининг қасдиға Янгидарё азимати тасмим топти. Ва лиҳаза шаввол ал-мукаррам санаи мазбуранинг йигирма бири[2280] да Хоразм Қавсининг ўн еттиси[2281] да якшанба куни чоштгоҳда шикор расми ва Янгидарё тасхирининг иродаси била дор ас-салтанаи Хивақдин рукуб қилиб, кеча Мойлижангал мавзе-

[2280] 1225 йил 21-шаввол/1810 йил 20 ноябр.
[2281] Декабрь ойи ўртаси.

ида ўз қурратилайни шаҳзодаи мукаррам, мафхари бани Одам, салтанат шажарасининг самараси, мукаррамат самарсининг шажараси, хилафат тожининг гавҳари, жалолат буржининг ахтари, **байт:**

Асолат буржининг тобанда моҳи,
Саодат фарқининг фараҳ кулоҳи.

Муҳайс ад-давлат ва-д-дин Оллоҳқули *тўра заййада умраҳу ва жалолаҳу*нинг работи фойиз аннишотининг буружи ифтихорин нузули мусарратвусули била фалак ал-буруж авжидин ўткарди. **Шеър:**

Қудуминг файзидин гарди муҳқар,
Бўлур рифъат аро гардунга ҳамсар.
Нузулингга мушарраф бўлса манзил,
Топар назҳат нечукким олам дил.
Агар кошонада тутсанг ором,
Бўлур жаннат киби фархунда фаржом.

Нажотпаноҳ, диёнатогоҳ, ихлоскийш, садоқатандеш Абдибой ва Гадойниёзким, ул мавзеи жаннатсони назҳатнишоннинг мушрифи эрдилар, жавоҳири жон ва лаолии равонларин ул ҳазрат қудумининг шукронасиға ийсор қилиб, тонг отғунча хазамоти шойиста ва зиёфоти бойистаға иштиғол кўргузуб, манзури назари хусравона ва махсуси авотифи бекарона бўлдилар. Чун офтоби машриқийинтисоб шаҳсувори фалак майдонининг азмиға рукуб қилди, ҳазрат султони соҳибқирон қадами шарофаттавомин саодат рикобиға қўюб, кавкабаи тамом била Тошқалъа ҳудудиға азимат якронин сурди ва ул ноҳият маабаридин кема била Омуядин ўтуб, султони *мағфур* ва хоқони *мабрур* Элтузар Муҳаммад Баҳодирхон *анораллоҳу бурҳонаҳу*нинг работи оллидаги отовда қўшлаб, боргоҳи фалак иштибоҳғаким, анда дарё қирогида барпо қилиб эрдилар, нузул қилди. Ул кеча хуфтан чоғи ер аркониға андак зилзила воқе бўлди. Бу манзили шарифда икки кун таваққуф воқе бўлуб, аввалғи кун ҳазрат султони Яманий Увайс ибн Омир ал-Қараний *қаддасаллоҳу сирраҳу*нинг қадамгоҳиғаким, Куҳи Чуғрода воқедур, ҳоло ул тоғни Шайх Жалил тоғи дерлар, ташриф элтиб, зиёратға мушарраф бўлд. Ва ул ҳазратнинг руҳи муқаддасларидин мадад ва истионат топиб, ул остона мужовирларин нузурот вофир ва эҳсоноти мутакосир била давлат соғарининг бодапаймоси қилди. Ва сўнгги кун мулло Эшим бойниким, даргоҳ мулозимларидиндур, Муҳаммадназар шайх била Янгидарё элчилариға қўшуб, бийларға ёрлиғ ирсол қилдиким «фармони олийшон етгач, бу тарафга кўчуб, мамолики маҳрусаға мутаважжиҳ бўлунг ва илло асбоби муҳориба таҳҳиясиға иштиғол кўргузунгким, инак асокири мансура бодияпаймои азимат бўлди.» **Фирдавсий:**

Агар на ба коми ман ояд жавоб,
Ману Рустам ва жанги Афросиёб[2282]*.*

Ва яна бу манзилда балоғат байдосининг яккатози, фасоҳат иншосининг рақампардози, яъни жаноб зубдат ал-фузало Мирзо Масиҳоғаким, бу муборак юрушда мулозими рикоби ҳумюон эрди, бир тўпчоқи заррин лигоми сарсар хиромким, **назм:**

Келиб суръатда рахши ваҳмдин тез,
Пари янглиғ учуб гар топса маҳмиз.
Хироми ила роҳатбахшу ҳамвор,
Ки қилмас уйқудин рокибни бедор.

– зини гаронмоя ва рикоби тилло пироя била марҳамат кўргузди. **Рубоий:**

[2282] Қўлимга жавоб келиб етмаса, Мен Рустаму Афросиёб урушини қиламан.

Шоҳе ки фалак фили мусаххардур анга,
Фарзини жаҳон каминаву чокардур анга.
Оллида пиёдае ки қўйгай рухи ажз,
Отлиг қилиб ани лутфи ёвардур анга.

Панжшанба куни ул манзилда ливои наҳзатни жилваға киргузуб, шикорандозлиғ ва сайд пардозлиғ расми била жамшиди хуршид янглиғ қатъи манозил қилиб, ойнинг йигирма олтиси[2283] да жума куни Қипчоқ қалъасининг муқобиласида Қапқоқли бешасида дарё қироғин музрибы боргоҳи оламланоҳ ва муқарри сародиқи фалакиштибоҳ қилиб, дарёнинг икки тарафида шикор умуриға қиём кўргузди. **Маснавий:**

Тузуб шоҳ улуг расми шикор,
Ки Жамшид ўлуб оллида шармсор.
Ясаб жирга ойинини ҳар тараф,
Юрурда баробар тузуб анда саф.
Мудаввир тузуб жирга атрофини,
Қабаб ўртага сайд аснофини.
На гуру на жайрон, тушқон дагы,
Бугуву марол, борсу қаплон дагы.
Семиз қирговул, бурдогон кабки дар,
Бири қаҳқаҳазан, бири жилвагар.
Яна ваҳшу тайр анда ҳаддин фзун.
Дадду дом жинси ададдин фузун.
Суруб ўртога шоҳи волотабор,
Солиб қуш, отиб новак, айлаб шикор.
Дамодам шикор ичра солиб қирон,
Оқиб ҳар тараф сайд қони равон.
Олиб юз-икки юзни ҳар шоҳбоз,
Итолгу даги қирмайин андин оз.
Уруб сайд шунқору лочин даги,
Солиб элни ҳайратга чуст учмоги.
Шикор айлаб аркони давлат яна,
Қилиб сайд аъёни ҳазрат яна.
Киши қолмай анда шикор этмаган,
Шикор амрини ихтиёр этмаган.

Шикор ҳангоми ва таваққуф айёмида асокири мансура ва афвожи қоҳира артоф ва ақтори билод ва амсордин мавкаби ҳумоюнға мужтама бўлдилар. **Назм:**

Сипоҳе ки ҳар фарди лашкар шикан,
Таҳамтани набарду диловарфикан.
Қавий ҳайкалу зўр бозу бори,
Ғазанфар фарру бабр неру бори.

Ва фақирким, бу ҳуруфи маншуранинг нозими ва бу сутури маншуранинг роқимидурман, баъзи умури зарурия жиҳатидин Гурланда кавкабаи володин тахаллуф қилиб қолиб эрдим, бу мавзеда келиб, даргоҳи оламланоҳ мулозиматиға фоиз бўлдум. Ва ойнинг салхи[2284] да душанба куни Қапқоқлидин ҳаракат қилиб, Сирчали кўлининг жанубида дарё канориға сародиқоти зарринтаноб ва хайёми майманатинтисобни насб қилдилар. Ул кун ғуруб вақтидаким, зу-л-қаъда нинг таъзимиға қомати наҳиф ҳайъатин

[2283] 1225 йил 26-шаввол/ 1810 йил 24 ноябр.
[2284] 1225 йил 29-шаввол / 1810 йил 27 ноябр.

хам қилиб, зилзилаи азим воқе бўлдиким «бу даҳшатдан қаттиқ зилзилага тушадилар[2285]» масдуқаси анга мухбири содиқдур, «қиёмат соати олдидаги зилзила улуғ-даҳшатли нарсадур[2286]» мадлуласи анга далили восиқ. **Байт:**

Чу шаҳ лашкари савлатин кўрди хок,
Тушуб зилзила титради саҳмнок.

Эшитилдиким, бу зилзила шиддатидин Мовароуннаҳр билодида, хусусан, Самарқанд балдасида аксари имороти олия харобу мунҳадим бўлмишдур.

Зу-л-қаъда нинг иккиси[2287]да чаҳоршанба куни андин наҳзат кўргузуб, Ориқболиқ ва Бештўпа навоҳисиди ободон қушлади. Ва пешиндин сўнг Қушхонанинг ҳадди шимолида дарё соҳилин мухаййями хайёми иқбол қилди. Бу манзилда тўрт кун таваққуф воқе бўлуб, шикорандозлиғ маросимида дақиқае номаръи қолмади. Ул овони майманаттавоманда раас ал-аозим, фахр ал-акорим, вазоратмаоб, аморатинтисоб, мақбули хоқоний, муқарриби султоний *амир* Муҳаммадризо *қўшбеги адомаллоҳ иқболаҳу*ким, мамолик маҳруса сукконининг саноғиға машғул эрди, ул шуғлни иҳтимом била итмомға еткуруб, дастбўслиқ шарафиға фоиз бўлди. Ва ҳазрат аълохоқоний *хўжаэли* содотининг бузургларидин дуои хайр истидоси учун туҳафи бисёр ва ҳадоёйи бешумор била зубдаи Оли *қўнғрот*, фиҳристи мажмуаи коинот, сулолаи мукаррамат, навбодаи манзилат Муҳаммадниёз бек *маҳрам* валади амжади Худойберди *иноқ*ни Хўжаэлига ирсол қилди. Беки мушориилайҳ ба ҳасб ал-ҳукм мирзо Масиҳо била Хўжаэлига бориб, ҳазрат қутб ал-ақтоб, ҳақиқат интисоб, акмал ал-кумало, султон ал-урафо, саййиди олам, махдуми аъзам, фахр ал-миллат ва-д-дин саййид Пирим хўжа эшон ва жаноб ғавс ал-аъзам, қутб ал-олам, санад ал-авлиё, саййид ал-атқиё, шамс ал-маоний саййид Турсун хўжа эшон ва ҳазрат шайх аш-шуюх, муршиди арбоб ар-русух, имоми аҳли тариқат, султони ҳақиқат, муизз ал-миллат ва-д-дин саййид Гадой хўжа эшон *салломаҳумуллоҳи таоло ила йавми-л-қиям*нинг муборак мулозиматлариға мушарраф бўлуб, ҳар бириға алоҳида ҳазрати хилофатмаобнинг юборган туҳфа ва ҳадялари била изҳори ниёзмандлиғин арзға еткуруб, ҳазрат ҳаққида дуолар илтимос қилди. Ҳазароти алайҳ ул мултамисни иззи ижобатға мақрун тутуб, ул ҳазратға жавоҳири насоиҳи муфида ва лаолии мавоизи нофаа ҳадоёсидин сўнг давлат гулшанининг сарсабз ва хуррамлиғи ва нусрат чаманининг тоза ва раййёнлиғи учун даавоти ижобатсамот насоимин баҳори анфоси муборакларидин самими қалб била иҳтизозға киргузуб, Муҳаммадниёз бек ва мирзо Масиҳонинг дағи ғунчаи умидларин ул баҳор насоимидин шодоб ва хандон қилдилар. **Ғазал:**

Рофеи аъломи давлатдур валои авлиё,
Шоҳларга шаҳдур андин ошнои авлиё.
Ғунчаи умид фақр аҳли дамидин очилур,
Ким, насими субҳи нусратдур дуои авлиё.
Истасанг бўлмоқ саид ур авлиё кўйига юз,
Келди иксири саодат хоки пойи авлиё.
Хусравеким мулк олур теғи сиёсат тортибон,
Боши узра соягўстардур ливои авлиё.
Мумкин эрмасдур киши давлатга топмоқ дастрас,
То ўзида қилмаса ҳосил ризои авлиё.
Бевужуди авлиё бўлмас жаҳон барполиги,
Ҳомили оламдурур пушти дутои авлиё.
Бўлма мағрури жалолат фақр элига қуллуқ эт,
Атласи шоҳийдин авлодур абои авлиё.

[2285] Қуръони карим, 33 : 11.
[2286] Қуръони карим, 22 : 1.
[2287] 1225 йил 2-зу-л-қаъда/1810 йил 29 ноябр.

Солма кўз дарвишлар сори ҳақорат бирлаким,
Келди маҳзанхез тахти бурёйи авлиё.
Авлиё ройи била иш қил агар ком истасанг,
Халқ этар ҳақ ҳар нега эврулса ройи авлиё.
Шоҳлигдин асру олийдур манго ул рутбаким,
Бахт ўлуб Мунис агар бўлсам гадои авлиё.

Муҳаммадниёз бек ва мирзо Масиҳо ҳазарот алиййа утбўслиғидин футуҳоти илоҳий асариға шомил ва фуюзоти номутаноҳий дуррариға ҳомил бўлуб, муаскари ҳумоюнға сарфи инон қилдилар. Муҳаммадниёз бек асъади соотдаким, ҳазрат хидеви комкор насими субҳи ишрат иҳтизозидин ўз гулшани иқболидек кушодахотир бўлуб, чироғафрўзи мажлиси нишот ва нашаандўзи бодаи инбисот эрди, мулозимат саодатиға шарафи ихтисос топиб, жавоҳири гаронмояи насоиҳу маъвиза ва лаолии қийматбаҳои салому адиъяниким, жаноб валоят интисоблардин келтуруб эрди, арзға еткурди. Ул ҳазрат бениҳоят мустабашшир ва мубтаҳиж бўлуб, бори таоло шукрин адо қилди.

Бу мавзеда баъзи лашкария *хўжаэли* ва *қароқалпоқия* фуқаросининг ўруб қўйғон алаф ва пичанларидин беизни соҳиб марокибға алиқ ва бўғуз бериб эрди. Бу зулм ул ҳазратнинг самъи шарифиға етгач «оллоҳ адолат ва чиройли амал-эҳсонлар қилишга буюрур[2288]» мафоди била соҳибларин инъоми хусравонасидин ризоманд қилиб, мутаадиларға бу феъли мазмума зажри учун сиёсат ҳукмин лозим тутуб, бурун ва қулоқларини тештурди ва ташҳир учун муаскари ҳумоюннинг атрофидин айлантуруб, манодий қилдурдиким, ҳар ким фуқаро ашёсиға беризо тамъа қўлин узотса, жазоға етгусидур. **Қитъа:**

Подшоҳим ки жоми адл била,
Хаста мазлумларни айлар шод.
Аҳли бедоднинг сиёсат ила,
Хирмани айшини қилур барбод.

Нукта. Ҳукамо дебдурларким, салтанат ниҳол масобасидадур, сиёсат сув манзиласида. Бас, лозим ва лобудидур ул ниҳол решасин бу сув била тоза ва сероб қилмоқ то бори амну самараи омон ҳосил бўлғай. **Қитъа:**

Хуш ул шаҳриёре ки донии юзидин,
Адолат мазоминини айлар аз бар.
Дами тег ила салтанат бўстонин,
Сиёсат суйидин қилур тозаву тар.

Ҳикоят. Тамғочхон подшоҳе эрди бузургманиш ва шаҳриёре эрди адолатравиш – сиёсат меъмори била мамлакат арсасин маъмур қилғон ва жалодат қиличи била бедоду ситам шахсини манкуб ва мақҳур этган. **Қитъа:**

Қочибон биймни қаҳридин фитна,
Юз ягоч моварои дашти адам.
Маҳв ўлуб сайқали сиёсатидин,
Даҳр рухсоридин ғубори ситам.

Бир кун рунуд[2289] ва авбошлар дастасидин биров анинг хизматиға бир гулдаста келтурди, токим ғунчаи умидин рашаҳоти саҳоби инъомидин шодоб қилғай. Подшоҳ ани олиб сўрдиким «бу гулларни қайдин келтурдинг?» Деди: «Гулзорлардин тердим.» Деди: «Ул гулзорлар сенинг мулкингму?» Деди: «Йўқ.»

[2288] Қуръони карим, 16 : 90.
[2289] Рунуд – риндлар, бебошлар.

Деди: «Моликидин иштиро[2290] қилдингму?» Деди: «Бу кишварда гулнинг байъ ва шаро[2291] си бўлмас. Бағоят бебаҳо бўлур.» Султон ламҳае тааммул қилиб деди: «Ҳар кишиким, гулзореға беизн кириб, гул терар, бас бўлурким, боғларға берухсати боғбон журъат қадамин уруб, мева ғоратиға дасти татовул узатғай ва бу амалдин ўзга суратлар дағи мутасаввирдур.» Ва сиёсат теғи била анинг қўлин кестурди. **Қитъа:**

Кишиким шоҳлиг топти эрур фарз,
Анга эл ҳолидин огоҳ бўлмоқ.
Раоё молини золимдин асраб,
Керакдур элга давлатхоҳ бўлмоқ.
Зарардур мулк ила шаҳга халойиқ,
Ситам тортиб аниси оҳ бўлмоқ.
Сиёсат тегидин бозуи авбош,
Багоят хушдурур кутоҳ бўлмоқ.

Шанбаким, ойнинг бешинжи[2292] куни эрди, аҳли Хоразм ҳисобида офтоби жаҳонгарднинг хаданги таҳвили Қавс шастидин чиқиб, Жаддий сайдиға тегди[2293]. Ҳаво ошиқи ғамзада оҳидек сард ва жаҳон зоҳиди бедард юзи янглиғ маншаи бард[2294] бўлди. Якшанба ул мавзедин тебраб, Кўкузак наҳрининг каноридаким, Омуя шуаботидиндур, Тошкечувнинг юқори ҳаддини хайёми майманатнамун насбидин рашки шаҳристони Чин қилди ва сародиқоти гуногун зарбидин ғайрати бўстони хулдбарин этти. **Назм:**

Шаҳ кавкабаси бирла бўлуб дашт гулистон,
Ҳар сори очиб хийма нуқуши гули хандон.
Ҳар найза мубаййин қилибон тоза ниҳоле,
Ҳар рояти нусрат анга бир сарви хиромон.
Ораста ҳар кўчасиким табъгушодур,
Зийнатда назарга кўрунур раста бўстон.
Бал шаҳри азимдурур ораста анда,
Хиргоҳу сародиқлар эрур гунбазу айвон.
Шаҳ боргаҳи зоҳир этиб Арк асосин,
Даврида саропарда қилиб қалъа намоён.

Ул кун сармо шиддати ва бурудат[2295] ҳиддати ул мартабаға еттиким, Жайҳун суйи бовужуди иштидоди туғён ва иҳтидоди жараён ҳайратзадалар кўзидек муздин ойинабанд бўлди, балки фўлод пайванд. Ва аксари кемалар дарё ўртасида муз била қайтиб, аҳмол ва асқолин соҳилға нақл қилдилар. **Маснавий:**

Қилиб Жаддий буржига таҳвил меҳр,
Топиб инҳироф мазожи сипеҳр.
Қуёш тобидин рафъ бўлди асар,
Тоғ ажзосида маҳв бўлди шарар.
Булутдин жаҳон бўлди санжобпўш,
Совуқдин ҳаво қилди ҳар ён хуруш.
Дабур эсти Дей шиддати бирла тез,
Фалак бўлди ер узра кофурбез.

[2290] Иштиро – сотиб олиш.
[2291] Биъ ва шаро – савдолашиш ва сотиб олиш.
[2292] 1225 йил 5-зу-л-қаъда/ 1810 йил 2 декабр.
[2293] 24 декабр.
[2294] Бард – изғирин.
[2295] Сармо ва бурудат – совуқ.

Замин кисватин гарчи торам кийиб,
Вале тоғ ила дашт қоқам кийиб.
Йўбусат қилиб касб ҳар хушку тар,
Рутубатға маҳжур ўлуб баҳру бар.
Қилиб ошкоро сипеҳрасир,
Саросар бурудат била замҳарир.
Тутуб ер юзин эйла барфу дама,
Бўлуб танг ҳайвону одам ҳам.
Темурпўш ўлуб борча пасту баланд,
Вале баҳрлар муздин ойинабанд.
Тўнгуб бир-биридин қаттиғ еру сув,
Ки топмай киши фарқ этиб жустижу.
Қаттиғлиғда хородин ортуқ келиб,
Совуқ шиддатидин вале айрилиб.
Эсиб ҳар қаён тунд совуғ шамол,
Туза олмайин нола айлаб ниҳол.
Тану шохиға сийм боғлаб дарахт,
Ел эсган сайи айлабон ларза сахт.
Туташмай совуқ шиддати бирла ўт,
Тушуб жонға ўт ҳасрати бирла ўт.
Бу янглиғ совуқ кўрмади ошкор,
Жаҳон ичра то эврулур рўзгор.

Бу манзилда тўрт кун мутаваққиф бўлуб, таслия[2296] йи хотири дарёмақотир учун жайран шикориға иқдом кўргузди. Ва аксар умаро ва бекларга қушлар инъом қилиб, кўнгулларин сайд қилди, магар фақирким, қобилиятим йўқ эрди. **Назм:**

На танҳо бу ерда бу инъом ўлуб,
Бори ерда инъом анга ом ўлуб.
Ҳар инъомида ақл ҳайрон қолиб,
Демай ақл, Ҳотам паришон қолиб.
Бори зикрида ваҳм атноб эрур,
Қалам бу жиҳатдин инонтоб эрур.

Ул овонда аксари лашкарияким, дарёнинг сангу обварчилиғидин убур қилаолмайдурлар эрди, муз устидин ўтуб, асокири мансураға мулҳақ бўлдилар. Ва панжшанба куни ойнинг ўни[2297] да мулло Эшимбой мулло Давлатназар валади Ўрунбой ва Болмуҳаммад халафи Эшжон *бий* била Янгидарёдин келиб, шарафандўзи тақбили бисот бўлдилар. Ўрунбой ва Эшжон *бий*нинг итоат ва қуллуқ тариқиға қадами ихлос уруб, ҳукми олийшон мавжиби била *Кўкузак* жониби кўч матоёсин сурганин ва ўзга бийларнинг мутобиат рибқасидин бўюн тўлғоб, тенгиз савоҳилиға боқа мутаважжиҳ бўлғонин даргоҳи олампаноҳ мулозимларининг арзиға еткурдилар. Бу воқеа андоғ эрдиким, Янгидарё умаросининг *қазоқ*ға юборган элчилари Абдулазизхоннинг мулозаматиға етиб, бийларнинг итоатномасин арз қилғондин сўнг Абдулазизхон истеҳкоми мусолиҳа учун мўътабар кишиларидин Саодат Гиройниким, Ғойибхоннинг айёми шаббобидин бери ул дудмонға саодат янглиғ мулозим эрди, элчилар мусоҳибатида Янгидарёға юборди. Ул аснода мулло Эшимбой ва Муҳаммадназаршайх бийларнинг ўғлонлари била Янгидарёға бориб, *қароқалпоқ*ниниг умаро ва акобириға ҳазрат аълохоқоннинг ҳукми олийшаънин еткурдилар. Ўрунбой *бий* ва Эшжон *бий* «самъан ва тоатан[2298]» қабул қилиб, беш минг уйлук эйлот билаким, ўзлариға мутааллиқ

[2296] Таслия – тасалли, тинчитиш.
[2297] 1225 йил 10-зу-л-қаъда/1810 йил 7 декабр.
[2298] Эшитган ҳамоно бажонудил итоат этиш.

эрди, кўчуб, мамолики маҳруса жониби мутаважжиҳ бўлдилар. Ва Бухоро эйлотидин Кўккўз *бий* деган икки минг хонавор *қароқалпоқ* била ул ноҳиятға келиб эрди, алар дағи мувофиқат қилиб кўчти. Ва Қувбош йўли била Султон Увайс қадамгоҳининг устидин ошиб, Бадой ҳудудида Омуя канориға туштилар. **Байт:**

Чу бахти саъддин фармони олийшаъпни кўрдилар,
Қадам бошидин эттилар, овучлаб жон югурдилар.

Аммо, Эсанкелди *бий* ва Тўқтопўлод *бий* ва Маман *бий* мухолифаи исрори била фармони олийдин саркашлик кўргузуб, Саодат Гирайға яна элчи қўшуб, Абдулазизхонға ирсол қилдиларким, ўз оқо-иниларидин аларға хон ва кўмак юборгай. Ва ўзлари ғояти жаҳл ва туғёндин аъён ва атбои билаким, қариб беш минг уйлук эрди, тенгиз савоҳилиғаким, бағоят ҳасин ва маҳкам ердур, Муҳаммадназаршайхни тутсоғ йўсунлиқ олиб кўчтилар, токим *қазоқ*дин хон ва сипоҳ келгунча афвожи қоҳира турктозидин ийман ўтирғайлар. **Маснавий:**

Зиҳи хайли нодону ноҳушманд,
Солиб бўйниға жаҳл шахси каманд.
Қутулмоқ тилар лашкаредин ки ҳақ,
Анга бермиш ўз қудратидин насақ.
Зафар Ҳизрин этмиш мулозим анга,
Мудом айламиш фатҳ лозим анга.

Ўрунбой *бий* ва Эшжон *бий* ўз ўғлонлари мулло Давлатназар ва Болмуҳаммадни мулло Эшимбойға қўшуб, вақоеи мазкуранинг ахбори учун дарбори фалакмиқдорға ирсол қилиб эрди. Бу хабар истимоидин ҳазрат хидеви комкорнинг нойираи ғазаби илтиҳоб топиб, ул мудбар мухолифкийшлар ва тоғии муонидатандешлар, яъни Эсанкелди *бий* ва Тўқтопўлод *бий* ва Маман *бий* ва ғайриҳумнинг таадиб ва гушмолин лозиму мутаҳаттим билиб, жума куни Тошкечувдин савоҳил тасхирининг иродаси била роятафрози наҳзат бўлди. Рашаҳоти баҳорвусули била мароҳил хористонинг чамангустар ва нафаҳоти насимвуруди била манозил димоғин муаттар қилиб, шанба куни Қўчқор Ото *алайҳурма*нинг жавори файзосорида Ҳасанқулиёрғон наҳрининг лабин файзи нузули била кавсар қироғидек гулшан, балки маҳбублар лабидек музаййян қилди. **Байт:**

Ҳар сори гузар қилсанг этар файзи қудуминг
Гулшан қаро туфроқни-ю, гул хор ила ҳусини.

Вазоратпаноҳ, садоқатдастгоҳ, дастури аъзам, вазири мукаррам, низом ал-мулк вал-миллата Муҳаммадюсуф *меҳтар* ва амири беназири равшанзамир, соҳиби девони султоний, муқарриби ҳазрат хоқоний, умдатулмулк вад-дунё Муҳаммадризо *қўшбеги* фармони ҳумоюн мавжиби била ул наҳрғаким, ҳиддати жараёндин музи қолин тўнгмайдур эрди, жисри матин боғлаттилар, токим асокири мансура ва аробалар осонлиғ била ўттилар. Бу манзилда Кўчонок бийким, *хитой* акобиридиндур, тенгиз савоҳилиға кўчган *хитой*ға қаробат нисбати бор эрди, даргоҳ мулозимлариға арз қилдиким, бу ихлоскийш қулға рухсат берсалар, токим бориб, ул залолат бодияпаймолариға насиҳат ва таҳдид била итоат жодасиға раҳнамунлиғ қилсам, шояд ки бодияйи залолатдин мутақоид бўлғайлар. Ул ҳазрат ижобан ли-л-мултамиса анинг бу илтимосин мабзул тутуб, ани мулло Эшимбой ва мулло Давлатназар била номзад қилди. Ҳам бу ерда Берди баҳодир ва Илёс *юзбоши*ким, Хўжажон хўжанинг ўрниға Оқёқишда илғор ётиб эрдилар, Қўнғрот чаповулидин бош ва асир келтуруб, даргоҳи оламланоҳға туҳфа юбордилар. Бу **воқеа тасриҳи** улким, ул икки сипаҳдори мазбур зу-л-қаъда и мазкурнинг еттиси[2299] да душанба куни икки юз муборизи кинагузор, душманшикор била Оқёқиш ҳисоридин чиқиб, Қўнғрот турктозининг азмиға му-

---

[2299] 1225 йил 7-зу-л-қаъда/1810 йил 4 декабр.

таважжиҳ бўлдилар ва қатъи масофат қилиб, чаҳоршанба куни Қўнғрот саводиға ворид бўлдилар. Ва муз устидин дарёни кечиб, Толлик музофотиға чаповул юбордилар ва кўп кишини муонидлардин мақтул ва маасур қилиб, қайтурда бовужудиким, Қўнғрот қўрғонининг устидин мурожиат кўргуздилар, Тўрамурод сўфи ва муонидлар қўрғондин чиқиб қаро кўргуза олмади. Ва сипаҳдорлар масофатнавардликда мусориат кўргузуб, фатҳу ферузмандлик била шанба кечаси Оқёқишға келдилар ва келтурган асир ва бошларни остони олийшаънға юбордилар. **Байт:**

Мансур сипоҳ хун чашонинг,
Душман боши хоки остонинг.

Тонгласи якшанба куни ул ердин дабдабаи ҳайратафзо ва кавкабаи нусратинтимо била ҳаракат қилиб, Оқёқишнинг бир фарсахлиғида ҳазрат Мурод шайх *алайҳирраҳма*нинг жавориға қарибким, ул ҳаволида мулло Имоммуҳаммад эшон *маддаллоҳу зилола иршодиҳу ала мафориқи-с-соликин* узлат ва сукунат ихтиёр қилиб, *қароқалпоқ*ия туллобининг ифода ва иршодиға машғулдурлар, аларнинг манзилиға яқин К*ўкуз*акнинг канорин музриби хайёми иқбол ва муқарри сародиқати ижлол қилди. Ул кун Ойдўст *бий* ва Оймирзо *бий* ва Берди баҳодир ва Илёс *юзбоши* ва Оқёқишнинг аҳоли ва маволиси тансуқоти вофир ва бийлкоти мутакосир била боргоҳи сипеҳр иштибоҳнинг утбабўслиғиға фоиз бўлдилар. Ул ҳазрат аларнинг ўткарган пешкашларин аркони давлат ва аъёни ҳазратға ҳар кимнинг ўз қадру манзилатиға яраша марҳамат қилди. Бу ҳаволида мавкаби ҳумоюнға бир ҳафта макс ва тавaққуф воқе бўлуб, ҳазрат султони воломақом ва умарои вожибилэҳтиром шикорандозлиғ маросимиға қиём кўргузуб, вуҳуш ва туюр аснофиға қирон солдилар. Ва якшанба куни ойнинг йигирмаси[2300] да ул навоҳидин наҳзат кўргузуб, Оқёқиш ҳисорининг оллидин ўтуб, Оқ мавзеин нузули саодатвусули била мафхари манозил қилди. Бу мухтасарни ўқуғучи маходимнинг замоири дарёназоириға равшан ва ҳувайдо бўлсунким, мавзеи мазкур Тавқара тенгизиға дохилдур. Ҳожимхон замонидин Муҳаммадамин *иноқ*и марҳумнинг давронիғача Тавқара улуғ тенгиз эрди. Даврасининг масоҳати тахминан ўттуз фарсанг бўлаолғай. К*ўкуз*акнинг кўпрок суйи анга оқар эрди. Муҳаммадамин *иноқ*нинг фармони била ул навоҳининг эйлоти, хусусан *қанғли* ва *қипчоқ* улуси анга оқотурғон сувларни боғлаб эрди. *Амири кабир* Аваз *иноқ*и марҳумнинг айёми майманатанжомида ул тенгизнинг суйи туганиб, қобили зироат бўлди. Алҳол Оқёқиш аҳлининг аксар зироот ва маҳсулоти андин ҳосил бўлур. **Назм:**

Жаҳон барру баҳриға шод ўлма шод,
Ки йўқтур иккисида ҳам эътимод.
Қою ерга дарёйи уммон ўлур,
Ҳам оз чогда сувсиз биёбон бўлур.

Сўнгғи кун кавкабаи воло ул мавзедин ҳаракат қилиб, Ёлонгоч қумининг ҳаволисиға етганда, Ўрунбой ва Эшжон бийким, Тонгёрбоши ва Қазолиға келиб ўлтириб эрдилар, хидеви комкорнинг истиқболиға чиқиб, рикоббўслиқ шарафиға истисод топтилар. Ва бениҳоят молу мавошиким, пешкаш келтуруб эрдилар, маарази қабулға тушуб, навозиши хусравона била сарафроз бўлдилар. Ҳазрат султони соҳибқирон шикор тариқаси била қатъи масофат қилиб, аср ҳангомида Тонгёрбошиғаким, ул даги Тавқара тенгизидиндур, нузул қилиб, кирёси баландасоснинг қубба ва манжуқин зийнатбахши аюқ этти. Ва тонгласиким, сешанба эрди, Ўрунбой *бий* ва Эшжон *бий*нинг улусиға Кенгёнтоқдин Чалпуқғача К*ўкуз*ак ва дарё қироғин қишлоқ ва яйлоқ учун шафқат қилди.

[2300] 1225 йил 20-зу-л-қаъда/1810 йил 17 декабр.

Ҳазрат аълохоқони дарёшукуҳнинг Искандар янглиғ тенгиз тасхирининг иродаси била қўзғолмоқи ва кавкабаи воло убурининг савлати била тенгиз музининг аркони иртиботиға зилзила солмоқи. Балки бу дарёйи хунхорнинг шуриш ва талотумидин ул баҳри зуххорнинг чопқиламоқи. Яъни асокири мансуранинг кавлоки маҳобатидин қароқалпоқия хайлининг тенгиз суйидек шуур ва изтиробда қолмоқи ва афв дарёси муталатум бўлуб, ул осийларнинг алвоси жаронмдин айрилмоғи. Ва ҳазрат хидеви комкорнинг ферузмандлик гавҳари била тенгиздин чиқиб, дор ал-хилофа савбиға мурожиат қилмоғи

Чун ул умарои бесаранжоми мухолифатнизом, яъни Эсанкелди *бий* ва Тўқтопўлод *бий* ва Маман *бий* мухолифат амрида ўзлариға муттафиқ эл билаким, кўпроки *хитой* тавоифидин *бешсариг* уруғи эрди, мавотин ва масокинларин ташлаб, тенгиз савоҳилида бераг[2301] ерларга рахти иқомат чектилар, мазкур бўлғон совуқ шиддатидин тенгиз суйи музлаб, маамин тасаввур қилғон ерларининг атроф ва жавонибиким, сув эрди, муздин арсаи мусаттиҳ бўлуб, истеҳкомида эътимод қолмади. **Байт:**

Қою ерниким англаб эрди паноҳ,
Анга чарх атрофидин очти роҳ.

Бу жиҳатдин асокири мансура ул мавзеға убур қилмоқ эҳтимолидин мутаваҳҳим бўлуб, тенгиз ичиға кириб, Орол ва отовларда хиргоҳи иқоматни барпой қилдилар. Бу мазна[2302] билаким, ул дарёйи зуххор ичида асокири мансура вурудидин ийман ва хотиржамлик била муз устидин *қазоқ* жониби мутаважжиҳ бўлғайлар. Элчилар ул гуруҳи бешукуҳни тенгиз ичида топиб, Кўчанак *бий* таблиғи рисолат адосидин сўнг аларға инод ва саркашлик вақоҳатидин таҳдиди тамом ва таҳзири молокалом била мамонеат кўргузуб, тоатдорлиғ ва фармонбардорлиғ сиротилмустақимиға даъват ва далолат қилди. Бийлар «насиҳат сизга наф бермайди[2303]» мафоди била Кўчанак *бий*нинг насоиҳи мушфиқонасинким, айни дўстлиғ ва қариндошлиғдин эрди, қулоқға олмадилар ва маҳзи ғафлатдин *қазоқ* жаворин ҳисори амну паноҳофият тасаввур қилиб, Дашти Қипчоқ азиматининг иродаси била тенгиз ичидин *қазоқ* савбиға озим бўлдилар. Ул жумладин Менглой ва Бўронким, *бешсариг* уруғининг акобирзодаларидин эрди, ақли комил ва давлатшомилнинг раҳнамунлиғи била инод ва залолат тариқидин инонтоблиғ қилиб, ўзлариға мутааллиқ эл ва уруқ била итоат ва қуллуқ маслакиға ноқаи таважжуҳ сурдилар. Бу жиҳатдин аксари улус аҳшомаҳшом ва қабила-қабила бийлар мурофиқатидин муфориқат кўргузуб, мутобиат тариқасида Манглой ва Бўронға мувофиқат қилдилар. Андоққим икки минг беш юз хонавордин кўпрок эрдиким, Манглой била бу тарафға кўчтилар. Кўчанак *бий* ва мулло Эшим бой бу воқеа ахбори учун мулло Давлатназарға ўғлонларин масҳуб қилиб, кавкабаи воло жониби роҳий қилдилар. Мулло Давлатназар теғи мусориат била қатъи масофат қилиб, Тонгёрбошида ойнинг йигирма учи[2304]да чаҳоршанба кечаси аъшо вақтида шарафандўзи тақбили бисот бўлуб, вақоеи мазкурани ойини адаб била арзға еткурди. Бу жиҳатдин ҳазрат хидеви комкорнинг хотири дарёмақотирида муонидлар гушмоли учун тенгиз тасхирининг иродаси мусамми бўлуб, тамомати умаро ва сипаҳдорларға мавқеи жалолатдин фармони лозимилизон иззи исдор топтиким, ўн кунлик зоди роҳила ва алиқи даввоб[2305] таҳҳиясиға иштиғол кўргузсунлар. Ва талиаи субҳдин сўнг уч минг муборизи номдори тирандоз ва диловари душманшикори найзабозниким, **маснавий:**

Ҳар бири Рустам киби фархошхар,
Сафдару лашкаршикану кинавар.
Сурат аро руҳ киби аржуманд,
Қувват аро шервашу девбанд.

[2301] Бераг – муваққат.
[2302] Мазна – гумон, тусмол, фараз.
[2303] Қуръони карим, 11 : 34.
[2304] 1225 йил 23-зу-л-қаъда/1810 йил 20 декабр.
[2305] Алиқи даввоб – от-уловлар еми.

Юзларидин нусрат ўлуб нурпош,
Жибҳаларидин зафар осори фош
Теглари зомини фатҳу зафар,
Найзалари нусрат ила жилвагар.

– интихоб[2306] қилди. Буна ва ўруқни мавзеи мазбурда қўйиб, муҳофизати учун аморатмаоб, нажобат интисоб Султон *мироб* ва Бекболту *мироб* ва Қаландар *парвоначи* ва Муҳаммад *бий* ва Эшмуродбек валади Султон *мироб*ни муқаррар қилди. Ва сипоҳи мунтахаб била сабоҳ ҳангомида рукуб қилиб, тенгиз самтиға роятафрози наҳзат бўлди. ва улуғ чоштгоҳда Бўричи сангирининг кунчиқар ҳаддидин қирға чиқиб, қумға азимат таковарин сурди. **Маълуми хотири ашраф бўлсунким,** бу қирнинг усти ва ҳадди шимоли сартосар қумдур. Ва арзи аксар мавозеда уч кунлук ва кўпрок масофатдур. Ва баъзи мавзеи икки фарсахлиқ эрмиш. Ва тул[2307] и мағрибдин машриқ сори воқедур. Ғарбий ҳадди Кўкузакнинг оёқида мунтаҳи[2308] бўлур. Баъзилар Арнак қирин ҳам анинг жузви дебдурлар. Ва шарқий ҳадди Мингбулоқ ва Эрдорға бориб, Туркистон навоҳисидин ҳам ўтар эрмиш. Ва аксар мавозеи улуғ ва кичик тоғ бўлур эрмиш. Анинг ҳар мавзеининг ўзга оти бордур. Ва қуми бағоят ноҳамвор ва нишебу фароз[2309] и бешумордур. **Маснавий:**

Рамол[2310] едур ажаб ҳадду каронсиз,
Жаҳон янглиғ баланду пасти сонсиз.
Баланди чархи гардонға баробар,
Бўлуб Таҳтуссароға пасти ҳамсар.
Баногаҳ кирса ул қум ичра оҳу,
Ботар ҳар гом урарда тезга текру.
Урар мавжи сароб андин забона,
Ки йўқтур қатрае сувдин нишона.
Қуюнким анда саргардонлиғ айлар,
Йўлини кам қилиб ҳайронлиғ айлар,
Ушолгон кўҳна суксуклар нишони,
Адашиб ўлган элнинг устихони.
Тиканларким кўкармиш анда ҳар ён,
Тушқон қонидиндур шохи маржон.
Топиб ул қум аро саргашталик гул,
Эрур ҳамвора ўз савгиға машғул.

Иттифоқоти ҳасанадин, совуқ тутар фурсатда ямғур ёғиб, қум қотиб эрди. **Рубоий:**

Шоҳо, сангодур камина қул, чарх асир,
Раъйингга мудом эрур мавофиқ тадбир.
Ҳар сори азимат айласанг Тангри қилур,
Оллингда қуму сувни раҳи табъпазир.

Бу жиҳатдин мавкаби кайҳонпўй осонлиғ била андин убур қилиб, ғуруб вақтида тенгиз соҳилин мухайями хайёми майманатанжом ва муқарри кавкабаи нусратинтизом қилди. Ул мавзеда Кучанак *бий* ва мулло Эшимбой ва Бўрон билаким, янги тенгиздин чиқиб эрдилар, утбабўслиғ шарафиға фоиз бўлуб, навозишоти хусравонадин бархўрдорлиғ топтилар. Арбоби фатонат ва ва асҳоби дароятнинг замоири зибасоири дарёмақотириғаким, ахбори ғариба жавоҳирининг ганжинаси ва осори ажиба лаолисининг

[2306] Интихоб – сайлаш, танлаш. Мунтахаб – сайланма.
[2307] Тул – узунлик.
[2308] Мунтаҳий – ниҳояланиш, тугаш.
[2309] Ноҳамвор ва нашибу фароз – нотекис ва пасту баланд.
[2310] Рамол – қумлик.

хазинасидур, махфий ва муҳтажаб қолмасунким, ул тенгиз баҳредур хунхор муҳитдек шурангезликда ақл ғаввосин ҳайрат қаърида пинҳон этгучи ва дарёедур зуххор тўфон янглиғ талотўмхезликда хаёл кемасин даҳшат гирдобида саргардон қилғучи. На андозасида канора пайдо ва на канорасида андоза ҳувайдо. Ҳайратафзо талотўми фалаки нилгуннинг баҳри аҳзариға латмазан ва ваҳшатнамо тарокими сипеҳри буқаламуннинг муҳити аъзамиға шуришафкан. **Маснавий:**

Дарёйи шигарф, шўришафзо,
Кулаки келиб сипеҳрфарсо.
Ҳар сори ки тарҳ этиб чу гирдоб,
Оламни тутарга кўргузуб тоб.
Ҳар дам ки юзига ел уруб кож,
Чин жибҳаси узра солиб амвож.
Қаърига анинг хаёл етмай,
Поёнини ақл дарк этмай.
Кўк жунги ки давр қилди пеша,
Гирдобида эврулур ҳамиша.
Хуршид ки давр этар жаҳонда,
Андин чиқибон ботар ҳам анда.
Сув остида ҳар наҳанг хунхор,
Ҳайъат аро кўҳдин намудор.
Айларда талотум анда харчанг[2311]*,*
Гардун Саратонига урар чанг.
Ногоҳ шамоле эсса ул ён,
Тугён қилур ул сифат ки тўфон.
Ул чогда на тогу на саҳори,
Йўқ шак ки бўлур гариқ бори.
Ҳар тўлқумиким чиқиб фалакка,
Қайтиб яна майл этар самак[2312]*ка.*
Бўлса анга ҳар кема мулоқий,
Йўқтур анга ҳеч нажот боқий.

Ва ани «Баҳираи Хоразм» атарлар. «Равзат ас-сафо» хотимасида анинг масоҳатини юз фарсанг битибдурлар. Алҳол икки юз фарсангдин зиёда дерлар. Ва Хоразм *ҳаффазаҳаллоҳ ани-л-офоти ва-л-лазм* хароб бўлмасдин бурун Омуяким, Балх ва Хоразм дарёсиға ва Жайҳунға машҳурдур, Урганжи қадимнинг остидин ўтуб, Балхон тоғининг шарқий доманасиға тегиб, жануб тарафдин ғарбиға эврулуб, Ўғурчадин Мозандарон тенгизиға қуяр эрди. Магар наҳри Халижким, *Кўкузакка* машҳурдур, бу тенгизга оқар эрди. Таърих ҳижрий тўққуз юз саксон олти[2313] да Ҳожимхоннинг айёми давлатида Омуя суйи Хост минорасининг юқорисида Қароайғир тўқайидин йўл ясаб, Тук қалъасининг тубидин ўтуб, бу тенгизға қуюб, бурунғи рудхонаси билкулл масдуд бўлди. **Фард:**

Мунча сувким анга тамом қуяр,
Нетонг ўлса бурунгидин афзун.

Ва Хўжанд дарёсиким, ани Сайҳун ва Сир дерлар, анга оқар. Янгидарё ва Қавонак суйиким, Сайҳуннинг шуаботидиндур, аларнинг масабб[2314] и даги улдур. Ва бу мазкур бўлғон буҳҳордин бошқа кўп анҳори азима Дашти Қипчоқдин келиб, анга қўшулур. Аммо, суйи бағоят шўрдур. Мунча чучук сувлиғ

[2311] Харчанг – қисқичбақа.
[2312] Самак – ривоятдаги ерни ушлаб турган балиққа ишора.
[2313] Ҳижрий 986/1578-79 йил.
[2314] Масабб – қуйилиш жойи.

дарёлар анга оқмоқ била таъмиға ҳаргиз тафовут етмас. Ҳатто дарё қуйғон мавзедин бир қадам илгарироқдин сув ичиб бўлмас. Ғолибан бу жиҳатдин ани «Аччиғ тенгиз» дерлар. Ва аксар мавзеининг қаъри маълум эрмас. Ва улуғ ва кичик жазойири кўп бўлурким, *ўзбак* аларни «тубок» ва «орол» ва «отов» дерлар. Ажойибот анда кам топилур. Ва ёзда мажму мурғобиларнинг макон ва ошиёни ул отовларда бўлур. Ва Адоқ била Янгишаҳарким, Хоразм билодининг муаззамотидин эрди, ул тенгизнинг остидадур Ҳоло ул шаҳарларнинг тошдин бино топғон иморатлари кема аҳлиға сув остида кўрунур эрмиш.

Чун офтоби оламтоб Искандари сипеҳри нилгуннинг дарёйи аҳзариға кештии нур сурди, бовужудиким тенгизнинг музи тўрт бормоқ ва ярим қаришдин зиёда қалин тутмайдур эрди, ҳазрат хидеви комкор искандарвор «ким оллоҳга таваккал қилса, ўзи унга етарлидур[2315]» мадлули била инояти илоҳий ва тааиди номутаноҳиға такия қилиб, кавкабаи воло билаким, баҳредур муталотўм ва лужжаедур матороким, муз устидин тенгизға таваккал маркабин сурди. **Назм:**

Муз устида афвожи нусратпаноҳ,
Тенгизнинг юзин айлабон жилвагоҳ.
Тенгиз узра баҳри хурушон киби,
Қаю баҳрким балки тўфон киби.
Суруб бетаҳоши гуруҳо-гуруҳ,
Шукуҳидин айлаб тенгизни сутуҳ.
Ажаб кўр тенгиз узра оқмоқ тенгиз,
Бири сокину бири оромсиз.
Гар ул сарбаср муздин оҳан кийиб,
Бу пўлоддин лек жавшан кийиб.
Қилиб ошкоро ҳужуми синон,
Тенгиз ўртасида қалин найистон.
Вале ул найистон аро ҳар далер,
Ҳазабри хурушону дарранда шер.
Мароқиб сумми бирла муз қоқилиб,
Шарарлар чиқиб кўкка ўт чақилиб.
Вале музга тегмак била ҳар туёқ,
Чиқиб ун тенгиздин тароқо-туроқ.
Дегил ул тенгиз эрди нили фалак,
Черик аҳли анда гуруҳи малак.
Малак эрмас анжум сипоҳи эрур,
Жаҳон узра нури илоҳий эрур.
Шаҳи баҳру бар, хусрави мулкгир,
Эрур ул нужум ичра меҳри мунир.
Солиб партавин чархи давворга,
Жиболу саҳори ва амсорга.
Чекибдур тенгиз ичра андин алам,
Ёрутгай жамоли била ани ҳам.

Аммо. Суръати тамом ва истижоли молкалом била мароқиби сарсархиромға маҳмиз бериб, тенгиз масофатин қатъ қилур эрдилар. Зуҳо ҳангоми[2316]да Манглойға мувофиқат кўргузуб, бу ёнға кўчган элнинг аввали йўлуқти ва офтоби оламтоб самтираасға муртафе бўлғонда, Янгидарёнинг қуйғон мавзеидинким, ани Қаробойли ҳам дерлар, ўтулди. Ул ерда кўчган элнинг сўнги тугандиким, уч кундин бери бийлардин айрилиб кўчуб эрдилар. Ул аснода ҳавои бурудатафзо иссиғлиғға мойил бўлуб, қуёш ҳароратининг таъсири муз устиға тушган қорни эритиб, музға дағи сароят қила бошлади. **Фард:**

[2315] Қуръони карим, 65 : 3.
[2316] Тонг пайти.

Хунукрўйлигдин сипеҳр этти шарм,
Жаҳон аҳлига меҳрини қилди гарм.

Пешинда Манглой била бийларнинг айрилишғон жазирадин ўтулди. Ул мавзеда муонидлардин уч-тўрт уйлук эл ўлтириб эрди. Аларни афвожи қоҳира ғорат қилиб ўтти. Ва охири пешинда ҳаво мухолиф бўлуб ва офтоби оламтоб «парда ортига бекинибди[2317]» масдуқаси била пардаи саҳобға кирди ва шудрун ёғиб, муз аркониға тахалхул ва тазалзул еткурди. Андоққим аксар мавозеда мушоҳида қилдуққим, от қадам урғон сайи муз сатҳи мунҳани ва муқаар бўлуб, зилзила қилур эрди. Ҳазрат хидеви беҳамол таваккал ва азиматиға ихтилол еткурмай «мен ўзи ишимни оллоҳга топширурман[2318]» мафоди била зимоми амрин қодир зуллилжалолнинг қабзаи иноятиға тафвиз қилиб, муонидлар савбиға камоли истижол била ҳаракат қилди. Бу тариқада олти манзиллик масофатни бир кунда қатъ қилиб, қуёш шаҳриёри мағриб тенгизиға уфул қилур вақтда Қувонак наҳрининг қуйғон ериға қариб Шайх Отонинг жаворидағи жазойирда муонидларнинг ақабидин етилди. Баъзи диловарларким, муқаддимаи сипоҳ эрди, аларнинг молу мавошисидин кўп ғаноим дастгир қилдилар. Ул ҳазрат айни иноят ва маҳзи шафқатдинким, тийнати покида махмирдур «оллоҳ бандаларига шафқатда бўлинг[2319]» муқтазоси била ғорат қилилғон амволни лашкариядин истирдод қилиб, наҳб ва турктоз маросимидин мамонеат кўргузди. Ва муонидлар тушган жазойирға яқин бир жазирани нузули мусарратвусули била ўзга жазойирдин мумтоз қилиб, муонидларға Ойдўст *бий* ва Ўрунбой *бий*ни истимолат ваъдаси ва сиёсат ваиди била ирсол қилди. Алар етушган ҳамон умарои боғия, яъни Эсанкелди *бий* ва Тўқтопўлод *бий* ва Маман *бий* изҳори хижолат ва инкисори бениҳоят била даргоҳи олампаноҳға мутаважжиҳ бўлуб, мазиллат туфроқиға камоли ажз била чеҳраи убудият қўйдилар. Ҳазрат султони баҳру бар ғояти шафқатдин ул мужримларнинг жароими қадима ва осоими жадидасиға пардаи ағмоз чекиб «оллоҳ олдида афв қадрланувчи ишлардандир[2320]» мадлули била нашаандўзи хумхонаи афв қилди. **Рубоий:**

Шоҳо, карамингнинг баҳрига йўқ ҳадду канор.
Ул баҳр зилолидин жаҳондур саршор.
Ҳар мужрими саргашта ки келди қопунга,
Шак йўқ ки бўлур афвинг ила бархўрдор.

Тамсил. Бир кун Искандар олдиға тоғийлардин бировникм, адовати анинг нисбатида истимрор топиб, убудият руқбасин қуллодаи итоатидин чекиб эрди, занжири балоға муққайид қилиб келтурдилар. Искандар анинг жаримасиға рақами афв чекиб, қонин бағишлади. Ҳуззори мажлисдин биров камоли фасодат ва ғояти ғабоватдин тилиға келтурдиким «агар мен сен бўлсам эрди, ҳар ойина ани ўлдурур эрдим.» Искандар дедиким «вақтики мен сен эмасмен, қатл этмон.» Ва бу каломи мўъжазнизом анинг ҳикматойин сўзларидиндур – «ожиз қолган гуноҳкор итоатга бўйин эгса, улуғ ҳиммат эгаларининг уни кечириши мақбул ишдир». **Байт:**

Фурудастнинг гар гунаҳдур иши,
Улуғнинг эрур афв оройиши.

Фақир бу воқеаға икки таърих топиб, назм силкиға чекдим. Бири будуркм, **таърих:**

Малики сипоҳ Муҳаммадраҳим хон ки зи базл,
Ба базм дасти иноёт у фишонд ганж.
Намуд фатҳ саводи Баҳираи Хоразм,
Зи руи ях шуда бар муфсидон сипоҳ оҳанж.

[2317] Қуръони карим, 38 : 32.
[2318] Қуръони карим, 40 : 44.
[2319] Ҳадис.
[2320] Ҳадис.

Талаб намои агар ин футуҳро таърих,
Бигу «ҳазор буд бо дувисту бисту панж[2321]»

Бу мисрада «бигу» лафзидин бошқаси лафз юзидин бир таърих ва маъни юзидин бир таърих бўлур. Яна бири будурким, **таърих:**

Муҳаммадраҳим он шаҳи осмон тахт,
Ки бар шасти тираш бигуяд фалак зеҳ!
Дар омад ба рўйи тенгиз чун Сикандар,
Шуда сатҳи яхро ба лашкар қадам неҳ.
Гирифт охир панжшанба зи иқбол,
Куронҳои қалпоқро биккаҳу меҳ.
Чу таърихи ин фатҳ жустид аз ман,
Бигуфтам: ки бувад «охири панжшанба».

Ҳазрат аълохоқоний Омонбой *юзбоши*ни муқаррар қилди токим ул элга тонг отғунча муҳофизат кўргузуб, аларни мустаиди кўч қилғой. Бу воқеа ойнинг йигирма беши[2322]да жума кечаси эрди. Чун султони шаҳри рўз, яъни офтоби гитийафрўз фалаки нилгун баҳрининг тасхириға ливои зуҳурни жилвагар қилиб, кавокиб эйлотин ул баҳр сатҳидин баводии ихтифоға кўчурди, хидеви комкор Оллошбек ва Омонбой *юзбоши* ва Қутлибой *қалмоқ*ни ўзлариға мутааллиқ навкари била қароқлпоқияни кўчурурға тайин қилди. Маъмурлар фармон мавжиби била ул элни улуғ чоштгоҳғача кўчуруб равона қилдилар. Ул аҳвол хилолида парвизан[2323] и саҳоб қордин кофурбезлик оғоз қилди. Йўқ-йўқ, балки фарроши сипеҳр ҳазрат аълохоқоннинг мурури учун муз устиға фарроши кофурий тўшади. Ул ҳазрат кўч йўнаган[2324]дин сўнг кавкабаи тамом ва дабдабаи молокалом била рукуб қилиб, инони азиматин мурожиат тариқиға мунаатиф қилди ва дарёнавардликда мусориат кўргузуб, аср чоғи Янгидарёнинг қуйғон мавзеиға қариб тушулди. Ул мавзеда мулло Эшимбойни *қазоқ* подшоҳи Абдулазизхонға элчи қилиб, фатҳнома бериб ва яна *қароқалпоқ*нинг молу асирларин талаб этиб юборди. Ва тонгласи субҳ тулуидин сўнг андин наҳзат кўргузуб, кеч пешинда тенгиздин чиқиб, соҳилни музраби хайёми иқбол ва муқарри кавкабаи ижлол қилди. Ашжа ал-шужао, афзал ал-фузало Хўжажон хўжаким, Оқёқищдин қайтиб, кавкабаи воло Бидой ҳудудида эрканда ул ҳазратнинг мулозиматига мушарраф бўлуб, ишорати олий била беш-олти кун осойиш учун Хиваққа ўтуб эрди, осойиш таҳсилидин сўнг яна бодияпаймои азимат бўлуб, Қувбош йўлидин Тонгёрбошиға келиб, анда таваққуф қилмай ўтуб, ул кун кавкабаи воло тенгиздин чиқмас бурун мулозимат шарафиға истисоод топиб, бениҳоят совурун ва пешкаш ўткарди.

Тенгиз вақоеининг бадоеи. Ул жумладин: тенгиз музининг совуқ шиддатидин шарқдин ғарбға икки қироқға етгунча тулоний айрилиб, яна қотғон шикофлари кўп эрди. Қайтурда мушоҳида қилилдиким, шудрун жиҳатидин аларнинг домани иттисоли гирибон инфикок[2325] бўлуб, чокининг арзи бир қариш, балки икки қарищдин зиёдароқ бўлғон эркан. От ва улоғлар ул ёруқларнинг бир қироғиға келса муз ярим газ сувға ботиб, яна бир канори буюк чиқар от секириб, бу қироғиға ўзин олса, яна бу ботиб, ул баланд бўлур. Мундоғ хатарнок мавозеда киши ва от зое бўлмай чиқилди, магар беш от ва бир теваким, рокиб[2326]ининг ғафлати жиҳатидин ёмон ерларда музға ўйилиб, талаф бўлди. Яна улким, тенгиздин чиқар куни аморатпаноҳ Муҳаммадризо *иноқ* ва фақир ва яна санодиди лашкариядин гуруҳе ҳайъати ижтимо била келур эрдук. Ногоҳ хабардор бўлдуқким, отимиз оёқининг остидағи муз тахминан бир таноб андозаси бўлаолғай, музабзаб ва мунфак бўлуб ўйилиб борадур. Ҳар ким бир тарафга жон ваҳмидин камоли ваҳшат била отиға маҳмиз бериб, андин солим чиқдуқ. Аммо *иноқ*нинг ва яна баъзи йигит-

---

[2321] Бир минг икки юз йигирма беш/1810-11 йилга мос.
[2322] 1225 йил 25-зу-л-қаъда/1810 йил 23 декабр.
[2323] Парвизан – элак.
[2324] Йўнаш – жўнаш.
[2325] Инфикок – айрилиш, ажралиш.
[2326] Рокиб – от-улов устидаги ҳайдовчи, чавандоз.

ларнинг марокибининг кейин оёқлари тизиғача музға ўйилиб, отларнинг ғояти қувват ва чобуклигидин, балки шарафи иқболи шоҳий ва асари тааиди илоҳий била ул гирдоби балодин омон чиқтилар. **Нукта.** Ҳар соҳиби давлате ки умури мулк ва миллат ва маҳоми дин ва давлат мароёсининг тасфисиға райи заррин ва андишаи матин сайқали била кушиш қилиб, халқуллоҳ замоирининг тасхирида осори насфат ва адолат изҳориға сайъ кўргузса, ҳар ойина бу хисоли ҳамида ва афъоли писандида шарафидин ҳамиша анинг рояти иқбол ва ливои ижлоли бахти баланд ва толеи аржуманднинг расолиғи била фалакфарсо, балки аршсо бўлуб, дасти аворизи замон ва ҳаводиси даврон анинг гулзори ҳамиша баҳор рўзгорининг домани тароватидин кўтоҳ ва норасодур. Агар кураи оташ[2327]ға сиёҳвашвор қадами журъат урса, беиҳтироқ[2328] ва агар дарёйи хунхорға Сикандар мисол якрони азимат сурса, беиғроқ[2329] чиқар. Ва тамомати мақосид ва матолиби мувофиқи маром вужуд тутар. Андоқким ҳазрат хидеви комкорнинг кирдори нудратосори далиледур бу даъво субутиға ва шоҳидедур бу муддао ҳақиқатиға. **Маснавий:**

Хусрави комкору дарёдил,
Ким, анга Тангри ҳифзидур шомил.
Гар таваккулдин урса ҳар сори гом,
Анга ҳосил бўлур ҳусули маром.
Чун тенгизга ливофароз ўлди,
Анга нусрат эшиги боз бўлди.
Бўлуб ул баҳри жарф аро ғоним,
Чиқти давлат била яна солим.
Дўстин қилди шод нусрат ила,
Душманин даги афву шафқат ила.
Бўйла ишни бағайри ҳазрати шоҳ,
Қилмади ҳеч шоҳи соҳиб жоҳ.
Ё раб, эт шаҳриёрим иқболин,
Пойдору зиёда ижлолин.
Ҳар ён отланса фатҳ лозими қил,
Зафару нусратинг мулозими қил.
Дўстин айла лутфидин хуррам,
Душмани мубталои меҳнату ғам.

Тонгласи якшанба куниким, ойнинг йигирма еттиси[2330] эрди, аморатпаноҳ, аёлатдастгоҳ, мақбули ҳазрат хоқоний, муқарриби даргоҳи султоний, малози аҳл ал-олам, соҳиби сайф вал-қалам *амир* Муҳаммадризо *қўшбеги* ва садоқатмаоб, эморатинтисоб Бекали *мироб*ни аксар сипаҳдорлар била *қароқалпоқ* кўчиға тайин қилиб, ўзи ғояти комронлиғ ва ферузмандлик била саманди саодатға рукуб этти ва бодияпаймолиғда қамари сариъ ал-сайрдек суръат била қатъи манозил қилиб, охири пешинда Тонгёрбоши мавзеидаким, буна ва ўғруқ анда эрди, партави нузули била кирёси баландасос пешгоҳин мунаввар қилди. Ва душанба куни талиаи субҳдин сўнг лочин қилмоқни фатҳнома била дор ас-салтанаи Хивақда умдат ал-умаро *амири кабир* жалол ад-давлат ва-д-дин Қутлуғмурод *иноқ*ғаким, ул ҳазратнинг ниёбатиға машғул эрди, ирсол қилди. Ва ул мавзедин наҳзат кўргузуб, Бўричи қирининг этагида боргоҳи иқбол ва сародиқоти ижлолни барпой қилдилар. Анда *қароқалпоқ* кўчи ўтгунча уч кун мутаваққиф бўлуб, айёми таваққуфда Бўричи қири ва Турно тақирининг навоҳисида жайран шикориға иштиғол кўргузуб, шикори *жамшидий* афсонасиға хатти насх чекти. **Назм:**

Сайд этгали кўргузуб такопў,
Ҳайрат қилиб анда чашми оҳу.

[2327] Кураи оташ – олов ёнаётган ўчоқ.
[2328] Беиҳтироқ – ўтга ёнмай.
[2329] Беиғроқ – сувга ғарқ бўлмай, чўкмай.
[2330] 1225 йил 27-зу-л-қаъда/1810 йил 25 декабр.

Ул овонда Оқёқиш аҳлидин ва Ойдўст *бий*нинг атбоидин етти кишиниким, тенгиз ичида кўч аҳлидин бир гўсола[2331] ўғурлаб сўюб экандурлар, тутуб келтуруб эрдилар. Гуноҳлари собит бўлғондин сўнг ҳазрати хидеви комкор сиёсат юзидин аларнинг иковин ибратан лил-нозирин ғазаб дориға остурди. Ва ўзгасининг гуноҳини амири равшанзамир Шоҳниёз *отолиқ*нинг шафоати била боғишлади. Ҳам ул мавзеда *қўшбеги* ва Бекали *мироб* ва сипаҳдоралар кўчни ўткариб мулозимат шарафиға истисод топтилар. Ва зу-л-ҳижжа ойининг ғурраси[2332] даким, панжшанба куни эрди, кавкабаи тамом ва дабдабаи молокалом била наҳзат кўргузуб, жума куни Оқёқиш ҳисорининг жанубида муз устидин Кўкузак наҳридин убур қилиб, наҳри мазкурнинг гарбий канорин мухайями хайёми майманатанжом қилди. Ул ерда Ойдўст *бий* ва Оймирзо *бий* бошлиғ Оқёқиш аҳлининг акобириға ташрифоти кироманд инъоми била барумандлиғ еткурди. Батахсис Ойдўст бийғаким, шикоргоҳларда ва тенгиз йўлида ғажарчилиқ амриға қиём кўргузуб эрди, инъомоти подшоҳонадин сарафрозлиқ бағишлади. Шанба куни ҳаракат қилиб, Қаробуқо тўқойининг шимолиға тушулди. Бу манзилда Ўрунбой *бий* ва Эшжон *бий* ва Эсанкелди *бий* ва Тўқтопўлод *бий* ва Менглойға ўз элларининг ҳукумат ва аёлотин тафвиз қилиб, нишони олийшон марҳамат қилди ва қомати қобилиятларин бийлик ташрифоти била ораста қилиб, Ўрунбой *бий*нинг ўғли мулло Давлатназар ва *хитой* акобиридин Тойлоқ баҳодирни ўз мулозиматиға махсус тутб, *қароқалпоқ*иядин ҳар қайсиға юз киши навкар марҳамат кўргузди. Мамон бийким, моддаи мухолифат ул эрди, анинг нусхаи омолиға рақами азл чекти. Ва Янгидарё аҳлиға моли омон учун маблағи касир ҳавола қилиб, *қўшбеги*ни вазоратмаоб, низомулмулк вал-миллата Юсуф *меҳтар*нинг иниси Ниёзмуҳаммадбой ва *қўшбеги*нинг ўз иниси Муҳаммадқули бек била ул мол таҳсилиға муқаррар қилди. Ва бурунғи *қароқалпоқ* эйлотининг таахиз[2333] и закотин дағи анинг райи савобнамои оламоройиға ружу қилди. Ойнинг беши[2334] да душанба куни андин наҳзат қилиб, офтоби оламтоб янглиғ шаашшаи вуруди била манозилни ёритиб, сешанба куни Шўрча қалъасининг тушидинким, Хўжаэлининг кун чиқар орқасидур, Омуядин убур қилиб, дарё қироғин музриби боргоҳи фалак иштибоҳ қилди. Ва тонгласиким, чаҳоршанба эрди, арзи сипоҳ қилиб, Савганлиға тушулди. Панжшанба куни андин роятафрози наҳзат бўлуб, *Отолиқ* арнасининг қироғиға нузули мусарратвусули била назҳат бағишлади. Ул мавзеда Суёк гум бошлиғ *явмут* ҳаромиларинким, Эшмуҳаммад бек Гурланға кирган фурсатда ва асокири мансура тенгизда эканда алардин шарорати жибиллий ҳаракати била номулойим амрлар ва ношойиста феъллар содир бўлуб эрди, тутдуруб, жума куни пешинда рукуб қилиб, хуфтонда Мойлижангалға нузул қилиб, шанба куниким, ийди Қурбон эди, фатҳу ферузмандлик била доруссалтани Хивақға ворид бўлуб, арикаи хилофатни вужуди зижуд оқибат маҳмуд била музайян қилиб, ва содда[2335] и иззат ва жалолатда ором тутти. Ва фурқатзадалар кўнглин ҳузури фойиз ин-нури комил ас-сурури била рашки гулшан этиб, партави дийдоридин маҳжурларнинг дидаи умидин ёрутти. Қудуми мусаррат лузумиким, филҳақиқата ийдедур нишотафзо, ийди Қурбон била қирон қилди. Бу ийдайни майманатинтимонинг шараф иқтиронидин дор ас-салтанаи суккониға ишрати беғоят эшики очилди. **Рубоий:**

Шоҳо, сенгадур нусрати яздон ёвар,
Оллингда Хито хони-ю Қайсар чокар.
Азминг бўлубон мавжиби иқболу зафар,
Келмаклигинг ўлди элга ийди акбар.

Ва мулло Эшимбойким, тенгизда *қазоқ* подшоҳи Абдулазизхонға сифорат расми била ирсол қилиниб эрди, андоқким собиқан баён килкининг рақамзадаси бўлуб эрди, беш кунда тенгиздин чиқиб, Чувбор мавзеида Шерғози султон валади Ғойибхоннинг манзилиғаким, Абдулазизхони мазбурнинг инисидур, нузул қилди. Ва андин рукуб қилиб, яна беш кунда Оқавирак наҳрининг канорида Абдулазизхоннинг ўрдусиға ворид бўлди. Маълуми хотири ашраф бўлсунким, ул наҳри мазкур Сайҳуннинг оёқидин

[2331] Гўсола – бузоқ.
[2332] 1225 йил 1-зу-л-ҳижжа/ 1810 йил 28 декабр.
[2333] Таҳсил; таахиз – йиғиш, олиш.
[2334] 1225 йил 5-зу-л-ҳижжа/1811йил 1 январ.
[2335] Содда (судда) – тахт, сарой.

айрилғон шуаботидиндур. Жонкат қалъаси анинг канорида эрди. Ҳоло ул қалъа хароб бўлуб, буруж ва боруси «устини ости қилдуқ[2336]» масдуқасиға содиқдур. Ул қалъа сукконидин гуруҳи анбуҳ Хоразмға келиб, Ҳазорасбда бир кант бўлуб ўлтирибтурлаким, ул кантни бу жиҳатдин «Жонкати»ға мавсум қилибдурлар. Абдулазизхон мулло Эшимбойнинг таъзим ва тавқирида масои машкура тақдимға еткуруб, фармони олийшан мазмуниға иттило топғоч, бил-раъс вал-айн[2337] қабул қилди. Дўстлиғ ва якжиҳатликдин дами мусодиқат уруб, ўз қардошларидин Тавка султонниким, рушду садодда абнои жинсидин мумтоз эрди, Саодат Гирай бошлиғ баъзи акобири *қазоқ*ия била мулло Эшимбойға қўшуб, мувофиқат ва мутоваат юзидин даргоҳи оламианоҳға номзад қилди. Алар аҳсани соот ва асъади авқотда утбаи олия тақбилининг шарафандўзи бўлуб, иноёти хусравонаға машмул бўлдилар.

Ҳазрат аълохоқон жулусининг олтинжи йилидағи вақоеи касир ал-бадоенинг баёни. Ул жумладин Саллоқ сардор ва Муҳаммадниёз карчак ва Берди баҳодир ва мулло Илёским, ҳар бири шери бешаи ваға ва Рустами маъракаи ҳижодурлар, аларнинг фармони вожибилизон мавжиби била Қўнғрот ноҳиятиға чаповул урмоғи

Қалами бадианигор бу нав фасонагузорлиғ кўргузурким, ҳазрат хидеви комкори душманшикор Тўрамурод сўфининг таадиб ва гушмоли учун мазкур бўлғон сипаҳдорларни беш юз мубориз билаким, ҳар бири маъракаи корзорда назири Рустами филафкан ва адили Асфандиёри рўйинатан эрди, **назм:**

Сипоҳи ки ҳар фарди афрод анга,
Диловару наҳанги буҳорри ваго.
Шижоатда Рустам киби размжўй,
Жалодатда Суҳробдек жангхўй.
Масоф аҳлига қўзголон солгучи,
Жаҳон лашкарига қирон солгучи.

Санаи ҳижрия минг икки юз йигирма олтида муҳаррамнинг йигирма беши[2338]да душанба куни Орол савбиға номзад қилди. Маъмурлар жиноҳи истижол била масофат қатъида мусориат кўргузуб ва Йилон қирининг остидин муз усти била дарёдин убур қилиб, ойнинг йигирма тўққузи[2339]да жума куни Кенгёнтқоқ мавзеида Кўк канорин манзил қилдилар. Ул манзилда буна ва ўғруқни қўйиб, *қароқалпоқ* содотидин Абдуллоҳ хўжани Юмри ҳисоридин бери аларға мурофиқат кўргузуб эрди ва йўлға бағоят балад[2340] эрди, ғачарчи қилиб, Қўнғрот самтиға ливои наҳзатни жилваға киргуздилар. Ва Оққалъаға етгандаким, ул қалъани Шерғозихон замонида Шоҳтемурхон била Шердоли *бий* бунёд қилиб эрди, Абдуллоҳ хўжа черикдин илгарироқ борур эрди, назариға ўн уч кишии мукаммал ва мусаллаҳ кўрундиким, отларидин тушуб, қалён[2341] ва носкашлик била хумор тарқатиб, чиркин димоғларин муаттар қилиб, ўлтурубдурлар. Хўжа аларнинг аҳли инод ва арбоби фасод эрканин мутаҳаққиқ билиб, муовидат кўргуздиким, черикка хабар еткургай. Маълум бўлсунким, ул гуруҳи залолатпажуҳ Тўрамурод сўфининг итоатидағи Қўнғротда ўлтурғон *қароқалпоқ*иядин эркан ва сўфии гумроҳнинг амри била Эшжон *бий*нинг элиғаким, Кенгянтоқ ҳаволисида мутамаккин эрди, қароқчилиқ учун келиб эрдилар. Хўжани алар ҳам кўриб, таоқиб қилдилар. **Байт:**

Бале, гар ажал етса ҳар сайдға,
Келур ўз оёқи била қайдға.

[2336] Қуръони карим, 2 : 82.
[2337] Бошу кўз устига, жоним билан.
[2338] 1226 йил 25-муҳаррам/1811 йил 19 феврал.
[2339] 1226 йил 29-муҳаррам/1811 йил 23 феврал.
[2340] Балад – билувчи.
[2341] Қалён – чилим.

Ногоҳ черик қаросин мушоҳида қилиб, билдиларким не сониҳа вуқу топмиш. Саросима ва мутаҳаййир бўлуб, фирордин ўзга чора топмадилар. **Байт**:

Ғофил андин ки бўлур кимсага дучор ажал,
Қачон ўлгай анга қочмоқ била имкони нажот.

Хўжа дағи алар аъқобиға инонин маатуф қилиб, Берди баҳодирким, черик оллида эрди, хўжанинг мувофиқатиға баъзи муборизлар била сибқат кўргузуб, таоқиб амрида сайъи машкур тақдимға еткурди. Хўжа борчадин бурунроқ муонидларға етиб, бирисини санчиб йиқитти. Ул машаққати тамом била қалин бешаға кириб, нажот топти. Ва Берди баҳодир уч кишини муборизат била йиқиб, иср қайдиға чекти. Ва Саллоқ баҳодир навкарлари била тўрт кишини асир қилиб, Дўсим баҳодирнинг атбои уч кишини занжири балоға гирифтор қилди. Оққалъадин Чўчқабош мавзеиғача қовдиларким, тахминан икки фарсахлиқ масофатдур, саккиз кишини ўлдириб, уч асирниким, Қурбонбек *бий*нинг бани аъмомидин эрдилар, даргоҳи олампаноҳға юбордилар. Ва кеча Манқит қалъасининг ҳаволисида Қаробойли канориға нузул қилдилар. Андин саҳар аввалида рукуб қилиб, Айғир ариғиға етканда, қаровул айирдилар. Қаровуллар Сайёд отовида тўрт кишини сарпанжаи тақдирға асир қилдилар. Алар Ҳизр Ҳаким Ото *алайҳирраҳма* мақбарасининг ходимларидин экандурлар. Озод ва мутлақилинон қилдилар. Ва Куба тоғининг ҳаволисида дарё қироғидин саккиз киши тутуб, қатлға еткурдилар. Ва Куба тоғи устиға чиқиб, баъзи муборизларни Толлиқ музофотининг турктозиға буюрдилар. Алар ул ноҳиятға оташи наҳб ва ғорат уруб, ғаноими фаровон ва усарои бепоён била мурожиат кўргузди. Ва Берди баҳодирни баъзи баҳодирлар била тоғ устида қаровул қўйиб, мажмуи сипоҳни икки бўлуб, дарёнинг икки тарафин пешингача торож қилиб, бениҳоят мол ва асир дастгир қилдилар. Ва борча усарони теғи сиёсат била тангнои адамға юбордилар. Ул аснода *қўнғрот* черики чиқиб, сипоҳи нусратпаноҳға муқобил ва мутаарриз бўла олмай, йироқдин қаро кўргуздилар. Ва сипоҳи нусратпаноҳ фатҳу ферузмандлик била муовидат кўргузуб, Қўнғротнинг кўҳна қалъаси ҳаволисидин дарёни кечиб, *Қазоқ* дарёсининг сақосиға нузул қилдилар. Ва талиаи субҳдин сўнг бодияпаймои мурожиат бўлуб, сафар ойининг тўрти[2342] да чаҳоршанба куни Кенгёнтоқға туштилар. Ва андин ҳаракат қилиб, ойнинг еттиси[2343] да дорилхилофаға ворид бўлуб, дарбори фалакмиқдорининг утбабўслиқиға ихтисос топтилар. Ва ҳар қайси ўз хизматиға кўра иноёти хусравонаға махсус бўлдилар. Ва бурунғи юборилган уч асирниким, Қурбонбек *бий*нинг бани аъмомидин эрди, андоққим мазкур бўлуб эрди, ҳазрат хидеви комкор Ойдўст *бий*нинг шафоати била озод қилди.

Қўнғрот муонидларининг Мақъад бий элига чаповул келтурмаки ва қароқалпоқия муборизларидин шикаст топиб, ҳазимат тариқиға ўз бахтларидек юз эвурмаки

Бу сониҳа андоқ эрдиким, Саллоқ *сардор* руфақоси била Қўнғротни поймоли турктоз қилиб, мурожиат кўргузгандин сўнг сўфии бепири залолаттахмир тажаллуд изҳори била ҳаракат мазбуҳи қилиб, *қўнғрот* ва ўзга эллардинким, анинг била мухолифат амрида муттафиқ бўлуб эрдилар, икки юз киши йиғнаб, *қиёт* муфсидларидин Суюн *бий*нинг оқоси Қурбонбекни саркарда қилиб, *қароқалпоқ* эйлотин чоптурмоқға номзад қилди. Ул учурда Мақъад *бий* ва Ҳасанбой *бий* ва Чўнқаро *бий* ўзлариға мутааллиқ улус била Қирон қирининг ҳаволисида ўтлоқ жиҳатидин мутамаккин эрдилар. Муонидлар ғояти жаҳд ва иҳтимом била масофат қатъида мусориат кўргузуб, моҳи мазбурнинг ўни[2344] да сешанба куни Мақъад *бий*нинг қабиласининг бир тарафидин чиқиб, чаповул урдилар. Ағном ва анъом ғоратиға дасти татовул узотиб, ғаноими қалила ҳиттаи тасарруфиға киюрдилар ва истилои ҳаросдин «келган йўлдан орқага қайтинглар[2345]» масобасида келган йўлиға мурожиат кўргуздилар. **Фард:**

[2342] 1226 йил 4-сафар/1811 йил 28 феврал.
[2343] 1226 йил 7-сафар/1811 йил 3 март.
[2344] 1226 йил 10-сафар/1811 йил 6 март.
[2345] Араб халқи ҳикмати.

Келдилар ҳирси беқиёс била,
Ёндилар юз тумон ҳарос била.

Мазкур бўлғон бийлар *қароқалпоқ* муборизлари била ул гуруҳи бешукуҳни таоқиб қилиб, ақабидин еттилар ва тасвияйи суфуф фароғидин сўнг диловарлар дасти жалодатни остини муборизатдин чиқариб, ситез ва овезға иштиғол кўргуздилар. Ул аснода «улуғлаш ё улуғламаслик ҳақдандир[2346]» муқтазоси била насими нусрат бийлар жониби иҳтизозға кириб, аъдои давлатға ғолиб бўлдилар. Ва Қушйитар *қалмоқ*никим, сўфининг мўътамидларидин эрди ва муборизатда Орол сипоҳининг рукни аъзами эрди, қатлға еткурдилар. Муонидлар бу воқеаи ҳоила мушоҳидасидин сарриштаи жамиатин қўлдин бериб, ҳазимат бодиясида мутафарриқ бўлдилар. *Қароқалпоқ* муборизлари жалодат қиличин жилваға киргузуб, муонидлардин кўп кишини асфалассофлинға юбордилар. Ва ғаноими вофираға мутасарриф бўлуб, химси ғаноимдин тўққуз от била аъдои давлатнинг бошларидин тўрт бошни Қодирберган бийга топшуриб, ҳазрати хидеви комкорнинг даргоҳи оламианоҳиға ирсол қилдилар. Қодирберган *бий* ойнинг ўн учида шанба куни шарафандўзи тақбили остон бўлуб, мароҳими хусравонаға ихтисос топти.

Қоқа *сардор*нинг Астробод музофотиға чаповул еткурмаки. Чун насси Қуръон ғазв ва жиҳод амридаким «оллоҳ йўлида жиҳод қилинглар[2347]» бўлғай, вуқу топиб, аҳли исломға ҳар йил жиҳод қиличин куффорға чекмак вожиб эрди, ложарам ҳазрат хидеви комкор бу амр муқтазоси била ул фарзни адо қилмоқ учун ҳамул йил сафар ойининг олтиси[2348]да жума куни мувофиқи Йилон йили *явмут* акобиридин *ушоқ* Қоқа *сардор*ни юз муборизи кинагузор билаким, *явмут* хайлининг хулосаси эрдилар, Хуросон *қизилбош*ин чоптурмоқға номзад қилди. Ва моҳи мазкурнинг ўн иккиси[2349]да панжшанба куни Хизр *сардор*ни эллик баҳодир била ул амрға маъмур қилди. Маъмурлар Гургон навоҳисида қўшулуб, Астробод музофотидин баъзи қалъажотни чопиб, ғаноими мавфура била мурожиат кўргуздилар.

Ҳазрат хидеви комкорнинг саййид Абдуллоҳ хўжанинг тўйи учун Ҳазорасбға наҳзат маркабин сурмаки ва хўжаи мазкурнинг фарқи ифтихорин ташрифи ҳузури била фалак авжиға еткурмаки

Зубдаи дудмони мустафавий, қудваи хондони муртазавий, сиёдатпаноҳ, саодат дастгоҳ, шараф ал-миллата ва-д-дин саййид Абдуллоҳ хўжа эшон валади амжади саййид Боқирхўжа эшон Саййид Отойиким, ҳазрат султони соҳибқироннинг қайин отосидур, авлодиға хатна суннатин ижро қилурға тўй қилиб, ул тўйға ҳазрат хилофат мартабатнинг ҳузури комил ас-сururин истидо қилди. Бу жиҳатдин ул ҳазрат сафар ойининг ўн саккизи[2350]да чаҳоршанба куни дорилхилофаи Хивақдин рукуб қилиб, Хитой қарясида ўз давлатхонасин нузули мусаррат вусули била рашки гулистони Эрам қилди. Ва икки кун ул навоҳидағи кўлларда қозу ўрдак ва қашқалдоқ шикориға иштиғол кўргузуб, шанба куни Ҳазорасбда ўз ҳавлисин музриби боргоҳи иқбол қилди. Ва Қилич *оққош*ким, ул ҳавлининг мушрифи эрди, зиёфат адосида жаҳди мавфур ва масоии машкур тақдимға еткурди. Ва кеча талиаи субҳға тегру ҳавлии мазбур саҳнида чароғонлиғ қилдириб, Хивақ ва Ҳазорасб паҳлавонлари фармони вожиб ал-изъон мавжиби била кураш маъракасин қойим қилдилар. Ул ҳазрат ул маърака канорида хиргоҳи олий барпой қилдириб, тамошо учун ул хиргоҳни ташрифи ҳузури била фалак хиргоҳиға ҳамсар қилди. Ва йиққан паҳлавонларни иноёти бекарона ва мароҳими хусравона била абнои жинсидин мумтоз қилди. Ва тонгласи якшанба куниким, моҳи мазбурнинг йигирма иккиси[2351] эрди, тўйхонани шарафи қудуми саодатлузуми била ишрат сарои фирдавсбарин қилиб, тўй аҳлиға сурури вусули била ўзгача сур бағишлади. Ва саййид Абдуллоҳ хўжа эшоннинг гулшани умиди бу давлат баҳорининг насими файзтансими била сарсабзи нишот бўлуб, кўси ифтихорин фалак ал-буружда садоға киргузди. Фахр ал-миллат ва-д-дин саййид Юсуф хўжа *нақиб* ва аморатмаоб Султон *мироб*ким, бурунроқ ул ҳазрат фармони била тўй устида муқаррар бўлуб, жашн

[2346] Ҳадис.
[2347] Қуръони карим, 2 : 218.
[2348] 1226 йил 6-сафар/ 1811 йил 2 март.
[2349] 1226 йил 12-сафар/ 1811 йил 8 март.
[2350] 1226 йил 18-сафар/ 1811 йил 14 март.
[2351] 1226 йил 22-сафар/ 1811 йил 18 март.

муҳомининг интизомиға машғул эрдилар, саййиди мушорилайҳнинг илтимоси била хизмат амриға қиём кўргузуб, хизмати писандида тақдимға еткурдилар. Ва саййиди мазкур подшоҳлиқға лойиқ пешкашлар чекиб, ул ҳазратнинг мароҳими бекаронасиға ихтисос топти. Ул ҳазрат жашн адосидин сўнг компронлиғ била якрони давлатға рукуб қилиб, «олтун қабақ»[2352] тамошосидин сўнг от чоптуруб ва кураш туттуруб, оти ўтганларни ва ҳарифини йиқған паҳловонларни инъоми вофир ва эҳсони мутакосиридин баҳраварар қилди. Андоқким ул тўйнинг аксар харажот ва муаноти Қилич оққошға ким, Ҳазорасб мушрифи эрди, ҳавола бўлди. Ва амири соиб тадбир Султон *мироб* ва фақир ва Бекали *мироб*ни Тўнглуклиға Хиваник ариғининг сақосида қозув иши бор ё йўқ эрканидин хабар олдурмоқға буюрди. Ва ўзи дабдабаи тамом била Хитойға нузул кўргузди. Душанба куни ариғнинг сақосини то Қулумҳожиғачаким, Хиваникдин Ғозиобод ариғиға қуядурғон ёрмишдур, эҳтиёт қилиб, Хитойда хокбўслиқға фоиз бўлдуқ. Ва чаҳоршанба куни ойнинг йигирма беши[2353] да дор ас-салтанаи Хивақға нузул қилди.

Солиҳ *шайх***нинг Қўнғрот ҳаволисиға чаповул урмоғи.** Ул кун ҳазрат хидеви комкорнинг фармони вожиб ал-изони била жаноб аморатпаноҳ ва жалодатинтисоб, умдаи умарои офоқ, жалол ад-давлат вад-дин Қутлуқмурод *иноқ маддаллоҳу зилола иқболиҳу* ўз навкарларидин Солиҳ *шайх* Чўпоний ва Абдураҳмон *ос* валади Паноҳ *нойиб*ни юз кишии гўзида баҳодир била Қўнғрот чаповулиға буюрди. Алар оз фурсатда таййи манозил ва қатъи мароҳил қилиб, Чонглибосув ва Чумонойни Сойкечувдин кечиб, Тубоёқ тепасиға туғ барпой қилиб, Ингичка суйининг ҳаволисиға чаповул урдилар. Ўн саккиз кишини Орол машоҳиридин қатлға еткуруб, бир кишини асир қилиб, ғаноими вофир била мурожиат кўргуздилар. Тўрамурод сўфи бу хабари ваҳшатасардин мутаасир бўлуб, бовужуди хазлон ва идбор Орол сипоҳи била такомиш қилиб, сипоҳи зафарпаноҳнинг гирдиға ета олмай, Туморлидин ўта олмай манкуб ва махзулвор муовидат кўргузди. Солиҳ *шайх* ва Абдураҳмон *ос* солиман ва ғониман раби ал-аввалнинг учи[2354] да якшанба куни келиб, дор ас-салтанаи Хивақда даргоҳи оламманоҳ хокбўслиғиға мушарраф бўлуб, аътофи султоний ва алтофи хоқоний била сарафроз бўлдилар. Бу сафарнинг имтидоди ўн уч кун эрди.

Фасод девонининг маснаднишини, инод айвонининг оромгузини, мухолифат румузининг соҳнбвуқуфи Тўрамурод сўфининг баъзи қабоиҳ афъол ва замоим аъмолдин шаммае баён снлкига кюрмак ва ҳазрат хидеви комкорн душман шикорнинг анинг қасдиға юруш ирода қнлнб, қаҳат истилоси жиҳатидин фасхи азимат этмакнн мансан вузуҳға еткурмаки

Чун амри илоҳийким, жамии ашёнинг падидоранда ва нигоҳдорандаси андин ўзга эрмас, бир дурким «яратмоқчи бўлган ҳар бир нарсамиз учун фармонимиз фақат биргина «Ярал» сўзидир ва ўша нарса кўз очиб юмгунча йўқдан бор бўлур[2355]» анинг ғалабаи ҳукми аҳадияти, ҳар касратнинг салоҳи ҳолин бир ваҳдатға вобаста қилмишким, ул касратнинг ақди жамиати мунсиз ҳеч важҳ била интизом топмас. Ул жумладин дорилхилофаи ҳайкали инсонийким, олами сағирдур, анинг назми аҳволи нафаси воҳид тадбириға мутааллиқдурким, анинг партави илтифотидин айру аслан зиёати ислоҳ андин топилмас. Бу ватирада олами кабир ижтимоотинининг субот ва қарори подшоҳи адим ал-мислнинг тамаккун ва истиқлолиға муртабитдурким, паййи ҳусни сиёсат мулуки мамлакат низомиға халали фоҳиш етиб, албатта фасодға оид бўлур. Ва лиҳаза узмои ҳукамо буюрубтурларким «подшоҳнинг шаҳар (мамлакат)га нисбати жоннинг баданга нисбати кабидир[2356]». Ва зоҳирдурким, чун тадбири нафс ва афъоли қавои табиъи ҳайвоний сунани санияйи саввият ва адолатда бўлса, бадан саҳиҳ ва солим бўлур. Ва аҳволи нафс саломат ва истиқоматда ўтар. Ва агар ул тадбир ва аъмол қонуни насфат ва ҳадди эътидолда бўлмаса, сиҳат ва офият хулиясидин отил қолур ва маолии фасод ва заволға тортар. Бу қиёс биладур агар мамлакат

[2352] Баланд ёғоч тепасига қовоқ қўйиб, ўқ-ёй ўқи билан нишонга олиш. Ютган мерган учун шу қовоқ ичида қўйилган олтин қуймасига эга бўлган.

[2353] 1226 йил 25-сафар/1811 йил 21 март.

[2354] 1226 йил 3-раби ал-аввал/1811 йил 28 март.

[2355] Қуръони карим, 54 : 50.

[2356] Араб халқи ҳикмати.

подшоҳи ва ё вилоят *волий*си адлу ростлиғ сироти мустақимидин удул қилса ва деви ғурур ва шайтони туғённинг васавасаси била инод ва удвон тариқиға қадами жасорат урса, ҳар ойина ахтари давлати ҳадди вуболға рўйи завол эвирур. Ва аҳолии мамлакат аҳволи ихтилол топиб, шаомати кирдор носавобидин мулку вилоят мусийби бало ва фатан бўлур. **Назм:**

Ситамкорлиг мамлакатни бузар,
Адолат бузуқ мулкларни тузар.
Топар золим ўз зулмидин шумлиг,
Ҳаққу халқ оллида марҳумлиг.

Бу каломи ҳикматнизом назоиридиндур Орол *волий*си Тўрамурод сўфининг ташаббуси ҳоликим, ул бовужуди исрори мухолифат ва исёнким, анинг зоти шароратсимотида мухаммар эрди, баъзи афъоли қабиҳа ва аъмоли вақиҳаға иқдом кўргузди. Ложарам нойираи ғазаби султоний, мирваҳаи қаҳри яздоний таҳрики била иштиол топиб, Орол диёри мавокиби кайҳонпўй марокибининг помоли бўлди. Бу жиҳатдин басе зарар ва нуқсон ул ноҳият музореиға етти. Балки ул мудбари бадкирдорнинг шами давлат ва машъалаи ҳаёти сарсари завол ва дабури мамот иҳтизозидин ўчти. Бу ижмол тафсили улким, Орол диёрининг *ҳоким*и Тўрамурод сўфи ўн саккиз йилдин бери фасод ва инод тариқасинким, мавжиби заволи давлат ва ихтилоли мулку миллатдур, ғояти жаҳолат ва ниҳояти залолатдин ўз шаънида сабаби мазиди иқбол ва иртиқои маротиби жалол билиб, мухолифат ва муонидат исрори била рўзгор кечирур эрди, авохири давлатида мухолифат ва муонидатға қонеъ бўлмай, баъзи умури ношойиста ва аъмоли нобойистағаким, на дини ислом шарои била мубоҳ ва на куфри зуллом маросими била ҳалолдур, иқдом кўргузмакда саъйи норасо ва ижтиҳоди нуқсонафзосин камолға еткурди. **Қитъа:**

Зиҳи муониди бадкирдорким хисорат ила,
Русуми бағийву тамаррудд айлар.
Қаноат айламай охир иноду куфронга,
Яна маросими зулму нифоқ фош айлар.

Ул жумладин Эсаномон *отолиқ* Бўкажали ва Ўтафберди *отолиқ* Кўкузакли *қўнғрот* маорифининг ашрофидин эрдилар ва ул мудбари бадбахтнинг афъоли қабоҳат осор ва аъмоли виқоҳат мадоридин мутанаффир бўлуб, иҳёнан[2357] ҳазрат хидеви комкор мулозимларининг дўстлиғида дами мусодиқат урар эрдилар, мавкаби кайҳонпўй мулло Хўроз элин кўчуруб, Оролдин муовидат кўргузгандин сўнг жумода-л-охир авохири[2358]да ул икки *отолиқ*и мазбурни зулман тутдуруб, ини ва ўғлонлари ва атбоидин ўн бир киши била бегуноҳ қатлға еткуруб, амволин ғорат қилди. Атфол ва аёлларин етимлик ва бевалик кўчасида дарбадар қилиб, баъзининг хотунларин иддатин ўткармай ва қизларин оталарининг мотамин тутдурмайин, ўз эшигидаги мажҳулнасаб[2359]ларнинг ақди никоҳиға киюрди. Ва яна ҳар фуқаро ва ажзаким, анинг хабстийнат ва сууниятидин ҳаросон ва қаҳат балосининг истилосидин паришон бўлуб, жилои ватан ихтиёр этиб, фирорий бўлса эрдилар, изидин киши буюруб, ажал етканларни тутуб келтуруб, хоҳ эр, хоҳ хотун таазиби тамом била бўғуз ва эмчакидин осиб ўлдирур эрди. Ва ул бечораларнинг қолғонлариға уқубат қилиб, баъзини мақтул ва баъзини маҳбус қилдириб, баъзини ғазаб била эрга бериб, баъзини риққият тариқаси била *тарокима*ға сотар эрди. Ва яна ҳар кишиниким, мутамаввил ва соҳиби бизоат гумон қилса эрди, шадид муҳассиллар ва ғализ ясовуллар буюруб, ул бечорани қаттиғ мусодараға тутдуруб, зулми сариҳ ва туҳмати қабиҳ била барча амвол ва бизоатин олур эрди. **Қитъа:**

Зиҳи амири вараъпешаву адолаткеш,
Кўрунг диёнат ила шаръ тутмоғин анинг.

[2357] Баъзан. Бу ерда: ташқаридан қараганда.
[2358] 1226 йил 25-жумода-л-охир/1811 йил 17 июн.
[2359] Насаби номаълум, тайинсиз.

Ки фисқу зулму хиёнат била қилиб фасод,
Асосиға соладур рахна шаръи ғурронинг.
Банои хотири шумини қилғоли обод,
Хароблиғ соладур кўнглиға бароёнинг.

Ва яна баъзи мусулмонларнинг атфол ва аёлларининиким, Орол муонидлари мамолики маҳруса ҳудудидин ўғрилиқ ва қароқчилиқ тариқаси била иср қайдиға чекиб эрдилар, ашрор ва авбошға барда ва бандалик йўсунида сота бошлади. Ул жумладин Қурбонбек *бий*нинг қизинким офтобе эрди уфқи исматдин тулу этган ва мухаддара[2360]е эрди пардаи иффатда камолға етган, қирқ паричеҳра қиз билаким, Оқёқиш *қароқалпоқ*идин асир бўлуб эрдилар, андоқким юқори гузориш топиб эрди, Хуросон *тарокима*сиғаким, фасоди эътиқодда куфрни исломға роже ва нифоқни вифоқдин афзал билурлар, бир мажлисда ўн бир отға мувозаа ва мубойиа қилиб Хуросонға узоттиким, ул усарони *қалмоқ* атаб, *қизилбош*ға ўткаргайлар. Агарчи бу воқеа сўнгроқ вуқу топиб эрди, бу мавридда муносиб кўрунди. **Қитъа:**

Басе лаънат ул нав ҳоким*ғаким,*
Топар ҳукми бирла шариат шикаст,
Гаҳе тўлдуруб жоми кину нифоқ,
Бўлур боғи-ю, куфрон шаробиға маст.
Гаҳе қўлидин зулм бош қилур,
Бўлуб феълидин исмат ойини паст.

Бу савониҳи касир ал-қабоиҳ хабари тавотир расми била ҳазрат хидеви беаҳмоли фархунда фолнинг самъи шарифиға етиб, ғайрати султоний ва ҳамияти хоқоний раво кўрмадиким, ул золими ситамкор ва тоғии бадкирдорнинг бу нав зулми сариҳ ва афъоли қабиҳи фуқаро ва бароёға истимрор тариқаси била жорий бўлғай. Ложарам анинг таадиби ва гушмолин балки қалъу истисолин зиммаи ҳимматиға лозим ва мутаҳаттим билиб, бовужудиким тенгиз сафаридин сўнг ҳануз сипоҳи нусратпаноҳ билкулл бистари фароғатға паҳлуи истироҳат қўймай, улоғ ва марокиб тавила[2361] и осойишға боғланмай Орол юришининг азиматин важҳаи ҳиммат қилди. Ва санаи мазкура, яъни таърихи ҳижрий минг икки юз йигирма олтида раби ал-аввал авоили[2362]да аснофи лашкар тартибиға ва асбоби сафар тажҳизиға партави илтифот солиб, умарои зишавкат ва аркони давлат ва сипаҳдорларға ҳавсалаи тахминдин зиёда атиёти бекарона ва навозишоти хусравона била сарафрозлиғ бағишлаб, баҳромсавлат баҳодирлар ва миррихсутувват соҳиби таҳаввурларни боргоҳи сипеҳр иштибоҳ остонасида боръёби давлат ҳузур қилиб, улуфа ва марсумотларин ҳар йилдағи қарори воқедин ортуқ ато қилди. **Маснавий:**

Мафтуҳ қилиб дари хазона,
Зарпошлиғ этти бекарона.
Инъомидин олди аҳли лашкар,
Марсумини ваҳмдин фузун зар.

Юруш яроғининг саранжоми марсумот атоёсининг итмомидин сўнг моҳи мазбурнинг ўнида якшанба куни ўғруқи ҳумоюн ва боргоҳи сипеҳрнамунни пешхонаи хоса ва қўрхонаи хулоса била Оққум мавзеиға юбориб, дарё қироғида кирёси баландасосо манжуқин зурваи аюқға ҳамсар қилдирди. Бу аҳвол хилолида қазои раббоний ва муқтазои тақдири субҳоний била ғалла нархиға қаттиғ гаронлиғ етиб, балои қаҳат ва истилои жуъ ва усрати манофе жамии мамолики Хоразмда, балки тамомати Мовароуннаҳр ва Хуросон ва Кобилу Қандаҳорда шийу топиб, аксари фуқаро ва ажза шиддати мажоатдин ҳадди изтирор ва ҳолати мухмасаға етти. **Рубоий:**

[2360] Мухаддара – бону, малика.
[2361] Тавила – отхона, молхона.
[2362] 1226 йил 5-раби ал-аввал/ 1811 йил 30 март.

Ул нав муҳити қаҳат урди кавлок,
Бўлди фуқаро масғаба қаърида ҳалок.
Ҳар мунъимким ноз ила ер эрди хўрок,
Жав ҳасрати кўксин этти буғдой киби чок.

Чун ҳазрат султони соҳибқироннингким, тийнати сафотахмири «оллоҳнинг яратганларига шафқат қилинг» зилоли била мухаммар ва сийрати жилопазири «оллоҳ раҳмат-марҳаматини ўзи хоҳлаган кишилирига хос қилиб беради[2363]» ламаоти била мунаввар эрди, фуқаро ва масокиннинг танзими умур ва тарфиҳи аҳволин андоқ овони усрат[2364] нишонда иродаи сафар қилмоқдинким, ғояти машаққатдин «дўзахда юргандек»дур, авло ва аҳамм билиб, наҳзат аламин таъвиқ майдониға ва азимат қадамин таъхир домaниға чекти. Ва хотири дарёмақотирин бароё мусолиҳининг иҳтимомиға машъуф ва ҳиммати олийнаҳматин халқуллоҳ аҳволининг интизомиға масруф тутди. Ҳар ғалла ва унниким, заводаи сафар учун муҳайё ва саранжом бўлуб эрди, динонири бисёр ва дироҳими бешумор била мадорис ва масожид суккониға шафқат қилиб, туллобу уббод ва уламову зуҳҳоднинг замоириға издиёди вазоиф била ҳузури тамом ва сурури молкалом еткурди. **Назм:**

Чу зоҳир қилиб шоҳ эҳсони хос,
Бўлуб аҳли илму ибодат халос.
Ғам рўзиву чошту шомдин,
Кудурот таассур айёмдин.
Қўюб юз кўнгулларға завқ, сурур,
Етиб ўзгача ҳар тарафдин ҳузур.
Қилиб зоҳир ойини сидқу сафо,
Аён қилдилар шаҳға мундоғ дуо.
Ки то илму тоат жаҳон ичра бор,
Вужудунгни ҳақ айласун пойдор.

Камоли марҳамат ва фақирнавозлиқ юзидин кўру шал ва ажзаву ужуза ва ятиму беваларниким, таҳсили рўзийдин ожиз эрдилар, мамолик ва музофотдин остони давлат ошиёнға жор била ундаб, қаҳат бартараф бўлғунча ҳар кун хазинаи эҳсон ва матбаххонаи шилонидин жамме касирни баруманд ва бархўрдор қилди. Маҳаза қудуват ас-соликин, зубдат ал-комилин, ғиёс ал-миллат ва-д-дин шайх Муҳаммадлатиф эшон *адамаллаҳу иршодаҳу*ғаким, ҳазрат валоятпаноҳ, ҳақиқат огоҳ, *шайхулислом* Ислом шайхи шаҳид *алайҳирраҳма*нинг муридларидиндур, ҳар кун хазонаи омира ва ғаллахонаи хосадин маболиғи вофира ва ғаллоти мутакосира тайин қилди то ул жаноб ишораи олияи хоқоний била Ото дарвозасидағи қаландархонада гуногун атимаи лазиз муҳайё қилдуруб, силои ом ва даъвати томм била даргоҳи фалак иштибоҳға ета олмоғон фуқаро ва очларни тўйдурур эрди. **Маснавий:**

Х(в)они эҳсонидин тўюб фуқаро,
Қолмади кимса оч олам аро.
Бовужуди ки қаҳат эди шое,
Бўлмади жуъдин киши зое.
Ё раб, ул шоҳ бахтин айла баланд,
Анга шаҳларни айла ҳожатманд.
Чек фалак узра давлати аламин,
Фуқаро узра сояйи карамин.
Хасмидек айла қаҳатни нобуд,
Қаҳатдек душманни номавжуд
Х(в)они инъомин очуқ айла мудом,
Баҳра топсун бори хосу авом.

[2363] Қуръони карим, 2 : 105.
[2364] Усрат – қийинчилик.

Ҳазрат хидеви беэҳмоли ҳумоюнфолнинг тааиди иқбол била тўртинжи каррат кишвари Оролға сипоҳи нусрат иштимол тортмоғи ва аҳли залол аҳволиға тангнои муҳосирада муборизлар қиттолидин ихтилол етиб, замоири қусоватмаолларига бийм ва никол ортмоғи. Тўрамурод сўфининг офтоби иқболи мағриби заволға уфул қилнб, ҳалокат заҳри ногувори била паймонаи умри тўлмоғи. Қўнгрот қўрғонининг мусаххар бўлмоғи

Маснавий:

Сўз иқлимининг салтанат гўстари,
Маоний жаҳонининг Искандари.
Варақ арсаси узра чеккан алам,
Рақам мулкининг шоҳи яъни қалам.
Саҳифа диёрига тортиб ливо,
Бу янглиг бўлур сўзга фармонраво.

Чун буғдой ва баъзи экин олинғондин сўнгким, инояти илоҳий ва карами номутаноҳий била нарх гаронлиғи тахфиф топиб, қаҳат ва жуъ балияси мамолики маҳрусадин рахт кўтарди, ҳазрат хидеви комкори душман шикор, султони соҳибқирони волотабор, шаҳриёри ферузбахт, тождори ферузатахт, Дорои Искандар ҳашамат, Искандари Доро шавкат, хусрави Сулаймон макон, шаҳаншоҳи Фаридун нишон, аадли салотини олам, афзали хавоқини аъзам, боис ал-амн ва-л-омон, моҳий ал-фасод ва-л-туғён, ал-мансур би-н-нусрат ал-малик ал-маннон, муизз ад-давлат ва-д-дин, Абу-л-музаффар ва-л-мансур, Абулғози Муҳаммадраҳим Баҳодирхон *маддаллоҳу зилола хилофатихи ала ал-аном ила қиям ас-соати ва-с-соат ал-қиёма* Орол тасхирин ва сўфининг қалъу тадмирин мужаддадан ниҳоди хотири қилиб, асбоби сафар таҳҳиясиға илтифот партавин солди. Ул овонда *эшқули* уруғиким, *қўнгрот*нинг мўътабар қабоилидин бўлур, Туморкўл мавзеидаким, Отйўлининг ғарбий ҳаддида воқедур, ўтлоқ ва яйлоқ жиҳатидин чиқиб ўлтириб эдилар, ул жамоа акобиридин Холмуҳаммадхон ва Худойқули *отолиқ* ва Муҳаммадраҳим ибн Муҳаммадмурод *отолиқ* даргоҳи олампаноҳ мулозимларининг дўстлиғида муттафиқ бўлуб, сўфининг мухолифатин маслаҳат кўрди. **Иттифоқан қазои раббоний** муқтазоси била биров ул роздин Тўрамурод сўфини хабардор қилди. Сўфи аларнинг устиға бехабар киши буюриб, Холмуҳаммадхон ва Худойқули *отолиқ*ни тутдуруб, ўғлонлари била шаҳодатға еткурди. Ва Муҳаммадраҳимни эли била кўчуруб, қалъаға киргузди. Холмуҳаммадхоннинг иниси Оллоҳназар *мерган* бошлиғ ўлганларнинг ини ва ўғулларидин тўрт-беш киши фирор дастёрлиғи била вартаи ҳалокатдин нажот топиб, дарбори фалак миқдор хокбўслиға фоиз бўлиб, сўфии золимнинг зулмидин додхоҳлиғ қилдилар. Бу сониҳа юруш таажилиға илова бўлуб, ҳазрат хидеви комкор асокири мансура истиҳзори учун мамолики маҳруса атрофиға баҳромсавлат ясовуллар ва миррихсалобат сурдовуллар юборди. Ва мулк муҳофизати учун умдат ал-акобир, мақсад ал-асоғир, маржа ал-умаро, мураббиал-фуқаро, жалол ад-давлат ва-д-дин Қутлуғмурод *иноқ*ни шаҳарда ниёбат амриға муқаррар қилиб, шаъбон ал-муаззамнинг учи[2365] да панжшанба куниким, офтоби оламтоб Сунбула буржида эрди, ҳифзи илоҳийда саодати номутаноҳийнинг ҳаминонлиғи била дор ас-салтанаи Хивақдин рукуб қилди. Ва олти кун Анбор ва Мойлижангал ҳудудида шикор қилди. **Байт:**

Шикор айлабон шоҳи Жамшид нишон,
Шикор ичра солди саросар қирон.

Чаҳоршанба куни ойнинг ўни[2366] да Қипчоқда дарё қироғин музриби хайёми иқбол ва муқарри сиродиқоти ижлол қилиб, икки кун таваққуф ихтиёр этти. Бу мавзеда асокири мансура ва афвожи қоҳира ҳар тарафдин муаскари ҳумоюнға маркаби таважжуҳ суруб, рояти нусратоят кўлокасиға мужтама бўлдилар. Якшанба куни ойнинг ўн учи[2367] да Қипчоқдин рукуб қилиб, Бештепа муқобиласида Хон кечувиға

[2365] 1226 йил 3-шаъбон/1811 йил 23 август.
[2366] 1226 йил 10-шаъбон/ 1811 йил 30 август.
[2367] 1226 йил 13-шаъбон/1811 йил 2 сентябр.

тушулди. Чун ҳамиша ҳазрат аълохоқонийнинг суннати сания[2368]си ва одати марзияси ул эрдиким, ҳар диёрда аҳлуллоҳ ва дарвеш бўлса эрди, аларға эътиқоди содиқ ва ихлоси восиқ била нузуроти комил ирсол қилиб, дуо олур эрди. Ва ҳар бузургвордин ва муршиди роҳи яқинким[2369], гулшани боқийда гулчини гули раҳматдурлар, аларнинг мазори муқаддасаларига назр расми била маблағи кароманд юбориб, ул остонаи қуддус ошиёнадағи ходим ва жорубкаш ва мусофирларға ош ва таом бериб, арвоҳи таййибаларига каломуллоҳ хатм қилдурур эрди. Бу йўсунда Рўзим паҳлавонниким, шаҳзодаи олийжаноб Оллоҳберди *тўра* валади хоқони мағфур Элтузар Муҳаммадхоннинг навкарларидин эрди, назр нияти била маболиғи касира бериб, Хўжаэлига юбордиким, то ҳазрат маолий жанобн валоят интисоб, қудувваи оли Тоҳо ва Ёсин ва самараи шажараи «дарҳақиқат биз Сизни барча оламларга фақат раҳмат қилиб юбордик[2370]», қутб ал-ақтоб фи олам, муфаххар ал-*араб* ва-л-*ажам*, шамс ал-миллат ва-д-дин саййид Пирмуҳаммад хўжа ал-маъруф ба Пирим хўжа эшон *наввара марқадаҳу*ким ҳазрат хилофатмартабатға фарзандлик лафзи била хитоб қилур эрди ва бу юрушдин беш ой бурун раибиулаввалнинг йигирмасида душанба куни олами фонийдин наҳзат ливосин ҳаракатға киргузуб, жаҳони жовидоний тасхириға кўси риҳлат уруб «Қодир подшоҳ ҳузуридаги рози бўлинган ўрин[2371]» жаворида ором тутуб эрдилар, йўқ-йўқ, балки интисоби тааллуқи жисмонийни руҳи муқаддасидин билкулл салб қилиб, ҳарамгоҳи висоли номутаноҳийда мустағриқи нашаи ваҳдати илоҳий бўлуб эрдилар, ул зоти хужаста сифоти мутаолидаржотнинг мақбараи мунавварапарининг устида фуқаро ва масокинға ош бериб, руҳи муқаддасларига хатми калом қилдурғай ва ҳакозо. Қутби тариқат, муршиди ҳақиқат, зубдат ал-асфиё, қудувват ал-атқиё саййид Турсун хўжа эшон ва Гадой хўжа эшон *маддаллоҳу залола иршодаҳимо ала мафориқ ис-соликин* бошлиғ содоти изом ва фуқарои тариқатиҳтишомғаким, ҳоло жаҳон гулистони аларнинг баҳори вужуди била сарсабз ва райёндур, нузуроти вофир ва тансуқоти мутакосир ирсол қилди. Рўзим паҳлавон ҳасб ал-амр Хўжаэлига ворид бўлуб, содоти мумилайҳнинг ҳузратлариға нузуроти мурсала[2372]ни ийсор қилиб, ҳазрат хидеви комкорнинг ҳаққида дуо ва олқиш олғондин сўнг ҳазрат Пирим хўжа эшоннинг ҳовлилариға тушуб, ул ҳазратнинг халафи рашиди ҳамида ҳисол, писандида афъол, солики тариқи ҳидоят, хуршиди осмони саодат, Абулмаоли саййид Асғархўжанинг ионат дўстёрлиғи била ҳазрат эшони мушорилайҳнинг мақбараларининг устида фуқаро ва масокин атъом[2373]иға масои[2374]и машкура тақдимға еткуруб, руҳи пурфутуҳоариға хатамоти каломи раббоний савобин туҳфа қилдилар. Ва сешанба кечаси нисфиллайлда ойнинг жирм[2375]и пардаи хусуф[2376]да пинҳон бўлуб, муддати хусуф бир ярим соату беш дақиқаға чекти. Ва яна дақиқашиносларнинг замоири зибасоириға маълум ва равшан бўлсунким, бу сафари муборакға рукуб қилурдин етти кун бурун қутби шимолийға муқорин уфқдин бир кавкаби дурахшандаи доманавор[2377]ким, доманаси товус чатр урғон[2378] суратида юқори ва басит эрди, тулу қилди. Аммо, тулуи икки ойғача ҳар кеча икки қотла такрор топти. Андоқким, кеча аввалида толе бўлуб, икки-уч соатдин сўнг ғуруб қилиб, яна саҳрода тулу қилур эрди. Икки ойдин сўнг тадриж била муртафе бўла-бўла беш ой муддатда хатти устивоға қариб етти. Андин сўнг тулу қилмади. Ҳукамо ва аҳли нужум бу бобда ихтилоф қилиб, ҳеч ҳукмга қарор бера олмадилар. **Қитъа:**

Ҳакими иззу жал корхонаси ичра,
Келур зуҳурға ҳар дам басе гариб суввар.
Бўлур назарда бори шакли мухталиф била фош,
Ки бир-бирисиға бўлмай шабиҳ сартосар.

[2368] Суннати сания – яхши анъана.
[2369] Ишончли, аниқ йўлни кўрсатувчи устоз-пир.
[2370] Қуръони карим, 21 : 107.
[2371] Қуръони карим, 54 : 55.
[2372] Мурсала – юборилган.
[2373] Атъом – таом бериш.
[2374] Масои – ҳаракат.
[2375] Жирм – юз, сатҳ, диск.
[2376] Хусуф – ой тутилиши.
[2377] Доманавор – (доман – этак). Бу ерда думли маъносида.
[2378] Товус думи соябон шаклда ёйилган.

На сирридин ҳукамо ақли интибоҳ топиб,
На кунҳ[2379] идин топа аҳли нужум фикри хабар.
Бу ишда даги набилар уқулидур ҳайрон,
Ҳидоят этмаса парвардигори олам агар.

Ҳазрат хидеви комкор сешанба куни Хонкечувидин наҳзат қилиб, Қирққайирин нузули мусарратшамули била рашки гулистони Эрам қилди. Ва *қипчоқ* акобирзодаларидин Қутлуғмуҳаммад бек Ҳазорасбийға фармони жаҳонмато иззи асдор топтиким, юз нафар шамхолчии қодирандоз ўзиға масҳуб қилиб, кема била Чумонойға кириб, Отйўли гузариғача кема юрур йўлларни эҳтиёт қилиб, Чумонойда мулозиматға етсун. Бу мавзеда ул ҳазратнинг зоти малакий сифотиғаким, мулк саломати ва фуқаро рифоҳияти анинг сиҳҳат ва солимлиғиға вобастадур, андак оризае ҳодис бўлуб, нохушлиғ торий бўлди. Ва икки кунда дорушшифои «касал бўлган вақтимда Унинг Ўзи менга шифо берур[2380]» дин доруи шифо етиб, бир нима тахфиф топти. **Қитъа:**

Хусраво, зоти ҳумоюнинг ки мулкоро эрур,
Дарддин ҳаргиз анга осори заҳмат етмасун.
Бўлмасун бир дам мизожинг талхкоми жоми заъф,
Хотиринг ойинасига занги кулфат етмасун.

Муҳаммадниёз *маҳрам* ва Муҳаммадниёз карчак ва Берди баҳодирким, беш юз навкар била Хўжаэли ҳисорида илғор йўсунлиғ ётиб эрдилар, алар фармон мавжиби била Хўжаэлидин тўрт юз белдор олиб, йўлға сув тушуб болчиғ бўлғон ерларни ва Жаббот кўлидин дарёға сув кирадурғон рудчаларниким, сипоҳи нусратпаноҳ убури ул мавзедин лой касрати жиҳатидин мутааззир эрди, чўб ва тупроқ била ҳамвор қилиб, йўл очтилар. Ойнинг ўн саккизи[2381] да жума куни кавкабаи воло роятафрози наҳзат бўлуб, экримеға етганда, ҳазрат хидеви комкор касали мазбурнинг сақл ва заҳматидин отда фароғат ўтира олмай, туш вақтида ички маҳрамлар била кемага кириб, дарё юзидин озими мақсад бўлди. **Байт:**

Шаҳриёримким, миниб заврақ кезар Жайҳун уза,
Ахтари саъди янги ой ичрадур гардун уза.

Зуҳр вақтида Чумоной сақосида кемадин чиқиб, шимолий канорида боргоҳи гардуништибоҳ манжуқин зурваи аюқдин ўткарди. Икки кун асокири мансура кема ва сол ва шиноҳ била Чонглибосув ва Чумонойдин убур қилдилар. **Маснавий:**

Сипоҳе ки бор анда ҳар паҳлавон,
Тануманд андоққи фили дамон.
Қуруғлигда борча диловар паланг,
Ва лекин тенгизда шиновар наҳанг.
Масофат тай айлар чоги тунду тез,
Қаён юз эвирса солиб растахез.
Неким баҳру кўҳу биёбон эрур,
Алар оллида борча яксон эрур.

Қутлуғмуҳаммад бекким, кема йўлининг эҳтиёжи учун Отйўлиға маъмур бўлуб эрди, келиб арзға еткурдиким, Отйўлиғача кема бетараддуд борғудекдур. Якшанба куни ишроқ вақтида ўғруқи ҳумоюнни кемалар била Чумонойдин Отйўлиға юбориб, кавкабаи воло дарё қироғи била ҳаракатға кириб. Туморлини шарафи нузули била мафхари манозил қилди. Намози шомда аморатпаноҳ Каримберди *отолиқ*ға

[2379] Кунҳ – моҳият.
[2380] Қуръони карим, 26 : 80.
[2381] 1226 йил 18-шаъбон/1811 йил 9 сентябр.

Муҳаммадниёз бек *маҳрам* ва Муҳаммадниёз карчак ва Берди баҳодир ва Дўсим баҳодирни *ўзбак* ва *қароқалпоқ* ва *тарокима* сипоҳидин гуруҳи анбуҳ била қўшуб, муқаддимаи сипоҳ қилиб, ҳукми воло нуфуз топтиким, шабгир қилиб, талиаи субҳ тулуидин сўнг қалъа атрофиға чаповул урсунлар. *Отолиқ* фармон мавжиби била тонг вақти Қўнгрот қўрғонининг атрофидағи элни поймоли чаповул ва дастфарсуди татовул қилди. Ва ўзи *ўзбак* черики била қалъанинг ғарбия дарвозасининг муқобиласида сафоро бўлуб, *туркмон* ва *қалпоқ* сипоҳин Буғрохон ва Толлиқ тарафиға буюрди. Алар Буғрохон, яъни Шаҳрихованддин бери ўлтирғон улусни чопиб, вофир ғаноим била солим ва ғоним мурожиат кўргузуб, *отолиқ*ға қўшулдилар. Ва ҳазрат хидеви комкор ҳамул кунким, душанба эрди, намози бомдодни ўқуб, офтоби оламтоб жаҳонгирининг мурасса ливоси ҳануз арсаи зуҳурда барпой бўлмайин, давлат била қатъи масофат қилиб, улуғ чоштгоҳда Қўнгрот қўрғонининг ҳавосин мавкаби ҳумоюн ғубори била анбаролуд қилди. Умарои номдор ва шужаои душманшикор била қўрғон атрофиға сурон солиб, Тўпотғон тепасида суфуфи нусрат вуқуфни ораста қилди. Каримберди *отолиқ*ким, ғарбий дарвоза муқобиласида эрди, ўз черикин қўюб, рикоббўслиқға фоиз бўлуб, усаро ва ғаноимниким тасарруфида эрди, пешкаш қилди. Ул ҳазрат анго мароҳими хусравона изҳоридин сўнг келтурган ғаноимни марҳамат қилиб, ўз мурчал[2382] иға қайтарди. Ва усарони наволаи эҳсонидин баҳраманд этиб, мутлақ ал-инон қилди. Ва баъзи шужао ва абтолким, арсаи размни маъракаи базм тасаввур қилур эрди, ярлиғи оламмато имтсоли била қалъанинг кунботар қибласида хандақ канориға яқин бориб, майдондорлиғ ойиниға иштиғол кўргуздилар. Ул тарафдин Суюн *бий* Орол муборизлари била қалъадин чиқиб, домони мудофаа ва гирибони муқотилаға чанги қабоҳат уруб, ойини талош ва қавонини фархош зуҳурға еткурдилар. Чун ҳамиша асокири нусратмаосир тааиди яздоний ва таъсири иқбол хоқонидин «оллоҳ сизга қудратли ёрдам бериши учун[2383]» башорати била қавий ва мустазҳар эрди, муонидларни садамаи аввалда мағлуб ва манкуб қилди. **Назм:**

Топиб хайли мансур нусратга даст,
Етушти сипоҳи адувга шикаст.
Чекиб йиллар аъдога тегу синон,
Адув қонидин бўлди ер гулистон.
Бале, кимга Тангри ёвар бўлур,
Анинг душмани зору музтар бўлур.

Орол сипоҳи ажзу изтирор қадамин тариқи фирорда устивор қилиб, гурез дастёрлиғи била майдони корзордин жонларин қутқориб, ҳисор деворин ўзлариға паноҳ қилдилар. Ул аснода Берди баҳодирнинг баъзи ақрабоси Тўра сўфидин рўйгардон бўлуб, хокбўслиқ шарафиға истисод топиб, авотифи хусравона била мумтоз бўлдилар. Бу воқеадин сўнг ҳазрат хидеви комкор қўрғон жанубиға дарё қироғи сори атфи инон қилди ва Тўра сўфининг полизиғаким, бағоят ариз ва васе[2384] эрди ва қалъаға яқин эрди, андоқким қалъадин отилғон ўқ аксар мавозеиға етиб, балки ўтар эрди, вуруди саодат намуди била шарафи ихтисос бағишлади. Мушоҳида қилилдиким, қовун бениҳоят пишиб, неча ерларда осуда бўлмоқ учун харвор қилилғон эрди. **Маснавий:**

Пишиб ҳар тараф юз туман харбуза[2385],
Бериб таъм аро қанд янглиг маза.
Келиб борча тунги шакардин нишон,
Кесарда бўлуб шаҳди шакарфишон.

Асокири мансураға фармони вожибилизон содир бўлдиким, зажран лил-муфсидин[2386] қовун ғоратидин дасти татовулни дариғ қилмасунлар. Ложарам аҳли сипоҳ пешинғача пишган қовунни ғорат қилиб,

---

[2382] Мулчар – қалъа мулчарларига ҳамла қилиш учун белгиланган жой.
[2383] Қуръони карим, 48 : 3.
[2384] Ариз ва васе – эни-бўйи катта.
[2385] Харбуза – қовун.
[2386] Ўжар бузуқилар қасдига.

хомларин поймоли марокиб эттилар. Ҳазрат хилофат мартабат кавкабаи воло била қалъа устидин инонтоби муовидат бўлуб, Отийўли даҳанасин музриби боргоҳи нузул қилди. Ул мавзе бағоят кўлот ва зейдор ва ҳам қалъадин бир нима йироқроқ эрди. Бу жиҳатдин тонгласиким, сешанба куни ва ойнинг йигирма иккиси эрди, Хўжаш маҳрам[2387] нинг отаси Оллоҳназар отчопарниким, аъёни ҳазратдин эрди, бир неча муътамид кишилари била Бўрили кўлнинг канориғаким, Кунжид ёрма айритинининг масаббидур ва қалъаға икки мил масофати бордур, ўрдуи кайҳонпўйини кўчурурға маъмур қилиб, қалъа устиға дабдабаи тамом ва кавкабаи молкалом била мутаважжиҳ бўлди. Ва дарвозаи ғарбия тақобилида сафоро бўлуб, Давлатмурод бек Умбойниким, Кўчқор *нойиб* ибн Эрниёзхоннинг ўғлидур, умдат ал-умаро, мураббиалфуқаро, жалол ад-давла ва-д-дин Қутлуғмурод *иноқ зайяда иқболаҳу*нинг мажму навкари била қалъанинг жанубиға ва Каримберди *отолиқ* ва Муҳаммадниёз бек *маҳрам* Муҳаммаджон бек валади Қутлуғмуҳаммад *иноқ* ва Танак баҳодир ва ғайриҳумни жунуди номаъдуд била қалъанинг орқасиға буюрди. Маъмурлар ўз булжорларида ясов ясаб, мутаиди бегор ва омодаи корзор бўлуб турдилар. Ва қалъанинг шимолий остида мазруотдин жувори экини тахминан икки юз жариб ердур, хўб етилиб эрди, Каримберди *отолиқ* ул жувори орасида ясол ораста қилиб, жуворини қатъ ва поймол қилдурди.

Аммо. Тўрамурод сўфи атбои била ғалабаи хавф ва истилои ҳаросдин шағол ва тилку гуруҳи шери ғурранда ва паланги дарранда ҳаросидин мағок тубида қарор тутғондек, қалъада мутаҳассин бўлуб, сипоҳи нусратпаноҳға *туфангандо*злиқдин ўзга жавоб айтмоқ чорасин топмадилар. **Назм:**

Агарчи шагол кўргузди ҳой-ҳуй,
Қачон шерларга бўлур рўбарўй.
Қаю ерда бўлса ҳазабр ошкор,
Магок остида тилку айлар қарор.

Ҳазрат аълохоқоний қалъа орқасиға майл кўргузуб, қалъанинг атроф ва жавонибиға назари эҳтиёт солур эрди, токим каманди тадбир осонлиғ била қайси тарафдин кунгураи тасхирға маҳкам бўлғай. Ул аснода асокири мансурадин баъзи йигитлар таҳаввур дағдағаси[2388] билаким, шижоат ифроти ва жунун шўъбасидур, набард хорхори била ҳисор остиға бориб, хандақ канорида журъат якронин жавлонға киргузуб, новаки дилдўз ва таънаи дашномандўз била қалъа аҳлининг кўнгул ва синаларин мажруҳ қилур эрдилар. Алардин баъзи йигит қалъадин отилғон ўқ била захмдор бўлди. Ул жумладин Тошоёқлиғ Абдураҳмон *юзбоши* ва амирзодаи олийшаън Муҳаммадназар бекнинг навкарларидин ва *қароқалпоқ*иядин бир киши ва Мустақим девона *нўгой*ким, ҳазратнинг девоналаридин ажубаи замон ва нодираи даврон эрди, оғир жароҳат кўтардилар. Аммо, девона била *қароқалпоқ* сўнгғи кун вафот топиб, девонани ҳазратнинг мавжиби ишорати била Хўжаэлиға элтиб, Маздеҳқонда Шамъун обиднинг жаворида дафн қилдилар. Ва Муҳаммадниёз карчакнинг навкарларидин бир йигит *қўнғрот* акобиридин Жонмуродбойни ўлдуруб, бошин келтурди. Ул кун қалъадин кўп киши қочиб чиқтилар. Ул жумладин султон акобирзодаларидин Сафарбойнинг ўғли Қурбон баҳодир, к*ўкуз*акли жамоасидин Ўтафберди *отолиқ*нинг

[2387] Хўжаш маҳрам – бу ички маҳрам ҳақида маҳаллий тарихчилардан ташқари эронлик, рус муаррихлари ҳам маълумот ёзиб қолдирганлар. «Фирдавс ал-иқбол» орқали билдикки, бу жасур аъён Элтузархоннинг ҳалокати воқеасида Муҳаммадраҳимхонни қутқарганлар қаторида тилга олиниб, у бу хон даврида ҳарбий ва сарой ишларига мутасаддирлик қилган. Отасининг исми Оллоҳназар отчопар экан. Муҳаммадраҳимхон I даврида Хивага келган рус элчиси Н. Муравьёв унинг номини нотўғри равишда давлатдаги мансаб ўрнида тушуниб, *хўжаш маҳрамлик* унвони борлиги ҳақида ёзади. Аслида бунга сабаб бу маҳрамнинг барча ишларда фаол қатнашиши сабаб бўлган. 1854 – 1864 йиллар давомида Хивада асирликда турган тўпчилар бригадаси бошлиғи Исмоил Мирпанжий Хўжаш маҳрамни асли Бажноварддан бўлган шиа мазҳабидаги эронлик деб тилга оларкан, унинг 1854 йилларда етмиш ёшда бўлганини эслатади. Бошқа маълумотларга қараганда, шоир Паҳлавонниёз Муҳаммад-Комил Хоразмий Хўжаш маҳрамнинг қизидан бўлган неварасидир. Баёний ёзишича, маҳрамнинг ўғли Сайидмуҳаммад 1865 йили туркманларга қарши урушда ҳалок бўлади. Маҳрамнинг Россияга қатнаган савдо карвони бўлган. Саййид Муҳаммадхон даврида Россияга элчи бўлиб борган. 1841 йили августида Оллоқулихон ҳузурида бўлган Никифоров ҳам бу маҳрамни кўрганини ёзади. Хўжаш маҳрам номи Муҳаммадаминхон ҳалокатидан сўнг юз берган (1855) вазир Яқуб меҳтар исёни воқеалари орасида ҳам тилга олинади. Хўжаш маҳрам қурдирган мадраса Хивада ҳозиргача сақланиб қолган.

[2388] Ўз ботирлигини кўрсатиш, кучи билан мақтаниш истаги.

ўғли ва оқосининг ўғли эрди. Ҳазрат аълохоқоний аларға иноят ва марҳамат қилиб, Муҳаммадниёз карчак ва Берди баҳодирға мусоҳиб қилди. Ва изрори учун қалъа остидағи мазорени поймол ва хароб қилдириб, Ганжали ёрмада муаскари ҳумоюнға давлат ва нусрат била нузул қилди. Ул кун буна ва ўғруқ кемалар била Чумонойдин келиб, кавкабаи волоға қўшулди. Ҳамул кеча Муҳаммадниёз карчак ва Берди баҳодир ва Дўсим баҳодир ва Эшниёз *отолиқ* ва иниси Мамиш бек валадони Одинақул *отолиқ* Вазирий ва Танак баҳодирни жуюши вофир ва жунуди мутакосир била қалъа атрофининг муҳорисатиға буюрди, токим мудохил ва мухориж қалъа аҳлиға масдуд бўлуб[2389], тун қоронғғусида атрофдағи мазруо[2390]тдин манфаат олмағайлар. Маъмурлар кеча посдорлиғ била ҳаросат амридин дақиқае муҳмал ва номаръи қўймай, тулуи субҳ ҳангомида қалъанинг тўрт тарафидин югуруб, дарвозаларни болтулаб қайттилар.
Шеър:

Тонг отгунча яллар бўлуб наърасанж,
Қилиб қалъа аҳлин асири шиканж.
Талоя киби қалъа даврин кезиб,
Маҳобат била хасм бағрин эзиб.
Ҳаросатга қилдилар андоқ шугл,
Ки богланди ёвга хуружу духул.

Бу йўсунда кундузларда аксар айём ҳазрат ўз нафаси нафислари била қалъа устиға тасдиъ[2391] чекиб, ўзлари бормаған кун Қилич *иноқ* ва Бекали *мироб* ва Муҳаммаджон бек ва Одил бек валади Тожи бийким, иниси Оллош *бий*нинг ўрниға келиб эрди ва Муҳаммадниёз карчак ва Берди баҳодирни афвожи қоҳирадин гуруҳи анбуҳ била ва кечаларда баъзи сипаҳдорларни навбат била буюриб, ўн беш кунгача қаттиғ муҳосира қилдилар. Андоқким қалъа ичида қаҳат ва ғило банаҳве иштидод топтиким, зуафо ва ажза жуъ балоси ва беқувватлиғ ибтилосидин кўчаларда ўла бошлади. Ва ҳар кун жамъи касир фарти мужоат[2392] ва шиддати бенаволиғдин бетоқат бўлуб, буржу борудин ўзларин ерга ташлаб, муаскари ферузийасарга ворид бўлур эрдилар. Истинои эҳсони хоқоний ва х(в)онсолори футуввати соҳибқироний жонибидин серчашми мувоиди инъом бўлуб, ўрдуи ҳумоюнда мутлақи инон кезар эрдилар. Ва аксари Сафоинхоса била Отйўли маъбаридин убур қилиб, талаби қувват учун мамлоки маҳрусаға мунташир бўлур эрдилар.

Воқеотиким айёми муҳосирада вуқу топиб эрди зикр қилилур. Ул жумладин аёлатпаноҳ, жалолатдастгоҳ, соҳиби девони аъло, амири муғаййис уд-давлата Муҳаммадризо *қўшбеги*ким, кавкабаи воло Орол тасхириға наҳзат қилурдаким, Хиваник ариғидин Қулон-Қаробоғда дарёға ва Ғозиобод рудиға қочу йиқиб эрди, ул қочуларни боғлатурға маъмур бўлуб эрди, оз фурсатда тааиди иқболи хоқоний била баважҳи дилхоҳ боғлатиб, қолғон черикни олиб, мулозимат қасди била ўрдуи кайҳонпўй ақабидин озим бўлуб, панжшанба куни ойнинг йигирма тўрти[2393]да Отйўли гузаридин кема била ўтуб, шарафандўзи тақбили бисот бўлди. Туҳафоти лойиқ ва тансуқоти ройиқ[2394] пешкаш қилиб, умдат ал-умаро, зубдат ал-кубаро, афзали аҳли офоқ, саҳиби мукорим ал-ахлоқ *амири кабир* жалол ад-давлата ва-д-дин Қутлуғмурод *иноқ* бошлиғ ҳарами хилофат мутааллиқотининг саломат ва офиятмандликин арзға еткурди. Ул кун *яъқубчи жамоасидин* Худойберди *отолиқ*ким, «гўсола»(бузоқ)ға мулаққабдур ва Гурлан акобиридин эрди, Муҳаммадризо бекка бош қўшуб, беки мазбур тутулғонда икки ўғли била Гурландин қочиб, Қўнгротға бориб эрди, Тўрамурод сўфининг баъзи афъоли ношойистасидин ранжидахотир бўлуб, балки ул шўрбахтнинг нишонаи бедавлатлигин осори идборидин истидлол[2395] қилиб, Қўнгротдин қочиб чиқти ва умаро ва маҳрамларнинг василаси била баҳраёби давлати ҳузур ва жибҳасои сумми сатур

[2389] Қалъага кириб-чиқувчи аҳолига тўсиқ бўлиб.
[2390] Даладаги экинлар.
[2391] Тасдиъ – жонига тегиш, ташвишга солиш, қўрқитиш.
[2392] Мужоат – очлик.
[2393] 1226 йил 24-шаъбон/ 1811 йил 14 сентябр.
[2394] Роиқ – ажойиб, асл.
[2395] Истидлол – далолат.

бўлди. Ул ҳазрат анинг саҳифаи гуноҳиға рақами афв чекиб, хилои кироманд била ани ва ўғлонларини пирояпуши отифат қилди. **Назм:**

На хушхўйлиқдур ки аҳли гуноҳ,
Ҳузуриға келгач бўлуб узрхоҳ.
Карам айлаб анинг гуноҳин ўтуб,
Навозиш била жоми шафқат тутуб.
Қилиб афв узрин қабул айламак,
Жазо еткурурдин нукул[2396] *айламоқ.*

Ойнинг йигирма олтиси[2397] да шанба куни ҳазрат сарвари салотин ва умдат ал-хавоқин ҳар кундаги расми маъҳуд била қалъа устиға рукуб қилиб, аъдои бедавлат ва муфсидини бесаодатнинг изрори учунким, суннат санияйи салотин ва тариқи сойибаи хавоқиндур, Мочон кўлиғаким, Орол аҳолисининг аксар зироат ва авфар деҳқанати андин ҳосил бўлур, атфи инон қилди. Ва афвожи қоҳирани гуруҳ-гуруҳ киштзори мутафарриқа ва мазореи мутадидаға номзад қилиб, ҳар ким ўз муддаосича ғаллани кўтаргандин сўнг қолғон экинларни поймоли мароскиб ва лагадкуби мавокиб қилдируб, муаскари ҳумоюнға мурожиат кўргузди. Бу аҳвол хилолида Қилич *иноқ* ва Бекали *мироб* ва Муҳаммаджон бек ва ғайриҳум ки бадастури собиқ муҳосирага машғул эрдилар, пешиндин сўнг аксар навкарлари алиқи даввоб учун алаф талабиға ҳар тараф тарқаб, аларнинг қошида оз киши қолиб эрди, муонидлар бу маънини идрок қилиб, хаёл ва савдои бесаранжом билаким, шояд доми муродлариға сайди мақсад муқаййид бўла олғай, издиҳоми тамом била қалъадин чиқиб, Қилич *иноқ*ға ҳужумовар бўлуб, майдони вақоҳатда муқобила ва муқотила амриға жасорат кўргуздилар. Қилич *иноқ* ҳозир навкарлар билаким, мажмуи юз нафар йўқ эрди, тааиди субҳоний ва иқболи соҳибқиронийға такия қилиб, мутаваккалан ала Оллоҳ майдондорилиғға таважжуҳ юзин эвируб, арсаи саботда рояти истиқоматни жилваға киргузди. Муҳаммаджон бек ва Одил бек ва Муҳаммадниёз карчак ва Берди баҳодир баъзи муборизлар билаким, ҳар бири таҳамтани рўзгор ва шерафкани бешаи корзор эрди, маъракаи муборизатға якрони журъат суруб, ҳамлаи саҳмнок тунбоди била нийрони қиттолни муштаал ва теғи обдор била ул хоксорлардин кўп кишини мақтул ва музмаҳил қилдилар. Хуруши гиру-дор ва ғавғои корзор сипеҳри даворға етиб, ул ғулғула истимоидин муаскари ҳумоюнда қолғон ва алиқи даввоб учун атрофға мутафарриқ бўлғон навкарлар Қилич *иноқ*нинг зилли роятиға мужтама бўлдилар. Баҳодирлар мужаддадан қувват, ҳамалоти мутаоқиб ва садамоти мутаволи била ниҳоли синон ва теғи жонситонни муонидлар қонидин суғордилар. Сипоҳи нусратпаноҳ бовужудиким, сўнгғи қўшулғонлар била уч юзга етмас эрди, Орол черикиғаким, отлиғ ва яёқ олти мингдин зиёда эрди «оллоҳ изни билан гоҳида оз сонли аскар кўп сонли аскар устидан ғалаба қозонар[2398] » масдуқаси била ғолиб ва мансур бўлуб, Орол черики оҳиста-оҳиста қадам ўғурлаб, хандақдин ўтуб, ҳисор остида сафоролиғ кўргузуб, мудофааға машғул бўлдилар. Ул урушда Орол акобиридин Тўрамурод *бий*нинг амзодаси Муҳаммадсафо бек валади Абди сўфи валади Қулмурод *иноқ*ким, аъдои давлатнинг дийдаи умиди андин равшан эрди, қатлға етиб, асҳоби инод ва арбоби фасоддин кўп киши мақтул ва захмдор бўлдилар. **Маснавий:**

Баҳодирлар ойини тамкин била,
Қўюб юз аъоди сори кин била.
Чекиб теғи қаҳру синони сетиз,
Адув хайлиға солдилар растахез.
Аъоди гирифтори хазлон бўлуб,
Ўз иқболидек рўйгардон бўлуб.
Бўлуб сурхрўлик қони била,
Талош айлабон лек жони била.

[2396] Нукул – воз кечиш.
[2397] 1226 йил 26-шаъбон/1811 йил 16 сентябр.
[2398] Қуръони карим, 2 : 249.

Қалпоқ орасидағи содотдин Абдуллоҳ хўжаи Даҳбедийким, жаён ва ҳазабри дамондек муонидларға ҳамла еткуруб, нийрони қиттол иқодиға машғул эрди, мухолифлар ўқи била оёқидин захмдор бўлуб чиқти. Ва *явмут*иядин биров шаҳодат топти. Ул аснода кавкабаи воло Мочон кўлидин қайтиб, муаскари ҳумоюн канориға қариб етиб эрди, бу сониҳа хабарин рикоби майманатмаоб мулозимларининг самъи шарифиға еткурдилар. Ҳазрат хидеви беҳамол билотаваққуф ва беэҳмол инони азиматин қалъа жониби маатуф қилди. Чун талиаи кавкабаи воло размгоҳ каноридин намоён бўлди «ҳақиқат келди ва ботил ўчди-кетди[2399]» мафоди била хайли ашрорнинг силсилаи жамиати узилиб, қалъаға мутаҳассин бўлдилар. Ул ҳазрат қалъа устидин мурожиат кўргузуб, фатҳу нусрат била муаскари ҳумоюнға нузул қилди. Қилич *иноқ* бошлиғ ул муҳорибада иш кўргузган муборизлар авотифи бекаронаи хоқонийдин баҳраёб бўлдилар. **Рубоий:**

Шоҳо, сипаҳинг ҳамиша бўлсун мансур,
Душман черики ҳазимати мақҳур.
Ҳар лаҳза қилиб жилва санго шоҳиди фатҳ,
Кўнглингга етушсин фараҳи номақдур.

Иккинчи муҳориба вуқуининг достониким, байн ал-фариқайин воқе бўлди. Сониҳаи мазкурдин уч кун сўнг сешанба куниким, салхи шабон[2400] эрди, ҳазрат султони соҳибқирон ирода қилдиким, муонидларға гушмоли азим ва танбеҳи балиғ еткурса, токим ул гуруҳи залолатпажуҳ тангнои муҳосирани мұғтанам билиб, гирибони журъатдин зиёда сарлик бошин чиқара олмағай. Бу тадбир била амири шаҳомат интимо Муҳаммадризо *қўшбеги*ни кавкабаи воло била қалъаи Ховонд, яъни Буғрохон атрофидағи экинни олдурмоқға пешиндин сўнг *қароқалпоқ* муборизларидин қирқ-эллик кишини чаповул йўсунлиғ қалъа устиға номзад қилди. Анинг учунким, муонидлар то кишини оз кўрмаса, қалъадин чиқарға ҳадлари йўқ эрди. Бу тадбир била Орол черикин қалъадин чиқариб, дарвозаи ғарбия пешгоҳида муҳорибаға машғул қилдилар. Ул аснода Қутлуғмуҳаммад бекким, аксар сипаҳдорлар ва *юзбоши*лар била *қароқалпоқ*ға мутаоқиб маъмур бўлуб эрди, камингоҳдин чиқиб, Орол черикига теғи жалодат ва синони саромат чекиб, ҳамла еткурдилар. Бовужудиким, мунтасифи Мезон[2401] ва авоили Хазон[2402] эрди, арозии размгоҳни шамшири соиқабор дамидин абри найсон ёмғуридек хунрезлик кўргузуб, муфсидлар қонидин гулистон қилдилар. Ва қавоими марокиб човгонбозлиқидин саркашлар бошин арсаи набардда гўй янглиғ ғалтон[2403] эттилар. Ва жазоир[2404]чилар гулулаи жазоирни аъдои бодпаймой қасдиға ҳавола қилиб «уларни шайтонларга отиладиган тош қилиб қўйдик[2405]» мазмунин аҳли оламға равшан эттилар. Ва шамхолчилар шулланги шамхолдин мухолифлар бошиға раъдандозлиғ кўргузуб «учар юлдуз қувиб етар[2406]» масдуқасин бани Одамға мубарҳан қилдилар. **Назм:**

Бўлуб гурдлар борча пўлодпўш,
Чекиб разм аро раъд янглиғ хуруш.
Камар боғлабон кину пурхошға,
Қиёмат аён айлаб авбошға.
Қиличлар дамидин равон қон оқиб,
Вале қондин ул ерда уммон оқиб.
Жазоирлар аждардек оғзин очиб,
Маҳиб ун чекиб оғзидин ўт сочиб.
Ўқеким ул ўт бирла паррон бўлуб,
Адув хайлиға офати жон бўлуб.

[2399] Қуръони карим, 17 : 81.
[2400] 1226 йил 29-шаъбон/1811 йил 19 сентябр.
[2401] Мезон ўртаси – 25-сентяюрь – 24-октябр оралиғи.
[2402] Хазон боши – кузнинг охири.
[2403] Ғалтон – думалаш.
[2404] Жазоир – тўп, манжаниқ.
[2405] Қуръони карим, 67 : 5.

Аммо. Ул урушда сипаҳдорлардин сиёдатпаноҳ, шижоатогоҳ Хўжажон хўжа ва Муҳаммадниёз карчак ва Берди баҳодир ва Дўсим баҳодир ва Баки *юзбоши* баъзи муборизлар била майдони шижоатға якрони таҳаввур ва саромат суруб, захми синон ва зарби теғи хунфишон ва гулулаи тўфанг ва ҳаданги бедаранг била душман сипоҳин манкуб ва мақҳур қилдилар. Муонидлар гурезон ва мутафарриқ бўлуб, дарвозаға кира олмай, қалъанинг жанубиға саманди ҳазимат сурдилар. Тўрамурод сўфи жаҳди тамом ва саъйи молкалом била мужаддадан аларнинг силсилаи жамиатин мунаъқид қилиб, айни жаҳолат ва маҳзи залолатдин дарё қироғида сипоҳ таабияси ва ясов тасвиясиға мубодират кўргузди. Ва асокири мансура мутаоқиб етиб, Қилич *иноқ* ва Қутлуғмуҳаммад бек дағи суфуфи нусратвуқуфни ораста қилиб, майманаи маймун ва майсараи ҳумоюн умарои номдор ва шужаои кинагузор вужуди била музайян бўлди. Тасвияйи суфуфдин сўнг душманшикор муборизлар ва жалодатшиор баҳодирлар икки тарафдин маъракаи корзорга кумияти шижоат суруб, сиёлат ва муборизат амриға қиём кўргуздилар ва ҳангомаи корзор гарм бўлуб, икки сипоҳи хунхор, йўқ-йўққким, икки дарёйи гиру-дор бир-бириға аралашиб «икки денгиз-дарёни ёнма-ён оқизиб[2407]» масдуқасин олами буруз[2408]да жилвагар қилдилар. **Назм:**

Солиб хайли аъдоға яллар қирон,
Сув ўрниға Жайҳун аро оқти қон.
Қотишти икки жайши дарёхурўш,
Урушдин ажал Қулзуми урди жўш.

Ул урушда *қароқалпоқ* муборизларидин Тайлоқ баҳодир ва Кучанак *бий*нинг ўғли Эшбўл баҳодир теғи хуношом ниёми интиқомдин тортиб, аъдои шумфаржомға қирон солдилар. Тўрамурод сўфининг улуғ ўғли Дўсотбекким, телба итлардек ҳар тарафға ҳамла қилиб, муҳориба амриға машғул эрди. Тайлоқ баҳодир анинг тақобилидин чиқиб, садамаи ваҳшатангез ва ҳамлаи маҳобатомездин ани мунҳазим ва фирорий қилди ва изидин етиб, отдин йиқти. Дўсотбек жон хавфидин ўзин дарёға солиб, шиноҳ дастёрлиқи била вартаи ҳалокатдин нажот топти. Ва Тайлоқ баҳодир анинг отиға мутасарриф бўлди. Ва Эшбўл баҳодир муҳориба асносида захмдор бўлуб чиқти. Ва Хўжажон хўжа дағи яхшиғина дастбурдлар кўргузди ва анинг ўз тилидин эшитилдиким: «Орол муборизларидин бир кишини тўппонча ўқи била йиқдим.» Ва анинг иниси Мансур хўжа ибн Умархўжа *нақиб*ким, оқосининг навкарларидин Муҳаммадназар шайх Чўфоний била барқтози майдони муборизат бўлуб, нийрони қиттол иштиолидин инод аҳлининг хирмани саботиға оташи қаҳр солиб, кўп кишини мажруҳи теғи кин қилдилар. Ва Хўжаэли маорифидин Муҳаммадкарим қўйчи *отолиқ*ким, шижоат ва жалодат маёмини била боргоҳи хилофат соягузинларининг силкига мунҳаритдур, кичик ўғли Муҳаммадназар ва баъзи баҳодирларнинг иттифоқи била дарёйи муқотилаға кештии муҳориба суруб, теғи тез ва синони хунрез била андоқ сарафшонлиғ ва синашикофлиғ кўргуздиким, Баҳроми хуношом ва Симоки ромиҳ манзараи гардундин анинг фарқиға жавоҳири «офарин»дин сочиғ сочтилар ва тааиди боҳира ва давлати қоҳира қувватидин Орол сипоҳиға шикаст ва ҳазимат бериб, хандақдин ўтгунча таоқиб қилди. Ва ўғли била хандақ гузаргоҳин масдуд қилиб, кўп кишини хандақ суйида гирдоби фаноға ғариқ қилди. **Шеър:**

Афвожи зафаршиору мансур,
Айлаб сипаҳи адувни мақҳур.
Ул хайли зафарливода ҳар фард,
Бир лашкар ила бўлур ҳамоворд.
Лекин бу камоли қудрати кор
Эрмас бажуз илтифоти доввор.

Асокири мансура агарчи бу ҳангомада қалъа тасхириға дағи қодир эрдилар, аммо чун маазун[2409] эрмас эрдилар, бу қадар нусрат ва зафарға иктифо ва иқтино кўргузуб, ўрдуи волоға ишораи аъло била

[2406] Қуръони карим, 37 : 10.
[2407] Қуръони карим, 55 : 19.
[2408] Олами буруз – борлиқ олами.
[2409] Маазун – рухсатли, изнли.

атфи инон қилдилар. Шижоат ва муборизат додин берган сипаҳдорлар ва муборизлар мавқифи хилофатдин пирояпўши хилои хуршид шио ва баҳраёби эҳсон ва истино бўлдилар. **Назм:**

Эй, тушуб шафқатинг муҳитига жўйи,
Этдинг аҳли сипоҳни зарпўйи.

Мин наводир ал-хаворик. Чун тонгласиким, чаҳоршанба куни ғурраи рамазон ал-муборак[2410] эрди, ҳазрат аълохоқоний ўз нафси нафиси била муҳосира амриға мутасадди бўлуб, ҳар неча разм талаб бўлди, муонидларнинг қалъадин чиқарға заҳра ва ёроси йўқ эрди. Ул ҳазрат дарё қирoғиға инони отифатин мунсариф қилиб, Жайҳуннинг шарқиға киши ўткарди, токим ул тарафда аъдои давлатдин киши бўлса, жазоға еткургайлар. Ўтганлар қайтиб келгандин сўнг *қароқалпоқ* баҳодирлари Кучанак *бий* бошлиғ келиб, мавқифи арзға еткурдиларким, агар рухсати воло содир бўлса, тааиди субҳоний ва давлати соҳибқиронийнинг қуввати била ҳисорға югурурмиз. Рижои восиқдурким, бу азимати содиқ йўмнидин боби фатҳ чеҳраи муродимизға очилиб, қалъа тасхириға даст топғаймиз. Чун ҳар шаҳру вилоятеким, қаҳран ва қасран мафтуҳ бўлса, зоҳирдуркм, жонибайиндин кўп киши зое бўлуб, суфки дамо[2411] вуқу топмоғи зарурийдур.

Ул ҳазрат ғояти шафқат ва камоли мурувватдин, балки илҳоми суруш[2412] и давлат ва ишораи арвоҳи қудсий манзилатдин ул ишга ризо бермайин, бу жавоҳири завоҳири гаронбаҳо била мўъжаз баён тилин гавҳарфишон қилдиким «агарчи ахтари ҳусули мурод ва кавкаби вусулисадод иродати содиқ машриқидин ва азимати мувофиқ уфқидин тулу қилмоғи арбоби ақл ва тамиз оллида азҳари ман аш-шамс ва абини ман ал-амсдур, лекин бу амри таажилида фойдае мураттабат эрмаским «ҳар бир ишнинг ўз вақти бор[2413]» мафоди била вақтеға мавқуфдур. Иншооллоҳ, қариблуркм, бедуни тасдиъ ва бевуқуи тараддуд баҳори инояти илоҳий ва насими фазли номутаноҳийнинг файзидин гулшани ком ва чамани маром ҳисор фатҳининг гули ҳамишабаҳори била рангбўйи тоза ва низорати беандоза топғусидир.» «Давлат арбоблари илҳомлантирувчидир[2414]» муқтазоси била ул ҳазратнинг бу каломи илҳомнизомиким, филҳақиқата насими баҳори каромат ва гавҳри буҳҳори саодат эрди, тақдирға мувофиқ келиб, аруси фатҳ мансаи зуҳурда жилвагар бўлди. Андоқким, анқарибі қалами бадоенигорнинг рақамзадаси бўлғусидуур. **Маснавий:**

Каломеким сурар арбоби давлат,
Ҳақиқатда эрур айни каромат.
Мувофидур алар райи қазоға,
Муқаййид ишлари фазли худоға.

Ойнинг учунчи[2415] кечасиким, жума оқшоми эрди, мавқифи жалолатдин фармони лозим ал-изъон иззи асдор топтиким, Холмуҳаммадхоннинг иниси Оллоҳназар *мерган* баъзи мутажанда била қўрғон жониби озим бўлуб, кеча қаронгғулиғидаким, пардадори «тунга барча нарсани яширувчи либос кийдирдик[2416]»дур, ҳисор аҳлиға дастбурде еткургайким, аҳолии Орол хоби ғафлатдин сесканиб, давлати қоҳира қуввати ва асокир журъатининг садаматидин мутанаббеҳ ва ўзларининг савдоии маҳол тариқида гумроҳ эрканидин огоҳ бўлғайлар. Ложарам маъмурлар фармон имтисоли била ҳисор деворининг остиға ўзларин еткурдилар. Ул жамоадин Эрниёз кал отлиғ бир йигиткм, таҳмтани далер ва чолоки беназир эрди, бир неча мутаҳаввир йигитлар била ҳисорға кириб, буруж ва бору мустаҳфизларидин етти-саккиз кишини теғи каж раҳнамолиғи била адам шаҳристонининг тўғри йўлиға юбордилар. Ва

[2410] 1226 йил 1-рамазон/1811 йил 19 сентябр.
[2411] Қон ҳидидан ҳаво айниши.
[2412] Суруш – хабар келтирувчи фаришта.
[2413] Араб мақоли.
[2414] Араб мақоли.
[2415] 1226 йил 3-рамазон/1811 йил 21 сентябр.
[2416] Қуръони карим, 78 : 10.

базининг рахту либосларин пойи музд[2417] олиб ва бору устида ғулғулаи такбирдин муонидлар орасиға шуриш солиб, қалъадин тушуб, ўрдуи ҳумоюнға мурожиат кўргуздилар. Ҳазрат хидеви комкор аларни хилои гаронмоя ва навозишоти билониҳоя била абнои замондин мумтоз қилди. **Қитъа:**

Хизмати шойиста қилким, хизмати шойистадин,
Кўп маҳқар қуллар ўлди шаҳ қошида мўътабар.
Чунки мардум хизматин қилди югуруб ҳар тараф,
Бу жиҳатдин айлади кўз устида манзил назар.

Ул кун Гургон *явмут*иниң сўфи имдодиға келиб, От гузариға етганда муҳосира хабарин эшитиб қайтған хабари етушуб, Қандим *сардор* аларнинг таадибиға маъмур бўлди. Бу ижмол тафсили улким, собиқан гузориш топиб эрдиким, Хуросон *тарокима*сидин Гургон *явмут*иким, «*чуни шараф*» ва «*қаро чўқа*» дерлар, ул жамоадин бир неча киши савдо ва талаб учун Оролға келиб, Тўра сўфи аларға ўн бир отнинг бадалида Қурбонбек *бий*нинг қизин қирқ қиз била сотиб, Гургонға узатурда сипориш қилиб эрдиким, ҳар киши имдод ва навкарлик тариқаси била мунда келса, икки қиз берурман. Чун ул мудбар бадкийшлар қизларни Хуросонға элтиб, сўфининг сипориш ва ваъдасин *тарокима* орасида шое қилдилар, Гургон *явмут*идин баъзи арозил ва авбошким, тахминан икки юз нафардин зиёда эрди, ул ваъда умиди ва савдо беҳбуди учун теваға буғдой ва биринж юклаб ва сўфининг хизматиға камари ижтиҳод боғлаб, Орол сафариға озим бўлдилар. Ва даштдин чиқиб, Отйўли гузарининг қибла оғзиға нузул қилдилар. Иттифоқан, бурунроқ амирзодаи аъзам, мафхари бани Одам Муҳаммадназар бекнинг баъзи қушчилари амирзода Муҳаммадюсуф бек валади Фозил *бий*нинг қушчилари била шаҳардин келиб, ул мавзеда тушуб эрдилар, *явмут*ға сайд бўлдилар. Ул хоксори бодпаймойлар қушчилардин кавкабаи волонинг аъдои залолат интимо муҳосирасиға машғул эрканин эшитиб, ул хабари ваҳшатасар сарсаридин чироғи умидлари ўчти ва даҳшат тундбоди била хирмани сабот ва қарорлари барбод бўлуб, келтурган аҳмол ва асқолинким, буғдой ва биринж эрди, Арнак қирида тўкуб, тариқи фирорға қадами изтирор урдилар. Лашкариядин икки йигит *қароқалпоқ* аҳшомиға баъзи умури зарурия учун мутаважжиҳ бўлуб, Отйўлидин убур қилурда қир устида *тарокима*ни кўруб, мурожиат кўргузуб, дарбори фалакмиқдор мулозимлариға хабар еткурдилар. Мавқифи жалолдин фармони вожиб ал-имтисол содир бўлуб, *қароқалпоқ*ия муборизлари ул хабар таҳқиқи учун От гузариға завраqи азимат суруб, йўлда хабар топтиларким, Хиваққа борадурғон Манқишлоқ карвони эрмиш. Алар бу хабари номутаҳққиқ била мурожиат кўргуздилар. Тонгласиким, ойнинг учунжи[2418] куни жума эрди, хабар мутаҳаққиқ бўлуб, Қандим *сардор*ни фавжи билаким, ҳар фарди бир даста гўзидаси эрди, *явмут*ни такомиш қилурға буюрди. Маъмурлар Отйўлидин убур қилғондин сўнг аларни такомиш ва таоқиб этиб, камоли истижол ва ғояти мусориат била тўрт кунда Элтижа қудуғида муонидларнинг ақабидин етушти. Жонибайиндин сафоролиғ маросимининг иқоматидин сўнг Қандим *сардор* тадбири пирона ва ройи далерона муқтазоси била баъзи кордийда ва размозмой йигитларни байдақ муҳофизатиға тайин ва оромгузини тариқи тамкин қилди. **Байт:**

Керакдур уруш чоғи пирона райъ,
Сафоролиғ ичра далерона райъ.

Ва ўзи баҳодирлар ва аҳли таҳаввурлар билаким, **маснавий:**

Ҳар бири Рустами ферўз набард,
Ҳар бири маъракаи размда фард.
Сафдару сафшикану филафкан,
Зўрдасту қави-ю, рўйинтан.

[2417] Поймузд – оёқ ҳақи (иш ҳақи)
[2418] 1226 йил 3-рамазон/1811 йил 21 сентябр.

Дев чанголу малойик қудрат,
Кўҳи тамкину газанфар қувват

– эрди, рўйи иродат ва ниёзи ҳўзрат карими корсознинг айни иноят ва маҳзи марҳаматиға эвуруб, жалодат якронинг саромат майдониға сурди ва оташи сузон хористони Мўғилонға тушгандек, аъдо сипоҳиға аралашиб, теғи бедариғ сарафшонлиғи ва тўфанги раъд оҳанг жонситонлиғи била *тарокима*-дин кўп кишини мажруҳ ва мақтул қилиб, барча тева ва улоғларин дастгиру ғорат эттилар. Муфсидлар қудуқ устида янгидин силсилаи жамиатин мунаақид қилиб, чўбу туфроқдин атрофиға ҳисор эвирдилар. Чун қудуқ *тарокима* тасарруфида эрди ва сипоҳи нусратпаноҳда сув оз ва алиқи марокиб ноёб ва дашт бағоят ҳавлнок эрди, бу вужуҳ била тавақкуф қилмоқда тааззури тамом ва таассури локалом воқе эрди. Биноан алайҳ мунча футуҳ ва дастбурдға иктифо қилиб, мурожиат кўргузди. Ва шанба кечаси ойнинг тўрти[2419] да мунҳийлар суддаи хилофаи мулозимлариға хабар еткурдиларким, Оролнинг баъзи авбош ва арозили кечалари кема била Толлиқ рудиға кириб, ул ноҳият мазореидин ғалла ва алаф келтирур эрмиш. Бу жиҳатдин Муҳаммадниёз *карчак* ва Берди баҳодир ва Убайдуллоҳ хўжа баъзи муборизлар била Орол авбошларининг қасдиға маъмур бўлдилар. Маъмурлар кеча Толлиқда камин қилиб, мазореға борғонлардин дайёре қўймай, мақтул ва маасур қилиб, муаскари ҳумоюнға мурожиат кўргузиб, либоси фохир ва навозишот била сарафроз бўлдилар.

Ҳазрат хилофатпаноҳнинг жаноб валоятмаоб Ҳаким Ото ва Саййид Отол қаддаса асрораҳумо зиёратлариға мушарраф бўлмоғи

Чун ҳамиша ҳазрат аълохоқониға суннати сания ва одати марзия ул эрдиким, ҳар диёр ва мамлакатға хоҳ расми сайр, хоҳ иродаи тасхир била ворид бўлса, ул навоҳидаги бузургларнинг мақобир ва қадамгоҳлариғаким, қиблаи арбоби саодат ва каъбаи асҳоби иродатдур, «қабрларни зиёрат қилиш анбиёни кўрган кабидир[2420]» мафодининг иҳрози била камоли ихлосдин шарафи ихтисос топиб, зиёратға мушарраф бўлур эрди. Бу расми мааҳуд муқтазоси била якшанба куни ҳазрат қудват ал-авлиё, зубдат ал-атқиё, султони кишвари ирфон, солори лашкари ийқон Ҳаким Ото Сулаймон ва жаноб сиёдатмаоб, валоят интисоб, афзал ан-нужабо, акмал ал-урафо ҳазрат Саййид Аҳмад ал-машҳур ба-Саййид Ото *қаддасаллоҳу асрораҳумо*нинг иҳроз[2421] и зиёратлариға мубодират кўргузуб, Боқирғон самтиға ихлоси содиқ ва эътиқоди восиқ била роятафрози наҳзат бўлди. Аҳсани авқот ва асъади соотда қадами таъзим била ҳазрат валоят мартабатларнинг хатираи мунираларига ворид бўлди. Марқадайни шарифайин зиёратиға истисод топиб, арвоҳи фойиз ал-фаллоҳларидин истимдоди ҳиммат қилди. Ва ҳангоми зиёратда гулшани қудсдин насими файз иҳтизозға кириб, гулбуни футуҳот ғунчагушойлиғи била ҳазрат соҳибқирони комкорнинг муборак кўнгли чаманистони риққат бўлди. Ва дийдаи жаҳонбини садаф кўзидек қатароти ибаротдин лўлўи обдор ул остонаи қудсий осорға ийсор қилди. Ложарам абвоби қабул ул ҳазратнинг чеҳраи ихлосиға очилиб, ҳазратларнинг руҳи пурфутуҳларидин ташрифи истионат била сарафрозлиғ топти. Фақир ал-ҳақир ар-рожий ила шафоат ал-аҳмад Шермуҳаммад алмулаққаб бил-Муниским, бу ҳуруф роқимиман, ул мавзеи шарифда мақоми хузу ва тазарруда ҳозир эрдим, мушоҳида қилдимким, аксари акобир ва аозимким, ул мажлиси қудсийнишонға мушарраф бўлуб, даргоҳи ниёзға жибҳасои ихлос эрдилар, алардин ҳеч киши йўқ эрдиким, мустағриқи дарёйи ғайбат бўлуб, жавоҳири ҳузур била хазинаи ботини тўлмоғон бўлғай. Фақир буғина қитъани назм силкига чекиб эрдим. **Қитъа:**

Эй муалло остонинг қиблаи аҳли яқин,
Суртадурлар даргаҳингга шоҳлар рўйи ниёз.
Кимки хоки остонинг ўпти топти обрўй,
Балки ташрифи саодат бирла бўлди сарфароз.

[2419] 1226 йил 4-рамазон/1811 йил 22 сентябр.
[2420] Ҳадис.
[2421] Иҳроз – мушарраф бўлиш.

Ҳар кишиким сархуши жоми қабулингдур мудом,
Ул дурур майхонаи ваҳдат аро ишраттироз.
Чора истаб келмишам ошифта кўнглум дардига,
Чорае қил, чунки дард аҳлигадурсан чорасоз.
Келди юз умид ила Мунис жанобинг тавфига,
Қил навозишлар анг эй сарвари мискиннавоз.

Ҳазрат хидеви комкор ул остонаи фойиз ал-анвор ва утбаи қудсий осорнинг хокрўб ва хизматкорларин нузуроти бисёр ва тасаддуқоти бешумор била саршори давлати пойдор қилиб, жаноб валоят интисобларнинг вақфиётидаги мазорени бағишлади ва ташрифи кароматдин мумтоз ва аклили иноятдин сарафроз бўлуб, ҳузури мағфур ас-сурур била муовидат кўргузуб, кирёси баландасосға нузул қилди. Ул кун ҳазрат аълохоқоний зиёрат асносида Абдуллоҳ хўжа ва Тўлаган баҳодир ва Тайлоқ баҳодир ва мулло Эшимбойнинг ўғли Жонмуҳаммад ва Қаробош баҳодир *қароқалпоқ* черики била дарёдин убур қилиб, Оролнинг ўтчи ва экинчиларидин ўн-ўн беш кишини чаповул ва дастфарсуди татовул қилиб қайттилар.

Зиёфат таърифидаким, малойики сойимаддаҳр анинг чошнии завқидин орзуи ифтор қилур

Расм мааҳуд ва дастури собиқ била ойнинг еттиси[2422]да чаҳоршанба куни мавқифи иззу жалолдин фармони лозим ал-имтисол соҳиби замон, Осафи даврон, вазири аъзам, дастури мукаррам, низом ал-мулк вал-миллата Муҳаммадюсуф *меҳтар*ға нуфуз топтиким, зиёфат асбобининг таҳҳиясиға иштиғол кўргузуб, намозшомдаким, вақти ифтордур, муҳайё ва омода қилсун. Ложарам жаноб вазоратмаоб ул амр иштиғолида жаҳди мавфур ва саъйи машкур тақдимға еткуруб, амири давлатмаоб ва вазири Осафжаноб, низом уд-давлата Муҳаммадризо *қўшбеги* ва маҳрами асрори хоқоний, муқарриби ҳазрат султоний Хўжаш маҳрамнинг иҳтимоми била зиёфате тартиб бердиким, салотини номдор ва хавоқини олиймиқдор анинг чошнии таманносидин ширин калом бўлурлар ва каррубийларким, табақоти осмонда соим уд-даҳрдурлар, анинг шарбати орзусидин ифтор қилғоли иштаҳо ғалабасидин беором бўлурлар, лаззат мадор таббохлар атамаи гуногун ва ашрибаи мутанавваи лаззатомун ихтиро қилдилар ва ширинкор қаннодлар рангоранг қандалот ва ҳалво ва маожини қандин тартиб бердилар. Ва фавокаи лазиз аснофидинким, муҳосиби ақл теъдодидин ташқари эрди. Сиймин ширалар ва заррин бўшқобларға тердилар. **Рубоий:**

Фархунда зиёфате ки юз гуна таом,
Ҳар хвони зарандуд уза топиб ором.
Ҳар луқмаси юз лаззат ила парварда,
Ҳар лаззати юз жонни қилиб ширин ком.

Намози аср адосидин сўнг уламои азим уш-шон ва умарои гардунтавон, аркони давлат ва аъёни ҳазрат ва машоҳири сипоҳ ва жамоҳири давлатпаноҳ боргоҳи гардун иштибоҳға таважжуҳ қилиб, саропардаи иззат ва боргоҳи давлатдаким, **назм:**

Қаю боргоҳи муалло асос,
Ки манжуқи эрди Зуҳалга мумос.
Келиб вусъат ичра жаҳондин васе,
Буюкликда кўк хиймасидин рафе.
Анинг ҳар қанотида андоқ нигор,
Ки анқо қанотин қилиб шармсор.
Қуёш жирми заррин қабои анинг,
Шуҳуб тори сиймин таноби анинг.

[2422] 1226 йил 7-рамазон/1811 йил 25 сентябр.

Неким анда гулмихи мисмор ўлуб
Кавокиб киби барча заркор ўлуб.
Келиб ҳар сутун меҳвари осмон
Раъунатда қомат киби дилситон.
Вале зар била нақшин устодкор
Хито-ю ислимий этмиш нигор.
Фаррошу бисоти латофат аро
Қилиб кўрган элнинг кўзини қаро.

Ҳар киши ўз қадру манзилатиға яраша маснаднишини тамаккун бўлдилар. Ва шом намозидин фароғ ҳосил бўлғондин сўнг чобукдаст шарбатдорлар ифтор учун гуногун шарбати лазиз келтуруб, борчани маҳзуз ва ширинком қилдилар. Ва неъматпараст хонсолорлар самоти зардўз ва мавоиди зийнатандўз хосу ом олдиға ёйиб, анво атамаи ширин ва аснофи қандолот ва маожин ва гуногун ҳалвои шаҳдпарвар ва рангоранг фавокаи лаззатгўстардин саҳни боргоҳни фазои хулдбарин янглиғ мамлу ва машҳун қилдилар. **Маснавий:**

Аътама ҳозир бўлуб имконича,
Лаззат аро халқ чучук жонича.
Ғайри мукаррар неча турлук таом,
Баҳра олиб борча хавосу авом.
Рўза эли завқ ила ифтор этиб,
Аклда ҳирсу шараҳ изҳор этиб.
Ҳеч киши қолмади баҳр олмогон,
Доманига нозу наам солмогон.

Акл ва шурб адоси ва зийф инқизосидин сўнг ул кеча Ёрмуҳаммад бек Қўшкўпрукий дор ас-салтанаи Хивақдин келиб, Бухоро суфаросининг номасин келтурди. Бу вақоени ўқур маходимнинг замоири зибасоириға маълум бўлсунким, кўп муддатдин бери Бухоро *волий*си Мир Ҳайдар подшоҳ била ҳазрат хилофат мартабат мулозимларининг орасидин русул ва расоил рафт-омади билкулл мунқате бўлуб эрди. Чун ҳазрат аълохоқонийнинг офтоби иқболиким, ҳамиша сипеҳри жалолда партавафкани авжи камол бўлсун, кун-кундин иртифо топти, Мир Ҳайдар подшоҳ мухолифат ва муонидат изҳоридин хижил ва пушаймон бўлуб, баҳона тилар эрдиким, ул баҳона василаси била мобайни давлатайниндин кудурат муртафе бўлғай. Бу тамҳид била ул учурда ўғли учун тўйи азим тартиб бериб, ул тўйиға даъват қилмоқ баҳонасин васила қилиб, умаросидин *манқит* Ўроқбой *чураоқоси*[2423] ва Авазмуҳаммад *ясовулбоши*[2424]ни сифорат расми била ихлоснома топшуруб, равонаи Хоразм қилди. Алар рамазон авоили[2425]да дор ал-хилофа Хиваққа ворид бўлуб, жаноб аморатмаоб, ниёбат интисоб, умдат ал-умаро, зубдат ал-узмо *амири кабир* Кутлуғмурод *иноқ* аларни шаҳарда мавқуф қилиб, ўз мулозимларидин Ёрмуҳаммад беки мазкурни Мир Ҳайдарнинг юборган номаси била дарбори фалакмиқдорға ирсол қилди. Беки мумилайҳ мазкур бўлғон кеча шарафандўзи тақбили остон бўлуб, ул номани маҳрамлар василаси била арзға еткурди. Ул нома изҳори ихлос ва мувофиқатға мушиир эрди.

Ва жаҳонгардлардин Ҳайдарсаййид отлиғ бир йигит Ёрмуҳаммад бек мусоҳибатида келиб, фақирнинг оқоси Муҳаммадниёз *мироб* ва Одинақули *отолиқ* ва Муҳаммадниёз *сардор* ва Шайхназар халифа ва яна икки кишиким, барчаси хоқони мағфур Элтузар Муҳаммадхоннинг воқеаи ҳоиласида мафқуд бўлуб, ҳаёт ва мамотларидин аслан нишоне топилмайдур эрди, аларнинг Ўртаюз *қазоқ*идин *уйшун* ва *баҳрин* улусида асир ва бандалик хабарин келтуруб, аризадоштларин мавқифи арзға еткурди. Эмди олийҳазратнинг авотифи хусравона ва мароҳими подшоҳонасидин умидимиз буким, ул овораи

[2423] Чураоқоси – чеҳраоқоси. Бухорода амир саройи маҳрамларининг бошлиғи. У барча чеҳра (маҳрамларни) шахсан таниб, саройга киритиши лозим эди.

[2424] Ясовулбоши – ясовулларнинг бошлиғи.

[2425] 1226 йил 1 – 5-рамазон/ 1811 йили 19 сентябрида рамазон кирган.

бехонимон ва бечораи саргардонларни ожизнавозлиқ ва бандапарварлик юзидин йўқласалар, шоядким, давлати рўзафзун маёминидин аларнинг ҳузури пурсурури била мутааллиқларининг дийдаи интизорлари равшан бўлғай ва баҳори вусули била авлод ва қариндошларининг хотири беқарорлари гулшан бўлғай. **Назм:**

Шаҳо, шаҳриёро, карампарваро,
Хилофат сарири уза доваро.
Карамлик улуғ давлатингдин мудом,
Будур бизнинг умидимиз субҳу шом.
Ки қилсанг карамдин муҳайё яроғ,
Асири жафоларни қилсанг сўроғ.
Юборсанг жаҳондидалар ҳар тараф,
Сўруб қулларингдин хабар ҳар тараф.
Недур йўқламоқ ихтиёр айласанг,
Йўқ ўлгон кишимизни бор айласанг.
Жазо ғайбдин ҳақ етурсун санго,
Неким хотиринг кўргузур майл анго.
Жаҳон мулки бўлсун мусаллам тамом,
Кириб тахти ҳукмингга олам тамом.
Жаҳонбонлар ўлсун қопунг бандаси,
Салотин жанобинг сарафкандаси.

Тонгласиким, панжшанба эрди, чоштгоҳда Кунжид ёрма сангаридин кўчуб, Йингичка сақосида дарё қироғинким, масофати қўрғонғача тахминан бир милдур, сангар қилиб, хайёми иқбол ва сародиқоти ижлолни гунбази даввορға ҳамсар қилдиким, муонидларға мазиқи муҳосира тангроқ бўлғай. Ул кун аҳолии Оролға раабу ҳарос истилои тамом топиб, *очомойли* ва *кўкузакли*ким, *қўнғрот*нинг муаззам қабоилидиндур, ул икки уруқнинг баъзи акобири суддаи хилофат мулозимлариға яширин киши юбордилар. Бу мазмун билаким «бу бир неча бандаи хоксор ва мужрими табоҳкор агарчи қазои раббоний ва иқтизои гардиши осмоний била муддати мадид ва аҳди баид ул икки сўфии нобакор, яъни Хўжамурод *бий* ва Тўрамурод сўфининг фармони залолатнишониға заруратан мутобиат кўргузуб, қадамфарсои тариқи инод ва даштпаймои баводии фасод бўлдуқ. Ва лекин бу айёми хужаста фаржомдаким, алҳамдуллоҳ вал минна, олийҳазрати хилофат манқабатнинг кавкабаи ҳумоюни давлати рўзафзун қоидининг инонкашлиги била бу диёр ҳавосин ғубор вурудидин анбар олуд қилиб, алвияйи зафар таабиа парчами муфориқи аҳволимизға сояафкандур, **байт:**

Ул соя филҳақиқата эрур сояйи Ҳумой,
Давлатдур анинг остида ҳар кимса тутса жой

– бу давлати узмони хиради дурбиннинг далолат ва ҳидояти била муғтанам билиб, залолат ва жаҳолат тариқидин мутақоид бўлдуқ. Ва қилғон жароимдин тавба қилиб, афв доманиға дасти тазарру ва иноят остониға жибҳаи тахашшу урубмиз. Агар саҳифаи исён ва жаридаи хазлонимизға рақами афв чекилиб, офтоби иноят рўзгори тийрамизға партавафкани шафқат бўлса, умид содиқ ва рижо восиқдурким, гуноҳимиз кафорати учун давлати қоҳира ва нусрати боҳира музоҳирати била сўфии нобакорниким, ҳомили исми бемусаммодур, либоси ҳаётдин урён қилиб, амвот силкига чеккаймиз. Аммо, карами хоқонийдин илтижо ва илтимосимиз буким, бир иноятнома ирсоли била дийдаи умидларимиз мурод чироғидин равшан ва хотири маҳзунларимиз беҳжат баҳоридин гулшан қилилса.» Чун ҳазрат соҳибқироннинг вужуди зи-жуди маъдани афв ва фитрати масъуди махзани шафқат эрди, ложарам ул жамоанинг жароими жадида ва осоими қадимасидин иғмоз қилиб, ижобан ли-л-мултамиса истимолат кўргузуб, иноятнома марҳамат қилди. Жамоаи мазкура ул маншури иноятни тожи тораки ифтихор ва сармояйи итминон ва истизҳор қилиб, сўфининг қатлиға камари ижтиҳод боғлаб, фурсат интиҳозиға мунтазир бўлдилар.

Иттифоқоти ҳасанадин муҳосира айёмида Тўрамурод сўфиким, ғалабаи ҳасрат ва ҳасаддин ҳашмати хоқоний ва шавкати соҳибқиронийни кўра олмас эрди, «қазо келса кўздан нур қочади[2426]» муқтазоси била ул кўрнамак кофири неъматнинг кўзиға ғубори батолат тушуб, қуввати босирасиға ихтилол етиб эрди. Бу жиҳатдин аксар авқот ташқари чиқа олмай, узлатгузини зовияйи хумул ва гўшанишини ҳовияйи зуюл эрди. Ойнинг ўни[2427] да шанба куниким, ул нобакори бебасирнинг офтоби ҳаётининг вақти уфул[2428] и эрди, Каримберди *отолиқ* ва Абдуллоҳ *иноқ*ға мавқифи жалолдин фармони вожиб ал-изъон иззи исдор топтиким, қалъа устиға бориб, муҳосира қилиб, махориж ва мадохил муҳофазатиға қиём кўргузсунлар. Маъмурлар қалъа устиға бориб, Каримберди *отолиқ уйғур* черики била қалъанинг ғарбий ва шимолий тарафин булжор қилиб, туруқ ва мамарр[2429] ларнинг муҳофизатиға мутасадди бўлди. Ва *амир* Абдуллоҳ *иноқ* ва Абдураҳмон бек Ҳазорасб сипоҳи била қўрғоннинг жанубин булжор қилиб, дарё қироғида полизда сафоролиғ кўргузди. Бу жиҳатдин ул муфсиди бадкор ғалабаи раабу изтирордин хандақнинг вайрон мавзеларин қоздурурға бовужуди ихтилоли басар[2430] Орол аҳолиси била қалъадин чиқиб, балки қоиди ажал кашокаши била қатлгоҳеға озим бўлуб, Абдуллоҳ *иноқ*нинг муқобиласида хандақ лабиғаким, дарёға муттасил эрди, нузул қилди. Ва хандақнинг ул мавзеинким, ўтган урушда Муҳаммадкарим қўйчи мубориздар била ул ердин ўтуб эрди, андоққим собиқан зикр топти, ҳафр қилдирурға ҳозир пиёдаларни машғул қилди. Ва Эшқули Субҳонберди *жорчи*[2431] никим, анинг ўғли Муҳаммадниёз ва Дўсот бекнинг от ва яроғин олиб, даргоҳи олампаноҳ мулозиматиға фоиз бўлуб эрди, бу жиҳатдин ул бечорани таазиби тамом била маҳбус қилдириб эрди, ҳузуриға келтуруб, Абдуллоҳ *иноқ*нинг назаргоҳида теғи бедод била шаҳид қилдурди, токим аҳолии Оролнинг ярим кўнгулликлариға зобита ва сиёсатин ва асокири мансураға журъату жалодатин кўргузгай. Ғофил андинким, ул бегуноҳнинг қони тутуб «қатл этсанг қатл этилганлардан бўлурсан[2432]» фаҳвоси била суи-амал жазосин кўргусидур. Ул аснода ғарбия дарвозада Каримберди *отолиқ*нинг тарафидин овози тўфанг ва садои табли жанг келиб, Тавқара бекниким, иккинчи ўғли эрди, Суюнбий бошлиғ ҳузуридаги муътамид кишилари била ғарбия дарвозаға ирсол қилди. Ҳануз алар дарвозаға етмайин, *очомойли* ва *кўкузакли* акобири фурсатни ғанимат билиб, Худойберди божбонким, Тўра сўфининг муътамиди алайҳ мулозимларидин эрди ва бу амрда акобирға ҳамдастон эрди, чустдастлик қилиб, барчадин бурун сўфининг паҳлусиға найзае урди. Ва Алибек *отолиқ кўкуз*акликим, анинг ёнида ўтириб эрди, қўлидаги милтуқ била бошиға зарба еткурди. Кўкузакли Бегим *отолиқ* Худойберди божбоннинг ўғли Тожимурод била анинг бошин кесиб, даргоҳи олампаноҳға мутаважжиҳ бўлдилар. **Қитъа:**

Улки саркашлик қилиб чавгондек эгмас эрди бош,
Оқибат даврон анинг бошин кесиб гўй айлади.
Тийрадиллик ҳосил этмиш эрди куфрон била ул,
Гарди зиллатдин фалак даги сияҳрўй айлади.

Абдуллоҳ *иноқ* қалъаға ворид бўлуб, Қилич *иноқ*ким, шикорға отланиб, ул тарафға гузари тушиб эрди, бу маънидин огоҳ топиб, Абдуллоҳ *иноқ*ға лоҳиқ бўлди ва иттифоқ била ичкари қалъанинг дарвозасида таваққуф аламин барпой қилдилар, токим ҳазрат султони соҳибқироннинг ярлиғи оламматои қайси ишга содир бўлғусидир. Аммо. Каримберди *отолиқ* бу воқеаи беҳжатафзодин бехабар сафоролиғға машғул эрди, ул ҳолда сўфининг мулозимлардин Жуманиёз *дўрмон*ким, сўфининг ҳангоми қатлида анинг улуғ ўғли Дўсот бек била қалъанинг орқасиға фирорий бўлуб эрди, Дўсот бекнинг бир мулозимин ўлдириб, бошин келтуриб, Каримберди *отолиқ*ға сўфининг хабарин еткурди. *Отолиқ*и мазбур ғарбия

[2426] Ҳадис.
[2427] 1226 йил 10-рамазон/1811 йил 28 сентябр.
[2428] Уфул – ботиш, сўниш.
[2429] Туруқ ва мамарр – йўл ва ўтиш-кечиш жойи.
[2430] Кўзи заифлашганига қарамай.
[2431] Жорчи/жарчи – хон (амир)нинг ёрлиқ ва фармонларини жар солиб, эълон қилувчи.
[2432] Ҳадис.

дарвозадин сипоҳи била қалъаға духул қилиб, ўз черикин ва Орол раоёсин бадхоҳ фасодандешларниким, сўфининг муовин ва ҳамдастлари эрди, тутдирмоқға буюрди. Бу жиҳатдин ғавғои ом воқе бўлуб, ул ғавғода Зоҳирхон отлиғ Бухоро элчисиким, бурноғи кеча *Тўра*бек *қиёт* била Бухородин келиб, қалъаға ворид бўлуб эрди, арбоби фасоддин тўрт-беш киши била қатлға етти. Сўфининг боши даргоҳи фалакиштибоҳ мулозимлариға арза қилилғондин сўнг ҳазрат хидеви комкор аввал иниси амирзодаи аъзам, заҳир уд-давла Муҳаммадназар бекни қалъа муҳофизатиға маъмур қилиб, изидин ўзи кавкабаи тамом ва дабдабаи молокалом била рукуб қилди ва қалъанинг қибласида хандақға қариб дарё қироғин насими баҳор вусули била бўстони иқбол ва чаманистони давлат ва жалол қилиб, роятафрози тавaққуф бўлди. Асокири мансура ва афвожи қоҳира фавж-фавж ҳар дарвозадин қалъаға дохил бўлуб, сўфининг работиға ҳамсоя фуқаронинг яхши-ёмонининг хонимонин оташи наҳб ва сели торож била хароб ва вайрон қилур эрдилар. Бу сониҳа маърузи райи анвари бўлуб, вазоратпаноҳ, Осафжойгоҳ, низом уд-давла Муҳаммадюсуф *меҳтар* ва аморатмаоб, жалолат интисоб, амири соиб тадбир, муғайс уд-давлата вад-дунё Муҳаммадризо *қўшбеги* ва мақбули ҳазрат хоқоний ва маҳрами асрори соҳибқироний Ёрмуҳаммад *девонбеги* ва Хўжаш маҳрамни жамие муътамид ва мутадаййин кишилар била асокири мансурани торож ва татовулдин манъ ва фуқаронинг амволу хонадонин наҳбу ғоратдин сиёнат[2433] ва сўфининг ҳарам ва амволи ва хазинасин забт қилурға буюриб, амирзодаи аъзам, мафхари аҳли олам, заҳир ад-давлат ва-д-дин Муҳаммадназар бекка ярлиғи жаҳонмато нуфуз топтиким, маъмурларға бош бўлуб, ҳукми ҳумоюнни имзоға еткурсинлар. Ложарам амирзодаи мушорилайҳ маъмурлар била асокири мансура ва афвожи қоҳирани наҳбу торождин мамнуъ қилиб, афв ва иноят башорати била Орол ва Қўнгротнинг аҳоли ва фуқаросин мутмаин ва мустазҳар эттилар. Ва сўфининг амвол ва хазинасин забт қилиб, мавқифи арзға еткурдилар. Ва *қўнгрот*нинг баъзи акобир ва маорифинким, Тўрамурод сўфининг давлатхоҳлиғида собитқадам ва росихдам ва бу давлати рўзафзуннинг адоватида маъруф ва ангуштнамой эрдилар, сиёсатгоҳға келтурдилар. Ул жумладин Ўтаффбойким, сўфидин сўнг *қўнгрот* акобирининг маржаи ул эрди, авваЛғи кун ҳазрат хидеви комкор анга ғояти шафқат ва камоли марҳаматдин бир пейки некпей била истимолатнома юбориб, ул шўрида бахти бедавлат залолат ва жаҳолатдин ул васиқаи истимолатниким, филҳақақата маншури давлат ва нишони саодат эрди, рад қилиб, пейкни сўфининг ҳузуриға элтиб, бечорани шаҳид қилдириб эрди. Ҳазрат аълохоқоний карами жибиллий ва шафқати азизий василаси била «қодир Оллоҳ олдида афв зафар-ғалаба закотидир[2434]» мазмунин амалға киюриб, *амир* Муҳаммадризо *қўшбеги*нинг риояйи қаробати ва Шоҳниёз *отолиқ*нинг воситаи шафоатидин жароимин афв қилиб, омонлиғ ярлиғин мукаррамат қилди. Бу йўсинда ўзга мужримларни дағи паймонаи афв ва иноятидин баҳраёби бодаи итминон қилди. **Қитъа:**

Зиҳи иноятинг аҳли гуноҳ боши уза,
Солур куёш киби ҳар дам шуои афви карам.
Мароҳиминг била шод ўлди зумраи қўнгрот,
Нечук ки шоҳи русал шафқатидин аҳли ҳарам.

Ва ясоқчилар сўфининг зиндонин бузуб, бандиларниким, неча йиллардин бери гирифтори иғлоли бало ва муқаййиди салосили аъно эрдилар, халос қилиб келтурдилар. Ҳазрат аълохоқоний карами бекаронидин ул мазлумларни баҳраманди отифат қилиб ва ташрифот иноётидин сарафроз этиб «аҳли оиласига шоду хуррам қайтажак[2435]» фаҳвоси била мавотин ва масокиниға марҳалапаймои беҳжат қилди. Ул жумладин Муҳаммадпаноҳ бойким, Юмри қалъасининг акобиридиндур, етти йил эрдиким, ул золим бадкирдорға асир бўлуб, зиндон гўшанишини эрди. Ва Чўнгқора *бий кенагас*нинг икки ўғликим, беш йилдин бери мағлул ва маҳбус эрди. Ва Ҳасанбой *бий*нинг икки иниси ва хотуни уч йилдин бери ул балоға мубтало эрди. Бу тариқада Худойберди беки шаҳиднинг ҳарами муҳтарами бовужудиким, анга қаробат нисбати бор эрди, яна неча заифалар била бўйинларида ғул ва оёқларида кишан зиндони меҳ-

---

[2433] Сиёнат – ҳимоя қилиш.
[2434] Ҳадис.
[2435] Қуръони карим, 84 : 9.

натда маҳбус эрди, барчаси қайду ҳабс балосидин халос бўлуб ва авотифи хусравонаға ихтисос топиб, ўз қариндошлариға топширилди. **Назм:**

Зуафоким асиру банди эди,
Қайди олом мустаманди эди.
Кўргузуб шоҳ илтифот охир,
Топтилар қайддин нажот охир.

Ва сўфининг ҳангоми қатлида баъзи аъдои давлатким, гуноҳи кўпрок эрди, истилои раабу ҳаросдин «бутунлай йўқ бўлгандан кўра қочмоқ фойдалидир[2436]» қазиясин ғанимат билиб фирор тариқаси била «чигиртка тарқалган каби[2437]» атрофға мутафарриқ бўлуб, ул жумладин Дўсот бек валади Тўрамурод сўфи уч киши била ва Суюн бий ва Тавқара бек валади Тўра сўфи тўрт киши била ва Султонмурод бек бошлиғ Жонак кўр ва Худойберди ва Омон ва Оллоҳқуликим, бу учови *явмут*ия муфсидларидин эрди, сўфининг тўрт-беш мулозими била уч бўлак қочиб эрдилар. Аларнинг такомишиға сипоҳи нусратпаноҳдин жамъи касирни буюрди. Ва қалъа дарвозаларининг муҳофизатин Каримберди *отолиқ* ва Худойназар *отолиқ* ва Қилич *иноқ* ва Муҳаммадризо *иноқ* ва Абдуллоҳ *иноқ* ва умарои изомға тафвиз қилиб, муаскари ҳумоюнда кирёси гардунасосға нузул қилди. Ва сўфининг бошин фатҳнома била *қангли* Жаҳонгирбек ибн Ҳасанмурод *парвоначи* ва Худойберди божбоннинг ўғлиға топшириб, доруссалтани Хиваққа ирсол қилди. Ва *найман* Абдукарим бекким, Эшмуҳаммад бек воқеасида домгоҳи ажалдин фирор дастёрлиғи била нажот топиб эрди, ани яна бир иниси била дастгир қилиб келтуриб эрдилар, Ўрозали *иноқ*нинг қони учун Худойназар бек валади Кўчак *иноқ*ға бердилар. Беки мушорилайҳ ул иковини оқосининг қасосиға теғи интиқом била ўлдириб «сизлар учун қасосда ҳаёт бор, эй аҳли қасос[2438]» мадлули била ҳаёти тоза топти. Ва якшанба куни *қўнғрот* акобиридин Ўтаф бой ва Эшмуҳаммад *охунд* бошлиғ олтмиш кишиниким, сўфининг давлатхоҳи эрдилар ва Суюн *бий*нинг оқоси Қурбонбекни Суюн*бий*нинг мутаалліқот ва ақрабоси била балдаи маҳрусаи Хиваққа кўчурдилар. Бу йўсинда баъзи баҳодирларким, Орол атрофидин сўфиға мулозим эрдилар, мисли Султон *кенагас* ва *Тўра*бек *қиёт* ва Худойберди *қийиқ* Хўжаэлий ва Жуманиёз *дўрман* ва ғайриҳум бу жамоанинг ўзларин мулозими рикоби ҳумоюн қилиб, мутаалліқотин шаҳарға кўчурди. Ул кун фирорийлар таоқибига буюрилғон сипоҳдин Шоҳниёз *қорақалпоқ* етти киши била Султонмурод бекнинг изидин етиб, икки *явмут*ни ҳамроҳлари била ўлдириб, аларнинг бошин ва Султонмурод бек била оллоҳқули *явмут*ни тирик келтурдилар. Ва Қаландарбек валади Яхшилиқ *бий* Берди баҳодирнинг баъзи навкарлари била Тавқара бек ва Суюн *бий*нинг ақабидин етиб, алар жон ваҳмидин кўлға кириб, қамиш орасида мутаворий бўлдилар. Баҳодирлар аларнинг от ва яроғларинким, ташлаб қочиб эрдилар, олиб келдилар. Аммо Дўсот бек Толлилиқ ва дарёдин ўтуб, *Қазоқ* дарёсиға бориб, андин *Кўкузак* жонибиға атфи инон қилиб, Тош гузаридин убур қилиб, Бухороға борди. Душанба куни ойининг ўн иккисида фармон мавжиби била зарринқалам дабирлар ва чобукрақам муншийлар фатҳномалар битиб, суфарои сариъсайр била атроф мамоликға ирсол қилилди. Ул жумладин *човдур* акобиридин Қувонж бекни Манқишлоқға ва мулло Эшимбойни Дашти қипчоқда *қазоқ* элининг дасти рости *тобин* уруғининг подшоҳи Қаротойхон валади Нуралихонға ва Оллоҳберди хўжани мулло Эшимбойнинг ўғли Жонмуҳаммад била Сир канорида *чакли* улусининг подшоҳи Абдулазизхон халафи Ғойибхон ва Жонназар *бий* ва Қубон қироғида *чумакой* элининг фармонфармоси Султон Темурхонға юборди. Аммо, бу элда Хоразм тавобеотидин кўп асир бор эрди. Ул асирларни дағи талаб қилди. Ҳам ул кун аморатпаноҳ Муҳаммадризо *қўшбеги*ни қалъа тахрибиға маъмур қилди. Ложарам ул жаноб Орол раоёсиға қалъа арконин мақсум қилиб ва жаҳди мавфур ва масоии машкур тақдимға euткуруб, уч кунда анингдек қалъаниким, вусъатда йигирма минг уйлук эл анга гунжойиш қилур эрди ва рифъатда фалак ал-буружға дами мусовот урар эрди, хароб ва вайрон қилиб, анинг сурати ҳолини «устини ости қилдик[2439]» мазмуниға мувофиқ қилди. **Иттифоқоти ҳасанадин** Тавқара бекким, Тўра сўфи-

[2436] Араб мақоли.
[2437] Ҳадисдан.
[2438] Қуръони карим, 2 : 179.
[2439] Қуръони карим, 11 : 82.

нинг амжад авлоди эрди, от ва ярофдин айрилфондин сўнг қамиш орасидин чиқиб, ҳамроҳлари била бир неча кун саргардонлиғ чекиб, охириламр ғалабаи ваҳшатдин йўлдошларидин бошқа тушуб, ҳеч тарафға йўл бошқара олмай, қазо қоидининг инонкашлиги била йўлин йитируб, қалъанинг остидин чиқти. Ва ғояти раабу изтирордин хулосаи дудмони Саййид Ото саййид Жаъфар хўжанинг манзилгоҳин ўзиға паноҳи офият қилди. Жаноб сиёдатмаоб бу воқеадин Абдуллоҳ *иноқ*ни хабардор қилиб, *иноқ* ани хўжанинг уйидин тутдуриб, даргоҳи оламп аноҳға юборди. Бу воқеа сешанба кечаси эрди. Ғазаби султоний анинг бунёни умрининг инҳидомиға жозим бўлуб, ани ва Султонмурод бекни Эрниёз бекнинг қасоси учунким, ул Хўжамурод *бий*нинг қатлидин сўнг ҳазрат хилофат мартабат баиятининг даъвати учун Қўнгротға бориб, Тўрамурод сўфининг зиндониға гирифтор бўлуб, бир йилдин сўнг ҳаёт вадиатин қобиз ал-арвоҳға топшириб эрди, анинг бародарзодаси Болташ бек валади Бойназар бийга берди. Беки мазбур теғи обдорининг оташафшонлиғи била аларнинг хирмани ҳаётин кул қилиб, хоки вужудларин фано елига совурди. Бу тариқада Муҳаммадсафо бекнинг кичик иниси Ризобек ва Ҳасанмурод бекнинг ўғли Жуманиёз бек ва Сариғ *човдур* ва Манқит *бий* ва Худойберди *бий*ни ва Оллоқули *явмут*ни аларнинг изидин озими саҳрои адам қилдилар. **Шеър:**

На хушдур бадандешлар бўлса хор,
Хусусан ғазаб тиғидин ўлса зор.
Ки аъдо ҳамиша сарафканда хуб,
Боши мунқате, жисми мадфанда хуб.

Тонгласи сешанба куни чун жамшиди хуршид фалак шикоргоҳиға якрони азимат сурди, ҳазрат хидеви комкор умарои зилиқтидор била шикор азмиға дарёдин ўтуб, Қўнгрот қалъасининг шарқида шикорандозлиғ амриға қиём кўргузди. **Назм:**

Хусрави Жамшид фарру комкор,
Овлағали кўнглини қилди шикор.
Сайддин оқиздилар ул нав хун,
Бўлди ҳамул дашт юзи лолагун.

Зуҳр вақти шикоргоҳдин мурожиат кўргузуб, Жайҳундин убур қилиб, кирёси давлат асоснинг қуббаи ифтихорин нузули майманатвусули била гунбази даввор авжидин ўткарди. Ва Қандим *сардор*ким, *явмут* муфсидлариға дастбурди азим еткуруб, ҳусули ком ва вусули маром била мурожиат кўргузуб эрди, ул кун келиб, утбабўслиқ шарафиға истисод топти ва келтурган ғаноимдин пешкаши лойиқ ва тансуқи мувофиқ арзға еткуруб, иноёти хусравона ва навозишоти бекаронаға махсус бўлди. Ҳам ул кун Янгидарёда ўлтирғон *қароқалпоқ* улусин *қазоқ* келиб муҳосира қилғон хабари етиб, Оқёқиш *ҳокими* Ойдўст *бий* ул жамоа имдодиға ва *қазоқ* таадибиға маъмур бўлди. **Бу сониҳа тавзиҳи улким,** собиқан гузориш топиб эрдиким, Янгидарё мафтуҳ бўлғондин сўнг ул диёрдаги *қароқалпоқ*ия фармон мавжиби била кўчуб, Кўкўзак ва Омуя савоҳилида оромгузин эрди. Ул жамоадин баъзи эл *хитой* Омонжон *бий* бошлиғ баҳор бўлғондин сўнг ўтлоқ ва яйлоқ жиҳатидин Янгидарёға кўчуб, Ҳасан қалъасининг ҳаволисида мутамаккин бўлуб эрди. Бу хабар *қазоқ*да *чумакой* халқиғаким, Янгидарё аҳолисиға душмани қадим эрдилар етушуб, Султон Темурхон ва Бурғутбой *бий қазоқ*дин жунуди номаъдуд фароҳам қилиб, Мезон авоилида Янгидарёға юбордилар. *Қазоқ* черики Янгидарё навоҳисиға ворид бўлуб, яйлоқда ўлтирғон элға чаповул уруб, кўп бечорани шаҳид ва асир қилдилар. Ва қолғон эл Ҳасан қалъасиға мутаҳассин бўлуб, атрофиға хандақ қазиб, қалъадорлиқға иштиғол кўргуздилар. *Қазоқ* сипоҳи аларни бир неча кун тангнои муҳосираға тутуб, ҳар кун икки қатла муҳориба қилдилар. Ул аснода бир кун *қароқалпоқ* тақдими машваратдин сўнг бир югурук от топиб, бир жалд йигитни анга миндириб, дарбори гардун мадорға хабар ирсоли учун Оқёқиш тарафиға роҳий қилдилар. Ул йигит мутаваккалан ала Оллоҳ қалъадин чиқиб, отиға маҳмиз берди ва *қазоқ* черикининг орасидин «кўзни қамаштирувчи чақмоқ ва кучли шамол насими каби» ўтуб, йўлға озим бўлди. *Қазоқ* ани Кўктепагачаким, Тангёрбошиға бир ярим манзиллик йўлдур, такомиш қилиб, ета олмайин, муовидат кўргуздилар. Ул йигит тонгласи субҳ тулуидин бурун Оқёқишға ворид бўлуб, Ойдўст бийга хабарни еткурди. Ойдўст *бий* ул сониҳани Ўкубой била суддаи

хилофат мулозимлариға эълом қилиб, мавқифи жалолдин ул муҳим файсалининг итмомиға маъмур бўлди. Ложарам Ойдўст *бий* фармони жаҳонмато муқтазоси била Оқёқишдин беш юз нафар муборизи кингузор олиб, Янгидарёға роятафрози наҳзат бўлди. Аммо, *қазоқ* черики жаноб хоқонийға хабар еткандин сўнг ваҳмнок бўлуб, мусолиҳа сўзин ораға солиб, анга қарор бердиларким, *қазоқ*дин икки юз уйлук алар орасида оромгузин бўлса ва алардин дағи икки юз хонавор *қазоқ* улусиға қўшулса, токим бу мусолиҳа биноси ул нав ихтилот била истеҳком топғай. *Қароқалпоқ* содадиллари бу сулҳи ҳийлаомезға фирифта бўлуб, икки юз уйлук элни орасидин чиқариб, *қазоқ*ға бердилар. *Қазоқ* черики бинои мусолиҳани селоби мухолифат била вайрон қилиб, ул бечораларни торож ва асир этиб, жиноҳи истижол била ўз юртиға муовидат кўргуздилар. Ойдўст *бий* бу воқеадин икки кун сўнг Янгидарёға бориб, *қазоқ* изидин илғор юборди. Илғор Қувонғғача бориб, *қазоқ*ға ета олмай қайтти. Ойдўст *бий* ул элни кўчуруб, Оқёқиш ҳаволисида аларға сукно тайин қилди.

Чун Эзиди мутаол ва карими зу-л-жалолнинг инояти беғоятидин Қўнғрот қалъаси суддаи хилофат мулозимларининг тасррруфига «дарҳақиқат жаннат ерига менинг солиҳ бандаларим ворис бўлурлар[2440]» мадлули била тааллуқ топиб, Орол муҳиммотининг забт ва иҳтимомидин билжумла фароғ ҳосил бўлди, ҳазрат хидеви комкор ва соҳибқирони олиймиқдор рикоби ҳумоюн мулозимларидин Муҳаммадниёз карчак баҳодир ва Берди баҳодирниким, *очомойли* ва *кўкўзакли* жамоасидин эрдилар, Хўжамурод *бий*нинг мулозиматида Оролдин келиб, бийи мазбурнинг қатлидин сўнг авотифи хусравона била ҳазизи мазиллатдин авжи иззатға тараққий топиб, сипаҳдорлиғ мансабиға фоиз бўлиб эрдилар, авотифи соҳибқироний аларға янгидин шомили аҳвол бўлуб. Орол ҳукуматиға мушорикатан насб этиб, бийлик мансаби била сарафроз қилди. Ва Худойберди божбонниким, хизмати шойиста тақдимға еткуруб, сўфии бепирнинг ғубори вужудин ойинаи рўзгордин рафъ қилиб эрди, духул ва хуружда оларға саҳим ва шерик қилиб, *қўнғрот* акобирин хилои хуршидшуо ва анвои эҳсон ва истино била сарбаланду баҳраманд этти. **Қитъа:**

Эй салотин бўсагоҳи остонинг тупроғи,
Остонбўсингға етганлар жаҳонбонлиғ топар.
Соя солса гар гадойға Ҳумои шафқатинг,
Ул гадо авранги давлат узра султонлиғ топар.

Ва моҳи мубораккнинг ўн тўрти[2441] да чаҳоршанба куни ҳимояти яздоний канфида камоли давлат ва комронлиғ била Қўнғротдин роятафрози наҳзат бўлуб, инони отифатин мурожиат тариқиға маатуф қилди ва пешиндин сўнг Туморли мавзеин нузули мусарратвусули била мафхари манозил қилди. Бу мавзеда Суюн *бий* хокбўслиғ шарафиға фоиз бўлуб, жаридаи жаримасиға рақами афв чекилди. **Бу воқеа кайфияти улким,** Суюн *бий* от ва яроғдин айрилғондин сўнг Тавқарабекдин жудо тушуб, ҳеч тарафға йўл бошқара олмайин, саросима ва мутаҳаййир бўлуб, бир харобаға ўзин еткуруб, мухтафий бўлди. Ул аснода ошноларидин биров сарвақтиға етиб, Суюн *бий* ани истишфо изҳори била Қилич *иноқ*нинг мулозиматиға юборди. Қилич *иноқ* анинг хабарин эшитгандин сўнг уруғдошлиқ риоясин маръи тутуб, даргоҳи оламшаноҳдин анинг гуноҳин тилаб, истимолатнома ҳосил қилиб, ани келтирурға муътамид кишилар юборди. Иттифоқан алар етмасдин бурун Суйри *бий*нинг инилариким, алар дағи қовғунчилиқға маъмур эрдилар, Суюн бийга йўлиқиб, ани муқаййид қилдилар ва қўшиға келтуруб, амири равшанзамир Шоҳниёз *отолиқ*дин истижоза қилдиларким, ани Суйри *бий*нинг қасоси учун ўлдиргайлар. *Отолиқ* аларни ҳазрат хидеви комкорнинг анга истимолатнома юборганидин мутанаббеҳ қилиб, қасос ва интиқомдин мамонет кўргузди ва ани аларнинг қўлидин олиб, Қилич *иноқ*нинг мулозиматиға юборди. Қилич *иноқ* ани биродарзодаси шужо уд-давла Муҳаммаджон бекнинг мусоҳибатида даргоҳи хилофатпаноҳға юбориб, ҳазрат аълохоқоний ани манзури назари утуфат қилиб, жароимин бағишлади. Ҳам бу мавзеда Муҳаммадниёз карчак *бий* ва Берди баҳодир *бий*ни маросими адлу дод ва қавонини дафъи фасод иқоматиға амр қилиб, Қўнғротға қайтарди ва аларнинг навкарларин Муҳаммадкарим *қўйчи отолиқ*ғаким,

---

[2440] Қуръони карим, 21 : 105.
[2441] 1226 йил 14-рамазон/ 1811 йил 1 сентябр.

ҳуруби мазкурда жонсипорлиғ кўргузуб эрди, марҳамат қилиб, сипаҳдорлиғ мансабин арзоний тутти. Ва Орол *қиёт*нинг акобирзодаларидин Ўроз баҳодирким, кўп муддатдин бери сўфидин рўйгардон бўлуб, суддаи хилофат хокбўслиғиға фоиз бўлуб эрди, ани дағи мароҳими подшоҳонадин баҳраманд этиб, Суюн*бий*нинг ўрниға бийлик мансабиға насб қилиб, Оролға қайтарди. Ва тонгласиким, панжшанба эрди, Туморлидин кўчуб, Эзиди мутаолнинг чатри ҳимоятининг соясида беш кун суръати тамом била қамари сариъ ал-сайрдек қатъи манозил қилиб, душанба куни ойнинг йигирмаси[2442] да мустақарр хилофатға нузул қилиб, дор ас-салтана аҳолисининг дийдаи интизорларин шашшаи офтобвусули била мунаввар қилди. Овози таҳният ва ғулғулаи муборакбод савомет мало ал-аъло муътакиф[2443] ларининг қулоқин оғир қилди. **Рубоий:**

Юз шукр ки шоҳ келди нусрат била бот,
Қўйди муқарри давлатига пои сабот.
Дийори баҳори мамлакат гулшанида,
Ишрат чаманин ҳар сори очти, ҳайҳот.

Фузалои номдор ва шуарои балоғатшиор бу вақоеи касир ал-бадое учун қасоиди ғарро ва таворихи латофатинтимо ва таҳниятномалар назм силкиға тортиб, балоғат ва фасоҳат изҳорида яди байзо кўргузуб, мавқифи хилофатдин салоти кироманд ва инъомоти хотирписанд била барумандлиғ топтилар. Ул жумладин мирзо Масиҳои Бухорийнинг қасидаси била бир таърихин ва мулло Вайсниёз Зийракнинг қасидасинким, бу фатҳ таҳниятида иншо қилиб эрдилар, бу мавридда сабт қилмоқ муносиб кўрунди. **Қасидаи мирзо Масиҳо:**

Эй дил, ҳазор шукр ки шоҳи некў хисол,
Дорои тахтгиру шаҳаншоҳи зу-л-камол.
То зад қадам чу меҳр бар авранги сарвари,
Равшан намуд буржи шараф аз маҳи жамол.
Хуршед макнате ки фалак пеши қадри ў,
Хам карда қомат аз паййи таъзим чун ҳилол.
Шамшери ў ба рўзи ваго баҳри обрўй,
Рамҳаш ба боги фатҳ бувад дилкушо ниҳол.
Меҳри сипеҳри нусрату обрухи зафар,
Шамъи тарози маҳфили иқболи безавол.
Қувватваре ки рўзи ҳижо аз наҳиби ў,
Зи гамдилон рамида зи мобайн чун гизол.
Шоҳи фалак жаноб Муҳаммадраҳимхон,
Бар фарқи халқ сояйи султони зу-л-жалол.
Ҳар кас ба зилли макраматаш сохт эътисом,
Гардид суйи давлати бе мунтаҳояш дол.
Аз дасти радди ҳиммати инсоф парвараш,
Аз доми даҳр рехт ҳама бодаи вубол.
Бунёди мамлакат зи адолат асос дод,
Барканд панжи зулм зи нерўи беҳамол.
То шуд гуҳарфишон кафи дасти инояташ,
Гум карда соилон ҳам андешаи савол.
Халқи жаҳон ба сояйи чатри ҳимояташ,
Осудатар чу об дар ойина аз малол.
Аз хавфи теги журъати ў гурги тезхашм,
Дар пеши меш баста ба хизматгари давол.

[2442] 1226 йил 20-рамазон/ 1811 йил 7 сентябр.
[2443] Фалакда ибодат қилувчи малойиклар.

Хизматгузори давлати ӯянд рӯзу шаб,
Саргаштаи муҳаббати ӯянд моҳу сол.
Теғи сиёсатташ пайи ҳифзи ҳудуди мулк,
Бар муфсидону фитнагарон дод гӯшмол.
Он фитнаҷӯ ки аз асари бахти норасо,
Печид бар ғурур чу дуд аз дами шамол.
Бар қалъаи Орол ки макони рафеъ буд,
Онҷо нишасту баст ба худ роҳи эҳтимол.
Бартофт гардан аз раҳи фармони олияш,
Сар кард фитнакори аз андешаи маҳол.
Хори фасод рехта бар раҳгузори халқ,
Бинишонд ҳар тараф зи ситампарвари ниҳол.
Ғофил аз ин ки соя агар сар кашад ба чарх,
Дар пеши офтоб вале ҳаст поймол.
Созад магас ба хеш чу даъвои болу пар,
Бошад ба пеши сутуввати Анқо шикаста бол.
Гунҷишк агар бар авҷи фалак ошён ниҳад,
Набувад ба боз ҳамсариаш ҳеч эҳтимол.
Ҳар чанд хонд шоҳ ба роҳи итоаташ,
То дар диҳад зи моидаи лутфи худ навол.
Лек он муонид аз сари туғёни нафси хеш,
Аъроз кард аз раҳи ҳукми қазомисол.
Чун риштаи мухолифаташ имтидод ёфт,
Воҷиб намуд қатъи вай аз маркази ҷалол.
Хуршидвор шоҳ ба нерӯи обрӯй,
Атфи инон намуд сӯи он табоҳ ҳол.
Чун ҷилвагоҳи ашҳаби шоҳ гашт он макон,
Душман сӯи ҳисори ҳазм ёфт интиқол.
Мадрус сохт бар рухаш абвоби сулҳро,
Бикушод шашҷиҳат дари ҷанг аз раҳи ҷидол.
Ногаҳ замона аз пайи хизмат гузориаш,
Барканд теғи кин зи пайи дафъи инфиол.
Он сар ки буд маншаи сад фитнаю ғурур,
Бурида тӯҳфа кард ба худдоми некфол.
Аз пой нишаст оташи он фитна ошно,
Таскин гирифт шӯриши он баҳри ихтилол.
Охир насиб кард ба худдоми даргаҳаш,
Ҳаққи тахтгоҳу лашкари он марди бадсигол.
Чун забт дод шашҷиҳат аз ҳусни иҳтимом,
Осуда кард халқи ҳамон қалъа аз никол.
Баргашт аз он макон ба сад иқболу обрӯ,
Ҷо кард боз тахти шараф, маснади ҷалол.
Аз давлати мушоҳидааш сад ҳазор шукр,
Чашми замон зи нури фараҳ кард иктиҳол.
Гулзори мулку гулшани дин ёфт хуррами,
Аз муждаи баҳори вусулаш бало завол.
Ё Раб, ҳамиша аз карами бениҳоятат,
Кун ҳамдаму муовинаш арбоби аҳли ҳол.
Бодо ҳусуди давлати ӯ кӯр то абад,
Бадхоҳи ӯ ба ҳар ду саро гашта гунгу лол.
Бодо майи мурод ҳама вақфи соғараш,
Дар ҷоми даҳр то бувад аз бодаи мақол.
Будам ба фикр дӯш ба таърихи ин футуҳ,

То аз кудом лафз диҳам зеби хатту хол.
Пири хирад зи рўйи ишорат адо намуд,
Эй ҳарза тоз деҳам баро аз дигар хаёл.
К-ин фатҳро натижаи таърих баҳри шоҳ,
«Умр мухаллад омада, иқбол бе завол»[2444].

Таърихи фатҳи Орол:

Шоҳаншаҳе ки аз паййи изҳори маъдилат,
Бар зурваи сипеҳри жалолат қадам ниҳод.
Ҳар жо ки буд фитнагарии зулм иттисоф,
Бар дафъи ў кашид сипоҳи зафарниҳод.
Сардори муфсидон Тўра сўфии бадсиришт,
Буд ў ҳамеша дар садади фитнаву фасод.
Чун дафъ кард теги қазо ногаҳ он анид,
Гум гашт номи шўриш, овозаи инод.
Бигрифта шоҳ кишвару сомон лашкараш,
Бар садди зулми он ситам ойин кушод дод.
Таърихи ин футуҳ рақам зад хирад чунин,
«Субҳи умид ханда зад аз матлаи мурод».

Бу таърихда бир зиёдадур. Ва Зийракнинг қасидаси ҳазрат Навоий қасидасиға татаббуъдур. **Қасидаи Зийрак:**

Субҳидамким жилва берди меҳри рахшон роятин.
Қайсари Рум айлади торож Ҳинду мамлакатин.
Лашкари атрок *ҳар сори чопиб бе ваҳму бок,*
Айлади изҳори занг аҳлиға тарзи журъатин.
Хайли анжум келмиш эрди шомдин қочти қўюб,
Ой сипаҳсолорини кўргач мухолиф зарбатин.
Тун амирининг ки доим тийралик эрди иши,
Тўкдилар қонин шафақдин соқит англаб диятин.
Қилдилар ифшо тариқи суннати нуру сафо,
Урдилар барҳам русуми зангу зулмат бидатин.
Қайсари хуршид роят, хусрави анжум сипоҳ,
Ким сабоҳи ийд айлаб мадҳ фараҳ талъатин.
Ер тубида дарҳам моҳи демакдур моҳни,
Пояйи тахтиға қилмоқ осмоннинг нисбатин.
Меҳр янглиғ олди сартосар кўнгуллар мулкини,
Ҳусни ахлоқи баланд этгач ливои нусратин.
Дема кавсарким баҳори жаннат ўлди маҳз об,
Ранги адлидин қилиб зоҳир камол хижлатин.
Синдуруб ойинанинг шаъни сафои хотири,
Айлабон ночиз тадбири Сикандар ҳикматин.
Шодлиғ даврида ул гоятдаким бўлмиш маҳол,
Хомаи наққаш чекмак чашми гирён суратин.
Ул сифатким меҳри оламтобдин нурини моҳ.
Иктисоб айлаб юзидин Муштарий хосиятин.
Бош чиқара олмагай қайтиб ҳисори чархдин,
Иш куни Баҳром агар кўрса қиличи ҳиддатин.
Маҳв қилмиш хотиридин фитна оҳангин Зуҳал,

[2444] Таърих санаси 1226 дир.

То Аторуд хутбахондур зикро этиб яхши отин.
Майл этиб кўкдин энарга Зуҳра ҳар тун шавқдин,
Эшитиб дилкаш навои созу базм ишратин.
Ҳақ ҳидоят айлабон айни иноятдин анга,
Қилди масруф ривождин тамоми ҳимматин.
Қўймайин бир зарра номаръи Худо фармонини,
Бир сари му бермайин қўлдин набининг суннатин.
Айлаб истиқбол анга ҳар ён қадам қўйса кушод,
Бахт ила иқбол этиб тахт узра бўлса хизматин.
Қадри ортибким саодатдек анга бўлса муте,
Кимки саркашлик қилиб тортиб шақоват зиллатин.
Кўрки жамъеким чиқарди бош хатти фармондин,
Ҳар бири шери фалакка голиб англаб қудратин.
Ўз оёгидин келиб домега по баст ўлдилар,
Барчанинг бошлаб қазо ўлмакка роҳи вахшатин.
Муфсидеким умрлар эрди иши қатъи тариқ,
Ҳам тўкуб қон, йўқки ёлгуз мол бермай қийматин.
Қатлини қилса тамошо илгини тишлаб ажал,
Кофари Хайбар қолиб ҳайрон эшитса горатин.
«Иқтилво алмувзиёт» амрини айлаб истимо,
Ҳазрати шаҳ лозим англаб дафъин этмак этмак суръатин.
Давлату иқбол бирла қилди оҳанги савор,
Кўрса рашкин қилгудек Дорои акбар ҳашматин.
Бошини кестурди ул муфсиднинг ўз худдомига,
Айлагач теги намоён барқ янглиг савлатин.
Ҳам гулистон ичра очти шаҳар сукконига гул,
Ҳам аритти даштдин тужжори хор меҳнатин.
Рўза хушк этмиш эди жоми ҳилол ийддин,
Эл димоги топти гўё роҳи ишрат накҳатин.
Сонии Форуқ шаҳ Муҳаммадраҳим улким бу кун,
Панжаи ислом бозусидин олиб қувватин.
Эй қиличинг кўргузуб байрам ҳилоли шаклини,
Айлади ўз қонидин гулранг душман хилъатин.
Йўқ ҳилоли абруи жонондурки кўрмайдур киши,
Ҳеч ҳилоли ийддин бу нав олам зийнатин.
Ё хами меҳроби тоқ каъбадурким айламиш,
Аршдин аъло бинои хонаи дин рифъатин.
Ё кўрунуб абрдин Қавси қузаҳнинг гўшаси,
Сокин этти фитнанинг борону барқи шиддатин.
Ё эрур сув ичра бир кешти ки сайридин нажот,
Еткуруб чекканга тўфони балият заҳматин.
Жаза асри ҳумоюн ва зиҳи айёми хуб,
Ким Худо қилсун абад бирла баробар муддатин.
Шарти инсоф улдурурким, гайри асҳоби русал,
Навбатига бўлмагай демак бировнинг навбатин.
Бўлса юз тил мумкин эрмас васфини қилмоқ адо,
Сўзни хатм эт Зийрако айлаб дуои давлатин.
То майи айш ичгай эл жоми ҳилоли ийддин,
Қўйма ё раб даврдин бир лаҳза жоми ишратин.
Хони эҳсонингни шомил айлабон рўзи жазо,
Қил анга рўзе жайбингдин шафоат неъматин.

Зийрак бу қасидани ийд кечаси арзға еткуруб, хилъати зарнигори ийдий била сарафроз бўлди. Фақир дағи аларға татаббуъ кўргузуб, бир неча хазф резани назм силкига чекдим. Ул жумладин сўфининг қатли учун тўрт таърих манзум бўлди. **Аввалғи таърих будур:**

Он сўфики гаҳ шоҳро ёғи шуд,
Туғён бинамуду муфсиду боғи шуд.
Чун аз дами теги кин жазояшро ёфт,
Таърих ҳамаш «сўфияк тоғи шуд»

Иккинчи таърих:

Тўра бий сўфии фасодандеш,
Буд дар амри саркаши жоҳид.
Бар итоат ки айни хайрият аст,
Зоти ў буд аз шарорат зид.
Вай зи иқболи хусрави гози,
Ки аз ў шаръро қавист азид.
Дар ҳазору девисту бисту шашум,
Гашт мақтул найзаи қосид.
Баҳри таърихи қатли ў Мунис,
Шуд рақам «кушта шуд бии муфсид».
Гар биафзои инададро як,
Мешавад вай барости шоҳид.
Боз гў «шуд сари ганим ба гўр»,
То ки гардад ба рафъи шибҳа мамид.
Учунжи таърих:
Бор эрди Орол аро амире,
Тоғий эди ва шарорат ангез.
Ҳамвора фасод эди шиори,
Кирдори эди залолатомез.
Раҳзанлик ишида эрди Жобир,
Тужжорга теги зулм этиб тез.
Мўъмин сифате бедуни ислом,
Сўфи лақаби багайри парҳез.
Не шаҳга эгиб сари итоат,
Не Тангри ибодатига шабхез.
Куфрон фарсига бермиш эрди
Майдони инод ичра маҳмез.
Ногоҳ шаҳи ягона анинг,
Қасдига чекиб сипоҳи хунрез.
Иқболи шаҳ айлабон қавилиг,
Идбор ўлуб анга ҳодисабез.
Моҳи рамазоннинг ўни ичра,
Шанба куни бўлди қатлу ночиз.
Таърихини Муниси сухансанж,
Деди бу сифат бўлуб шакаррез.
«Бий бешу кам ани айла тамиз».

Тўртунжи таърих:

Тўра бии мудбари тоғий ки йиллар,
Залолат амрида исрор қилди.
Фасоди важҳи бирла ҳар соридин,
Улусга фитна абвоби очилди.

Анинг бир чокари ногаҳ чекиб тег,
Бошин кести-ю, шаҳ олдига келди.
Чу таърихини сўрдим, деди ҳотаф:
«Ки рааси мудбари тоғи кесилди».

Фатҳ учун уч таърих айтилди. Аввалғи таърих:

Хусрави офоқ Муҳаммадраҳим,
К-афсари ў тожи жалол омада.
Фитрати фаррухасараш аз азал,
Комилу фархундахисол омада.
Гоҳи ато панжаи дуррарбори ў,
Абри карам, баҳри навол омада.
Бар сари хайлу фуқаро зоти ў,
Сояйи ҳаййи мутаол омада.
Баҳри зиёбахшии мулки жаҳон,
Маъдалаташ меҳрмисол омада.
Рустами дастон ба дари давлаташ,
Аз сари таъзим чу Зол омада.
Он шаҳи фаррухсияру шердил,
Зи аҳли тамарруд ба малол омада.
Лашкаре овард ба қасди Орол,
Чарх зи саҳмаш ба нигол омада.
Фатҳ шуд он мулк ба таиди Ҳаққ,
Давлати сўфи ба завол омада.
Мунис аз он важҳ паййи соли фатҳ,
Дар ҳарами фикру хаёл омада.
Гуфт ки таърихи вай аз килки ман,
«Фатҳ шуд ақсои Орол» омада.

Иккинжи таърих:

Қўй йили шаҳри сиём ичра шаҳи соҳибқирон
Ким, эрур Хоразм мулки адлидин жаннат мисол.
Фотиҳи шаҳри Орол ўлди Худо таидидин,
Не ажаб таърихи бўлса «фотиҳи шаҳри Орол»

Аммо. Бу таърих зуҳурининг офтоби Қўнгрот фатҳ бўлғон куни фақирнинг уфқи хаёлидин толе бўлуб эрди, наводири иттифоқотдин фатҳнома дор ас-салтанаи Хиваққа етган куни ашраф ал-аномий, устоди киромий нусрат ад-дин саййид Музаффар хўжа мутаваллининг хаёлиға дағи бу таърих партави зуҳур солмиш. **Учунжи таърих:**

Ошири шаҳри сиём ичра шаҳим,
Чун Орол фатҳидин ўлди шодком.
Фатҳ таърихини арбоби хирад,
Дедилар «дейи ошири шаҳри сиём»[2445].

Бу таворихи мастурани бир қасида билаким, муқаддимаи шуруи ийд таърифиға муштамалдур, ийд кечаси утбабўслиғ шарафиға истисод топиб, мавқифи арзға еткурдим. Бахти баланд ва толеи аржуманднинг маёмини била ҳазрат мулозимларининг хотири ашраф ва замири латифлариға мақбул тушуб, фақирни навозишоти хусравона ва мароҳими подшоҳонадин мумтоз ва мустасно қилиб, икки нафар бардаи салим ал-аъзои гаронбаҳоким, эр ва хотун эрдилар, марҳамат кўргузди. **Қитъа:**

[2445] 1226 йили 10 рамазон/1811 йил 28 сентябрга тўғри келади.

Зиҳи шаҳаншаҳи дарё навол, Ҳотам базл,
Сахву макрамати элга жовидона эрур.
Берур баҳонасиз аҳли жаҳонга лак-лак зар,
Агар баҳона топар шафқати хазона берур.
Ул қасида будурим, тастир топар:
Ийд ўлди кирди даврга жоми тарабфизо,
Асбоби инбисот ила базм ўлди дилкушо.
Ақдоҳи ийд ҳар сори бўлди ҳилолвор,
Ғарқи муҳити роҳ шафақгун гамзада.
Зийнатфазолиг эйла жаҳон ичра бўлди ом,
Боқсанг қаён назарга кирар мужжаи ҳано.
Айвону қасрлар безалиб ул мусобада
Ким лола ранги топти дару бом то бино.
Маҳфиллар ўлди равза санамлар ҳузуридин
Райҳону настарини юз ва хатти мушксо.
Айид аҳли бирла топиб саҳни ийдгоҳ
Ул навким нужум ҳужуми била само.
Етти баҳори айш очилди гули нишот
Маҳзун кўнгуллар ўлди фараҳдин Эрамнамо.
Гулчеҳралар чаман киби ҳар сори жилвагар
Булбул мисол шифталар достон саро.
Лабрези файз бўлди жаҳон жоми ийддек
Ишрат элига қулқули мино уруб сало.
Бўлди кудурату гами даврон канорагир
Оламга қўйди шахси мусаррат рухи сафо.
Келди сурури жейше-ю дафъ ўлди хайли ғам
Теги нишот бирла кесилди сари аъно.
Хуррамлиқ ўлди голибу гам топти инҳизом.
Муставли ўлди роҳату мустосил ибтило.
Соқии беҳжат аҳли мажолисга тутти май
Хуниёгар тараб тузубон ромиш гино
Қонуни айш кўргузуб оҳанги ибтиҳож.
Топти ҳазин кўнгуллар ул оҳангдин наво.
Кутоҳ дастлар тутубон домани тараб
Етти нишот манзилига ҳар шикаста по.
Топти сурур нашъасидин комёблиг
Ҳар нечаким табоиъ халқ этти иқтизо.
Ишрат арусига фуқаро даги топти даст
Ёлгуз на айш шоҳидини қучти агниё.
Фориг нишотдин на суҳори-ю на билод.
Холи сурурдин на навоҳи-ю на қуро.
Ийд ўлди хоса фатҳу муборак башорати
Айш этти халқ ҳосил ўлуб ҳар на муддао.
Ийдеки ийди давлати султони комкор
Айше ки айши насафат шоҳи жаҳонгушо.
Шоҳи қамар рикоб хидеви фалак жаноб
Султони адлпарвару хоқони некро.
Хуршиди тожу чархи сарипу Жам иқтидор,
Дарёдилу гушода замиру малак лиқо.
Насафатмаобу афв шиору карам паноҳ
Рофат дисору адл фану шафқат интамо.
Равнақ фазои миллати ислому расми дин
Маҳаййи суннати наби-ю шаръи Мустафо.
Сидқу сафо тариқида садиқ манқабат
Адлу сиёсат амрида Форуқ иқтидо.
Ҳилму ҳаё саририда Усмонга жонишин,
Илму адаб мақомида сонии Муртазо.
Шоҳи фалак шукуҳ Муҳаммадраҳимхон
Фархунда исми зарга бўлуб мавжиби баҳо.
Шоҳаншаҳи ки барча салотини номдор
Даргоҳи чархманзилатида эрур гадо.
Фармондеҳи ки ҳукми ҳумоюни сарбасар.
Олам элига нофиз эрур эйлаким қазо.
Эй давлатинг ҳаримида иқбол посбон
В-эй шавкатинг жонибида ижлол жибҳасо.
Човуши даргаҳинг фалаки сарбаланд эрур
Ночиздурур нишон янги ой шаклидин анго.
Сансан мулук сарвари иззу жалол ила
Ул навъким Муҳаммад эрур шоҳи анбиё.
Айлаб сарири мулк мабоҳоти мақдаминг
Авжи сипеҳрга етурур пойи уло.
Чатри жалолатингдадур ул қадр топилур
Зу-л-и залилидин шараф сояйи Ҳумо.
Аклили салтанат шарафи торакинг била,
Хуршид тожидин ўтурур фарқи этило.
Ҳар тун ки базми хос тузарсан нишот учун,
Ой машъалини чарх ёқар мажлисинг аро.
Гардун уза Аторуди заррин қалам мудом,
Девонинг орзусидадур ҳасратошно.
Чун қилдинг иртикоби маноҳийдин элни манъ
Гесусин узди Зуҳраву чанг ўлди бенаво.
Ёқут офтобга ҳуккоки осмон
Қазди шариф отингни нигинингда қилди жо.
Баҳром даргаҳингда камин чокарингдурур
Аъдои давлатингга бўлуб софак улдамо.
Алқоби фаррухингга ўқуб хутба Муштарий
Нуҳ пояйи минбар узра сипоҳинг қилур адо.
Гар қилса эрди хок жанобингни бўсагоҳ
Кайвонга етгай эрди саодатдин инжило.
Исо сипеҳр хонақаҳи ичра ҳар саҳар
Пайваста давлатингни қилур сидқдин дуо.
Анжум йўлинг губорини кўзига кахл этар
Сурсанг азимат этгали ҳар сори бодпо.
То хизматингни тўъ била қилди ихтиёр
Гардун белида минтақадур хатти устиво.
Равшангаре эрур асари адли рофатинг
Ойинаи замонага ҳар дам берур жило.
Нуширвон десам сени бормен маҳакки бор
Инсофу адли руҳфазоинг икки гуво.
Йўқ-йўқ хато дедим ки Ануширвон қачон
Изҳори адлу дод қилурда етар санго.
Сен айладинг адолат ила шаръни қави
Ойини шаръ бирла бериб адлга қаво.
Ул маҳзи адл қилди бедуни ривожи шаръ
Айлаб зулләму куфр русумига иқтидо.
Адлингни элга муршди комил деса бўлур

Ким кўргузур ситам элига маслаки ҳудо.
Рафъ айлабон сиёсатинг ойини ихтилоф
Бир ерда ер шагол била шер ношто.
Эл роҳатида ҳосил ўлуб роҳатинг сенинг
Бечоралар ризосиға боғлиғ санго ризо.
Ҳар ким ки зулмдин эди мажруҳ айладинг
Доруишшифои марҳаматингдин анго даво.
Осори амн ўлуб шарафингдин жаҳонда фош
Адлинг мамолик аҳлиғадур раҳмати худо.
Равшанзамирсан ки қёшдек мудом эрур
Мироти хотирингда аён сурати сафо.
Суратда шоҳлар шаҳисан лек сийратинг
Дарвишликда махзани асрори кибриё.
Фарқингда тожи изз, бошингда ҳавои фақр
Кўнглингда завқи ваҳдату эгнингда кимхо.
Манзуринг ўлди тахт қабоби йўқ эрса йўқ
Олдингда эски шолча худ атлас тилло.
Таъбинг эрур улумда ҳаллоли мушкилот
Фикрингдурур румузда кашшофи ҳар хифо.
Ройингга ҳиср барча қазоёйи мулку дин
Ҳожат эмас замиринга жоми жаҳоннамо.
Ҳотам самоҳатинг қошида қолди шармсор
То очти дасти макраматинг панжаи ато.
Дарёға тушти шуришу маъданға ковуш
Очдинг гуҳарфишонлиғ учун чўқ кафи сахо.
Иқбол давлатингга ки бўлсун бақопазир
Ул нав ҳақ иноятидин етмиш иртиқо.
Ким, дамбадам ҳусул топиб кому мақсадинг,
Ҳар не муродинг ўлса фалакдин бўлур раво.
Ҳар ким санго мухолифате зоҳир айласа,
Даврон анинг бошиға етар еткуруб жазо.
Қилсанг рукуб жавҳари нусрат бўлур нисор
Этсанг нузул шахси саодат бўлур фидо.
Нусрат насими парчами туғинг сори эсар
Ҳар ерга тортсанг сипаҳ нусрат иттиво.
Айлаб тенгизни фатҳ Сикандардек айладинг
Баҳр аҳлини масокину маъвосидин жило.
Чун айлаб илтифот жаҳонгирлик сори
Қилдинг рукуб зилзила солдинг жаҳон аро.
Ҳар ён сипоҳ чексанг ўлуб гарди роҳидин
Аҳли инод кўзиға равшан жаҳони қаро.
Душманларингни эйла залил, айлади жаҳон
Ким эътибор топмоғи мумкин эмас яна.
Баъзини ўз оёқи келтуруб ажал
Берди сиёсатинг қиличи зарбидин жазо.
Баъзини тангнои ҳисор ичра хор этиб
Ўз чокари қўлида бошин айлади жудо.
Яъни жаҳони кин Тўра сўфии кажниҳод
Ким умрлар амир эди мулки Орол аро.
Нафси ҳарун ғурури била ҳаддидин ошиб
Чекти муонидат яқосидин сари ҳаво.
Даргоҳи чархпоя сужудиға эгмади
Иблисдек бошини аён айлабон ибо.
Қўзғаб фасод бирла мамоликда фитналар
Келтурди дамбадам фуқаро бошиға бало.
Бу важҳдин арода басе қон бўлуб ҳадар
Кўп бошлар ўлди даҳр лагадкубидин ҳубо.
Мустосил этгали ани мулки Орол мори
Чекдинг чу қаҳр бирла сипоҳи зафарливо.
Бир неча кун фалак мутаҳассин қилиб ани,
Ўз манзилида айлади зиндонга мубтало.
Тасдиъ чекмайин сипаҳинг қатлу наҳбға,
Иқболинг анинг ахтари бахтин қилиб фазо.
Ҳукмингдин ўз мулозимининг зарби дастидин.
Бўлди қатил оқибат ул рааси ашқиё.
Шапар ки офтобға бўлди ситезакор,
Бўлди ҳамул ситезаси-ўқ бошиға бало.
Рафъ айладинг халал тиканин мулк боғидин,
Очдинг бу боғда чамани беҳжату баҳо.
Қилдинг адолатинг била оламни ийдгоҳ,
Топиб сиём шиддатидек фитна интифо.
Ҳар ким ки чекти дўстлигинг хаттидин қадам,
Даҳр ани қилди гарамрўи водии фано.
Аҳбобинг ўлди комраво айш суридин,
Душманларинг насиби бўлуб кулфату азо.
Васфингни шарҳ айламаким ул сифат эрур,
Ким, дерлар офтоб дурур масдари зиё.
Юз йил агар мадиҳинга бўлсам гуҳарфишон,
Бордур ҳануз аввали тамҳид ибтидо.
Шоҳо, ҳамиша Муниси маҳжур ажз ила,
Иқболу давлатингни бу янглиғ қилур дуо.
То хок арсасида эрур нақш эътибор,
То чарх сафҳасида эрур сурат бақо.
Бўлсун рафе давлатинг айвони эйлаким,
Бўлғай уружидин хираду ақл норасо.
Ҳар бир кунинг нишот ила ийд ўлсун айлабон
Давлат шароби ком ила базмингни дилкушо.

Акобири Орол ва баҳодирларким, мавжиби фармон била кўчуб, мулозими рикоби ҳумоюн бўлуб эрди, аларнинг ҳар қайсиға арозии хосаи султонийдин мазраи васе марҳамат кўргузди. То ул жамоа ул мавозе назиҳда маъ тааллуқот фароғи хотир била сукно қилиб, рўзгор ташвишотидин марфаъ ал-ҳол ва фориғи-л-бол зиндагонлиғ қилғайлар.

Содиротеким, мустақарри хилофатға нузул қилғондин сўнг мансаи вуқуда жилваоролиғ кўргузди, гузориш топар

Чун хидеви хуршид макнат ва шаҳаншоҳи гардун манзилат неруи иқбол ва тааидоти Эзиди мутаолдин Орол тасхири муяссар бўлуб, шарафи нузулдин мустақарри жалолатни рашки тахтгоҳи хулдбарин қилди, аввал воқеаиким мажлиси барузда шамафрўзи вуқу бўлди, бу эрдиким, сўфининг аммзодаси Ҳуббиниёз бек валади Саййидназар бийким, сўфининг воқеаи қатлида завоёйи ихтифода мутавори бўлуб эрди, мавокиби кайҳонпўй изидин латоифулҳалил била ўзин Хўжаэлига еткуруб, қутб ал-олам, ғавс ал-аъзам, шамс ал-миллат ва-д-дин Саййид Турсун хўжа эшоннинг остонбўслиғиға мушарраф бўлди. Ул ҳазрат анинг истишфои учун мустақарри хилофатға тасдиъ чекиб, моҳи муборакнинг йигирма саккизи[2446] да чаҳоршанба кечаси ҳазрат хилофат мартабат ул ҳазрат била хулуси ният ва сафои ақидатдин суҳбати мунааққид қилиб, жавоҳири мавоаза ва насоиҳидин дуржи сомеаи ҳумоюний мамлу бўлди ва ул ҳазратнинг шафоати била Ҳуббиниёз бекнинг жаридаи жаримасиға рақами афв чекиб, маъ аёл ва атфол ани мавриди амну омон қилиб, матмураи замирин ваҳму ҳарос лашкарининг лагадкубидин ийман қилди. Ул тақриб била мулло Давлат Назарким, отаси Ўрунбой *бий* дағдағаи хавф ва ҳаросдин Бухороға қочиб, ул бечора бу сабабдин зиндони балиятда маҳбус эрди, анинг гуноҳин хўжаи мушорилайҳға бағишлаб, навозиши хусравонаға махсус қилди. Бу тариқада ул ҳазратнинг истидоси била барча зиндонийларким, иртикоби афъоли ношойист жиҳатидин чоҳи ғазаби султонийда муқаййиди салосили бало эрдилар, озоди мутлақ ал-инон бўлдилар.

Ва **яна улким,** ийд куни умарои олийшондин Бекболта *мироб нукуз* ва Ниёзмуҳаммад *девонбеги*ким, амирзодаи шаҳид марҳум Ҳасанмурод бек *наввара марқадаҳу*нинг мулозимларидин эрди, қуш солмоқ ҳавоси била Соғча қудуғининг ҳаволисиға якрони азимат суруб, шикорандозлиғға машғул эрдилар. Ногоҳ аларни *така* лусус[2447] и қазои раббоний ва балои осмонийдек камингоҳдин чиқиб, асири сарпанжаи тақдир қилдилар. **Бу сониҳа табийини улким,** *така* жамоасининг аҳли инод ва арбоби фасодиким, Марвни оромгоҳ қилиб ўлтирмиш эрдилар, ул элдин баъзи ҳаромийлар Қурбонниёз паллачининг тарғиб ва таҳриси била Хоразм самтиға роҳзанлик ниятидин роятиафрози азимат бўлуб эрдилар, Соғча ҳудудида ул шикорға чиқғонларни шикоривор сайд қилиб, жиноҳи истижол била мурожиат кўргузуб, то Марв диёриға ворид бўлмағунча ҳеч ерда таваққуф қилмадилар. Бу ҳодиса хабари ийддин уч кун сўнг мутаҳаққиқ бўлди. Чун бу ҳодиса сунуҳидин беш кун ора ошиб, таоқибиға кипи буюрмоқда фойидае мутараттиб эрмас эрди, бу жиҳатдин киши буюрилмади. Чун Ниёзмуҳаммад *девонбеги*нинг асл ва томурида бир нима кудурат воқе эрди, баъзи фузало зарофат юзидин анинг асир бўлғон воқеасиға «бадраг асири *така* шуд[2448]» таърих топибдурлар.

Ва **яна улким,** ҳазрат хоқони гардунжаноб ийд Кўрунишида Бухоро элчилари Ўроқ бой мирохўр ва Авазмуҳаммад ясовулбошини шарафандўзи тақбили бисот қилиб, ҳар қайсиға хилои гаронмоя ва камари тиллопироя марҳамат кўргузди. Ва Мир Ҳайдар подшоҳ тўйининг таҳнияти учун Ҳасанмурод *отолиқ*ни ва фатҳ башорати учун Қандим *сардор*ни таҳниятнома ва фатҳнома била элчиларға масҳуб қилиб, Бухороға узотти. Ва ийд инқизосидин сўнг Охол ва Ишқобод ва Қизилработдағи *така*ғаким, мутақаллиди қуллодаи итоат эрдилар, Абдол хўжаи Бекободийни элчи қилиб, фатҳнома ирсол қилди. Ва Тажан ва Мурғоб ва Сарахс навоҳисида ўлтурғон *тарокима*ғаким, *така* ва *сориқ* ва *солур* халқи эрдилар, хусусан, Марв *така*сиғаким, деви ғурур васавасаси била ҳарзагардлик оёқин адаб доманидин чиқариб, рибқаи итоатдин саркаш ҳавоси била чекмиш эрдилар, аларнинг танбеҳи учун Саййид Жавонмард хўжаниким, ҳазрат Саййид Отонинг авлодидиндур, элчи қилиб, фатҳнома ва сиёсатнома ирсол қилди, то бу васила била агар *чокар*лик рибқасин итоат ва фармонбарлик руқабаси била музайян қилсалар. «кимки ёмон амал қилса, жазосини олур[2449]» мазмуни била аларнинг тадорики фасодиға қиём кўргузулгай. **Қитъа:**

[2446] 1226 йили 28-рамазон/1811 йили 15 сентябр.

[2447] Лусус – бебошлар.

[2448] «Асли паст *така*га асир бўлди» абжад ҳисоби билан 1226-ни беради..

[2449] Қуръони карим, 4 : 123.

Улки саркашлик этти аввал анга
Панд ила даъвати итоат қил.
Анда гар қилмас эрса тарки хилоф,
Дафъ қилмоқда ани суръат қил.

Яна улким, суфаро ирсолидин фароғ топғондин сўнг шаввол ал-муаззамнинг авоили[2450] да умдат ал-умаро, зубдат ал-узамо, муфаххари умам, маржаи бани Одам, сарвари аҳли офоқ *амири кабир*и жалол ад-давлат ва-д-дин Қутлуқмурод *иноқ* баъзи умури мулкия интизоми учун ва аморатпаноҳ Муҳаммадризо *қўшбеги* закот ва моли омон таҳсили учун Оролға маъмур бўлди. Оз фурсатда ҳар қайси ўз ишин баважҳи дилхоҳ буткариб, мустақарри хилофатға мурожиат кўргузуб, мулозиматға фоиз бўлдилар.

Ва яна улким, чун ҳазрат хилофатмартабат, хуршидҳашматким, пайваста ул ҳазратнинг меъмори ҳиммати олийнаҳматининг таважжуҳи манозили мунҳадима таъмири ва мабонии мунъадима ташаййўдиға масруфдур, *Отолиқ* арнасининг канорида Манқит қалъасинким, амири жаннатмакон Аваз *иноқ*и марҳумийнинг авохири айёмида сана минг икки юз ўн беш[2451] да Ўрозали сўпоқнинг бўлғонидин бериким, ўн бир йилдур, ғариблар замиридек вайрон ва маҳжурлар байт ал-эҳзонидек мақмуъ ал-бунён, балки манзили даду дом[2452] ва муваттани ғули биёбон бўлуб эрди, обод қилурға мултафит бўлуб, Орол фатҳ бўлғонда *Манқит* аҳолисиниким, ул диёрда тангнои ғурбатда истиқомат қилиб, ватан таманносида «ватанни севмак иймондиндур[2453]» мафоди била этак-этак сиришки лолагун тўкуб, балои курбатға қаноат қилмиш эрдилар, ўз қалъасиға кўчуруб, ул жамоа беҳжати тамом ва фарҳати локалом била ватани маълуфи[2454] ға мутаважжиҳ бўлуб эрдилар. Моҳи мазкурнинг ўн беши[2455] да панжшанба куни Дўсим баҳодирниким, *манқит* баргузидаларидин бу остонаи давлатошиёна нисбатида хадамоти писандида ҳуқуқин тақдимға еткурмиш эрди, анинг жоми умидин лабрези саҳбои мурод ва қомати қобилиятин мулаббиси либоси отифат қилиб, *манқит* улусининг нигини аёлот ва ҳукуматин қабзаи дироятиға солиб, ақрону ашбоҳидин мумтоз қилди. Бу йўсунда Орол *нукуз*ким, ҳаводиси замон ва инқилоби даврон лагадкубидин мамолики маҳруса атрофиға мунташир ва мутафарриқ бўлуб эрди, аларни жам қилурға Соримой наҳрининг канорида юрт тайин қилиб, Ҳакимниёз баҳодирниким, муддати мадиддин бери сўфининг тааддисидин жилои ватан ихтиёр қилиб, даргоҳи олампаноҳ хокбўслиқиға етиб эрди, анга ҳазизи мазиллатдин авжи иззатға тараққий бериб, ул эл ҳукумати била бийлик ёрлиғин тафвиз қилди. Ва Орол *наймон*иким, Савганли ҳаволисида Куюкқалъада мутамаккин эрдилар, йиллар Тўрамурод сўфининг тағаллуби жиҳатидин «тасорифи айём ва табодили аъвом[2456]» муқтазоси била билод ва амсорда саркашлик тортиб, икки йилдин бери оз-оз йиғналиб, жамъи касир бўлуб эрдилар, ул элнинг аёлотин *наймон* Тошим баҳодирғаким, ул дағи сўфининг мулозиматидин бош чекиб, хокбўслиғ шарафиға ихтисос топиб эрди, марҳамат қилиб бийлик хитоби била сарафроз қилди. Ложарам иқболи хусрав йўмни била бу уч юрт ва элким мазкур бўлди, оз фурсатда ободлиғ файзидин равнақафзойи бўстони Эрам бўлуб, рифоҳият тамом топтилар. **Назм:**

Зиҳи хусрави макрамат дастгоҳ,
Шаҳи мамлакат бахш, кишвар паноҳ.
Ки гар қилса адлинг таважжуҳ қаён,
Очар файзидин сарбасар гулистон.

Яна улким, чун ҳазрат султони соҳибқироннинг хотирии саодатмаосири ҳамиша умури шаръий ва масолиҳи дини тадбирининг иқоматиға маашуф эрди, ложарам ҳамул ойда баъзи аҳли илм ва фатвони-

---

[2450] 1226 йил шавволнинг авоили/1811 йили шаввол 19 октябрда кирган.
[2451] Ҳижрий 1215/1800-01 йили.
[2452] Даду дом – ёввойи ҳайвон ва моллар.
[2453] Ҳадис.
[2454] Ватани маълуф – туғилиб-ўсган ер, макон, юрт, ватан.
[2455] 1226 йил 15-шавол/1811 йил 2 ноябр.
[2456] Вақт ўтиши ва замон ўзгариши.

ким, мазиди варъа ва тақвоға мавсум эрди, ихтиёр қилиб, маносиби аржуманди шаръия била сарбаланд қилиб, ҳар бирин мамолики ақторининг бир қатриға номзад қилди, токим ул жонибда ижрои шариати ғарро ва иртиқои миллати байзоға камоҳаққан масоии машкура тақдимға еткуруб, асоси мункирот ва маноҳий инҳидомиға камоянбағи кушиш кўргузгайлар. Бу жиҳатдин омаи бароё ва коффаи раоёким, вадоеи офаридагордур, фориғилбол ва марфаилҳол зиндагонлиғ қилғайлар. **Қитъа:**

Эрур вадоеи яздон раияту фуқаро,
Алар бошига, шаҳо, сояйи адолат сол.
Йўқ эрса қабзаи ҳукмингдин ул вадоеини
Олурга қодир эмастурму Эзиди мутаол.

Ул жумладин фазойилмаоб, камолот иктисоб, Сайийд Шамсиддин хўжаниким, *хўжа эли* содотидин Қизил хўжа набирасидур. Ҳазорасб *риёсат*идин маоф тутуб, Хўжаэли *муфти*[2457]лиғин анга марҳамат қилиб, муғис ал-милла ва-д-дин Сайиид Асғар хўжа фарзанди аржуманди ҳазрат қутб ал-ақтоб Пирим хўжа эшоннинг мадрасасиғаким, ҳамул йил отасининг сари мазори фойиз ал-анворида бино қилиб эрди, *мударрис* қилди ва анинг ўрниға фазилатшиор Бобо махзумниким, ҳазрат ғавс ал-аъзам Ийдмуҳамммад эшон *алайҳирраҳма*нинг набирасидур, Ҳазорасб *риёсат*иға мансуб қилди. Ва домло Муҳаммадназар *қўнғрот* Қўшкўпрукийким, Бешариғ дор ал-қазоси маъ ар-риёсат[2458] анинг вужуди била музайян эрди, ани *қўнғрот риёсати* била сарафроз этиб, *хўжаэли* Ёрмуҳаммад *охунд*иким, Шоҳобод балдасида иҳтисоб амриға машғул эрди, Орол дор ал-қазосиға номзад қилди. Ва алар ўрниға домло Юсуф *қатаған*ни Бешариғ навоҳисининг мансаби қазо ва *риёсати* била сарбаланд қилиб, Шоҳобод *риёсати* била домло Муҳаммадшариф Ҳазорасбийға сарафрозлиғ бағишлади. Балдаи маҳруса Урганж ва Хонқоҳ *раис*лари Саъдиддин махзум ибн Муҳаммад Зоҳид *охунд* марҳумий ва домло Ниёзмуҳаммад Хивақийким, фуқаро аларнинг муомиласидин нохушнуд эрди, биноан алайҳ, мансабларидин маъзул бўлуб, аларнинг эвазиға диёнатшиор Муҳаммадғафур *охунд* Урганжий Урганж *риёсати* била балоғатдисор домло Абдуллоҳ Яздий Хонқоҳий Хонқоҳ *риёсати* била муаззиз бўлдилар. Ва *манқит* Абдуллоҳ *охунд*ким, ҳовии маъқул ва манқулдур, ани *манқит* улусиға *қози* ва *раис* қилди.

Чун илми қироати Қуръонким, фароизи айния ва заруриёти диниядиндур, не учунким итмоми салотким, мусулмонлиғ биносининг рукни аъзамидур, мунсиз сурат таҳаққуқ топмас ва бу замонда аксари ому хос қироати *ажам*ийға иктифо қилиб, ҳеч ким тажвид иктисобиға роғиб кўргузмас эрди, ҳазрат хидеви комкорнинг таважжуҳи замири анвари бу илми шариф тарвижиға маашуф бўлуб, фазоилмаоб, камолот иктисоб, жомеи улуми мутанавве, ҳодии фунуни мутафарра шараф ад-дунё ва-д-дин Абулмаоли Муҳаммадшариф қориниким, илми тажвидда фариди даҳр ва ягонаи аср эрди, балдаи Урганждинким, маскани маалуфий[2459]дур, келтириб, дор ас-салтана Хивақ масжиди жомеининг мусаддарлигиға[2460] мансуб этиб, амр қилди то ул азиз ҳар кун каломи раббоний тиловатидин сўнг бу илми шариф қавоидининг таълимиға иштиғол кўргузуб, ҳусни адои махориждин туллобни баҳраманд этгай. Ва яна фирқони мажид ҳофизларидин гуруҳи донишпажуҳни муқарриби даргоҳи вадуди ҳазрат Паҳлавон Маҳмуд *қаддаса оллоҳу сирраҳу*нинг сари мазори фойизил анворидаким, ул ҳазратнинг хатираи муқаддасасида ҳазрат аълохоқоний ўз амволи хосасидин зиёратгоҳ ва мадраса ва хонақоҳи олий иҳдос қилиб, ҳамул учурда итмомиға етиб эрди, тайин қилди. То ул жамоа ул мавзеи муборакда каломи раббоний тиловатиға қиём кўргузуб, анинг мусаввиботидин жаноб валоятмаобнинг руҳи пурфутуҳларин шодком қилғайлар. Ва аларнинг ҳавоиж ва заруриётин беташвиш ва тасдиъ анборхонаи хосадин муқаррар қилди. Ва қудват ал-фозил ва жоме ал-фазоил, мақсад ал-қуссаро, афзал ал-урафо, Шаҳоб ид-дин Ҳожимуҳаммад қориниким, илми тажвид ва қавоиди қироатда қойиммақоми имом Осим ва ноиб манноби ҳазрати

2457 Муфтий – шариатнинг турли масалалари бўйича фатво берувчи олим.

2458 Бирваракайига қозилик ва раислик (диний ишлар назоратчиси) мансабига тайин этиш. Муҳаммадраҳимхоннинг ана шу каби фармонларидан асл нусха-ҳужжатларнинг бир нечтаси ЎзР Давлат архивида сақланади.

2459 Яъни шу қорининг туғилиб-ўсган ватани.

2460 Яъни садрлик, бошқарувига

Нофеъ *раҳамаҳумоллоҳ* эрди, аммо бовужуди мафлужлиғ ҳаводиси айёмдин камоли нокомлиғ била рўзгор кечирур эрди, **маснавий:**

Дарего ки даврони нопойдор,
Қилур доим аҳли фазилатни хор.
Қилиб ёр юз нав кулфатга даҳр,
Қуяр дамбадам комига жоми заҳр

– мусоидати бахт ва муовинати толедин манзури назари инояти хоқоний, мавриди партави отифати соҳибқироний қилиб, маъ атбоъ ва авлод жамъи зарурёти дунявийдин бениёз этти. Камоли макрамат ва ғояти марҳаматдин Арк ҳисорида ўрдуи ҳумоюн ҳужаротидин ҳужраедаким, масжиди шариф жаворида воқедур, манзили сукно тайин қилиб, зу-л-қаъда нинг ўн иккисида чаҳоршанба куни 1226 (йили)[2461] ул ҳазрат ўз нафаси нафиси била ул жанобнинг оллида илми тажвид иктисобиға иштиғол кўргузуб, оз фурсатда ул илми шарифни ниҳояти камолға еткурди. Ва тамомати ҳуруфни ҳусни адо била ўз махорижидин чиқарурда қуррои сабъа[2462] ға ангушти таҳаййюр тишлатти. Бу жиҳатдин «аннос ала дин мулукуҳум» муадоси била жамии шаҳзодалар ва умарои олийжоҳ ва худдоми даргоҳ ва вазиъ ва шариф рағбати том ва ҳусни иҳтимом била бу илм таҳсилиға қиём кўргуздилар. Ул ҳайсиятдаким, барча манозил ва масокин масжид ва мадорисдек тиловати каломи мажид қавоидининг такроридин лабрези файз бўлди. Шаҳару саҳрода қавоиди тажвид муколимасининг ғулғуласи мало ал-аълоға етиб, Масжид ал-ақсо мусаббиҳлариға ҳаловат бағишлади. Шариатпаноҳ, тақводастгоҳ, фазоилмаоб, камолот иктисоб домло Муҳаммадсафоким, тадриси Мадрасаи чубин ва мансаби иҳтисоби дор ал-хилофа анга мутааллиқдур, ҳасб ал-амри ҳумоюн маҳаллот ва кентларда масожиду хавониқға соҳиби вуқуф *қори*лар тайин қилиб, коффаи бароё ва оммаи раоёниким, буъди масофат ва мавонеи рўзгор жиҳатидин қироат иктисобиға фоиз бўла олмас эрдилар, бу илми шариф таҳсилиға машғул қилди. Чун ҳазрат хилофат мартабат бу илмни итмомиға еткурди, карам дарёсин муталотўм қилиб, ҳазрат қорини хилои зарнигор ва дароҳими бешумор ва манозил хуб ва мазореи марғуб ва худдоми гаронбаҳо ва жавории хуршидлиқо инъоми била ақрону ашбоҳидин мумтоз ва мустасно қилди. Ва жамии атбо ва ақрабосиға тархонлиғ ёрлиғин марҳамат этиб, Ол тамғо била зийнат бағишлади. **Маснавий:**

Шукри Оллоҳ ки хусрави гозий,
Афсари салтанат сарафрози.
Берди ойини шаръга тарвиж,
Шаръда аслу фаръга тарвиж.
Роиж айлаб улуми раббоний,
Жаҳл расмини айлади фоний.
Хоса илми қироати қуръон,
Ким, ривожи топиб эди нуқсон.
Янгидин саъйи бирла берди ривож,
Яна шуҳрат бошига айлади тож.
Ё раб, ани калом ҳурматидин,
Илму ойини шаръ иззатидин.
Салтанат ичра пойдор айла,
Давлату жоҳин устивор айла.

Яна улким, Ўрозали сўпоқким, *амири кабир*, қутб ад-давла Аваз *бий иноқ*и марҳумнинг авохири айёмида, андоқким гузориш топиб эрди, мухолифат амриға қиём кўргузуб, Масув *бий*ни ўлдириб, *манқит* улусининг бузилиб, парокандалиғиға сабаб бўлуб эрди, умрлар сўфининг мулозиматида рўзгорин сарф қилиб, оқибат ал-амр шомати кирдори ўзиға оид бўлуб, сўфининг назари тарбиятидин йироқ

[2461] 1226 йил 12-зу-л-қаъда/1811 йил 28 ноябр.
[2462] Етти қироатда ўқийдиган қорилар.

тушти. Бир неча кун афлос ва фалокат тариқасида ҳарзагардлик қилиб, кавкабаи воло Қўнгрот тасхириға ҳаракат қилмасдин бурунроқ Қўнгротдин Бухороға қочиб, йўли Оқёқиш каноридин тушуб, Ойдўст *бий* ани ўз мулозиматида сақлади. Чун зу-л-қаъда авоситидаким, Ойдўст *бий* Оқёқиш акобири била даргоҳи оламланоҳ утбабўслиқиға фоиз бўлди, ани дағи ўз мусоҳибатида келтурмиш эрди. Ойдўст *бий* қайтғанда Манқитда Дўсим *бий*нинг ёнида қолди. Ийди Қурбон инқизосидин сўнг Дўсим *бий* фармон мавжиби била ани икки ўғли била қурбон қилиб, Масув *бий*нинг хунхоҳлариға бир ўғлин бериб, интиқомға еткурди. **Байт:**

Ҳар ким айлади санга бадхоҳлиг шиор,
Кўрким нелар кетурмади бошига рўзгор.

Ҳазрат сарвари салотини гардунҳашаматнинг хуршиди сипеҳри иффат, мухаддараи сародиқи исматға зифоф қилмоғи

Чун саати раҳмати илоҳий тааддуди анкаҳа ва жамъи извожи мутааддида жавозин[2463] сийға[2464] амри била каромат қилди, оллоҳи таоло ва таборака айтганига кўра «никоҳи ҳалол бўлган аёлларга уйланаверинглар[2465]» ҳазрат соҳибқирони жавонбахти осмонтахтнинг домани ҳимматин «кўпайиш учун уйланинглар» амрининг доияйи имтисоли тутб, ҳумои рағбати Тўрамурод *бий*нинг боғчаи иқболининг давҳаи саодат интимоси ва ҳуққаи исматининг гавҳари гаронбаҳосиким, ҳижланишини ҳарами исмат ва мухаддараи сародиқи иффат эрди, анинг тораки саодатиға сояйи давлат солди ва ишораи воло била даргоҳи давлатпаноҳ мулозимлари асбоби тўй тартибиға ва маросими сур иқоматиға қиём кўргуздилар. **Назм:**

Мураттаб қилдилар жашне муалло,
Бори асбоби айш анда муҳайё.
Малак қилса назар ул жашн сори,
Тушар гардундин айларга наҳоре.
Куниким толе эрди фаррухосор,
Назарлар ақд қилмоқға сазовор.
Сочиб Билқиси даврон бошига нақд,
Сулаймони замонга қилдилар ақд.
Зулайхо кирди Юсуф хилватига,
Мушарраф бўлди кун, ой суҳбатига.

Замона беҳжат тилин таҳниятға очиб, фалак нисор расми учун этагиға завоҳири жавоҳир терди. Х(в)онсолори давлат х(в)он инбисотини мабсут қилиб, соқии саодат хавосу авомға жоми ишрат берди. **Фард:**

Осмон жомини тўлтурмиш кавокиб дурридин,
То бу олий базмда гуҳарфишонлиг айлагай.

Айшу комронлиғ асбобидин ҳар нимаким, ҳавсалаи хаёлда гунжоиш топар, кўнгул муродиға мувофиқ муҳайё эрди. Лаабу шўъбада ойинидин ҳар нақшким, арсаи имконда воқе бўлур, назар маромиға мутобиқ. Вақфи тамошо ҳар тарафға дидаи орзу назар хамёзасин очса, **байт:**

Соқии саманбар, гуландом,
Гулчеҳра, париваш, дилором

[2463] Бир неча хотинга уйланиш рухсати.
[2464] Сийға – хотин устига уйланиш. (Шиа мазҳабида сийға вақтинча уйланиш маъносида келган)

– соғари зарнигор шароби ёқутфомдин тўлдириб, кафи симгун била аёқ тутар эрди. Ва ҳар жонибға ҳуш қулоқи тутулса, **байт:**

Мутриби хушлаҳжаи дилкаш адо,
Зуҳра жабин, маҳваши ширин лиқо

– қонуни ишрат била тараннум соз қилиб, бу суруд навосин оғоз этар эрдиким, **назм:**

Шоҳи гардунсарир шод ўлсун,
Сархуши бодаи мурод ўлсун.
Кирсун огушиға арўси зафар,
Боби нусрат анго кушод ўлсун.

Омин би ҳурмати-н-Наби ва Олиҳи ал-ажмаин.

Дашти Қипчоқға юруш асбобининг баёни ва аҳолии қазоқға танбеҳ илтизомининг достони

Хомаи анбаршамома саҳифаи кофурий уза мундоғ мушкафшонлиғ кўргузурким, *қазоқ*ия тавоифидин *чумакой* эликим, иддат ва касратда қатароти амтор ва авроқи ашжордин афзундур, ёзда Ёйиқ ва Отил суйининг канорин ёйлаб ва қишда Сиру Қувонак савоҳилин қишлар эрди. Ул эл Муҳаммадамин *иноқ*нинг авоили давлатида Абулхайрхоннинг ўғли Эралихонни подшоҳ кўтариб, анинг сояйи ҳимоятида марфа ва осуда хотир эрдилар. Эралихоннинг вафотидин сўнг анинг авлодиға навбат била подшоҳлиғ етиб, аларнинг айёми салтанатида ул жамоанинг давлат ва сарвати ортиб «инсон ўзини бойбеҳожат кўргач, албатта туғёнга тушар – ҳаддидан ошар[2466]» муқтазоси била башарият ҳаддидин ўтуб, тамаррул ва исён оғоз қилдилар. Ул авонда Султон Темур *тўра*никим, Эралихоннинг ўғли ва Булакайхоннинг инисидур, ойини шарорат ва қавонини залолатда ул элга ҳамдастон, балки хамирмояйи исён эрди, хонлиғ маснадида оромгузин қилиб, муддати мадид ва аҳди баид аларнинг фасоди атрофи Даштда истимрор топти. Андоқким, Янгиқалъа йўлин ва Эрдор масоликин қиттоъ ат-тариқлиқ била масдуд қилиб, Мовароуннаҳр ва Хоразм ва Ўрус корвонин мукаррараи ғорат этиб, кўп бегуноҳларни қатлу асир қилдилар. Хусусан таърихи ҳижрий минг икки юз йигирма уч[2467] дин сўнгким, уч йилғача атрофи олам ва тавоифи умам орасида қаҳат ва ғило шию топиб, фуқаро ва ажза ҳар тарафға таҳсили рўзи учун тараддуд оғоз қилиб, жилои ватан ихтиёр эттилар, *чумакой* ва *чигили* орасида бу ҳодисаи жонкоҳ хабари интишор топиб, ул элларнинг лусус ва ҳаромилари ҳар йил уч-тўрт қатла Учучоқ ва Тевабўюн ва Хол Отонинг жаворида қатъи тариқ қилиб, Хоразм ва Бухоронинг ажза ва фуқаросидинким, ризқ таҳсили учун тараддуд ва рафт-омад қилурлар эрди, кўп мусулмонларни иср қайдиға чекиб, бандалик қуллодасиға мутақаллид қилдилар. Буларға дағи қаноат қилмай, Хоразм мамоликининг атрофида ўлтирғон элға дохил ва музоҳим бўла бошладилар. Ҳазрат хидеви комкор Янгидарёни мусаххар қилиб, ул навоҳи аҳолисин кўчуруб келтургандин сўнг Султон Темурхон ва Каттабой *бий* ва Бургутбой *бий* ва ғайриҳум *чумакой* арозилидин гуруҳи анбуҳни афсод тариқаси била Хоразм жониби номзад қилди. Ул жамоа Янгидарё устидин ўтуб, Тавқара навоҳисида баъзи янгидарёлиғ элни чопиб, кўп мол ва асир олиб, мурожиат кўргуздилар. Ва Қўнғрот тасхирининг ҳангомида Янгидарёға бориб ўтирган *қароқалпоқ*ияға қилған муомаласи худ юқорида мазкур бўлди такрор қилмоқ ҳожат эрмас. Ойдўст *бий* ул элни кўчириб қайтгандин сўнг *қазоқ* рояти истибдод ва истиқлолни такаббур ва тажаббур расми била ҳаракатға киргузиб, Янгидарё навоҳисинким, мамолики маҳруса замоимидин эрди, қишлоқ ва нашимангоҳ қилди. **Байт:**

[2465] Қуръони карим, 4 : 3.
[2466] Қуръони карим, 96 : 6, 7.
[2467] Ҳижрий 1223/1808-09 йил.
[2468] Аҳамм ва ансаб – муҳим ва муносиброқ.

Эрур гариб масал бу қадимдин ашҳар:
Чиқар тўнгуз тепага эл йироқ бўлса агар.

Ул жамоаи тийрарўзгори ситезакорнинг мундоғ ноҳамворлиғи ҳазрат хидеви комкорнинг табъи саодатёриға номулойим тушуб, аларнинг танбеҳ ва таадиби учун Дашти Қипчоқ юрушин хотири ақдасида мусаммим қилиб эрди. Ул овонда Марв *тарокима*сидин *така* ҳаромилари ўз ҳаддидин мутажовиз ишлар зуҳурға еткуруб, баъзи афъоли ношойистаға иқдом кўргуздиларким, ул жамоанинг гушмоли *қазоқ* таадибидин аҳамм ва ансаб[2468] кўринди. Бу жиҳатдин Марв юрушиға жозим бўлуб, асокири нусрат маосирға фармон нуфуз топтиким, сафар яроғининг таҳҳиясиға иштиғол кўргузгайлар. Бу аснода Ҳасанмурод *отолиқ* ва Қандим *сардор*ким, сифорат расми била Бухороға бориб эрдилар, андоқким собиқан баён килкининг рақамзадаси бўлуб эрди, Мир Ҳайдар подшоҳнинг элчилари *манқит* Яқуб қўрчибеги ва Кал ясовул била Бухородин келиб, даргоҳи олампаноҳ тақбилиға мушарраф бўлдилар. Ва элчии мазкурлар подшоҳи мушорилайҳнинг изҳори ихлос ва иттиҳодлигинким, ҳазрат аълохоқонни оқо ва ўзини ини ўқуб эрди, ул жанобдин келган тансуқоти гаронмоя ва хилои тиллопирояни пешкаш қилдилар. Чун ҳазрат султони соҳибқиронға амрини мазкурин, яъни аввал *қазоқ* таадиби ва сўнгра *така* гушмоли макнуни замири анвар бўлуб эрди, сафои тавийятдин якжиҳатлик истикмоли учун ул амрлар шуруида «ишларингизда улар билан маслаҳатлашинг[2469]» мафоди била машварат илтимос қилиб, Бердибек валади Худойберди *иноқ*никим, отаси ўрниға *чиғатой иноқ*лиғи хитоби била сарафроз бўлуб эрди, элчии мазкурларға мусоҳиб қилиб, Бухороға ирсол этти. Берди *иноқ* элчилар била Мир Ҳайдар подшоҳнинг дарбори олийсиға етгандин сўнг ул жаноб берди *иноқ*нинг таъзим ва такримида масоии машкура тақдимға еткуруб, машварат илтимоси қилилған жиҳатдин амомаи ифтихорин мабоҳат ҳавосиға отиб, *така* гушмолининг муниятин ўз зиммасиға кўтариб, мутакаффил бўлдиким, Хоразм тавобеидин ҳар мол ва асирларким, *така* муонидларининг тасарруфидадур, истирдод қилиб, даргоҳи олампаноҳға ирсол қилғай. Бу мазмунға мушиир садоқатнома қайди китобатға чекиб, ҳазрат беҳамол муқарриби даргоҳи зу-л-жалол Мир Кулол *қаддасаллоҳу сирраҳу*нинг дудмони саодатнишонидин саййид Мусо хўжа ўроқ Мир Кулолийким, Бухоро машоҳиридин садорат мансабида мутамаккин эрди, Берди *иноқ*ға масҳуб қилиб, аларни дор ал-хилофаи Хивақға ирсол қилди. Алар ийди Азҳо[2470]да кўрунуши ҳумоюнда шарафандўзи тақбили бисот бўлуб, волии Бухоронинг изҳори иттиҳод ва якжиҳатликин садоқатнома била арзға еткурдилар. Ҳазрат хидеви комкор бу жиҳатдин Бухоро подшоҳининг илтимосин риоя қилиб, *така* гушмолининг саҳифаи азиматиға рақами фасх чекиб, *қазоқ* таадибини пешниҳоди хотир қилди. Ул аснода Жонмуҳаммад валади мулло Эшимбой *қазоқ* элчилари била келиб, Султон Темурхоннинг ноҳинжор[2471] лиғин арзға еткурди. **Бу воқеа баёни улким,** собиқан гузориш топиб эрдиким, Жонмуҳаммади мазбур фатҳнома била Хоразм усаросининг талаби учун сифорат расми била Дашти Қипчоқға озим бўлуб эрди, *чумакой* элини Қувонак ва Янгидарё савоҳилида топиб, Султон Темурхон бошлиғ *чумакой* элининг *тўра* ва *бий*лариға фармони олийшонни еткурди. Султон Темурхон ва Бўлакайхоннинг ўғлонлари бовужудиким, аларнинг сингил қариндоши ҳазрат хилофат мартабатнинг ҳарами муҳтарамида мухаддироти сародиқи аффоф силкиға мунтазам эрди, бу нав нисбати мувосилат ҳуқуқидин кўз юмиб, шарорати *қазоқ*ият урфининг ҳаракати била ҳукми ҳумоюн имтисолидин бош чектилар ва ўз ҳаддидин ташқари қадами журъат қўйиб, баъзи номуносиб ва ноҳинжор сўзларга тиллари мутакаллим бўлуб, элчининг таъзим ва табжилида истихфоф кўргуздилар. Ва Оллоҳберди хўжаким, Жонмуҳаммаднинг ҳамроҳи эрди, ани Ўртаюз *қазоқ*иға юбордиларким, ул эл агар ҳазрат аълохоқонға инқиёд кўргузса, бизлар дағи итоат қилурмиз ва илло филло. Қурон баҳодир ва Бургут бойким, *чумакой* элининг азим уш-шаън бийларидур, ўзлариға тааллуқ эллар била Янгидарёға келиб, Ҳасан қалъасининг ҳаволисида қишлоқ қилиб эрдилар, алар Султон Темурхоннинг мундоғ ноҳинжорлиғиға ризо бермай, муни маслаҳат кўрдиларким, сулҳгуна юзидин бу элчиға элчи қўшуб юборали, то элчи келгунча элнинг қироғида бадолға истиъдодин саранжом қилиб, фароғи тамом била ҳар на иш қилсангиз қилинг. Бу раъй хонға мувофиқи

[2469] Қуръони карим, 3 : 159.
[2470] Ийди Азҳо – Қурбон ҳайити.
[2471] Ноҳинжор – қўпол, қўрс.

мизож тушуб, бийларнинг савобдиди била Бургутбой *бий*нинг ўғлини баъзи *кадхудо*лар била Жонмуҳаммадға қўшиб, даргоҳи оламиаnоҳға ирсол қилдилар. Элчилар келгандин сўнг Жонмуҳаммад ўтган вақоени арзға еткурди. Бу жиҳатдин ғазаб султони музоиф бўлуб, элчиларни туттириб, тангнои зиндонда меҳмон қилди. **Байт:**

Кишиким, келди даргоҳингга нософ.
Қилур банд ичра зиндон билософ.

Ва фармони лозимилизон асокири зафармаосирға содир бўлдиким, ҳар икки ва уч киши бир тева ва партол олсун. Ва ҳар теваға икки мишик[2472] ва икки ойлиқ озуқи била Қипчоқ ҳаволисиға йиғналсунлар.

Ҳазрат олийхоқонийнинг жулуси майманатмаанусининг еттинчи йилининг вақоеи касир ал-бадоеи. Ул жумладин рояти офтоб ишроқнинг Дашти Қипчоққа ҳаракат этмаки ва қазоқ муонидларининг шишаи жамнатиға санги тафриқа етмаки. Асокири мансуранинг мағоними касира тасарруфидин баҳраи тамом олмоғи ва кавкабаи волонинг қоиди иқбол инонкашлиги била мурожиат жониби қўзғалмоғи

Сўз мизморининг турктози, варақ байдосининг жилвасози қалами воқеапардоз бу нав фасонатирозлиғ кўргузурким, чун асбоби сафар таҳҳиясидин фароғ ҳосил бўлди, ҳазрат сарвари салотини изом, умдаи зу-л-иҳтиром, султони Сулаймон иҳтишом, соҳибқирони зафар интизом, **назм:**

Муайяди шаҳаншоҳи гардун жаноб,
Жаҳонгири феруз, молики риқоб.
Мўайяни масокин, муҳити карам,
Маъззилваро, сарафрози умам.
Сарири хилофатда тож ал-мулук,

Тариқи адолатда соҳиби сулук. – босити бисот ал-амну омон, қомеи бунён аз-зулм ва-т-туғён, ал-мухтас би инояти малик ал-маннон, муизз ад-давлат ва-л-хилофат ва-д-дин Абу-л-музаффар Муҳаммадраҳим Баҳодирхон *халадаллоҳу мулкаҳу абадан* мамолики маҳруса муҳорисати учун жаноб аморатмаоб, аёлатинтисоб, маркази муҳити жалолат, қутби доираи асолат, **шеър:**

Иззу жалол ториминининг меҳри анвари,
Иқболу жоҳ афсарининг зебу зевари.

Дунёву дин иморатининг рукни аъзами, яъни хидеви комравонинг биродари, умдат ал-умаро, қудват ал-узмо, маржа ал-аозим, мақсад ал-акорим, навбоваи бўстони салтанат, хулосаи дудмони макрамат, *амири кабир* жалол ад-давлат ва-д-дин Қутлуғмурод *иноқ маддаллоҳу зилола жалолиҳи ала мафориқи-л-аном*ни ниёбат маснадида мутамаккин қилиб, таърих минг икки юз йигирма еттида муҳаррамнинг ўн иккиси[2473] да душанба куниким, Қўй йилининг авохирида Хоразм Ҳутининг аввали[2474] эрди, мустақарри хилофатдин рукуб қилиб, Мойлижангални шарафи нузули била ғайрати беҳиштбарин қилди. Чун тонгласи сешанба куниким, *Отолиқ* арнасининг ҳаволисиға сояйи вусул солди, *қароқалпоқ* баҳодирлари Гургон *тарокима*сининг чопғунчиларидин киши ўлдириб, бир бош келтурдилар. **Бу сониҳа баёни улким,** чун Гургон *тарокима*сининг авбош ва арозиликим, Илтижа қудуғининг устида Қандим *сардор*дин дустбурди аъзим ва гушмоли балиғ кўруб, улоғ ва озуқасидин айрилдилар, машаққати тамом ва суубати локалом била йўлда баъзи рахти ҳаётин сарҳади ҳалокатға чекиб, қолғони ярим жон била ўз масокиниға

[2472] Сув соладиган чарм мешкоб.
[2473] 1227 йил 12-муҳаррам/1812 йил 27 январ
[2474] 20-феврал.

етуштилар. Ул жамоанинг баъзи ҳаромзодалари хуморшиканлик таманноси била хийра сарлик бошин нохуни фасод била қашиб, мамолики маҳрусаи Хоразмға роятафрози таважжуҳ бўлдилар, токим бир тарафдин дастбурд кўргузуб ёнғайлар. Бу тамҳид била таййи манозил қилиб, Хўжаэли ҳаволисидағаи қарақалпоқ элиға чаповул еткурдилар. *Қароқалпоқ* мубориэлари дағи туш-тушдин отланиб, *явмут*ияни мағлуб ва мунҳазим қилиб, гушмоли balиғ еткурдилар. Ва даргоҳи олампаноҳ худдомиға нишона учун бир бош келтириб, мавқафи хилофатдин авотифи бекарона била сарафроз бўлдилар. Ҳазрати хидеви комкор чоршанба куни Арнадин давлатға ҳаминони рукуб қилиб, Қипчоқни музриби боргоҳи нузул этти. Низом ал-мулк Юсуф *меҳтар* ва шужо ад-давла Муҳаммадризо *қўшбеги*га мавқафи жалолдин ҳукми ҳумоюн содир бўлдиким, гардун мисол сафиналар билаким, **фард:**

Топиб вазъда барча шакли ҳилол,
Вале кенглик ичра фалакдин мисол.

– бурунроқ ярлиғи жаҳонмато била Омуянинг юқори ва нишебидин Қипчоқ маъбариға жам бўлуб эрди, келган сипоҳи нусратпаноҳни муаттал қилмай, дарёдин ўткара берсинлар. Жума куни муҳаррамнинг ўн олтиси[2475]да ул ҳазрат Тангри таборака ва таолонинг ҳифзида дарёдин убур қилиб, Чалпуқнинг шарқий остида дарё қироғин мухайями хайёми иқбол ва муқарри сародиқоти жоҳу жалол қилди. Бу мавзеда асокири мансура ва афвожи қоҳира дарёдин ўттунча тўрт кун таваққуф қилиб, қуш солмоқ ва шикор қилмоқ била вуҳуш ва таюрға қирон солди. **Маснавий:**

Шоҳим ки шикор ўлур шиори,
Кўк узра бўлур Ҳамал шикори.
Қилғач қушини ҳавода сойир,
Бўлур анга сайд Насри Тойир.

Айёми таваққуфда Ўртаюз *қазоқ*идин Омонбой бийким, ул улусға амири соҳиби фармон ва нўйини подшоҳ нишон эрди, анинг иниси Қаппонбой баҳодир оқосининг олдидин Оллоҳберди хўжанинг мусоҳибатида сифорат расми била келиб, кирёси давлат асоснинг утбабўслиқға фоиз бўлуб, бир шунқори тезпарвоз била тўққуз от пешкаш ўткарди. Ва оқосининг изҳори инқиёд ва қуллуқ аризадоштин маърузи ройи оламорой қилиб, саршори бодаи отифат бўлди. Ва ишорати хоқоний била анга Элтузар Муҳаммад Баҳодирхони мағфурнинг работида манзил тайин қилиб, саркори хилофатдин вазифа ва улуфасин муқаррар қилди. Ва яна Бўлакайхоннинг учинчи ўғли Султон Ҳусайн *тўра*ким, Чўнг султонға машҳур эрди, қариндошин кўрмак баҳонаси била Султон Темурхоннинг олдидин келди, токим олийҳазрати хилофат мартабат агар маснади фароғатда мутамаккин бўлуб, интиқом азмин ҳайзи қувватдин мансаи феълға келтурмаган бўлса, фаҳв ал-мурод ва илло хабар ирсолида тасоҳил жойиз тутмағай. Чун Чўнг султон Қозили йўлидин чиқиб, Чилпуқ навоҳисиға ворид бўлди, билдиким на ҳодиса рўй бермиш. Филҳол мулозимларидин икки кишини Султон Темурхонға ахбор учун қайтариб, ўзи даргоҳи гардун иштибоҳ хокбўслиқиға мушарраф бўлди. Мунҳийлар анинг *қазоқ*ға ахбор учун киши қайтарғанин арзға еткуриб, мавқифи жалолдин такомишға киши буюрилди. Маъмурлар Чўнг султоннинг юборган кишиларин йўлдин тутуб келтирдилар. Ҳазрат хидеви комкор Чўнг султонни хитоб ва итобдин сўнг мулозим ва мусоҳиблари била шаҳарга юбориб, анинг муҳофизатиға киши тайин қилди. Ойнинг йигирмаси[2476]да сешанба саҳари амири садоқат интимо шужо уд-давла Муҳаммадризо *қўшбеги*ни муқаддимаи сипоҳ ва ҳировули лашкари зафарпаноҳ қилиб, *Тўра*бек *қиёт* ва мулло Давлатназар ва Тайлоқ баҳодирни анга ғажарчи этиб, Қозили йўлиға буюрди. Ва изидин кавкабаи воло рояти азиматни ҳаракатға киргузиб, кеч пешинда Қаттиғоғоч қумиға нузули майманат вусули била низорат бағишлади. Тонгласи саҳарда асокири нусратмаосир наҳзат кўргузгандин сўнг саҳоби қиргун мавокиби кайҳонпўй ғуборидек ҳаво юзин тутуб, ой ва юлдуз лўъбатлари ва «қуёш ҳам парда ортига бекинибди[2477]» пардасиға рўйи ихтифо

[2475] 1227 йил 16-муҳаррам/ 1812 йил 31 январ.
[2476] 1227 йил 20-муҳаррам/1812 йил 4 феврал.
[2477] Қуръони карим, 38 : 32.

чекиб, булут парвизани кофурбезлик оғоз қилди ва замҳарир чопғуни ҳар тарафға таку-тоз кўргузди. **Назм:**

Ҳавода булут кўргузуб растахез,
Жаҳон сатҳиға бўлди кофурбез.
Ғаразким шаҳаншоҳ қилгоч хиром,
Оқ этгай йўлин кўргузуб иҳтимом.

Кавкабаи воло Қувбош йўли била Қазали Тангёрбошининг гузаридин ўтуб, ойнинг йигирма учи[2478]-да жума куни Қоқма саксовул йўлининг оғзиға тушулди. Ул кун *қароқалпоқ* усаросидин бир *кенагас* йигит *қазоқ*дин қочиб келди ва *қазоқ*нинг кавкабаи волонинг таважжуҳидин ҳануз бехабарлиғи андин вузуҳға етди. Бу мавзеда Ойдўст *бий қароқалпоқ*иядин беш юз диловар кинагузор била мавкаби ҳумоюнға мулҳақ бўлуб, дарбори фалак миқдор хокбўслиқиға шарафи ихтсос топти. Ва тўққуз-тўққуз пешкаш чекиб, иззи қабул била сарафроз бўлди. Шанба куни чоштгоҳдин сўнг фалаки нилчеҳр сард меҳрлик оғоз қилиб, ҳаво мавжи бурудат шиддатидин гуҳар суйидек гириҳбанд бўлди ва дарё суйи совуқ ҳиддатидин зулама кўнглидек пўлод пайванд ва шамол иҳтизози сармо зўрбозуси била олам юзиға тўппонча урди. Ва дабур[2479] турктози замҳарир[2480] тамаввужидин жаҳон бошиға теғ ёғдурди. **Маснавий:**

Совуқ бўлди анингдек ҳуш фарсуд,
Чиқарди ўт ғами эл огзидин дуд.
Бурудат ул сифат кўргузди таъсир
Нафас занжирдек бўлди гилугир.
Асар қатъ ўлди байзо мижмаридин.
Ҳарорат маҳв анжум ахгаридин
Совуқдин бўлди ўт тог ичра ноёб.
Қаротошдин чекиб устига санжоб
Огиздин чун нафас чиқмоқни чоглаб.
Сақол устида чиқгач шуша боглаб
Оччиг елдин улусга ҳолат улдур
Тўкар кўз ёшларидин ерга мўл дур.
Неча қордин ки ер қоқамга кирди
Совуқ ажзосини ҳар ён айирди.
Булог бўлди темур кониға монанд
Тенгиз ҳам сарбасар пўлод пайванд.
Ҳавоким панжаи таҳрик очти
Кафидин олам ичра заҳар сочти.
Йилонлар бўлди ер остида бежон
Қочиб рубоҳ уйига шери гаррон.
Ҳавога қушлар очгоч ногаҳон пар
Қанот ёпмоқ яна бўлмай муяссар.

Якшанба куни бовужудиким шиддати сармо бурунғи кундин зиёда эрди, ҳазрат хидеви комкор наҳзат аламин жилваға киргузди. Чун Қоқма саксовул бешасидин ўтти, биёбонға ворид бўлдиким, вусъатда фалак арсасидин кенг ва ҳамворлиғда ойина сатҳиға тенг. **Назм:**

Ажаб паҳн дашт карон то карон
Мусаттаҳ эди рўйи ойина сон.

[2478] 1227 йил 23-муҳаррам/1812 йил 7 феврал.
[2479] Дабур – жануби-ғарб томондан эсувчи шамол.
[2480] Замҳарир – аёзли изғирин.

Темур лавҳ янглиг бари асру сахт
Кўкармай анга ҳеч гиёҳу дарахт.
Саморуг ул ёнидин урса сар
Кўрар бу каноридин аҳли назар.

Ул дашт Оқтобон тақириға машҳурдур. Борурда сўл қўл тарафидаким, жониби ғарбийдур, бир баланд қўл тушубдурким, Оққирға мавсумдур. Ва оёқи Бўричи сангариға вобастадур. Ул даштда лағзиши по[2481] ва шиддати сармодин кўп от ва тева талаф бўлди. Ва ниҳояти бурудатдин аксари аҳли лашкарнинг қўл ва оёқин, бурун ва қулоғин совуқ олди. Олиҳазрат, хилофат мартабатнинг даги муборак бир юзи била бир қулоқларининг учиға бир нима сароят қилди. Ва эшитилдиким, бу даштда ул кун икки киши сармодин ҳалокат сарҳадиға етмиш. Намози асрдин бурун Кўктепа қумиғаким, дашти мазкур юзида хол янглиғ воқедур, нузул қилиб, кирёси баланд асос манжуқин ул қумнинг қибла остида қуббаи аюқға ҳамсар қилди. Ва андин кўчуб, Чартакли усти била икки кун совуқ жиҳатидин оз-оз қатъи манозил қилиб, сешанба куни асрда Чоғиллиға сояйи вусул солди. Тонгласи чаҳоршанба куни кавкабаи воло андин ҳаракат қилди. Ул кун бурудат шиддати бир нима тахфиф топти ва охири пешинда қумдин чиқиб, муз усти била Янгидарёдин убур қилиб, Яхши қашқа тепасининг остиға тушти. Чун жамшиди хуршид хилваткадаи мағрибда ором тутти, **байт:**

Олиб магриб диёридин шоҳи ховар,
Чу бутроши фалакка хайли ахтар.
Шаҳи хуршид тожу осмон тахт,
Хидеви моҳ чеҳрау Муштарий бахт.

Тартиби сипоҳ ва таййини талоя қилиб, хабаргирлик учун Қандим *сардор* ва Паноҳ баҳодир *қўнгрот* ва Давлатназар *юзбоши* валади Ўрунбой ва Султон *кенагас* ва *Тўра*бек *қиёт*ни ўн киши била Ҳасан қалъасининг тарафиға ирсол қилди. Маъмурлар Ямонқашқа ҳаволисидин икки киши тутуб, мингдан кўпрок йилқи олиб, ярим кечадин бурун қайтиб келдилар. Ва тутулғон кишилардин *қазоқ*нинг яқинда эркани ва асокири мансура таважжуҳидин бехабарлиғи маълум бўлди.

Аммо. Тутулғон кишиларнинг бир йўлдоши қўлға тушмай қочиб қутулуб эрди. Нисфиллайлда элга хабар еткурди. *Қазоқ*нинг хирмани саботи бу хабари ваҳшат асар борқаси била хокистар бўлуб, куран-куран, қабила-қабила фирор тариқиға озим бўлдилар. Ул кеча саҳар ҳангомида фақир туш кўрдимким, асокири нусратмаосирнинг барча улоғ ва марокиби ўтун юкланган қиблаға мутаважжиҳдурлар. Ва хилофат мартабат бир саманди гардун монандға рокиб бўлуб, асокири мансура забтиға иштиғол кўргузадур. Ул аснода назаримга мушоҳида қилилдиким, бир санги осиё[2482] ким, йўл устида воқе эрди, ўз-ўзидин пора-пора ушалиб, барча бетасдиъ ўттилар. Тонг отғондин сўнг бу тушни баъзи донишмандларғаким, фақирнинг қўшиға яқин тушмиш эрдилар, тақрир қилдим. Алар таъбир қилдиларким, ўтиндин мурод ўлжа ва ғаноимдур. Иншооллоҳи таоло ҳазрат хидеви комкор душманға нусрат топиб, мурод якрониға рукуб қилур ва ул ҳазратнинг маёмини давлатидин, барча аҳли сипоҳ ва бизлар ғаноими мавфурадин баҳрамандлиғ бўлурмиз. Ва ул тошким, йўлда ушалмишдур, иборати совуқдиндур. Ул даги бартараф бўлуб, беранжу коҳиш мурожиат қилурмиз. Бу туш таъбири «ар-рўё ал-солиҳа[2483]» мадлули била кечга қолмай мансаи зуҳурда жилвагар бўлди. Чун тонгласиким, ойнинг ўн тўққузинчи куни[2484] панжшанба эрди, аламн заррини офтоб арсаи осмонда жилвагар бўлди, ҳазрат хидеви комкор баъзи муътамид кишиларни ўрдуи олий забтиға тайин қилиб, ҳукми воло содир бўлдиким, кўчуб Ҳасан қалъасида таваққуф қилиб, ҳукми мужаддадға мунтазир бўлсун. Ва сипоҳи зафаршиорнинг тартиб ва тансиқиға партави илтифот солиб, умаро ва сипаҳдорлани ўз тумонот ва қўшуноти била қўл-қўл, даста-даста қилиб, ҳукми ҳумоюн иззи асдор топтиким, ҳар ким ўз қўл ва дастаси била маҳалли мўайянда барқарор юрсун-

---

2481 Лағзиши по – оёқ тойиниши.
2482 Санги осиё(б) – тегирмон тоши.
2483 Солиҳа (яхши) туш. Ҳадисдан.
2484 Бу ерда котиб хато ёзган: аслида ойнинг йигирма тўққизи бўлиши лозим. 1227 йил 29-муҳаррам/1812 йил 13 феврал.

лар. Ва аморатмаоб Муҳаммадризо *қўшбеги* ва иниси Муҳаммадқули бекни жунуди зафарвуруд била ҳаровуллиқ ва қаровуллиқ амриға маъмур қилиб, аларнинг изидин кавкабаи воло ва дабдабаи ҳайратафзо била илғор қилди. Ва Ҳасан қалъасидин ўтилгандин сўнг офтоб самт ир-раасға иртифо қилғанда Бургутбойнинг эли *тўвбот* уруғининг кўчининг сўнгиға етиб, ўлжа ва асир қилдилар. Мундин сўнг сипаҳдорлар фармон мавжиби била даста-даста ҳар ким бир йўлға тушуб, наҳбу ғорат маросимиға қиём кўргуздилар. Бу тариқада ғояти истижол била илғаб, кавкабаи ҳумоюн Ўрунбой қалъасидин ўтганда *қазоқ*нинг улуғ кўчиға, балки ўлтирған аҳшом ва овулиға етиб, поймоли чаповул ва дастфарсуди татовул қилдилар. Ул учурда Суюн бийким, Қўнғрот фатҳидин сўнг мулозими рикоби ҳумоюн бўлуб, тарбияти хоқоний била ҳазизи накбатдин даражаи давлатға тараққий топиб эрди, барчадин бурун кўчга оғоинилари била аралашиб, *қазоқ*ни мутафарриқ қилиб, бир қатор теваниким, адади тўққуз эрди, юк ва асбоби била келтуруб, ҳазрат аълохонийға пешкаш қилди. Ул ҳазрат анга изофи алтоф кўргузиб, келтурганларни ўзиға қайтиб марҳамат қилди. Ва якрони азиматин фирорийлар ақабидин сабуктоз қилиб, учраған муонидларни қатлу асир этиб, намози дигардин сўнг Қўпоариғ қумиғаким, Қувонак дарёсиға икки манзиллик йўлдур, сояйи вусул солди ва ул мавзени нузули майманатшамули била рашки нигорхонаи Чин қилиб, нафир ва карнайни навоға киргуздирди, токим атроф ва жавонибдағи чаповул ва ғорат учун мутафарриқ бўлғон сипоҳи нусратпаноҳ ливои зафар ат-таво соясиға мужтаме бўлғай. Ва асокири мансура фавж-фавж ва даста-даста ул биёбони бепоёнда фирорийлар таоқибиға жиловрез бўлуб, *қазоқ*иядин қабила-қабила элни асир ва торож қилиб, хуфтонда оғир ўлжа ва қалин ғаноим била атрофу жавонибдин ливои нусрат ат-таво соясиға мужтаме бўлдилар.

Аммо. *Явмут*ия жамоасиким, мавкаби ҳумоюндин бир манзил илгари аъдои гурезпоға эришиб, қатлу торож амриға иштиғол кўргузур эрдилар, ғуруб вақтида *қазоқ*иядин бир гуруҳи анбуҳнинг изидин етиб, бетаҳоши ва тааллул кўч аросиға дохил бўлуб, наҳбу ғорат амриға дасти татовул узаттилар, муонидларким, жон хавфидин қадамфарсои водии фирор эрдилар, чун кўрдиларким, атфолу аёллари душман қўлида исорат қайдиға гирифтор бўладур, ҳамияти *қазоқ*ият инонгир бўлуб, ҳайъати ижтимо била *явмут*ияға ҳамла еткуруб, муҳориба амриға иқдом кўргуздилар. Ва *қазоқ* диловарларидин биров найза еткуриб, Қоқа *сардор*нинг эгнидин захм солди. Қоқа *сардор* бовужуди захм ямут муборизлари имдоди била ул диловарни ҳаёт маркабидин мазиллат туфроқиға йиқиб, аъдои давлатни мақҳур ва мунҳазим қилдилар. Ва дерларким, Ойтан *тўра*ким, Бўлакайхоннинг ўғлонларидиндур, ул муҳорибада *явмут*дин жароҳат кўтариб, латоиф ал-ҳийл била ўзин бир канорға тортиб, ҳалокат вартасидин нажот топмиш. *Явмут*ия ул мавзедин усарои бисёр ва ғаноими бешумор била илгариб, мавкаби ҳумоюнға мурожиат кўргуздилар.

Ул кун Ҳўббиқули хўжаким, Хўжажон хўжаға машҳурдур, анинг навкарларидин *боглон* Отаниёз деган бир йигит шаҳодатға етти. **Бу воқеа ул эрдиким,** Отаниёзи мазкур Хўжажон хўжанинг иниси саййид Мансур хўжа била муонидлар торожиға гарм бўлуб, бир тарафға тушдилар. Ул аснода Соллоқ баҳодир валади Абдуллоҳ *сардор олабўлак* ва *човдур* навкарлари етушиб, аларға қўшулдилар ва муттафиқ ул жонибдағи *қазоқ* таоқибиға камоли истижол била якрон суруб, *қазоқ*нинг изидин етиб, амвол ва мавоши торожиға қўл солдилар. Итифоқан *қазоқ* иддати икки мингдин зиёда эрди ва булар ўттуз отлиғдин кўп эрмас эрди. *Қазоқ* хайли бу жиҳатдин қайтиб, далерона муҳориба амриға қиём кўргузди. Саллоқ баҳодир бу мазмунғаким, **байт:**

Сипоҳе ки сандин зиёдат дурур,
Анга жоҳид ўлмоқ жаҳолат дурур

– амал қилиб, ўзин кейин тортиб, ҳангомаи корзордин канорагирлик кўргузди. Аммо Отаниёзи мушорилайҳ сархуши нашаи разм бўлуб, аъдои давлатнинг касрат ва иддатин «қанча бўлса ҳам йўқ каби[2485]» санаб, майдони корзордин шижоат юзин қайтармайин, муборизат теғи била кўп *қазоқ*ни мазиллат туфроқиға йиқитти. *Қазоқ*ия ғулув қилиб анга захми жонгузой солиб, отдин йиқтилар. Ул ҳодисадин саййид Мансур хўжа огоҳ бўлуб, *қазоқ* сипоҳин мутаволии ҳамалот била анинг атрофидин йироқ суруб, ани майдони корзордин олиб чиқти. **Назм:**

[2485] Арабча ибора.

Ямон кунлар киши бошиға тушса,
Қазодин кулфате ногоҳ етушса.
Хуш ул ҳамраҳ ки кечгай молу жондин,
Ва лекин кечмагай бир лаҳза андин.
Бу янглиғ ҳамраҳу қобилға юз жон,
Фидо қил гар муяссар бўлса осон.

Қазоқ била айрилишғондин сўнг жонин ҳаққа таслим қилди. Саййид Мансур хўжа анинг ўлигини хуфтанда мавкаби ҳумоюнға еткуриб, ҳозир уруғиға топшурди.

Ул кун асокири мансура ва афвожи қоҳираға ғаноими мавфур ва усарои номақдур тушти. Андоққим юз мингдин зиёда қўй ва қирқ мингдин ортуқроқ тева эрди. Боқий ғаноимни мундин қиёс қилса бўлур. Ва усародин беш юз бокира эрди. Ўзга асирлар тахминин мунинг юзидин билса бўлур. Ва Жонтув *тўра* ва Ойтан *тўра* валадони Бўлакайхоннинг қизлари ва ҳарамлари дағи асорат қайдиға кирди. Ва Бургутбой *бий*нинг бир хотуни била бир кичик ўғли асир бўлди. Чун хусрави анжум ливои зарринин фалак даштида ҳаракатға киргузди ва кавокиби сипоҳи *қазоқ* хайли ҳазимат оҳангин туздилар, ҳазрат султони соҳибқирон яна *қазоқ*ни таоқиб қилмоқ иродаси била ўрдуи кайҳонпўйиға киши юборди, токим кўчуруб, ақабидин еткургай. Ва Шоҳниёз *отолиқ* бошлиғ умарои изом ва акобири вожиб ал-эҳтиром даргоҳи гардун иштибоҳға жибҳасои ниёз бўлуб, мавқеи арзға еткурдиларким, муонидлар аъмолиға кўра, балки зиёдароқ жазоға сазовор бўлуб, қутулғонлари бу биёбони бепоёнда овора ва саргардон бўлдилар. Кавкаби аъло ул овораларни бу дашти васеда таоқиб қилмоқда онче фойда мутараттиб эрмас. Эмди давлат била мустақарри жалолатға мурожиат кўргузуб, фуқаро бошиға соягустари отифат бўлмоқ муносиби давлат кўринур.

Ул ҳазрат бу жиҳатдин ул азиматни фасх қилиб, ўрдуи кайҳонпўйиға чопар юбордиким, Ҳасан қалъасидин тебранмасун. Ул аснода Қурон*бий*нинг ўғлонлари *чилдир* уруғи била кейинда қолғон хабари келди. **Бу воқеа тавзиҳи улким,** Қурон баҳодирким, *чилдир* уруғининг улуғидур, ул эл била Ҳасан қалъасининг кунтуғар қибласида бир фарсах йироқ қишлоқ қилиб ўлтириб эрди, уруғи бурунроқ Қувонак канориға Султон Темурхоннинг ўрдусиға бориб эрди. Андоққим собиқан мазкур бўлди. Анинг ўғлонлари бу ҳодисадин чоштгоҳда хабар топиб, *чилдир* уруғи била кўчуб, фирорий бўлдилар. Занғар қумининг шарқида кичкина дарё каноридаким, Янгидарёнинг бир шўъбасидур, сипоҳи нусратпаноҳдин баъзи мутажандаким, мол талаби била ул тарафға тушуб эрдилар, аларға йўлиқиб қолдилар. Алар ул элни муҳосира қилиб, ҳазрат хидеви комкорнинг мулозиматиға чопар юбордилар. Бу хабар ул ҳазрат мулозимларининг самъи шарифиға етушгач, Муҳаммадниёз бек маҳрамни гуруҳи анбуҳ била номзад қилди. Ва ўзи чоштгоҳда кавкабаи тамом била рукуб қилиб, мурожиат тариқиға якрони азимат сурди. Занғар қумиға қариб етганда Қуронбой элининг ҳануз олинмаған хабари келди. Ул ҳазрат ўз нафаси нафиси била ул ёнға мутаважжиҳ бўлуб, яқин етгач «ҳақ келди ва ботил кетди[2486]» масдуқасининг мафоди била нусрат насими роёти зафароётни иҳтизозға киргузуб, *қазоқ* аламиi нагунсор бўлди. Ва асокири нусратмаосир ғалаба қилиб, куран орасиға ворид бўлуб, *қазоқ*иянинг хирмани жамиатиға оташи наҳб ўруб, тафриқа ҳавосиға совурдилар. **Маснавий:**

Қаёнким шаҳаншоҳи ферузманд,
Адув қасдиға тез айлар саманд.
Худо лутфу тааиди ҳодий бўлур
Анинг ҳар на эрса муроди бўлур.
Сипоҳи зафарға топар ихтисос
Бўла олмас аъдоси ғамдин халос.
Фалак ёр ўлуб хайли мансур ўлур
Аъдоси хайлиға мақҳур ўлур.
Кишиким анга қилса бадхоҳлиқ
Қилиб бахтидек асру гумроҳлиқ.

[2486] Қуръони карим, 17 : 81.

Кўрар оқибат ул ҳам андин жазо
Топар ниятиға на эрса сазо.
Илоҳо бу шоҳи фалак жоҳни
Жаҳон кишварида шаҳаншоҳни.
Ҳамиша бу янглиғ зафарёр қил
Мудом оллида душманин хор қил.
Фузун айлагил дамбадам давлатин
Насиби қилиб нусратинг неъматин.

Эр ва хотун барчасин иср қайдиға чекиб, молу мавоши ва абқору оболу ахёлин ўлжа ва ғанимат қилдилар. Аммо. Қурон баҳодирнинг ўғлонлари машаққати тамом била қалин бешага ўзларин еткуруб, вартаи ҳалокатдин қутулдилар. Анинг улуғ ўғли Эдику Мирзо бошидин захмдор бўлуб, қўлға тушмиш эрди. Нигаҳбоннинг ғафлат ва мусоҳилакорлиғидин қочиб қутулди. Қурон баҳодирнинг ўғлонларидин ўзга барча мутааллиқоти усаро силкига дохил бўлди. Андоқким анинг ва иниларининг ва ўғлонларининг асир бўлғонлари йигирма бешдин кўп эрди. Фатҳи мазбур фароғидин сўнг ҳазрат хидеви комкор давлат ва комронлиғ била ул ердин ўрдуи ҳумоюн жониби атфи инон қилди. Ул аснода *қазоқ*иядин уч-тўрт киши кавкабаи волоға учраб. асири қайди бало бўлдилар. Аларни тутарда Бобожон бек валади Саййидали бек *қиёт*ким, шижоатпаноҳ, шаҳоматдастгоҳ, шужо уд-давлата Оллош*бий*нинг инисидур, бировининг изидин етиб, дастгир қилурда ул бедасту по ғояти саросималиғидин қилич тортиб, беки мазбурнинг ўнг қўлининг панжасиғаким, анинг инонидин тутуб эрди, захм солди. Оллош *бий* филҳол етиб, анинг бошидин жароҳат еткуруб, тутуб, исорат силкиға тортти.

Ҳазрат хидеви комкори душманшикор аср вақтида Ҳасан қалъасида ўрдуи ҳумоюнға ворид бўлуб, қудуми майманатлузуми била кирёси давлат асос манжуқин сипеҳри нилий либос авжидин ўткарди. Тонгласиким, шанба куни сафар ойининг ғурраси[2487] эрди, усарони хатға олиб. мўътамиди алайҳ кишиларға топшурдилар. Ул аснода Тўқтошхўжа отлиғ *қазоқ* тарафидин элчи келиб, Султон Темурхон ва бийларнинг изҳори инқиёд ва узри тақсиротин мавқифи арзға еткурди. Ул ҳазрат карами жибиллий ҳаракати била аларнинг узрин қабул қилиб, ҳукми воло иззи нифозға етуштиким, мамлоки маҳруса ва аҳли исломдин олинғон барча усарони истирдод қилиб, келтурсинлар. Иншооллоҳ *қазоқ* усаросин «аҳлу оиласи олдига хурсанд бўлиб қайтурлар[2488]» мадлули била мароҳими хусравонамиздин баҳраманд қилиб юборурмиз. Бу жавоб била Тўқтошхўжани қайтариб, улуғ чоштгоҳда ул мавзедин наҳзат аламин жилваға киргузуб. Ямонқашқа қумининг орқасиға нузул қилиб, боргоҳи иқболни барпой қилдилар. Чун *қароқалпоқ*ия ва баъзи черик аҳли ғаноимин ғон бермакдин қочуриб, тенгиз каториға ва Оқёқиш диёриға ғайри мутаориф[2489] йўллардин элтиб эрдилар. Бу жиҳатдин ул жавонибға борғон ғаноимнинг ғонин ахз қилурға шужо уд-давла Оллош *бий* ва Давлат *қоракўз*ни баҳром савлат муҳассилар била Оқёқишға буюрди. Тонгласи якшанба куни Жонтув султон ва Ойтан *тўра*нинг асир бўлғон муталлиқотин авотифи хусравона ва мароҳими бекаронадин баҳрамандлиғ қилиб, бир хиймада уч-тўрт кунлик озуқа била қўйиб, давлат ва саодат била рукуб қилди. Ва ғаноим касратидин ҳар кун бир манзил ва бир ярим манзил қатъи масофат қилиб, Қашқолдоқлиқоқ жониби ливои наҳзатни ҳаракатға киргузди. Ва чаҳоршанба куни ойнинг бешида Маслаҳат тепасининг жанубиға нузул қилди. Ул мавзеда Ойдўст *бий қароқалпоқ* акобири била рухсати инсироф ҳосил қилиб, мавотинлариға мурожиат кўргуздилар. Панжшанба куни ул ердин наҳзат кўргузуб, жума куни Қашқалдоқлидин ўтуб, Ғазна йўлиға кирди. Бу йўлда икки кундин, уч кундин бери қор ёғар эрди. Бу жиҳатдин асокири мансура сув кўтармак ранжидин қутулдилар. Шанба куни ойнинг саккизи[2490] да Кўкча қирининг шимолида манзилгузин бўлди. Бу манзилда Искандар *арбоб* ва баъзи мутажанда йўлдин адашиб, Ҳазорасб тушида Сувқилидин дарё қироғиға чиқтилар. Кавкабаи воло Кўкчадин ҳаракат қилиб, душанба куни ойнинг ўнида Кўҳна Кот навоҳисиға ворид бўлуб, Шайх

[2487] 1227 йил 1-сафар/1812 йили 25 феврал.
[2488] Қуръони карим, 84 : 9.
[2489] Нотаниш.
[2490] 1227 йил 8-сафар/1812 йили 3 март.

Аббос вали *қаддаса сирраҳу*нинг жавори фоиз ал-анворларида Чолиш шўъбасининг канорин музраби хайёми иқбол қилди. Чун совуқ шиддатидин Омуя суйи яхбанд бўлуб, яна икки-уч кундин бери ҳаво иссиғлиғидин муз аркониға тазалзул етиб, ул маъбардин гузар қилмоқ мутааззир эрди. Ва яна маърузи ройи оламорой бўлдиким, Чот қалъа гузаргоҳида муз билкулл бартараф бўлуб, ул фурзада кема дағи вофир эрмиш. Бу жиҳатдин сешанба куни Чолиш қироғидин кўчуб, Чот қалъа тушиға тушулди. Панжшанба куни ойнинг ўн учи[2491] да аҳли Хоразм расми била Наврўз бўлуб, ул ҳазрат тўйи наврўзий бериб, жамии умаро ва акобири лашкарға навозишоти хусравонадин сарафрозлиғ бағишлади. Бекболта *мироб* ва Ниёзмуҳаммад *девонбеги*ким, асари тааиди субҳоний ва шарафи иқболи соҳибқироний била *така* ҳабсидин махлас топиб келмиш эрдилар, ул кун шарафандўзи тақбили бисот бўлдилар. Ҳамул кун ҳазрат сарвари салотин маъбар оғзиға хийма тикдуруб, ул хиймани қудуми шарифи била гардун хиргоҳиға ҳамсар қилди. Тўрт кунгача ул ҳазратнинг назари муборaки оллдида соҳиби тамиз оразлар сипоҳи нусратпаноҳни даста-даста ва гуруҳ-гуруҳ сон кўруб, вазири сутуда сияр, низм ал-мулк вал-миллата Юсуф *меҳтар* фармон мавжиби била ғаноимдин бешдин бир ғон олиб, дарёдин ўткардилар. Ва амири хужасталиқо муғис ад-давлат ва-д-дин Муҳаммадризо *қўшбеги* дарёнинг бу тарафида ўтган черикни таҳқиқ қилиб, асомисин рақам силкига киюрди. Ҳазрат хидеви комкор арзи лашкар фароғидин сўнгра умарои изомға ғондин бениҳоят мол марҳамат қилиб, душанба кечаси ойнинг ўн еттиси[2492] да хуфтанда дарёдин убур қилиб, Омуянинг бу қироғин муқарри кавкабаи воло қилди. Талиаи субҳдин сўнг мағис уд-давлата Муҳаммадризо *қўшбеги*ни маъмур қилдиким, йўлда оти ва улоғи талаф бўлғон кишиларга ғондин баҳо бериб «оиласи ва бола-чақаси олдига хурсанд қайтурлар[2493] » фаҳвоси била мавотин ва масокиниға масрур ва шодком қайтарсун. Ва чоштгоҳдин сўнг рукуб қилиб, намози шом чоғи давлат ва нусрат била тенгрининг сояйи ҳимоятида шаҳарға ворид бўлуб, мустақарри хилофатни мақдами ҳумоюни била рашки авранги сипеҳр этти. **Қитъа:**

Худога шукр ки шаҳ мақдами била бўлди,
Сарир жилваву жалолати баланд поя яна.
Тикиб мамолик уза шомиёнаи давлат,
Ҳузури солди халойиқ бошига соя яна.
Топиб сипоҳи ганоим била ҳусули маром,
Етурди адли раоёсига риоя яна.

Бу фатҳ таърифида шуарои балоғатпеша ва фузалои фасоҳатандеша қасоиди ғарро ва таворихи назокатафзо назм силкиға чекиб, мавқифи арзға еткуруб, силлаи каромaнд била баруманд бўлдилар. Ул жумладин муншии балоғатгустар, девони латофатпарвар, афзал ал-булағо, акмал ал-фузало, соҳиби салосат ал-калом, мақбули хавосу авом Абулмаоний мулло Ниёзмуҳаммадким, бу девонхонаи олий остонанинг девон ва муншийларидиндур, бу қасидани алфози туркона била назм риштасиға мунтазам қилиб, арзға еткурди. Ва ҳазрат зиллилоҳийнинг панжаи эҳсонининг зарпошлиғидин баҳраманд бўлди. Алҳақ агарчи табоеи қабули учун туркона айтибдур, аммо латофат ва зарофат додин берибдур. Ул қасида будурким, мастур бўлур. **Қасида:**

Шукрким кишварига хон келди,
Оломон барчаси омон келди.
Бир бадан эрди мамлакат жонсиз
Филмисл руҳ ила равон келди.
Обрўйи тамом бирла бориб
Марҳабо хусрави жаҳон келди.
Фатҳу нусрат рикобига тушубон
Хизру Илёс ҳаминон келди.

[2491] 1227 йил 13-сафар/1812 йили 9 март.
[2492] 1227 йил 17-сафар/1812 йил 13 март.
[2493] Қуръони карим, 84 : 9.

Даҳр бадхоҳу некхоҳига
Мамлакат бахшу жонситон келди.
Толеву бахт ўлуб мададкори
Ўпгали хоки остон келди.
Симпошанд вожиб ут-таъзим
Зилли раҳмани худойигон келди.
Шаҳ Муҳаммадраҳими дарёдил,
Кафи жуди чу баҳру кон келди.
Етти пуштини дема шоҳнишон
Етмиш абоси ҳукмрон келди.
Боргони маншаи зимистондек,
Қайтурда ёздин нишон келди.
Мужда эй шаҳар эли ки зилли илаҳ
Бўлголи сизга соябон келди.
Илгорида ғазаб била талашиб,
Ғунчасон борди, гулистон келди.
Шаҳардин қаҳр била отланибон
Неш борди-ю нўши жон келди.
Қаҳр ила юз қўюб шимол сори
Демади қор ё бўрон келди.
Қилди бир иш ки, одамий қилмас,
Анда лол ақли хўрдадон келди.
Олти сонлиғ Оллошға от сурубон,
Солиб ошубу қўзголон келди.
Роҳзанларни айлабон торож,
Торпибон жонидин фиғон келди.
Дашти Қипчоқға солиб шуриш,
Комжў борди, комрон келди.
Бўлубон лашкар ўлжадин ғаррин,
Шоҳдин барча шодмон келди.
Неча юз минг қатор тева уза,
Молу асбоби бекарон келди.
Олди химси муборакин элдин,
Шаҳарга ганжи шойгон келди.
Муншиё, сўзни мухтасар қилгил,
Эшитур элга кўп гарон келди.
То ки қудрат қўли қазо қалами,
Офариншига нақшрон келди.
Шоҳ бўлгай жаҳон аро сарсабз,
Ҳар неча даври осмон келди.

Бу қасиданинг абёти етмишдин ўтар эрди. Фақирнинг ёдиға мундин ортуқ хутур қилмади. Фақир бу таърихни манзум қилиб эрди. **Таърих:**

Хусрави гози-ю фаришта ҳисол,
Хони соҳиби макорим ал-ахлоқ.
Шаҳ Муҳаммадраҳимхон ки надид,
Чарх чун у шаҳи биистиҳқоқ.
Сарваре к-зи сарои иқболаш,
Осмон аст мухтасари нуҳ тоқ.
Дар муҳаррам кашид жониби дашт,
Лашкар аз баҳри аҳли кину нифоқ.

Мунҳазим шуд зи савлати сипаҳаш,
Муфсидони қазоқ *бар офоқ.*
Гашт торож молу манзилишон,
Шуда қатлу асир аҳли шақоқ.
Гуфт Мунис барои таърихаш
«Шуда торож дудмони қазоқ*»*

Дарё қироғида Тўқтош хўжаи мумиилайҳ яна сифорат расми била Дашти Қипчоқдин келиб, йигирма-ўттиз асирниким, ба ижолат ал-вақт[2494] жам қилиб келтуруб эрди, ҳазрат хидеви комкор айни иноятдин Бургутбой *бий*нинг ўғлин ҳамроҳлари билаким, рукуб асносида зиндони балиятда маҳбус бўлуб эрди, ҳибсдин чиқариб, молу ашёлари била хўжаға топшуруб, Қўшназар *девонбеги*никим, кўп ғаноим тушуруб эрди, ғон бермакдин қочуруб, кавкабаи володин бурун Қувбош йўлидин мурожиат кўргузуб эрди, бу тақсир танбеҳи учун сифорат расми била Тўқтош хўжаға масҳуб қилди, токим *қазоқ*иядин аҳли исломнинг қолғон ҳар на усароси бўлса истирдод қилиб келтургай.

Баъзи вақоеотиким, мустақарри салтанатға нузул қнлғондин сўнг вуқу топти, зикр қилилур

Чун султони соҳибқирон, хоқони гардунтавон неруи иқболи рўзафзун ва тааидоти ҳазрати бечундин Дашти Қипчоқ тасхириға муваффақ бўлуб, шарафи нузулидин дор ас-салтанаи Хиваќни равнақафзои қасри хаварнақ қилди **аввали воқеаким, судур топти, бу эрди:** кавкабаи воло Дашти Қипчоқда эрканда атрофдин элчилар келиб эрди. Баъзи инқиёд ва фармонбардорлиғ изҳори била ва бархи иттиҳоду якжиҳатлик юзидин элчии чарбзабон била садоқатнома юбориб эрди. Ва Даргаз *ҳокими* Беглархон валади Лутфалихон *Човушлу*ким, ул ўлканинг волии билистиқлолидур, ҳазрат хидеви комкорнинг тантанаи давлати рўзафзуни Эрон мамоликининг хавосу авомиға гушзад бўлуб эрди, ул ғойибона бу жаноби олийнинг мулозимларининг иттиҳодмандлигиға ишқибоз бўлуб, яна Тажан *така*сиким, сутуввати қаҳри хоқонийдин дағдағаандўзи таваҳҳум эрдилар, ҳаққи жавор риоясидин ул жамоанинг жароимин шафоат қилиб, мўътамиди алайҳ кишиларидин бировни Тажан аҳлининг элчилариға масҳуб қилиб, даргоҳи олампаноҳға ирсол қилиб эрди. Ва бу тариқада *соруқ* улусиким, Марв навоҳисида мутамаккиндурлар, ул жамоанинг акобиридин Муродбек ва Нурхўжабек ўз ўғлонлари Маҳмудбек ва Ойдўғдибекни мустақарри жалолат утбабўслиқиға юбориб, қуллуқ ва тоатгузорлиғ мазмуниға мушир аризадошт ирсол қилиб эрди. Ва Охол такасидин Берди *отолиқ* ва Омондавлат ва Холнафаским, ул элнинг акобиридиндурлар, итоат ва фармонбардорлиғ изҳори била келиб эрдилар. Ва Ўртаюз *қазоқ*нинг *ҳоким*и Омонбой *бий*иинг иниси Қабонбойнинг келгани худ собиқан гузориш топиб эрди. Бу элчиларға уч кундин сўнг жума куни сафар ойининг йигирма бири[2495]да кўрунуш бериб, маросими навозишдин сўнг хилои гаронмоя била элчиларни мустағриқи тилло қилиб, ҳар қайсиға муътамид кишилардин элчи ва омили закот қўшуб, закот ахзи учун ирсол қилди. Андоқким, юмроли Нодир *сардор*ни Машҳади муқаддасға шаҳзода Валиға сифорат расми била юборди. Ва Бегларбегихонға яна бировни расул қилди. Тажан сукконига *қиёт* Паҳлавонниёз бекни закот ахзи учун ирсол қилди. Ва *соруқ* элиға *қиёт* қўнгротлиғ Хўжаш ноибни номзад этти. Ва Охол такасиға Абдол хўжаи Бекободий била Муҳаммадниёз бек Муғолчагийни омили закот қилди. Ва Дашти Қипчоқға Ўртаюз *қазоқ*иға Оллоҳберди хўжани элчи қилиб юборди. **Ва яна улким,** чун ҳазрат хидеви комкорнинг ҳиммати олийнаҳмати абнияйи хайр таъмириға маашуф эрди, ложарам сана минг икки юз йигирма беш[2496]да Сирчали ариғининг уч гузаргоҳидаким, бири Гандумкон орасида, яна бири ҳазрат Бойтемур Ото *алайҳирраҳма*нинг жаворида, яна бири Боғчада Янгидарвозанинг муқобиласида, уч сангин кўпрук[2497]ким, Чингизхон тасаллутидин то алон Хоразм диёрида раем эрмас эрди, иморат қилдуруб эрди, агарчи содакори паргор эрди, аммо ҳазратнинг мулойими табъи

[2494] Шошилинч фурсат ичида.
[2495] 1227 йил 21-сафар/1812 йил 29 феврал.
[2496] Ҳижрий 1225/1810-11 йил.
[2497] Тош кўприк.

шарифи тушмайдур эрди. Бу жиҳатдин Дашти Қипчоқдин келгандин сўнг Боғча гузаридаги кўпрукнинг тахрибиға амр қилиб, банно ва муҳандислардин мулло Одина Ҳазорасбийниким, мулло Укаға машҳурдур, ул бинои хайр таъмири учун ихтиёр қилиб, анинг корсозлиғини низомулмулк Юсуф *меҳтар*нинг иҳтимомиға ружу қилди. Оз фурсатда ул бино итмомға еттиким, дилкушолиғда таърифдин ғаний ва хушояндалиғда тавсифдин мустағний бўлди. Ул иморатнинг таърифида бу таърих яхши воқе бўлди. **Таърих:**

Шаҳи Муҳаммадраҳимхон ки расанд
Хоксорон ба давлат аз назараш.
Тождорони даҳр аз сари тавъ,
Хешро мекунанд хоки дараш.
Бар сари жўйи Сирчали он шоҳ,
Баҳри хайрот дар се раҳгузараш.
Кард бунёд се пули сангин
Ҳар яке хубтар аз он дигараш.
Лек як пул ки буд бар дари шаҳр,
Дод аз нав асоси хубтараш.
Буржҳояш гузашта аз сари чарх
Ҳаст гардун равоқи мухтасараш.
Хубии вазъи ў шавад равшан
Бар касе к-ў гузар кунад агараш.
Гуфт таърихи вай чунин Мунис,
Бар саҳифа кашида килки зараш.
«Пули сангини хусрави олам,
Эй хушо ҳар ки бигзарад зи сараш»

Чун ададда икки зиёда эрди, таъмия амали била исқот қилилдиким, сўнги мисра анга муфиддур[2498].

Бисмиллоҳи-р-раҳмони-р-раҳим

Арбоби фатонату балоғатосор ва асҳоби дирояту фасоҳатшиорнинг замири байзотахмир ва хотири меҳр танвирлариға равшан ва ҳувайдо мубарҳан ва жилвапироя бўлсунким, Чингизия дудмонидин Хивақ доруссалтансида подшоҳлиқ амриға қиём кўргузганларнинг сўнгиким, Абулғозихон эрди, ани подшоҳи олийшон ва хидеви гардунтавон, босит ал-амн ва-л-омон, моҳи ал-зулм ва-т-туғён Элтузар Муҳаммад Баҳодирхони мағфиратнишон маъзул қилиб, салтанат тахтин ўз қадами мубораки била сарбаланд ва ҳукумат тожин ўз ҳумоюн тораки била аржуманд қилди. Сиёсати селидин зулм бунёди вайрон ва адолати меъморидин мулк саросар маъмур ва ободон бўлди. Ул чоғда жаҳон фозилларининг афзали ва замон комилларининг акмали, фазлу дониш тенгизининг тимсоҳи, ақлу биниш сафинасининг маллоҳи, илм қуёшининг матлаи ва камол аҳлининг маржаи, **маснавий:**

Вужуди фаҳму донишнинг жаҳони,
Замири хўрдадонлиғнинг макони.
Юзидин билгуруб анвори маъни,
Сўзидин фаҳм ўлуб асрори маъни.
Мақоли айб нуқсидин муарро,
Хаёли нуқс айбидин мубарро.
Бўлуб таслими барча илми ашъор
Демай ашъор ҳар не илмким бор.
Жаҳонда ким фазилат бирла муътод

[2498] Таърих санаси 1227 дир.

Ўлубдур ул анга бешакдур устод.
Жаҳон донишвари мумиилайҳи,
Балогат аҳли минқодун алайҳи.

– ҳаллоли мушкилоти дақоиқ, кашшофи ғатоёйи ҳақоиқ, фазоилмаоб, камолотинтисоб, яъни Мунис *мироб* марҳумий *сақааллоҳу сароҳуа*ким, ул ҳазратнинг қадим ал-хизмат *чокар* ва давлатхоҳи ихлос нустарларидин эрди, анга лутфи беғоят ва карами билониҳоят изҳор қилиб, бу ҳумоюн китобнинг таълифин буюруб, ани ўз ақронидин мумтоз ва сарафроз қилди. Ва ул фармони вожиб ал-изъон мавжиби била амал қилиб, Одам *алайҳиссалом* ижодидин Нўҳ *алайҳиссалом* авлодиғача зикр этти. Андин сўнг Ёфас *алайҳиссаломдин қўнғрот* шўъбасиғача *мўғул* подшоҳларин баён этти. Андин сўнг Қурлос авлодидин подшоҳлиқ мартабасига етганларни зикр этиб, чун Шерғозихоннинг тазкориға етганда, гардуни дун жафокорлиғи ва жаҳони буқаламун нопойдорлиғидин ул ҳазратнинг ҳаёти кемаси фано дарёсида гирдоби мамотға дохил ва руҳи покин қобиз ал-арвоҳға топшуруб, Тангри таоло раҳматиға восил бўлди. Чун бу воқеаи жонгудоз ва ҳодисаи малолатоғоз растохези таскин топғондин сўнг подшоҳи мағфурнинг биродари аржуманди афзали салотини олам, сарвари хавоқини бани Одам, олийшон, рафемакон, зилл ис-субҳон Абу-л-музаффар ва-л-мансур Абулғози Муҳаммадраҳим Баҳодирхони *жаннатмакон* салтанат нигинин ҳиммати бармоғиға солди ва вилоят ихтиёрин қабзаи иқтидориға олди. Сиёсати қиличи золимлар қонин андоқ тўкдиким, қиёматға текру зулм расми нопадид ва адолати меъмори мулк биносин андоқ маъмур қилдиким, то ҳашрғача хароблиғидин аъдо кўнгли ноумид бўлди. Ул овони саодатнишонда мусаннифи мазкурким, подшоҳи мағфурнинг бандаи соҳиби ихлос, балки надими хоси эрди, бир кун базм ҳангомида анга айни иноят била боқиб дедиким «нотамом қолғон китобингни итмомға еткур ва бизнинг вақоеи касир ал-бадоемизни ҳам таҳрир силкига киюр!» Чун бу амр судур топғондин сўнг хуррам ва хушҳол бўлуб, яна Шерғозихондин Абулғозихонғача зикр этти. Андин сўнг хони мағфиратнишон Элтузар Баҳодирхоннинг жулусидин вафотиғача барча воқеот ва ҳодисотни баён қилди. Андин сўнг хоқони мағфур ва шаҳаншоҳи мабрур Муҳаммадраҳим Баҳодирхон *алайҳраҳма вал-ғуфрон*нинг жулуси майманатмаанусининг еттинчи йилиғача воқе бўлғон барча воқеотни бир-бир баён қилиб ва Дашти Қипчоқ сафари вақоеин ҳам мастур этиб, ҳануз ўзга вақоеға шуру қилмайдур эрди, ул ҳазрат мусаннифи *алайҳирраҳма*ни[2499] «Равзат ас-сафо» китобинким, форсий лафзи била мубаййиндур, турк лафзи била музайян этмакка амр қилди. Чун мусанниф «ал-маъмур маъзур[2500]» мафоди била «Равзат ас-сафо»ни туркий қилмоқға иштиғол кўргузди, бу китоб таҳрири билкулл матрук ва маслуб бўлди. Чун «Равзат ас-саофо»нинг аввалғи дафтари тамом бўлуб, иккинжи дафтари ҳам «Бадр ғазваси»ға етганда, ул ҳазратнинг умри қуёши ажал мағрибиға ғуруб қилди. Анинг аршад авлодиким, олийҳазрат, муалло мартабат, Жамшид савлат, Искандар ҳашмат, хуршид кулоҳи фалак жойгоҳ, Сулаймон бахт, осмон тахт, зубдаи салотини олам, қудваи дудмони бани Одам, ҳодими бунёд ал-куфр ва-т-туғён, моҳии русуми ал-бидъат ва-л-адвон, носиби ливои амну омон ала рууси аҳл ал-иймон, аъни хоқони олиймакон, қоони гардунтавон, ал-мустансир ман ан-насир ал-малик ал-мустаон Абулғози Оллоҳқули Муҳаммад Баҳодирхон *халладаллоҳу таоло мулкаҳу ва ажро фи биҳор и-л-мақосид, и фулкаҳо,* **фард:**

Ҳамоно офтоби оламорой,
Қамар манзилгаҳин қилгон киби жой

– ота тахтида ўлтириб ва жуйи баҳоридин олам гулистонинг сарсабзу хуррам ва вужуди азҳоридин ул гулистонни рашки бўстони Эрам қилди. **Маснавий:**

Адли жаҳон мулкини обод этиб
Базли улус хотирини шод этиб.
Қаҳри била золим уйи вайрон бўлуб

[2499] Яъни Мунисни.
[2500] Буюрилган киши узрлидир.

Лутфи била даҳр эли шодон бўлуб.
Даҳр салотини бўлуб бандаси
Ожизу муҳтожу сарафкандаси.
Қуллуқига шаҳлар этиб ифтихор
Ҳукмиға ҳокимлар ўлуб интизор.
Қилса назар лутф ила ҳар хокга
Ани ҳаво элтгай афлокга.
Қадри баланд эйла ки тайри хаёл
Юз йил уруб пар анга етмаки маҳол.
Хиймаи адно анго гардон сипеҳр,
Икки кўмочидур анинг моҳу меҳр.
Ё раб, анинг қадрини мундин баланд
Айла ва ёқ хасми дилин чун сипанд.
Давлату умрини этиб мустадом
Мулки жаҳон борича қил бардавом.

Чун ул ҳазрат ҳам мусаннифи мазкурни иноёти подшоҳона ва инъомоти хусравонадин маҳзуз ва баҳраманд қилиб «Равзат ас-сафо»нинг қолғонин туркий лафзиға киюрмакка амр қилди. Ва ул ҳасб ал-ҳукм бир неча муддат авроқ юзига қалам суруб, ҳануз иккинчи дафтарни тамом қилмамиш эрди, санаи ҳижрий минг икки юз қирқ тўрт[2501] да эрди, вафот топти. Чун бу воқеадин ўн бир йил ўтти ва ҳазрат соҳибқироннинг жулуси саодат маанусининг ўн бешланжи йиликим, сана минг икки юз эллик беш[2502] да эрди, бу бандаи бебизоат ва қалил ал-истиоат ва бу гўшанишини вайронаи алам ва малолат, аҳқари ибоди малик ал-ваҳҳоб, заифи нажиф Муҳаммадризо *мироб* ал-мутахаллис би-л-Огаҳий ибн Эрниёз бек биродарзода ва дастпарвардаи Мунис *мироб гафараллоҳу зунубаҳум ва саттара аъябаҳумким,* ул ҳазратнинг хизматкори қадимий ва жонсипори самимии эрдим, ногоҳ жибҳаи аҳволимға дийдаи марҳамати ва носияйи авқотимға айни иноятидин назари кимиёасарин солиб, бу паришон авроқким, таркибидин кўнгул мутаҳаййир, балки ақли кулл мутааззирдур, жам қилиб, итмомға еткурмакни буюруб, бу дилхастани мазиллат туфроғидин кўтарди ва ифтихорим бошин фалаки даввордин ўткарди. Агарчи донишманди фасоҳат ойин ва хирадманди хўрдабин айёми саодат анжомида лойўад ва ло яҳсо[2503] эрди ва лекин бу хизмат ирс тариқаси бирла манго даст берди. Чун ул ҳазратнинг илтифот ва иноётидин бу амрға ихтисос топдим «ал-маъмур маъзур[2504]» муқтазоси била бўйин сунуб, қуллуқ қилмоқдин ўзга чорае топмадим. Йўқ эрса манда ул қудрат қайдаким, мундоқ ишга қўл еткургайман ва ул қувват қайдаким бу янглиғ қаттиғ йўлға қадам урғойман. **Маснавий:**

Пашша киму фил юки тоқати
Зарра киму меҳри мунир улфати.
Шамга парвона ўзин бегумон,
Англа ки еткурмоку куймак ҳамон.
Тушти ажаб оллима йўл бас йироқ
Марҳала ноёбу манозил узоқ.
Бийм будурким анга қўйса қадам
Роҳзан ўлгай манго афвожи гам.
Лек шаҳ алтофи тутуб гар қўлум
Қилса хило раҳзан гамидин йўлум.
Қилгомен оз чогда далерона тай
Элтгамен манзил мақсадга пай.

[2501] Ҳижрий 1244/1828-29 йил.
[2502] Ҳижрий 1255/1839-40 йил.
[2503] Ҳаддан кўп.
[2504] Буюрилган киши учун узрлидир.

Чун салтанат маъданининг лаъли ноёби ва макрамат махзанининг гуҳари сероби, давлату шавкат боғининг шажараи борвари, манзилату савлат будоғининг самараи ҳаловат гўстари, асолат шабистонининг зеб ила зийнати, ҳазрат зилли субҳонийнинг қурратилайни, давлату иқбол бўстонининг гули, фазлу камол гулистонининг булбули, аъни шаҳзода Раҳимқули *тўра таваллаллоҳу таоло айёма умриҳи ва давлатиҳи ва рафаъа аълома иззатиҳи ва шавкатиҳи*ким, зоти хужаста сифоти фазлу дониш зевари била ораста ва сиёсат либоси била андоқ музайяндурким, андин золим ва бадандешлар хотири мукаддар ва паришон ва сийрати фақру қаноат зиёси била ул янглиғ равшандурким, андин фуқаро ва дарвишлар замири мунаввар ва шодон, ҳиммати айвони андоқ рафе эрмаским, ақлнинг расо сутуни анинг олий сақфиға етгай. Ва саховати саҳни андоқ васе эрмаским, идрокнинг тезрав пейки анинг канориға етмакни тасаввур этгай. Фаҳму фаросати ул мусобадаким, борча қасоид ва ғазалиёт ва маснавиёт илмининг мушкилоти оллида азҳари мин ашшамс равшан, ақлу муҳофизати ул ғоятдаким, жаҳон аввалидин то бу вақтғача борча ўтган аҳли салафнинг таворих ва ҳикоёти кўнглида «тошга нақшланган каби[2505]» мўайян, ҳар мушкили байтким, донишмандлар ақли анинг идрокидин ожиз келса, ҳумоюн мажлисида маъруз бўлғоч, зеҳни дақиқи бетаваққуф ҳал қилур ва ҳар дақиқ сўзким, хирадмандлар фикри анинг мутоаласидин қосир бўлса, муборак самъиға етушгоч, бетараддуд топилур. **Қитъа:**

Ақл ила фаросатким инсон шарафи андин
Шаънида анинг гўё бир ояти «мунзил»дур.

Ҳамиша суҳбати кимиё хосияти ақлу камол аҳли била мамлу ва остони саодат нишони фазлу афзол аҳлидин ғулу. **Маснавий:**

Эшиги аҳли дониш қиблагоҳи,
Саодат кимиёси хоки роҳи.
Юзи нури ҳидоят мазҳаридур,
Сўзи фаҳму фасоҳат масдаридур.
Қошида барча арбоби фазоил,
Эрурлар жаҳлу нодонлиқға қойил.
Эрур бешак анга жисм мукаррам,
Саросар ақлу донишдин мужассам.
Муаллодур тўққуз кўкдин жаноби,
Мусаффодур янги ойдин рикоби.
Хижил Оли Баромак ҳимматидин,
Уятлигдур Сикандар шавкатидин.
Шукуҳидин акобир жисмида ларз,
Нечукким музтариб чарг оллида чарз.
Илоҳо, давлатин мундин фузун эт,
Бу давлат ичра умрини узун эт.
Муроди шоҳидига восил айла,
Жаҳон борича комин ҳосил айла.

Фақирим гоҳо ғояти ажз ва инкисордин қуллуқ бошидин қадам ва бандалик қоматин таъзим юкидин хам қилиб, ул шаҳзодаи фаросатдастгоҳнинг даргоҳи фалак иштибоҳининг ходимлари аро ўзумни солур эрдим ва суҳбати фирдавсназҳатларидин баҳраи тамом олур эрдим. Ногоҳ сурати аҳволимға айни тафаҳҳусдин назар қилиб, филжумла қобилият асари бор эрканин билиб, бу нусхаи шариф ва бу авроқи латифнинг таълиф ва таркибигаким, амри азим ва кори саҳимдур, маъмур бўлмоқимға саъйи мавфур ва кушиши номақдур кўргузуб, ўз ақрон ва ашбоҳимдин мумтоз ва сарафроз қилди. Чун мундоқ марҳамати бениҳоят воситаси била бу янглиғ даражаи аълоға етдим, филҳол ўзимни иш шуруиға муҳайё ва

[2505] Араб мақоли.

омода этдим. Эмди маълуми хотири ашраф бўлсунким, соҳибқирони жаннатмакон Муҳаммадраҳим Баҳодирхоннинг жулусининг саккизинчи йилидин то вафотиғача вуқу топғон борча воқеот ва ҳодисотдин баъзининг тажассус била нусхаси топилиб ва баъзини тараддуд била ноқиллар тилидин эшитилиб, ижмол тариқаси била рақам силкига чекилгусидур, иншооллоҳи таоло. **Муножот:**

Илоҳо, мани ожизу бенаво,
Туганмас иш этгум дурур ибтидо.
Ҳазин хотиримни етур комига,
Ки яъни ишим еткур анжомига.

Ҳазрат подшоҳи мағфур ва шаҳаншоҳи мабрурнинг жулуси саодат маанусининг саккизинчи йилининг вақоеи. Ул жумладин ул ҳазратнинг тўй бермак баҳонаси бирла ато ва эҳсон хазоини эшикларин очмоқи, лутфу карам жавоҳирин жаҳон аҳли бошлариға сочмоқи ва хвони базлининг атрофиға олам улусининг йиғналмоқи ва наволаи бахшишидин хавосу авом ўз маромича ком олмоқи

Сўз тўйхонасининг тарозандаси ва маъни таронасининг бозандаси, аъни хомаи афсунпардоз варақ сатҳида бу нав рақс оғоз қилурким, чун таърих ҳижрий минг икки юз йигирма саккиз[2506] да Бижан йилининг авохири эрди, муҳаррам ойида ул жаҳонбонлиқ буржининг офтоби ва соҳибқиронлиқ дуржининг лаъли ноёби, базлу сахо иқлимининг Искандари, карам ва ато қулзумининг дурахшанда гавҳари, сарвари хавоқини муалло ҳашам, афзали салотини мужалло алам, манзилат ва басолатпаноҳ, саховат ва адолатдастгоҳ, росими русуми саховат ва самоҳат, олими улуми балоғат ва фасоҳат. **Маснавий:**

Шоҳи карам парвару дарё ато,
Зоти келиб манбаи жуду сахо.
Меҳр киби дасти карам очгучи,
Аҳли жаҳон бошиға зар сочгувчи.
Кўнгли сахо шоҳидининг мазҳари,
Илги даги лутфу ато масдари.
Ҳотами Тоий ки карамдур иши,
Халқға бермак бўлубон варзиши.
Ул даги баҳра олиб эҳсонидин,
Зилла ситондур карами хонидин.

Султони саховатнишон, соҳибқирони гитийситон, хоқони Сулаймон макон, қоони Доро посбон, хони муалло остон, шаҳаншоҳи жаҳон, рофеи аълом ас-саховат ва-л-ато ала рууси-л-фуқаро ва-л-ғурабо, ал-мустансир ман ан-насир ал-малак ал-маннон, муъиззи ал-миллат ва-д-дин Абулғози Муҳаммадраҳим баҳодирхон *раҳҳалаллоҳу руҳаҳу мин рийёҳи-л-жинон* ҳиммати зотий ва саховати жибиллий муқтазоси билаким, ул ҳазратнинг замири мунирида мизмар ва тийнати покида махмар эрди, салтанат шажарасининг самараси ва манзилат самарасининг шажараси, макрамат чаманистонининг гули ва саодат гулистонининг булбули, аъни шаҳзода Раҳмонқули *тўраға*ким, ул ҳазратнинг иккинчи ўғли эрди, алон дор ал-амораи Ҳазорасбда ҳукумат девонининг маснаднишини ва *иноқ*ият айвонининг орогузинидур, анга хитна суннатин жорий қилдирурға сури мавфур ас-сурур ва жашни азим тартиб бериб, ул баҳона била жаҳон халойиқин хвони эҳсониға даъват қилиб, улуғ ва кичик аолий ва асофилни наволаи карами била шодоб ва бодаи базли била сероб қилмоқни муносиби давлат кўруб, ул амри ҳумоюннинг муҳом ва саранжоми таҳҳиясиға муқарриби даргоҳи султоний, маҳрами асрори соҳибқироний, ихлоспаноҳ ва эътиқоддастгоҳ, вазири аъзам, дастури мукаррам, низом ал-мулк ва-л-миллат Муҳаммад Юсуф *меҳтар сақоллоҳу сароҳу*ни тайин қилиб, баъзи муҳиммот истикмоли учун анга Ёрмуҳаммад *девонбеги*ни қўшти. Алар бу хизмат мубоҳотидин ифтихор бўркин фахомат ҳавосиға отиб, мусаррати тамом ва ужлати

[2506] 1228 йил муҳаррам/1813 йил 4 январ-2 феврал.

молкалом била тўй муҳомининг саранжоми ва сур саранжомининг иҳтимомиға саъйи мавфур ва жаҳди номақдур била иштиғол кўргузуб, оз фурсатда барча асбоб ва олотни муҳайё қилдилар. Ул овони саодатнишонда Сайёд ҳовлининг иморатиким, ул ҳазратнинг меъмори давлатидин тоза бино топиб, матонат ва истеҳкоми «гўё туташ бинолардек[2507]» ояти била мансус эрди ва боғи ишратафзоси «бу ерга кирган омонлик топади[2508]» ишоратиға махсус. **Маснавий:**

Рашки беҳишт эрди анга ҳар қусур,
Ошиқи анинг эди ғилмону ҳур.
Бош чекибон кўнгри Кайвонғача,
Зурваси ҳам гунбази гардунғача.
Манзару айвони бўлуб дилкушо
Саҳни ҳавоси эди ишратфизо.
Боғи назоҳатда жинон ғайрати
Ҳар шажари сарви равон ғайрати.
Беҳад эди меваи алвон анга
Тенг бўл олмай мазаи жон анга.

Ул ҳазратнинг фармони лозимилизони била сур асбобин ва сурур олотин маъмурайни мазкурайн ҳовлии мазбурға ул миқдор жам қилдиларким, тахминға содиқ ва таърифға мувофиқ келмас эрди. **Маснавий:**

Йиғналибон ул сифат асбоби сур
Ким бўлубон васфида ожиз шуур.
Сафҳае таърифиға сурмак қалам
Чархи барин авжиға урмоқ қадам.

Чун саранжоми муҳом ва тараддуди асбобдин фароғ ҳосил бўлди, ҳазрат соҳибқирон, саховатнишон, камоли ҳиммат ва самоҳатдин жаҳон халойиқин ул сури мавфур ас-сурурға даъват қилиб, рубъи маскундағи жамии қулло ва билод аҳлиға дабур суръат сафирлар ва сабо ҳаракат хабарчилар ирсол қилди. Ва мазкур ойнинг авохири[2509] да чаҳоршанба куни ул ҳазрат уламои изом ва умарои зуллиҳтишом, олий манзилат беклар, соҳиби мартабат маҳрамлар била тўйхонаи ишрат нишона азми учун қадами маймунин рикоби ҳумоюнға қўюб, саманди давлатға рукуб қилди. **Маснавий:**

Шаҳи осмон қадру хуршид жоҳ.
Карам гўстару маъдилат дастгоҳ.
Адолат лаолиси уммони ул,
Саховат явоқит[2510] ининг кони ул.
Бўлуб баҳрдек илки гуҳарфишон
Жаҳон аҳлидур базлидин комрон.
Сахову карам панжасин очголи
Халойиқға симу дирам сочголи.
Рукуб айлабон маст якрон уза
Қуёш эйлаким чархи гардон уза.
Юруш айлади тўйхона сори
Тарабгоҳи жаннат нишона сори.
Қилиб азм хайли сипаҳ ҳар тараф

[2507] Қуръони карим, 61 : 4.
[2508] Қуръони карим, 3 : 97.
[2509] 1228 йил 25-муҳаррам/1813 йил 29 январ.
[2510] Явоқит – лаълу яқуилар.

Бўлуб неча фавжу тузуб неча саф.
Бориси нужуми дарахшон киби
Шаҳ ўртасида моҳи тобон киби.
Ясору яминин тузуб ўзгача
Низому насақ кўргузуб ўзгача.

Кавкабаи воло ва дабдабаи мусаррат интимо била тўйхонаи баҳжат ат-тавоға етиб, асбоби сур ходимларин ҳузури мавфур ас-сурури била масрур қилди. Ва ҳавлии ишратафзода ул ҳазратнинг нузули фарҳат шумули учун тўшалган махсус қасри жаннатосоким, сафову равнақда ғайрати Қасри Ширин ва рашки Хаварнақ эрди, баҳор ташрифидин гулистони жинон ва боғи ризвон янглиғ таровоти тоза ва назоҳати беандоза бағишлади. Уламои фазилатмаоб ва умарои жалолат интисоб дағи беҳиштосо қасрларға нузул қилиб, боданўши ақдоҳи нишот ва саргарми нашаи инбисот бўлдилар. Ва атрофу акнофдағи жамии қулло ва билод, балки ақтори оламдин аснофи бани Одам ул миқдор йиғнолдиким, ҳашр бозори издиҳомининг шукуҳ ва шавкати ушалди. Ва ғулғулаи ом даражаи иртиқоға ул масобада уруж эттиким, мало ал-аъло зовия нишинларининг сомеи идрокиға етти. **Маснавий:**

Бўлуб жам андоқ хавосу авом
Ки маҳшардин афзун ўлуб издиҳом.
Келиб тўрт ёндин шаҳаншоҳлар
Қуёш дастгоҳу фалак жойлар.
Ғани-ю тавонгар ададин фузун
Масокину фуқаро аҳли ҳаддин фузун.
Етиб гулгула чарх айвонига
Тушуб зилзила ернинг арконига.
Қурулуб хайёми Сурайё мумос,
Яна неча хиргоҳи гардун асос.
Нишот айлабон халқ қўш-қўш бўлуб
Фараҳ бодаси бирла сархуш бўлуб.
Чарогон бўлуб эйла ҳар тун аён
Ки берди нужум фалакдин нишон.
Тузуб соз ҳар сори созандалар
Кириб рақсга неча бозандалар.
Муҳайё бўлуб барча асбоби айш
Очилди халойиқга абвоби айш.

Ва ҳар кун ул ҳазратнинг карами бебаҳонаси анборхонасидин жаҳон халойиқи эл-эл ва уруқ-уруқ бўлуб, ўз муддаоларича вазифа ва қўнуқларин олдилар. Андоқким, ҳар кун тумон минг харвор биринжким, тўққуз сипеҳр хирмани анинг ушри ҳисобиға кира олмас эрди ва неча минг хум ёғким, улуғлиқда фалак хуми аларға сархум[2511] бўлаолмас эрди ва ҳар кун тева ва йилқи ва *ўкуз* ва қўйдин ул миқдор сўқум суйилдиким, марзу бум[2512]ға гунжойиш қилмас эрди. **Фард:**

Сўқум эйла мазбуҳ ўлуб субҳу шом,
Олиб баҳра андин хавосу авом.

Ва андин ўзга дағи ҳар кун ул ҳазрат зиёфати хос ва жашни азим муҳайё ва омода қилдуруб, уламои изом ва умарои зуллэҳтиром ва жамии қулло ва билод акобир ва аъозимин ундатти. Андоқким қасри олий ва айвони мутаолийға фақоҳат шиор уламолар ва шаҳомат осор умаролар ва азим уш-шон акобирлар ва соҳиби манзилат аъолийлар йиғналиб, ҳар ким ўз мартабасиға кўра мажлиси ҳумоюнда шавкати тамом била ўлтирдилар. **Маснавий:**

[2511] Сархум – хум устига сув олиб ичиш учун қўйиладиган темир пиёла.
[2512] Марзу бум – ўлка, ҳудуд, аҳоли яшайдиган мўайян ер.

Уламои изом бир сори,
Умарои киром бир сори.
Қасри олий аро тузуб икки саф,
Рўй бар рўй кўргузуб икки саф.
Ўлтуруб қолии мунаққаш аро,
Фарши тилло нигори заркаш аро.
Уламо сўз суруб масоилдин,
Нуктарон бўлди ҳар фазоилдин.
Сочилиб дур сўз ила мажлис аро,
Баҳра олиб акобиру умаро.
Сўз суруб ҳар тарафдин аҳли камол,
Қизди ҳангомаи жавобу савол.
Қилибон баҳс ила жадал ҳар ён,
Фош ўлуб рад ила бадал[2513] *ҳар ён.*
«Ла нусаллам[2514]*» бири дебон ҳар дам,*
Бирининг оғзида балеву наъам.[2515]
Чун ниҳотга етти жаҳду жидол,
Топти итмом барча қилу қол.

Чобук даст фаррошлар ва сабо рафтор худдомлар пейки насим азми бўстон ва сайри гулистон қилғондек ул мажлиси равза тазйийн ва ул маъракаи беҳишт ойин фазои жонфизо ва саҳни хуш сафосида юз минг одоб ва икром ва чусгликлар била ҳаракат кўргузуб, хони сиймин ва моидаи заррин уламо ва умаро илайига тўшаб, атамаи бекарон ва неъмати фаровон ва чойи қандин ва ҳалвои ширин ва нишолои жонфизо ва мураббои ҳаловат интимо ва меваи вофира ва фаввокаи мутакосира ва қанди беғоят ва нуқли бениҳоят ва шакари мавфур ва наботи ғайри маҳсур бўшқоби заррин ва шираи рангинлар била чектиларким, барининг тедодида ақл ҳайрону кўнгул ҳаросондур. **Маснавий:**

Бири васфин этсам неча йил баён,
Баён айламакда жадаллар аён.
Ета олмагум ҳаргиз итмомига,
Кира олмагум роҳи анжомига.

Чун аклу шурб адоси ва зиёфат инқизосидин сўнг ҳазрат султони Сулаймон макон от чопар тамошосиға рукуб қилиб, саманди фалак ҳайъату барқ суръат ва рахши девбоди сарсар ниҳодларниким, бир қадамда манзили мақсадға етар эрди, балки «ҳай» дегунча замони мозийдин ўтар эрди, **маснавий:**

Эрди бори барқ киби тез так,
Қилгучи бир лаҳзада қатъи фалак.
Суръат аро сибқат этиб барқдин,
Ғарбға бир дамда бориб шарқдин

– барчасин бир ерга жам қилдуруб, улуғ отни бир бошқа ва ғунонни бир бўлак ва тойни бир бошқа айириб, ҳар қайсиға бир содиқ ал-қавл амин қўшуб, ҳар бирин қайтармоқға бир мавзени тайин қилиб юборди. Маъмурлар қадами мусориат била қатъи масофат этиб ва мавзеи мутаййинаға етиб, отларни баробар қилиб, тамошогоҳи беҳжат интибоҳ тарафиға маҳмиз бердилар. **Назм:**

Гоҳ улуг отлар ўлуб раҳ наворд

[2513] Радду бадал – ўртада (фикр) алмашув. Бале ва наъам – ҳа.
[2514] Ла нусаллам – тўғри эмас, қўшилмайман.
[2515] Бале (форсча), наъам (арабча) – ҳа.

Еткурубон кун юзига тийра гард.
Гоҳ ғунон эйла сабукхез ўлуб
Суръат аро соиқадин тез ўлуб.
Гармрав андоқ бўлубон гоҳ той
Туйноғи барқин қилибон чархсой.
Гард тутубон бори олам юзин
Қилди ниҳон найри аъзам юзин.
Гард аро отлар бўлубон жилвагар
Чиқғай анингдек ки тутундин шарар.
Барқ киби борчаси суръат қилиб
Баъзи қолиб, баъзиси сибқат қилиб.
Эйла назар оллидин айлар гузар
Ким, гузарин англамас аслр назар.
Аҳли жаҳон бошдин-оёқ йиғналиб
Барча тамошо била комин олиб.

Чун отчопар тамошоси итмомидин сўнг ул ҳазрат хазинаи ато ва ганжинаи саховатидин нуқуди вофираи инъом ва жавоҳири мутакосираи эҳсон била ўтган отлар эгасининг кисаи мурод ва домани мақсудларин мамлу ва машҳун қилди. Андин сўнг жаноби салтанатмаобдин фармони лозим ал-изъон иззи нифоз топтиким, паҳлавонлар куштигирлик амриға қиём кўргузсинлар. Филҳол куҳ шукуҳ паҳлавонлар ва қаплон нишон зўрлар чусту чобуклик била маърака ўртасиға чиқиб, икки куҳи чархнамудор бир-бирига қоқишғондек ва ё икки дарёйи зуххор бир-бирига қотишғондек икки ҳазабр ҳайбат паҳлавон юз минг ҳийлаву амал била бир-бирига ёпишиб, изҳори зўр қилиб, ошубу шурни фалаки барин қулоқиға еткурдилар. Ногоҳ бахт бозусининг неруси бирига даст бериб, яна бирин ер устига андоқ урдиким, тамошобинлар алолосин авжи сипеҳрдин ошурди. Ва атоёйи подшоҳона ва сарупои хусравонаға махсус бўлди. Филҳол яна бир ҳариф анинг баробариға чиқти. Ала ҳазал-қиёс. Чун кураш тамошоси инқизосидин сўнг султони *фирдавсмакон* қодирандоз ўқчиларға олтун қабақ отдуруб, қабақ урғонларға панжаи инъом била зарпошлиғлар қилиб, инони давлат тумонин тўйхонаи беҳиштнишона тарафиға маатуф этиб, дабдабаи Каёний ва кавкабаи соҳибқироний била қасри олии равза тазйинға нузул қилди. Ўн кунгача ҳар кун ҳамул нав от чопар ва кураш ва ўзга ажуба ва мафараҳотни тамошо қилиб, ҳар лаҳза бир баҳона била олам аҳлиға хазоналар ато қилди. **Маснавий:**

Шаҳи дарё атову абри эҳсон,
Саховат гуҳару дурриға уммон.
Карам иқлимининг соҳибқирони
Дирам муҳтожларнинг меҳрибони.
Шарафлиғ зоти келди манбаи жуд,
Замири поки келди матлаи жуд.
Бўлуб одат анга пинҳону зоҳир
Саховат айламак нақди жавоҳир.
Қошида Ҳотами Тоий хижлдур,
Шукуҳи «ман зоид» музмаҳилдур.
Агар топса берурга бир баҳона
Бериб бир лаҳзада юз минг хазона.
Қўли ганжинаи бахшиш келди
Жаҳон аҳли эрурлар мустафиди.
Муҳити жудиға йўқтур канора
Фалак лавҳи жўнгидин тахта пора.
Бўлуб сероб андин рубъи маскун
Анингдекким, тенгизда дури макнун.
Сахову базли таърифини этмак,
Таманно айламакдур кўкка етмак.

Бу тўйиким ўшул шоҳи ягона
Ки жаннат ичра бўлсун жовидона.
Мартабат айлаб асру дилкашу хўб,
Қилиб омода неким бўлса марғуб.
Бериб эҳсон ила инъом додин,
Карамдин берди эл кому муродин.
Жаҳон мулкида бир дайёр қолмади,
Ки қолғай ушбу тўйдин баҳра олмай.
Фалакким умрлар айлаб таку пўй
Жаҳонда кўрган эрмас бу сифат тўй.

Чун бу сури мавфур ас-сурур ва бу тўйи мусаррат вуфур ўн кунгача имтидод топиб, сўнгғи куни ҳазрат хидеви комкори саховатшиор уламои фазилат осор ва умарои шаҳоматдисор ва акобири соҳибиқтидорни боргоҳи сипеҳр иштибоҳға ундаб, зиёфати подшоҳона ва жашни хусравона тартиб бердуруб, аклу шурб адосидин сўнг барчаға хилъати қийматбаҳо ва либоси хуршидшуо кийдурдиким, тору пуди сими рухом била тофта, балки тиллои хуршидфом била бофта эрди. Ва барчаға тамомзар фўталар инъом қилдиким, отидек бошдин оёқ тамом зар эрди Ва белларига ханжари буррони олмоснишон қистурдиким, дастаси жавоҳири ноёб ва явоқити хушоб ва лаолии сероб била мукаллал ва мурасса бўлуб, ҳар бирининг қиймати бир жаҳон хирожи эрди. **Маснавий:**

Бори дастаси яшму дандон бўлуб,
Сафо ичра ойинаи жон бўлуб.
Музайян бўлуб дури сероб ила,
Мурасса бўлуб гуҳари ноб ила.
Келиб ҳар дури юз жаҳон қиймати,
Гуҳарлар даги нақди жон қиймати.
Топиб теги буррони лутфу сафо,
Анингдек ки мироти гитийнамо.
Агар сояси тушса ҳар тоғга,
Қўшулғай бўлуб реза туфроғга.
Бори ҳиддати бир-бирйдин фузун,
Бори қиймати бир-бирйдин фузун.

Чун мажлис инқизоси ва сарупойи шоҳона кийдурулмак адосидин сўнг ул ҳазратнинг роиз ут-тоқи ҳар кимга бир тўпчоқи арабии фалак ҳайъат ва пари сурат чекдиким, **назм:**

Жаҳонда эди барқ янглиғ бари,
Ўтуб бир қадамда жаҳондин нари.
Бари шакл ила ул сифат хўб ўлуб,
Ки кўрган халойиқга марғуб ўлуб.
Келиб зийни олтун лижоми даги,
Бўлуб юна заррин ситоми даги.
Муталло қўюшқун ўзангуси ҳам,
Зар олуд терлик тапангуси ҳам.
Бори този-ю бори дулдул нажод,
Ясалиб бори бир-биридин зиёд.
Миниб барчасини акобир тамом,
Бўлуб шоҳ лутфи била шодком.
Қуёшдек бўлуб барча зар ичра ғарқ,
Ки бўлмай аларга қуёш бирла фарқ.
Олиб барча бу тўйдин комини,
Ўз уйи сори қўйдилар гомини.

Ва ҳазрат соҳибқирони карам нишоннинг инъоми вофир ва эҳсони мутакосиридин бу сури мавфур ас-сурурда акобиру асоғир, аъоли-ю асофил, фуқарову масокиндин бир киши қолмадиким ҳар ким ўз хўрди ҳолиға кўра сарупой кийиб, навозишоти хусравонадин сарбаланду баҳраманд бўлмаған бўлғай. **Маснавий:**

Топиб базлидин анинг хос ила ом,
Неким бўлса жаҳонда мақсаду ком.
Биров оламда қолмай баҳра олмай,
Биров олмай жаҳонда баҳра қолмай.

Хоқони соҳибқирон ва қооні гитийситон Абулғози Муҳаммадраҳим баҳодирхони фирдавсмаконнинг мамолики Хуросон сори азимат этмаки ва сипоҳи сангин ҳаракатидин қизилбошия ажсомиға зилзила етмаки ва ул элнинг аксари итоат ва инқиёд маросимин кўргузмаки ва ҳазрат соҳибқирон давлатға ҳаминон мурожиат оҳангин тузмаки

Чун мусулмонларға ҳар йил ғайрат якронин ғазот майдониға сурмак ва жиҳод қиличин куффор аҳли бошиға еткурмак «оллоҳ йўлида жиҳод қилган зотлар[2516]» амри била вожибдур, хони жаннатмакон бу амр муқтазоси била ғазот иродасин жазм қилиб, хазинаи эҳсонидин лашкар аҳлиға нақди фаровон бериб, сафар асбоби таҳҳиясиға амр қилди. Ва яна даргоҳи фалакиштибоҳ мулозимларининг ҳар қайсиға мартабасиға кўра панжаи инъомидин зарпошлиғлар кўргузди. Чун оз чоғда асбоби сафар иштиғолидин фориғ бўлдилар, ул ҳазрат *амири кабир* ва тоқи офоқ Қутлуғмурод *иноқ*ни шаҳарда ниёбат маснадида мутамаккин қилиб, рикоби саодатға муборак оёқин қўюб, саманди тезгоми давлатға рукуб этиб, сана минг икки юз йигирма саккизда Товуқ йили зу-л-ҳижжа ойининг ўн тўққузи[2517]да якшанба куни алвияйи зафартаъбияни жилваға киргузуб, шаҳардин чиқти. **Маснавий:**

Чиқиб шаҳардин шоҳи фаррухсияр,
Ливосида тааиди ҳақ жилвагар.
Саодат мулозим, зафар ҳаминон.
Боши узра лутфи Худо соябон,
Чу давлат била сурди рахшини шоҳ,
Келиб ҳар тарафдин амиру сипоҳ.
Анингдек сипаҳ тутди ернинг юзин,
Ҳисобида ожиз кўруб ақл ўзин.
Сипаҳ гардидан ёшуруб юзни кун,
Бўлуб халқға ёгду кун тийра тун.
Шаҳ ул тун аро моҳи тобон киби,
Демай моҳким, меҳри рахшон киби.
Юзидин жаҳон ичра тўлдурди нур,
Етурди кўнгулларга завқу сурур.
Яна оллида неча шотир *юруб,*
Тамошоси эл ҳушини озгуруб.
Туруб занглар белларида қатор,
Қилиб ҳар бири юз усул ошкор.
Маъ алқисса афсонаи шавкати,
Эшитган кишини қилур ҳайрати.

Дабдабаи тамом ва кавкабаи саодатанжом била Қарокўл оёқиғаким, мухайями хайёми давлат ва

[2516] Қуръони карим, 2 : 218.
[2517] 1228 йил 19-зу-л-ҳижжа/1813 13 декабр.

муқарри сародиқоти савлат бўлуб эрди, нузули шарофатвусули файзидин бўстони Эрамдек низорат ва таровот бағишлади. Ул ерда сипоҳи нусратпаноҳ йиғналсун, деб икки кун таваққуф қилиб, чаҳоршанба куни андин кўчуб, Кесаклига тушти. Панжшанба куни андин ўғруқ ва бунани кўчуруб, Соғча қудуқи ҳаволисин музраби боргоҳи фалакиштибоҳи муаскари сипоҳи зафаринтибоҳ қилди. Анда уч кун мутаваққиф бўлуб, душанба куни ойининг йигирма еттиси[2518] да андин кўчуб, ул ҳазратнинг ўзининг қоздурғон қудуқиким, «Хон қудуқи»ға машҳуодур, ани муқарри сародиқоти ижлол қилди. Анда бир кун туруб, тонгласиким, чаҳоршанба эрди, андин кўчуб, Яккасузонга тушганда, Меҳдибекнинг иниси туҳаф ва пешкашлари била келди. Панжшанба куни андин кўчуб, йўлда бир қўнуб, жума куни Чарло қудуқи атрофин қудуми мубораки файзидин рашки гулистони Эрам қилди. Анда икки кун таваққуф қилиб, Паҳлавонниёзбекни Охалға ва Худойназар қоқни Тажанга *така* навкарларин жам этиб келтурмакка буюрди. Аморатпаноҳ, аёлатдастгоҳ Каримберди *отолиқ* била низом ал-мулк ва-д-дин Муҳаммадризо *қўшбеги*ни илгари юборди, токим Тажан оёқиға бориб, қудуқларни қоздурғайлар. Чун йил тоза бўлуб, сана минг икки юз йигирма тўққузға интиқол этти, муҳаррам ойининг бешинчи[2519] куниким, душанба эрди, андин кўчуб, манозиледин ўтуб тушти. Тонгласи шабгир қилиб, чаҳоршанба куни Ёнтоқлиға нузул қилди. Панжшанба куни андин отланиб, шабгир била жума куни ойининг тўққузи[2520] да яна бир қудуқнинг атрофиға нузул қилинди. Ул ерда *така*нинг *қораахмад* тийрасидин Соат отлиғ бир кишини икки *қизилбош* билаким, Бегларзондин Бухороға элчиликка борур эркан, тутуб келтурдилар. Агарчи аввал инкор қилдилар, аммо сўнгра иқрор этдилар. Аларни Қандим *сардор*нинг кафолати била мутлақ алинон қилиб, шанба куни Бовард қумидин ўтуб, Чўнгулга тушулди. Якшанба куни ул ерда фароғат саририда мутамаккин бўлуб, барча умарои зафардастгоҳ ва акобири сипоҳға жашни азим тартиб бердиким, **маснавий:**

Муҳайё бўлуб анда турлук таом,
Олиб комин андин хавосу авом.
Бориси бўлуб нўши жондин алазз,
Неким йўқ алазз андин, андин алазз.
Мураббосидин ком ширин бўлуб,
Нишолосидин саҳни мажлис тўлуб.
Ўгулуб эл олдига қанду набот,
Олиб баҳра ширинликдин ҳаёт.
Бу мажлис ичида бори атъама,
Алазз келди бир-бирисидин ҳама.
Агар борининг васфин этсам рақам,
Тамом ўлмагай ҳашрга текру ҳам.

Чун зиёфат адосидин сўнгғи кунким, душанба эрди, ҳазрат подшоҳи *гуфронпаноҳ* қадами ҳимматни рикоби саодатға қўюб, рахши бодпойи давлатға рукуб қилиб, мақсад сори равона бўлди. Ул кечаси шабгир этиб, тонгласиким, сешанба эрди, чоштгоҳда Соати мазкурни Имиршайх била Беглархонға элчи қилиб, Дастгардға юборди. Ва пешин вақтида Курон қалъасидин ўтуб, Лутфобод қалъасининг муқобиласида ором тутти. Аморатпаноҳ Муҳаммадризо *қўшбеги* била аёлотдастгоҳ Каримберди *отолиқ*ким, ҳировули лашкар ва муқаддимаи сипоҳ эрдилар, бурунроқ бориб, Челкнн қасабасининг остиға туштилар. Ул қасабанинг *ҳокими* Оллоҳбердихон *қўшбеги*дин омон тилаб, ҳазрат хоннинг даргоҳи олампаноҳининг утбабўслиқиға фоиз бўлди. Ҳазрат хон Челикон била Лутфобод орасида Қўзғон суйининг канориға нузул қилиб, тоғ этагин лашкаргоҳ этти. Ул кун андак муҳориба воқе бўлуб, лашкари исломдин уч киши шаҳид бўлди. Ва *қизилбош*иядин кўп киши исорат қайдиға чекилди. Аларни Оллоҳбердихонға бағишлади. Ул кеча Лутфободдин Рустамбек деган келиб, ажзу инкисор била изҳори убудият қилди. Чаҳоршанба куни Оллоҳбердихон бир яхши от пешкаш келтурди. Ҳамул кун ани Аваз *юзбоши* ва Амир-

---

[2518] 1228 йил 27-зу-л-ҳижжа/1813 йил 24 декабр.
[2519] 1229 йил 5-муҳаррам/ 1813 йил 28 декабр.
[2520] 1229 йил 9-муҳаррам/ 1814 йил 1 январ.

хон била Бегларханға элчи қилиб юборди. Панжшанба куни Тангриберди бекким, *қарохонли така*нинг навкарларин келтурмакка буюрилиб эрди, сешанба куни такадин тўрт юз отлиғ олиб, Қўзғон *ҳоким*и Мусохонни остони саоданишон мулозиматиға еткурди. Мусохон иноёти подшоҳона ва илтифоти хусравонадин баҳраи тамом олғондин сўнг мусулмон бўлуб, мулло Ҳақниёзни дини мубин ва шариати матин таълими учун олиб кетиб, барча навкарин утбаи алийя ходимлиқиға келтурди. **Қитъа:**

Зиҳи шоҳким, хулқи неку била,
Чекиб куфр элин қайди исломга.
Саросар иноёту алтофидин
Етиб дин эли мақсаду комга.

Ул кун Бегларханнинг тарафидин элчи келиб, кўп шафқат ва марҳамат кўруб қайтти. Шанба куни ойнинг ўн еттиси[2521] да хон ҳазрат отланиб, Ҳисор ва Челикон ва Хусрав қалъасининг атрофин тамошо қилиб қайтти. Ул аснода Калот *ҳоким*и Фатҳалихондин ва Қучанд *ҳоким*и Ризоқулихондин икки элчи келди. Хон била келиб изҳори бандалик қилдилар. Якшанба куни аларни қайтариб, сангарнинг кунботариға отланиб, Дарбанд оғзида Мир қалъасиға муқобил саф тортди. Ул қалъанинг хўжалари келиб, рикоббўслиқға еттилар. Ул ерда Каримберди *отолиқ* ва Муҳаммадризо *қўшбеги* ва Берди *бий* ва Дўсим *бий* ва Илёс шиғовул ва Ҳуббиқули хўжа ва Муҳаммаджон хўжа Ниёзмуҳаммадбой ва Тўғонниёз баҳодир, Абдол ва Бойли баҳодир ва Ҳасанбой *бий* ва жамии *қароқалпоқ*ия *сардор*ларин уч минг черик била қўюб, Қохилон қалъасининг устиға келди. Оллоҳбердихоннинг иниси ул қалъанинг *кадхудо*лари била фармонбардорлиқ изҳор қилиб, рикоббўслиқ шарафиға фоиз бўлдилар. Андин Боварджикғаким, холи бўлуб эрди, келди. Анинг ғалласин оломонға олдуруб, Лутфобод устидин ўтуб, сангарға нузул қилди. Ул кеча Аваз *юзбоши* била *така* элчилари келиб, Вали отлиғ *така*нинг ямон хабар еткурганин арз қилдилар. Душанба куни эртанг била аларни қайтарди. Ул кун *Охал така*сидин ҳам кўп йиғин даргоҳи олампаноҳ мулозиматиға келди. Ва ҳам Қанбарали бекким, Сафар қалъа ва Мир қалъасининг *ҳоким*и эрди, келиб шафқати хусравонадин баҳраманд бўлуб қайтти. Ва ҳам *така кадхудо*лариға зиёфати подшоҳона тартиб берилди. Ул кун яна Қанбарали бек навкари била остони давлатпосбон жибҳасолиқиға етушти. Ва пешиндин сўнг Бегларханнинг аъми Фатҳалихон ва Ризоқулихоннинг иниси Рустамхон ва вазири Мирзо Муҳаммадризо ва Нажафалихондин *чамишгазак* Қаландар бек ва Надрмуҳаммад бек элчи бўлуб келдилар. Сешанба куни аларға яхши зиёфат қилиб қайтарди. Чаҳоршанба куни Бом *ҳоким*и Саодатқулихон ва Мирзо Муҳаммадризо ва Қаландар беки мазкур эллик киши била келди. Тўрт от, тўрт хачир пешкаш чекти. Панжшанба куни хон ҳазрат анга шоҳона зиёфат қилиб, хайиётхонаи эҳсонидин хилъати гаронбаҳои илтифот била сарафроз қилди. Ул кун Рустамбек юз отлиғ навкар била келди. Жума куни ул ҳазрат Саодатқулихонни қайтарди. Шанба куни ойнинг йигирма беши[2522] да Рустамбек бошлиғ барча ҳамроҳларинким, замири хабосат тахмирларида хаёли фосид ва таманнои косидни мусаммим қилиб, мунофиқат тариқиға қадами касофаттавомларин қўюб келганлари ул ҳазратнинг хотири хатириғаким, мазҳари осори ғайбий ва маҳбати асрори лорайбидур, жилвагар бўлуб тутдуриб, барча яроғларин олди ва ўзларин ҳам муътамид кишиларга топшуруб, муҳофизатида муболаға кўргузди. Якшанба куни ул ҳазрат ўз нафаси нафиси била отланиб, Мир қалъасин қабаб, барча саркардага рухсат бериб, югуртирди. Ул чоғда оломон балои ногаҳондек қалъанинг атрофин иҳота қилиб, ғавғои ом ва хуруши локалом била қалъа аҳлиға растохез солдилар. Ва саркардалардин Муҳаммадниёзбек ва Оллош бекким, шижоат ва муборизатда мумиилайҳ ва муътамиди алайҳ эрдилар, саккиз киши била қалъанинг дарвозаси оллидин икки зангу[2523] элтиб, қалъанинг девориға қўйдилар. Ва Шерали *нукуз* зангуға чиқарда юқоридин милтуқ ўқи тегиб, шаҳодат даражасиға фоиз бўлди. Ва яна оломондин уч кишига ўқ тегиб, шаҳодат топди. Саркардаалардин Муҳаммадниёз бек ва Оллош бек захмдор бўлуб қайттилар. Ва алардин бошқа Шағол *маҳрам* бошлиғ кўп киши захмдор бўлуб чиқтилар. Ва Эшниёз шамхолчи ва Саййид-

---

[2521] 1229 йил 17-муҳаррам/1814 йили 7 январ.
[2522] 1229 йил 25-муҳаррам/ 1814 йил 15 январ.
[2523] Зангу, занги – томга чиқадиган нарвон.

назар жорчи бошлиғ кўп киши шаҳодат топти. Андин сўнг қайтиб, сангарға нузул қилдилар. Душанба куни ҳам сангарда бўлдилар. Сешанба куни Лутфобод устида андак уруш воқе бўлди. Ул урушда лашкари исломдин Жавонмард хўжа якрони жалодатни майдони шижоатда гармжавлон қилиб, *қизилбоши* бадмаошдин синони жонситон била бир кишини сончиб йиқитти. Ва Қиличбек дағи саманди барқрафторға маҳмиз бериб, *қизилбошия мерган*ларин жойидин қўпориб, бир кишини ғазаб камандиға асир қилди. Аммо ўзи захмдор бўлуб чиқти ва чаҳоршанба куни ажал жоми била шаҳодат шарбатин ложуръа сипқорди. Панжшанба куни моҳи мазбурнинг йигирма тўққузи[2524]да сангардин кўчуб, Бовард навоҳисида Читли суйининг канориға тушулди. Жума куни ул мавзедин кўчуб, сафар ойининг иккинчи[2525] куникимка, якшанба эрди, Қўша Чўнгулга тушулди. Душанба куни хони *фирдавсмакон* Галдихонни Даригазга элчи қилиб ва Муҳаммадсолиҳ хўжа бошлиғ *така кадхудо*лариға сарупойи шоҳона кийдуруб, андин кўчуб, Замон қудуқи атрофиға нузул қилди. Ул ерда *амири кабир* Қутлуғмурод *иноқ*дин Солиҳ шайх келиб, дийдаи мақсудин ҳазрат соҳибқироннинг рухсори фоизиланвори мушоҳидасидин мунаввар қилди. Сарупои шоҳона била сарафроз бўлди. Сешанба куни ул ҳазрат андин кўчуб, Янтоқлиға тушти. Чаҳоршанба куни андин кўчуб, Қандим *сардор*ни Солиҳшайхға масҳуб қилиб, шаҳарға юборди. Жума куни ойининг еттиси[2526]да Чирлов қудуқи ҳаволисиға нузули саодатвусули файзидин таровот бағишлади. Ул кун Холнафас бошлиғ *така кадхудо*лариғаким, аввали сафардин мулозими рикоби ҳумоюн эрдилар, хилои гаронмояйи эҳсон ва хазинаи карамидин нақди фаровон била мумтоз ва сарафроз қилди. Шанба куни кўчуб, Бобозардодам қирининг қибласиға тушти. Якшанба куни йўлда Худойберди бекни йўлдошлари била тутдурди ва душанба куни субҳ вақтида ажал шоҳроҳиға йўллади. Ул кун чоштгоҳда Қандим *сардор* Абдуллоҳ *иноқ*нииг ёв бўлғон хабарин еткурди. Хони жаннатмакон камол ал-ҳақ ва-д-дин Саййид Юсуф хўжа *нақиб*ни истимолатнома била Абдуллоҳ *иноқ*ға юборди. Сешанба куни кечасиким, Яккасузондин ўтуб тушуб эрди, Абдуллоҳ *иноқ*нинг Ҳазорасб қалъасиға қабалиб, анда ҳам тура олмай, фирорий бўлғони хабарин Жаҳонгир бек ва Юсуф *оқо* ва Сафар *мушриф*[2527] ва яна амири равшанзамир Қутлуғмурод *иноқ*нинг навкарларидин Солиҳшайх ва ғайруҳу еткурдилар. Ул кун Соғча қудуқи атрофиға тушуб, андин ҳам кўчуб, Кесаклига тушти. Чаҳоршанба куни ойининг ўн иккиси[2528]да улуғ чоштгоҳда шавкати тамом ва садамати молокалом била дороиламораи Хивақға нузул қилиб, дийдори муттаташларин шарбати висол била саршор ва шодком қилди.

Хони мағфурнинг жулусининг тўққузинжи йилининг вақоеи. Ул жумладин Абдуллоҳ *иноқ*нинг воқеаси

Бу воқеа андоқ эрдиким, чун мағфиратпаноҳ ва хоқони раҳматдастгоҳ муизз ал-миллат ва-д-дин ва ҳомии аҳл ал-Ҳаққ ва-л-яқин, носиби ливои амну омон ала рууси аҳл ал-иймон, ал-мутахаллиқ биахлоқуллоҳ ал-малик ал-маннон Абу-л-музаффар ва-л-мансур Абулғози Муҳаммадраҳим Баҳодирхон *тағаммадаллоҳу бигуфрониҳи* ғазотға борғондин сўнг, Абдуллоҳ *иноқ*ким, ул ҳазратнинг давлати гардуниддат ва карами беғоятидин Ҳазорасб қалъасининг аёлоти анга мафвуз эрди, ул бедавлат бу янглиғ давлати узмо ва мартабаи аълони кўтара олмай, кибру нахват жомини нўш этиб, ғафлат ва накбат нашасидин мадҳуш бўлди. Чун мундоқ мастлик ҳангомида баъзи одамларнинг иғвоси, хусусан Одинамурод ноибнинг саъйи била озиб, Хўжамберди эшакниким, ўзининг муқарриб ва *девонбеги*си эрди, Бухоро *волий*си амир Ҳайдарга изҳори итоат ва инқиёд қилиб юборди. амир Ҳайдар дағи анга мамолики маҳрусанинг подшоҳлиғин ғойибона инъом қилиб, ёрлиғ юборди. Ва бу бобда кўп тарғиб ва таҳрис қилди. Ул аҳмақ анингдек фиребомез ва шуришангез сўзга инониб, санаи мазкурда сафар ойининг еттинжи[2529] кунидаким, жума эрди, Сафар мушриф била Бешариқ *кадхудо*лариға ўзиға даъват қилиб, нома юборди. Сафар мушриф ул номани юборилган кишиларга элтмай, шанба куни амири соибтадбир

[2524] 1229 йил 29-муҳаррам/1814 йил 19 январ.
[2525] 1229 йил 2-сафар/ 1814 йил 24 январ
[2526] 1229 йил 7-сафар/ 1814 йил 29 январ.
[2527] Мушриф – бу ерда мушриф, котиб ва мирзо маъносида келган.
[2528] 1229 йил 12-сафар/1814 3 феврал.
[2529] 1229 йил 7-сафар/1814 йил 29 январ.

Қутлуғмурод *иноқ*ға еткурди. *Иноқ* бу воқеадин огоҳ бўлғоч, ул кун ҳозир йиғин била отланиб, Хитойға тушуб, сўнгғи кунким, якшанба эрди, Ҳазорасб савбиға отланиб, Юсуф *оқо*нинг ўғли Қилични илгари юбордиким, биз борурмиз, Абдуллоҳ *иноқ* жой тўшатсин. Абдуллоҳ *иноқ* бу сўздин ўз афъоли қабиҳи ва ақволи фазиҳи Қутлуғмурод *иноқ*ға маълум бўлғонин ва *иноқ*нинг анинг қалъу тадмирин қасд қилиб, устиға юриш қилғанин англаб, Қилични ҳабс қилди ва *қози* Ҳожи била домла Шукрниёзни дағи маҳбус этиб, дарвозани масдуд ва мадрус қилиб, амир Ҳайдарнинг отиға навбат чолдурди. Ул аснода Қутлуғмурод *иноқ*ким, Хоса ариғининг кўпрукиға етиб эрди, ўткармайин, отқулаб қайтарди. Ул кун *иноқ*нинг атрофиға Жаҳонгир бек бошлиғ жамии *қонгли*лар черики йиғналиб, яхши хизматлар ва писандида журъатлар кўргуздилар. Пешиндин сўнг қалъа аҳолиси қочиб кела бошлади. Ул кеча Абдуллоҳ *иноқ*нинг ҳавлисиға туштилар. Ярим оқшомда Болта *оқо* қочиб келиб, Абдуллоҳ *иноқ*нинг қочмоқчи бўлғон хабарин еткурди. Бу хабарни эшитиб, йўлларда кишилар тайин эттилар. Ул кеча саҳар вақтида Абдуллоҳ *иноқ* машаққати тамом ва суубати молкалом била қафасдин қочғон қуш мисоллик қалъадин чиқиб, йўлсиз йўллардин фирор тариқиға истижол қадамин қўюб, оворалиғ даштиға юз урди. **Маснавий:**

Кишиким давлати агар кетса,
Бахту иқболи ҳам видо этса.
Феъли анинг бузулгуси аввал,
Ақли тори узулгуси аввал.
Қадам ургой раҳи залолат аро,
Ўзни солгой балву меҳнат аро.
Билмайин суд ила зиённи,
Англамас яхши-ю ёмонни.
Тушубон бошига ҳавову ҳавас,
Чарх илмай кўзига эйла ки хас.
Мутажовуз ҳаддидин ўлгусидур,
Кибру нахват елига тўлгусидур.
Бўйла феъли касофати анинг,
Бениҳояти шамомати анинг.
Келтуруб бошига бало охир,
Айлагай мулкидин жило охир.

Одинамурод ноибни куёви била тутуб ўлдирдилар ва бошларин шаҳарга юбордилар. Ва Абдуллоҳ *иноқ* тўққуз киши била қочиб эрди. *Иноқ*нинг изидин Абди бек ва Муҳаммадпаноҳ бекни юз отлиғ била қовғунчи қилиб юборди. Алар кеча қоронғусида изни гум қилиб қайттилар. Ва яна Бухорий *мерган*ни бироз киши била юборди. Алар ҳам топа олмай, Абдуллоҳ *иноқ* ҳамроҳлари била қутулди. Амири равшанзамир Қутлуғмурод *иноқ* Ҳазорасб қалъасиға кириб, Абдуллоҳ *иноқ*нинг уйиға нузул қилди. Ҳазрат подшоҳи *гуфронпаноҳ* панжшанба куни кеч пешинда Муҳаммадризо *қўшбеги*ни ва жума куни амморатпаноҳ Шоҳниёз *отолиқ* била шаҳомат дастгоҳ Султон *мироб*ни юбордиким, Ҳазорасбдин оқ уйлук кўчургайлар. Алар фармон мавжиби била бориб, икки юз уйлук кўчурдилар. Ва душанба куни моҳи мазбурнинг ўн еттиси[2530]да алар келиб, даргоҳи оламнпаноҳ мулозиматиға еттилар ва сарупойи шоҳона била мумтоз бўлдилар. Чаҳоршанба куни Имиршайх ва Амирхон Хуросондин келиб, барча хонларнинг аризадоштин еткурдилар. Ва *қизилбош* Ахал такасин чопиб кетган хабарин ҳам келтурдилар. Ул кун хони жаннатмакон Қаландар *парвоначи*ни маъзул этиб, Жаҳонгир бекни *парвоначи*лиқ мансаби била мумтоз қилди. Ва Ҳазорасб қалъасин ягонаи офоқ Қутлуғмурод *иноқ*ға топшурди. Ва яна сешанба субҳидаким, сафари мазкурнинг йигирма беши эрди, орқадин қиблаға бир ўтким, тегирмон андозасида мудаввардур, даври қалъанинг устидин ўтти. Андоқким равшанлиғи тамоми оламни тутти ва садои маҳиб[2531] пайдо бўлдиким, аксар уйқуда ётғон одамлар бедор бўлдилар. Ва бу ўтни вилоятнинг ҳар еринда мушоҳида

[2530] 1229 йил 17-сафар/ 1814 йил 17 феврал.
[2531] Маҳиб – қўрқинчли.

қилибдурлар. Ва раби ал-аввалнинг авоили[2532]да Бухородин Ҳасанмурод *отолиқ* Боймуҳаммад жорчибоши бирла элчиликка келди. Моҳи мазкурнинг авохири[2533]да Берди *иноқ*ни элчии мазкурға қўшуб, Бухороға юборди. Ва раби ал-охирнинг йигирма беши[2534]да жума куни соҳибқирони жаннатмакон қозув қоздурурға Анбор мавзеи сари рукуб қилди. Мазкур ойнинг йигирма еттиси[2535]да якшанба куни Берди *иноқ* Подшоҳхўжа садр била Бухородин келди. Жумода-л-аввалнинг ўни[2536]да жума куни Курдистон[2537]дин элчилар келиб, олти от ва уч нафис пўтаи қийматбаҳо пешкаш чектилар. Ва *қожор* била урушғон хабарин ҳам келтурдилар. Хони мағфиратнишон ўн етти кун Анборда таваққуф қилиб, қозув устига Муҳаммадризо *қўшбеги* била Қутлимуҳаммад бекни тайин этиб, мазкур ойнинг ўн учи[2538]да душанба куни шикор расми била Қўнғрот жониби наҳзат кўргузди. Ва Қарошафақ қайиридин мурожиат қилиб, моҳи мазбурнинг йигирма бешинчи[2539] кечасиким, шанба оқшоми эрди, хуфтандин сўнг шаҳарга нузул қилди. Бухоро элчиси Подшоҳхўжаға яна Берди *иноқ*ни қўшуб юборди. Жумода-л-охирнинг саккизи[2540]да жума куни *қизилбош* элчиларин эҳсони подшоҳона ва инъоми хусравонадин сарафроз этиб, рухсат берди. Бадрхон бек ва Муҳаммад Ҳусайн бекниким, Қўзғон *ҳокими* Мусохоннинг иниси эрди, Сатторқули *оқо* била аларға қўшуб юборди. Бу мазмун билаким «агар элликда содиқ бўлсалар ҳам куз фаслида ул тарафга азимат этгумиздур, токим *қожор*дин аларнинг тааддисин олғаймиз. Ва агар ёв ва номувофиқ бўлсалар ҳам борғумиздур. Иншооллоҳи таоло эл бўлсалар, Саодатқулихон киби мўътабар кишилардин мунда йўллаб, закот ва хирожин ҳам камоҳи юборсунлар» Алар сешанба куни йўлға тушуб, равон бўлдилар. Ва моҳи мазкурнинг йигирма бири[2541] да панжшанба куни Оллошбекнинг қомати қобилиятин бийлик мансабининг гаронбаҳо хилъати била ораста этти. Ва амoратпаноҳ Қилич *иноқ*ким, дунё муҳаббатидин кўнгул совутиб, мансаб таркин тутуб гўшанишин ва хилватгузинлик ихтиёр қилмиш эрди, анинг ўрниға Муҳаммаджон бекнинг вужуди зижудин *иноқ*лиқ зевари била пироста қилди. Ражаб ойининг ўн тўққузи[2542]да чаҳоршанба куни шоҳи *мағфиратпаноҳ* зиёфати подшоҳона тартиб бериб, Гандумкон ҳовлининг биносин ибтидо қилди. Ҳамул кун Қутлуғмуҳаммад бек *иноқ*лик мансабиға мансуб бўлди. Моҳи мазкурнинг йигирма учи[2543]да якшанба куни Берди *иноқ* Бухоро элчиси *манқит* Алимуҳаммад *чиғатойбеги* билан амир Ҳайдарнинг юборган тўп ва шамхолларин келтурди. Ва шаъбон ойининг тўрти[2544]да жума куни Бухоро элчисиға рухсати инсироф бериб, намози жумадин сўнг Тузкониға бормоқ учун хон ҳазрат отланиб, Сайёд ҳовлисиға тушти. Шанба куни Абдуллоҳ бекнинг зиёфати учун *Найман*да анинг работиға нузул қилди. Ул мавзеда Қутлуғмурод *иноқ* ҳам ул ҳазратнинг мулозиматиға мушарраф бўлди. Абдуллоҳ бек яхши зиёфат ва писандида хизмат тақдимға еткурди. Ҳамул йил, яъни сана минг икки юз йигирма тўққузда Ит йили Оллоқули *тўра*нингким, ҳоло салтанат тахти анинг қадамидин маймундур, қурратилайини Раҳимқули *тўра* вужуд айвониға қадамзан бўлди.

Якшанба куни Хитойға тушуб, анда икки кун таваққуф қилди. Сешанба куни андин отланиб, Ҳазорасбға нузул этти. Чаҳоршанба куни андин рукуб этиб, Султон Саройиғаким, Тузконидур, тушти. Жума куни қайтиб, яна Ҳазорасбға тушти. Андин отланиб, шанба куни Хитойға тушти. Ойнинг ўн тўрти[2545]да якшанба куни Хитойдин отланиб, йўлда Каркининг ҳовлисида истироҳат қилиб, намозидигарда

[2532] 1229 йил 3 – 5-раби ал-аввал/ 1814 йили 21 февралда бу ой кирган.
[2533] 1229 йил 25-раби ал-аввал/ 1814 йил 18 март.
[2534] 1229 йил 25-раби ал-охир/ 1814 йил 17 март.
[2535] 1229 йил 27-раби ал-охир/ 1814 йил 20 март.
[2536] 1229 йил 10-жумода-л-аввал/ 1814 йил 1 май.
[2537] Хуросондаги сунниймазҳаб курдлар хонлиги кўзда тутилмоқда. Бу кичик хонлик ўша пайтда Эрон давлатига бўйсунмас эди.
[2538] 1229 йил 13-жумода-л-аввал/ 1814 йил 3 май
[2539] 1229 йил 25-жумода-л-аввал/ 1814 йил 15 май.
[2540] 1229 йил 8-жумода-л-охир/ 1814 йил 28 май.
[2541] 1229 йил 21-жумода-л-охир/ 1814 йил 10 июн.
[2542] 1229 йил 19-ражаб/ 1814 йил 7 июл.
[2543] 1229 йил 23-ражаб/ 1814 йил 11 июл.
[2544] 1229 йил 4-шаъбон/ 1814 йил 22 июл.
[2545] 1229 йил 14-шаъбон/1814 йил 1 август.

шаҳарға нузул қилди. Сешанба куни рамазон ал-муборак ойи туғди. Шанба кечасиким, ойининг беши[2546] эрди, хони фирдавсмакон хатм бошлатди. Дониёл *қори* имом бўлуб, Ҳожи *қори* ва Муҳаммадшариф *қори* ва Эштемур *қори* ва ғайриҳум сомеъ бўлдилар. Олти оқшомда хатм ихтитомға етушуб, ҳар кеча саҳар вақтида шоҳона зиёфат қилди. Сўнгғи кечаси мажмуи *қори* ул ҳазратнинг ташорифи инояти ва инъомоти беғояти била сарбаланд бўлдилар. Ва аъёни ҳазрат ва аркони давлат ва ғайриҳумким, ул хатмда ҳозир эрдилар, хилои гаронмоя била сарафрозлиғ топтилар. Якшанба куни кеч пешинда моҳи мазкурнинг ўн учи[2547] да ул ҳазрат Ёрмуҳаммад *девонбеги*ни тутдурди ва хуфтандин сўнг жамии оқо-ини ва ақрабоси ва бани аъмоми била қатлға еткурди. Мақтул бўлғонларнинг барчаси ўттуз икки киши эрди. Ва жума куни моҳи мазкурнинг ўн саккизи[2548] да Сатторқули оқоким, Даригазга элчи бўлуб кетиб эрди, келди. Ва *Қизилбош* элчилари ҳам келди. Бу тариқадаким, *қози* Юсуфшайх Навхандоний Беглархондин, Муршидбек *амир* Кўнадин, Боғирбек Нажафалихондин. Уч от пешкаши била келдилар. Панжшанба куниким, ийд эрди, элчиларға сарупой кийдуруб, рухсат берди. Алар ойининг ўн беши[2549] да қайттилар Хони *жаннатмакон* шаввол ойининг бешинжи[2550] куниким, душанба эрди, Доруғонға шикорға чиқиб, Кўкардали тушидин ҳам юқорироқ бориб тушти. Ул манзилда қаровулларға етти отлиғ қароқчи учраб, қароқчининг беш отин тутуб ва бир кишисин ўлдирдилар. Қаровулнинг баъзиси қочғон қароқчиларни Чоржўй мазореиға борғунча қовуб, Бобо хўжаниким, Хивақдин бориб, *тарокима* ҳаромилари била бош қўшуб, йўл урар эрди, Жойийилғон баҳодир Шоҳободий изидин етиб, тутуб келтурди. Ани Доруғонда дорға остирдилар. Ўн кундин сўнг мурожиат қилиб, моҳи мазкурнинг йигирма еттиси[2551] да чаҳоршанба кечаси дор ас-салтанаи Хивақға нузул қилди. Бурунғи кеча Абдураҳим *муфти* интиқол қилди.

Зу-л-қаъда нинг олтиси[2552] да чаҳоршанба куни Ниёзмуҳаммад бекнинг ўғли Бобожон бек жаҳони фонийдин олами боқийға риҳлат қилди.

Ҳазрати соҳнбқироннинг шикорға чиқиб, шикорийларға қирон солғони

Ҳамул йил зу-л-ҳижжа ойининг ўн саккизи[2553] да чаҳоршанба куни подшоҳи мағфиратдастгоҳ шикор иродаси била Хивақ дор ас-салтанасидин отланиб, Бадркандда янги солинғон ҳавлисиға нузул қилди. Панжшанба куни ул навоҳини қушлаб, ҳазрат Исм Маҳмуд Отони зиёрат қилиб, яна ҳавлиға тушти. Жума куни андин отланиб, Зимихшир навоҳиси била қушлаб, хуфтанда Тошҳовузға нузул қилди. Якшанба куни ойининг йигирма иккиси[2554] да андин отланиб, атроф-жавонибни қушлаб, Манқитға тушти. Сешанба куни андин рукуб этиб, Омонқули ариғининг оёқиға нузул қилди. Панжшанба куни андин кўчуб, Шорқировуқ канориға тушти. Жума куни ойининг йигирма еттиси[2555] да Кўҳна Урганжда шайх Нажмиддин Куброни зиёрат қилиб, Кўпрукли ёф ҳудудиға тушти. Андин кўчуб, орада икки қўнуб, душанба куни Арнак қирининг шарқий доманасида Қилли канориға тушти. Чун ул ерда йил тоза бўлуб, сана минг икки юз ўттузға интиқол этти, муҳаррам ойининг авваликим[2556], сешанба эрди, Арнакни қушлади. Бу мавзеда *қўнғрот кадхудо*лари ва *қароқалпоқ* бийлари даргоҳи олампаноҳ мулозиматиға етуштилар. Ва *қазоқ*нинг кўчуб, Ҳасанбойнинг овулиға тушган хабари ҳам келди. Ул мавзеда хони жаннатмакон олти кеча таваққуф қилиб, ҳар кун Арнак қирининг атрофин қушлаб, барча шикорийларға қирон солди. Ул ерда *қазоқ кадхудо*ларини яраштириб, сарупой кийдирди. Ва ёмонлиғ қилғон *қазоқ*ким, Назар халқи эрди, аларға *Тўра*бек *қиёт* ва Тайлоқ *юзбоши*и Чўнгай *бий*нинг инилари била тобин-

---

[2546] 1229 йил 5-рамазон/1814 йил 21 август.
[2547] 1229 йил 13-рамазон/1814 йил 29 август.
[2548] 1229 йил 18-рамазон/1814 йил 13 сентябр.
[2549] Афтидан: 1229 йил 15-шаввол/ 1814 йил 29 сентябр
[2550] 1229 йил 5-шаввол/ 1814 йил 19 сентябр.
[2551] 1229 йил 27-шаввол/ 1814 йил 11 октябр.
[2552] 1229 йил 6-зу-л-қаъда/1814 йил 20 октябр.
[2553] 1229 йил 18-зу-л-ҳижжа/1814 йил 30 ноябр.
[2554] 1229 йил 22-зу-л-ҳижжа/1814 йил 4 декабр.
[2555] 1229 йил 27-зу-л-ҳижжа/1814 йили 9 декабр.
[2556] 1230 йил 1-муҳаррам/1814 йил 14 декабр.

нинг молин истирдод қилмоқға сиёсатнома юборди. Ва *қазоқ*нинг элчилари Муҳаммаджон *қози* ибн *Қазоқ*ай *охунд* ва Ямонча *бий* эрдилар. Якшанба куни мазкур ойнинг еттиси[2557] да Қиллидин кўчуб, Ойбукурга тушти. Душанба куни қушлаб, сешанба куни ёмғур жиҳатидин, қўшда оромгузин бўлди. Чаҳоршанба куни Ойхўжанинг жавориға қариб тушти Жума куни Кўҳна Вазирни тамошо қилиб қайтти. Шанба куни андин кўчуб, яна бир манзилға тушти. Анда уч кеча мутаваққиф бўлуб, сешанба куни яна Қиллининг ёниға аввалғи қўшнинг муқобиласиға тушти. Андин панжшанба куни кўчуб, Қизил Йилғунға тушти. Жума куни Човдур қалъасининг навоҳисиға нузул қилди. Шанба куни Оқ Чўнгкўлга тушти. Якшанба куни Отйўлидин ўтуб тушти. Ул ерда уч кун қўшлаб, панжшанба куни Хўжамурод *бий*нинг Бўздағи ҳавлисиға тушти. Жума куни Толлилиқ бўйин қушлаб, шанба куни ойнинг йигирма олтиси[2558]-да Ҳаким Ото *алайҳирраҳма*нинг зиёратиға фоиз бўлди. Якшанба куни Буғрохоннинг атрофин қушлади. Душанба куни Самиёр қалъасининг ҳаволисиға Абдол ариғининг канориға тушти. Сешанба куни яна Толлилиқ савоҳилин қушлаб қайтти. Чаҳоршанба куни моҳи мазкурнинг салхи[2559] да андин кўчуб, Хўжа Турккаким, Йингичка сақосидин юқорироқдур, тушти. Панжшанба куни шаҳри сафар *хатамаллоҳу би-з-зафар*нинг ғурраси[2560] да андин кўчуб, Куркуровук канориға ўтуб тушти. Жума куни муз усти била дарёни кечиб, Қаробойлиға тушти. Шанба куни ул ерда таваққуф воқе бўлуб, Бўрлининг атрофин қушлаб қайтти. Якшанба куни Қаробойлидин ўтуб, Жолтарангғуға тушти. Душанба Мўйин муқобиласида дарё қироғиға нузул қилди. Сешанба куни дарёдин муз устидин ўтуб, Хўжа Туркка тушти. Чаҳоршанба куни Миздеҳқонда ҳазрат Шамъун набини зиёрат қилиб, Куюк қалъа муқобиласиға тушти. Панжшанба куни Лавдон атрофин қушлаб қайтти. Жума куни кўчуб, Пўрси ҳаволисиға тушти. Шанба куни Булдумсознинг орқа тарафиға нузул қилди. Ул мавзеда *соллоқ қурумса кадхудо*лари остони саодатнишонға яхши пешкаш келтурдилар. Якшанба куни андин кўчуб, Тошҳовузға тушти. Душанба куни ойнинг ўн иккиси[2561] да намозшомдин сўнг дор ас-салтанаи Хиваққа нузул қилди. Ҳамул йил, яъни Тўнгуз йили Абдуллоҳ *иноқ* қочиб Бухороға бориб эрди. Андоққим юқори мазкур бўлди. Бухорода тура олмай, юз минг ажзу эътизор била келиб, ул ҳазратнинг утбабўслиқиға етти. Ул ҳазрат анинг гуноҳин афв этиб, дохил ва музоҳим бўлмади. Ул беш-олти ой даргоҳ мулозимлари қаторида юруб, охир шарорати жибиллийси ҳаракатға кириб, баъзи қабиҳ ишлар зуҳуриға иқдом кўргузди. Анинг бу ҳаракати ул ҳазратға маълум бўлуб, ани ҳамул сафарда Миздеҳқонға нузул қилғонда, жазои кирдориға гирифтор қилиб, ўлдирдилар.

Хони жаннатмаконнинг жулусининг ўнунчи йилининг вақоеи

Ул жумладин: Ҳазрат подшоҳи мағфиратпаноҳ шикорда эрканда юртға атрофдағи вилоятлардин элчилар келмиш эрди. Андоққим, Кундўғди қозии *йимролий* ва Исмоил қозии *йимролий* билаким, ақрабосидин эрди, Машҳади муқаддасдин шоҳзода Вали Мирзодин элчи бўлуб келиб эрди. Жума кечаси анинг келтурган хатларин олиб ўқидилар. Мазмуни изҳори ихлос ва якжиҳатлик, балки ақди ихват дурур. Бу тариқада амирзода Дин Носирдин бир китобат ва яна *оймоқ* Қиличхон темурийким, Машҳаднинг бегларбегиси эрди, андин бир китобат ва Исохон *қароий*динким, Турбатнинг *ҳоким*и эрди, бир китобат келтуруб эрди. Ва Бухородин Орифхўжа элчи бўлуб, изҳори дўстлиғ қилиб келиб эрди. Ва мулло Абдулғафур Марвчоқдин Ялангтўшхон *жамшидий* ва анинг иниси Маҳмудбекхондин элчи бўлуб, изҳори убудият қилмоқға келиб эрди. Ҳазрат хони жаннатмакон раби ал-аввал ойининг авоили[2562] да элчиларга сарупойи шоҳона кийдириб, рухсат берди. Андоққим, Орифхўжаға Берди *иноқ*ни қўшти ва Машҳад ва *йимроли*га Нодир *сардор*ни юборди. Ва мундин сўнг Холнафас *отолиқ* Ахал *така*сининг *кадхудо*лари била келди. Бу мазмун билаким, закот ва мол ва оқуйли берурмиз.

[2557] 1230 йил 7-муҳаррам/1814 йил 19 декабр
[2558] 1230 йил 26-муҳаррам/1815 йил 7 январ.
[2559] 1230 йил 30-муҳаррам/ 1815 йил 11 январ.
[2560] 1230 йил 1-сафар/ 1815 йил 13 январ.
[2561] 1230 йил 12-сафар/ 1815 йил 24 январ.
[2562] 1230 йил 5-раби ал-аввал/ 1815 йил 15 феврал.
[2563] 1230 йил 15-раби ал-аввал/ 1815 йил 25 феврал.

Суюн бийнинг Дашти Қипчоқға чаповули. Ҳамул йил, яъни таърих ҳижрий минг икки юз ўттузда раби ал-аввал ойининг ўн беши[2563] да жума куни ҳазрат соҳибқирони *фирдавсмакон* Суюн *бий* ва Дўсим *бий* ва Илёс шиғовулни беш минг сипоҳи жаррори кинагузор бирла *чигилли* Жонназар *бий*нинг элинким, тамарруд ва инод қилиб, Хўжаназарким, элчиликка бормиш эрди, юбормай тутуб сақлади. Ул жиҳатдин чопмоқға буюрди. Ва Суюн бийким, шижоат ва муборизатда Рустам ва Асфандиёрға ҳайрат бармоғин тишлатур эрди ва тамомии олоти ҳарбни адув хайли ажсомиға ишлатур эрди, ани илтифоти подшоҳона ва навозишоти хусравонаға махсус тутуб, бир туғ ва бир ноқора бериб, бу юборилган челикнинг сари хайл ва *юзбоши*ларин анинг фармонбардорлиқиға маъмур қилиб, Қиличниёзбой ва Аваз *юзбоши*ни қуллар сипоҳи била ҳамроҳ қилди, токим ҳар киши бийи мазкурнинг ҳукмидин тажовуз жойиз тутса, танбеҳи балиғ бергайлар. Ва Бадал *юзбоши*ни ориз қилиб юборди, токим черикни санаб, яроқ ва асбобин кўруб қайтғай. Чун маъмурлар подшоҳи мағфиратпаноҳдин рухсат олиб, икки кунда Қипчоқ маъбаридин ўтуб, Чилпуқнинг остидағи кўлнинг канориға туштилар. Анда йиғинни жам қилмоқ учун уч кун таваққуф қилдилар ва андин кўчуб, олти кунда Оқёқишға бордилар. Анда Бадал *юзбоши* барча лашкарни санаб, яроқ ва асбобин кўруб қайтти. Андин кўчуб, учланжи кунда Бўричиға бордилар. Андин кўчуб, икки кунда тенгиз бўйиға туштилар. Сўнгғи куни тенгизга кириб, уч кун юруб эрдилар, Шоҳниёз *қароқалпоқ* Қизил Йилғунда уч кишини тутуб келтурди. Аларнинг бири *Амир* отлиғ *қароқалпоқ* ва иккиси *қазоқ* эркан. *Қазоқ*нинг бирисин ўлдириб, бирини ҳибс қилдилар. Андин сўнг яна уч кун юруб, тенгиздин чиқтилар. Ул ерда Илёс шиғовулға ўғруқ ва бунани топшуруб, барча мусаллаҳ ва мукаммал бўлуб, чаповулға кеттилар. Ул кун кечгача тохту-тоз қилиб, кўп кишини мақтул ва маасур этиб, андоқ мол олдиларким, ақл муҳосиби ҳисобидин ожиз келди. Ва тонгласи Жонназар *бий* ва Абдулазизхонким, қочиб эрдилар, Сир дарёсидин ўтуб, аларнинг изидин чаповул урдилар. Ул кун даги кўп одамни қатл ва асир этиб ва кўп мол ўлжа қилдиларким, ҳавсалаи тахминдин зиёда эрди. Аммо, Жонназар *бий* билан Абдулазизхонни топмадилар. Ва кўп *қазоқ* Оқавирак, Оқчатовда куран қилиб қолғон эркан, оломон балои ногоҳондек кураннинг тушлиғ-тушидин от солиб, бир ҳамлада куранни олдилар. Маликомон ва Авазқул ул ерда яхши муборизат кўргуздилар. Мағоними касира бирла андин кўчуб, йўлда бир қўнуб, Илёс шиғовулким, қўш бирла қолиб эрди, анга қўшулуб, мурожиат кўргуздилар. Ўн кунда Тангиёрбошиға келдилар. Анда беш кун ётиб, молларин тақсим қилдилар. Андин кўчуб, бир неча кун йўл юруб, жумода-л-аввал ойининг саккизи[2564] да душанба куни шаҳарга келиб, даргоҳи олампаноҳ утбабўслиқиға мушарраф бўлдилар. Ул ҳазрат Суюн бийга кўп меҳрибонлиғлар кўргузуб, минг кишига саркарда қилди. Ва тилло тузуклик тўпчоқ от миндирди. Ва Дўсим *бий* ва шиғовулни даги от, сарупой била сарафроз қилди. Ва Қиличниёз бойниким, беэтидоллиқ қилиб, оломоннинг ўлжасидин бир нима олмиш эрди, ул ҳазрат гуноҳкор қилиб, буюрдиким, ҳар кимдин на олғон бўлса, истирдод қилсун.

Ул жумладин улким, чун оломонға рухсат берилгандин сўнг раби ал-охир ойининг авоили[2565] да ул ҳазрат Паҳловонниёз бекни *така кадхудо*лариға қўшуб, закотгирликка юборди. Моҳи мазкурнинг олтинжи[2566] куниким, жума куни эрди, Бешариқ Хитойиға ўрдак шикориға чиқти. Ул кун *қизилбош*ия бекларим, ул ҳазрат ғазотға борғонда тутуб келтурмиш эрди, андоқким юқорироқ зикр топти, намози дигарда «хоннинг изидин борурмиз» деб отланиб, Пишканик ҳудудида чаришбозлиққа машғул бўлуб, қоронгғу тушгандин сўнг Ҳасанқулниким, аларнинг ёнида бўлур эрди, тутуб, йўлда қўл ва оёқин боғлаб ташлаб, отин олиб, ўн саккиз киши Хуросон йўлин тутуб қочтилар. Ва Ҳасанқулни тонг отғондин сўнг ўтунчилар кўруб, бандларин бўшатиб, кеч пешинда шаҳарга келиб, хабар бердилар. Ҳазрат подшоҳи сулаймонмакон ва хидеви искандарнишон, қомеи бунёд аз-зулм ва-т-туғён, моҳии русум ал-бидъат ва-л-адвон, ал-мустансир мин ан-наср ал-мулик ал-мустаон Абу-л-музаффар ва-л-мансур Абулғози Оллоҳқули Муҳаммад Баҳодирхон *маддаллоҳу зилола давлатиҳи ала мафориқи-л-аном ила йавми-л-қиям*ким, отаси қўшға кетганда шаҳарда қолмиш эрди, бу хабарни эшитгач, Ниёзмуҳаммадбойнинг навкари била ўз кишиларин аларнинг таоқибиға буюрди. Маъмурлар бир неча кун қовуб, ета олмай қайттилар.

[2564] 1230 йил 8-жумода-л-аввал/1815 йил 18 апрел.

[2565] 1230 йил 2-раби ал-охир/ 1815 йил 14 март.

[2566] 1230 йил 5-раби ал-охир/ 1815 йил 15 апрел.

Яна улким, моҳи мазкурнинг авоилида хони жаннатмакон иниси Муҳаммадназар бекка буюрдиким, Гурлан қибласидағи Бўздин бир улуғ ариғ қоздурғай. Ложарам беки мазкур бу амрда масоеи машкура тақдимға еткуруб, Боғлон арнасидин қоздуруб, Қиёт устидин ўтуруб, Ўрозали *иноқ*нинг Бўздағи боғининг қибласидин, Бўзға солиб чиқариб, сўнгин Янгиқалъагий *хитой*нинг қибласидин ўткарди. Ва Анборда оқосининг мулозиматиға етиб, марҳими подшоҳонаға сарафроз бўлди. Ул ариғ ҳоло «Қиличниёзбой арнаси»ға машҳурдур.

Ва **яна улким,** ҳазрати подшоҳи *мағфур* раби ал-охир ойининг йигирма бешинжи[2567] куниким, панжшанба эрди, Хиваник ориқин қоздурмоқ учун рукуб қилиб, кеча Сайёд ҳаволиға нузул қилди. Жума куни Сорбонтўпага бориб, қозувчиға чек берди. Бешинжи куниким, сешанба эрди ва жумода-л-аввал ойининг иккинжи[2568] куни эрди, тамом бўлди. Қозувға чиқмасдин бурунғи сешанба куни Берди *иноқ* Бухоро элчиси била келди. Якшанба куниким, хони мағфур қазув бошида эрди, Қўқон *ҳокими* Умархондин Саййид Муҳаммад ҳожи элчи бўлуб келиб, мулозиматға етти.

Ва **яна улким,** жумода-л-аввал ойининг ўни[2569]да хони мағфур чоршанба куни Шоҳобод ариғин қоздурмоқ учун отланиб, Анборға нузул қилди. Жума куни Тошҳовузға бориб, шанба куни қалъа солдурғудек жой кўруб, умаро ва жами мулозимлариға ер берди. Якшанба куни кеч Анборға тушти. Душанба куни Анбордин қозув устиға бориб, тамошо қилиб, Янгиёфға тушти. Сешанба куни Муҳаммадназар бек Хонқоҳ ва Уйғур ва Бошқир ва Минг ва Боғлон қозувчисини Гурлан кўпрукидин юқори элтиб, чек берди. Ул кун Қурбонқиличхон *соллоқ* Хуросондин келиб, даргоҳи олампаноҳ тақбилиға фоиз бўлди. Ул ҳазрат ани сешанба куни кўруб ва кўп меҳрибонлиғлар қилиб, хилои гаронмоя ва камари тиллопироя била сарафроз қилди ва кўчуб келмакига юрт тайин этти. Ва қазув йигирма кунда итмомға етти. Панжшанба куни жумода-л-охир ойининг тўққузи[2570]да дор ал-амораи Хиваққа нузул этти. Бу сафарнинг имтидоди ўттуз кун эрди.

Ҳазрат подшоҳи ғуфронпаноҳнинг жулуси майманатмаанусининг ўн бирланжи йилининг вақоеи. Ул жумладин иккинжи мартаба аъломи зафарфаржомни мамолики Хуросон жониби ҳаракатға киргузмаки ва така муонидлариға гушмоли балиғ бериб, ғазаб сарпанжаси бирла аксарининг ҳаёти риштасин узмаки ва тоғ ичига ҳиммат якронин суруб, лашкари сангин ҳаракатидин тоғ арконнға зилзила солмоқининг баёни ва Гургон навоҳисин лашкаргоҳ этиб, атроф-жавонибдағи элнинг изҳори убудият ва фармонбардорлиғ қнлмоқинннг достони ва ул ҳазратнинг мурожиат тариқиға наҳзат бодпойин сурмаки ва вусули файзидин Хивақ дор ас-салтанасиға низорат етурмаки

Ҳикоят мулкининг соҳибқирони,
Ривоят кишварининг комрони.
Сўз иқлими аро тушган гузори,
Ливо чеккан маони мулки сори.
Ки яъни хосаи афсонапардоз,
Бу янглиғ қилгуси афсона огоз.

Чун *така* жамоасиким, гоҳо инқиёд ва фармонбардорлиғ рибқасидин бўйин тўлғаб, инод ва саркашлик бодиясиға қадам урар эрдилар ва итоату хизматкорлиқ тариқи мустақимидин инҳироф жоиз тутуб, жаҳолат ва залолат саҳросида ҳар тарафга далерона юрар эрдилар. Ва гоҳо аларнинг баъзи ҳаромилари чаповул тариқи бирла келиб, мамолики маҳрусанинг баъзи ўтунчи ва кўмурчисин ўғурлаб кетар эрди. Ҳазрат подшоҳи олийшон ва хидеви муалломакон, хони Сулаймондастгоҳ ва хоқони Искандаржойгоҳ, маржаи салотини олам, сарвари дудмони бани Одам, зиллисубҳон, халифат ар-раҳмон Абу-л-музаффар

[2567] 1230 йил 25-раби ал-охир/ 1815 йил 6 апрел.
[2568] 1230 йил 2-жумода-л-аввал/ 1815 йил 12 апрел.
[2569] 1230 йил 10-жумода-л-аввал/ 1815 йил 20 апрел.
[2570] 1230 йил 9-жумода-л-охир/1815 йил 19 май.

ва-л-мансур Абулғози Муҳаммадраҳим Баҳодирхони мағфиратнишон ул жамоанинг танбеҳ ва таадибин зиммаи ҳимматиға лозим билиб ва аларнинг истиксор ва истисолин замири мунириға жазм қилиб, лашкар иҳзори учун атроф-жавонибға Баҳромсавлат ясовуллар ва Миррихсалобат сурдовуллар юборди. Чун оз фурсатда сипоҳи бекарон ва лашкари фаровон жам бўлуб, асбоби ҳарб ва олоти зарб ва саранжоми сафар муҳайё ва омода бўлди. Таърих ҳижрий минг икки юз ўттуз бирда ва раби ал-аввал ойининг авохири[2571] да жума куни Сичқон йили офтоби оламтоб Ҳамал буржи[2572] да эрди, ул ҳазрат Хуросон азиматиға ўз нафаси нафиси била рукуб қилиб, Бадрканд ҳаволисин шарафи нузули била рашки нигорхонаи Чин ва ғайрати фирдавсбарин қилди. Анда бир кун мутаваққиф бўлуб, якшанба куни кўчуб, сув оёқин муаскари асокири зафарфаржом ва музриби боргоҳи сипеҳриҳтишом қилди. Ул ерда уч кун оромгузин бўлуб, душанба куни Ўрта қудуқ ҳаволисин қадами муборакининг шарафмасосидин сипеҳрбаринға ҳамсар қилди. Ул кун Имиршайхни Гургонға *явмут* орасиға элчиликка буюрди, токим боргоҳи олампаноҳ остонасиға лойиқ тансуқот ва пешкашлари ва барча йиғини бирла Қизилработда мулозиматға стушсунлар. Ва Сатторқули *оқони гўклан*га Султонхонға ва Қандим *сардор*ни *така*га юборди. Ва сешанба куни *қўшбеги*ни илгари юборди, токим Болои Шамъда қудуқларни қоздурсин. Ва чаҳоршанба куни Ўртақудуқдин ўрдуи кайҳонпўйини ҳаракатға киргузуб, икки кун қатъи манозил қилиб, Куртиш Отони мухайями хайёми нусратанжом қилди. Шанба куни андин кўчуб, беш кун қатъи манозил ва таййи мароҳил қилиб, панжшанба куни Қизилработға нузул қилди. Ул кун Менглиали кофир баъзи *явмут* бирла келди. Жума куни Султонхон остони фалакнишон мулозиматиға етти. Шанба куни ҳазрат подшоҳи мағфиратдастгоҳ Султонхонға кўруниш бериб, авотифи бекарона бирла мумтоз ва сарупои шоҳона бирла сарафроз қилиб, андин кўчуб, Қўч Отоға тушти. Якшанба куни Бомиға, душанба куни Бурмада чоштлаб, Орчимонға тушти. Сешанба куни Санча қалъасида тушлаб, Дурунға тушти. Ул кун Мурча қалъасининг одамларидин оломон кўп ўлжа ва асир келтурдилар. Асирларни озод қилиб, Аваз *юзбоши*ни юборди. Токим ул эл хавотир қилмай, фориғилбол ўлтирсин. Чаҳоршанба куни Маҳинға ва панжшанба куни Хирмонтавға тушти. Ва Ахал такаси пашша гуруҳи сарсар чопғунидин қочиб, гўшаи ихтифоға киргандек, лашкари қиёматасар вурудин англаб, Хирмонтав дарасиға қабалған эркан. Ул ҳазрат Муҳаммадсолиҳ хўжа эшон ва Жавонмард хўжа ва Эрсори хўжа ва Қандим *сардор* ва Давлатназарбойни аларға истимолат ваъдаси бирла юборди. Ул кун Имиршайх била Гургон йиғини ҳам даргоҳи сипеҳриштибоҳ мулозиматиға фоиз бўлди. Жума куни Муҳаммадсолиҳ хўжа эшон ва Жавонмард хўжаларға икки элчи қўшулуб келди. Тўқтомишдин мулло Менглидавлат ва Ўтамишдин яна бир киши бу мазмун билаким «икки юз киши берурмиз ва ҳазрат хон мурожиат қилғондин сўнг яна икки юз оқуйили берурмиз.» Агарчи ул ҳазрат бу жамоаи муфсиданинг андешаи фасоду маҳзи каззоб ва ноэътимодлиғин билур эрди ва лекин баъзи зоҳирбинларға аларнинг иноду фасоди зоҳир бўлсун деб, амoратмаоб, манзилатинтисоб Шоҳниёз *отолиқ* бошлиғ баъзи умаро ва Қурбонқиличхоннинг саъй ва кушиши бирла аларнинг каззобомез ва фасодангез сўзларин қабул қилиб, фармони вожиб ал-изъон нуфуз топтиким «тонгла чоштгоҳға қолмай, навкарингизни келтурунг. Йўқ эрса сиёсати подшоҳонаға сазовор ва гирифтор бўлғунггиз» деб, элчиларға Жавонмард хўжа била Давлатназарбойни қўшуб юборди. Чун тонгласиким, шанба эрди, чоштгоҳғача элчилар келмади. Бу жиҳатдин ул ҳазрат нафаси нафиси бирла муонидларнинг устиға отланди. Йўлда Жавонмард хўжа ва Муҳаммадсолиҳ эшон ва Давлатназар бой келиб, арз қилдиларким, эртанг Мурод *сардор*нинг ўғли бошлиғ жами навкарларин келтирурмиз. Ул ҳазрат аларни қайтардиким, тез келтирсунлар. Ул гуруҳи залолатпажўҳдин ул кун кўп йиғин чаповул тариқаси бирла чиқмиш эркан, токим сипоҳи нусратпаноҳнинг атрофдағи ўтунчи ва ўтчиларидин бир нима ола олғай. Ул чоғда лашкари ферузий асардин бироз отлиғ чиқиб, алар муқобил бўлуб, ҳангомаи корзор андоқ гарм бўлдиким.
Маснавий:

Солиб гурдлар отни жавлон аро,
Далерона юз урди майдон аро.
Қилиб ҳамлалар шери ғўррандадек,

[2571] 1231 йил 29-раби ал-охир/1816 йили 29 март.
[2572] (1816 йили) 21-март.

Шагол хайлиға бабри даррандадек.
Бўлуб найзалар ҳар тараф жилвагар.
Қилиб хасм эли синасидин гузар.
Қиличлар бўлуб ҳар сори ламъафош,
Тўкуб неча қонлар, кесиб неча бош.
Анингдек тўкулди ҳамул ерда қон,
Ки ҳар сори сел ўлди қондин равон.

Чун аъдои махозил баҳодирларнинг ҳамалоти мутаоқибиға тоби муқовимат келтура олмай, саҳал карру фар била шикасти фоҳиш топиб, хисорат қадамин ҳазимат тариқиға қўйиб, суръати тамом била фирорий бўлдилар. Баҳодирлар аларнинг ақабидин бодпойи бодияпаймойлариға маҳмиз бериб, аъдои гурезпонинг кўпракин теғи хунфишон ва синони жонситон раҳнамолиғи бирла ажал шоҳроҳидин жаҳаннам уқубатгоҳиға озим қилди. Ва қолғони юз минг машаққат ва суубат била ўзларин дарбандга чекиб, ийлайига тош ўкуб ва дарбанднинг икки тарафидин тоғга *мерган* чиқариб, *туфангандоз*лиқға машғул бўлдилар. Ва бу тарафдин ҳазрат соҳибқирони мағфиратнишон дарбанд оғзиға бориб бамасобаи «тоғларни эса ўш ерни тутгувчи қозиқ қилиб қўймадикми[2573]» тоғдек ором тутти. Аморатпаноҳ Каримберди *отолиқ* ва шижоатдастгоҳ Қутлуғмуҳаммад *иноқ* ва жалодат нишон Султонхонким, майсарада эрдилар, даранинг шарқий тарафидин тоғ устига чиқиб, суфуфи нусратвуқуфни ораста этдилар. Ва Оллош *бий* ва Суюн бийким, жалодат ва муборизатда мумиилайҳ ва ангуштнамо эрдилар, илгари бориб, Авазберди *юзбоши* ва Эшмуҳаммад *юзбоши* ва Бекниёз *юзбоши*ни навкарлари била бирла икки тарафдин тоғ устиға чиқариб, шамхол отмоққа тарғибу таҳрис қилдилар. Ул чоғда шамхол отмоққа андоқ иштиғол кўргуздиларким, дуди шароролуди офтоби оламтоб кўзин кўр этди ва овози соиқандози сипеҳри асир қулоғин асамм қилди. Ва яқин эрдиким, гулулаи тўфанг ва хаданги бедаранг ва синони жонситон ва теғи бедариғ бирла муонидларнинг жамиатин бузуб ва ҳаёти сарриштасин узгайлар. Ул аснода амири равшанзамир Шоҳниёз *отолиқ* жаноби хилофатмаобдин аларнинг гуноҳин тиладиким, бу кун омон беринг, агар эртанг келмасалар, гуноҳлари ўз бўйинлариғадур. Шояд эмди ислоҳға келган бўлғойлар.

Ул ҳазрат камоли софии тийнат ва ниҳояти мурувватдин бу илтимосни мабзул тутуб, *отолиқ*и мазкур бориб, сипоҳи нусратпаноҳни қайтарди. Ва *отолиқ* бормасдин бурун Эшмуҳаммад *юзбоши*ға манглойидин тири қазо коргар тегиб, шаҳодат топти. Ва Ўрозпарихон *юзбоши* оғзидин захмдор бўлуб чиқди. Ул ҳазрат музаффар ва мансур қайтиб, сангарга нузул қилди. Ул кеча Жавонмард хўжа ва Давлатназарбой келди. Аларға қўшулуб, Нажафалихон *шодилу* ва Ризоқулихон *заъфаронлу*нинг элчилари келиб, бандалик муросиласин суддаи хилофат мулозимларининг райи анварлариға маъруз қилдиларким «биз жамоаи Қушхонаға келдук. Ҳар на амрлари бўлса, хизматкор ва фармонбардормиз.» Якшанба куни ул мавзедин кўчуб, дарага яқинроқ бориб тушулди. Душанба куни ул ҳазрат Курднинг элчилариға Давлат *қарокўз* била Қиличниёзбойни қўшуб юборди. Бу сўз билаким «бизга эл бўлсалар *така*ни чопмоқда тақсир қилмасунлар.» Ва Жонмуҳаммад *қози* ва Давлатназарбой ва Хўжаназарни мароҳими хусравона била сарафроз қилиб, икки ёрлиғ марҳамат кўргузди. Бири бу мазмун билаким «*така* жамоасидин ҳар ким сизларга қўшилиб, Хоразмға борса, маоф дурур ва ҳар ким агар сизларга қўшулмаса, сиёсати подшоҳонаға сазовор бўлғусидур. Ва ҳар ким сипоҳи зафардастгоҳдин аларға йўлуқса, музоҳим бўлмасунлар.» Ва яна бири бу мазмун билаким: «*Наймон* оёқини мазкур бўлғон акобирға тавобеи бирла марҳамат қилдуқ. Ёрлиғни кўргач, аларға бетааллул топширсунлар.»

Ва ул кун пешиндин сўнг Султонхон ва Оллош *бий* ва Суюн *бий* ва Дўсим *бий* ва Эсанбой *бий* ва *явмут* акобиридин тўрт минг лашкари жаррори кинагузорни Тажанғача чаповул урмоқға номзад қилди. Ва кеча Холниёз *юзбоши* ва Жаҳонгирбек ва Искандарбек Бухорийни йигирма пиёда била Дарбандга буюрдиким, тил тутғайлар. Алар Дарбандга етмай, олти отлиғ йўлиқиб, узоқдин англаб, қочиб қутулди. Ва андин сўнг икки отлиғ учради. Аларнинг бировин тутуб ўлдирдилар. Ва бириси отин ташлаб, тоғга тармашиб қутулди. Маъмурлар икки от ва бир калла келтириб, навозиши хусравонаға махсус бўлдилар.

[2573] Қуръони карим, 77 : 7.

Уч кун тавaққуф воқе бўлди. Панжшанба куни Қўтур шағол била етти кишини *така* ўғрилари ўлдириб қочти. Жума куни чаповулға буйрулғон саркардалардин хабар келди. Саркардалар ул кеча аввалғи сангарға туштилар. Аммо, арбоби киёсатнинг замоири зибасоириға маълум бўлсунким, саркардалар рухсат олғондин сўнг тўғри орқаға қараб илғаб, чоршанба куни балои ногаҳоний ва қазои омоний янглиғ бир ўбанинг устидин дохил бўлуб, барча эркакларин қатли ом қилиб, зуафо ва сибёнин исорат қайдиға чекиб, молларин ўлжа қилдилар. Ва мазкур бўлғон панжшанба куни Қорричарлоға ёвуқ Эшаксиян қудуқининг жанубий навоҳисида бир бўлак *сичмаз* жамоасининг ўбасиға учраб, субҳдин пешинғача муҳорибот ва муқотилот воқе бўлди. Аммо бу аснода Омондавлатбой ва Байрамалибой ва яна бир киши ўғлон*ушоқ*и била Султонхоннинг зинҳориға кириб чиқдилар. Саркардалар Омондавлатбойни уч мартаба ул ўба халқиға юбордиларким, агар чиқсалар бошлари ва моллари омон топар ва агар инод ва саркашлик этсалар, қонлари ўз бўйинлариғадур. Ул жамоаи беақл бу сўзга қулоқ тутмай, аввалғидин ҳам зиёдароқ тамарруд ва инод исрориға мусаммим бўлуб, отқулоштилар. Оқибат ҳазабр савлат баҳодирлар ва бабр ҳайбат мутаҳаввирлар муборизат қиличин ғазаб ниёмидин чекиб, отдин тушуб, пиёда бўлуб югурдилар.
Маснавий:

Чиқиб бу соридин кўкка алоло
Вале хасм аҳлидин юз войвайло.
Диловарлар ҳужум айлаб саросар
Бўлуб аъдоға бирдин ҳамлаовар.
Кириб жамиати ичра намоён
Оқиздилар қизил қонларни ҳар ён.
Қиличлар ламъасидин чақилиб барқ
Жаҳонни равшан этти ғарб то шарқ.
Синонларким кириб эл синасидин
Ўтуб ул ён дили пуркинасидин.
Бўлуб гарм ул сифат бозори пархош
Ки ҳеч ким олмади бир мошға юз бош.
Анингдек қилдилар ул элни нобуд
Ки бири қолмади оламда мавжуд.
Агар кўрсанг уғулган кушталарни
Кўзингга илмагайсан пушталарни.

Андоқким, икки юз кишидин кўпрак шамшири тез ва синони хунрез ишорати била ажал тўғри йўлидин охират мулкига озим бўлди. Ва от оёқи остида кўп аврот ва атфол зое ва нобуд бўлди. Ва икки юз етмишдин зиёда зуафо ва сибёнин асир қилиб, ғаноими мавфура бирла шанба куни остони муалло мулозиматиға мушарраф бўлуб, илтифоти подшоҳона ва навозишоти хусравонадин аржуманд ва баҳраманд бўлдилар. Якшанба ул ҳазрат ўлжаларни жами лашкар аҳлиға мусовий[2574] тақсим қилиб берди. Душанба куни қайтиб аввалғи сангарнинг ғарбий жонибида Гармоб суйининг канориға тушди. Сешанба куни андин кўчуб, Маҳинға, чаҳоршанба куни Мурчаға тушди. Ул кеча Оллош *бий* ва Суюн *бий* ва *явмут* ва *йимроли* ва *човдур кадхудо*ларин ва *қароқалпоқ*ия бийларин уч юз киши бирла Маҳинда букти қўйдилар. Пайшанба куни ул ҳазрат ҳануз Мурчадин кўчуб кетмайдур эрди, хабар келдиким, ёв қаровул бирла қаролошди. Ва буюриб юбордиким, урушмай, оҳиста-оҳиста илгари чексунлар. Бўлғайким, ёв қароқ[2575] келтуруб, гушмоли берилгай. Бийларга Дурунда бу фармон етиб, урушмай илгари тортдилар. Ва ул ҳазрат Санадчада Қандим *сардор* ва Муҳаммадқилични юз эллик киши бирла юбордиким, агар муҳориба воқе бўлса, имдод еткургайлар. Алар бехабар ёвни эл хиёл этиб, бир тарафидин бориб аралашдилар. Ёв дағи қочиб, камингоҳда ётғон кўп лашкарга етгач, алар қайтиб қочдилар. Ул ерда бироз муқотила ва мужодила воқе бўлуб, ул воқеада Паҳлавонниёзбек ва Искандарбек Бухорий ва Маликомон Котий бироз киши била зое бўлдилар. Ва Жаҳонгирбек яхши муҳориба кўргузуб, муонидлардин бир от тушуруб

[2574] Мусовий – тенг.
[2575] Қароқ – яқин.

келди. Ва такадин Муҳаммадзамон *сардор*ни теғи бедариғ дами бирла бўйнин узиб, бошин келтурдилар. Ул ҳазрат бу воқеани эшитгач, отланиб таъқиб қилиб, Дурундин ўткариб қайтиб, Орчимонға тушди. Жума куни кўчуб, Бурма ва Лангар мазориға тушти. Бу мавзеда эркак бандиларни қондорлариға бериб, қатл қилдурди. Шанба куни жумода-л-аввал ойининг ғурраси[2576] да андин кўчуб, Бомиға, якшанба куни Қўч отоға тушди. Ва душанба куни Бобо арабни шаҳарға қайтариб, Қароқодоқ дарбандига кириб, Кири деган булоқнинг атрофиға тушди. Ул булоқ Қизилработ суйининг манбаидур. Сешанба куни Қароқодоқдин наҳзат ливосин ҳаракатға киргузуб, Хўжа қалъасида кирёси гардунасос манжуқин зурваи аюқдин ўткарди. Чаҳоршанба куни ойининг беши[2577] да ул мавзеда тавaққуф қилиб, Султонхон ва Қутлуқмуҳаммад бироз йиғин била Ҳисор тоғининг кун чиқар тумшуқидаги *қародошли* халқини кўчурмакка номзад қилди. Панжшанба куни андин кўчуб, Терсоқар бўйиға тушуб, жума куни Сунбор суйининг канориға нузул қилди. Шанба куни ойининг саккизи[2578] да андин кўчуб, Мир саройиға туштиким, бир булоқ суйи бор дурур. Аммо, ул мавзеда ёмғур бениҳоят ёғиб, полчиғ жиҳатидин сипоҳ аҳли машаққати бисёр ва суубати бешумор чекдилар. Якшанба куни лашкарнинг сўнги йиғналғунча ул ерда таваққуф қилиб, душанба куни андин кўчуб, Чандир суйининг канорин музриби боргоҳи иқбол ва мухайями хайёми ижлол этди.

Аммо. Маъмур бўлғон саркардалар фармон мавжиби бирла *қародошли*ларниким, Кўзсиз суйи ва Йўвон суйининг канорида мутамаккин ва мутаваттин эрдилар, мажмуи етти юз эллик уйликдин зиёда эрди, аларни кўчуруб, Қори қалъанинг ёнида Шайтон қалъада сукно тайин қилиб, Қутлуғмуҳаммад *иноқ* йиғин била Мир саройида якшанба кечаси хуфтонда мулозиматға фоиз бўлди. Ва Султонхон пешкаш ва ҳадя саранжоми учун қолди. Чандирда остони саодатнишон мулозиматиға етти. Ва ул ҳазрат Чандир бўйида сешанба куни таваққуф қилиб, чаҳоршанба куни ойининг ўн иккисида Қаплонли даранинг оғзиға нузул қилди. Панжшанба куни Атрек канориға Уйлку деган мавзеға тушти. Ул мавзеда Султонхон ул ҳазратға бир оқ уй, икки туғма, бир каниз, икки от, икки юз қўй пешкаш қилиб, яхши зиёфат ва писандида хизматлар тақдимға еткурди. Амтаи покиза ва ақшамаи нафисадин пояндоз тўшаб, дироҳими бисёр ва динонири бешумор, жавоҳири сероб ва лаолии хушобдин сочиғлар сочти. Ва мароҳими хусравонаға махсус бўлди. **Қитъа:**

Хушо улким шаҳиға йўқу борин
Нисор этгай камоли бандаликдин.
Шаҳининг илтифоти ҳам чиқаргой,
Ани гардун уза афкандаликдин.

Ул ҳазрат ҳамул кун Менглиали кофир ва Сайиидназар бек *йимроли*ни Нажафалихонға юбордиким, эл бўлса, эллигини айтсун. Ва Ўғлон эшонни гўкланга изҳори истимолат қилиб юбордиким, ҳеч хавотир тортмай келсунлар. Жума куни кўчуб, орада бир қўнуб, якшанба куни Чиноронға тушуб сангар қилди. Душанба куни *экдар* черики мулло Араб бошлиғ даргоҳи олампаноҳ мулозиматиға келди. Ул кун Авазмуҳаммадбой вафот топди. Сешанба куни ва чаҳоршанба куни ул ерда таваққуф воқе бўлуб, панжшанба куни Қизилча дарасига кириб тушти. Жума куни Қаротўпага Гургон дарёсининг канориға нузул қилди. Ул кун қаротўпали *гўкландин*ким, *боядур* ва *қаротилқонлу* ва *эркачлу* акобири Авожа *ўнбеги* ва Оллоҳберди *қаротилқунли* ва Муҳаммад *эркачлу* ва ғайриҳум келиб, изҳори итоат ва инқиёд қилдилар. Ва сарупои шоҳона била сарафроз бўлуб, кўчуб келур ваъдаси била кетдилар. Шанба куни кўчуб, Даригаз муқобиласида Гургон канориға тушди.

Маҳдиқулихон *қожор* ва Мустафохон бегларбеги ва Фараҳуллоҳхон ва Исмоил Тиллойининг иниси Семнон *ҳоким*и Зулфиқорхон ва Муҳаммад Ҳусайнхон *Каррий қирқ* ва Одина Ҳусайнхон *боядур* буларнинг мажмуи ўн минг чоғлиғ киши била ҳазрат соҳибқирони *фирдавсмакон*нинг Искандардек жаҳон билоди тасхири учун рукуб қилиб, инони азиматин ул навоҳиға маатуф этганин эшитиб, Писаракда қабалған эркан. Ул ҳазрат Қаротўпадин явмут черикин Писарак устига чаповулға буюрди. Маъмурлар кеча бориб, камингоҳда туруб, субҳ вақти *қизилбоши*яға чаповул уруб, кўп ўлжа ва асир тушурдилар. Ва

[2576] 1231 йил 1-жумода-л-аввал/1816 йил 30 март.
[2577] 1231 йил 5-жумода-л-аввал/ 1816 йил 3 апрел.
[2578] 1231 йил 8-жумода-л-аввал/ 1816 йил 6 апрел.

Даригазда утбаи алийя мулозиматиға еттилар. Ва бир калла келтурдилар. Якшанба куни Султонхонни *явмут* ва *гўклан* черики бирла юборди. Алар қаровуллашиб, озғина уруш воқе бўлди. Ул урушда Муҳаммад Ҳусайн *Каррий* тарафидин икки киши мақтул бўлуб, *явмут*дин икки киши асир бўлди. Ҳамул кун Менглиали кофир ва Саййидназар бек Нажафалихон ва Ризоқулихоннинг элчилари бирла келди. Душанба куни *гўкланд*ин ва *явмут* орасидаги *ото* халқидин икки ўғри тутуб, тўпға солиб оттилар. Ва сешанба куни *гўкланд*ин киши келиб, кўчмак ваъдаси била Султонхон ва Қутлуғмуҳаммад *иноқ*ни олиб бориб, *қизилбош*дин қўрқуб кўча билмай, дарага кириб қочтилар. Чаҳоршанба куни Қутлуғмуҳаммад *иноқ* ва Султонхон ва *явмут* ва *човдур* акобирлари ва Ҳуббиқули хўжа ва Муҳаммадкарим қўйчини икки минг сипоҳи нусратпаноҳ била *қизилбош* устига номзад қилди. Алар андак урушуб қайттилар. Панжшанба куни моҳи мазкурнинг йигирма олтиси[2579] да ул ҳазрат ўз нафаси нафиси бирла ҳиммат камарин белига боғлаб, таваккул жавшанин эгнига кийиб, шижоат қиличин ниёми интиқомдин чекиб, ғайрат бодпойиға рукуб этиб, ливои нусрат ат-тавони ҳаракатға киргузуб, майсараи майсур ва майманаи маймунни шужаои номдор ва қуттилои бешумор била ораста ва пироста қилиб, тоғ этагига етиб, саф тортти. Ва *қизилбош*ия дағи майсараи номайсур ва майманаи номаймунин сипоҳи хазлон дастгоҳ била безаб, тоғ устиға чиқиб, ясов чекти. Ул учурда ишорати воло била тўпхонаи дўзахнишона мулозимлари тўпандозлиғ маросимиға қиём кўргузуб, гулулаи оташбор бавориқи куфра хайлининг обдони шароратнишонин куйдурди. Балки тоғ жисмиға дағи сароят қилиб «ўзларингизни ва аҳли оилаларингиз ўтини одамлар ва тошлар бўлган дўзахдан сақлангиз[2580]» мазмунинг ошкор этти. Ва лашкари исломдин баҳромсавлат баҳодирлар ва зарғомҳайбат диловарлар майдони масофға рустамона қадам урдилар. Ва сипоҳи куффордин ҳам гуруҳи анбуҳ алар сори мутаважжиҳ бўлуб, андоқ муҳориба ва муқотила воқе бўлдиким, Асфандиёри рўйинатан ва Рустами сафшикандин содир бўлмади. Муборизлар аъдодин қонин андоқ оқиздиларким, тоғу саҳро юзи лолазор бўлди. Ва бедавлар оёқи *қизилбош*ларнинг маишум бошларин андоқ урдиким, гўйи човгон ўйинин ошкор этти. Сумми сатур ғубори хуршиди жаҳонтоб юзига сотир бўлди ва паҳлавонлар наърасидин тоғ ичида ғавғои қиёмат зоҳир. Чун ҳангомаи корзор оз фурсат гарм бўлғоч, офтоби оламтоб шаҳсувори заррин аламин сарнигун қилди ва кавокиб лашкари фалак арсасида ҳар тарафга ёйилди. Куффор сипоҳи тору-мор бўлуб, ул ҳазрат аъломи зафарфаржомни ҳаракатға киргузуб, боргоҳи сипеҳриштибоҳ тарафиға наҳзат кўргузди. Ул урушда лашкари исломдин бироз киши захмдор бўлуб, олти киши даражаи шаҳодатға етти. Ул жумладин Берди *иноқ* ва Худойназар қоқ ва *ўкуз* Муҳаммадниёз *сардор* ва ғайриҳум эрдилар. Ва захмдорлардин Искандар хўжа ва Жавонмард хўжа ва яна етти киши эрди. Аммо сипоҳи куффордин гуруҳи анбуҳ ва лашкари фаровон синони жонситон ишорати ва шамшири буррон далолати била ўфтону хезон ажал тўғри йўлидин уқубаткадаи жаҳаннамга дохил бўлди. Жума куни моҳи мазбурнинг йигирма еттиси[2581] да Авожа *ўнбеги* келиб, эл ва аҳшомин кўчурмакка киши тилади. Ул ҳазрат анга Саййидниёз мутаваллини қўшуб юборди. Шанба куни сарири фароғатда оромгузин бўлуб, якшанба куни мазкур ойнинг салхи[2582] да андин кўчуб, Қавжуқ қалъасининг муқобиласиға туштиким, ул мавзени Қозуқли дерлар. Ҳамул кун Султонхон ва Аваз *юзбоши* ва Жийран *юзбоши*ни *гўклан* черики била Авожа *ўнбеги*нинг элини кўчурмакка номзад қилди. Душанба куниким, ражаб ойининг аввали[2583] эрди, анда таваққуф воқе бўлди. Ул кун Жавзонинг ўттузинжи[2584]

[2579] 1231 йил 26-жумода-л-аввал/ 1816 йил 24 апрел.

[2580] Қуръони карим, 66 : 6.

[2581] 1231 йил 27-жумода-л-аввал/ 1816 йил 25 апрел.

[2582] 1231 йил 29-жумода-л-аввал/1816 йил 27 апрел.

[2583] Қоида бўйича 29-жумода-л-аввалдан сўнг шу ойнинг 30 куни келиб, кейин 1-жумода-л-охир келади. Ва ушбу асарда у душанба, 29 апрелга тўғри келади. Ражаб ойи эса 1231/1816 йили 28 май сешанба кунига тўғри келиши керак. Аммо бу ерда негадир душанба кунга тўғри келмайдиган 1-ражаб келмоқда. Матнда эса бу сабабли юзага келган узилиш сезилмайди. Аммо, шу ерда мазкур сана баробарида бурж тақвими бўйича Жавзо ойининг ўттизинчи куни (30) берилган масалага ойдинлик киритиши мумкин. Демак, воқеа қайсидир мелодий йилнинг 24 июнида рўй берган (Жавзонинг биринчиси 23 майга тўғри келади). Мазкур юришнинг эса раби ал-охир охири, буржлар ҳисобида эса Ҳамал боши – 22 март куни бошлангани кўрсатилган бўлиб, юриш воқеалари жумода-л-аввал охиригача даврнинг тўлиқ бир ойини ўз ичига олади (яъни 22 апрелгача). Кейинги жумода-л-охир бўлса 29 апрелдан бошланиши (ва 28 майда тугаши) лозим. Кўринадики, воқеалар орасида бир ойлик давр мавжуд эмас.

куни эрди. Сешанба куни андин кўчуб, яна Даригазга аввалги қўшдин ўтуб тушти. Чаҳоршанба куни Қаротўпага нузул қилди. Ул кеча Аваз *юзбоши* ва Жийран *юзбоши* Султонхондин Кеникжойдин айрилиб келди. Панжшанба куниким, ойининг тўртинжи куни эрди, ул ҳазрат мутаваққиф бўлуб, Сайийдназарбек *йимролини курд* элчилариға қўшуб, Нажафалихон ва Ризоқулихонға юборди. Ва Аваз *юзбоши*ни Султонхоннинг кишиси била Султонхонға юбордиким, *гўклан кадхудо*лари била келсун. Жума куни таваққуф қилиб, шанба куни Қаротўпадин кўчуб, Кўкча дарасига кириб тушти. Якшанба куни Атракка Чандир ва Сунбор суйининг қўшулғон ериға туштиким, ул ерни Чот дерлар. Душанба куни моҳи мазкурнинг саккизида Атракдин ўтулди. Сешанба куни таваққуф воқе бўлди. Ул ерда Аваз *юзбоши* ва Мирдавлат *сардор* Султонхоннинг оллидин келиб, Чандир бўйиға тушган хабарин еткурдилар. Ул ҳазрат аларнинг йўлдошларин чопар қилиб юбордиким, биз тонгла кўчармиз, тез мулозиматға етушсун. Чаҳоршанба куни кўчуб, яна бир мавзега тушти. Ул кеча хуфтанда Султонхон *гўклан* акобири била утбаи алийя мулозиматиға етти. Панжшанба куни ул мавзедин наҳзат ливосин ҳаракатға киргузуб, Гаррибачағаким, «коф» мўъажама ва «рей» мушаддада биладур, бир қоқнинг отидурким, Куран тоғининг ошоқида воқедур, нузул қилди. Ул кун Султонхонға авотифи хусравона ва мароҳими подшоҳона била баҳраманд ва сарафроз қилиб рухсат берди. Ва хуфтан вақти кўчуб, шабгир қилиб Ожи қоқни муаскар қилди. Андин кўчуб, жума куни пешин вақтида Куран била Балқон тоғининг орасида Кабр қоқиға тушти. Андин кўчуб, кеча шабгир қилиб, Доно Отонинг атрофин лашкаргоҳ этти. Анда тушланиб, шанба куни қумни музриби боргоҳи иқбол ва муқарри саропардаи ижлол қилди. Андин кўчуб, якшанба куни Жиянмуҳаммад қоқининг қавмиға тушти. Андин кўчуб, душанба куни Ёсқаға нузул қилди. Анда бир кун таваққуф қилиб, чаҳоршанба куни кўчуб, шабгир қилиб, тушда Қаротагалак ва Асҳоб суйининг қироғин муаскари сипоҳи зафарпаноҳ этти. Ва андин пешиндин сўнг рукуб қилиб, яна бир мавзеға тушти. Панжшанба куни моҳи мазкурнинг ўн саккизида андин кўчуб, Жамол Ойининг ҳудудиға тушган қоқда тушлаб, кеча яна қоқ[2585] ғаким, Жамол Ойиға дохилдур, тушти. Жума кечаси андин кўчуб, чоштгоҳда бир мавзеға тушуб, андин отланиб, кеч яна бир мавзеға тушти. Шанба кечаси шабгир қилиб, Учтўғон қумидин ўтуб тушти ва анда тушлаб, кеч Оқяйлоқға нузул қилди. Якшанба куни барча мешк ва муттаҳаралариға сув тўлдириб, пешин кўчуб, орада бир қўнуб, душанба куни кеч пешинда Ўртақудуқ ҳаволисин лашкаргоҳ этти. Сешанба куни Ўртақудуқдин саманди иқболға рукуб қилиб, теғи мусориат била қатъи масофат этиб, орада икки қўнуб, панжшанба куни чоштгоҳда Хатиб қоқиға тушти. Аммо ҳаво иссиғлиқи ва қум ҳарорати ва сувсизлиқ жиҳатидин кўп от ва тева талаф бўлди. Жума куни андин кўчуб, Айритомға нузул қилди. Ул мавзеда саҳоби инояти илоҳийдин эҳсон ёмғури ёғиб, қоқ туштиким, барча лашкария шодоб ва сероб бўлдилар. Шанба куни андин кўчуб, Чоғилли гаришда тушуб, андин аср вақтидин бурун кўчуб, шабгир қилиб, мазкур ойнинг йигирма саккизи[2586]да якшанба саҳари Бадрканд ҳавлисиға нузул қилди. Андин пешин ўтуб отланиб, давлат ва иқбол била шаҳарга нузул қилиб, дор ал-амора суккониға вусули файзидин ниҳоятсиз нишот ва ғоятсиз инбисот еткурди.

Баъзи вақоеотиким, ул ҳазрат мустақарри хилофатға нузул қилғондин сўнг вуқуъ топмиш, зикр қилилур

Ул жумладин: Ҳамул йил, яъни санаи ҳижрия минг икки юз ўттуз бирда шаъбон ойининг аввали[2587]-да Марвда ўлтирған *така* муонидларининг баъзи ҳаромилари бош қўшуб, иттифоқ била мамолики маҳруса савбиға ўғрилиқ тариқаси бирла отланиб, дарё қироғи била келиб, Садварда икки чўпонни ўлдириб, бироз мол олиб қочтилар. Ҳазорасбда *амири кабир*и равшанзамир Қутлуғмурод *иноқ* бу воқеа вуқуидин хабар топиб, аларнинг изидин Давлатмурод бекни юз киши била қовғунчи қилиб юборди. Маъмурлар истижол тариқиға суръат бодпойин суруб, Дорғондин ўтуб, Кўкарчинлига етганда, аларнинг изидин еттилар. Муонидлар қовғунчиларнинг балои мубрам янглиғ сарвақтиға дохил бўлғонин мушоҳида қилғач, тоби муқовимат келтура олмай, барча олған молларини ташлаб, ҳазимат сори юз

[2584] 23 июн.

[2585] Қоқ – ёмғир, қор сувига тўлдириладиган чуқур.

[2586] 1231 йил 28-ражаб/1816 йил 22 июн.

қўюб, ўзларин дарёға ва қалин бешаларға уруб, машаққати бисёр ва суубати бешумор бирла бошларин баҳодирларнинг самсоми хуношоми зарбидин қутқардилар. Қовғунчилар музаффар ва мансур барча молларини олиб мурожиат кўргуздилар.

Ва моҳи мазкурнинг тўққузи[2588] да ҳазрат соҳибқирон Қандим *сардор*ни Бухороға элчиликка номзад қилди.

Ва рамазон ойининг ўни[2589] да шанба куни Бухоро элчиси Нурмуҳаммадбек тўқсовулбоши тўқ *манқит* амир Ҳайдарнинг ихлосномасин келтурди.

Қақа *сардор* ва Менглиали *сардор*нинг Марв такасиға чаповули

Мазкур ойининг ўн иккиси[2590] да душанба куни соҳибқирони фирдавсмакон Қақа *сардор* ва Менглиали *сардор* ва Отаниёз *мерган* ва Сунбор *сардор* ва ўзбакдин Холли *отолиқ*ни икки юз нафар сипоҳи жаррор ва лашкари шижоатшиор била *така* устига илғор буюрди. Маъмурлар суръати тамом ва истижоли молокалом била қатъи манозил ва таййи мароҳил қилиб, денгиз қудуқидин кунчиқарға қараб илғаб, мазкур ойининг йигирма бири[2591] да Кўктўпа мавзеида *орик* жамоасидин Муҳаммадниёз қозининг ўбасиғаким, ўн етти уйлук эрди, дохил бўлуб, йигирма-ўттуз чоғлиғ кишини теғи бедариғ дамидин ўткариб, аврот ва атфолинким, қирқ нафарға қариб эрди, асир қилиб, молу мавошиларин ўлжалаб, чаҳоршанба куни моҳи мазкурнинг йигирма саккизи[2592] да даргоҳи олампаноҳ мулозиматиға еттилар. Ул ҳазрат хазинаи эҳсонидин барчасининг умидлари этагин еуқуди мақсуд била тўлдириб, жомахонаи илтифотидин хилои гаронмояға махсус тутди.

Мурод *сардор*нинг Ахал такасиға чаповули

Ямут саромадидин Мурод *сардор* бироз мутаҳаввир йигитга бош бўлуб, ҳазрат соҳибқирондин рухсат олиб, шаввол ойининг авоили[2593] да *така* чаповулиға озим бўлуб, етти кунда Ахал қибласидин Бирқудуқ бошида саккиз такани ўлдириб ва икки кишини исорат қайдиға чекиб, тўрт юз чоғлиғ тева суруб мурожиат қилдилар ва мазкур ойининг йигирма иккиси[2594] да шанба куни остони сипеҳрнишон мулозимати шарафиға мушарраф бўлдилар.

Ва мазкур ойининг авосити[2595] да Нурмуҳаммад бек тўқсовул бошиким, Бухородин элчиликка келмиш эрди, ҳазрат соҳибқирон анга рухсат бериб қайтарди.

Боғибек баҳодирнинг Боми-Бурма навосиға чаповули

Шаввол ойининг йигирма учи[2596] да якшанба куни *явмут* Боғибек баҳодир ул ҳазратнинг ижозати била бир гуруҳ оломонға бош бўлуб, Ўртақудуқ йўлидин қатъи манозил қилиб, Боми-Бурма ҳаволисида Бирқудуқ устидин оч арслондек дохил бўлуб, етти-саккиз кишининг бошин теғи буррон била жасади палидларидин жудо қилиб ва беҳисоб тева ўлжа тушуруб қайттилар. Зу-л-қаъда ойининг ўн бири[2597] да шаҳарга келдилар.

Ва ойининг ўн иккисида панжшанба куни Қизилработ такасининг сарвари Холнафас *сардор така*нинг етти уруғидин етти киши била элчиликка келиб, остони муалло хокбўслиқи шарафиға фоиз бўлдилар ва

[2587] 1231 йил 1-шаъбон/1816 йил 27 июн.
[2588] 1231 йил 9-шаъбон/1816 йил 3 июл.
[2589] 1231 йил 10-рамазон / 1816 йил 4 август.
[2590] 1231 йил 12-рамазон/1816 йил 6 август.
[2591] 1231 йил 21-рамазон /1816 йил 15 август.
[2592] 1231 йил 28-рамазон /1816 йил 22 август.
[2593] 1231 йил 3-шаввол/1816 йил 3 август.
[2594] 1231 йил 22-шаввол/1816 йил 15 сентябр.
[2595] 1231 йил 14-шаввол/ 1816 йил 7 сентябр.
[2596] 1231 йил 23-шаввол/ 1816 йил 16 сентябр.
[2597] 1231 йил 11-зу-л-қаъда/1816 йил 3 октябр.

мазкур ойнинг йигирма еттиси[2598] да ул ҳазрат аларға Ҳуббиқули хўжани қўшуб, рухсат берди. Зу-л-ҳижжа ойининг ғурраси[2599] ким, сешанба куни эрди, Ҳуббиқули хўжа *така*лар била мақсад тарафиға озим бўлди.

Ул кун *қазоқ*дин Арангғозихоннинг иниси Нурум *тўра* йигирма отлиғ била келиб, Хонқоҳ тушидин ўтган кўмурчиларни чопиб қочти. Ул хабар уч кундин сўнг жаноби рифъатмаоб мулозимлариға етиб, Суюн *бий* ва Аваз *юзбоши* қовғунчилиқға маъмур бўлуб, етти-саккиз кун қовуб, *қазоқ*ларнинг изидин ета олмай, мурожиат қилдилар.

Суюн баҳодирнинг Дашти Қипчоқ савбиға илғор маркабин сурмаки ва *қазоқ*ия аҳшомиға чаповул тундбодин еткурмаки

Қурбон ийдининг учунжи куниким, зу-л-ҳижжа ойининг ўн иккиси[2600] шанба куни эрди, султони *жаннатмакон човдур* Муҳаммадниёз *сардор*нинг ўғли Суюн баҳодир ва *манқит* Қилич *юзбоши* ва *хитой* Қилич баҳодирни икки юз эллик киши билаким, тўрт ҳиссаси *човдур* ва *йимроли* эрди, *Амир қароқалпоқ*-ни бошчи қилиб, *қазоқ* устиға номзад қилди. Маъмурлар панжшанба куни дарёдин ўтуб, шанба куниким, мазкур ойнинг ўн тўққузи[2601] эрди, Чўнгкўлдин кўчуб, Кўкча усти била юруш қилиб, тўққуз кун қатъи масофат этиб, ўнланжи кун Оқча тенгизининг навоҳисида тўрт уйлик элким, икки уйлики *қароқалпоқ* ва иккиси *қазоқ* эрди, йўлиқиб, *қазоқ*ларни қатлға еткуруб ва *қароқалпоқ*ни бошчи[2602] қилиб, илғор эттилар. Кечгача уч бўлак элни чопиб, эркакларин қатли ом қилиб, атфол ва аёлларин асир, асбобу молларин ўлжа этиб, бироз йиғин била ташлаб, ўзлари яна суръати тамом била илғаб, ярим кечада бир ўт кўриб борсалар, икки уйлик *қазоқ*ким, икки оқо-ини эрдилар, иттифоқо оқоси *қазоқ*дин йигирма икки киши била ул оқшом уйига келмиш эрди. Олмон шамшири буррон ишорати била аларнинг барчасин ўфтону хезон охират йўлиға озим қилиб, молу ашёсин торож этиб, яна илғадилар. Тонг вақти Қаросақол ҳудудидаким, Кўпалиға қарибдур, Турон баҳодирнинг ақрабосидин Бўлон *бий*нинг овулиға қазои осмоний янглиғ қуюлдилар. Ўзи истибро[2603] учун уйидин чиқиб эрди, оломоннинг ғулғуласидин ёв эрканин билиб, қалин тўғайға кириб қутулди. Маълум бўлсунким, ул Арангғозихоннинг амри била анинг оллидин янги келиб, черик ва қўналға йиғнар эрди. Ва овули ўн етти уйлик эрди. Барчасин оломони зафартавомон наҳбу торож эттилар. Ва жами бола-чағасин исорат қайдиға муқаййид ва эркакларин қатли ом қилиб, тонгласи улуғ чоштгоҳда ул элнинг корвонлариким, ҳақиқатда ганжиравон эрди, Бухоро тарафидин келиб, оломонға дучор бўлди. Сипоҳи давлатпаноҳ аларнинг молларин ҳам ўлжалариға мунзам қилиб, пешин вақти мурожиат кўргузуб, сана 1232 муҳаррам ойининг йигирма бири[2604] да сешанба куни эрди, суддаи сидрамисол тавофиға мушарраф бўлуб, мароҳими подшоҳонадин сарафроз бўлдилар. Сўнгғи куниким, чаҳоршанба эрди, *қазоқ* муонидларидин Сорихўжа отлиғ муфаттин[2605] икки юз киши била келиб, Шўрбулоқда ётиб, Ҳазорасб кўмурчи[2606] ларидин Бобо махзум деганни бир *қароқалпоқ* била тутуб олиб қайттилар. Ва йўлда Бухородин келатурғон тўрт *қароқалпоқ*ни тутуб қатлға еткурдилар ва бири қочиб қутулди. Андин сўнг Бозиргон бешасининг юқорисида Бухоро чорвасининг қўйларидин тўрт-беш сурук қўйни беш чўфони била олиб мурожиат кўргуздилар. Аммо, Бобо махзум била *қароқалпоқ* икови қочиб қутулди. Бу хабарни Ҳазорасбда ягонаи офоқ Кутлуғмурод *иноқ* эшитиб, Дўстназар *кутвол* ва Абдураҳмон *юзбоши*ни оз отлиғ била *қазоқ*ларнинг изидин қовғун-

---

2598 1231 йил 27-зу-л-қаъда/1816 йил 19 октябр.

2599 1231 йил 1-зу-л-ҳижжа/ 1816 йил 23 октябр.

2600 1231 йил 12-зу-л-ҳижжа/ 1816 йил 3 ноябр.

2601 1231 йил 19-зу-л-ҳижжа/ 1816 йил 9 ноябр.

2602 Бошчи – йўл кўрсатувчи.

2603 Истибро – покланиш (таҳорат, ювиниш, ғусл).

2604 1232 йил 21-муҳаррам/ 1816 йил 11 декабр.

2605 Муфаттин – фитначи.

2606 Кўмурчи – қумдаги сазақ, ўмча, саксавул каби ўтинларни ерга кўмиб ёқиб, писта кўмир олувчи касб эгалари.

чилиқға номзад қилди. Маъмурлар истижоли тамом била илғор қилиб, Қўшбулоқ мавзеида изларидин етиб, икки кишини исорат сарпанжасиға гирифтор қилиб, бирин уқубат теғи била қатлға еткуруб мурожиат қилдилар. Ва муҳаррам ойининг авосити[2607] да ул ҳазрат Сунбор *сардор*ни *гўклан ҳокими* Султонхон жонибиға ирсол қилди. Ва мазкур ойининг йигирма тўққузи[2608] да чаҳоршанба куни *така* элчилари ва *қизилбош* элчилари боргоҳи олампаноҳ утбўслиқи шарафиға мушарраф бўлдилар. Ҳамул кун ҳазрат султони соҳибқирон Қақа *сардор* ва Отаниёз *мерган* ва Менгли *сардор*ни ямутдин минг киши била *қазоқ* чаповулиға буюрди. Ва Абдол Тўғонниёз баҳодир ва Қилич *юзбоши* ва Бойли *юзбоши* ва Ҳусайн *сардор*ни *човдур* ва *йимроли*дин етти юз киши била *қароқалпоқ*дин *Тўра*бек *қиёт*ни аларға бошчи қилиб, Эрдор йўлиға номзад қилди. Аларни олийжоҳ, муқарриби даргоҳ, маҳрами роз Муҳаммадниёз ясовулбоши санаб, дарёдин ўткариб қайтти. Сафар ойининг ўн олтиси[2609] да шанба куни аларнинг Эрдор йўлида *қазоқ*нинг кўп корвонин урушиб олғон хабари келди. Чаҳоршанба куниким, мазкур ойининг йигирмаси[2610] эрди, Сунбор *сардор*ким, Султонхон қошиға кетиб эрди, келди. Моҳи мазкурнинг йигирма иккиси[2611] да жума кечаси *явмут* оломони *қазоқ*ни чопған хабари келди. Ул ойининг авохири[2612] да *така* элчиларига рухсат бериб, аларға Хўжажон хўжа била Қандим *сардор*ни масҳуб қилиб, *қизилбош* элчиларига Бекниёз ноибни қўшуб юборди.

Ҳазрат соҳибқироннинг жулуси ҳумоюнининг ўн иккинжи йилининг савониҳи. Ул жумладин: Суюн *бий*нинг *қазоқ*да Арангғозихоннинг элига чаповул урмоқи ва Арангғозихоннинг фирорий бўлуб, ўзин қалин тўғой ичра ёшурмоқи

Раби ал-аввал ойининг тўққузи[2613] да душанба куни ҳазрат султони мағфиратнишон Суюн *бий*ни бош қилиб, Дўсим *бий* ва Илёс шиғовул ва Давлат қарокўз шамхолчилардин Авазберди *юзбоши* ва Баки *юзбоши* ва Муҳаммадшариф *юзбоши* ва сипаҳдорлардин Омонбой *юзбоши* ва Бекпўлод *юзбоши* ва *ямутия*дин Қақа *сардор* ва Менглиали *сардор* ва *човдур*дин Муҳаммадниёз *сардор*нинг ўғли Ҳусайн баҳодир ва Кутлуғмурод *иноқ*нинг *юзбоши*ларидин Дўстназар *кутвол* бошлиғ ўн киши ва *қароқалпоқ*иядин Давлатназар *бий* бошлиғ аксар *юзбоши*ларин саккиз минг киши била аларға қўшуб, *қазоқ* чаповулиға буюрди. Ул кун *қазоқ*дин Сойғунди бойнинг Кажак отлиғ иниси элчиликка келди. Бу мазмун билаким «Сойғунди бой бошлиғ тўрт-беш уйлук фуқаро кўп *қазоқ*дин айрилиб, бари чиқдуқ. Ҳазрат соҳибқирондин на амр бўлса муте ва фармонбардормиз.» Суюн бийлар сешанба куни шаҳардин чиқиб, дарёдин Қипчоқ маъбаридин убур қилиб, черик йиғналғунча Чилпиқ навоҳисида таваққуф кўргузуб, мазкур ойининг ўн олтиси[2614] да якшанба куни ўн минг киши бўлуб, Чилпуқдин мақсад тарафиға озим бўлдилар ва ўн олти кунда Айритомда Сойғунди бойнинг қўйлариға йўлиқиб, наҳбу торож қилдилар. Ва ул ердин бир чўфонни Сойғунди бойға элчи қилиб юбордилар. Ўзлари илғаб, тўрт кунда Қувонакға еттилар. Тонгласи Сойғунди бойғаким, анинг овули ул навоҳида эрди, яна элчи юбордилар. Ва ул мавзеда Илёс шиғовулни ўғруқ ва бўна била қўйиб, Қўнгротдин ўтуб, озим бўлдилар. Ва улуғ чоштгоҳда Жонкант қалъасиғаким, Сир дарёсининг канорида эрди, еттилар. Ул ерда оломонға чаповул учун рухсат бериб, барча бирдин суръати тамом била илғор қилиб, Қаротўпага етганда сипоҳи нусратпаноҳни уч бўлуб, Ўрта бўлакда Суюн *бий*нинг ўзи илғаб, намози дигарда Оқавирак Ақчатов мавзеидин чиқиб, намозшомда қочғон *қазоқ* муонидларининг изидин етиб, хуфтанғача қатлу кўшешға иштиғол кўргузуб ва кўп *қазоқ*ни қайди исоротға чекиб ва ғоятдин афзун ўлжаға мутасарриф бўлуб қайтиб, ярим кечада қирдин тушуб ёнтилар. Тонгласи Сир била Қувонакнинг айрилғон еридин ошоқға қараб илғаб, икки тарафда ўлтирғон элни

[2607] 1232 йил 14-муҳаррам/ 1816 йил 4 декабр.
[2608] 1232 йил 29-муҳаррам/1816 йил 19 декабр.
[2609] 1232 йил 16-сафар/1817 йил 5 январ.
[2610] 1232 йил 20-сафар/1817 йил 9 январ.
[2611] 1232 йил 22-сафар/1817 йил 11 январ.
[2612] 1232 йил сафар/1817 йил сафар ойининг охири 18 январга тўғри келган.
[2613] 1232 йил 9-раби ал-аввал/ 1817 йил 27 январ.
[2614] 1232 йил 16-раби ал-аввал/ 1817 йил 3 феврал.

ўлжа ва асир қилиб, яна илғаб, нисфиллайлда бир ерга тушуб, ором қилдилар. Сўшғи кун яна атрофжавонибни чаповул уруб, ғаноими фаровон ва усарои бепоён била чоштгоҳ чоғи Жонкантга еттилар. Ул ёвуқда ул миқдор қор кўп ёғиб эрдиким, аксар ерда отнинг кўкракиғача қорға ботар эрди. Ва баъзи мавозеда тева бўйниға баробар қор тушмиш эрди. Ва лашкари зафармаосир навбат била илгари юруб, йўл очар эрдилар. Ва ул юрушда мулло Соритой деган *қароқалпоқ* бошчи эрди. Ва оломони зафартавомон Жонкантдин кўчуб, сўнгги куни Қувонакға еттилар. Аммо Арангғозихонким, анинг эл ва аҳшоми Жонкантда эрди, аввалроқ хабар топиб, Жонкантдин кўчуб қочиб, қалин тўғойларға кириб, оломоннинг чанги чаповул ва дасти татовулидин қутулди. Маълум бўлсинким, Суюн *бий* оломон била Қувонакға келмасдин бурун Сойғунди бой Илёс шиғовул қошиға келмиш эркан. Бийи мазкур келгандин сўнг Сойғунди бойға Одина бой *оталиқ*ни қўшиб юборди, токим эл ва ўрдуси била кўчириб келтургай. Ҳамул кун Дўсим *бий*ни икки минг киши била юқори тарафга чаповулға юборди. Алар ул навоҳини чопиб, кўп ўлжа олиб, ярим оқшомда келдилар. Тонгласи Сойғунди бойнинг барча эл ва аҳшоми кўчуб келди. Сўнгги куни фатҳу зафар била хуррам ва хушҳол муовидат қилдилар. Ва махфий қолмасунким, ул чаповулда сипоҳи нусратдастгоҳдин йигирма киши нобуд бўлди. Ва *қазоқ*дин атфолдин бошқа икки мингга қариб киши қатлға етти. Ва етти юз қиз ва зуафо исорат қайдиға чекилди. Ва лашкари ферузийасар уч манзилда тенгизга кирдилар. Тўртланжи куни Суюн *бий* ўз иниси Элтузар бекни ва Давлат *қоракўз* қайин иниси Холмурод *доруға*нинг ўғли *Отолиқ* деганни ўн икки киши била ҳамроҳ қилиб, суюнчилатиб, фатҳнома била шаҳарга чопар юбордилар. Ва тенгизда беш кун юруб, олтиланжи куни чиқиб, икки кун қатъи масофат этиб, Мисрбой қоқиға еттилар. Ул мавзеда хони мағфурнинг фармони била Отаниёз чўккан бориб, моли ғаниматдин ғон олди. Андоқким, етти юз эллик тева ва ҳамул миқдор сиғир ва олти минг қўй ғон бўлди. Ул ерда тўққуз кун тавaққуф қилиб, андин кўчуб, орада уч қўнуб, Бўричи ошоқидин юруб, Қувбошға келиб туштилар. Ва андин кўчуб, уч кунда шанба куниким, жумода-л-аввал ойининг ўн тўққузи[2615] эрди, остони муалло мулозиматиға фоиз бўлуб, Суюн *бий* бошлиғ жами сипаҳдорлар ва баҳодирлар навозишоти хусравонаға махсус бўлуб, сарупои подшоҳона била сарафроз бўлдилар. Маълум бўлсунким, бийлар *қазоқ*да эрканда Дўлли *тика така*дин келиб, Қандим *сардор*нинг ўлган хабарин ва *така* халқи ваъдасин бузуб, оқуйли бермас бўлғон хабарин келтурди. Ва раби ал-охирнинг йигирмаси[2616] да чаҳоршанба куни *така* муонидларидин йигирма беш киши келиб, Денгизқозғон қудуқлари била Соғча қудуқларин ўтлаб, Суюнчи йўлидин келиб, вазири Осафсияр Муҳаммад Юсуф *меҳтар*нинг қўйлариким, қумда боқилур эрди, барчасин суруб ва ўтунчидин бир кишини ўлдириб қочтилар. Ҳазрат султони мағфур ҳамул кун Ҳўббиқули хўжа ва Муҳаммадқули бек ва Бадал *юзбоши*ни қовғунчилиқға номзад қилди. Алар Соғчаға бориб ва Денгиз қудуқидин дағи хабар олиб, муонидлар изидин ета олмай қайттилар.

Ҳазрат соҳибқиронн жаннатмаконнинг сайр ва шикор иродаси била Қўнгрот ноҳиятиға бориб, мурожиат кўргузмаки

Чун Суюнбийлар *қазоқ* чаповулидин келгандин уч кун сўнг жумода-л-аввал ойининг йигирма иккиси[2617] да сешанба куни ҳазрат подшоҳи ғуфронпаноҳ шикор иродаси била доруссалтани Хивақдин рукуб қилиб, Анборға нузул этти. Чаҳоршанба куни андин отланиб, давлат ва иқбол била Тошҳовузға тушти. Ҳамул кун *қазоқ*дин Оллоҳўнғоз элчи бўлиб келди. Ва *қизилбош*иядин Нажафалихоннинг қозиси мулло Муродали ўзга хонларнинг элчилари била Бекниёз ноибнинг мусоҳибатида изҳори инкисор ва убудият қилиб келди. Ул ҳазрат Тошҳовузда тўрт кеча мутавaққиф бўлуб, якшанба куни андин ҳаракат кўргузуб, Қиличниёз бойнинг ҳавлисин нузули ҳумоюни била мафхари манозил ва ашрафи мароҳил қилди. Ул кун *така* жамоасининг саромади Хўжаназар бек ўз элининг оқуйлики била даргоҳи сипеҳрпойгоҳ утбабўслиқи била шарафи истисод топти. Тонгласиким, душанба эрди, Қиличниёз бойнинг ҳавлисидин отланиб, ҳар кун қуш солиб ва ов олиб ва ҳар соат карам шоҳбози била фуқаро ва ғурабо кўнгулларин

[2615] 1232 йил 19-жумода-л-аввал/1817 йил 6 апрел.
[2616] 1232 йил 20-раби ал-охир/ 1817 йил 7 феврал.
[2617] 1232 йил 22-жумода-л-аввал/ 1817 йил 22 апрел.

шикорвор овлаб, Ҳожимурод ўлган маъбаридин дарёни убур қилиб, Қаробойли ва Мойлиўзак атроф-жавонибин шикор қилди. Ва Қўнгрот қалъасининг қибласидин дарёни кечиб, нузули саодатвусули шарафидин ўз ҳавлисининг кунгураи ифтихорин фалак зуврасиға ҳамсар, балки буржи Сурайёға баробар қилди. Андин отланиб, султон ал-авлиё, бурҳон ал-атқиё ҳазрат Ҳаким Ото *қуддисси сирриҳилазиз*нинг зиёрати лозим уш-шарофатиға мушарраф бўлди. Андин мурожиат қилиб, ҳар кун шикор аҳлиға қирон солиб, Хўжаэлининг тарафи ғарбийсидин ўтуб, Миздеҳқон ҳаволисин қушлаб, Қуба тоғининг устидин ўтуб, Қиличниёзбойнинг ҳавлисиға нузул қилди. Андин рукуб қилиб, Мойлижангалда тушлаб, якшанба куниким, жумода-л-охир ойининг ўн саккизи[2618] эрди, дор ал-хилофаи Хиваққа нузул қилиб, сарири салтанатда ором тутти.

Оллош *бий*нинг така муонидларининг аҳшомиға чаповул урмоқи

Чун сана минг икки юз ўттуз иккида ражаб ойининг авосити[2619] даким, Хоразм Саратонининг аввали[2620] эрди, ҳазрат соҳибқирони жаннатмакон Оллош *бий* ва Дўсим *бий*ни ямут ва *човдур* ва *йимроли* ва ўзбакдин гуруҳи анбуҳ била *така* чаповулиға номзад қилди. Алар бовужуди ҳаво иссиғлиқи фармони қазожараён мавжиби била Тангри таолоға таваккал қилиб, шанба куни шаҳардин чиқиб, Соғча қудуқи устидин қатъи масофат қилиб, ўн бир кунда теваларин қайтариб, яланг отлиғ бўлиб, суръати тамом бирла юруш қилдилар. Кеча Биёбонча қалъасиғаким, хароб эрди, ёттилар. Тонгласиким, чаҳоршанба куни ойининг йигирма еттиси[2621] эрди, чоштгоҳда *қарохонли така*нинг аввалинким, юқориси Калот, ошоқи Даригазгача тоғнинг этагида Қўзғоннинг канорида ўлтирмиш эрди ва бениҳоят йиғноқ эрди, чаповул урдилар. Аксар бола-чоғаси тоғға тирмашиб қутулди. Ва олтмиш чоғлиғ кишисин ўлдириб, кўп тева қовуб ва бениҳоят молға мутасарриф бўлдиларким, барча лашкар аҳли нақл[2622] идин ожиз келдилар. Охир оғир ва ярамас молларни ташлаб, яхши ва қийматбаҳо нимарсаларни кўтара олғунча олиб қайттилар. Аммо. Ул ўбанинг барча отлиғлари Кўкча деган мавзега тўйға кетган эркан. Тўйда бу воқеани эшитиб, ҳасрат панжаси бирла яқоларин чок ва надомат сиришки бирла дийдаларин намнок этиб, нолаву нафир унин фалакасирдин ўткариб, тўйни ёсға табдил қилдилар. Ва *така*нинг жами отлиғлари отланиб, истижол била таоқиб қилиб, туш вақтида олмоннинг изидин еттилар. Оллош *бий* ямон отлиғларни ғаноими касира бирла илгари юбориб, ўзи яхши отлиғлар била кейиндин оҳиста-оҳиста ясов ясаб юра берди. Ул аснода такалар икки бўлиниб, икки тарафдин фидоийвор ҳамла қилдилар. Ул чоғда оломондин Отаниёз *мерган* ва Қақа *сардор* ва жами *явмут*ия муборизлари кун ботар тарафдағи бўлакига рустамона ҳамлалар била ўзларин еткуруб, уруш солдилар. Ва бу тарафдин Оллош *бий човдур* ва *йимроли* ва *ўзбак* баҳодирлари билаким, мажмуи юздин зиёдароқ эрди, кун чиқардағи гуруҳиға барча бирдин жиловрез от солиб ва найрони муҳориба илтиҳоб топиб, бозори ажал андоқ гарм бўлдиким, **маснавий:**

Бўлуб ҳарб ўти ҳар сори фурузон
Ўтундек бўлди аъдо жони сўзон.
Баҳодирлар чекиб ҳар ён синонлар
Оқизди дашт уза ҳар сори қонлар.
Далерона чекиб шамшири буррон
Жудо қилдилар аъдо жисмидин жон.
Кесилган дашт аро ҳар сори бошлар
Ётиб андоқ ки водий ичра тошлар.
Угулган кушталардур куҳмонанд
Вале куҳе ки бўлғой кўкка пайванд.

[2618] 1232 йил 18-жумода-л-охир/ 1817 йил 5 май.
[2619] 1232 йил 14-ражаб/1817 йил 30 май.
[2620] 25 июн.
[2621] 1232 йил 27-ражаб/ 1817 йил 13 июн.
[2622] Нақл – кўтариб кетиш, элтиш.

Чу тортиб паҳлавонлар теғи буррон
Анингдек бўлдилар ҳар ён сарафшон.
Ки қолмай хасм эли тобу қарори
Ҳазимат топти-ю бўлди фирори.

Чун аъдои давлатбаргашта бирор соат муқобил бўлуб муҳориба амриға қиём кўргуздилар, охириламр баҳодирларнинг шермонанд қитол ва жидолиға тоқат қила олмай, рўйгардон бўлуб, ҳазимат тариқиға фирор қадамин қўйдилар. Ул урушда оломонға яна кўп от ўлжа бўлди. Ва муонидлардин кўп киши мақтул бўлдиким, ҳисобға рост келмас. Бу тарафдин бир Ўрус қушчи ўлди. Ва бир қўччуқ йигит чаповулда нобуд бўлди. Ва бир *қарохўжа*ни *човдур*лар хатодин ўлдирди. Ул кеча кўчуб, барча оломон йўлға тушуб юрдилар. Қилич *юзбоши* била беш-олти киши уйқулаб отларидин жудо бўлиб қолдилар. Аларнинг қолғонидин Тажанга келганда хабар топиб, аларни борлатмоқға киши юбордилар. Кетган кишилар кўп ахтариб, топа олмй келдилар. Чун бир неча кун қатъи манозил қилиб, Чарлоға еттилар, ул ердин Бобожон бекни ўн беш киши била суддаи хилофат мулозимлариға суюнчилатиб юбордилар. Алар чаҳоршанба куни шаъбон ойининг тўрти[2623] да шаҳарға келиб, хабар еткурдилар. Ва Оллош *бий* Чарлода ҳар тоифаға амволи ғаноимни тақсим қилиб берди. Ва ўзи жума куни мазкур ойининг олтиси[2624] да тонг вақти Қарокўл оёқиға чиқиб, Раҳматуллоҳ оққошни ҳазрат соҳибқироннинг хизматиға юбордиким, ғонни олурда не ҳукм қилурлар. Ҳазрат Қурбонниёз ясовулбошини ғон олмоқға буюрди. Ул кун ғонни олдилар. Оломоннинг ҳар қайсиға эллик тиллолиқ ва қирқ тиллолиқ ва адносиға ўттиз беш тиллолиқ моли ғанимат етушти. Шанба куни суддаи хилофат мулозиматиға мушарраф бўлуб, навозишоти хусравонаға махсус бўлдилар. Ва якшанба куни Оллош *бий* бошлиғ барча акобири сипоҳни хайёгхонаи илтифотдин зардўзи либослар била мулаббас қилиб, Қуттихўжа[2625] ибн Бобо девонани *шайхулислом*лиғ мансаби била мумтоз қилди. Ва киши тутғон баҳодирларға ўн тилло ва киши ўлдирганларга беш тилло хазинаи эҳсонидин инъом қилиб, хушвақт ва сарафроз қилди.

Сори карнойнинг Ахал музофотиға чаповули

Чун моҳи мазкурнинг йигирма учи[2626] да душанба куни Сори карнай *явмут*иядин юз гўзида йигит била ҳазрат подшоҳи *гуфронпаноҳ*дин чаповул қилғоли рухсат ҳосил қилиб, ҳазрат Исм Маҳмуд Отонинг қибласидин қумға кириб, бероҳа[2627] қатъи манозил ва тайии мароҳил қилиб, Ахалнинг орқа тарафидинким, ахалға бир манзиллик ердур, Бир қудуқ бошидин синони жонситонни жилваға киргузуб ва теғи хунфишонни ниёми муборизатдин чиқариб, шери ғўрранда ва бабри дарранда янглиғ дохил бўлуб, ўн тўрт кишини теғи бедареғ ишорати била охират даштиға озим қилиб, кўп ғаноим олиб ва олти юз тева қовуб мурожиат кўргуздилар. Рамазон ойининг авосити[2628] да остони давлатпосбон мулозиматиға фоиз бўлуб, иноёти подшоҳона била мумтоз ва сарупои хусравона била сарафроз бўлдилар. Бу сафарнинг муддати йигирма кун эрди.

Оллош *бий*нинг шижоат якрониға рукуб қилиб, чаповул тариқи бирла така устиға азимат этмаки ва йўл асиосида така йиғиини учраб, талоқии фариқайн зуҳурға етмаки ва баҳодирларнинг туиботи ҳамалотидин ииирони муҳориба иштиол топмоқи ва лашкари аъдоиинг кўпраки мақтул бўлуб, қолғони мажруҳ ва ними жон ҳазимат топиб, водии баворийға чопмоқи

Қалам чобкусавори саманди тезрафторин саҳифа майдониға бу янглиғ далерона сурар ва ўзин рақам суфуфиға бу нав мутаҳаввирона еткурарким, чун Сори карнайнинг воқеасин ва олиб келган ғаноимин

[2623] 1232 йил 4-шаъбон/1817 йил 19 июн.
[2624] 1232 йил 6-шаъбон/1817 йил 21 июн.
[2625] Бошқа нусхада «Қутбиддинхўжа» берилган.
[2626] 1232 йил 23-шаъбон/1817 йил 8 июл.
[2627] Бероҳа – одатда юриладиган йўллардан ташқари йўлсиз жойлар.
[2628] 1232 йил 14-рамазон/1817 йил 28 июл.

кўруб, *явмут* баҳодирлари яна дод талаб бўлуб, жанобы салтанатмаобдин рухсат тиладиларким, ғайрат бодпойин жилодат майдониға сургайлар ва чаповул тундбодидин *така* муонидлариға ошуби азим еткургайлар. Ва Оллош бийким, ғайрат ва шижоатда размни базмға таржиҳ[2629] қилиб, сафарни ҳазардин илгари тутар эрди, аларға мувофиқат кўргузуб, рухсат тилади. Ул ҳазрат ани бу жиҳатдин барча оломонға бош қилиб, анга Дўсим *бий* ва Суюн *бий* ва Бекали *мироб* ва баъзи сипаҳдорларниким, мисли Ниёзмуҳаммадбой ва Муҳаммадқули бек ва Муҳаммаджон хўжа ва Қутлуғмурод бек ва Сатторқули *оқо* Қаҳрамоний ва Маммиш бек ва Омонбой *юзбоши* ва Давлатназар *бий* ва Тўлаган *юзбоши* ва ғайриҳумни қўшуб ва жами *човдур* ва *йимроли* акобир ва сипоҳисин анинг мурофиқатиға номзад қилди. Чун бу мазкур бўлғонлар асбоби сафар ва зоди роҳиласин муҳайё қилғунча андак тавaққуф воқе бўлди, ул аснода Қуттихўжа *шайхулислом* ва Тўрамурод *отолиқ* ва Тўшакчи ўз рағбатлари била рухсат олиб, аларға қўшилдилар. Ва ул давлат бўстонининг гули ва салтанат гулистонининг булбули, аъни шаҳзода Оллоҳқули *тўра*ким, ҳоло салтанат тожи анинг фарқи ҳумоюни била сарбаланд ва ҳукумат тахти анинг қадами маймуни била аржуманддур ва бу авроқи латиф анинг амри била рақам зеваридин музайян бўлғусидур, ўз навкарларидин юз киши қўшти. Ва амири равшанзамир Қутлуғмурод *иноқ* ўзига мутааллиқ черикдин Холлибекни икки юз киши била қўшти. *Явмут* ва *йимроли* минг киши ва *човдур* минг киши ва ўзбаку *қароқалпоқ* икки минг киши. Мажмуи тўрт минг киши бўлди. Рамазон ойининг йигирма иккиси[2630] да душанба куни Оллошбий ҳазрат соҳибқирондин фотиҳа олиб, ул кеча саҳар вақтида отланиб, сув оёқиға тушти. Икки кун анда тавaққуф қилиб, аксар сипаҳдорлар жам бўлдилар. Панжшанба куни андин кўчуб, қатъи манозил ва таййи мароҳил қилиб, беш кунда Ўртақудуқиға еттилар. Анда икки кун мутаваққиф бўлуб, андин ҳаракат кўргузуб, қатъи масофат этиб, Куртишға тушуб, анда икки кун турдилар. Андин кўчуб, Қизилтақир йўлиға юрдилар. Чун Қизилтақирға ярим манзилдин кўпрок қолиб эрди, *явмут*дин икки юз кишини Тўрамурод *отолиқ* ва Бекали *мироб* бошлиғ қаровул қилиб, илгари юбордилар. Ва аксар қўшдин икки-уч киши қудуқ қозмоқ учун аларға қўшулуб илгари кетти.

Аммо. Арбоби фаросат ва асҳоби киёсатнинг замоири зибасоир ва хавотири хуршид назоириға маъруф ва макшуф бўлсунким, чун *така* муонидларининг сарвар ва сардафтари Мурод *сардор* ва *Қонжиқ* хони Кўр *сардор* ғулом *така*нинг бошидин оёқиға киши юбориб, яхши мубориз ва далер йигитлардин етти юз киши йиғнаб, Хивақ *зоййанаҳуллоҳу таоло би-н-назми ва-н-насақ* музофотиға чаповул урмоқ қасдиға отланиб эрдилар. Иттифоқо ул кун алар Қизилтақирдин сув олиб, теваларини илгари юбориб, ўзлари отларин суғормоқға қолиб эрдилар. Теваларнинг олдиға қаровуллар учраб, беш-олти тевасин олиб қовуб қайттилар. Бу воқеадин *така*лар хабар топиб, ҳайъати ижтимо била илғаб, қаровулларнинг изидин етиб, уруш солдилар. Қаровуллар озлиқ жиҳатидин мунҳазимона қайттилар. Муонидлар таоқиб қилиб, аралашиб, сипоҳи мансурдин ўн беш кишини шаҳодатға еткурдилар. Ул жумладин Қаробаҳодир *мироб*нинг ўғли Ёвбосарбек эрди. Ул аснода Оллош *бий* бу сониҳаи сануҳийдин огоҳ бўлуб, суръати тамом ва истижоли молокалом била ливои нусрататавони жилваға киргузуб, илгари юрди. **Маснавий:**

Қилиб суръат сипоҳи нусратанжом
Адув хайли сориға урдилар гом.
Этиб барпо зафарпарчам ливони
Ки нусратға тафовул айлаб ани.
Бериб майдон аро сафларға оро
Бўлуб хасм аҳли сори роҳпаймо.
Баҳодирлар шитоб айлаб саросар
Ки бўлғайлар адувға ҳамлаовар.
Бори мардафкану баҳромсавлат
Бори рўйинтану заргомҳайбат.
Борисиға мусаллам паҳлавонлиқ
Бориға вақф расми хунфишонлиқ.

[2629] Урушни базмдан устун қўйиб.
[2630] 1232 йил 22-рамазон/1817 йил 5 август.

Бори Рустамшукуҳу Бижаносо
Бори Гаршосбдек ҳангомаоро,
Бори остида усрук бодпое,
Ғалат қилдим, адувкўш аждаҳое.
Борининг илгида дилкаш синонлар,
Синон йўқ одам олгувчи йилонлар.
Кийиб барча зиреҳлар пой то фарқ,
Темур ичра бўлуб сар то қадам гарқ.
Худодин илтижо айлаб фалоҳин,
Ҳам кийдилар асбобу салоҳин.
Ливолар маҳчаси ул лаҳза ҳар ён,
Қилиб нусрат шуоини намоён.
Сипаҳ аҳли чекиб шамшири гайрат,
Ҳама аъдо сори кўргузди суръат.
Ки то қилмай жаҳонни хасмдин пок
Ҳаром эттилар ўлмоқни тарабнок.
Мунингдек илтизоми том бирла
Бу янглиг издиҳои ом бирла.
Чекиб ҳар сори юз минг теги буррон
Адув хайлига бўлдилар намоён.
Қилиб аъдо бу шавкатни назора
Топа олмай ишига ҳеч чора.
Ўз аҳволига чок айлаб герибон
Ҳазимат сори бўлди рўйгардон.
Баҳодирлар ҳужум айлаб суруб от
Дегунча ҳей изидин еттилар бот.
Уруб баъзиси душманга синонин
Йиқиб отдин оқизди ерга қонин.
Чекиб баъзиси шамшири сарафшон
Адув хайлини қилди ерга яксон.
Қўюб баъзи адув бўгзига ханжар
Қилиб жисмин анинг бежону бесар.
Ҳавола айлабон баъзи амудин
Қилиб хасм аҳлининг нобуд будин.
Табарлар айлабон баъзи ҳавола
Чиқарди хасм элидин кўкка нола.
Отиб баъзи камандин хасмга чуст
Солиб бўйнига йиқти ер уза руст
Хаданги жонситон баъзиси отиб
Олиб жонин адув жисмига ботиб.
Олиб баъзи тўфанг айлаб наззора
Қилиб бўгз аҳли жисмин пора-пора.
Биров теги газаб бирла кесиб бош
Биров ётиб ер устида бўлуб лош.
Биров тегин адув бошига солиб
Биров ётиб қизил қонга бўёлиб.
Биров чопиб таковар шоду хандон
Биров ётиб ер узра зору гирён.
Біровга қон тўкардин ком ҳосил
Биров қон ичра ётиб ним бисмил.
Ёрилиб тег ила бошу жигарлар
Ботиб қонга дубулговy сепарлар.
Ётиб танлар оёқ остида бежон

Бўлубон пора-пора ерга яксон.
Угулуб тах-батах хар сори кушта
Аён бир дамда бўлди неча пушта.
Ҳамул дашт узра ҳар сори эмас қум
Муонидлар тани туфрогидур чум.
Оқиб қон етти кўк зиллига тегру
Нишон андин эрур, эрмас шафақ бу.
Ҳамул дам бўлди азроил ҳайрон
Ки олгай қой биридин бурнароқ жон.
Ажал даги ҳамул кун толди асру
Шитоб этмак била товшолди асру.
Ўтуб фалакдин ошубу гавго
Қиёмат бўлди ул кун ошкоро.
Баҳодирлар бериб фархош додин
Деганча топтилар кому муродин.
Ҳамиша дин сипоҳи голиб ўлгай
Адув қонин тўкарга толиб ўлгай.

Баҳромкин баҳодирлар ва зарғомойин мутаҳаввирлар аъдои давлатбаргаштани бир манзилгача таоқиб қилиб, барча от ва теваларин ўлжа қилдилар. Ул кун шаввол ойининг тўртинжи[2631] куни шанба эрди. Ул урушда муонидлардин Хоникўр бошлиғ юз эллик кишини қатлға еткурдилар. Чун сипоҳи зафардастгоҳ музаффар ва мансур, солим ва ғоним, хандону шодон мурожиат қилдилар. Фўлодқул била Муҳаммадризобек *қиёт*ни суюнчилатиб, илгари юбордилар. Панжшанба куниким, моҳи мазбурнинг тўққузи эрди, ҳазрат султони соҳибқирон шикор иродаси била Бадркандга борур эрди. Йўл асносида суюнчилаб етуштилар. Ва жума куни Оллош *бий* ва барча умаро ва сипаҳдорлар Бадркандда боргоҳи сипеҳриштибоҳ мулозиматиға мушарраф бўлуб, алтофи подшоҳий ва авотифи номутаноҳий била аржуманд ва сарбаланд бўлдилар. Соҳибқирони *жаннатмакон* уч кун Бадркандда таваққуф кўргузуб, ҳазрат Исм Маҳмуд Отони зиёрат қилиб, нузуроти вофир ва садақоти мутакосир била остони малойикпосбон жорубкашларин баҳраманд этиб, тўртланжи кун Тошҳовузнинг атрофин қушлаб, икки кеча анда оромгузин бўлуб, мурожиат кўргузди. Чун *така* жамоаси ул воқеадин бағоят хавфнок ва ҳарасон бўлуб, Имиршайхға икки элчи қўшуб, маъзиратнома ирсол қилди. Имиршайх мазкур ойнинг авохири[2632] да элчилар била мулозиматға етти. Ул ҳазрат аввалғи кун Муҳаммадсолиҳ хўжа эшонни насиҳат учун такага маъмур қилмиш эрди. Элчиларни дағи Имиршайх била тез қайтарди. Ва зу-л-қаъда ойининг авоили[2633] да ҳазрат соҳибқирон шикор иродаси била отланиб, Хонқоҳ гузаридин дарёни кечиб, бир неча кун ул тарафни шикор қилур эрди. Ул аснода Ғойибхоннинг кичик ўғли ва Жонназар *бий* ва *қазоқ*ия ашрофи келдилар. Ул ҳазрат аларни шаҳарга юбориб, ўзи Султонсарой тушидин дарёни кечиб, Отхўр мавзеиғача шикор қилиб, мурожиат кўргузди. Қайтурда жамол ад-давлат ва-д-дин Қутлуғмурод *иноқ* Шайхариқидағи ҳавлисиғаким, тоза бино топиб эрди, тушуруб, зиёфати подшоҳона тартиб бериб, пешкашлар чекти. Ва бир от миндурдиким, барқ янглиғ тезгом ва сарсардек чустхиром эрди. Ул ҳазрат андин рукуб қилиб, Осға тушти. Тонгласи Осдин ҳаракат кўргузуб, шаҳарға нузул қилди. Бу сафарнинг муддати йигирма саккиз кун эрди. панжшанба куни зу-л-ҳижжа ойининг йигирмаси[2634] да *гўклан ҳоким*и Султонхон ҳазрат соҳибқироннинг канфи иноятида мутмаин ва мутамаккин бўлғоли аҳли аёл ва атфоли била кўчуб, Янгиёфға келди. Жума куни ул ҳазрат Давлат *қарокўз*ни от ва сарупой била анинг истиқболиға маъмур қилди. Шанба куни Султонхон остони саодатнишон мулозиматиға етиб, шарафандўзи тақбили бисот бўлди.

[2631] 1232 йил 4-шаввол/1817 йил 17 август.
[2632] 1232 йил 26 – 29-шаввол/1817 йил 11 ноябрда бу ой тугаган.
[2633] 1232 йил зу-л-қаъда ойи 1817 йили 12 сентябрда кирган.
[2634] 1232 йил 20-зу-л-ҳижжа/1817 йил 31 октябр.

Хони мағфурнинг жулуси майманатмаанусининг ўн учунжи йилининг вақоеи. Ҳазрат соҳибқирони *фирдавсмакон*нинг шикор иродаси била Қўнгрот жониби ҳаракат этмаки ва бу баҳона бирла атрофдағи фуқаро ва ажза бошлариға сояйи марҳамат солиб, арзин эшитиб, додиға етмаки

Қалам шоҳбози саҳифа майдонида маоний сайдин бу янглиғ шикор қилурким, чун санаи ҳижрий минг икки юз ўттуз учда муҳаррам ал-ҳаромнинг саккизи[2635] да душанба куни ҳазрат соҳибқирон саманди давлатға рукуб қилиб, иқболға ҳаминон шаҳардин чиқиб, шикор нияти била Бадркандға нузул қилди. Султонхонни ҳам бу сафарға ҳамроҳ элтти. Анди кўчуб, Тошҳовузға тушти. Андин Қарочакўлиға бориб, анда қуш солмоқ ва ов овламоқ била масрур ва шодком бўлуб, андин наҳзат кўргузуб, Омонқули ариғин қадами саодаттавоми файзидин рашки гулистон ва ғайрати боғи ризвон қилди. Андин кўчуб, Шорқировуқға нузул қилди. Андин рукуб қилиб, Кўҳна Урганжга бориб, хулуси ният ва сафойи тавият била ҳазрат шайх Нажмиддин Кубро *қаддасаллоҳу сирраҳу-л-азиз*нинг зиёратиға мушарраф бўлди. Ва ул ҳазратнинг руҳи пурфутуҳидин мадад ва истионат топиб, Ойбукур қириға нузул қилди. Анда бир неча кун ободон қушлаб, Отйўлидин ўтуб, Қўнгротни мавзеи боргоҳи давлат ва манзила саропардаи шавкат қилди. Андин ҳаракат кўргузуб, ҳазрат Ҳаким Отони зиёрат қилиб, арвоҳи таййибаларидин футуҳоти вофир ва фуюзоти мутакосир етиб, андин мурожиат кўргузуб, Қўнгротнинг жанубий тарафидин муз усти била дарёни кечиб, Куркуровук ва Мойлиўзак ва Қаробойли атрофларин қушлаб, Қулёрғон оёқидин Кегайлига нузул қилди. Андин ҳаракат кўргузуб, Омон эшоннинг чапининг устидин Кўкўзакни муз усти била кечиб, бир неча кун дарё қироғи била наҳзат қилиб, Бодой тўғойин нузули баҳоридин гулшани Эрам қилди. Бу сафарда ҳар кун бир нав қуш солмоқ ва ҳар манзилда бир тариқа ов олмоқ била ул ҳазратнинг хотири хатириға беҳжати тоза ва мусаррати беандоза етти. Ва ҳар кун фуқаро ва ғурабонинг арзи аҳволин истифсор этиб, шоҳбози марҳамат била кўнгулларин шикорийвор сайд этти. **Маснавий:**

Ҳар дам қилибон шикор бир нав.
Ҳар лаҳза этиб шиор бир нав.
Ҳар кун бўлуб ўзгача сафоро
Қуш солмоқ ила қилиб тамошо.
Гоҳи олибон солиб итлогу
Бир лаҳзада беҳисоб оҳу.
Гоҳи солибон парранда шаҳбоз
Ҳаддин кўп олиб тазарв ила қоз.
Учмоқ била ки ҳавоға лочин
Ҳайратдин этиб улусни сокин.
Гоҳи учубон баланд шунқор
Бир дамда ов олди неча харвор.
Гоҳи очибон қанот туйғун
Ов бошиға солди бас ямон кун.
Ҳар қушни ки солди шоҳи воло
Олди ани ов гар эрса Анқо.
Ҳар ён яна неча сайдандоз
Оз солмади қуш, ов олмади оз.
Гоҳи тутуб эл газандаларни
Гоҳи қовубон даррандаларни.
Ҳар ён чопибон қилиб алоло
Шаҳ борини айлабон тамошо.
Ҳар лаҳза эди нишоти бу нав
Ҳар дам эди инбисоти бу нав.

[2635] 1233 йил 8-муҳаррам/1817 йил 18 ноябр.

Ҳазрат соҳибқирон кўнглининг шоҳбози баландпарвозин нишот ҳавосида парафшон қилиб, беҳжат ва мусаррат шикорийларин мақсадича сайд этиб, қушлар ошиёнға майл қилғондек, инон азиматин дор ал-хилофа жониби маатуф этиб, Гурлан маъбаридин дарёни кечиб, сафар ойининг йигирма беши[2636] да шанба куни давлат ва иқбол била шаҳарга нузул қилиб, сарири салтанатда оромгузин бўлди. Бу сафарнинг муддати қирқ кун эрди.

Воқеотеким бу сафар асносида вуқуға етти, мастур бўлур. Ул жумладин бири улким, муҳаррам ойининг авохири[2637] да Отаниёз *мерган явмут* шужаосидин қирқ киши била ул ҳазратдин рухсат олиб, ғазотға кетмиш эрди. Аввал Гургонга бориб, Астробод кентларидин бир кентни чопиб, олти киши асир қилиб, ўттуз кунга қарибда келди.

Ва яна улким, *така кадхудо*лари убудият рибқасин руқбаларига солиб, оқ уйлилари бирла даргоҳи оламапаноҳ мулозиматиға келдилар.

Ва яна улким, Маҳмудшоҳ *афғон*нинг ўғли шоҳзода Комроннинг элчи ва номаси ва Сарахс *ҳокими* Ҳакимхоннинг элчиси ва Бунёдхон ҳазоранинг ихлосномаси келди. Ва шоҳзода Комрон шоҳзода Ферузнинг қўлидин Ҳиротни олиб, Оғо Ҳожихонни Ҳирот акобири ўлдириб, шоҳзода Ферузни бандга тортиб, отасининг хизматиға юборган хабари келди.

Ва яна улким, сафар ойининг авоили[2638] да Бойқаробек ибн Каримберди *отолиқ*ни *уйгур* авбошидин қирқ киши била бош қўшуб, мулло Оллоҳназар *отолиқ*ни ўлдирдилар. Бу жиҳатдин ноираи ғазаби султоний иштиол топиб, сешанба кечаси Каримберди *отолиқ*ни тутуб маҳбус қилиб, чаҳоршанба куни намози дигарда раби ал-аввал ойининг еттинчи[2639] куни эрди, авлод ва атбоидин ўн етти киши била қатлға еткурди. Ва *уйгур* халқини кўчириб, уч бўлиб, Тошҳовуз ва Зей ва Оқмасжидга мутафарриқ қилиб, ер берди. Ул куниким, *отолиқ*и мазкур мақтул бўлди, Жалол *аълам*[2640] вафот топти. Ва жума куни моҳи мазбурнинг тўққизи[2641] да мулло Ниёзмуҳаммадким, «оғзиқаро» лақаби била мулаққабдур, фавт бўлди. Анинг ўрниға Мирзо Маси*ҳоким*, фасоҳат ва балоғатда мумиилайҳ ва ангуштнамо эрди, муншийлик мансабиға мансуб бўлди. Ва мазкур ойининг мунтасифи[2642] да ул ҳазрат Илёс шиғовулни *отолиқ*лиқ мансаби била ва Алимардон бекни шиғовуллиқ амали била сарбаланд ва аржуманд қилди. Ва жумода-л-аввал ойининг авосити[2643] да Норбек Бухородин амир Ҳайдарнинг элчиси Нурмуҳаммад бек била мулозиматға етти. Андин бурунроқ Солиҳшайх *солур* ва *соруқ* ва *эрсори* ва Бунёдхоннинг элчилари бирла келди. Бу мазмун билаким «муте ва фармонбардормиз.»

Ва ҳам ул аснода Шерғози Султон *қазоқ* ашрофи била бир қизинким, ахтаре эрди буржи исматдин тулу этган ва гуҳаре эрди дуржи иффатдин зуҳурға етган, ҳазрат аълохоқонға пешкаш келтуруб, итоат ва убудият маросимин тақдимға еткурди. Ул ҳазрат аввал Хўжаш *маҳрам* била Отаниёз чўкканни пешвоз юбориб, Мойлижангалға тушурди. Андин сўнг камол ал-миллат ва-д-дин Саййид Юсуф хўжа *нақиб* ва амири садоқатмаоб Шоҳниёз *отолиқ*ни истиқболға юбориб, эъзози тамом бирла келтурдилар.

Ва жумоду-с-соний ойининг аввали[2644] да Имиршайх *така* элчилари бирла утбаи аъло мулозиматиға фоиз бўлди.

Ва ҳам Кадайхон *афғон*ким, Шоҳ Маҳмуднинг вазири Фатҳихоннинг ақрабосидин эрди, Шоҳ Маҳмуд ва шоҳзода Комроннинг ихлосномасин суддаи хилофат мулозимлариға еткурди.

[2636] 1233 йил 25-сафар/1818 йил 4 январ.
[2637] 1233 йил муҳаррам ойи 1817 йил 10 декабрда тугаган.
[2638] 1233 йили сафар ойи 11 декабр 1817 йили бошланди.
[2639] 1233 йил 7-раби ал-аввал/1818 йили 15 январ.
[2640] Аълам – етук олимнинг унвони.
[2641] 1233 йил 9-раби ал-аввал/1818 йил 17 январ.
[2642] 1233 йил 15-раби ал-аввал/ 1818 йил 23 январ.
[2643] 1233 йил 15-жумода-л-аввал/1818 йил 23 март.
[2644] 1233 йил 1-жумоду-с-соний (жумода-л-охир)/1818 йили 8 апрел.

Ҳазрат аълохоқони жаннатмаконнинг Хуросон фатҳиға учунжи каррат азимат маркабин сурмаки ва Ахал такаси инод ва фасод қавоидин зуҳурға еткурмаки ва ўрдуи кайҳонпўйининг Ахал жониби қўзғолмоқи бирла мутамарридлар хирмани жамиатиға оташи тафриқа солмоқи ва баҳодирларнинг сарсари муқотиласидин аксари муониднинг хошоки аъмори адам водийсиға соврулмоқи. Ва баъзининг гўшаи ихтифода мухтафий бўлуб, баъзининг ҳазимат бодиясиға фирорий бўлмоқи. Ва қуёш чобуксавори мағриб ҳисоридин рўйгардон бўлуб, машриқ диёриға наҳзат кўргузгандек, ҳазрат соҳибқиронининг Хуросон мамлакатидин ҳаракат қилиб, Хивақ дор ас-салтанатиға мурожиат оҳангин тузмаки

Арбоби хабар ва асҳоби сиярнинг замоири зибасоири хуршид назоириға маълум ва мафҳум бўлсунким, таърих ҳижрий минг икки юз ўттуз учда Барс йили жумодиссонийнинг олтиси[2645] да якшанба куниким, Хоразм Саврининг ўн олтиси[2646] ва Бухоро Ҳамалининг йигирма беши эрди, ҳазрат соҳибқирони мағфиратнишон Хуросон фатҳининг иродаси била тўпу тўпхона, боргоҳу шамиёнани шаҳардин чиқариб, моҳи мазкурнинг ўн иккиси[2647] да шанба куни ул ҳазрат ўз нафаси нафиси бирла қадами муборакин рикоби саодатға қўйиб, саманди давлатға рукуб қилиб, шавкати тамом ва савлати молокалом била шаҳардин чиқиб, иқболға ҳаминон ва зафарға тавомон қатъи масофат қилиб, Кесаклигаким, хиргоҳи гардуништибоҳ ва боргоҳи жаҳонпаноҳ анда барпо қилилиб эрди, нузули саодатвусулининг баҳори йўмнидин гулистони жинон ва бўстони ризвон янглиғ таровоти тоза ва назоҳати беандоза бағишлади. Якшанба куни бодияпаймои наҳзат бўлуб, Соғча қудуқи ҳаволисида кирёси баландасос манжуқин зурваи аюқға ҳамсар қилди. Анда икки кун маснадорои фароғат ва қадаҳпаймои роҳат бўлуб, сешанба куниким, офтоби оламтоб самтурраасға етиб эрди, андин кўчуб, Сўзанлига нузул қилди. Анда даги икки кеча оромгузин бўлуб, панжшанба куни андин ливои наҳзатни жилваға киргузуб, Хон қудуқи атрофин суммирахшидин мафхари манозил қилди. Жума куни андин ҳаракат кўргузуб ва қатъи масофат этиб, Мирзо Чарласиға нузул қилди. Анда тўрт кун мутаваққиф бўлуб, якшанба куниким, моҳи мазкурнинг йигирмаси эрди, ул ҳазрат Дўсим *бийни* ямут черики била ҳировул қилиб, илгари юборди. Ва Кадайхонким, шоҳзода Комроннинг ихлосномасин келтурмиш эрди, ани ҳам аларға қўшуб қайтарди. Душанба куни Денгиз халифани *така* оқ уйлилари бирла Ахалға юборди. Ва *қози* Жонназарни Марв такасиға юборди. Ва сешанба куни тўпу тўпхонани илгари юбориб, чаҳоршанба куниким, моҳи мазбурнинг йигирма учи[2648] эрди, Чарладин кўчуб, Манозлиға тушти. Андин кўчуб, қатъи манозил қилиб, жума куни Ёнтоқлиға нузул қилди. Сешанба куни андин ҳаракат кўргузуб, орада икки қўниб, душанба куни чоштгоҳ Тажанда Бовард тўпасиға сув канориға тушти. Ул кун қаровуллар Марв такасининг қаровулидин бир кишини тутуб келтурдилар. Сешанба куни ул ҳазрат анга шафқат қилиб ва сарупой кийдириб, ўз ўлкасиға юборди. Чаҳоршанба ва панжшанба куниким, ражаб ойининг ғурраси[2649] эрди, таваққуф қилиб, жума куни наҳзат кўргузуб, Яккўзакка нузул қилди. Шанба куни анда оромгузин бўлуб, ул кун Сарахс черики даргоҳи оламнаноҳ мулозиматиға келди. Якшанба куни мазкур ойнинг беши[2650] да *оймоқ*дин чопар келди. Ва *сориқ*дин ҳам бироз киши мулозиматға етти. Душанба куни Денгиз халифа такадин Холнафас ва Муродхон бошлиғ йигирма икки киши била чопар келди. Бу мазмун билаким «Мурод *сардор* Ошиқобод ва Аннав музофотида лашкар йиғнаб, мулозиматға етгусидур.» Сешанба куни ойнинг еттиси[2651] да Галдихон *йимроли қарохонли така*нинг черики била келди ва беш от пешкаш келтурди. Ва Марв такасидин Бегинжбекнинг ўғли уч киши била чопар келдиким, муте ва фармонбардормиз ва лашкаримиз ҳам келгусидур. Ул кун ҳазрат соҳибқирон Денгиз халифани тўрт *така* била Мурод *сардор*ға юборди

[2645] 1233 йил 6-жумоду-с-соний/1818 йили 13 апрел.

[2646] Хоразм ва Бухоронинг ўзига хос бурж тақвимлари орасидаги фарқ қанчалиги бизга номаълум. Аммо, одатдаги Саврнинг ўн олтиси 8-майга, Ҳамалнинг йигирма беши 16-апрелга тўғри келади.

[2647] 1233 йил 12-жумоду-с-соний/1818 йили 19 апрел.

[2648] 1233 йил 23-жумоду-с-соний/1818 йили 28 апрел.

[2649] 1233 йил 1-ражаб/ 1818 йили 7 май.

[2650] 1233 йил 5-ражаб/1818 йили 11 май.

[2651] 1233 йил 7-ражаб/1818 йили 13 май.

ким, тез мулозиматға келсун. Ҳамул кун Яккаўзакдин кўчуб, Қоқға тушти. Чаҳоршанба куни андин кўчуб, алвияйи зафартаабияни жилваға киргузуб, Хусрав қалъасининг атрофин муаскари лашкари мансура ва мухайями хайёми мавфура қилди. Анда икки кун таваққуф қилиб, барча экинларин алафи марокиб ва помоли мавокиб қилди. Якшанба куни моҳи мазкурнинг ўн иккиси[2652] да Хусрав қалъасидин кўчуб, Челикан қалъасида боргоҳи оламланоҳ қуббасин офтоби жаҳонтоб қамасидин ўткарди. Душанба куни *афғон* элчиси билаким, Мирзо Абдулкарим отлиғ эрди, Беглархоннинг элчиси Давлат бахши ва Ризоқулихоннинг элчиси Муршидбек Карбалоий ва Нажафалихоннинг элчиси Тақий курд уч от пешкаш бирла келди. Сешанба куни Мирзо Абдулкаримни манзури назари отифат қилиб, навозишлар била сарафроз қилди. Чаҳоршанба кечаси Бердиали ноиб Шоҳободий сангарнинг каноридин курднинг бир от ўғрисин тутуб, мавқифи арзға еткурди. Ул ҳазрат ани ибратан лил-нозирин ўқ ўрниға тўпға солиб оттурди. Ва ҳамул кун Қиличниёзбойни *курдлар*нинг элчисиға қўшуб, рухсат берди. Панжшанба куни Лутфобод қалъасидин бир курд қочиб, мулозиматға келди. Жума куни Хўжаназарбекнинг ўғли бошлиғ солур черики утбаи алийя хокбўслиқиға мушарраф бўлдилар. Ва ҳам Ахал элчилариға рухсат бердилар. Бу мазмун билаким, агар изҳори итоат ва инқёд қилиб, остони зафарпосбон мулозиматиға келсалар инояти подшоҳийдин бархўрдор ва агар ибрози шарорат ва инод қилиб, даргоҳи оламланоҳ убудиятидин ибо қилсалар, сиёсати номутаноҳийға гирифтор бўлурлар. Шанба куни Имиршайх ва Денгиз халифа Мурод *сардор*нинг оллидин келдилар. Ва ҳам қизилработли такалардин Шариф *сардор* ва Қурбонқилич ва Давлатназарбойнинг улуғ ўғли ва Ахал такасидин уч-тўрт киши уч от пешкаш била келдилар. Ул ҳазрат ҳамул кун Хўжаназар бекни аларға қўшуб, истимолатнома ирсол қилди. Чун алар Коварзға бориб, *така* лашкарин анда топмайин, такадин тўрт юз отлиғ Беглархонға кўмак ва имдод учун борғонин ва баъзи *така*нинг мутафарриқ бўлғонин ва Мурод *сардор*нинг дарбанд оғзиға кириб, мустаади муҳориба ва муртакиби муқотила бўлуб, таваққуф қилғонин эшитиб, мурожиат қилиб, бу хабарни мавқифи арзға еткурдилар. Бу хабарнинг сарсари изоҳидин ҳазрат соҳибқирони гитийситоннинг оташ ғазаби илтиҳоб топиб, тўпу тўпхона, чодиру шамиёни, хиймаву хиргоҳ, ўғруқу боргоҳни якшанба куни Челикандин кўчуруб, Оллош *бий* ва Муҳаммаджон *иноқ*нинг қаровуллиғи била куран орқасидин юбориб, ўзи ливои зафарҳавони жилваға киргузуб, сипоҳи нусратдастгоҳ била Лутфободнинг қибласидин ўтуб, Мир буржиға бориб, дарбанднинг атрофин сайру тамошо қилиб, Қохолоннинг орқасидағи мазореға нузул қилди. Ул кун Саййид Муҳаммад *девон* ўлиб, анинг наъшин шаҳарға қайтардилар. Душанба куни субҳ вақтида андин кўчуб, *така* устига наҳзат ливосин ҳаракатға киргузуб, кеч Коварзни мавзеи боргоҳи ижлол этти. Сешанба куни андин кўчуб, бодпойи давлатни бодияпаймои наҳзат қилиб, Аннавни муаскари асокири нусратанжом ва муқарри боргоҳи гардуниҳтишом қилди. Ул мавзеда *така* сипоҳининг хошоки вужуди лашкари нусратасарнинг сарсарвурудидин мағоки фирорда пинҳон ва нобуд бўлди. Ва Аннав *кадхудо*лари утбаи аъло мулозиматиға келиб, итоат юзин убудият туфроқиға қўйдилар. Ул ҳазрат Аннавни аларға Шайх Жамолиддин *алайҳирраҳма*нинг назри учун бағишлаб, оқшом сарупои шоҳона била сарафроз қилиб қайтарди. Чаҳоршанба куни андин кўчуб Ошиқободға нузул қилди. *Така* муонидлари андин ҳам фирорий бўлдилар. Панжшанба кечаси ул ҳазрат *явмут* ва *соруқ* ва *човдур* ва *йимроли* оломонин Калтачинор ва Бардор ва Ҳиндувор дарбандлариға номзад қилди. Маъмурлар ул кеча қатъи масофат қилиб, вақти субҳда *така* қаровулидин уч кишини тутуб ва уч кишини ўлдириб, мулозиматға еттилар. Ҳамул кун намози дигарда Солиҳхўжа эшон Мурод *сардор*дин элчи бўлуб келди. Бу мазмун билаким «биз борурға бағоят қўрқормиз. Ҳар на амр қилсалар муте ва фармонбардормиз.» Жума куни ҳам таваққуф қилиб, эшони мазкурни қайтарди. Ҳамул кун Севинжбекнинг ўғли Холназар бек ва мулло Муҳаммадниёз ва яна *қаро* жамоасидин бировни Калтачинорға Бобо *ўнбеги* ва Ойимбекка истимолатнома била юборди. Ҳамул кун Ҳожи махзумни Имиршайх била Аннавга қайтарди. Ул кун бир *така* асир бўлмиш эрди. Онаси бир тева пешкаш била келиб, тазарру юзин остони давлатпосбон туфроқиға суртуб, ўғлин тилади. Ул ҳазрат камоли карам ва ниҳояти муруватдин ани банддин халос этиб, сарупой кийдуруб, онасиға қўшуб, Ойимбекка юборди, токим бу янглиғ лутф ва эҳсон ҳидояти била жодаи мустақимға қадам қўйғай. Якшанба куни кўчар вақтда Жаъфархон ва мулло Қурбонали Имиршайх била Аннавдан келиб, утбабўслиқға мушарраф бўлдилар. Ул кун мавкаби воло Кавоши мазореиға нузул қилди.

[2652] 1233 йил 12-ражаб/ 1818 йили 18 май.

Ва кеч пешинда Жаъфархонни мароҳими хусравона ва ташрифоти подшоҳона била сарафроз қилиб қайтарди. Душанба куни Қиличниёзбой ва мирзо Абдулкарим курд хонлари элчиси била келди. Сешанба куни мутавотир ва мутаволи хабар келдиким, Ойимбек ислоҳға кирмайдур. Ҳамул кун мирзо Абдулкарим била *қизилбош* элчиларин қайтарди. Чаҳоршанба куни ҳазрат соҳибқирони мамоликситон ливои зафарни жилваға киргузуб, сипоҳи қиёматасар била ҳаракат кўргузуб, Ўзғанд дарбандиға бориб, майманаи маймун ва майсараи майсурни ораста ва пироста қилиб, ясов чекиб, ором тутти. Ул чоғда ҳазабр салобат баҳодирлар ва бабр маҳобат соҳиби таҳаввурлар тавсани девзоди паринажод ва саманди куҳ ҳайъати сарсар суръатға маҳмиз бериб, синони жонситон ва шамшири сарафшонни жилваға киргузиб, аъдои давлатнинг гуруҳи залолат пажўҳлариға ўзларин мутаҳаввирона еткуруб, дарбанд ичида андоқ хунафшонлиғлар зуҳурға еткурдиларким, Баҳроми сафшикан ва Асфандиёри рўйинатаннинг арвоҳидин овози таҳсин ва замзамаи офарин тамошо аҳлининг сомеаи идрокиға етти. Ва сумми марокиби бодпойнинг ғубори гардунсойи офтоби оламтоб дийдасин тийра ва хира этти. **Маснавий:**

Бадавлар бўлуб ҳар тараф барқтоз
Синонлар бўлуб ҳар сори жилвасоз.
Қиличлар дамидин қилиб шўъла фош
Жаҳонни ёрутуб нечукким қуёш.
Кириб тирлар ёй аро ҳар тараф
Қилиб хасм сори ҳаво ҳар тараф.
Гупурдаб чу ҳайбат била занбурак
Ёрилиб унидин адувеа юрак.
Бўлуб оташафшон чу шамхоллар
Солиб хасм элига ямон ҳоллар.
Табарлар бўлуб ул сифат жилвагар
Ки тоғ ўлгудек тегса зеру забар.
Тарқо-туруқ амуди гарон
Бир айлаб алувға замину замон.
Бўлуб гурдлар ҳар тараф наъразан
Масоф ичра ҳар бири рустамафкан.
Чекиб теглар азми жавлон қилиб
Ҳамул тоғни ғарқаи қон қилиб.
Буким кўргасен тоғ аро лолазор
Ҳамул қон эрурким қилур ошкор.

Ул урушда аъдои давлатнинг номдор ва мўътабар кишиларидин йигирма уч кишини қатлға еткурдилар. Ул жумладин Мирзо *ишабоши*[2653] ва Муродхоннинг иниси Авазбек ва Ойимбекнинг иниси Давлатмуродбек эрди. Ўзга мақтулларни мундин қиёс қилса бўлур. Аммо. Сипоҳи нусратпаноҳдин *соллоқ* Карим *отолиқ* шаҳодат даражасиға фоиз бўлди. Ул ҳазрат музаффар ва мансур инони азиматин кирёси давлатасос жонибиға маатуф этиб, маснади фароғатда оромгузин бўлди. Панжшанба куни ойнинг салхи[2654]да Марв ва *Қарохонлиғ така*нинг *кадхудо*ларин қайтариб юборди. Ул кеча *явмут* ва *човдур* ва *йимроли* черикин Ахал Отонинг атроф ва жавонибиға чаповулға номзад қилди. Иттифоқо ул кеча *така* халқидин тўрт юз отлиғ чиқиб, мустаад ва омода бўлуб турмиш эркан, токим сангарнинг атрофиға дохил бўлуб, ўтунчи ва ўтчидин бир нима ола олғай. Ул чоғда оломондин бир киши чаповулчилар изидин борур эрди. Аларға йўлиқиб, асир бўлди. Муонидлар оломоннинг ўткан хабарин андин эшитиб, уч бўлиниб, икки бўлаки оломоннинг изидин юруш қилди. Бир бўлаки жума куни эртанг била кўчнинг оллидин тегиб қочти. Ул ҳазратнинг ўзи сипоҳи нусратинтизом ва истижоли тамом била Ахал жониби илғор қилди. Йўлда *така* йиғини чаповулчилар изидин кетган хабарин топиб, аларнинг изидин Оллош

[2653] Ишабоши, яъни эшикбоши, эшикоқа – саройдаги хос маҳрамларнинг бошлиғи.
[2654] 1233 йил 29-ражаб/1818 йили 4 июнь.

бий ва Муҳаммаджон *иноқ* ва Суюн *бий*ни ўзларига мутааллиқ черик била номзад қилди. Аммо, маълум бўлсинким, *така* йиғинининг икки бўлаки бирикиб, чаповулчиларнинг изидин етиб, камингоҳда ётғонда устиға қуюлдилар. Алар *така* йиғинин сипоҳи зафарпаноҳдин бўлғай деб, аввал мусоҳила қилиб, сўнгра муонидлардин эрканин билиб, бироз урушуб, шикаст топтилар. Ул урушда Тўғонниёз баҳодирнинг ўғли Нурмуҳаммад баҳодир захмдор бўлуб йиқилди. *Човдур* ва *явмут*дин Сатторберди *арбоб* бошлиғ бироз киши шаҳодат топти. Ул чоғда Оллош бийлар балои ногоҳоний ва қазои осмоний янглиғ аларнинг устиға етушуб, муборизат қиличин ниёми интиқомдин тортиб, сарафшонлиғ маросимин андоқ зуҳурға еткурдиларким, бир лаҳзада муонидлар куштасидин пушталар кўтардилар. Ва қолғони баҳодирларнинг муқотиласиға тоби муқовимат келтура олмай, водии хазлонға сори қудуми касофатлузумин қўйиб, суръати тамом била фирорий бўлдилар. Аларнинг ақабидин икки фарсахлиқ йўлғача таоқиб қилиб, ҳазрат соҳибқироннинг фармони лозимилизони етиб, мурожиат қилиб, мулозиматға етуштилар. Ул ҳазрат Хирмонтав суйидин қайтиб, Маҳинғаким, ўрдуи аъло анда тушмиш эрди, нузул қилди. Шанба куни шаъбон ойининг иккиси[2655] да Тақиқул била бир такани тутуб келтурдилар. Тақиқул Нажафалихондин бу мазмун била хат келтурди: «Вазири аъзам, дастури мукаррам, Осафсияр Муҳаммадюсуф *меҳтар раввахаллоҳу руҳаҳу*ким, Муҳаммадқулихонни Фатҳихон вазир ирсол қилибдурким, ул ҳазрат Беглархоннинг мамоликин хароб қилмасунлар. Анинг учунким, ул бизга тобе бўлубдур. Ва икки давлат бирдур. Ва *така* жамоаси ҳам ул йўсиндадур. Бу мазмунда Жағоли муҳр ирсол қилмиш.» Ул ҳазрат Тақиқулни сиёсатлар била қайтарди. Ул кун ва сўнгғи кун ҳотамлиқ саририда мутамаккин бўлуб, хазинаи эҳсонидин иш кўргузган баҳодирларға зарпошлиғлар кўргузди. Душанба куни *амири кабир* Қутлуғмурод *иноқ*нинг туғмаси Исмоил икки киши била шаҳардин келди. Жума куни ойининг саккизи[2656] да Содиқбек *қиёт*нинг ўғли Муҳаммадсолиҳ Чўрма қалъасидинким, отаси анда *ҳоким* эрди, мулозиматға етти. Шанба куни Маҳиндин кўчуб, Ахал Отонинг жанубий жонибида Хирмонтав суйининг канорин муаскари асокири ҳумоюн қилди. Ул мавзеда икки кун таваққуф қилиб, сешанба куни ул ҳазрат *така* жамоасиғаким, Мурод *сардор* бошлиғ Киюжак чашмасининг канорида сокин эрдилар, танбеҳи балиғ ва гушмоли азим бергали отланиб, *явмут* ва *човдур* черикин аввал юборди. Анинг изидин Суюн *бий* ва Дўсим *бий* ва Берди *бий*ни жами Орол ва *қароқалпоқ* лашкари била номзад қилди. Анинг ақабидин ўзи ливои зафарни ҳаракатға киргузиб, юруш қилди. Киюжакда оломон *така* йиғини била қаролошғон хабарин Етти Оғоч мавзеидаким, шўристон ердур, Худойберди Орқор еткурди. Киюжакдин ўтганда *явмут*лар такадин бир киши тутуб келтурдилар. *Така* черики сипоҳи зафарогоҳ ҳамалотиға тоқат келтура олмайин, рўйгардон бўлуб, бош қуюн қочтилар. Оломон балои ногаҳонийдек қадам-барқадам изидин қовуб Маҳинға еткурдилар. Анда дағи тура олмайин, шер ҳамласидин қочған тилкулардек уч бўлиниб, баъзи қумға ва баъзи Мурод *сардор* бошлиғ Оқтўпа ва Дурунға ва баъзи дарбандғаким, Маҳиннинг ғарбий жанубида воқедур, қабалди. *Явмут* ва *човдур* сипоҳининг баъзиси қумға кетган гуруҳининг изидин бориб, кўп тева ва йилқи ва икки киши тутуб келтурдилар. Ва *қароқалпоқ* черики ва баъзи *човдур* ва Берди *бий* Мурод *сардор*нинг изидин қовуб, Оқтўпага еткуруб қайттилар. Суюн *бий* ва Дўсим *бий* ва Қиличниёзбой ва Ҳўббиқули хўжаким, сўнгроқ маъмур бўлуб эрдилар, дарбанд ичига шермонанд ҳамлалар била ўзларин еткуруб, муҳориботи бисёр ва муқотилоти бешумор била аъдои хазлонпаноҳ ва хусамои хисрондастгоҳни мағлуб ва мунҳазим қилдилар. Ва Ҳўббиқули хўжа бовужудиким, касал бўлмиш эрди, ул кун Қиличниёзбой била муборизат додин бердилар ва шижоат мизмориға мубодират таковарин андоқ сурдиларким, муонидларнинг суфуфи ҳазиматвуқуфиға шикасти азим еткурдилар. Ул учурда Каримберди *отолиқ*нинг ўғликим, отиға милтуқ ўқи тегиб, аъдо сипоҳи орасида пиёда қолмиш эрди, ани Муҳаммадкарим қўйчиким, жалодат ва муборизатда шужаои даврон ва қуталои замондин мумтоз ва сарафроз эрди, шери ғаррон ва ҳазабри даррон янглиғ ҳамалоти мутаоқиб била лашкари аъдоға ҳазимат еткуруб, андоқ маҳликадин халос қилди. Ул аснода оломон *така*нинг беҳисоб қўй ва тева ва қорамолларин ва уйларининг асбоб ва бисотларин яғмо ва торож қилиб, олиб чиқтилар. Ҳазрат соҳибқирон дағи Маҳиндин ўтуб, Дарбанднинг шимолия жонибидағи тўпанинг устида ливои зафар ат-тавони барпо қилиб, ором тутти. Ул чоғда миррихсалобат баҳодирлар шамшири шижоатни ниёми ғайратдин чиқариб, *така*

[2655] 1233 йил 2-шаъбон/1818 йил 7 июн.

[2656] 1233 йил 8-шаъбон/1818 йил 13 июн

акобиридин саккиз кишини ўлдириб, бошларин ул ҳазратнинг сумми самандиға туҳфа келтурдилар. Чун хусрави анжум рояти байзооятнинг маҳчаи дарахшонин нигунсор этти ва арсаи сипеҳрдин наҳзат кўргузуб, мағриб хилватхонасиға етти, ҳазрат соҳибқирони *жаннатмакон* дағи алами нусратпарчамни жилваға киргузуб, мурожиат оҳангин тузди ва ярим кечада сангари саодатасарни офтоби нузули партавафканлиғидин мунаввар ва равшан қилди. Тонгласиким, чаҳоршанба куни эрди, моли ғаниматни хатға олиб, панжшанба куни сипоҳи зафарпаноҳдин оти ва теваси ўлганларга тақсим қилиб берилди. Жума куни Қизилработли халқидин ва Холнафас ва Давлатназар бойдин Дўло *сардор* ва Давлатсоат ва Қурбонсаййид изҳори итоат қилиб келдиларким, ҳар на амр қилсалар муте ва фармонбардормиз ва жонға миннат тутармиз. Якшанба кечаси ул ҳазрат Хўжаназар бекни аларға масҳуб қилиб, Қизилработға юборди. Ул кун ғанимат молидин қаромолниким, беҳаду беҳисоб эрди, сўқум учун барча умароға тақсим қилиб берди. Душанба куни Оллоқ кўр ва Қулмуҳаммад *сардор каргаз* шаҳардин чиқиб, Ўртақудуқ усти била тўққуз кунда дарбори фалакмиқдор мулозиматиға етти. Сешанба куни ойнинг ўн тўққузи[2657] да Хирмонтавдин кўчуб, ошоқроқида кўлнинг шимолий жонибин мухайями хайёми зафарнишон ва муқарри боргоҳи шарофатбунён қилди. Чун ул мавзеда икки кун ўтуб, учинчи куниким, жума эрди, Холнафас ва Шариф *сардор* ва Давлатназарбой ва Қурбонсаййид даргоҳи оламманоҳ хокбўлиқиға мушарраф бўлуб, масомеи жоҳу жалолға еткурдиларким, *туқтомиш* жамоаси тобе ва фармонбардор бўлғусидурлар. Шанба куни ул ҳазрат аларға Имиршайхни қўшуб юборди. Тўрт кун ўтуб, бешинжи куниким, чаҳоршанба эрди, Холнафас ва Давлатсоатбой ва Имиршайх келдилар. Панжшанба куни ул мавзедин ўрдуи кайҳонпўйни ҳаракатға киргузуб, Испарзан тўпасида боргоҳи жаҳонпаноҳнинг қуббаи зарринин сипеҳрбариндин ўткарди. Жума куни истироҳат саририда мутамаккин бўлуб, шанба куниким, рамазон ойининг ғурраси[2658] эрди, андин рукуб қилиб, Маҳинни муаскари асокири ҳумоюн ва мухайями хайёми маймун қилди. Якшанба куни андин кўчуб, ўрдуи аълони Дурунға тушуруб, ҳазрат *гуфронпаноҳ* сипоҳи нусратдастгоҳ била шери жаён ва бабри дамон янглиғ аъдои гурезпойни қовуб, Ардод дарбандиға қабаб, уруш солдилар. Ва икки тарафдин ҳам киши зое бўлмай, ул ҳазрат солим ва ғоним мурожиат кўргузуб, сангарга нузул қилди. Душанба куни тавaққуф қилиб, сешанба куни ойнинг тўртида мурожиат қилиб, Маҳинда аввалғи сангарға нузул қилди. Чаҳоршанба куни андин кўчуб, Хирмонтавни лашкаргоҳ этти. Ул кун *така* йиғини кейиндин келиб, кўчнинг изидин бир тева олиб фирорий бўлди. Панжшанба куни *така*ни таоқиб қилиб, баҳодирлар оч арслондек муонидларға етушуб, теғи ғазаб бирла саккиз кишининг бошин жасади пур ҳасадидин жудо қилдилар ва беҳисоб от ўлжа эттилар. Ул урушда Муҳаммадкарим қўйчи рустамона шижоатлар ва далерона ғайратлар зуҳурға еткурди ва ғазаб ўти била муонидларнинг беҳисоб экин ва буғдойларин куйдирди. Жума куни Хирмонтавдин кўчуб, Қаросувдин ўтиб, Кўкча деган мавзеға нузул қилди. Сешанба куни андин ҳаракат қилиб, Ошиқободни муаскар қилди. Ул кун *явмут* баҳодирлари бир такани ўлдириб, калласин утбаи аъло туфроқиға туҳфа келтурдилар. Ва Содиқ махзум Аннавдин янгилиқ узум келтуруб, фуқаронинг арзин еткурди. Ҳамул кун ани қайтарди. Якшанба куни моҳи мазкурнинг тўққузида Ошиқободдин кўчуб, Аннавга қариб етганда, Жаъфархон ажзу инкисор била истиқболға чиқиб, остони давлатпосбонға лойиқ бир от ва пешкашлар тортиб, изҳори итоат ва убудият қилди. Ул кун ҳазрат зиллилоҳий Аннавнинг усти била роҳий бўлуб, Коварзни нузули мусарратнишон ва вусули назоҳаттавомони файзидин мафхари манозил ва ашрафи мароҳил қилди. Иттифоқо йўл асносида баъзи лашкария Аннавнинг атрофида бир-икки боғға берухсат кирган эркан. Соҳиби боғ арз қилғоч, ул ҳазрат камоли мурувват ва адлгустарлик ва ниҳояти марҳамат ва фуқаропарварликдин бебошлиқ қилғанларға танбеҳ бергали киши буюриб, боғ эгаларига панжаи инъомдин зарпошлиғ кўргузуб, сарафрозлиқ бағишлади. Ҳамул кун Хўжамшукур йигирма қўй пешкаш бирла мулозиматға етти. Сўнгғи куниким, душанба эрди, Ҳожи махзум Аннав савдогарлари бирла остони сипеҳрнишон хокбўслиқиға мушарраф бўлди. Ҳамул кун *йимроли кадхудо*лари била *сориқ* бекларига ва Хўжаназар бекка сарупои шоҳона била сарафрозлиқ еткурди. Ҳамул кун оломон саҳобнишон мешклар ва чашмасон мутаҳарраларға сув тўлдирдилар. Сешанба куни моҳи мазкурнинг ўн бириндa[2659] *йимроли* ва *сориқ*

[2657] 1233 йил 19-шаъбон/1818 йил 24 июн.
[2658] 1233 йил 1-рамазон/1818 йил 5 июл.
[2659] 1233 йил 11-рамазон/1818 йил 15 июл.

йиғиниға ва Хўжамшукур ва Ҳожи махзумға «аҳли оиласи олдига хурсанд қайтурлар[2660]» фаҳвоси била ул ҳазрат шафқат ва марҳамат кўргузуб, масокин ва мавотинлариға қайтмоқ рухсати била дилнавозлиқ ва сарафрозлиқ еткурди. Ва ўзи ҳам «ватанни севмоқ имондандур[2661]» маънии муҳаббат афзоси ва ҳам «подшоҳларнинг шаҳар-юртга нисбати жоннинг баданга нисбати кабидир[2662]» мазмуни ҳикматнамоси била амал қилиб, инони азиматин дор ал-хилофа жонибиға маатуф этиб, икки кун қатъи масофат қилиб, панжшанба куни моҳи мазкурнинг ўн учи[2663]да Тажан ҳаволисиға дохил бўлуб, нузули тароват вусули баҳоридин Қўша-Чўнгкўлга чун гул назоҳат ва низорат бағишлади. Жума куни Муҳаммадниёз баҳодирнинг ўғли Ҳасанни ва Кутлуғмурод *иноқ*нинг туғмаси Исмоилниким, шаҳардин келмиш эрди, йўлдошлари била сарупои шоҳона кийдириб ва аларға Денгиз халифани ҳамроҳ қилиб, шаҳарга юборди. Бу мазмун билаким «азиматимиз инонин шаҳар тарафиға маатуф этдук. Иншооллоҳ тездуркимИ, Хивақ дор ас-салтанаси нузулимиз баҳоридин рашки фирдавси ризвон ва вусулимиз азҳоридин ғайрати гулистони жинон бўлғусидир.» Якшанба куни наҳзат роятин ҳаракатға киргузиб, ярим манзил йўл юриб, бир сув канорин музриби боргоҳи гардунсо ва муқарри кавкабаи воло қилди. Ул кун Орол ва *қароқалпоқ* черикига ижозат берди, токим илгари кетгайлар. Душанба куни бухтии қатор ва ҳамозаи[2664] борбардор, тўпу тўпхона, саропарда ва пешхонани чоштгоҳда кўчуруб илгари юбориб, ўзлари пешин намозин ўқуб, тавсани хуш лижоми сарсар хиромға рокиб бўлуб, бир кеча шабгир қилиб, сешанба куни Ёнтоқлиға нузул қилди. Чаҳоршанба куни андин кўчуб, шабгир қилиб, моҳи мазкурнинг йигирмаси[2665]да панжшанба куни Чарла қудуқи ҳаволисин шарафи нузули била ашрафи манозил қилди. Ул кеча анда бистари фароғат узра истироҳат кўргузуб, тонгласиким, жума куни эрди, пешиндин сўнг алами наҳзатни ҳаракатға киргузуб, шабгир била орада икки қўниб, якшанба куни Сўзанлини мавзеи боргоҳи ижлол қилди. Ул мавзеда низом ал-мулк вад-дунё Муҳаммадризо *қўшбеги*нинг юборган сув ва теваси, қандолот ва меваси етушти. Аларни ул ҳазрат барча умаро ва аркони давлатға тақсим қилиб, душанба куни андин саманди иқболға рукуб қилиб, Соғча қудуқи атрофин мавзеи хиргоҳ ва муаскари сипоҳ қилди. Ва андин кеч пешинда отланиб, намози шом вақтида Кесаклини муқарри кавкабаи воло қилди. Андин саҳар вақтида ҳаракат қилиб, тонгласиким, сешанба куни ва ойнинг йигирма иккиси[2666] эрди, чоштгоҳда ливои чархфарсонинг маҳчаи дарахшони офтоби рахшондек Қарокўл оёқидин намоён қилди. Ул мавзеда уламои изом ва кубарои зу-л-эҳтиром, соҳиби манзилат шаҳзодалар ва олий мартабат бек ва озодалар шаҳардин истиқболға чиқиб, мушоҳадаи дийдори султоний шарафиға мушарраф бўлуб, нуқуди беҳисоб ва лаолии хушоб, балки жавоҳири жондин ул ҳазратнинг тораки мубракиға сочиғлар сочтилар. Ҳазрат соҳибқирон иқболға ҳамрикоб, давлатға ҳаминон шаҳарга нузул қилиб, дорилимора сукконининг умиди уюнин тўтиёйи ғубори сумми ҳийвани била равшан ва замирлари харобободин насими файзвуруд маймуни била гулшан қилди. **Маснавий:**

Кириб шаҳар аро хусрави комкор,
Мақом этти тахт узра жамшидвор.
Нузули била мулк обод ўлуб,
Вусулидин эл хотири шод ўлуб.
Юзидин вилоятға тўлдирди нур,
Сўзидин кўнгулларга завқу сурур.
Адолат баҳорини айлаб аён,
Мамоликни қилди риёзи жинон.

[2660] Қуръони карим, 84 : 9.
[2661] Ҳадис.
[2662] Араб халқи ҳикматларидан.
[2663] 1233 йил 13-рамазон/1818 йил 17 июл.
[2664] Жангчилар минган ва юк кўтарган туялар карвони.
[2665] 1233 йил 20-рамазон/1818 йил 24 июл.
[2666] 1233 йил 22-рамазон/1818 йил 26 июл.

Баъзи вақоеи касир ал-бадоеким, ҳазрат соҳибқирони мағфиратнишон дорилхилофаи Хивақға нузул қилғондин сўнг вуқуға етти, ийжоз тариқаси бирла тастир топар

Чун султон соҳибқирони фирдавсмакон тааидоти яздоний ва тавфиқоти субҳоний била *така* муонидларининг хирмани жамиатин ғазаб тунбоди била совуриб ва ул элнинг кўпракин маққур ва мустосил қилиб, давлат ва иқбол била мурожиат кўргузуб, нузули файзидин дор ас-салтанаи Хивақни рашки гулистони Эрам қилди, аввал воқеаиким, вуқу топти, бу эрди: Сунбор *сардор*ким, ҳазрат султони сулаймонмакон ва хоқони искандарнишон, зубдаи салотини жаҳон ва умдаи хавоқини замон, рифъат ва убуҳатпаноҳ, шавкат ва азматинтибоҳ, форси мизмори шаҳомат ва басолат, муртақии мадорижинасфат ва жалолат, муассиси асоси шижоат ва бахтиёрий, мушаййиди аркони маъдилат ва комкорий, ҳодими бунёни ал-фисқ ва-л-исён ва моҳии қавоид аш-шарр ва-т-туғён, носиби аъломи амну омон ала муфориқ аҳл ал-иймон, халифат ар-раҳмон зилли-с-субҳон, ал-муайяд би тааиди ал-малак ал-мустаон Абу-л-музаффар фа-л-фатҳ, Абулғози Оллоҳқули Муҳаммад Баҳодирхон *дома иқболаҳу ва абадда ижлолаҳу*нинг беклик овонида мулозимлари зумрасиға дохил эрди, ийди рамазоннинг сўнгғи куниким, шаввол ойининг иккинчи[2667] куни сешанба эрди, *явмут* ва *йимроли*дин юз эллик баҳодири номдори шижоатшиорни жам қилиб, ҳазрат соҳибқирони жаннатмакондин рухсат олиб, чаҳоршанба куни ўбасидин отланиб, суръати тамом ва ужлати молокалом била қатъи манозил ва таййи мароҳил қилиб, Ўрта қудуқ устидин Куртишға бориб, андин қум ичига кириб, кун чиқар тарафға илғор қилиб, Орчимон ва Дурун ва Маҳиннинг орқасидағи қудуқларда киши топа олмайин, Маҳиндин ўтгандин сўнг кеча қоронгғусида бир чўфонға йўлиқиб, анинг солиғи била Сувлатти қудуқиғаким, Ахалнинг қутби шимолий жонибида эрди ва андин Кўктўпага бир ярим манзиллик масофат эрди, бориб, уч-тўрт хўжанинг уйин топтилар ва аларға дахл қилмадилар. Ва ул мавзеда олтмиш уйлик хўжа ўлтирғон эркан ва аларнинг орасида беш-ўн уйлик *така* ҳам бор эркан. Мазкур бўлғон чўпоннинг йўлдоши аларға оломоннинг алар устиға кетганидин хабар бериб, жон ваҳмидин ҳар қайси бир тарафға фирорий бўлғон эркан. Оломон ул навоҳида «кўзни кўр қилувчи чақмоқ чақини ва тез эсар шамол ели каби[2668]» атрофу жавонибға илғаб, *така*нинг олти юз чоғлиғ тевасин ўлжалаб ва тўққуз кишисин теғи бедариғ раҳнамолиғи била жаҳаннам водийсиға йўллаб, ғаноими касира бирла мурожиат кўргуздилар. Иттифоқо йўл асносида яна кўп тевага учраб, мажмуин қовмоқдин ожиз келиб, бир-икки бўлакинким, икки юз ва уч юздин зиёдароқ эрди, қовуб йўлға туштилар. **Байт:**

Берур ўлса агар Худо қулиға
Матлабин келтуруб қўяр йўлиға.

Чун оломон ғояти шодлиғ ва ниҳояти хушвақтлиғ била қатъа масофат қилиб, Куртишға еттилар, суюнчилатиб шаҳарга киши юбордилар. Моҳи мазкурнинг ўн саккизи[2669]да панжшанба куни аларнинг суюнчи хабари келиб, ойининг йигирмаси[2670]да шанба куни ўзлари шарафандўзи тақбили бисот бўлиб, хайётхонаи эҳсони подшоҳийдин хилои офтобшуо била сарафрозлиғ бўркин хуршиди жаҳонтоб фарқидин ўткардилар. Ва алардин бир киши адашиб қолмиш эрди, анинг ақрабосиға моли ғаниматдин ўз ҳиссасидин бошқа йигирма тева зиёда бердилар. Ва уч-тўрт кундин сўнг ул дағи омон-эсон келди.

Боғибак баҳодирнинг чаповули. Зу-л-қаъда ойининг иккинчи[2671] куниким, чаҳоршанба куни эрди, *явмут* саромадидин Боғибак баҳодир ва Мурод *сардор* ва Сунбор *сардор* ва *йимроли* Араб *сардор* ва ғайриҳум жами касир билаким, аксари *явмут* ва *йимроли* ва *ҳасанэли* эрди, ҳазрат соҳибқирондин рухсат олиб, Соғча қудуқи устидин *така* чаповулиға мутаважжиҳ бўлуб, Чарла қудуқиға етганда Соат *сардор*ни бошчи қилиб, кунчиқар тарафға озим бўлиб, икки манзилда Хон қудуқиға еттилар. Анда икки кеча таваққуф қилиб, барча марокибин суғориб, андин кўчуб, бир манзилда яна бир қудуқға еттилар. Ва андин теваларин аввалғи қудуқға қайтариб, ўзлари бир ярим манзил қатъи масофат этиб, Болliқули-

[2667] 1233 йил 2-шаввол/1818 йил 5 август.
[2668] Араб мақоли.
[2669] 1233 йил 18-шаввол/1818 йили 21 авугст.
[2670] 1233 йил 20-шаввол/1818 йили 23 авугст.
[2671] 1233 йил 2-зу-л-қаъда/1818 йил 3 сентябр.

нинг оёқидин дохил бўлиб, қибла жонибиға чаповул уруб, такадин ўттуз чоғлиғ кишини қатлға еткуруб, мол топа олмйин, кўп қўйиларин қириб, мурожиат кўргуздилар. Анинг учунким, уч кундин бурун бир *сориқ* чаповулчиларнинг боруридин хабар еткариб, барча молларин Марв дарёсидин илгари ўткарган эрканлар. Алар қайтиб, йигирма кунда моҳи мазкурнинг йигирма бири[2672]да душанба куни даргоҳи олампаноҳ мулозиматиға еттилар.

Сори карнайнинг чаповули. Чун Сори карнайким, шижоат ва мардоналиғда мумиилайҳ ва мутамиди алайҳ киши эрди, қирқ баҳодир йигит билаким, майдони масофда ҳар бири юз кишига баробар келур эрди, соҳибқирони гитийситоннинг рухсати била Ўрта қудуқи устидин бир неча кун қатъи манозил қилиб, *така* муонидларининг сархайли Мурод *сардор*и тийрарўзгорнинг тавобеидин қазои мубрам янглиғ дохил бўлуб, тўққуз кишисин теғи бедариғ дамидин ўткариб, икки юздин зиёдароқ тевасин суруб қайттилар. Бу воқеадин хабар топиб, такадин етмиш чоғлиғ киши отланиб, оломонни таоқиб қилиб, ақабидин етиб уруш солдилар. Баҳодирлар даги қайтарилиб, барча бирдин жиловрез от солиб, бир ҳамлада муонидларни мағлубу мунҳазим қилдилар. Ул урушда яна ўн кишисин мақтул қилиб, от ва яроғ ва асбобин ўлжа этиб, солиму ғоним вилоятға дохил бўлдилар. Зу-л-қаъда нинг аввали[2673]да шаҳардин чиқиб, ўн тўққузланжи[2674] куниким, якшанба эрди, суддаи хилофат мулозиматиға еттилар.

Ва мазкур ойнинг аввалида мулло Абдулносир мингбоши деган Ўрусдин элчи бўлуб келмиш эрди. ҳазрат соҳибқирон ани ҳамул ойнинг олтиси[2675]да рухсат бериб қайтарди.

Ва зу-л-ҳижжа ойининг йигирма олтинжи[2676] куниким, душанба эрди, ҳазрат соҳибқирони жаннатмакон. *явмут* ва ҳасанэли ва *йимроли сардор*ларин ва навкарларин уч гуруҳ қилиб, уч тарафдин чаповулға юборди.

Жума куни муҳаррам ойи кириб, сана минг икки юз ўттуз тўртға (1234) интиқол етти. **Аввалғи гуруҳнинг воқеаси.** Сори карнай ва Шоҳниёз бек *явмут*дин юз олтмиш киши била Ўрта қудуқи устидин ўтуб, Боми Бурма тавобеидин мамолики маҳрусаға кўчуб келатурғон такадин Давлатназар бойнинг уруғидин беш-ўн уйлукни хатодин торож қилиб, эркакларин қатлға еткуруб, аёл ва атфолларин асир қилиб қайттилар. Бу сафарнинг муддати йигирма кун эрди.

Иккинжи гуруҳнинг сониҳаси. Мазкур бўлғон кунда Мурод *сардор* ўттуз муборизи кинагузор била Соғчжа устидин қадами истижол била қатъи масофат этиб, Дурун ва Маҳиннинг орқа тарафидин балои ногаҳон янглиғ дохил бўлуб, беш кишининг бемағз бошин жасади палидидин жудо қилиб, икки юз чоғлиғ тева суруб қайттилар.

Учунжи гуруҳнинг тазкараси. *Човдур* Ҳусайн баҳодир бошлиғ жами *ҳасанэли*нинг сипаҳдорлари ва *йимроли* тоифасининг *сардор*лари ва ўзбакдин *хитой* Қилич *юзбоши тарокима* ва *ўзбакия*дин етти юз киши бўлуб, мазкур бўлғон кунда Соғжа йўлиға озим бўлуб, Тажандин чиқтилар. Ва Тажандин илғаб, Сарахс тавобеотидағи такани чопиб, ўттуз чоғлиғ кишини ўлдириб қайтиб, Тажаннинг канориға етганда Қилич *юзбоши* ва *экдар* Дурдимурод баҳодир ва Авазберди *тавор* бошлиғ йигирма киши айрилиб қолдиларким, бир иш кўрсатмай қайтмасмиз. Ва Ҳусайн баҳодир Тажандин қайтиб, дарбори фалакмиқдор мулозиматиға етти. Ва бу сафарининг муддати ўн саккиз кун эрди.

Хони жаннатмаконнинг жулусининг ўн тўртунжи йилининг вақоеи. Ул жумладин: ҳазрат подшоҳи мағфиратдастгоҳнинг шикор иродаси била наҳзат кўргузуб, Орол диёриға бормоқи. Бир неча кун қуш солмоқ ва ов олмоқ тамошаси била масрур ва шодком бўлуб, инони отифатин дорилхилофа савбиға қайтармоқи

Чун таърих ҳижрий минг икки юз ўттуз тўртда (1234) муҳаррам ойининг йигирма учи[2677]да шанба куни ҳазрат султони соҳибқирони жаннатмакон шикор иродаси била дор ас-салтанаи Хивақдин рукуб

[2672] 1233 йил 21-зу-л-қаъда/1818 йил 22 сентябр.
[2673] 1233 йил 1-зу-л-қаъда/1818 йил 2 сентябр.
[2674] 1233 йил 19-зу-л-қаъда/1818 йил 20 сентябр.
[2675] 1233 йил 6-зу-л-қаъда/1818 йил 7 сентябр.
[2676] 1233 йил 26-зу-л-ҳижжа/1818 йил октябр.
[2677] 1234 йил 23-муҳаррам/1818 йил 22 ноябр.

қилиб, чун Тошоёқ мавзеиға етти, Оллош *бий* ва Суюн *бий* ва Бекали *мироб* ва Қуттихўжа *шайхулислом*ни *така* чаповули учун рухсат берди. Токим йўл яроғининг саранжомиға машғул бўлғайлар. Ва ўзи Шимол қалъадағи работға нузул қилиб, уч кун ул жавонибда шикор қилди. Ва сешанба куни Султонхонни Аваз *юзбоши* ва Худойберди *юзбоши* ва Алиризо *юзбоши* ва Абдулсамад бек чураоғоси ва Абдулраҳим бек ва жами қуллар навкари била Сунатға юбориб, ўзлари Тошҳовузға тушти. Аммо Бадркандда Боми Бурмали ва Қизилработли *така*ларнинг *кадхудо*лари Давлатназарбой ва Шариф тилку бошлиғ келиб, изҳори убудият қилдилар. Ул ҳазрат аларға иноят ва марҳамат кўргузуб, уч кишисин изига қайтарди, токим ўбалариким, Сонсиз қудуқи ҳаволисида сокин эрди, кўчириб келтургайлар. Аммо. Ул ҳазрат шаҳардин чиқған куни Қилич *юзбоши* ва Дурдимурод баҳодири мазкурким, йўлдошларидин айрилиб қолмиш эрди, Тажандин Ахал жониби илғор қилиб, йўлда Хўжамшукурнинг ўбасининг устидин ўтуб, Аннав ҳаволисида ахалли *така*нинг қирқ тевали орғишчи корвониға учраб, барча кишисин ўлдириб, молларин олиб, мурожиат қилиб, шаҳарга келдилар. Ва Бадркандда утбаи аъло мулозиматиға еттилар. Ул ҳазрат Тошҳовузда икки оқшом таваққуф қилиб, андин кўчуб, Қиличниёз бойнинг ҳавлисиға ва андин Қарожа кўлиға нузул қилди. Андин кўчуб муҳаррам ойининг салхи[2678] да шанба куни Йилон қириға тушти. Аммо, маълум бўлсунким, Оллош *бий* якшанба куни ғурраи моҳи сафар[2679] *хатама Оллоҳ билхайр вал-зафар*да чаповулға отланди. Ва ҳамул кун Абдулғафур бек Бухорий Бухородин қочиб келиб, Хўжаш *маҳрам* била Йилонқирида остонбўслиғ шарафиға фоиз бўлди. Сўнкғи кун беки мазкурни Хўжаш *маҳрам* била шаҳарға қайтариб, кўчуб Қумсангарға тушти. Андин кўчуб Хўжаэлининг шарқий ва жанубий атрофин қушлаб, Болақўйғон тўпасиға тушуб, андин Қутлуғмурод *иноқ*нинг ҳавлиси атрофин қушлаб, сафар ойининг олтинжи куни Кўҳна Урганж бузургворларин зиёрат қилиб, андин Қум Чўнгкўлға нузул қилди. Андин Бувотға тушуб, бир кун таваққуф қилиб, моҳи мазкурнинг ўнида Кенгёнтоқға нузул қилди. Ул мавзеда Оллоҳқули бек ибн Фозил *бий* ибн *амир* Дониёлнинг Бухородин қочиб келган хабари келди. Ул ерда тўрт кун таваққуф бўлуб, ҳар кун қуш солмоқ била шикорийларға қиронлар солди. Андин кўчуб, бир неча кун Ойбукур қирининг атроф-жавонибин ободон қушлаб, Отйўли гузаридин ўтуб, Қўнгротда ўз ҳавлисиға нузул қилиб, анинг кунгураи фахрин фалак зурвасидин ўткарди. Ва анда икки кун туруб, ул навоҳини овлаб, андин кўчуб, муз усти била дарёдин убур қилиб, *Ўкуз*кетганким, дарёнинг шуаботидин бир улуғ шуъбадур, анинг канориға нузул қилди. Андин ҳаракат ҳаракат кўргузуб, мазкур ойининг салхи[2680] да якшанба куни Мунчоқлини мавзеи боргоҳи иқбол қилди. Ул кун Оллош *бий*нинг иниси Муҳаммадризо бек оломоннинг оллидин суюнчилаб келди. Раби ал-аввал ойининг ғурраси[2681] да Ҳожимурод ўлгандин дарёни кечиб, Мўъин Ото била Хўжатераки оралиғиға нузул қилди. Андин кўчуб, Қутлуғмурод *иноқ*нинг ҳавлисиға тушти. Ул мавзеда оломондин Дўсим *бий* келиб, мулозиматға етти. Андин отланиб, Шорқировуқнинг шарқий жонибиға нузул қилди. Ул кун намози шомда Оллош *бий* ва Суюн *бий* ва *шайхулислом* ва Қурбонниёз *маҳрам* ясовулбоши мулозиматға еттилар. Андин кўчуб, Омонқули ариқининг кунчиқар шўъбасининг оёқиға тушти. Андин наҳзат қилиб Қиличниёз бойнинг ҳавлисини нузули файзидин рашки фирдавсбарин қилди. Ул мавзеда *дастурхончи* бошлиғ аксари *маҳрам* ва *юзбоши*ларким, чаповулға маъмур бўлуб эрдилар, келдилар. Бир киши келиб, Султонхоннинг омон-эсон юртиға бориб, Мурод *сардор*нинг элотидин юз тева орғишжисин олғон хабарин еткурди. Ул кун ҳазрат соҳибқирон қатъи масофат қилиб, сулси шаб[2682] да мустақарри салтанатға нузул қилди.

Оллош *бий*нинг чаповул урғони табйини. Чобуксавор қалам саҳифа майдониға бу янглиғ адҳам сурарким, сафар ойининг ғурраси[2683] да якшанба куни Оллош *бий* умарои маъмур билаким, Қуттихўжа *шайхулислом* ва Дўсим *бий* ва Бекали *мироб* ва Суюн *бий* ва Ҳожимурод *дастурхончи* ва сипаҳдорлардин Ҳўббиқули хўжа ва Ниёзмуҳаммад бой ва Муҳаммадқули бек ва Қутлуғмурод бек ва Қутлуғмурод *иноқ*нинг навкари Умбой бек ва қипчоқ Хўжаниёз *бий* ва *хитой* Раҳимберди *бий* ва *қароқалпоқ*иядин Давлат-

---

[2678] 1234 йил 30-муҳаррам/1818 йил 29 ноябр.
[2679] 1234 йил 1-сафар/1818 йил 30 ноябр.
[2680] 1234 йил 29-сафар/1818 йил 29 декабр.
[2681] 1234 йил 1-раби ал-аввал/1818 йил 29 декабр.
[2682] Тундан уч бўлаги ўтганда.
[2683] 1234 йил 1-сафар/1818 йил 30 ноябр.

назар *бий* ва *явмут*иядин Қоқа *сардор* ва ғайриҳум *ўзбак* ва *явмут* сипоҳидинким, аксари беклар ва маҳрамлар эрди ва адади икки минг кишига қариб етти ва Қурбонниёз ясовулбоши ул сипоҳнинг саранжоми муҳоми учун масҳуб бўлиб, балдаи Хивақдин аъломи зафарфаржомни ҳаракатға киргузуб, Соғжа қудуқи ҳаволисин муаскари асокири ферузийасар қилдилар. Сешанба куни анда таваққуф қилиб, чаҳоршанба куни пешиндин сўнг кўчуб, икки кун қатъи манозил қилиб, учунжи кунким, шанба эрди, Чарла қудуқи атрофиға нузул қилиб, барча марокиб ва мавошиларин суғориб, якшанба куни андин кўчуб, наҳзат ливосин ҳаракатға киргузуб, мақсад тарафиға озим бўлдилар. Ва сўнкғи якшанба куниким, мазкур ойининг ўн беши[2684] эрди, Қаросув оёқидин чиқиб, тонг вақтида Қипчоқ ва Ормон қалъаларининг устиға бориб, роёти нусратоётни барпой қилдилар. Ва оломонни Ҳўббиқули хўжа бошлиғ атроф ва акнофға чаповулға юборилар. **Итифоқоти ҳасана**дин, ул кун Ахал такасининг икки бўлак корвониким, бири Марвдин Ахалға келур эркан ва бири Ахалдин Марвга борур эркан, ул икки корвон бир-бирига мулоқи бўлғон ҳолда оломоннинг олдиға йўлиқиб, мақтул ва торож бўлдилар. **Байт:**

Бир дамда анингдек ўлди нобуд,
Гўё ки бурун йўқ эрди мавжуд.

Аммо. Оломон юқориси Ошиқобод туши ва ошоқи Маҳиндин бери тохту торож қилиб, кўп кишини қатлға еткуруб, кўп атфол ва аёлни ўлжа ва асир қилдилар. Андоқким ул диёрда дайёре ва мутанаффисе қолмадиким, аҳли чаповулнинг дасти татовулиға тушуб мақтул ва маасур ва ўлжа бўлмоғон бўлғай. Ул кун оломон бениҳоят тева ва от ва йилқи ғанимат қилиб, пешинда аъломи нусратилтизом зиллиға жам бўлдилар. Ҳамул кун такадин юздин кўпрак киши қатлға етти ва етмиш етти киши исорат қайдиға чекилди. Ва тамоми уйларин талаб, аксарисин ғазаб ўтиға ёқтилар. Аммо, оломондин уч мажҳул киши шаҳодат топти. Ул оқшом мурожиат қилиб, қумға кириб, азимат маркабин сурдилар ва саҳал муддатда Чарла қудуқиға еттилар. Ул мавзеда Оллош *бий* ўзининг иниси Муҳаммадризо бекни умарои мазкурнинг кишилари била суюнчилатиб илгари юборди. Ва Чарлада икки кун таваққуф қилиб, оломонға ўлжаларни истихрожи химс[2685]дин сўнг тақсим қилиб берди. Ва андин кўчуб, қатъи манозил ва таййи мароҳил қилиб, чаҳоршанба куни моҳи мазкурнинг йигирма беши[2686]да шаҳарга нузул қилдилар.

Соат сардор ва Холниёз юзбошининг чаповули. Оллош бийлар чаповулға кетгандин сўнг Соат *сардор* ва Холниёз *юзбоши йимроли* ва *ўзбакия*дин юз саксон киши била рухсат олиб, Марв жонибиға озим бўлдилар ва Сероб қудуқида *бурқоз* жамоасининг кўп қўйиға учраб, чўфонларни ўлдириб, барча қўйларни суруб олиб келдилар ва тақсим қилдилар. Ҳар кишига йигирма беш қўй тегди.

Қилич чавдорнинг чаповули. Қилич *сардор явмут*ия жамоасидин тўқсонға қариб киши била зубдат ал-аозим, қудват ал-акорим, моҳии ал-бидъат ва-н-нифоқ Қутлуғмурод *иноқ наварра марқадаҳу*дин фотиҳа олиб, жума куни сафар ойининг йигирмаси[2687]да Оллош бийлар келмасдин беш кун бурун Исм Маҳмуд Отонинг устидин чўлға кириб, қатъи масофат этиб, Шўр қудуқ мавзеидаким, Ахалнинг шимолия жонибидур, *така*нинг кўп тевасиға учраб, саккиз кишисин ўлдириб ва икки туғма тутуб, жами теваларни суруб қайттилар. Ва раби ал-аввал ойининг еттиси[2688]да остони сипеҳрнишон мулозиматиға етиб, туғмалар била эллик тева ғон бердилар. Ул аснода Қизилработли такаларнинг аксари уйлари бирла кўчуб, ҳазрат соҳибқирони жаннатмаконнинг зилли ҳимоятиға келдилар.

Ва мазкур ойининг ўн бири[2689]да Холнафас ҳам уй ва ўғлонлари била кўчуб келди. Ва анинг била Ахал *кадхудо*ларидин икки киши келиб, итоат ва фармонбардорлиғ аризадоштин утбаи аъло мулозимлариға еткурдилар.

[2684] 1234 йил 15-сафар/1818 йил 14 декабр.
[2685] Ўлжанинг бешдан бирини чиқариб (ажратиб) олиб, давлат ҳисобига ўтказиш. Ўлжа солиғи.
[2686] 1234 йил 25-сафар/1818 йил 25 декабр.
[2687] 1234 йил 20-сафар/1818 йил 18 декабр.
[2688] 1234 йил 7-раби ал-аввал/1819 йил 4 январ.
[2689] 1234 йил 11-раби ал-аввал/ 1819 йил 8 январ.

Ва ойнинг ўн беши[2690] да чаҳоршанба куни Ахалдин тўққуз киши келиб изҳори убудият қилди. Ҳамул кун ҳазрат Турсунхўжа эшон вафот топти. Панжшанба куни Манзилхонда мадфун бўлди. *Раҳматуллоҳи алайҳ.*

Ва жума куни Қутлуғмурод *иноқ* барча умаро била девонхонада *така кадхудо*ларии чақириб ва аларнинг сўзларин эшитиб, рухсат бердилар. Алар йигирма кунга муҳлат олиб, юз отлиғ навкар ва икки юз оқ уйли келтурмакчи бўлдилар.

Шанба куни Хўжаш *маҳрам* фотиҳа тўйи берди. Қутлуғмурод *иноқ* тўйдин чиқиб, Хўжаэлига Турсун эшоннинг фотиҳасиға кетти. Ул аснода *қазоқ* хони Шерғозихон мулозиматға келди. Арбоби таворихнинг замоири хуршидназоириға маълум бўлсунким, Шерғозихон ул ҳазратнинг ярлиғи жаҳонматои била хон бўлуб, Сир дарёсининг савоҳилиға борғонда Сир бўйиндаги *қазоқ*лар муте ва фармонбардор бўлуб, Шерғозихон ўз тарафидин Бектемур *охунд*никим, ул навоҳиға *қози* эрди, ул жамоаға ноиб қилиб, ўзи қирға кўчган улуснинг изидин борди. Ва ул жамоаким, аксари *тўрт қаро* эрди, муттафиқ ал-лафз Шерғозихонға инқиёд қилдилар. Бу воқеадин Арангғозихон махзул ва манкуб бўлуб, зоҳирдин хонға дўстлиғ қилиб, элнинг бир канорида ўлтирур эрди. Ул аснода Бектемур *охунд* тариқи савобдин мунҳариф бўлуб, ёшурун Арангғозини чақириб, улусни анинг итоатиға ва Шерғозихоннинг мухолифатиға тарғиб ва таҳрис қилди. Шерғозихон бу ҳодисадин огоҳ бўлғоч, бетоб ва бетоқат бўлуб, *охунд*ға кўп кишилар юборди. Ҳеч фойдае мутартиб бўлмади. Ул ҳолда Арангғози ва *охунд* ўзлариға тобе бийларнинг иттифоқи била *чигилли* жамоасин тўрт тақсим қилиб, бир бўлакин Арангғозиға номзад қилдилар. Минг уйлук *қазоқ* ва минг уйлук *қароқалпоқ*никим, Сир дарёсининг канорида мутамаккин эрдилар, *охунд*ға мутааллиқ қилдилар. Ва бир бўлакин Нурумғози султон ибн Абдулазизхонға тафвиз қилдилар. Ва *тўртқаро*ким Шерғозихоннинг ёнида эрдилар, анинг ҳукуматин Шерғозихонға ҳавола қилдилар. *Охунд* мунинг била ҳам кифоя қилмай, ҳазрат соҳибқироннинг сиёсати ҳаросати жиҳатидин макру ҳийла қилиб «Шерғозихон хонлиқин иниси Арангғозиға ўз ихтиёри била топшурди» деб, қирқ йўрға ва қирқ қуш ва қирқ оқ кийиз пешкаш олиб, Арангғозининг кичик иниси Ўрдағози *тўра*ни ва баъзи бийларни ва Саодатгирайнинг ўғлини ёниға олиб, Арангғозини хон қилмоқ муддаоси била ҳазрат соҳибқироннинг мулозиматиға келди. Ул ҳазрат бу воқеа кизбин сўзларидин фаҳм қилиб, аларни сақлаб, Омонбой *юзбоши* ва Тайлоқ *юзбоши*ни Шерғозихон била Арангғозиға юборди, токим иковин дарбори фалакмиқдор мулозиматиға олиб келгайлар. Чун маъмурлар борғондин сўнг баъзи элким, Жонназар *бий* бошлиғ Арангғозиға тобе бўлуб эрдилар, пушаймон бўлуб, Шерғозихонға қўшулдилар. Чун Шерғозихон ҳазрат соҳибқироннинг мулозиматиға келмакчи бўлуб отланди, Арангғози уч юз киши била олдиға чиқиб, мамонеат кўргузди. Охир урушуб, Шерғозихонға ёвуқдаги эллардин кўмак етиб, Арангғозиға шикаст бердилар. Ва Шерғозихон суддаи хилофат мулозиматиға етти. Анинг сўзи била Бектемур *охунд*нинг кизби маълум бўлуб, *охунд* била Ўрдағози *тўра* зиндони ғазаби султонийда маҳбус ва мағлул бўлдилар. Ва раби ал-аввал ойининг салхи[2691] да Қутлуғмурод *иноқ* Хўжаэлидин келди. Ва рабиъ ас-соний ойининг тўрти[2692] да шанба куни муқарриби ҳазрати султоний, мақбули жаноби соҳибқироний, надими шаҳаншоҳи мукаррам Хўжаш *маҳрам* азим тўй ва улуғ қурултой тартиб бериб, тиладиким, ҳазрат соҳибқирон қудуми мусарратлузуми шарафидин сур аҳлиға сурур бағишлағай. Ул ҳазрат анинг тўйхонаи умидин ташрифи шарифи файзидин рашки гулистони жинон ва ғайрати фирдавси ризвон қилиб, анинг фахру фахомати фарқин авжи фарқаддин ўткарди. **Байт:**

Хушо, улким шаҳаншоҳи жаҳон файзи қудумидин,
Назоҳат ичра манзилгоҳи анинг жаннатосодур.

Маҳрами мазкур шойиста хизматлар ва писандида зиёфатлар тақдимға еткуруб, лаолии хушоб ва жавоҳири сероб ва явоқити ноёбдин беҳисоб ул ҳазратнинг қадами давлаттавомиға сочиғлар сочти ва хилъати хуршидфом ва саманди заррин лижом пешкаш чекти. Аркони давлат ва аёни ҳазратға дағи

2690 1234 йил 15-раби ал-аввал/1819 йил 12 январ.

2691 1234 йил 29-раби ал-аввал/1819 йил 26 январ.

2692 1234 йил 4-рабиъ ас-соний/1819 йил 31 январ.

заррин хилъатлар кийдириб, яхши иззатлар зуҳурға етурди. Ул ҳазрат бир кеча анда маснаднишин ва ишратгузин бўлуб, тонгласиким, якшанба куни эрди, мурожиат қилди. Ва мазкур ойининг саккизи[2693] да чаҳоршанба куни ул ҳазрат Шерғозихонни аркка чақириб, зиёфати шоҳона тартиб берди. Ва мундин уч кун бурун Арангғозининг Сир канорида фирорий бўлғони ва қолғон улуснинг итоати хабари келди. Ва ул аснода *қарохонли така*нинг ҳам ўн оқ уйлиси келди.

Ва мазкур ойининг ўн иккиси[2694] да якшанба куни Фозил бек жаҳони фонийдин олами боқийға риҳлат кўргузди. Анинг муддати умри саксон беш йил эрди. Ҳам вилодати, ҳам вафоти Барс йилида воқе бўлди. Анинг олти ўғли бор эрди. Аларнинг отлари булардур: Абдуллоҳбек ва Юсуфбек ва Тангриқулибек, ул беш ёшида вафот топти ва Худойберганбек, ул хони жаннатмакон Элтузар Муҳаммад Баҳодирхоннинг воқеаи ҳоиласида Бухоро босқисида шаҳид бўлди. Ва Яқуббек ва Авазбек; Ва анинг нашъин ўз мадрасасидаким, жой қилиб эрди, дафн қилдилар.

Ва мазкур ойининг йигирмаси[2695] да душанба куни кечаси Ниёзмуҳаммад бек ҳақ раҳматиға борди. Анинг бир ўғли бор эди. Ўзидин бурун вафот топти. Анинг муддати умри эллик саккиз йил ва йили Йилон эрди.

Ҳамул кун *така* навкарларидин йигирма киши илгари келди.

Суюн бийнинг чаповули. Жумода-л-аввал ойининг тўққузи[2696] да жума куни Суюн *бий* ва Қуттихўжа *шайхулислом* ва Муҳаммаджон хўжа ва Авазберди *юзбоши*ни ул ҳазрат *ўзбак* ва *тарокима*дин икки минг киши била Марв устиға чаповулға номзад қилди. Ва Муҳаммадниёз ясовулбошини ҳам аларға масҳуб қилди. Суюн *бий* ул кеча Ангорикда бўлуб, шанба куни мазкур ойининг ўнида Соғча қудуқи усти била мақсад тарафиға озим бўлуб, ўн уч кундаким, ойининг йигирма иккиси[2697] ва панжшанба эрди, Марвга дохил бўлуб, Қумёб деган мавзеда тоза қалъа бино қилмиш эрдилар, ул қалъанинг устиға бориб, атрофжавонибға чаповул юбориб, кўп кишини қатлға еткуруб ва беҳисоб тева суруб мурожиат кўргуздилар. Ва бир неча кун қатъи масофат қилиб, даргоҳи фалакиштибоҳ мулозиматиға етиб, мароҳими подшоҳона ва навозиши хусравонаға машмул ва махсус бўлдилар.

Ва Шерғозихонким, Бектемур *охунд*нинг воқеасида ҳазрат соҳибқироннинг фармони лозимилизони била келиб, шаҳарда мутамаккин эрди, куйдурги яраси чиқиб, ражаб ойининг ўни[2698] да чаҳоршанба куни вафот топти.

Мазкур ойининг ўн саккизи[2699] да панжшанба куни хони жаннатмакон Лавдонни боғлатмоқға рукуб қилди. Ҳамул кун Мир Ҳайдарнинг элчиси Нурмуҳаммад бек *маҳрам* даргоҳи олампаноҳ хокбўслиқиға етти.

Шанба куни Имиршайх Ойимбек бошлиғ *така кадхудо*лари била келдилар.

Шабоннинг олтиси[2700] да якшанба куни ул ҳазрат Лавдонни боғлатиб келиб, шаҳарга тушти. Бу сафарнинг муддати ўн саккиз кун эрди. Ул аснода Марв такаси ва *соруқ* халқининг элчилари изҳори убудият қилиб келди. Ва шабоннинг ўн еттиси[2701] да Нурмуҳаммад бекни рухсат бериб, Бухороға қайтарди. Ва зу-л-қаъда нинг ўн учи[2702] да панжшанба куни ҳазрати хон шикор учун отланиб, дарёни Урганж тушидин кечиб, юқориға Садвар тушиға бориб қайтиб, Қапқоқлидин ўтиб, зу-л-ҳижжа нинг саккизи[2703] да душанба куни шаҳарга тушти. Бу сафарнинг муддати йигирма олти кун эрди. Бу сафарда *қазоқ*да Жонғози *тўра* ибн Шерғозихондин ва Султон Темурдин изҳори ихлос хабари келди.

[2693] 1234 йил 8-рабиъ ас-соний/1819 йил 31 январ.
[2694] 1234 йил 12-рабиъ ас-соний/1819 йил 4 феврал.
[2695] 1234 йил 20-рабиъ ас-соний/1819 йили 5 феврал.
[2696] 1234 йил 9-жумода-л-аввал/1819 йили 7 март.
[2697] 1234 йил 22-жумода-л-аввал/1819 йили 19 март.
[2698] 1234 йил 10-ражаб/1819 йили 5 май.
[2699] 1234 йил 18-ражаб/1819 йили 13 май.
[2700] 1234 йил 6-шаъбон/1819 йили 30 май.
[2701] 1234 йил 17-шаъбон/1819 йили 10 июн.
[2702] 1234 йил 13-зу-л-қаъда/1819 йили 3 сентябр.
[2703] 1234 йил 8-зу-л-ҳижжа/1819 йил 29 сентябр.

Зу-л-ҳижжа нинг ўн учи[2704] да шанба куни Ойимбек ва *така кадхудо*лари ва Ризоқулихоннинг элчиси Маҳдибек ва Нажафалихоннинг элчисиким, бурунроқ изҳори ихлос қилиб келмиш эрдилар, аларға Аваз *юзбоши* ва Бекниёз ноибни қўшуб, рухсат берди. Ва буюрдиким, агар сўзларида рост бўлсалар, ини ва ўғлонларин навкари била қўшуб юборсинлар.

Ҳамул йил, яъни сана минг икки юз ўттуз тўртда (1234) Товушқон йили ҳазрат султони гитийситон Оллоҳқули Муҳаммад Баҳодирхоннинг қурратилайни Бобожон *тўра*, яъни Муҳаммадамин *тўра* таваллуд топти. *Заййада умраҳу.*

Ҳазрат соҳибқирони фирдавсмаконнинг жулусининг ўн бешинжи йилининг вақоеи

Ул жумладин: сана минг икки юз ўттуз бешда ва муҳаррам ойининг ғурраси[2705] да сешанба куни Ўрус элчиси Никулой Никулойич Гуржистон ва Тифлис *ҳоким*и Алексей Петровичдин келди. Ҳазрат соҳибқиронинг амри била Отчопар ва Эшназар шибирғон элчининг олдиға чиқиб, Хўжаш маҳрамнинг ҳавлисиға тушурдилар. Ва мазкур ойининг учида панжшанба куни ҳазрат соҳибқирон шикор иродаси била рукуб қилиб ва Йилон қиридин дарёни кечиб, Бештўпага нузул қилди. Анда бир неча кун қуш солмоқ ва ов олмоқ тамошаси била масрур ва шодком бўлуб, мурожиат кўргузди. Мазкур ойининг йигирма иккиси[2706] да сарири салтанатға нузул қилди. Бу сафарнинг муддати йигирма кун эрди. Ва ойининг йигирма бешида жума куни Жонғози *тўра* ибн Шерғозихон *қазоқ* акобири била даргоҳи олампаноҳ утбабўслиқиға мушарраф бўлди. Ва сафар ойининг учи[2707] да сешанба куни ҳазрат соҳибқирон Жонғози *тўра*ни отаси ўрниға хонлиқ тожи била сарафроз қилиб, *қазоқ* аёлотиға номзат қилди. Ва жума кечаси Ўрус элчисиға кўруниш бериб, Яқуббой била Эшназар шибирғонни анга қўшуб юборди. Ул аснода *гўклан* била Менглигалди ёруқ ўн олти киши билаким, муҳаррам ойинда мутаоқиби *қизилбош* ғазотиға кетмиш эрдилар, ғанимати фаровон ва усарои бепоён била мутаоқиб келдилар. Ва раби ал-аввалнинг еттиси[2708] да жума куни Сарахс *ҳоким*и Ҳакимхон *солур* катхудолари била жаноби рифъатмаоб мулозиматиға мушарраф бўлди. Ва мазкур ойининг ўн бешида чаҳоршанба куни *қизилбош* хонларининг ўғлонлари изҳори убудият қилиб, мулозиматға келдилар. Андоқким, Нажафалихоннинг ўғли Искандархонким, ўн икки ё ўн уч ёшида эрди ва Ризоқулихоннинг аммзодаси Шарафхон ибн Оллоҳбердихон ва Беглархоннинг холзодаси Каримхон эрдилар. Ва раби ал-охир ойининг учида шанба куни ҳазрат соҳибқирон подшоҳона зиёфат қилиб, Ҳакимхон ва *курд* хонлариға бори ом берди ва заркаш либослар била мулаббас қилиб, саркаш отлар миндириб сарафрозлиғ бағишлади. Ҳам ул учурда Омонбой *юзбоши* ва Тойлоқ *юзбоши*нинг Арангғозиға тутулғон хабари келди. Бу ижмол тафсили улким, мазкур *юзбоши*лар ул ҳазратнинг амри била Шерғозихонни келтириб, Арангғози келмай қолиб эрди. Ул ҳазрат яна мазкур *юзбоши*ларни Арангғозиға истимолатнома ва *қазоқ* улусиға хон қилмоқ ваъдаси бирла юбориб эрди. Аларни борғон ҳамон сўзлариға инонмай, ҳабс қилди. Бу хабари вахшатасари мирваҳа жунбонлиғидин ноираи ғазаби султоний иштиол топиб, *қазоқ*ия муонидоларининг хирмани вужудин хокистар ва нобуд қилғали Дашти Қипчоқ сафарининг иродаси ул ҳазратнинг хотири хатириға мусаммим бўлуб, мамолики маҳрусанинг атроф ва жавонибиға лашкари қиёматасар иҳзори учун баҳромсадамат ва миррихсутувват тавочилар ирсол қилди. Оз чоғда сипоҳи бекарон ва лашкари фаровон яроғи сафар ва асбоби ҳарб ва олоти зарбни муҳайё ва омода қилиб, даргоҳи сипеҳриштибоҳ мулозиматиға мужтама бўлдилар.

[2704] 1234 йил 13-зу-л-ҳижжа/1819 йил 3 октябр.

[2705] 1235 йил 1-муҳаррам/1819 йил 20 (21) октябр.

[2706] 1235 йил 22-муҳаррам/1819 йил 10 (11) ноябр.

[2707] 1235 йил 3-сафар/1819 йил 21ноябр.

[2708] 1235 йил 7-раби ал-аввал/1819 йил 24 декабр.

Ҳазрат шаҳаншоҳи *гуфрондастгоҳ*нинг иккинжи навбат роёти офтобишроқни Дашти Қипчоқ самтиға ҳаракатға киргузмаки ва қонуни азимат оҳангин тузуб, *қазоқ*ия саркашларининг тори жамиатин сарпанжаи тафриқа захмасидин узмаки ва Арангғозининг фирор имдоди била ҳалокат қайдидин қутулмоғи ва элининг баъзиси ажал домиға гирифтор бўлуб, аксари исорат сарпанжасиға тутулмоғи. Ва сипоҳи мансурнинг юзига беҳжат ва мусаррат абвоби очилиб, мурожиат қилмоқи

Сўз байдосининг сипаҳбўди роятафрози ва маъни мизморининг чобуксавори барқтози, аъни қалами хушрафтор бу нав ҳикоятгузорлиғ кўргузурким, чун таҳҳияйи асбоби сафар ва истиҳзори лашкардин фароғ ҳосил бўлғондин сўнг ҳазрат подшоҳи муаззам ва шаҳаншоҳи мукаррам, сарвари салотини олиймақом, умдаи хавоқини гурдуниҳтишом, бонии мабонии салтанат ва жаҳонбоний, росими маросими шижоат ва кишваристоний, ҳофизи билодуллоҳ ва малози ибодуллоҳ, босити бисоти амну омон, ҳодими бунёни иноду туғён, Абу-л-музаффар фа-л-фатҳ Абулғози Муҳаммадраҳим Баҳодирхон *наввараллоҳу марқадаҳу ва баррада мазжааҳу* Дашти Қипчоқ юруши ва хайли *қазоқ* истисолининг иродаси била сана минг икки юз ўттуз бешда (1235) раби ал-охир ойининг йигирма олтиси[2709] да жума куни Товушқон йилининг авохирида дабдабаи тамом ва кавкабаи нусратанжом била дор ас-салтанаи Хивақи *зайниллоҳи биннизом ун-насақ*дин рукуб қилиб, Шоҳобод ҳавлисиғаким, ҳар бир қасри сафо ва зийнатда қусури жаннатға таъназан ва ҳар бир тоқи иртиқо ва рифъатда чархбарин тоқиға сояафкан эрди, **маснавий:**

Қуёшдин ўтуб буржу бору анга,
Қуйи фаршдин чархи мину анга.
Фазоси бўлуб рашки боғи жинон,
Ҳавоси бериб элга берейб жон

– нузули мусарратвусул ва вусули фарҳатшумули файзидин таровати бекарон ва низорати бепоён бағишлаб, рашки нигорхонаи Чин ва ғайрати баҳиштбарин қилди. Анда икки кеча мутаваққиф бўлуб, базми шоҳона ва мажлиси хусравона, асбоби нишот ва олоти инбисотни муҳайё ва омода қилиб, завқу сурур маросимида дақиқае номаръи қўймай, айшу ишрат додин берди. Якшанба куниким, подшоҳи заррин кулоҳ кавокиби машриқ шабистонидин рўйгардон бўлуб, фалак майдони қатъиға гармжавлон бўлди, ҳазрат соҳибқирони гитийситон Шоҳободдин рукуб қилиб, Хитой ҳавлисиким, жойи дилкушой ва маъвои беҳжатафзой эрди, нузули ижлол буюруб, анинг буружи ифтихорин фалаки даввордин ўткарди. Анда дағи икки оқшом маснадорои орому истироҳат ва қадаҳпаймои айшу ишрат бўлуб, сешанба куниким, жумода-л-аввал ойининг ғурраси[2710] эрди, роятафрози наҳзат бўлуб, дарёни муз усти била кечиб, Бодой тўғойинким, **рубоий:**

Вусъат аро монанди анинг кам эрди,
Қаплон фалакка шеридин рам эрди.
Андоқ қалин эрди ки йилон йўл топмай,
Ашжори авжи чархга маҳкам эрди

– мухайями хайёми иқбол ва муқарри сародиқоти ижлол қилиб, нузули саодатшумули йўмнидин андоқ бешаи ҳавлосорни риёзи равзиядин намудор қилди. Анда бир кеча истироҳат кўргузуб, чаҳоршанба куниким, хусрави анжум заррин ливоси маҳчаи дарахшонин арсаи фалакда намоён қилди, ҳазрат соҳибқирон дағи *Бодой*дин роёти нусратоётни жилваға киргузуб, Қуёш мавзеиға монанди қуёш офтоби ҳузури била нурпошлиғ кўргузди. Панжшанба куни андин кўчуб, қумнинг ичида яна бир мавзени лашкаргоҳ этти. Жума куни ҳаракат кўргузуб, Бош деган мавзени муаскари асокири нусратпаноҳ қилди. Шанба куни андин рукуб қилиб, ярим манзиллик йўл юруб, бир мавзеға нузул қилди. Якшанба куни

[2709] 1235 йил 26-раби ал-охир/1820 йил 11 феврал.
[2710] 1235 йил 1-жумода-л-аввал/ 1820 йил 15 феврал.

анда курсинишини фароғат ва оромгузини роҳат бўлди. Ул кун Чўнгойнинг ўғли Қосим Қулмон сўфи бирла даргоҳи олампаноҳ хокбўслиқи шарафиға мушарраф бўлди. Ҳазрат соҳибқирон ани иноёти хусравонадин баҳраманд ва малбусоти подшоҳона била аржуманд қилиб, ҳамул кун қайтарди. Душанба куни наҳзат роятин ҳаракатға киргузуб, Тангриёрбошидин ўтуб, Тўғричанг деган мавзеда мавокиби гардунмарокиб нузули била тўғри чанг чиқариб, офтоби оламтоб чеҳрасиға сотир, балки ёруқ кунда қаронғу тун зулматин зоҳир қилди. Ул мавзеда галаи оҳу шўхларнинг наргиси жодусидек ҳаракати марғуб ва сурати хуб бирла намоён бўлди. Ул жиҳатдин сешанба куни ҳам кўчмай, ул ҳазрат атрофдағи биёбонға шикор иродаси била равон бўлуб, ул кун ул мисобада қуш солдиким, ниҳоятдин афзун ов олиб мурожиат қилиб, боргоҳи фалакиштибоҳға нузул қилди. Ҳамул кун *қароқалпоқ* сипаҳдорларидин Нафас *юзбоши чумакой* халқидин олти нафар *қазоқ*никим, ғалла олғали Оқёқишға келур эркан, тутуб дарбори сипеҳрмадорға келтурди. Чаҳоршанба куни ўрдуи кайҳонпўйни ҳаракатға киргузуб, Кўктўпадин ўтуб, нузули шарофатвусули била Морқой деган мавзенинг фарқи ифтихорин фалакфарсой қилди. Ул кун йўл асносида мамолики маҳрусаға савдо учун келатурғон *қазоқ* учраб, анинг қўйларин оломон хатодин талағон эркан, ҳазрат соҳибқирон ул воқеаға вуқуф топғоч, барча таланғон қўйни оломондин истирдод қилиб, эгасига топшуруб, хотири вайронин меъмори лутфи била обод қилди. Панжшанба куни наҳзат кўргузуб, ярим манзиллик йўл юруб туштилар. Жума куни андин кўчуб, ўрдуи аълони Янгидарёға тушуруб, анинг мавжи ифтихорин авжи Сурайёға еткурди. Ҳамул кун аҳли Хоразм расми била Наврўз эрди. Сешанба саҳари Янгидарёдин ҳаракат қилиб, чоштгоҳ бир қумға нузул қилди. Андин чоштлаб, бодпойи наҳзатға рукуб қилиб, Шўрқоқ қумини муаскари асокири нусратмаосир қилди. Якшанба саҳари ливои азиматни ҳаракатға киргузуб, нузули майманатвусули шарафидин Шўрқоқни муфтахари манозили офоқ ва ҳамсари сипеҳри нилий тоқ қилди. Анда чоштгоҳ наҳорийланиб, рукуб қилиб намози дигарда Карной деган мавзеда карнои нузул овози била сипеҳри барин қулоғин асамм қилди. Ул оқшом анда истироҳат кўргузуб, тонгласиким, душанба куни эрди, тонг вақтида кавкабаи волони ҳаракатға киргузуб, Маош ороли деган мавзени лашкаргоҳ этди. Сешанба оқшоми нисфиллайлда кўчуб, Хўжаберган томиға нузул қилиб, анда чоштлаб отланиб, Хўжаберган гунбазидин ўтуб туштилар. Ул мавзеда Арангғозининг барча тавобеи бирла кўчиб, фирорий бўлғон хабари масомеи алийяға етиб, ҳамул кечаким, чаҳоршанба оқшоми эрди, ул ҳазрат ғайрати жибиллий ва шижоати ғаризий ҳаракатидин ўз нафаси нафиси бирла фирорийларнинг изидин илғор қилмоқни ирода қилиб, ўрдуи аъло муҳорисатиға Муҳаммадпаноҳ бек ва Муҳаммаджон *иноқ* ва Худойназар *отолиқ* ва Муҳаммадниёз бек ва Қурбонқули ноиб ва Оёллоҳназар *бий* ва Абдуллоҳ бекни тайин қилиб, сипоҳи нусратпаноҳ била беш кунлик зоди роҳила кўтариб, суръати тамом ва истижоли локалом била илғор қилди. **Маснавий:**

Шаҳеким жаҳонгирлик комидур,
Сафар меҳнати кўнгли оромидур.
Машаққатни доим қилур ихтиёр,
Бўлур бу жиҳатдин анга бахт ёр.
Салотин анга бергуси божлар,
Салотинга ул бергуси тожлар.
Бўлуб мулку давлат анга пойдор,
Қиёматгача бўлгуси номдор.

Ҳазрат соҳибқирон бовужуди ҳаво бурудати ва совуқ шиддати ғайрат якрониға маҳмез бериб «кўзни кўр қилгудек қамаштирувчи чақмоқ чақини каби» қатъи масофат қилур эрди. Ногоҳ саҳоби қиргун парвизани мавкаби кайҳонпўи ғуборшабгунидек ҳаво юзин тутуб, андоқ кофурбезлик зуҳурға еткурдиким, ҳазизу авжни баробар қилиб, тоғ қуллаларин ёшурди. Балки пуштаи афлокдин ошурди. **Маснавий:**

Ғараз бу дурурким, шаҳи муҳтарам,
Хидеви фалак қадру заррин алам.
Чу ҳиммат била қилди азми қазоқ,
Анга йўлни ихлос ила қилғай оқ.

Дабур суръати замҳарир шиддатин ул масобада еткурдиким, ақлнинг тавсани тезгоми бир қадам урмоқдин мутааззир эрди ва идрокнинг қиловузи сарсархироми йўл бошқормоқдин мутаҳаййир. Ул ҳазрат бодпои ҳимматға рукуб қилиб, қоиди иқбол раҳнамолиғи била қатъи масофат қилиб, беш кунда Кичикбурсақға ёвуқ етганда, Нурум Султоннинг ўрдусиға етиб, барча молу мавошисин торожу ғорат қилиб, ўзи бетоб эрди, тутуб маҳбус қилдилар. Ва Искандар султон қочиб ҳалокат чангидин қутулди. Ва Арангғозининг онаси ва келинлари исорат қайдиға чекилди. Ҳазрат соҳибқирон ул кун илғаб, Кежбурсақға нузул қилди. Бу юрушда *қазоқ*иядин кўп киши мақтул бўлуб ва кўп аёлу атфол қайди исоратға чекилди. Беҳисоб мол оломонға ўлжа бўлуб, бениҳоят уйлар таланди. Ва сипоҳи зафаринтибоҳдин ҳам кўп отлар талаф бўлди. Ҳазрат соҳибқирон аркони давлат ва аъёни ҳазратнинг илтимоси била инони отифатин мурожиат жониби маатуф этиб, қўшдин рукуб қилиб, илғор қилғонининг ўн иккинжи куниким, якшанба эрди, Қўштом деган мавзеда қўшға нузул қилиб, дийдори пуранвор мушоҳидасидин кўзларга нур ва кўнгулларга сурур еткурди. Анда икки кун истироҳат кўргузиб, оломоннинг ўлжа ва ғаноимин хатға олдилар. Мингдин бири хатға кирмай, ақл муҳосиби ҳисобидин ожиз келди. Ва барча усарони сипаҳдорларға муҳофизат учун топшуруб ва Бектемур *охунд*нинг овулин кўчириб, сешанба куни лашкари ферузийасарни ҳаракатға киргизиб, Жонкант деган мавзени муаскар қилди. Чаҳоршанба куни андин кўчиб, Қувонак сувининг канорин муқарри боргоҳи ижлол қилди. Панжшанба куни наҳзат аламин жилваға киргизиб, Калтабош деган ерни мухайями хайёми иқбол этти. Жума куниким, жумодиссоний ойининг ғурраси[2711] эрди, андин саманди давлатға рукуб қилиб, кавкабаи тамом била Болиқлиға нузул қилди. Ва Жонғозихон била *қазоқ* акобиридин тўққуз соҳиби сарват бийким, чаповул асносида даргоҳи олампаноҳ мулозиматиға мушарраф бўлуб эрдилар, Болиқли мавзеида Жонғозихон бошлиғ барчасиға зардўзи либослар кийдириб, рухсат берди. Ва Раҳмонқуликим, бу сафарда *сардор*лиқ анга махсус бўлуб ва яхши хизматлар тақдимға еткуруб эрди, бийлик мансабин анга арзоний тутуб, тилло тузуклик тавсани бодпо ва тилло камарлик чакмани қийматбаҳо ва тилло қабзалиқ ханжари обдор марҳамат кўргузуб, ўз ақрону ашбоҳидин мумтозу сарафроз қилиб қайтарди. Шанба куни тонг била Болиқлидин ҳаракат кўргузуб, чоштгоҳ Сандалға нузул қилиб, андин туш вақти отланиб, Кечқирон деган мавзеға тушти. Ул кеча анда сарири истироҳат узра мутамаккин бўлуб, тонгласиким, якшанба эрди, андин роятафрози наҳзати бўлуб, Бусой деган мавзеда боргоҳи гардуништибоҳни барпой қилдурди. Ул ердин душанба куни ўрдуи аъло ва мавкаби волони ҳаракатға киргузуб, тавсани хушлижоми сарсархиромға рукуб қилиб, наҳзат роятиға жилва бериб, бир неча кун манозили мутакасира ва мароҳили мўътадидани қатъ қилиб, Қувбош усти била ўтуб, Ому канориға нузули фарҳатшумули файзидин гулистони Эрамдек таровати беандоза бағишлади. Ул мавзеда вазири аъзам, дастури мукаррам Муҳаммадюсуф *меҳтар* била низом ал-мулк ва-д-дунё Муҳаммадризо *қўшбеги* оломондин ғаноим химсин олмоқға маъмур бўлуб, ҳамул кун ул амрни биткардилар. Жумодиссонийнинг ўн бешинжи куниким, жума эрди, ул ҳазрат дарё қироғидин саманди давлатға рукуб қилиб, роёти иқболни жилваға киргузуб, кавкабаи тамом ва дабдабаи молокалом била мустақарри салтанатға нузул қилиб, маснади хилофатда оромгузин бўлди.

Баъзи содирот зикриким, ул ҳазрат дор ас-салтанаға нузул қилғондин сўнг судур топти

Ул жумладин: Ул аснода Курдистондин мулло Муродали изҳори ихлос ва убудият қилиб, даргоҳи олампаноҳ жибҳасолиқи шарафиға фоиз бўлди. Ва ҳам ул учурда Муҳаммад Ҳусайнхон карийким, *гўклан* акобиридиндур, *қизилбош*иядин Маҳдихон *қожор*нинг кишиларин ўлдириб ва анинг била ёғий бўлуб, уч-тўрт минг уйлик *гўклан* била Гургон бўйидин кўчиб, Қизилработдин Боми Бурамиғача ул ҳаволиға нузул қилиб, ўғлини Ўғлон эшон била элчи қилиб, утбаи аъло мулозиматиға юбормиш эрди, келиб изҳори убудият қилдилар. Мундин сўнгроқ ҳазрат соҳибқирон *явмут* акобиридин Мурод *сардор* ва Сори карнайни *соруқ* чаповулиға номзад қилди. Алар тўрт юз отлиғ *явмут* билан Сероб қудуқиға бориб, эл топа олмайин, беҳисоб мол суруб қайттилар. Ва Сори карнай йигирма киши била айрилиб қолиб, Рафатак ҳаволисидин кўп қўй ва ниҳоятсиз тева суруб қайтти. Бу сафарда *соруқ*дин йигирма чоғлиғ киши топиб, қатлға еткурдилар. Аввалғи қайтғанлар рўзадин аввал келиб, мулозиматға еттилар

[2711] 1235 йил 1-жумоду-с-соний/1820 йил 16 март.

ва сўнгғилар рўзанинг ўртасида келдилар. Ва рўзанинг йигирма бири[2712] да якшанба куни *явмут* ва *гўклан* ва *човдур* ва *йимроли* ва *қародошли сардор*ларин кўп йиғин била *соруқ* чаповулиға буюрди. Маъмурлар икки юз киши бўлиб, Рафатак йўлиға бориб, *соруқ*дин бироз киши ўлдириб, кўп тева ўлжа қилиб қайттилар. Ийди Фитрдин сўнг шаввол ойининг учи[2713] да жума куни Қоқа *сардор* баъзи *явмут* сипоҳи била *соруқ* чаповулиға маъмур бўлди. Алар дағи кўп киши била илғор қилиб, *соруқ*дин бениҳоят тева ўлжа қилиб суруб қайттилар. Ҳазрат соҳибқирон зу-л-ҳижжа ойининг ўн саккизи[2714] да сешанба куни шикор иродаси била отланиб, Ҳазорасбға нузул қилди. *Амири кабир* Қутлуғмурод *иноқ* Хоса ёфининг бўйиндағи ҳавлисиким, тоза бино топиб эрди, анда яхши тўй бериб, зиёфати шоҳона ва хизмати писандида тақдимға еткурди. Ул ҳазрат андин рукуб қилиб, Шайхариқиға нузул этти. Ул навоҳида яхши қушлаб, дарёдин убур қилди. Ул тарафда дағи ҳар кун шикор қилур эрди. Бир кун шикор ҳангомида отдин йиқилиб, муддате беҳуш бўлди. **Байт:**

Кўзларига бўлуб жаҳон дигаргун,
Ер узра йиқилди гўйи гардун.

Оз фурсатдин сўнг ҳушиға келиб, ул минган отни кўп тилло била тасаддуқ қилди. Барча умаро ҳам ул ҳазратға мувофиқат кўргузиб, садақа бердилар. Андин сўнг дарёнинг ул тарафидин ошоқға юруш қилди. Ул овонда Аваз *юзбошиии така* халқи била *соруқ* чаповулиға номзад қилди. Ва баъзи дерларким, ҳамул кун Мурод *сардор*ға жами *така*нинг хонлиқи ёрлиқин иноят қилди. Ҳам ул аснода мазкур ойнинг авохиридаким, ул ҳазрат Урганж тушида эрди, Жонғозихон ва Раҳмонқули *бий қазоқ*дин келиб, Арангғозининг хуруж қилғон хабарин масомеи аълоға еткурдилар. Бу хабарни эшитгандин сўнг ул ҳазрат Жиянғози султон ва Искандар султон ва Тавка султонниким, зу-л-қаъда ойинда мулозиматға келиб эрдилар, аларға баъзи *қазоқ*ия асирларин бериб рухсат бериб эрди, йўлдин қайтариб, Қиличниёз бойнинг ҳавлисиға тушурдилар. Ва Жиянғозини Кажак била хабаргирлик учун *қазоқ*ға юборди. Ул учурдаким, зу-л-ҳижжа нинг салхи[2715] шанба эрди, Султон *мироб* вафот топти. Анинг вафотиға устоди гиромий Мунис *мироб* марҳумий икки таърих топибдурким, бири будур. **Таърих:**

Беки гардунҳашам, мироб*и динпарвар, амири даҳр,*
Ҳумоюнноми щ Султону султоннасл, дарёдил.
Баногаҳ тарки олам дода аз шавқи худованди,
«Раҳи фирдавс рафт ў»ҳам аз он таърих шуд ҳосил.

Яна бири будур, **таърих:**

Мироби олиймақзилат Султонбек фаррухнажод,
Бўсид гардун пеши ў хам гашта хоки остон.
Аз шавқи васли Эзиди бигузашта з-ин дунёи дун,
«Бо тожи иймон рафту дар фирдавс шуд» таърих аз он.

Ул ҳазрат Қапқоқли тушидин дарёни кечиб, Ҳилолиға нузул қилди. Андин Бадркандга, андин отланиб, муҳаррам ойининг тўрти[2716] да дор ал-хилофаға нузул қилди.

[2712] 1235 йил 21-рамазон/1820 йил 23 июн.
[2713] 1235 йил 3-шаввол/1820 йил 14 июл.
[2714] 1235 йил 18-зу-л-ҳижжа/1820 йил 26 сентябр.
[2715] 1235 йил 29-зу-л-ҳижжа/ 1820 йил 7 октябр.
[2716] 1236 йил 4-муҳаррам/1820 йил 12 октябр.

Подшоҳи *гуфронпаноҳ*нинг жулусининг ўн олтинжи йилининг вақоеи. Ул жумладин ҳазрат соҳибқирони мағфиратнишон била Бухоро подшоҳи амир Ҳайдарнинг орасиға низо тушмакнинг баёни ва мувофиқат шишасиға санги мухолифат етушмакининг достоин ва шаҳаншоҳи мағфурнинг Бухоро савбиға чаповул буюрмоғининг воқеоти ва баҳодирларнинг ошуби турктоз била ул мамоликка растахез солиоғининг мақолоти

Ахбори ажиба ровийлари ва осори ғариба ҳовийлари бу янглиғ бадиатироз ва вақиапардозлиғ кўргузурларким, чун тавоифи *қазоқ*иядин *чумакой* халқининг баъзи авбош ва ҳаромиларидин афъоли ношойиста ва аъмоли нобойиста зуҳурға етиб, ҳазрат соҳибқирон аларнинг гушмоли ва танбеҳи учун сана минг икки юз ўттуз олтида (1236) Қўй йилининг авоситида Дашти Қипчоқ сафарининг таҳҳияйи асбобиға машғул эрди, ул аснода Марв такасининг арозил ва ҳаромиларидин кўп ҳаракати қабиҳа ва хислати вақиҳа содир бўлди. Ул жумладин бири буким, ул жамоадин бироз отлиғ ўғрилиқ тариқаси била келиб, бир тун Ҳазорасб музофотидин біровнинг уйиға қуюлиб, икки-уч нафар одамни исорат сарпанжасиға гирифтор қилиб, бироз мол олиб қочтилар. Бу хабар ҳазрати *гуфронпаноҳ*нинг самъи шарифиға етиб, *қазоқ*ия муонидларининг танбеҳидин *така* жамоасининг таадиби аҳамм ва авло кўриниб, Марв азиматининг яроғ ва асбоби саранжомиға иштиғол кўргизди. Ва ул ҳазрат бу бобда «ишларингизда улар билан маслаҳатлашинг[2717]» мазмуни ҳумоюниға амал қилиб, Бухоро *волий*си амир Ҳайдар подшоҳғаким, кўп муддатдин бери биров-бировга русал ва расоил юборишиб, дўстлиғ ва якжиҳатлик маросимин зуҳурға еткурур эрдилар ва Марв мамлакати дағи анинг таҳти тасарруфида эрди ва ул диёр аҳлининг зуҳурға еткурган аъмоли қабоиҳ ва афъоли фазоиҳларин китобат қайдиға чекиб ва мазкур бўлғон икки амрким, бири *қазоқ* таадиби ва бири *така* гушмоли эрди, бу икки амрда машварат юзидин сифорат расми била Берди *иноқ*ни амир Ҳайдарга ирсол қилди. Берди *иноқ* ул машваратни амир Ҳайдарнинг самъиға еткургач, амомаи ифтихорин гунбази давворға ҳамсар қилиб, башошати тамом ва мусаррати локалом зуҳурға еткурди ва *така* ҳаромиларининг гушмоли ва танбеҳиға мутасадди бўлуб ва мамолики маҳрусадин олинғон барча усаро ва молу ашёни истирдод қилиб, жанобი салтанатмаобға юбормакка мутакаффил бўлуб, Берди *иноқ*ни таъзими вофир ва такрими мутакосир била қайтарди. Чун Берди *иноқ* остони сипеҳрнишон мулозиматиға етиб, амир Ҳайдарнинг ихлоснишон сўзин маърузи ройи оламорой қилди, ул ҳазрат Марв азиматин фасх қилиб, Дашти Қипчоқға *қазоқ* устиға отланиб, ул элни мақҳур ва мустосил қилиб ва ул мамлакатни таҳти фармониға киюриб қайтиб, мустақарри хилофатға нузул қилди. Ва бироз муддатдин сўнг амир Ҳайдарнинг қилғон ваъдасининг натижаси зуҳурға етмаган жиҳатидин ул ҳазрат яна анга элчи юборди. Бу навбат истеҳзо юзидин элчиға дедиким «*тарокима* халқи зиёда бебок ва бебош халқ бўлурлар. Аларға таади бериб, истирдоди мол қилмоқға киши буюрсам, атрофу жавонибға мутафарриқ ва паришон бўлуб, авбош ва ҳаромилари топилмағусидир. Бу янглиғ ишга журъат кўргуза олмасмиз. Агар қила олсалар, ул ҳазратнинг ўзлари ул жамоаға танбеҳ бериб, жазоға еткурсинлар.» **Қитъа:**

Кўнгулни боғлама номард ваъдасиға даме,
Ки ваъдасида анинг бўлмағай вафо ҳаргиз.
Мулойим ўлма даме душмани қадимингға,
Мулойимат била ул бўлмас ошно ҳаргиз.
Тоши йилоннинг агар ҳар неча ки базм дурур,
Ва лек бўлмас ичи заҳардин жудо ҳаргиз.

Чун амир Ҳайдарнинг ул янглиғ девонавор ва ҳазлосор сўзларининг тунбодидин ул ҳазратнинг замири дарёназириға жўшу хуруш тушиб, тиладиким, Марв диёрининг бинои иморатин ғазаб селобидин мунҳазим ва *така* хайлининг хошоки вужудин теғи тездамининг сарсаридин мунадим қилғай. Ва яна камоли бурдбордин «сабр шодлик калитидир[2718]» мафоди била сабр қилиб ва хотири дарёмақотириға таскин бериб «ҳар бир ишнинг ўз вақти бор[2719]» муқтазосиға кўра истижол кўргузмай, тақозои вақт

[2717] Қуръони карим, 3 : 159.
[2718] Араб ҳикмати.

била бу амрни гўшанишини хотири хатир қилиб, неча йиллар Хуросон *тарокима*сидин *така* тоифаси билаким. Ахал музофотида ва тоғ этагида мутамаккин эрдилар, муҳориботи бисёр ва муқотилоти бешумор зуҳурға еткуруб, охир ул тоифани мағлуб ва мустосил қилиб, итоат ва инқиёд қайдиға чекиб ва ул атрофдағи қулло ва билодни таҳти тасарруфиға киргузди. Ва *қазоқ* саркашлариға ҳам гушмоли балиғ еткуруб, чун атроф-жавонибдин фароғи дил ҳосил қилди, Марв такасиким, Хоразм тавобеидин чаповул қилиб, бироз мол олмиш эрдилар ва бир неча киши аларнинг қўлида исорат қайдиға гирифтор эрди, андоқким собиқан мазкур бўлди, аларнинг интиқоми учун ҳазрат соҳибқирон сана минг икки юз ўттуз олтида (1236) Лу йилининг авоситида *явмут* зубдаларидин Ёрқули паҳлавон ва *йимроли* акобиридин Одди *вакил* ва Араб *сардор* ва Али ва Назрбек ва *човдур* аозимидин Сафарбой ва Бойли *юзбоши* ва Қурбонгалдини Марв чаповулиға номзад қилди. Маъмурлар тўрт юз отлиғ била илғор қилиб, *соруқ*нинг *олоша* деган тийрасин чопиб, йигирма тўрт кишини доми исоратға гирифтор қилиб ва уч юз тевасин суруб мурожиат кўргуздилар. Ул аснода Чоржўй *ҳокими* Отахон бек ва Каримқули бек амир Ҳайдарнинг фармони била дарёйи Амунинг жанубий тарафидағи эйлотининг барча отлиғларин йиғнаб, минг беш юз отлиғ бўлуб, Бектўпа деган мавзеда оломоннинг ўтрусиға чиқиб, ясов чектилар. Ул учурда акобири оломон бир кишини элчи қилиб, Отахон бекнинг олдиға юбордилар. Элчи бориб, Марв такасидин зуҳурға етган афъоли қабиҳни ҳазрат соҳибқироннинг алар табеҳида машварат учун амир Ҳайдарга элчи юборганин ва амир Ҳайдарнинг аввал *така* хайлининг таадиби ва асирларнинг итлоқиға мутасадди бўлуб, сўнгра ул амрни ул ҳазратнинг ройи оламоройиға тафвиз қилиб, ризо берганин ва султони соҳибқироннинг фармони олийшони била интиқом олмоқ учун ўзларининг чаповул қилғонин бир-бир баён қилди. Анинг сўзиға қулоқ солмайин, барча бирдин мусаллаҳ ва мукаммал бўлиб, аксари ажал бодасидин сармасти нашаи фано бўлғоли уруш хуморидин ҳалокат хамёзасин тортиб, оломоннинг устиға юруш қилдилар. Оломон дағи ноилож иттифоқ била фидоийвор от солиб, душман суфуфиға аралашиб, қатлу кўшеш кушишида анча муболаға кўргуздиларким, душманлардин Отахон бек бошлиғ кўп кишини қатлға еткуруб, қаробошли туғин туширдилар. Бу сониҳа мушоҳидасидин душман хайлиға раабу ҳарос муставли бўлиб, ҳазимат топиб, то қалъасиға кирмагунча бир ерда ором тутмадилар. Баҳодирлар таоқиб қилиб, кўп кишини теғи хунрез дамидин ўткариб, музаффар ва мансур мурожиат қилиб, манозили мутакассира қатъидин сўнг дарбори олиймиқдор мулозиматиға мушарраф бўлуб, Бухоро сипоҳидин зуҳурға етган ношойиста афъолни маърузи ройи оламорой қилдилар. Ул ҳазратнинг хотири хатириға ул воқеа вуқуи бағоят шоқ ва гарон келиб, боиси низо ва сабаби инқито бўлди.

Суюн бийнинг Олтун Жаппосға чаповули. Чун Арангхонғозининг хуруж қилиб, *қазоқия* улусиға дасти тааррuз еткурмакин Жонғозихон келиб, утбаи аъло ходимоарининг ройи анварлариға маъруз қилмиш эрди, бу аснода ул хабар ҳадди тавотирға етиб, ул ҳазрат сана минг икки юз ўттиз олтида (1236) жумода-л-аввал ойининг олтиси[2720]да панжшанба куни Наврўздин олти кун бурун Суюн*бий*ни бош қилиб, Жонғозихон ва Қурбонниёз ясовулбоши ва шамхолчилардин Баки *юзбоши* ва Авазберди *юзбоши* ва қуллардин Аваз *юзбоши* ва Жайран *юзбоши* ва *қароқалпоқ*дин *Тўра*бекни бошчи қилиб, барча *явмут* сипоҳин Олтун Жаппосға Арангхонғозининг қасдиға номзад қилди. Маъмурлар жиноҳи истижол била қатъи манозил ва таййи мароҳил қилиб, Олтитўпага еттилар. Андин юқориға етти кун Арангғозини талаб қилиб, суръати тамом била илғор этиб, изидин ета олмадилар. Нединким, ул учурда Бухоро корвонин талаб ва оломон Олтитўпага етмасдин етти кун бурун хабар топиб, фирорий бўлғон эркан. Андин сўнг оломон ул атрофдағи элга тохту-тоз еткуриб, беҳисоб кишини мақтул ва маасур қилиб ва ҳаддин зиёда мол ўлжа этиб, мурожиат кўргуздилар. Ва эллик олти кунда чаҳоршанба куни жаноби рифъатмаоб мулозиматиға еттилар. Ўлжалари ул масобада кўп эрдиким, қўйдин юз эллик мингдин зиёда эрди ва панж-як олинғондин сўнг қолғони саксон беш минг қўй бўлди. Ва ўн етти минг қўй панж-як олинди. Ва йилқи-ю тева дағи бу тариқада эрди.

Човдур баҳодирларининг Чоржўйға чаповул урмоқи. Ҳамул йил жумода-л-охир ойининг йигирма иккиси[2721]да душанба куни ҳазрат султони соҳибқирон *човдур* баҳодирларидин тўрт юздин кўпрак ки-

---

[2719] Араб ҳикмати.

[2720] 1236 йил 6-жумода-л-аввал/1821 йил 9 феврал.

[2721] 1236 йил 22-жумода-л-охир/1821 йил 27 март.

шини Чоржўй чаповулиға буюрди. Маъмур баҳодирлар фармони вожибилизон мавжиби била ҳамул кун отланиб, дарё қироғи била мақсад тарафиға озим бўлдилар. Иттифоқо, бозор куни Чоржўйға дохил бўлуб, балои ногаҳоний ва қазои осмоний янглиғ ул эл хабар топмайин, бозорға қуюлдилар. **Маснавий:**

Қилич тортиб ул хайли журъатнамо,
Алоло солиб кирди бозор аро.
Бўлуб хасм эли эйла ҳайрону лол,
Ки тебрарга қолмай бирида мажол.
Бўлуб гурдлар ҳар тараф тегзан,
Тўлуб кўчалар ичра жонсиз бадан.
Анингдек қирилди улуғ то кичик,
Ки бозор аро кимса қолмай тирик.
Суруб ҳар тараф кин аҳли бодпо,
Кириб барча уй-ю, дуккокин аро.
Матову қуммошин фаровон олиб,
Нуқудини улча ки имкон олиб.
Қилиб ҳар тараф журъат изҳорини,
Аён эттилар ҳашр бозорини.

Ул кун ажал бозорин андоқ қиздирдиларким, қиёмат бозори шаъниға шикаст еткурдилар ва ҳамул дам хунрезлик қавоидин андоқ бажой келтурдиларким, Баҳроми хуношом шукуҳин синдирдилар. Ва ул бозор аҳлининг улуғ ва кичикининг амтааи жону ақмашаи равонин харидори ажалга бир нархдин сотиб, охират чорсусиға узоттилар. Ва ўзлари савдосин буткарган тужжордек ул бозордин матои фаровон ғанимат қилиб ва бениҳоят қўй ва от ва эшакни суруб, мурожиат кўргуздилар. Ва сипоҳи зафардастгоҳдин Қўшкўприклик бир йигит нобуд бўлди. Ва ўзгаси солиму ғоним ражаб ойининг еттиси[2722] да душанба куни остони саодатпосбон жибҳасолиқиға шарафи истисод топиб, алтофи подшоҳийға махсус ва аотифи номутаноҳийға машмул бўлдилар. Ва бу сафарнинг имтидоди ўн беш кун бўлди.

Сори карнайнинг Сохор ва Чоржўйға чаповул урмоқи. Ҳамул йил шаъбон ойининг саккизи[2723] да панжшанба куни ямут акобиридин Сори карной бошлиғ етти саркарда саккиз юз киши била султони соҳибқирондин рухсат олиб, Чоржўй чаповулин қасд этиб отландилар. Бир неча кун қатъи масофат этиб, чун Чоржўйға ёвуқ еттилар, анга дахл қилмай, қум ичидин ўтуб, бир жойда таваққуф қилдилар. Чун чобуксавори хуршиди рахшон тун масофатин қатъ этиб, ду дам теғининг ламаи дарахшони намоён қилди, алар дағи муборизат теғин ниёми ғайратдин чекиб, *Сохор* устига чаповул урдилар. Аммо, ул эл аввалроқ хабар топиб қолиб ва Бухоро черикидин беш юз отлиғ келиб, аларға қўшулғон эркан. Ва атроф-жавониби дағи девор ва боғлиқ ва дарахтлиқ бўлур эркан. Оломон бу жиҳатдин кўп киши ва кўп ўлжа тушура олмадилар. Тушурган асирлари ўн беш киши эрди ва олғон ўлжалари тева ва от ва *ўкуз* ва эшакдин икки юзга етар эрди. Чун андин мурожиат қилиб, Бектўпагаким. Чоржўй қўрғониға карибдур, ёвуқ еттилар эрса, тўпа устида уч-тўрт отлиғ кўринди. Оломон филҳол от солиб, тўпа устига чиқтилар ва ул отлиғлар қочиб, ошоқға тушти. Кўрдиларким, Чоржўй черикидин беш юзча отлиғ тўпанинг остида турубдур. Бовужудиким, ҳануз оломоннинг кўпраки чаповулдин қайтиб, жам бўлмайдур эрди ва зиёда оз эрдилар, Чоржўй лашкари оз кўриб, оломон тарафиға ҳаракат кўргуздилар. Оломон даги шери ғўррондадек фидоийвор ҳамла еткурдилар. Душман сипоҳи бир ҳамлаға тоқат қила олмай, рубоҳ мисол рўйгардон бўлуб, фирор тариқиға ҳазимат маркабин сурдилар ва лашкари зафарасар озлиқ жиҳатидин таоқуб қилмадилар. **Қитъа:**

Хайлинг кўпу озидин магруру малул ўлма,
Душманга зафар топмоқ Тангри карамидиндур.

[2722] 1236 йил 7-ражаб/1821 йил 10 апрел.
[2723] 1236 йил 8-шаъбон/1821 йил 11 май.

Кўпдур ки бу майдонда беҳад сипаҳи ғолиб,
Оз душманеға ожиз иқбол камидиндур.
Иқбол чу юз урди оз лашкари ожизга,
Аъдоға ҳадар анинг қон теги дамидиндур.

Ул аснода Чоржўй *ҳокими* Исматуллоҳ бек барча улусни отлиғ ва яёқ қалъадин чиқариб ва ўзи қаробош туғни жилваға киргузуб, дарвоза ёвуқидин саф тортиб, жувонғорни ораста ва пироста қилди. Ва ўзга саркардалар тўрт бойдоқ била минг кишига қариб сипоҳи зафардастгоҳ савбиға ҳаракат кўргуздилар. *Явмут сардор*лари бу ҳолни мушоҳида қилғач, барча бирдин ҳужум этиб, иттифоқ била от солиб, ҳамла еткурдилар. Ва аввалғи ҳамлада сипоҳи накбатдастгоҳ босилиб, фирорий бўлдилар. Баҳодирлар таоқуб қилиб, синони жонситон ва теғи хунфишон била лашкари аъдони ўлтура-ўлтура бир ёфға еттиларким, душман гуруҳи бир-бирининг устиға йиқилиб, ёфнинг ичи оту одамлар била тўлуб, лаболаб бўлди. Муборизлар дағи ёфға кириб, гуруҳи душманни андоқ ўлдирдиларким, ҳамул ёф ичин аъдо кушгаси била тўлдирдилар. **Маснавий:**

Тўкулди ҳамул ёф аро эйла қон,
Сув ўрнига қон ўлди ҳар ён равон.
Ётиб қон ичида кесук бошлар,
Анингдек ки сув остида тошлар.

Лашкари зафартавом балои мубрам янглиғ ёфдин ўтуб, ҳазиматийлар изидин кўп кишини қатлға еткуриб, чун қалъа ёвуқиға еттилар, Исматуллоҳ бек дағи шери нар ҳамласидин қочғон модаи рубоҳдек баҳодирлар ҳамласиға тоби муқовимат келтура олмай, руйгардон бўлиб, машаққати тамом ва суръати локалом била қўрғонға кириб, мутаҳассин бўлди. Ул аснода сипоҳи зафарпаноҳ муборизат қиличин ниёми жалодатдин тортиб, лашкари аъдоға андоқ сурдиларким, Асфандиёри сафшикан руҳиға ҳаловат еткурдилар. **Маснавий:**

Сипаҳ аҳли ҳар сори Рустам мисол,
Қилиб қатл иши ичра жаҳду жидол.
Сарафшонлиг эттилар андоқ аён,
Ки ул шаҳрни сарбасар тутти қон.
Ётиб кушталар неча харвор ўлуб,
Фалак хирманидин намудор ўлуб.
Чу айлаб сипаҳ аҳли фархошлар,
Кесиб ҳар бириси неча бошлар.
Киши қолмайин неча бош олмайин,
Киши неча бош олмайин қолмайин.

Чун сипоҳи нусратдастгоҳ пешинғача қатлу кўшеш, наҳбу ғоратға иштиғол кўргизиб, пешиндин сўнг лашкари накбатинтибоҳдин кўп от ўлжа қилиб ва уч бойдоқ тушуруб, мурожиат кўргуздилар. Ва оломони зафартавомондин уч киши *Сохор* чаповулида қолди ва икки киши Чоржўй қалъасининг остида ўқ тегиб ўлди. Ва жума куни моҳи мазкурнинг йигирма учи[2724]да утбаи аъло мулозиматиға мушарраф бўлуб, авотифи хусравона била сарафроз бўлдилар. Бу сафарнинг муддати олти кун эрди.

Давлатназар *бий*нинг **Нуротонинг ҳаволисиға чаповул урмоқи.** Давлатназар *бий* шаъбон ойининг йигирма беши[2725]да *қароқалпоқия юзбоши*лари бирла шаҳаншоҳи мағфиратдастгоҳдин рухсат олиб, дарёдин убур қилиб, Андарой чангал(ўрмон)ин муаскари лашкар этти. Барча йиғин йиғнолғандин сўнг Чўнгулдин кўчуб, журъат якронин шижоат майдониға суръати тамом била суруб, манозили мутаккасира ва мароҳили мутанаввеа қатъидин сўнг Нуротонинг навоҳисидин дохил бўлуб, атроф-жавонибға

[2724] 1236 йил 23-шаъбон/1821 йил 26 май.
[2725] 1236 йил 25-шаъбон/ 1821 йил 28 май.

чаповул урдилар. Баҳодирлар теғи жалодатни ниёми интиқомдин чекиб, ул ҳаволидин юз чоғлиғ киши топиб, қатлға еткурдилар. Ва йигирма етти кишини қайди исоратға чекдилар. Ва ўзларидин уч киши қатлға етти. Ҳамул кун ўлжа тушуруб, мурожиат қилдилар. Рамазон ал-муборак ойининг йигирмаси[2726] да чаҳоршанба куни аларнинг олдидин чопар келди. Моҳи мазкурнинг йигирма бешида душанба куни ўзлари остони фалакнишон хокбўслиқиға мушарраф бўлдилар.

Дўсим бийнинг Бухоро чаповулиға отланмоқи ва тақдири илоҳий била адашиб, бе нили мурод ёнмоқи. Мазкур ойининг ўн еттиси[2727] да якшанба куни подшоҳи *гуфронпаноҳ* Дўсим *бий* ва Бекижон бек Бухорийни *ўзбак* ва *явмут* ва *човдур* ва *йимроли*дин етти минг киши била Муҳаммадниёз ясовулбоши ва Авазберди *юзбоши* ва Аваз *юзбоши* ва ғайриҳумни масҳуб қилиб Бухоро чаповулиға буюрди. Алар бир неча кун қатъи масофат этиб, Хўжа канфасиға ёвуқ етганда, Қароҳожи устидин Қарокўлни чопмоқ учун Қандаҳор қумиға кирдилар ва анда Тангри таоло хоҳиши била адашиб, бир неча кун саргардон бўлуб, саросималиғ била қайттилар. Аммо, кўп от ва қирқ киши ташналик жиҳатидин талаф бўлдилар. Ул жумаладин Бекижон бек ва Жаҳонгир бек Бухорий ва Қутлуғмурод *юзбоши* эрдилар.

Аммо. Бекижон бек ва Жаҳонгир бек Бухорий бироз киши била адашиб, Хўжа канфасига чиқиб, ул кантнинг одамлариға асир бўлдилар. Ул жамоа аларнинг ўн бирин қатлға еткуруб ва бошларин олиб ва Бекижон бек ва Жаҳонгир бекни етти киши била ўлтурмай, Бухороға юбордилар. Бу воқеа хабари ийди Фитрнинг сўнгғи куниким, якшанба эрди, шаҳарға келди.

Мурод сардорнинг чаповулининг тазкараси. Дўсим бийларнинг хабари келгандин уч кун сўнг ҳазрат шаҳаншоҳи *жаннатжойгоҳ явмут* зубдаларидин Мурод *сардор*ни эллик киши била тил тутмоқға Бухоро савбиға буюрди. Ул ҳасб ал-фармон якрони сарсарнишонға маҳмез бериб, қатъи манозил ва биёбондин сўнг Бухоро музофотиға дохил бўлуб, Хўжа канфаси қўрғонин чопиб, ўн беш кишини қатлға еткуруб, кўп мол ўлжа қилдилар. Андин ўтиб, Элжик била Хўжа канфаси орасидағи қирнинг устида Қарокўлдин келатурғон Элжик корвонин торож қилиб ва Тузлоқдин дағи кўп кишини мақтул қилиб, мурожиат кўргуздилар. Ва ўн уч кунда дарбори сипеҳрмадор мулозиматиға фоиз бўлуб, иноёти шоҳона ва инъомоти хусравона била аржуманд ва баҳраманд бўлдилар.

Ниёз баҳодирнинг чаповулчилари Бухоро савбиға азимат қилмоғи ва Қурбонбой тўқсобанинг анга учраб, лашкари бирла қирилмоғи. Ҳамул йил зу-л-қаъда ойининг авосити[2728] да хусрави Жамжоҳ ва хидеви *мағфиратқулоҳ* Ниёз баҳодир бошлиғ *явмут* оломонин Бухоро тавобеидин Элжик чаповулиға номзад қилди. Алар шижоат водийсиға суръат якронин суруб ва қатъи манозилдин сўнг ўзларин Қиз қалъасиға еткуруб, Қурбонбой тўқсобани барча лашкари [била] охират водийсида манзилгузин ва адам диёрида узлатнишин қилдилар. Бу мақол тавзиҳи улким, чун ул аснода амир Ҳайдар подшоҳ Қурбонбой тўқсобани икки юз отлиғ *тожик*ғаким, барчасининг паймонаи умри ажал шарбати ногуворидин тўлмиш эрди, бош қилиб, мамолики маҳруса чаповулиға номзад қилдилар, токим чўпон ва саҳронишинларға дастбурде еткура олғай. Ва ғофил андинким, замона аларнинг бошлариға на ишлар солғай. Чун Қурбонбой тўқсоба лашкари хисоратпаноҳ била ҳаракат кўргузуб, хуршиди жаҳонтоб самт ир-раасға етганда, Қиз қалъасининг ҳаволисиға нузул этиб, барча марокибни белижом ва берисмон[2729] алафзорлиқға мутлақ ал-инон қилиб юбордилар. Ва ўзлари ҳаво ҳароратиға тоқат қила олмай, ҳар ким жома ва амомасидин соя қилиб, баъзи уйқулаб ва баъзи чой пишириб ва баъзи табхи таом қилиб, ийман ва мутмаин эрдилар, ул ҳолда сипоҳи зафарқаринким, қатлу кўшеш бобида ажал жаллоди аларнинг камин шогирди эрди, қазои осмоний янглиғ сипоҳи ғафлатогоҳ сарвақтиға етиб, шамшири тез ва ханжари хунрез била аксарининг номуборак бошин жасади пурҳасадларидин андоқ жудо қилдиларким, руҳлари ҳам хабар топмай, қиёматға текру уйғонмас уйқуға бордилар. Ва баъзиси саросимавор жон ваҳмидин атрофу жавонибға пиёда ва яёқ юз урди. Лашкари ферузийасар изидин етиб, аларни дағи ажал хобгоҳиға юбордилар. Гуруҳи накбатпажўҳдин бир киши тирик қолмай, барчаси баҳодирларнинг теғи дамидин ўтуб, адам сарманзилиға еттилар. **Маснавий:**

[2726] 1236 йил 20-рамазон/1821 йил 21 июн.
[2727] 1236 йил 17-рамазон/1821 йил 18 июн.
[2728] 1236 йил 14-зу-л-қаъда/1821 йил 12 август.
[2729] Белижом ва берисмон – эгар-жабдуқсиз ва арқонсиз.

Сипоҳе ки юз урса ғафлат анго,
Етар ҳар тараф хайли офат анго.
Адув илгига мубтало бўлгуси,
Бошу молидин ҳам жудо бўлгуси.
Басо хайли душманкўшу зўрдаст,
Топиб ғафлат ила адувдин шикаст.
Басо лашкари ожизу ҳазмвор,
Чиқариб дурур зўрлардин димор.

Чун сипоҳи нусратогоҳ аъдои ғафлатинтибоҳ ажсоду абдонидин ул мавзеда уқба ва таллар аён этиб, барча марокиб ва мавоши, асбобу ҳавошиларига мутасарриф бўлиб мурожиат жонибиға равон бўлдилар ва бир неча кун қатъи масофат этиб, мазкур ойининг авохири[2730]да утбаи алийя жибҳасолиқи шарафиға мушарраф бўулиб, карами шоҳонадин либоси хусравона била мулаббис бўлдилар.

Човдур саркардаларининг Бухоро чаповулиға отланмоқи ва Вордонзини тохту-тоз қилиб, кўп ўлжа била ёнмоқи. Бу воқеадин хабар топиб, амир Ҳайдарнинг отланиб, Ражаб бек иноқ бошлиғ етти саркарда била кўп йиғинни оломоннинг изидин номзад этмаки ва сипоҳи накбатпаноҳнинг истижол маркабин водии хазлонға суруб, лашкари зафарасарнинг ақабидин етмаки ва муҳорибаи азим воқе бўлуб, аъдо сипоҳиға шикасти фоҳиш етиб, ҳазимат кўргузмаки ва баҳодирлар кўп кишини қатлға еткуруб, Эрдона бекни маасур қилиб ва етти қаробош туғин тушуруб, обрўйи тамом била мурожиат оҳангин тузмаки

Қалам яккатози жалодат якронин саҳифа майдониға бу янглиғ сурар ва ўзин суфуфи сутурға бу нав далерона еткурарким, чун зу-л-қаъда ойининг авосити[2731]да *явмут* оломони Элжик чаповулиға отланғон куни *човдур* саркардаларидин Суюн баҳодир *абдол* ва Сафарбой ва Бойли ва *қароқалпоқ*иядин Тўлаган *юзбоши* ва *Тўра*бек *юзбоши* бироз оломон била соҳибқирони *жаннатмакон*дин фотиҳа олиб, Бухоро чаповулиға истижоли тамом била озим бўлиб, Вордонзини чопиб, кўп кишини қатлға еткуруб, уч юз тева ўлжа қилиб қайттилар. Йўлда Бухоро черики аларнинг изидин етиб, қаттиғ муҳориба воқе бўлди. Сипоҳи аъдо шикаст топиб, фирорий бўлди. Бу ижмол тафсили улким, чун лашкари зафарасарнинг Вордонзини чопғон хабари амир Ҳайдарга етиб, филҳол атрофға навкар сурмак учун тавочилар буюриб ва ўзи саманди идборға савор бўлиб, роёти шамотатоётни жилваға киргизиб, хисорати тамом била шаҳардин чиқиб, ажлати нофаржом била озим бўлди. Ва йўлда бир мавзеға нузул қилиб, Ражаб бек *иноқ*ни етти саркарда ва етти қаробош туғ ва минг беш юз чоғлиғ киши била оломоннинг изидин буюрди. Ва аларнинг изидин яна неча гуруҳи анбуҳни мутаоқиб юборди. Маъмурлар намози дигарда сипоҳи нусратпаноҳнинг изидин етиб, уруш солдилар. Оломон бовужуди озлиқ, таваккал жавшанин эгинлариға кийиб ва ҳиммат камарин белларига қўшаб ва муборизат қиличин ниёми интиқомдин чекиб ва ғайрат синони жалодат қўлиға олиб, шижоат якронин майдони иқболға суруб, ҳамалоти мутаоқиб била бабри дамон ва ҳазабри ғаррон янглиғ аъдо сипоҳиға аралашиб, қитолу жидол амриға иштиғол кўргуздилар. **Маснавий:**

Айлабон изҳори шижоат бори,
Юзланиб ошуб ила аъдо сори.
Сафлар ичига кирибон ҳар далер,
Эйла ки тилку галаси ичра шер.
Ҳар бири бир соридин айлаб ситез,
Солибон аъдо бошиға растахез.

[2730] 1236 йил 27-зу-л-қаъда/1821 йил 25 август.
[2731] 1236 йил 14-зу-л-қаъда/1821 йил 12 август.

Чирмашибон чархга яллар уни,
Солди адув бошиға маҳшар куни.
Тортилибон ханжару тегу синон,
Хасм элидин жон олибон тўкти қон.
Танлари туфроқ аро помол ўлуб,
Тиллар ҳайрат аро ҳам лол ўлуб.
Не қолибон берида тебрарга ҳол,
Не бирида разм қилурга маҳол.
Не ҳаракат бирисиға ёр ўлуб,
Барчаси чун сурати девор ўлуб.
Йўқ бирида гар ҳаракатдин нишон,
Лек бўлуб қонлари ҳар ён равон.
Ҳар сори ул дашт аро жонсиз бадан,
Айлади туфроқ аро беҳад ватан.
Жаҳд этибон лашкари нусратасар,
Мақсадича топти адувға зафар.

Чун сипоҳи зафардастгоҳ маъракаи корзорда намози дигардин то намозшомғача шамширбозлиқ ва сарандозлиқ маросимиға қиём кўргуздилар. Ва лашкари шамотатасар дағи номус юзидин, балки жон ваҳмидин ҳаракат кўргузуб, андак карру фар қилур эрди, охир баҳодирларнинг шер монанд ҳамалотиға тоқат келтура олмай, бовужуд зарроти қатаротдин ҳадду ададда зиёд ва афзун эрдилар, тариқаи фирорни жумлаи муғтанамотдин санаб, ўз бахти баргашталаридек сипоҳи шижоатпаноҳдин рўйгардон бўлуб, саманди хазлонни ҳазимат майдониға суруб, ўзларин амир Ҳайдарнинг касофатасар сангариға еткурдилар. Ва *Амир* дағи фирор ихтиёр қилиб, кечаси била Бухоро шаҳриға кириб, мутаҳассин бўлди. Ва лашкари ферузийасар ҳазиматийлар изидин таоқуб қилиб. кўп кишини теғи бедариғ ва синони жонситон зарби била ҳалокат сарҳадиға еткурдилар. Ва Ражаб бек *иноқ*нинг ўғли Эрдонобекни кўп киши била исорат қайдиға чекиб «биз уларнинг бўйинларини иягигача кишанларни уриб қўйдик[2732]» мадлули била бўйинлариға иғлоли гаронни солиб ва сипоҳи хазлондастгоҳнинг етти қаробош туғин олиб, ғанимати вофир ва ўлжаи мутакосир билаким, муҳосиби ақл анинг ҳисобидин ожиз келур эрди, мурожиат кўргуздилар. Ва ул урушда воқе бўлғон тааджжуботи ҳасанадин бири улким, бовужуди муҳориботи бисёр ва муқотилоти бешумор зуҳурға етиб, сипоҳи аъдодин кўп киши мақтул ва маасур бўлди ва лекин алтофи илоҳий ва аъотифи мутаноҳийдин лашкари нусратасарнинг бириға макруҳе етмади. Магар бир тевагаким, ул дағи аъдо гуруҳидин ўлжа қилиниб эрди, ўқ тегди. Ва аларнинг хабари беҳжатасари Қурбон ийдининг ўрта куни келди. Ва ўзлари зу-л-ҳижжа ойининг ўн беши[2733]да келдилар. Ва келур куни шаҳарнинг шимолия жонибида Нон емас мавзеида ниҳояти хушвақтлиғдин оломон шамшири буррон ва синони зафарнишонни жилваға киргизиб ва икки тарафдин икки саф ясаб, уруш йўсинида биров-бировига ҳамлаи салобатомез ва садами ҳайратангез еткуруб, овози тўфанг ва садои карной фалакфарсой бўлиб, ғубори сурмагун хуршиди оламтоб юзин тутти. Ва шаҳар аҳлидин тамошо учун хавосу авом йиғналиб, издиҳоми тамом бирла ҳангомаи қиёмат шавкатин синдурдилар. Ва баҳодирлар пешиндин намози дигаргача ўйин қилиб ва шаҳар аҳлига турлук тамошо била баҳралар еткуруб, беҳжати тамом ва мусаррати локалом била остони сурайёнишон хокбўслиқи шарафиға мушарраф бўлуб, авотифи хусравона ва мароҳими подшоҳона била мумтоз ва сарафроз бўлиб, хилои хуршидшио ва либосоти қийматбаҳо била мухаллиъ ва мулаббис бўлиб, гумонлариға кечмас илтифотларға махсус бўлдилар.

[2732] Қуръони карим, 36 : 8.
[2733] 1236 йил 15-зу-л-ҳижжа/1821 йил 12 сентябр.

Хони мағфурнинг жулусининг ўн еттинжи йилининг вақоеи. Ул жумладин: султони соҳибқирон ва хоқони фирдавсмаконнинг Чоржўй жонибиға наҳзат якронин сурмаки ва чаповул буюриб, душман гуруҳиға дастбурди азим еткурмаки. Ва амир Ҳайдарнинг гуруҳи анбуҳ била келиб, дарё қирофиға сипоҳи нусратпаноҳнинг муқобнласиға тушмаки. Ва тўпи душманкуб гулуласидин лашкари аъдо жамиатиға оташи тафриқа тушмаки. Ва дарё фосила бўлиб, икки лашкарнинг муҳориба майдониға кира олмай айрилмоғи. Ва ҳазрат соҳибқироннинг Элжик тушидин мурожиат қилмоқи

Хомаи мишкинрақам, аъни чобуксавори қалам афсона майдониға бу нав қадам қўяркимֻ чун таърихи ҳижрий минг икки юз ўттуз еттида (1237) сафар ойининг ўн беши[2734]да якшанба куни ва Йилон йилининг авохирида подшоҳи олийшон ва хидеви муалломакон, хони Сулаймонишон ва хоқони давлатпосбон, фармонфармои жаҳон, ҳодими аркон ал-бидъат ва-з-зуллом, мураввижи қавоид аш-шариат ва-л-ислом, **маснавий:**

Хидеви пуртадбиру жавонбахт,
Муалло жойгоҳу осмонтахт.
Ёруб адлидин анинг дин чироғи,
Қуруб қаҳри ўтидин куфр боғи.
Заррин ро-ю матин фикр шаҳаншоҳ,
Жаҳонбону қуёштожу фалакжоҳ.
Жаҳон вайронаси маъмур андин,
Масокин кўзларига нур андин.
Тўлубон файзи адлидин жаҳон пок,
Очиб гуллар тикан ўрнига ҳар хок.
Жаҳондин пок этиб аъдо вужудин,
Қилиб бўғз аҳлининг нобуд будин.
Топиб фақр аҳли айшу роҳат андин,
Фузун этти рифоҳият гумондин.
Фаоли хубу неку хислатидин,
Дили поку хулуси ниятидин.
Эрур жаннат аро соҳиби нигин ул,
Мақоми қурбда маснаднишин ул

– яъни халифат ар-раҳмон, зилл ас-субҳон Абулғози Муҳаммадраҳим Баҳодирхон *тағамадаллоҳу биғуфрониҳи* дор ас-салтанаи Хивақ *ҳафазаҳу оллоҳу таоло ан ал-ҳарақ вал-фарақ*дин, **байт:**

Миниб иқболу давлат маркабига,
Анингдекким қуёш кўк ашҳабига

– Аъломи зафарфаржомни жилваға киргизиб, уруш саранжомин ва юруш маросиму низомин тузиб, кавкабаи подшоҳий ва дабдабаи номутаноҳий била ҳаракат кўргузуб. Сайёд ҳавлисиким, рифъату матонат, назҳату тароватда. **Маснавий:**

Таъназани чархи муалло эди,
Айбгари жаннати аъло эди.
Айла фараҳгустару обод ўлуб,
Ким дилу жон сайдига сайёд ўлуб.
Ҳар важҳ ила гарчи эди муфтахир,
Шаҳ юзига лекин эди мунтазир.

[2734] 1237 йил 15-сафар/ 1821 йил 11ноябр.

Анга шавкати локалом ва ҳашмати майманатанжом била нузул қилиб, анинг дийдаи интизорин сумми сатур ғуборидин равшан ва вусули баҳоридин анинг дару деворин фирдавс боғидек гулшан қилди. **Маснавий:**

Анда қилиб бир кеча базми тараб.
Айш шаробини ичиб лаб балаб.
Ўлтирибон маснади иззат уза,
Роҳат этиб бистари беҳжат уза.
Ҳар нафас ошоми қадаҳ айлади,
Тонггача оҳанги фараҳ айлади.

Чун анжум шоҳи тун шабистонидин наҳзат оҳангин тузуб, фалак майдони қатъиға ҳаракат кўргузди, ҳазрат подшоҳи *гуфронпаноҳ* дағи Сайёддин саманди давлатға рукуб қилиб, жуюши қиёматхуруш ва мулозими нусратлозимлар била лозим бўлуб, душанба куни Янгиариқдаги работи фойиз ин-нишотининг зурваи ифтихорин нузули саодат вусули шарафидин фалаки давворға баробар, балки арши аъзамға ҳамсар қилди. Анда дағи бир кеча мутаваққиф бўлуб, сешанба куни андин азимат оҳангин тузиб ва алвияйи зафартаабияни жилваға киргизиб, шарафи нузулидин Хитой ҳавлисининг сари фахоматин гардунсой қилди. Тонгласиким, чаҳоршанба эрди. **Маснавий:**

Чиқти миниб маркаби гулгун уза,
Айла ки анжум шаҳи гардун уза.
Йўли ғубори ки фалакка етиб,
Ани қуёш дийдасиға каҳл этиб.
Озим ўлуб хайли сипаҳ ичра шоҳ,
Айла ки анжум аро тобанда моҳ.
Давлати ташрифға айлаб қабул,
Мулки Ҳазораспга қилди нузул.
Маснади иззатда мақом айлади,
Майли карам улча ки ком айлади.

Анда икки кеча таваққуф кўргизиб, саранжоми маҳоми сафардин сўнг асбоби айшу нишот ва олоти фараҳу инбисотни муҳайё қилиб, аркони давлат ва аъёни ҳазрат била базми шоҳона тузиб, мусаррат ва беҳжат ақдоҳин даврға киргизиб, саргарми бодаи ишрат ва сармасти саҳбои давлат бўлди. Жума куни Ҳазораспдин роятафрози наҳзат бўлиб, Яккачиқирни мухайями хайёми иқбол ва муқарри кавкабаи ижлол қилди. Ул мавзедин Соат *сардор*ни *соруқ* черикигаким, бироз муддатдин бери дарбори фалакмиқдор мулозимати ҳавосида ўзларин ул ҳазратнинг жонсипор бандалари зумрасиға ихлос юзидин дохил қилмиш эрдилар, келтирурга номзад қилди. Анда икки кеча оромгузин бўлиб, якшанба куни. **Маснавий:**

Шоҳи гардун мақому Жамсавлат,
Айлаб изҳори ҳашмату шавкат.
Чиқибон боргоҳи володин,
Эйлаким меҳр чархи минодин.
Минибон рахши хушлижом узра,
Меҳрдек чархи нилфом узра.
Азм этиб шавкати тамом била,
Даврида беҳад издиҳом била.
Қилибон гарди роҳ кўкка сўуд,
Ул сифатким сўуд қилгой дуд.
Оллида жилвагар ливои зафар,
Шиққасиға етиб ҳавои зафар.
Роҳпаймо ёнида маҳрамлар,
Соҳиби давлату муаззамлар.

Умаро ҳар тарафда саф тузубон,
Садамату ҳайбат элга кўргузубон.
Суруб от кейни бирла неча гуруҳ,
Бориси бабр кину шер шукуҳ.
Бўлуб афзун ададда анжумдин,
Балки оламда резаи қумдин.
Шоҳи гардунвиқору меҳрафсар,
Афсари фатҳга бўлуб мазҳар.
Бўлубон азми роҳга жозим,
Бўлди дарё қирогидин озим.
Неча кун қотеъи манозил ўлуб,
Қатъи манзил қилурда жодил ўлуб.
Кўч бар кўч қатъи роҳ этти,
Кечқирон мивзеи оро этти.

Яккачиқирдин рукуб қилиб, тўққуз кун қатъи масофат этиб, мазкур ойнинг салхи[2735] да якшанба куни Кечқиронда боргоҳи сипеҳр нишон манжуқин зурваи аюқға ҳамсар ва хиймаи фалакостон қуббаи дарахшонин офтоби рахшонға баробар қилди. Ул мавзеда Чаҳоржўйдин бир қул қочиб келиб, даргоҳи олампаноҳда бандалик туфроқиға йиқилди. Душанба куни раби ал-аввал ойининг ғурраси[2736] да андин кўчуб, Оқработни нузули фойиз ин-нишоти била мафхари манозил қилди. Ва ҳамул кун чилла кирди. Ул мавзеда икки кун таваққуф қилиб, *явмут* ва *така* ва *йимроли* навкарларидин йигирма гўзида йигитни тил тутмоқ учун дарёдин ўткариб, Бухоро тарафиға юборди. Панжшанба куни андин кўчуб, аъломи зафарилтизомни жилваға киргизиб, Дорғон Ото *алайҳирраҳма*нинг муқобиласида дарё қироғин музриби randoдиқоти зафартавом ва муқарри аъломи нусратпарчам қилди. Жума куни андин ҳаракат кўргизиб, нузули саодатшумули вусулидин Кўкарчинлига сарафрозлиқ еткурди. Шанба куни анда фароғат маснадида истироҳат кўргузди. Ҳамул кун тил тутмоқға маъмур бўлғон оломон остони давлатпосбонға аъдои мазиллатинтимодин олти кишини қатлға еткуриб ва бошларин олиб ва бир кишини исорат қайдиға чекиб келтурдилар ва авотифи хусравона ва сарупои шоҳона била ўз ақронидин мумтоз ва сарафроз бўлдилар. Якшанба куни ул ҳазрат андин рукуб қилиб, Дояхотун мавзеиға сояйи вусул солди. Душанба куни наҳзат аламин ҳаракатға киргизиб, Қабоқлининг ошоқида Қўшқалъа деган жойни лашкаргоҳ этиб, сешанба куни андин отланиб, Қабоқлининг юқори бошиға нузул қилди. Чаҳоршанба куни андин ўрдаи кайҳонпўйни кўчириб, Исбознинг қирин муаскари асокири зафармаоси ва маскани аъломи нусратпайкар қилди. Анда икки кеча мутамаккин бўлуб, сипоҳи нусратпаноҳдин баъзи мутаҳаввир йигитлар хусамои мазиллатинтимодин беш кишини маасур ва мағлул қилиб, утбаи аълоға еткурдилар. Ҳазрат соҳибқирон баҳодирларға хазинаи эҳсонидин панжаи инъом била зарпошлиғлар кўргузуб, дунёдин мустағний қилди. Ва сўнгги куни Холниёз қароқчиким, айёрлиқ бобида фалакаи давворнинг Золи маккораси анинг қошида бағоят гўл ва нодон ва маккорлиғ илмида жаҳони ғаддорнинг кўҳансол айёраси анинг ёнида бир тифли абжадхон эрди. **Маснавий:**

Субҳу масо ҳийла бўлуб вирд анго,
Макр элининг барчаси шогирд анго.
Ҳам келибон филтану зўргар,
Ожиз ўлуб оллида юз Золи Зар.
Айлар эди қасд ила гар урса пай,
Бир тун аро мағрибу машриқни тай.
Тийра тун эрди анга кундин ёруқ,
Йўл анга қай сари юз урса очуқ.
Моне эмас эрди анга баҳру бар,
Ел киби ҳар мулкдин этган гузар.

[2735] 1237 йил 29-сафар/1821 йил 25 ноябр.
[2736] 1237 йил 1-раби ал-аввал/ 1821 йил 26 ноябр.

Ҳазрат соҳибқирон ани икки-уч чобукдаст йигит била қароқчиликға номзод қилди. Ул ҳамроҳлари била бир ҳилол мисол заврақға миниб, мақсад тарафиға озим бўлдилар. **Байт:**

Ҳайъати марғуб ила заврақ кезиб Жайҳун аро,
Янги ой андоқ ки сойир бўлгуси гардун аро.

Кечаси била Элжик гузариға бориб, ул гузардин аъдои давлат кемаларидин икки кемани рахту асбоби била кемачиларин ғофил топиб, таҳти тасарруфиға киргизиб, тонг отмай мулозиматға етиб, инъоми хусравона била сарафроз бўлдилар.

Жума куни ҳам Исбозда таваққуф қилиб, шанба куни андин ҳаракат кўргизиб, ливои зафарнишоннинг маҳчаи дарахшонин жилваға киргизиб, шавкати тамом ва садамати локалом била Элжик ёқишиға нузул қилиб, боргоҳи сипеҳриштибоҳни барпой ва хиргоҳи давлатпаноҳ бошин гардунсой қилдилар. Ул мавзеда тўрт кун таваққуф кўргузди. Амир Ҳайдар дағи сипоҳи накбатдастгоҳ била келиб, дарёнинг шимолия жонибида ўрдуи ҳумоюннинг муқобиласиға нузул қилди. Чун дарё Элжик тарафидин оқиб, бу тарафға қайир ташлаб эрди ва оқатурғон ери зиёда тангу тор эрди, гардунмисол кемалар ва чунаккирдор сафиналарким, лашкари қиёматасарнинг зоди роҳиласи, асбоби ҳарб ва олоти зарб аларға юкланмиш эрди, агар дарёнинг ичи била ўтса, лашкари аъдонинг тўп ва шамхоли ўқидин зарар етгудек эрди. Ул жиҳатдин оломонға қайирдин ёп қаздуриб, барча кемаларни ўткардилар. Ул аснода ҳазрат соҳибқирон бироз оломонни Чоржўй чаповулиға номзод қилди. Маъмурлар суръати тамом била жалодат тавсанин суруб, Чоржўйнинг атроф ва акнофин тахту-тоз қилиб, кўп ўлжа ва асир олиб, утбаи аъло мулозиматиға етиб, илтифоти шоҳонаға махсус бўлдилар. Чаҳоршанба куни ул ҳазрат асирларни Қиличниёз *арбоб* била шаҳарга юборди. Ва панжшанба оқшоми яна Холниёз қароқчини лашкари аъдо сангариға буюрди, токим бир воқеаи ажиба зуҳурға еткургай. Ва ул ҳасб ал-фармон дарёдин убур қилиб, ўзин насим мисол душман лашкаргоҳиға еткуруб, амир Ҳайдарнинг мўътабар сипаҳдорларидин Қурбонқули *бий*нинг ўғлин қўшидин судраб чиқариб ва кафтиға кўтариб, мурожаат жониби равон бўлди. Ва тонгдин бурун остони нусратпосбон пешгоҳиға элтти. Ва ул *бий* бехабар ғафлат уйқусидин уйғониб, кўрдиким, замона не ўйин ўйнабдур.

Панжшанба куни Элжик тушидин тўпу тўпхона, боргоҳу шамиёнани ҳаракатға киргузиб, Усти муқобиласида Куянак ариқининг сақосин муқарри кавкабаи ижлол ва мавзеи саропардаи иқбол қилди. Ул мавзеда душман гуруҳидин бир йигит қочиб, жанобi рифъатмаоб мулозиматиға келди.

Ва жума куни Бухоро лашкари била муқобил бўлуб, икки тарафдин ул миқдор тўп отилдиким, овози маҳиб сипеҳрбарин қулоғин асм қилди ва дуди зулматандуд ул масоба ҳавоға юз урдиким, офтоби оламтоб чеҳрасин ёшурди. **Маснавий:**

Ҳар ён отилиб чу тўпи дилкўб,
Етти унидин жаҳонга ошўб.
Дуду шарари била ёруқ кун,
Зоҳир бўлуб элга анжуму тун.
Ўт сочибон айлаким саропо,
Оташгаҳи дўзах ўлди дарё.
Зиддият ўлуб орада мафқуд,
Сув бўлди саросар оташолуд.
Ҳар сори садои раъдосо,
Маҳшар куни қилди ошкоро.
Охир хусамо бўлуб ҳаросон,
Юз ажз ила бўлди рўйгардон.

Ҳамул кун ҳазрат соҳибқирони мағфиратнишон *явмут* оломонин Чоржўй устиға буюрди, токим ул ҳаволиға чаповул урғайлар. Чун маъмурлар фармон мавжиби била отланиб, илғор қилдилар ва қазои мубрамдек Чоржўй атрофидин дохил бўлуб, тўрт кишини қатлға еткуруб, саккиз кишини исорат қайдиға муқаййид қилиб ва ғаноими фаровонға мутасарриф бўлдилар. Ва андин солиман ва ғониман мурожа-

ат кўргузуб, мулозимат шарафиға фоиз бўлдилар. Шанба ва якшанба куни тавaққуф кўргузиб, кемалардин сипоҳи нусратпаноҳға зоди роҳиласин олдириб, барча кемани Гадойниёз *маҳрам* била қайтарди. Душанба куни солур ва *соруқ* акобиридин беш киши даргоҳи олампаноҳ убудиятиға келдилар. Бу мазмун билаким «барча навкаримиз дағи изимиздин тез келгусидурлар.» Ҳамул кун *явмут* оломони рухсат олиб, яна Чоржўй чаповулиға кетдилар. Бу навбат Чоржўйнинг қаровули оломонни кўриб, барча улусни қалъаға киргизиб, мутаҳассин бўлдилар. Ва оломоннинг аксари қайтиб, баъзиси айрилиб қолдилар. Қолғонлар қалъанинг тубида бир уйга қуюлиб, тўрт кишини ўлдириб ва бир кишини тирик тутиб келтурдилар. Сешанба куни аъдо лашкаридин бироз киши юқорироқдин дарёни кечиб, бу тарафга ўтмиш эркан. Ул ҳазрат бу хабарни эшитиб, явмут черикин анга номзод қилди. Ва чоршанба куни қайтиб кўчиб, Нодиршоҳ[2737] нинг сангарига нузул қилди. Маъмурлар тавсани шижоатға маҳмиз бериб ва теғи жалодатни ниёми муборизатдин чекиб, аъдои гурезпойнинг устиға жиловрез от солдилар. Алар ўз бахтибаргашталаридек баҳодирларни кўргач, рўйгардон бўлиб, машаққати тамом била ўзларин кемаларга ташлаб, фирорий бўлдилар. Ва аксари кемага мина олмай, дарёға уриб, ҳалокат сарҳадиға етдилар. Баҳодирлар икки от ва бир совут ва уч қилич ва икки милтуқ ва яна кўп ўлжа олиб, утбаи аъло мулозиматиға етиб, сарупои шоҳона била сарафроз бўлдилар. Панжшанба куни Нодиршоҳнинг сангаридин кўчиб, Қабоқлиға нузул қилиб, ул ҳазрат ғояти тароҳҳум ва ниҳояти мурувватдин усарони озод қилиб, ўз жойлариға юборди. Жума куни андин кавкабаи волони ҳаракатға киргизиб, Уч карсан деган мавзени лашкаргоҳ этди. Шанба куни андин рукуб қилиб, Кўкарчинлига сояйи вусули била баландпоялиғ еткурди. Якшанба куни Муҳаммадниёз ясовулбошини явмут оломони била дарёдин ўткариб, Бухоро чаповулиға номзод қилди. Ул ҳазрат ҳамул кун боргоҳи фалаксойни Дорғон Ото *алайҳирраҳма*нинг тушида дарё қироғида барпой қилдурди. Душанба куни андин наҳзат кўргизиб, Кичқиронға нузул этди. Сешанба куни ливои ҳаракатни жилваға киригизиб, Бўрлини мухайями хайёми саодатанжом ва маскани аъломи майманатфаржом қилди. Ҳамул кун рабиъ ас-соний ойининг ғурраси эрди, ул мавзеда чаповулға маъмур бўлғон оломонға қараб, етти кун тавaққуф кўргуздилар. Олтинчи куниким, якшанба эрди, оломон Бухоро музофотидин Хайрработ деган кентни чопиб, бола-чоқасин асир, барча молу мавошисин ўлжа қилиб, мулозиматға еттилар. Ҳамул кун ҳазрат соҳибқирон барча *ўзбак* ва *човдур* ва *қароқалпоқ* оломонин Бухоро чаповулиға буюрди. Маъмурлар ҳамул кун дарёдин ўтдилар. Аларнинг саркардаларининг асомиси бўладур: Суюн *бий* ва Дўсим *бий* ва Карчак *бий* ва Берди *бий* ва Саид *бий* ва Хўжаниёз *бий* ва Вайсниёз *бий қанғли* ва Ҳакимниёз *бий нукуз* ва Тошим *бий найман* ва Ўроз *бий қиёт* ва *қароқалпоқ*иядин Эсанбой *бий* мулло Хўроз *бий* ва Қўшберган *бий* ва Қодирберди *бий* ва Қулюмри *бий* ва Элкелди *бий* ва Қувонч *бий* ва Ражаб *бий* ва Оймирзо бий. Булар *қўнғрот* ва *қиёт*дурлар. Иккилик *бий* ва Дўсим *бий* ва мулло Давлатназар *бий* ва Давли *бий* ва Шоҳниёз бий. Булар *мангит*дурлар. Ва *кенагас*дин Чўнкара *бий*нинг ўғли Қобил *бий* ва Шағол *маҳрам юзбоши* ва Маққи *юзбоши* ва *уйғур* Худойберди *бий* ва *қанғли* Ўроқ *бий* ва *хитой* Бойдўст *бий* ва Асғар *бий* ва Шукрали *бий* ва Тўмон *бий* ва Бекназар *юзбоши* ва Болабаҳодир ва Эшим *юзбоши* ва Одил *юзбоши* ва Бойқаро *юзбоши* ва Тўғой *юзбоши* ва Сормон баҳодир ва Хўжатилаган *юзбоши* ва Фанобаҳодир *юзбоши* ва Тожимурод *юзбоши* ва Султон баҳодир. Ва *маҳрам* дастасидин Қурбонниёз *ясовулбоши* ва *Тўра*бек *юзбоши* ва Тўлаган *юзбоши* ва Қаландарбек ва Оллошбек ва Оллоҳназар *бажақи* ва *тақа* Мурод *сардор* ва Хўжаназарбек ва Холнафас *оталиқ* ва *абдол* Суюн баҳодир ва Бойли *юзбоши* ва Ярлиқаб бек ва Сафар бой ва Муҳаммадўроз *юзбоши* ва Шоҳдурди *юзбоши* ва Муҳаммадназар *юзбоши* ва Оллоҳназар махзум *юзбоши* ва *бўзачи* Файзи *юзбоши* ва Дурдимурод *юзбоши* эрдилар. Ҳазрат соҳибқирон бу мазкур бўлғон саркардаларни тўрт минг нафар сипоҳи жаррори кинагузор била душанба куни дарёдин ўткариб юборди. Ва *явмут* акобиридин Мурод *сардор*ким, аввалғи куни чаповулдин захмдор бўлиб келмиш эрди, вафот топти. Анинг жанозасин ҳамул кун ўқуб, тонгласиким, сешанба куни эрди, Бўрлидин кўчиб, Садварға нузул қилди. Ул мавзеда Соат *сардор* *соруқ* черики била келиб, остони фалакнишон убудияти шарафиға фоиз бўлди. Чаҳоршанба куни *явмут* оломонининг келтурган усаро ва калла ва қулоқларин хатға олиб, Садвардин отланиб, Қўштўпани муаскари асокири ҳумоюн қилди. Панжшанба куни андин кўчуб, аъломи саодатилтизомни жилваға киргизиб, Ҳазораспға баҳори нузулидин хулди бариндек назорати беандоза бағишлади. Жума куни барча

[2737] 1740 йили Бухоро ва Хоразмни истило қилган Эрон ҳукмдори Нодиршоҳ шу йўлдан юрган.

оломонға хилои хуршидшио эҳсон ва эстино била сарафрозлиғлар еткуруб, Ҳазорасбдин роятафрози наҳзат бўлуб, Янгиариқ ҳавлисин шарафи қудуми била ашрафи манозил қилди. Шанба куни андин наҳзат адҳамиға рукуб қилиб ва ҳаракат аламин жилваға киргизиб, дабдабаи тамом ва кавкабаи молкалом била маснади хилофатға нузул қилди.

Подшоҳи раҳматдастгоҳ мустақарри салтанатға нузул қилғондин сўнг баъзи воқеотеким вуқу топмиш, ихтисор тарнқи бирла таҳрир силкига чекилгусидур

Ул жумладин бири: юқорида мазкур бўлғон саркардаларнинг воқеаси. Ул воқеа андоқ эрдиким, чун алар Бўрли мавзеида ҳазрат соҳибқирондин фотиҳа олиб, рабиъ ас-соний ойининг еттиси[2738] да душанба куни дарёдин ўтуб, сешанба куни мутаваққиф бўлдилар, чаҳоршанба куни Уч ўчоқдин юруш қилиб, беш манзилда Хол Отоға бордилар. Андин ўтуб, Йилғинлида бир оқшом бўлдилар ва андин саҳар вақти ҳаракат қилиб, чошгоҳда Гужумлига нузул этдилар. Ул мавзеда ўғруқ ва буна ва теваларни қўйиб, барча оломон шижоат бодпойиға рукуб қилиб ва ғайрат қиличин паҳлулариға осиб, суръати тамом ва истижоли молокалом била пешиндин тонг отғунча илғор қилиб, тонг вақтида Бобо ҳожи ва Миршикорон ва Занданий ва яна неча кентларни то Вардонзиғача тохту-тоз, наҳбу торож қилиб, кўп кишини қатлға еткуруб, ҳар ким қудратиға кўра ола олғонча ўлжа олдилар. **Маснавий:**

Барча сипаҳ аҳли чекиб тиғи тез,
Ҳар соридин зоҳир этиб растахез.
Ҳар киши ўз бошича бошлар олиб,
Хайли адув бошига кунлар солиб.
Ҳар соридин сел киби оқти қон,
Ул кун ўлуб хасмга охир замон.
Неча ўлуб, нечаси маасур ўлуб,
Аҳли сипаҳ оллида мақҳур ўлуб.
Ўлжа бўлуб молу мавошилари,
Эйла ки асбобу ҳавошилари.

Чун сипоҳи зафарнишон усарои бепоён ва ғаноими фаровон ва обрўйи тамом ва башошати локалом била мурожаат кўргузиб, қатъи саҳори ва бавоdoридин сўнг моҳи мазкурнинг авохири[2739] да дарбори сипеҳр миқдори нусратосор жибҳасолиқи шарафиға мушарраф бўлиб, алтофи подшоҳона ва аътофи хусравонаға махсус бўлиб, зарандуд либослар била мулаббис бўлдилар.

Подшоҳи мағфиратпаноҳнинг Шоҳобод ариғининг қочусиға чиқиб, Бухоро устиға чаповул буюрмоқи ва ўзи шикор иродаси била дарёдин убур қилиб, Кегайлига борғунча қушлаб, дорилхилофа жониби наҳзат маркабин сурмаки

Арбоби хабар ва асҳоби маоний мўътабар сўз шоҳидиға мундоқ зевар тақарларким, чун Шоҳобод ариқининг юқорисидин қочув йиқиб, барча суви дарёға кетар эрди, ани боғлатурға ул ҳазрат ўз нафаси нафиси била отланиб, ражаб ойининг аввали[2740] да қочув устига борди Анда етти кун таваққуф қилиб, ул мавзеда Оллош *бий* ва яна неча саркардани етти юз киши била Бухоро чаповулиға номзод қилди. Андин сўнг ул ҳазрат қочув устида ўзининг биродари аржуманди Муҳаммадназар бекни қўйиб, дарёдин убур қилиб, бир неча кун дарёнинг шимолия савоҳилин қушлаб, Кегайлига борди. Аммо. Маълум бўлсинким, Оллош бийлар ҳазрат соҳибқирондин фотиҳа олиб, Бухоро чаповулиға озим бўлиб, бир неча кун қатъи масофат била Қоракўл ҳаволисидин дохил бўлдилар. Аммо, оломоннинг дохил бўлмасидин бурун хабар топиб, ул ҳаволидаги элнинг мажмуи қўрғонға кириб, мутаҳассин бўлмиш эркан. Сипоҳи нусрат-

[2738] 1237 йил 7-рабиъ ас-соний/ 1822 йил 1 январ.
[2739] 1237 йил 27-рабиъ ас-соний/ 1822 йил 21 январ.
[2740] 1237 йил 1-ражаб/1822 йил 24 март.

паноҳ атрофу жавонибға илғор қилиб, эл топа олмай, икки-уч киши топиб, қатлға еткуриб мурожаат кўргизиб, Кегайлида шарафандўзи тақбили бисот бўлдилар. Ҳазрат соҳибқирон Кегайлидин инони отифатин мурожаат жонибиға маатуф этиб, йигирма тўрт кунда дор ас-салтанаға нузул қилди. Ул ҳазратнинг нузули ҳумоюнидин икки кун бурун[2741] Бухоро *волийси* амир Ҳайдардин Подшоҳхўжа деган элчиликка келди. Бу мазмун билаким «тағомиздин бағоят миннатдормизким, биз *хитой-қипчоқ* устиға кетганимизда камоли мурувват ва дўстлиғдин юртимизға чаповул буюрмайдурлар. Ва баъзи ғаразгўйлар ул ҳазратни душманлиқға мансуб қилур эрдилар. Алҳамдиллоҳ ва-л-минна маълум бўлдиким, дўст эрканлар. Умид улким, қиёматға текру яхшилиқ била боришғаймиз.» Анинг ул сўзидин ғараз бу эрдиким, ҳазрат соҳибқирон дағи анинг сўзининг баробарида мулойим сўзлар била анга элчи юборгай. Токим бу баҳона била сулҳ сўзи ораға тушуб, мухолифатлари мувофиқатға табдил топиб, ошуби чаповул ва тангнои таҳассундин қутилиб, фориғ ал-бол ва марфа ал-ҳол бўлғай. Бу мазмун жаноби фалакинтисоб мулозимларининг воситаси била Масомеи аълоға етушти. Ул ҳазрат анинг баробарида бу маъни била хат таҳрир қилдиким «ҳоло ражаб ойининг авохири[2742]дур, иншооллоҳ шаъбон ойининг йигирма учи[2743]да чаҳоршанба куни дор ал-хилофаи Хивақдин рукуб қилиб, Чоржўй жонибиға кавкабаи воло била наҳзат қилғумиздур. Анда борғондин сўнг Тангри таолонинг хоҳиши қайси иш бўлса, ул бўлғусидур. Хоҳ дўстлиқ била боришмоқ бўлғай ва хоҳ душманлиқ била.» Ҳазрат соҳибқирон Подшоҳхўжани шарафи дийдори саодатосориға мушарраф қилмай, беш кундин сўнг остони давлатпосбон ходимлари ани ҳамул мазмун била қайтардилар.

Султони мамоликситон ва хоқони мағфиратнишоннинг иккинчи қатла ўрдуи кайҳонпўйнн Чоржўй жонибиға тебратмаки ва ул азаматнинг тунбоди воҳимасидин мухолифларнинг бинои хотири аркониға зилзила етмаки. Ва амири кабир Қутлуғмурод иноқнннг дарёдин убур қилиб, анинг юзига Фороб қўрғонининг дарвозаи фатҳн очилмоғи. Ва андак захми чашмий[2744] етиб, тақдири илоҳнй била лашкари аъдо ғалаба қилиб, сипоҳи нусратпаноҳнинг босилмоғи. Ва сипаҳ аҳлининг баъзиси урушда ва дарёда мафқуд бўлиб, Қутлуғмурод иноқнинг жаноби хилофатмаоб мулознматнға етгани. Ва ул ҳазратнинг дор ас-салтана савбиға мурожиат этгани

Сўз иқлимининг соҳибқирони ва маоний кишварининг комрони, яъни хомаи бадиаосор бу янглиғ воқеагузорлиқ қилурким, чун таърих минг икки юз ўттуз еттида (1237) Йилқи йили шаъбон ойининг йигирма учи[2745]да чаҳоршанба куни ҳазрат соҳибқирон дор ас-салтанаи Хивақдин умарои номдор ва кубарои зулиқтидор ва лашкари қиёматосор била отланиб, наҳзат аламин ҳаракатға киргизиб, Сайёд ҳавлисиким, равзаи ризвон мисллик обод эрди, нузули мабоҳотидин буружи фахоматин зурваи афлокдин ошурди. Ул мавзеда Ҳирот вилоятининг *ҳокими* Маҳмудшоҳнинг элчиси Кадухонким, *афғония* жамоасининг пешвоси эрди, жаноб рифъатмаоб туфроқининг жабинбўслиқи давлатиға фоиз бўлиб, подшоҳи мазкурнинг ихлосномасин наввоби ҳазрат воситаси била назари кимиёасар мутоаласиға еткуриб, домани умиди марҳамати вофира ва инояти мутакосира жавоҳири била машҳун ва мамлу бўлди. Ва яна *сориқ* жамоасидин Менглитемур бек ва Яхшимуҳаммад *сардор* бошлиғ бир неча ихлосшиор ва жонсипор баҳодирлар Марв вилоятининг фатҳи башоратин еткуриб, ул ҳазратнинг инояти вофираси жомадор[2746]идин хилои фохираи шоҳона била сарафроз бўлдилар. Ул воқеа кайфияти мундоқ эрдиким, чун Бухоро мамоликининг *ҳокими* амир Ҳайдар подшоҳ кўп муддатдин бери жаҳондорлиқ мулоҳазаси била Марв вилоятиға пайдарпай илғор юбориб, бир нав ҳаросат ва муҳофизат кўргузур эрди. Ва ул диёрда мутаваттин ва мутамаккин бўлиб ўлтирғон *тарокима* жамоасидин *така* ва солур ва *соруқ* халқиким, ҳар важҳдин ул илғорларға муовинат кўргузиб, ҳар жиҳатдин моиҳтиёжларин биткурур эрдилар[2747]. Чун ул

[2741] 1237 йил 22-ражаб/1822 йил 15 апрел.
[2742] 1237 йил 27-ражаб/ 1822 йил 20 апрел.
[2743] 1237 йил 23-шаъбон/1822 йил 15 май.
[2744] Захми чашмий – айрим сабабга кўра зарар етиб маъносида.
[2745] 1237 йил 23-шаъбон /1822 йил 15 май.
[2746] Жомадор – кийим-кечак сақлаш жойи ёки шу иш мутасаддиси.
[2747] Муовинат – ёрдам. Моиҳтиёж – етишмовчилик. Бу ерда: қўшинга озиқ-овқатдан ёрдам бериш кўзда тутилган.

жамоанинг ҳуққаи замири аввалдин худ остони давлатпосбон мулозиматининг жавоҳири муҳаббати била мамлу эрди, хусусан ул учурда саодати азалий ҳидояти била ул ҳазратнинг худдоми хужастафаржомларининг силкига билкулл инҳирот топиб, жонбоз бандаларининг қаторига интизом топдилар ва ул диёрда ётғон илғорким, аларнинг рўзгори ул жамоанинг мададкорлиғи била бир нав ўтар эрди, ул аснода аларнинг марсум ва вазифалари билкулл мунқате бўлиб, лоилож атфол ва аёл, асбоб ва амволин кўтариб ва ўз бошин қутқармоқни ғанимат билиб ва қалъани ташлаб, юз минг раабу ҳарос била Бухоро атрофиға фирорий бўлдилар. Ва Марв қалъасиким, ғайрати беҳишти барин ва зийнати рўйи замин эрди, безаҳмати роҳ ва беташвиши сипоҳ мамолики маҳруса ҳисобиға дохил бўлди.

Панжшанба куни Сайёддин рукуб қилиб, мавкаби кайҳонпўй била ҳаракат кўргизиб, Янгиариқ ҳавлисининг дийдаи интизорин гулгуни саборафтор қудумининг сурма монанд ғуборидин равшан қилди. Ва жума куни андин отланиб, Чотли тўғойининг ошоқиға тушуб, шанба куни ул тўғойнинг юқориroқиға нузул қилди. Ва якшанба куни ҳазрат қудват ал-атқиё, зубдат ал-авлиё Паҳлавон Ото *қаддаса сирраҳу* ёпининг сақосиға нузули тароватшумули файзидин шодоб ва сероблиғ еткурди. Ул мавзеда мақсад алозим ва маржа ал-акорим, вазоратпаноҳ, садоратдастгоҳ Муҳаммадризо *қушбеги* шаҳри фирдавсбаҳр муҳофизати учун жанобы салтанатмаобдин рухсат шарафига мушарраф бўлиб, тахтгоҳи давлатпаноҳ тарафиға азимат якронин гармжавлон қилди. Душанба куниким, шаъбон ойининг салхи[2748] эрди, Яккачиқир мавзеи асокири нусратасарга муаскар бўлди. Сешанба кечаси рамазон ал-муборак ҳилоли қомати наҳиф била жилвагар бўлиб, ул ҳазратнинг рояти зафарояти маҳчасиға ажзу инкисор юзидин таъзим кўргузди. Ва ул кун *соруқ* халқидин келган чопарлардин Усто деганни инъоми хусравона ва эҳсони подшоҳона била мумтоз ва сарафроз қилиб, тавочилиқ йўсини била яна Марв сори ижозат бериб юборди. Ва чаҳоршанба кечаси хуфтан намози адосидин сўнг ғайб оламидин соиқаи хайзи зуҳурға еттиким, Нуҳ *алайҳиссалом* тўфонининг растохезин музмаҳил ва ночиз этди. Ва раъд овозининг ҳийбати ва барқ тавотирининг шиддати ул масобада тараққий топтиким, олам аҳлининг чеҳраи ҳушиға бехудлиғ пардасин топти. Ва сарсари туғёни ул даражада суръат ва ҳиддат кўргуздиким, сипеҳрнамудор хиймаларнинг каҳкашонвор танобларин узди. Ва фалакосор хиргоҳларни ўн-ўн беш киши атрофу жавонибидин лангар солиб ва кўп зўрлар қилиб, машаққати тамом била сақладилар. Дарёдағи ҳилолвор завракдар ва чархнамудор кемаларни яқин эрдиким, ваҳм тундбодидин изтиробға тушган кунлардек ларзаға киргизиб, мустағриқи гирдоб қилғай. Аммо, ул ҳазратнинг давлати қоҳирасининг маллоҳи ҳимояти туштушдин лангар солиб, амвожи махофатдин омон сақлади. Ва ул ел чопғуни саҳарга текру таку-пўй кўргизди. Чун чобуксавори меҳр ливои ҳашаматин арсаи сипеҳрда намоён қилди, сарсар чопғуни жаҳон майдонидин ҳазимат водийсиға гурезон бўлди. Чун чаҳоршанба сабоҳи подшоҳи зарринкулоҳ офтоб машриқ марҳаласидин инонтоб бўлуб, нур ва зиё сипоҳин сипеҳр фазосиға чекти, ҳазрат жаннатжойгоҳ ва раҳматдастгоҳ дағи Яккачиқирдин саманди фалак монандға рукуб қилиб, Учтепа мавзеиға нузули маймонатшумули била сарафрозлиқ еткурди. Панжшанба куни Болиқли марҳаласиға ворид бўлиб, ул кеча осойиш маснадида истироҳат кўргизиб, жума куни аркони давлат била наҳзат қилиб, Садвар қалъаси каноридин ўтуб, Судук тўғойин мухайями хайёми давлатинтизом қилди. Ва ул кун тўпхонаи зафарнишона *сардор*ларининг акобириким, Бекиш *мутавалли* ва ўғли Аваздурди *сардор* эрдилар, адашиб тўпларни Баландқир тарафиға бошлаб, кўп машаққат била қирдин ўткариб, ўрдуи ҳумоюнға дохил бўлдилар. Шанба куни Судук мавзеидин бодпои бодияпаймоға рукуб қилиб, муддао жонибиға озим бўлиб, Даҳаншир отлиғ мавзедин ўтиб, офтоби оламтоб самт ар-раасға етганда Учўчоқ муқобиласида тушган Кенгқайир отлиғ манзилким, машҳур оти Ялангсангирдур, нузули ижлолға муносиб кўриб, анда боргоҳи фалак иштибоҳни барпой қилдурди. Ул мавзеда *хитой-қипчоқ*дин Оллоҳберди бек элчи бўлиб, кирёси гардунасос остониға келди. Бу тариқадаким, *хитой ҳоким*и Аннақули бек *парвоначи* ва *қипчоқ волий*си Маъмур *парвоначи*нинг итоат ва инқиёд изҳорида китоабат қилғон арзадоштларин утбаи алийя ходимларининг ройи анварлариға маъруз қилди. Ҳазрат соҳибқирон ани наввоби хизматинтисоб васотити била остонаи аълоға ундаб, марҳамати мавфура ва инояти ғайри маҳсура била сарафроз қилиб, ул икки *ҳоким*айни мазкурайн учун анга истимолатномаи ҳумоюн топшурди ва даргоҳи сипеҳржойгоҳ мулозимларидин Бўрибой баҳодирни масҳуб қилиб, ҳамул мавзеда *хитой-қипчоқ* вилояти савбиға ижозат бериб

[2748] 1237 йил 29-шаъбон/1822 йил 21 май.

юборди. Ва ул истимолатнома мазмуни Аннқули *парвоначи* ва Маъмур *парвоначиға* хитоб юзидин бу эрдиким «мароҳими подшоҳона ва алтофи хусравонамиздин баҳраманд ва сарбаланд бўлуб, билинглар-ким, Оллоҳбердибек баҳодир била юборган ихлосномаларингиз суддаи хилофат мулозимлариға етишиб, хулосаи мазмуни маълум бўлди. Бу остони саодатпосбон мулозимлариға ихлос ва эътиқод изҳор қилиб, ғойибона қилғон хизматларингизнинг туҳфаси ройи анваримизга мақбул ва мустаҳсин тушди. Эмди керакдурким, сизлар модом ал-ҳаёт нангу номус талабида жаҳди мафвур ва саъйи машкур тақдимға еткуруб, таваккал доманиға мутамассик бўлиб, обрў ҳусулида кушиши балиғ зуҳурға еткургайсизларким, иншооллоҳ Тангри таоло ҳимоятидин ул саъйингиз зое бўлмай, марҳамати вофираи хусравонамизнинг тарбияти баҳоридин чаманистони иқболингизда мурод гуллари очилғусидур.»

Якшанба куни Ялангсангирдин кўчуб, Жигарбанд Отонинг зиёратиға мушарраф бўлуб, душанба куниким, рамазон ойининг еттиланжи[2749] куни эрди, Оққош ва Кечқирон қиридин ўтуб, Оқработ мавзеин муаскари асокири нусрат илтизом ва мустақарри роёти зафарфаржом қилди. Сешанба куни ул марҳалада маснаднишини сарири фароғат ва соғаркаши бодаи истироҳат бўлуб, чаҳоршанба куни андин отланиб, Дорғон Ото *алайҳирраҳманинг* жавори жуюши дарёхурушнинг матоф[2750] ва манзилгоҳи бўлуб, панжшанба куни ҳам анда мутаваққиф бўлдилар. Ул мавзеда қудват ал-умаро ал-аъзам ван-нифоқ амири равшанзамир Қутлуғмурод *иноқ наввара марқадуҳу* билаким, умарои комкор ва сипоҳи номдор ва шужаои кинагузор эрдилар, ўрдуи ҳумоюнға дохил ва остони фалакнишон зиёрати шарафиға восил бўлуб, ул ҳазратнинг дийдори саодатосори мушоҳидасидин баҳрабардор бўлди. Жума куниким, рамазон ойининг ўн бирланжи куни эрди, Дорғондин мавокиби зафар марокибни мақсад жониби ҳаракатға киргизиб, Аҳмад тақири устидин ўтиб, Кўкарчинли маҳалласин лашкаргоҳ этди. Шанба сабоҳиким, найзадори хуршиди рахшон сипеҳри ахзар майдониға азимат якронин гармжавлон қилди. ул шаҳриёри хуршид дийдор марҳалаи мазкурдин қудуми майманатлузумин рикоби давлат интисобға қўйиб, абраши сарсарваши саодатға саворий бўлиб, Кўк*ўкуз* Бобо муқобиласида тушган Дояхотун работининг канори мавзеи шодравони узматнишон ва муаскари асокири зафартавомон бўлди. Ул манзилда вилояти маҳфуза ва мамолики маҳрусанинг атроф-жавонибидин сипоҳи нусратпаноҳ гуруҳ-гуруҳ, фавж-фавж келиб, лашкари зафар фаржоми қиёмат издиҳомға қўшулдилар. Хусусан, Давлатназар *бий* ва Қўшберганбий бошлиғ *қароқалпоқия* бийлари ва Суюн баҳодир ва Бойли *юзбоши* бошлиғ *човдур сардорлари* ўзларига мутааллиқ черик била ўрдаи аъло остонаси мулозиматиға етишиб, лашкари ферузийасарнинг риштаи ижтимоиға аларнинг жавоҳирвуруди интизом топиб, ўзга янглиғ низом берди. Ва ҳамул мавзеда *явмутия* Аозимидин Қақа *сардор* ва Бердихон *тоторкім*, даргоҳи олампаноҳ утбасининг жонбоз бандаларидин эрдилар, *явмут* черики била рухсат олиб, Чоржўй қалъасининг чаповулиға озим бўлдилар. Ва ҳамул манзилда Суҳбат *сардор* ва Кўк *сардор* ва Муҳаммадберди *сардорким*, *эрсори* халқи тарафидин элчи бўлиб, ул эл аризадоштларин боргоҳи гардуништибоҳ ходимлариға келтириб эрдилар, аризадошт мулозимлар воситаси била ҳазрат соҳибқирони комкорнинг назари ақдасиға манзур бўлиб, анинг жавобида бу мазмун била навозишнома ёзиб, келган элчиларга топшурдиларким «Лубобда ўлтирғон *эрсори* жамоасиға сўз улким, агар сиз халқ ахлоқу эътиқод даъвосида ростгуфтор ва некукирдор бўлсангиз, Бухоро халқиким, бу давлати рўзафзуннинг душмани қадимийдур, алардин калла кесиб, Чоржўй ҳаволиси сипоҳи нусратпаноҳнинг оромгоҳи бўлғоч, боргоҳи зафаринтибоҳ остонбўслиқиға итоат бошидин қадам қилиб етушинг. Йўқ эрса жунуди номаъдуд юртингизға вуруд қилғоч, ҳар қисматеким, хомаи азал сафҳаи жабинингизга ёзмишдур, назарингиз пешгоҳида жилвагар бўлғусидур. Ул вақтда пушаймонлиғдин ҳеч фойдае мутартиб бўлмағусидур.» Бу мазмун била элчиларга ижозат бериб, *явмут* акобиридин Ёрқули паҳлавонни икки-уч манзилгача узотмоқ учун аларға қўшиб юборди. Якшанба куниким, офтоби жаҳонтоб шаҳсувори анжум сипоҳи суфуфининг истиксори учун машриқ айвонидин юз эвуруб, баҳо[2751] ва зиё лашкарин фалаки ахзар майдониға сурди, подшоҳи хуршидкулоҳ ва ситорасипоҳ дағи аркони давлатға рукуб қилиб, Дояхотун мавзеидин ҳаракат кўргузуб, Қиз қалъасининг қоршусидағи Ораз қалъасининг тўғойиға тушуб, душанба куни андин кўчиб, кавкабаи тамом ва ҳангомаи локалом

[2749] 1237 йил 7-рамазон//1822 йил 28 май.

[2750] Матоф – тавоф этадиган жой.

[2751] Баҳо – ярқираш.

била озим бўлиб, Қабоқли тўғойининг юқори бошиким, Қиёқли ва Насрободға машҳурдир, сипоҳи нусратогоҳнинг манзил ва қароргоҳи бўлди. Ул мавзеда Холниёз *юзбоши*ким, «қароқчилиқ» лақабиға машҳур ва Шариф паҳлавонким, фалак фили анинг олдида нотавон ва маққурдур, ўттуз киши билаким, баъзи пиёда ва баъзи савора эрдилар, ул ҳазратнинг ишорати лозим уш-шарофати имдоди била Элжик қалъасиға шабихун уруб, бир бош кесиб ва бир кемани барча ашёси била ўлжа қилиб келтурдилар. Сешанба куни андин кўчуб, Исбоз мавзеиға нузул қилиб, чаҳоршанба куни анда таваққуф воқе бўлди. Панжшанба куни ул ҳазрат умарои гардунсавлат ва шужаои ҳазабр ҳайбат ва асокири сарсар ҳаракат била азимат кўргизиб, Нодиршоҳ сангаридин ўтиб, Элжик қалъасининг муқобиласида Билганли тушида боргоҳи гардунииштибоҳ қуббаи дарахшонин хуршиди рахшоннинг қамаи тобониға ҳамсар қилди ва нузули ҳумоюни била ул мавзенинг фарқи ифтихорин авжи гардунға баробар. Ул кун Холниёз *юзбоши* бир неча жонбоз баҳодирлар била дарёдин кечиб, пиёдалаб Элик ёпи ичига кириб, юруш қилдилар, токим ғаними пурбийм била муҳорибае зуҳурға еткура олғайлар. Ул аснода Элжик отлиғлари қалъасидин ҳайъати ижтимо била чиқиб, бийик қирнинг устида саф тузуб, қора кўрсатдилар. Аммо ул пиёдалар била ҳеч иш қилурға журъат кўргуза олмадилар. Ва икки тараф дағи биров-бировиға дахл қила олмай қайтдилар. Ҳамул кун туш вақтида Жонмуҳаммадбой ва Беки *сардор* ва Жумабой *сақар* халқидин элчи бўлуб, боргоҳи жаҳонпаноҳ остони майманатнишонининг туроби саодат интисоби жибҳасолиқи шарафиға мушарраф бўлдилар. Ва мазкур халқнинг ихлосномасинким, мазмуни итоат русумининг истеҳкоми ва инқиёд изҳорининг иҳтимоми эрди, утбаи осмон мартаба мулозимлариға еткурдилар. Ва *явмут* баҳодирлариким, чаповулға кетмиш эрдилар, андоқким юқорироқ мазкур бўлди. Чоржўй қалъасиға чаповул уриб, кўп мол ва асир олиб, мавзеи мазкурда остонаи сипеҳр мартабат ходимларининг хизматиға туҳфа юбордилар. Ва жума куни Элжик тушидин кўчиб, ҳодии давлат раҳбарлиғи била озим бўлиб, Усти қалъасининг гузари Деҳнав отлиғ мавзенинг усти мухаййями хайёми зафаросор ва муаскари лашкари нусратшиор бўлди. Ва ул мавзеда *явмут* баҳодирлари суддаи хилофат мулозиматиға мушарраф бўлиб, келтурган усаро ва амвол ва ашёсинким, ҳаддин афзун эрди, ҳазрат мулозимларининг саркорлариға арз қилиб, ҳар бири зуҳурға еткурган хизматининг баробарида ўз ҳолиға лойиқ даража эътибориға етдилар. Ул ҳазратнинг ишорати била муқарриблар сарвари ва маҳрамлар сардафтари Хўжаш *маҳрам* инъоми подшоҳона хазоинининг эшикин очиб, баҳодирлар бошиға панжа-панжа зарлар сочти Ва ул баҳодирлардин ҳижо маъракасининг далери ва ваға бешасининг нарашери Ниёз баҳодирким, утбаи аъло жонбозларининг сарафрози эрди, Чоржўй урушида кўп майдондорлиқ ва найзагузорлиқдин сўнг оғир захм кўтариб эрди, ҳазрат соҳибқироннинг дорушшифои марҳаматидин анинг захми заҳматноки илтиём марҳамин топди. Шанба куниким, рамазон ойининг ўн тўққузланчи[2752] куни эрди, Деҳнавдин кўчуб, мавокиби гардун марокибни ҳаракатға киргизиб, шикорандозлиқ йўсини била Чакас қалъасининг ёпидин ўтуб, Қиронч ёқишида боргоҳи сипеҳрфарсойни барпой қилдириб, маснади иззатға нузули саодатвусули била сарафрозлиқ еткурди. Ул мавзеда акбар ал-кубаро, ҳомии ал-уламо, муруввиж аш-шариат ал-ғурро, низом ал-миллат ва-д-дунё, вазири фаррухсияр Муҳаммадюсуф *меҳтар наввара марқадаҳу*нинг иниси Ниёзмуҳаммад бой[2753] ким, ул сафарда тўпчибошилиқ амали била сарафроз эрди ва жалолатпаноҳ, манзилатдастгоҳ Муҳаммадризо *қушбеги*нинг иниси Муҳаммадқули бекким, *юзбоши*лиқ мансаби била мумтоз эрди, ул иккови муътамид ал-ихлослардин эрдилар, минг нафар белдор била Чоржўй сори йўл очғоли маъмур бўлдилар. Нединким, қирдин то дарё соҳилиға борғунча баъзи ерлар балчиғ ва

[2752] 1237 йил 19-рамазон//1822 йил 9 июн.

[2753] Ниёзмуҳаммад бой – кейинчалик Оллоҳқулихон даврида Марвнинг ҳокими. 1842 йил Хоразмга келган эронлик элчи Муҳаммад Алихон Ғафур бу ҳоким билан Марвда учрашган. Ниёзмуҳаммад бой 1843 йили май ойида Марв туркманлари томонидан ёнидаги мингга яқин кишиси билан ўлдирилади ва туркманлар унинг бошини ўша пайтда Ҳазораспни қамал қилиб турган Бухоро амири Насруллоҳ олдига келтирадилар. Муҳаммад Ҳакимхон тўра «Мунтахаб ат-таворих»да ёзишича, туркманлар Ҳазорасп қамалини ташлаб қочган Амир Насруллоҳ билан Чаҳоржўйга яқин ерда учрашиб, воқеани англагач, қилган ишларидан пушаймон бўладилар. Хоразм хонлари эса Ниёзмуҳаммад бойнинг қасосини олиш ишларини руслар истилосидан кейинги 1890 йилларгача давом эттирадилар. Бу ҳақда 1844 йили Бухорога келган эронлик элчи Аббосқулихон ва 1851 йили Хивага келган Ризоқулихон Ҳидоят ҳам ёзиб қолдирганлар. Бу ҳақда қаранг: Бухоро сафарномаси. – Тошкент: Махпират номидаги Ўрта Осиё халқлари тарихи институти, – 2007. – 50 б.; Хоразм сафари кундаликлари. – Тошкент: Янги аср авлоди, – 2009. – б.13-53.

баъзи жойлар қалин тўқой эрдиким, лашкари қиёматасар мурури анингдек бўртоқ ва ноҳамвор йўллардин маҳол эрди. Хусусан, тўпхонаи зафарнишонаким, чархнамудор аробаларининг гузари мумтане ва душвор эрди. Маъмурлар ҳасб ал-фармон мақсад тарафиға равон бўлиб, ҳар қадамда ниҳоятсиз дарахтларни кесиб, йўлларни мусаттиҳ ва ҳамвор қилиб, мулозиматға етдилар. Ул аснода Бухоро *ҳоким*и амир Ҳайдарнинг Умархон отлиғ ўғли тўққуз қаробош туғ ва кўп йиғин била Бухоро тарафидин келиб, ўрдаи аъло муқобиласида варои Омуяда баланд қирнинг устида суфуфи накбатвуқуфни ораста этиб, қарор тутди. Ва бу тарафдин ул ҳазратнинг ишорати маймуни била тўпхонаи ҳумоюн қодирандозлари бир неча тўпи душманкубни аъдо ясовиға қаратиб отдилар. Андоқким, ул гуруҳи сафоҳатпажўҳнинг истиқомати аркониға тўп гулуласи тунбодидин зилзила тушуб, тоби муқовимат келтура олмайин, ўз бахти баргашталаридек майдони муқобиладин рўйгардон бўлиб, ваҳшати тамом ва суръати локалом била водии баворға фирор ихтиёр этдилар. Мирзо Масиҳои Бухорийким, маоний гулшанининг баҳори эрди, ул воқеаға «гурихта» лафзин таърих топибдур. Чун тўпхонаи ҳумоюн хизматиға махсус бўлғон устоди нодира корлар сарвари Ҳожи Шариф бошлиғ барча қодирандозларнинг хизматлари ул ҳазратнинг ройи анвариға мақбул ва мустаҳсин тушуб, жомахонаи эҳсонидин хилои хуршидшио била мухалле қилиб, хазонаи алтофидин жавоҳир муддао била умидлари кисасин лабрез этди. Якшанба куни Қиронч тушидин кўчиб, Хўжа қалъасиға тушди. Ва ул мавзеда *явмут* баҳодирларидин Дўстий паҳлавонким, жалодат этакин шижоат камариға санчиб, шабравлик тариқасида Чоржўй қалъасиға кетиб эрди, бир калла ва бир асир келтириб, навозиши подшоҳонаға сазовор бўлди. Душанба куни Хўжа қалъасидин наҳзат кўргизиб, нузули ҳумоюни била Бурёбоф мавзеининг фарқи ифтихори Фарқадфарсо бўлди. Ул ердин Бухоро қалъаси бир фарсанг йўлдур. Ва ул мавзеда Лубобда мутаваттин бўлуб ўлтурғон *эрсари* халқининг *қаро* деган уруғидин Абдувоҳид эшон ва Абдусамад *қози* ва Назар *қози* ва Аваз жибачи ва Қулибек ва Расулқулибек ва Соҳибназар қаровулбеги ва *баковул* тийрасидин Худойберганбой ва Қулибек ва Ҳасанбек ва Қилич жибачи буларнинг ҳар қайси тўққуз от пешкаш била икки юз отлиғ навкарни бошлаб, боргоҳи давлатпаноҳ остонасининг хокбўслиқи шарафиға фоиз бўлдилар. Сешанба куни рикоби нусратинтисоб диловарларидин *явмут* Ҳожи баҳодир Чоржўй қалъасининг устига бориб, далерона фархош ва мутаҳаввирона талошлар зуҳурға еткургондин сўнг захм кўтариб, митриси муалло тарафиғи мурожаат қилди. Ва ул кун ҳазрат соҳибқирони жаннатмакон умарои изомдин Оллош *бий* ва Муҳаммаджон *иноқ* ва Эшмурод *мироб* ва Бекали *мироб* ва Суюн *бий* ва Давлатназар *бий*ни ўзларига тааллуқ сипоҳ била Чоржўй атрофиға қаровуллиқға номзод қилди. Умарои мазкур фармони лозим ал-изъон мавжиби била амал қилиб, туш-тушдин отланиб, мақсад тарафиға равон бўлдилар ва ул қалъани паргорвор атроф-жавонибдин отланиб, субҳдин то шомғача муҳосира қилдилар. Ва сўнгғи кун умарои номдордин шижоатпаноҳ Қутлуғмуҳаммад *иноқ* ва муборизатогоҳ Султонхон ва нажобатдастгоҳ Қутбиддинхўжа *шайхулислом* ва сипаҳдорлардин Ҳўббиқули хўжа ва Ашурбек ва Яқубхўжа қаровуллиқ амриға маъмур бўлдилар. Ва ҳамул кун *сақар* халқининг *кадхудо* ва *ўнбеги*лари юз нафар навкар била ўн тўрт қўй ва олти от пешкаш келтириб, остони сипеҳрнишон хокбўслиқидин сарбаланд бўлдилар. Чаҳоршанба куни сафар жамоасининг улуғ ва кичиклари иттифоқ қилиб, ул ҳазратнинг фармони била Чоржўй ёпларин боғлаб, ул қалъа аҳлининг умиди мазраин муддао зилолидин қуруттилар. Ҳамул кун Парвардда мутамаккин бўлиб ўлтирғон *эрсори* жамоасининг умаро ва акобири Қурбонбек ва Сафобек ва Халил баҳодир ва Нафас оқсоқол ва Бекназар ва Султонниёз қаровулбеги ва мулло Ниёзвали бошлиғ кўп навкар била келиб, боргоҳи ижлолнинг суддаи сидрамисолиға убудият жибҳасин суртуб, икки яхши от пешкаш келтурдилар. Панжшанба куни Бурёбоф мавзеидин кўчуб, Чоржўй қалъасининг ёвуқроқи ва Фороб ҳисорининг муқобиласиға нузул этдилар. Ва жума куни жаҳонбонлиғ афсарининг гавҳари ва ҳукмронлиғ сипеҳрининг ахтари, шаҳриёрлиғ боғининг гули, шоҳзода Оллоҳқули *тўра*ким, ҳоло салтанат тахти анинг қадами маймуни била баландпоя ва ҳукумат тожи анинг фарқи ҳумоюни била иззатпироядур ва авроқи паришон анинг шерозаи иҳтимоми била мушарриз ва авсофи фархунда фаржоми била мутарриз бўлғусидур, Муҳаммадниёз *мангит* ва Қувонч баҳодирни арзадошт била ҳазрат соҳибқироннинг хизматиға юбориб, алар утбаи аъло мулозиматиға етиб эрдилар, ул икковин либоси зарандуд била мулаббис қилиб, навозишнома бериб, яна дорилхилофа сори қайтарди. Ва ҳамул кун ихлоспаноҳ ва эътиқоддастгоҳ, садоратинтамо, вазири аъзам *Меҳтар оқо* ва Хитой *ҳоким*и Давлат *оқо* ва Гадойниёз *маҳрам* ва Қиличниёзбой ва Сатторқули *оқо* ва Яқуб *оқо* бошлиғ боргоҳи давлатпаноҳ мулозимларидин кўп киши

била отланиб, Чоржўй қалъасиға борғунча ноҳамвор йўлларни мусаттиҳ ва ҳамвор қилдилар. Ва шанба кечаси *явмут* баҳодирларидин Саййидниёз *ушоқ* ва Шайхнафас баҳодир бошлиғ икки юз киши ва *ўзбак* йигитларидин Холниёз *юзбоши* бошлиғ кўп оломон пиёдалаб, кемаларга миниб, монанди дабур Жайҳун сатҳидин убур қилиб, теғи жалодатни ниёми интиқомдин чиқариб, ўрдаи аъло муқобиласида ётғон аъдо черикига шабихун уруб, қатлу кўшешга андоқ иштиғол кўргуздиларким, йигирма-ўттуз кишини Маллабек *додхоҳ* бошлиғ қатлға еткуруб, кўп чодир ва қилич ва бойдоқ ва салла ва кўрфа ва лўла такия ва жома ва ўзга ашёйи беинтиҳони кўтара олғонча ўлжа қилиб, даргоҳи давлатинтибоҳ мулозиматиға етдилар ва ҳар бири ўзгача марҳамати вофираи хусравонадин баҳраманд ва иноятi мутакосираи подшоҳонадин сарбаланд бўлдилар. Ҳамул кеча сипоҳи нусратпаноҳдин баъзи баҳодир йигитлар аъдо тарафидин келган жосуслардин бир кишини ўлдириб, икки кишини тирик тутиб келтирдилар. Шанба сабоҳиким, офтоби оламтобнинг гулулаи զарринин ҳакими сунъ қодирандози машриқ тўпидин фалак майдони сари отди, утбаи аъло мулозимларидин тўпандозлиқ фанининг саркорлари ишорати воло била ул икки жосусни сиёсати подшоҳона учун ўқ ўрниға тўпға солиб, андоқ оттиларким, ул муфаттини тийрарўзгорларнинг ажзои аъзоси мутафарриқ ва паришон бўлиб, ҳаво фазосида нобуду нопадид бўлди. Ва ҳамул кун жамшиди хуршид ливои заррин шиққасин жилваға киргизиб, сипеҳр қўрғони сари азимат кўргузди. Ҳазрат султони Жамшид ғулом ва хоқони беҳиштмақом инояти раббоний ҳимояти била митриси ҳумоюндин рукуб қилиб, Чоржўй қалъасининг устига роятафрози азимат бўлиб, гуруҳи анбуҳ ва лашкари қиёматшукуҳ била ул қалъани паргорвор ва муҳиткирдор атрофу жавонибин иҳота қилиб қабаб, саф тортди. Ул ҳолда худдомлар умдаси ва мулозимлар зубдаси Қурбонниёз ясовулбоши ва Муҳаммадниёз ясовулбоши зобит ясоқчилар била сипоҳи нусратпаноҳ сафуфиға зебу оройиш била тартиб бериб, умарои номдор ва шужаои кинагузор била жувонғор ва буронғорин ораста ва пироста қилиб, монглой ва соқасин қодирандоз ўқчилар била ясадилар. Ва ул ҳазрат нусрати илоҳий ва муовинати номутаноҳий била ливои зафар ут-таво остида қалбгоҳи сипоҳ ичра шавкати тамом ва ҳайбати локалом била тоғдек қарор тутти. Ва қалъа *ҳокими* Каримқули бек даги Бухородин имдод учун келган илғорлар саркардалари Давлатбий *қатаған* ва Хонча *иноқ* ва Ёрмуҳаммад *иноқ манқит* била қалъадин чиқиб, минг нафар асад ҳарба диловарлар ва қаплон зарба кўндоварлар била майдони муқобилада муҳориба ва муқотила учун сафларға оройиш берди. Ногоҳ икки тарафнинг баҳодирлари муборизат якронин майдони масоф ичра гармжавлон қилиб, бодполар таку-тозининг тундбоди била муҳориба ўтиға андоқ иштиҳол еттиким, кину фархош танурин қизитти. **Маснавий:**

Ясалиб икки ёндин икки ясов,
Қилиб жилва ҳар сори гулгун ялов.
Бедавлар бўлуб, ҳар тараф гармхез,
Сабо рахшидин сайру суръатда тез.
Қиличлар шуои намоён бўлуб,
Синонлар учи қосиди жон бўлуб.
Чиқиб ҳар тарафдин ададсиз далер,
Қилиб ҳамла бир-бирга андоқ ки шер.
Бўлуб ҳар тараф қаҳру кинлар аён,
Бири-бирисига қилиб қасди жон.
Қилиб жилва ҳар сори олоти зарб,
Бирор лаҳзада қизди бозори ҳарб.
Яқин эрдиким, бўлгой ул ерда қон,
Икки соридин сел янглиғ равон.

Ул аснода рикоби нусратмаоб мулозимларидин бир неча сарбоз ва сарандоз баҳодирлар *явмут* Бердихон ва Авазхон бошлиғ жиловрез от солиб, рустамона ҳамлалар била зуруби мутаволи ва ҳуруби мутавотир тўфонидин ул мухолифларнинг бунёди истиқоматиға зилзила солиб, майдони муқотиладин «худди шердан қочган эшакларга ўхшаб[2754]» ўз қалъалари тарафиға фирорий қилдилар. Ва зарғомкин

[2754] Қуръони карим, 74 : 50, 51.

диловарлар ва баҳромойин кўндоварлар ҳазиматийлар изидин ҳамалоти мутаоқиб еткуруб, кўп кишини исорат сарпанжасиға гирифтор қилиб ва бир нечасининг бемағ бошин жасади пурҳасадларидип жудо қилдилар. Ва бир неча чобуксавор баҳодирлар набард майдонида шамшири буррон била сарафшонлиғлар кўргузуб, тамошо аҳлиға гўйи чавгон ўйинин намоён этдилар. Чун сипоҳи мухолиф мағлуб ва маққур бўлди, устиво ҳангомидаким, қуёш шаҳсуворининг заррин маҳчаси ливоси сипеҳр арсаси ичра самтирраасда барпо бўлди, ҳазрат соҳибқирони байзо алам ва Доро ҳашам даги корзор маъракасидин роятафрози наҳзат бўлуб, ҳузури комил ас-сурури файзи била сангари ҳумоюнни гулшан ва маркаби сабо рафтори ғубoридин сангар аҳли дийдаи интизорин равшан қилди. Ва шанба куни *уйгур* жамоасининг сарвари Раҳматуллоҳ *отолиқ*ким, бир зарурий узр учун рикоби аъло мулозиматидин тахаллуф қилиб эрди, бир гуруҳ *явмут* баҳодирлари била мамолики маҳруса тарафидин келиб, саропардаи муалло остонасининг зиёратиға мушарраф бўлди. Ул кун бир неча *бочқурли шайх* жамоасиким, ҳодисоти рўзгор зулмидин атфолу аёли била ватанларидин айрилиб, саргаштаи водии ғурбат бўлиб, маишат ва беҳбуд жиҳатидин *сақар* халқининг ўбасиға ёндашиб ўтириб эрдилар, ул ҳазратнинг чатри давлати кўлагасида кўчиб келиб ором тутиб, фориғ бол ва осуда ҳол бўлдилар. Ва ҳамул кун султони соҳибқирон даргоҳи аъло мулозимлари саромадидин Аваз *юзбоши* бошлиғ бир неча хизматкорни *эрсори* халқининг *кадхудо*лариға қўшиб, ул халқдин навкар йиғнаб келтурмак учун тавочилиқ расми била юборди. Якшанба куни бир неча жонбоз баҳодирлар пиёдалаб, *тожик* черикига шабихун урғоли кемага миндилар. Аммо, ел туғёни сабабидин қасд қилғон ерлариға бора олмай, тонг отғоч қойтиб, сангарға келдилар. Душанба куниким, ул ҳазратнинг азимати ҳумоюнининг ўттуз тўртланжи куни эрди, пешин вақтида *човдур* акобиридин Суюн баҳодир ва *така* озимидин Аннақурбон баҳодир бошлиғ йигирма етти отлиғ Чоржўй қалъасининг устига бориб, қалъа номдорларидин бир кишини ўлдириб ва тўрт кишини асир қилиб ва икки от ўлжа келтурдилар. Бу воқеа кайфияти андоқ эрдиким, мазкур баҳодирлар бир неча забардаст мутаҳаввирлар била қалъа сари чаповул тариқи бирла бориб, эҳтиёт юзидин бир неча ҳазабр ҳамла диловарларни камингоҳда букти қўйиб эрдилар. Ногоҳ мухолифлар жонибидин Чаҳорёрқули баҳодирким, рўзгор соҳиби таҳаввурларининг саромади эрди, бир гуруҳ баҳодири номдорға бош бўлиб, қалъадин чиқиб, шерона ҳамлалар била сипоҳи нусратпаноҳға қотишғон ҳолда ул баҳодирларким, камингаҳда вақт интизорин тортиб ўлтирмиш эрдилар, барча бирдин фидоийвор от солиб, лашкари накбатасардин Чаҳорёрқули *сардор* бошлиғ беш кишини исорат қайдиға чекиб, икки от била остони муалло мулозимлариға туҳфа келтириб, илтифоти хусравона махзанидин албасаи хуршидшио ва кулоҳи қийматбаҳо била мулаббис ва сарафроз бўлиб, орзулари жиби нуқуди марҳамати подшоҳона била ганжи равон янглиғ тўлди. Сешанба куни *човдур* баҳодирлари қалъа атрофиға чаповул уруб, бир *мерган*ни қатлға еткуруб ва анинг бошин утбаи аълоға келтириб, сарупои шоҳонаға мушарраф бўлдилар. Чаҳоршанба куниким, ул ҳазрат азиматининг ўттуз олтинчи куни эрди, вазири аъзам, дастури мукаррам Муҳаммадюсуф *меҳтар* ва Давлат *қарокўз* душманкуб тўпларни кема ичра банд қилиб, сув сатҳида сафина бодпойин суриб, дарё ўртасидаги ўтовға иқомат лангарин солиб, баҳри зуххор амвожи узра тўпхонаи дўзахнишона оташхонасин қуриб, Бухоро лашкариким, дарёнинг шимолия соҳилин сангар қилмиш эрдилар, аларнинг хирмани иқболиға сув мавжи узра ўт уриб, тўпи раъдошуб овозидин бошлари ошиёнасидин тоири ҳушин қочурдилар. Ложарам аъдо сипоҳининг ижтимои тўп гулуласи зарбидин бузилиб, сарсар гузаргоҳиға тушган тўдаи паркоҳдек ҳар бири бир тарафга мутафарриқ ва паришон бўлди. Ва ул кун Сунбор *сардор* бошлиғ *явмут* баҳодирларидин икки юз отлиғ ва эллик нафар шамхолчи ва қирқ нафар *сақар* халқи Наризум гузаридин ўтиб, Форёб атрофиға бориб, *қулон*жи элига чаповул уруб, беҳисоб мол ўлжа қилиб ва бениҳоят бола-чоқа исорат қайдиға чекиб, безаҳмат ва беикроҳ сангари саодатасарга мурожаат қилдилар. Панжшанба куниким, ул ҳазрат истезом[2755] ининг ўттуз еттиланжи куни эрди, Фитр ийдининг ҳилоли нишот сипеҳридин юз турлук назокат ва латофат била олам аҳлиға мусаррат ва беҳжат шаробидин сероблиғлар еткурди. Ийд сабоҳи ул ҳазрат лутфи комил ва карами шомил иқтизоси била сипоҳи аъдодин тушган усарони бола-чоқаси била озод ва марҳамати шоҳонадин кўнгулларин шод қилиб, ўз мавотин ва масокиниға юборди. Аммо, Чори *сардор* ва Жуманиёз баҳодир ва Қаландар баҳодир бошлиғ бир неча муфаттинларким, адоват қалқонин юзлариға тутиб, мухолифат ўқин сипоҳи за-

[2755] Истезом – озим бўлгани, яъни йўлга чиққани.

фардастгоҳ тарафиға отиб, хусумат амрида сайъи мавфур ва кушиши номақдур зуҳурға еткурмиш эрдилар, ҳазм ва эҳтиёт русумиға мутамассик бўлиб, аларни сақладилар. Чун ул мутлақи ал-инон бўлғон элнинг ахтари бахти хусуфи нўҳустдин қутулиб, авжи саодатдин толе бўлди, фараҳ жомидин тараб бодасин нўш этиб, сурури тамом ва ҳузури иолокалом била ул ҳазратнинг дуои давлатин вирди забон ва рутбиллисон қилиб «ўз аҳли оиласи олдига хурсанд бўлиб борадилар[2756]» мазмуниға мувофиқ хурсанд ва хуррам ўз ақробасиға лоҳиқ бўлдилар.

Жума куни кечаси қалъа *ҳоким*ларининг мўтамид ва роздон тўғмалари жаноби рифъатмаоб посбонлари олдиға қочиб келиб, озодлар зумрасиға кирдилар ва қалъа аҳли аҳволидин бу янглиғ хабар бердиларким, бир нони ярим танга ва икки боғ бедаси бир танга ва анборхонаи истеъдодлари аҳли сидқ кўнглидек холи бўлиб, бир нон устида қиёмат бозоридек ғулув ва кисаи истиқоматлари беҳудагўйларнинг оғзи мисоли бўлуб, боду ҳаво била мамлу ва аксар бенаволарнинг нон ўрниға ғизоси ранжу меҳнат ва сув ўрниға ашки ҳасрат бўлуб, олам айвонининг васе фазоси ул маҳбусларнинг усрати қаҳат ва шиддати жуъ била тийра бўлғон кўзларига тангу тор бўлмиш. Ва жуюши қиёматхуруш дағи атрофу жавонибдин алоло солиб, ҳар ким қалъадин бош чиқарса, тиғи бедариғ дамидин ўткарурлар. Умиддурким, анқариб ул ситамкашларнинг ахтари толеи ҳазизи нўҳустдин қутулиб, авжгири саодат бўлғай. Яъни ул ҳисори чарх намудор утбаи сипеҳр мартаба ходимларининг таҳти тасарруфиға кириб, мамолики маҳруса қаториға қўшилғай. Ва жума куниким, сипоҳи қоҳира интиҳозининг ўттуз саккизланчи куни эрди, ул ҳазрат *сақар* халқиға кўриниши шоҳона навозишидин сўнг сарупои хусравона била сарафроз қилиб, ийд муборакбодлиғи учун ўз манзиллари тарафиға ижозат берди. Ва ул кун Бойли *сардор* бошлиғ *човдур* баҳодирлари лашкари аъдодин бир калла ва бир от ва бир милтуқ ўлжа қилиб келтириб, хилои зардўзии тиллобоф атосиға махсус бўлдилар. Шанба куни эрсари жамоасининг қозиси ва мулло Хўжамурод деган *муфти*си ва мулло Абдурасул отлиғ яхши толиб ал-илми дуои давлат туҳаф ва ҳадоёсин боргоҳи жаҳонпаноҳ мулозимлариға пешкаш қилдилар. Ва ул кун пешин намози адосидин сўнг Йўллибойнинг ўғли Ийд баҳодир қалъа хандақининг канориға бориб, танҳо ўзи ўн баҳодири соҳиби таҳаввур била санчишиб, икки бўз ва бозу йигит қўлидин найзаларин зўр била тортиб олиб, суддаи хилофат дарбонлариға келтурди. Аммо ўзи андак енгил захм кўтариб, ҳазрат соҳибқироннинг табиби илтифотидин навозиш марҳамин топти ва ҳар қатра қони умид гулшанида мурод гулларин очди. Якшанба кечаси *явмут* ва *қароқалпоқ* черикидин бироз мубориз йигит яёқ кемага миниб, дарёдин убур қилиб, Форёб қалъасининг ҳоволисида ўлтурғон *араб*ларға шабихун уруб, якшанба куни чошт чоғи бир кишини асир қилиб, кўп ўлжа келтурдилар. Душанба оқшоми ул ҳазрат *явмут* ва *йимроли* ва *каргаз* халқидин саксон кема муборизи номдорни ҳар кемага ўн кишидин миндириб, Бухоро черикига дастбурд еткурмак учун намози аср вақтида номзод қилди. Ва аларға имдод учун қўшулғон шамхолчилардин Авазберди *юзбоши* ва Абдуллоҳ *юзбоши* ва Кўзикиччи *юзбоши* бошлиғ икки юз нафар *туфангандоз* эрди. Чун сипоҳи маъмур сешанба сабоҳи дарёдин убур этиб, *тожик* сангариға қора кўрсатдилар, аммо ул аснода ҳазрат соҳибқирон ва амири равшанзамир Қутлуғмурод *иноқ* аркони давлат ва аъёни ҳазрат била ҳилол рафтор кемаларга миниб, дарё ўртасида улуғ шаҳар ҳайъатин намудор этиб, шукуҳи тамом била душман сангари тарафиға ўтдилар. *Тожик* черики ул воқеа воҳимасидин ҳайрон ва саросима бўлиб, чодиру саропардалаин ташлаб, Фороб қўрғонидин чиқиб, Бухоро сари фирорий бўлдилар.Ул кун туш чоғи Фороб қалъасининг фуқаролари омон тилаб, даргоҳи олампаноҳ утбабўслиқиға келиб, сарупои шоҳона била сарафроз ва ул ҳазратдин омоннома олиб, қалъасиға қайтдилар.

Ва ҳамул кун Маймана вилоятининг *ҳоким*и Оллоҳёрхоннинг элчилари Сайиид Муҳаммадбек ва Худойбердибек даргоҳи фалакпойгоҳ бўсағасиға юз суртуб, мазкур *ҳоким*нинг аризадоштин наввоби давлатинтисоб воситаси била масомеи аълоға еткурдилар.

Ва ул кун Мурод *сардор* бошлиғ тўрт юз нафар *така* навкари остони муалло мулозиматиға етдилар. Ва чаҳоршанба куниким, ул ҳазрат истиркобининг қирқ учинчи куни эрди, Наризум халқиға келган элчилари била омоннома юборди. Ҳамул кун пешиндин сўнгра барча Наризумда ўлтурғон *эски* ва *човдур* ва *мургакли* ва *элжик* халқидин Дўнмас тўқсоба ва Қандим қаровулбеги ва Қарокўл улусидин *баёт* ва *солур* халқи остонбўслиқға келиб, омон топтилар. Ва панжшанба куни Аваз *юзбоши*ким, эрсари нав-

---

[2756] Қуръони карим, 74 : 9.

карин келтурмакка кетиб эрди, беш юз отлиғ била мулозиматға етти. Ҳамул кун мулло Иброҳим мутаваллини Чоржўй бекларига навозишнома бериб юборди. Жума кечаси аморатпаноҳ ва адолатдастгоҳ, моҳи ал-бидъат ва-н-нифоқ Қутлуғмурод *иноқ* шавкати тамом била Фороб қўрғони оғушин шоҳиди духули била мамлу қилди. Тонгласиким, жума куни эрди, атрофу жавонибдағи қалъалардин олти қалъанинг акобиру аҳолилари тансуқот ва туҳафоти била бандалик қуллодасиға мутақаллид бўлуб, даргоҳи ижлолға келиб, мулозимлар силкига интизом топтилар. Ҳамул кун амири соиб тадбир Қутлуғмурод *иноқ наввара марқадаҳу явмут*дин йигирма чоғлиғ отлиғни қаровул йўсинлиғ Форобдин Қарокўл жонибиға номзод қилди. Маълум бўлсинким, ҳамул кун Бухоро *волий*си амир Ҳайдар дағи жунуди бепоён ва асокири фаровон жам қилиб, издиҳоми тамом ва ҳужуми локалом била шаҳардин чиқиб, душанба куни Қарокўлдин ўтиб, бир мавзеға тушмиш эрди. Мазкур бўлғон қаровуллар хабарсиз анинг устига бордилар. Ул ҳолда аъдо черикидин гуруҳи анбуҳ асбоби ҳарб ва олоти зарб била мукаммал ва мусаллаҳ бўлиб, қаровуллар жонибиға ҳайъати ижтимо била от солдилар. Қаровуллар «ўз вақтида қочмоқ пайғамбарлар суннатидандир[2757]» фаҳвоси била фирор ихтиёр эттилар. Иттифоқо, аларнинг қочғон тарафи бир бўртоқ шўр эрдиким, агар киши бир қадам қўйса, яна тортиб олғунча бўғзиғача ботор эрди. **Байт:**

Агар кирса ҳар ким ки ул шўр аро,
Мақоми бўлур эрди таҳтиссаро.

Тақдири илоҳий била ул шўрға кириб, аксарининг оти йиқилиб, душман сипоҳи тиғи билан мақтул бўлди ва баъзиси юз минг машаққат ва суубат била қочиб, *иноқ*нинг мулозиматиға мушарраф бўлиб, ул воқеа хабарин еткурди. Сешанба куни амир Ҳайдар роёти шамотатасарни жилваға киргизиб, Фороб қўрғонининг ёвуқида дарё қироғин муаскар қилди. Чаҳоршанба куни *тожик* черикиким, ададда мўру малахдин афзун эрди, отланиб қалъанинг кун ботар тарафидағи арнаким, дарёнинг шуаботидин бир шуъба эрдиким, оёқи яна дарёға қуяр эрди ва анинг сақоси боғлиғ ва ичи сувдин холи эрди, андин ўтиб, ясов чекиб, буронғор ва жувонғори мазиллатосорни сипоҳи касофатогоҳ ва шужаои накбатинтимо била ораста ва ироста қилди. Ва бу тарафдин лашкари нусратасар дағи қалъадин чиқиб, аъдо суфуфи муқобиласида тажаммули тамом била ясов чекди. Ул аснода икки тарафдин ҳазабр салобат диловарлар ва бабр маҳобат кўндоварлар жалодат якронин саромат майдониға суруб ва шижоат самсомин муборизат ниёмидин суғуруб, биров-бировига рустамона ҳамлалар била ҳуруби мутаволи ва зуруби мутаоқиб еткуруб корзор маъракасин ул масобада қиздирдиларким, табли жанг садосин сипеҳри барин қулоқиға еткурдилар. Қатлу кўшеш амрида ул миқдор муболаға кўргуздиларким, ул маорика ичра қизил қондин наҳрлар оқуздилар. **Маснавий:**

Бўлуб ҳангомаи разм ул сифат гарм,
Ки яксар бўлди ер қон ила нарм.
Жигарлар тиғи тез ила бўлуб чок,
Баданлар ҳар тараф олудаи хок.
Икки ёндин диловарлар чекиб тиғ,
Қилибон бир-бирининг жонига бег.
Етиб бир-бирига айлаб таку-пу,
Мунга ул еткуруб тиғин, анга бу.
Бўлуб бирга ҳамул дам бахт ёвар,
Йиқиб бирни ер узра зору музтар.
Икки ёндин икки лашкар сувошиб,
Ки ошубу алоло кўкдин ошиб.
Анингдек гарм бўлуб ҳангомаи жанг,
Ки етти Сому Рустам руҳига нанг.

Чун уруш ҳангомида сипоҳи қоҳирадин *қароқалпоқ*ия шужаосининг саромади ва муборизат илмининг соҳиби вуқуфи жалодатшиор Қулмон сўфиким, маърака ўртасида тиғи шижоат била сарафшонлиғға машғул эрди, кўп кишини қатлға еткуруб, охир аъдо қиличи била мақтул бўлди. Ва андин бошқа лашкари зафарасардин ул урушда уч-тўрт киши нобуд бўлди. Аммо *тожик* черикидин кўп киши баҳодирларнинг синони жонситон ва шамшири хунфишони била қатлға етди. Чун қуёш чобуксавори сипеҳр арсасидин рўйгардон бўлуб, мағриб саропардасиға майл кўргузди, лашкари аъдо майдони муқотиладин юз ўйириб, ўз сангариға нузул қилди. Ва сипоҳи нусратпаноҳ даги мурожаат қилиб, Фороб қўрғонин оромгоҳ этти. Ҳамул кеча мазкур арнаким, қалъанинг ғарбий жонибидин ўтар эрди, асокири зафармаосирдин бироз оломон бел ва болта била бориб, анинг сақосин очтилар, токим *тожик* черики андин ўта олмағай. Тонгласиким, панжшанба куни эрди, тонг вақтида амир Ҳайдар лашкари бисёр ва сипоҳи бешумор била сангардин кўчуб, ливои наҳзатни ҳаракатға киргизиб, мазкур арнанинг канориға етиб, сувдин ўта олмай, суръати тамом ва истижоли молокалом била муовидат қилиб, арнанинг оёқироқидин юз минг машаққат ва суубат била убур қилиб, ҳамул кун Кечликка келиб, қалъанинг шимолия тарафида қумни лашкаргоҳ этти. Ҳамул кеча тонг отғунча икки тарафдин даги ҳазму эҳтиёт юзидин язак ва талоя айлантириб, черик посдорлиғида иҳтимоми тамом зуҳурға еткурдилар. Чун чобуксавори меҳр шуои синонин сипеҳр майдонида жилваға киргизди ва сипоҳи нур ғалаба қилиб, Зулумот хайли суфуфин бузди, амир Ҳайдар лашкари жаррори қиёматосор била аъломи касофатанжомни жилваға киргизиб, қалъа устиға юруш қилди. Ва *амир*и равшанзамир Қутлуғмурод *иноқ* даги сипоҳи давлатпаноҳ била қалъадин чиқиб, лашкари аъдоға муқобил бўлуб, муҳорибаи бисёр ва муқотилаи бешумор зуҳурға еткуруб, охир озлиқ жиҳати, балки иродаи азалий ва машийяти ламязалий била лашкари аъдо ғалаба қилиб, сипоҳи нусратогоҳ босилиб мунҳазим бўлиб, дарё канoридаким, ҳазрат султони соҳибқирон ҳамул кун кемалар била оломон ўткариб, дарё қироғида сангар қоздурур эрди ва ул ҳазратнинг ўзи дарёға лангар ташлаб, кема ичра мутамаккин эрди, ул аснода Қутлуғмурод *иноқ* бошлиғ барча сипоҳ аҳли сангарға етдилар. Ва *тожик* черики даги аларни таоқиб қилиб етушти. Ул мавзеда сипоҳи нусратпаноҳ таваққуф қилиб, душман гуруҳи била муҳорибот ва муқотилот зуҳурға еткуруб, охир тақдири илоҳий била босилиб, барча бирдин ўзларин дарё соҳилиға еткуруб, издиҳоми тамом ва ғавғои молокалом била кемаларга миндилар. Иттифоқо ул мавзеким, кемалар турмиш эрди, дарё ташлаб, юзида бир қариш ё икки қариш чоғлиғ сув ва ости ўймалай эрди. Сипоҳи нусратпаноҳдин кўп киши ул ерда балчиғға ботиб талаф бўлди. Ва ўзга оломон машаққати бекарон ва суубати фаровон била аксари кемаларга миниб, баъзиси шиноҳ дастёрлиғи била дарёдин убур қилдилар. Ҳамул кун сипоҳи қоҳирадин саксон киши урушда ва дарёда нобуд бўлди. Ул жумладин *қиёт* зубдаларидин Муҳаммаджон *иноқ* ва Бекали *мироб* ва Қутлуғмурод бек ибн Қилич *иноқ* ва Худойберган бек ва Муҳаммадниёз бек валадони Қаробаҳодир *мироб* ва Аҳмадбек ибн Вайсбек ва Худойберган бек ибн Омонкелди бек ва Худойберган бек ибн Бобо *доруга* ва Исмоил бек ибн Муҳаммадпаноҳ бек ва *қўнғрот* умдаларидин Давлатмурод бек ва Ашурбек *юзбоши* ибн Тангриберди бек ва *найман* озимидин Муҳаммадризо *иноқ* ва *қипчоқ* акобиридин Абдураҳмон бек ибн Ҳасанмурод *отолиқ* ва *шамхолчи* саркорларидин Авазберди *юзбоши* ва Муҳаммадшариф *юзбоши* ва Қурбонниёз *юзбоши* ва Каримберди *юзбоши* эрдилар. Ва ўзгаси мажҳул кишилардин эрди. **Қитъа:**

Фалак айлабон бевафолиғ басе,
Аён этти ноошнолиғ бас.
Ки мотам либосини рўзий қилиб,
Халойиқни қилди азолиғ басе.

Аммо, аъдо лашкаридин даги кўп киши қатлға етти. Ва лекин аларнинг адади маълум эрмас. Чун ул воқеаи ҳоила жума куни вуқуға етмиш эрди, ҳазрат соҳибқирони жаннатмакон шанба куни ҳам ул мавзеда таваққуф кўргизиб, якшанба куни роятафрози наҳзат бўлуб, инони отифатин мурожиат тариқиға маатуф этиб, Қиронч ёқишини нузули маймуни била мафхари манозил қилди. Душанба куни шаввол ойининг ўн саккизи[2758] да Тангри таоло ҳимояти канфида давлат ва саодат била Қиронч тушидин бод-

[2758] 1237 йил 18-шаввол/1822 йил 8 июл.

пои иқболға рукуб қилиб, ҳар кўчда икки манзиллик йўл юриб, қатъи манозил ва таййи мароҳилдин сўнг муовидати ҳумоюнийнинг ўн учунжи куниким, жума эрди, мазкур ойнинг салхи[2759] да мустақарри салтанатға нузул қилиб, дор ал-хилофа аҳолисининг дийдаи интизорларин шуашшаи офтобвусули била равшан ва мамолики маҳфуза хористонин баҳори ҳузури фуюзотидин гулшан қилди. Ва бу сафарнинг имтидоди олтмиш олти кун эрди.

Баъзи вақоеиким, ул ҳазрат дорилимора саририда мутамаккин бўлғондин сўнг содир бўлди

Ул жумладин: Баъзи умарои изомким, ҳамул сафарда «барча жон ўлим шарбатин татувчидир[2760]» шарбатин нўш этиб «қудратли подшоҳ ёқтирганлари[2761]» марҳаласида ором тутмиш эрдилар, ул ҳазрат камоли марҳамат ва ниҳояти мурувватдинким, зоти хужаста сифотида жибиллийдур, жонсипорлиқ ва қадим ал-хизматлик ҳуқуқин риоя қилиб, аларнинг ўғуллари ва ё оқо-иниларидин біровин ўрунлариға мансуб қилди. Андоқким, шижоатшиор, жалодатдисор Муҳаммаджон *иноқ*нинг ўрниға аморатпаноҳ ва аёлатдастгоҳ Қилич *иноқ*ким, саккиз йилдин бери аморат таркин тутуб, узлат ихтиёр қилмиш эрди, андоқким собиқан баён килкининг рақамзадаси бўлди, *иноқ*ият мансабин анга арзоний тутти. Ва Бекали *мироб*нинг ўрниға жалодатмаоб, муборизат интисоб Тағой *мироб*ни *мироб*лиғ амали била сарафроз қилди. Ва Муҳаммадризо *иноқ*нинг ўрниға ихлоспаноҳ, садоқатинтимо Муҳаммадсафо *отолиқ*ни *иноқ*лиқ мансаби била мумтоз қилди. Анинг ўрниға Бобобекни *отолиқ* этти. Ала ҳазал қиёс.

Хони жаннатмаконнинг жулуси ҳумоюнининг ўн саккизинчи йилининг воқеоти. Ул жумладин: Роёти зафар ат-тавонинг Бухоро азиматида шиққанамолиқи ва сипоҳи нусратпаноҳнинг ул азмда сарсар хайлидек бодияпаймолиқи ва баҳодирларнинг садамаи ҳамалоти била Қоқуштавон қалъаси ва Оғор қўрғонининг очилмоғи. Бирининг суккони итоат василаси била вартаи ҳалокатдин қутулғони ва бирининг улуси муонидат таашомидин ғазаб қиличи била қатли ом бўлғони. Ва ул ҳазратнинг сабаби мурожиати ва оҳанги муовидати

Ахбор жавоҳирининг ҳомиллари ва осор фунунининг комиллари бу воқеа изҳорида маоний дурин сўз риштасига бу янглиғ терарларким, чун султони комкор ва хоқони душманшикор, шаҳриёри сулаймонбахт, тождори осмонтахт, хидеви жамиқтидор ва хусрави маъдилатшиор, зубдаи салотини муалломакон, қудваи хавоқини давлатпосбони малоз ал-олам, мафхар ал-*араб* ва-л-*ажам*. **Маснавий:**

Шаҳеким бўлуб баҳру бар шоҳи ул,
Румузи жаҳонбонлиқ огоҳи ул.
Сикандардин афзун ўлуб ҳикмати,
Анинг давлатидин фузун давлати.
Ниҳоятдин афзун карам қилғувчи,
Вужуди адувни адам қилғувчи.
Салотини оламдин олиб хирож,
Карам қилғувчи подшоҳларға тож.

– халифат ар-раҳмон, зилли-с-убҳон, ал-муаяд би таиди малик ал-мустаон Абу-л- музаффар ва-л-мансур Абулғози Муҳаммадраҳим Баҳодирхон *навваруллоҳу марқадаҳу* <u>*ва баррада мазжааҳу*</u> Бухоро тасхирининг иродасин пешниҳоди хотири ашраф қилиб, сипоҳи нусратпаноҳға таҳҳияйи асбоби сафар учун панжаи дарёнаволи абрмисолидин зарафшонлиғлар кўргузуб, аларнинг домани муродин нуқуди истеъдод била лабрез қилди. Хусусан, умарои олийшон ва шужаои гардунтавон, муалло мартабат беклар ва соҳиби манзилат маҳрамларга инъоми мавфур ва эҳсони номақдур тақдимға еткуруб, юруш саранжомининг танзими ва уруш муҳомининг тансиқиға маъмур этди. Маъмурлар ҳасб ал-фармон тарад-

---

[2759] 1237 йил 29-шаввол/1822 йил 19 июл.
[2760] Қуръони карим, 3 : 185; 21 : 35-, 29 : 57.
[2761] Қуръони карим, 54 : 55.

дуди тамом ва жаҳди локалом била сафар яроғин тузатурга иштиғол кўргузуб, оз фурсатда баважҳи дилхоҳ муҳайё ва омода қилдилар. **Назм:**

Очибон жадду жаҳд абвобин,
Буткариб йўл ярогу асбобин.
Мунтазир бўлди барча аҳли сипоҳ,
Ки қачон азми роҳ қилгай шоҳ.

Чун таърихи ҳижрия минг икки юз ўттуз саккизда (1238) Йилқи йилининг охири, жумода-л-аввал ойининг йигирмаси[2762] да жума сабоҳиким, подшоҳи зарринкулоҳ офтоб машриқ хилватгоҳидин чиқиб, фалак арсаси сори инонтоб бўлди, ҳазрат соҳибқирони хуршидҗоҳ ва ситора сипоҳ ашҳаби фалак суръат ва абраши сабо ҳаракатға рукуб қилиб, ливои наҳзатни жилваға киргизиб, дабдабаи подшоҳий ва кавкабаи номутаноҳий била дорилхилофаи Хивақдин чиқиб, пешин вақти Янгиариқ ҳавликим, ул ҳазратнинг мулки холиси эрди, нузули тароват вусули файзидин беҳиштнишон қилди. Ул ҳавлида бир тун мутаваққиф бўлуб, тонгласаким шанба куни эрди, андин кўчуб, Хонқоҳ тушида дарё соҳилин муаскари асокири нусратасар ва мустақарри аъломи зафарпайкар қилди. Ул мавзеда икки кеча маснадпиройи фароғат ва бистароройи истироҳат бўлиб, ҳилолвор заврақлар ва фалакосор сафиналар била Жайҳундин убур қилиб, шимолия канорни мавзеи борогоҳи ижлол ва манзили саропардаи иқбол қилди. Ул ерда уч кун оромгузин бўлди, токим сипоҳи нусратпаноҳ аъломи зафарфаржом зилли ҳумоюниға жам бўлғайлар. Тўртинчи куниким, панжшанба эрди, ул ҳазрат роятафрози наҳзат бўлуб, Мискин Ото *алайҳираҳманинг* жавориғаким, ул мавзени Айритом ҳам дерлар, нузули майманатшумули файзидин низорат ва хуррамлиқ бағишлади. Андин кўчиб, Бозиргон тўқайида боргоҳи сипеҳриҳтишом ва хайёми саодатфаржом изои била шаҳристони Чин ҳайъатин ошкор, балки гулистони хулдбарин тароватин намудор қилди. Андин отланиб, издиҳоми тамом била Мишклига тушти. Андин ҳаракат кўргизиб, Эчку ёриға нузул этти. Андин ливои наҳзатни жилвагар қилиб, нузули ижлоли саодати била Учўчоқ қириға сарафрозлиқ еткуриб, анинг фарқи фахоматин авжи афлокдин ошурди. Ул мавзеда тўрт кун ё беш кун тавaққуф воқе бўлиб, айёми таваққуфда мамолики маҳруса ва билоди маҳфузадин лашкари фаровон ва сипоҳи бепоён гуруҳ-гуруҳ, фавж-фавж келиб, муаскари ҳумоюнға дохил бўлиб, ул миқдор издиҳом зуҳурға еттиким, ул водии васе қиёмат шавкатин ошкор этти. **Маснавий:**

Бўлуб ул сифат издиҳом ошкор,
Ки бўлгой деса юз қиёматча бор.
Не анинг ҳадду сони пайдо бўлуб,
Не учу қироғи ҳувайдо бўлуб.

Чун соҳибқирони мағфур ул мавзеда буна ва ўғруқ, аҳмол ва асқол ва баъзи ярамас отлиғларни қўйиб, аларнинг муҳорисат ва муҳофизатиға аморатпаноҳ ва аёлатдастгоҳ *амир* Қилич *иноқ*ни ўз навкари била тайин қилиб, жумода-л-охир ойининг авоили[2763] да ул ҳазрат ўз нафаси нафиси била рукуб қилиб, роёти нусратоётни жилваға киргизиб, Жайҳун қироғи била азимат якронин гармжавлон қилди ва орада бир қўниб, Кўкардали манзилига сояйи вусули била сарбаландлиғ еткурди. Ва ул манзилда бир оқшом истироҳат кўргузуб, тонгласи ҳангоми субҳда шавкати тамом ва савлати молокалом била бодпои наҳзатға рукуб қилиб, лашкари қиёматасарнинг суфуфи нусрат илтизомиға ўзга янглиғ насақ ва низом бериб, ўнг қўл ва сўл қўлин умарои номдор ва шужаои жалодатосор била безаб, мақсад тарафиға озим бўлди. **Назм:**

Шоҳи Фаридун фарру Жам иқтидор,
Хусрави олий гуҳару номдор.
Озим ўлуб шавкати шоҳий била,
Дабдабаи номутаноҳий била.

[2762] 1238 йил 20-жумода-л-аввал/183 йил 13 феврал.
[2763] 1238 йил 3-жумода-л-охир/1823 йил 15 феврал.

Тебранибон кейнида сонсиз сипоҳ,
Чарх юзини тутубон гарди роҳ.
Сақли ер ажзосига айлаб асар,
«Зилзилат ил-ард[2764]» бўлуб жилвагар.
Кўргузубон пўя қуму дашт аро,
Гарди қилиб ёгду жаҳонни қаро.
Шахси хирад гар анга қилса назар,
Ойинаи ҳайрат ўлур сар басар.

Ул ҳазрат бу янглиғ низоми саодат анжом била нузул қилиб, Эшма мавзеин мафхари манозил ва ашрафи мароҳил қилди. Ул манзилда бир кеча мутамаккин бўлуб, тонгласиким, чобуксавори хуршиди ховар тун маҳаласидин ҳаракат кўргизиб, фалак арсаси сари қадамовар бўлди, ул шаҳсувори хуршидкулоҳ ва фалакдастгоҳ дағи Эшма манзилидин инонтоб бўлиб, лашкари сангин ва сипоҳи қиёматогин била *Ўкуз* жулгасин оромгоҳ қилиб, анинг сари мабоҳотин авжи фалакға еткурди. Ул мавзеда бир тун мутавaққиф бўлиб, саҳар вақти саманди сариъ ас-сайри саодатға рукуб қилиб, хуршиди жаҳонгард янглиг бир кун, бир оқшом суръати тамом била илғор этиб, ярим тундин сўнг саҳарга қариб эрди, Бухоро музофотидин Қоқуштувон қалъасининг ёвуқида бир кўл канориға етиб, хайёми иқбол ва саропардаи ижлолни барпой қилиб, истироҳат кўргуздилар. Чун анжум шоҳи сипеҳр қўрғони тасхири учун олтун ливосин куҳсор қалъаси узра намоён этти ва нур сипоҳи зулумот аҳшоми яғмосиға атфи инон қилди, султони анжумҳашам ва соҳибқирони заррин алам дағи ўрдуи ҳумоюнни мазкур кўлнинг канорида қўйиб ва баъзи мўтамиди алайҳ мулозимларға топшириб, рикоби саодатға қадами муборакі қўйиб, бодпои давлатға рукуб қилди ва сипоҳи нусратпаноҳ ва шужаои жалодат интибоҳға даста-даста тартиб бериб, суфуфи зафарвуқуфни ораста ва пироста қилиб, издиҳоми тамом била Қоқиштувон қалъасининг устига роятафрози наҳзат бўлди. **Маснавий:**

Шаҳи соҳиби иқболу феруз бахт,
Хидеви жаҳонгиру Жамшид тахт.
Шижоат сипеҳрида меҳри мунир,
Саховат саририда Ҳотам назир.
Дурри пок дуржи асолат аро,
Ёруқ меҳр буржи адолат аро.
Боши узра чатри зафар соябон,
Бўлуб фатҳу нусрат анга ҳаминон.
Қилиб оллида жилва заррин алам,
Эсиб анга давлат ели дамбадам.
Бўлуб озим аъдо ҳисори сори,
Нигунбахтларнинг диёри сори.
Юруб согу сўлда ададсиз сипоҳ,
Бори хунфишону бори размхоҳ.
Бори Рустам ойин, бори филтан,
Бори шер неру, бори сафшикан.
Бори жуссада куҳ ҳайъат келиб,
Бори кин аро бабри ғайрат келиб.
Бориға бўлуб паҳлавонлиғ шиор,
Бориға келиб хунфишонлиғ шиор.
Бори кин ила кирса фархош аро,
Зуҳур айлагай «арди зилзалиҳо[2765]».
Бири бир қўшунға қирон солғучи,
Бири бир жаҳондин ўчин олғучи.

[2764] «Ер даҳшатли зизила билан ларзага тушганда». Қуръони карим., 99 : 1.
[2765] Қуръони карим, 99 : 1.

Бир қаҳр ила қуйса юз тоғга,
Кирар ваҳмидин тоғ туфроқга.
Бири отса кўкка амуди ситез,
Тўкулур ер узра бўлуб рез-рез.
Бори остида хушхиром отлар,
Пари сурату девгом отлар.
Мусаттаҳ кафл, жавзаҳру дум келиб,
Кушода қадам, оҳанин сумм келиб.
Бори илгида найзаи жонситон,
Зафар нурин айлаб шуое аён.
Келиб теги нусрат юзи мазҳари,
Ягочи зафар богининг арари.
Бори белига осилиб тиглар,
Жадал қон тўкарга қилиб тиглар.
Шуои қуёшдек ҳувайдо бўлуб,
Кўлу жавҳар «инно фатаҳно[2766]» бўлуб.
Олиб нечаси қўлига шамхоллар,
Адувга солурга ямон ҳоллар.
Нечаси олиб қўлга гурзу табар,
Нечасида ночах бўлуб жилвагар.
Осиб пой то сар салоҳу яроғ,
Мусаллаҳ бўлуб барча бошдин оёғ.
Бори суръат ила қилиб қатъи роҳ,
Ки тез айлагай хасм ҳолин табоҳ.

Ҳазрат соҳибқирони зафарқарин бу янглиғ дабдабаи саҳмгин ва кавкабаи салобатогин била Қоқиштувон қалъасининг устига бориб, роятафрози тамкин бўлди. Ва ул ҳазратнинг ишорати била шужаои жалодат шиор ва асокири нусратосор якрони ғайратни майдони сароматға суруб, ул қалъанинг атрофу жавонибин тохту-тоз қилиб, сели офат ва муҳити махофат янглиғ иҳота этдилар. Ва ул қалъа жуюши дарё хуруш ўртасида баҳри бепоён юзидаги ҳубоб қасридек бебунёд ва бесомон мушоҳида қилилди. Ва яқин эрдиким, ул ҳубоби бемадор бунёди бу баҳри зуххор талотўмидин вайрон ва барбод бўлғай. Ул чоғда Искандарбек бошлиғ қалъа аҳоли ва маволиси итоат кештисин абудият соҳилиға нажот умиди била суруб, юз ажзу инкисор ва минг ҳаросу изтироб била келиб, ул ҳазрат отининг оёқиға юз суртуб, омон тиладилар. Ул ҳазрат «қодир Оллоҳ наздида афв қадрланувчи ишлардандир[2767]» муқтазоси била аларнинг жаридаи жароимиға рақами афв чекиб, мутаарриз бўлмай, омон берди. Ва аларға рикоби зафаринтисоб мулозимларидин киши қўшиб, аёл ва атфол, мавоши ва амволиға оломонни дахл қилдурмай кўчириб, сангари ҳумоюнға юборди. Ва ул мавзедин аъломи нусратанжомни ҳаракатға киргизиб, кирёси гардунасос қуббаи зарринин нузули саодатвусули била сипеҳрбарин зурвасидин ошурди. Ҳамул кеча сарири истироҳатда оромгузин бўлиб, сўнгғи куниким, Искандари хуршиданвар фалак ҳисори фатҳи учун азиматгустар бўлди, султони искандарнишон дағи рукуб қилиб, инони давлатнишонин Оғор қўрғони тарафиға маатуф этди. **Маснавий:**

Яна тушти баҳри сипоҳ ичра жўш,
Яна чиқти чарх авжи узра хурўш.
Қилиб азм ҳар ён гуруҳо-гуруҳ,
Этиб ерни сумми марокиб сутуҳ.
Чиқиб гулгула етти афлокга,
Тушуб зилзила арсаи хокга.
Мунингдек шукуҳ салобат била,

[2766] Қуръони карим, 48 : 1.
[2767] Ҳадис.

Ниҳоятдин афзун маҳобат била.
Суруб бодпо қатъи роҳ этгилар,
Адув хайли қўрғониға еттилар.

Ҳазрат подшоҳи зафардастгоҳ аъломи саодат илтизоми нусрат фаржомни қалъа ёвуқида барпо қилиб, умарои изом била ором тутди. Ва сипоҳи давлатпаноҳдин баъзи мутаҳаввир йигитлар қалъа атрофида якрони жалодатни гармжавлон қилдилар. Ва қалъа аҳли камоли жаҳолат ва ғояти накбатдин итоат қуллодасиға мутақаллид бўлмоқдин ибо ва имтино кўргузуб, тамарруд ва инод камарин белларига боғлаб, исён ва фасод қалқонин юзлариға тутуб, қалъа деворин ўзлариға паноҳ этиб, хадангбозлиқ ва *туфангандоз*лиқға иштиғол кўргуздилар. Ул аснода ноираи ғазаби подшоҳий мирваҳаи сахати илоҳий била иштиол топиб, шужаои зарғомкин ва қуталои баҳромойин ва абтоли нусратқаринға мавқифи аззу жалолдин фармони лозим ал-имтинон арзи нифоз топтиким, жаҳди тамом ва ғайрати молокалом била қалъаға югуруб, хунафшонлиғ ва жонситонлиғдин ўзларин дариғ тутмағайлар. Баҳодирларким, рўзи масофни шаби зуффофдин афзал ва майдони размни айвони базмдин акмал билур эрди, бу амри ҳумоюндин ниҳоятсиз мубтаҳаж ва масрур бўлуб, бабри даррон ва ҳазабри ғаррон янглиғ қўрғоннинг атроф ва жавонибидин от солиб, бир ҳамлада ўзларин қалъа devориға еткуруб, бовужуди ҳасонат ва матонатда Искандар саддиға баробарлиқ даъвосин қилур эрди, бахти феруз мададкорлиғи била девордин ошиб, балои осмоний янглиғ тўрт тарафдин қалъа ичига қуюлдилар. **Маснавий:**

Кириб қалъа ичра ададсиз далер,
Бори зўрбозу бори шергир.
Бори илгига тиғи буррон олиб,
Адув аҳлидин қон тўкуб, жон олиб.
Этиб баъзи хасм аҳлини дастгир,
Чекиб қайд домиға зору асир.
Кириб ул сифатким гуруҳи паланг,
Очар галлаи гусфанд ичра чанг.
Муонид гуруҳиға солиб қирон,
Оқиздилар ул дамда ҳар сори қон.
Бўлуб синалар тиғи тез ила чок,
Баданлар тушуб ер уза мисли хок.
Бўлуб гард бошлар оёқ остида,
Қуруг донадек ёргучоқ остида.
Тушуб баъзи қайди исорат аро,
Қолиб баъзи тиғи ҳалокат аро.
Биров оллида ўгли мақтул ўлуб,
Бировга ота зору маглул ўлуб.
Бировга тушуб ўглининг мотами,
Бировга ота мотамининг гами.
Асир ўлубон барча аҳли аёл,
Тологга бориб жумла ашёву мол.
Фиғонлар чиқиб авжи афлокга,
Тушуб ларзалар пайкари хокка.
Қиёмат куни ошкоро бўлуб,
Фузун балки андин алоло бўлуб.

Чун шужаои номдор ва сипоҳи нусратосор қалъа аҳлининг кўпракин қатлға еткуруб, бошларин олдилар ва қолғонин исорат қайдиға муқаййид қилиб, аҳли аёлу атфоли била ҳазрат соҳибқирони гитийситоннинг назари анвари пешгоҳиға келтурдилар. Ва каллаларни тўрт-беш ерга хирман янглиғ угдиларким[2768], ҳар хирманнинг баландлиги ул миқдор эрдиким, ҳар қайсининг бир тарафидин ўтган отлиғ яна

[2768] Угмоқ – бир ерга тепалик қилиб йиғмоқ.

бир тарафидин кўринмас эрди. Ул ҳазрат камоли ғазабдин келган асирларнинг қатлиға ҳам ҳукм қилиб, аксарин тиғи бадариғ дамидин ўткардилар. Ва баъзиси аркони давлат илтимоси била ҳалокат теиғидин қутулди. Ҳамул кун ул мавзеда ул миқдор қон тўкулуб, бош кесилдиким, ақл муҳосиби анинг ҳисобин билмакда мутаҳаййир ва идрок дабири анинг тедодин рақам қилмоқда мутааззир бўлди. Ва ул мавзеда жонсиз баданлар туфроғидин таллар ҳайъати ошкор, балки улуғ тоғлар сурати намудор бўлди. Ҳазрат шаҳаншоҳи зафардастгоҳ ул ердин сипоҳи қоҳира ва афвожи мутакосира била ҳаракат кўргизиб, кечликка чоршанба Рамитон қўрғонининг ёвуқида бир мавзеға нузул қилди, токим кеча ул ерда истироҳат қилиб, тонг отғондин сўнг Бухоро шаҳри устига роятафрози наҳзат бўлғай. Ул кеча даргоҳи фалакпойгоҳ мулозимлариға хабари мутавотир била маълум бўлдиким, амир Ҳайдар Самарқандға кетиб, Бухоро шаҳри сипоҳдин холи эрмиш. Ул ҳазрат камоли ҳамият ва ғояти мардоналиғдин подшоҳ ва сипоҳсиз шаҳар устига бормоқни ҳиммати олийнаҳмат ва давлат *қазо*қудратиға муносиб кўрмай, фасхи азимат қилиб, тонг отғондин сўнг давлат ва иқбол била қадами муборакин рикоби саодатға қўйиб, бодпои бодияпаймоға рукуб қилиб, инон инсирофин мурожиат жонибиға масруф этиб, ўрдуи ҳумоюнғаким, Қоқиштувонға қариб кўл канорида эрди, нузул қилди. Андин ливои наҳзатни ҳаракатға киргизиб, усарои бепоён ва ғаноими бекарон била қатъи манозил қилиб, дарёйи Ому канорида Кўкардали мавзеин муаскари асокири мансур қилди. Андин кўчиб, дарё соҳили била азимат кўргизиб, Уч ўчоқ манзилигаким, баъзи лашкария била ўрдаи аълони анда қўйиб кетмиш эрди, нузули майманатшумули файзидин рашки риёзи жинон қилди ва дийдори фойизиланвори мушоҳидасидин Қилич *иноқ* бошлиғ барча сангар элининг кўзларига нур ва кўнгулларига сурур бағишлади. Андин саманди саодатға рукуб қилиб, аъломи нусратфаржомни жилваға киргизиб, Жайҳун қироғи била мароҳил мутааддидни қатъ этиб, Хонқоҳ маъбарида боргоҳи сипеҳриштибоҳни барпо қилдириб, нузул этди. Ва ул маъбардин дарёни кечиб, куммияти саодатға рукуб қилиб, шавкати тамом ва савлати мелокалом била жумодиссоний ойининг ўни[2769] да шанба куни Хивақ дор ас-салтанасиға нузул этиб, фуқаро ва бароё бошлариға сояйи вусул солди.

Бу сафарнинг муддати ўттуз кун эрди.

Ва ул ҳазрат дорилхилофа саририда мутамаккин бўлғондин сўнг келган асирлар аҳволиға партави илтифот солиб, аларға Ҳилоли мавзеида ер бериб, маъво ва сакно тайин этди. Ҳоло қалин кент ва улуғ эл бўлуб ўлтирибдурлар.

Ҳазрат соҳибқирони фирдавс маконнинг учунчи каррат лашкари қиёматасарни Чоржўй жонибиға тебратмаки. Қатном ва Парвард ва Карки атроф-жавонибин тохту-тоз қилиб, инод аҳлиға гушмоли азим еткуруб, ғаноими касира била мурожаат этмаки

Ахбор нуқудининг саррофлари ва осор жавоҳирининг аърофлари, фасоҳат ва балоғат хазоиниға бу янглиғ кириб, сўз риштасига маоний дурларин бу нав терарларким, чун подшоҳи ғуфронпаноҳ, жаннатжойгоҳ, анжумсипоҳи нусратдастгоҳ, искандарнишон, сулаймонмакон, ҳодими асос ал-зулм вал-туғён, моҳии русум ал-бидъат ва-л-исён Абулғози Муҳаммадраҳим Баҳодирхон таидоти яздоний ва тавфиқоти субҳоний била Бухоро музофотидин Қоқиштувон ва Оғор қўрғонин фатҳ этиб, давлат ва иқбол била келиб, салтанат саририда мутамаккин бўлди, оз фурсатдин сўнг Чоржўй устига юруш иродасин хотири саодаттавомиға мусаммим қилиб, сафар асбоби таҳҳиясиға илтифот партавин солди ва нуқуди фаровон бахшиши била лашкар аҳлиға хурсандлиғ еткуруб, инъоми бекарон билан умаро ва акобир кўнгулларин олди. Бухоро сафаридин келгандин икки о-ю йигирма кун сўнг сана минг икки юз ўттуз саккизда (1238) Қўй йили офтоби оламтоб Жавзо буржида эрди[2770], шаъбон ал-муаззамнинг салхи[2771] да якшанба куниким, асъади соот ва ашрафи авқот эрди, дор ас-салтанаи Хивақдин рукуб қилиб, умарои олиймиқдор ва амнои сипеҳр иқтидор ва шужаои жалодатшиор ва сипоҳи зафаросор била озим бўлиб, нузули ижлоли мубоҳотидин Янгиариқ ҳавлининг буружи ифтихорин сипеҳрбарин гунбазиға баробар қилди, балки

[2769] 1238 йил 10-жумоду-с-соний/1823 йил 22 феврал.

[2770] 23-май.

[2771] 1238 йил 29-шаъбон/1823 йил 11 май.

арши аъзам зурвасиға ҳамсар. Анда бир кеча тавақҳуф кўргузуб, тонгласиким, жамшиди хуршид ливои зарринин арсаи сипеҳрда падид этди, ул шаҳриёри жамшид шавкат ва хуршид макиннат даги Янгиариқдин ливои нусрат ат-тавони жилвага киргизиб ва саманди барқпои бодияпаймоға маҳмез бериб, гуруҳи қиёмат интимо ва шукуҳи ҳайратафзо била Ҳазораспға нузул этиб, қадами саодат тавоми шарофатидин ани мафхари қулло ва билод этти. Ва сўнгги кун андин роятафрози наҳзат бўлуб, Яккачиқир мавзеиға сояйи вусул солиб, сарафрозлиғ еткурди. Андин кўчуб, издиҳоми тамом била азимат кўргузиб, Тевабўюн манзилиға нузул этди. Андин рукуб қилиб, Садвар қалъасининг ёвуқида дарё қироғин мухайями хайёми саодатасар ва мустақарри роёти нусратпайкар қилди. Андин азимат якронин гармжавлон қилиб, Савдук тўқайин баҳори нузули файзидин чаманистони тазйин, балки ғайрати беҳиштбарин қилди. Андин аъломи зафарфаржомни ҳаракатға киргизиб, Даҳаншер бешасин асокири нусратмаосирға муаскар қилди. Ва андин роятафрози назҳат бўлиб, Бўрли манзилиғаким, Уч ўчоқ муқобиласидадур, кирёси гардунасосни барпой қилдириб, нузули ижлоли била қуббаи фахоматин хуршидмусос қилди. Ул мавзеда уч кун мутавақҳиф бўлуб, айёми тавақҳуфда атрофу жавонибдин сипоҳи мансура ва афвожи қоҳира гуруҳ-гуруҳ келиб, ўрдаи аълоға мулҳақ бўлдилар. **Назм:**

Келиб ҳар тарафдин тумон минг гуруҳ,
Бори шербозуву қаплон шукуҳ.
Бори келди Таҳумарси рўзгор,
Бори рашки Барзуву Асфандиёр.
Бори Рустам ойин таҳмтан келиб,
Бори разм фанида якфан келиб.
Борининг таваккал бўлуб жавшани,
Эрур размгаҳ борининг гулшани.
Бори бошида хўд нусрат бўлуб,
Бори илгида тиғ ғайрат бўлуб.

Чун муаскари ҳумоюнға лашкари жаррор ва сипоҳи нусратосор ул миқдор йиғналдиким, сипеҳри кўҳансайр анга юз минг кўз била ҳайрон ва замини басит жисми анинг сақлидин ларзон бўлди. Ҳазрат подшоҳи мағфиратпаноҳ Бўрли манзилидин бу нав сипоҳи бекарон ва лашкари фаровон била ҳаракат кўргузуб, Жигарбанд Ото зиёратиға мушарраф бўлиб, анинг тўқайин лашкаргоҳ этти. Ва андин наҳзат якронин азимат майдониға суруб, Шишли Қаро айғир тўқайинким, беҳад васе ва қалин эрди нузули назоҳатшумули файзидин гулшани тоза янглиғ сабзу хуррам, балки рашки бўстони Эрам қилди. Андин кўчиб, Оқработ мавзеиға нузули ҳумоюни била сарафрозлиқ еткурди. Андин рукуб қилиб, рояти зафароятни жилвага киргузуб, Дорғон Ото *алайҳирраҳма*нинг ёвуқида дарё қироғин мавзеи шодравони иқбол ва манзили саропардаи ижлол қилди. Ва ул мавзедин сипоҳи мавфур ва афвожи номақдур била якрони азиматға рукуб қилиб, алвияйи зафартаабияни ҳаракатға киргизиб, дабдабаи Каёний ва кавкабаи Сосоний била манозили мутакасира ва мароҳили мутанаввиани қатъ этиб, етти кунда Чоржўй қалъасининг тушида дарё лабиға нузул этиб, кирёси баландасос манжуқин зурваи аюқға ҳамсар қилди, балки арш буржиға баробар. Фалакандом хиргоҳлар ва фархундафаржом хиймалар изои била ул мавзе шаҳристони азим ҳайъатин намудор қилди, балки жинот ан-наим тароватин ошкор. **Назм:**

Қайси бир ерга шоҳ қўйса қадам,
Бўлур ул ер беҳиштдек хуррам.
Қайси мавзеда айласа тамкин,
Топар ул шаҳри Чин киби тазйин.
Қайси бир жой бўлса манзил анга,
Бўлур ойинадор файзу сафо.

Ул мавзеда ўн-ўн беш кун тавақҳуф кўргузуб, ҳар кунда сипоҳи қоҳира ва афвожи мансурани гуруҳ-гуруҳ ва даста-даста тартиб бериб, ҳар *амир* ва ҳар саркардани ўз лашкари била Чоржўй устига чаповулға номзод қилиб, ҳар кун аъдои давлатдин ниҳоятсиз қонлар тўкулуб, ҳисобсиз бошлар кесилди. Ва

сипоҳи мансура ғанимати фаровонға мутасарриф бўлдиларким, хирад дабири анинг ҳисобидин ожиз келди. **Маснавий:**

Шоҳ амри била сипаҳ ҳар кун,
Хасм ҳолин қилиб табаҳ ҳар кун.
Ҳар сори бодпои қаҳр суруб,
Қалъа атрофиға чаповул уруб.
Юз уруб лашкар бало янглиғ,
Қасди этиб оч аждаҳо янглиғ.
Олиб илгига барча тиғу синон,
Бўлубон хасм элига қосиди жон.
Бош кесиб барча ҳадду ғоятсиз,
Қон тўкуб ғояту ниҳоятсиз.
Мол олиб ул сифат ки сони йўқ,
Ҳад ила ғояти нишони йўқ.
Хайли аъдо ҳисор аро маҳсур,
Бўлуб умид жонидин маҳжур.
Дуди оҳи қилиб фалакка сууд,
Чарх жўвфи лаболаб ўлди дуд.
Неча кун бўйла тангно ичра,
Қолибон маҳбаси бало ичра.
Бўлмайин кўзлариға ром уйқу,
Бориға хавф этиб ҳаром уйқу.
Ҳар тарафдин сипоҳи кинагузор,
Барча қаплон шукуҳу шер шикор.
От солиб айлабон алолалар,
Ҳар сори неча нав ғавғолар.
Етдилар комиға тўкардин қон,
Мол олурдин бори бўлуб шодон.

Чун ўн беш кунгача сипоҳи хунрез ва лашкари шер ситез ул қалъанинг атрофиға растохезлар солиб, қон тўкмак амрида ва ўлжа олмоқ тажассусида дақиқае номаръи қўймадилар. Ва айёми тавaққуфда ҳазрат соҳибқирони мамоликстоннинг сейти салобат ва овозаи маҳобатидин мутаваҳҳим бўлуб, Қатном *ҳокими* Султонниёз *қаровулбеги* рибқаи итоатни руқбаи абудиятға солиб, тансуқот ва туҳафот била келиб, утбаи сипеҳр мартаба хокбўслиқиға мушарраф бўлди. Ул ҳазрат ани ўз эли билаким, саккиз юз киши эрди, Марвға кўчириб, ул вилоятда аларға маъво ва сукно тайин этди. Ва ўн беш кундин сўнг Чоржўй қўрғони муқобиласидин роятафрози наҳзат бўлуб, Сақар қалъасиниким, барча эли сипоҳи мансуранинг таваҳҳумидин баъзи қумға ва баъзи дарёдин ўтуб, фирорий бўлмиш эрдилар, муаскари асокири нусратмаосир ва мустақарри аълом саодатасар қилди. Ва андин шавкати подшоҳий ва савлати номутаноҳий била рукуб қилиб, Қатном қалъасининг тушида дарё қироғин мухайями хайёми иқбол ва музриби боргоҳи ижлол қилди. Ва андин ливои наҳзатни жилвагар қилиб, сипоҳи мавфур ва афвожи номақдур била озим бўлиб, Зуҳраи Тоҳир кўшкининг муқобиласида дарё соҳилиға нузул қилиб, боргоҳи саодатнишоннинг қуббаи дарахшонин хуршиди рахшоннинг қамаи тобониға партавафкан қилди ва хайёми давлат фаржомнинг зарби шарофат илтизоми била ул мавзени Чин шаҳристониға таъназан этди. Ул аснода Бухоро подшоҳи амир Ҳайдар лашкари сангин ва сипоҳи саҳмгин била келиб, ўрдаи ҳумоюннинг муқобиласида дарёнинг шимолия канориға такаббури тамом била нузул қилиб, муаскари ферузийасар жонибиға шамхол ва занбарак ва тўп оттурурға иштиғол кўргузди. Ва бу тарафдин дағи мавқифи аззу иқболдин фармони қазожараён тўпчилар саркорлариға аззи нифоз топтиким, тўпи душманкубларни аъдои давлат тарафиға отиб, сангари шамотатасариға гулулаи оташиннинг нузули мутаворидин барқрезлик ва оташандозлиқ зуҳурға еткурсинлар. Фармон мавжиби била тўпхонаи ҳумоюн мулозимларидин қодирандоз ўқчилар тўпи раъдошубларни аъдои шақоватинтимо қўшуниға қаратиб оташбозлиқ ва гулулаандозлиқға иштиғол кўргуздилар. **Маснавий:**

Икки тарафдин отилиб тўплар,
Солди жаҳон аҳлиға ошублар.
Дуд қилиб авжи фалакка сууд,
Абр киби меҳр юзин тутти дуд.
Раъд унидур унидин мунфаил,
Барқ ўтидур ўтидин музмаҳил.
Баҳр бўлуб ул сифат оташзада,
Ким кўрунуб айла ки оташкада.
Остида сув, устида ўт нав ба нав,
Турфа буким жам ўлуб ўт бирла сув.

Чун ул ҳолда тўпандоз мулозимлардин устод жонбозлар ғайрати мавфур ва жалодати номақдур зуҳурға еткуруб, бозуи иқбол мададкорлиғи била тўпларни аъдо сипоҳи ўрдусиға қаратиб, гулуландозлиқ амрида андоқ жаҳду жидол кўргуздиларким, душман хиймаларидин кўп хиймани ва кўп қушни ўқ зарби била барбод ва нобуд қилдилар. Чун *тожик* черики бу воқеа мушоҳидасидин бағоят мутағаййир ва ваҳмнок бўлуб, ҳайрону саросима, афтону хезон атрофу жавонибға Банот ун-наъш янглиғ мутафарриқ ва паришон бўлдилар. Ва ҳазрат соҳибқирон тўпчиларни инояти подшоҳона ва мароҳими хусравонаға махсус тутуб, хилои фохира ва пуқуди вофира инъоми била сарбаланду баҳраманд қилди. Ва *тожик* сипоҳи янгидан силки жамиатиға иниқод бериб, тўпандозлиқға жаҳди тамом била иштиғол кўргуздилар. Ул аснода аъдо тўпидин бир ўқ келиб, тўпчилар мулозимидин Пофиш ўрусға тегиб, бир қўлин узуб тушурди. Ва ул кун кечгача икки тарафдин жаҳди тамом била тўпандозлиғ ва оташбозлиғға иҳтимом кўргузулди. Чун офтоби оламтобнинг куллаи оташини мағриб тубида пинҳон бўлди, икки ёндин даги тўп отмоқ амридин қўл чекиб, оромгузин бўлдилар. Тонгласиким чобуксавори меҳр арсаи сипеҳрда жилвагар бўлди, ҳазрат соҳибқирони мағфиратнишон ул мавзеда ўрдуи давлатпаноҳ хийма ва хиргоҳни баъзи лашкария била қўйиб, ялаиг отлиғ бўлиб, жунуди номаъдуд ва жуюши дарёхурушни ҳаракатға киргузуб, Жайҳун канори била озим бўлуб, атроф-жавонибни чаповул қилиб, ул миқдор ўлжаға мутасарриф бўлдиларким, нақл қилмоқдин ожиз келдилар. Аммо киши топа олмадилар. Нединким лашкари қиёматасарнинг балои ногаҳоний ва қазои осмоний янглиғ ҳаракатға кирганидин хабар топиб, ул ҳаволида ўлтурғон эл ўз бошин қутқармоқни ғанимат билиб, молу ашё ва уй ва асбобиға қарамай, бола-чоқасин олиб, жило ихтиёр этиб, фирорий бўлмиш эрдилар. Аларнинг барча амволи сипоҳи нусратпаноҳнинг таҳти тасарруфиға кириб, ҳеч киши қолмадиким, кўтара олғонча ўлжа олмоғон бўлғай. Ва оломоннинг аксарида икки қанор[2772] ва уч қанор била бор эрди, ўзга ашёдин бошқа. Ва ҳазрат подшоҳи ғуфронпаноҳ ул навоҳини икки кунгача ғорат ва торож қилиб, учунчи кун лашкари селасар ва сипоҳи зафарпарвар била азимат кўргизиб. Карки қўрғонининг тавобеот ва музофотин поймоли чаповул ва дастфарсуди татовул қилиб, ул кун даги ғаноими фаровон ва ўлжаи бепоёнға мутасарриф бўлдилар Ва бир кеча ул ҳаволида оромгузин бўлиб, сўнгғи кун инони инсирофни муовидат жонибиға мунсариф қилиб, оқшом бир мавзеға нузул этиб, истироҳат кўргуздилар. Тонг отғондин сўнг саманди наҳзатға рукуб қилиб, мусаррати фаровон ва беҳжати бекарон била қўшға келиб, нузули саодатвусули шарафидин боргоҳи сипеҳр иштибоҳнинг қуббаи майманатасарин зурваи Сурайёға ҳамсар қилди. Ва бир кеча мутамаккин бўлиб, тонгласи чоштгоҳда ўрдуи кайҳон пўйини Хоразми жаннат базм тарафиға кўчириб ва жамшиди хуршид янглиғ фалакваш ашҳаби девзоди париниҳодға рукуб этиб ва сипоҳи сангин била азимат кўргизиб, сўнгги кун Чоржўй қўрғони тушиға тушулди. Ва андин кўчиб, икки кунда Қабоқли тўқайиға нузул қилди. Ва андин ҳаракат кўргизиб, икки кунда Дорғон Ото *алайҳирраҳма*нинг муқобиласида дарё қироғин лашкаргоҳ этди. Ва андин отланиб, уч кунда Ҳазораспға тушти. Ва андин наҳзат қилиб, орада бир қўниб, зу-л-қаъда ойининг авоили[2773] да якшанба куни давлат ва иқбол била дорулхалифаи Хиваққа ворид бўлиб, сарири салтанатда мутамаккин бўлди. Бу сафарнинг муддати олтмиш тўрт кун эрди.

Явмут баҳодирларининг Бухоро корвонин торож қилғани. Чун ҳазрат соҳибқирони жаннатмакон Чоржўй сафариға озим бўлғондин сўнг юрт ичида бу хабар пайдо бўлдиким, амир Ҳайдарнинг вазири аъзами Ҳаким*бий*нинг савдогари бироз корвон била Бухородин чиқиб, Эрдор йўли била Ўрусға борур

[2772] Қанор – катта қоп.
[2773] 1238 йил 3-зу-л-қаъда/1823 йил 12 июл.

эрмиш. Бу хабарни эшитиб, *явмут*ия муборизларидин қирқ йигит ҳазрат аълохоқони гардунтавон, муалломакон, давлатпосбон, Искандарнишон, Фаридундаврон, Дороҳашам, Сулаймонхадам, сарвари дудмони Одам, афзали мулук ал-*араб* ва-л-*ажам*, ҳодими бунён ал-мутамаррид ва-л-инод, моҳии қавоид ал-исён ва-л-фасод, носиби ливои амну омон ала рууси аҳл ал-иймон, ал-мустансир би иноят ал-малак ал-мустаон, халифат ар-раҳмон, зилли-с-субҳон, Абу-л-музаффар ва-л-мансур Абулғози Оллоҳқули Муҳаммад Баҳодирхон *рафааллоҳу таоло ала мафориқи-л-фуқаро зилола маъдилати*ҳиким, хони мағфурнинг илтифоти била дор ас-салтанаи Хиваҳда ниёбат маснадида мутамаккин эрди, ул ҳазратдин рухсат ҳосил қилиб, мазкур бўлғон корвон қасдиға қадами истежол била қатъи масофат этиб, Эрдор йўлида корвонға етиб, ғорат ва торож қилдилар. Ва барча амвол ва мавошиларин дасти тасарруфиға киргизиб, муовидат қилдилар. Ва ул корвоннинг барча юки қийматбаҳо шол эрдиким, ҳар бирининг қиймати бир жаҳон хирожи эрди. Хони жаннатмакон Чоржўй сафаридин келмасдин бурун шаҳарга келиб, авотифи фаровон била сарафроз бўлдилар. Ва сафарларининг муддати йигирма икки кун эрди.

Подшоҳи ғуфронпаноҳнинг жулусининг ўн тўққузунжи йилининг вақоеи. Ул жумладин амири кабири соиби тадбир, малози аҳли офоқ Қутлуғмурод иноқ наввара марқадаҳунинг Марв вилоятиға бориб, банд боғлотмоқининг ҳикояти ва тақдири илоҳий била банд бузулмоқининг мақолоти ва мурожаат қилмоқининг достоин ва вафот топмоқининг баёни

Қалами кулфат ошно бу воқеаи ҳасратинтимо баёнида бу янглиғ нолаву нафир зуҳурға еткурурким, айёми мозийда Марв вилояти андоқ обод эрдиким, зийнатбахши рўйи замин ва ғайрати хулди барин эрди. Ва соҳиби иқтидор подшоҳлар Марв дарёсиға банд боглатиб, барча туманот ва мазруотиға сарсабзу райёнлиғ, низорату ободонлиғ еткурур эрдилар. Кўп йиллардин бери ул дарёнинг банди бузилиб, ул вилоятнинг аксар мазоре ва боғоти харобу вайрон бўлмиш эрди. Чун ул вилояти сипеҳрвасат тааиди илоҳий била ҳазрат соҳибқирони мағфиратнишон Абулғози Муҳаммадраҳим Баҳодирхоннинг наввоби давлат интисобларининг таҳти тасарруфиға кирди, ул ҳазрат кўрдиким, анингдек вилояти васе сувсизлиғ жиҳатидин харобу вайрондур, ҳиммати олийнаҳмат ани обод қилмоққа муқтазо бўлиб, бияодари аржуманди *амири кабир*, ягонаи офоқ Қутлуғмурод *иноқ*ни сана минг ҳижрий минг икки юз ўттуз тўққузда (1239) Қўй йили офтоби оламтоб ҳаданги Қавс буржиға етмиш эрди[2774], раби ал-аввал ойининг йигирма еттиси[2775] да сешанба куни Марв вилоятиға номзод қилди, токим бандни боғлатиб, барча мазраларға сув еткуруб, вайрону хароб бўлғон ерларни обод ва сероб қилғай. *Иноқ*и мазбур фармони вожиб ал-изъон мавжиби била амал қилиб, мазкур бўлғон кунда дор ал-амораи Хиваҳдин чиқиб, Ҳазораспға борди. Анда бироз муддат мутаваққиф бўлиб, асбоби сафарни муҳайё ва омода қилғондин сўнг ўзига мутааллиқ черик била Ҳазораспдин отланиб, Найман оёқидин қум ичига кириб, тиғи мусориат била қатъи масофат қилурға саъйи номақдур тақдимға еткурди. Чун манозили фаровон ва мароҳили бепоён қатъидин сўнг Марв вилоятиға ворид бўлуб, дарё канорин муаскари асокири нусратфаржом ва мухайями хайёми давлат илтизом қилиб, издиҳоми тамом ва иҳтимоми молокалом била банди Султонни икки мартаба боғлатди. Тақдири илоҳий била икки каррат ҳам банд бузилиб, сув аввалғидек равон бўлди. Ул учурда ҳазрат шаҳаншоҳи *гуфронпаноҳ* даргоҳи фалак иштибоҳ мулозимларидин кўп саркардани лашкари бисёр ва сипоҳи бешумор била Марвға номзод қилдиким, *иноқ*нинг мулозиматиға етгайлар. Аларнинг асомиси бу тариқададурким, умарои изомдин *уйғур* халқининг саромади Раҳматуллоҳ *отолиқ* ва Алимардон шиғовул ва Холниёз *доруға* ва *мангит* акобиридин Дўсим *бий* ва *қипчоқ* азимидин Қутлуғмуҳаммад *иноқ* ва сипаҳдорлардин Ҳўббиқули хўжа ва Ниёзмуҳаммадбой ва Муҳаммадқули бек ва Отаниёз бек ва Муҳаммадсафо бек ва Соллоқ *юзбоши* ва Бадал *юзбоши* ва Сафар Оймоқ ва Бекфўлод *юзбоши* ва Худойберди товуқ ва Шоҳфўлод *мерган* ва Хўроз *отолиқ*. Чун бу мазкур бўлғон саркардалар ҳасб ал-фармони олийшон тариқаи истижол била озими дашту биёбон бўлиб, жумода-л-аввал ойининг авосити[2776] да *иноқ*нинг хизматиға етдилар, *иноқ* аларни Эгри гузар қалъасин иморат қилмоққа буюриб, ўзи

[2774] 24 ноябр.

[2775] 1239 йил 27-раби ал-аввал/1823 йил 30 ноябр.

[2776] 1239 йил 14-жумода-л-аввал/1824 йил 16 январ.

бирла ҳамроҳ борғон лашкариядин баъзи ҳориғон ва очғонин юртға қайтарди. Ул аснода *иноқ*нинг мазожи шарифиға касали шадид ориз бўлуб, бетоблиғ бистариға заифлиқ паҳлусин қўйди. Иттифоқо, ул ҳангомада султони соҳибқирони *фирдавсмакон*нинг табъи ҳумоюниға дағи мараз воқе бўлуб, остони сипеҳрнишон мулозимларидин ихлоскийшу садоқатандеш Рўзум паҳлавонни ёрлиғи жаҳонмато била *иноқ*нинг хидматиға ирсол қилмиш эрди, токим ул жанобни тезроқ қайтариб, дор ал-хилофаи Хоразмға келтургай. Паҳлавони мазкур ҳасб ал-фармон қадами мусориат била қатъи манозил қилиб, *иноқ*нинг хидматиға мушарраф бўлиб, ҳазрати мағфиратпаноҳнинг ёрлиғин арзға еткурди. Ул жаноб ёрлиғ мазмуниға муталле бўлғоч, қабул кўзиға суртиб, оз фурсат таваққуф кўргизиб, мазкур қалъанинг иморати камоли истеҳком била итмомға етгандин сўнг мазкур бўлғон саркардаларни ул мамлакатнинг муҳофизат ва муҳорисатиға тайин қилиб, моҳи рамазоннинг ўн беши[2777]да жума куни мурожиат кўргузди. Юриш асносида касал шиддати кун-кундин музоиф ва мутазоид бўлиб, чун моҳи мазкурнинг йигирма иккиси[2778]да жума куни Тажан оёқиға етганда, ажали мавууд анинг сарвақтиға етиб, «барча жон ўлим шарбатини татувчидур[2779]» шароби ногуворин сипқориб «яратганинг олдига рози ва хушвақт ҳолда қайт[2780]» хилватгоҳиға ироадат қадамин қўйди. **Маснавий:**

Оҳким, бу сипеҳри нилийчеҳр,
Тарк айлаб басе вафо била меҳр.
Қилди изҳори бемурувватлик,
Этди олам элини ҳасратлик.
Ким, иноқи замона мотамидин,
Дарди ҳажри-ю фурқати ғамидин.
Кийибон сар басар қаро ҳар ён,
Тутдилар барча эл азо ҳар ён.
Оҳлар дуди кўкка қилди сууд,
Ашклар руди ҳар тарафга вуруд.

Чун ул жанобнинг рикоби ҳумоюнидағи мулозими жонсипор ва салим ал-эътиқод хидматкорлар русуми мотам ва лавозими таъзияни бажой келтургандин сўнг наъши раҳматнишонин тахти равон устида мазбут этиб, камоли истижол била қатъи масофат қилиб, шаввол ойининг тўртунчи[2781] куниким, сешанба эрди, саҳар вақти қумдин чиқиб, Қарокўл оёқиға ворид бўлдилар. Ва шаҳардин уламои изом ва умарои киром ва олиймакон шаҳзодалар ва гардунтавон беклар ва жами улуғу кичик истиқболиға чиқиб, издиҳоми тамом била нолаву нафирни сипеҳрасир қулоқиға еткуриб, русуми шоҳона ва эъзози хусравона била нуқуди фаровон ва жавоҳири бепоён ва лаолии бекаронни ул жаноб наъшиға сочиб, ҳужуми тамом ва ғавғои молокалом била шаҳарга келтириб, ўзининг мадрасасидаким, Хивақ шаҳрида ҳануз анингдек иморати олий бино топмамиш эрди, сана минг икки юз йигирма олтида (1226) Қўй йили бино қилдириб, ўзига махсус бир жой тузаттирмиш эрди, ул жойда дафн қилдилар.

Муддати умри эллик олти йил эрди. Ул жанобдин уч саодатманд ўғул ёдгор қолди. Аларнинг асомии фархунда фаржоми бу тариқададур: асолатпаноҳ, жалолатдастгоҳ, давлатинтибоҳ Муҳаммадюсуфбек ва Абдуллоҳбек ва Ибодуллоҳбек *зайядаллоҳу таоло умраҳум ва давлатаҳум.* **Маснавий:**

Кўнгул, бу жаҳондин вафо истама,
Фалакдин муродинг раво истама.
Бирисини бил мавжи баҳри сароб,
Бирин англа ул баҳр узра ҳубоб.
Бир-бирисидин эрур бебақо,
Иккиси дағи мустаиди фано.

[2777] 1239 йил 15-рамазон /1824 йил 15 май.
[2778] 1239 йил 22-рамазон/1824 йил 22 май.
[2779] Қуръони карим, 3 : 185.
[2780] Қуръони карим, 89 : 28.
[2781] 1239 йил 4-шаввол/1824 йил 2 июн

Бу янглиғ неча бебақо бўлса ҳам,
Чоқиндек адамошно бўлса ҳам.
Жафодур улусга аларнинг иши,
Алар зулмидин йўқ омон бир киши.
Агар даҳр аро шоҳдур в-ар гадо,
Кўрар иккиси ҳам алардин жафо.
Киши йўқ алардин ситам кўрмаган,
Тумон ҳасрату минг алам кўрмаган.
Иноқи фалак қадру хуршид жоҳ,
Ки эрди жаҳонгиру анжум сипоҳ.
Анга дағи изҳор айлаб жафо,
Қуёшдек ниҳон этдилар хок аро.
Фароғ истасанг гар алар кинидин,
Хироми кажу зишт ойинидин.
Аларнинг ямон-яхшисин тарк тут,
Ўзингни алар тарки бирла овут.
Фано дайрининг боғла эҳромини,
Ол илгингга осудалиғ жомини.

Қурбонниёз ясовулбошининг човдур сипоҳи била Элжикка чаповул уруб, мурожаат қилмоғи ва аларнинг тиғи шижоатидин Бухоро черикининг қирилмоғи

Чун санаи мазкурда Бижан йили, шаъбон ойининг авохири[2782]да соҳибқирони *гуфронпаноҳ* Қурбонниёз ясовулбошини *човдур* черики билаким, анга мутааллиқ эрди, Бухоро чаповулиға номзод қилди, маъмурлар ҳукми олийшон ва фармони лозимилизон мавжиби била амал қилиб, азимат тариқиға истижол матоёсин сурдилар ва дарёйи Омуни Хонақоҳ маъбаридин кечиб, шимолия қирғоғи била қатъи манозил қилиб, Элжикка икки манзиллик йўл қолғонда теваларни Наркиз деган мавзеда қўйиб, яланг отлиғ бўлиб, бир оқшом илғаб, тонг отғонда Элчик қалъасининг атроф-жавонибин чаповул қилиб, кўп кишини қайди исоратға гирифтор этиб ва кўп ўлжаға мутасарриф бўлиб қайтиб, теваларни қўйғон ерга келдилар. Андин манзил-бамanзил азимат кўргизиб, чун Уч ўчоқ мавзеиға етдилар, ул мавзеда кўрдиларким, кўп отлиғнинг изи Бухоро тарафидин келиб, яна қайтиб ўтибдур. Бу воқеа кайфияти андоқ эрдиким, чун Бухоро *волий*си амир Ҳайдар *човдур* жамоасининг *эрончи* тийрасидин Муҳаммадберди бек бошлиғ юз отлиқни Хоразм тарафиға номзод қилиб эрди, токим қароқчилиқ тариқаси била мамолики маҳрусанинг бодиянишинлариға дустбурде еткура олғайлар. Иттифоқо, сипоҳи нусратпаноҳ Элжик устига борғон аснода алар Уч ўчоқ устидин чиқиб, Мушкли мавзеида таронгғу чопиб, қамиш ўратурғон фуқародин уч-тўрт кишини ўлдириб қочмиш эрдилар. Чун сипоҳи зафардастгоҳ аларнинг изин кўриб, ёв эрканин ва ёвуқда ўтканин фаросат юзидин маълум қилдилар, барча мукаммал ва мусаллаҳ бўлиб, аср вақтида аъдои давлат баргаштанинг изидин камоли суръат била жалодат бодпойин даштпаймо қилдилар. Ул кеча илғаб, тонг отғонда Оқтош деган мавзеға етдилар. Иттифоқо, Муҳаммадберди бек сипоҳи хисронпаноҳни ул мавзедин янгигина кўчириб илгари юбориб, ўзи изида қолиб, ўз бахти гарон хобидек, оғир уйқуға бормиш эрди. Ани ётғон ерида исорат камандиға муқаййид қилиб, илгари кетганларнинг дағи изидин етиб, тиғи тез ва синони хунрезким, аъдо қонининг лаб ташнаси эрди, ул гуруҳи шароратпажўҳнинг қонидин саршор ва сероб қилиб, ул мавзеда аъдои давлатнинг абдони бежонидин таллар ҳайъатин намоён қилдилар. Ва жон ҳавли била қочғонларин дағи таоқиб қилиб, ўлтира-ўлтира, Хол Отоға етгандин сўнг мурожаат қилдилар. Бу сафарда сипоҳи нусратпаноҳдин бир кишига қудурат етиб, қапоғи читилмади. Ва лекин аъдо черикидин кўп киши қатлға етиб, уч-тўрт отлиғдин ўзгаси тирик қутулмади. Чун лашкари ферузийасар кўп от ва ўлжаға мутасарриф бўлиб ва ниҳоятсиз бошлар кесиб, музаффар ва мансур қатъи масофат этиб, рамазон ойининг охири[2783]да даргоҳи фалакиштибоҳ мулози-

2782 1239 йил 27-шаъбон/1824 йил 27 апрел.
2783 1239 йил 27-рамазон/1824 йил 27 май.

матиға етиб, инояти хусравонаға махсус ва сарупои подшоҳона била сарафроз бўлдилар. Махфий ва муҳтажиб бўлмасунким, Раҳматуллоҳ *отолиқ* ва Қутлуқмуҳаммад *иноқ* бошлиғ баъзи саркарда ва лашкарким, *амири кабир* Қутлуқмурод *иноқ*и марҳумийнинг амри била Марвда қолмиш эрдилар, андоқким юқорида мазкур бўлди, султони *жаннатмакон*нинг фармони била шаввол ойининг авоситида мулозиматға етиб, бисотбўслиқ шарафиға истисод топтилар.

Султони мағфур ва хоқони мабрур жулуси майманатманусининг йигирманчи йилининг воқеоти. Ул жумладин Саййидниёз ушоқ ва Ёрқули паҳлавоннинг Карки тавобеин чопғони ва аъдо сипоҳи алар кейнидин келиб, шикасти фоҳиш топғони

Чобуксавор хомаи абирафшон саҳифа майдонида бу янглиғ гармжавлон бўлурким, чун таърих ҳижрий минг икки юз қирқда (1240) Бичан йили муҳаррам ойининг ўнунчи[2784] куни *явмут*ия жамоасидин Саййидниёз *ушоқ* ва Ёрқули паҳлавон ва Ғилонакбой *соллоқ* ва Ўрозали *соллоқ* ва Абдғаффорбек *соллоқ* ва *йимроли*дин Қаро *мерган* ва *гўклан*дин Баҳодирхўжа ва *қародошли*дин қошуқчи Қурбон *сардор* ва ўзбакдин *уйғур* Искандар баҳодир *явмут* ва *йимроли* ва *гўклан* ва *қародошли* ва *ўзбак*дии икки юз эллик киши била ҳазрат соҳибқирони мағфиратнишондин юртовул учун рухсат олиб, Омуя қироғи била озим бўлиб, олти кунда Қабоқлиға етдилар. Еттиланчи куни қумға кириб, орада бир қўниб, Тахтаға нузул этдилар. Андин кўчиб, орада икки қўниб, Уч Ожиға бордилар. Ва андин озим бўлуб, орада икки қўниб, Рафатакка тушдилар. Ва андин сув олиб кўчуб, икки кунда Йўл қудуқиға бордилар. Анда бир оқшом оромгузин бўлиб, сўнгги кун Далиқудуқиға нузул этдилар. Анда дағи бир кеча тавaққуф кўргизиб, тонгласи андин отланиб, икки манзилда Ожиқудуқға бордилар. Ва андин кўчиб, сўнгги кун Халаж йўлиға чиқдилар. Анда икки қудуқ бор эркан. Анинг атрофида кеча истироҳат қилиб, оромгузин бўлдилар. Ул тун саҳар вақти тўрт эшаклик эрсариким, Андхўдин чиқиб, Халажға келур эркан, исорат қайдиға чекиб, аларнинг сўзидин маълум қилдиларким, ақабидин қирқ тевалик кўч келур эрмиш. Аларнинг учовин теғи хунфишон ишорати била водии хамушонға юбордилар. Ва тонгласи чоштгоҳда ул қирқ тевалик кўчни олиб, эркакларин қатли ом қилиб, ўттуз чоғлиғ бола-чоқасин асир этиб, аларни ва теваларни эллик отлиғ била Халаж йўлида қўйиб, хуфтан чоғи отланиб, илғор қилдилар. Тонгласи пешин вақтида Зайт йўлиға туштилар. Ул ерда Абдуллоҳхон[2785] нинг сардобаси бор эркан. Андин отларин суғориб, кеч Тўнгуз сартиға бордилар. Ул бир қирнинг отидур. Андин ўтиб, Кўр қудуқиға бориб, оқшом анда бўлдилар. Ва тонг отғондин сўнг отланиб, Каркининг кунчиқарида Чошбобонинг шарқий жонибида уч чўфон топтилар. Бирин ўлдириб ва иккисиға йўл бошлатиб, Хўжа солор деган кентга чаповул урдилар. Олти юз чоғлиғ тева ва юз чоғлиғ от ўлжа қилиб ва ўттиз чоғлиғ ўғлон-*ушоқ*ни аср қайдиға чекиб, муовидат қилдилар. Ул аснода сипоҳи нусратпаноҳдин Ҳазораспий Бобо бой отдин йиқилиб, отидин жудо бўлди. Ул отни *эрсори*дин Шайх баҳодир деган тутиб миниб, Андхўнинг *ҳоким*иға бу воқеа хабарин еткурди Ул дарҳол Юлдузхоннинг ўғли Найзабек ва Аббосбекни минг киши била оломоннинг изидин қовғунчилиқға буюрди. Ва оломон қовғунчидин бехабар ўз ройича озим бўлиб, Каркига ёвуқ етушгунча дарё қироғи била юриб, қумға кирдилар. Ва Якка қудуқнинг бошиға сафар ойининг бешинчи[2786] куни чоштгоҳ етиб, ғаноимни тақсим қилмоқчи бўлиб ўлтирмиш эрдилар, ул ҳолда қаровуллари хабар еткурдиким «инак[2787] ёв етушти.» Ва барча филҳол отланиб, истиқболға чиқтилар. Лашкари аъдо ҳайъати ижтимо била бир тўпага миниб, саф тортиб, ором тутти. Ва оломони зафарнишон дағи бу тарафдин аларнинг муқобиласида ясов чекти. Ул аснода душман гуруҳи *мерган*ларин илгари чиқариб, *туфангандоз*лиқға иштиғол кўргуздилар. Ва икки тарафдин дағи эровул отлиғлар майданға чиқиб, жавлон қилдилар, токим корзор ҳангомасин қизитғайлар. Ул ҳолда *уйғур* Искандар баҳодирким, шери бешаи корзор ва афзали шужаои номдор эрди, ирқи ғайрати ҳаракатға кириб, баъзи муборизлар била бир овуч туфроқни қўйинлариға солиб, барча бирдин аждаҳои дамон янглиғ ҳамлалар била жиловрез от солдилар. Барчадин илгари

[2784] 1240 йил 10-муҳаррам/1824 йил 4 сентябр.

[2785] Шайбоний Абдуллохон II (в.1598) кўзда тутилмоқда.

[2786] 1240 йил 5-сафар/1824 йил 29 сентябр.

[2787] Инак (асли форсча) – энди, мана энди. Хоразмча бузилган шакли: инанг – мана.

Искандар баҳодир етиб, сипоҳи хазлонпаноҳдин бир шершукуҳ баҳодирниким, мубориз талаб қилиб, майдон ўртасида мутаҳаввирона жавлон қилур эрди, синони жонситон била отдин йиқиб, тиғи бедариғ била бошин баданидин жудо қилди. Ул чоғда муборизлар қўй галласи ичра қурт[2788] дохил бўлғондек, аъдо сипоҳиға аралашиб, шамшири шижоат била сарандозлиғлар зуҳурға еткуруб, мунҳазим қилдилар. Ва пешингача талақиб қилиб, кўпракин тиғи тез дамидин ўткариб, уч юздин кўпрок калла олдилар. От ва яроғдин ул миқдор ўлжа туширдиларким, ҳисобға содиқ ва тахминға мувофиқ келмас эрди. Ва андин мурожаат қилиб, Рафатакка келдилар. Андин озим бўлуб, Чакас тўпасининг усти била дарёйи Ому соҳилиға чиқтилар. Ва андин кўчиб, Қабоқли мавзеиға етганда ўн саккиз кишини суюнчилатиб чопар юбордилар.

Хони жаннатмаконнинг шикор иродаси била рукуб қилғони

Арбоби басоирнинг замоири хуршид назоириға маълум бўлсунким, ҳазрат шаҳаншоҳи мағфиратпаноҳнинг мазожи шарифиға етти ойдин бери касали пурранж торий бўлиб, нотавонлиғ бистариға паҳлузан эрди. Андоқким собиқан ишорат қилинди. Дорушшифои марҳамати илаҳийдин доруи шифо етиб, ул касал сиҳатликка мубаддал бўлди. Чун таждиди макон ва оҳанги шикорким, бадан қувватининг мавжиби ва кўнгул кўзгусининг мусаққалидур, ул ҳазратға хотирхоҳ ва мустаҳсин тушуб, мазкур бўлғон оломонға рухсат бергандин сўнг муҳаррами мазкурнинг авохири[2789]да доруссалтани Хивақдин рукуб қилиб, Ҳазораспда Қутлуқмурод *иноқ* марҳумийнинг ҳавлисиға тушуб, каломуллоҳ хатамоти ва обу ош садақотининг масботидин ул жанобнинг руҳи пурфутуҳиға баҳрамандлиғ еткурди. Андин азимат қилиб, дарёнинг шимолия жонибиға ўтуб ва неча кунлар шикорандозлиқ била кўнглин овлаб, Хонақоҳ ёқишидин ўтиб, Янгиариқ ҳавлиға нузул қилди. Ҳамул кун раби ал-аввал ойининг ғурраси[2790] панжшанба куни эрди. Сўнгги куниким, жума эрди, мазкур оломоннинг суюнчилатиб юборган кишилари Янгиариқда ул ҳазратнинг мулозиматиға фоиз бўлиб, масомеи аълоға хабарларин еткурдилар. Ул ҳазрат ҳамул кун мустақарри хилофатға нузул қилди. Ва оломоннинг баъзиси якшанба куни ва баъзиси душанба куни шаҳарга келиб, остони саодатнишон мулозимати шарафиға истисод топиб, мароҳими хусравонаға махсус бўлдилар. Бу сафарнинг муддати қирқ етти кун эрди. Маълум бўлсинким, бу сафарда *уйғур* Искандар баҳодир душман черикидин уч кишини тиғи шижоат била қатлға еткурди. Ва сипоҳи нусратпаноҳнинг кўпроки икки кишидин мақтул қилдилар. Ва киши ўлдирмаган оломон оздур.

Оллош бийнинг Пойкеит қальасин мусаххар қилиб, дасти тасарруфиға киюрмаки ва анинг элин мамолики Хоразм жонибиға кўчурмаки

Қалами мишкинрақам чобуксавори маоний диёрин бу янглиғ мусаххар қилуркнм, ҳазрат зиллиллоҳи раҳматдастгоҳ умарои зу-л-иқтидор ва шужаои номдордин Оллош *бий* ва Суюн *бий* ва Дўсим *бий* ва Муҳаммадниёз ясовулбоши ва ғайриҳумни *ўзбак* ва *явмут*дин бир гуруҳ мубориз шиор йигит била Бухоро музофотининг турктозиға буюрди. Маъмурлар ҳасб ал-фармони лозим ал-имтинон асбоби сафарни муҳайё қилиб, санаи мазкурда рабиъ ас-соний ойининг авосити[2791] да наҳзат аламин жилваға киргизиб, дарёйи Омудин убур қилиб, шимолия қироғи била азимат якронин гармжавлон қилдилар. Чун қатъи манозилдин сўнг Кўкардали мавзеиға етиб, теваларин ва қўшларин ул мавзеда қўйиб, қумға кириб, Эшма устидин озим бўлдилар. Чун теғи мусориат била қатъи масофат этиб, офати самовий янглиғ Пойкент устидин дохил бўлиб, атроф-жавонибин иҳота қилдилар ва қалъа аҳли дағи дарвозаларни масдуд ва мадрус қилиб, буружу борудин *туфангандоз*лиқға машғул бўлдилар, ул аснода шужаои нусратасар издиҳоми тамом била ҳамлаовар бўлуб, бир ҳамлада қалъаға мутасарриф бўлдилар. Ва қалъа аҳлин аёлу атфол, мавоши-ю амволи била кўчириб, оломони зафартавомон ул ҳаволини тохту-тоз, ғорату торож қилиб, кўп кишини теғи бедариғ дамидин ўткариб ва кўп асир ва ғаноим била мурожиат қилди-

---

2788 Қурт – бўри.
2789 1240 йил 27-муҳаррам/1824 21 сентябр.
2790 1240 йил 1-раби ал-аввал/1824 йил 24 октябр.
2791 1240 йил 14-рабиъ ас-соний/1824 йил 5 декабр.

лар. Ва жумода-л-аввал ойининг авоили[2792] да шаҳарга келиб, остони сипеҳрнишон тақбилиға мушарраф бўлиб, иноёти подшоҳона била сарафрозлиқ топтилар. Ва Пойкент усаросиға ул ҳазрат меҳрибонлиғ кўргизиб, Ҳилоли мавзеида маъво ва мазоре шафқат қилди.

Қутлуқмуҳаммад иноқнинг Вордонзиға чаповул урмоқи. Маълуми хотири ашраф бўлсунким, ҳазрат подшоҳи ғуфронпаноҳ Оллош *бий*ларни чаповулға буюрғон куни Қутлуқмуҳаммад *иноқ* ва Раҳматуллоҳ *отолиқ* ва ғайриҳумни дағи бир бўлак йиғин била чаповулға номзод қилди, токим Бухоро тавобеиға дастбурде еткургайлар. Алар ҳукми воло мавжиби била амал қилиб, мақсад тарафиға равона бўлдилар ва дарёдин убур қилиб, камоли истижол била азимат якронин гармжавлон қилиб, балои ногаҳоний ва қазои осмоний янглиғ Вордонзи ҳаволисидин дохил бўлиб, шижоат қўлин ғайрат остинидин чиқариб, муборизат қиличин жалодат қинидин суғуриб, саромат якронин мубодират майдониға суруб, ул атрофни поймоли чаповул ва дастфарсуди татовул қилиб, кўп кишини тиғи тез ишорати била адам водийсиға юбордилар. Ва кўп улусни иғлоли исорат била мағлул қилиб, ниҳоятдин афзун ўлжаға мутасарриф бўлиб, солиман ва ғониман муовидат кўргизиб, утбаи аъло мулозиматиға етдилар ва авотифи номутаноҳий била ақрону ашбоҳидин мумтоз ва сарафроз бўлдилар.

Оллош бий ва баъзи саркардаларининг Бухоро чаповулиға азимат бодпойин сурмаклари ва фасхи азимат қилиб, инони зафанишонларин Эрдор йўли жонибиға маатуф этиб, ўзларин Ўрус корвониға етурмаклари ва ул корвонни қайтариб, мурожаат қилмоқлари

Сўз хазонининг жавоҳиргустари ва маъни қавофилининг манзилшинос раҳбари, яъни қалами анбаринрақам бу янглиғ гуҳарфишонлиғ кўргузурким, чун ҳамул йил (1240) жумодиссоний ойининг авохири[2793] да ҳазрат соҳибқирони ҳуропосбон[2794] умаро ва саркардалардин Оллош *бий* ва Суюн *бий* ва Дўсим *бий* ва Муҳаммадниёз ясовулбоши ва ғайриҳумни *ўзбак* ва *явмут* ва *човдур*дин саккиз минг нафар черик била Бухоро чаповулиға номзод қилди. Маъмурлар фармони вожибилизон мавжиби била амал қилиб, суръати тамом била мақсад жонибиға озим бўлдилар. Бу аҳвол хилолида хабар еттиким, Ўрусдин кўп корвон чиқиб, Эрдор йўли била Бухороға борадур. Бу мақол тавзиҳи улким, Бухородин кўп корвон савдо учун Ўрус вилоятиға бориб, кўп муддатдин бери Хоразм сипоҳининг таваҳҳуми турктозидин чиқа олмай ётиб эрдилар. Ул учурда Ўрус подшоҳи аларға ўз юртидин кўп корвон қўшиб ва кўп йиғинни бодолға учун асбоби ҳарб ва олоти зарб била мукаммал ва мусаллаҳ қилиб, тўпу тўпхонани ҳам аларға топшириб, корвон аҳлининг муҳофизат ва муҳорисатиға тайин этиб, юртидин чиқариб, Эрдор йўли била Бухороға узотди. Бу хабар даргоҳи сипеҳриштибоҳ мулозимлариға масму бўлғоч, мавқифи аззу жалолдин фармони лозим ал-имтисол иззи исдор топтиким, мазкур бўлғон саркардалар Бухоро азиматин фасх қилиб, корвон қасдиға ҳаракат кўргузгайлар ва аларни Бухоро тарафиға ўткармай ё қуббатилислом Хоразмға келтургайлар ва ё Ўрус мамлакатиға қайтарғайлар. Ва агар қабул қилмай, инод ва саркашлик кўргузсалар, муҳориба ва муқотила амрида саъйи мавфур ва жаҳди номақдур тақдимға еткургайлар. Чун фармони лозимилизон мазкур бўлғон саркардаларга варои Омуда Айритом мавзеиға етганда етушиб, инон инсирофин Эрдор жонибиға масруф тутиб, жалодат якронин суръат майдониға суруб, шайх Абдуллоҳ Норанжонийнинг шарқий тарафидин ўтиб, Пишикли ва Мингбулоқ ва Қуллар қалъасининг усти била қатъи манозил қилиб, Эрдор йўлиға етдилар. Ул йўлда корвонни топмай, андин ўтиб, Чопма йўлиға бордилар. Анда ҳам топмай ўтиб, Қувбу йўлға етдилар. Ул йўлда карвоннинг изин кўриб, маълум қилдиларким, алар бормасдин уч кун бурун ул ердин ўтибдурлар. Ул ерда сакардалар ва аҳли сипоҳ асбоби ҳарб ва олоти зарб била мусаллаҳ ва мукаммал бўлиб, карвоннинг ақабидин илғор қилиб, Бутаколи-Бештўпа деган мавзеда изидин етиб, уруш солдилар. Карвон аҳли аларға тоби муқовимат келтура олмай, бир баланд тўпанинг устига чиқиб, ароба ва юкларидин атрофиға қалъа эгириб қабалдилар. Ва сипоҳи зафарпаноҳ атроф-жавонибин иҳота қилиб, ўн уч кунгача қаттиғ муҳосираға тутдилар. Ва эшитилдиким, айёми муҳосирада карвон аҳли ўтинсизлиқдин бақам[2795] ва коғаз ва қий-

---

[2792] 1240 йил 3-жумода-л-аввал/ 1824 йил 24 декабр.

[2793] 1240 йил 27-жумоду-с-соний/1825 йил 16 феврал.

[2794] Қўриқчиси фариштолар бўлган.

[2795] Бақам – қамиш.

матбаҳо парчаларин ўтға ёқиб, таом пишириб ебдурлар. Чун карвон аҳли кўрдиларким, тўрт тарафдин лашкари ферузийасар қуршоб, нажот йўли масдуддур, охир сулҳға рози бўлиб, Ўруснинг Саркуска деган саркардасин элчи қилиб юбордилар. Ва бу тарафнинг саркардалари дағи ўрта майдонға уй тутдириб чиқдилар. Савол-жавоб, мунозара ва муноқишадин сўнг ўрус элчиси карвонни ўз юртиға олиб қайтмоқ ваъдаси била қайтди. Ва тонгласиким, кавокиб карвони саҳар сипоҳи маҳобатидин адам шаҳристониға юз қўйди, карвон аҳли оғир юкларин ташлаб, суръати тамом била Ўрус жонибиға ҳаракат кўргуздилар. Ул чоғда оломон от солиб, ниҳоятсиз мол ва ўлжаға мутасарриф бўлдилар. Ва карвоннинг изидин тўрт кунгача юруб, Ўрусға ёвуқ элтиб, мурожаат қилдилар. Ва манозили мутакосира қатъидин сўнг шаъбон ойининг авохири[2796] да остони давлатпосбон мулозиматиға мушарраф бўлдилар.

Хони жаннатмаконнинг шикор иродаси била рукуб қилиб, Қўнғрот ноҳнятиға етгани ва табиати ҳумоюниға маразе ориз бўлуб, мурожаат этгани. Ва шаҳзодаи Комрондин элчи келиб, остонбўслиқ шарафин топғони

Чун Оллош бийларни карвон устига номзад қилғондин сўнг султони мағфират нишоннинг кўнгли шаҳбози шикор ҳавосида болафшон бўлиб, ражаб ойининг авоили[2797] да наҳзат самандиға рукуб қилиб, русуми шоҳона ва оийини хусравона била шаҳардин чиқиб, офтоби оламтоб янглиғ аъолий ва асофил муфориқиға дийдори фойиз ал-анвор партавин солди ва дарёйи Омудин убур қилиб, шимолия қироғи била манзил-бамanзил кўчиб, шоҳини шерчангал ва шоҳбози малойикбол била вуҳушу туюрға қирон солиб, Кегайли ва Қаробойли ҳаволисин қушлаб, дарёдин кечиб, Қўнғрот ҳаволисин нузули ижлоли била баҳишт мисол қилди. Ва бир неча кун ул атрофни ободон қушлаб, Хўжаэли навоҳисиға инонтоб бўлди. Ул аснода ул ҳазратнинг мазожи шарофат имтизожиға андак бетоблиғ етушиб, инони саодатнишонин мурожаат тариқиға маатуф этиб, шаъбон ойининг авосити[2798] да дор ал-хилофа тахтгоҳиға нузул қилди. Бу сафарнинг муддати қирқ кун эрди. Бу сафар аснозида Ҳиротдин элчи келиб, остонбўслиқ шарафин топди. Бу ижмол тафсили улким, чун ҳазрат соҳибқирони жаннатмаконнинг сейти салобат ва овозаи маҳобати ақтори оламға интишор топиб, атрофу жавонибдағи вилоятларнинг *ҳокимл*ари тиладиларким, ул ҳазратнинг домани ҳимоятиға иттиҳод ва видод қўлин урғайлар. Ул жумладин Ҳирот мамлакатининг *ҳоким*и олийшон, рафемакон шаҳзода Комрон элчии закийтабъ ва чарбзабон, яъни Ҳакимхон била иттиҳод ва якжиҳатлик бобида муҳаббатнома ирсол қилди. Ва яна даргоҳи оламланоҳға лойиқ туҳфа ва пешкашлар юбордиким, ҳар бирининг наззораси улуввилабсорға мавжиби ҳайрат эрди. Ул жумладин бир қавий ҳайкал филким, фалак фили анинг олдида ожизу залил эрди. Ва мазкур элчи бу янглиғ туҳафот ва тансуқот била келиб, мулозимлар воситаси била борёби суддаи иқбол бўлди.

Бухоро подшоҳи амир Ҳайдарнинг сулҳ талаби била даргоҳи оламланоҳға маъзиратнома юбормакининг ҳолоти ва хони фирдавсмакон анинг илтимосин мабзул тутуб, элчии чарбзабон ирсол қилмоқининг мақолоти

Салотини олам асрорининг маҳрами роздони, мамолики жаҳон маслаҳатининг соиб ар-рой сухандони, яъни хомаи сеҳрпардоз бу янглиғ афсонатирозлиғ қилурким, чун ҳазрат соҳибқирони *жаннатнишон*нинг давлати қоҳира ва ҳиммати мутакосирасининг муовинат ва мададкорлиғи била кўп йиллардин бери Хоразм шужаоси пайдарпай чаповуллар уруб, Бухоро музофотидин кўп қалъа ва кўп элларни харобу нобуд қилдилар, андоқким ҳар ойда уч ё тўрт мартаба ул вилоятнинг атроф-жавонибидин шери ғўррон ва балои ногаҳон янглиғ дохил бўлиб, қатлу торож амрида дақиқае номаръи қўймадилар ва яқин эрдиким, сипоҳи нусратпаноҳнинг тунбоди турктозидин Бухоро мамолики харобу вайрон бўлғай, охириламр амир Ҳайдар бу давлати абадмуддатнинг мухосимат ва мухолифати таркин тутиб, мувофиқат ва дўстлиғ изҳор қилиб, ажзу инкисор юзидин маъзиратнома ирсол қилди. Бу мазмун билаким «Олийҳазра-

---

[2796] 1240 йил 27-шаъбон/1825 йил 16 апрель.

[2797] 1240 йил 3-ражаб/1825 йил 21 феврал.

[2798] 1240 йил 14-шаъбон/1825 йил 4 март.

ти сипеҳр мартабат, Искандар шавкат, Сулаймон ҳашмат биродари гиромийнинг замири байзотахмирлариға макшуф бўлсинким, биз худ барча қилғон мухолифат ва кирдори нописандидамиздин нодим ва пушаймон бўлиб, мувофиқат урват ал-васақисиға ихлос ва эътиқод қўлин еткурубмиз, ул ҳазратдин илтимосимиз буким, алар дағи хотири хатирларидин барча кудуротни рафъ қилиб, Бухоро музофоти чаповулиға оломон буюрмасалар. Токим фуқаро ва раоё фориғилбол ва марқаулҳол бўлғойлар. Ва агар мақсадлари Бухоро шаҳрининг тасхири бўлса, анинг зимоми ҳукумат ва инони аморатин ҳам ул ҳазратнинг қабзаи қудратиға тафвиз қилдуқ. Ва агар шаҳардин чиқсун, деб амр қилсалар, жонға миннат тутиб, фармони лозим ал-имтинон мавжиби била амал қилоли.» **Маснавий:**

Неким ҳукм айласа шоҳи фалакжоҳ,
Эрур бизга ҳамул матлубу дилхоҳ.
Агар қаҳр айласа ё худ иноят,
Эрур иш бизга тутмоқ жонга миннат.

Бу нома шаъбон ойининг авохири[2799] да остони сипеҳрнишон мулозимлариға етди. Иттифоқо, ул овонда соҳибқирони мағфиратнишоннинг мазожи шарифиға касал заъфи муставлий бўлуб, ойинаи хотиридин кина ва хусумат зангин билкулл маҳв қилиб, мухолифат таркин ва мувофиқат иртикобин изҳор қилиб, мавосо этмак ва ярашмоқ муддаоси била амир Ҳайдарга элчи юбормакчи эрди, амири мазкурнинг юборган номаси бу амрга муқавво бўлиб, ул ҳазрат анинг илтимосин мабзул тутиб, иттиҳод ва видод изҳори била асолатмаоб, фаросатинтисоб Норбекни мазкур ойининг салхида элчи қилиб, Бухороға ирсол этди. Ул мавосо ва дўстлиғ биноси ҳанузғача мушаййид ва мустаҳкамдур.

Соҳибқирони мағфур ва шаҳаншоҳи мабрурнинг зоти хужаста сифотиға беморлиғ иштидоди истило топғони ва оламий боқийға азимат кўргизиб, жаҳони фонийдин кўз ёпғони. Ва ул ҳазратнинг ахлоқи ҳамидасидин шамае зуҳурға еткурмок ва сипеҳри дун ва жаҳони буқаламун шикоятидин лаҳзае нукта сурмоки

Бу мотамномани қилгон нигориш,
Бу гам иншосига берган гузориш.
Ёқо ҳасрат қўлидин айлаган чок,
Сиришк ила варақ сатҳини намнок.
Ки яъни хомаи бокий ва нолон,
Бу гам шарҳида айлар бейла афгон.

Чун ҳазрат подшоҳи жаннатжойгоҳ Қўнгрот ноҳиятин сайру шикор қилиб келгандин сўнг касал кункундин мазоиф ва мутазоид бўлди. Хусусан, Норбекни сифорат расми била Бухороға ирсол қилғондин сўнг иштидоди дард ва истилои мараз ул миқдор ғалаба қилдиким, жисми руҳтимсоли нотавонлиғ бистариға йиқилди. Ҳар нечаким ҳукамои фотонатосор ва утиббои ҳазоқатшиор муолижа ва мудавво қилмоқда саъйи машкур ва кушиши номақдур тақдимға еткурдилар, нафе ва фойдае мутартиб бўлмади. Балки кун-бакун, лаҳза-балаҳза мараз суубати ва заифлиғ шиддати қавий ва афзун бўлиб, Товуқ йили санаи мазкурда рамазон ойининг ўн тўққизинчи[2800] оқшомиким, шанба кечаси эрди «раббинг олдига рози ва хушҳол бўлган ҳолда қайт[2801]» нидосин сомаи изон била масму этиб, жаҳони фонийдин риҳлат кўргизиб, «оллоҳ тинчлик диёри – жаннатга даъват қилур[2802]» зиёфатхонасиға озим бўлди. **Назм:**

Фарёд ки бу сипеҳри жаллод,
Изҳор этибон жафову бедод.

[2799] 1240 йил 27-шаъбон/1825 йил 17 март.
[2800] 1240 йил 19-рамазон/1825 йил 8 май.
[2801] Қуръони карим, 89 : 28.
[2802] Қуръони карим, 10 : 25.

Султони жаҳон вафоти бирла,
Солди эл аро фиғону фарёд.
Рўзий қилибон ғами мусибат,
Бир кимса жаҳонда қўймади шод.

Ул ҳазратнинг наъши жаннатосори зубдаи авлиёйи изом, қудваи атқиёйи киром, маҳрами даргоҳи малаки вудуд ҳазрат Паҳловон Маҳмуд *қоддаса сирроҳу-л-азиз*нинг хонақоҳидаким, ул хонақоҳ ва зиёратгоҳ ул ҳазратнинг меъмори ижтиҳоди била бино топиб, гунбази рифъатнишони фалак тоқиға сояафкан ва қуббаи дарахшони қуёш шаашшасиға таъназандур, ўзи учун бино қилдурғон жойда мадфун бўлди. Ул ҳазратдин етти соҳиби жоҳ, давлат дастгоҳ ўғул ёдгор қолдиким, ҳар бири ахтари тобандадур асолат ва манзилат осмонида. Ва гуҳари рахшондур шавкату узмаи уммонида. Аларнинг асомии майманат анжоми бу тартиб биладур: олийжоҳ, рафежойгоҳ, жалолатосор, маъдилатшиор, Искандарнишон, Сулаймонмакон, ҳодими бунён ал-бидъат ва-исён, босити бисот ал-амн ва-л-омон Абулғози Оллоҳқули Муҳаммад Баҳодирхон *тавваллаллоҳу айёма салтанатиҳи* ва аморатмаоб, аёлотинтисоб, ягонаи аҳли офоқ Раҳмонқули *иноқ рафааллоҳу аълома манзилатиҳи* ва шаҳзода Худойқули *тўра*ким, ул йигирма олти ёшида сана 1254 [ҳижрий йил]да вафот топти ва Саййид Маҳмуд *тўра* ва Саййид Аҳмад *тўра* ва Саййид Муҳаммад *тўра* ва Тангриқули *тўра заййадаллоҳу таоло умраҳум ва давлатаҳум.*

Фатонат аҳлининг замоири зибасоириға маълумдурким, ул ҳазратнинг зоти хужастасамоти ақлу бийнеш зевари била ораста ва сифоти фархундаоёти идрок ва дониш жавҳари била пийроста эрди. Ала ад-давом жаҳонгирлик муддаоси била атрофи оламға сипаҳ чекиб ва ғайрат қиличин аъдо бошиға еткуруб, кўп мамлакатни таҳти тасарруфиға киюрди. Ҳамиша жаҳду кушиши адолат баҳоридин жаҳон бўстонин сарсабз ва хуррам қилмоқ ва саховат нуқуди била олам аҳлин фақру фоқа шиддатидин беғам этмак эрди. Ва ҳамиша адлу дод бирла халойиқға навозишлар еткуруб, шариат аҳкомиға ақсо ал-ғояда ривож берур эрди. Анинг айёми давлатида фуқаро ва раоё фориғилбол ва осудаҳол бўлиб, барча илму фазлу ҳунар иктисобиға майл кўргуздилар. Ва суҳбати кимиё хосиятида ҳаргиз ҳашву лағву фаҳшу дашном бўлмас эрди. Ва аксар мажлисда уламову фузала ва зурафову шуаро била ҳамнишин бўлиб, китобхонлиғ ва маънийшунослиғ ва латифагўйликдин ўзга ишга майл кўргузмас эрди. Уббоду зуҳҳод жамоасиға дағи бағоят ихлосманд ва муътақид эрди. Ва мамолики маҳрусадин барча мунҳиёт ва номашруъ ишларни билкулл маъдум қилиб, яхши расмлар ва писандида қоидалар зуҳурға еткурди. **Назм:**

Агар барча ахлоқи марғубини,
Сифоти хушу одати хубини.
Ўтирсам туну кун қилурға рақам,
Ёза олмағум мингидин бирни ҳам.

Ул ҳазратнинг муддати умри эллик йил ва айёми салтанати йигирма йил эрди. *Тағамадаллоҳу бимағфиратиҳи.* **Назм:**

Чарх Золиким басе маккор эрур,
Золиму бераҳму кажрафтор эрур.
Доимо макру ҳиялдур пешаси,
Халқға бермак фириб андешаси.
Ҳайъатидин ошкоро шумлиқ,
Ҳам хиромидин аён мейшумлиқ.
Кимниким кўрмаса азизу комрон,
Қасди хор этмак дурур ҳам нотавон.
Ким эса мақсад ҳусули била шод,
Фикри ани айламакдур номурод.
Меҳр зоҳир айлабон кимга даме,
Қилса ишрат бодасининг ҳамдами.
Тўлтуруб ҳасрат майини жомиға,
Зулм бирла қуйғай охир комиға.

Даҳр аро борча гадову шоҳга,
Йўқ гадову шоҳ, халқуллоҳга.
Ҳийласидин ийман ўлмоқ йўқтурур,
Зулми чангидин қутулмоқ йўқтурур.
Ҳам жаҳондур қаҳбаи пурошно,
Бебақову бевафову беҳаё.
Жомаи ранго-ранг кийган нав-банав,
Бевафолиғ бирла ўтган шав-башав.
Арз этиб юз зеб ила ҳусну жамол,
Зоҳир айлаб минг тумон ғанжу далол,
Иш ангадур элни мафтун айламак,
Ишқида шайдову мажнун айламак.
Чунки айлаб ишваи беинтиҳо,
Ғояту ҳаддин фузун нозу адо.
Кимниким ўзига шайдо айлади,
Ақл ила ҳушини ягмо айлади.
Васлидин бир заррадек ком олмайин,
Кўз жамолига замоне солмайин.
Юз жафо бирла солиб ҳижронига,
Тортар охир қатл тегин жонига.
Чунки бирни бу сифат зору залил
Айлаб, этди зулм тиғидин қатил.
Яна бирнинг қасдиға бел боғлағай.
Ани ҳам ҳасрат ўтиға доғлағай.
Мухтасар буким бори аҳли жаҳон,
Зулмин анинг кўрмайин қолмас омон.
Бу ки, бу икки ёмоннинг шиквасин,
Яъни афлоку жаҳоннинг шиквасин.
Ёзголи ҳар ён қалам сурган далир,
Тушгуси олам элига дилпазир

Негаким бордур фалак бирла жаҳон,
Зулм этарда бир-бирисидин ёмон.
Йўқ алардин юз жафолар кўрмаган,
Меҳнату дарду балолар кўрмаган.
Не алар зулмидин ийман анбиё,
Не даме осудадилдур авлиё.
Борча оламгир султонларга ҳам,
Соҳиби иқбол хоқонларга ҳам.
Айлабон зулму ситам изҳорини,
Қўймадилар бирининг осорини.
Гар киши минг йил жаҳонда бўлса шоҳ,
Маснади иззат анга оромгоҳ.
Остонида бўлуб шаҳлар ғулом,
Кирса ҳукмига жаҳон мулки тамом.
Оқибат борини тарк этгусидур,
Юз тумон армон била кетгусидур.
Оқил улким даҳрдин силкиб этак,
Урса тажриду қаноат сори так.
Тарк тутса ҳар на йўқу борини,
Балки ўзлук бори-ю осорини.
Айласа маскан фано майхонасин,
Қилса нўш ўфодалиғ паймонасин.
Бўлса мадҳуш айлаким билмай ўзин,
Очмаса то ҳашр қўпгунча кўзин.
Бу дурур маъни элига шоҳлиғ,
Давлату иқболу соҳибжоҳлиғ.
Соқиё, бер косаи озодалиғ.
Лаб-балаб айлаб майи афтодалиғ.
То ичиб ани ҳаловат айлайин,
Лаҳзае майли фароғат айлайин.

КЎРСАТКИЧЛАР

Киши исмлари кўрсатгичи

Жой номлари кўрсаткичи

Уруғ аймоқ, эл элатлар номи

МУНДАРИЖА

Тарихий-адабий нашр

МУНИС ВА ОГАҲИЙ

ФИРДАВС УЛ-ИҚБОЛ
(БАХТУ САОДАТ ЖАННАТИ)

Муҳаррир
Анвар НАМОЗОВ

Техник муҳаррир
Вера ДЕМЧЕНКО

Бадиий муҳаррир
Баҳриддин БОЗОРОВ

Мусаҳҳиҳ
Наврўз БЕКМУРОДОВ

Саҳифаловчи
Феруза БОТИРОВА

Босишга 26.11.2010й.да рухсат этилди. Бичими 84х108 1\16.
Босма тобоғи 32,5. Шартли босма тобоғи 54,60.
Гарнитура «Lex Times Cyr+Uzb». Офсет қоғоз.
Адади 300 нусха. Буюртма № 81.
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.
«El-Press» MCHJда босилди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:
Нашр бўлими – 278-36-89; Маркетинг бўлими – 128-78-43
факс — 273-00-14; e-mail: yangiasravlodi@mail.ru